

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг  
30 йиллигига бағишланади*



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ОДИМЛАРИ


ЎҚУВ ҚўЛЛАНМА



*Ўзбекистон Республикаси  
давлат мустақиллигининг  
30 йиллигига бағишланади*

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ОДИМЛАРИ

*Ўқув қўлланма*



УЎК:323:33(575.1)

КБК: 66.3(5Ў36)

Ў 32

Янги Ўзбекистон: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш одимлари. Ўқув қўлланма. – Т.: «Маънавият», 2021. – 792 бет.

ISBN 978-9943-04-414-2

Эътиборингизга тақдим этилаётган ушбу ўқув қўлланмада жамият ва давлатни барқарор ривожлантириш бўйича устувор дастурий ҳужжат бўлган Ҳаракатлар стратегияси доирасида бошланган, мамлакатимиз равнақини сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтариш ва янги Ўзбекистонни барпо этиш. Учинчи Ренессансга мустаҳкам асос яратишга қаратилган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, реал далиллар ҳамда таҳлилий маълумотлар асосида атрофлича баён этилган.

Ўқув қўлланма мамлакатимиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, магистрантлар, талаба ва ўқувчи ёшлар шунингдек, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Нашр учун масъул ижодий гуруҳ:**

*проф. А.Х. Тошқулов, проф. К.А. Шарипов, проф. М.П. Эшов*

**Тақризчилар:**

*Қ.Х. Абдураҳмонов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор;*

*Н.Х. Жумаев – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.*



## МУНДАРИЖА

КИРИШ ..... 8

### I Б О Б

#### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИҚТИСОДИЁТНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ

*проф. М.П. Эшов, проф. Б.Б. Беркинов, доц. Л.Ф. Амиров, доц. М.Т. Асқарова*

- 1.1. Ўзбекистон иқтисодиётининг институционал таркиби ва уни ривожлантириш йўналишлари ..... 12
- 1.2. Институтлар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий тизимлар ривожланишидаги роли .. 18
- 1.3. Хусусий мулкчилик ва улар ривожланишининг институционал механизмлари ..... 33
- 1.4. Маҳалла институтида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун кластер механизмини жорий этиш ..... 40
- 1.5. Мактабгача таълим тизимида давлат-хусусий шериклик институти лойиҳа концепцияларини ишлаб чиқиш хусусиятлари ..... 45

### II Б О Б

#### МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК – ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

*доц. М.Т. Асқарова, проф. Н.М. Махмудов, ассист. Ж.Ж. Жамолов*

- 2.1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш сурагларини сақлаш ..... 56
- 2.2. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш йўналишлари ..... 71
- 2.3. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шартлари..... 80
- 2.4. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда фискал ва мониторинг сиёсатини мувофиқлаштириш зарурати ..... 85
- 2.5. Инфляцион таргетлаш режимини қўллаш – макроиқтисодий барқарорлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг зарурий шarti ..... 90

### III Б О Б

#### ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, БАНК ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАМДА ХАЛҚАРО КРЕДИТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

*проф. Б.Т. Бердияров, доц. И.Р. Тоймухамедов, PhD Хайдаров У.А.*

- 3.1. Пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ..... 101
- 3.2. Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари ..... 114
- 3.3. Ўзбекистонда валюта сиёсатини эркинлаштириш ва валютани тартибга солиш йўналишлари ..... 129
- 3.4. Хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш ..... 141

**IV Б О Б**

**МАМПАКАТДА ФИСКАЛ СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*проф. А.У. Бурханов, доц. Б.К. Тухлиев, проф. М.И. Алимарданов, доц. Х.А. Қурбонов, доц. Қ.Т. Базаров, доц. Х.Х. Худойқулов, доц. Б.А. Рахматуллаев*

4.1. Бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларнинг аҳамияти ва кейинги йилларда олиб борилган ислоҳотлар.....	160
4.2. Бюджет харажатлари .....	174
4.3. Бюджет – солиқ соҳасидаги ислоҳотлар .....	186
4.4. Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш .....	208
4.5. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш .....	220

**V Б О Б**

**ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ АСОСИДА ЮҚОРИ КЎШИЛГАН ҚИЙМАТЛИ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**

*проф.М.А. Юсупов, доц. Б.Д. Хажиев, доц. Б.Э. Мамарахимов*

5.1. Худудларнинг иқтисодий салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш .....	240
5.2. Худудий ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш ва унинг ўзига хос хусусиятлари .....	247
5.3. Маҳаллийлаштириш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш .....	266
5.4. Маҳаллийлаштириш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш .....	277

**VI Б О Б**

**ИҚТИСОДИЁТДА СОҒЛОМ РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ КОМПАНИЯЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

*доц. И.С. Хотамов, доц. М.С. Юсупов, доц. М.М. Абдурахмонова*

6.1. Соғлом рақобатни таъминлаш ва монополияни чеклаш – иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари сифатида .....	290
6.2. Давлат компанияларини хусусийлаштириш ва трансформация қилишнинг зарурияти, тамойиллари ва тартиби .....	300
6.3. Давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарни хусусийлаштириш босқичлари ва эришилган натижалар .....	306
6.4. Давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва трансформация қилишни жадаллаштириш истиқболлари: муаммо ва ечимлар .....	316
6.5. Монополияга қарши комплаенс назорат тизимини жорий этиш .....	324

**VII Б О Б**

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ**

*доц. Б.Д. Хажиев, проф. У.В. Гафуров, PhD Қ.Б. Шарипов*

7.1. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши .....	332
7.2. Қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш орқали кичик бизнес субъектлари фаолиятининг қўллаб-қувватланиши .....	339

7.3. Янги Ўзбекистон: Президент Мурожатномаси ва Ҳаракатлар стратегиясида қулай ишбилармонлик муҳитини янада кучайтириш йўналишлари .....	352
---	-----

**VIII Б О Б**

**РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ҲАМДА ТЕХНОПАРКЛАР ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ**

*проф. Б.Т. Салимов, доц. И.С. Хотамов, ассист. М.К. Олимов*

8.1. Эқрин иқтисодий зона, технопарк ва кичик саноат зоналарининг моҳияти ва вазибалари .....	367
8.2. Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	375
8.3. Республикада фаолият кўрсатаётган кичик саноат зоналарининг ҳозирги ҳолати таҳлили .....	381
8.4. Тошкент шаҳрида технопаркларни яратиш шарт-шароитлари ва омиллари.....	385
8.5. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилишининг зарурати ва меъёрий-ҳуқуқий асослари.....	393
8.6. Мамлакатимизда фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналар ва уларни ривожлантириш истиқболлари.....	396

**IX Б О Б**

**САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТГА ЭГА БЎЛГАН РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ**

*доц. А.А.Ядгаров, доц. М.Ф.Махмудов, катта ўқит. Ғ.Т. Юлдашев*

9.1. Мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашда саноатда юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари .....	404
9.2. Рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда инвестицион лойиҳаларни кўпайтиришнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти.....	409
9.3. Яшил иқтисодиётга ўтиш шароитида саноат тармоқларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари .....	416
9.4. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда саноат кластерларининг ташкил этилиши .....	423
9.5. Ҳудудларда саноатни ривожлантиришда ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишлари .....	429

**X Б О Б**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАРМОҒИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ**

*PhD Л.Ф. Амиров, доц. С.Р. Топилдиев, доц. Қ.Б. Шарипов*

10.1. Аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти ва бу борада Ўзбекистон глобал рейтингларда ўз мавқеини яхшилаб бориши .....	441
10.2. Мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги тармоғининг ўрни ва аграр соҳада амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий натижалари .....	452
10.3. Аграр соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш механизмини такомиллаштириш .....	459
10.4. Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти улушини ошириш йўллари .....	466

- 10.5. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари ..... 473
- 10.6. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари ..... 484

**XI Б О Б**

**КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ**

*доц. А.Б. Хайитов, катта ўқит. Н.Р. Саидов, Х.Ш. Эгамов*

- 11.1. Мамлакатда камбағал аҳоли мавжудлиги расман қайд этилишининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ..... 500
- 11.2. Давлат дастурлари доирасида аҳоли таркибида камбағалликни қисқартиришнинг фаол йўналишлари ..... 508
- 11.3. Глобал пандемия даврида кафолатли иш билан бандлик – камбағалликни қисқартиришнинг самарали йўли ..... 519
- 11.4. Минтақавий муаммолар ва аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш ва турмуш даражасини ошириш ..... 530
- 11.5. Камбағалликни қисқартиришнинг хорижий тажрибалари ..... 539

**XII Б О Б**

**ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ДАВРИДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ**

*проф. Г.Қ. Абдурахманова, доц. И.А. Бакиева, катта ўқит. С.П. Қурбонов*

- 12.1. Инсон ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий инновацион ривожланиш имкониятлари ..... 550
- 12.2. Рақамли трансформациялашув жараёнида инсон ресурсларига қўйилаётган янги талаблар ..... 560
- 12.3. Инсон ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш йўналишлари ..... 577

**XIII Б О Б**

**ТУРИЗМ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШИ: МУАММОЛАР, ИСЛОҲОТЛАР ВА НАТИЖАЛАР**

*доц.М. Амонбоев, PhD С.Халилов*

- 13.1. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг имкониятлари ва самарали бошқариш механизми ..... 589
- 13.2. Янги Ўзбекистон – туризм имкониятларининг ўзига хос хусусиятлари ..... 596
- 13.3. Худудларда туризм индустриясини ривожлантириш истиқболлари ..... 608
- 13.4. Туризм соҳасини ривожлантириш истиқболлари ..... 616

**XIV Б О Б**

**ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.**

*проф. Б. Каланов*

- 14.1. Ўзбекистонда транспорт тизимини ривожлантириш истиқболлари ..... 624
- 14.2. Транспорт соҳасини ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ..... 631

14.3. Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда чет эл инвестицияларининг аҳамияти .....	643
14.4. Транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар.....	648
14.5. Автомобиль транспорти инфратузилмасини ривожлантириш истиқболлари .....	650

**XV Б О Б**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ: ГЛОБАЛ ТЕНДЕНЦИЯЛАР, ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК, ИМКОНИАТ ВА ХАВФ-ХАТАР**

*доц. Н.С. Исмаилова, доц. Д.Ю. Хужамкулов, доц. Д. Эргашев,  
доц. У. Дадабаев, доц. Б. Қурбонов*

15.1. Глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари, ривожланишининг ҳуқуқий, институционал ва иқтисодий асослари .....	662
15.2. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишининг асосий тенденциялари, уни таъминлашда миллий, минтақавий ва халқаро ҳамкорлик муносабатларининг аҳамияти .....	678
15.3. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг ривожланишида минтақавий ва халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик имкониятлари ва истиқболлари .....	694
15.4. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишига глобал таҳдидлар ва уларни ҳамкорлик асосида бартараф этиш имкониятлари.....	700

**XVI Б О Б**

**ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

*доц. Б.Д. Хажиев, доц. М.К. Абдуллаева, ўқт. У.М. Зокирова*

16.1. Шарқий Ренессанс ва Марказий Осиё.....	714
16.2. Иккинчи Шарқий Ренессанс.....	720
16.3. Ўзбекистонда – уйғониш даврининг бошланиши .....	729
16.4. Илм-фаннинг глобал миқёсда рақобатдошлигини ошириш имкониятлари .....	739
ГЛОССАРИЙ .....	754
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	778







## КИРИШ

Бугунги кунда янги Ўзбекистон ибораси халқимизнинг кундалик қадриятига айланмоқда. Чунки мамлакатимизда Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жамият ҳаётининг барча соҳасида янгилашиш ҳамда ривожланишга олиб келди.

Бундан беш йил муқаддам мамлакатимизда бошланган кенг кўламли ва шиддатли ислохотлар жамиятимиз ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириб, Ўзбекистонни жаҳонга янги қиёфада намоён қилди. “Янги Ўзбекистон” ибораси пайдо бўлгани, у халқаро майдонда реал ижтимоий ҳодиса сифатида эътироф этилаётгани, Республикаимизда юритилаётган сиёсатнинг нақадар тўғри ва пухта эканини яққол тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Доннёроннинг “Маълумки, кейинги беш йил давомида мамлакатимизда кенг миқёсидаги демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. “Янги Ўзбекистон” деган тушунча реал воқеликка айланмоқда. Сиз давлат бошлиғи, ана шу ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ташаббускори ва уларнинг марказида турган ислохотчи раҳбар сифатида бу янгиланишларнинг мазмун-моҳиятини биринчи навбатда нималарда кўрасиз?” дея берган саволига қуйидагича жавоб бердилар:

– “Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган

ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир”.

Ўқув кўлланмада жамият ва давлатни барқарор ривожлантириш бўйича устувор дастурий ҳужжат бўлган Ҳаракатлар стратегияси доира-сида бошланган, мамлакатимиз равнақи сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтариш ва янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессансга мустаҳкам асос яратишга қаратилган туб демократик ислохотлар ҳолати, истиқболлари мақсад ва вазифалари ҳар томонлама ёритилган.

Давлатимиз раҳбари таклифига кўра, 2021 йил Ўзбекистон тараққиётида “тарихий бурилиш нуқтаси” бўлган мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” деган эзгу гоя асосда нишонланади.

Ислохотларнинг беш йиллик дастури бўлган Ҳаракатлар стратегияси шундай пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни рўёбга чиқариш вазифасини кўйдик, у давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон агрофида хавфсизлик, барқарорлик ҳамда яхши кўшничилик камарини яратиш, унинг халқаро имиджини мустаҳкамлаш йўналтирилгандир.

Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва бугун ижобий натижаси яққол кўринаётган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси босқичма-босқич, тадрижийлик тамойилига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилаётганига ҳаётимиз ёрқин далилдир. Буни нуфузли халқаро экспертлар ҳам эътироф этмоқда. Уларнинг фикрича, янги Ўзбекистондаги янги ислохотлар том маънода изчиллик ва уйғунлик пойдеворига қурилган.

Мамлакатимизда иқтисодийёт ва инфратузилмани ривожлантириш, долзарб лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида фаол инвестициявий сиёсат олиб борилмоқда. 2017 йилдан бошлаб барча манбалар ҳисобидан 716 триллион сўм (83 миллиард доллар) ёки олдинги даврга нисбатан 2 баробардан зиёд инвестициялар ўзлаштирилган. Шундан қарийб 27 миллиард долларини хориждан жалб қилинган маблағлар ташкил этади.

Ўзлаштирилган инвестицияларнинг деярли 65 фоизи саноат ва инфратузилма лойиҳаларига тўғри келади. Натижада, сўнгги 4 йилда мамлакат ЯИМ таркибида саноатнинг улуши 25 фоиздан 33 фоизга, саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,3 баробарга ўсган.

Ушбу даврда 441 триллион сўмлик 47 мингдан зиёд йирик, ўрта ва кичик лойиҳалар ишга туширилиб, 680 мингдан ортиқ доимий янги иш ўринлари яратилган.

Хизматлар соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича ўз ечимини кутаётган муаммоли масалаларни ҳал қилиш, мазкур йўналишда тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасига қаратилаётган эътибор туфайли мазкур йўналишда ҳам ривожланиш кузатилмоқда. Хусусан, 2020 йилда кўрсатилган жами хизматларнинг 112 триллион 743,5 миллиард сўми ёки 51,5 фоизи кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор туфайли уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Чунончи, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, юртимизда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз) 411 203 тага етиб, 2017 йилга нисбатан 181203 тага ёки 178,8 фоизга кўпайган.

2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз яши ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 53,9 фоизни ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз экспортида ҳам муҳим ўрин тутиб, улар томонидан 2020 йилда 3 миллиард 100,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот (товар, ишлар ва хизматлар) экспорти амалга оширилди бу – 2017 йилга нисбатан 341,3 миллион долларга кўпайди демоқдир.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳам кичик тадбиркорлик субъектларининг ўрни ниҳоятда сезиларли ва аҳамиятли бўлиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда жами банд аҳолининг 75,1 фоизи айнан шундай субъектлар томонидан иш билан таъминланганини алоҳида кайд этиш лозим.

Таркибий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришга қаратилган. Давлат активларини очиқ-ошкора ва самарали сотиш учун халқаро молиявий ҳамда ҳуқуқий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда, қатор корхоналарни хусусийлаштиришга оид кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Бизнес юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислохотларни изчил давом эттириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш учун зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминламоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига қўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларни рағбатлантириш, уларнинг муносиб даромад олиши учун қўшимча шароитлар яратиш борасида олиб борилаётган ишлар янги босқичга олиб чиқилди.

Бугун камбағаллик даражасини аниқлаш ва уни қисқартириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни белгилаш, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш мамлакатимиздаги ислохотларнинг бош мақсад ва вазифаларидан бирига айланди. Бу ишлар кўр-кўрона, рақам ва қогозбозлик учун эмас, балки уйма-уй, маҳаллама-маҳалла юриб, ҳар бир фуқаронинг дардига қулоқ тутган ҳолда амалга оширилаётгани ўз натижасини берапти.

Мураккаб пандемия шароитида давлатимиз томонидан иқтисодий тармоқларини ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижаси сифатида иқтисодий барқарорликни, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳамда иш ўринларини сақлаб қолишга эришилди.

Умид қиламизки, мазкур ўқув қўлланмада ёритилган мавзулар билан танишиш натижасида ўқувчи янги Ўзбекистонни барча соҳалари ҳамда тармоқларини янада ривожлантириш бўйича сўнги беш йилда изчил равишда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳолати ва истиқболлари, мақсад ҳамда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида тўлақонли тасаввурга эга бўлади.





## І Б О Б

### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИҚТИСОДИЁТНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ

#### 1.1. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАРКИБИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ


Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар жараёнида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзгаришларга эришилди, иқтисодиётнинг янги хўжалик юритувчи субъектлари – йирик акциядорлик жамиятлари, холдинг компаниялар ва хусусий мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар ташкил этилди. Шу билан бирга улар фаолият юритиши шартларини белгилаб берувчи расмий қондалар (конституция, қонунлар, фармонлар ва бошқалар) ҳамда миллий кадриятлар, урф-одатлар ва бошқа норасмий нормаларни ўз ичига олган институционал муҳит ҳамда мамлакат иқтисодиётининг институционал таркиби шаклланди. Шаклланган институционал муҳит базавий таркибининг асосини халқнинг турмуш тарзини, урф-одатларини, диний эътиқодларни ҳисобга олувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар, вазирлик ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил қилади (1.1-расм). Бу жамиятда мулкчилик, ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатларининг бозор иқтисодиётига ўтиши, моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга кучли таъсир кўрсатди.

Шу билан бир қаторда, ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни институционал ривожлантириш йўналишида ҳал этилиши лозим бўлган, ўз ечимларини қутаётган, янги Ўзбекистоннинг тараққий этишига тўсқинлик қилаётган муаммолар, вазифалар мавжуд. Гап шундаки, ҳар қандай давлат ва жамият, унинг иқтисодий агентлари маълум бир институтлар доирасида фаолият юритади ва ривожланиб боради. Вақт ўтиши билан ўша институтлар ички ривожланиш талаблари ва ташқи омиллар таъсири остида «эскиради», улар тараққиётга тўсик бўлиб қолади. Шундай ҳолатларда мавжуд институтлар ва институционал нормаларни такомиллаштириш ёки улар ўрнига янгиларини киритиш лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда Ўзбекистон

Президенти Шавкат Мирзиёев Фармонлари, Қарорлари орқали институционал нормалар ҳамда механизмлар такомиллаштирилди ва янги институтлар жорий қилинди. Шу билан бир вақтда хўжалик фаолиятини юритиш ҳамда ривожланишини белгилаб берувчи расмий қондалар ва нормаларни ўз ичига олувчи янги институционал муҳит шаклланди. Янги институционал муҳитда Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишини белгиловчи умумий институционал модель сифатида мулкчиллик, ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатларига ҳамда янги бошқариш тизимининг барпо этилишига моддий, табиий, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш иқтисодий тараққиётни тезлаштирмоқда. Нагигада мамлакатимиз олимлари иқтисодий ривожланиши босқичма-босқич барқарорлашди ва юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда [1].

Институционал нормалар ва механизмлар иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи омиллар самарадорлигини оширишга асос яратиши билан бирга, узоқ истиқболда иқтисодий ўсишга янада кенг шароит очиб бермоқда. Институционал муҳитни шаклланиши билан боғлиқ муаммолар ҳамда институционал чекловларни юзага келиши ёки институционал нормаларнинг «эскириши» жараёнлари тўхтади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да давлат ва жамият қурилиши тизимини янада такомиллаштириш бўйича 7 та янги қонун қабул қилиш, 15 та амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали давлат ҳамда жамият бошқарувида янги институционал – ҳуқуқий нормалар кирити-



1.1-расм. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг институционал таркиби  
М а н б а : муаллифлар ишланмаси

тилган ҳам мавжудлари такомиллаштирилган. Шу билан бир вақтда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, «Сўнгги тўрт йилда барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш бўйича 150 та қонун, 2 мингга яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди. Лекин жойларда барча раҳбарлар ҳам ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушуниб, берилган имкониятлардан фойдаланмоқда, аҳоли ва тадбиркорларга зарур шарт-шароит яратмоқда, деб айта оламиз»<sup>1</sup>. Ўзбекистон Президентининг ушбу йўналишда билдирган фикрлари Янги Ўзбекистон ривожланишининг муҳим устувор вазифаларидан бири сифатида мамлакат иқтисодиёти институтларини янада ривожлантиришни кўзда тутди. Ушбу йўналишдаги вазифаларни самарали ҳал этиш мавжуд институционал муҳитнинг янада такомиллаштирилишига, амалдаги назорат тизимини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши ва сезишига имконият яратади.

Шу билан бирга, ўрта ва узоқ истиқболда иқтисодий ривожланишнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ҳамда аҳоли турмуш сифатининг юксалиб боришга ижобий таъсир этувчи иқтисодий ривожланишнинг янги жиҳатлари намоён бўлишини билиш муҳим ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олганда, мамлакатимизда шаклланган институционал муҳит сифатини иқтисодий ривожланишга ҳамда институционал ўзгаришларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишни рағбатлантирувчи институционал нормаларни такомиллаштириш ўта долзарб ва янги иқтисодий ривожланиш нуқталарини топиш ҳамда модернизациялашни кенгайтириш учун зарур ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, мавжуд институционал нормалар ва механизмларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги, улар ўртасида юзага келган номуаносибликлар, узилишларни аниқлаш ва янги ёки таркибий жиҳатдан такомиллашган институтлар, институционал қоидалар ва механизмларни амалга киритиш зарур ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳозирги кунда айрим шаклланган, кундалик ҳаётда фойдаланилаётган, аммо такомилга етмаган, нисбатан мураккаб бўлган институтлар мамлакатимизни янада барқарор ривожланишига ҳалақит бераётган тўсиқлардан ҳисобланади, зеро улар орқасида яшириниб турган аниқ таркибга эга, муаносиб, қарама-қаршиликларсиз институтлар мавжуд, ана шундай институтларни амалга киритиш иқтисодий ўсишга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 29-декабрь 2020 йилдаги Мурожаатномаси. Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

янги туртки беради ҳамда ўзаро иқтисодий муносабатларни тезлаштиради ва соддалаштиради, халқаро майдонда Ўзбекистон обрўсини янада оширади.

Аммо ҳар қандай янги институт ёки институционал нормалар, қондалар тезда пайдо бўлмайди ёки уларни амалга киритиш бирдан юз бермайди. Аксинча, айрим институтлар қанчалик жозибали бўлмасин, уларни қонунчиликка киритиш ҳаминша ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди ёки бундай ҳаракат ривожланишга тўсиқ бўлиб, мавжуд институционал мутаносибликни бузиши мумкин. Шуларни ҳисобга олганда, Ўзбекистонда ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилига амал қилган ҳолда, ўзини оклаган институционал норма ва механизмларни ривожлантиришни стратегик мақсадларига мувофиқ такомиллаштириш талаб этилади.

Шуларни инобатга олганда, институционал иқтисодиёт ривожланишини белгилаб берувчи усуллар, амалий воситалар зарур ва улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- янги институтлар шаклланиши тамойиллари, жамиятдаги расмий ва норасмий институционал-ҳуқуқий нормаларни мувофиқлаштириш ҳамда институционал таҳлил қилиш усуллари;
- институтлар ва уларнинг жамият ҳамда иқтисодиёт ривожланишидаги роли ва механизмлари;
- иқтисодий муносабатларда шартномаларнинг турлари ҳамда ушбу жараёнларда юзага келадиган трансакция харажатларини таҳлил қилиш ва камайтириш усуллари;
- хуфийна иқтисодиёт келиб чиқишининг институционал сабаблари, уларнинг турлари ва баҳолаш усуллари;
- хусусий мулкчилик ва мулкдорлар ҳуқуқларининг институционал назарияси ва таҳлилий усуллари;
- ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) корхонасини бошқаришда топшириқ берувчи («принципиал») ва топшириқни бажарувчи («агент») ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммосини ечиш усуллари, корхоналар турлари ва улар институтларини ривожлантириш йўналишлари;
- институционал ташкилот сифатида давлатнинг мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ахборот тармоқларини ривожлантириш, ўлчаш стандартларини яратиш, инфратузилмани ривожлантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, соф ижтимоий фаровонликни таъминлаш вазифалари ҳамда уларни баҳолаш усул ва мезонлари;
- оила ва уй хўжалиги институтларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш институцио-



нал-ҳуқуқий нормаларини ҳамда оилани, инсон капиталини асраш ва ривожлантириш функцияларини такомиллаштириш йўллари;

- инновацион ривожланишнинг институционал назарияси ва инновациялар яратувчи субъектларнинг киёсий таҳлили усули;
- институтларнинг вақтга кўра ўзгаришини асосий қондалари ва Ўзбекистон иқтисодиётини ва ижтимоий муносабатларни институционал-ҳуқуқий ривожлантириш йўналишлари.

Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузалари ва асарларида белгилаб қўйилган барқарор иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлашнинг устувор вазифаларини ижросини амалда таъминлаш билан боғлиқ йўналишларда изчил ишлар бажарилмоқда. Бундай йўналишларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

Институционал ривожланиш нуқтаи назаридан, давлатнинг асосий функцияларидан бири – бу хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Хусусий мулк – иқтисодий рақобатни ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳамда иқтисодий ўсишни, янги иш ўринларини яратишнинг самарали механизmidир. Шу нуқтаи назардан мулкчилик муносабатларида юзага келаётган муаммовий ҳолатларга иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида институционал нормалар таъсирини баҳолаш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва шартномалар бажарилишига давлат кафолатининг институционал механизмларини такомиллаштириш зарурдир. Тадбиркорлик корхоналарини айникса, кичик бизнесни



1.2-расм. Корхоналарни институционал қўллаб-қувватлаш мезонлари тизими  
М а н б а : муаллифлар ишланмаси

ҳимоя қилиш, улар ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мезонлари бўйича институционал нормалар ҳамда механизмлар шулар жумласига киради (1.2-расм).

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон иқтисодиётининг институционал таркиби ва унинг иқтисодий ўсиш учун зарурий шароитлар (имкониятлар) яратишдаги ролини баҳолаш, иқтисодий ривожланишга салбий таъсир этаётган институционал чекловларни аниқлаш муҳим ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб, йирик корпоратив тузилмалар (корхоналар) ривожланишида институционал омилларни таҳлил қилиш ва институционал чекловларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Рақобат шароитида иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан трансакциялар бажарилишига ва улар учун сарфланаётган харажатларга боғлиқ ҳисобланади. Ушбу муаммо юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар назарий таснифга эга бўлиб, улар иқтисодий ривожланишнинг трансакция харажатларининг амалий жиҳатларини ҳисобга олмаган. Шу нуқтаи назардан, бозор тузилмаларида трансакция харажатларини оптималлаштиришнинг йўллари ва институционал механизмларини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик устувор мавқега эга. Шуни ҳисобга олиб, кичик бизнес фаолиятини, айниқса, унинг оила тадбиркорлиги шаклини институционал ривожланиш босқичлари самарадорлигини баҳолаш ҳамда уларнинг истиқболда иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ролини оширишнинг институционал – ҳуқуқий нормалари ва механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотларни кенгайтириш лозим.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлашнинг ўтган йилларда тўпланган тажрибаларидан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида институционал нормаларни такомиллаштириш ва шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш зарур.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда ЯИМ ҳажмини оширишнинг прогноз вариантлари ташқи шароитларга боғланмаслиги, инерцион хусусиятга эмас, балки инновацион-инвестицион тавсифга эга бўлиши ҳамда тегишли давлат ва нодавлат институтлари иши самарадорлигининг асосий мезонига айланиши керак.

Шунингдек, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, айниқса, саноат ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига эмас, балки сифат жиҳатида такомиллаштирилган

институционал норма ва ишлаб чиқариш омиллари ҳисобига эришиш лозим.

Ўзбекистонда институционал муҳитнинг ҳозирги ҳолати, унинг таркибий тузилиши ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларининг кутилгандан ортда қолишининг институционал сабабларини аниқлаш, шунингдек, янги қиймаг яратишга йўналтирилган инвестицияларни ЯИМ ўсиш суръатлари ва самарадорлигининг статистик боғлиқлигини эконометрик моделларга институционал омилларни киритиш орқали баҳолаш талаб этилади. Шу билан бир вақтда, ижтимоий-иқтисодий тизимнинг барқарор ривожланишининг асосий омили сифатида инсон капиталини шакллантириш ва ундан фойдаланиш, профессионал таълим институтини ривожлантириш нормаларини ишлаб чиқиш лозим.

Умуман олганда, Ўзбекистон иқтисодиётининг истиқболда институционал ривожланишини таъминлашнинг юқорида қайд этилган муаммолари, коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистонда ЯИМ ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни устувор ривожлантиришнинг омиллари сифатида ажратиш лозим. Шунини ҳисобга олиб, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланганидек, бизнеснинг янги институтлари пайдо бўлиши ва ривожланиши ни ҳар томонлама рағбатлантириш, аграр соҳанинг нуфузини ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, аҳолини қўллаб-қувватлашни фаоллаштириш ҳамда ҳимоя қилишнинг институционал нормаларини янада такомиллаштириш зарур.

## **1.2. ИНСТИТУТЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР РИВОЖЛАНИШИДАГИ РОЛИ**

Институтлар жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади. Агар ҳаётингизни барча институтлар фаолиятсиз тасаввур қиладиган бўлсак, у ҳолда тартибсизлик бошланиб кетган бўларди ва бу ҳол, ўз навбатида, шундай давом этмас эди. Чунки инсонларнинг ўз ҳаётини тартибга солишига уринишлари янги институтларнинг пайдо бўлишига олиб келган бўларди.

Институтлар табиатини янада чуқурроқ таҳлил қилиш глобал хусусиятларга эга қатор саволларга, хусусан, нима учун бозорлар «ишлайди» ёки «ишламайди»? Иқтисодий сиёсатнинг у ёки бу тадбирлари нима

учун самарали ёки самарасиз бўлди? Иқтисодиётдаги қайси ўзгаришлар ички сабабларга кўра ёхуд ҳукуматнинг қайси қарори туфайли юзага келди, деган саволларга жавоб топиш имконини беради.

Турли даврлар тадқиқотчилари институтлар моҳияти ва уларнинг фаолият юритиш механизмини ёритувчи бир неча таърифларни асослаганлар. Масалан, хорижий олимлардан Т.Веблен<sup>1</sup> институтларни қуйидагича таърифлаган: «*Институтлар* – бу инсонлар уларга амал қилган ҳолда турмуш кечирадиган одатий тафаккур тарзи» ёки «Институтлар ўтмишда содир бўлган жараёнлар натижаси бўлиб, улар ўтмиш шароитларига мослашган ва, ўз навбатида, ҳозирги вақт талабларига тўлиқ мослашмаган». Е.Эрдвард<sup>2</sup> томонидан «*Институтлар* кўплаб индивидумлар улардан ҳамма жойда ва ҳар куни фойдаланадиган, шунингдек, ўз ноёблиги билан тавсифланадиган ижтимоий неъматлар. Институтлар янгилашни жараёнини соддалаштиради. Улар – қарорлар қабул қилиш жараёнининг яқка тартибдаги қарорларни ижобий қарорларга айлантирувчи ажралмас қисми», дея таърифланган. Ж.Ходжсоннинг таърифлашича<sup>3</sup>, «*Институтлар* – анъана, урф-одат ёки қонунчилик чеклови орқали узоқ муддатли ва барқарор хулқ-атвор намуналарининг яратилишига олиб келувчи ижтимоий ташкилот».

Институтларни кўз билан кўриб, уларни жисмонан ҳис этиб ёки ўлчаб бўлмайди. Бу инсон онги билан яратилган ўзига хос конструкциялар, кўзга кўринмайдиган механизмлардир. Институтлар инсонларнинг муайян жамоасига хос бўлган тафаккур тарзини акс эттиради.

Институтларнинг яна бир таърифи Б.З.Милнер томонидан Д.Норт<sup>4</sup> ёзган сўзбошида келтирилган: «Институтлар – инсонлар томонидан ишлаб чиқилган чекловлар ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таркиблаштирувчи мажбурлаш омиллари. Буларнинг барчаси биргаликда жамият ва иқтисодиётнинг ундовчи таркибини ҳосил қилади».

Илмий адабиётларда «институт» тушунчасига уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳамда кўплаб таърифлар берилган. Муаллифлар «институт» тушунчасининг айрим белгиларига ёки ушбу белгига мос келадиган алоҳида шакллариغا урғу беришган. Адабиётларда келтирилган барча таърифларнинг қайта такрорланувчи ҳолатларини олиб

<sup>1</sup> Веблен Т. Теория праздного класса. – М.: «Прогресс», 1987.

<sup>2</sup> On Economic Institutions: Theory and Applications. Alder-shot: Edrdward Elgar, 1995.

<sup>3</sup> Ходжсон Джеффри. Экономическая теория и институты: Манифест современной институциональной экономической теории. /Пер. с англ. – М.: «Дело», 2003.

<sup>4</sup> Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – М.: Фонд экономической книги «Начало», 1997.

ташлаган ҳолда улар бир бутун тизимга бирлаштирилса, у ҳолда ушбу тушунча (институт) эга бўлган белгилар йиғиндисини ҳосил қилиш мумкин.

Институтнинг бундай тавсифи ва белгиларини ажратиш учун адабиётлардаги мавжуд таърифлар манба бўлиб хизмат қилади. Бизнинг тадқиқотимизнинг асосий мақсади – таърифларнинг моҳияти орқали унинг белгиларини аниқлашдан иборат бўлиб, «институт» тушунчасида мужассамлашган ташқи янги фикрларини жамлаш ҳисобланади.

1. Институт – бу ижтимоий тузилма бўлиб, ижтимоий муҳитга тегишлидир. Бу биринчидан, «институт» тушунчасининг белгиси бўлиб, кишилар ўртасида ижтимоий алоқанинг мавжудлигини билдиради. «Ҳар қандай институт ижтимоий ўзаро алоқадорлик билан боғлиқдир», деб таъкидлаган Ходжсон.<sup>1</sup> Дж. Норт «Ижтимоий институтлар ҳар доим индивидлар биргаликда яшаш ва ишлашга ҳаракат қилишларидан тарқалган», деб ёзади. «Биз ўзимизнинг ижтимоий ҳаётимизни олиб боришда уни (институтни) яратамиз»<sup>2</sup>. Ёки бошқача айтганда – «институт» тушунчаси меҳнатнинг ижтимоий тавсифини ўзида акс этади. Институтлар, демак, ижтимоий ҳаётнинг мазмунини ўзида ифода этади.

2. Институт – бу ташқи (келиб чиқиши жиҳатидан ижтимоий) тартибга солувчи куч бўлиб, индивидга қарши туради, унинг танловини ва хўжалик юритишни чегаралайди. Институтлар тўғридан-тўғри таъсир қилувчи объектлар – иқтисодий агентларнинг индивидуал хатти-ҳаракати ҳисобланади. Институт индивидга қарши туриб, келиб чиқиши жиҳатидан ижтимоий саналган, унинг хатти-ҳаракати асоси ҳисобланган ташқи муҳитдир. «Кишилар эркинлигига нисбатан институт конун ҳамда қадриятлар билан боғлиқ равишда нима қилиш керак ва нима қилмасликни ўргатадиган ташқи муҳитдир»<sup>3</sup>.

«Жамият индивидларга институт орқали таъсир кўрсатиб, улар «ижтимоий чегара» каби намоён бўлади», деб таъкидлайди Т.Эггертссон<sup>4</sup>. Бунда институт томонидан бериладиган ижтимоий чегаралар иқтисодий назариядаги тушум ва технология каби таниш чегаралар би-

<sup>1</sup> Ходжсон Дж. Что такое институты? // Вопросы экономики. 2007. № 8. – С. 28–48.

<sup>2</sup> Норт Д. Институциональные изменения: рамки анализа // Вопросы экономики. 1997. №3. – С. 7.

<sup>3</sup> Экономическая теория в XXI веке – 4 (11): Институтыэкономики / Под.ред. Ю.М.Осипова, В.С. Сизова, Е.С. Золотовой. – М.: «Экономистъ», 2006. – С. 432.

<sup>4</sup> Eggertsson T. Neoinstitutional Economics / The New PalgraveDictionary of Economic and Law. – V.2. – The Macmillan Press Limited:London, 1997. – P. 665- 671.

лан бирлашади ҳамда инсон мотивига таъсир қилади ва улар танловини шакллантиради. Институтлар индивидлар хатти-ҳаракатларини таркиб-лаштиради, чегаралайди ҳамда индивидуал хулқ рағбатларини яратади. «Институционал иқтисодий назария – деб ёзишади Фурутон ва Рихтер, – индивидларнинг мумкин бўлган хатти-ҳаракатларини чегаралайдиган тизим билан иш кўради»<sup>1</sup>. Д.Норт фикрича, бу каби ҳар қандай институтларнинг мақсади индивидуал хатти-ҳаракатларни зарурий оқимга йўналтириш ҳисобланади. Институт кундалик фаолиятнинг таркибий чегарасини таъминлаб беради. Бу – «инсон томонидан яратилган чегара сатҳидир»<sup>2</sup>. У «жамиятдаги, хусусан иқтисодиётдаги рағбатлар таркибини аниқлаб беради. Дюркгейм фикрича эса, институтлар – бу индивидлар хатти-ҳаракатини чегараловчи фикр, ҳаракат ва ҳисларнинг ҳар қандай кўринишидир.<sup>3</sup> «Институтлар хатти-ҳаракатларини чегаралайди ва уни таминлайди», – деб фикр билдиради Ходжсон<sup>4</sup>. Институтлар, деб таъкидлайди у, рационал ҳисоб-китобли индивид ҳаракатига бўйсунувчи аниқ ва аниқ белгиланмаган чегаралар тарзида ифода этилади.<sup>5</sup>

3. Институт – индивидлар ўзаро алоқадорлигининг маълум бир таркибий тузилмасини яратади. Институтлар ажралган, муваққат индивидлар билан иш кўрмайди. Улар нафақат индивидуал хатти-ҳаракатларга таъсир қилиб ва чегаралаб қолмай, балки бир индивиднинг бошқасига нисбатан муносабатини ҳам чегаралайди. Шундай қилиб, институтни кишилар ўртасидаги ўзаро хатти-ҳаракатларни таркиблаштирадиган, яъни ушбу ўзаро хатти-ҳаракат билан бериладиган маълум бир барқарор такрорланувчи шаклдаги ижтимоий назорат механизми сифатида тушуниш мумкин.

4. Институт – бу қоида, яъни «жамиятда намоён бўладиган ва X шартларда Y ни келтириб чиқарувчи шароит каби меъёрий эгилувчанлик (чегара) одатига мос келишидир»<sup>6</sup>. Индивидуал ҳаракат ёки ижтимоий ўзаро ҳаракатнинг мумкин бўлган (кутилувчи) модели индивид томонидан

<sup>1</sup> Фуруботи Э.Г., Рихтер Р. Институты и экономическая теория: Достижения новой институциональной экономической теории. – СПб.: Издат. Дом Санкт-Петербургского гос. ун-та, 2005. – С. 702.

<sup>2</sup> Норт Д. Институциональные изменения: рамки анализа // Вопросы экономики. – 1997. – №3. – С.7.

<sup>3</sup> Кузьминов Я.И., Бендукидзе К.А., Юдкевич М.М. Курс институциональной экономики: институты, сети, трансакционные издержки, контракты. – М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2006. – 442 с.

<sup>4</sup> Ходжсон Дж. Что такое институты? // Вопросы экономики. – 2007. №8. – С. 28–48.

<sup>5</sup> Ходжсон Дж. Экономическая теория и институты: Манифест современной институциональной экономической теории – М.: Изд-во «Дело», 2003. – С. 464.

<sup>6</sup> Ходжсон Дж. Что такое институты? // Вопросы экономики. 2007. – №8. – С. 28–48.

маълум бир чегара ёки ўзини тута билишнинг меъёрий модели кўринишида берилади. Шундай қилиб, институт белгиси у ёки бу шаклдаги қоидалар (қоидалар тизими)нинг мавжудлигидир.

5. Институт – бу таъсир қилувчи кучдир. Д.Норт фикрича, «институт» тушунчаси ўзида фақатгина расмий чегараларни (қоида, қонун, конституция) мужассам этибгина қолмай, балки норасмий чегараларни (ўзини тута билишлик, битишувлар меъёрлари ва ўзини тута билишнинг ўз хоҳиши билан қабул қилинадиган кодекслари) ҳам, шунингдек, «у ёки бунинг бажарилишига мажбур этувчи маълум бир тавсиялар» ни ҳам мужассам этади.<sup>1</sup>

6. Институт – назорат бўйича ҳаракат ёки ҳокимиятдир. Мажбурлаш умумий асосга эга қоида ва механизмлар бўлиб, бутун бир унсурнинг, айнан у ёки бу ижтимоий субъектларнинг фаоллиги пайдо бўлиши, улар хатти-ҳаракати натижасини ўзида мужассам этади. Қисқача айтганда, институт – бу ҳаракат, ушбу ҳаракат мазмуни эса ҳокимият (назорат)дир.

7. Институт – бу реал ҳулқ-атвор (ўзини тута билиш) ёки ҳаракатдаги қоидадир. Қоида амал қилиш натижаси, шунингдек, унинг бажарилишидаги мажбурлаш механизми ёки умуман, индивидуал ҳулқ-атвор устидан ўрнатиладиган назоратдаги ҳаракат реал ҳулқ саналиб, у ёки бу тарзда амалдаги қоида ёки «ҳаракатдаги қоида»дир. «Институтлар, – деб ёзади Одинцова, – ҳаракатдаги қоидаларнинг йиғиндиси сифатида аниқланиши мумкин»<sup>2</sup>.

8. Институт – бу ижтимоий тартибдир. Амалдаги институтлар (қоидалар) ва хатти-ҳаракатнинг реал кетма-кетлиги асосида маълум бир ижтимоий тартиб шаклланади. Шундай қилиб, институтни маълум бир ижтимоий тартиб ёки институт – кишилар ўртасида қоида асосида пайдо бўладиган ўзаро хатти-ҳаракатни тартиблаштириш.

9. Институт бу ташкилотдир. Кишилар фаолиятини йўналтирувчи ва бўйсундирувчи ҳамда ижтимоий хатти-ҳаракатларни тенг тарзда таркиблаштирувчи омиллар ҳисобланади.

Юқорида келтирилган таърифлар институтларнинг асосий хусусиятларини қамраб олган ҳолда, уларнинг асосий вазифаларини ҳамда ривожланиш қонунларини акс эттиради ҳамда жамиятни ривожлантириш учун институтларнинг муҳимлигини таъкидлайди. Юқорида кўрсатил-

<sup>1</sup> Норт Д. Институциональные изменения: рамки анализа // Вопросы экономики. – 1997. – №3. – С. 7.

<sup>2</sup> Одинцова М.И. Институциональная экономика. – М.: Изд.дом ГУ ВШЭ, 2008. – С. 397.

ган барча ҳолатларни умумлаштирган ҳолда, институтчиликнинг ҳозирги замон талқинларига асосан институт тушунчасини бизнинг фикримизча қуйидагича таърифлаш мумкин.

Институт – жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи расмий қоидалар ва норасмий нормалар тизими. Институтлар асосини унинг таркибий қисмлари ҳисобланган нормалар ташкил этади.

Норма – институционал муҳитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланиладиган асосий унсур ҳисобланади. Ушбу унсур: тартибни сақлаш вазифасига эга; ўзаро ҳамкорликлар тизимида мажбурий ҳатти-ҳаракат бажарилишини талаб этади; шахслар ҳатти-ҳаракатидаги ижтимоий, иқтисодий, юридик санкцияга таянувчи мунтазамлик ҳамда муқаррарликни акс эттиради; шахс турли вазиятларда ўзини қандай тутиши лозимлигини белгилайди. Норма амал қилиши учун талаб этиладиган таркиб беш унсурдан иборат:

- индивидларнинг (инсонларнинг) гуруҳланиш белгилари;
- муқаррарлик омили (керак ёки керак эмас);
- мақсад;
- норма ҳаракатда бўлган шарт-шароитлар;
- санкциялар.

Ажратилган ушбу 5 та унсур нормалар турлари, яъни ҳамкорлик стратегиясини, хусусан, норманинг ўзини (тор маънода) ва қоидаларни чеклаш имконини беради. Норма турлари қуйидагилардан иборат:

*Ўзаро ҳамкорлик стратегияси = белги + мақсад + шарт-шароит;*

*Норма = белги + муқаррарлик омили + мақсад + шарт-шароит;*

*Ўзаро ҳамкорлик қоидаси = белги + муқаррарлик омили + мақсад + шарт-шароит + санкция.*

Шаҳарда ёки супермаркетда бир-бирларини йўқотган кишиларни қидиришдаги ҳамкорлик стратегиясига мисол бўлади. Бунда: индивидларнинг гуруҳланиш белгиси – бир-бирини йўқотганлик факти; мақсад – бир-бирини топиш; шарт-шароит – учрашиш эҳтимоли яқин бўлган кўзга ташланувчи нарса ёки буюмнинг мавжудлиги бўлади. Шундай мисолларни иқтисодий ҳамкорлик соҳасида ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Торроқ маънода норма келишув тушунчасига мос келади. Чунки келишув кўрсатмасини бажариш ўта ихтиёрий хусусиятга эга. Қоидага ўтишда кўрсатмаларни бажаришнинг ихтиёрий хусусияти йўқолади, яъни бунда санкция ишга тушади.

Норманинг инсон ҳатти-ҳаракатига таъсири ҳақидаги мунозара социология ва иқтисодий назария ўртасидаги чуқур тарихий илдизга эга



қарама-қаршилик билан боғлиқ. Социологлар нормада инсонлар хатти-ҳаракатининг уларга ташқаридан берилган ва экзоген хусусиятга эга мутлақ натижасини кўрадилар. Homo sociologicus хатти-ҳаракати умуман жамиятнинг норматив таркиби билан аниқланади. Нормаларнинг ўзлари эса, социологларнинг фикрига кўра, жамият хусусиятларидан ҳосил бўлган ва уни такрор ишлаб чиқариш вазифасини кўзлайди.

Иқтисодчилар эса классик сиёсий иқтисод давридан буюн нормаларнинг бундай талқин этилишига қўшилмайдилар. Чунки норма танлаш эркинлигини истисно этади. Homo economicus ўз танловида, шу жумладан, норма томонидан қўйиладиган чекловлардан холи. Иқтисодчилар шахс танловининг институционал чекловчиси сифатида нормаларнинг мавжуд бўлишини умуман инкор этади. Ёки нормаларга оқилона изоҳ беришга, аниқроғи, уларда ташқаридан берилган хатти-ҳаракат натижасини эмас, балки *англаб этилган танлов натижасини* кўришга интилади.

Умуман, ижтимоий танлов назариясида нормалар: оқилона танлаш натижаси сифатида қаралади. Келишувлар иқтисодётида эса нормалар оқилона хатти-ҳаракат омили сифатида таҳлил қилинади.

Ижтимоий танлов назарияси биринчи галда сиёсий танлов натижасини акс эттирувчи ва *ҳуқуқда* қайд этиладиган юридик нормани ўрганади. Юридик нормаларни изоҳлаш учун оқилона танловнинг неоклассик моделидан фойдаланилади. Хусусан, шу нарса назарда тутиладики, Бьюкенен учун сиёсат – инсонлар бозорда фақат ўзларига қулай ва афзал товарни харид қилгани сингари, у асосида улар турли муқобил вариантларни ўз кадр-қимматлари билан қиёслаган ҳолда, танлайдиган мураккаб институционал жараён ҳисобланади. Бошқача айтганда, норма ва қоидалар сиёсат бозорида шахслар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик натижасида пайдо бўлади. Бундан нормаларни баҳолашнинг навбатдаги мезони – уларнинг самарадорлиги келиб чиқади. Нормалар фақат улар ўзига хос кадр-қимматга асосланганда самарали бўлиб, яқка манфаатларни ўзаро фойдали тарзда амалга оширишга кўмаклашади.<sup>1</sup>

Ижтимоий танлов назариясига хос бўлган оқилона танлов модели ёрдамида нормаларни талқин қилишдан фарқли ўлароқ, келишувлар иқтисоди нормаларга амал қилишда (бунда нормалар ташқаридан берилган) экзоген ҳисобланишига қарамай, оқилона хатти-ҳаракатнинг омилени кўришни таклиф этади. Бунда бир қарашда оқилона танлов натижаси ҳисобланмаган ўзига хос хусусиятга эга нормаларни бажариш оқилона

<sup>1</sup> Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009.

хатти-ҳаракатнинг шартига айланади. Аммо бозордаги битимлар иштирокчиларининг оқилона талаби ушбу ўзига хосликни изоҳлаш имконини беради.

Келишувлар иқтисоди нормани бозорда иштирокчилар томонидан истаклар ва афзалликларнинг ўзаро талқин этилиши учун замин сифатида кўриб чиқишни таклиф этади (1.1-жадвал). Шу нуқтаи назардан нормага амал қилиш шахс учун ўз мақсадлари (signaling) ҳақидаги хабарларни контрагентгача етказиш усулига айланади. Шахслар ўз хатти-ҳаракатига нисбатан бир-бирини истисно этувчи талабларни мувофиқлаштириш ва ўз томонларининг ҳаракатларига нисбатан ишончли фикрларни билдиришга қодир бўлмай қолади. Кўриб чиқилаётган ҳамкорлик ёндашуви доирасида келишувлар нисбатининг қуйидаги вариантларини таҳлил қилиш мумкин.

1. **Экспансия** – бу ўзаро ҳамкорликни тапқил қилиш, илгари бошқа келишувлар устуворлик қилган соҳалардаги келишувлардан бирининг нормалари асосида амалга ошадиган келишувлар нисбати. Масалан, сиёсий соҳа сиёсий бозорга айланиши мумкин, бунда фуқаролик келишуви нормалари бозор келишуви нормалари томонидан сиқиб чиқарилади.

Бозор келишувининг экспансияси ўта хавфли, у бойликнинг ўта номутаносиб тақсимланишига ва ундан сиёсий ҳокимият омили сифатида фойдаланишга олиб келган ҳолда жамнат ривожланишини барқарорликдан маҳрум этади.

2. **Уриниш** – бу ўзаро ҳамкорликнинг ўзи бир-бирини истисно этувчи нормалар асосида амалга оширилиши мумкин бўлган келишувлар нисбати. Шу нуқтаи назардан илк бор К.Эрроу<sup>1</sup> томонидан тадқиқ этилган қон топшириш бунга айнан мос мисол бўлади. Гап шундаки, қон одатда пулга (бозор келишуви) ёки бирдамлик нуқтаи назардан бепул (фуқаролик келишуви) топширилади. Ушбу номутаносиблик шахсларнинг қон топшириш юзасидан ўзаро ҳамкорлигида ноаниқликнинг юқори даражасини белгилаб беради.

3. **Муроса** – бу турли келишувлар талаблари ўртасидаги зиддиятга барҳам берувчи эгилувчан нормалар намоён бўладиган келишувлар нисбати.

Масалан, ҳар қандай реклама компанияси бозор келишуви билан ижтимоий фикр талаблари ўртасидаги муросани топишни назарда тутди. Ушбу икки келишув ўртасидаги муросага бошқа мисол – кўр-кўрона истеъмол, бунда шахс ўз истеъмол танловида товар ёки хизматни истеъ-

<sup>1</sup> Эрроу К. Развитие экономической теории с 1940 года: взгляд очевидца. Вопросы экономики. 2010;(4):4-23. <https://doi.org/10.32609/0042-8736-2010-4-4-23>

**Бозор иштирокчиларининг ўзаро келишувлар бўйича хатти-ҳаракатлари нормаси\*.**

Келишувлар хили	Хатти-ҳаракатнинг асосий нормаси	Келишув предмети	Ахборот манбаи	Вақт (ҳозир, ўтмиш ва келajak)	Фаолият соҳаси (мисол)
Бозор Саноатга хос	Бошқа шахслар эҳтиёжларини қондириш орқали фойдалиликни ошириш	Товар ва пул	Нарх	Ҳозирги вақтни назарда тутиш	Классик бозор
Индустриал	Ишлаб чиқариш узлуksизлиги, ҳамкорликни технология талабларига бўйсундириш орқали таъминлайди	Технологик жиҳозлар	Стандартлар	Битимлар келгусини ҳозирги даврга акс эттириш	Ҳарбий саноат мажмуи
Анъанавий	Анъаналарнинг такрорланишини таъминлайди; катталик тамойили	Ўтмишга хос бўлган буюмлар	Одатлар, анъаналар	Битимлар ўтган даврни акс эттириши ҳисобланади	Оила
Фуқаролик	Жамоавий манфаатларга бўйсунуш, мўлжал – Парето оптимум	Ижтимоий бойлик	Қонун	Ҳозирги даврни назарда тутиш	Сиёсий ҳаёт
Ижтимоий фикр	Машҳурликка эришиш, жамоат эътиборини жалб этиш	Нуфузли буюмлар	Шов-шувлвр	Ҳозирги даврни назарда тутиш	Оммавий ахборот воситалари
Ижодий фаолият	Ўхшаши йўқ, бетакрор натижага эришиш	Ихтиро	Иқтидор	Дискрет вақт	Ижодий фаолият
Экологик	Табиат билан уйғунлашув, экология талабларига бўйсундириш	Табиат объектлари	Атроф-муҳит ҳақидаги ахборот	Вақтнинг даврийлиги: табиий даврийлик	Табиат муҳрфазаси

\* М а н б а: *Олейник А.* Норма как базовый элемент институтов / Вопросы экономики. – М.: 2004, №2, – С. 142.

мол қилишда фойдалиликни оширишни эмас, балки у истеъмол қилиш туфайли эришадиган ҳурматни эришишни кўзлайди.

Институционал институтлар таркибида улар уч асосий қисмга ажратилади:

- расмий қондалар (конституциялар, қонунлар, суд қарорлари, маъмурий ҳужжатлар ва бошқалар);
- норасмий нормалар (анъаналар, урф-одатлар, ижтимоий шартлилик);
- қондаларга амал қилинишини таъминловчи (судлар, полиция ва ҳоказолар) мажбурлаш механизмлари (масалан, жазолаш тизими).

«Институт»нинг юқорида келтирилган таърифидан келиб чиқиб, институтлар инсон томонидан онгли равишда яратилган турли ҳужжатлар (конституциялар, қонунлар ва ҳаказолар) кўринишидаги расмий, «ёзилган» қондаларда ифодаланиши мумкин. Шу билан бирга улар умумий қабул қилинган шартлилик, хатти-ҳаракат кодекслари, яъни норасмий, «ёзилмаган» нормаларда намоён бўладиган, жамиятнинг барча

соҳаларига кириб бориб, анъаналар, урф-одатлар кўринишида ёки бошқа шаклда амал қилинадиган инсон онгининг маҳсулини ўзида намоён этиши мумкин.

Агар расмий қоидалар тизими инсонлар (давлат)нинг қонун ижодкорлиги фаолиятини ўзида акс этгирса, у ҳолда норасмий нормалар тизими қай тарзда шаклланади, деган савол туғилади.

Ғарб олимларидан Т.Вебленнинг<sup>1</sup> концепциясига кўра, «институтларнинг ўзгариши табиий танлаб олиш қонунига мувофиқ равишда кечади. Инсоннинг жамиятдаги ҳаёти, худди бошқа турдаги ҳаёт каби – бу яшаш учун курашиш ва, ўз навбатида, танлаб олиш ва мослашиш». Унинг фикрича, ижтимоий тузум эволюцияси ижтимоий институтларни табиий танлаб олиш жараёни бўлди. Институтлар – инсон жамияти ва инсон табиатининг ривожланишда давом этиши ва шу нуқтаи назардан эришилган тараққиётнинг умумий кўринишида энг кўп мослашган тафаккур тарзини табиий равишда танлаш ва индивидларни жамият ривожланиши билан изчил ўзгариб турадиган янги шароитларга мажбурий мослаштириш жараёни, дейиш мумкин. Шундай қилиб, Т.Вебленнинг талқинида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш («ижтимоий тузум эволюцияси») турли хилдаги институтларни «табиий танлаш» жараёнини амалга ошириш сифатида намоён бўлади.

Т.Вебленнинг нуқтаи назари Ф.Хайек<sup>2</sup>нинг қарашларига яқин. Хайекнинг фикрича, жамиятда қарор топган ахлоқ қоидалари ва нормаларини танлашни биологик танловга қиёслаш мумкин. Унинг фикрича, расмий қоидалар билан бир қаторда (анъаналар ва урф-одатлар кўринишида) норасмий нормаларнинг мавжуд бўлиши шу билан шартланганки, «танлаб олиш жараёнида шаклланган урф-одатлар ва ахлоқда ҳақиқий ҳолатлар сони ҳисобга олиниши мумкин – бу индивидлар қабул қилиши мумкин бўлган нарсалардан кўпроқ; бунинг оқибатида, анъана маълум жиҳатларда инсон онгидан устун туради». Жамият қапчалик кўп хилма-хилликка йўл қўйса, ижтимоий мақсадга мувофиқ институтларни танлаб олиш шунчалик самарали кечади.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқадики, агар расмий қоидалар сунъий тарзда ўйлаб топилиши ва мажбуран жорий этилиши мумкин бўлса, Ф.Хайекнинг таъкидлашича, норасмий нормалар «маълум ўтмишдаги воқеалар билан белгиланади, лекин бирор-бир тузилма ёки модел (институционал матрица)нинг онгсиз тарзда ўзини-ўзи ташкил

<sup>1</sup> Веблен Т. Теория праздного класса. – М.: «Прогресс», 1987.

<sup>2</sup> Хайек Ф.А. Пагубная самонадеянность. Ошибка социализма. – М.: Новости, 1992, – С. 133.

этиши жараёнининг таркибий қисми сифатида шаклланади»<sup>1</sup>. Бошқача айтганда, норасмий институтлар – шартлилик, ўзини ўзи қўллаб-қувватловчи, учинчи томон (давлат)нинг аралашувисиз, ўз-ўзидан бажариладиган қоидалардир.

Таъкидлаш лозимки, «эволюция» атамасидан фойдаланилса-да, табиий танлов назарияси изчил институционал ўзгаришларга нисбатан ҳамма вақт ҳам қўлланилмайди. Чунки энг «яхши» институт ҳамма вақт ҳам яшовчан бўлмайди. Иккинчи томондан, институтларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга доимий равишда ўтиши ҳамма вақт ҳам ташқи омиллар таъсири остида кечмайди. Баъзи институтлар норматив тарзда мустаҳкамланиб, норасмий турдан расмий институтларга айланади, бошқалари эса расмий институтлар сифатидаги аввалги аҳамиятини йўқотиб ва ҳуқуқий тизимдан чиқарилган ҳолда норасмий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Амалиётга кўра, кўп ҳолатларда норасмий нормалар жамиятда «тартибни» таъминлашда расмий қоидаларга нисбатан ғоят катта роль ўйнайди. Бунга қатор омиллар хизмат қилади:

1. Ҳар қандай жамиятда фаолиятнинг алоҳида соҳалари расмий қоидалар мавжуд бўлмаганда фақат норасмий нормалар билан тартибга солинадиган вазиятни кузатиш мумкин. Хўжалик юретишнинг жамоа шакли пайдо бўлиши даврида уругдошлик ва улар аъзолари ўртасидаги муносабатлар ёки мафия (криминал) гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар, Ўзбекистонда маҳаллада яшовчи аҳоли орасида кенг тарқалган одатлар ва қоидалар бунга мисол бўлиб хизмат қилади.

Қоидаларга зарурат ҳамма вақт, биттадан кўп субъект мавжуд бўлиб, улар ўртасида баъзи муносабатлар юзага келган тақдирда, туғилади. Бунда субъектларнинг турли гуруҳларидаги қоидалар бир хил бўлиши ҳам, кескин фарқ қилиши ҳам мумкин. Алоҳида оила ёки алоҳида жамоа доирасидаги муносабатлар ана шундай қоидаларга энг оддий мисол бўлиб хизмат қилади. Оила доирасидаги муносабатлар норасмий-лигича қолади, жамоанинг қариндошлар бўлмаган аъзолари ўртасидаги муносабатлар эса аксарият ҳолларда шартнома ёки бошқа ҳужжат кўринишида (фуқаролик кодексига давлат доирасида) расмий тарзда мустаҳкамланди.

2. Норасмий нормалар жамиятда расмий қоидаларга нисбатан анча олдин пайдо бўлиб, кўп жиҳатдан расмий, қонунчилик билан мустаҳкамланган нормалар учун асос бўлиб хизмат қилди. Норасмий норма-

<sup>1</sup> Хайек Ф.А. Пагубная самонадеянность. Ошибка социализма. – М.: Новости, 1992. – С. 20.

ларнинг расмий қоидалар сифатида мустаҳкамланишига исталган мамлакатнинг тарихида кўплаб мисолларни учратиш мумкин.

Институционал иқтисодиёт ривожланиш қонуниятларини билишда институционал матрица тушунчаси алоҳида ўринга эга. Концепция жамиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан, иқтисодиётда ҳамда ҳуқуқий жараёнларни таҳлил қилишда қўлланилиши мумкин. Шунини ҳисобга олиб, институционал матрицанинг нисбатан янги концепциясида институционал матрицанинг назарий гоёси жамиятни таҳлил қилишга нисбатан таркибий-тизимли ёндашувни амалга оширади.

Институционал матрица – тарихан барқарор шаклланган, дастлабки давлатларнинг пайдо бўлиши ва барча кейинги институционал тузилмаларнинг ривожланишини белгилаб берган, ўз навбатида, моҳияти ҳамон сақланиб қолган бирламчи моделни такрор яратишга хизмат қилувчи асосий ижтимоий институтлар тизими ҳисобланади.

Бу ерда институтлар одамлар яшовчанлигининг ташқи шароитлари билан шартланган жамият аъзолари ўртасидаги муайян ва муқаррар алоқалар тизими сифатида тушунилади. Ушбу ҳолатда гап инсоннинг такрор шаклланишини тартибга солувчи ижтимоий институтлар (улар жумласига оила, саломатлик ва бошқа институтлар киради) ҳақида эмас, балки давлатларнинг такрор шаклланиши ва ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларини тартибга солувчи ижтимоий институтлар ҳақида бормоқда.

Институтлар жамиятнинг тарихий барқарорлиги ва ижтимоий яхлитликнинг такрор шаклланишини таъминловчи ўзига хос тузилишини (қобирғасини) ҳосил қилади. Институционал матрица чизма кўринишида жамиятда тенг аҳамиятли мавқени эгаллаб турган яхши учта: сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларни бирлаштирувчи ижтимоий шакл сифатида намоён этилган (1.3-расм). Асосий матрицалар<sup>1</sup> С.Кирдинанинг



1.3-расм. Жамиятнинг институционал матрицаси  
М а н б а : муаллифлар ишланмаси

<sup>1</sup> Кирдина С.Г. К00 Институциональные матрицы и развитие России: введение в X-Y-теорию. Издание 3-е, переработанное, расширенное и иллюстрированное. – СПб.: Нестор-История, 2014. – 468 с. <http://kirdina.ru/doc/book/XYbook3.pdf>

«Институционал матрицалар ва Россиянинг ривожланиши» китобидан олинган. Бироқ уларга айрим ўзгартиришлар киритилган, хусусан, сиёсий ва мафкуравий соҳалар бирлаштирилган, чунки жамиятда мафкура кўп жиҳатдан бошқарувчи сиёсатчиларга боғлиқ бўлиб, улар фаолиятининг натижаларидан бири ҳисобланади. Матрицада ижтимоий соҳа алоҳида ажратилган ва институционал тизимни шакллантиришда у катта роль ўйнайди.

Институтлар, унинг расмий ва норасмий қоидалари қандай ишлаётганлигини, нима учун улар асрлар мобайнида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, уларнинг «хаётийлиги» ёки барқарорлигини тушуниш учун институционал ўзгаришларга олиб келувчи сабабларни ўрганиб чиқиш лозим.

Жамиятнинг ривожланиш жараёнида институтлар шаклининг ўзгариши рўй беради. Агар расмий қоидаларни у ёки бу қонун, фармонни қабул қилиб ўзгартириш мумкин бўлса, анъаналар ва урф-одатларда ифодаланадиган норасмий чекловларни бир кунда ўзгартириб ёки тугатиб бўлмайди. Улар яна узоқ вақт амал қилишда ва жамият ривожига таъсир кўрсатишда давом этади. Бироқ институционал тизимнинг ўзида доимий равишда ўзгаришларга эҳтиёж сезилиб туради.

Юқорида (1.1.) таъкидлаганимиздек, институционал ўзгаришларнинг асосий сабаби шаклланган институтлар билан ўзгарган шароитлар, ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро номувофиклик ҳисобланади.

Шуни инобатга олганда, институционал ўзгаришлар субъекти сифатида яқка тартибдаги тадбиркорни, институционал ўзгаришлар манбаи сифатида эса нархлар нисбатидаги фундаментал силжишларни кўрсатиш мумкин.

Ўзгаришлар механизми қуйидагича: нисбий нархлар таркибидаги силжишлар ишлаб чиқариш омилларининг нархлари ўртасидаги нарх улushiга, ахборот қиймати ва технологиялардаги ўзгаришларга таъсирни назарда тутаяди. Ушбу ўзгаришлардан айримлари экзоген (ташқи) хусусиятга эга, бироқ аксарият ўзгаришлар эндоген (ички) хусусиятга эга бўлиб, инсонларнинг жорий фаолияти кенгайиши натижаларини акс эттиради. Нархлар нисбатидаги фундаментал ўзгаришлар вақт ўтиши билан хатти-ҳаракат эски одатларининг ўзгариши ва инсонлар томонидан хатти-ҳаракатдаги стандартларни ҳосил қиладиган омилларнинг англаб етилишига олиб келади. Бироқ нархлар ўзгаришининг ғояларга таъсири даражаси тўғрисидаги масала ҳозирча кам ўрганилганлигича қолмоқда.

Хорижий йирик институционал олим Д.Нортнинг фикрича<sup>1</sup>, мафкура институционал ўзгаришларнинг яна бир манбаи ҳисобланади. Мафкура деганда инсонлар улар орқали атрофдаги оламни қабул қиладиган ва баҳолайдиган субъектив моделни тушунади. Мафкуравий мойиллик ҳам иқтисодий ҳисоб-китоблардан ҳоли эмас: оламнинг субъектив манзараси кимнингдир фойдали имкониятларини чегаралаши қанчалик катта бўлса, уни қайта кўриб чиқишдан манфаатдорлик шунча кучли бўлади.

Шундай қилиб, институционал ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, янги бозорларнинг очилиши, аҳоли сонининг ўсиши ва ҳоказолар, натижасида ташкилий ва институционал ўзаро ҳамкорликнинг илгари муваффақиятли фаолият юритган алоҳида шакллари «фойдасиз» бўлиб қоладиган жараёнлар оқибатида юз бериши мумкин. Янги расмий нормалар ўрнига бошқалари қабул қилинади, норасмий нормаларга амал қиладиган инсонлар сони камайиб бориши билан улар аста-секин йўқолиб боради.

Институтлар пайдо бўлишининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, улар ўзлари пайдо бўлишидан аввал амал қилган нормалар ва шароитларга боғлиқ ҳисобланади. Шу тариқа, ҳар қандай янги институт мавжуд иқтисодий ёки ижтимоий шароитлар (институционал матрица) томонидан белгилаб берилади. Институционал ўзгаришлар сезиларсиз тарзда кечиши ҳам ёки ўзгаришлар, жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий тизимнинг тезда такомиллашувиغا олиб келиши ҳам мумкин.

Институционал ўзгаришларда эски ва янги институтлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик хусусияти ҳам катта роль ўйнайди. Д.Норт тадқиқотларида ўзаро институционал боғлиқликнинг қуйидаги турларини таъкидлайди:<sup>2</sup>

*Биринчиси* – ривожланишнинг аввалги йўлига боғлиқлик – чуқур алоқа, янги институтларнинг фақатгина эски институтлар негизида пайдо бўлишини таъминловчи янги институтларнинг эски институтларга кучли боғлиқлиги.

*Иккинчиси* – мутлақ янги институтларнинг пайдо бўлишига бўшлиқ мавжудлиги орқали белгиланадиган нисбатан камроқ.

Боғлиқликнинг ушбу икки тури эволюцион хусусиятга эга, чунки эски институтлардан янги институтларга ўтишда изчилликка амал қилинади. Эволюцион ўзгаришлар жиддий иқтисодий ларзалар содир бўлмаган ва уларнинг жаҳон ишлаб чиқаришидаги улуши устун бўлган бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг институционал тизимлари-

<sup>1</sup> Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – М.: Фонд экономической книги «Начало», 1997.

<sup>2</sup> Ўша жойда.



га хосдир. Изчиллигига қарамай, эволюцион ўзгаришлар сифат жиҳатдан илгари силжишларни истисно этмайди – микдорий-сифат ўзгаришлар диалектикаси ўз кучида қолади.

Юқорида ажратилган боғлиқликнинг учинчи тури – эски ва янги институтлар ўртасида яққол алоқа (боғлиқлик)нинг мавжуд эмаслиги – инқилобий хусусиятга эга. Инқилобий ўзгаришлар жамият ва иқтисодий ривожланишнинг аввалги ўзгариш чизиғига амал қилишни назарда тутмайди ва тафаккур тарзи одатлари ҳамда анъаналарининг тубдан ўзгариши билан кузатилиши мумкин.

Шу билан бирга иқтисодий тизим самарадорлигининг ошишига хизмат қилувчи инқилобий ўзгаришлар ҳам аҳолининг кўплаб гуруҳлари учун жиддий ижтимоий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бунга бир аниқ мисол тариқасида Ўзбекистонда йирик пахтачилик ва бошқа хўжаликлар ўрнига фермер хўжаликлари шаклланиши билан боғлиқ институционал ўзгаришларни келтириш мумкин.

**Расмий қоидалар ва норасмий нормаларни мувофиқлаштириш.** Расмий қоидалар ва норасмий нормаларнинг мувофиқлаштирилиши жамиятда муҳим роль ўйнайди, чунки у институтлар мавжуд тизими фаолиятининг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади.

Келишмовчилик натижасида институционал низо келиб чиқиши мумкин. Бир ҳолатда институционал низо ҳеч бир ўзгаришсиз институтларнинг пайдо бўлишига, бошқа ҳолатда эса самарасиз бўлса-да барқарор ҳосилалар – институционал тузукларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Эски ва янги институтлар ўртасидаги инқилобий боғлиқлик доирасида улар ривожланишининг учта эҳтимолий йўлини таъкидлаш лозим:

- *биринчиси* – мавжуд институционал матрицага қарама-қарши бўлган расмий институтларнинг пайдо бўлиши (одатда, ҳамма жойда чуқур ислохотлар даврида, масалан, ўтиш иқтисодиётида қонунлар, фармонлар кўринишида) ва уларнинг илдиз отиши (кенгайиб бориши) ҳамда қабул қилинган расмий нормаларга мос келувчи янги норасмий нормаларнинг шаклланиши;
- *иккинчиси* – қабул қилинаётган расмий қоидаларнинг норасмий нормаларга тўлиқ мос келмаслиги шунга олиб келадикки, норасмий нормалар анча «ҳаётий» бўлиб чиқади ва натижада янги қабул қилинган расмий қоидаларнинг норасмий институционаллашуви юз беради;
- *учинчиси* – янги расмий қоидалар илдиз отмаслиги мумкин, бу уларнинг йўқолиб кетишига олиб келади.

Институционал тизим самарадорлигига институтлар билан бир қаторда ташкилотлар ҳам таъсир кўрсатади. Институтлар иқтисодий назария билан ёритиладиган стандарт чекловлар билан бир қаторда жамият аъзоларининг имкониятларини ҳам шакллантиради.

Институционал доиралар қайси ташкилотлар (сиёсий органлар, иқтисодий тузилмалар, жамоат муассасалари) ҳосил бўлиши ва ишлашини белгилаб беради. Бошқача айтганда: институтлар – «ўйин қоидалари», ташкилотлар эса – «ўйинчилар». Бироқ бу ҳол ўйинчилар жамиятда ўрнатилган «ўйин қоидалари»га мажбурий тарзда амал қилишини англамайди. Худди институтлар сингари ташкилотлар ҳам инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни таркиблантиради. «Ташкилотлар аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда фаолият юритувчи, ташкилотчилар томонидан бойлик, даромадни кўпайтириш учун ёки бошқа мақсадларда ташкил этилган birlikлар ҳисобланади. Ушбу мақсадларни кўзлаган ҳолда, ташкилотлар аста-секин институционал таркибни ўзгартиради»<sup>1</sup>.

Ташкилотлар (корхоналар, фирмалар)нинг институционал жараёндаги роли ҳозирча кам ўрганилган, бироқ институционал иқтисодиёт доирасида ўтказилган сўнги тадқиқотлар кўрсатдики, ташкилот нафақат товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиси, балки ўзига хос «институт-провайдер» ҳисобланади.

### 1.3. ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК ВА УЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ

Хусусий мулк азал-азалдан инсонларнинг ўзларига бўлган ишончларини оширишда кўмакчи ва улар фаоллигини янада оширишда муҳим рағбат сифатида қаралади. Мулкдорнинг кайфияти, интилиши, иш юртиши, ўз фаолиятига, умуман, ҳаётга муносабати бошқача бўлади. Мулк эгаси ўз ишини яхшилашга, мулкига мулк кўшишга ҳаракат қилади. Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда мулкдорларнинг ўрни ниҳоятда катта. Зеро, улар жамиятдаги ўзгаришларга бевосита дахлдор бўлган қатламдир.

Шу сабабли ҳам иқтисодчи олимларимиз томонидан илгари сурилаётган фикрларга қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда янги Ўзбекистонни қуриш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун аввало бозор иқтисодиётининг неги-

<sup>1</sup> Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – М.: Фонд экономической книги «Начало», 1997.

зи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратиш зарурдир. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлигини кўришимиз мумкин.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда тарихан хўжалик юритишнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, уларни иқтисодиёт намояндалари ишлаб чиқариш усуллари деб номлашган. Мамлакатда устунлик қилаётган хўжалик юритиш услуби ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичларини тавсифлайди. Тегишли ижтимоий муносабатлар билан биргаликда кўриб чиқиладиган хўжалик юритиш усуллари укладлар деб номланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда мулкнинг кўп укладли шакллари мавжуд. Улар иқтисодий асос сифатида хизмат қилувчи хўжалик юритишнинг турли усулларини белгилаб беради. Шулардан энг асосийлари қуйидагилар:

- табиий ресурсларга умумхалқ мулкчилиги;
- таълим, соғлиқни сақлаш ва қатор бошқа ижтимоий хизматлар кўрсатиш ресурсларига давлат мулкчилиги;
- табиий монополия ресурслари ва маҳсулотларига давлат – корпоратив мулкчилик;
- кичик бизнес соҳасидаги турли хилдаги хусусий шаклдаги мулкчилик.

Таъкидлаш лозимки, булар мулкнинг иқтисодий шакллари бўлиб, мулк ҳуқуқларининг шаклланишини белгилаб беради.

«Мулк» ва «мулк ҳуқуқи» тушунчалари бир-биридан фарқ қилади. Илмий тадқиқотларда «мулк» деганда ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотларининг муайян шахсларга – инсонлар ёки улар гуруҳига тегишлилиги тушунилади.

Мулк тушунчаси иккита фан: иқтисодиёт ва ҳуқуқ фанларининг чегарасида туради. Ҳар қандай жамиятда мулк муносабатлари юридик жиҳатдан конституция, қонунлар ва кўп сонли бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар (фармонлар, қарорлар, фармойишлар) билан тартибга солинади.

Мулк ҳуқуқи бир томондан – субъектив ашёвий ҳуқуқ. Ўз мазмунига кўра, мулк ҳуқуқи барча ашёвий ҳуқуқлар ичида энг кенг ҳуқуқдир: мулкдор ўз мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Мулк тушунчаси объектив тарзда учта ўлчовга эга: эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш. Мулкдор расман мулкдан олинадиган неъматлардан фойдаланиш ва мулк объектини мутлақ бошқариш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистонда мулк ҳуқуқининг асосий манбаи қонунчилик ҳисобланади ва мулк муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг қатъий поғонаси мавжуд. Уларнинг асосий манбаларига қуйидагилар киради.

I. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси; Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси; Солиқ Кодекси ва бошқалар.

II. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги; «Мулк тўғрисида»ги; «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги; «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги; «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги; «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги; «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва бошқалар.

III. «Хусусий корхона тўғрисида»ги; «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги; «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги; «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги; «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва бошқалар.

Ушбу қонунчилик ҳужжатларида мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги, мулкдор ҳуқуқининг кафолати ва ҳимояланганлиги, турли ташкилий – ҳуқуқий шакллардаги хўжалик юртувчи субъектлар (акциядорлик, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар, хусусий ва қўшма корхоналар, фермер ва юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари ва бошқалар)ни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши механизми, ташки иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тамойиллари ва тизими каби меъёрлар ўз аксини топди. Ушбу қонунлар бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мулк муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий белгиларини мустаҳкамлади.

Ҳозирги вақтда мулк ҳуқуқини ҳимоялаш масалалари муҳим ҳисобланади. Бошқарув тизимидаги хатолар мулкдорлар ҳуқуқларининг тез-тез бузилиб турилиши билан кузатилади.

Мулк ҳуқуқи – миллий ҳуқуқий – институционал тизимни ривожлантиришнинг «таянч нуқталари»дан бири ҳисобланади. Мулк ҳуқуқининг институционал ривожланишига иқтисодий, ижтимоий, тарихий, экологик ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади. Фан – техника тараққиёти ва янги ахборот технологиялари (интеллектуал мулк институтининг ривожланиши) мулк ҳуқуқининг ривожланишига алоҳида таъсир этади. Ислохотларнинг ҳозирги босқичи таҳлили ушбу йўналишда ўзига хос қуйидаги тенденциялар билан тавсифланади.

Турли мулк шакллари­нинг таркиби ва мулк ҳу­ку­қи тизими бозор иқ­ти­со­ди­ёт­ни­нинг ривож­ла­ни­ши­га ҳал қилувчи таъсир кў­ра­са­ди. Ўз­бе­ки­стон­да иқ­ти­со­ди­ёт­ни­нг ик­ки­та асо­сий сек­то­ри – ху­су­сий (шу жум­ла­дан кор­по­ра­тив) ва уму­ий­лик­да­ги мулк сек­то­р­ла­ри (дав­лат ва му­ни­ци­о­нал мулк) шакл­лан­моқ­да ва улар­нинг ҳар би­ри ўз мулк шакл­ла­ри­га асо­сла­на­ди. Иқ­ти­со­ди­ёт­ни­нг ушбу сек­то­р­ла­ри ва мулк шакл­ла­ри ўртаси­да ўзаро ҳам­кор­лик ва иқ­ти­со­дий рақобат му­но­са­бат­ла­ри ўр­на­тил­ган.

Турли мулк шакллари­нинг ривож­ла­ни­ши бозор му­но­са­бат­ла­ри­ни ҳу­ку­қий тар­тиб­га солиш­нинг бошқа соҳа­ла­ри эво­лю­ция­си­га таъсир кў­ра­са­ди. Мам­ла­ка­ти­ми­зда ху­су­сий мулк шакл­ла­ри­нинг хил­ма­хил­ли­ги меҳ­нат­ни таш­кил қи­ли­ш­нинг мулк­дор ва ходим ўртаси­да­ги ҳу­ку­қий алоқалар билан фарқ қилувчи турли шакл­ла­ри­ни кел­ти­риб чиқариш­га за­мин ярат­моқ­да.

Мулк шакллари­нинг табақаланиши мулк ҳу­ку­қи ин­сти­ту­ти­нинг де­мо­к­рат­ла­шу­ви­га (суб­ъектлар дои­ра­си­нинг кен­га­йи­ши­га) олиб кел­моқ­да. Мулк ҳу­ку­қи ик­ки­та асо­сга кўра табақаланиши мум­кин: об­ъект бўйича ва суб­ъект бўйича. Турли мулк шакл­ла­ри­ни таш­кил этиш асо­си­да мулк­ни дав­лат та­сар­ру­фидан чиқариш ва уни ху­су­сий­ла­шти­риш ёта­ди.

Мулк ҳу­ку­қи дав­лат ва жа­ми­ят ман­фа­ат­ла­ри йўли­да чек­ла­ни­ши мум­кин. Ом­ма­вий ҳу­ку­қий ман­фа­ат­лар­да мулк ҳу­ку­қини суи­истеъ­мол қи­лиш ва ундан фой­да­ла­ниш ом­ма­вий ман­фа­ат­лар­га дахл­дор бўл­ган ўз мулк­ни йўқ қи­ли­ш­га ҳақ­ли эмас. Мулк ҳу­ку­қининг амал­га оши­ри­ли­ши ат­роф­му­ҳит­га зиён ет­каз­мас­ли­ги, жи­с­мо­ний ва юри­дик шах­слар­нинг ҳу­ку­қ­ла­ри­ни ва қонун билан қў­ри­қ­ла­на­ди­ган ман­фа­ат­ла­ри­ни буз­мас­ли­ги шарт. Мулк ҳу­ку­қи ин­сти­ту­ти­да ом­ма­вий-ҳу­ку­қий асо­слар­нинг кў­пай­и­ши­га ишлаб чиқаришни уму­м­ла­шти­риш жа­ра­ё­ни ка­би омил ҳам таъсир кў­ра­са­ди. Мулк­нинг ак­ция­дор­лик шакли роли ор­тиб бор­моқ­да. Ушбу мулк шакли ўз та­ба­и­я­ти­га кўра жа­мо­авий ху­су­сия­т­га эга. Унинг шакл­ла­ни­ши­да ху­су­сий сар­мо­я билан бир қатор­да дав­лат сар­мо­я­си ҳам ишти­рок эт­моқ­да.

Ху­су­сий мулк­нинг ҳу­қуқ ва ҳи­мо­я­си­ни му­ста­ҳ­кам­ла­шимиз, ҳар қай­си ху­су­сий мулк­дор қонуний йўл билан қў­лга кирит­ган ёки ярат­ган ўз мулк­нинг дахл­сиз­ли­ги­га асло шуб­ҳа қил­мас­ли­гини таъ­мин­лай­ди­ган ишонч­ли ка­фо­лат­лар тизим­нинг яратилиши мам­ла­кат иқ­ти­со­ди­ёт­ни­ни ривож­лан­ти­ри­ш­нинг асо­сий не­гизи ҳисоб­ла­на­ди. Ҳар бир тад­бир­кор, ав­ва­ло, шуни аниқ­рав­шан билиб олиши керак­ки, дав­лат ху­су­сий мулк­дор ҳу­ку­қ­ла­ри­нинг ҳи­мо­я­чи­си­дир. Шунинг учун ҳам тад­бир­кор­лар ўз биз­неси­га бе­ха­во­тир ин­ве­сти­ция киритиши, ишлаб чиқариш фао­ли­я­ти­ни кен­га­й­ти­ри­ши, маҳ­су­лот ҳажми ва олаёт­ган дарома­ди­ни кў­пай­ти­ри­ши, ўз мулк­ига ўзи э­га­лик қи­ли­ши, фой­да­ла­ни­ши, та­сар­ру­ф эти­ши лозим.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 13 августдаги Фармонида хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалалари назарда тутилган.

Фармонга мувофиқ мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш ва мулк дахлсизлигини бузганлик учун масъул шахсларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган чоралар белгиланди.

Эндиликда хусусий мулк билан боғлиқ камчиликларни комплекс ва тезкор ҳал этиш, барча даражадаги давлат органларининг ягона услубий раҳбарлик остида ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик қилиши йўлга қўйилади. Хусусий мулкнинг ишлаши, ер участкаларини реализация қилиш, тендер савдоларини ўтказиш ҳамда давлатга тегишли бўлмаган бино ва иншоотларни бузишга оид аниқ ва лўнда ҳуқуқий нормалар яратилади. Бу эса тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг кенг қатламларини бизнес билан шуғулланишга фаол жалб этишни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан, мазкур фармонда Конституциянинг хусусий мулкнинг дахлсизлиги, иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш, тажовузлардан ҳимоя қилиш, хусусий мулкни сақлаш ва янада кўпайтириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга оид нормаларини сўзсиз ижро этиш ҳамда уларга қатъий риоя қилиш бўйича мансабдор шахсларнинг, шахсан жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида хусусий мулкни ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича кенг-микёсли чора-тадбирлар амалга оширилди. Мулквий муносабатлар амалдаги бир қанча қонун ҳужжатлари ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Бундай қонунчилик ҳужжатларида хусусий мулк ва мулкдорларнинг ҳуқуқлари, яъни ўз мулкига эгалик қилишлари, ундан эркин фойдаланишлари, уни тасарруф этишлари, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи ҳамда шу каби бир қатор ҳуқуқ ва эркинликлари белгиланган. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларининг амалга оширилиши, манфаатларига риоя қилинишининг таъминланиши, албатта, давлат томонидан кафолатланиши зарур. Бунда, табиийки, шу

қунларда кенг жамоатчилик томонидан атрофлича муҳокама қилинган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун катта аҳамиятга эга. Мутахассислар қонуннинг декларатив эмас, балки амалий ҳуқуқий ҳимояни таъминлашига алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаш лозим. Зеро, ушбу қонун мулкдорнинг ўзига тегишли мулкдан эркин фойдаланиши ва тасарруф этишини, уни ҳуқуқбузарлардан ҳимоя қилиши, айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари белгиланишини, мулкдор ҳуқуқларининг аниқ ҳимоя этилишини таъминлаши зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ҳам қатор вазифалар юкланди. Жумладан, хусусий мулкдорларга уларнинг ҳуқуқларини бузган ҳолда зарар етказилишига, шу жумладан, мулк ҳуқуқини ноқонуний чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка, жумладан, аввал хусусийлаштирилган мулкка тажовуз қилиш, мулкдорга қасддан номақбул шартларни, шу жумладан, мулкни ёки мулкрий ҳуқуқни топширишга доир асоссиз талабларни қўйиш, шунингдек, мулкни олиб қўйиш ёхуд мулк эгасини шахсий мулк ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қилишга йўл қўйилмаслиги устидан тизимли назорат ўрнатиш белгиланган. Мансабдор шахслар томонидан суиистеъмол ва қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик юзасидан зарур чораларни кўриш бўйича топшириқ белгиланди.

Қонунчиликка мулкдорларнинг хусусий мулк дахлсизлиги, ўзига тегишли бўлган мол-мулкка мустақил эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, мулкдорларга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ер майдонининг бозор қийматида тўлиқ қопланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланган.

Шу билан биргаликда, Фармон билан янги қоидалар ҳам белгиланди. Хусусан, 2020 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бопқасига ўтказиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар эгалигида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига берилди. 2020 йил 1 мартдан кучга кирган «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунни 2020 йил

1 февралга қадар Сирдарё вилоятида апробация қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш белгиланган. Олдин ҳокимларда ер участкаларини аукцион ўтказмасдан тўғридан-тўғри бериш ваколатлари мавжуд эди. Эндиликда 2019 йил 1 октябрдан бошлаб тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкалари республиканинг барча ҳудудларида фақат «E-IRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали тақдим этилади. (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ер участкалари бериш ҳоллари бундан мустасно, албатта). Электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги баённома асосида ер участкасига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатига олинади.

2019 йил 1 сентябрдан бошлаб фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини, шу жумладан, таълим муассасалари (академик лицей ва касб-хунар коллежлари бундан мустасно), соғлиқни сақлаш ва спорт, маданият, хусусан кинотеатрлар, клублар, концерт-томоша кўрсатиш муассасалари ва кинолаштириш объектлари, шунингдек, давлат ташкилотларининг бўш турган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини хўжалик фаолиятига жалб қилиш ва сотиш тартибини жорий этиш белгиланди. Тадбиркорлик субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг жалб этиш орқали барча давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларининг шаффофлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ягона етказиб берувчидан тўғридан-тўғри харид қилиш амалиёти катъиян тақиқланади. Хусусий мулк дахлсизлиги, мулкка эгаллик қилишнинг шаффоф тизими яратилиши ҳамда ер ажратишда ҳокимларнинг яққоҳокимликда қарор чиқариши каби ҳолатларга чек қўйилиши халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

Мулкий ҳуқуқларни химоя қилишда трансакцияларни бажариш ҳамда трансакция ҳаражатларини оптималлаштириш катта аҳамиятга эга. Трансакция ҳаражатларининг пасайиши мулкдан фойдаланиш самарадорлиги ошиши билан кузатилади.

Мулк ҳуқуқи институтининг ривожланишида кўп асрлик анъаналарга таяниш, Ўзбекистон давлатчилиги ва жамиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Бунда давлат ва хусусий мулк шакллари-нинг оптимал нисбати чегарасини ишлаб чиқиш зарур. Бундай нисбат ҳар қандай ҳуқуқий давлат учун устувор ҳисобланган иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг қулай ҳолатини таъминлайди. Қачонки мулк ҳуқуқи институти ижтимоий йўналтирилган меъёрга айланса, ана шунда унинг қадри ошади. Чунки хусусий мулк иқтисодий рақобатни ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳисобланади.



#### 1.4. МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КЛАСТЕР МЕХАНИЗМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Мамлакатимизда қисқа давр ичида оилавий тадбиркорликни тартибга солиш ва унинг ривожланишини рағбатлантириш институтлари шаклланди. Тизимнинг асосини оилалар ва уларнинг аъзоларига даромад келтирувчи ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишда эркин фаолият юритиш ва уни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоялаш ҳуқуқини берувчи қонунчилик ҳужжатлари ташкил этади. Ушбу соҳадаги қонунчилик ҳужжатларининг амалиётга киритилиши билан республикада кенг миқёсда оилавий тадбиркорликнинг турли шакллари фаолият юрита бошлади. Ҳукумат томонидан кўрилган таъсирчан чоралар туфайли ушбу соҳада аҳоли бандлиги ошди ва оила тадбиркорлигининг иқтисодий ўсишга қўшаётган ҳиссаси ошиб бормоқда.

Шу билан бир вақтда, биз амалга оширган тадқиқотлар кўрсатишича, оила институти тадбиркорликни ривожлантириш учун оилалар салоҳияти унга тўлиқ жалб этилмагани аниқланди. Оилалардаги меҳнат ресурслари, билимга эга мутахассислар, турли соҳаларда вақтинчалик бандлик ва шу каби бошқа оила активлари ҳали яқка тадбиркорлик, уй меҳнати ёки оилавий корхоналар ташкил этишда тўлиқ фойдаланилмапти. Шу нуқтага назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июнда қабул қилинган ««Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у оилавий тадбиркорлик салоҳиятини иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга жалб этишда янги босқични бошлаб берди.

Мазкур қарорда белгилаб берилган ўта долзарб, шу билан бир қаторда юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этиш янгича ёндашувларни талаб қилади. Шундай ёндашувлардан бири маҳалла институти ҳудудида оила тадбиркорлигини ривожлантириш ва унинг салоҳиятини оширишда кластер механизмини жорий этиш ҳисобланади.

«Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури асосий йўналишларининг 5-қисмида «қишлоқ ва маҳаллаларнинг ихтисослашувини (хунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш – мини кластерлар ташкил этиш» вазифаси белгиланган.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларида ушбу механизмни кенг жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентинг қатор Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган ва улар амалиётга жорий этилмоқда.<sup>1</sup>

Иқтисодиёт тармоқлари ҳамда алоҳида ҳудудларда ишлаб чиқариш кооперациясига асосланган кластерли ёндашув иқтисодий самарали усул эканлиги тажрибада ўз исботини топган. Кластер институти ривожланиш назариясининг асосчиси М.Портер ҳисобланади. Унинг фикрича, кластерлар давлат иқтисодиёти учун ички бозорни ривожлантириш нуқталари ҳисобланади, кластерларнинг тобора кўп ташкил этилиши натижасида мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлиги ошади.<sup>2</sup> Таъкидлаш лозимки, ташкил этишнинг кластер шакли инновациянинг янги шаклини – «умумий инновацион маҳсулотни» яратишга хизмат қилади. Кластер иштирокчилари ўртасида барқарор алоқаларнинг ўрнатилиши ихтироларнинг инновацияга ўтишига, кейинги босқичда эса инновацияларнинг рақобат устунликларига айланишига ёрдам беради, инновацияга йўналтирилганлик – кластернинг энг муҳим фаркли белгиси ҳисобланади.

Ўзбекистонда кластер назарияси бўйича олиб борилган тадқиқотларда<sup>3</sup> кластер иштирокчилари бир ҳудуд доирасида тўпланувчи кластер корхоналаридан ташкил этилишига эътибор қаратишган. Ушбу муаллифлар тадқиқотларида саноат корхоналари ҳамда агрокластерларни шакллантириш ва улар фаолиятини ташкил қилиш бўйича таклифлар асослаб берилган. Шу билан бир қаторда, хорижий давлатларда ҳам ҳудуд

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2017 йил 15 сентябрь, ПҚ-3279.; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Ёшлар тадбиркорлик кластерини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида. 16.10.2017 й., № 834.; Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. О дополнительных мерах по организации деятельности хлопково-текстильных производств и кластеров. 31.03.2018 г. №253.

<sup>2</sup> Портер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993. – С.37.

<sup>3</sup> Қодиров А., Аҳмедиева А., Убайдуллаев Д. Кластер механизми. *Agroiqtisodiyot*, №1, 2017.-Б.38-44-бетлар; Носирходжаева Д.С. Формирование стратегии развития промышленных предприятий на отраслевых рынках. Диссертационная работа на соискание ученой степени д.э.н. – Е.: ИЭ АН РУз, 2011. –С. 26.; Захидов Г.Э. Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқарини самарадорлиги. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. РУз БМА, 2017. 24-6.

иқтисодиёти тармоқларида турли мақсадларга йўналтирилган кластерлар ташкил қилиниб ишга туширилган.

Ҳозирги кунда Россия Федерациясида 177 та кластер институтлари мавжуд бўлиб, уларнинг 27 таси агросаноат, 4 та озиқ-овқат соҳасида ташкил қилинган.<sup>1</sup>

Шу билан бирга ривожланган ғарб давлатлари (Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Япония, АҚШ ва бошқалар) тажрибаси шундан далолат берадики, минтақавий ҳамда минтақалараро кластерларни фаол ташкил этиш ва халқаро ўзаро муносабатларни ривожлантириш бизнес ва академик (университет) муҳити ўртасидаги кооперацияси йўли билан амалга оширилмоқда.<sup>2</sup> Хусусан, Францияда кластерлар локал (кичик) саноат гуруҳлари, университет ва тадқиқот институтлари ўртасида шерикчилик асосида ташкил этилмоқда. Кластер моделлари, шунингдек, ривожланаётган давлатларда, масалан, Ҳиндистон ва Бразилияда ҳам муваффақиятли қўлланилиб, уларда 400 дан зиёд кластерлар фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу изоҳланган илмий асослар ҳамда амалий тажрибалар оилавий тадбиркорлик кластерларини ташкил этиш ва улар фаолиятини кластер механизми орқали юритиш мумкин эканлигини кўрсатади.

Маҳалла институтининг кластер механизмини жорий этишга қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

1. Маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик орқали даромад топиш, иш билан банд бўлиш истагида бўлган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш.

2. Маҳалла аҳолисининг оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ турли даражадаги муаммолари мавжудлиги.

3. Маҳалла аҳолисини оилавий тадбиркорликка фаол даъват этувчи ҳамда қўллаб-қувватловчи бошқариш тузилмаси ва механизми деярли ишламаслиги.

4. Маҳалла йиғини таркибидаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича Маслаҳат марказига Вазирлар Маҳкамасининг 15.02.2017 йилдаги «Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

<sup>1</sup> М.П. Козлов. Региональные агропромышленные кластеры: методические аспекты формирования и развития в условиях инновационной экономики. // Экономика и социум, №2(21), 2016 г.-С.18-26.; Козлов М.П. Кластерный подход как механизм активизации инновационного развития субъектов агропромышленного производства. // Экономика, труд, управление в сельском хозяйстве. М., 2015, № 1(22), с.24-28.

<sup>2</sup> Щетинина И.В. Перспективы развития агропромышленных кластеров в России. // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. М., 2015, №3, с.51-55.

117-сонли қарори билан юклатилган вазифаларни амалда ижросини таъминлаш зарурлиги.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги Қарори билан ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш – кичик кластер ташкил этиш вазифаси белгилаб қўйилганлиги.

Оилавий тадбиркорлик кластери алоҳида ҳудудда (туман, шаҳар) жойлашган маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) ёки қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ) негизида ташкил этилади. Маҳаллада яшовчи оилалар (ёки қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчилар), гуруҳлари кластерда яқка тадбиркорлик, уй меҳнати ёки оилавий корхона фаолиятини юритувчи шахслар сифатида асосий бўгин бўлиб иштирок этади. Маҳалла институти таркибига кирувчи тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат маркази (жамоатчилик тузилмаси) кластерга кирувчи барча томонлар ишларини мувофиқлаштирувчи ва ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) кооперациясини ташкил қилиш ҳамда яқка тадбиркорларга кўмак бериш, маслаҳат ёрдами кўрсатиш вазифаларини бажаради.<sup>1</sup>

Шуларни ҳисобга олиб маҳалла фуқаролар йиғини қошида юридик шахс мақомига эга бўлган тижорат ташкилотлари тузиш мумкин. Бу ташкилотлар юридик шахс мақомига эга бўлган кластер ичида кооперация асосида ёки яқка ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи (хизматлар кўрсатувчи) оилавий корхоналарни ташкил этиш, яқка тадбиркорлар ва ҳунармандларни бирлаштириш имкониятини яратади.

Маҳалла маслаҳат маркази оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва шуғулланмоқчи бўлган оилаларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини танлаш, баҳолаш ҳамда уни амалга ошириш вазифаларини бажаришга ёрдамлашади. Ушбу йўналишларда оилавий тадбиркорларга ахборот-консалтинг хизматлари кўрсатувчи марказ ташкил этиш зарур ҳисобланади. Бундай Марказ МФЙ қошида ташкил этилади ва Маҳалла Маслаҳат маркази билан ҳамкорликда иш юритади. Маҳалла институтида кластер ташкил этишдан мақсад, масалан, «Хувайдо» маҳалласи ҳудудида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва оила аъзоларини ўзини ўзи иш билан банд қилиш салоҳиятини ошириш.

<sup>1</sup> Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 15.02.2018. №117.

Кластер иштирокчилар:

1. Маҳалла фуқаролар йиғини ва унинг таркибидаги Маслаҳат маркази.
2. Маҳалла оилалари:
  - оилавий корхоналар;                      – касаначилар (уй меҳнати);
  - якка тадбиркорлар;                       – хунармандлар.
3. Ахборот – консальтинг маркази (янгидан ташкил этилади).
4. Давлат ва нодавлат ташкилотлар (шартнома асосида).

Шуларни ҳисобга олганда оилавий тадбиркорлик кластери таркибига маҳалла ҳудудида яшовчи оилалар, якка тадбиркорлар, оилавий корхоналар, шунингдек, уларга кўмак берувчи, қўллаб-қувватловчи тузилмалар кириши мумкин (1.4-расм).



1.4-расм. Маҳалла институтининг оилавий тадбиркорлик кластерини ташкилий тузилиши.

Маба: муаллифлар изланишлари натижасида тузилган.

Маҳаллада оилавий тадбиркорлик фаолияти кластерининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланиши мумкин:

- маҳаллада оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва уни юритиш ишгаёқда бўлганлар рўйхатини тузиш ҳамда истиқболда маҳаллада ушбу фаолият турларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;
- маҳалла ёки туман ҳудудидан оилавий корхоналарга ер ажратиб бериш ва улардан мақсадли фойдаланиш, янги иш жойларини барпо этиш жараёнларини таҳлил қилиб бериш;
- маҳалла ҳудудида оилавий корхоналар очиш, яқка тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик фаолиятини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни асослаш, самарадорлигини баҳолаш ва уларга кредит маблағлари олишда амалий ёрдам бериш;
- шаҳар, туман ҳокимликлари, давлат ва нодавлат ташкилотлар, шунингдек, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар билан ўзаро алоқада бўлиш ҳамда юзага келган муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш ва бошқалар.

Кластер институти фаолиятини бошқариш харажатларини унга кирувчи оилавий тадбиркорлик субъектлари ажратмалари (кластер уставида кўрсатилган ҳажмда), хайрия пуллари, хорижий ҳамкорлар маблағлари ва бошқалар ҳисобидан қоплаш мумкин.

## **1.5. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ИНСТИТУТИ ЛОЙИҲА КОНЦЕПЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Таълим тизимида мактаблар, боғчалар, коллежлар ва олий таълим институтларининг ривожланиш даражаси ҳар қандай мамлакат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мақомларининг энг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, айнан мактабгача давр ёш, шахс шаклланишининг дастлабки босқичини қамраб олади ва болаларни янги кўникмаларни эгаллашга ундайди, шунингдек, жамиятда умуминсоний қадриятлар ва хатти-ҳаракат қоидаларига одатлантиради. Шунинг учун таълим тизимининг дастлабки поғонаси унинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, у инсон капиталини кўпайтиришга олиб келади. Аҳолиси интеллектуал ривожланган мамлакатимизнинг янада раванқ топиши бугунги кунда Ўзбекистонда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш қай даражада амалга оширилганига, республика вилоятларининг

шаҳар ва туманларида мактабгача таълим муассасаларининг (МТМ) сони қанча эканлигига, шунингдек, бюджет маблағлари ва хусусий сектордан жалб этилган инвестицияларнинг қанча миқдори кўзланган мақсадларга эришишга йўналтирилаётганига боғлиқдир. Шу муносабат билан, ушбу соҳага хусусий сектор ва инвесторларни жалб қилиш МТМни ривожлантиришнинг энг муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш зарурлиги таъкидланган.<sup>1</sup>

Ҳозирги кунда мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, унинг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларининг такомиллаштирилиши билан ажралиб туради. Буни таъминлаш учун биргина охириги уч йилда 25 та институционал-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси<sup>2</sup>, «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Қонун<sup>3</sup> ва бошқа ҳуқумат ҳужжатлари қабул қилинди. Мактабгача таълим тизимини янада ислоҳ қилиш ва мазкур соҳадаги барча масалаларни тартибга солишни мамлакатимиз Президентининг Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги амалга оширади.<sup>4</sup>

Умуман Ўзбекистон бўйича, хусусан унинг ҳудудларида туғилиш даражасининг прогноз қилинган ўсиши, агар кўшимча чора-тадбирлар кўрилмаса, уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар учун мактабгача таълимдан фойдаланиш даражасининг пасайишига олиб келади. Мактабгача

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.


<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори.

<sup>3</sup> «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-595-сон Қонуни.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони.

таълимни янада ривожлантиришнинг стратегик вазифалари Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган бўлиб, унда келажакда эришиш лозим бўлган кўрсаткичлар мавжуд. Буларга, масалан, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш кўрсаткичлари, шаҳар ва туманлар кесимида мактабгача таълим муассасаларининг сони киради, шунингдек, ушбу кўрсаткичларга эришиш учун зарур бўлган пул маблағларининг миқдори кўрсатилган ҳолда ҳисоб-китоблар келтирилган. Мақсадли кўрсаткичларга кўра, 2021 йилга келиб боғчалардаги жойлар сони 56,8%га, 2030 йилга келиб эса 132,3%га ўсади. Болаларнинг мактабгача таълим билан қамрови 2030 йилга келиб 40,5%дан 80,8%гача ошади.<sup>1</sup>

Мактабгача таълим муассасаларини жойлаштириш учун янги объекتلарни барпо этмасдан туриб уларга бўлган эҳтиёжларни таъминлаш учун зарур миқдорда мактабгача янги жойларни жорий этишнинг иложи йўқ. Амалга оширилиши лозим бўлган харажатлар миқдорининг катталиги туфайли МТМни жойлаштириш учун объекتلарнинг барпо этилишини бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириб бўлмайди. Республикада МТМни қуриш ва жиҳозлаш учун сарфланадиган пул маблағларининг ҳажми 2019 йилда 19,46 млрд сўмни; 2021 йилда 12,47 млрд сўмни; 2024 йилда 4,17 млрд сўмни таъкил қилиши керак (1.5-расм).



1.5-расм. Ўзбекистонда ўрта ва узоқ муддатли истиқболда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари.

Ма н б а: муаллифлар томонидан тузилган.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори.



Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасаларида болаларни парвариш қилиш учун зарур бўлган пул маблағларининг ҳажмини 2019 йилдаги 4,77 млрд сўмдан 2024 йилда 7,70 млрд сўмгача ошириш лозимлиги белгиланган.<sup>1</sup>

Мактабгача таълим соҳасини етарли ва зарур ҳажмда ривожлантириш учун иқтисодиётнинг хусусий секторидан ресурсларни жалб қилиш зарурати юзага келади. Тажриба, энг янги технологиялар, иқтисодиёт хусусий секторининг молиявий маблағлари, шунингдек, таваккалчиликларнинг давлат билан баҳам кўрилиши молиялаштиришнинг янада самарали чизмаларини қўллаш, таълим инфратузилмасини қуриш ёки реконструкция қилиш муддатларини қисқартириш, бошқарувнинг замонавий усуллари ва технологик ечимларни, янги хизматлар ва хизмат кўрсатиш усуллари жорий этиш имконини беради.

Кейинчалик, чет эл тажрибаси исботлаб турганидек, бу таълим соҳасининг ривожига ижобий таъсир кўрсатади, таълим муассасалари оммабоплигининг ошишига, хизматлар сифатининг ҳамда таълим жараёни самарадорлигининг ошишига олиб келади. Шунинг учун, лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик ва концессия битимлар орқали амалга ошириш яқин келажақда ушбу мақсадларни амалга ошириш учун асосий имконият ҳисобланади.

Давлат-хусусий шериклик – хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурсларни бирлаштириш таваккалчиликларни тақсимлаш мақсадида мактабгача таълимда амалга ошириладиган давлат ва хусусий шерикликнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган ўзаро манфаатли ҳамкорлиги ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалалари кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчилар томонидан ёритилмоқда. Масалан, ДХШнинг назарий асослари ҳамда давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро шерикликка асосланган лойиҳаларни ривожлантириш муаммолари россиялик муаллифлар, масалан, В.Г.Варнавский, А.В.Клименко, В.А.Королевнинг кўплаб ишларида тақдим этилган.<sup>2</sup> ДХШ механизмларини ижтимоий соҳада қўллашнинг ҳозирги ҳолати ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори.

<sup>2</sup> Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учеб. пособие. М.: Изд. дом Гос. ун-та Высшей школы экономики, 2010. – С. 287.

истикболли йўналишлари Д.В.Нюхаев<sup>1</sup> ва М.Ткаченконинг<sup>2</sup> ишларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда ДХШни ривожлантириш ва ДХШ лойиҳаларини бошқариш масалалари У.И.Жуманиязов, Ф.Е.Карабаев, А.Е.Шайхов, Н.А.Юсупов, А.Х.Холмирзаев ва бошқаларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Бироқ, ушбу тадқиқотлар асосан ДХШ механизmidан иқтисодиётнинг турли тармоқларида, шу жумладан, инфратузилмавий тармоқларда фойдаланишга тааллуқли. Маҳаллий олимларнинг фақатгина озчилик қисми ўз ишларида ижтимоий соҳадаги, шу жумладан, мактабгача таълим тизимидаги лойиҳаларни ҳам кўриб чиқади. Масалан, А.Низамов ўз монографиясида таълим муассасаларининг ижтимоий шериклигидаги ДХШ моделини очиб берди.<sup>3</sup>

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг маълумотларига кўра, ўтган йили ташкил этилган оила институти таркибидаги мактабгача таълим муассасаларининг сони 4,664 тани ташкил этиб, бу йил олти ой ичида уларнинг сони 6,645 тага кўпайган (1.2-жадвал).

Республикада бугунги кунда иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда хусусий капиталдан фаол фойдаланиладиган ДХШ меха-

1.2 - ж а д в а л

Ўзбекистонда оилавий мактабгача таълим муассасаларининг сони.

Курсаткичлар	01.12.2019 Йил ҳолатига кўра	01.03.2020 Йил ҳолатига кўра	17.05.2020 Йил ҳолатига кўра
Мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ), жами	11704	13846	14175
шу жумладан:			
давлат МТТ	5774	5979	5973
нодавлат МТТ	697	826	833
ДХШ механизми МТТ569	666	724	
ДХШ механизми оилавий МТТ	4664	6375	6645

Ма н б а: маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг <https://old.mdo.uz/ru/> расмий сайтидан олинган

<sup>1</sup> Нюхаев Д.В. Государственно-частное партнерство в социальной сфере // Социально-экономические явления и процессы. 2012. № 1(035). - С. 116-119.

<sup>2</sup> Ткаченко М. Текущая ситуация и перспективные направления применения механизмов государственно-частного партнерства в социальной сфере. Центр развития ГЧП. [Электронный ресурс] <https://mosgortur.ru/uploads/files/5836e0e31f722.pdf> (дата обращения: 22.09.2020 г.).

<sup>3</sup> Низамов А. Модель государственно-частного партнерства в социальном партнерстве образовательных учреждений. Монография. Т.: ИЕРС и Институт ИКТ. 2017. - С. 110.

низмини жорий этган ҳолда давлат билан бизнес ўртасидаги ҳамкорлик йўналишларини кучайтириш тенденцияси кузатилмоқда. Мактабгача таълим тизимида бундай шериклик воситаларидан кенг фойдаланиш мактабгача таълим муассасаларига бюджет юкини камайтириш, уларнинг инфратузилмаси тўлақонли ривожланишини таъминлаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ушбу соҳадаги таълим хизматларининг сифатини ошириш имконини беради.

Мактабгача таълимда ДХШ қуйидаги тўққизта шаклда амалга оширилиши мумкин.<sup>1</sup> Айтайлик, ер участкалари бепул доимий фойдаланиш учун берилган: а) нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг биноларини қуриш учун; нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари биноларини қуриш учун фаолият юритаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларининг ҳудудида; б) мавжуд давлат мактабгача таълим ташкилотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, кейинчалик эса уларни оталиққа олиш шарти билан нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари объектларини қуриш учун; в) концессия асосида қурилиш учун бепул асосда доимий фойдаланишга ер майдонлари тақдим этилади ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратилади.

Бундан ташқари, бўш ётган давлат мулки объектлари, шу жумладан, фаолият кўрсатмаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларининг бинолари «ноль» харид қийматида сотилади. Тўлиқ бутланмай қолган давлат мактабгача таълим ташкилотларининг фойдаланилмаётган хоналари ёки корпуслари узоқ муддатли бепул мақсадли фойдаланиш учун хусусий шерикларга топширилади. Яна қуйидагилар мактабгача таълимдаги ДХШ шакллари ҳисобланади: хусусий шерикнинг мол-мулки негизида ташкил қилинган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник ва молиявий таъминлаш, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник ва методик таъминлаш, шунингдек оталиқ шаклидаги хайрия фаолиятини олиб бориш. Кўриб турганимиздек, бугунги кунда МТМ қурилиши бўйича ДХШ лойиҳаларини амалга оширишга хусусий шерикларни жалб қилиш учун республикамизнинг турли вилоятларида аҳолини бундай муассасалар билан таъминлаш имконини берувчи турли шакллар мавжуд.

Ҳозирги кунда республикамизда кузатилаётган мактабгача таълим соҳасига бундай жиддий эътибор билан бир қаторда мактабгача таълим тизимида объектлар инфратузилмасини қуриш, жиҳозлаш ва янгилашни молиялаштиришга бўлган катта эҳтиёж мавжуд. 2018–2019 йилларда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда халқаро молия институтларидан эквиваленти 200,0 млн АҚШ доллари миқдоридagi кредитлар жалб қилинди. Ўтган йилнинг охири ҳолатига кўра 140,1 минг ўринли нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун имзоланган 1 412 та давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлардан 992 таси бўйича имтиёзли кредитлар берилди. 420 та битимларнинг 100 дан ортиғи бўйича хусусий шериклар ишлар ҳажмининг 25 ва ундан ортиқ фоизини бажаришди.

ДХШ асосида МТМ ташкил этиш дастурини давом эттириш мақсадида тузилган битимлар бўйича кредитларни молиялаштириш учун тижорат банкларига қўшимча маблағлар ажратилади.<sup>1</sup> Чунончи, 2019 йил 1 декабрга қадар мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш ишлари 25 фоиздан кам бўлмаган ҳажмда бажарилган битимлар бўйича кредитларни молиялаштириш учун зарур бўлган 182 млрд сўм маблағлар Молия вазирлиги томонидан 2020 йил учун Давлат бюджетидида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича харажатлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида ажратилади. Бунда, кредитлар 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 1 фоизли ставка бўйича берилади.

2018–2019 йилларда белгиланган тартибда тузилган 300 дан ортиқ битимлар бўйича кредитлар 15 йил муддатга, шу жумладан, уч йиллик имтиёзли давр билан йиллик 12 фоизли ставка бўйича ажратилади. Бундан ташқари, 2021 йил ва келгуси йилларда тузиладиган битимлар бўйича кредитлар тижорат банклари томонидан мустақил белгиланадиган фоиз ставкаларида берилади. Улар халқаро молия институтларидан жалб этиладиган имтиёзли кредитлар (қарзлар), шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун аввал ажратилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан қайтариладиган асосий қарзлар ҳисобидан молиялаштирилади.

2018–2019 йилларда имзоланиб, молиялаштирилмаган ҳамда келгуси йилларда тузиладиган битимлар бўйича кредитлар ушбу битимларда назарда тутилган хусусий шерикнинг ўз маблағлари ҳисобидан бажарилиши (сотиб олиниши) лозим бўлган ишлар (товарлар) тўлиқ амалга оширилганидан сўнг, тижорат банклари томонидан молиялаштирилади

Хусусий томон ҳам, давлат томони ҳам давлат-хусусий шериклик доирасида мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш лойиҳасининг та-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 январдаги ПҚ-4581-сон «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

шаббускори бўлиши мумкин. Уларнинг пировард мақсадлари бир-биридан фарқ қилса-да, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ишга тушириш жараёни муваффақиятли бўлиши учун амалга оширилиши зарур бўлган бир қатор ҳаракатлар мавжуд. Лойиҳани муваффақиятли амалга оширишнинг зарур шартларидан бири – бу унинг иштирокчилари яқунда нима олишни исташлари ва жорий босқичда қанақа бошланғич маълумотлар мавжудлиги ҳақида объектив тасаввурга эга. Саволларга жавобларни, одатда, ДХШ доирасида МТМ ташкил этиш лойиҳасининг концепциясини (ДХШ лойиҳасининг концепциясини) тайёрлашда олиш мумкин.

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ<sup>1</sup>, ДХШ лойиҳасининг концепцияси – бу давлат шериги ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланадиган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишни ҳал этишга доир танловни асослаб берадиган, ушбу лойиҳанинг қийматини тавсифини белгиладиган, уни амалга оширишнинг самарадорлиги ва долзарблиги асосларини, асосий тавсифномалари ва ўзига хос хусусиятларини, шунингдек жалб қилинадиган инвестицияларнинг қайтарилишини таъминлаш механизмларини ўз ичига олган ҳужжат. Лойиҳа концепциясига муайян инвестиция лойиҳаси, унинг ҳаётий цикли ва уни амалга оширишнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига қараб тузатишлар киритилиши мумкин.

Ўз моҳиятига кўра ДХШ лойиҳасининг концепцияси – бу қўйилган вазибаларни ҳал этишга нисбатан инновацион ёндашув бўлиб, у лойиҳанинг ҳар икки томони учун ҳам фойдали бўлиши лозим. Унинг мавжуд бўлиши давлат учун ҳам, хусусий томон учун ҳам шунчаки зарур, чунки у ДХШ лойиҳасини амалга оширишнинг кейинчалик битимнинг матнида ўз аксини топадиган асосий шартларини ифодалаш ва келишиб олишга ёрдам беради. ДХШ лойиҳаси концепциясининг мазмунига нисбатан қўйиладиган батафсил талаблар «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонунда акс эттирилмаган ва ушбу бўшлиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон «Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори<sup>2</sup> билан бартараф этилди, унда ДХШ лойиҳаси концепциясининг намунавий шакли келтирилган.

МТМ учун ДХШ лойиҳаси бўйича ташаббус қилиш бир неча босқичлардан иборат бўлиб, у ДХШ лойиҳасининг концепциясини ишлаб чиқиш,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон «Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори.



1.6-расм. МТМ учун ДХШ лойиҳасини концепциясини ташаббус қилиш.  
Маъна: муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

уни дастлабки ва якуний танлаш, маъқуллаш, келишиш ва тасдиқлашни ўз ичига олади (1.6-расм).

Ўзимизга яна бир савол берайлик: ҳозирги шароитда республикада қанча лойиҳа ДХШ форматда амалга оширилиши мумкин? Ҳатто ма-салан, инфратузилмага бюджетдан ташқари инвестицияларни узоқ вақт-дан буён амалиётда қўллаб келаётган бир қатор мамлакатларда ҳам ушбу нисбат кўрсаткичи фақат 1:25 га етади. Яъни, бюджет лойиҳаларининг тўртдан бир қисмига бир ДХШ тўғри келади, ривожланган мамлакатлар-да эса коэффициент 1:15 ёки 1:20 га етади. Шунинг учун, ҳатто ДХШ-нинг сони кичик бўлса ҳам, гарчи, амалиёт кўрсатиб турганидек, ДХШ доирасида МТМ ташкил этиш мамлакатимизда анча кенг тарқалган бўл-са-да, бундай лойиҳаларни ДХШ лойиҳасини концепциясини ишлаб чиқиш босқичидан тортиб то уларнинг амалга оширилишини мониторинг қи-лишгача услубий таъминлаш масаласи муҳим бўлиб қолмоқда. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон қарорини самарали амалга ошириш йўлида МТМ учун ДХШ лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар билан таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

<sup>1</sup> Еганян А. Инвестиции в инфраструктуру: Деньги, проекты, интересы. ГЧП, концессии, проектное финансирование. ООО «Альпина Паблицер», 2015. – С. 75.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон «Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.



### ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. *Институтлар нима? Уларнинг таърифларини келтиринг.*
2. *Институтлар таркибий қисмларига нималар киради?*
3. *Ўзбекистон иқтисодиётининг институционал таркибига нималар киради?*
4. *Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда барча соҳаларда нечта қонун ва фармонлар ҳамда қарорлар қабул қилинган?*
5. *Институтлар «эскириши» нима сабабдан юз беради?*
6. *Расмий ва норасмий нормалар қандай юзага келади?*
7. *Норасмий қоидаларнинг жамиятдаги роли нимада?*
8. *Институционал матрица таърифини келтиринг ва унинг гоёси нимадан иборат?*
9. *Норма асосий институт эканлигини изоҳланг.*
10. *Ўзаро ҳамкорликни қуришда норманинг ўрни қандай тавсифланади?*
11. *Ўзингизнинг одатий кунингизни эрталабдан кечгача келишув (муроса, экспансия, уриниш) лар атамаларида ёритишга уриниб кўринг.*
12. *Трансакция тушунчаси нимани аниқлатади?*
13. *Трансакцияларнинг турларини изоҳлаб беринг.*
14. *Ўзбекистонда трансакция харажатларини пасайтириш ва улар таркибини оптималлаштириш учун қандай чоралар амалга оширилган?*
15. *Мулкчиликнинг қандай шакллари мавжуд?*
16. *Мулкчилик тушунчаси объектив тарзда нечта ўлчовга эга?*
17. *Маҳалла институтида «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури нечта қисмдан иборат?*
18. *Маҳалла институти кластери иштирокчилари кимлар ҳисобланади?*
19. *Мактабгача таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириши концепцияси қачон қабул қилинган?*
20. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мактабгача таълим тизимида давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга қаратилган қарори қайси санада қабул қилинган?*



### ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. **Ўзбекистон Республикасининг институционал таркибига нималар киради?**
  - А. Конституциялар, қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномалар.
  - Б. Конституциялар, қоидалар, нормативлар, контрактлар.
  - В. Меъёрий ҳужжатлар, суд қарорлари, урф-одатлар.
2. **Ўзбекистон Республикасининг институционал таркибини белгиловчи омиллар қайсилар?**
  - А. Халқнинг турмуш-тарзи урф-одатлар, диний эътиқод, ислохотлар тамойиллари.
  - Б. «Ҳаракатлар стратегиясининг 5та йўналиши диний эътиқодлар Президент фармонлари, институционал нормалар.
  - В. Урф-одатлар, институционал муҳит, қонунлар, қарорлар.

**3. Институционал иқтисодиётда давлатнинг асосий функцияларидан бири-бу:**

- А. Ҳуқуқий мулкни ҳимоя қилиш.                      В. Янги хусусий мулкнинг норма  
Б. Мулкни давлатдан сотиб олиш.                      ларини мувофиқлаштириш.

**4. Хорижий олимлардан бири Т.Веблен институти тушунчасига қандай таъриф берган:**

- А. Институт – бу инсонлар уларга амал қилган ҳолда турмуш кечирадиган одатдаги тафаккур тарзи.  
Б. Институт – бу ижтимоий-иқтисодий тузилма бўлиб ижтимоий муҳитни англатади.  
В. Институт – бу инсонларга таъсир кўрсатувчи куч.

**5. Норма нима?**

- А. Норма – бу институционал муҳитда инсонлар ўз танловини амалга ошириб фойдаланиладиган асосий унсур.  
Б. Норма – бу инсонлар келишувига мос келадиган асосий тушунча.  
В. Норма – бу белги, муқаррарлик омили, мақсад ва шарт-шароит.

**6. Мулкдор қандай ҳуқуқларга эга?**

- А. Мулкга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари.  
Б. Мулкни бошқа эгалик қилувчига ўтказиш, ижарага бериш орқали сотиш.  
В. Мулкдан фойдаланиш, тасарруфдан чиқаришни ихтиёрий амалга ошириш.

**7. «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори қачон қабул қилинган?**

- А. 2018 йил 7 июнда                                      С. 2018 йил 11 июнда  
Б. 2019 йил 17 июлда

**8. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 117-сонли қарори қачон қабул қилинган?**

- А. 15.02.2017 й.    В. 15.02.2019 й.  
Б. 21.03.2017 й.

**9. Мактабгача таълим тизимида болалар қамрови 2030 йилда неча фоизгача ошади:**

- А. 40,5 фоиздан 80,8 фоизгача                      В. 60,5 фоиздан 100 фоизгача  
Б. 35,1 фоиздан 66,5 фоизгача

**10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида 2021–2022 йилларда олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида неча фоизга оширилади?**

- А. 25 %    Б. 20 %    В. 30 %





## И И Б О Б

### МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК – ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

#### 2.1. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ САҚЛАШ

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳар бир босқичида макро-иқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишни таъминлаш асосий устувор вазифа этиб белгилаб келинди. Маълумки, макроиқтисодий барқарорлик мамлакатнинг ЯИМида намоён бўлади ва унда давлатнинг иқтисодий қудрати намоён бўлади. Глобал пандемия дунё мамлакатлари иқтисодиётига, шу жумладан, бошқа Марказий Осиё давлатлари қатори Ўзбекистонга ҳам салбий таъсир кўрсата бошлади. Шу сабабдан, Ўзбекистонда ушбу таъсирларни камайтириш ва иқтисодий инқирозни юмшатишга қаратилган тезкор чоралар кўрилди, Президентимизнинг 20 га яқин фармон ва қарорлари қабул қилинди. Инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган, иқтисодий чораларнинг дастлабки ва иккинчи тўпламлари жами қиймати 32,3 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди. Жумладан, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, мазкур маблағлар коронавирус инфекциясига қарши кураш бўйича тадбирларга йўналтирилди.

*Макроиқтисодий барқарорлик – бу барқарор нархлар даражаси, ишсизликнинг паст даражаси, миллий валютанинг барқарорлиги, капитални эркин ҳаракати. Узоқ муддатли даврда инфляциянинг паст даражасида давлат томонидан инвестиция ва жамғармаларни оширишга шароит яратишдир.*

Ўзбекистонда ҳукуматимиз томонидан кўрилган чоралар орқали макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга эришилди. Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносиблик таъминланиб, маҳаллий бюджетларнинг даромад

қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатлар тақомиллаштирилди, Солиқ ва солиққа тортиш тизими соддалаштирилди ҳамда солиқ маъмуриятчилиги таъминланди. Илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсати янада тақомиллаштирилди, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга эришилди. Банк тизимини ислоҳ қилиш чуқурлаштирилди ва барқарорлиги таъминланди, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш йўлга қўйилди.

Халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқалар кенгайтирилди, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга ошириш давом эттирилиб, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди.

Янги Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Бунда иқтисодиётга давлатнинг аралашуви ва тартибга солиш механизмлари зарур ҳисобланади.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви зарурий талаб ва унинг тартибга солиш усул ва воситалари кўп қиррали ҳисобланади (1.1-расм).

Давлат иқтисодиётни тартибга солиш мақсадаларини амалга оширишда – маъмурий, ҳуқуқий, ҳамда иқтисодий тартибга солиш шакллари билан фойдаланади. Иқтисодиёт таркибини мураккаблашув ва унинг миқёси кенгайиб бориши, шунингдек, миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсир этувчи олдиндан кўра – билиш қийин бўлган омилларнинг юзага келиши, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш усулларининг кенгайишига олиб келмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлатимиз ривожланишида мутлақо янгича ёндашув ва тамойилларни ўз ичига олган Фармони<sup>1</sup> беқиёс қатга ижтимоий – иқтисодий аҳамиятга эга ҳисобланади. Унда аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 февраль ПФ-4274-сонли Фармони. ЎзР Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й. 6-сон, 70-модда.



2.1-расм. Давлат иқтисодий тартибга солишининг асосий шакллари ва усуллари.<sup>1</sup>

М а н б а: муаллифлар ишланмаси.

шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ишлаб чиқилган.

Давлат ва жамият қурилишининг такомиллаштирилишига қаратилган йўналишларда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш, давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ ролини кучайтириш бўйича 7 та

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий тартибга солиш ва иқтисодий сиёсат самардорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)).

янги қонун қабул қилинди, 15 та амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритилди, 5 та дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янади ислоҳ қилиш йўналишларида 4 та янги қонунлар қабул қилиш, 14 та амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бир қанча суд-ҳуқуқ тизимининг институционал-ҳуқуқий нормаларини тақомиллаштириш белгиланган. Ҳаракатлар стратегиясининг 3-йўналиши Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини ўз ичига олган. Унга мувофиқ қўйидагилар амалга оширилиши лозим:

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлабқолиш учун устувор вазифалар қўйидагилар ҳисобланади:

- макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;
- харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни тақомиллаштириш;
- солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини тақомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;
- илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада тақомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш.

Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича устувор вазифалар қўйидагилардан иборат:

- миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;
- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва

ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

- иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш;
- хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, яъни ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;
- экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;
- йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

Мамлакатда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоклаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда 2017–2021 йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган. Шулар билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш янги саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар

яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Ҳаракатлар стратегиясини ягона умумий мақсадга қаратилган устувор ўзаро боғлиқ йўналишлар, вазифалар ва чораларни амалда ижросини таъминлаш дастурининг тамойиллари орқали рўёбга чиқарилади. Улар қуйидагилардан иборат:

- қўйилган вазифалар устувор ва улар ягона мақсадга йўналтирилганлиги;
- вазифалар ва чоралар босқичма-босқич, давлат бошқаруви йўли билан амалга оширилиши;
- тадбирларнинг очиқлиги ва уларда фуқаролар ва манфаатдор давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг кенг иштирок этиши;
- чора-тадбирлар натижалари бўйича мониторинг олиб бориш ҳамда уларнинг ҳолислиги ва тўлиқлигини таъминлаш.

Ушбу тамойиллар ҳар йили Давлат дастурлари доирасида бажариладиган ишлар (вазифалар) бўйича амалга оширилиб борилади.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ўзаро боғлиқ устувор вазифаларини ҳал этишга қаратилган ёндашувни ифодаладик (2.2-расм).

Таклиф этилаётган ёндашувнинг асосий моҳияти иқтисодий ўсишга, иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи ёки соҳасининг мамлакат ЯИМ ҳажми ва унинг ўсиш суръатига қўшаётган улушларини (ҳиссаларини) максималлаштиришга қаратилган. Бунда уларнинг қуйидаги жиҳатлари ҳисобга олинади. Биринчидан, фаолият юритаётган ҳар бир тармоқ ёки иқтисодиёт соҳаси корхоналари ҳозирги кунда ўз ишлаб чиқариш салоҳиятига, яъни табиий ресурсларга, асосий фондларга, иш билан банд меҳнат ресурсларига ҳамда ишлаб чиқариш технологияларига эга. Иккинчидан, тармоқларнинг иқтисодий ўсишга қўшаётган ҳиссалари корхоналарнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланишига шунингдек, унинг асосий капиталини янгилашга жалб этилган инвестициялари ҳажми ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рағбатлантириш усулларига боғлиқ ҳисобланади. Ва ниҳоят учинчидан, иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда давлатнинг пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати, таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг қанчалик ўз вақтида ва самарали бажарилишига боғлиқ ҳисобланади.

Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг мазкур жиҳатларини ҳисобга олганда, миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари



2.2-расм. Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш жарёнининг модели.  
М а н б а: муаллифлар ишланмаси.

ривожланишини алоҳида биз таклиф этаётган ёндашув орқали ўрганиш ва шу асосда уларнинг ҳар бирини истиқболда ЯИМ даги улушининг ўзгариши тенденцияларини прогноз қилиш тармоқларда стратегик режаларни ишлаб чиқиш, шу орқали иқтисодий ўсиш, аҳоли даромадлари ва жамғармалари миқёсини аниқлашга имконият беради. Бу эса ўз навбатида Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиёт тармоқларининг ривожини ҳамда уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан белгилаб қўйилган устувор вазифаларни самарали бажаралишига кўмаклашади.

Шу билан бир вақтда, Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси таъйинларига ва устувор йўналишларига амал қилган ҳолда ривожланишнинг стратегик мақсадлари жаҳон андозаларига мос равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фармонлари, Қарорлари, маърузалари ва чиқишларида белгилаб берилган барқарор иқтисодий ривожланишнинг устувор вазифаларини амалда ижросини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг ҳудудлари ривожланишини таъминламоқда.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланишини баҳолаш мезонларидан бири сифатида иқтисодий ўсиш кўрсаткичи қабул қилинган. Ушбу кўр-

саткич муайян давр мобайнида реал ЯИМ ҳажмининг ўтган даврдагига нисбатан ошиши, тўлик бандлилик шароитига мос келувчи потенциал ишлаб чиқариш даражасининг узоқ муддатли кўпайиши тенденциясини англатади. Шунини ҳисобга олганда, Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ечиш, мамлакатнинг жаҳон ҳам-жамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга эришиш, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ислоҳотлар стратегиясининг, иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади қилиб белгилаб олинган.

Шунинг назардан, мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлисга ва халққа мурожаатномасида иқтисодиёт тизимни соғломлаштириш ҳамда иқтисодий ўсишни, юқори суръатларини таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозимлиги қайд этилган:

- очик иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш;
- иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;
- иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- «яширин» иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш;
- валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;
- иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш.

Ушбу масалаларни самарали ҳал этиш, малакали мутахасислар мамлакатда эришилган макроиқтисодий барқарорликни ва мустаҳкамлашни билан бирга, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга кенг имкониятлар яратади.

Макроиқтисодий барқарорлик (macroeconomic stability), бу миллий валюта алмашув курсининг, солиқ ставкалари ва божхона божларининг ва хўжалик соҳаларининг барқарорлигидир. Барқарорлик ишсизликнинг паст даражасини ва иқтисодий ўсишнинг таъминланиши ҳисобланади. Бу ҳокимиятнинг кучайиши, жамият ҳаётининг ҳар жабҳасида қонунларнинг сўзсиз амал қилиши ва мамлакат олтин – валюта захирасининг ўсиши орқали таъминланади.

«Барқарор иқтисодий ўсиш» макроиқтисодий барқарорлик тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Барқарорлик – маълум бир тизимнинг



ташки таъсирлар остида жорий ҳолатини сақлаш қобилияти ҳисобланади. Макроиқтисодий барқарорлик эса бу ресурслардан фойдаланиш ва аҳоли турмуш даражаси ўртасидаги узоқ муддатли мувозанатнинг сақланишидир. Илмий манбаларда ушбу тушунчаларнинг турли талқинини учратиш мумкин.

Умуман олганда, илмий адабиётларда «барқарор иқтисодий ўсиш» тушунчасининг қатор таърифлари мавжуд. Хусусан, «Барқарор иқтисодий ўсиш» тушунчаси миллий иқтисодиётнинг шундай бир ҳолатини ифодалаши керакки, унда салбий ёки нолга тенг бўлиши мумкин бўлган реал ўзгарувчан мезон ва кўрсаткичлар узлуксиз мутаносиб суръатда ўсиши лозим.<sup>1</sup>

Халқаро экспертлар томонидан мамлакат миқёсида макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланганлик даражаси қуйидаги омиллар ёрдамида баҳоланади:

- иқтисодий ўсиш;
- тўла бандлик;
- ички нархларнинг барқарорлиги (паст даражада инфляция);
- миллий валютанинг барқарорлиги;
- барқарор тўлов баланси;
- давлат бюджети дефицити ЯИМга нисбатан 3 фоиз дан ошмаганлиги;
- мамлакат аҳолиси орасида даромадларнинг одил тақсимланиш даражаси ва бошқалар.

Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор ривожланишининг муҳим йўналиши сифатида хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантиришга асосий эътибор қаратиш лозим. Шуни ҳисобга олиб, кичик бизнеснинг янги субъектларининг ташкил этилиши ва ривожланишини ҳар томонлама рағбатлантириш, кичик бизнес нуфузини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашни фаоллаштириш ҳамда ҳимоя қилишнинг институционал нормаларини янада такомиллаштириш лозим. Шу билан бирга иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш учун иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш учун бошқариш усулларини такомиллаштириш, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, айниқса, саноат ва кишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига эмас, балки сифат жиҳатдан такомиллаштирилган ишлаб чиқариш кооперацияси ва кластер механизмини жорий этиш ҳисобига эришиш, самарали йўл бўлиб ҳисобланади.

<sup>1</sup> Словарь современной экономической теории Макмиллана – М.:1997. – С. 471.

Мамлакатимизда ЯИМ ҳажмини оширишнинг прогноз вариатлари инновацион – инвестицион тавсифга эга бўлиб, уни амалга ошириш тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари иши самарадорлигининг асосий мезонига айланиши керак.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида саноат, ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш учун йирик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва бунга сармоядорларнинг қизиқишини орттириш учун мамлакат – ҳудуд – корхона поғоналарида инвестицион жозибадорликни ҳамда давлат бошқарув органлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш белгиланган. Шуларни ҳисобга олганда, хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунчиликка инвестицияларни жалб қилиш ва ундан амалда фойдаланиш билан боғлиқ битимларни тузиш ва ижросини таъминлаш жараёнларидаги трансакция харажатларини пасайтириш билан боғлиқ қўшимча ўзгартиришлар киритиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига йўналтирилган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ҳисобига соҳада йирик инвесторлар иштирокида чорвачилик кластерларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, шаҳар олди ҳудудларида мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган йирик агрохолдинглар ташкил этиш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларга бўлган талабларини қондиришда самарали йўл ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни мамлакатимизга фаол жалб қилиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг ўз нисбий устунликлари, фойдаланилмаётган имкониятлари, ўсиш захиралари ва салоҳиятидан оқилона фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқариш қувватларини ҳудудларнинг нисбий афзалликларини, улардаги мавжуд ресурслар, инфратузилма, ишчи кучи каби омиллар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш капиталдан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва охир-оқибатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлайди.

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, валюта бозорини эркинлаштириш, юқори ликвидли товарларни сотишнинг бозор усулларини жорий этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар аҳолининг кенг қатламларини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар ҳамда иқтисодий ислоҳотларни изчил давом эттириш учун мустаҳкам замин яратди.

Макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун марказий банк ўзининг асосий ва муқобил сценарийларини ишлаб чиқди. Иккала сценарийда ҳам Марказий банк пул-кредит сиёсатини юритишда эҳтиёткорона ёндашувдан фойдаланиб, пул-кредит шароитларини бир маромда қатъийлаштириб бориш кўзда тутилган. Бунда муқобил сценарийда янада қатъийроқ чоралардан фойдаланилади.

Унга қўра, истикболда пул-кредит сиёсатининг муҳим вазифалари сифатида инфляция даражасини пасайтириш ва инфляцион таргетлаш режимига ўтиш учун асос яратиш, шу жумладан, пул-кредит сиёсати инструментлари ва трансмиссион механизмларини ривожлантириш зарур.

2.1 - жадвал

**Макроиқтисодий барқарорлаштириш чора-тадбирларидан кутилаётган натижалар.<sup>1</sup>**

Асосий сценарий	Муқобил (хатарли) сценарий
<ul style="list-style-type: none"> <li>• иқтисодий ривожланиш тенденцияларининг давом этиши ва ташқи шароитларнинг сезиларли даражада ўзгармаслиги ҳамда солиқ соҳасида ва таркибий ислохотлар борасида босқичма-босқич кутилган натижаларга эришиб борилиши назарда тутилган;</li> <li>• солиқ ислохотларининг самарали амалга оширилиши ҳамда иқтисодиётни кредитлаш ҳажмининг ўсиш суръатларининг мақбуллаштирилиши (2021 йилда 25 фоиз) кўзда тутилган;</li> <li>• ЯИМ ўсиш суръати 2018 йил якунига кўра 5,2 фоиз, 2019 йилда эса 5,4 фоиз бўлди. Ўтган ва жорий йилларда инвестицион фаолликнинг ошиши ҳамда иқтисодиётнинг реал секторига олиб борилаётган ислохотлар натижасида кейинги йилларда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари янада тезлашиши кутилмоқда;</li> <li>• йиллик инфляция даражасининг кўрсаткичлари 2018 йилда 16–17 фоизни, 2019 йилда 13,5–15,5 фоизни ва 2020 йилда 11–12 фоизни ташкил этди; 2021 йилдан бошлаб йиллик инфляция даражаси бир хонали кўрсаткичга пасайиши кутилмоқда.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ташқи иқтисодий шароитларнинг ёмонлашуви ва амалга оширилаётган таркибий ислохотларнинг секинлашуви тахмин қилинган;</li> <li>• ташқи ва ички шароитларнинг ёмонлашуви ҳамда таркибий ислохотларнинг кутилган натижа бермаслиги ҳисобига 2021 йилда инфляция даражасининг 10–11 фоизгача ўсиши кутилмоқда.</li> </ul>

Инфляцияни келтириб чиқарувчи асосий омиллар инвестицион фаолликнинг ошиши натижасида иқтисодиётда вужудга келадиган юқори талаб ва тартибга солинадиган нархларни либераллаштирилиши кутилмоқда. Бунда давлат корхоналарининг ислоҳ қилиниши (шу жумладан хусусийлаштирилиши) доирасида капитал қўйилмалар ҳажмининг ўсиши инвестицион фаолликни рағбатлантирувчи асосий омил бўлади.

Иқтисодиёт тармоқларида чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, товар ва хизматларнинг сифатли бозорини шакллантирган ҳолда рақобатбардош бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини жадаллашти-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари.

риш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, давлат активларини бошқаришда бозор тамойилларини жорий этиш мамлакат иқтисодий тараққиётининг янги босқичида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда барқарор иқтисодий ўсишнинг йўналишларидан бири сифатида мамлакатимизда ўзлаштирилаётган инвестициялар алоҳида аҳамият касб этади. Инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига кириши натижасида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаоллиги ошмоқда. Бунинг натижасида аҳолининг иш билан бандлиги ва аҳоли даромадлари ошмоқда. Бу эса ўз навбатида ЯИМнинг ўсишини таъминлайди. Ушбу вазифаларни самарали амалга оширишда мамлакат ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўзгариш тенденцияларини билиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Куйидаги 2.2-жадвалда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг Иқтисодий фаолият турлари кесими таҳлил қилинган. Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Миллий иқтисодиётнинг 2016 йилда ЯИМ 242 495,5 млрд сўмни, ташкил қилган бўлса, Тармоқларнинг ялпи қўшилган

2.2-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари кесимида Ўзбекистон Республикасининг ЯИМ ҳажми<sup>1</sup>  
(жорий нархларда, млрд сўм).

Кўрсаткич номи	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
<b>I. ЯИМ</b>	<b>242495,5</b>	<b>302536,8</b>	<b>406648,5</b>	<b>510 117,2</b>	<b>580 203,2</b>
шу жумладан:					
тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	220064,0	267744,8	361072,7	464 854,5	535 831,0
маҳсулотларга соф солиқлар	22 431,5	34 792,0	45 575,8	45 262,7	44 372,2
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>220064,0</b>	<b>267744,8</b>	<b>361072,7</b>	<b>464 854,5</b>	<b>535 831,0</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги	74 779,0	90 983,9	113 660,7	130 306,9	151 251,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	58 545,9	74 799,0	117 905,0	166 698,6	190 216,5
саноат	45 397,9	59 570,4	95 803,9	136 103,2	152 728,0
қурилиш	13 148,0	15 228,6	22 101,1	30 595,4	37 488,5
хизматлар	86 739,1	101961,9	129507,0	167 849,0	194 363,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	18 755,4	21 540,6	26 747,9	32 501,7	37 194,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	21 113,0	25 305,5	30 616,0	36 630,4	38 531,5
бошқа хизмат тармоқлари	46 870,7	55 115,8	72 143,1	98 716,9	118 637,6

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари

қиймати, 220 064,0 млрд сўми ташкил қилган. 2020 йилда бу кўрсаткичлар, ЯИМ 580 203,2 млрд сўм, Тармоқларнинг ялпи кўшилган қиймати 535 831,0 млрд сўм Маҳсулотлар учун соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 44 372,2 млрд.сўм ташкил қилди.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва макроиқтисодий барқарорликни тахминлаш борасида улкан натижалар кўзланаётган экан, бу вазифаларни бажариш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари учун узоқ муддатли ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва унинг изчиллик билан амалга оширилишини таъминлаш;
- мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди учун мавжуд салоҳиятни инобатга олган ҳолда махсус ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни таъминлаш;
- хусусий мулкчиликни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликнинг янада жадал ўсишини таъминлаш;
- нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида банк кредитларини айнан иқтисодиётнинг реал секторига жалб этилишини таъминлаш;
- аҳолининг истеъмоли учун зарур бўлган товар ва хизматларнинг таннархини ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш воситаларини (асбоб ускуналар ва бошқаларни) импорт қилишни аста секинлик билан камайтириб бориш ҳамда уларнинг ишлаб чиқарилишни маҳаллийлаштириш;
- иқтисодиётни модернизациялаш, туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик янгиланиш жараёнларини янада такомиллаштириш;
- ялпи ички маҳсулот ҳажми ошишини таъминлайдиган, бугунги кунда дунёда долзарб масалага айланаётган ахборот-коммуникация хизматларини кескин даражада ўстириш;
- мамлакатдаги мавжуд илмий ва инновацион салоҳиятлардан унумли фойдаланиш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибини ва сифатини яхшилаб, уларнинг жаҳон бозорларига кўпроқ сотилишини таъминлаш;
- иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва институционал модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш;
- иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни кенгайтиришни рағбатлантириш механизмларини янада фаоллаштириш;
- моддий-техника ресурслари ва тайёр маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш тизими институтларида трансакция харажатларини пасайтириш;

- аҳолининг асосий қатламини иқтисодий фаолликка жалб қилиш механизmlарини такомиллаштириш.

Ушбу тадбирлар янада такомиллаштирилиб, зарурий дастурлар ва лойиҳалар ўз вақтида амалга оширилса, Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги таъминланади.

Пандемия даврида иқтисодиётни қўллаб-қувватлашда фискал сиёсат (фискал рағбатлантириш) асосий ўрин тутди. Айти пайтда Марказий банк томонидан банк тизимида амалга оширилган қуйидаги чора-тадбирлар ҳам макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилди:

1. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун кредит тўловлари муддатининг узайтириб берилиши. Карантин чоралари жорий этилган дастлабки кунлардан Марказий банк томонидан тижорат банкларига аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредит тўловлари муддатини узайтириб бериш ва шу орқали карантин даврида даромадлари қисқарган ва пул тушумлари камайган аҳоли ҳамда бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича тавсиялар берилди.

Натижада иқтисодиёт субъектларининг жами 26,5 трлн сўмлик (шундан 5,2 трлн сўмлик жисмоний шахслар ва 21,3 трлн сўмлик юридик шахслар) кредит тўловлари муддати 2020 йил 1 октябрга қадар узайтириб берилди. Шунингдек, тижорат банкларига мазкур кредитларни таснифлашда кредит сифатини ўзгартирмаслик ва захира шакллантирмаслик имконияти берилди.

2. Кредит тўловлари муддатининг узайтириб берилиши банк тизими ликвидлигига сезиларли таъсир этишини ҳисобга олиб, банк тизими ликвидлигини ва тўлов тизими барқарорлигини таъминлаш борасида ҳам тегишли чоралар кўрилди. Хусусан, 2020 йил 24 февралдан банк тизими ликвидлигини тартибга солиш мақсадида жорий этилган қисқа муддатли пул-кредит сиёсати инструментлари пандемия шароитида ўзининг ижобий самарасини берди ҳамда банкларга РЕПО ва валютавий *своп* операциялари орқали доимий равишда ликвидлик тақдим этилиб, инкироз шароитида ҳам тўловлар узлуксизлигини таъминлашга эришилди.

Шунингдек, мазкур даврда мажбурий захираларни ўртачалаш коэффициенти 2 мартаба – апрель ойида 25 фоиздан 35 фоизгача ва июнь ойида 35 фоиздан 75 фоизгача оширилди, натижада тижорат банкларига жами 2,8 трлн сўмлик ликвидлик қайтариб берилди. Бундан ташқари, Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 11 июндаги қарори билан банкларга ликвидлик беришнинг 2 та янги инструменти жорий этилди:

а) махсус инструментлар механизми – тижорат банкларида 3-6 ойлик муддатга ипотека кредитлари гарови остида кредит ажратиш механизми бўлиб, инқироз шароитида банк тизимини узок муддатли ликвидлилик билан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йил якунига қадар вақтинчалик жорий этилди.

б) қайта тикланувчи кредит линиялари – тижорат банкларининг миллий валютадаги юқори ликвидли активларнинг жами миллий валютадаги активлардаги улуши 3 фоиздан кам бўлган, шунингдек, банкларнинг тўлов қобилияти йўқолган ҳолларда 12 ой муддатга кредит линияси очиш орқали тижорат банкларига Марказий банкдан пул маблағларини жалб қилиш имконияти яратилди.

Айни пайтда банк тизими ликвидлигининг барқарор даражада шаклланиши ва бошқа пул-кредит сиёсати инструментларининг самарали қўлланилиши сабабли бугунги кунга қадар мазкур инструментларга талаб бўлмади.

**3.** Иқтисодийётда инфляцияни пасайтириш ва иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш мақсадлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш вазифаларидан келиб чиқиб, Марказий банк пандемиянинг макроиқтисодий ҳолатга, шу жумладан, ялпи талаб ва таклифга таъсиридан ҳамда инфляциянинг жорий ва прогноз динамикасида келиб чиқиб, асосий ставкани пасайтириб борди.

Хусусан, Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 14 апрелдаги қарори билан асосий ставка 1 фоиз бандга пасайтирилиб, йиллик 15 фоиз даражасида 10 сентябрдаги қарори билан яна 1 фоиз бандга пасайтирилиб, йиллик 14 фоиз даражасида белгиланди.

**4.** Масофавий банк хизматларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш. Март ойининг иккинчи ярмидан бошлаб қатъий карантин чораларининг жорий этилиши, транспорт воситалари, шу жумладан, жамонат транспорти қатновининг чекланиши аҳолининг банкларга бориши ва улар хизматидан фойдаланишида қийинчиликларни юзага келтирди.

Айнан шу сабабли карантиннинг дастлабки кунларидан бошлаб барча тижорат банклари масофавий банк хизматларини янада ривожлантириш, мобил иловаларини такомиллаштириш, онлайн депозит, кредит ва тўлов хизматларини фаоллаштириш, банк биносига келмасдан барча турдаги банк хизматларини мижозларга етказиб бериш имкониятларини кенгайтиришга эътибор қаратди. Натижада қисқа муддат ичида онлайн банк хизматларидан фойдаланувчилар сони сезиларли даражада ошди.

## 2.2. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида: «Глобал инқироз шароитида иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, жойлардаги мавжуд муаммоларни манзилли ҳал этиш, кўмакка муҳтож юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш, ёшларимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш – Президентдан бошлаб, барча даражадаги раҳбарларнинг бош вазифаси бўлмоғи даркор», деган масалани қўйдилар.<sup>1</sup>

Макроиқтисодий барқарорлаштиришни ҳукуматнинг иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандлик ва барқарор нархлар даражасини таъминлашга қаратилган фаолияти сифатида таърифлаш мумкин. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга очиқ иқтисодиёт шароити нуқтаи назаридан ёндашиш тақозо этилади, чунки ҳозирги глобаллашув шароитида барча мамлакатлар у ёки бу даражада жаҳон иқтисодиётига интеграциялашган. Шунинг учун ҳам макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ички ва ташқи мувозанатни таъминлаш нуқтаи назаридан ёндашиш лозим. Бу мамлакатда танланган валюта курслари тартиби билан белгилади. Икки хил валюта курслари тартибига амал қилади:

1. Қайд қилинган валюта курслари тартиби.
2. Эркин сузиб юривчи валюта курслари тартиби.

Эркин сузиб юривчи валюта курслари тартибида товарлар ва пул бозоридаги мувозанатни таъминлаш ҳамда мамлакатда хорижий валюта захираларининг етарлилигига эътибор қаратиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикасида пул-кредит сиёсатининг 2021 йил ва 2022–2023 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари ишлаб чиқилиб, унинг таркибида ташқи ва ички макроиқтисодий вазиятларнинг ўзгариши шароитида соҳада кўриладиган чоралар, қўлланиладиган тамойил ва воситалар қамраб олинган. Асосий йўналишларни ишлаб чиқишда Марказий банк олдида қўйилган нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича мақсадлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сонли «Инфляциян таргетлаш тартибига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида пул-кредит сиёсатини инфляциян таргетлаш стандартлари-га мувофиқлаштириш, инфляциянинг 2021 йилда 10 фоиздан паст ва 2023 йилда 5 фоизлик таргет кўрсаткичига эришиш бўйича вазифалардан келиб чиқилган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 29 декабрь.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўра, республикада валюта бозори эркинлаштирилди. Мазкур Фармон билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютаси жорий халқаро валюта операцияларини амалга ошириш учун банкларда эркин сотиб олиниши ва сотилиши кафолатланди. Шунини таъкидлаш керакки, жорий халқаро операциялар бўйича тўловларни банклардаги ҳисобварақлар орқали амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бозор курсида чет эл валютасини сотиб олиш имкониятининг яратилиши «яширин» иқтисодиётнинг қисқаришига ва пул маблағларини банк айланмасига жалб қилишга хизмат қилди.

Мукамал капитал ҳаракатига эга бўлган кичик очиқ иқтисодиёт Манделл-Флеминг модели ёрдамида таҳлил қилиниши мумкин. Р.Манделл, М.Флеминг ўз тадқиқотларида пул-кредит ҳамда бюджет-солиқ сиёсати ички ва ташқи мувозанатга турли нисбий таъсир ўтказишини аниқлаганлар.

Ўзбекистоннинг эркин сузиб юривчи валюта курслари тартибига ўтганлигидан келиб чиқсак, шу тартиб шароитида ички ва ташқи мувозанатни таъминлашда бюджет-солиқ сиёсати ташқи савдо ҳамда тўлов балансини тартибга солиш орқали ташқи балансни, пул-кредит сиёсати эса ички балансни таъминлашда нисбий устунликка эга бўлади.

Пул таклифини кенгайтириш фоиз ставкаларини пасайтиради ва харажатларнинг ошишига олиб келади. Маълумки, харажатларнинг ортиши импортнинг ўсишини рағбатлантиради ва савдо балансини ёмонлаштиради. Тўлов балансининг тақчиллиги юзага келишига фоиз ставкасининг пасайиши сабабли капиталнинг мамлакатдан чиқиб кетиши ҳам таъсир кўрсатади. Лекин эгилувчан валюта курси шароитида тақчиллик сақланиб қолмайди. Импортнинг ўсиши ва капиталнинг оқиб кетиши хорижий валютага талаб ошишига олиб келади ва миллий валюта қадрсизланади. Бу қадрсизланиш мамлакат экспортчиларининг рақобатбардошлигини кучайтиради. Оқибатда савдо баланси яхшиланади. Экспортнинг ортиши мамлакатимиз маҳсулотига бўлган талабнинг ўсишини англатади ва пул массасининг дастлабки ўсиши натижасида юзага келган иқтисодий юксалишни янада кучайтиради. Демак, пул-кредит сиёсати ички даромадларга бевосита (пул таклифининг ўсиши орқали) ва билвосита (алмашинув курсининг пасайиши ҳамда экспортнинг ўсиши орқали) таъсир кўрсатади.

Сузиб юривчи валюта курси шароитида давлат харажатларининг ортиши ички ва ташқи мувозанатга икки йўналишда: даромад орқали ва

фоиз ставкаси орқали таъсир кўрсатади. Даромадларнинг ортиши (мультипликатор самараси орқали) импортни кўпайтиради, савдо балансини ёмонлаштиради ва миллий валютанинг курсини пасайтиради. Давлат харажатларининг ортиши, шунингдек, ҳукумат олаётган қарзларини кўпайтираётганлигини англатади, бу эса фоиз ставкаларининг ортишига олиб келади. Юқорироқ фоиз ставкалари эса хориждан капитал оқиб келишини рағбатлантиради. Бу эса миллий валюта курсини оширади ва капитал ҳаракати ҳисобини яхшилайти. Якуний натижа эса капиталнинг мобиллиги даражасига боғлиқ бўлади.

Коронавирус пандемияси таъсирида бошланган глобал иқтисодий инқирознинг ўзига хослиги бир вақтнинг ўзида ички ва ташқи иқтисодий шароитларнинг ёмонлашуви, шунингдек, ялпи талаб ва ялпи таклиф шокларининг бир пайтда юзага келганлиги билан изоҳланади. 2020 йил II чорагидан бошлаб жаҳон иқтисодиётида, шу жумладан, асосий савдо ҳамкорларимизда иқтисодий фаолликнинг кескин секинлашиши, хомашё нархларининг тушиб кетиши фонида иқтисодий пасайиш тенденцияси кузатила бошланди. Йилнинг I чорагида иқтисодиётимизда ижобий ўсиш суръатлари кузатилган бўлса, март ойининг иккинчи ярмидан бошлаб коронавирус инфекциясининг тарқалиши ва унга қарши курашиш борасида жорий этилган қатъий карантин чекловлари таъсирида ички иқтисодий фаолликнинг пасайиши, шунингдек, асосий савдо ҳамкорларимиздаги иқтисодий пасайиш ва транспорт-логистика соҳасидаги узилишлар сабабли экспорт товарларимизга бўлган ташқи талабнинг қисқариши кузатилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ижобий ўсиш суръати сақлаб қолинди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2018 ва 2019 йилларнинг январь-сентябрида мос равишда 5,7 фоиз ва 5,9 фоизни ташкил этган. Бунда 2020 йилнинг январь-сентябрь ойида ЯИМнинг ижобий ўсиш суръатлари сақланиб қолишига қурилиш ишлари ҳажмининг 8,6 фоизга ўсганлиги асосий ҳисса қўшди. Ушбу даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида 2,7 фоизгача пасайиш кузатилди (2019 йилнинг мос даврида 5,3 фоизга ўсган). Пандемия таъсирида истеъмол ва инвестицион талабнинг пасайиши, асосан, иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш ва айрим истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳаларига, хусусан, туризм, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт соҳаларига салбий таъсир кўрсатди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари

Ўз навбатида, пандемия оқибатларини юмшатиш, коронавирус тарқалишининг олдини олиш, иқтисодий фаолликни тиклаш, аҳоли ва бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида фискал ва монетар сиёсатда кўрилган чоралар иқтисодий вазиятни юмшатувчи асосий омиллардан бўлди. Шунингдек, ушбу даврда пул-кредит сиёсати чоралари банк тизими ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилди. «Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 трлн сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 трлн сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 млн фуқарога жами 66 трлн сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди. «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида фидойи ва олийжаноб ватандошларимизнинг фаол иштирокида 800 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга 1 трлн сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди».

Халқаро валюта фонди ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, 2020 йилги синовларга қарамасдан, Ўзбекистон дунёнинг саноқли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди. Европа Иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда мамлакатимизга кенгайтирилган савдо преференциялари – GPS+ тизимини татбиқ этиш бўйича муҳим қадамлар ташланди. Бу ўз навбатида, биргина тўқимачилик маҳсулотларининг йиллик экспортини 300 миллион долларга ошириш учун шароит яратади. 2020 йилда мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятлари янада яхшиланди, илк бор миллий валютада 2 трлн сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилди. 2020 йилнинг 9 ойида инфляция даражасини оширувчи асосий омиллардан бири – озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг апрель ойидан бошлаб сезиларли даражада ошганлиги бўлди. Шунингдек, ушбу даврда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар нархлари динамикасида пасайиш кузатилди. Йил бошидан бошлаб ташқи иқтисодий шароитларда ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, асосий савдо ҳамкор давлатларимиздаги иқтисодий фаолликнинг пасайиши натижасида мамлакатимиз айрим экспорт товарларига ташқи талаб кескин камайди. Натижада, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида экспорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6 фоизга, импорт ҳажми эса 16,5 фоизга камайди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилнинг 9 ойи учун

тўлов балансининг жорий операциялар ҳисоби дефицити ўтган йилнинг 9 ойига нисбатан 63 фоизга камайиб, 663 млн долларни ташкил қилди. Марказий банк прогнозларига кўра, йил якунигача экспорт ва импорт ҳажмларининг ўзгариш суръатлари манфий даражада сақланиб қолиши, экспорт ҳажмининг ўтган йилга нисбатан 10–14 фоизга, импорт ҳажмининг эса 8–12 фоизга камайиши прогноз қилинмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизга трансчегаравий пул ўтказмалар ҳажми 2020 йилнинг март-май ойларида 2019 йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли даражада пасайган бўлса, июнь ойидан бошлаб ўсиш трендини намоён этиб, аввалги йилнинг мос даврига яқин ҳажмларда шаклланди.

Жаҳондаги иқтисодий ноаниқликлар ва молия бозорларидаги кескин тебранишлар ҳисобига олтин нархи 2020 йилнинг бошидаги ўртача 1511 доллардан (1 троя унцияси учун) 1 октябрь ҳолатига 1883 долларгача етиб, 25 фоизга ўсди. Олтин нархининг бундай кўтарилиши бюджет даромадлари ва ишлаб чиқарувчиларнинг инвестицион фаолиятини қўллаб-қувватловчи омил бўлмоқда. Хусусан, тоғ-кон саноати корхоналарининг 2020 йил январь-сентябрь ойларидаги ўртача пул тушумлари ҳажми 2019 йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 50 фоизга, бюджетга тўловлари миқдори 53 фоизга ва ўз ихтиёридаги даромадлари эса 43 фоизга ўсди. Хомашё етиштиришга йўналтирилган иқтисодиётда пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсатининг икки асосий модели амал қилади. Биринчиси ҳозирги вақтда нефть ва газ қазиб чиқаришга жуда юқори боғлиқлик билан тавсифланадиган айрим Форс кўрфази мамлакатларида амал қилади. Моҳиятан ушбу иқтисодиётларни кўп маҳсулотли, деб номлаш мумкин: Бреттон-Вудск тизими тарқалиб кетгандан кейин улар сузиб юрувчи валюта курслари тизимида ўтдилар. Ушбу мамлакатларда нефть нархларининг тебранишларига таяниш бюджет орқали, яъни захираларни жамғариш ёки давлат қарзларини жамғариш (1990 йилларда Саудия Арабистони давлат қарзи ЯИМ нинг 100 фоизга яқинлашганда юз берди) орқали юз беради.

Иккинчи модель барча хомашёга йўналтирилган ва кўпилаб ривожланаётган мамлакатларда амал қилади. У инфляцион таргетлаш ва бюджет қоидаларининг уйғунлигини ўзида мужассамлаштиради. Уларнинг қатъийлиги хомашёга боғлиқлиги ва институтлар сифати билан белгиланади. Канада нефть бозорида йирик ўйинчи ҳисобланишига қарамасдан, иқтисодиётда нефть улуши катта эмас. Унинг учун хомашёга тобелик муаммоси ҳам бутун мамлакатга қараганда алоҳида минтақалар муаммоси ҳисобланади. Канада – жаҳонда инфляцион таргетлаш тартибини ёқловчи энг кўхна мамлакатлардан бирidir. Мамлакат бюджетини

шакллантиришда эса нефть нархларига қаттиқ боғлиқликдан фойдаланмайди.

Нефтьга кўпроқ тобелик инфляцион таргетлаш тартиби етарли даражада қаттиқ, нефть нархига боғланган бюджет қоидалари билан тўлдирилган Норвегияда кузатилади. Яъни мамлакат иқтисодиётини Форс кўрфази мамлакатларидаги сингари нефть нархлари тебранишлари асосига қуриш, энг аввало, бюджет захираларини ўзгартириш ҳисобига амалга ошади, бу эса нефть нархи тебранишларига қарамасдан, иқтисодий ривожланиш, фаровонлик даражаси ва реал валюта курсининг етарли даражада барқарорлигини таъминлайди.

Россия ва қўшни нефть қазиб чиқарувчи мамлакатлар (Қозоғистон ва Озарбайжон) ҳар икки моделни синаб кўрдилар. Россия 2000–2004 йилларда бошқариладиган валюта курслари сиёсатини қўллади, 2000–2006 йилларда *де-факто* валюта курси қайд қилинган валюта курсига яқинлашди. Россияда шартлари ҳақиқатан нефть нархининг ўсиши билан бир мунча сусайган бюджет қоидалари киритилган. Қозоғистон ва Озарбайжонда валюта курслари тартиби амалда қайд қилинган ва 2015 йилларнинг бошларигача амал қилди. Россияда 2000–2007 йилларда нефть нархлари жадал ошаётган ва 1990 йилларда ЯИМ пасайгандан сўнг маҳсулот ишлаб чиқариш катта фарқлари мавжудлиги шароитида бу сиёсат бир қатор макроиқтисодий вазифаларни ҳал қилиш имконини берди. ЯИМ нинг жадал ўсиши, молия тизимининг ривожланиши, молиявий тизим ва бутун иқтисодиётни долларлаштириш даражасининг пасайиш шартлари таъминланди, катта олтин-валюта ва бюджет захиралари жамғарилди. Ўзбекистонда коронавирус пандемияси даврида жаҳон бозорида олтин нархининг ортиши республика учун қулайлик яратди ва бу имкониятдан фойдаланилганлиги давлат бюджетини барқарорлаштириш ва ташқи савдо мувозанатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Иқтисодиётни, бизнинг ҳолатимизда эса бюджетни доимий мослаштириш истиқболда узоқ муддатли иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатадиган омил ҳисобланади. Шу сабабли макроиқтисодий сиёсат маҳсулот ишлаб чиқариш ва реал валюта курсини барқарорлаштиришнинг қўшимча воситаларини ўз ичига олиши керак. Хомашёли иқтисодиётда бюджет ана шундай восита бўлиб хизмат қилади. Қатъий бюджет қоидасидан фойдаланиш, энг аввало, олтин нархлари тебранишларига боғлиқ бўлмаган ҳолда бюджет харажатларининг барқарорлигини таъминлаш имкониятини беради. Бюджет харажатларини барқарорлаштириш орқали бутун мамлакат ЯИМ ўсиш суръатлари ҳамда реал валюта курси барқарорлиги ошади. Умуман, буларнинг ҳаммаси ЯИМ, аҳоли фа-

ровонлиги ва узоқ муддатли инвестицион ва инновацион лойиҳаларнинг барқарор ўсиши учун асос ярагади.

Дунёдаги коронавирус билан боғлиқ вазият мураккаблигича қолаётган шароитда жорий йил якунига қадар олтин нархи 1 троя унцияси учун 1900–2000 доллар атрофида шаклланиши прогноз қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Халқаро валюта жамғармасининг янгиланган прогнозларига кўра, 2020 йил якуни бўйича дунёнинг деярли барча давлатларида иқтисодий ўсиш потенциал даражасидан паст бўлди.

2020 йилда пандемия сабабли марказлашган бюджет харажатларининг сезиларли ўсиши ва фискал рағбатлантириш чораларининг амалга оширилиши иқтисодий фаоллик ва ялпи талабни қўллаб-қувватлашнинг асосий омилларидан бўлди. Айни пайтда умумий фискал дефицитнинг узоқ давр давомида юқори даражада сақланиб қолиши маълум бир даражада инфляцион босимни юзага келтириши мумкин. Халқаро молия институтларининг ҳисоб-китобларига кўра, ривожланаётган давлатларда фискал дефицитнинг ЯИМга нисбатан 2-3 фоиз атрофида бўлиши иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатмайдиган даража сифатида эътироф этилган. Шунингдек, Оксфорд университети тадқиқотчилари томонидан ривожланаётган давлатлар учун фискал дефицитнинг иқтисодий ўсишини рағбатлантирувчи оптимал даражаси ЯИМ га нисбатан 1,5 фоиз эканлиги кўрсатилган.

Бунда узоқ йиллар давомида фискал дефицитнинг юқори кўрсаткичларда сақланиб қолиши (оптимал даражасидан оғиши) давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш даражасининг ошишига, инфляцион босимнинг вужудга келишига, хусусий инвестициялар оқимининг камайишига ва жорий ҳисоблар манфий сальдосининг ўсиб боришига, якунида эса макроиқтисодий барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги таъкидланган.

Хусусан, Осиё мамлакатларида ўтказилган таҳлиллар ушбу давлатларда инфляция ва фискал дефицит ўртасида узоқ муддатли боғлиқлик мавжудлигини, яъни фискал дефицитнинг ЯИМ га нисбатан 1 фоизга ўсиши инфляцияни 0,5 фоиз бандга оширувчи таъсир кўрсатишини аниқлаган. Шунингдек, фискал дефицитнинг ўсиши узоқ муддатда хусусий инвестиция оқимининг камайишига ҳам олиб келган.

Ўзбекистонда узоқ йиллар давомида давлат бюджети профицит билан ижро этилиб келинган. Сўнгги йилларда фискал бюджетни дефицит билан ижро этиш фазасига ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида:

«2021 йилда иқтисодиётни камида 5 фоизга ўсишини, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиздан ошмаслигини таъминлашимиз зарур. Келгуси 2 йилда эса бюджет дефицитини 2 фоиздан оширмаслик бўйича ҳукумат зарур чора-тадбирларни белгилаши лозим. Мана, валюта бозори эркинлашганига ҳам 3 йилдан ошди. Шу даврда эркин валюта айирбошлаш бўйича юртимизда етарли тажриба тўпланди. Энди иқтисодиётимизнинг хорижий валютага боғлиқлик даражасини босқичма-босқич камайтириш керак. Шу мақсадда, келгуси йилда валюта кредитлари улушини ҳозирги 50 фоиздан 45 фоизга, яъни камида 2 миллиард долларга пасайтириш лозим. Келгуси йилда миллий валютада чиқариладиган халқаро облигациялар улушини ҳозирги 25 фоиздан камида 40 фоизга ошириш зарур. Шу билан бирга, келаси йили банклараро валюта бозори «онлайн» платформага ўтказилади ва тадбиркорларга валютани бевосита банкнинг ўзидан сотиб олиш учун имконият яратилади. Натижада тадбиркорлар валютани ҳозиргидек 4 кунда эмас, ярим соатда сотиб олиши мумкин бўлади», деб таъкидладилар.

Ички ва ташқи мувозанатни таъминлаш модели ХВФ қарзлари ҳисобига барқарорлаштириш сиёсати ва таркибий қайта қуришларни ўтказган кўплаб мамлакатлар томонидан қўлланилган. ХВФ дастурларида бу моделга мувофиқ, бюджет-солиқ сиёсати ички баланс билан, реал валюта курси жорий операциялар ҳисоби билан, пул-кредит сиёсати хорижий валютанинг захиралари ҳажми билан боғланган. Бу моделда ташқи баланс мақсади икки таркибий қисмга, яъни жорий операциялар ҳисоби ва валюта захиралари даражасига ажратилади. Бунда қуйидаги учта қоида қўлланилади:

- 1) агар инфляция жуда юқори бўлса, бюджет тақчиллигини камайтириш;
- 2) агар жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги юқори бўлса, реал айирбошлаш курсини пасайтириш;
- 3) агар хорижий валюта захиралари жуда кам ёки жуда тез қисқараётган бўлса, пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг берган маълумотларига караганда, Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи 2020 йилда 2,8 млрд долларга ёки йил бошига нисбатан 18 фоизга ошиб, 1 октябрь ҳолатига 18,5 млрд долларга ёки ЯИМ га нисбатан 32 фоизга етган. Давлат ташқи қарзи асосан:<sup>1</sup>

- Ҳукумат номидан жалб қилинган ташқи қарз – 12,7 млрд.доллар;
- Ҳукумат томонидан кафолатланган ташқи қарз – 5,8 млрд.доллар.

Давлат ички қарзи эса дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 23,6 трлн сўмни (2,3 млрд доллар) ёки ЯИМ га нисбатан 4 фоизни ташкил этди. Шундан:

- Ҳукумат номидан жалб қилинган ички қарз – 4,7 трлн сўм (0,4 млрд доллар);
- Ҳукумат қафолатлаган ички қарз – 18,9 трлн сўм (1,9 млрд доллар)

Давлат қарзининг сўнгги йиллардаги ўсиши динамикасига қарамай, халқаро меъёрларга кўра, Ўзбекистон давлат қарзи (ЯИМ га нисбатан 36,8 фоиз), шу жумладан, давлат ташқи қарзи (ЯИМ га нисбатан 32,8 фоиз) мўътадил даражада сақланиб қолмоқда.

2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг халқаро молия институтларидан жалб қилган ташқи қарз портфели ҳажми 8,9 млрд АҚШ долларини ташкил этиб, мазкур кредитлар узоқ муддат (30 йилгача) ҳамда имтиёзли фоиз ставкаларида тақдим этилган. Давлат ташқи қарзининг асосий қисми Осиё тараққиёт банки (4,5 млрд доллар), Жаҳон банки (3,1 млрд доллар) ва Ислон тараққиёт банки (0,9 млрд доллар) ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистоннинг асосий кредиторлари Хитой эксим банки, Хитой давлат тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва ташкилоти, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади.

Хусусий секторга хориждан жалб этилган қарзнинг 45 фоизи банк, 44 фоизи эса нефть-ёқилғи секторига тўғри келади. Яъни хусусий ташқи қарзнинг 86 фоизи давлат улушига эга йирик энергетика компаниялари ва банклар томонидан жалб этилган. Давлат ташқи қарзи статистикасини тартибга солишда ҳукумат қафолати бўлган ё йўқлигига эмас, балки уставдаги улуш кимга тегишли эканига эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида яна бир муҳим масала сифатида «ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси мезонларига кўра, хавфсиз ҳисобланишини таъкидлаб ўтдилар. Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасининг қарз барқарорлиги таҳлилига кўра, ўзининг иқтисодий салоҳияти бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзига хизмат кўрсатиш салоҳияти кучли ҳисобланади ва ушбу мамлакатларда давлат ташқи қарзи учун меъёр ЯИМ нинг 50 фоизигачасини ташкил қилиши мумкин. Халқаро валюта жамғармаси томонидан 2020 йил 19 май куни чоп этилган қарз барқарорлиги ҳисоботида республиканинг қарзга хизмат кўрсатиш салоҳияти юқори, давлат ташқи қарзи эса мўътадил даражадалиги қайд этилган. Шунингдек, мамлакатимизнинг қарзни тўлай



олиш салоҳиятининг умумий индикатив кўрсаткичи (СИ) 3,1 бирликдан 3,2 бирликка кўтарилди. Қарзни тўлай олиш салоҳиятининг умумий индикатив кўрсаткичи (СИ) Жаҳон банкининг мамлакат сиёсий ва институционал салоҳияти баҳоси (СРІА), мамлакатнинг беш йиллик факт ва беш йиллик прогноз макроиқтисодий кўрсаткичлари, жумладан, жаҳон ўсиш суръати, реал ўсиш суръати, пул ўтказмалари ва олтин-валюта захираларини ҳисобга олган ҳолда топилади. Мазкур кўрсаткич орқали мамлакатнинг қарзни тўлай олиш салоҳияти даражаси аниқланади (3,05 бирликдан юқори бўлса, кучли). Ўзбекистон Республикаси 3,2 бирлик индикатив кўрсаткичи (СИ) билан қарзни тўлай олиш салоҳияти кучли мамлакатлар сирасига киради.

Шу билан бир қаторда, Мурожаатномада ташқи қарз ҳисобидан ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳалар бундан буён маҳаллий Кенгашлар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши, уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилиши, шунингдек, давлат номидан ташқи қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ хусусий капитал жалб этилиши, масалан, кейинги йилда давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш бошланиши ҳусусида тўхталиб ўтилди. Марказий банк молия бозорида рақобатни ошириш мақсадида 2020 йил 1 февралга қадар банк бўлмаган кредит ташкилотлари тўғрисида қонун лойиҳасини киритиш, шунингдек, мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш, бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертларини жалб этиш кўзда тутилмоқда.

### **2.3. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШ– БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИ**

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш инфляция, ишсизлик кўрсаткичларининг иқтисодий фаолликка салбий таъсир кўрсатмайдиган даражада бўлиши, миллий валюта алмашинув курси мўътадиллиги ҳамда бизнес ва инвестиция муҳитининг ижобий бўлишини таъминлайди. Макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши иқтисодий ўсиш-ни таъминлашнинг муҳим шартидир.

«Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги

нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш энг муҳим устувор вази-фамиздир. Шу сабабли макроиқтисодий барқарорлик моҳиятини ўрга-ниш, уни таъминлаш мезонларини аниқлаш ва уларнинг барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Қўлланилган материаллар ва услублар Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири бўлиб, унинг давомийлиги иқтисодий тараққиётнинг истикболини белгилаб беради.

Кишилик жамияти ривожланишининг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётда доимо кенгайтирилган такрор ишлаб чиқа-ришни ташкил этиш тақозо этилади. Бозор иқтисодиёти шароитида кен-гайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида иқти-содиётда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш жамият ва давлат иқтисодий сиёсатининг асосий негизини ташкил этади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни йил сайин ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишини, унда фойдаланилаётган ресурслар йил сайин кўпроқ да-ражада истеъмол қилиниши ва шунга мос равишда такрор ишлаб чиқа-риш натижасида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар ҳажмининг ошиб боришини, натижада йил сайин тақсимот жараёнига кўпроқ товар ва хизматлар ҳажми келиб тушишини билдиради, шунинг учун иқтисо-диёт доимо ҳажми ўсиб боровчи товар ва хизматлар моддий ва молиявий ресурслари билан жамият иқтисодий агентлари ўртасидаги доиравий ҳа-ракатидан иборат бўлади. Ушбу товар ва хизматларнинг доиравий ҳа-ракатида сусткашликнинг пайдо бўлиши, баъзи ҳолларда товар ва хиз-матларни жамият томонидан инкор этилиши ёки аксинча, ушбу товар ва хизматларнинг иқтисодиётда танқислиги жамиятда макроиқтисодий барқарорлик бузилганлигини билдиради.

Макроиқтисодий барқарорлик ҳолатини таҳлил қилиш ва истикбол-ларини белгилаш учун унинг мезонларини яхши билишимиз зарур (2.3-жадвал). Макроиқтисодий барқарорликни таъминловчи ва уни мус-таҳкамловчи омилларни аниқлаш учун ушбу мезон (меъёр)ларни ўрга-ниш зарур, шундан сўнггина ушбу мезонларни таъминлашнинг шарт. омил ва воситалари ҳақида фикр юритишимиз мумкин. 1.3-жадвалдан кўришимиз мумкинки, макроиқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўр-саткичлар «барқарор» деб эътироф этилиши учун маълум чегарада бў-лиши зарур экан. Бу аввало, давлатларнинг ривожланиш даражасига ва ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасига боғлиқ бўлиб, ривожланган мам-лакатлар учун ушбу мезонлар тафовутга эга ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси статистика маълумотлари

Макроиктисодий барқарорлик мезонлари<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	Ривожланаётган давлатлар учун макроиктисодий барқарорлик мезонлари	
	Мазмуни	Даражаси
Иқтисодий ўсиш	Реал ЯИМнинг йиллик ўсиши, фоиз	min 5
Пул массасисининг ўсиши	ЯИМ ўсишига муносоиб равишда, фоиз	min 5
Инфляция даражаси	Истемол нархлари индекси бўйича, фоиз	max 10
Ишсизлик даражаси	Иқтисодий фаол аҳолига нисбатан, фоиз	max 7
Давлат бюджети камомади	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз	max 3
Давлат қарзи	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз	max 60
Ташқи қарзлар бўйича тўловлар	Йиллик экспорт ҳажмига нисбатан, фоиз	max 20
Олтин-валюта захиралари ҳажми	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз	min 8
Валюта алмашув курси девальвацияси	Миллий валютани жаҳоннинг "қаттиқ" валюталарига нисбати, фоиз	max 15
Миллий бозорда хорижий товарлар улуши	Бозор ҳажмига нисбатан, фоиз	max 40
ЯИМда жамғармалар улуши	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз	min 10
Аҳоли даромадлари бўйича табақаланиши	Дицел коэффициенти, марта Жини коэффициенти, индекс	max 10 max 0,35

Илмий адабиётларда макроиктисодий барқарорликка таъсир кўрсатувчи омилларни белгилашга бўлган турли ёндашувларни учратиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, макроиктисодий барқарорликка иктисодий, сиёсий, демографик, илмий-техник, табиий ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади. Демак, макроиктисодий барқарорликни иқтисодиётнинг бир-бири билан ўзаро алоқадор бўлган ва бир-бирини тақозо этадиган омиллар таъсирида шаклланган ҳолати сифатида талқин қилиш мумкин. Бизнингча, реал ишлаб чиқариш ҳажмларининг узоқ муддатли барқарор ўсиши суръатларини, кўламларини, самарадорлиги ва сифати ошишини белгиловчи, инфляция суръатининг жиловланиши, ишсизлик даражасининг паст суръатда таъминланиб турилиши, миллий валюта девальвациясининг паст суръатларига эришилиши ва давлат бюджети тақчиллиги ижобий даражасида бўлишига таъсир қилган ҳамда унга замин яратган ҳодиса ва жараёнлар макроиктисодий барқарорликни таъминловчи омиллар дейилади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг ҳар бир босқичида макроиктисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишни таъминлаш асосий устувор вазифа этиб белгилаб келинди. Мамлакатимизнинг мустақиллик

йилларидаги макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш даврларини 3 босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ (2.4- жадвал).

1. 1991–1996 йиллар: макроиқтисодий беқарорликка барҳам бериш босқичи (ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш ва иқтисодий ўсишга эришиш).

2. 1997–2004 йиллар: макроиқтисодий барқарорликка эришиш босқичи (ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсишига эришиш, инфляцияни кескин пасайтириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш).

3. 2005 йилдан ҳозиргача бўлган давр: макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш босқичи (давлат бюджети ва жорий операциялар ҳисоби ижобий сальдосини ҳамда юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш). Истиқлол йилларида мамлакатимиз ЯИМ қарийб 6 баробарга, унинг аҳоли жон бошига тўғри келиши эса 4 баробардан зиёдга ошди. 2000–2016 йилларда қишлоқ хўжалигини мамлакат ялпи ички маҳсулотига улуши 30,1 фоздан 16,1 фозгача қисқаргани ҳолда, аксинча саноатнинг улуши мутаносиб равишда 14,2 фоздан 34 фозгача ошган.

Бугунги кунда хизмат кўрсатишнинг ЯИМдаги улуши 54,5 фоизни ташкил қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Яратилаётган ЯИМнинг 56,7 фоизи айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Кейинги ўн йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 240 трлн сўмдан зиёд капитал қўйилмалар ўзлаштирилган. Бу даврда мамлакат иқтисодиётига

2.4-жадвал

Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш босқичлари, унинг омиллари ва натижалари<sup>1</sup>

1991-1996 йиллар	1997-2004 йиллар	2005-2016 йиллар
<b>Макроиқтисодий беқарорликка барҳам бериш</b>	<b>Макроиқтисодий барқарорликка эришиш</b>	<b>Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Мустақил давлатнинг асосий институтларини шакллантириш;</li> <li>- Бозор иқтисодиёти тамойиллари ва асосларини шакллантириш;</li> <li>- Миллий валютани муомалага киритиш;</li> <li>- Нархларни эркинлаштириш;</li> <li>- Реал сектор корхоналарини Давлат томонидан қўллаб қувватлаш;</li> <li>- Кичик ва ўрта даражадаги хусусийлаштиришни амалга ошириш;</li> <li>- Ижтимоий ҳимоянинг янги тизимини шакллантириш ва бошқалар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ҳалла ва энергия мустақиллигига эришиш;</li> <li>- Стратегик инвесторларни қамраб олган йирик хусусийлаштиришни амалга ошириш;</li> <li>- Янги, йирик саноат корхоналарини барпо этиш;</li> <li>- Саноат секторига маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш;</li> <li>- Иқтисодиёт тармоқларида бошқарув тизимини ислоҳ қилиш;</li> <li>- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш;</li> <li>- Макроиқтисодий сиёсатни такомиллаштириш ва бошқалар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Экспортни рағбатлантириш учун имтиёзлар бериш;</li> <li>- Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш;</li> <li>- Иқтисодиётни модернизациялаш тармоқ дастурларини амалга ошириш;</li> <li>- Саноат кооперациясини рағбатлантириш;</li> <li>- Эркин иқтисодий зоналар, транспорт ва логистика марказларини барпо этиш;</li> <li>- Корпоратив бошқарув тизимидаги тартиб-таомилларни янгилаш;</li> <li>- Барча жабҳаларда АҚТ дан кенг фойдаланиш ва бошқалар.</li> </ul>

киритилган инвестицияларнинг қарийб 23-23,5 фоизи хорижий инвестициялар ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган мураккаб вазият ва дунё бозорларида юзага келган ноқулай конъюнктурага қарамасдан, сўнги йилларда республикамиз макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари бўйича ижобий натижаларга эришмоқда. Хусусан, 2015 йил якуни бўйича мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг реал ўсиши 2014 йилга нисбатан 8 фоизни, 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 7,8 фоизни ташкил этди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти кейинги ўн йил давомида ўртача 8 фоиздан юқори, яъни барқарор суръатларда ўсган. 2003 йилдан бошлаб инфляция даражаси ўртача 5,5-6,5 фоиз атрофида бўлмоқда. Аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиши натижасида ишсизлик даражаси 5 фоиздан ошмаган. Оқилона олиб борилган бюджет-солиқ сиёсати натижасида 2005 йилдан бошлаб мамлакатимиз бюджети ЯИМга нисбатан профицит билан ижро этилмоқда. Умуман олганда, кейинги йилларда мамлакатимизда инфляцияни жиловлаш, самарали бюджет-солиқ сиёсатини олиб бориш, солиқ юқини камайтириш, давлат бюджети харажатларини янада оптималлаштириш, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банкларнинг кредитлаш салоҳиятини ошириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишга жалб қилинаётган инвестициялар (жумладан, хорижий инвестициялар) ҳажмини кўнайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ва уни диверсификациялаш борасидаги чора-тадбирлар, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун хизмат қилмоқда.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасидаги бундай натижаларни қўлга киритишда мамлакатимиз иқтисодиётини босқич-ма-босқич ўзгартириш ва эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларнинг хусусий секторга ўтказиш орқали давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги sanoat йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қабул қилинган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари.

ўрта муддатли дастурлар асосида макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, таркибий ва институционал ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланмоқда.

Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолишда ички баҳолар барқарорлиги ва валюта бозори устидан тизимли мониторинг ўтказиш муҳим ҳисобланади. Бу борада ички баҳолар барқарорлигини таъминлаш мақсадида истеъмол нархлари индексини замонавий усуллар асосида ҳисоблашни жорий этиш орқали инфляцияни жиловлашга доир чора-тадбирлар ва қарорларни қабул қилиш самарадорлиги ошади. Нақд пулсиз шаклдаги тўловлар бўйича товар ва хизматлар баҳоларини сунъий равишда оширишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи валюта курсини амалга ошириш, биржада хорижий валютани эркин харид қилиш, тижорат банкларининг хорижий кредит линиялари ва инвестицияларни жалб этишда барча зарур чораларни белгиловчи ҳужжатни ишлаб чиқиш ва шунинг асосида чора-тадбирларни изчил ва тизимли равишда ташкил этиш кўзда тутилган. Тадбиркорлик фаолиятига ажратиладиган кредитларни олиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида қайта молиялаштириш ставкасини пасайтириб бориш амалиёти қўлланилмоқда. Банк фаолиятининг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароит яратиш, кредитлаш жараёнини бозор механизми асосида ташкил этиш мақсадида банк фаолиятига давлат ҳокимият органлари томонидан маъмурий аралашувининг олдини олиш кўзда тутилмоқда. Истиқболда «Миллий валютаимиз барқарорлигини таъминлаш, банк тизимини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда ва маҳаллий даражада бюджет барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

## **2.4. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ФИСКАЛ ВА МОНИТАР СИЁСАТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ**

Ҳар бир мамлакат иқтисодий сиёсатининг бош мақсади макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳисобланиб, макроиқтисодий сиёсатнинг асосий вазифалари пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсати соҳасидаги воситаларни қўллаш орқали ноинфляцион, барқарор иқтисодий ўсишга эришишни назарда тутлади. Иккала асосий манфаатдор томонларнинг сиёсатни қўллаш натижалари кўпинча зиддиятли кўриниш касб этади.

Шунинг учун пул-кредит ва солиқ бюджет сиёсати органлари ўртасида мувофиқлаштириш механизмига эҳтиёж иқтисодий сиёсатнинг исталган якуний мақсадларига эришиш учун зарур ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг учинчи йўналиши «Иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол инвестиция жалб этишнинг устувор йўналишлари»да макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш вазифаси белгиланган, бунда энг аввало:

- кўшимча имконият ва манбалар ҳисобидан бюджет дефицитини камайтириш.
- бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш.
- монетар сиёсатни такомиллаштириш, Ҳукумат ва Марказий банкнинг нарх-наво барқарорлигини таъминлаш бўйича концепциясини ишлаб чиқиш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан тасдиқланган 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида таркибий ислохотлар асосий йўналишларининг «Йўл харитаси» да макроиқтисодий институтларни кучайтириш ва макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш вазифалари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида «Умумиқтисодий, солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштириш, бунда иқтисодий ўсиш, давлат бюджетининг баланслашганлиги ва иқтисодиётдаги нархлар даражасининг барқарорлиги бўйича ўзаро ҳаракатлар ва мақсадларнинг келишилганлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш» босқич-ма-босқич инфляциявий таргетлаш режимига ўтиш йўлларида бири сифатида таклиф этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида «Монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш ҳамда Давлат бюджетининг мунаносиблигини таъминлаш орқали пул массаси ҳаддан зиёд ўсишининг олдини олиш» – валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасида дав-

лат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белги-ланган.<sup>1</sup>

Ҳукумат қарз мажбуриятларининг маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан ихтиёрий хариди одатда молиялаштиришнинг мақбул усули ҳисобланади, чунки бундай усулда, қатта молиявий дефицитлар, яъни инфляциянинг ўсиши, шунингдек, ташқи иқтисодий алоқаларнинг заифлашуви каби салбий оқибатлар чекланган бўлади. Аниқ бозор сигналлари асосида амалга ошириладиган давлат қимматли қоғозларига ихтиёрий инвестициялар қарор қабул қилувчиларга дарҳол ва ишончли ахборот беради. Шунингдек, молиялаштиришнинг бу тури жамоатчилик ва ҳукумат учун қандай оқибатларга олиб келишини аниқлаш имконини беради. Юқоридагига нисбатан молиялаштиришнинг бошқа манбалари фақат муаммоларни янада кучайтириши мумкин, яъни давлат бюджети дефицитининг сезиларли даражада ортишига олиб келиши мумкин. Марказий банк томонидан ҳукуматга кенг қўламдаги кредит берилиши, ички кредит эмиссиясини жадаллаштиради бу эса халқаро захираларга ҳамда пул захирасига таъсир қўсатади ва шунга мос равишда мамлакатда инфляция суръатини ўсишига олиб келиши мумкин. Давлат қимматбаҳо қоғозларини мажбурий тарзда жойлаштириш молиявий секторда стагнация ҳолатининг юзага келишига ва натижада, хусусий секторнинг молиявий бозордан «сиккиб чиқарилиши»га олиб келади. Агар дефицит чет эл (хорижий) маблағлари ҳисобидан молиялаштирилса, ташқи қарз олишга бўлган қарамлик ҳаддан ташқари кучайишига олиб келиши мумкин бу эса ҳукуматнинг ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятига бўлган ишончни сусайтиради.

Ривожланаётган мамлакатлар саноати ривожланган мамлакатларга қараганда бюджет дефицитини кўпроқ Марказий банк орқали молиялаштиради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, монетар ва фискал сиёсатлар мувофиқлаштирилмаса қуйидаги учта сценарий юзага келиши мумкин. Биринчи сценарийда Марказий банк асосий ўринни эгаллайди ва бунинг натижасида Марказий банк ҳукуматнинг молиявий эҳтиёжларидан қатъи назар пул базасининг ўсишини белгилайди. Бундай ҳолда давлат бюджет дефицити ички ва ташқи молия бозорларининг молиявий имкониятлари билан чекланиб қолади. Охир-оқибатда ҳукумат, ёки бюджет камомадини мавжуд молиялаштириш билан мос равишда камайтиришига тўғри келади, бу эса бюджет харажатлари таркибини қисқартиришдаги танловлар чекланиши хавфини юзага келтиради, ёки ташқаридан молиялаштиришга олиб келади, ёки давлат қатта ҳажмда қарз мажбуриятларини ички


<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари



бозорга жойлаштириши керак бўлади, бу эса реал фоиз ставкаларининг сезиларли даражада ортишига олиб келади.

Иккинчи сценарийда Молия вазирлиги устувор ўринни эгаллайди ва шунга мос равишда Марказий банк (пул-кредит органи) билан маслаҳатлашмасдан давлат бюджети тақчиллиги ҳажмини белгилайди. Агар облигациялар бозорининг молиявий имкониятлари ҳисобга олинса, бундай ҳолда, пул-кредит органи пул базаси ҳисобидан зарур бўлган барча молиялаштириш манбаи билан таъминлашга мажбур бўлади (яъни бево-сита ҳукуматга бериладиган кредитлар). Агар мавжуд нарх даражасини ҳисобга олган ҳолда реал пул базасига бўлган талабнинг ўсиш суръати ошиб кетаётган бўлса, бу инфляция даражасини ўсиб боришига ва халқро захиралар билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келишига олиб келади. Бундан ташқари, инфляция туфайли юзага келган беқарорлик ички молия бозорининг ривожланишини чеклайди. Ниҳоят, учинчи сценарийда Марказий банк ва Молия вазирлиги иккови ҳам мустақил равишда ҳаракат қиладилар. Бунинг натижасида пул-кредит ва бюджет-солиқ органлари пул базасининг ўсиши ва бюджет дефицити ҳажмига нисбатан мувофиқ бўлмаган қарорлар қабул қилишлари мумкин. Солиқ органлари бюджет дефицитининг ички ва ташқи облигациялар бозорида эмиссия солиғи ҳисобидан қопланмайдиган қисмини молиялаштиради. Агар мамлакатда ички молиявий бозорлар етарлича ривожланмаган бўлса, шунингдек ҳукумат ташқи молиявий манбалардан максимал фойдаланган тақдирда ҳам зарурий молиялаштириш манбалари билан таъминлай олмаса, унда юқорида келтирилган икки сценарий юз беради, яъни ё бюджет-солиқ ёки монетар сиёсат бўйсунувчи ҳолат юзага келади. Бундан ташқари, ҳаттоки ички капитал бозори яхши ривожланган ҳолатда ҳам, фискал вазифалар билан монетар сиёсат мақсадлари мувофиқлашмаса, ички қимматли қоғозлар бозорида фоиз ставкаларининг сезиларли даражада ўсишига ёки ҳукуматнинг муддатида тўланмаган мажбуриятлари ҳажми ошишига олиб келади.

Юқоридаги сценарийлардан исталган бирида фискал ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштириш вазиятни яхшилаши мумкин, чунки пул-кредит ва давлат ҳаражатларини бошқариш жараёнларининг ривожланиши бу сиёсатларининг бир-бири билан ўзаро таъсирини мустаҳкамлайди. Мамлакатда молия бозорларининг ривожланганлиги, пул-кредит сиёсатини юритиш ва давлат ҳаражатларини бошқариш методларини мукаммаллаштириш (юксалтириш)да қўшимча имкониятларни яратади. Ўзбекистонда монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш зарурати мавжудлиги амалиётда яққол кўриниб турибди. Масалан, 2017–2018 йил-



2.3-расм. 2013–2018 йилларда ишлаб чиқариш салоҳияти ва амалдаги ишлаб чиқариш ҳажмлари ўртасидаги тафовут.<sup>1</sup>

ларда кредитларнинг ошиши мувозанатли макроиқтисодий шароитларда иқтисодий ўсиш суръатларининг қўшимча тезлашишида ўз аксини топиши керак эди. Лекин иқтисодиётга ажратилган кредитлар ўсиш суръатининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатидан 2 баробардан кўпроқ ошиши, иқтисодиётда қўшимча талаб юзага келишига ва талаб ҳажмларининг амалдаги таклиф ҳажмларидан ошиб кетишига, пировардида мусбат ишлаб чиқариш тафовутининг пайдо бўлишига олиб келди.

Амалга оширилган таҳлиллар 2018 йилнинг бошидан бошлаб иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг ижобий тафовути пайдо бўлиб, унинг ўсувчи динамикага эга эканлигини кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариш фарқининг ижобийлиги ва ўсиб бориши шунингдек, бюджет харажатлари ва кредитлар ҳисобига шаклланаётган инвестицион ва истеъмол талабининг катта қисми импорт эвазига қондирилиши импорт ҳажмларини кескин оширмоқда. Бў ташқи савдо балансининг манфий сальдо билан ижро этилишига ва миллий валюта курсига нисбатан девальвацион босимнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)).

## 2.5. ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ РЕЖИМИНИ ҚЎЛЛАШ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА АҲОЛИ ФАРАВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ


Мамлакатда инфляция даражасини пасайтириш Марказий банкларнинг бош мақсадига айланган. Инфляциянинг юқори даражада намоён бўлиши иқтисодий ўсишнинг секинлашига ва аҳоли даромадларининг реал қийматининг тушиб кетишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликдан кейинги даврида юқори инфляция даражаси кузатилганлиги ва фақатгина 2003–2016 йилларда инфляция битта рақам билан ифодаланишига эришган. Аммо 2017 йилдан мамлакатимизда инфляция даражасининг ошиши кузатилган. Бунга йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни, хусусан кенг қамровли давлат дастурларининг бажарилиши, нақд пул масаласининг хал этилиши, миллий валютаамизнинг эркин конвертирланиши таъминланиши ва бошқа шу каби долзарб масалаларни сабаб сифатида келтириш мумкин. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин марказий банкларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти кучайиб борди. Улар мақсадга эришиш йўлида бир канча усуллардан фойдаланишган. Жумладан, 1970 йиллардаги «нефть инқирози» натижасида кўплаб ривожланган давлатлар иқтисодиётида кузатилган юқори даражадаги инфляцияга Марказий банклар асосан пул массаси ўсишини таргетлаш орқали курашган ва бу ўзининг ижобий натижасини берган. Аммо 1990 йилдан кейин марказий банклар инфляцияни билвосита эмас балки, бевосита тартибга солиш учун тўғридан-тўғри инфляцияни таргетлашга ўтишган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш йўли билан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимида ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб кўйган. Бунга Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3272-сонли Қарори асос бўлганлигини таъкидлашимиз лозим.

Инфляцион таргетлаш асосидаги ғоя швециялик иқтисодчи, капитал, нарх даражаси ва иш ҳақининг умумий назариясини илмий тадқиқ қилган олим Викселль Кнутга тааллуқлидир. К.Викселль 1896 йилда Швеция иқтисодчилар ассоциациясида Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг товар ва хизматларга нисбатан барқарорлигини таъминлаш ҳисобланиши кераклигини таъкидлаб ўтган. Ўша даврда Марка-

зий банклар миллий валютанинг истеъмол товарларига қараганда олтин нархига нисбатан барқарорлигини сақлашни бош мақсад деб билишган. Унинг бу қарашлари 1914 йилга қадар, яъни олтин стандартида инкироз кузатилганига қадар қўллаб-қувватланмаган. 1931 йилда Швеция Рикс банки бу олимнинг миллий валюта барқарорлигини истеъмол товарларига нисбатан таъминлаш кераклигини амалиётга жорий қилди ва 1931 йил сентябрь ойида мамлакатда нарх барқарорлигини таъминлаш ўз олдига бош мақсад қилиб белгилади. 1938 йилда Швеция Рикс банки нарх даражасининг барқарорлигини таъминлашга эришиб, истеъмол товарлар нархини 1928 йилдаги нарх даражасига қайтаришга муваффақ бўлган. Шундай қилиб, Швецияни инфляцияни таргетлаган давлатлар ичида биринчилардан бўлганлигини айтиш мумкин. Чунки, инфляцион таргетлаш хусусиятлари билан 1931 йилдаги Швеция Рикс банкининг нарх барқарорлигини таъминлаш хусусиятлари бир-бирига жуда яқин ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганидек, 1990 йилда Янги Зеландия биринчилардан бўлиб инфляцион таргетлашга ўтган бўлса, 2005 йилга қадар асосан индустриал ривожланган давлатлар Марказий банклари бу каби таргетлашга ўтишган. 2005 йилдан ҳозирги даврга қадар инфляцион таргет-



2.3-расм. 2013–2018 йилларда ишлаб чиқариш салоҳияти ва амалдаги ишлаб чиқариш ҳажмлари ўртасидаги тафовут.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самардорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими (www.lex.uz).

лашга ўтган давлатлар қаторида ривожланаётган давлатларнинг улуши катта қисми ташкил этмоқда.

Охириги йилларда турли давлатлар Марказий банклари валюта курсини таргетлашдан ёки пул массаси ўсишини таргетлашдан кўра тўғридан-тўғри инфляцияни таргетлашни ўз олдига асосий мақсад сифатида белгиламоқда. Хусусан, 2010 йилда Халқаро Валюта Фондига аъзо давлатлар Марказий банкларининг 16,4 фоизи инфляцион таргетлаш режимига ўтишган бўлса, 2018 йилга келиб, 21,4 фоиз давлатлар Марказий банклари инфляцион таргетлаш режимини амалиётга қўллашган. Ажабланарлиси, бу жараён доимий ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бундан, дунёнинг кўпчилиги давлатлари алмашинув курсини таргетлаш эффект бермаётганлиги ва инфляцияни тўғридан-тўғри таргетлаш лозимлигини тан олаётганлиги борасида хулоса чиқарса бўлади.<sup>1</sup>

Бир қатор мутахассисларнинг фикрига кўра, кўплаб мамлакатларнинг пул-кредит сиёсатини инфляцион таргетлаш сифатида изоҳлаш мумкин. Масалан, Американинг Стэндфорд университетининг машҳур профессори Дж.Тейлор, Америка Қўшма Штатларининг пул-кредит сиёсати инфляцион таргетлашнинг эмпирик қондаси сифатида тавсифланади, деб ҳисоблайди. Ушбу қоидага биноан, Федерал Захира Тизими ЯИМ ўзгаришининг унинг потенциал кўрсаткичидан четлашишига ҳамда мавжуд инфляция даражасининг прогноз кўрсаткичидан четлашишига жавобан, тизимли равишда федерал фонд фоиз ставкани (federal Fund Rate) тўғри-лаб боради.

Нима сабабдан бир қатор мамлакатлар учун инфляцион таргетлаш режимига ўтиш замон талаби бўлиб қолмоқда? Чунки, кўпчилиги давлатлар учун, шунингдек аксарият олимлар учун, мамлакатда нархларнинг барқарорлигига (яъни паст ва бир маромдаги инфляция даражасига) эришиш, иқтисодий ўсишни таъминловчи биринчи омил ҳисобланади. Амалиётшуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий сиёсатнинг, яъни бандликнинг юқори даражаси ёки ялпи ишлаб чиқаришнинг ўсиши каби мақсадларга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар барқарор нархлар тамойилига зид келмоқда. Баъзи бир иқтисодчилар, пул-кредит сиёсати ёрдамида бирданига бир неча мақсадларда ҳаракат қилиниши, инфляциянинг ўсишига олиб келади, деб ҳисоблайдилар.

Инфляцион таргетлаш, инфляция ҳали ўзини ҳақида билдирмасдан туриб, инфляцион чоралар кўриш имконини беради. Иқтисодий назарияга кўра, инфляцион таргетлаш етарли даражада оддий жараён ҳисобланади. Унинг моҳияти қуйидагидан иборат: Марказий банк кутилаётган инфляция динамикасининг прогнозини белгилайди; инфляцион прогноз

инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлари (имкон қадар эришилиши кути-лаётган) билан таққосланади; инфляцион прогноз ҳамда инфляциянинг мақсад кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ пул-кредит сиёсатида қанчалик тузатишлар олиб борилиши кераклиги ҳақида дарак беради. Инфляцион таргетлашнинг моҳияти шундан иборатки, бунда Марказий банк инфля-циянинг мақсадли кўрсаткичини белгилайди ва унга эришиш учун бар-ча инструментлардан фойдаланади. Инфляцион таргетлашдан фойдала-наётган мамлакатлар, Марказий банклар мурожаат қиладиган стандарт усулларга қараганда пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириш-га ёрдам беради, деб ҳисоблайдилар.

Инфляцион таргетлаш икки асосий шартнинг бажарилишини талаб қилади. Биринчидан, Марказий банк мустақил пул-кредит сиёсатини олиб бориш учун етарли даражада автономияга эга бўлиши лозим. Мар-казий банкларнинг ҳеч бири ҳукумат таъсиридан тўлиқ холи бўлиши мумкин эмас, у ҳеч бўлмаса инфляциянинг мақсадли даражасига эри-шиш учун зарур бўладиган режалаштирилган инструментларни тан-лашда эркинликка эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Биринчи шартни бажариш учун, мамлакат «фискал устунлик» тамойилидан бош торти-ши, яъни бюджет-солиқ сиёсати пул-кредит сиёсатига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслиги керак. Фискал устунликдан бош тортиш деганда ҳукумат кенг даромад базасига эга эканлиги ва доимий равишда сеньораждан келадиган даромадларга таянмаслиги назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси мисолида, бошқа ривожланаётган давлат-лар сингари, ёқилги маҳсулотлари нархлари, электр-энергия нархлари ва бошқа шу каби бирламчи маҳсулотлар нархлари Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Қизиқарли жиҳати шундаки, бу каби товарлар аксарият ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар тан нарҳида ўтира-ди. Демак, бу каби бирламчи товарлар нархларининг ошиши мамлакатда умумий нарх даражасининг ошишига олиб келади. Яъни фискал устун-лик давом этаверса, бюджет-солиқ сиёсати инфляцион босимни кучайти-ради, бу эса пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини тушириб юбора-ди. Иқтисодий тил билан айтганда бу йўл билан инфляциянинг вужудга келиши номонетар инфляция дейилади.

Шундай экан, Марказий банк инфляцион таргетлашга ўтиши икки хил шаклда амалга оширилади. Айрим давлатларда инфляцион таргет-лашга фақат Марказий банк жавобгар ҳисобланса, кўпгина ривожла-наётган давлатларда инфляцион таргетлашни Марказий банк ҳукумат билан бирга амалга оширади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам инфляцион таргетлашни Марказий банк ҳукумат билан биргаликда амалга оширади.

Бунинг тасдиғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 18 ноябрдаги «Инфляциян таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-5877-сонли Фармонида Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар биргаликда 2020–2021 йилларда тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)нинг, инфляция мақсадларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда эркинлаштириш графигини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилганлигини келтиришимиз мумкин.

Инфляциян – таргетлашнинг самарадорлигини белгилаб берувчи иккинчи шарт – Марказий банк бошқа, яъни пул массаси ўсиши, бандлик даражаси ёки валюта алмашинув курси каби иқтисодий кўрсаткичларни таргетлашдан воз кечишидан иборат. Масалан, агар Марказий банк бошқариладиган валюта курси режимини сақлаб турган бўлса, замонавий шароитларда халқаро капиталларнинг юқори ҳаракатчанлиги билан у бир вақтнинг ўзида инфляциян таргетлашдан фойдалана олмайди. Гал шундаки, Марказий банк икки ёки ундан ортиқ мақсадларни ушлаб турган бўлса, вазият ёмонлашганда уларнинг қайси бирини афзал кўришини бозор билмайди. Фикримизча, Марказий банк танлаши керак: ёки бошқариладиган алмашинув курс режимини қўллаш ва бу билан инфляциян мақсаддан бош тортиши, ёки инфляциян таргетлаш режимини қўллаб, бошқариладиган алмашинув курси режимидан воз кечиш лозим.

Мустақилликдан кейин Марказий банк олдида доим яна бир мақсад бўлган. Бу миллий валютанинг хорижий валюта курсига нисбатан алмашинув курсидир. Биз каби ривожланаётган давлатларда миллий валюта алмашинув курси доим марказий банклар олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Ҳатто 2017 йил 5 сентябрда миллий валюта курсининг эркинлаштирилиши ҳамда унинг эркин алмашинувини йўлга қўйилишига қарамасдан, Марказий банк доим интервенция ўтказиш орқали унинг алмашинув курсини эътибордан четда қолдиргани йўқ.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан миллий валютада АҚШ долларига нисбатан алмашинув курси пасайишининг олдини олиш мақсадида 2017 йил 2847,8 млн АҚШ доллари миқдорида соф интервенция амалга оширган бўлса, 2018 йилда 3162.4 млрд АҚШ

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)).

доллари миқдорида ҳамда 2019 йилнинг икки чорагида 1572,4 млрд АҚШ доллари миқдорида соф интервенция ўтказган.

Ўзбекистон Республикаси охириги 2 йилда доимий равишда амалга оширилган интервенция натижасида валюта захирасининг камайиши ва бу ҳолатнинг доимийлигини инобатга олиб 2019 йил август ойи охирида валюта курсини эркин сузиб юривчи курсга ўтказди. Аммо шунга қарамай, Марказий банк миллий валюта курсини қўллаб-қувватлашни тўхтатгани йўқ. Хусусан, 2019 йил сентябрь ойида 188 млн АҚШ доллари миқдорида соф интервенция ўтказган. Бу билан айтишимиз мумкинки, Марказий банк инфляцияни таргетлашга ўтаётганлигига қарамасдан, миллий валюта алмашинув курсини эътибордан четда қолдиргани йўқ.

Бироқ Марказий банкнинг чегараланмаган эркинлиги жамият учун ортимал ҳисобланмайди. Хусусан, ХВФ мутахассислари пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсатининг ўзаро бир-бирига таъсирини моделлаштириб, жамиятнинг фаровонлиги нуқтаи назаридан, Марказий банк томонидан мамлакатда ялпи ишлаб чиқаришнинг ўсиш заруратини ҳисобга олган ҳолда оптимал инфляцион мақсадларга эришиш энг яхши қарор бўлади, деган фикрга келдилар.

Икки асосий талаб қондирилгач, назарий жиҳатдан мамлакатлар инфляцион таргетлашдан фойдаланишга киришишлари мумкин. Амалиётда эса, инфляцион таргетлашга масъул ташкилотлар бир қатор тайёргарлик чораларини кўришлари лозим ҳамда таҳлилий модел яратиш бу чоралар ичида асосийси ҳисобланади. Инфляцион таргетлаш икки компонентни ўз ичига олган етарли даражадаги оддий таҳлилий моделга асосланади. Биринчи компонент – бу иқтисодиёт қандай ишлаётганлигини, унга пул-кредит сиёсати қандай таъсир кўрсатаётганлигини тасвирловчи моделдир. Иккинчи компонент – устувор аҳамият бериладиган, Марказий банкнинг якуний мақсадларини, яъни мақсадли функцияси тасвирланишини намоён этади. Биринчи иқтисодий моделда Марказий банк пул-кредит сиёсатининг инструментларидан бирини қўллаган ҳолда, мисол учун қайта молиялаштириш фоиз ставкасини, маълум бир даврдан сўнг ЯИМга импульс реакцияси ўрганилади. Ўз навбатида ЯИМнинг ўзгариши (ёки ҳақиқий ЯИМнинг ўзининг потенциал қийматидан оғиши) маълум бир давр ўтиб инфляцияга ҳам таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, қайта молиялаштириш ставкасининг ўзгариши ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсир этган ҳолда маълум даврдан кейин мамлакатда инфляциянинг ўзгаришига олиб келади.

Моделнинг иккинчи таркибий қисми Марказий банкнинг мақсадли функцияси икки йўналишда ҳаркатланади. Биринчидан, Марказий банк



маълум берилган кўрсаткич атрофида инфляцияни барқарорлаштиришга интилади. Иккинчидан, Марказий банк иқтисодий ўсишни максимал ўсиш потенциали кўрсаткичи атрофида барқарорлаштиришни истади. Ишлаб чиқариш ёки иш билан бандлик каби реал сектордаги ўзгарувчанликларни барқарорлаштириш Марказий банкнинг якуний мақсадлари рўйхатига ҳар доим ҳам киравермайди. Бироқ амалиётда Марказий банк реал секторнинг ортиқча тебранишларидан қутулишга ҳаракат қилади. Инфляцион таргетлаш, Марказий банкни реал сектор муаммолари қизиқтирмаган пайтда, «қаттиқ» даражасидан, ушбу реал сектордаги кескин тебранишларни силлиқлаштиришни истаганда, «эгилювчанлик» даражасигача ўзгариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш фоиз ставкаси ўзгаришининг иқтисодиётга таъсирига баҳо берадиган бўлсак, ушбу асосий фоиз ставканинг реал иқтисодиётга таъсири ва бунинг натижасида мамлакатдаги инфляция даражасига таъсири кучли эканлиги шубҳа остида қолмоқда. Хусусан, мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга асосий талаб аҳоли томонидан эканини инобатга олсак, тижорат банклари томонидан истеъмол кредитларининг ЯИМга нисбати 5-6 фоиз атрофида эканлиги Марказий банк фоиз ставкаси ўзгаришининг аҳоли талабига таъсирини сусайтириб юбормоқда. Шунингдек, тижорат банклари томонидан жами иқтисодиётга ажратилган кредитларининг ЯИМга нисбати 40-45 фоиз атрофида бўлиши, тадбиркорларнинг инвестицион харажатларига фоиз ставка орқали таъсири сустлигини билдиради. Шу билан бирга, тижорат банкларининг умумий активлари ЯИМнинг 50 фоизини ташкил этиши Марказий банкнинг тижорат банклари орқали иқтисодиётдаги ялпи талабга таъсири ҳамда бунинг натижасида мамлакатдаги инфляция даражасига таъсири пастлигини келтириб чиқармоқда.

Марказий банк инфляцион таргетлаш режимини қўллаш жараёнида оралиқ мақсад сифатида аҳолининг ҳамда юридик шахсларнинг инфляцион қутилмаларидан оралиқ мақсад сифатида фойдаланади. Шундай экан, Марказий банк аҳоли ва юридик шахсларнинг инфляцион қутилмаларини доимий таҳлил қилиб бориши инфляцион таргетлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Шунинг учун ҳам айрим иқтисодий адабиётларда инфляцион таргетлашни (inflation target) инфляцион прогнозлашни таргетлаш (inflation forecast targeting) деб ҳам аташади.

Ривожланаётган мамлакатларда инфляцион таргетлаш режими қўлланадими? – деган савол атрофида мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқдир. Ривожланаётган давлатлар пул-кредит сиёсати ва молиявий бо-

зорлари бир-биридан фарқ қилади. Бир томондан, сўнгги вақтда ушбу давлатлар иқтисодиётида бир-бирига ўхшаш ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, молия секторидаги ислоҳотлар халқаро капитал бозорларига кириши пул-кредит сиёсатининг билвосита инструментларига ишончининг ортиши каби ўзгаришлар билан тавсифланмоқда. Бирок, бошқа томондан эса ривожланаётган мамлакатлар баъзан фоиз ставкаларининг даражаси, ички молия бозорининг ривожланиш даражаси, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар каби кўрсаткичлари билан кескин тарзда бир-биридан фарқ қилмоқда. Натижада, нафақат инфляцион таргетлашдан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш, балки ривожланаётган мамлакатларнинг мақбул таснифланишини олиб бориш ҳам қийин бўлиб қолади. Натижада, таҳлил ҳозирча ноаниқ эмпирик тадқиқотларга эмас, балки умумий дискуссион мулоҳазаларга асосланмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганидек, фискал устунликдан озод бўлиш ва иқтисодий сиёсатнинг, хусусан валюта курсини бошқариш каби бошқа мақсадларга нисбатан қаттиқ мажбуриятларнинг қўйилмаганлиги инфляцион таргетлашга ўтишнинг зарурий шарт-шароитлари сифатида намоён бўлмоқда.



### ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг нечанчи банди «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш» деб номланади?
2. Бугунги кунда Давлат бюджетининг неча фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда?
3. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ тиббиёт соҳасида мавжуд қайси муаммоларни бартараф этиш режалаштирилмоқда?
4. Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш нималарда ўз аксини топади?
5. Республикамизда 2016 йилда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида қандай натижалар қўлга киритилди?
6. Болалар саломатлигини сақлашнинг асосий муаммолари нималардан иборат?
7. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва соғломлаштириш масалалари ёш авлод тарбиясида қандай ўрин тутади?
8. Нима учун аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқ.

9. Ўзбекистон истиқлолининг 25 йиллиги мобайнида фармацевтика соҳасида эришган ютуқлари?
10. Мамлакатимиз аҳолисини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар?
11. Ўзбекистонда фармацевтика соҳасини янада ривожлантириш учун ташкил этилиши режалаштирилаётган фармацевтика sanoat зоналари ҳақида маълумот беринг.
12. Ижтимоий ҳимоя деганда нимани тушунасиз?
13. Аҳолининг кам таъминланган қатламига қандай тиббий-ижтимоий ҳимоя ёрдамлари кўрсатилмоқда?
14. Бугунги кунда мамлакатимизда пенсия ёшидаги кекса ёшли инсонлар қанча?
15. «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича нима ишлар амалга оширилмоқда?



## **ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

**1. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин дастлаб қандай асосийси масалаларни мақсад қилиб олди?**

- А. Ижтимоий масалаларни камраб олган бозор иқтисодиётини
- Б. Республикада аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул даромадлари масаласини
- С. Ижтимоий сиёсатни
- Д. Аҳолини озик-овқат билан таъминлаш масаласини

**2. Ўзбекистон Республикасининг ўз истиқлол ва таракқиёт йўлидаги етакчи тамойинли қайси?**

- А. Кучли ижтимоий сиёсат
- Б. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш
- С. Давлат – бош ислохотчи
- Д. Қонун устуворлиги

**3. Иқтисодиётнинг реал секторига қайси соҳалар кирди?**

- А. Саноат ва қишлоқ хўжалиги қурилиши, транспорт ва алоқа
- Б. Қурилиш
- С. Транспорт ва алоқа
- Д. Саноат ва қишлоқ хўжалиги

**4. Барқарорлаштириш сиёсати бу?**

- А. Бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймаслиқдир.
- Б. Бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш ва ҳалол рақобат олиб бориш.
- С. Бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш ва экспортни қўллаб-қувватлаш.
- Д. Бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш.

5. Макроиктисодий барқарорлик қайси кўрсаткичларда ўз ифодасини топади?

А. ЯИМ, МД, ЯСМ

С. АД, АС, БД

Б. ЛМ, ИС, БД

Д. БД, ИС, АД

6. Инфляция сурати йилига 4 фоизга тенг бўлса, нархлар даражаси неча йилдан кейин икки бараварга ўсади?

А. 17,5 йилдан кейин

С. 25 йилдан кейин

Б. 20 йилдан кейин

Д. 28 йилдан кейин

7. Ўзбекистонда 1991–2018 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми?

А. 3,3 баробар ошди

С. 1,5 баробар ошди

Б. 2,3 баробар ошди

Д. 2,5 баробар ошди

8. Тўлиқ бандлик шароитидаги ишсизлик даражаси (табиий ишсизлик даражаси)?

А. Фрикцион ва таркибий ишсизликни ҳисобга олади

Б. Даврий ишсизликни ҳисобга олади

С. Нолга тенг

Д. Даврий ишсизлик даражасига тенг.

9. Инфляция суръати йилига 10 фоизга тенг бўлса, нархлар даражаси неча йилдан кейин икки бараварга ўсади?

А. 7 йилдан кейин

С. 10 йилдан кейин

Б. 3 йилдан кейин

Д. 5 йилдан кейин

10. Ҳукумат ишлаб чиқарувчиларга субсидияларни оширди. Бу ялли таклиф (АС) эгри чизиғи ҳолатида қандай акс этади?

А. Ўнгга сурилади

С. Чапга сурилади

Б. Ўтаришсиз қолади

Д. Тўғри жавоб йўқ

11. Пул-кредит сиёсатининг энг замонавий ва бозор иқтисодиётига хос усули:?

А. Мажбурий захиралаш меъерини ўрнатиш ва ўзгартириш

Б. Қайта молиялаш ставкасини ўрнатиш ва ўзгартириш

С. Очик бозорда операцияларини амалга ошириш

Д. Тижорат банклари учун кредитлаш лимитларини ўрнатиш

12. Иқтисодиётга умумий солиқ юки:?

А. Жамланма бюджет даромадларининг ЯИМга нисбатан улуши кўринишида аниқланади

Б. Давлат бюджетига солиқ тушумларининг ЯИМга нисбатан улуши кўринишида аниқланади

С. Давлат бюджети жами даромадларининг ЯИМга нисбатан улуши кўринишида аниқланади

Д. Нобюджет давлат жамғармаларига мажбурий ажратмалар тушумининг ЯИМга нисбатан улуши кўринишида аниқланади

**13. Давлат бюджети профицити – бу**

А. Давлат бюджети даромадларининг харажатларга нисбатан кўпроқ бўлиши

Б. Давлат бюджети даромадларининг харажатларга нисбатан озроқ бўлиши

С. Давлат бюджети даромадларининг харажатлар билан тенг бўлиши

Д. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг йиғиндиси

**14. Солиқ ставкалари пасайтирилса, фонд ставкасининг ошиб кетмаслигини таъминлаб туриш учун Марказий банк:?**

А. Қайта молиялаштириш ставкасини пасайтиради, очик бозорда облигацияларни сотиб олади

Б. Мажбурий захиралаш меъёрини оширади, очик бозорда облигацияларни сотиб олади

С. Мажбурий захиралаш меъёрини пасайтиради, очик бозорда облигациялар сотади

Д. Қайта молиялаш ставкасини кўтаради, мажбурий захиралаш меъёрини пасайтиради

**15. Иқтисодий ўсиш қуйидаги кўрсаткичлар билан ўлчанади:?**

А. реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯИМнинг ўсиши суръати

Б. реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯИМнинг ўсиши суръати

С. меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражасининг ўсиш суръати

Д. мамлакат экспортининг ўсиш суръати



### III БОБ

## ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, БАНК ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАМДА ХАЛҚАРО КРЕДИТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

### 3.1. ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва ривожланишнинг юксак марраларини забт этиш мақсадида пул-кредит соҳаси хусусан, монетар инструментлардан фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз молия-банк тизимида олиб борилган ҳуқуқий ислоҳотлар доирасида муайян даврда белгилаб олинган асосий мақсад ва вазифалар ҳамда уларда илгари сурилган бош ғоялар тадқиқ этилгани ҳолда, мустақил пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишларини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

**Биринчи босқич.** 1991–1994 йилларни ўз ичига қамраб олиб, мазкур босқичда мустақил банк тизimini барпо этилишида ҳуқуқий асос бўлган энг муҳим ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Айнан мазкур қонун мустамлака тузумидан халос бўлиб эндигина истиқлол шуқуҳидан эркин нафас олаётган ёш мамлакатнинг марказлашган режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўша даврга мос бўлган мустақил банк тизimini шакллантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга мувофиқ эндиликда мустақил Ўзбекистонда Марказий банк ва тижорат банкларидан иборат икки поғонали банк тизими ташкил топди. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Давлат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига айлантирилди ва унга давлат банки, эмиссион банк ва захира банки мавқеи берилди. Шундан сўнг,

қисқа вақт ичида Марказий банк ваколатларини аниқ белгиллаш ва унинг мустақиллик мақомини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга муҳим эътибор қаратилди. Хусусан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 124-моддасида Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини республика Марказий банки бошқариши белгилаб қўйилди.

Мамлакатда мустақил пул ва банк тизимининг шакллантирилиши ўша даврдаги объектив заруриятдан келиб чиқиб амалга оширилди. Яъни, рубль зонасида мутлақ эмиссион мавқега эга Россия Марказий банки рубль муомалада бўлган барча давлатлар ҳудудида пул барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мажбуриятини олган эди. Марказлашган режали иқтисодиёт инқирози шароитида ушбу вазифа дастлаб амалга ошириб бўладигандек кўринса-да, аммо бозор муносабатларининг қарор топиши билан боғлиқ нархлар либерализацияси жараёнлари республикалараро савдо айланмасида нумутаносибликларни келтириб чиқарди. Натижада, республикалар ўзларининг ташқи савдо балансларидаги камомадини нафақат экспорт нархларини ўзгартириш ҳисобига, балки товар билан таъминланмаган пул эмиссияси ҳисобига ҳам молиялаштиришга мажбур бўлдилар. Ушбу омиллар таъсирида рубль зонаси доирасида пул-кредит муносабатлари издан чиқа бошлади, республикалар ўртасидаги иқтисодий муносабатлардаги нумутаносибликлар авж олди, нагижада инфляцион жараёнлар назорат қилиб бўлмас даражада кучая бошлади.

1991–1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси томонидан хомашё ва товарлар бўйича экспорт операцияларининг салмоқли қисми 1961 йил намунасидаги рубль асосида амалга оширилди эди. Ваҳоланки, 1992 йилга келиб рубль зонасидаги бир-қатор мустақил республикаларда 1961 йил намунасидаги рубль муомаладан чиқарилиб, асосий эътибор эски рубль асосида фаол импорт операцияларини амалга оширишга қаратилди. Бунинг натижасида, мамлакатимизга рубль зонасида қисман муомаладан чиқарилган аммо мамлакатимизда амалда муомалада бўлган эски рубль пуллари оқими кескин ортиб, на ҳуқуқий ва на молиявий-иқтисодий таъминотга эга бўлмаган эски рубль банкноталари эвазига республика ҳудудидан йирик қийматдаги хомашё ва товарлар олиб чиқиб кетила бошланди.

Муаммонинг аянчли жиҳати, ушбу даврда рубль зонаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мустақил монетар сиёсатни амалга ошира олмади. Чунки, мустақилликнинг дастлабки даврида Ўзбекистон монетар сиёсати ҳали асосан собиқ Иттифоқ Давлат банки тизи-

мида мавжуд бўлган қоидалар асосида амалга оширилар эди. 1991–1993 йиллардаги мамлакатда олиб борилган пул-кредит сиёсати ҳам ягона рубль зонасида бўлиш асосида шаклланди.

Пул-кредит ва молиявий номувофиклик натижасида мамлакатимизда иқтисодий аҳволнинг оғирлашуви оралиқ валютани муомалага киритиш заруриятини келтириб чиқарди. Оралиқ валюта ҳисобланган сўм-купон муомалага киритилган вақтда барча собиқ совет республикалари аллақачон ўзларининг миллий валюталарига эга эди. Ўзбекистон томонидан сўм-купоннинг муомалага киритилиши натижасида, амалда рубль худуди ўз интиҳосини топди.

Муомалага оралиқ валюта, яъни сўм-купоннинг киритилиши иқтисодиётдаги ва истеъмол бозоридаги вазиятнинг барқарорлашувига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармони асосида 1994 йил 1 июлдан бошлаб ўз миллий валютамиз «сўм» муомалага киритилди. Бу Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида сифат жиҳатдан янги давр – мустақил пул-кредит сиёсатини амалга ошириш даврининг ибтидоси эди.

Миллий валютамиз «сўм»ни жорий этилиши мамлакатдаги валютан айирбошлаш курсини аниқлаш методикасининг либераллашувига олиб келди. Яъни, «сўм» муомалага киритилгунга қадар 1992–1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рублнинг айирбошлаш курси ўша даврда Россия Федерацияси билан ўзаро мавжуд бўлган келишувга мувофиқ, Москва банклараро валюта биржасидаги савдолар натижаси бўйича, Россия банки томонидан ўрнатиладиган курс асосида белгиланар эди.

Ўзбекистонда валюта бозорини ривожлантириш ҳамда олтин-валюта захираларини шакллантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида 1994 йил 15 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида доимий савдоларни ўтказишга киришилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса валюта биржасида ўтказилган савдолар натижаси бўйича сўм-купоннинг кейинчалик эса сўмнинг хорижий валюталарга нисбатан қийматини эълон қилиш имкониятига эга бўлди. Бу, ўз навбатида, Марказий банкнинг ҳукуматни расмий агенти сифатидаги мавқеини янада мустақкамлади.

Ўзбекистон пул-кредит сиёсати ҳуқуқий асослари шаклланишининг биринчи босқичида республика ҳукумати томонидан асосий эътибор иқтисодий мустақилликка эришиш борасида катъий чора-тадбирларни амалга ошириш, айниқса, иқтисодиёт таркибини тубдан ислоҳ қилиш,



шу жумладан, анъанавий секторларни замонавийлаштириш ва мамлакат ичида нисбатан юқори даражадаги қўшилган қиймат ҳосил қилишга қодир бўлган янги тармоқларни ташкил этишга қаратилди. Бу каби изчил чора-тадбирларнинг амалга оширилиши пировардида миллий пул тизимини шакллантириш ва унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашнинг иккинчи босқичини амалга оширишга пойдевор бўлиб хизмат қилди.

**Иккинчи босқич** 1995–2002 йиллар оралиғида пул-кредит сиёсатининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган чора ва тадбирлар ҳамда мазкур даврда белгилаб олинган пул-кредит сиёсатининг устувор вазибаларини қамраб олади.

1994 йилда миллий валютанинг муомалага киритилиши натижасида банк-молия тизимида амалга ошириладиган ислохотлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бу даврда Марказий банк асосий эътиборни макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ва шу асосда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга ҳамда иқтисодий ўсиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратди. Шунингдек, Марказий банк айнан иккинчи босқичда мустақил пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, самарали тўлов тизимини йўлга қўйиш бўйича стратегик ва тактик монетар тадбирларни амалга ошириб борди.

Иккинчи босқичда банк тизимининг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланиб, банк қонунчилигини такомиллаштиришга ўтилди. Хусусан, 1995 йил 21 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда 1996 йил 25 апрелда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларнинг янги таҳририда, шунингдек, 2002 йил 5 апрелда «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги 360-П-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши Ўзбекистон пул-кредит сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Ўз навбатида, мазкур қонунларнинг янги таҳририда қабул қилиниши янада муҳимроқ ва кенг қамровли пул-кредит тадбирларини, хусусан, замонавий банк тизимини ташкил этиш, тижорат банкларини халқаро молия бозорларига интеграциялашувини таъминлаш, аҳолининг ва хорижий сармоядорларнинг банк тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлаш, аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлаш, барқарор иқтисодий ўсишини ҳамда халқ фаровонлиги оширилишини таъминлашга қаратилган истиқболли йўналишларни белгилаб олиш ва амалга оширишда дастуруламал бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 сентябрдаги «Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги омонат-

ларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-2079-сонли фармонига биноан, ҳисоб рақамларга фуқароларнинг валюта маблағларини жалб қилиш мақсадида ваколатли банкларга ўз миқдорларига жамғармаларнинг сақланиши ва уларни сўзсиз равишда қайтариш кафолатларини бериш, жамғармалар бўйича прогрессив фоиз ставкаларини жорий этиш, жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисоб рақамларидан амалга оширилаётган операциялар бўйича банк сирини қатъий таъминлаш тавсия этилди.

Ушбу Фармонга мувофиқ ваколатли банклар томонидан жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги маблағларини омонатларга жалб этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши натижасида, 1998 йил 1 октябрдан 1999 йилнинг охирига қадар фуқаролар томонидан очилган ҳисоб рақамларнинг сони 1,5 марта ошди.

Юқорида кўриб ўтилган қарорлар ва уларда белгиланган вазифалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, иккинчи босқичда асосий эътибор ўша даврда ҳали барқарор таъминотга эга бўлиб улгурмаган миллий валютамиз сўмнинг қадрини мустаҳкамлашга қаратилди.

**Учинчи босқич** 2003 йилан 2008 йилгача бўлган даврни қамраб олади. 2003 йил 30 августда қабул қилинган 530-II-сонли «Банк сирини тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 11 декабрдаги 556-II-сонли «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунлар мазкур босқичдаги энг муҳим ва стратегик аҳамият касб этган меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Шуни эътироф этиш жоизки, учинчи босқич чин маънода мустақил Ўзбекистон банк тизимининг халқаро молиявий ҳамжамиятга интеграциялашувининг фаол ривожланиш даври бўлди. Жумладан, айнан ушбу босқичда Халқаро Валюта Жамғармаси билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари янада мустаҳкамланди.

ХВЖ билан икки томонлама алоқаларнинг ривожланиши негизда 2002 йилда имзоланган ўзаро иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича Меморандумда мақсадлар мужассамлашган бўлиб, қишлоқ хўжалиги, нарх-наво, ташқи савдо, валюта сиёсати, банк тизими соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган турли ислохотларни назарда тутарди. Ўз навбатида, мазкур ислохотларнинг самарали ижроси мамлакатимизнинг Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигининг янги босқичини бошлаб берди.

Валюта тизимини эркинлаштириш ва сўмнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашинувини таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз томо-

нидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ички валюта бозорида хорижий валютани эркин харид қилишни чегараловчи бир қатор низомлар Хукуматимиз томонидан бекор қилинди. Шунингдек, ХВЖ мутахассислари билан 2003 йилда амалга оширилган ва мазкур жамғарма ҳамда бошқа халқаро молия ташкилотларининг ресурслари билан қўллаб-қувватланиши мумкин бўлган иқтисодий дастурнинг асосий моддаларини ўша йилнинг ўзидаёқ ишлаб чиқиш ҳақида келишувга эришилди. Бу ўз навбатида, халқаро миқёсда мамлакатимиз банк тизимига бўлган ишончнинг янада мустақамланишига ва хорижий молия ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга замин яратди.

Ўзбекистонда валюта тизимини эркинлаштириш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида, 2003 йил 15 октябрда ХВЖнинг миллий валютани жорий халқаро операциялар бўйича конвертация қилиниши ҳақидаги Келишувлар моддаларининг VIII моддаси бўйича мажбуриятлари қабул қилинди. Бу миллий валютамиз «Сўм» муомалага киритилганидан сўнг тўққиз йил ўтиб унинг конвертациясига эришилганини англатади.

Умуман олганда, учинчи босқичда мамлакатимиз банк тизими ички ва ташқи салбий омилларга бардош бера оладиган барқарор банк тизимига айланди. Бунинг яққол ифодасини тўртинчи босқич даврида халқаро миқёсда юзага келган ноқулай вазиятда Ўзбекистон банк тизимининг ташқи салбий омилларга қарши тура олиш имунитетида кўриш мумкин.

**Тўртинчи босқич** жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва ундан кейинги даврлар, яъни 2009–2016 йилларни ўз ичига олади. Мазкур босқичда асосий эътибор тижорат банклари капиталлашувини ошириш орқали уларнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилиб, ушбу даврда хорижий мамлакатлар ва етакчи молиявий муассасалар маблағларини жалб этишга эҳтиёткорона ёндашув олиб борилди. Дарҳақиқат, жаҳон иқтисодий тузилмасини бир муддат ларзага солган глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари шуни кўрсатдики, ҳеч бир мамлакат ташқи қарз маблағлари асосида ўзининг стратегик ривожланиш йўлини белгилай олмайди. Буни чуқур англаган ҳолда, мамлакатимизда истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ «Инвестиция лойиҳаларини фақат хорижий кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминлаш мақбул эмаслиги, миллий иқтисодиётнинг қарз ҳисобига яшай олмаслиги, Ўзбекистон шу кунга қадар ҳеч кимдан қарздор эмас ва келажакда ҳам бундай бўлишига йўл қўйилмаслиги қатъий англаб олинди».

Республика молия-банк тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, банklar ва бутун молия-банк тизи-

ми фаолиятига ёндашувларни ҳамда баҳолаш тизимини тубдан ўзгартириш, ҳамма томонидан қабул қилинган халқаро нормалар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишнинг янада юқорироқ даражасига чиқишни таъминлаш мақсадида 2010 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда 2011–2015 йилларда Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, тижорат банкларини янада капиталлаштириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб этиш, ресурс базасини кўпайтириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишhini такомиллаштириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш ҳамда банкларнинг капитали ҳажмини 2,1 мартага кўпайтириш белгилаб қўйилди.

Тўртинчи босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг банк тизими капиталлашувини ошириш ва барқарорлигини таъминлаш амалиётини ривожлантириш борасидаги бир қатор қарорларининг қабул қилиниши бу соҳадаги ҳуқуқий базанинг янада мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутди.

**Бешинчи босқич.** Сўнгги йилларда мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва бунда монетар сиёсат самарадорлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёни янада чуқурлашди. Бунда, пул-кредит соҳаси, хусусан, монетар воситалардан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш борасидаги ислохотлар муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш амалиётининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни талаб этади. Бу эса бугунги банк тизимини лебераллаштириш ва инфляция таргетлаш режимига ўтиш шароитида янада аҳамиятлидир.

Монетар сиёсатнинг муҳим ва қатъий тартибга солишни талаб этувчи қисми бу – валюта сиёсати бўлиб, бугунги кунда валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, валюта сиёсатини соғломлаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. 2017 йилгача бўлган даврда мамлакатимизда амалга оширилган валюта сиёсати ташқи иқтисодий фаолият соҳасини такомиллаштириш борасида кўрилган чоралар билан бирга иқтисодий инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ва ишлаб чиқариш секторини ривожлан-

тиришга йўналтирилди. Хусусан, сўмнинг хорижий валюталарга нисбатан босқичма-босқич девальвация қилиб борилиши тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариш фаолиятини прогноз қилишдаги ноаниқликларни камайтириш ҳамда иқтисодий диверсификациялаш ва ривожлантириш учун хорижий кредитларни жалб қилишда афзалликлар яратишга қаратилди.

Хориждан молиявий маблағлар жалб қилиш ва капитал ҳаракати билан боғлиқ бошқа операцияларни амалга оширишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини юмшатиш учун замин яратди. Шу билан бирга, жаҳон иқтисодий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар, ташқи бозорларда рақобат муҳитининг тобора кескинлашиб бориши ҳамда асосий савдо ҳамкорларимиз ҳисобланган давлатларда амалга оширилаётган алмашув курси сиёсати таъсирида юзага келган иқтисодий вазиятда олиб борилаётган валюта сиёсатининг мамлакатимизни жадал суръатлар билан ривожлантириш мақсадларига ва бугунги кун талабларига мос келмаётганлиги аён бўлиб қолди.

Бошқача айтганда, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш шу вақтгача амалга ошириб келинган валюта сиёсатини қайта кўриб чиқиш, илғор жаҳон тажрибаси ва бозор механизмлари асосида уни эркинлаштиришни тақозо қилди. Валюта муносабатларига ҳаддан зиёд аралашув, иқтисодий муайян соҳалари ва тадбиркорлик субъектларига имтиёз ҳамда преференцияларнинг жорий этилганлиги, ташқи савдо ва тадбиркорлик фаолиятини юритишда юзага келган тенгсизлик ҳолати иқтисодий ривожланиш йўлидаги асосий тўсиқлардан бирига айланди.

Шу ўринда ташқи муҳитга мослаштирилмаган курс сиёсати экспорт қилувчи корхоналар шароитини мураккаблаштириб, экспортни қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсати самарадорлигини ошириш имкониятини чеклаганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Пул-кредит сиёсатини либераллаштириш ва эркин бозор механизмларига ўтиш даври сифатида талқин этиладиган бешинчи босқич чин маънода пул-кредит сиёсатининг янги уфқларини очиб берди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилда бошланган иқтисодий либераллаштириш ва бозор механизмлари ролини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг янги босқичи ўрта муддатли истиқболда банк тизими ва пул-кредит сиёсатини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Ушбу йўналишдаги муҳим қарорлардан бири миллий валюта алмашув курсининг бозор механизмлари асосида шаклланиш

тамойилларини жорий этиш орқали ички валюта бозорининг босқич-ма-босқич либераллаштирилиши билан боғлиқ амалий қадамлар бўлди.

Мамлакатимизда валюта сиёсатини эркинлаштиришга юридик ва жисмоний шахсларга хорижий валютани эркин харид қилиш ҳамда сотиш, миллий валютанинг айирбошлаш курсини фақат бозор механизмлари ёрдамида аниқлаш, экспорт ҳажмини ва маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларига бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур тадбиркорлик муҳити, инвестицион иқлимни яхшилаш борасидаги муҳим омил сифатида қаралди.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида банк тизимини либераллаштириш жараёнларининг бошланиши Марказий банк пул-кредит сиёсатининг меъёрий-ҳуқуқий таъминотини ҳам ислохотлар талабларига мослаштиришни тақозо этди. Бу борадаги дастлабки қадамлардан бири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармонининг қабул қилиниши бўлди. Айнан мазкур Фармон валюта муносабатларини либераллаштиришнинг ҳуқуқий базасини самарали равишда такомиллаштиришнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилди.

Шу ўринда савол тугилади, ушбу Фармоннинг қабул қилиниши халқимиз учун валюта муносабатлари соҳасида қандай имкониятлар яратиб берди? Биринчидан, валютани тартибга солиш тизимида туб ислохотлар қилиниб, тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятларини амалга оширишлари учун тенг шароитлар яратилди. Иккинчидан, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг янги имкониятлари яратилди. Учинчидан, валюта курси сиёсатининг ташқи савдони рағбатлантиришдаги ролини кучайтириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар товар ва хизматлари нархларининг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлиги оширилди. Тўртинчидан, мамлакатимизда валюта бозори фаолияти фақатгина бозор механизмлари асосида қайта йўлга қўйилди. Хусусан, миқдорларнинг чет эл валютасини сотиб олиш бўйича тартиб ва техник регламентларга риоя этган ҳолда ўз валюта маблағларини ҳеч қандай чекловсиз тасарруф этишини ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг валюта биржаси савдоларида эркин иштирок этиши таъминланди. Бешинчидан, тижорат банкларида юридик ва жисмоний шахслар томонидан хорижий валютанинг эркин сотиб олиниши ва сотилиши кафолатланди. Унга кўра, юридик шахслар ўз маб-

лағларини банкларда жорий халқаро валюта операцияларини, шу жумладан, товар, иш ва хизматлар импорти, фойдани репатриация қилиш, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характерига эга бўлмаган операцияларни амалга ошириш учун чет эл валютасига чекловларсиз эркин конвертация қилишлари мумкинлиги, жисмоний шахслар учун эса сотиб олинган хорижий валюталарини дастлабки босқичда банк пластик карталарига тушириб берилиши, кейинчалик эса нақд кўринишда олишлари таъминланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий халқаро операциялар бўйича тўловларни банклардаги ҳисобварақлар орқали амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бозор курсида чет эл валютасини сотиб олиш имкониятининг яратилиши «яширин» иқтисодиётни қисқартириш ва пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш имконини берди.

Валюта муносабатлари соҳасидаги ислоҳотлар натижасида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан йиллик девальвация суръати 2015–2016 йиллардаги 15-16 фоиздан 2020–2021 йилларга келиб 3-4 фоизгача қисқарди. Бу эса сўмнинг хорижий валюталарга нисбатан қадри аста-секинлик билан тикланаётганлигидан дарак беради.

Пул-кредит сиёсатининг ҳуқуқий базасида қилинган ислоҳотлардан яна бири бу – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши бўлди. Айнан мазкур Қарорга мувофиқ, ички нархларнинг барқарорлигини таъминлашда ўрта муддатли истиқболда пул-кредит сиёсати мақсадларига эришишнинг принцип ва механизмларини хорижий марказий банклар томонидан қўлланиладиган инфляцион таргетлаш режимига мослаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг таклифига розилик берилди. Ушбу қарорда белгиланган вазифалар ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг ўрта муддатли Концепцияси ишлаб чиқилди. Концепцияга мувофиқ босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтишда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

*биринчидан*, макроиқтисодий, солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштириш, бунда иқтисодий ўсиш, давлат бюджетининг баланслашганлиги ва иқтисодиётдаги нархлар даражасининг барқарорлиги бўйича ўзаро ҳаракатлар ва мақсадларнинг келишилганлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш;

*иккинчидан*, ликвидликни таъминлаш ва жалб қилиш операциялари бўйича пул-кредит сиёсатининг самарали қўлланиладиган фоиз инструментлари турларини кенгайтириш;

*учинчидан*, тижорат банклари томонидан фоиз ставкаларини шакллантиришда, жумладан, кредитлар бўйича бозор механизмларини кенг жорий этиш;

*тўртинчидан*, илғор хорижий тажрибага мувофиқ макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлашни такомиллаштириш;

*бешинчидан*, пул-кредит сиёсатининг инструментлар тўпламини танлаш ва пировард мақсадлар тўғрисида ахборот етказиб бериш орқали, шаффофлик ва прогнозлаш имкониятини ошириш.

Ўз навбатида, инфляцион таргетлаш режимига ўтиш чораларининг кўрилиши нафақат пул-кредит сиёсатининг стратегик мақсадларида, балки Марказий банк фаолиятида ҳам жиддий ўзгаришлар қилишни тақозо этди. Шундан келиб чиқиб, 2018 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5296-сонли Фармони қабул қилинди.

Барчамизга маълумки, мустақилликнинг илк йиллариданоқ «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунда Марказий банкнинг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш эканлиги белгилаб қўйилган эди. Аммо монетар таргетлашдан инфляцион таргетлаш режимига ўтилиши натижасида ички нархлар барқарорлиги, банк тизими ликвидлиги ҳамда тўлов тизими барқарорлиги ва ривожланиши Марказий банк фаолиятининг янги стратегик мақсадли йўналишлари сифатида белгиланди.

Мазкур мақсадлардан келиб чиқиб, бутунги кунда Марказий банк куйидаги устувор йўналишларда ўз фаолиятини олиб бормоқда:

- асосиз инфляцион қутилмаларнинг олдини олиш мақсадида инфляцион таргетлашнинг принцип ва механизмлари босқичма-босқич таътиб қилиб борилмоқда. Бу орқали пул-кредит сиёсати инструментларини тубдан такомиллаштириш асосида инфляцион таргетлашга ўрта муддатли истиқболда тўлиқ ўтиш режалаштирилган;
- тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган муаммоларни дастлабки босқичларида аниқлаш ва уларни бартараф этувчи чоралар кўриш имконини берувчи тижорат банклари таваккалчилигини босқариш ва баҳолаш тизими такомиллаштирилмоқда;
- ўрта ва узоқ муддатли истиқболда барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи муҳим омил сифатида банк тизимини ривожланти-



риш, бунда, тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли билан ўзаро тўлиқ шериклик муносабатларини шакллантириш ҳамда ишончини мустаҳкамлаш учун рақобат шароитлари яратилмоқда;

- тўлов тизимини янада ривожлантириш, шу жумладан, реал вақт режимида тезкорлик билан ҳисоб рақамларни бошқариш ва банк операцияларини ўтказиш имконини берувчи масофадан банк хизматлари кўрсатган ҳолда тижорат банкларининг самарали ахборот алмашинуви тизими ташкил этилмоқда;
- банк хизматлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимояси, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун молиявий очиқлик таъминланмоқда.

Мамлакатда ички нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг чуқурлашуви ўз навбатида, инфляцион таргетлаш режимига ўтишда қулай пул-кредит шароитларини шакллантиришнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш заруратини юзага келтирди. Шундан келиб чиқиб, 2019 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5877-сонли Фармони қабул қилинди. Айнан мазкур Фармонда инфляцион таргетлаш режимига ўтишнинг концептуал асослари белгиланиб, зарурий пул-кредит шароитларини шакллантириш бўйича вазифалар белгилаб кўйилди.

Соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг дастлабки натижалари инфляцион таргетлаш режимини жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Республика Вазирлар Маҳкамаси билан қуйидаги йўналишларда мувофиқлаштирувчи тайёргарлик ишларини олиб бориши зарурлигини кўрсатиб берди:

- инфляцияга нисбатан номонетар омиллар таъсирини босқичма-босқич пасайтириш, жумладан, тарифларни тартибга солишни ислох қилиш, иқтисодиётнинг реал секторида таркибий ислохотлар самарадорлигини таъминлаш ва ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш;
- Марказий банкнинг макроиқтисодий таҳлил ва коммуникация сиёсати сифатини ошириш;
- регуляторнинг кредит бозорига самарали таъсир этишини таъминлаб берувчи пул бозорини тартибга солишнинг замонавий инструментларини жорий этиш.

Мазкур Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда

2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш йўли билан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказиш вазифаси юклатилган.

Таъкидлаш ўринлики, 2019 йил 1 январдан инфляцион таргетлаш режимига ўтиш босқичи бошланган бўлиб, дастлаб 2019 йилнинг тўртинчи чорагида инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи этиб белгилаб олинди. Марказий банк томонидан мақсадли кўрсаткичнинг коридори ҳам белгиланиб, дастлаб мазкур коридор инфляцион таргетга нисбатан  $\pm 2$  фоизи ташкил этди. Шу ўринда, Марказий банк томонидан мамлакатдаги макроиктисодий шароитлар ҳамда инфляцион кутилмалар даражасидан келиб чиқиб мақсадли кўрсаткич коридори 2021 йилнинг биринчи чорагидан  $\pm 1$  фоиз қилиб белгиланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, инфляцион таргетлашга ўтиш шароитида пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмнинг фоиз каналидан фаол тарзда фойдаланилмоқда. Шунингдек, банк тизимидаги ликвидлиликни тартибга солиш мақсадида мунтазам очиқ бозор операциялари амалга оширилмоқда. Жумладан, банк тизимидаги ортиқча ликвидлиликни стерилизациялаш амалиёти марказий банк облигациялари, депозит аукционлари, овернайт депозитлари бўйича операциялар орқали амалга оширилмоқда. Банк тизимидаги ликвидлилик қўшиш амалиёти эса РЕПО аукционлари, валютавий СВОП аукционлари, овернайт РЕПО, овернайт валютавий СВОП операциялари асосида олиб борилмоқда.

Умуман олганда, юқорида келтирилган Фармон ва Қарорларнинг қабул қилиниши банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини янада ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг инвестициявий фаоллигини рағбатлантириш, шунингдек, банк фаолиятини ташкил этишни умум қабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ юқори сифат даражасига кўтариш имконини бермоқда.

Пул-кредит сиёсати режимларининг ўзига хос жиҳатлари ва таъсирчанлиги таҳлили ўрта муддатли истиқболда Марказий банкнинг ус-тувор мақсади сифатида нархлар барқарорлигига эришиш вазифасига инфляцион таргетлаш режими жуда мос келишини кўрсатмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг та-мойил ва усулларининг инфляцион таргетлашга босқичма-босқич йўналтириш учун зарурий ҳуқуқий асослар ва таянч иқтисодий шароитлар яратилмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда пул-кредит сие-сатини амалга ошириш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий базанинг босқич-ма-босқич такомиллашиб бориши пировардида Ўзбекистоннинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва истикболда ижтимоий-иқтисодий фаровонликка эришиш каби долзарб вазифаларни ҳал этишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

### **3.2. ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ўтказилаётган ислохотлар натижасида сезиларли силжишлар ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос келадиган банк тизимини босқич-ма – босқич барпо этиш билан ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилаётганлиги натижасида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланди, инфляция даражасининг пасайишига эришилди, республика иқтисодиётига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми ошиб, ташқи иқтисодий фаолият жадал ривожланиши ҳисобига аҳоли турмуш даражаси ҳам ўсиши таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимининг барқарорлигини янада ошириш ва яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли Қарори<sup>1</sup> банк секторининг мақсадларини белгилаб берилди. Фармонга мувофиқ тижорат банкларининг умумий капиталини ошириш, шу жумладан, кўшимча акцияларнинг чиқарилиши, тижорат банклари томонидан корпоратив облигацияларнинг гаровсиз таъминланишини назарда тутувчи тартибни жорий қилиш, ипотека қимматли қоғозларини муомалага чиқариш ва қайтариш, шунингдек, ушбу масала бўйича қонунчилик базасини яратиш вазифаси қўйилди.

Фармонда белгиланган кўпгина вазифалар ижроси Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишига, молия-кредит институтларини халқаро миқёсга кўтарилиши ҳамда банкларни молиявий бошқарув муаммоларини ҳал этишга, яъни банк капитали ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимининг барқарорлигини янада ошириш ва яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли Қарори.

маблагларини, умуман олганда, банк хизматларини комплекс бошқару-  
вига боғлиқ ҳисобланади.

Шу жихатдан 2018 йил 23 мартда Ўзбекистон Республикаси Прези-  
денти Шавкат Мирзиёев: «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш  
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори<sup>1</sup> банк тизимида  
хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этиш, банк хиз-  
матлари турларини кенгайтириш тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий  
очиқликни таъминлаб бермоқда», – дея таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, пандемия туфайли келиб чиққан молиявий-иқтисо-  
дий инқироз кўпгина соҳаларга ўз зарарини етказиб улгурди. Хусу-  
сан, банк-молия соҳасидаги инқирозлар жаҳон экспертлари томонидан  
«banking shock» деб аталаётган жараён ҳақиқатдан ҳам банк соҳасини  
саросимага солмоқда. Бироқ умумий изоляция туфайли, масофавий банк  
хизматларидан фойдаланиш оммалашиб, халқаро пул ўтказмалар, элек-  
трон савдо-сотик, коммунал тўловлар ва ҳоказолар жадаллик билан ри-  
вожланиб, виртуал ҳамёнлар бозори ривожланди. Албатта, бу жараён  
банк тизимига ҳам ижобий таъсир этди.

2020 йилда давлат банкларини трансформация қилиш, уларнинг фа-  
олиятини бозор тамойиллари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта  
ташқил қилиш ҳамда банк тизимида хусусий капитал иштирокини кен-  
гайтириш ва рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида 12 майда Ўзбе-  
кистон Республикаси Президентининг ПФ-5992-сонли Фармони билан  
2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк  
тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тасдиқланди.<sup>2</sup>

Мазкур стратегия доирасида кейинги беш йилликда банк-молия тизи-  
мини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг тўртта устувор йўналишлари  
белгиланган. Жумладан:

1. Банк тизимининг самарадорлигини ошириш.
2. Банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш.
3. Банк хизматлари оммабоплигини ошириш.
4. Банк тизимида давлат улушини қисқартириш.

Мамлакат банк-молия сектори ривожланиш даражаси ва барқарор-  
лигини баҳолаш мақсадида 2024 йилнинг якунига қадар Халқаро валюта

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли Қарори.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони.

жамғармаси ва Жаҳон банкининг дастури (FSAP) асосида молиявий сектор ҳолатини баҳолаш назарда тутилмоқда.

2021 йилда стратегик аҳамиятга эга бўлган 32 та йирик корхона ва тармокни трансформация қилиш ишлари амалга оширилади. Банклар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш эътиборимиз марказида бўлади» деб таъкидлаб ўтдилар Президент Ш.Мирзиёев.

Юқоридагиларга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш ўринлидир: «Сўнгги 4 йилда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чуқур таркибий ислохотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат.<sup>2</sup>

Бунда банкларни хусусийлаштириш жараёни босқичма-босқич, яъни биринчи босқичда давлат улуши мавжуд бўлган банклар фаолиятини трансформация қилиш, иккинчи босқичда эса давлат акцияларини нуфузли хорижий инвесторларга сотиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: 2021 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги шундай деди: – «Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижаси жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим»<sup>3</sup>. (3.1-жадвал).

Юқоридаги 3.1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, мамлакат банкларининг рейтинг баҳолари «Барқарор» прогнозига эга бўлиб, бу яқин 12–18 ой давомида ушбу кўрсаткичнинг пасайиш эҳтимоли камлигини билдиради.

Fitch Ratings, шунингдек, мамлакатимиздаги давлат органлари томонидан 2017 йилда бошланган, макроиқтисодий барқарорлик ва ўсиш истиқболларини яхшилашга ва давлатнинг иқтисодиётдаги ролини камайтиришга қаратилган ислохотлар кун тартибида турибди, деб ҳисоблайди. Бунда банк тизими фаолиятининг асосий кўрсаткичлари халқаро мезонларга мувофиқ «юқори даражада»ги баҳоларга мос келмоқда.

Масалан, дунёдаги нуфузли «Fitch Ratings» ва «Standart & Poors» рейтинг агентликлари мамлакатимизнинг миллий ва хорижий валютадаги узоқ муддатли кредит рейтингини «BB-» деб белгилади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи». 2020 йил 29 декабрь.

<sup>2</sup> Ўша манба.

<sup>3</sup> Ўша манба.

Халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган рейтинглар<sup>1</sup>

№	Банкларнинг номи	Рейтинг агентлик-лари номи	Рейтинг	Башорат	Берилган сана
	Ўзбекистоннинг суверен рейтинг	Standard and Poors «Fitch Ratings» Moody's Investors Service	«BB-/B» «-BB-» «B1»	«Салбий» «Барқарор» «Барқарор»	05.06.2020 13.04.2020 18.02.2020
1.	«Ўз.Р.ТИФМБ» АЖ	Standard and Poors Moody's Investors Service «Expert RA»	«BB-» «B3» «A»	«Салбий» «Барқарор»	05.06.2020 24.02.2020 27.03.2011
2.	АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	Standard and Poors «Fitch Ratings» Moody's Investors Service	«BB-» «BB-» «B3»	«Салбий» «Барқарор» «Барқарор»	05.06.2020 03.08.2020 06.09.2019
3.	«Ипотека банк» АТИБ	Standard and Poors «Fitch Ratings» Moody's Investors Service	«BB-» «BB-» «B2»	«Салбий» «Барқарор» «Салбий»	05.06.2020 14.07.2020 24.01.2020
4.	Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» АТБ	Standard and Poors Moody's Investors Service	«B+» «B1»	«Барқарор»	27.04.2020 25.05.2020
5.	«Агробанк» АТБ	«Fitch Ratings» Moody's Investors Service	«BB-» «B2»	«Барқарор» «Барқарор»	04.06.2020 24.01.2020
6.	«АСАКА» банк	«Fitch Ratings» Moody's Investors Service	«BB-» «B3»	«Барқарор» «Барқарор»	04.06.2020 10.08.2020
7.	«Капиталбанк» АТБ	Standard and Poors Moody's Investors Service	«B-» «B32»	«Барқарор» «Барқарор»	27.04.2020 12.01.2018
8.	«Asia Alliance Bank» АТБ	Moody's Investors Service	«B2»	«Барқарор»	29.11.2019
9.	«Турон банк» АТБ	Standard and Poors	«BB»	«Барқарор»	16.04.2018
10.	«Туркистон» АТБ	Standard and Poors	«B-»	«Салбий»	27.04.2020
11.	«Трастбанк» АТБ	«Fitch Ratings»	«B»	«Барқарор»	17.01.2019
12.	«Универсал банк» АТБ	«Fitch Ratings»	«B-»	«Барқарор»	2019
13.	Чет эл капитали иштирокидаги «InvestFinanceBank» АТБ	Moody's Investors Service	«B2»	«Салбий»	04.05.2020
14.	«Микрокредитбанк» АТБ	«Fitch Ratings»	«BB-»	«Барқарор»	04.06.2020
15.	«Ўзбекистон Республикаси Халқ банк» АТ	«Fitch Ratings»	«BB-»	«Барқарор»	04.08.2020
16.	«Ипак Йули» АИТБ	Moody's Investors Service	«B2»	«Барқарор»	06.09.2019
17.	«Ориент Финанс» ХАТБ	Standard and Poors	«B»	«Барқарор»	27.04.2020
18.	«Ravnaq-bank» АЖ	Standard and Poors	«B-»	«Салбий»	27.04.2020
19.	«Ziraat Bank Uzbekistan» АЖ	Moody's Investors Service	«B3»	«Барқарор»	02.07.2019
20.	Эрон «Содерот» банкнинг Тошкент шаҳридаги шуъба банки	«Expert RA»	«B»	«Барқарор»	01.07.2019
21.	«Давр Банк» ХАТБ	Standard and Poors	«B-»	«Барқарор»	27.04.2020
22.	«TENGE BANK» АТБ	Moody's Investors Service	«B1»	«Барқарор»	21.07.2019
23.	«Алоқабанк» АТБ	Moody's Investors Service	«B2»	«Барқарор»	06.09.2019
24.	«ҚДБ Банк Ўзбекистон» АЖ	Standard and Poors	«BB-»	«Салбий»	05.06.2020
25.	Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» АТБ	Moody's Investors Service	«B2»	«Салбий»	02.10.2019

<sup>1</sup> <http://snsratings.uz/ru/>.

Эндиликда мамлакатимизда банк хизматларини замон талабларига мос равишда янада тараққий эттириш, рақамли банк хизматларини жорий қилиш, зарур норматив-ҳуқуқий базани яратиш, масофадан идентификация қилиш (e-ID ва e-KYC) тизимини йўлга қўйиш каби вазифалар ҳам режалаштирилган.

Ҳозирда мамлакат банк тизимини автоматлаштириш ва компьютерлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида нафақат банкнинг ички эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган ахборот тизими ва локал дастурлар мажмуи, балки иқтисодиётнинг молиявий фаолиятини таъминловчи яхлит миллий тўлов тизими яратилди.

Агар бу ҳолатга мамлакат банк тизимининг ривожланиш ҳолати билан қарайдиган бўлсак, рақамли иқтисодиётга ўтиш автоматик тарзда банк фаолиятида ҳам ўз ўрнини кўрсатаётганлигининг гувоҳи бўламыз.

Ўтган 2020 йилда банк тизими, валютани тартибга солиш ҳамда тўлов тизимлари билан боғлиқ қонуности ҳужжатларини янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонунларга мувофиқлаштириш, бир-бирини такрорловчи нормаларни қисқартириш, уларнинг амалиётда турлича талқин қилинишининг олдини олиш борасидаги ишлар якунига етказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши электрон пуллар муомаласини, жумладан, электрон пулларни чиқариш, фойдаланиш ва уларни қоплаш бўйича амалга ошириладиган фаолиятнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди. Ушбу қонун асосида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пулларни чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари» ишлаб чиқилиб, 2020 йил 29 апрелда 3231-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ушбу йўналишлардаги ишларни янада такомиллаштириш доирасида Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизими ишга туширилиб, юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларга масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали тўловларни тунукун 24/7 режимида амалга ошириш имконияти яратилди.

Шунингдек, чакана тўлов инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини ошириш мақсадида тўловларни QR-код, Touch to Phone ва NFC технологиялари орқали қабул қилиш тизими жорий қилинди ҳамда маҳаллий тўлов тизимларининг VISA, Mastercard, UnionPay ва МИП халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро интеграцияси амалга оширилди.

Тўлов хизматлари бозорига янги иштирокчиларнинг кириб келишини таъминлаш орқали рақобатни кучайтириш мақсадида 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 20 та юридик шахсга тўлов ташкилоти ҳамда 2 та юридик шахсга тўлов тизими оператори фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар тақдим этилди.<sup>1</sup>

Масофавий банк хизматларининг ривожланиши, тўлов хизматлари бозорига янги иштирокчиларнинг кириб келиши билан бирга банк-молия соҳасида ахборот киберхавфсизликни таъминлаш, молиявий фирибгарликларга қарши таъсир чораларини кўриш ва текширишнинг таъсирчан воситаларини яратиш борасидаги чора-тадбирлар доирасида банк ва молия-кредит тизими муассасаларида фирибгарлик ва компьютер ҳужумларини аниқлаш ҳамда текшириш фаолияти билан шуғулланувчи FinCERT марказини ташкил этиш бўйича дастлабки қадамлар ташланди.

Охирги йилларда банклар томонидан устувор вазифа қилиб белги-ланган саноатда юқори технологияли ва замонавий бўлган энг муҳим объектлар ҳамда кувватларни ишга тушириш, мамлакатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизация-лашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. (3.2-жадвал).

3.2-жадвал маълумотларига асосан айтишимиз мумкинки, 2020 йил-да тижорат банклари томонидан ажратилган жами кредитлар ҳажми 127 трлн. сўмни ташкил этиб, пандемия шароитларига қарамасдан

3.2 - ж а д в а л

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг иқтисодийдаги улуши<sup>2</sup>

млрд. сўм

Курсаткичлар номи	Йиллар ҳиссида				
	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.	01.01.2019 й.	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.
ЯИМ	199325,1	302 536,8	407 514,5	510 117,2	580 203,2
Банк активлари	84029,2	166 631,8	214 419,6	272 726,9	366 121,1
Активларнинг ЯИМга нисбати, фоизда	42,2	55,1	52,6	53,5	63,1
Кредит қўйилмалари	53735,1	110 572,1	167390,6	211 580,5	276 974,8
Кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати, фоизда	27,0	36,5	41,1	41,5	47,7
Депозитлар	36258,9	59 578,7	70 001,4	91 009,0	114 746,9
Депозитларнинг ЯИМга нисбати, фоизда	18,2	19,7	17,2	17,8	19,8
Капитал	9195,8	20676,1	26678,9	51 030,7	58 351,3
Капиталнинг ЯИМга нисбати, фоизда	4,6	6,8	6,5	10,0	10,1

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси марказий банки йиллик ҳисоботи. 2020 йил.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.



қарийб, 2019 йил даражасида ўзгаришсиз қолди. Натижада, иқтисодиётга ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи йил бошига нисбатан 30,9 фоизга ёки ЯИМ номинал ўсишига нисбатан 2,2 баробарга юқори ўсиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига 276,9 трлн.сўмга етди.

Бунда жисмоний шахсларга ажратилган кредит қўйилмалари қарийб 1,4 баробарга ҳамда юридик шахсларга ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи эса 1,3 баробарга ошди.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан кредит бўйича тўлови мавжуд бўлган жисмоний шахсларнинг 75 фоизига ва юридик шахсларнинг 40 фоизига фоиз ва асосий қарз тўловлари бўйича 6 ойлик кечиктиришлар (2020 йил 1 октябрга қадар) берилди ва мос равишда кредит муддатлари узайтирилди.

Мамлакатимиз тижорат банкларининг жами активлари 4,35 баробарга, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари умумий қиймати эса 5,15 баробарга кўпайди ва бу ҳолат банк тизимининг иқтисодий ўсишни рағбатлантиришдаги ролининг тобора ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Тижорат банклари активларининг умумий суммаси 2021 йилнинг 1 январиди, 366,1 трлн. сўмни ташкил этди.<sup>1</sup> Бу ҳолат банк тизимининг иқтисодий ўсишни рағбатлантиришдаги роли тобора ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Бирок кредитлар ҳажми ошиши билан пул массаси ўсиши ўртасида кескин тафовутнинг вужудга келиши ҳамда ажратилган кредитларнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши юқори суръатда ўзгариши мазкур кредитлар ҳисобига яратилган ички талабнинг бир қисми импорт ҳисобидан қопланаётганлигидан далолат беради.<sup>2</sup>

Амалга оширилаётган ишлар натижасида мамлакатимиз банк тизимининг ресурс базаси, капитал миқдори ва уларнинг ликвидлилик қобилиятлари ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Буни қуйидаги 3.3-жавдалнинг маълумотларидан кўриш мумкин.

3.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлари натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 2016–2020 йиллар давомида 6,5 баробарга кўпайиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 58,3 трлн сўмни, устав капитали умумий миқдори эса 7,7 баробарга ошиб, 44,7 трлн сўмни ташкил этди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон республикаси Марказий банки йиллик ҳисобот асосида тузилган.

<sup>2</sup> Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020–2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари.

Тижорат банкларининг жами капитали таркиби ва динамикаси <sup>1</sup>


(млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		01.01.2019 й.		01.01.2020 й.		01.01.2021 й.	
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда
Жами капитал	8981,3	100,0	20676,1	100,0	26678,9	100,0	51030,7	100,0	58351,3	100,0
Устав капитали	5805,1	64,6	16306,7	78,9	19673,2	73,7	41877,0	82,1	44655,8	76,5
Қўшимча капитал	40,7	0,5	68,4	0,3	89,4	0,3	142,7	0,3	434,6	0,7
Захира капитали	1467,7	16,3	1792,8	8,7	2937,6	11,0	3844,5	7,5	5205,9	8,9
Тақсимланмаган фойда	1667,9	18,6	2508,3	12,1	3978,8	14,9	5166,4	10,1	8055,0	13,8

Таъкидлаш ўринлики, 2020 йилда коронакризис таъсирида иқтисодий фаолликнинг пасайиши ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимлари қисқариши ҳамда тўлов қобилиятининг ёмонлашиши оқибатида кредитларни қайтармаслик билан боғлиқ хавфларнинг кучайиши банк тизими молиявий барқарорлиги борасидаги хавотирларнинг ортишига сабаб бўлди.

Шу билан бирга, 2018–2019 йилларда банк тизимида капитал ва ликвидлик захираси бўйича макропруденциал буферлар шакллантирилганлиги коронавирус пандемияси даврида иқтисодиётнинг кредитга бўлган талабини қондиришга ҳамда молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мақбул даражада сақлаб қолишга замин яратди.

Банк тизими муомалага кредит пуллар чиқариш, депозитлар яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради (3.1-расм).



3.1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жами депозитлари қолдиғи динамикаси, млрд сўмда.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

3.1-расм маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, республикада аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш 2017–2020 йиллар мобайнида миждозларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, хусусан, омонатларнинг янги ва миждозлар талабларига мос жозибадор турларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. 2020 йил якунига кўра тижорат банклари томонидан жалб этилган депозитларнинг умумий ҳажми 2016 йилга нисбатан 3,1 баробарга ошиб, 114,7 трлн сўмни ташкил этди.

Банк тизими мажбуриятлари таркибида жалб қилинган депозитлар жами мажбуриятларнинг 37,3 фоизини ташкил этиб, шундан 24 фоизи ёки 27 трлн сўми аҳоли омонатлари ҳисобига тўғри келди. Жалб қилинган депозитлар таркибида талаб қилиб олингунча депозитлар улуши 39 фоиздан 43 фоизгача, 3 ойгача депозитлар улуши 10 фоиздан 11 фоизгача ошган бўлса, 3 ойдан 1 йилгача депозитлар улуши 19 фоиздан 18 фоизгача ҳамда 1 йилдан юқори депозитлар улуши 32 фоиздан 28 фоизгача пасайди. Аҳоли омонатларининг ошиши асосан миллий валютадаги омонатларнинг 4,1 трлн сўмга (32 фоиз) ошиши ҳисобига шаклланди.<sup>1</sup>

Марказий банк томонидан банк тизимининг молиявий ҳолати, активлар сифатининг ўзгариши доимий равишда стресс-тестлар ўтказиш орқали баҳоланиб, вужудга келиши мумкин бўлган хатарларнинг салбий таъсирини юмшатиш юзасидан зарур пруденциал чоралар кўриб борилди ва активлар сифатининг мақбул даражада сақлаб қолинишига эришилди (3.4-жадвал).

Ушбу 3.4-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2017–2020 йиллар мобайнида кредит қўйилмалари мутлақ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Унинг ЯИМдаги салмоғи улуши ҳам 2013–2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади ва иқтисодиётни банк кредитлари билан таъминлашда муаммоларнинг пасайиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга 2013–2020 йиллар давомида кредит қўйилмаларнинг ЯИМдаги салмоғи 2,4 баробарга ошган ва бу тижорат банклари кредит фаолиятининг анча ривожланганлигини ҳамда такомиллашганини билдиради.

Албатта, тижорат банклари активлари ичида иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар ҳам салмоқли ўрин эгаллагандир. Бунда ажратилган кредитларнинг 86,7 фоизи ички манбаларга ҳисобига тўғри келади. Бу ҳолат банк тизимининг иқтисодий ўсишни рағбатлантиришдаги роли тобора ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботлари. 2020 йил.

Тижорат банкларининг жами активлари таркиби ва динамикаси <sup>1</sup>

(млрд. сўм)

Курсаткичлар	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		01.01.2019 й.		01.01.2020 й.		01.01.2021 й.	
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда
Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов хужжатлари	1335,9	1,6	4840,9	2,9	5269,3	2,5	6553,2	2,4	9734,6	2,7
Марказий банкдаги маблағлар	11957,8	14,2	14909,1	8,9	11428,8	5,3	14769,0	5,4	18851,4	5,1
Бошқа банклардаги маблағлар – резидентлар	4280,5	5,1	6713,5	4,0	6374,3	3,0	10089,4	3,7	13146,0	3,6
Бошқа банклардаги маблағлар – норезидентлар	6587,5	7,8	18346,5	11,0	13545,4	6,3	15419,9	5,7	21700,5	5,9
Инвестициялар ва бошқа қимматли қозғалар*	2620,9	3,1	4114,5	2,5	4155,5	2,0	3567,8	1,4	11023,6	3,0
Кредит қўйилмалари, соф	52045,1	61,9	108467,2	65,1	164670,1	76,8	207646,3	76,1	270212,8	73,8
Асосий воситалар, соф	1794,4	2,1	2335,0	1,4	3488,2	1,6	5723,1	2,1	8314,2	2,3
Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар	593,1	0,7	1413,4	0,8	2841,7	1,3	3306,3	1,2	7881,6	2,2
Банкнинг бошқа хусусий мулклари	386,0	0,5	298,3	0,2	230,2	0,1	352,8	0,1	1131,2	0,3
Бошқа активлар	2473,7	2,9	5193,4	3,1	2416,1	1,1	5299,1	1,9	4125,1	1,1
Жами активлар	84075,0	100,0	166631,8	100,0	214419,6	100,0	272726,9	100,0	366121,1	100,0

Бугунги кунда республикамызда кредит ахбороти алмашинуви бўйича самарали ва халқаро талабларга жавоб берадиган тизим яратилган бўлиб, мазкур тизим «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ташкил этилган «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси» масъулияти чекланган жамияти ва Марказий банк Кредит ахборотининг давлат реестрини ўз ичига олади.

Хусусан, Марказий банк Кредит ахборотининг давлат реестрида республикамыз банк тизимида тузилаётган барча кредит битимлари ва ушбу битимлар бўйича амалга оширилган амалиётлар тўғрисидаги маълумотлар юритилмоқда (3.5-жадвал).

3.5-жадвалдан кўриниб турибдики, 01.01.2021 йил давомида Миллий маълумотлар базасида рўйхатдан ўтган миқдорлар сони 2094262 нафарни, ҳисобварақлар сони эса 7740964 тани ташкил этди. Сўнги йилларда уларнинг ўсиши мос равишда 111,4 фоиз ва 106,6 фоизни ташкил этди. Бу ўз навбатида, маълумотлар базасининг марказлашган тизимлари шаклланаётганлигидан дарак беради.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

Банк депозиторлари миллий ахборотлар базасида рўйхатга олинган мижозлар ва улар ҳисобварақларининг сони бўйича маълумот<sup>1</sup>


(1 январ ҳолатига)

Кўрсаткичлар номи	Йиллар				
	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Мижозлар сони	1515004	1638673	1755492	1880634	2094262
Ҳисобварақлар сони	5364838	5809172	6469921	7263621	7740964
Жами	6879842	7447845	8225413	9144255	9835226

Кредит ахборотининг давлат реестридаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, шунингдек, кредит ахборотини етказиб берувчилар томонидан тақдим этилаётган ахборотлар сифатини ошириш мақсадида қўшимча электрон мантикий назоратлар киритилди.

Кредит жараёнларининг бугунги кунда банклар фаолиятида туган ўрнини баҳолаш учун биз кредит операцияларида қўлланилаётган маблағлар улушини жами банк активларидаги салмоғига қараб таҳлил қилишимиз мумкин. Олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ва аҳоли ҳамда юридик шахсларнинг банк маблағларига бўлган талаби натижасида банкларнинг активлари миқдори йилдан йилга ошиб бормоқда (3.2-расм).

Хусусан, 3.2-расмдан кўриниб турганидек, мамлакатимиз тижорат банкларининг жами активлари 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 34,2 фоизга ўсиб, 2021 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 366,1 трлн сўмни ташкил



3.2-расм. Тижорат банкларининг жами активлари қолдиғининг динамикаси, млрд сўмда.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботлари. 2020 йил.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари қолдиги<sup>1</sup>

Банк турлари	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		01.01.2019 й.		01.01.2020 й.		01.01.2021 й.	
	трлн. сўм	улуши, фоизда	трлн. сўм	улуши, фоизда	трлн. сўм	улуши, фоизда	трлн. сўм	улуши, фоизда	трлн. сўм	улуши, фоизда
Давлат улушига эга банклар	44281,6	84,17	97778,4	88,43	148796,0	88,83	186630,3	88,38	244483,9	88,27
Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар	8328,9	15,83	12793,7	11,57	18594,6	11,17	24850,2	11,62	32490,9	11,73
Жами банклар	52610,5	100,0	110572,1	100,0	167390,6	100,0	211580,5	100,0	276974,8	100,0

этди. Агар бу кўрсаткични 2016 йилга нисбатан таққослайдиган бўлсак, сўнгги беш йилда тижорат банкларининг активлари ҳажми 4,3 баробардан зиёд ўсганлигини кўришимиз мумкин.

3.6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2020 йил якуни бўйича тижорат банклари жами кредит қўйилмаларининг асосий қисми, яъни 88,27 фоизи давлат улушига эга тижорат банклари ҳиссасига тўғри келган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2018–2020 йиллар давомида 0,53 бандга камайган. Бунда 2019 йил давомида капиталида давлат улуши бўлмаган банклар фаолиятида кредит қўйилмаларини жойлаштириш миқдорининг оз бўлса-да кўпайтирилиши юз берди (0,45%). Давлат улушига эга тижорат банклари томонидан мижозларни кредитлаш миқдори олдинги йилларга нисбатан тушиб бормоқда. Айни ҳолатда банклар фақат кредит қўйилмалари жойлаштиришдан бошқа йўналишларга ҳам ўз маблағларини сарфлаш бўйича амалий ишларни бошлаганликларидан дарак беради. Бу эса ўз навбатида уларнинг орасидаги рақобатни кучайтиради.

Агар берилган кредитларни муддатлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда банклар фаолиятида қисқа муддатли кредитларнинг улуши ошиб бораётганлиги гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари қолдиги<sup>2</sup>

Кредитлар (муддати бўйича)	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		01.01.2019 й.		01.01.2020 й.		01.01.2021 й.	
	трлн. сўм	улуши, фоизда	трлн. сўм	улуши, фоизда	трлн. сўм	улуши, фоизда	трлн. сўм	улуши, фоизда	трлн. сўм	улуши, фоизда
– қисқа муддатли кредитлар	48366,8	91,93	105818,9	95,70	158752,4	94,83	193628,7	91,51	248731,0	89,80
– узоқ муддатли кредитлар	4243,7	8,07	4753,2	4,30	8638,2	5,17	17951,8	8,49	28243,8	10,20
Жами кредитлар	52610,5	100,0	110572,1	100,0	167390,6	100,0	211580,5	100,0	276974,8	100,0

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

Юқоридаги 3.7-жадвал маълумотларидан кўришиб турганидек, мамлакат банкларининг жами кредит қўйилмаларида қисқа муддатли кредитларнинг улуши йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Охириги йиллар мобайнида қисқа муддатли кредит қўйилмаларининг улуши 2017 йилдаги 4,30 фоиздан 2021 йил 1 январ ҳолатига 10,20 фоизга ошганини таъкидлашимиз мумкин.


Иқтисодиётда барча бўш пул маблағларининг банк томонидан йиғилиши натижасида вужудга келадиган кредит ресурслари ҳисобидан қарз олувчи корхонага зарур бўлган суммада, зарур бўлган муддатда кредит беришга имконият яратилади.

Иқтисодий ривожланишнинг ўсиши банк кредитининг қўлланилиш кўламини кенгайтириб боради. Кредит фақатгина ҳар кунлик фаолият билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг қисқа муддатли эҳтиёжлари учун эмас, балки капиталга узоқ муддатга бўлган эҳтиёжни қоплашга йўналтирилади.

Демак, хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредит қўйилмалари қолдигид аасосий воситалар сотиб олишга кетадиган улуш етакчи ҳисобланади. Ундан кейинги ўринларда айланма маблағларни тўлдириш учун, янги қурилиш ва реконструкция ишларини молиялаштириш ҳамда бошқа мақсадлар учун ажратилган.

Банклар томонидан кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликнинг фаол молиявий қўллаб-қувватланиши уларнинг мамлакат иқтисодий ўсишидаги аҳамиятини тобора оширмоқда.

3.3-расм маълумотларига кўра, 2020 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча мо-



3.3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар динамикаси, млрд сўмда.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

лиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар суммаси олдинги йилдагиларга нисбатан ошган бўлса-да, лекин 2019 йилга нисбатан камийиш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, 2020 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар миқдори 48389,7 млрд сўмни ташкил этган ҳолда, 2019 йилга нисбатан пасайиш 7,04 трлн. сўмни ташкил этди.

Шунинг учун жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда банкларнинг родини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Мазкур соҳага жорий йилда ажратиладиган кредит ресурслари миқдорини кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини ошириш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қишлоқ жойларида ташкил қилинган ва ишлаб чиқариш фаолиятини олиб боровчи кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари 2018 йилдан икки йил давомида солиқ тўловларидан озод қилинган эди. Бундан ташқари, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ягона солиқ тўлаш тизимини жорий қилиши мумкин. Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида барча давлат органлари, молия институтлари, нобюджет ташкилотларнинг вазифалари аниқ тақсимлангандир. Бундан ташқари Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун имтиёзлар мавжуд.

Умуман олганда, юқорида келтирилган иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили натижасида қуйидагича хулоса ва таклифларни шакллантириш мумкин.

*Биринчидан*, Ўзбекистондаги банк амалиётида кредит портфелини бошқариш бўйича анча тажрибалар тўпланган. Бунда чет эл банклари тажрибаларидан унумли фойдаланилган. Аммо бозор иқтисодига ўтиш даврида Ўзбекистон банклари тараққиётида ҳам, бутун иқтисодда бўлгани каби ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Шунингдек, ўзига хос муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, бу соҳадаги муаммоларни кўриб чиққанимизда, банк кредит хавфларининг олдини олишда банк ходимлари ҳуқуқий билимларининг юқори бўлиши катта аҳамиятга эга.

Фикримизча, бунинг асосий сабаби банклар томонидан мижозларга бериладиган кредит маблағларининг муддати ҳозирги кунда асосан қисқа муддатли манбалардан шаклланганлигидадир. Шу билан бирга ўзгаришларга бой бўлган жорий ҳолат банклар томонидан кредитларни реструктуризация қилиш зарурлигини кун тартибига қўяди.

Шуни айтиш лозимки, мамлакатимизда коронавирус пандемияси даврида ҳукумат томонидан аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркор-



лик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича барча чоралар кўрилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармони ижроси доирасида юридик шахсларнинг кредитлари бўйича 7,9 трлн сўм ҳажмдаги қарздорлиги кечиктирилган;

*Иккинчидан*, Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда коронавирусга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чоралар ва иқтисодий фаолликнинг кескин пасайиши сабабли молиявий қийинчиликларга дуч келган ташкилотларнинг кредитлари бўйича қўшимча реструктуризация қилинадиган тўловлар ҳажми қўшимча равишда 7 трлн сўмни ташкил этди;

*Учинчидан*, жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан 2020 йилнинг навбатдаги 6 оyi мобайнида сўндирилиши лозим бўлган кредитлар бўйича муддати узайтириладиган тўловлар ҳажми 4,7 трлн сўмни ташкил этган.

*Тўртинчидан*, ўз навбатида мамлакатимиз Марказий банки тижорат банклари томонидан молиявий қийинчиликларга дуч келган юридик ва жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг кредитлари бўйича тўловларга 2020 йил 1 октябрга қадар кечиктириш чораларини тақдим этиш ва амалга киритилган карантин режими фаолиятига салбий таъсир кўрсатган қарздорларнинг муддати ўтиб кетган кредитларига гаров таъминоғи бўйича жарима санкциялари ва ундирув чоралари қўлламаслик тартибини белгилади. Бунда, тижорат банклари томонидан кредитлар бўйича ҳисобланган ва кечиктирилган фоизлар суммаси кечиктириш тақдим этилган даврда фойда солиғини ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмаслиги қайд этилди.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар албатта тижорат банкларининг барқарорлигига ва ликвидлигига салбий таъсир кўрсатиши табиий ҳолатдир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан мажбурий захиралар бўйича талабларни енгиллаштириш ҳисобига тижорат банкларини 2,6 трлн сўм ҳажмидаги қўшимча ликвидлик ресурслари билан таъминлаш ҳамда уларга 3 йил муддатгача 2 трлн сўмгача миқдорда ликвидлик тақдим этишнинг махсус механизмини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.<sup>1</sup>

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда банк фаолияти барқарорлигининг асоси бўлган Марказий банк ночор банкларни аниқлаш ва уларга иқтисодий мадад бериш, уларнинг синишига йўл қўймаслик чора-тад-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон Фармони.

бирларини кўрмоқда. Бу ўз навбатида, тижорат банкларининг банкротлик ҳолатларини камайтириш ва банк тизими таваккалчиликнинг олдини олишади.

Шунингдек, мамлакатимизда пандемия шароитида аҳолини ва умуман иқтисодиёт тармоқларини кўллаб-қувватлаш тизими мувофақиятли ривожланиб, уларнинг ўсиш суръатлари яхшиланмоқда. Бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этиш, молиявий маблағлардан фойдаланишни мамлакатимиз тижорат банклари орқали амалга ошириш, улар орасидаги рақобатбардошликни янада кучайтиришга ва банклар фаолиятининг барқарорлигини оширишга ёрдам беради.

### **3.3. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ВАЛЮТА СИЁСАТИ: ОЛИНГАН САБОҚЛАР, ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЙўНАЛИШЛАР**

Ўзбекистон валюта сиёсати истиқлолнинг дастлабки даврларида миллий валюта – «сўм»ни муомалага киритиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш, республикага валюта ресурсларининг ўз вақтида тушиши ва ундан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, валюта муносабатлари соҳасида қонуний ва меъёрий базани такомиллаштиришга қаратилган бўлса, кейинчалик валюта сиёсати механизмлари ва дастакларини ривожлантириш, институционал асосларини такомиллаштириш ва пировардида бозор механизмларини жорий қилишга қаратилган ислохотлар билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш тизимининг ташкил топиши 1991 йилдан, яъни «Ташки иқтисодий фаолият тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши билан бошланди.

1993 йилнинг май ойида «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганидан сўнг, Марказий банк томонидан Молия вазирлиги ва валюта назоратининг бошқа органлари билан ҳамкорликда валютани тартибга солиш масалалари юзасидан меъёрий ҳужжатлар базаси деярли тўлиқ қайтадан яратилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1994 йилнинг 15 октябридан бошлаб, резидент ва норезидент юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги барча тўловлар ва ҳисоб-китоблар, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, фақат миллий валюта – сўмда амалга оширилиши белгиланди, шу жумладан, эркин айирбошланадиган валютада сав-

до қилиш ва хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, хорижий фуқароларга тақиқлаб қўйилди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1193-сонли Фармони чиққандан сўнг, халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва улар билан республика ички бозорини тўлдириш, экспортга маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқариш, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш фаолиятдан белгиланган тартибда олинган фойда ва дивидендларнинг бир қисмини репатриация қилиш, республика иқтисодиётининг базавий ва етакчи тармоқларидаги устувор лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар конвертация масаласида кўпроқ имкониятга эга бўлди. Бундан ташқари, 1995 йилнинг 1 июлидан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотларга кредит бериш миллий валютада амалга ошириладиган бўлди.

Республика ҳудудига нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини такомиллаштириш ва эркинлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 октябрдаги «Республикада нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг чиқиши муҳим туртки бўлди. Унга кўра, норезидентларнинг божхона декларациясига мувофиқ олиб кирган нақд хорижий валютаси миқдорида, резидентларнинг 500 АҚШ доллари эквиваленти миқдорида нақд хорижий валютани республика ҳудудидан эркин олиб чиқиб кетишига рухсат берилди.

1998 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси резидентларига 2000 АҚШ долларига тенг миқдорда нақд хорижий валютани олиб чиқишга, шунингдек, резидент ва норезидентларга нақд хорижий валютани белгиланган тартибда божхона декларациясини тўлдириш шарти билан республикага эркин олиб келишларига рухсат этилди.<sup>2</sup>

1999 йил 1 январдан бошлаб, мулкчилик шаклларида қатъи назар барча корхоналар учун, марказлаштирилмаган экспортдан олинган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги 499-сонли «Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини ривожлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 мартдаги «Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари. – Т.: «O'ZBEKISTON» NMIU, 2007. 40-б.

валюта тушумининг 50 фоизи ваколатли банкларга мажбурий равишда сотилиши белгиланди.<sup>1</sup> Бундан тушган маблағлар эса, 1999 йилда озиқ-овқат товарларини барқарор импорт қилувчи Марказий банкнинг лицензия эгаларига конвертацияга, шунингдек, давлат эҳтиёжлари учун истеъмол товарларини тендер асосида харид қилишга йўналтириладиган бўлди.

2000 йилдан бошлаб ҳукуматимиз томонидан валюта бозорини эркинлаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Бу ҳолат Ўзбекистон ҳукумати ва Марказий банкнинг валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган изчил сиёсатидан далолат берар эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта ва экспорт-импорт операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисобот тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 171-сонли Қарорига мувофиқ, 2000 йил 1 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисоботи ва бошқа ҳисоботлар, шунингдек, божхона тўловларини ҳисоблаб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг банклараро валюта бозорида белгиладиган биржадан ташқари валюта бозори курси бўйича амалга ошириладиган бўлди. Натижада турли валюта операцияларини ўтказишда фойдаланиладиган биржа ва биржадан ташқари валюта курслари унификацияланди (бирхиллаштирилди).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида 2000 йил 1 июлдан бошлаб биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани сотиш механизмининг жорий этиш белгиланди. Бу эса Ўзбекистонда жорий валюта бозорининг биржа ва биржадан ташқари валюта бозорига ажратилиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги 250-сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши валюта айирбошлаш операцияларини ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Ушбу Қарорга мувофиқ, 2000 йил 1 июлдан бошлаб нақд хорижий валютада етарлича ресурсларга эга бўлган ваколатли банкларга республика ҳудудида ўзларининг ихтисослаштирилган айирбошлаш шохобчалари орқали нақд

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 538-сонли «Биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

хорижий валютани эркин харид қилиш ва сотиш операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

2001 йилнинг 1 ноябрига келиб, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида банклараро савдо сессиялари ҳар куни ўтказила бошланди, шунингдек, савдо майдончасида хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш бўйича савдоларни ўтказиш амалиёти бекор қилинди. Натижада биржа савдоларида ўрнатиб келинаётган турли хил курслар бирхиллаштирилди.

Шунингдек, мазкур санадан бошлаб, савдо сессияларида иштирок этиш учун маблағларни олдиндан депонентлаш хорижий валюта хариди учун буюртмадаги сумманинг 100 фоиз сўмдаги эквиваленти эмас, неттинг бўйича, яъни хорижий валютани сотишдан тушадиган сўмдаги маблағларни чегирган ҳолда амалга ошириладиган бўлди. Бу эса, ваколатли банкларнинг, қолаверса, хўжалик субъектлари пул маблағларининг айланмадан ташқарига чиқадиган миқдорини бу камайишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 27 июлдаги 222-В-сонли, 89-сонли ва 2002-62-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, республикада нақд хорижий валютани қабул қилиш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинади.<sup>1</sup> Унга мувофиқ, республикада сотилган товарлар (иш, хизматлар) тўлови учун АҚШ доллари, инглиз фунт стерлинги, евро ва япон иенаси қабул қилиниши мумкин.

2002 йил 1 октябрдан бошлаб истеъмол моллари импорти билан шуғулланувчи корхоналарга хизмат кўрсатиш бўйича ваколатли банклар учун ўрнатилган лимитлар бекор қилинди. Бундай ижобий ўзгариш, ўз навбатида, валюта биржасида валюта айланмаси ҳажмининг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

2003 йилнинг июнига келиб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки томонидан, ХВФ келишувининг VIII моддасига оид мажбуриятларни бажариш, хусусан, ички валюта бозоридаги алмашув курсларини бирхиллаштириш, чет эл валютасини сотиб олиш тартибини янада соддалаштириш, корхона ва ташкилотлар билан бўладиган ташқи иқтисодий операцияларни такомиллаштириш, нақд чет эл валютаси бозорини эркинлаштириш назарда тутилган «Халқаро жорий операциялар бўйича миллий валютани конвертирланишини таъминлаш бўйича иш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари, II-10, – Т.: 2004. 125-б.

Режаси» ишлаб чиқилди ва Халқаро валюта фонди бошқарувиغا тақдим этилди.

Мазкур Иш режасининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Хукумат ва Марказий банк томонидан бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинди ва амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва алмаштириш курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 260-сонли Қарорига мувофиқ, 2003 йил 16 июндан бошлаб импорт истеъмол товарлари ва хизматларни (шу жумладан, транспорт ва алоқа) сотишдан олинган сўмдаги тушумни эркин муомаладаги валютага конвертация қилиш шаклланаётган талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгиланган тартибда банклараро савдо сессияларида белгиланадиган курс бўйича амалга ошириладиган бўлди. Мазкур қарор чиққунига қадар ваколатли банклар миқозларининг импорт истеъмол товарларини сотиб олиш бўйича хорижий валютага бўлган талабларини 50 фоизлик мажбурий сотувдан тушган хорижий валютадаги маблағлар ҳисобидан Марказий банкнинг ҳар бир миқозга белгилаб берган лимити доирасида қондирар эди. Мазкур қарорнинг ижроси импорт товарлари бўйича лимитлар амалиётининг бекор қилиниши ва уларни сотиб олиш учун зарур бўлган хорижий валюта маблағлари миқозларнинг буюртмаларига асосланиб тижорат банкларининг банклараро савдо сессиясидаги иштироки билан амалга оширила бошланди.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган Иш режасининг 9-бандини бажариш, шунингдек, валюта операцияларини амалга ошириш тартибини янада эркинлаштириш ва миллий валютанинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертациясини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 августдаги 355-сонли «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, жорий халқаро операциялар бўйича чет эл валютасидаги операцияларга оид бир қатор чекловлар бекор қилинди. Ҳолбуки, ушбу қарор чиққунига қадар қуйидаги чекловлар амал қилар эди:

- Собик Иттифок республикалари хўжалик субъектлари билан ҳисобкитоблар клиринг асосида ёки эркин айирбошланадиган валютада амалга оширилади;
- хўжалик субъектлари томонидан хорижий валютани харид қилиш фақат уларнинг миллий валютадаги ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, хўжалик субъектларининг қарз маблағлари

ҳисобидан хорижий валютани сотиб олишлари, қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, қатъиян тақиқланади;

- Марказий банкнинг лицензиясига эга бўлган истеъмол товарларини импорт қилувчи улгуржи савдо корхоналари ва ташкилотлар учун сўмни эркин айирбошладиган валютага конвертация қилиш чакана савдо ташкилотларидан импорт товарларини реализация қилишдан тушган нақд пул тушуми тўғрисидаги, ваколатли банк томонидан тасдиқланган маълумотнома асосида амалга оширилади;
- импорт шартномалари бўйича тўловларнинг мазкур шартнома бўйича контрагент ҳисобланган норезидент фойдасига амалга оширилишига йўл қўйилмайди;
- резидентлар томонидан олинган ташқи қарз бўйича фоиз ва бошқа қўшимча тўловларга бир йилда тўланадиган сумма қарз асосий суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Бундан ташқари, хорижий валютани харид қилишга бўлган буюртманоманинг ваколатли банкнинг эксперт хулосаси олинган вақтдан бошлаб бир ой муддат мобайнида амал қилиши чеклови бекор қилинди. ваколатли банклар томонидан миллий валютани конвертациялаш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиши муддати бир ҳафтадан уч иш кунига қисқартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, 2003 йилнинг 1 октябридан бошлаб импорт шартномаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида олдиндан рўйхатга олиш амалиёти бекор қилинди. Шу пайтдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида импорт шартномаларининг божхона мониторинги тизими жорий этилди.

2003 йилнинг 15 октябридан Ўзбекистон ҳудудида ХВФ Келишувининг VIII моддасига мувофиқ, жорий халқаро операциялар бўйича расмий тарзда миллий валюта (сўм) конвертация қилиш мажбурияти қабул қилинди. Бундан буён, ҳукуматимиз ХВФ келишувлари VIII моддасининг 2- бўлим а-бандига мувофиқ, жорий халқаро операциялар бўйича валютавий чекловларни жорий қилишга ҳақли эмас. Ушбу модданинг 3-бўлимиға мувофиқ, дискриминацион валюта сиёсати амалга оширилмаслиги лозим. Шунингдек, ХВФ VIII моддасининг 4-бўлимиға мувофиқ бошқа давлатлар томонидан тақдим этилган сўмлар ўша мамлакатнинг миллий валютасига ёки СДР (Special Drawing Rights)ға конвертация қилиб берилиши лозим.

Шуниси аҳамиятга моликки, мамлакатимизда жорий халқаро операциялар бўйича конвертацияни жорий қилиш ХВФ ва бошқа халқаро молиявий ташкилотларнинг кредитларини жалб қилмасдан амалга оширилди.

2017 йилга қадар жорий тўлов баланси операциялари учун сўмни хорижий валютага эркин конвертация қилиш ва биржадан ташқари валюта бозорини эркинлаштириш борасида эволюцион ёндашув билан чора-тадбирлар амалга ошириб келинди.

Бироқ шунга таъкидлаш лозимки, 2017 йил республикамизда валюта сиёсатини эркинлаштиришда ўзига хос ўрин тутди.

Даставвал, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон фармони билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниб, унда валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқич-ма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш вазифалари белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармонига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш; валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустақамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш; валюта сиёсатининг янги шароитларида таянч тармоқлар корхоналари самарали фаолият юритиши учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш кабилар республикамизда валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Шунингдек, юқоридаги Фармон билан 2017 йилнинг 5 сентябридан бошлаб қуйидаги тартиб ўрнатилди:

- Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари жорий халқаро операциялар (товар, иш ва хизматлар импорти, фойда репатриацияси, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва



бошқа савдо характериға эға бўлмаған ўтказмалар) бўйича тўловларни амалға ошириш учун тижорат банкларида чет эл валютасини чекловсиз сотиб олишлари мумкин;

- жисмоний шахслар чет эл валютасини тижорат банклари орқали эркин сотиши ва сотиб олиши ҳамда сотиб олинған маблағларни ҳеч қандай чекловларсиз тасарруф этиши мумкин;
- истеъмол товарлари импорти билан шуғуланувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи яққа тартибдаги тадбиркорларға чет эл валютасини жисмоний шахслар учун ўрнатилған тартибда, банклардаги ҳисобварақлар орқали сотиб олишға рухсат берилади;
- мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинади;
- чет эл валютасида даромад олувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи яққа тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, фермер хўжаликлари ўз банк ҳисобварақларидаги нақд маблағларни фақат миллий валютада ечиб олишға ҳақлидирлар, чет эл валютасидан чет элда асосли фойдаланиш ҳоллари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ИҚ-3270-сонли қарорига мувофиқ, 2017 йилнинг 1 октябридан устав капитали (фонди)нинг минимал миқдори янги ташкил этиладиган тижорат банклари (100,0 млрд сўм), микрокредит ташкилотлари (2,0 млрд сўм) ва ломбардлар (500 млн сўм) учун миллий валютада белгиланди.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Асака» АТБнинг аввал хорижий валютада шакллантирилған устав капиталларини белгиланған тартибда хорижий валютани сотиш йўли орқали миллий валютаға ўтказиш чоралари кўрилди. Мазкур тижорат банклари томонидан валюта маблағларини сотишдан олинған даромад (фойда) солиққа тортиш базасига киритилмаслиги ва уларнинг акциядорлари улушини оширишда фойдаланилиши белгиланди.

Миллий иқтисодиётдаги мавжуд вазиятдан келиб чиқиб ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини ҳисобға олған ҳолда, Марказий банк томонидан тайёргарлик босқичида асосий эътибор қуйидаги жиҳатларға қаратилди:

*Биринчидан*, инфляциян босимни пасайтириш ва валюта бозорида спекулятив талаб ўсишини олдини олиш. Ушбу мақсад пул-кредит сиё-

сагини қатъийлаштириш, яъни қайта молиялаш ставкасини 9 фоиздан 14 фоизгача ошириш орқали амалга оширилди.

*Иккинчидан*, банк тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлаш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

- давлат маблаглари ҳисобига тижорат банкларининг устав капитали оширилди (670 млн АҚШ доллари миқдорида хорижий валютада), натижада банк тизимининг умумий капиталлашув даражаси 40 фоиздан ошди;
- Марказий банкнинг тижорат банкларига ликвидлилик тақдим этиш механизмлари ишга туширилди;
- банкнинг пруденциал назорати чоралари кучайтирилди, шу жумладан, ҳар бир банкнинг валюта сиёсатининг янги шароитларига чидамлилигини аниқлаш мақсадида ҳар бир банк стресс-тестдан ўтказилди;
- лаҳзалик ликвидлилик коэффициентига нисбатан минимал талаблар жорий этилди ва йил охирига келиб у 20% даражага етказилди.

*Учинчидан*, йирик ва стратегик корхоналар молиявий ҳолати ва хорижий валютадаги мавжуд қарзларини ҳисобга олган ҳолда қўллаб-қувватланди. Хусусан, миллий валюта девальвациясининг корхоналар молиявий ҳолатига салбий таъсирини олдини олиш мақсадида ажратилган кредитларни реструктуризациялаш амалга оширилди.


*Тўртинчидан*, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди.

*Бешинчидан*, ички бозорни ижтимоий аҳамиятга эга товарларга тўлдириш ва товарларни олиб киришда божхона ва бошқа тўловларнинг ошиши ҳисобига нархлар кескин кўтарилишининг олдини олиш учун импорт ставкаларини пасайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди.

Шунингдек, ички бозорда барча ҳисоб-китобларни ва тўловларни фақат миллий валютада амалга ошириш тартибини ўрнатиш орқали сўмга бўлган ишончни кучайтириш чоралари кўрилди.

Юқоридаги тайёргарлик чора-тадбирлари республика банк тизимида ва умуман иқтисодиётда валюта курсини шакллантиришга жиддий талафотларсиз «силлик» ўтишни амалга оширишга имкон берди.

Бироқ мазкур даврда миллий валюта – сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси сезиларли даражада девальвация қилинган (3.4-расм). Назарий жиҳатдан девальвация ташқи савдо қолдигига ижобий таъсир этиши, хусусан экспортни рағбатлантирувчи характер касб этиши керак эди. Аммо мазкур ҳолат мамлакатимиз савдо режими би-




3.4-расм. Ўзбекистон ташқи савдо баланси сальдоси ва миллий валюта девальвацияси.<sup>1</sup>

лан боғлиқ бўлиб, турли божлар ва бошқа чекловлар боис, импортнинг кескин тушиши ва экспортнинг ошишини етарлича рағбатлантирмаган.

Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда мамлакатимизда валюта сиёсатини эркинлаштиришда нафақат валюта сиёсатининг бозор механизмларини жорий қилиш амалиётини такомиллаштиришга, балки хўжалик субъектлари экспорт салоҳиятини юксалтиришни рағбатлантиришнинг муқобил усуллари ҳам эътибор қаратилмоқда. Хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш учун тижорат банклари томонидан экспорт кредитларини ажратиш амалиёти шулар жумласидандир. Шунингдек, савдо режимини эркинлаштириш бўйича ҳам муҳим қадамлар ташланаётганлиги, республикамизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши учун етарли шарт-шароитларни таъминлашга жиддий ёндашув ҳам келгусида валюта сиёсати механизмларининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

Айни пайтда валюта бозорида курс шаклланишининг бозор механизмлари амал қилишига монанд тарзда алмашув курсларида тебранишларнинг ортиши ҳам табиий ҳолдир. Бу эса миллий валюта курси кескин тебранишини олдини олиш мақсадида Марказий банкнинг интервенциясини тақозо этади. Бу жараёнда Марказий банкнинг валюта курси ўрнатилиши жараёнига аралашуви талаб ва таклифга таъсир этиш орқали юз беради. Шу сабабли Марказий банкнинг интервенцияни самарали амалга ошириш салоҳияти унинг олтин-валюта захираси ҳажми билан белгиланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Жаҳон савдо маркази (URL: <https://trademap.org>) маълумотлари асосида тузилган.




3.5-расм. Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захиралари.<sup>1</sup>

Сўнгги йилларда республикамиз олтин-валюта захиралари ҳажмида ўсиш тенденцияси кузатилмоқда (3.5-расм). Бу, бир томондан, Марказий банкнинг валюта бозоридаги интервенцияни амалга ошириш салоҳияти ошаётганлигидан далolat берса, иккинчи томондан, мамлакатнинг халқаро тўлов қобилияти, ликвидлиги ҳамда иқтисодий хавфсизлиги учун муҳимдир. Айти пайтда, 2020 йил 1 июль ҳолатига умумий расмий захиралар таркибида олтиннинг улуши 61,6 фоизни ташкил этган. Бундан кўринадики, олтин нархининг ошиб бориши шароитида мавжуд тенденция ижобий саналади. Марказий банкнинг хорижий валютадаги ликвидликни таъминлаш мақсадида *gold-swap* операцияларини ривожлантириши жорий валюта захиралари сиёсатига мос тушади.

Айти пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги «Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5877-сонли Фармони мувофиқ, валюта сиёсати соҳаси учун истикболли йўналишлар белгилаб олинди. Хусусан:

- банклараро валюта бозорини модернизация қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валюта интервенцияси соҳасидаги сиёсатини тегишли равишда такомиллаштириш;
- тижорат банкларининг маркет-мейкер сифатидаги ролини ошириш;
- валюта курсининг мослашувчан шаклланишига ўтиш;
- валюта интервенцияси услубларини такомиллаштириш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.



**3.6-расм. Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш жараёнини яқунлаш орқали инфляциян таргетлашга ўтишни зарурий шартлари.<sup>1</sup>**

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бозор фаолиятига аралашини минималлаштиришга қаратилган ва айирбошлаш курсини аниқлашда унинг фундаментал ўзгариш трендига таъсир ўтказмайдиган Валюта интервенцияси стратегиясини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Инфляциян таргетлаш режимига ўтишни самарали ташкил этиш учун валюта бозорини эркинлаштириш билан боғлиқ бир қатор шароитлар таъминланиши зарур (3.6-расм). Хусусан, ушбу мақсадда валюта бозори иштирокчиларига валюта хатарларини хеджирлаш имконини берувчи ҳосилавий инструментлар бозорини ривожлантириш, банкларнинг маркет-мейкер сифатида бозордаги фаоллигини рағбатлантириш ва уларнинг айирбошлаш курсини шакллантиришдаги ролини ошириш, валюта интервенциялари сиёсатини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки интервенциялари мақсадлари ва усулларини белгилаб берувчи стратегия ва тактикаларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ислохотлар ва тараққиёт мақсадларига хизмат қиладиган валюта муносабатларини тартибга солишнинг самарали механизмларини жорий этиш ва экспортга ишловчи корхоналар самарали фаолият юритиши учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва унга нисба-

<sup>1</sup> Тоғжиев Р.Р. Халқаро валюта кредит муносабатлари. Дарслик. – Т.: 2020.

тан жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётда долларлашув даражасини камайтириш ва капиталлар ҳаракатини тартир-бга солишнинг самарали тизимини шакллантириш замонавий босқичда валюта сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари бўлиб ҳисобланади. Айни пайтда, инфляцион таргетлаш режими шароитида нисбий нархлар ўзгариши ва пировардида реал алмашув курси динамикаси монетар орган томонидан доимий мониторинг қилиб борилиши керак.

### 3.4. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган тезкор ўзгаришлар, янгиланишлар ва ривожланишлар ҳар бир давлатдан фаол иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган самарали ислоҳотларни амалга ошириш ва уни такомиллаштириб боришни талаб этмоқда. Бундай юқори даражадаги эътибор ва масъулиятни талаб этган ҳолда олиб бориладиган ички ҳамда ташқи сиёсатда миллий иқтисодиётнинг устувор стратегик манфаатларини жорий давр ва узоқ истиқболда ҳам рўёбга чиқариш, шунингдек, ҳимоялашга эришиш кенг кўламли чора-тадбирларни изчил амалга ошириш билан таъминланади, бироқ бу тадбирларни ички ҳамда ташқи сармояларни фаол жалб этмасдан туриб амалга ошириб бўлмаслигини назарда тутсак, жаҳонда инвестициялар иқтисодиётнинг бугунги барқарорлиги ва жадал ўсишини таъминловчи бош омил сифатида эътироф этилаётганлиги бежиз эмаслигини англаш мумкин.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки даврларидан бошлаб, мамлакатда яратиладиган ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига бевосита таъсир кўрсатаётган ички ва ташқи инвестицияларга катта эътибор бериб келинмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш шароитида барқарор иқтисодий ўсишни жадаллаштиришда инвестициялашнинг барча манбаларидан самарали фойдаланиш зарур (бюджет маблағлари, ташқи кредитлар, тўғри инвестициялар, корхоналар ва аҳоли маблағлари ва бошқа). Мамлакатимизда инвестиция фаолиятини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбалар ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфраструктура объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишларга айланди.

Инвестиция фаолиятининг самарали ташкил этилиши унинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлик даражасига ҳам боғлиқдир. Ўтган йиллар давомида инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, чет эл инвесторлари иштирокидаги корхоналарнинг самарали фаолият юритиши учун бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бўлгани каби даставвал республикамизда ҳам инвестицияларни мувофиқлаштириб турувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга изчил тадбиқ этила бошланди.

Жумладан:

- Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1999 йил 12 январь.
- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил 30 апрель.
- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил 30 апрель.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2005 йил 11 апрель.
- Вазирлар Маҳкамасининг инвестициялар ва инвестицион фаолиятга дахлдор бўлган қатор қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495 сонли Фармонида белгиланганидек, инвестиция киритиш учун энг қулай шароитлар яратишга қаратилган, инвестиция фаолияти соҳасидаги унификация килинган қонун ҳужжати лойиҳасини янада такомиллаштириб, тез фурсатда ҳаётга тадбиқ этиш зарур эди. Дастлаб инвестиция соҳасидаги ягона ҳужжат сифатида Инвестиция кодекси концепцияси ишлаб чиқилиб муҳокамага кўйилди. Кейинчалик лойиҳа «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонун номини олди.

Мазкур қонун «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида», «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида», «Концессиялар тўғрисида», «Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда, шунингдек, бир қатор қонуности ҳужжатларда мавжуд бўлган нормаларни тизимли равишда ўзида мужассамлаштирди.

Шу асосда тайёрланган «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 25 декабрь<sup>1</sup> куни имзоланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунда: «Инвестиция фаолияти – инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи» сифатида ифодаланади.

«Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонун илгари инвестицияга оид қонун ҳужжатларида мавжуд бўлмаган янги тартиб ва қоидалар билан янада такомиллаштирилди. Хусусан:

- инвестициялар ва инвестиция фаолиятининг асосий принциплари белгиланди;
- қонун ҳужжатларининг инвестор учун ноқулай ўзгаришларига қарши кафолатлари янада мустаҳкамланди;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини тартибга солиш бўйича ваколатлари кенгайтирилди;
- «Инвестиция визаси» ва уни расмийлаштириш тартиби бўйича норма киритилди;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномаси тузиш тартиби белгиланди.

Қонунда илк бор инвестициялар ва инвестиция фаолиятининг асосий принциплари мустаҳкамлаб қўйилди. Бу эса инвестиция соҳасида ҳуқуқий тартибга солишнинг мазмуни ва йўналишларини белгилаб берди. Мазкур принциплар инвестиция қилиш ва инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнининг барча босқичларида қўлланилади.

Инвестиция фаолияти инвесторнинг ўз ресурсларини инвестиция объектига сафарбар этишга асосланар экан, мазкур фаолият инвесторнинг мақсадига кўра ташкил этилиши ва молиялаштирилишини тақозо этади. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг зарурлиги шунинг билан изоҳланадики, инвестиция фаолиятига йўналтирилган ҳар қандай сармоя, пировардида, ўз-ўзидан инвестор манфаатларини таъминлаб бера олмайди. Биламизки, инвесторлар доимо амалга оширган инвестиция фаолиятдан катта фойда ва самара олишни кўзлайдилар. Бу орқали ўз капиталини кўпайтириш ва уни бозор рисклари остида қийматининг йўқолишидан ҳимоялашни хоҳлайдилар. Бунинг учун улар энг оптимал

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 2019 йил 25 декабрь, 3-модда. // lex.uz.



вариантдаги инвестиция лойиҳасига капиталини йўналтириб, унинг ҳаракатини мунтазам бошқариб бориш орқали кўзланган мақсадига эришишга интиладилар.

Шунга кўра, инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг зарурлигини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- инвестиция фаолиятини молиялаштиришни ташкил этишда инвесторнинг ўз мақсадига эгаллиги;
- инвестиция фаолияти орқали инвесторнинг ўз капиталини янада кўпайтиришга интилиши;
- инвестиция фаолиятини ташкил этиш унинг доимий бошқарувисиз самарали амалга оширилмаслиги;
- инвестиция фаолиятининг самарали кечишига турли рискли омилларнинг таъсири юзага келиши мумкинлиги;
- инвестиция фаолиятида инвестордан ташқари яна кўплаб бошқа иштирокчиларнинг қатнашиши ҳамда уларнинг ҳам манфаатлари мавжудлиги;
- ҳар қандай инвестиция фаолияти, албатта, давлат ва жамият манфаатларининг ривожланиши учун хизмат қилишга йўналтирилганлиги;
- бозорда кучли рақобат шароитининг ҳукм суриши;
- инвесторнинг инвестиция ресурслари чекланганлиги, шу боисдан уни энг самарали инвестициялаш объектида чекланган вақтда максимал фойдаланишга бўлган интилиши ва бошқалар.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан кейинги йиллардаги давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, тижорат банклари кредити линиялари, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 2017–2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, 2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осие тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди. Бугунги кунда юртимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан

қиймати 23 миллиард АҚШ долларга тенг 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда.<sup>1</sup>

Хусусан, макродиагностик таҳлилларга асосан иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашнинг олдинги йиллардаги асосий манбаларидан бири бўлган марказлашган ресурслар имкониятларининг чекланиб бориши хусусий, айниқса тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини кескин оширишни тақозо этмоқда. Хусусан, ўтган йилларда иқтисодий ўсишни молиялаштириш асосан марказлашган ресурслар ҳисобига бўлганлиги ўз аксини сўнгги йиллардаги ташқи қарз динамикаси кўрсатмоқда.

Бироқ 2020 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 32,7 фоизга (кафолатланмаган хорижий кредитларни инобатга олмаган ҳолда) камайиб, 2,9 млрд долларни ташкил этди (доллар эквивалентида пасайиш 33,8 фоизни ташкил этди).


Кафолатланмаган хорижий кредитлар қуйидаги тармоқларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробардан зиёд ўсди (2,4 млрд доллардан 3,5 млрд долларгача), жумладан:

- НКМК – 636,5 млн доллар;
- «Ўзбекнефтгаз» АЖ – 154,8 млн доллар («Шўртан ГКМ» МЧЖ – ишлаб чиқариш қувватини ошириш – 122,7 млн доллар);
- «Ўзелтехсаноат» АЖ – 101,8 млн доллар (маиший музлатгичлар ишлаб чиқариш – 48 млн доллар);
- АТКР вазирлиги - 89,4 млн доллар (кенг полосали телекоммуникация тармоғини ривожлантириш – 35,5 млн доллар);
- «Ўзқурилишматериаллари» АЖ – 91 млн доллар.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 22,1 фоизи табиий газ ишлаб чиқариш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга, 22,5 фоизи бошқа металл бўлмаган минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш, 9,3 фоизи қурилиш ишларига йўналтирилди. Бундан ташқари, экспорт салоҳияти юқори бўлган тармоқларда (машинасозлик, электротехника, металлургия, кимё ва фармацевтика саноатида) асосий капитални шакллантириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларнинг даражаси пастлигича қолмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга йўналтирилган фаол инвестицион сиёсат таъсирида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши

<sup>1</sup> www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилди.



3.7-расм. 2016–2020 йилларда Ўзбекистонда иқтисодиётга жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзгариш суръати.<sup>1</sup>

кескин ортиб бормокда. Хусусан, 2016–2020 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми қарийб 2,5 баробарга ортди. Мазкур даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 50 фоиздан юқори кўрсаткични қайд этади (3.7-расм).

Истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиши учун тайёр инвестиция таклифларини ишлаб чиқиш, инвестиция ва бизнес форумлар, тақдимотлар («Road Show») ва маркетинг кампаниялари имкониятларидан кенг фойдаланиш давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича устувор йўналишларни ташкил этиш устувор йўналишлар сифатида қайд этилади[1]. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тақсимлашда чеклашлар ва иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантиришда инвестицияларни рағбатлантириш, хусусий мулкнинг дахлсизлиги кафолатларини мустаҳкамлашда давлатнинг ролини ошириш мақсадга мувофиқ.

Қуйидаги 3.8-жадвал маълумотларига кўра, 2020 йилда 2015 йилга нисбатан ҳудудларга жалб этилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми пандемия таъсирида камайганлигини кузатишимиз мумкин, бу кўрсаткич асосан Тошкент шаҳри, Хоразм, Сурхондарё, Наманган, Қашқадарё вилоятларида камайиш натижасида вужудга келганлигини кўришимиз мумкин. Ўз навбатида, таҳлил этилган давр мобайнида барча

<sup>1</sup> www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари.

Ўзбекистонда асосий капиталга йўналтирилган хорижий инвестициялар ва кредитларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши<sup>1</sup>

Ҳудудлар номи	Йиллар					
	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Республика бўйича жами	8309,5	10611,4	16309	31350	86653,1	86 647,00
Қорақалпоғистон Республикаси	2899,7	1683,4	268,7	1512,1	3121,3	3 759,80
Андижон вилояти	86	108	197,3	878,6	2881,4	3 500,70
Бухоро вилояти	1463,2	3101,2	8256,9	4189,9	5226,1	5 563,80
Жиззах вилояти	38	106,3	125,2	392,3	3716,3	5 919,60
Қашқадарё вилояти	1037,7	2006,01	1950,9	8339,2	16711,5	13 313,60
Навоий вилояти	54,9	152,5	385	3662,1	6902,3	11 359,70
Наманган вилояти	488,8	639,1	1088,4	2822,6	5313,6	3 795,00
Самарқанд вилояти	128	81,5	114,5	384,1	2799,8	3 950,10
Сурхондарё вилояти	191,5	209,1	512,8	1788,8	7557,6	6 158,20
Сирдарё вилояти	116,7	102,3	76,1	261,1	2853	3 110,60
Тошкент вилояти	677,6	580,3	781,8	1760,1	5595,2	5 841,90
Фарғона вилояти	193,6	235,4	191,8	1250,3	3538,2	4 479,50
Хоразм вилояти	40,8	90,4	197,5	355,5	2350,1	1 801,40
Тошкент шаҳри	893	1515,9	2162,2	3753,3	17995,7	14 093,00

ҳудудларда хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилиш динамикаси нобарқарор бўлганлиги кўринади.

Янги Ўзбекистон шароитида миллий иқтисодиётимизда қулай инвестиция муҳитини яратиш, хусусан рақобат муҳити, хусусий мулк дахлсизлиги, молия бозорлари, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини яхшилаш ҳамда суд ҳокимиятининг тўлақонли мустақиллигини таъминлаш тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида асосий қадам хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича шарт-шароитларни яратиш, тўлик ва самарали институционал асосни шакллантириш ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётидаги глобал ўзгаришлар ва барча соҳадаги ривожланиш тенденциялари ҳар бир давлатнинг ўз иқтисодий ривожланишини ташқи иқтисодий фаолиятсиз, унинг ривожланишини эса фаол инвестиция сиёсатсиз таъминлай олмаслигини яхши билган ҳолда ўрта ва узоқ муддатга мўлланганган самарали инвестиция сиёсатини олиб боришга асосий эътибор қаратиши зарурлигини тақозо этмоқда. Шунга мувофиқ равишда сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам

<sup>1</sup> www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2015–2020 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ташки иқтисодий фаолиятга уйғун тарздаги фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ва уни янада такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қулай инвестиция муҳитини шакллантирмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмайдди. Шу мақсадда Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш жараёнини фаоллаштириш учун реал шарт-шароит яратиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Инвестицион фаолиятнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибadorлигини таъминлаш жараёни инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг маълум шаклига устуворлик беришни талаб этади. Инвестицион имтиёзлар, унинг натижалари, инвестиция муҳитининг жалб этилаётган инвестиция ҳажмига таъсири каби қатор ҳолатлар инвестицион фаолиятни амалга оширишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар шаклига устуворлик бериш заруриятини юзага келтиради. Бу борада мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган долзарб вазифалар хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича тўхталиб ўтган эди: «... инвестиция сиёсатини юритишда давлат иштирокчини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш керак. Геология соҳасида жорий йилда 21 та кон ва истикболли майдонлар очик аукцион орқали инвесторларга сотилди. 2021 йилдаяна 50 та кон ва истикболли майдонлар маҳаллий ва чет эллик инвесторларга очик механизмлар асосида сотилади. Бундай ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттиришимиз керак»<sup>1</sup>.

Жаҳон Банки тадқиқотларига кўра, бир қатор давлатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ошиши (айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида), илмий-тадқиқотларга сармояларнинг кўпайиши ҳамда юқори маошли ва барқарор иш ўринларининг яратилиши орқали иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатган. Масалан, хизмат кўрсатиш соҳасига хорижий инвестицияларнинг кириб келиши Чехияда 3 йилдан сўнг меҳнат унумдорлигини 43,6 фоизга ва сотиш ҳажмини 33 фоизга оширган бўлса, Индонезияда меҳнат унумдорлигини 13,5 фоизга, иш билан бандликни 24 фоизга, иш ҳақини

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasining Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev 2020-yil 29-dekabrda Oliy Majlisga Murojaatnomasi. <https://review.uz/oz/post/poslanieprezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisi>

41 фоизга ва хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг экспортдаги улушини 13,9 фоизга ўсишига хизмат қилган. Шунингдек, кўплаб давлатлар, шу жумладан, ривожланаётган давлатлар амалиёти, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг кўпайиши технологияларнинг кириб келиши орқали ялпи унумдорликни ошириш ва миллий иқтисодиётимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар орғиб бориши орқали иқтисодий салоҳиятни тиклашга хизмат қилишини намоён этмоқда.

3.9 - жадвал

Ўзбекистон ҳудудларида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони ва динамикаси<sup>1</sup>

Худудлар номи	Йиллар					
	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Республика бўйича жами	4 804	5 008	5 517	7 560	10 382	11227
Қорақалпоғистон Республикаси	50	67	76	121	155	168
Андижон вилояти	121	154	172	222	299	359
Бухоро вилояти	79	81	91	156	274	310
Жиззах вилояти	69	70	82	121	181	214
Қашқадарё вилояти	44	46	54	85	192	225
Навоний вилояти	58	62	60	109	209	243
Наманган вилояти	82	87	103	138	220	265
Самарқанд вилояти	240	246	280	396	508	602
Сурхондарё вилояти	58	56	57	172	350	458
Сирдарё вилояти	63	68	85	109	157	184
Тошкент вилояти	516	538	583	851	1 153	1 335
Фарғона вилояти	145	154	199	281	415	465
Хоразм вилояти	29	36	51	71	140	185
Тошкент шаҳри	3250	3343	3624	4728	6 129	7 226

Таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан ҳам кўриниб турибдики, республикаимизда ва унинг ҳудудларида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони яратилаётган қулай инвестиция муҳити ва жозибадорлиги ривожланиши натижасида йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ишлаб чиқариш жараёнида трансчегаравий аҳамият касб этиши ишлаб чиқариш омилларини мақсадли ривожлантиришнинг комплекс характерини ифодалайди.

Мамлакатимизда жалб этилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун кафолатлар яратиш

<sup>1</sup> www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2015–2020 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш талаб этди.

Миллий иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми алоҳида ҳудудлар бўйича тақсимланиш ҳолати ва ундаги динамик ўзгаришлар таҳлил қилинганда, ҳудудий тафовутлар ва номуносибликлар мавжудлигини кўриш мумкин. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш, шунингдек, ташқи молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва манбаларини диверсификациялаш, хорижий инвесторлар учун мамлакатнинг жозибadorлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:

2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини олиш, шунингдек, ўтказилган танлов натижаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини олиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг суверен облигацияларини эмиссия қилиш учун молиявий маслаҳатчи сифатида «J.P. Morgan Chase» бошчилигидаги банклар консорциумини тайинлаш бўйича таклифларига розилик берилди:

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигига «J.P. Morgan Chase» бошчилигидаги банклар консорциуми, шунингдек, танлов натижаларига кўра тегишли халқаро компаниялар билан Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини олиш, суверен облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш жараёнида консултацион ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳақида ҳамда рейтинг агентликлари билан Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини олиш учун тегишли битимларни имзолаш ваколати берилди.

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида биринчи марта, яъни 2019 йил 14 февраль куни 5 йиллик 500 миллион АҚШ долларлик евробондларни 4,75 фоиздан, 10 йиллик 500 миллион АҚШ долларлик евробондларни эса 5,375 фоиздан жойлаштирди. Унда қайд қилинишича, қарз облигацияларини ёпиш муддати тегишлича 2024 ва 2029 йилларнинг февраль ойи белгиланди.

Облигацияларни харид қилишга тахминан 150 институционал инвесторлардан 3,8 миллиард долларлик таклиф келиб тушди. Жўғрофий нуқтаи назардан, харид қилинган 5 йиллик ва 10 йиллик облигацияларнинг катта қисми Буюк Британия инвесторлари (тегишлича 39 фоиз ва 32 фоиз), америкалик инвесторлар эса 23 ва 31 фоиз облигацияларни харид қилди. Европалик инвесторлар 32 фоиз ва 27 фоиз, Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари инвесторлари эса 6 ва 10 фоизни таш-

кил қилди. Евробондларнинг аксариятини 75 фоиз ва 78 фоизини бошқарув фондлари, 20 фоиз ва 16 фоизини суғурта компаниялари ва пенсия фондлари, 5 фоиз ва 6 фоизини банклар харид қилди.<sup>1</sup>

Евробондларнинг биринчи чиқарилиши муваффақиятли амалга оширилиб, инвесторларнинг Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг бориши ва қарзларни бошқариш стратегиясига бўлган ишончини акс эттирди. Республикамизнинг миллий молия бозори ва глобал молия бозоридан капитал жалб қилишда ўзаро боғлиқлик мавжудлигини ҳам алоҳида қайд этишимиз лозим. Миллий иқтисодиётимизга узоқ муддатли евробондлар жойлаштириш орқали капитал жалб қилинадиган бўлса, маблағлар стратегик муҳим лойиҳаларга йўналтирилиши лозим.

3.10 - жа д в а л

Евробондларнинг чиқарилиши ва жойлаштирилиши<sup>2</sup>

Эмитент	Ўзбекистон Республикаси номидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	
Рейтинг даражаси	BB-	
Глобал координатор	JP Morgan Chase	
Bookrunner агентлари	Citigroup, Gazprombank, JP Morgan	
Сўндириш муддати	20 февраль 2024 ( 5-йиллик)	20 февраль 2029 (10 йиллик)
Чиқарилган қимматли қоғозлар қиймати	500 млн АҚШ доллар	500 млн АҚШ доллар
Купон ставка	4.750%	5.375%
Бенчмарк спреди	+222 bps	+266.4 bps
Қайта таклиф қилинган нарх	100%	100%
Қайта таклиф қилинган даромадлилиги	4.750%	5.375%

Юқоридаги таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, республикамизда инвестиция фаолиятини молиялаштиришда йирик корхоналар акцияларини маҳаллий ва хорижлик инвесторларга халқаро «bookrunner» компаниялари билан синдикатлашган ҳолда очик бозорларда оммавий сотишни жорий этиш орқали кенгайтириш зарур.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда тижорат банклари томонидан ҳам еврооблигацияларни жойлаштириш жадал равишда амалга оширилмоқда. Хусусан, «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки Республикамиздаги корпоратив эмитентлар орасида биринчи бўлиб облигацияларни миллий валютада ёпиқ обуна усулида халқаро капитал бозорига муваффақиятли тарзда чиқариш ва жойлаштиришга эришди.

2021 йилнинг 16 апрел куни Ипотека-банкнинг 3 йиллик 785 миллиард сўм (75 миллион АҚШ доллари эквиваленти) миқдордаги еврооблигация-

<sup>1</sup> <https://telegra.ph/The-Republic-of-Uzbekistan-inaugural-US1bn-Dual-Tranche-144-aReg-S-Bond-Offering-02-14> маълумотлари асосида тайёрланди.

<sup>2</sup> Ўша манба.



лари халқаро Вена фонд биржасида йиллик 16% (16,5% эффектив) купон ставкаси асосида муваффақиятли жойлаштиришга эришилди. Халқаро облигацияларнинг миллий валютадаги дебют эмиссияси халқаро миқёсда тан олинган J. P. Morgan (АҚШ) андеррайтинг банки ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилди.

Инвестиция жараёнларини молиялаштириш макро кўламда ресурс салоҳиятининг ички тузилмавий элементларига асосланади. Инвестиция жараёнининг ўзи эса инвестиция харажатлари, асосий ва жорий активларга инвестицияланган капитал қиймати ўсиши ёки ушбу капитал қиймати ўсишининг молиявий мазмуни олинган даромад билан белгиланади. Умуман инвестицион фаолликнинг самарадорлиги нафақат молиявий, балки иқтисодий ёки ижтимоий тавсифдаги самарадорлик билан ҳам белгиланади.

Иқтисодиёт трансформацияси ва халқаро интеграциялашуви, иқтисодиётда таркибий ва тузилмавий ўзгаришлар тобора кучайиб борган сари янги хўжалик субъектларининг пайдо бўлиши, уларнинг ва мавжудларининг кучли рақобат ва турли омиллари таъсири юқори бўлган шароитда яшаб қолиши ва ривожланиши тобора мураккаблашиб бораверади. Бу ҳолат инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга нисбатан бўлган талаб ва масъулиятни ҳам янада оширишга олиб келади, ўз навбатида, янгидан-янги усулларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга қаратилган хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий мақсади сифатида қуйидагиларни белгилаш зарур:

- мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашиш;
- иқтисодий суверенитетни таъминлаш ва иқтисодий устунликлардан имкон қадар самарали фойдаланишга эришиш.

Бу масалаларни ечиш учун катта миқдорда ички ва ташқи инвестициялар жалб этишда, айнан капитал бозоридаги рақобатбардошлик ёки инвестицион рақобатбардошлик, мамлакатнинг инвестицион таъминланганлик даражасини аниқлаш ва инновацион ривожланиш босқичига ўтиш имкониятларини белгилаш муҳимдир. Капитал импорти ва экспортини давлат томонидан мувофиқлаштиришда нафақат инвестицион ресурслар ва миллий ишлаб чиқариш салоҳияти ўртасидаги боғлиқликка кўпроқ эътибор қаратилиши лозим; Бундай шароитда давлат томонидан айнан жаҳон бозорида миллий бизнеснинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган халқаро капитал шакли оқимининг ўсишига шарт-шароит яратилиши керак.

Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон жадал иқтисодий ўзгаришларни бошдан кечирди ва халқаро ҳамжамиятда бизнес ва инвестициялар учун турли хил тўсиқларини бартараф этишда очиқлик, янгиланиш ва қатъиятлилиқ рамзларидан бири сифатида тобора кўпроқ намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни самарали ижро этилиши учун инвесторлар билан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, ҳокимликлар, хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва тижорат банклари раҳбарлари ўринбосарларидан иборат бўлган давлат ҳокимият органлари ҳамкорлигининг 4 босқичли механизми муваффақиятли йўлга қўйилган. Ушбу механизм инвесторларнинг барча сўровларига тезкор жавоб қайтариш ва қонунда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишининг самардорлигини талаб даражасида назорат қилиш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг кўмаги билан тузилган, Республикада фаолият юритаётган инвесторлар билан бевосита мулоқотни таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг ролини таъкидлаш ўринлидир.

Шу билан бирга, жаҳон амалиёти ва тажрибаси шуни кўрсатадики, бизнеснинг инвестиция ва инновацион фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоларни энди оддий воситалар билан, яъни имтиёзлар бериш ёки янги декларатив меъёрларни нашр этиш билан ҳал қилишнинг имкони йўқ.

Хусусий инвестицияларни фаоллаштириш учун тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш талаб этилади. Бизнес билан доимий мулоқот, муайян секторларнинг ривожланишига қаршилиқ қиладиган тўсиқларни аниқлаш ва енгиб ўтиш бўйича астойдил иш олиб бориш керак. Шу муносабат билан қуйидаги йўналишлар бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

*Биринчидан*, иқтисодий ўсишнинг бир маромдаги юқори ва барқарор суръатларини сақлаб қолиш учун мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва рақобатбардош, банк тизими активларининг катта қисми хусусий инвесторлар қўлида бўлган моделини шакллантириш зарур.

*Иккинчидан*, инвестициявий жозибадорликни ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири бўлган инфратузилмага йўналтирилган инвестицияларининг жадал ўсишини таъминлаш мақсадида давлат-хусусий шериклик ва лойиҳаларни молиялаштириш воситаларини ривожлантириш орқали инвестициявий фаолиятни фаол рағбатлантирилмоқда.

*Учинчидан*, рақамлаштириш ва давлат хизматларини масофавий тақдим этиш орқали инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бю-

рократик тўсиқлар ва чекловларни тўлиқ бартараф этиш учун инвесторлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар оптималлаштирилмоқда. Шаффофликни максимал даражада таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш учун хорижий инвесторларнинг мурожаатлари ва сўровлари билан ишлашни ташкил этиш сифати яхшиланмоқда.

*Тўртинчидан*, иш кучи ва капитал иқтисодиётнинг қонуний секторларидан яширин иқтисодиётга оқиб кетишига олиб келадиган транзакция харажатларининг камайиши кузатилмоқда.

*Бешинчидан*, келгусида технологик ютуқларга эришиш нуқтасига айланиши ва кейинги 20-30 йил давомида мамлакат ишлаб чиқариш қувватларининг ривожланиши учун замин яратиши мумкин бўлган Ўзбекистоннинг энг истиқболли соҳаларига йўналтирилган инвестиция сиёсати стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича йирик хорижий инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Банк тизими ва унинг барқарорлиги нималарга боғлиқ?
2. Банк маблағлари қайси манбалар ҳисобига шакллантирилади?
3. Банк активлари тузулмаси ва унинг сифат кўрсаткичлари нималарда ўз аксини топади?
4. Банк тизимининг иқтисодиётдаги ўрни банкларнинг қайси операциялари билан баҳоланади?
5. Валюта муносабатлари давлат ва бозор томонидан қандай тартибга солинади?
6. Валюта сиёсати деганда нима тушунилади?
7. Валюта сиёсатининг қандай шакллари мавжуд?
8. Девиз сиёсати деганда нима тушунилади?
9. Валюта заҳираларининг диверсификацияси нима?
10. Мустақилликнинг ilk йилларида миллий пул-кредит тизимини шакллантириш ва миллий валютани жорий этиш заруратини изоҳлаб беринг.
11. Миллий валютани жорий халқаро операциялар бўйича конвертация қилинишига эришиш Ўзбекистон учун қандай имкониятларни яратиб берди?
12. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўрта муддатли истиқболдаги стратегик мақсадлари қайси йўналишларни ўзида ифода этади?

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларига тўғри таъриф берилган қаторни топинг.**

А. Чет эллик инвесторнинг ҳукумат кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялар

Б. Инвестицияларнинг амалга оширилишини буюртмаларни бажарувчи сифатида ёки инвесторнинг топшириғи асосида таъминлайдиган инвестиция фаолияти субъекти

С. Чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар

Д. Инвестициялардан олинган, тадбиркорлик фаолияти ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган ҳар қандай даромад, шу жумладан фойда, фойзалар, дивидендлар, роялти, лицензия ва воситачилик ҳақлари, техник ёрдам, техник хизматлар учун тўловлар ва ҳақларнинг бошқа турлари

**2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқимлари ... барпо этилишига замин яратди.**

А. Ўзбекистон иқтисодиётида қўшма корхоналарнинг барпо этилишига асос солди ҳамда хорижий ва қўшма корхоналарнинг

Б. Ўзбекистон иқтисодиётида қўшма корхоналарнинг ривожлантиришга асос солди ҳамда хорижий ва қўшма корхоналарнинг

С. Ўзбекистон иқтисодиётида маҳаллий корхоналарнинг барпо этилишига асос солди ҳамда хорижий ва қўшма корхоналарнинг

Д. Қўшма корхоналарнинг барпо этилишига асос солди ҳамда хорижий ва қўшма корхоналарнинг

**3. Молиявий инвестициялар – бу ... .**

А. Инвестициялар бўйича даромадлар кўринишида олинган ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун йўналтирилган маблағлар; инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойда (даромадни) муомалага киритиш (қайта инвестициялаш)

Б. Мулкка эгаллик қилиш ва мулкдан даромад олиш билан боғлиқ бўлган акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар орқали қўйилмалар киритиш

С. Инвестиция ва инновация харажатларини молиялаштириш учун инвестицион солиқ кредити ва мақсадли солиқ имтиёзи кўринишида белгиланган имтиёз, енгиллик

Д. Хўжалик субъектининг операцион фаолиятини амалга ошириш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиши билан боғлиқ активларни яратишга сарфланган капитал

4. «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги янги қонун қачон қабул қилинди?

А. 2019 йил 25 декабрда

С. 2019 йил 20 декабрда

Б. 2018 йил 20 декабрда

Д. 2019 йил 15 декабрда

5. Хорижий портфел инвестициялари қуйидагиларни ўз ичига олади ...

А. Хорижий инвесторларнинг инвестиция қилинган маблағлар учун максимум даромад олиш мақсадида энг даромадли корхоналар қимматли қоғозларига, шунингдек, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга инвестиция киритиш

Б. Чет эл сармоясини мамлакат ҳудудида тадбиркорлик фаолияти объектларига, шу жумладан, пул, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк, мол-мулк ҳуқуқларига, пул баҳосига эга бўлган, шунингдек, фойда олиш учун хизматлар ва маълумотларга инвестиция қилиш

С. Инвесторларни рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш, мамлакат ҳудудида инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, лозим бўлса, ички инвесторлар манфаатларини, биринчи навбатда, юзага чиқариш ва уларни ҳимоялаш

Д. Хорижий корхоналарнинг сотиш ёки сотиб олиш, хорижий филиаллар фаолиятини молиялаштириш, ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш, уни назорат қилиш ҳуқуқини берувчи хорижий корхонанинг акцияларини сотиб олиш, фойдани қайта инвестициялаш

6. Хорижий инвестиция лойиҳасига тўғри таъриф келтирилган қаторни топинг.

А. Қонунчиликда назарда тутилган стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган лойиҳа – смета ҳужжатларини ўз ичига олган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш ҳажми ва муддатларининг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини асослаш

Б. Чет эл сармоясини мамлакат ҳудудида тадбиркорлик фаолияти объектларига, пул баҳосига эга бўлган, шунингдек, фойда олиш учун хизматлар ва маълумотларга инвестиция қилиш

С. Хорижий корхоналарни сотиш ёки сотиб олиш, хорижий филиаллар фаолиятини молиялаштириш, уни назорат қилиш ҳуқуқини берувчи хорижий корхонанинг акцияларини ёки акцияларини сотиб олиш, фойдани қайта инвестициялаш

Д. Хорижий корхоналарни сотиш ёки сотиб олиш, уни назорат қилиш ҳуқуқини берувчи хорижий корхонанинг акцияларини ёки акцияларини сотиб олиш

7. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатига олиш тартиби қайси орган томонидан амалга оширилади

- А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- Б. Олий мажлис
- С. Марказий банк
- Д. Ташки савдо ва инвестициялар вазирлиги

**8. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш сабабларини кўрсатинг.**

- А. Ички, ташқи, стратегик
- Б. Ички, ташқи
- С. Ички, ташқи, иқтисодий
- Д. Ички, ташқи, ижтимоий

**9. Инвестиция муҳитини яхшилаш деганда нима тушунлади ёки унинг мақсади нима?**

- А. Иқтисодий ўсиш учун шароит яратиш
- Б. Фойдани тақсимлаш
- С. Инвестиция муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар таъсирини кучайтириш
- Д. Белгиланган мақсадларга эришишни таъминлаш

**10. «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги янги қонунга асосан чет эл инвестициялари – бу ... .**

- А. Асосан келгусида фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхона ва ташкилотларга киритилган чет эл капитали
- Б. Хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндиси
- С. Инвестиция муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар таъсирини кучайтириш
- Д. Хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндиси.

**11. Қўшимча захира «капитални консервация қилувчи буфер»ни ташкил этишдан мақсад?**

- А. Молиявий ва иқтисодий стресслар шароитида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни молиялаштириш учун манба
- Б. Молиявий стресслар шароитида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни кредитлаш учун манба
- С. Банкнинг биринчи даражали асосий капиталини ошириш учун
- Д. Банкнинг ликвидлигини ошириш ва банк капитали сифатини яхшилаш учун

**12. Секюритизацияда ... .**

- А. Банк даромадли активларнинг бир қисмини ипотека ва истеъмол ссудаларига жойлаштиради ва улар остида қимматли қоғозлар эмиссия қилиб сотади

- Б. Банк харажатлари бир қисмини ипотека ва истеъмол ссудаларига жойлаштиради ва улар остида қимматли қоғозлар эмиссия қилиб сотади
- С. Банк активларини лойиҳаларни инвестициялашга йўналтиради
- Д. Банк активларини арбитраж операцияларида қўллайди

**13. Рейтинг – бу:**

- А. Фақат муайян объект тўғрисидаги натижавий баҳо бўлиб, қарор қабул қилиш бўйича ғоят муҳим восита ҳисобланади
- Б. Фақат муайян субъект тўғрисидаги натижавий баҳо бўлиб, қарор қабул қилиш бўйича ғоят муҳим восита ҳисобланади
- С. Муайян объект ва субъект тўғрисидаги натижавий баҳо бўлиб, қарор қабул қилиш бўйича ғоят муҳим восита ҳисобланади
- Д. Фақат бизнес соҳасига баҳо бериш воситасидир

**14. Кредит сиёсатининг асосий мақсади – бу:**

- А. Иш жараёнида ишончли ва аниқ кетма-кетликни аниқлаш
- Б. Самарали кредит бериш
- С. Фойда олиш
- Д. Ликвидликни аниқлаш.

**15. Давлат сиёсатининг асосий мақсади нимадан иборат?**

- А. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши, инвестицион муҳитни шакллантириш, иш билан бандликни ошириш, мароиктисодий мувозанатни сақлаш
- Б. Фоиз сиёсатини тартибга солиш, инвестицион муҳитни шакллантириш
- С. Дисконт сиёсатини бошқариб бориш, мароиктисодий мувозанатни сақлаш
- Д. Инвестицион муҳитни шакллантириш, иш билан бандликни ошириш

**16. Капиталнинг монандлик коэффицентининг нормативи –бу ... .**

- А. Капитални таъминланиш меъёри
- Б. Капитални ошириш меъёри
- С. Капиталнинг етарлилик ва таъминлаш коэффиценти меъёри
- Д. Устав капитални тартибга солиш меъёри

**17. Тижорат банки ликвидлиги – бу ... .**

- А. Кассада нақд пулга эгаллиги
- Б. Хорижий валютага эга эканлиги
- С. Кредит бериш қобилияти
- Д. Ўз мажбуриятларини вақтида бажара олиш қобилияти

**18. Кредит нима?**

- А. Кредит иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир
- Б. Ссуда капитали ҳаракатининг кўриниши

С. Вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб қилиш ва тарқатиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар

Д. Пул ўрнини қопловчи махсус тўлов воситаси

**19. Банкларнинг ўз активларини қисқа муддат ичида пулга айланиб ўз мажбуриятларини бажара олиш қобилияти бу – ... .**

А. Кредит портфели

С. Тўлов баланси

Б. Банк ликвидлиги

Д. Касса салдоси

**20. Кредит рискинни баҳолаш нимага қаратилади?**

А. Кредит олувчининг кредит қобилияти билан боғлиқ жараён

Б. Кредит рискинни оширишга

С. Кредит хатарини камайтиришга

Д. Инвестицион рискинни баҳолашга







## **IV БОБ**

### **МАМЛАКАТДА ФИСКАЛ СОҶАДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҶОТЛАР ВА БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

#### **4.1. БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИСЛОҶОТЛАР**

Мамлакат миқёсида яратилган ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш жараёнида молиявий инструментларнинг кенг арсенали иштирок этиб, солиқлар давлат ихтиёрида шакллантириладиган марказлаштирилган фондлар молиявий ресурсларини шакллантириш инструменти ҳисобланади. Солиқлар миллий даромадни асосий тақсимловчи категориялардан бири сифатида ижтимоий манфаатларнинг молиявий асосини ўзида ифодаловчи давлат бюджети даромадларини шакллантириш инструменти ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ўзининг ички ва ташқи вазифаларини, ҳар хил ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларнинг асосий қисмини солиқлар орқали тўплайди. Жумладан, солиқлар республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиради, давлат ижтимоий дастурлари учун молиявий негиз яратади, солиқ тўловчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошқаради, уларнинг табиий ресурслардан унумли фойдаланишга бўлган интилишини ва инвестицион фаоллигини рағбатлантиради, нарх белгилашга таъсир кўрсатади, аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиб туради. Имтиёзлар ёрдамида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этишга ёрдам беради ва ҳоказо. Шунинг учун солиқлар орқали шаклланган маблағларнинг энг кам миқдори давлат вазифаси бажарилишига тегишли энг кам харажат ҳажми билан боғлиқ бўлади ва шу ҳажм билан чегараланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислоҳотларга тўхталиб, 2018 йилги солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича қуйидагиларни айтиб ўтган эдилар: « 2018 йилда солиқ сиёсатини амалга оширишда кескин чора-тадбирлардан воз кечамиз. Чунки ислоҳотлар даврида давлат ти-

зимининг узлуксиз фаолият кўрсатиши учун бюджет барқарорлиги сув билан ҳаводек зарур ... энг муҳими солиқ тизими узок муддат давомида аниқ ва тушунарли бўлиши керак, солиқ тизимида пухта ўйланган узок муддатга мўлжалланган сиёсатни амалга ошириш лозим»<sup>1</sup>.

Президентимизнинг ушбу фикрларида солиқ сиёсати бюджет барқарорлигини таъминлаш билан бирга, солиқ тўловчилар учун содда ва қулай бўлган солиқ тизимини шакллантиришга йўналтирилиши лозимлигига алоҳида урғу берилган.

Ўзбекистон Республикасида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича *Ҳаракатлар стратегияси* асосида амалга оширилаётган ислохотларда «Солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш»<sup>2</sup> ҳамда «Аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш» бўйича устувор йўналишлар асосида Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинган. Ушбу концепцияда «... солиқ тўловчилар томонидан ходимларнинг реал сонини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан яширишга олиб келувчи меҳнатга ҳақ тўлаш фонди солиқ ставкаларининг юқорилиги»<sup>3</sup> эътироф этилган. Натижада, 2019 йилдан иш ҳақи фондидан кўп босқичли солиққа тортиш тизимини қисқартириш ва янги тартибни киритиш билан боғлиқ ислохотларнинг амалга оширилиши, шунингдек, «фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши керак»<sup>4</sup>лиги кўзда тутилган эди.

Давлат фаолиятининг барча йўналишларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаларидан бири ва давлат устуворлигини амалга оширишнинг иқтисодий воситаси солиқлардир (4.1-жадвал).

Билвосита солиқлар тушумининг асосий қисми (75,1 фоиз) ҚҚС ва акциз солиғи тушумларининг ортиши ҳисобига таъминланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 22 декабр, 2017 йил.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, 1-илова.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон Фармони. Тошкент шаҳри, 2018 йил 29 июнь.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 28 декабр, 2018 йил.

2016–2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети солиқли даромадларининг асосий кўрсаткичлари<sup>2</sup>

Кўрсаткичлар	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил	
	млрд. сўм	фоизда	млрд. сўм	фоизда	млрд. сўм	фоизда	млрд. сўм	фоизда	млрд. сўм	фоизда
Давлат мақсадли жамғармалар даромадларисиз – жами	40505,8	100	44469,6	100	62229,5	100	102627,6	100	128460	100
Бевосита солиқлар	9338,5	23,0	10674,2	24,0	12805,4	20,6	29125,5	28,4	40719,1	31,7
Фойда солиғи	1266	3,1	1291,1	2,9	2510,9	4,0	15 980,0	15,6	22051,1	17,16
Ягона солиқ тўлови (2020 йилдан АОС)	1237,9	3,1	1622,8	3,6	2110,5	3,4	1192,1	1,2	2599,9	2,02
Даромад солиғи	4040,4	10,0	4476,1	10,1	5198,8	8,4	11 367,4	11,1	16068,0	12,5
Қаъий белгиланган солиқ	742,5	1,8	831,7	1,9	1077,6	1,7	586,0	0,6	0,1	
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	668,5	1,7	839,3	1,9	–	–	–	–	–	–
Билвосита солиқлар	22298,1	55,1	24285,4	54,6	33404,3	53,7	47 029,8	45,8	58244,2	45,3
ҚҚС	12505	30,8	13422,1	30,2	22019,4	35,4	35 993,5	35,1	44193,2	34,4
Акциз солиғи	6480	16,0	6870,8	15,5	8343,8	13,4	9 017,5	8,8	11339,0	8,8
Божхона бождари	1717,4	4,2	1632,2	3,7	1415,3	2,3	2 018,8	2,0	2712,0	2,1
Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ	1595,7	4,0	1940,3	4,3	1323,2	2,1	–	–	–	–
Мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари	5806,5	14,3	6049,5	13,7	9714,5	15,6	16 906,0	16,5	20690,4	16,1
Мол мулк солиғи	1874	4,6	1988,8	4,5	2158,9	3,5	1851,1	1,8	2410,3	1,8
Ер солиғи	873,5	2,1	1102,5	2,5	1266,6	2,0	1834,3	1,8	2315,8	1,8
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	2874,6	7,1	2746,3	6,2	6203,1	10,0	12 952,1	12,6	15616,6	12,1
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	184,4	0,5	211,9	0,5	85,9	0,1	268,5	0,3	347,7	0,3
Қўшимча фойда солиғи	390,2	1,0	723,2	1,6	1367,7	2,2	130,0	0,1	–	–
Бошқа даромадлар	2672,5	6,6	2737,3	6,1	4937,6	7,9	9 436,3	9,2	8806,5	6,8

Бевосита солиқлар – 46,8 трлн сўмни, Давлат бюджети даромадларининг 31,8 фоиз ва ЯИМнинг 6,8 фоизини ташкил этади. Бевосита солиқлар тушуми прогнозида иқтисодийётнинг кутилаётган ўсиш суръати,


<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2015 йилдаги ПҚ-2455, 27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699, 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454, 26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086, 30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555 сонли Қарорлари асосида. Расмий веб сайт: <https://www.mf.uz>

янги корхоналарнинг ишга туширилиши, иш ҳақи миқдорининг ошиши, шунингдек, узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича имтиёзларнинг бекор қилиниши инобатга олинган.

Иқтисодий эркинлаштириш орқали давлат зиммасидаги бир қатор ваколатлар ва вазифаларнинг қуйи бўғинларига, яъни ўз-ўзини бошқаришга асосланган ҳокимият бўғинларига ўтказилиши, давлатнинг тегишли органлари томонидан жамият аъзоларига кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг айрим турлари бўйича муқобил тарзда давлат органлари билан бирга ушбу хизматларни амалга оширувчи субъектларнинг юзага келиши, қолаверса, корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли томонидан бундай хизматларнинг баъзиларини уларнинг ўзлари томонидан молиялаштириш ташаббусларининг билдирилиши охир оқибат нафақат давлат бюджети даромадларини, шунингдек, бюджет харажатларини ҳам эркинлаштиришга, пировардида эса солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкни камайтиришга моддий асос яратилишига олиб келди.

4.1-жадвал ва 4.1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, билвосита солиқлар солиқ тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган солиқлардан ҳисобланади. Билвосита солиқлар корхоналар фаолиятига нейтрал (холис) позициядадир, деган назариядан келиб чиқиб, республикамизда уларни фискал аҳамиятига қараб катта эътибор берилмоқда. Кейинги қарийб 20 йил мобайнида қўшилган қиймат солигининг ставкаси ўзгармасдан 20 фоизни ташкил этди (4.2-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида билвосита солиқлардан яна бири ҳисобланган ва давлат бюджети даромадларида катта улушга



4.1-расм. Давлат бюджети даромадлари структураси.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари. Расмий веб сайт: <https://www.mf.uz>

Қўшилган қиймат солиғи ставкасининг пасайиши (фоизда)

Йиллар	Солиқ ставкаси (%)
1992	30
1993–1994	25
1995	18
1996	17
1997	18
01.01.1998-30.09.2019	20
2019 йил 1 октябрдан шу кунгача (2021)	15

М а н б а: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

эга бўлган акциз солиғи бўйича акциз ости товарлар миқдори камайтирилди. Билвосита солиқларнинг ставкасининг нисбатан пасайтирилиши мамлакатдаги тўлов тизими ва инфляциянинг барқарорлашувига ижобий таъсир этувчи фискал омиллардан бири бўлди. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. (4.3-жадвал)

Давлат бюджети даромадлари таркибида билвосита солиқлар билан биргаликда бевосита солиқларнинг ҳам алоҳида ўрни мавжуддир. Айниқса бунда юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳиссаси юқори даражада бўлмоқда.

Солиқ тизимини такомиллаштириш борасида сўнгги йилларда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда амалга оширила-

4.3 - ж а д в а л

Акциз солиғига тортиладиган товарлар турларининг йиллар бўйича қисқариши ҳақида маълумот<sup>1</sup>

Йиллар	Акцизга тортиладиган товарлар сони
2001	28
2002	27
2003	26
2004	22
2005	22
2006	19
2007	19
2008	13
2010–2021	14

ётган иқтисодий ислохотлар, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, бу жараёнлар солиқ юкини пасайтиришга қаратилганлиги иқтисодий сиёсатнинг бош мақсади ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020–2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сонли Қарорига мувофиқ фойда солиғи ставкаси амалдаги 14 фоиз ўрнига 12 фоиз қилиб белгиланди.

Фойда солиғи ставкаси ва жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган солиқ ставкаларининг босқичма-босқич камайтирилганлиги аҳоли ва ҳуқуқий шахслар ихтиёрида қолувчи маблағлар суммасининг кўпайиши кўринишида кўшимча инвестицион ресурслар юзага келишига сабаб бўлди. (4.4-жадвал)

Иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг моҳияти, солиқ муносабатларидаги аҳамияти, солиқ тизимида ва давлат бюджетининг даромадларидаги салмоғини назарий ва амалий маълумотларга таянган ҳолда таҳлил этиш ва ўрганиш бугунги кун талаби ҳисобланади.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, агар таъсир даражаси ҳам, солиқ юки ҳам юқори бўлса, даромадларни кўпроқ яширишга мойиллик ортади, даромад олишга бўлган қизиқишлар бир мунча сўнади, аксинча, солиқ юки кам бўлса, акс ҳолат юз беради. Шунга кўра, мамлакатимизда жисмоний

4.4 - ж а д в а л

Фойда солиғи ставкасининг пасайиш динамикаси<sup>1</sup> (фоизда)

Йиллар	Солиқ ставкаси (%)
12000	31
2001	26
2002	24
2003	20
2004	18
2005	15
2006	12
2007–2011	10
2012–2013	9
2014	8
2015–2017	7,5
2018 (Фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бирлаштирилиб, солиқ ставкаси амалдаги 15,5 фоиз ўрнига 14 фоиз қилиб белгиланди)	14
2019	12
2020–2021	15

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

шахслардан олинадиган даромад солигининг ставкалари йиллар давомида пасайтирилиб келинди ва 2019 йилда мазкур солиқнинг прогрессив ставкасидан воз кечилди (Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишни такомиллаштириш мақсадида барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ягона ставкаси 12 фоиз миқдорда жорий этилди).

Солиқ ставкаларининг пасайтирилишига қарамай, ишчилар сонининг легаллаштирилиши ва янги иш ўринларининг яратилиши ҳисобига давлат бюджетида даромад солиғи ўзига хос салмоққа эга бўлмоқда. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи нафақат жисмоний шахслар тўлаётган солиқлар ичида, балки барча солиқ турлари орасида бюджет тушумларидан салмоқли ўринни эгаллайдиган солиқ тури ҳисобланади.

Сўнгги йилларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумининг Давлат бюджетги даромадларидаги фоизли улуши камайиб боришини кўриш мумкин, лекин шунга қарамасдан, даромад солигининг суммадаги улуши ортиб бормоқда. 2007 йилда жами даромадларининг 12,2 фоизини, 2008 йилда эса 1108,8 млрд сўмни ташкил этган бўлса-да, лекин бюджетдаги улуши деярли ошмасдан қолган ва 12,6 фоизни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. 2009, 2010, 2011 йилларда даромад солигининг сўмдаги тушуми ўсиш тенденциясига эга бўлса-да, жами бюджет даромадларидаги улуши, аксинча, пасайиб борган.

Уқоридаги расм маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, солиқнинг суммадаги ифодаси ҳар йили ортиш тенденциясига эга. Бу албатта, нархлар дефлятори ва инфляция даражасига боғлиқ кўрсаткичдир. 2012–2017 йиллар оралиғида даромад солигининг тушуми бир маромда камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2017 йилга келиб 9,8 фоизга тушиб қолган. 2018 йилдан эса тушумлар яна кўпайиш тенденциясини ола бошлади. Бюджет тушумларидаги салмоқнинг пасайишини бевосита солиқ ставкаларининг шу даврда пасайганлиги билан боғлаш мумкин.

Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг замонавий тизимини ислох қилиш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун комплекс мақсадлар тизимига эгадир. Солиқ тизимининг элементи сифатида жисмоний шахсларни солиққа тортиш асосий мақсади ва функцияси фискал функция бўлиб, фискал самарадорлик солиқ юкининг оптимал даражасида бюджетга солиқ тушумларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Маълумки, дунёнинг деярли барча мамлакатларида шаклланган солиқ тизимида жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш орқали турли даражадаги

бюджетларнинг даромадларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Солиқ тўловчи жисмоний шахслар сони билан улар томонидан тўланган солиқлар бўйича тушумларни таҳлил қиладиган бўлсак, яна бошқача манзаранинг гувоҳи бўлишимиз мумкин (4.5-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибикки, жами солиқ тушумлари 2012 йилда 3134,8 млрд сўмни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич таҳлил қилинаётган даврларда изчил ўсиш суръатига эга бўлиб, 2019 йилда 13434,9 млрд сўмга, 2020 йилда эса 17987,0 млрд сўмга етган.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича тушумлар жами солиқларда энг юқори кўрсаткични ташкил қилиб, 2012 йилда 2241,8 млрд сўмни, 2020 йилга келиб эса 16068,0 млрд сўмни ташкил қилган. Таҳлил қилинаётган даврларда барча солиқлар бўйича тушумлар деярли 4–5 баробардан кўп миқдорда ортиб борган.

Жисмоний шахслардан мол-мулк солиғи бўйича тушумлар 2012 йилда 273,0 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2020 йилда 889,4 млрд сўмга етган.

Жисмоний шахслардан ундирилган солиқлар бўйича тушумлар миқдорининг ортиб бориши натижасида уларнинг йиллик ўсиш суръатида ҳам хаотик ўзгаришларни кузатишимиз мумкин. 2012 йилга нисбатан 2013 йилда давлат бюджети даромадларининг ўсиш суръати 123,1 фоизни ташкил қилиб, жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқларнинг ушбу даврдаги ўсиш суръати паст даражани, яъни 113,2 фоизни ташкил қилган (2017 – 2018 = 140/125,5).

4.5-жадвал

Жисмоний шахслар томонидан тўланган солиқларнинг таркиби ва динамикаси таҳлили, млрд сўм<sup>1</sup>

№	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Давлат бюджети даромадлари	21295,8	26223,2	31729,6	36184,9	40505,0	44469,6	62229,5	102627,7	128460
2.	Жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқлар	3134,8	3548,6	4300,1	4850,8	5595,7	7024,6	8819,0	13434,9	17987
3.	Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	2241,8	2253,5	2854,1	3285,6	3835,4	4876,5	6422,6	11367,4	6068,0
4.	Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи	273,0	285,6	356,4	382,6	445,1	575,6	708,3	729,1	889,4
5.	Жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи	201,9	220,1	285,4	315,2	402,7	532,1	663,2	752,4	901,1
6.	Тадбиркорлик фаолиятнинг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	418,1	789,4	804,2	867,4	912,5	1042,8	1024,9	586,0	128,5

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



Демак, давлат бюджетига даромадлар тушумининг ўсиш суръатида, юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар бўйича тушумнинг ўсиш суръати юқори бўлаётганлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори билан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдорларидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби бекор қилинди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди билан боғлиқ солиқ юқини камайтириш мақсадида 2019 йил 1 январдан бошлаб:

– ягона ижтимоий тўлов ставкаси барча юридик шахслар учун 12 фоиз миқдорида белгиланган ҳолда амалдаги 15 ва 25 фоизлик ставкалар тегишинча 3 ва 13 фоизли пунктга камайтирилди. Бунда бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитал)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, бошқа юридик шахснинг устав жамғармаси (капитал)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ қисми тегишли бўлган устав жамғармаси (капитал)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўлов миқдори-

4.6-жадвал

Иш ҳақи фондидан ҳисобланадиган  
Ягона ижтимоий тўлов ставкаси  
(Ижтимоий солиқ)нинг пасайиб  
бориши динамикаси

Йиллар	Ягона ижтимоий (Ижтимоий солиқ) тўлов ставкаси
1998	40
1999	40
2000	40
2001	40
2002	40
2003	37,2
2004	33
2005	31
2006	25
2007	24
2010–2017	25
2018	25/12
2019	25/12/12
2020–2021 ижтимоий солиқ	25/12

Маъна: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

нинг амалдаги 25 фоизлик ставкаси сақлаб қолинди;

– фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бекор қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-599-сонли Қонуни (30.12.2019 йил) нинг 4-моддасига асосан, 2020 йил 1 январдан ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови ва қатъий белгиланган солиқ ўрнига тегишинча ижтимоий солиқ, айланмадан олиннадиган солиқ ҳамда қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи киритилди, уларнинг тўловчиларига қонун ҳужжатларида илгари белгилаб қўйилган имтиёзлар ва алоҳида ҳисоблаш тартиби татбиқ этилди (4.6-жадвал).

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-599-сонли Қонуни (30.12.2019 йил) нинг 4-моддасига асосан, 2020 йил 1 январдан ягона солиқ тўлови ўрнига тегишинча айланмадан олинадиган солиқ киритилди (4.7-жадвал).

2018 йил 29 июнда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Бу концепция доирасида 2019 йил 1 январдан солиқ сиёсатида мутлақо янги тизим жорий этилди.

Концепцияда кўзда тутилган йўналишларда 2018 йилданок чора-тадбирлар бошлаб юборилган бўлиб, шу бугунгача солиқ юкини камайтириш йўналишида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Солиқ солишининг соддалаштирилган тартиблари давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишга, солиқ қонунчилигини соддалаштириш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари (ставкаси 8 фоиз) бекор қилинди.

4.7 - ж а д в а л

Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови (айланмадан олинадиган солиқ)нинг ўзгариши<sup>1</sup>

Йиллар	Ягона солиқ тўлови ставкаси
1998 (бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар сақланган ҳолда)	10
1999 (бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар сақланган ҳолда)	10
2000 (бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар сақланган ҳолда)	10
2001 (бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар сақланган ҳолда)	10
2002 (бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар сақланган ҳолда)	10
2003 (бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар сақланган ҳолда)	12
2004 (бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар сақланган ҳолда)	12
2005 йил 1 июлдан бошлаб бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни қамраган ҳолда)	12/13
2006	13
2007	10
2018	5
2019	4
2020–2021 Айланмадан олинадиган солиқ	4

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

Фойда солиғи тўловчиларга солиқ юкини камайтириш, инвестициялар миқдорини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

- тижорат банклари учун фойда солиғи ставкаси 22 фоиздан 20 фоизгача;

- корхона ва ташкилотлар учун 14 фоиздан 12 фоизгача;
- дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлар учун 10 фоиздан 5 фоизгача камайтирилди.

Бу эса солиқ тўловчилар ихтиёрида 582 миллиард сўм маблағ қолдириш имконини берди.

Юридик шахсларнинг айланмаси (тушуми)дан ундириладиган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бекор қилинди. Бу ажратма 15 фоиз рентабеллик билан ишлайдиган корхона учун 21,3 фоизлик фойда солиғи билан тенгдир. Демак, фойда солиғи ставкаси билан бирга умумий солиқ юкининг камайиши қарийб 23,5 фоизни ташкил қилди. Бунинг ҳисобига республика бўйича солиқ тўловчиларнинг кўрадиган фойдаси 5 триллион сўмдан ортиқни ташкил қилди.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган режимидаги солиқ тўловчиларга солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 5 фоиздан 2 фоизгача пасайтирилди. Йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиздан 4 фоизгача камайтирилди.

Йиллик айланмаси 100 миллион сўмгача бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари 13-40 фоизга камайтирилди. Йиллик айланмаси 100 миллион сўмдан юқори ва 1 миллиард сўмгача бўлган яқка тартибдаги тадбиркорларга айланмадан 4 фоизлик ставкада солиқ тўлашга ўтказиш йўли билан қатъий белгиланган солиқ бекор қилинди.

2019 йил 1 январдан бошлаб ўтган йил якунлари бўйича йиллик айланмаси (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилди.

2020 йилда солиқ қонунчилигида қандай ўзгаришлар бўлди?

Солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар доирасида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон қонуни билан Солиқ кодексининг янги таҳрири қабул қилинди.

Янги Солиқ кодекси солиқ қонунчилигини максимал даражада соддалаштириш (солиқ ва йиғим турлари ва миқдорларини оптималлаштириш), қарама-қаршилиқлар ва низоларни бартараф этиш (ҳаволали нормаларнинг ва қонуности ҳужжатларининг чекланиши), ҳалол солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, шунингдек, солиқ назорати механизмларини такомиллаштиришни кўзда тутди.

### **Янги Солиқ кодексининг асосий ҳусусиятлари:**

1. Солиқ имтиёзларини бериш қоидалари қайта кўриб чиқилиб, унга мувофиқ солиқларни тўлашдан тўлиқ озод этиш фақат Солиқ кодекси билан тақдим этилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан солиқ имтиёзлари (ҚҚС, товарлар ишлаб чиқариш (хизматлар) учун акциз солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун (солиқдан ташқари) фақат белгиланган ставкани 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда пасайтириш шаклида, уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши мумкин.

2. Солиқ қарзини солиқ тўловчининг дебиторлари маблағлари ҳисобидан мажбурий ундириш чораси бекор қилинди.

3. Солиқ органларининг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқларни ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун жавобгарлик кучайтирилди. Ортиқча ундирилган солиқ ва молиявий санкциялар ушбу суммаларни ундириш (тўлаш) даврида амалда бўлган Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси асосида ҳисобланган фоизларни ҳисобга олган ҳолда қайтарилади.

4. Солиқ мажбурияти бажарилишини таъминлашнинг мол-мулк гарови, банк кафолати ва кафиллик кўринишидаги янги шакллари ўрнатилди.

5. Солиқ органларига таҳлика-таҳлил тизимига асосланган камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудитини тайинлаш ҳуқуқини берадиган солиқ назоратини ўтказишнинг янги тартиби назарда тутилган.

6. Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш тартиби аниқлаштирилди, шунингдек, жавобгарлик чоралари солиқ ҳуқуқбузарлиги туридан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган бўлди.

7. Солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифалари (йирик солиқ тўловчилар, экспортёрлар, банк кафолати тақдим этган ёки солиқ органлари би-

лан гаров шартномаси тузганлар) учун 7 кун давомида ҚҚСни қайтаришнинг тезлаштирилган тартиби белгиланди.

8. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий дипломатик ва унга тенглаштирилган ваколатхоналарига амалдаги нол ставка ўрнига ҚҚСни қайтариш тизими жорий этилди.

9. Хорижий сайёхлар учун «Tax free» тамойили бўйича ҚҚСни қайтариш тартиби жорий этилмоқда.

10. Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари ва солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларини солиққа тортиш хусусиятлари инобатга олиниб, унда солиқ солиш шартлари, шунингдек, солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби батафсил акс эттирилди.

11. Трансферт нархларнинг шаклланиши ва назорат қилинадиган хорижий компаниялар, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи учун солиқ солишнинг нормалари киритилди (2022 йил 1 январдан қўлланилади).

12. Электрон шаклда хизмат кўрсатувчи хорижий юридик шахсларга солиқ солиш тартиби назарда тутилган.

Ягона ижтимоий тўлов ўрнига ижтимоий солиқ, ягона солиқ тўлови ўрнига айланмадан солиқ, қатъий белгиланган солиқ ўрнига жисмоний шахсларнинг даромадларига, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда илгари берилган имтиёз ва солиқни ҳисоблаш хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда, қатъий белгиланган миқдорда солиқ жорий этилди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар, шунингдек, солиқлар бўйича пасайтирилган ставкалар қуйидаги муддатларда амал қилади:

- 2007 йил 25 декабрдаги қонун билан тасдиқланган Солиқ кодекси билан тақдим этилган ва белгиланган имтиёзлар ва ставкалар 2020 йил 1 апрелгача;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тақдим этилган имтиёзлар ва ставкалар, уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар.

Солиқ кодекси таркибидан давлат божи, товарларнинг айрим турларини (алкоголли ичимликлар) сотиш ҳуқуқи учун йиғимлар бўлимлари чиқарилди, улар «Давлат божи тўғрисида»ги алоҳида қонунда назарда тутилади.

Бир марталик хусусиятдаги махсус тўловлар бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар учун бонуслар (имзоли бонус ва тижоратбон бонус) Солиқ кодексидан «Ер қаъри тўғрисида» ги қонунга ўтказилади.

Солиқ тўловчилар 2020 йил 1 апрелгача 2020 йил учун солиқ солиш мақсадлари учун ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишлари шарт. Солиқ мақсадлари учун ҳисоб-китоб сиёсати солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда ихтиёрий шаклда белгиланади ва раҳбарнинг буйруғи билан тасдиқланади.

Қуйидагилар учун махсус солиқ режимлари бекор қилинди:

- бозорлар учун, уларни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказган ҳолда, 2020 йил 1 январдан бошлаб бозорлар аввалги солиқ тўлаш тартиби (даромаднинг 50 фоизи) ўрнига қуйидагиларни тўлайди:
  - умумдавлат солиқларини (агар реализация ҳажми 2019 йилда 1 миллиард сўмдан ошган бўлса) – юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва 20 фоизли оширилган ставкада фойда солиғини;
  - айланмадан солиқни (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд сўмдан кам бўлганда), шунингдек, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни;
- концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун, уларга жисмоний шахслардан даромад солиғини тўлашни киритган ҳолда. Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун айланмадан солиқ (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд сўмдан кам бўлганда) ёки умумбелгиланган тартибда тўланадиган солиқлар (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд сўмдан ошганда) киритилади. Шу билан бирга, ушбу фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун олинадиган давлат божининг миқдори деярли 4 барабар камайтирилди;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун, уларни умумбелгиланган солиқ тўлашга ёки айланмадан солиқ тўлашга ўтказиш билан. Шу билан бирга, ушбу тоифадаги солиқ тўловчилар учун фойда солигининг ноль ставкаси белгиланади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун ишлатиладиган мол-мулк қисми бўйича мол-мулк солиғидан ва томчилатиб суғориш тизими жорий этилган ерлар учун ер солиғидан имтиёзлар сақлаб қолинди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун декларация асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашни ёки 2020 йилдан бошлаб ўртача 25 фоизгача пасайтириладиган қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни танлаш ҳуқуқи берилди.

## 4.2. БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ – ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МОЛИЯВИЙ ИФОДАСИ СИФАТИДА

Давлат бюджети харажатларининг асосий мақсади давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан иқтисодиётни бошқариш, ижтимоий соҳани тартибга солиш, илмий-техник тараққиётни рағбатлантириш, мудофаа қобилиятини ва қонунчилик тизимини мустаҳкамлашни таъминлашга оид ўз фаолияти давомида бюджет маблағларидан фойдаланишида намоён бўлади. Шунга мувофиқ давлат бюджети харажатлари таркибий ўзгариш динамикасига қараб давлатнинг миллий иқтисодиётда амалга ошираётган ислохотлар кўламига баҳо бериш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Парламентга йўллаган мурожаатида бюджет тизимини қайта кўриб чиқиш, бюджет даромадлари ва харажатларининг ошкоралигини таъминлаш, бюджет соҳасида қарорлар қабул қилишда аҳолининг манфаатларига алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланган эди.<sup>1</sup>

Давлат молияси тизимидаги ислохотларнинг стратегик йўналишини ўзида мужассамлаштирувчи ушбу масалалар давлат молияси ва хусусан, давлат бюджети даромад ва харажатлари механизмини янада такомиллаштиришда устувор аҳамият касб этди.

Қисқа тарихий давр мобайнида, яъни 2017–2021 йиллар Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган ислохотларнинг концептуал асослари қуйидагиларда ўз ифодасини топди:

1. Давлат бюджети харажатлари таркибидаги юқори улushга эга бўлган ижтимоий соҳа харажатлари манзилли ва мақсадли сарфланишини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлиги ва реал даромадларини оширишда бюджет харажатларининг аҳамиятини ошириш долзарб масалалар сифатида белгиланди.

2. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини шакллантиришнинг амалдаги механизмлари самарадорлигини оширишга қаратилган ислохотларда ҳудудий ривожланишнинг барча муаммоли масалаларини қамраб олиш имконини берадиган бюджет жараёнини такомиллаштириш бўйича ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Давлат бюджетидан кишлоқ жойлардаги муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини та-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 22 декабрь, 2017 йил.

комиллаштириш, шу жумладан, қишлоқларнинг ичимлик суви билан таъминлаш ва қишлоқ йўлларини қуриш учун етарлича маблағ ажратиш механизмини ишлаб чиқиш, уни ҳаётга жорий этиш бўйича 2018 йилдан бошлаб тизимли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

3. Давлат бюджетини режалаштириш жараёнида унинг харажатларини тақсимлашдаги ҳаддан ташқари юқори даражадаги марказлашуви туфайли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий бошқарув органларининг шахсий масъулият ҳиссини ошириш мақсадида уларнинг ваколатларини ошириш бўйича ислоҳотлар олиб борилмоқда. Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва харажатларини сарфлаш соҳасида ижро этувчи бошқарув органлари раҳбарларининг аҳоли ва халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлигини ошириш ва партисипатив бюджетлаштириш механизмининг жорий қилиниши натижасида давлат ва маҳаллий бюджет харажатларининг социал ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларида сифат жиҳатидан сезиларли ўсиш кузатилмоқда.

4. Давлат бюджети харажатларини режалаштиришда ўрта муддатли фискал сиёсат стратегияларига асосланган ҳолда режалаштириш тизими жорий қилинди.

Ўрта муддатли фискал сиёсат юритиш амалиётига асосланган бюджетлаштиришга ўтиш ўрта истиқболда бюджет даромадлари ва харажатларини ўзида мужассамлаштирувчи фискал сиёсатининг асосий йўналишларини аниқлаштиришни кўзда тутди. Ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган фискал сиёсатнинг асосий йўналишларини ўз ичида мужассамлаштирувчи ҳужжат – Фискал стратегия қабул қилина бошлади. Фискал стратегия вазирлик ва идораларга ўзларининг ўрта муддатли дастурлари ва инвестиция лойиҳаларини режалаштириш имконини бериб, инвесторлар ва солиқ тўловчиларга ўзларининг бизнес лойиҳаларини шакллантиришда мўлжал сифатида хизмат қилади.

Ушбу услубиёт макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, солиқ-бюджет сиёсатининг олдиндан кўра билиш нуқтаи назаридан йиллик режалаштиришнинг салоҳиятини ошириш имкониятларини яратмоқда. Бюджет маблағларини тақсимловчилар ва олувчилар ўзларининг истиқболли режаларини режалаштирилган йилдан ортиғига прогнозлаштириш имкониятларига эга бўлмоқда.

5. 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг асосий параметрлари ва хусусан бюджет харажатларининг реал кўрсаткичлари Ўзбекистон Республика-



си Қонуни шаклида қабул қилина бошлади. Ушбу жараён умуммиллий молиявий манфаатларни ўзида мужассамлаштирувчи давлат бюджетини қабул қилиш Парламент ва кенг жамоатчилик муҳокамасига асосланишига шарт-шароит яратди.

6. Давлат бюджети харажатларини давлатнинг фуқаролик жамиятидаги ижтимоий соҳа, иқтисодиёт, бошқарув органларини сақлаш, марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш ва бошқа функциялари бўйича бюджет сўровини кўриб чиқиш ва жамлаш асосидаги режалаштириш амалиёти сифат жиҳатидан янги механизмга ўзгартирилди. Хусусан, Парламент ажратмалари тақсимоти жорий этилиши давлат бюджети маблағларидан вазирлик ва идоралар кесимидаги ислохотларни молиялаштириш самарадорлигини баҳолаш, уларнинг ваколатларини ошириш имкониятларини яратади.

Парламент ажратмалари тақсимотига кўра бюджет ажратмалари тақсимловчилари қуйидаги турларга ажратилди:

- Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланадиган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар;
- биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиларига бириктирилган иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга парламент ажратмалари жорий этилди.

Бунда Парламент ажратмалари Олий Мажлис палаталари биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари учун парламент ажратмаларини тасдиқлайди.

Ижро этувчи ҳокимият органлари, яъни тармоқ вазирликлари ва идоралар ўзларининг бўйсунувидаги ташкилотлар ўртасидаги тақсимотни мустақил равишда амалга оширадilar.

Парламент ажратмалари тизимини жорий этиш ва ўрта муддатли режалаштиришга ўтишни ҳисобга олган ҳолда Молия вазирлиги функциялари қайта кўриб чиқилди.

7. 2020 йилдан Олий мажлисининг бюджет жараёнидаги ролини ошириш бўйича қатор ислохотлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бюджет маблағларини тақсимловчилари учун бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорини маълум бир миқдорда қайта кўриб чиқиш ваколатини берилди.

8. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ваколатлари кенгайтирилди. Хусусан, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ҳажмларини, бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорини, маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағларини тақсимловчиларига ажратиладиган бюджет маблағларнинг миқдорини тасдиқлаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

9. Давлат бюджети харажатлари орқали циклик бюджет тақчиллигини камайтиш мақсадида харажатлар секвестри орқали бошқариш механизми жорий этилди. Бунда давлат бюджети харажатларини камайтириш бўйича ваколатлар куйидагича тақсимланди:

- тасдиқланган параметрларнинг 3 фоизигача – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида;
- тасдиқланган параметрларнинг 3 фоизидан юқори миқдорларда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан Вазирлар Маҳкамаси таклифига биноан;
- маҳаллий бюджетларнинг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланиш амалиёти киритилди.

10. Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлиги устидан ички аудит методологиясини жорий қилиш ва уларда касса харажатларининг режали кўрсаткичларга мувофиқлиги устидан ички назорат тизимини кучайтириш орқали бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг бозор механизмини жорий қилиш имкониятлари яратилди.

Ўрта муддатга мўлжалланган жамланма бюджетни шакллантириш, ЯИМ ва миллий даромадда марказлаштирилган фондлар улушини ҳисоблашдаги ялпи фискал юк кўрсаткичига асосланган даромад ва харажатларни шакллантириш, давлат бюджетиде давлат қарзларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар жамланма бюджетнинг асосий параметрлари сифатида ҳисобга олинмоқда (4.8-жадвал).

4.8-жадвал

2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси жамланма бюджетининг параметрлари ҳамда 2022–2023 йилларга бюджет мўлжаллари<sup>1</sup>

Т/р	Кўрсаткичлар	2021 йил прогнози	Бюджет мўлжаллари	
			2022 йил	2023 йил
<b>I.</b>	<b>Жамланма бюджет харажатлари</b>	<b>216 246,6</b>	<b>231 338,9</b>	<b>258 096,0</b>
1.	Давлат бюджети харажатлари	149 950,5	163 780,4	183 675,0
2.	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	40 772,5	46 709,1	51 720,2
3.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси харажатлари	13 423,6	6 569,4	7 700,8
4.	Ташқи қарз ҳисобига давлат дастурларига харажатлар	12 100,0	14 280,0	15 000,0
<b>II.</b>	<b>Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар</b>	<b>15 928,9</b>	<b>17 930,2</b>	<b>21 097,2</b>
<b>III.</b>	<b>Жамланма бюджет сальдоси (профицит +, дефицит -)</b>	<b>-37 534,2</b>	<b>-22 967,6</b>	<b>-19 142,1</b>
<b>IV.</b>	<b>Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари сальдоси (профицит+, дефицит-)</b>	<b>-17 346,8</b>	<b>-8 687,6</b>	<b>-4 142,1</b>
<b>V.</b>	<b>Давлат қарзини сўндириш</b>	<b>7 767,7</b>	<b>10 316,8</b>	<b>12 478,2</b>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунини 1-ило-  
васи маълумотлари.


Масалан, 2020 йилги бюджет харажатлари ва 2021–2023 йилга мўлжалланган ўрта муддатли фискал сиёсат бўйича шакллантирилган бюджет параметрларида глобал масштабда кузатилган пандемия оқибатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштириш устувор аҳамият касб этмоқда.

Агар жамланма бюджетнинг харажатлари 2021 йилда 216246,6 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2022 ва 2023 йилларда мос равишда 231338,9 ва 258096,0 млрд сўмни ташкил қилиши мўлжалланган. Ушбу харажатларда давлат бюджети харажатлари етакчи ҳисобланиб, давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни инобатга олмаган ҳолда давлат бюджети харажатлари 2021 йилда 149950,5 млрд сўмни ташкил қилса (прогноз), 2022 йилда 163780,4 млрд сўм, 2023 йилда эса 183675,0 млрд сўмга бюджет харажатлари мўлжал контингентлари кутилмоқда (4.9-жадвал).

Ташқи қарз ҳисобига давлат дастурлари учун бюджет харажатлари 2021 йилда 12100,0 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб ушбу харажатлар 15000,0 млрд сўмни ташкил қилиши мўлжалланган.

Марказлаштирилган фондларда давлат бюджети харажатлари етакчи рол ўйнаб, ушбу харажатлар юқори ўсиш суръатига эга бўлмоқда (4.2-расм).

4.2-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, давлат бюджети харажатларининг жамланма бюджет харажатларидаги улуши 2021 йилги 69,3 фоиз прогноз кўрсаткичидан 2023 йилда 71,2 фоизгача ўсиб бориши



4.2-расм. Жамланма бюджет таркиби ва улуши тўғрисидаги маълумот.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонуни 1-илоvasи маълумотлари.

мўлжалланган. Ушбу харажатларнинг ўсиб боришида давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар, давлат қарзини сўндириш билан боғлиқ харажатлар ҳам сезиларли таъсир этмоқда.

Давлат бюджети харажатларининг ўсиб боришида ундаги асосий салмокни ташкил қилувчи ижтимоий соҳа харажатларининг ўсиши асосий таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади.

4.9 - жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг  
харажатлари таркиби<sup>1</sup>, фоизда

Бюджет харажатлари салмоғи	Йиллар				
	2017	2018	2019	2020	2021 (прогноз)
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари салмоғи	54,1	48,9	50,3	50,4	52,1
Иқтисодий харажатлар салмоғи	10,7	9,6	15,7	14,7	8,3
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари салмоғи	6,6	6,8	5,9	5,1	10,4
Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, суд органларини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари салмоғи	4,9	4,9	5,9	4,9	2,9
Бошқа харажатлар салмоғи	23,7	29,8	22,2	24,9	26,3
Бюджет харажатлари – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

4.9-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари салмоғи юқори бўлиб, 2021 йилги прогноз кўрсаткичлари бўйича уларнинг улуши 52,1 фоизни ташкил қилмоқда. Маълумки, ижтимоий соҳага қилинаётган бюджет харажатларида иқтисодий тасниф бўйича 1 ва 2 гуруҳ харажатлари юқори салмокни ташкил қилиб, ўсиш суръатига эга бўлмоқда. Ушбу ҳолати бюджет ташкилотларида иш ҳақини ошириш давлат сиёсатининг натижасида кузатилиб, кейинги йиллардаги иш ҳақининг кескин ортиши миллий иқтисодиётда «яширин инфляция»нинг кучайишига таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Умуман, давлат бюджети харажатларининг таркибий динамикасида ижтимоий ва иқтисодий соҳага қилинадиган харажатлар нисбати бюджет орқали миллий даромадни қайта тақсимлаш жараёнининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ҳам изоҳлайди. Ижтимоий соҳага бюджет харажатларининг юқори салмоғи бюджет канали орқали миллий даромадни ижтимоий соҳаларга қайта тақсимлаш кўламини англатади.

<sup>1</sup> <https://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайт маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг  
2020 йилги ижроси<sup>1</sup>, трлн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Тасдиқланган бюджет	Кутилаётган ижро	Фондда
	Харажатлар – жами	131.1	149.3	113.9
1.	Ижтимоий харажатлар	65.0	75.3	115.8
	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари шундан	55.1	64.3	116.6
	Таълим	29.9	31.2	104.2
	Солиқни сақлаш	14.2	19.3	136.1
	Маданият ва спорт	2.3	2.4	105.5
	Фан	1.0	1.0	100.0
	Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	6.6	8.5	130.0
	Аҳолининг бандлик даражасини ошириш харажатлари	0.7	1.2	169.4
	Пенсия жамгармасига трансфертлар	8.0	9.1	113.8
	Уй-жойлар қуриш дастурига	1.9	1.9	100.0
2.	Иқтисодиёт харажатлари	13.6	22.0	161.1
3.	Марказлашган инвестиция харажатлари	14.0	17.7	126.7
4.	Давлат бошқаруви, ҳокимияти, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	6.5	7.4	113.8
5.	Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари	1.4	1.4	100.0
6.	Давлат қарзига ҳизмат кўрсатишнинг фоиз харажатлари	2.6	2.7	101.3
7.	Бошқа харажатлар	22.0	21.4	97.1

А. Вагнер қонунига кўра, ЯИМнинг ўсиш суръатидан давлат харажатларининг ўсиш суръати юқори бўлиб, аксарият иқтисодчилар «фискал иллюзия»нинг хусусий ҳолати сифатида қарайдилар.

4.10-жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкинки, функционал тасниф бўйича харажатларнинг тақсимланишида ижтимоий соҳа харажатларининг тасдиқланган параметри 65 трлн. сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу харажатнинг йиллик кутилаётган ижроси 75,3 фоизни ташкил этган. Тасдиқланган бюджетга нисбатан ушбу харажатларнинг ўсиши 115,8 фоизни ташкил қилиб, умумий харажатларнинг ўртача ўсишидан (113,9) юқори бўлган. Ижтимоий соҳа харажатлари таркибидаги юқори ўсиш суръатига эга бўлган харажатлар Аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва соғлиқни сақлаш харажатлари ҳисобланиб, тасдиқланган бюджетга нисбатан кутилаётган харажатларининг ўсиши мос равишда 169,4 фоиз ва 136,1 фоизни ташкил қилмоқда.

<sup>1</sup> Фуқаролар учун бюджет 2021 лойиҳа. www.mf.uz – сайти маълумотлари.

Бунга таъсир этган асосий омил коронавирус пандемияси туфайли ишбилармон фаоллик индексининг кескин пасайиши, мамлакатда бизнеснинг сусайиши ҳамда давом этаётган коронавирус пандемияси таъсирида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш хизматларига эҳтиёжнинг кескин ортиши ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миқдор жиҳатдан таҳлил қилганда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш харажатлари таркибида таълим харажатлари етакчи ҳисобланади.

4.11 - ж а д в а л

**2020 йилда Давлат бюджетидан таълим соҳасига харажатлар ва унинг таркиби<sup>1</sup>**

№	Харажатлар номи	Трлн. сўм
1.	Таълим харажатлари	29,9
1.1.	Умумий таълим	20,9
1.2.	Мактабгача таълим	5,2
1.3.	Олий таълим	2,3
1.4.	Ўрта махсус касб ҳунар коллежлари ва АЛ	1,7

4.11-жадвалдан кўриш мумкинки, 2020 йилда жами таълим харажатлари 29,9 трлн. сўмни ташкил қилган ҳолатда, умумий таълимга қилинадиган харажатларнинг номинал қиймати 20,9 трлн. сўмни ташкил этган. Ушбу харажатларнинг асосий қисми иқтисодий тасниф бўйича 1 гуруҳ харажатларига тўғри келиб, унинг ўсиб бориши педагог ходимларнинг иш ҳақини ошириш давлат сиёсатининг натижаси ҳисобланади.

Давлат бюджетидан иқтисодиётда қилинадиган харажатларда бюджет ижросининг 161,1 фоизга ўсиши кузатилмоқда.

Агар охириги 2 йил мобайнида иқтисодиётда амалга оширилган бюджет харажатларига назар ташлайдиган бўлсак, юқори динамик ўсиш сув ҳўжаликларини эксплуатация харажатларига тўғри келмоқда. Ушбу харажатлар 2019 йилда 3912,9 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 4562,9 млрд сўмни ташкил этди. Шунингдек, аҳоли пунктларини ободонлаштириш харажатлари ҳам 2019 йилда 1839,2 млрд сўмни, 2020 йилда эса 2070,9 млрд сўмни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин (4.12-жадвал).

Иқтисодиётга давлат бюджети харажатларининг таркиби ва динамикасидан кўриш мумкинки, умумий фойдаланиладиган автомобил йўллари сақлашга қилинадиган харажатлар ҳам сезиларли салмоқни ташкил қилиб, 2019 йилдаги 1660,2 млрд сўмдан 2020 йилда 2043,3 млрд сўмга ўсган.

<sup>1</sup> www.mf.uz – сайти маълумотлари.

Давлат бюджетидан иқтисодиёт харажатлари<sup>1</sup>

№	Иқтисодий харажатлар турлари	Йиллар	
		2019	2020
1.	Сув хўжалиklarини эксплуатация харажатлари	3912.9	4562.9
2.	Геология-қидирув харажатлари	594.3	2295.4
3.	Аҳоли пунктларини ободонлаштириш харажатлари	1839.2	2070.9
4.	Умумий фойдаланиладиган автомобиль йулларини сақлаш	1660.2	2043.3
5.	Уй-жой коммунал харажатлари	534.4	594.5
6.	Сугораладиган ерларнинг милиоратив ҳолатини яхшилаш	460.4	378.6
7.	Табиатни муҳофаза қилиш	238.7	246.7

Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга йўналтириладиган бюджет харажатлари 17, трлн. сўмни ташкил қилиб, ушбу харажатлар таркибида энг салмоқни улушни таълим муассасаларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ташкил қилиб, номинал қиймати 4163,5 млрд сўмни ташкил қилмоқда.

2021–2023 йилларга мўлжалланган фискал сиёсатда харажатларни ислох қилиш қуйидагиларга йўналтирилган:

- бюджет тушумлари тўлиқлигини таъминлаш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш ҳамда аҳолининг камбағал қатламини қўллаб-қувватлаш;
- иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини, инвестициявий жозибадорликни ва ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган солиқ сиёсати ислохотларини давом эттириш;
- давлат бюджети харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш;
- давлат қарзи барқарорлигини таъминлаш ва фискал таваккалчиликларни бошқариш;
- вазирлик ва идораларнинг барча бюджетдан ташқари ҳисобларини қамраб олиш орқали консолидациялашган бюджет тўлиқлигини таъминлаш;
- бюджет барқарорлигини таъминлаш, жумладан, ўрта муддатли истиқболда консолидациялашган бюджет тақчиллигини ЯИМга нисбатан 2 фоизгача пасайтириш кабиларга йўналтирилиши белгиланган.


<sup>1</sup> www.mf.uz – сайти маълумотлари.

Бюджет сиёсатидан эришилиши кўзда тутилган натижалар сифатида қуйидагилар белгилаб олинган:<sup>1</sup>

- солиқ ва бюджет тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида фискал қондаларни жорий этиш;
- бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш учун дастурий бюджетлаштиришга зарур бўлган механизмларни ишлаб чиқиш;
- фискал таваккалчиликларни баҳолаш, молиявий активлар ва мажбуриятлар ҳисобини юритиш ҳамда давлат қарзини самарали бошқариш тизимини жорий этиш;
- давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолиш, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва спорт соҳасидаги давлат дастурларини тўлиқ молиялаштириш орқали инсон капиталини ривожланишини таъминлаш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш жараёнида ижтимоий реестрни шакллантириш;
- бюджет жараёнининг такомиллаштирилишини ҳисобга олган ҳолда янги бюджет таквимини ишлаб чиқиш.

Юқоридаги йўналиш ва режа натижаларига асосланган ҳолда 2021 йилги давлат бюджети харажатларининг таркиби 4.3-расмда келтирилган.

4.3-расмдан кўриш мумкинки, жами давлат бюджети харажатларининг лойиҳа қиймати 165655 млрд сўмни ташкил қилиб, ушбу харажатлар таркибида ижтимоий соҳа харажатлари 86386 млрд сўмни ташкил қилиши режалаштирилган.



4.3-расм. Давлат бюджети харажатларининг таркиби, 2021 йил учун лойиҳа, млрд сўм.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> www.mf.uz – сайти маълумотлари.

<sup>2</sup> Фуқаролар учун бюджет 2021 лойиҳа. www.mf.uz – сайти маълумотлари.



Ижтимоий нафақалар учун харажатлар ва олувчилар сони<sup>1</sup>

№		2019 йил		2020 йил		2021 йил (лойиҳа)	
		Олувчилар сони	Бюджет харажатлари, млрд сум	Олувчилар сони	Бюджет харажатлари, млрд сум	Олувчилар сони	Бюджет харажатлари, млрд сум
	Жами харажатлар	3054916	4720	5684583	8519.4	4722321	10244.7
<i>шундан</i>							
1.	Бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйиса нафақа	245479	1143.3	332066	1807.0	400000	2083.2
2.	14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа	240552	662.4	482802	1287.7	700000	2074.2
3.	Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам	58664	229.5	82852	367.5	100000	391.2
4.	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида муҳтож оилаларга бир марталик бериладиган моддий ёрдам	13860	8.6	17211	8.6	17394	9.6
5.	Ижтимоий нафақа олувчилар учун ун ва нон сотиб олиш учун давлат бюджетидан компенсация тўловлари	544469	137.9	897720	487.1	1200000	720.0
6.	Пенсия олувчилар учун ун ва нон сотиб олиш учун давлат бюджетидан компенсация тўловлари	1433100	456.0	1599784	947.0	1669031	1004.0
7.	Болаликдан ногиронлик нафақаси	266325	1320.1	284412	1675.5	300440	1745.3
8.	Бола туғилганда тўланадиган бир марталик тўлов	66667	317.2	69707	400.7	80651	435.6
9.	Айрим тоифадаги аҳоли учун имтиёзлар ўрнига коммунал тўловлар учун компенсация тўловлари	89400	87.6	81554	94.8	77750	92.5
10.	Меҳнатга лаёқатсиз ва қариялар учун нафақалар	83400	237.6	100661	387.2	127266	453.7
11.	Дафн учун тўланадиган нафақа	13000	119.5	15635	187.6	22375	265.8
12.	Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш					414	30.0
13.	Бир марталик моддий ёрдам тўловлари			1720181	525.4		

Умумий контекстдан хулоса қилиши мумкинки, давлат бюджети харажатларнинг салмоқли қисми ижтимоий соҳага сарфланиши давлат томонидан фаол ижтимоий сиёсат олиб бориш тенденциясининг истикболда янада юксалиб боришидан далолат беради.

4.13-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2019 йилда жами ижтимоий нафақалар олувчи фуқаролар сони 3054916 нафарни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 4722321 нафарни

<sup>1</sup> Фуқаролар учун бюджет 2021 лойиҳа. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) – сайти маълумотлари


ташкил қилиши кўзда тутилган. Харажатлар ҳам 2019 йилда 4720 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб умумий ўсиш суръатида 10244.7 млрд сўмга ортиб бориши прогноз қилинган.

2021 йилда ижтимоий нафақалар бўйича харажатларнинг манзилли ва мақсадли сарфланишини таъминлаш мақсадида уларни тақсимлашнинг ягона ижтимоий реестрини барча ҳудудларда жорий этиш кўзда тутилган.

«Ягона ижтимоий реестр» тизими ижтимоий муҳофазага муҳтож барча фуқароларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида автоматик тарзда аниқлайди. «Ягона реестр» тизими учун Пенсия жамғармалари ва маҳалла органлари орқали паспорт нусхаси, бола туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси тақдим этилади. Оиланинг эҳтиёжмандлигини аниқлаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар (оила аъзоларининг даромадлари ҳақида: иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, кўчмас мулк, автотранспорт воситалари, ишсизлар ва бошқалар) автоматик равишда бошқа идоралар томонидан тақдим этилади.


Бюджет харажатлари унинг даромад базасига боғлиқ бўлиб, иқтисодиёт циклик ўсиш фазасига чиқиш жараёнида даромадларнинг ўсиш сураъати харажатларга нисбатан юқори бўлади.

Ушбу жараённи Ўзбекистон Республикаси давлат молияси тизимидаги ислохотларда кўриб ўтадиган бўлсак қуйидаги манзарани кузатишимиз мумкин (4.4-расм).



4.4-расм. Давлат бюджети даромад ва харажатларининг 2018–2020 йилги ижроси ва 2035 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси маълумотлари.



4.5-расм. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети дефицити (-), профицити (+) (2021–2035 йил прогноз кўрсаткичлари) тўғрисида маълумот, млрд АҚШ долларида

4.4-расм маълумотларидан англаш мумкинки, давлат бюджети даромадларининг харажатларга nisbatan юкори ўсиш суръати прогноз килинмоқда. Ушбу ҳолат 2021 йилдан бошлаб иқтисодиётни жонланиш фазасига чиқиши ҳисобига солиқ базасининг кенгайиши орқали бюджетга тушумлар ҳажмининг ортиб бориши билан боғлиқдир. Натижада, 2025 йилдан бошлаб давлат бюджетининг дефицит билан ижросини таъминлаш имкониятига эга бўлишини кузатишимиз мумкин (4.5-расм).

4.5-расмдан кўриш мумкинки, 2024 йилдан бошлаб бюджет профицити номинал миқдорининг тренд чизигида барқарор ўсиш кузатилмоқда. Ушбу ҳолат давлат молиявий захираларининг шаклланиши пировардида, қарзларга хизмат кўрсатиш имкониятининг шаклланиши орқали давлат қарзлари билан боғлиқ техник дефолт ҳолатларини олдини олиши имкониятларини шакллантириб беради. Ушбу ҳолатдаги профицитнинг ЯИМ прогноз кўрсаткичларига nisbatan юкори ўсиши солиқ юқининг ортиши ҳисобига эмас, балки яширин иқтисодиётни камайиши, иқтисодиётдаги норасмий секторни қисқартиришга йўналтирилган ислохотларнинг натижаларидан бири ҳисобланади.

### 4.3. БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР

Ўзбекистон солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш билан боғлиқ асосий чора-гадбирлар мамлакатимиз Президенти муҳтарам Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси»да бел-

гиланди. Унга мувофиқ, мамлакатимиз солиқ тизимини ислоҳ қилишда устувор йўналишлар бўйича вазифалар аниқланган.

Таъкидлаш жоизки, Концепцияда белгиланган ҳар бир тадбир ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар ижросини таъминлаш юзасидан солиқ қонунчилигига киритиладиган ҳар бир ўзгартириш туб маънода мамлакатимиз солиқ сиёсатидаги ислоҳотлар мазмунини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунлари Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг 2020 йилги асосий йўналишларини белгилаб берди.

Унга мувофиқ, солиқ маъмурчилигининг халқаро талабларга жавоб берадиган барқарор солиқ тизими жорий этилди, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолиятини кафолатловчи ҳуқуқий меъёрлар белгиланди, солиқ қонунчилиги максимал даражада соддалаштирилди, солиқ юки камайтирилди, солиқлар ҳажми оптималлаштирилди, солиқ ҳисоботлари қисқартириб, максимал даражада соддалаштирилиб, операциялар харажатлар минималлаштирилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сонли Қонуни билан 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солиниб, 2020 йилги бюджет жараёни иштирокчилари ўртасидаги бюджет ваколатлари тақсимланди.

Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунининг муҳим жиҳатларидан яна бири 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети параметрлари ҳамда 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2021–2022 йилларга мақсадли мўлжаллари қонун билан белгиланди.

Унга мувофиқ, 2020 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 653 546 млрд сўм қилиб белгиланиб, унинг ўсиш сурати 2019 йилга нисбатан 5,5 фоизни ташкил этиши белгиланган.

Ўз навбатида, кейинги 2021 йил учун ялпи ички маҳсулот ҳажми 653 546 млрд сўм қилиб белгиланиб, унинг ўсиш сурати 2020 йилга нисбатан 5,8 фоизни ва 2022 йил учун ялпи ички маҳсулот ҳажми

653 546 млрд сўм қилиб белгиланиб, унинг ўсиш сурати 2021 йилга нисбатан 6,2 фоизни ташкил этиши белгиланган.

2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари таҳлил қилинганда, жорий йил учун Консолидациялашган бюджет даромадлари 158 960,1 млрд сўмни, харажатлари эса 162 385,0 млрд сўмни ташкил этади ва Консолидациялашган бюджет дефицити 3 424,9 млрд сўмни ташкил этиши белгиланган.

Лекин 2020 йилда бутун дунёни ларзага келтирган тождор вирус инфекциясининг тарқалиши барча мамлакатлар иқтисодий- ижтимоий ҳаётини инқироз ҳолатига келтириб қўйди. Хусусан, йирик иқтисодий салоҳиятга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқишига, халқаро молия бозорларида хомашё товарлар нархларининг кескин пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувига сабаб бўлди.

Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар, кўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг кескин тушиб кетиши олди олинди. 2020 йилда Республикамиз иқтисодиёти 2019 йилга нисбатан 1,6 фоизга ўсиб, ЯИМ ҳажми 580,2 трлн. сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йилда Давлат бюджети даромадлари 132,9 трлн. сўмни ташкил этиб, белгиланган 128,7 трлн. сўм прогноз 103,3 фоизга ёки 4 192 млрд сўмга ошириб бажарилиб, даромадлар 2019 йил маълумотлари билан солиштирилганда 20,8 трлн. сўмга ўсган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармонида асосан ташкил этилган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 сентябрдаги ПҚ-4836-сонли қарорига асосан, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз оқибатларини инобатга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилиниб, жамғарма харажатлари 13,4 трлн. сўм миқдоридан белгиланган ва 2020 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан жами 12 827 млрд сўм молиялаштириш ишлари амалга оширилган, шундан:

I. Коронавирусга қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштиришга 3 962 млрд сўм ажратилиб, ушбу маблағлар дори воситалари ва тиббий буюмлар, химоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш ҳамда карантинда сақлаш, тиббиёт ходимларини моддий рағбатланти-

риш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳимоя чораларини амалга ошириш харажатларига йўналтирилган.

II. Карантин зоналарини ва коронавирусни даволаш билан боғлиқ соғлиқни саклаш объектларини қуриш, жиҳозлаш ва зарур инфратузилмани яратиш билан боғлиқ харажатлар учун 1 022,4 млрд сўм маблағ молиялаштирилди.

III. Ижтимоий ва инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 3 422,7 млрд сўм маблағ ажратилди. Жумладан,

IV. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга 1 33,4 млрд сўм маблағ молиялаштирилди.

V. Корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2 484,9 млрд сўм, шундан бюджет ссудалари – 1 464 млрд сўм.

VI. Маҳаллий бюджетлар ва Пенсия жамғармаси йўқотишларини қоплаш ҳамда маҳаллий бюджетларга ссудалар учун 595,4 млрд сўм маблағ молиялаштирилди. Жумладан,

- солиқлар бўйича берилган имтиёзлар натижасида маҳаллий бюджетларнинг йўқотишларини қоплаш учун 478,4 млрд сўм;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 117 млрд сўм йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан жорий йилдан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришларда Солиқ қонунчилиги устуворлигини таъмилаш, маъмуричилигини такомиллаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш қоидаларини соддалаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилиб, мазкур йўналишлар халқаро меъёрлардан келиб чиқиб қайта кўриб чиқилди.

Давлат солиқ хизмати органларининг ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам қайта кўриб чиқилиб, барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар битта қонун ҳужжатида мужассамлаштирилди ва солиқ органларининг инсофли солиқ тўловчилар олдидаги мажбуриятлари оширилди.

Олиб борилаётган кенг ислоҳотлар солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш масалалари бўйича киритилган ўзгартиришлардир.

2020 йилдан бошлаб солиқ тизимига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, амалдаги 13 та солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар қайта кўриб чиқилиб, 2020 йилдан 9 та солиқнинг амал қилиши белгиланди ва ягона ижтимоий тўлов ўрнига ижтимоий солиқ, ягона солиқ тўлови

ўрнига – айланмадан солиқ, қатъий белгиланган солиқ ўрнига жисмоний шахсларнинг даромадларига, қатъий белгиланган миқдорда солиқ жорий этилди.

Шунингдек, Солиқ кодексидан ягона ер солиги, давлат божи, божхона тўловлари ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ чиқарилди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, айрим тадбиркорлик йўналишлари учун махсус солиқ режимлари бекор қилинди:

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун декларация асосида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўлашни ёки 2020 йилдан бошлаб ўртача 25 фоизгача пасайтирилган қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни танлаш ҳуқуқи берилди.

Давлат солиқ хизмати органларининг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқларни ўз вақтида қайтариш бўйича жавобгарлигини ошириш мақсадида, ортиқча ундирилган солиқлар ёки молиявий санкциялар суммаларини Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган фоизларни ҳисобга олган ҳолда қайтариш билан бир қаторда, солиқ суммаларни қайтаришда ҳар бир кечиктирилган кун учун солиқ органи томонидан солиқ тўловчига фоиз тўлаш тартиби жорий этилди.

Унга мувофиқ, солиқ тўловчи ортиқча тўлаган солиқ суммасини ҳисобга олиш ёки қайтариш тўғрисидаги аризасини, кўрсатилган ортиқча тўланган сумма тўланган кундан эътиборан беш йил ичида берилиши мумкинлиги, ортиқча тўланган солиқ суммаси солиқ тўловчига унинг ёзма аризасига биноан солиқ органи томонидан бундай ариза олинган кундан эътиборан ўн беш кун ичида қайтарилиши белгиланди.

Агар ортиқча тўланган солиқ суммасини солиқ тўловчига белгиланган ўн беш кунлик муддатда қайтарилмаса, белгиланган муддатда қайтарилмаган сумма учун солиқ тўловчига қайтариш муддати бузилган ҳар бир календарь кун учун фоизлар ҳисобланган ҳолда қайтарилади. Ҳисобланган фоизлар тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади. Фоиз ставкаси қайтариш муддати бузилган кунларда амал қилган Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига тенг этиб қабул қилинади.

Ортиқча ундирилган солиқ суммасига фоизлар солиқ тўловчи ундан солиқ ортиқча ундирилгани факти ўзига маълум бўлган кундан ёки суднинг қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан ўттиз кун ичида мурожаат этган тақдирда ҳисобланади. Бунда, фоизлар солиқ ундирилган кундан кейинги кундан эътиборан ҳақиқий ҳисобга олинган (қайта-

рилган) кунга қадар ҳисобланади ва ҳисобланган фоизлар тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади. Фоиз ставкаси Марказий банкнинг шу кунлардаги амал қилаётган қайта молиялаштириш ставкасига тенг миқдорда қабул қилинади.

Бир корхонанинг солиқ мажбуриятини бошқа бир солиқ тўловчи ҳисобидан бажариш тартибини бекор қилиш мақсадида, солиқ қарзини дебиторлар ҳисобидан ундириш тартиби 2020 йилдан бекор қилинди.

Солиқ тўловчиларнинг солиқни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини кенгайтириш мақсадида, эндиликда республика бюджетига тўланадиган солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти Давлат солиқ кўмитаси, божхона органларининг таклифи бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан, маҳаллий бюджетлар бўйича эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тақдим этилиши белгиланди.

Бунда, солиқларни бир вақтнинг ўзида тўлаш натижасида иктисодий ночорлик (банкротлик) аломатлари юзага келиши хавфи бўлган, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш мавсумий бўлган ҳолларда солиқларни тўлашни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти, қарздорлик суммасига Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида фоиз ҳисобланган ҳолда тақдим этилиши жорий қилинди.

Шунингдек, солиқ мажбурияти бажарилиши таъминотининг молмулк гарови, банк кафолати ва кафиллик кўринишидаги янги шакллари киритилди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси билан солиқ назорати шакллари қайта кўриб чиқилиб, солиқ органларига таҳлика-таҳлил асосида камерал солиқ текширувлари, сайёр солиқ текширувларини ва солиқ аудитини тайинлаш ҳуқуқини берадиган солиқ назоратини амалга оширишнинг янги тартиби белгиланди.

Эндиликда солиқ текширувларини ўтказиш учун номзодлар инсон омилсиз, дастлаб камида 42 та мезонлар асосида таҳлика-таҳлил (Риск-анализ) дастури ёрдамида танланади.

Таҳлика-таҳлил асосида хўжалик субъектларини хавфлилик даражасига қараб 3 та сегментга (*яшил, сариқ* ва *қизил йўлақларга*) ажратади ҳамда камчиликлар аниқланган тақдирда, солиқ назоратининг янги камерал текширув, сайёр текширув ва солиқ аудити ўтказилиши белгиланади.

Хавфлилик даражаси паст бўлган (*яшил йўлақча*) корхоналарга нисбатан ҳеч қачон солиқ текширувлари амалга оширилмайди ва ушбу корхоналарга юқори даражадаги солиқ хизматлари кўрсатилади.



Бу гуруҳдаги корхоналар тоифасига қайсилар киради деган савол туғилиши табиий албатга.

Булар солиқ ҳисоботларида ҳақиқий даромадларини кўрсатган ҳолда мажбуриятларини ўз муддатларида бажараётган субъектлардир.

Хавфлилик даражаси ўртача бўлган (*сарик йўлакча*) корхоналарга нисбатан фақат камерал солиқ текшируви амалга оширилади ва ушбу корхоналарга хато камчиликларини бартараф этиш бўйича ҳисоботини тузатиш имкони берилади.

Бу тоифадаги корхоналарга солиқ ҳисобини юритишда хатоликларга йўл қўяётган ва солиқ маслаҳатига эҳтиёжи бўлганлар киради.

Хусусан:

– камерал солиқ текшируви солиқ тўловчининг ҳисоботини солиқ органида мавжуд маълумотлар билан таққослаши натижасида аниқланган тафовутларга солиқ тўловчи солиқ ҳисоботида тузатишлар киритиши ёки асослантилган сабабларни кўрсатиши, бунда, камерал солиқ текшируви доирасида солиқ органининг мансабдор шахсига солиқ тўловчидан маълум бир солиқни ҳисоблашнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун зарур ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқи берилди.

Лекин камерал солиқ текшируви натижалари бўйича пеня ҳисобланиши ҳамда молиявий санкциялар қўлланилмайди.

– сайёр солиқ текширувида солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳамда бошқа мажбуриятлар бажарилиши масалаларида маълумот тўплаш учун солиқ тўловчининг айрим кўрсаткичларини жойига чиққан ҳолда ўрганилинади ва унинг мақсади фактларни қайд этишдан иборат бўлади.

Сайёр солиқ текширув натижалари бўйича қўшимча солиқлар ҳисобланмайди.

– солиқ аудити солиқларни тўлашдан бўйин товлаш хавфи юқори даражада бўлган солиқ тўловчиларда риск омилларини таҳлил қилиш асосида танланган солиқ тўловчиларда ўтказилади ва солиқ аудити натижаларига кўра қўшимча солиқлар ҳисобланиб, молиявий санкциялар қўлланилинади.

Шу билан бирга, 2022 йил 1 январга қадар давлат солиқ хизмати органлари солиқ аудити тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилишлари лозим бўлади.

2020 йил 1 январдан бошлаб солиқ имтиёзларини фақат Солиқ кодекси билан тақдим этилиши белгиланиб, бунда, айрим солиқлар бўйича,

Республика бўйича солиқ тўловчилар сони тўғрисида маълумот<sup>1</sup>

№	Курсаткичлар номи	2020 йил 1 январь	2021 йил 1 январь	Утган йилнинг мос даврига нисбатан	
				(+,-)	(%)
	<b>1. Давлат рўйхатидан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар сони, жами</b>	<b>1 047 375</b>	<b>1 185 596</b>	<b>138 221</b>	<b>113,2</b>
	<b>Юридик шахслар:</b>	<b>731 536</b>	<b>827 165</b>	<b>95 629</b>	<b>113,1</b>
	фаолият юритаётган субъектлар	440 393	493 763	53 370	112,1
	улуши (%)	60,2	59,7		
	фаолиятини вақтинча тўхтатган субъектлар	291 143	333 402	42 259	114,5
	улуши (%)	39,8	40,3		
	йил бошидан янги ташкил этилган субъектлар	4 361	3 598	-763	82,5
	умумбелгиланган солиқ тўловчилари	7 575	49 429	41 854	652,5
	ягона солиқ тўловчилари	164 465	177 701	13 236	108,0
	ягона ер солиқ тўловчилари	144 214	82 356	-61 858	57,1
	давлат ташкилотлари	26 695	25 982	-713	97,3
	солиқ мажбуриятига эга эмас	69 218	69 716	498	100,7
	<b>Якка тартибдаги тадбиркорлар:</b>	<b>315 839</b>	<b>358 431</b>	<b>42 592</b>	<b>113,5</b>
	фаолият юритаётганлар	230 749	219 105	-11 644	95,0
	улуши (%)	67,4	61,1		
	фаолиятини вақтинча тўхтатганлар	85 090	139 326	54 236	163,7
	улуши (%)	26,9	38,9		
	йил бошидан янги рўйхатдан ўтганлар	109 819	102 749	-7 070	93,6
	<b>2. Асосий солиқ турлари бўйича тўловчилар сони</b>	<b>520 344</b>	<b>890 210</b>	<b>369 866</b>	<b>58</b>
	Фойда солиғи	53 051	115 572	62 521	217,9
	Қушилган қиймат солиғи	84 507	115 572	31 065	136,8
	Акциз солиғи, жами	3 612	3 775	163	104,5
	Айланмадан солиқ	187 147	298 439	111 292	159,5
	Ер қарьидан фойдаланилганлик учун солиқ	1 456	1 772	316	121,7
	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	50 898	141 201	90 303	277,4
	Юридик шахслар мол-мулк солиғи	64 966	58 856	-6 110	90,6
	Юридик шахслар ер солиғи	74 707	155 023	80 316	207,5
	<b>3. Солиқ тўловчи жисмоний шахслар</b>	<b>17807547</b>	<b>18070194</b>	<b>262647</b>	<b>101</b>
	Даромад солиғи 4 702 440	4 481 081	-221 359	95,3	
	Мол-мулк солиғи 6 978 872	7 255 539	276 667	104,0	
	Ер солиғи 6 126 235	6 333 574	207 339	103,4	

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди

жумладан, ҚҚС, акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилганда ва (ёки) реализация қилинганда акциз солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан фақат белгиланган солиқ ставкасини кўпи билан 50 фоизга камайтириш тарзида ва уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши белгиланди. (4.14-жадвал)

Бюджет-солиқ соҳасида амалга оширилган манзилли тадбирлар натижасида солиқ сиёсатида изчил ўзгаришлар юзага келди.

Давлат рўйхатидан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар сони ўтган йилга нисбатан жами 138 221 тага ўсди.

4.15 - ж а д в а л

2020 йилда прогноз кўрсаткичларининг солиқ турлари кесимида маълумоти (млрд. сўмда)

Солиқ турлари номи	2020 йил			
	Прогноз	Тушум	(%)	фарқи (+, -)
<b>Вилоят бўйича жами</b>	<b>99 598,0</b>	<b>103 566,4</b>	<b>104</b>	<b>3 968,4</b>
<i>шу жумладан:</i>				
<b>Маҳаллий солиқлар</b>	<b>3 331,2</b>	<b>3 453,6</b>	<b>104</b>	<b>122,4</b>
ЯТТлар қатъий белгиланган солиғи	219,6	286,3	130	66,8
Жисмоний шахслар ер солиғи	975,7	1 079,9	111	104,2
Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	822,6	733,4	89	-89,2
Айланмадан солиқ	1 313,4	1 353,9	103	40,6
<b>Йирик солиқ турлари даромадлари</b>	<b>90 556,1</b>	<b>94 292,5</b>	<b>104</b>	<b>3 736,5</b>
Қўшилган қиймат солиғи	21 061,2	20 485,6	97	-575,5
Акциз солиғи, жами	10 651,5	10 838,8	102	187,3
Жисмоний шахслар даромад солиғи	14 442,6	14 854,5	103	411,9
Юридик шахслар фойда солиғи	25 474,2	28 670,0	113	3 195,8
Ер қаъридан фойда учун солиқ (Недра)	16 126,9	15 782,1	98	-344,9
Қурил. матер. б-ча Норуда у-н солиқ	277,4	635,1	229	357,7
Юридик шахслар мол-мулк солиғи	1 090,1	1 240,8	114	150,7
Юридик шахслар ер солиғи	1 086,4	1 306,8	120	220,4
Сув ресурсидан фойд. учун солиқ	345,8	478,8	138	133,1
<b>Солиқсиз тушумлар</b>	<b>5 710,8</b>	<b>5 820,3</b>	<b>102</b>	<b>109,5</b>
Давлат божи, жами	1 039,7	1 225,5	118	185,8
Жарималар, жами	685,0	807,9	118	122,9
Йиғимлар	1 176,8	1 215,5	103	38,7
СРП	0,0	397,0	0	397,0
Бошқа тушумлар	0,0	547,0	0	547,0
<b>Дивиденд даромадлари, жами</b>	<b>2 809,2</b>	<b>1 627,3</b>	<b>58</b>	<b>-1 181,9</b>
ДУКлар соф фойдасидан ажратма	0,0	410,6	0	0,0
АЖ ва МЧЖлар дивиденди	0,0	1 216,8	0	1 216,8

Шундан: юридик шахслар сони 95629 тага;  
 якка тартибдаги тадбиркорлар 45592 тага;  
 солиқ тўловчи жисмоний шахслар 262 647 тага ўсди.

Ўз навбатида республика бюджетига солиқлар тушуми белгиланган прогноз кўрсаткичига нисбатан 104,0 фоизга бажарилиб, прогноздаги 99598, млрд сўм ўрнига бюджетга 103566,4 млрд сўм маблағлар ундирилди.

Юқоридаги жадвал маълумотлардан прогноз кўрсаткичларининг амалда ижобий бажарилаётганини кўришимиз мумкин. Маҳаллий солиқ турларидан ЯТТлар қатъий белгиланган солиғи, жисмоний шахслар ер солиғи турлари амалда мос равишда 30 фоиз ва 11 фоизга ортиқча бажарилганини, йирик солиқ турлари бўйича юридик шахслар фойда солиғи 13 фоиз, қурилиш материаллари бўйича норуда учун солиқ 29 фоиз, сув ресурсидан фойдаланганлик учун солиқ прогноз кўрсаткичларига нисбатан 20 фоизга ўсиши тенденциясини кўришимиз мумкин.

4.16 - ж а д в а л

Ўзбекистонда давлат бюджети даромадларининг ЯИМдаги улушининг ўзгариш динамикаси, фоиз ҳисобида<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар кесимида											
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	
Жами бюджет даромадлари	22	21,9	21,5	22	21,9	21,3	20,6	19,9	19,4	21,9	22,5	
Шу жумладан:												
бевосита солиқлар	5,1	5,8	5,4	5,3	5,1	5,1	4,9	4,6	3,8	6,1	7,7	
билвосита солиқлар	11,3	11,4	11,7	11,3	11,6	11,2	10,6	10,5	10,1	9,2	7,9	
ресурс тўловлари ва мулк солиғи	3,4	3,4	2,9	3,3	3	2,8	2,7	2,8	3,1	3,8	3,6	
бошқа даромадлар	2,2	1,3	1,5	2,1	2,2	2,2	2,4	2,1	2,4	2,8	3,3	

Ўзбекистон Республикаси 2021 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини янада ошириш ва бюджетга солиқларнинг тўлиқ тушишини таъминлашга қаратилган бўлиб, мазкур йўналишлар бўйича мамлакатимизда солиққа оид муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-657-сонли Қонуни ва мазкур Қонун билан 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюдже-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайтида эълон қилинган маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

тининг жамланма параметрлари ҳамда 2022–2023 йилларга бюджет мўлжаллари ҳамда 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2022–2023 йилларга мақсадли мўлжаллари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси консолидацияланган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2022–2023 йилларга бюджет мўлжаллари ҳамда 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2022–2023 йилларга нисбатан мавжуд ҳолат кўрсаткичларини илмий таҳлил қилиш натижасида мақсадли мўлжаллари тасдиқланди (4.18-жадвалда берилган)

Шунингдек, мазкур қонун билан, 2021 йил учун, мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари, товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун ундириладиган йиғимларнинг чекланган ставкалари, автотранспорт йиғимларнинг ставкалари тасдиқланди.

4.17 - ж а д в а л

2021 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2022–2023 йилларга мақсадли мўлжаллар

Т/р	Кўрсаткичлар	2021 йил учун прогноз	Мақсадли мўлжаллар	
			2022 й.	2023 й.
1.	Ялпи ички маҳсулот, млрд сўм	688 936	843 191	985 377
2.	Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	5,1	5,8	5,4
3.	Истеъмол нархлари индекси, ўтган йил декабрига нисбатан, фоизда	9,0–10,0	10,0–11,0	7,0–8,0
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	5,8	7,6	6,0
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	3,5	3,5	3,6
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	5,9	7,9	9,8

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-659-сонли Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4938-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан, Ўзбекистон Республи-

қасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қуйидагича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан: Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни билан жорий йилдан бошлаб, акциз солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўтказилди

Солиқ кодексининг 75-моддасига киритилган қўшимчалар билан, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари туристик зоналарда жойлашган алоҳида санаторий-курорт объектлари эгаллаган ер участкаларига нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг камайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш ёки солиқ тўлашдан озод қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланди.

Шунингдек, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш бўйича Солиқ кодексига бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Бюджет-солиқ соҳасидаги ўзгаришларнинг натижаси сифатида 2021 йилда солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритилди ва уларнинг моҳияти қуйидагича:

Президентимиз 2021 йил январ ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги Мурожаатномасида 2021 йилни «Ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилди.

Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган ДАВЛАТ ДАСТУРИ»нинг 3.3. бўлими «Солиқ ислохотларини амалиётга самарали жорий этиш, солиқ маъмуриятчилигини шаффоф йўлга қўйиш, солиқ юқини камайтириш ва содалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш» деб номланиб, унда қуйидаги тадбирлар белгиланди:

1. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш;

Мазкур йўналишда: барча хўжалик субъектлари томонидан тўлиқ электрон ҳисобварақ-фактураларга ўтилишини таъминлаш;

– алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, улгуржи ва чакана савдони амалга оширишнинг барча бўғинларида рақамли маркировка жорий этиш;

– улгуржи ва чакана савдо билан шугулланувчи барча тадбиркорлик субъектларнинг савдо нуқталарида онлайн КKM ўрнатилишини таъминлаш;

– товар-моддий захиралар ва товарларни (ишлар, хизматлари)ни етказиб бериш учун электрон шартномалар (ишончномалар) алмашинувини жорий этиш назарда тутилади.

2. Сотиладиган товарларнинг ягона электрон таснифлагич тизимини ишлаб чиқиш ва онлайн назорат-касса машиналари, электрон ҳисобварақ-фактуралари, маркировкалаш тизимларига интеграциялаш;

Мазкур йўналишда: тадбиркорлик субъектлари ўз мажбуриятларини бажаришини енгиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш;

– солиқ маъмуриятчилигини автоматлаштиришда фойдаланиладиган ахборот тизимлари комплексининг ягона платформасини яратиш;

– маълумотларни визуализация қилиш тизимларини жорий этиш ва ахборот тизимларини стандартлаштириш назарда тутилади.

3. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш маъмурчилигини такомиллаштириш;

Мазкур йўналишда, маҳсулотларни ноқонуний олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатларининг олдини олиш;

– алоҳида турдаги маҳсулотларнинг қонуний айланмасини таъминлаш механизмини тубдан такомиллаштириш;

– ишлаб чиқариш ҳажмини, омборлардаги қолдиқларни ва маҳсулот реал вақт режимида жўнатилишини назорат қилиш механизмларини жорий этиш;

– товарлар ва хизматлар турлари бўйича ягона таснифлаш тизимини жорий этиш назарда тутилади

4. Тенг рақобат шароитини яратиш ва кўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш;

Мазкур йўналишда: Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигида маркшрейдерлик хизматини ташкил этиш;

– норуда фойдали қазилмаларни қазиб олувчидан истеъмолчигача бўлган жараённи мониторинг қилиб боровчи дастурий маҳсулот (тизим) яратиш;

– қурилиш корхоналари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи субъектлар томонидан фойдаланилган норуда қазилмалар ҳажми тўғрисидаги маълумотларни солиқ органларига тақдим этиши назарда тутилади.

5. Солиқ хизматларини кўрсатишни янги босқичга чиқариш ва халқаро стандартларга мослаштириш, солиқ органларини «хизмат кўрсатувчи» юқори технологияли ташкилотга трансформация қилишни давом эттириш;

Мазкур йўналишда ҳақиқатда кўшилган қиймат солиғи суммаларини тўлаган ишончли солиқ тўловчиларга тезлаштирилган тартибда солиқ суммасини қайтариш назарда тутилади.

6. Солиқ хизматларини кўрсатишни янги босқичга чиқариш ва халқаро стандартларга мослаштириш, солиқ органларини «хизмат кўрсатувчи» юқори технологияли ташкилотга трансформация қилишни давом эттириш.

Мазкур йўналишда: тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ҳамда жисмоний шахслар тўғрисида ягона марказлаштирилган ахборот манбаини шакллантириш;

– марказий маълумотлар базасида давлат хизматларини кўрсатиш ва давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш учун зарур бўлган маълумотлар манбаи бўлган давлат ахборот ресурсини жамлаш;

– солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг ягона стандартларини ишлаб чиқиш ва кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш;

– солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги бизнес жараёнларини такомиллаштириш;

– солиққа оид ҳуқуқбузарликка чора кўришни босқичма-босқич автоматлаштириш орқали соддалаштириш;

– «Солиқ юки калькулятори» интерактив хизмат турини яратиш;

– «Soliq» мобил иловасида ўзини ўзи банд қилган шахслар учун умум-республика банклараро процессинг маркази (Uzcard) билан ҳамкорликда кўшимча имконият ва хизматлар яратиш;

– ишончли солиқ тўловчиларни ҳимоя қилиш мақсадида «шубҳали» солиқ тўловчилар рўйхати шакллантирилган ҳолда, унга киритилган субъектлар рўйхатини доимий янгилаб бориш назарда тутилади.

Солиқ ислоҳотларини амалиётга самарали жорий этиш ва солиқ маъмуриятчилигини шаффоф йўлга қўйиш ҳамда солиқ юкини камайтириш ва соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш бўйича белгиланган ушбу йўналишлар доирасида 11 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш тадбирлари белгиланган.

Президентимизнинг аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизликнинг олдини олиш, бу борада ёшлар



ва хотин-қизларни, айниқса, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш юзасидан янги иш ўринларини ташкил этган тадбиркорларни рағбатлантириш бўйича жорий йилнинг апрель ойида қабул қилган фармон ва қарорлари давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6208-сонли Фармони билан 2021 йил 1 майдан 2023 йил 1 январга қадар, иш берувчиларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб бериш тартибининг жорий қилиниши, биринчидан ёшларнинг иш билан таъминланишида қулай имконият бўлса, иккинчидан, ишга қабул қилувчиларнинг ёшларни ишга жалб қилишдан манфаатдорлигини оширди.

Масалан, хўжалик субъекти ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона 25 ёшга тўлмаган ёш мутахассисни ишга қабул қилиб, унга ўртача 3000,0 минг сўмдан ойлик иш ҳақи белгилади, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ходимга тўлаган ойлик иш ҳақи фондидан ойида 12 фоиз, яъни 360,0 минг сўм миқдорида ижтимоий солиқ тўлайди. Жорий этилган имтиёзга мувофиқ эндиликда хўжалик субъекти томонидан ёш ходимга тўланган ижтимоий солиқ суммаси тегишли ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан кейин солиқ тўловчига қайтариб берилади.

Қайд этиш жоизки, мазкур имтиёзни қўлаш учун ишга олинган ёш ходимлар олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга оширган бўлиши керак ва бунда ижтимоий солиқни қайтариш еттинчи ойдан бошлаб амалга оширилади. Ўз навбатида, мазкур имтиёз бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга татбиқ этилмайди.

Шунингдек, Фармон билан тасдиқланган жадвалга мувофиқ жойларда «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкларини ижарага олишда, Фармонда тасдиқланган жадвал бўйича ижара тўловларини имтиёзли миқдорларда тўлаш белгиланди. (4.18-жадвал)

4.18-жадвалнинг I қисми бўйича «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшлар ишга қабул қилинганда умумий ижара майдонига нисбатан ижара тўловларини 50 фоиз миқдорида тўлайдиган тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзли майдон белгиланди.

«Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича берилган имтиёзлар

«Ёшлар дафтари»га киритилган ишчилар сони	Давлат мулки объектнинг имтиёз қўлланиладиган энг кўп майдони			
	Тошкент шаҳри (кв. м)	Нукус шаҳар ва вилоят марказлари (кв. м)	Туман марказлари (кв. м)	Бошқа ҳудудлар (кв. м)
<i>I. «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда умумий ижара майдонига нисбатан ижара тўловларини 50 фоиз миқдориди тўлайдиган тадбиркорлик субъектлари бўйича</i>				
5 та	60	80	100	120
6 дан – 9 гача	100	120	140	160
10 дан – 19 гача	200	240	280	300
20 ва ундан ортиқ	250	280	300	320
<i>II. Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлар умумий сонининг камида 70 фоизи «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар бўлган, давлат мулки объектлари учун ижара ҳақи тўловидан 5 йилга озод этиладиган тадбиркорлик субъектлари бўйича</i>				
10 гача	100	120	140	160
10 дан – 19 гача	140	160	180	200
20 дан – 29 гача	180	200	220	240
30 ва ундан ортиқ	220	240	260	280

Масалан, Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъекти агар «Ёшлар дафтари»га киритилган 5 нафар ишсиз ёшларни ишга қабул қилган бўлса, мазкур тадбиркорлик субъекти 60, м<sup>2</sup> гача бўлган ижара майдони учун ижара тўловини 50 фоиз камайтирилган ставкада тўлайди. Демак тадбиркорлик субъекти агар ижара шартномаси бўйича 100, м<sup>2</sup> давлат мулкини ижарага олган бўлса ва 5 нафар «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган бўлса, 60 м<sup>2</sup> учун, агарда 6 нафардан 9 нафаргача ходимни ишга олган бўлса, 100 м<sup>2</sup> учун ижара тўловининг 50 фоизини тўлашдан озод қилинади.

Қайд этиш лозимки мазкур жадвалда келтирилган шартлар асосида республикамиз ҳудудлари бўйича ҳам «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга олган тадбиркорлик субъектлари учун ижара тўловининг имтиёзли майдон ҳажмлари белгиланган.

Бундан ташқари, мазкур жадвалнинг II қисмида эса ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлар умумий сонининг камида 70 фоизи «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар бўлганида, давлат мулки объектлари учун ижара тўловидан 5 йилга озод этиладиган тадбиркорлик субъектлари, ишга олиниши лозим бўлган ходимлар сони ва имтиёзли майдон ҳажмлари белгиланган.

Масалан, жадвалнинг II қисмига мувофиқ, Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектининг жами ходимлар сони 15 киши бўлиб, ушбу корхона 150 м<sup>2</sup> майдонга эга

давлат мулкани ижарага олган бўлса ва корхонада ишловчи ходимларнинг 11 нафари (70 фоизи) «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар бўлса, мазкур ҳолатда ушбу корхона ижарага олган давлат мулканинг 100 м<sup>2</sup> учун ижара ҳақи тўловидан 5 йил муддатгача озод этилади.

Шунингдек, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва ўзини ўзи банд қилиши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари харид қилиши учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилиши белгиланди.

Масалан, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёш йигит ёки қиз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун зарур асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари харид қилиши учун 20,0 миллион сўм маблағ лозим бўлса, шундан базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари яъни 9 800000 сўми (254000\*40) «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилиши белгиланган.

Шунингдек, Фармонда, 2021 йил 1 июндан бошлаб «Ёшлар дафтари»га киритилган ёш тадбиркорлар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бино ва иншоотларни ижарага олганда, бир йиллик ижара харажатларининг 30 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача бўлган миқдори «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан компенсация қилиниши белгиланди.

Масалан, ёш тадбиркор тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бошқа бир тадбиркордан 50 м<sup>2</sup> майдонга эга бўлган бинони бир йиллик муддатга йиллик 20,0 млн сўмга ижарага олди. Киритилаётган ўзгартириш бўйича ушбу тадбиркорни қўллаб-қувватлаш мақсадида, ижара тўловининг 30 фоизини, яъни 6,0 млн сўми (20,0\*30%) бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача, яъни 6125000 сўмгача (25\*245000) бўлган миқдори «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан компенсация қилинади.

Ўз навбатида профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ишлаб-чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўташ учун юборилган вақтида, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда профессионал таълим ташкилотлари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридан ойлик субсидия ажратилиши белгиланди.

Масалан, Тошкент қурилиш техникуми мазкур техникумда таҳсил олаётган ва «Ёшлар дафтари»га киритилган ўқувчини қурилиш корхо-

насига амалиёт ўташ учун олти ойдан кўп бўлмаган муддатга, айтийдик беш ой муддатга юборган бўлса, бунда техникум ҳисобидан ойига 900 минг сўм ( $245000 \cdot 2$ ) жами беш ой учун 4500.0 ( $900 \cdot 5$ ) минг сўм субсидия ажратилади.

Бундан ташқари Фармонда 2021 йил 1 июндан бошлаб «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатиб, сертификат олган ёшларга компьютерлар (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаган) харид қилишлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда истеъмом кредитлари ажратилиши белгиланиб, мазкур истеъмом кредитларини ажратиш АТ «Халқ банки», АТ «Алоқа банк» ва «Микрокредитбанк» АТБ томонидан амалга оширилиши ва истеъмом кредитлари бўйича фоиз тўловлари Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилиниши;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ умумий ҳисобда базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваригача бўлган миқдори ҳамда улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган имтиҳонларни топшириш харажатларини Ёшлар ишлари агентлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилиниши;

«Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг ҳайдовчилик курсларида ўқиш харажатлари базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдоригача ва сафарбарлик чақирuvi резерви хизмати бадали Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланиши;

хусусий корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинган ҳамда фаолият бошлаганига олти ойдан ошмаган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қайта тайёрлов курсларида ўқитиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача бўлган қисми мазкур хусусий корхона ва ташкилотларга Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилиниши белгиланди.

Шунингдек, 2021 йил 1 майдан бошлаб ётоқхона билан камраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан, ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланди.

Бунда, ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари, қолган ҳудудларда – базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 бараваридан ошмаслиги лозим;

ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми биринчи навбатда эҳтиёжманд оила фарзандларига, ўрнак кўрсатган ва фаол талабалар учун қоплаб берилади;

олий таълим муассасалари томонидан уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган бошқа талабаларга ҳам ойлик ижара тўловининг бир қисми қоплаб берилиши белгиланди.

Фармон билан Ёшлар ишлари агентлигида юридик шахс мақомига эга бўлмаган «Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ташкил этилиб, Давлаг бюджетидан ажратиладиган маблағлар, агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги корхона, муассаса ва ташкилотлар ихтиёрида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойданинг бир қисми, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар жамғарма даромадларининг манбалари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрель «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5087-сон қарорида тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислохотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш масалаларида қўшимча тадбирлар белгилаш назарда тутилди.

Қарорга мувофиқ, 2021 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъектларига қуйидаги солиқ ва божхона имтиёзлари белгиланди:

- уч йилдан ортиқ вақтдан буён фаолият кўрсатаётган ҳамда ҳисобланган солиқларни муддатида тўлаб келган, лекин молиявий аҳволига кўра солиқ қарзини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорлик субъектларига солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш;
- уч йилдан ортиқ вақтдан буён товарларни импорт қилиш билан шуғулланаётган, божхона тўловлари бўйича мажбуриятларини бажариб келган, лекин молиявий аҳволига кўра тўловларни белгиланган муддатда тўлаш имкониятига эга бўлмаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади.

Бунда, ушбу тартиб бўйича гаровсиз бўлиб-бўлиб тўланадиган солиқ ёки тўловлар суммаси тадбиркорлик субъекти томонидан охириги уч йил давомида тўланган солиқ ёки божхона тўловлари суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорида бўлиб-бўлиб тўланадиган солиқ ёки тўловлар суммасига берилади.

Масалан, тадбиркорлик субъекти томонидан охириги уч йилда тўланган солиқ ёки тўловлар суммаси тахминан уч млрд бўлиб, лекин кечиктириб тўланадиган солиқ ва тўловлар суммаси 5 млрд сўм бўлса, бўлиб-бўлиб тўланадиган солиқ ёки тўловлар суммаси 1,5 млрд сўм (3,0 млрд сўм: 2) миқдорида белгиланади.

Шунингдек, 2021 йил 1 майдан бошлаб чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар ва «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни ўз вақтида таъминламаган импорт қилувчилар учун қонунчиликда белгиланган жарима миқдорлари икки бараварга камайтирилди.

2021 йил 1 май ҳолатига шаклланган ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилди ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисобланадиган бўлди.

2021 йил 1 майдан бошлаб «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» томонидан Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация, унинг белгиланган миқдорларини сақлаб қолган ҳолда тақдим этилиши белгиланди.

Масалан, 2021 йил 1 май ҳолатига Марказий банк асосий ставкаси 14 фоиз бўлса, унинг 1,75 баробари 24,5 фоизни ( $14 \cdot 1,75$ ) ташкил этади. Агар тадбиркорлик субъекти банкдан 5,0 млрд сўм кредитни йиллик 28,0 фоиз ставкада олган бўлса, тадбиркорлик субъектига ушбу кредит фозининг 24,5 фоизлик харажатлар қисми қоплаб берилади.

Шунингдек, «Ижтимоий химоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун кредит миқдорининг 75 фоизигача, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда тижорат банклари кредитлари бўйича кафиллик берилади;

Масалан, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган тадбиркорлик субъекти кредит расмийлаштирган вақтда жамғарма томонидан 36750,0 (150\*245000) минг сўмгача кафилик берилиши белгиланди.

Асосийси, тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бўйича компенсация ва кафиликлар кредит шартномалари сонидан қатъи назар берилиши ва бунда, компенсациялар тақдим этилаётган кредитларнинг умумий суммаси 10 млрд сўмдан, кафиликларнинг умумий суммаси эса 8 млрд сўмдан, бироқ умумий кредит суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги белгилаб қўйилди.

Қарорда экспортни рағбатлантириш агентлигига, экспорт қилувчилар томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечиктириб тўлаш шарти билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун револьвер кредитларни молиялаштириш мақсадларида тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этиш, ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар тўловлар кечиктирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдорида, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда, йиллик 4 фоизли ставка (шундан, 2 фоизи банк маржаси) билан ажратилиши белгиланди.

Масалан, тадбиркорлик субъекти ишлаб чиқарган товарларини экспорт қилганда, ушбу экспорт учун тўловлар кечиктириб тўланиши шартномада белгиланган бўлса, бундай шароитда ушбу тадбиркорлик субъектининг айланмалар маблағларини тўлдириш учун Экспортни рағбатлантириш агентлиги тижорат банкларига молиявий ресурслар ҳисобидан кредит тўловлари қанча муддатга кечиктирилган бўлса, айталик, агар тўловлар уч ойгача кечиктирилган бўлса демак уч ойгача экспорт қилинган маҳсулотлар қиймати миқдорида агар экспорт миқдори 1,0 млрд сўмга бўлса, шу бир млрд сўмга, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда, йиллик 4 фоизли ставкада кредит ажратиш белгиланди.

Ўз навбатида, якка тартибдаги тадбиркорларга ҳам «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси»нинг кафилик ва компенсацияларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги Фармонда белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Фармонда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг 70 фоизи кичик бизнес лойиҳаларига, 30 фоизи устувор равишда ўзини ўзи банд қилишга йўналтирилиши, ажратиладиган маблағларнинг камида 15 фоизи жойларда, айниқса шаҳарларда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилиши белгиланди.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати, 2021 йил 1 июндан бошлаб инфратузилмага яқин жойларда, шу жумладан, республика аҳамиятидаги йўлларга туташ бўлган, белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича унумдорлиги паст, фойдаланишда бўлмаган қишлоқ хўжалиги ерларини саноат ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш учун лойиҳа асосида инвесторларга «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали ажратилишига рухсат этилди.

Шу билан бирга, жойларда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйишда уларнинг бошланғич нарҳини 50 фоизгача камайтириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйишда бошланғич нарҳга чегирма белгиланадиган олис ва чекка ҳудудлар чегараларини белгилаш ваколатлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-5094-сон қарори билан аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича янги таъсирчан механизмларни жорий этиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш тадбирлари белгиланди.

Мазкур қарор билан 2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тасдиқланди ва унда 2021 йилда 457 127 та доимий янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича прогноз кўрсаткичлари ва 2021 йилда меҳнат органлари томонидан 513 575 нафар фуқаро бандлигига кўмаклашиш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланди.

Шу билан бирга, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2021 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашишга:

- субсидиялар ажратиш учун 92,3 млрд сўм;
- ишсизлик нафақалари тўлаб бериш учун 65,1 млрд сўм;
- касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш харажатларини қоплаш учун 40,6 млрд сўм;
- янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банкларига ажратиладиган ре-сурслар учун 125 млрд сўм маблағлар ажратилиши белгиланди.



Қарорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси ва Давлат статистика кўмитаси ахборот тизимлари билан интеграция қилиш ва унда:

- меҳнат стажи учун ижтимоий солиқ тўлаган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якуни бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар;
- ташкил этилган иш ўрнига банд бўлган жисмоний шахслардан (якка тартибдаги тадбиркорлардан) олинадиган даромад солиғи ёки ижтимоий солиқ ҳамда норасмий фаолият кўрсатаётган яширин иш ўринларини расмийлаштириш, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якунига қадар;
- юридик шахслар томонидан янги ташкил этилган ва қисқартирилган иш ўринлари сони тўғрисидаги ойлик, чораклик, йиллик маълумотлар (кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари) ҳисобот ойдан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар акс эттирилишини таъминлаш белгиланди.

Ушбу бўлимга хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ёшларни касб-ҳунарга ўратиш ва меҳнат бозорида уларнинг бандлигини таъминлаш механизмлари такомиллаштириш юзасидан Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган янги рағбатлантириш мнормаларининг амалиётга жорий этилиши тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислохотларни изчил давом эттиришда, тадбиркорларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлашда муҳим услубий ва иқтисодий омиллар бўлиб хизмат қилади.

#### 4.4. СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш *йили дастури*ни бажариш шароитида хўжалик юритувчи субъектларимизнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, бюджет солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, уларнинг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда солиқлар орқали рағбатлантириш муҳим устувор вазифалардан биридир.

Маълумки, солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, иқтисодийётни давлат томонидан тартибга солишда фискал ва монетар сиёсатнинг ўрни, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини молиялаштиришнинг замонавий йўналишлари, молиявий тизим ва ресурсларни бошқаришнинг илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш масалалари республикамизда ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири саналади.

Маълумки муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февраль куни «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди.<sup>1</sup>

Унга мувофиқ мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонуничилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиниши белгиланган; шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланиб, йўналишларнинг учинчи йўналиши бу – иқтисодийётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилгандир.

Муҳтарам Президентимизнинг томонидан 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномаларида «... тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилади.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодийётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тегг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим»<sup>2</sup>, деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида: «Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг энг самарали йўли бу – тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 29 декабрь <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

*Конституциямизда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенглиги ва давлат томонидан бирдек муҳофаза этилиши кафолатланган.* Лекин иқтисодиётда давлат аралашувининг юқорилиги ва бюрократия, солиқ, божхона ҳамда банк тизимидаги мавжуд муаммолар ички инвестицияларни кўпайтиришга ва хорижий сармоядорларни янада кенгроқ жалб этишга ҳали ҳам тўсик бўлиб келмоқда»,<sup>1</sup> деб алоҳида таъкидладилар.

Шу ўринда ҳукуратимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва уларнинг натижаларига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, уларнинг ижобий натижаларини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда солиқ тизимини такомиллаштириш ҳамда соддалаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, солиқ маъмуриятчилиги шаффофлигини таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш борасида муайян ютуқларга эришилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётни янада ривожлантириш босқичида давлат солиқ тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган таркибий ўзгартиришлар ва ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида, жумладан, солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигини ошириш мақсадида 2017 йилнинг 18 июлида Президентимизнинг «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони<sup>2</sup> қабул қилиниб, бунда солиқ тизимини такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

Жумладан, солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат

<sup>1</sup> «Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир» Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси <https://gov.uz/uz/news/view/1987>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони

кўрсатишга тўлиқ ўтиш вазифаси белгиланди. Бундан кўзланган асосий мақсад, бир томондан солиқ тўловчиларнинг беҳуда қоғоз, йўл ва бошқа сарф-харажатларини камайтирса, иккинчи томондан тамагирлик каби коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш каби вазифалар юқорида айтиб ўтилган эзгу мақсадларни кўзда тутди.

Макроиктисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил этиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси эса маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини ошириб, уларнинг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Бу борада солиқ солиш масалаларида, шу жумладан, республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни кучайтириш масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Солиқ тизимининг самарадорлиги ва соҳа ходимларининг солиқ тўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиши, албатта, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ҳамда улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратишни талаб этади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида»ги Фармонида «Солиқ юқини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни тезкор ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилашнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, ўрганишлар натижалари мазкур соҳада бир маромда иқтисодий ўсишга, ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни оширишга, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлиги зарурий даражасини

таъминлашга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларни кўрсатди, хусусан:

- умумбелгиланган солиқларни тўловчилар учун солиқ юки даражасининг юқорилиги, шунингдек, солиқ солишининг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизимида солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги фарқнинг сезиларлилиги;
- қўшилган қиймат солигини ундиришнинг самарасиз тизими, солиқ тўловчиларнинг айланма маблағларини жалб қиладиган, шунингдек, истеъмол маҳсулотининг оралиқ ва якуний қиймати кимматлашишига олиб келадиган ҳамда йирик ва кичик бизнес ўртасидаги кооперацияни ривожланишига тўсқинлик қиладиган мажбурий тўловларнинг мавжудлиги;
- солиқ тўловчилар томонидан ходимларнинг реал сонини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини яширишга олиб келувчи меҳнатга ҳақ тўлаш фонди солиқ ставкаларининг юқорилиги;
- хўжалик юритувчи субъектларни солиқ ва божхона, шу жумладан, индивидуал хусусиятга эга бўлган имтиёзлар ҳисобига қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли амалиёти, натижада соғлом рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи имтиёзларнинг самарадорлигини назорат ва мониторинг қилиш тизимининг мавжуд эмаслиги;
- давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш механизmlарининг, электрон солиқлар маъмуриятчилиги ҳамда солиқ назоратини амалга оширишнинг шакл ва услубларининг такомиллашмаганлиги»<sup>1</sup>, деб алоҳида таъкидладилар

Мамлакатимизда солиқ тизимини такомиллаштириш ҳамда соддалаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, солиқ маъмуриятчилиги шаффофлигини таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш борасида муайян ютуқларга эришилмоқда.

Жумладан, бу йўналишда солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан «Солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни тезкор ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилашнинг муҳим шартлари»<sup>1</sup> муҳим аҳамият касб этади. Албатта, солиқ юкини камайтириш натижасида корхоналарда ўз ихтиёрида қо-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони.

ладиган маблағлардан ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида инвестиция фаолиятини кенгайтириш ҳамда ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш имкони пайдо бўлмоқда.

Шунингдек, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқларни бир хиллаштириш бўйича амалга оширилаётган қатор чора-тадбирлар, ўз навбатида, корхоналарнинг бухгалтерия ходимларининг солиқларни ҳисоблаши ва тўлаш ишларини соддалаштиришга ҳамда солиқ мажбуриятларининг бажарилишини самарали назорат қилишга ёрдам беради.

Таъкидлаш лозимки, бу борадаги ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янада жадаллаштириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бинобарин, замонавий талабларга жавоб берадиган солиқ тизими – иқтисодий жадал ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида тадбиркорлик субъектларида текширишларни ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиларни қисқартириш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текширишлар бекор қилинди, ҳисоботларнинг шакли ва топшириш муддатлари соддалаштирилди.

Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, жумладан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғишда, солиқ солинадиган базани кенгайтиришда ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммолар мавжудлиги ва бу эса ўз навбатида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, «меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юки қуйидагилар орқали камайтирилди:

барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдоридан жорий этиш, шундан 0,1 фоизини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари-га йўналтириш. Бунда, фуқароларнинг айрим тоифалари учун энг кам

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида» Фармони 2018 йил 29 июнь.

ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдоридаги даромадларини солиқ солишдан озод қилишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади»<sup>1</sup>. Шунингдек, айланмадан (ялпи тушумдан) солиқларни оптималлаштириш билан умумбелгиланган ва соддалаштирилган солиқлар тўловчиларни солиққа тортиш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш мезонлари давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг айланмасидан (ялпи тушумидан) ундириладиган мажбурий ажратмаларни бекор қилиш; юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун – 22 фоиздан 20 фоизгача пасайтириш, шунингдек, мобиль алоқа хизмати кўрсатаётган юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун, рентабеллик даражасидан келиб чиқиб улар учун қўшимча фойда солиғи ҳисоблаш тартибини бекор қилган ҳолда 14 фоиздан 20 фоизгача ошириш; дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғи ставкасини 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш; ўтган йил яқунлари бўйича йиллик айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки жорий йил давомида ушбу белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш. Бунда, йиллик айланманинг (ялпи тушумнинг) 1 миллиард сўм этиб белгиланган чегаравий миқдори ҳар 3 йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилади; барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар учун юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш ва қўшимча фойда солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини, шу жумладан, роялти тўлашни жорий этиш орқали такомиллаштирилмоқда.

Шунингдек, ҳозирги кунда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби бўйича солиқ тўловчиларга солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг салбий чоралари камайтириш мақсадида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини, бино ва иншоотлардан, шу жумладан, илгари хусусийлаштирилган объектлардан самарасиз фойдаланаётган юридик шахслар учун юқори ставкада солиқ ҳисоблаш тартибини сақлаб қолган ҳолда 5 фоиздан 2 фоизга пасайтириш; йиллик айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчилар учун айланмадан (ялпи тушумдан) солиқни 4 фоиз миқдордаги базавий ставкадан келиб чиқиб ҳисоблаш ва тўлаш тартибини ҳамда ихтиёрий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида»ги Фармони 2018 йил 29 июнь.

равишда қўшилган қиймат солиғини тўлаш имкониятини белгилаш ягона ер солиғи тўловчилари учун амалдаги солиқ солиш тартибини сақлаб қолиш орқали амалга оширилди.

Мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби такомиллаштирилади. Жумладан, қўшилган қиймат солиғини тўлиқ ҳисобга олиш тизимини жорий қилиш, солиқ солиш базасини аниқлаштириш ва имтиёзлар сонини камайтириш, шунингдек, 2019 йил якуни бўйича мазкур солиқ ставкасини пасайтириш орқали қўшилган қиймат солиғининг 20 фоиз миқдордаги амалдаги ставкаси сақлаб қолинади ва ҳозирги вақтда сотиб олинadиган асосий воситалар, қурилиши тугалланмаган объектлар ва номоддий активлар нархига киритиладиган қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш суммаларига киритиш ҳуқуқи берилди.

Бугун жаҳон амалиётида ахборот коммуникация технологияларининг тараққий этиши ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларга татбиқ этилиши ҳар бир давлатнинг корхона, ташкилот, муаассалари фаолиятига ҳар томонлама таъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда ижтимоий-иқтисодий жараёнларда янги технологияларнинг ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятига татбиқ этилиши иқтисодиётнинг асосий иқтисодий инструментлари каби солиқ ва солиққа тортиш механизмларининг рақамли иқтисодиёт жараёнлари билан трансформациялашувига олиб келди.

Айнан ушбу жиҳатлар мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ривожланиши ва макроиқтисодий барқарорликни юксалтиришда давлат солиқ тизими, солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш борасида амалга ошириладиган ислоҳотлар солиқ тизимининг рақамли иқтисодиёт жараёнларига уйғунлашувидан алоҳида аҳамият касб этиб, мазкур масаланинг ҳозирги кунда долзарблиги муҳим аҳамият касб этади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида илм-маърифат ва технологиялар ривожига алоҳида аҳамият қаратди. Жумладан, «Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат Дастурига мувофиқ,



ахборот-коммуникация технологияларини модернизация қилиш орқали солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 5 июнда 359-сонли қарори<sup>1</sup> эълон қилинди. Мазкур қарор доирасида *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегияси қабул қилинди.*

*Маълумки, мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш доирасида солиқ тизимини, солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш доирасида «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Яширин иқтисодийetni қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ва шу каби бир қатор Қарор ва Фармонлар қабул қилиниб, улар асосида мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек, солиқ ислохотларини самарали амалга оширишга кенг имкониятлар яратилаётганлигини қайд этишимиз керак.*

Маълумки, ҳозирги кунда солиқ маъмуриятчилигини таъминлаш бўйича давлат солиқ хизмати органларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини кенг жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Аммо ушбу ижобий ишлар ва ютуқлар билан биргаликда, солиқ маъмуриятчилигини янада самарали амалга оширишга уни такомиллаштиришга ҳамда давлат солиқ органларига, ҳудудий бўлинмаларга юклатилган мажбурият ҳамда вазифаларни тўлиқ бажаришга тўсқинлик қилаётган бир қатор камчилик ва муаммолар мавжудлиги Давлат солиқ қўмитасининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегиясида қайд этилиб бунда:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <http://uz.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 5 июнда 359 сонли қарори <https://lex.uz/docs/4844692>

- электрон давлат хизматлари ва ахборот тизимлари орқали маълумотлар базасига тушаётган мурожаатлар сони йилдан-йилга кескин ошиб бораётганлиги сабабли маълумотларни тезкорлик билан таҳлил қилиш имкониятини бермаётганлиги;
- Давлат солиқ кўмитасининг мавжуд сервер қурилмаларининг хотира ҳажми бугунги кунда 90 фоиз банд ва уларнинг ишлаш кафолатли муддати тугаган, Маълумотларни қайта ишлаш маркази қурилмалари эскириб қолганлиги;
- мавжуд ахборот тизимлари турли хил дастурлаш тилида ва бир-бирига мураккаб интеграциялашган ҳолда фойдаланилмоқца ҳамда ягона платформа мавжуд эмас;
- электрон ҳисобварақ-фактуралар ва онлайн назорат касса машиналари ҳамда ташқи манбалар орқали шаклланган катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва тезкор таҳлил қилиш учун мавжуд серверлар қуввати етишмаслиги оқибатида тизимда тез-тез узилишлар вужудга келаётганлиги;
- солиқ тўловчи билан солиқ органлари ўртасида маълумот алмашинувини таъминловчи ягона стандарт ва дастурий маҳсулотлар мавжуд эмаслиги;
- солиқ базасини кенгайтириш учун идоралараро маълумотлар алмашиш даражаси пастлиги;
- солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш учун кўриладиган таъсир чораларини автоматик сегментлаш ва солиқ тушумлари хавфини тўлиқ баҳолаш механизмлари мавжуд эмаслиги;
- ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги юкори ма-лакали кадрларни тайёрлашда тизимли камчиликлар мавжудлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Ушбу камчилик ва муаммолар солиқ тизимини жадал ривожлантириш, солиқ маъмуриятчилигида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг талаб даражасида йиғилишига ва солиқ тўловчиларга сифатли электрон давлат хизматлари кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда.

*Албатта шуни қайд этишимиз лозимки, биз тараққиёт ва ривожланиш даврида фаолият юритмоқдамиз, шундан хулоса қилган ҳолда мамлакатимизнинг тараққий этиши, ривожланишида кун сайин такомиллашиб бораётган фаолиятимизда жумладан, ахборот технологияларнинг ривожланаётганлигини қайд этишимиз лозим.*

*Маълумки, қабул қилинган стратегия доирасида қуйидаги йўналишларда самарали ишларни олиб бориш режалаштирилгандир:*

- Хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш;
- Замонавий ахборот тизимларини жорий қилиш орқали давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш;
- Маълумотларни қайта ишлаш марказининг моддий-техника базасини кенгайтириш.

Агарда ушбу йўналишларга алоҳида тўхталадиган бўлсак, *хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш йўналишида* солиқ тўловчиларга шахсий кабинет орқали кўрсатиладиган хизматларни кенгайтириш; солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган хизматларнинг мобиль иловалари сонини кўпайтириш; солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш стандартлари ва методологиясини ишлаб чиқиш; тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар орқали солиқ тўловчилар ҳақидаги ахборотларни жамлаган (скоринг) хизмат турларини жорий этишга қаратилиб, бу борада самарали ишлар олиб борилмоқда.

*Замонавий ахборот тизимларини жорий қилиш орқали давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш йўналишида*, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизимлари комплексининг ягона платформасини яратиш; солиқ хизмати органларида замонавий бизнес-тахлил (Business Intellegence) тизимини жорий этиш; солиқ аудитини автомат тарзда назорат қиладиган (Case Management System, Case Assesment System) тизимни яратиш; идоралараро ҳамкорлик орқали ахборот алмашинувида мавжуд муаммоларни бартараф этиш; солиқ органларига юкланадиган вазифалар бўйича бизнес процессларни ишлаб чиқиш ва уларни автоматлаштириш; солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг ҳисобини юритишда ягона идентификатор сифатида солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)дан фойдаланишдан жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)дан фойдаланишга ўтиш; солиқ тўловчиларни сегментлаш, хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, инсон омилини тўлиқ бартараф этадиган солиқ назоратини амалга оширишни назарда тутувчи «Таҳлика-тахлил» тизимини яратиш; маҳаллий бюджетлар даромадини оширишда маҳаллий солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш учун «сайт» тизимини кенг жорий этиш.

*Маълумотларни қайта ишлаш марказининг моддий-техника базасини кенгайтириш йўналишида* Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш маркази серверлари, ҳисоблаш қурилмалари ва бошқа техник жиҳозларини модернизация қилиш; маълумотларни қайта ишлаш марказининг асосий ва захира би-

ноларининг Муҳандислик инфратузилмасини модернизация қилиш; Давлат солиқ хизмати органларининг телекоммуникация қурилмалари ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи тизимларини модернизация қилиш; катта ҳажмдаги маълумотларни бошқариш ва таҳлил қилиш имконини берувчи «Big Data» технологиясини йўлга қўйиш; ахборот-коммуникация технологиялари паркинни босқичма-босқич янгилаш ва бир қатор йўналишлар бўйича ишларни амалга ошириш режалаштириган.

Юқорида қайд этилган йўналишлар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базасининг ҳажмини 1 петабайтга ва маълумотларни қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш тезлигини ошириш 10 бараваргача ошириш; солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган электрон давлат хизматларининг сифати ва солиқларни ихтиёрий тўлаш даражаси 90 фоизгача етказиш; «Онлайн назорат касса машиналари», «Электрон ҳисобварақ-фактуралар» ва бошқа марказлашган тизимлар орқали шаклланган катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш натижасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қўшимча тушумлар жалб қилинади; солиқ органларига юкланадиган вазифалар бўйича бизнес-процесслар ишлаб чиқилиши, такрорланишлар ва техник ишлар қисқариши ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш; ягона платформани яратиш орқали маълумотларни киритиш, тўплаш, шакллантириш, таҳлил қилиш қулай ва соддалашуви натижасида солиқ ҳисоботларини тошириш жараёнини 5-7 баробарга қисқартириш имконияти ярагилади; тизимга малакали кадрларни тайёрлаш учун масофавий таълим имкониятлари яратилади; ахборотлар махфийлигини таъминлаш ва ташқи хавфлардан ҳимоя қилиш ҳамда маълумотларни хавфсиз ва ишончли сақлаш имкониятлари 100 фоизгача етказилади.

Ушбу параграфга ҳулоса қиладиган бўлсак, солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни кўринади ва аҳамиятини юқорилиги фармонда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши солиқ тизими ҳамда маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади, унинг шаффофлигини таъминлайди, бу эса, шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ривожланиши, корхоналаримизнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаши, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида рақамли иқтисодиёт тизимини қўллаш асосида, жумладан, хўжалик юритувчи субъектларимизга ахборот технологиялари ва солиқ тизимида дастурий маҳсулларни янада такомиллаштириш, юртимизнинг гуллаб-яшнаши ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

#### 4.5. БЮЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Давлат бюджети давлат ҳокимияти органларининг молиявий ресурсларини ўзида мужассамлаштиради. Давлат ҳокимияти органларининг иерархик тузилмасига асосланган ҳолда бюджет тузилмаси ҳам тизимлаштирилади. Хусусан, Федератив, унитар ва конфедератив ташкилий тузилмаларга асосланган ҳолда бюджет тизими бюджетлари туркумлиниб, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида ваколат ва мажбуриятларнинг тақсимланишига мувофиқ бюджет тизими бюджетлари даромад ва харажатлари шакллантирилади.

Барча мамлакатларда кузатилганидек, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг ташкилий тузилмаси ҳам давлат ҳокимиятининг турли даражаларида шакллантириладиган бюджет тизими бюджетлари мажмуасини ўзида мужассамлаштиради (4.6-расм).

4.6-расмдан кўришимиз мумкинки, давлат бюджети ва унинг ички ўзаро элементлари тузилмасини ўзида мужассамлаштирувчи бюджет тизими 3 даражадаги бюджетлар мажмуасидан иборатдир.


Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари бюджет тизими бюджетлари даромад ва харажатларини ўзида мужассамлаштириб, барча даражадаги бюджетлар даромадларининг молиявий манбаи мамлакатда яратиладиган ЯИМ ва миллий даромад ҳисобланади. ЯИМ ва миллий даромадни солиқлар воситасида қайта тақсимлаш орқали марказлаштирилган пул фонди ҳисобланган давлат бюджети даромадлари шакллантирилади.

Давлат бюджети даромад ва харажатларини бошқариш билан боғлиқ молиявий муносабатлар 3 сикстрдаги муаммолар базасини ўзида мужассамлаштиради:

- Даромадларни оптимал шакллантириш;
- Харажатларни сарфлаш;
- Бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш.

Бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш бюджетлараро муносабатларнинг моддий асосини ташкил қилиб, қуйидаги йўналишларни ўзида мужассамлаштиради:

- бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромадларни тақсимлаш;
- бюджет тизими бюджетлари ўртасида давлат бюджети харажатларини тақсимлаш;
- бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромадларни бюджет трансфертлари орқали қайта тақсимлаш.



4.6-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тизимининг таркиби.<sup>1</sup>

Бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромадларни тақсимлашда солиқлар ва солиқсиз мажбурий тўловларни бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлаш назарда тутилиб, амалдаги солиқ тизимидаги мавжуд солиқлар турли даражадаги бюджетларга келиб тушишига кўра умумдавлат ва маҳаллий солиқларга туркумланади.

Бюджет тизими бюджетлари ўртасида давлат ҳокимияти органларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги ваколатларига мувофиқ давлат бюджети харажатлари ҳам бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланади.

Бюджет тизими бюджетлари ўртасида солиқлар ва бюджет харажатларни бирламчи тақсимлаш натижасида вертикал бюджет номуаносиблиги вужудга келади.<sup>1</sup> Ушбу вертикал бюджет номуаносиблигини бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромадларни бюджетлараро трансфертлар орқали қайта тақсимлаш орқали мувофиқлаштирилади. Лекин ушбу мувофиқлаштириш ҳам даромад ва харажатларни мутлақ мувозанатли тақсимлаш имкониятларини яратмайди ва горизонтал бюджет номуаносиблиги вужудга келади. Умуман, назарий жиҳатдан вертикал ва горизонтал бюджет номуаносиблигини мувофиқлаштиришга йўналтирилган кенг инструментлар арсеналининг комбинацион вариантлари мажмуаси бюджетлараро муносабатлар инструментлари ҳисобланади.

Бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий моҳиятини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

*биринчидан*, бюджетлараро муносабатлар – кенг қамровли бюджет сиёсатини марказий ва ҳудудий даражада амалга ошириш жараёнининг ажралмас қисмидир;

*иккинчидан*, бюджетлараро муносабатлар бюджет сиёсатининг бошқа йўналишларига нисбатан бирламчи аҳамият касб этади;

<sup>1</sup> Х.А. Қурбонов. Бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштириш. Монография. – Т.: ТДИУ, 2011.

*учинчидан*, бюджетлараро муносабатлар – нафақат бошқарувнинг турли даражаларидаги ҳокимият органлари ўртасидаги муносабат, балки энг аввало, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари субъектлари ўртасида марказ орқали шаклланган ва давлат ҳокимиятига унинг аниқ функцияларини ҳудудий даражада бажариш, жамият тараққиёти учун нормал шароитларни яратиш мақсадида берилган барча пул маблағларининг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнидаги муносабатлардир;

*тўртинчидан*, ҳудудлардан, жойлардан марказий ҳокимият (республика даражаси)га маблағлар тушиб туришининг таъминланиши ўз навбатида уларга давлат бошқаруви бўйича аниқ вазифалар ва мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиб олиш ҳуқуқини ҳам беради, бу ҳолат республика давлат ҳокимиятининг ўз ҳудудлари манфаатида ягона ва самарали бошқарувни таъминлайди. Шу билан бирга, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга маблағларнинг ажратилиши мамлакатни марказдан бошқаришда маҳаллий бюджетлар зиммасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши учун дастак яратади ҳамда ҳудудларда маълум маҳаллийчилик кайфиятлари юзага келишининг объектив асосларини бартараф этади:

*бешинчидан*, бюджетлараро муносабатлар – бу мутлақо тенг аҳамиятли тарзда қуйидан юқорига ва юқоридан қуйига ҳаракатланувчи молиявий оқимлардир. Ушбу муносабатларсиз турли даражадаги бюджетларни муваффақиятли шакллантириб бўлмас эди. Шу сабабли ушбу молиявий оқимлар маҳаллий бюджетларни шакллантирувчи таъсирчан омил ҳисобланади.

Бюджетлараро муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар, шаҳарлар бюджетлари, шунингдек, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ўртасидаги ушбу Кодекс билан тегишли бюджетларга бириктирилган харажатларни амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли бюджетларни молиявий ресурслар билан таъминлашга доир муносабатлардир.<sup>1</sup>

Турли даражадаги бюджетларни шакллантиришнинг асосий тамойилларидан бири уларнинг хусусий (бириктирилган) даромадлари ва харажатларини мустақил аниқлаш имкониятлари билан ифодаланувчи мустақиллик тамойили ҳисобланади. Бироқ юқорида таъкидлаганимиз

<sup>1</sup> Х.А. Қурбонов. Бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштириш. Монография. – Т.: ТДИУ, 2011.

дек, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасидаги тафовутларнинг мавжуд бўлиши шароитида даромад ва харажатларни ҳар қайси бюджетлар ўртасида тақсимлаш, яъни вертикал тенглаштириш орқали давлат ижтимоий хизматларини худудлар кесимида барқарор тақсимлаш имкониятларига эга бўлинмайди. Умуман бу йўл билан турли даражадаги бюджетларнинг даромад ва харажатларидаги мувозанатни таъминлаш имкониятларига эга бўлинмайди. Бу ҳолат бюджет тизимини тартибга солишнинг бир қатор инструментларидан фойдаланиш орқали кўшимча молиявий ресурсларга эҳтиёж сезувчи худудларга даромадларни қайта тақсимлаш заруратини юзага келтиради.<sup>1</sup>

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари баланслаштирилган даромадлар ва харажатларга эга бўлиши лозим. Амалдаги қонунчиликка кўра, Қорақалпоғистон республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тақчиллигига йўл кўйилмайди. Шу боис маҳаллий бюджетлар уларга бириктирилган харажатларни амалга ошириш учун зарур бўлган миқдорда даромадларга эга бўлмаган ҳолатда, уларга ўзларидан бир поғона юқори турувчи бюджетдан молиявий ресурслар ажратилади.

**Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ бюджетлараро трансфертлар** – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига, давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган маблағлар.<sup>2</sup>

*Бюджетлараро трансфертларнинг ҳажмлари:*

- жорий молия йилида турли даражадаги бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўзгарishiга сабаб бўлувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинганда;
- тегишли барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан ҳамда бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ўзлаштирилишидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Юқоридаги омиллар таъсирида бюджет тизимини горизонтал тенглаштириш тизимига эҳтиёж вужудга келади ва бундай тенглаштиришда фойдаланиладиган инструментларни амалдаги «Бюджет кодексига» мувофиқ бюджетлараро трансфертлар деб юритилмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига, 20-боб, 132-модда.

<sup>2</sup> Х.А. Курбонов. Бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштириш. Монография. – Т.: ТДИУ, 2011.



Ҳар бир юкори бюджетдан қуйи бюджетларга ажратиладиган даромадлар амалдаги бюджет қонунчилигига кўра «бюджетлараро трансфертлар» деб номланиб, ўзига хос равишдаги функционал вазибаларни бажаради. Улар ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш ёки ҳудудлар бюджет салоҳиятидан оқилона фойдаланиш жараёнига негатив ёки позитив таъсир этади. Буни қуйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин.

Бундай трансфертлар «Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси»нинг 134-моддасида қуйидагича ифодаланган:<sup>1</sup>

*«Бюджетлараро трансфертлар субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, дотациялар, бюджет сусдаси ва ўзаро ҳисоб-китоблар, ижтимоий трансфертлар бўйича маблағлар шаклида амалга оширилади.*

*Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириши, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ҳудудлар солиқ салоҳиятини кенгайтириши ва харажатларни режалаштиришидан манфаатдорлигини ошириши борасида:*

- *юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, яғона солиқ тўлови, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларига қатъий белгиланган солиқ, бензин, дизел ёқилғиси ва газни истеъмол қилганлик учун олинадиган солиқ, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи, юридик шахсларнинг ер солиғи, жисмоний шахслар ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек, руда фойдали бойликлари бўлмаган қазилмалар бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлардан тушумларни тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетларда қолдириши;*
- *жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини республика бюджетини ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тенг улушларда тақсимлаш; туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг базавий йилда аниқланган қўшимча даромад манбаларидан қатъи назар, ўрта муддатли бюджетга (камайтирмасдан) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан ажратмалар нормаларини бириктириши;*
- *Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларини, ахборот-ресурс марказларини, музейлар, кўргазма заллари, театрлар, филармония, мусиқа ансамбллари, давлат бошқарув органларининг ҳудудий бўлинмалари, шу жумладан, солиқ ва молия органларини, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиши ва рақобатни ривожлантириш органларини, УМКХТМ ҳудудий бошқармалари ва бошқа муассасаларни молиялаштириши бўйича ваколатни Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказиши каби ислохотлар амалга оширишмоқда.*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси. 1-боб. 3-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабрь, 134-модда.

Куйидаги жадвалда бюджетлараро муносабатларнинг асосий инструментлари ҳисобланувчи бюджетлараро трансфертларнинг хусусиятлари ёритиб берилган (4.19-жадвал).

4.19-жадвалдан кўришимиз мумкинки, бюджетлараро трансфертларнинг асосий турларидан бири субвенциялар ҳисобланиб, бюджет тизимини тартибга солишда 2017 йилгача кенг қўлланилган инструментлардан бири ҳисобланади.

Бюджетлараро трансфертлар тизимида субвенцияларнинг ҳам ўзига хос аҳамияти мавжуддир. «Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси»<sup>1</sup>га мувофиқ «**Субвенция** – муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари»<sup>2</sup>.

4.19 - ж а д в а л

**Бюджетлараро трансфертларнинг турлари ва уларнинг хусусиятлари<sup>3</sup>**

Бюджетлараро трансфертларнинг турлари				
Субвенциялар	Ўтказиб бериладиган даромадлар	Дотациялар	Бюджет ссудаси	Ижтимоий трансфертлар
Бюджетлараро трансфертларнинг ҳажмлари				
Жорий молия йилида турли даражадаги бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўзгаришига сабаб бўлувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинганда			Тегишли барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан ҳамда бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ўзлаштирилишидан келиб чиққан ҳолда аниқланади	
Бюджетлараро трансфертларнинг хусусиятлари				
Субвенциялар асосий макросоциодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиqlанаёт-ганда белгиланган харажатларни амалга ошириш учун ажратилади	Тегишли маъмурий-худудий бирликлар худудида шакллантириладиган ва юқори турувчи бюджетга ўтказиладиган даромадлар улар қайси маъмурий-худудий бирликда шакллантирилган бўлса, уша маъмурий-худудий бирлик бюджетига ўтказиб берилиши мумкин.	Юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга дотация қуйи турувчи бюджет харажатларининг режалаштирилган ҳажми субвенциялар ва ўтказиб бериладиган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда мазкур бюджет даромадларининг прогноз қилинган ҳажмидан ошиб кетган тақдирда ажратилади	Бюджет ссудаси бюджет манбаларининг тўлиқ сафарбар қилиниши тегишли бюджетларда назарда тутилган харажатлар қопламини таъминламаган тақдирда, қайтариш шарти билан ва фоизсиз берилади.	Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар молия йили мобайнида бюджетлар параметрлари ўзгараганда юқори ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасида юзага келадиган ўзаро пул муносабатларидир

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 52 II-сон, 2013 йил, 134-молда.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Х.А. Қурбонов. Худудлар бюджет салоҳи жойлаштиришнинг ташкилий- ҳуқуқий асослари // «Иқтисодиёт ва таълим». Махсус сон, 2017 йил. 60–65-бетлар.

Ушбу туркум харажатларнинг таркибий таҳлили натижасида хулоса қилиш мумкинки, маҳаллий бюджетларнинг ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлаш харажатлари таркибида маориф ва соғлиқни сақлаш харажатлари ортиб борган.

Субвенциялар ажратишнинг стандарт механизми турли даражадаги бюджет харажатларининг ҳамкорликда молиялаштириш ва ушбу харажат туркумларининг айрим турлари бўйича хизматларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан кўрсатилиб, уларни молиялаштириш кафолати марказий бюджетга юкланади. Ушбу мақсадлар учун юқори бюджетдан субвенциялар ажратилади.

Субвенцияларнинг яна бир хусусиятли жиҳати—маълум давлат стандарт ижтимоий хизматларини барча ҳудудлар томонидан бирдек кўрсатишни молиявий кафолатлаш ҳисобланади. Масалан, бюджет муассасаларидаги иқтисодий тасниф бўйича 2-гурух харажатларига субвенциялар ажратиш амалиёти мавжуд бўлган 2013–2018 йилларда Республика бюджетидан ўрта бўгин маҳаллий бюджетларга ажратилган субвенциялар ҳақида гапирадиган бўлсак, 2013 йилда жами 8 та маҳаллий бюджетлар субвенция олган бўлиб, ажратилган субвенцияларнинг умумий қиймати 3687,4 млрд сўмни ташкил қилган. 2018 йилга келиб маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш ва уларни субвенциядан чиқариш бўйича олиб борилган ислохотлар натижасида 2018 йилга келиб субвенция олувчи ҳудудлар сони 4 тагача қисқартирилди. Маҳаллий бюджетларга ажратилган субвенцияларнинг номинал қиймати 1397 млрд сўмни ташкил қилган. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, 2006 йилдан 2013 йилга қадар субвенциялар ўсиш тенденциясини акс эттирган.

Ушбу субвенциялар улушининг ортиб боришини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

**Биринчидан**, 2007 йилдан маҳаллий бюджетларни дотациядан чиқариш бўйича олиб борилган ислохотлар натижасида улар учун молиявий юк бўлган харажатларнинг айрим турларини субвенциялар орқали юқори бюджетдан кафолатлаш мақсадида субвенцияларнинг улуши ортиб борган;

**Иккинчидан**, ҳудудларни дотациядан чиқариш бўйича олиб борилган ислохотлар натижасида халқ таълими муассасаларининг 1 ва 2 гуруҳ харажатлари субвенциялар ҳисобига молиялаштирилган;

**Учинчидан**, ҳудудлар солиқ салоҳиятини ошириш ва маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ислохотлар натижасида маҳаллий бюджетга солиқ тушумларининг ўсиш суръати харажатларнинг ўсиш суръатидан паст ҳолатда бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратилган субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, дотациялар ва

мақсадли ижтимоий трансфертлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг даромадлари ҳисобланади.

*Юқори турувчи молия органи ташаббуси билан юқори турувчи бюджет қўйи турувчи бюджет олдидаги бюджетлараро трансфертнинг бир шакли бўйича мажбуриятлари қўйи турувчи бюджетнинг юқори турувчи бюджет олдидаги бюджетлараро трансфертнинг бошқа шакли бўйича мажбуриятларини камайтириши эъвазига ҳисобга олинishi мумкин»<sup>1</sup>.*

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган субвенцияларнинг миқдорлари асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бериладиган субвенцияларнинг миқдорлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан белгиланади.

Фойдаланилмаган субвенциялар жорий молия йили охирида тегишли юқори турувчи бюджетга қайтарилиши керак.

Ўтказиб бериладиган даромадлар – тегишли маъмурий-худудий бирликда шаклландиган ва юқори турувчи бюджетга ўтказиладиган, улар қаерда шаклданган бўлса, кейинчалик ўша маъмурий-худудий бирлик бюджетига ўтказиб бериладиган даромадлардир.

Ўтказиб бериладиган даромадларнинг умумий ҳажми Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қўйи турувчи бюджетларга асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда; Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қўйи турувчи бюджетларга тушумлари ўтказиб бериладиган хўжалик юритувчи субъ-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабрь, 134-модда.

ектларнинг ҳамда улар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси билан биргаликда тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тушумлари ўтказиб бериладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамда улар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари рўйхати Қорақалпоғистон республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари билан биргаликда тасдиқланади.

Юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга ўтказиб бериладиган даромадларнинг суммаси тегишли қуйи турувчи бюджетга тушиши лозим бўлган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ўтказиб бериладиган даромадларни ўтказиш улар бўйича ҳақиқатда тушган тушумлар доирасида, бироқ уларнинг тасдиқланган ҳажмидан ортиқ бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

**Дотация** – бюджет тизими бюджетларига уларнинг ўз даромадлари етишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағларидир.

Юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга дотация қуйи турувчи бюджет харажатларининг режалаштирилган ҳажми субвенциялар ва ўтказиб бериладиган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда мазкур бюджет даромадларининг прогноз қилинган ҳажмидан ошиб кетган тақдирда ажратилади.

Дотациянинг миқдори Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қуйи турувчи бюджетларга ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига ажратилганда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда; Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратилганда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан белгиланади.

Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар молия йили мобайнида бюджетлар параметрлари ўзгарганда юқори ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасида юзага келадиган ўзаро пул муносабатларидир.

Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар молия йили давомида қонун

хужжатлари қабул қилинганлиги; Қорақалпоғистон Республикаси бюджетети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогнози аниқлаштирилганлиги; бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бўйсунуви ўзгарганда харажатлар бир бюджетдан бошқа бюджетга ўтказилганлиги ёки капитал қўйилмалар лимитлари бюджетлар даражалари ўртасида қайта тақсимланганлиги муносабатлари билан юзага келади.

Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китобларга киритилиши лозим бўлган сумма юқори турувчи молия органи томонидан аниқланади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бюджетлараро трансфертлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг шахсий ғазна ҳисобварағидан Қорақалпоғистон республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, шунингдек, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан бюджетлараро трансфертлар уларнинг шахсий ғазна ҳисобварақларидан туманлар, шаҳарлар бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобварақларига, шунингдек, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказилади.

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджетлараро трансфертлар уларнинг шахсий ғазна ҳисобварақларидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказилади.

Бюджетлараро трансфертларни ўтказиш ғазна мемориал ордерлари асосида амалга оширилади.

Бюджетлараро трансфертлар бўйича ҳисоб-китоблар жорий молия йилида қўшимча вақт даври ҳисобга олинган ҳолда тугалланиши керак (кейинги йилнинг январь ойи молия йилига қўшимча вақт даври бўлиб, бу давр мобайнида ўтган йил учун бюджет тизими бюджетларининг ижроси амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет тизими бюджетларининг қўшимча вақт давридаги ижроси бўйича операцияларни ўтказиш тартибини ва охириги муддатларини белгилайди).

Бюджет ссудаси – қайтариш шарти билан юқори турувчи бюджетдан куйи турувчи бюджетга, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига, резидент-юримдик шахсга ажратиладиган пул маблағларидир.

Бюджет ссудаси шаклидаги бюджетлараро трансферт бюджет манбаларининг тўлиқ сафарбар қилиниши тегишли бюджетларда назарда тутилган харажатлар қопланишини таъминламаган тақдирда, қайтариш

шарти билан ва фоизсиз берилади.

Умуман, бюджетлараро трансфертларнинг кўриб ўтилган инструментлари бюджет тизимини тартибга солишга йўналтирилган бюджетлараро муносабатларнинг ўзига хос функционал вазифаларини бажарди. Хусусан, бюджет ссудаларининг ўзига хос хусусияти, қўйи бюджетлардаги режаслаштириш ва режаслаштирилмаган жорий кассавий тафовутнинг вужудга келиши билан боғлиқ улардаги жорий мажбуриятни бошқариш инструменти ҳисобланади.

Демак, бюджет ссудалари қўйи бюджетлардаги жорий ликвидлиликни бошқаришнинг инструменти ҳисобланиб, 1-гуруҳ харажатларини ўз вақтида молиявий таъминлашнинг инструменти ҳисобланади. Айниқса, бюджетга даромад тушумлари ва харажат чиқимлари ўртасидаги замон ва маконга хос бўлган тафовутлар шаротида ҳимояланган харажатларни



4.7-расм. Бюджетлараро трансфертларнинг иқтисодий аҳамияти<sup>1</sup>

ўз вақтида молиявий таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Вертикал тенглаштириш механизмидаги номутаносибликлар горизонтал тенглаштириш инструментлари улушининг юқори бўлишига таъсир этади (4.7-расм).

4.7-расмдан кўришимиз мумкинки, бюджетлараро трансфертларнинг ҳажми 2016–2021 йилларда давлат бюджети харажатларининг ЯИМдаги улуши ортиб бориши тенденциясида кескин тебраниш тавсифига эга бўлган. Бюджетлараро трансфертларнинг ЯИМдаги улуши эса пасайиш

<sup>1</sup> Л. Хазратқулованинг «Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш» мавзусидаги иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрлаган автореферати маълумотлари асосида тайёрланди. – Тошкент 2020 йил.

тенденциясига эга бўлмоқда. 2018 йилдаги бюджетлараро трансфертлар улушини юқори кўрсаткичи, мамлакатда солиқ юқини пасайтириш давлат сиёсати натижасида маҳаллий бюджетлар даромад базасининг кескин қисқариши натижасида харажат мажбуриятларини молиявий таъминлаш учун республика бюджетидан ижтимоий трансфертлар ажратиш амалиёти кучайган 2018 йилдан бошлаб Республикада бюджетлараро трансфертлар ажратиш тизимида ўзгаришлар кузатилди. Республика бюджетидан ижтимоий трансфертларни ажратиш тизими орқали ижтимоий соҳадаги маҳаллий бюджетлар харажатлари Республика бюджетидан кафолатлана бошланди.

2018 йилдан 13 та ўрта бўғин бюджетларининг барчаси учун юқори бюджетдан ижтимоий трансфертлар ажратилган. Хусусан, ушбу бюджетлараро трансфертларнинг асосий улуши 2018 йил январь–ноябрь ойларида тўғри келган бўлса, декабрь ойида кучсиз донор ҳудудларимизнинг ижтимоий трансфертларга боғлиқлиги ортган.

Агар дотациялар маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги боқимандалик кайфиятини кучайтириб, ҳудуд иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланишни рағбатлантиришни чеклаш тавсифига эга бўлган бўлса, субвенциялар ҳудудлар кесимидаги айрим харажатларни марказ-ҳудуд форматада таъминлаш бўйича дискриминацион кайфиятини туғдирар эди.


Ижтимоий трансфертлар ажратиш тизими ушбу муаммоларни нисбатан баргараф қилиш имкониятига эгадир. Чунки деярли барча ҳудудлар ушбу бюджетлараро трансфертларни олиш имкониятларига эга бўлмоқдалар.

Юқоридаги аргументларимизни маълум даражада 4.8-расмдаги манзара орқали исботлаш мумкин. Маълумотлардан ҳам кўришимиз мумкинки, даромад ва харажатлардаги бюджетлараро трансфертларнинг улушидаги йирик тафовут ҳам 2018 йилда кузатилган (4.8-расм).

Ушбу кўрсаткич мантиқан йирик харажатлар шароитида бириктирилган ва меъерий ажратмалар воситасида қайта тақсимланган маҳаллий бюджетлар даромадларини улар томонидан молиялаштирадиган харажатлар билан қай даражада қоплаш имкониятига эгаллигини кўрсатади.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида бюджетлараро трансфертларнинг ҳам салмоғини мўътадил даражада қисқартириш бўйича ислоҳотлар олиб борилмоқда. Кейинги йиллардаги тенденция ушбу даромадларни камайтириш, уларнинг хусусий даромад базасини оширишга қаратилган. Бу ҳолат маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятларини ошириш билан боғлиқ ислоҳотларни амалга ошириш туфайли таъминланмоқда.





4.8-расм. Маҳаллий бюджетлар даромад ва харажатларида бюджетлараро трансфертларнинг улуши, фоизда.

Ушбу кўрсаткичнинг ўртача даражасига қараб туриб, республикамиздаги маъмурий ҳудудларни шартли равишда икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

- бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг даражаси республикадаги ўртача даражадан паст бўлган маъмурий ҳудудлар;
- бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг даражаси республикадаги ўртача даражадан юқори бўлган маъмурий ҳудудлар.

Жаҳон амалиётида маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятлари уларнинг абсолют барқарорлиги орқали ифодаланади. Улар томонидан молиялаштириладиган харажатларни бириктирилган даромадлар (асосан маҳаллий солиқлар ва йиғимлар) ва меъёрий ажратмалар шаклидаги тартибга солувчи даромадлар ҳисобига тўлиқ молиялаштириш имкониятлари тушунилади. Буни қуйидаги формула асосида кўриб ўтишимиз мумкин:

$$B_x < D_b + D_m \quad (2.1)$$

Бу ерда:  $B_x$  – бюджет харажатлари;  $D_b$  – бюджетнинг бириктирилган даромадлари;  $D_m$  – тартибга солувчи даромадлар;

Агар, бириктирилган ва тартибга солувчи даромадлар етишмаса бундай шароитда молиявий тенглаштириш сиёсати бўйича юқори бюджетдан молиявий ёрдам шакллари ҳисобига маблағлар ажратилади. Бундай ҳолат маҳаллий бюджетларнинг нобарқарорлик ҳолати сифатида эътироф этилади.

2020 йилдан умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар республика бюджетидан қопланиши натижасида маҳаллий бюджетлар томонидан ижро этиладиган ушбу харажатлар учун ижтимоий трансфертлар ажратиш тизими орқали қопланмоқда.

2020 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги солиқлар маҳаллий бюджетларга тўлик ҳажмда киритилиши жорий этилди:

- ягона солиқ тўловидан тушумлар;
- абонентлар сонидан келиб чиқиб мобил алоқа хизмати учун акциз солиғи ва аҳоли сонидан келиб чиқиб пиво маҳсулотини ҳисобга олган ҳолда алкоголь маҳсулотлари учун акциз солиғи.

2020 йилдан бошлаб маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджетларни мустақил шакллантириш ва тасдиқлаш бўйича ваколат доираси кенгайтирилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари келгуси йил учун мўлжалланган тегишли бюджет лойиҳаларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига кўриб чиқиш учун тақдим этади. Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари маҳаллий бюджетлар тўғрисида қарор қабул қилади.

2020 йилдан бошлаб маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджетларни мустақил шакллантириш ва тасдиқлаш бўйича ваколат доираси кенгайтирилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари келгуси йил учун мўлжалланган тегишли бюджет лойиҳаларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига кўриб чиқиш учун тақдим этади. Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари маҳаллий бюджетлар тўғрисида қарор қабул қилади.

4.20-жадвалдан кўриш мумкинки, 2021 йилдан маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш, умумдавлат солиқларидан доимий равишда ажратмалар бериш билан боғлиқ ислоҳотлар натижасида кучли донор ҳудудлар, яъни Тошкент шаҳри, Навоий, Тошкент вилоятлари харажатларини бириктирилган даромадлар ҳисобига қоплаш имкониятларига эга бўлиб, улар учун трансфертлар ажратилмаётир.

2021 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари, харажатлари ва тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг прогнози, млрд сўм<sup>1</sup>

№	Худудлар номи	Даромадлар	Харажатлар	Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар
1.	Қорақалпоғистон Респ.	1 614,2	2 903,4	1 289,1
2.	Андижон вилояти	2 352,2	3 227,7	875,6
3.	Бухоро вилояти	1 935,4	2 374,6	439,2
4.	Жиззах вилояти	1 165,0	1 695,5	530,5
5.	Қашқадарё вилояти	2 570,3	4 140,5	1 570,2
6.	Навоий вилояти	1 535,4	1 535,4	—
7.	Наманган вилояти	1 970,6	3 237,7	1 267,1
8.	Самарқанд вилояти	2 657,0	3 750,5	1 093,5
9.	Сурхондарё вилояти	1 717,5	3 047,4	1 329,9
10.	Сирдарё вилояти	745,7	1 275,7	530,0
11.	Тошкент вилояти	3 003,0	3 003,0	—
12.	Фарғона вилояти	2 894,4	3 813,4	919,1
13.	Хоразм вилояти	1 442,7	2 070,1	627,5
14.	Тошкент шаҳри	4 064,7	4 064,7	—
	<b>Жами</b>	<b>29 668,1</b>	<b>40 139,7</b>	<b>10 471,7</b>

Ушбу ҳолат худудларда худудий иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромад базаларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ислоҳотларнинг пировард натижасидир.

*Республика бюджетидан молиялаштиришга ўтказилган харажатлар:*

- умумтаълим мактаблари иш ҳақи ва ягона ижтимоий солиқ харажатлари;
- мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий солиқ харажатлари;
- кўп квартирали уй-жой фондига туташ худудларни таъмирлаш харажатлари;
- иссиқлик тармоқлари ва қозонхона ускуналарини капитал таъмирлаш харажатлари.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари тегишли равишда:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.

Куйидагиларни тасдиқлайди:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини;
- Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини;
- Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларининг прогнозини маъқуллайди;
- Қонунда белгиланган тартибда маҳаллий бюджетлар, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

2021 йилда бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан харажатларни амалга ошириш ва ишларни бажариш куйидаги ҳолларда тақиқланди:

- молиялаштириш манбаси аниқ бўлмаса;
- белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларисиз ёки лойиҳа ҳужжатларини қурилиш-монтаж ишлари билан параллел равишда олиб бориш;
- пудратчи (лойиҳачи) ташкилотларни тендер (конкурс) ўтказмасдан танлаб олиш асосида бўлмаганда.

### **ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР**

1. Кимлар солиқ норезиденти ҳисобланади?
2. Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортишининг объектив зарурлиги нимада?
3. Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортишининг ҳуқуқий асосларига қайси меъёрий ҳужжатлар қиради?
4. Юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқларни тўлаш мажбурияти қайси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган?
5. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқларнинг иқтисодий аҳамияти нимада?
6. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган қайси солиқлар маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиради?
7. Юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг жамиятда қандай роли мавжуд?
8. Солиқ тўловчининг ҳуқуқи деганда нимани тушунасан?
9. Солиқ тўловчилар қандай ҳуқуқларга эга?
10. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қайси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган?

11. Солиқ маслаҳатчилари ташиклоти қандай хизматлар кўрсатади?
12. Қандай шахслар солиқ агентлари деб эътироф этилади?
13. Солиқ тўловчининг мажбурияти деганда нимани тушунасиз?
14. Солиқ тўловчи жисмоний шахслар ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолатларда қандай жавобгарликларга тортилади?
15. Солиқ мажбурияти деганда нимани тушунасиз?
16. Жисмоний шахсларнинг солиқ мажбурияти қачон юзага келади?
17. Қачон жисмоний шахсларнинг солиқ мажбурияти бажарилган ҳисобланади?
18. Солиқ тўловчи томонидан солиқ мажбурияти бажарилмаганда солиқ органи томонидан қандай таъсир чоралари кўрилади?
19. Солиқларни тўлашни кечиктириши ёки бўлиб-бўлиб тўлаши имкониятини бериш тартиби қандай?
20. Солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириши ваколатлари қайси органларга берилган?
21. Солиқ тўловчининг идентификация тузилишини тушуунтиринг?
22. Нима мақсадда солиқ тўловчиларга идентификация рақами берилади?
23. СТИР қандай тартибда қайси орган томонидан берилади?
24. СТИР солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг қайси тоифаларига берилади?
25. Солиқ тўловчининг идентификация рақами билан жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамининг ўзаро фарқли жиҳатлари нимада?
26. Кимлар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигининг тўловчилари ҳисобланади?
27. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигини кимлар ҳисоблайди?
28. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиги бўйича қандай имтиёзлар қўлланилади?
29. Якка тартибдаги тадбиркор тадбиркорлик фаолиятининг қандай турлари билан шугулланиши мумкин?
30. Якка тартибдаги тадбиркор неча нафаргача ходим ёллаши мумкин?
31. Оилавий тадбиркорликка таъриф беринг.
32. Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация деганда нимани тушунасиз?
33. Бюджет - солиқ соҳасида амалга ошириладиган манзилли тадбирларда солиқ сиёсатининг ўрни.
34. Солиқ маъмурчилигининг барқарор солиқ тизими жорий этилишидаги ўрни.
35. Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда қўлланиладиган солиқ имтиёзлари.
36. Иқтисодийетимизда макроиқтисодий барқарорликни янада оширишда солиқ маъмуриятчилигининг ўрни ва аҳамияти.
37. Мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш борасида ҳукуматимиз томонидан чиқарилган Қарор ва Фармонларни қайд этинг?

38. Солиқ сийёсатида солиқ маъмурчилигининг тутган ўрни ва унинг асосий йўналишлари.
39. Мамлакатимизда солиқ тизimini соддалаштириши ва солиқларни бир-хиллаштириши бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар нималардан иборат?
40. Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириши чора-тадбирларини кўрсатиб беринг.



## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Бюджет параметрлари қайси меъёрий ҳужжат билан тузилади.
- А. Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан  
В. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан  
С. Қонунчилик палатаси Қарори билан  
Д. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан
2. Солиқ органлари томонидан олиб бориладиган қандай солиқ назорати шаклларини биласиз?
- А. солиқ текширувлари, солиқ мониторинги  
В. солиқ аудити, камерал назорат  
С. жорий назорат, охириги назорат  
Д. ревизия, солиқ назорати
3. Солиқ органлари солиқ текширувларини қандай турларда ўтказди?
- А. Камерали солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви, солиқ аудити  
В. Ички солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви, солиқ аудити  
С. Ташқи солиқ текшируви, ички солиқ текшируви, солиқ аудити.  
Д. Ташқи солиқ текшируви, ички солиқ текшируви, иқтисодий назорат.
4. Ўзбекистон Республикаси бюджетига 2020 йилда солиқлар тушуми белгиланган прогноз кўрсаткичига нисбатан неча фоизга бажарилган?
- А. 104 фоиз      В. 105 фоиз      С. 103 фоиз      Д. 106 фоиз
5. Солиқ юки калькулятори қандай хизмат тури ҳисобланади.
- А. Интерактив хизмат тури      С. Ёрдам хизмат тури  
В. Электрон хизмат тури      Д. Шахсий хизмат тури
6. 2020 йилдан бошлаб Республикамиз солиқ тизимида нечта солиқ тури мавжуд?
- А. 9 та      В. 10 та      С. 11 та      Д. 13 та
7. Солиқ текширувларини ўтказиш учун номзодларни қандай тартиб орқали танлаб олинади?

- A. Таҳлика-таҳлил дастури ёрдамида танланади
- B. Солиқ кўмитаси таклифи асосида танланади
- C. Солиқ инспекциялари таклифига кўра танланади
- D. Камерал назорат асосида танланади

**8. Камерал солиқ текшируви натижалари бўйича қандай молиявий санкциялар қўлланилади?**

- A. Қўлланилмайди
- B. Молиявий ва пеня ундирилади
- C. Бокимандалар ундирилади
- D. Жарималар қўлланилади

**9. 2020 йил 1 январдан бошлаб солиқ имтиёзлари қайси меъёрий ҳужжатлар асосида берилади?**

- A. Солиқ кодекси ва Президент қарори
- B. Вазирлар Маҳкамаси ва Олий мажлис қарорлари
- C. Вазирликлар ва кўмиталар ҳужжатлари
- D. Қонунчилик

**10. Солиқ тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти қайси органлар томонидан берилади?**

- A. Давлат солиқ кўмитаси, божхона органларининг таклифи бўйича, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
- B. Божхона органлари, Солиқ кўмитаси, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги, Прокуратура органлари
- C. Солиқ инспекциялари, Суд тизими, Вилоят ҳокимияти
- D. Барча жавоблар нотўғри

**11. Солиқ механизмининг йўналиши қандай келиб чиқади?**

- A. Солиқ сиёсатидан
- B. Банкдан
- C. Кредитдан
- D. Сугуртадан

**12. Солиқ сиёсати чораларини ишлаб чиқишда энг муҳим вазифа**

- A. Солиқ тушумларининг етарлилиги
- B. Банк тушумларининг етарлилиги
- C. Кредит тушумларининг етарлилиги
- D. Сугурта тушумларининг етарлилиги

**13. Солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири**

- A. Солиқ тизимини тартибга солиш, солиқ турларини камайтириш, ҳисоб-китоб механизмини соддалаштириш ва улар бўйича тўлов даврийлигини камайтириш
- B. Солиқ тизимини тартибга солиш
- C. Солиқ турларини камайтириш
- D. Ҳисоб-китоб механизмини соддалаштириш

14. Давлат солиқ сиёсатини тайёрловчи ва уни тўлиқ ҳаётга татбиқ қилувчи қандай ролини бажаради?

- A. Тизимли  
B. Босқичма-босқич  
C. Тартибли  
D. Ташкилотчилик ва бошқарувчилик

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси Фармонида Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида сўз юритилган

- A. ПФ-5468 29. 06. 2018 й.  
B. ПФ-5460 29. 07. 2018 й.  
C. ПФ-5468 28. 06. 2018 й.  
D. ПФ-5568 27. 06. 2018 й.

16. Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсиясининг асосий йўналишлари нечта?

- A. 10  
B. 7  
C. 6  
D. 8

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси қарорида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида сўз юритилган?

- A. ПҚ-4389 10. 07. 2019 й.  
B. ПҚ-5116 18. 07. 2017 й.  
C. ПҚ-5468 28. 08. 2018 й.  
D. ПҚ-5468 29. 06. 2018 й.

18. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси қачон қабул қилинган?

- A. ПҚ-5468 29. 06. 2018 й.  
B. ПҚ-5116 18. 07. 2017 й.  
C. ПҚ-5468 28. 08. 2018 й.  
D. ПҚ-4389 10. 07. 2019 й.

19. Солиқ механизмнинг йўналиши қандай келиб чиқади?

- A. Кредитдан  
B. Банкдан  
C. Солиқ сиёсатидан  
D. Суғуртадан

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор қачон қабул қилинган?

- A. ПҚ-4389 10. 07. 2019 й.  
B. ПҚ-5116 18. 07. 2017 й.  
C. ВМ- 359 05. 06. 2020 й.  
D. ПҚ- 5468 29. 06. 2018 й.





## **V B O B**

### **ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ АСОСИДА ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТЛИ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**

#### **5.1. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТЛИ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча босқичларида, барча мамлакатларда инсон ҳаётининг асосини моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ташкил этади. Чунки ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари бўлмаса, айирбошлайдиган, тақсимлайдиган ва истеъмол қиладиган неъматларнинг ўзи бўлмайди. Ҳар қандай жамиятда инсоният истеъмолсиз яшай олмаганидек, ишлаб чиқармасдан ҳам туролмайди. Бу масала ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларининг катта муаммосига айланган. Чунки, дунёда рўй бераётган жаҳон иқтисодий инқирозлари, аҳоли сонининг ошиб бориши ва бошқа сабабларга кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулотлар миқдорининг ўсиш суръатлари сусайиши, бу кўрсаткичнинг айрим мамлакатларда сезиларли даражада пастлиги кузатилмоқда. Дунё мамлакатлари рейтингда бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон ҳам 187 та мамлакатлар ичида 134-ўринда туриши ҳам яхши кўрсаткич эмас. Агар аҳоли сонининг ошиб бориши ва ҳар бир кишининг товарлар ва хизматларга бўлган талаби ошиб боришини ҳисобга олсак, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш ўта жиддий ва долзарб ҳаётий масала эканлиги ҳаммага аён бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати мустақилликка эришган кундан бошлаб то ҳозирги кунгача ишлаб чиқариш жараёнини аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг асосий манбаи ва йўли деб қараб, уни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Мамлакатимиз президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қилган маърузасида: – «Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, жумладан, мақбул нархлар бўйича кенг турдаги озиқ-

свқат маҳсулотлари билан халқимизни тўлиқ таъминлаш олдимизда турган муҳим вазифалар қаторига киради»<sup>1</sup>, деб таъкидлашлари ҳам шундан келиб чиққан ғоядир. Президентимизнинг бу гаплари аҳолининг ўсиб боровчи талабларини мавжуд имконият ва ресурсларимизни реал ҳисобга олган ҳолда 2030 йилгача ЯИМ ҳажмини 2 бараварга ошириш вазифаси қўйилгани ва мамлакатимизда амалга ошириладиган инвестициялар ҳажмининг асосий қисмини ишлаб чиқаришни, унда қўлланиладиган янги техника ва технологияларни ривожлантиришга сарфланаётгани бу соҳага қаратилган катга эътиборнинг далилидир. Бунинг устига Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш»<sup>2</sup> вазифаси қўйилгани муаммонинг жиддийлигидан далолат беради.

Ишлаб чиқариш жараёнида турли омилларнинг бир-бирлари билан ўзаро таъсирда бўлиши ва бирикиши асосан турли хилдаги корхоналарда амалга оширилади. Бундай корхоналар сонининг ўсиши ва йириклашуви айни пайтда иқтисодиётдаги товар ва хизматлар турлари ва ҳажмининг ўсишидан дарак беради. Юзаки қараганда, ҳар бир корхонадаги (давлат, хусусий, қўшма корхона, фермер, деҳқон, томорка хўжалиги) индивидуал ишлаб чиқариш мустақил, бир-биридан ажралган ҳолда амалга ошадиганга ўхшаб кўринади. Аммо хилма-хил товарлар ва ресурсларнинг узлуксиз оқимида индивидуал ишлаб чиқарилган товарлар ва маблағларнинг ҳаракатлари бир-бири билан қўшилиб, ўралиб-чатишиб кетади. Чунки алоҳида олинган индивидуал ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти ва айрим маблағлар, маҳсулотларнинг ҳаракати ўзаро боғлангандир. Шу сабабли, индивидуал меҳнатлар ва товарлар ҳаракатининг қўшилиб кетиши бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, жами яратилган товар ва хизматларнинг ҳаракатини билдиради. Демак, ижтимоий ишлаб чиқариш ўзаро боғланган ва алоқада бўлган барча индивидуал ишлаб чиқаришларнинг йиғиндисидир. Ҳар бир индивидуал ишлаб чиқариш, унинг сармояси ва ресурслари эса ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ажралмас бир бўлагидир.

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев. «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз» // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 15 декабрь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, ПФ-4947-сонли Фармони.

**Қўшилган қиймат** – ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида муайян бир фирма, корхонада янгидан яратилган, бевосита ўстирилган, маҳсулотнинг олдинги қийматига қўшилган қиймат. Корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, товарлар, хизматларни сотишдан олган тушумлар билан корxonанинг бошқа корxonалардан ресурслар (материаллар, ярим фабрикатлар) сотиб олиш учун қилган харажатлари айирмаси тарзида аниқланади. Қўшилган қиймат – ишлаб чиқаришнинг пировард натижасидир. Мазмунан Қўшилган қиймат ишлаб чиқарилган ёки яратилган товар ва хизматлар нархининг бир қисми сифатида гавдаланади.<sup>1</sup>

Яратилган маҳсулот қиймат жиҳатдан ҳам уч қисмдан иборат бўлади:

1) ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қийматининг маҳсулотга ўтган қисми **амортизация фонди (АФ)**;

2) янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг бир қисми, яъни, ишчиларга тегишли қисми – **зарурий маҳсулот қиймати (ЗМ)**;

3) янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг мулкдорлар, тадбиркорлар ва жамият учун ишлаб чиқарилган қисми – **қўшимча маҳсулот қиймати (ҚМ)**дан иборатдир (5.1-жадвал).

5.1-жадвал

Ялли ички маҳсулотнинг технологик босқичлар бўйича тузилиши (шартли рақамлар мисолида)

Изчил тармоқлар	Оралик маҳсулот (хонашб, ёқилги)	Қўшилган қиймат				Ялли ички маҳсулот	Жами ижтимоий маҳсулот
		Амортизация	Иш ҳақи	Сўлиқ ва туловлар	Фойда		
	Истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати (с)	Зарурий маҳсулот (v)	Қўшимча маҳсулот (m)				
Пахта ишлаб чиқариш	40	30	30	20	20	100	140
Пахтани қайта ишлаш	140	40	50	25	30	145	285
Тўқимачилик	285	50	60	30	40	180	465
Тикувчилик	465	45	50	35	30	160	625
Жами	930	165	190	110	120	585	1515
		c=1095	v=190		m=230	585	1515

Соф маҳсулот бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда банд бўлган менежерлар, ишчилар, деҳқонлар ва муҳандислар, техник ходимлар ва бошқаларнинг сарф қилинган жонли меҳнати билан яратилган зарурий ва қўшимча маҳсулотдан иборатдир.

**Зарурий маҳсулот** деб ишчи ва хизматчилар иш вақтининг бир қисми бўлган зарурий иш вақтида зарурий меҳнат билан яратилган, ишчи кучини нормал ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулотга айтилади. Бунга келгуси авлод ишчиларини етиштириш,

яъни ишчиларнинг оиласи ва болалари учун зарур бўлган маҳсулот ҳам киради.

Соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисми, яъни қўшимча иш вақтида ходимларнинг қўшимча меҳнати билан яратилган қисми **қўшимча қиймат** дейилади.


Ишлаб чиқаришнинг тизими ва мулкчиликнинг шаклидан қатъийназар ҳар бир корхонада, тармоқда қўшимча маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга ҳаракат қилинади. У асосан уч йўл билан – ишловчилар сонини кўпайтириш, иш кунини узайтириш ва иш куни чегараси ўзгармаган ҳолда зарурий иш вақтини камайтириш эвазига қўшимча иш вақтини кўпайтириш йўли билан амалга оширилади.

Янгидан яратилган соф маҳсулотнинг таркиби ва шаклларини 5.1-расмда аниқроқ тасвирлаш мумкин.

Фойданинг турли тўловлардан қолган қисми эса тадбиркорларнинг соф фойдаси бўлиб, унинг ҳисобидан ўзларининг истеъмолини қондиради, инвестицияни, турли социал йўналишдаги ишларни амалга оширадилар. Кўриниб турибдики, қўшимча маҳсулотни кўпайтириш ҳеч кимга зарар бермайди, аксинча, жамият аъзоларининг ҳаммаси учун манфаатлидир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали қўшимча қийматга таъсир қиладиган омилларни ҳам билиш зарурдир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бир қанча омиллар таъсир қилади:

- 1) фан-техника тараққиётни тезлаштириш, энергияларнинг хомашё ва материалларнинг янги турларини топиш ва унинг натижаларини тезлик билан ишлаб чиқаришда қўллаш;
- 2) табиий ва иқтисодий омилларни ҳисобга олиб ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш, ихтисослаштириш ва кооперациялаш;
- 3) иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва унинг ташкилий бўғинларини ўзгартириш;



5.1-расм. Зарурий ва қўшимча қийматнинг шакллари.

- 4) ишлаб чиқарувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб, уларнинг фаоллигини ошириш;
- 5) мавжуд табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, янги, арзон, сифатли хомашё ва энергия турларини, экинларнинг янги ҳосилдор навларини, чорва молларининг маҳсулдор зотларини топиб, ишлаб чиқаришга жорий қилиш;
- 6) кишиларнинг билим савиясини, малакасини ошириш, етук ишчи ва мутахассислар тайёрлаш.

Булар ичида фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришда қўллаш, ҳамма ишга инновацион ёндашиш омили ҳозирги кунда республикамиз учун долзарб ва муҳим аҳамият касб этади. Фан-техника тараққиётининг эволюцион ва революцион шакллари фарқланади. *Эволюцион* шаклда ривожланиш деганда, ФТТнинг мавжуд технологияси асосида, машиналар ва ускуналар қисман модернизациялаш асосида ривожланиши тушунилади. *Революцион* шаклда ривожланиши деганда эса, фан-техниканинг бир қанча соҳаларида бирданга катта ўзгаришлар бўлиб, техниканинг энг сўнгги янгиликларини, авлодларини ишлаб чиқаришда қўллаш, принципаал янги технологик тизимга ўтиш тушунилади. Фан-техника тараққиётининг кейинги шаклда ривожланиши юксак самара беради. Шунинг учун ҳам айрим меъёрий ҳужжатларда ва мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев маърузаларида иқтисодиётнинг барча тармоқларини ҳозирги замон фан ва техникасининг энг янги ютуқлари асосида тайёрланган техника ва технологиялар билан қайта қуроллантириш лозимлигини таъкидламоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш»<sup>1</sup> вазифаси қўйилган.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида моддий товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ЯИМдаги мулақ миқдори ва нисбий улуши ҳисобга олинади. Улар қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади (5.2-жадвал).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, ПФ-4947-сонли Фармони, 3.2-банди.

Ўзбекистон ЯИМда товарлар ва хизматлар улуши  
(жорий нархларда)<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар		Ялпи ички маҳсулот	Шу жумладан:		
			Ишлаб чиқарилган товарлар қиймати	Кўрсатилган хиз- матлар қиймати	Соф солиқлар
2017	млрд. сўм	302536,8	165782,9	101 961,90	34792
	%	100	54,8	33,7	11,5
2018	млрд. сўм	406 648,50	231565,7	129 507,00	45575,8
	%	100	56,9	31,8	11,2
2019	млрд. сўм	510 117,20	297005,5	167 849,00	45262,7
	%	100	58,2	32,9	8,9
2020	млрд. сўм	580 203,20	341467,5	194 363,50	44372,2
	%	100	58,9	33,5	7,6

Жадвалдан кўринадики, 2017 йилда ЯИМ ҳажмининг 54,8 фоизини ишлаб чиқарилган моддий товарлар ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб эса бу кўрсаткич 58,9 фоизни ташкил этди. Бундан кўришимиз мумкинки, кейинги даврларда ишлаб чиқариш ҳажми тўхтовсиз ўсиб бориш билан бир қаторда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасига кенгроқ эътибор бериши натижасида ЯИМ таркибида моддий ишлаб чиқаришнинг улуши нисбатан пасайиб, номоддий ишлаб чиқариш улуши эса ўсиб бормоқда.

Шу билан бирга мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси сезиларли равишда ривожланиб бормоқда. Республика ЯИМдаги хизмат кўрсатишнинг улуши 2017 йилда 33,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 31,8 фоизни, 2020 йилда эса 33,5 фоизни ташкил қилди. Бу эса мамлакатимизда кейинги йилларда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш учун олаб бораётган комплекс тадбирлар қаторида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган Давлат дастурларининг амалга оширилиши натижаси ҳисобланади.

Маълумки, ҳар йилнинг бошида мамлакатимизда олдинги йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишга яқун ясалади ва янги йилда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштиришга энг устувор йўналишлари белгилаб олинади. Ушбу устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифалар амалга оширилиб, салмоқли натижа ва сезиларли ўзгаришлар қўлга киритилмоқда. Иқтисодиётнинг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мувозанати ва мутаносиблиги маълум даражада таъминланмоқда, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, диверсификациялаш ишлари давом эттирилмоқда. Шунини айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимиз-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

да бу борадаги ишлар танқидий таҳлил қилиниб, янгича ёндашув билан олиб борилмоқда. Айни вақтда бу таҳлиллар юқори салоҳиятга эга бўлган корхоналарга ҳар бир турдаги маҳсулотни хомашё ва ярим фабрикат бўйича чуқур қайта ишлашнинг узоқ ва яқин келажакдаги йилларга мўлжалланган аниқ истикболга эга бўлган мутлақо янги дастурий комплекс ёндашуви асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни талаб этмоқда. Бу кўрилган чора ва тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб келинмоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ва саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 1,6 фоизга ўсишини таъминлади. Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноат тармоқларида динамик ривожланиш таъминланди. 2020 йилда маҳаллий хомашё ресурсларини босқичма-босқич чуқур қайта ишлаш ва тайёр истеъмол маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш тармоқлари эвазига саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди (5.3-жадвал).

5.3 - ж а д в а л

Ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг асосий тармоқлар бўйича таркиби (%)<sup>1</sup>

	2017	2018	2019	2020
<b>I. ЯИМ, жами шу жумладан:</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	88,5	88,8	91,1	92,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	11,5	11,2	8,9	7,6
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	34,0	31,5	28,0	28,2
Саноат	22,2	26,5	29,3	28,5
Қурилиш	5,7	6,1	6,6	7,0
Хизматлар	38,1	35,9	36,1	36,3

Республика ялпи ички маҳсулотининг ишлаб чиқариш таркиби бўйича саноат маҳсулотининг нисбатан тезроқ ўсиши натижада унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2017 йилдаги 22,2 фоизни, қурилиш эса 5,7 фоизни ташкил қилган эди, 2020 йилда эса саноат ЯИМ таркибида ўз ўрнини 28,5 фоизгача етказди, қурилиш эса 7,0 фоизни ташкил этди. Шу давр ичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари салмоғининг 34,0 фоиз-

<sup>1</sup> М а н б а: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

дан 28,2 фоизга қадар пасайиши эса мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибининг такомиллашиб, унда саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши йилдан-йилга ошиб бораётганлигини англагади. Айни пайтда ялпи ички маҳсулот таркибидаги соф солиқлар ҳиссаси 11,5 фоиздан 7,6 фоизга қадар қисқарганлиги мамлакатимиздаги солиқ юкининг тобора пасайиб бораётганлигини кўрсатади.

## 5.2. ХУДУДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Миллий иқтисодиёт тараққий топиши ва мамлакат аҳолиси фаровонлигини таъминлашнинг энг бирламчи омили мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. Зеро, ҳудудларда барқарор ривожланиш кўрсаткичларига эришмасдан туриб, миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳақида фикр билдиришнинг ўзи мантиқий нуқтаи назардан самарасиз бўлиб ҳисобланади.

Шундай экан, ҳозирги ривожланаётган даврда ва чуқур ислохотлар фонида республикамиз ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини атрофлича таҳлил қилиш муҳим ва оқилона иқтисодий қарорлар қабул қилишда ҳар қачондан ҳам долзарблик касб этмоқда.

Бу борада, республикамиз ҳудудларини барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, табиий хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, ҳудудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майда ПҚ-4702-сон «Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарори [20] га мувофиқ статистик кўрсаткичлар ва суровномалар натижалари асосида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилди. Бу эса ўз навбатида республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш борасидаги муаммоларнинг амалий ечими бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда қайд этишимиз жоизки, бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий ҳолатини чуқур таҳлил қилишда истикболга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун уни комплекс баҳолашнинг ҳамда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича комплекс чора-



тадбирлар ишлаб чиққан ҳолда уларга тезкорлик билан ва лозим даражада жавоб қайтаришнинг ягона мувофиқлаштирилган механизми мавжуд эмас эди. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими эндиликда республика миқёсида ёки алоҳида олинган худудлар кесимида иқтисодий-ижтимоий соҳаларга доир қарорлар қабул қилишда, айти худудлардаги тизимли муаммоларни аниқлашда, худудларнинг реал иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини таҳлил қилишда, шунингдек, энг муҳими жойлардаги маҳаллий ижро органлари раҳбарларининг фаолиятларини доимий кузатиб бориш асосида масъулиятини ошириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ҳолисона баҳолашда ўзига хос методология ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир худуди ўзига хос. Бир вилоят ичидаги туманларнинг имкониятлари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар иқтисодиётини ривожлантириш масалалари алоҳида, манзилли тарзда муҳокама қилиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари жойларга чиқиб, аҳоли билан гаплашиб, белгиланаётган чора-тадбирларнинг долзарб ва амалий бўлишига катта эътибор қаратмоқда. Марказдаги раҳбарлар қарорлар қабул қилишда ҳокимларнинг умумий ҳисоботлари билан кифояланиб қолаётгани танқид қилиниб, бундан буён худудларга оид ҳар бир масалани аниқ туман, қишлоқ, маҳалла, соҳа ва корхона кесимида, муаммонинг энг қуйидаги илдизигача тушиб, уни ҳал қилиш зарур. Дастурлар ишлаб чиқишни ҳар бир қишлоқдан бошлаш, қайси қишлоқда қайси йўналишни ривожлантириш, бунга қанча маблағ ажратиш кераклигини аниқ кўрсатиш талаб этилади.<sup>1</sup>

Айти ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида республикада амалиётга жорий қилинаётган худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими муҳим аҳамият касб этади. Мазкур рейтинг баҳолаш тизими кенг қамровли ва худудларни комплекс баҳолаш имкониятига эга бўлиб, ўз ичига қуйидаги асосий йўналишларни қамраб олади:

- барқарор ва мутаносиб иқтисодий тараққиётни таъминлаш, иқтисодий ислохотлар самарадорлиги;
- янги иш ўринлари яратиш, ишсизликни камайтириш ва меҳнат бозори самарадорлигини таъминлаш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 7 май куни худудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор материаллари.

- ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш;
- аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барқарорлиги ҳамда ишончлилигини таъминлаш;
- ҳудудларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, уларнинг иқтисодиётини янада диверсификация қилиш;
- ишбилармонлик муҳити сифатини яхшилаш, тадбиркорликни доимий қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш;
- ҳудудларнинг молиявий мустақиллигига эришиш ҳамда банк-молия соҳасини ривожлантириш;
- маҳаллий ҳокимият органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлигини ошириш.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалий рўёбга чиқариш доирасида қабул қилинган 20 дан ортиқ қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 180 дан ортиқ фармонлари ва 450 дан ортиқ қарорларида назарда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш ҳозирги босқичда кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишини ташкил этиш ва фаолиятини баҳолашнинг амалдаги тизими олдимизга қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилишга имкон бермаяпти. Хусусан,

**биринчидан**, ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти марказий органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг даражаси ҳудудларда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича уйғун фаолиятни таъминламайди. Аксарият ҳолларда уларнинг фаолияти бир марталик хусусиятга эга, алоҳида топшириқларни бажаришдан иборат бўлиб қолган. Бунинг устига, жойларда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиш бўйича лозим даражада ташаббус кўрсатилмаяпти;

**иккинчидан**, ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти органлари мансабдор шахсларнинг ҳудудларга хизмат сафарларини самарали мувофиқлаштиришнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг такрорланишига олиб келмоқда, оқибатда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини асосий функционал мажбуриятларини бажаришдан чалғитмоқда;

**учинчидан**, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнини баҳолаш амалиёти жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳволини танқидий таҳлил

қилишга асосланмаган, энг асосийси, эришилган иқтисодий кўрсаткичлар аҳолининг ҳаёт сифатига қай даражада ижобий таъсир этаётганлигига қатъий баҳо берилмаяпти. Республика давлат органларининг ҳудудлардан ажралиб қолганлиги ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш даражаси ва талаб-эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, асослантирилган ва ҳар томонлама пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш имконини бермаяпти;

*тўртинчидан*, республика ва маҳаллий бюджет маблағларини шакллантириш ва тақсимлаш, инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда бажаришнинг амалдаги механизмлари, биринчи навбатда, энг устувор лойиҳаларни манзилли, ўз вақтида ва мутаносиб молиялаштиришни таъминламаяпти;

*бешинчидан*, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим дастурларини амалга ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этиш ўрнига аксарият ҳолларда кўплаб йиғилишлар ўтказилмоқда ва уларнинг якуни бўйича чуқур ўйланмаган қарорлар қабул қилинмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида «Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш»<sup>1</sup> вазифаси белгиланиб, уни амалга ошириш жараёни жадаллик билан олиб борилмоқда.

Ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишини таъминлашда уни тўғри ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эга. Унинг ҳажмини тўғри ҳисоблаб чиқиш учун эса мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ва хизматлар бир марта ҳисобга олинishi, такрор ҳисобларга йўл қўйилмаслиги зарур. ЯИМ ҳажмини топишда сотилган ва қайта сотилган маҳсулотларни кўп марта такрор ҳисобга олишларни бартараф қилиш учун, ҳозирги даврда иқтисодиётнинг барча корхона ва тармоқларидаги қўшилган қийматлар йиғиндиси ҳисобга олинади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида кенг жамоатчилик муҳокамалари асосида қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида учинчи устувор йўналиш «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш» дея номланган ҳолда вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлан-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова 3.1-банд.

тириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш алоҳида 3. 5-йўналиш сифатида белгиланганлиги ҳам бежиз эмас. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йилдан ҳар бир ҳудудни комплекс ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар бошланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадида ҳудудларга ташрифларида биринчи навбатда ҳудудлар иқтисодиётидаги ўсиш нуқталарини белгилаш ва шу орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, 2019 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 27,3 %и саноат ишлаб чиқариши салмоғига тўғри келди. Мазкур тармоқда яратилган қўшилган қийматларнинг ўсиш суръатлари ЯИМ суръатларидан юқори. 2019 йилда саноат тармоғида яратилган қўшилган қийматлар 6,6 % га ўсган. Жорий йилда мазкур тармоқнинг мамлакат иқтисодий ўсишидаги салмоғи 1,6 фоизни ташкил қилди (5.4-жадвал).

5.4 - ж а д в а л

Ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳажми (ўтган йилга нисбатан фоизда)<sup>1</sup>

	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Ўзбекистон Республикаси	104,5	105,4	105,8	101,6
Қорақалпоғистон Республикаси	106,0	105,5	107,5	102,6
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	104,2	109,8	105,9	102,8
Бухоро	102,5	105,4	106,2	101,8
Жиззах	104,2	104,0	108,7	101,6
Қашқадарё	103,4	101,8	101,6	102,1
Навоий	101,3	104,7	105,2	107,1
Наманган	103,6	104,5	107,6	104,8
Самарқанд	101,4	100,6	105,7	102,4
Сурхондарё	103,5	104,7	103,7	104,4
Сирдарё	95,4	103,5	109,7	100,1
Тошкент	101,0	107,0	107,5	102,6
Фарғона	98,8	107,7	104,5	103,0
Хоразм	104,6	103,1	105,8	102,3
Тошкент ш.	111,7	111,9	108,8	101,5

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017–2020 йиллар давомида бир қатор ҳудудларда ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ўзининг инфратузилмасидан келиб чиққан ҳолда юқори кўрсаткичларга эга бўлмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Тошкент вилоятлари ижтимоий-иқтисодий салоҳияти юқори бўлганлиги сабабли уларда йиллар давомида ЯҲМ ошиб борган. Шунингдек, ҳудудларни маҳаллий саноатга ихтисослаштириб, кластерлар ташкил этилди.

Шунингдек, саноатни юксак даражада ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил ижроси барча тармоқлар фаолиятида қўшимча қийматга эга рақобатбардош 108 маҳсулотларни тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда. Саноат маҳсулотларининг қарийб 80,0 фоизи қайта ишлаш ҳиссасига тўғри келаётгани бунга яққол мисолдир.

Миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар йўналишларидан бири саноат мажмуидаги таркибий ўзгаришлар ҳисобланади. Саноат тармоқларининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсади янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва таркибий қайта тузиш жараёнлари билан ифодаланади. Мамлакат таркибий сиёсатининг бош мақсадларидан бири ҳам саноатда таркибий қайта тузишни амалга ошириш орқали Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши бозорни истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдириш, тармоқ ва ҳудудий монополизмга барҳам бериш, рақобат муҳити вужудга келиши ва кенгайиши, илмий-техника натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда экспорт салоҳиятининг юксалишига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳудудлар мисолида айтадиган бўлсак, йиллар давомида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш масаласи бирмунча қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Лекин ҳудудларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланганлиги ва унда етиштирилаётган маҳсулотларнинг қайта ишланиши ва тўғридан-тўғри истеъмолчиларга етказилаётганлиги бу муаммони бирмунча юмшатмоқда. Жумладан, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳолати ошиб бормоқда. Лекин айрим ҳудудларда эса фақатгина уларни бир хил ҳолатда етказиш билан шуғулланиш учрайди. Масалан, Андижон, Жиззах, Сирдарё, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 2019 йилга нисбатан 2020 йилда деярли ўзгаришсиз қолган (5.5-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида узоқ йиллардан буён нотекислик мавжуд. Ҳар бир маъму-

Худудлар кесимида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш  
(амалдаги нархларда, млрд.сўм)<sup>1</sup>

	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.*
Ўзбекистон Республикаси	59690,4	83512,6	110321,0	119 159,8
Қорақалпоғистон Республикаси	1209,2	1815,0	2377,6	2 818,3
вилоятлар:				
Андижон	9853,1	21385,38	26179,4	26 611,1
Бухоро	3112,1	3661,298	5311,1	6 634,5
Жиззах	1299,5	1821,466	2351,6	2 591,8
Қашқадарё	2549,3	2891,736	3899,8	4 480,3
Навобий	2193,6	2528,294	3243,4	3 866,3
Наманган	3090,5	4135,575	6030,0	6 192,1
Самарқанд	5919,2	7848,18	8745,3	11 677,9
Сурхондарё	1068,4	1217,967	1601,3	2 032,4
Сирдарё	1516,6	1895,164	2840,3	2 525,4
Тошкент	5785,5	7700,895	10859,0	13 153,1
Фарғона	3740,8	4530,083	7216,3	7 450,0
Хоразм	2374,3	3904,729	5673,9	6 202,7
Тошкент ш.	14275,8	17840,07	21997,7	21 971,1

\* Дастлабки маълумот.

рий-худудий бирлик, бундай бирликлар таркибидаги шаҳар ва туманлар маълум бир объектив қонуниятлар асосида ташкил этилган бўлиб, уларнинг географик ва худудий жойлашуви, иқтисодиётининг таркиби, саноат ва кишлққ хўжалигининг ривожланганлик даражаси, демографик ҳолати, шунингдек, иқлими, сув ва табиий ресурслар салоҳияти билан бир-биридан фарқ қилади.

Мисол тариқасида, Сирдарё, Хоразм ва водий вилоятлари (Фарғона, Андижон, Наманган)да фойдали қазилмалар ва минерал хомашё ресурслари жуда кам, ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Навобий, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари эса ресурсларга бой худудлар саналади.

Худудлар иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш ва дахлдорликни кучайтириш мақсадида маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашга қаратилган маҳаллий давлат органлари ваколатлари кенгайтириб келинмоқда.

Давлат бюджети тизимини қонуний мувофиқлаштиришга қаратилган яна бир меъёрий ҳужжат бу Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

21 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган – 2020 йил учун «Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ҳисобланади.

Мазкур Қонуннинг ўзига хос ижобий томонлари қуйидагилар:

- бюджет жараёни барча ишгирокчиларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш;
- бюджетни қабул қилиш ва ижросини таъминлашда парламент назоратини кучайтириш;
- бюджет интизомини мустаҳкамлаш;
- бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш.

Шунингдек, мазкур Қонун орқали, Республика бюджети вазирлик ва идоралар кесимида Парламент томонидан тасдиқланиши; Маҳаллий бюджетлар ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар кесимида маҳаллий кенгашлар томонидан тасдиқланиши ва Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш учун Ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 4.0 млрд АҚШ доллариди белгиланди.

5.6 - жадвал

2021 йил учун маҳаллий бюджетлар даромадлари, харажатлари ва тартибга солувчи бюджетлари трансфертлари, миллиард сўмда<sup>1</sup>

№	Худудлар	2020		2021		Тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар
		Даромад	Харажат	Даромад	Харажат	
1.	Қорақалпоғистон Респ.	2833,3	2833,3	1614,2	2915,6	1301,4
2.	Андижон вилояти	2187,4	2803,6	2352,2	3228,8	876,7
3.	Бухоро вилояти	2142,3	2142,3	1935,4	2375,4	440,0
4.	Жиззах вилояти	1050,8	1499,0	1212,9	1702,9	490,0
5.	Қашқадарё вилояти	2935,7	3693,8	2570,3	4147,6	1577,3
6.	Навоий вилояти	1353,6	1353,6	1535,8	1535,8	–
7.	Наманган вилояти	2016,5	2994,2	1970,6	3254,5	1284,0
8.	Самарқанд вилояти	2714,8	3036,6	2657,0	3759,7	1102,7
9.	Сурхондарё вилояти	1741,6	2580,7	1754,7	3048,3	1293,6
10.	Сирдарё вилояти	751,1	1095,0	745,7	1279,9	534,2
11.	Тошкент вилояти	2582,9	2582,9	3009,8	3009,8	–
12.	Фарғона вилояти	3005,6	3357,5	2904,9	3815,0	910,1
13.	Хоразм вилояти	1402,2	1859,2	1442,7	2075,6	632,9
14.	Тошкент шаҳри	3556,1	3556,1	4068,6	4068,6	–
	<b>Жами</b>	<b>30273,9</b>	<b>35387,8</b>	<b>29774,7</b>	<b>40217,6</b>	<b>10443,0</b>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида.

Барча мамлакатларда бўлгани каби бизда ҳам давлат бюджетининг асосий қисмини маҳаллий бюджетлар орқали молиялаштириш кўзда тутилган. Мамлакатда кейинги йилларда маҳаллий бюджетларнинг ҳуқуқий мустақиллиги ва молиявий ресурсларни харажат қилишда бир қатор енгилликлар тақдим этилди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий бюджетларда молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳисобига қўшимча солиқ тушумларига эришиш, ҳудудларни субвенциядан чиқариш ва умумдавлат солиқларини маҳаллий бюджетларда қолдириш ва ҳоказолар бевосита маҳаллий бюджетлар даромадларининг ошишига, бу эса ўз навбатида ҳудудларда турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Натижада, 2018 йилдаёқ барча маҳаллий бюджетлар субвенциядан тўлиқ чиқарилди ва бугунги кунда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар қўлланилмоқда (5. 5-жадвал).

Шунингдек аҳоли сони ва зичлиги, меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш қувватларининг номуносиб жойлашиши ҳам тенгсизликни келтириб чиқаради. Айнан шунинг учун ҳам, мамлакат ҳудудларини муносиб ривожлантириб бориш ва уларда истиқомат қилаётган аҳолига яшаш ва фаолият олиб бориши учун тенг шароитлар яратиш масаласи Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг асосий устувор йўналишларидан биридир.

Масаланинг долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам қуйидагича таъкидланган: «... урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш керак. Ана шу ишлар доирасида 7 та йирик шаҳар – Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Наманган, Нукусга туташ бўлган 12 та йўлдош шаҳарча танлаб олиниб, уларни ривожлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ана шу вазифа билан боғлиқ яна бир масала шуки, асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудларимиз ўртасида тафовут мавжуд»<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодиётида олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида аҳоли сони ва ишчи кучи ресурслари ўртасидаги тафовутни кўришимиз мумкин. Таҳлилларга кўра, 2017 йилда республика аҳоли сони 32,7 млн кишини ташкил этиб, ишчи кучи ресурслари сони 18,7 млн кишини ташкил этган бўлса, 2020 йилда аҳоли сони 34,6 млн киши

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2020 йил 25 январь.



Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли сони ва ишчи кучи ресурслари (минг киши)<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	2017		2018		2019		2020	
	Аҳоли сони	Ишчи кучи ресурслари	Аҳоли сони	Ишчи кучи ресурслари	Аҳоли сони	Ишчи кучи ресурслари	Аҳоли сони	Ишчи кучи ресурслари
Ўзбекистон Республикаси	32656,7	18666,3	33255,5	18829,6	33905,2	18949	34558,9	19142,3
Қорақалпоғистон Республикаси	1842,3	1054,6	1869,8	1064,8	1898,3	1063,0	1923,8	1069,0
<i>вилоятлар:</i>								
Андижон	3011,7	1722,2	3066,9	1733,3	3127,7	1741,7	3188,2	1752,9
Бухоро	1870,2	1073,1	1894,8	1077,8	1923,9	1081,0	1946,9	1070,4
Жиззах	1325	756,2	1352,4	765,7	1382,1	764,1	1410,6	774,6
Қашқадарё	3148,4	1784,6	3213,1	1806,8	3280,4	1813,8	3334,5	1817,6
Навоий	958	547,2	979,5	552,0	997,1	555,8	1013,8	556,3
Наманган	2699,6	1549,5	2752,9	1564,2	2810,8	1573,9	2867,4	1579,5
Самарқанд	3720,1	2079,6	3798,9	2103,4	3877,4	2117,1	3947,4	2130,4
Сурхондарё	2514,2	1423,9	2569,9	1442,7	2629,1	1456,9	2681	1457,6
Сирдарё	815,9	475,2	829,9	480,5	846,3	484,5	861,1	485,7
Тошкент	2861,2	1623,9	2898,5	1627,2	2941,9	1607,3	2994	1614,9
Фарғона	3620,2	2031,1	3683,3	2043,1	3752	2052,1	3819,9	2068,5
Хоразм	1805	1000,6	1835,7	1013,4	1866,5	1029,6	1893,1	1042,4
Тошкент ш.	2464,9	1544,6	2509,9	1554,7	2571,7	1608,2	2677,2	1722,3

ва ишчи кучи ресурслари сони 19,1 млн кишини ташкил этди. Сўнги йилларда ишчи кучи ресурслари жиҳатидан Самарқанд (2130,4 минг киши), Фарғона (2068,5 минг киши), Қашқадарё (1817,6 минг киши) вилояти ҳисобига тўғри келади (5.7-жадвал).

«2020 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш параметрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Республикада жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳолатига меҳнат ресурслари сони 19,1 млн кишини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 0,6 фоизга ошди. Ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолининг 13,2 фоизни ташкил этди.

Жорий йил биринчи ярим йиллигида мамлакат бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига иш сўраб мурожаат қилган 273 минг нафар фуқаронинг 40 фоизи, шунингдек, хусусий бандлик агентликлари томонидан жорий йилнинг январь–апрель ойларида 2890 нафардан зиёд ишсиз фуқаро ишга жойлаштирилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида Тошкент шаҳрининг Яшнобод ва Юнусобод туманларида «Кунлик ишчилар маркази»лари очилди ва ҳар кунлик ишчиларни Jobsafe платформаси орқали рўйхатга олиш йўлга қўйилди. Мирзо Улугбек, Учтепа, Шайхонтохур туманлари, шунингдек, Тошкент вилоятининг Тошкент тумани ҳамда республиканинг бошқа ҳудудларда «Кунлик ишчилар маркази»лари очилиши режалаштирилган.

«Камбағал ва ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган чоратадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қарор лойиҳасида ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ҳамда тадбиркорликка ўқитишга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи умуммиллий тизим жорий этилади:

- Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган «Ишга марҳамат» мономарказлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар туман (шаҳар)ларида жойлашган ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш марказлари;
- Тошкент шаҳрининг туманларида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ўрта махсус таълим муассасаларида ишсиз ёшлар, хотин-қизлар ҳамда ўз малакасини оширмоқчи бўлган фуқаролар учун ташкил этиладиган қисқа муддатли касб-ҳунарга ўқитиш курслари;
- маҳалла гузарларида, маҳалла ҳудудларидаги ўқув муассасалар, корхона ва ташкилотлар, ташаббускор тадбиркорлик субъектлари биноларида, бошқа бўш турган жойларда ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарларга ўқитиш марказлари ҳузурида ташкил этилган маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ташкил этилади.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги «Ишга марҳамат» мономарказларида 2020–2021 йилларда иш қидирувчи шахслар, хорижга меҳнат миграциясига кетмоқчи бўлган фуқаролар, нодавлат ўқув марказлари битирувчилари ва бошқа аҳоли тоифалари учун WorldSkills стандартлари асосида Ишчи касблар бўйича касбий малакани баҳолаш марказлари ташкил этилди.

Пандемия шароитига қарамасдан, карантин даврида 131,2 минг нафар ишсиз фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиниб, уларнинг бандлиги таъминланди. Пандемия шароитида ишчи кучи бозорига кириб келаётган кўплаб ёшларнинг ўз вақтида иш ўринларига эга бўлмаслиги натижасида ҳамда чет давлатларда ишлаб юрган шахсларнинг юртимизга қайтиб келиши натижасида 2020 йилда ишсизлик даражаси бирмунча ошиб кетди (10,5 фоиз) (5.8-жадвал). Шу билан бирга, карантин даврида шахсий томорқаларни ривожлантириш учун Бандликка қўмаклашиш жамғармасидан субсидиялар бериш дастури орқали деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқаларда банд бўлган фуқаролар сони 201,1 минг нафарга ортди.

Шунингдек, коронавирус пандемиясининг меҳнат бозорига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида меҳнат органлари томонидан 588,2 минг (30 ёшгача бўлганлар 159,9 минг ва аёллар 229,4 минг) нафар ишсиз ва банд бўлмаган аҳолига хизматлар кўрсатилди. Хусусан, уларнинг 501,1 минг нафари доимий иш ўринларига ишга жойлаштириш ва жамоат ишларига жалб қилиш орқали бандлиги таъминланди, 15,0 минг нафар

5.8 - ж а д в а л

Худудларда бандлик ва ишсизлик даражаси (фоизда)<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	2017		2018		2019		2020	
	Бандлик	Ишсизлик	Бандлик	Ишсизлик	Бандлик	Ишсизлик	Бандлик	Ишсизлик
Ўзбекистон Республикаси	69,2	5,8	67,4	9,3	68,3	9,0	66,1	10,5
Қорақалпоғистон Республикаси	58,3	6,0	62,9	9,5	63,0	9,1	61,3	10,5
вилоятлар:								
Андижон	73,0	6,0	69,6	9,6	70,2	9,2	67,1	10,9
Бухоро	72,5	5,5	70,7	9,0	69,3	8,9	67,8	10,6
Жиззах	60,0	5,0	61,6	9,4	67,2	9,2	66,0	11,0
Қашқадарё	65,4	6,1	64,8	9,7	64,1	9,3	61,5	11,1
Навобий	72,4	5,2	69,2	8,7	69,5	8,5	67,6	9,4
Наманган	63,4	5,8	63,8	9,5	66,5	9,1	64,4	10,6
Самарқанд	69,7	6,5	66,3	9,7	65,4	9,3	62,8	11,0
Сурхондарё	66,6	6,7	65,2	9,5	67,2	9,3	63,6	11,1
Сирдарё	71,1	5,1	70,5	9,6	69,0	9,3	65,0	11,0
Тошкент	75,2	5,2	71,4	9,0	71,5	8,9	69,0	10,5
Фарғона	69,9	6,4	66,0	9,7	67,6	9,3	64,6	10,9
Хоразм	66,9	5,7	64,6	9,5	66,2	9,1	63,5	10,9
Тошкент ш.	80,8	4,5	77,5	7,9	80,5	7,4	83,2	8,0

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тўзилди.

ишсиз фуқаро касб-ҳунарغا ўқитилди, 27,0 минг нафарига Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан 10,1 млрд сўм ишсизлик нафақаси тўлаб берилди.

Жаҳон иқтисодиётидаги илғор тажрибаларга кўра ҳудудлар иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 23 та эркин иқтисодий зона фаолият олиб бораётган бўлса, уларнинг 20 таси 2016 йилдан кейин ташкил этилди. Бунда умумий эркин иқтисодий зоналардан ташқари алоҳида соҳалар, жумладан, туризм, фармацевтика каби муҳим соҳаларда эркин иқтисодий зоналар фаолияти йўлга қўйилганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур.

Фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолиятини умумий тартибга солиш нуктаи назаридан 2020 йил 17 февралда Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. 2016 йил 26 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-4853-сонли Фармони асосида барча эркин иқтисодий зоналар мақоми, имтиёзлари тенглаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сон Фармони билан фармацевтикага ихтисослашган ва соҳани ривожлантиришга қаратилган 7 та эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди. Умуман 2016 йилдан буён эркин иқтисодий зоналар фаолиятига доир 10 дан ортиқ Фармон ва Қарорлар қабул қилинди.

Таъкидлаш керакки, «эркин иқтисодий зоналар асосан йирик минтақавий бозорларга чиқиш имкониятига эга қулай географик ҳудудлар ҳамда хом ашё ресурсларига бой ҳудудларда барпо этилади. Бу мазкур иқтисодий зоналарда ишлаб чиқариладиган ёки қадокланадиган товарларни реализация қилиш имкониятини оширади. Саноати ривожланган давлатларда эса ушбу зоналар инфраструктураси ривожланмаган, давлатнинг бошқа ҳудудларига қараганда ривожланиш суръати паст даражада бўлган ҳудудларда ташкил қилинади. Бу фуқароларни иш билан таъминлаш, ички ва ташқи молиявий ресурсларни улар ҳудудига йўнал-

тириш, инфраструктураси ривожланмаган ҳудудларни ривожлантириш имкониятини вужудга келтиради»<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 21 та эркин иқтисодий зона ва 100 дан ортиқ кичик саноат зоналари фаолият юритмоқда. Саноат тармоқлари бўйича 9 та, фармацевтика тармоқларида 7 та, қишлоқ хўжалиқ тармоқлари бўйича 2 та, туризм, транспорт логистика, спорт инвентарларини ишлаб чиқариш тармоқларида 1 тадан ЭИЗлар ташкил этилган. «Навоий», «Ангрен», «Жиззах», «Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 46 миллион долларга тенг 62 та лойиҳа амалга оширилган, 4 минг 600 тан ортиқ иш ўринлари яратилган.<sup>2</sup>

ЭИЗ томонидан 2019 йил ноябрь ойи якуний ҳолатига 194 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилган (5.9-жадвал).

5.9 - ж а д в а л

ЭИЗлардаги инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот<sup>3</sup>

2019 йил ноябрь ойи ҳолатига

№	Эркин иқтисодий зона номи	Жами амалга оширилган лойиҳалар			
		Сони	Қиймати (млн. долл.)	Шундан, хорижий инвестиция	Иш ўринлари сони
Ўзбекистон Республикаси бўйича		194	1191,9	389,4	13 363
1.	“Нукус-фарм” ЭИЗ	3	16,2	3,9	430
2.	“Ғиждувон” ЭИЗ	13	44,9	0,0	776
3.	Бухоро-агро ЭИЗ	0	0,0	0,0	0
4.	“Жиззах” ЭИЗ	16	106,5	55,9	1 614
5.	“Навои” ЭИЗ	32	170,9	50,0	1 269
6.	“Наманган” ЭИЗ	0	0,0	0,0	0
7.	“Ургут” ЭИЗ	31	102,3	19,6	1 634
8.	“Сирдарё” ЭИЗ	21	75,2	26,5	1 332
9.	“Сирдарё-фарм” ЭИЗ	3	51,0	0,0	516
10.	“Термиз” ЭИЗ	0	0,0	0,0	0
11.	“Ангрен” ЭИЗ	50	585,3	221,4	4 409
12.	“Чорвоқ” ЭИЗ	0	0,0	0,0	0
13.	“Кўқон” ЭИЗ	19	32,2	10,4	1 216
14.	“Ҳазорасп” ЭИЗ	5	7,1	1,7	157

<sup>1</sup> Камалов М.М. Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий мақоми. Ўқув қўлланма – Т.: ТДҲУ, 2018. 116-б.

<sup>2</sup> <http://www.xs/index.php/homepage/i-tisodijot/item/11367-erkin-tisodij-zonalar-va-kichik-sanoat-zonalarini-rivozhlantirish-masalalari-mu-okama-ilindi>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги расмий вебсайти ([www.mift.uz](http://www.mift.uz)) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Лойиҳаларнинг қиймати жами 1191,9 млн доллар (шундан, 389,4 млн доллари хорижий инвестиция)ни ташкил этади. Ушбу лойиҳалар орқали 13363 нафар янги иш ўринлари ташкил этилган.

Шунингдек, фармацевтика тармоғини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ЭИЗлар ҳам ҳозирги кунда амалга ошириляётган, шунингдек, истиқболдаги қатор лойиҳалар мавжуд (5.10-жадвал).

5.10 - ж а д в а л

**Фармацевтика соҳаси ЭИЗларидаги инвестиция лойиҳалари  
тўғрисида маълумот<sup>1</sup>**

2019 йил ноябрь ойи ҳолатига

№	Эркин иқтисодий зона номи	Жами амалга оширилган лойиҳалар		Жами амалга ошириляётган лойиҳалар		Жами истиқболли лойиҳалар	
		Сони	Қиймати (млн. долл.)	Сони	Қиймати (млн. долл.)	Сони	Қиймати (млн. долл.)
Ўзбекистон Республикаси бўйича жами		7	67,5	33	210,0	24	216,8
1.	"Нукус-фарм" ЭИЗ	3	16,2	3	16,4	2	16,9
2.	"Андижон-Фарм" ЭИЗ	0	0,0	0	0,0	8	50,5
3.	"Зомин-фарм" ЭИЗ	0	0,0	3	10,2	4	104,5
4.	"Косонсой-фарм" ЭИЗ	0	0,0	6	8,6	7	43,1
5.	"Сирдарё-фарм" ЭИЗ	3	51,0	7	107,9	0	0,0
6.	"Бойсун-фарм" ЭИЗ	1	0,3	4	8,2	2	1,1
7.	"Парқент-фарм" ЭИЗ	0	0,0	6	18,7	0	0,0
8.	"Бўстонлик-фарм" ЭИЗ	0	0,0	4	40,0	1	0,7

Фармацевтика соҳасидаги ЭИЗларда жами 7 та лойиҳалар амалга оширилган, уларнинг қиймати 67,5 млн долларга тенг. Қолаверса, ҳозирга қадар уларда умумий қиймати 210,0 млн доллар миқдоридagi жами 33 та лойиҳалар амалга оширилмоқда. Келгусида яна 24 та истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 216,8 млн доллар миқдоридagi инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Йиллар кесимида ЭИЗга киритилган инвестициялар ҳажмини макроиқтисодий кўрсаткичларга нисбатан таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу ҳудудларга киритилган хорижий инвестицияларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2013 йилда 0,1 %ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2014–2018 йиллар оралиғида ўртача 0,1–2,6 %ни ташкил қилган.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги расмий вебсайти ([www.mift.uz](http://www.mift.uz)) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>2</sup> Каримкулов Ж.И. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. ТМИ. 2019 йил. 24-б.

Шунингдек, туманларни ҳам комплекс иқтисодий ривожлантириш мақсадида бугунги кунга қадар 348 та кичик саноат зонаси ташкил этилиб, ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Натижада эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,6 миллиард долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 36 мингга яқин иш ўрни яратилган. Кичик саноат зоналарида эса 5 триллион сўмлик 1 минг 497 та лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланган.

Республикамиздаги ҳар бир ҳудуд ўзига хос туристик имкониятларга эга ва бу жиҳат халқаро кенг жамоатчилик томонидан ҳам мунтазам эътироф этилиб келинмоқда. Мавжуд юқори туризм имкониятлари ва ундан ҳар томонлама самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли, «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сонли, «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли, «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сонли «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сонли Фармонлари, шунингдек, «Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сонли, «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон қарорлари қабул қилинди.


2016 йил 2 декабрь ойида туризм соҳасини ҳар томонлама ривожлантиришга масъул Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди. Туризм индустрияси меҳмонхона бизнесини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Республикада туризм ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш, аҳолини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, инфратузилмани яхшилаш, туризм салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш орқали туристлар саёҳати учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маданий меросни муҳофаза қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилаётганлигидан келиб чиққан ҳолда 2021 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ташкил этилди.

2016 йилданоқ мамлакатимизда туризм соҳаси иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида белгиланди. Қабул қилинган фармон ва қарорлар асосида соҳадаги имкониятлар кенгайтирилди. «Фуқароларидан юртимизга виза талаб этилмайдиган мамлакатлар сони 9 тадан 86 тага етказилди, 53 та давлат учун «электрон виза» тизими жорий этилди». Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш амалиётлари йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, миллий маданий меросни миллий ва халқаро жамоатчиликка кенг тарғиб қилиш, зиёрат туризми, экологик туризм, гастрономик туризмни ҳамда уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. 2021 йилда ҳудудлар миқёсида туризм инфратузилмаси дастури учун ажратилган маблағлар қуйидагича (5.2-расм).

Ҳақатгина давлат бюджети маблағлари ёки банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш орқали ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини молиялаштириш асосида минтақалар иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконсиз. Бу борада хусусий секторнинг ижтимоий масъулиятини ошириш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги (шериклиги) асосида лойиҳаларни амалга ошириш ҳам олдимиздаги стратегик ва-



5.2-расм. 2021 йилда туризм инфратузилмаси дастури учун ҳудудлар кесимида ажратилган маблағлар, млрд сўмда.



Мамлакатимизда давлат-хусусий шериклиги шартномаси имзоланган ва амалга ошириладиган лойиҳалар таҳлили (31.12.2020 йил ҳолатига)


Лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган тармоқлар	Лойиҳалар сонга (дона)	Лойиҳаларнинг ўртача давомийлиги (йил)	Лойиҳалар учун талаб этиладиган инвестициялар миқдори (млн. АҚШ долларидан)	Лойиҳаларда асосий ташаббускор	Лойиҳалар амалга ошириладиган ҳудуд
Энергетика	5	25	2170	Давлат ташаббуси	Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент в.
Коммунал хизматлар	2	10	1,4	Давлат ташаббуси	Хоразм вилояти
Соғлиқни сақлаш	11	15	4,7	Хусусий ташаббус	Тошкент ш., Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм, Жиззах, Сурхондарё
Сув хўжалиги	2	15	6,1	Хусусий ташаббус	Сирдарё ва Тошкент в.
Таълим	1	24	1	Хусусий ташаббус	Бутун республика
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	5	10	11,05	Давлат ташаббуси	Наманган, Фарғона, Бухоро
<b>Жами</b>	<b>26</b>	<b>X</b>	<b>2194,25</b>	<b>X</b>	<b>x</b>

зифалар ижросида муҳим ўринга эга. Айти имкониятлардан фойдаланган ҳолда энергетика, коммунал хизматлар, соғлиқни сақлаш, сув хўжалиги, таълим, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳаларда ҳудудлар кесимида қарийб 2,2 миллиард АҚШ долларига тенг қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда (5.11-жадвал).

Таҳлиллардан аён бўлмоқдаки, энергетика соҳасида Навоий, Сирдарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида амалга ошириладиган лойиҳалар истиқболда ҳудудларнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий тараққиётига хизмат қилади. Чунки энергетика соҳаси ривожисиз нафақат ижтимоий соҳа, балки бизнес тараққиётини ҳам тасаввур қилишнинг ўзи мураккаб. Таълим, соғлиқни сақлаш, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларда амалга ошириладиган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари аҳамияти борасида юқоридаги фикрларни такрорлаш мумкин.

Ҳудудий қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад – мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланган ҳолда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми ва сифатини ошириш, экспорт улушини кўпайтириш ва саноат асосида уларни қайта ишлаш йўналишини кучайтириш. Ҳудудий қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: экин майдонларидан самарали фойдаланиш; имконият мавжуд бўлган ҳудудларда янги ерларни

ўзлаштириш; йирик мажмуалар барпо этиш йўли билан саноатлашган шаклда чорвачиликни ривожлантириш; ҳудуднинг нисбий устунликларини ҳисобга олиб, боғдорчиликни ривожлантириш. Пахта етиштириладиган майдонлар ҳосилдорлигини ошириш учун ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид комплекс тадбирлар ишлаб чиқирилиши лозим. Аини чоғда, унинг муқобил варианти сифатида бундай ҳудудларда сувсизликка ва шўрга чидамли, нисбатан кам меҳнат талаб этадиган пахтадан бошқа экин турларини жойлаштириш лозим. Ҳисоб-китобларга кўра, шундай майдонларда вилоят табиий-иқлим шароитига мос келадиган эртаги сабзавотлар етиштирилса, учинчи йилдан бошлаб, ҳар гектаридан 5–10 млн сўм атрофида даромад олиш мумкин бўлади. Ушбу кўрсаткич мос равишда ем-хашак экинлари ва мойли экинлар бўйича 2–3 млн сўмни, мевазорлар ва интенсив боғлар бўйича 8–10 млн сўмни, табиий газдан бошқа муқобил энергия турларини қўллаш ҳисобига иссиқхоналарда мева ва сабзавот етиштириш бўйича 25–30 млн сўмни ташкил этади. Бундай майдонларда кўпчилик туманларда ем-хашак етиштириш (6760 га ёки жами майдонларнинг 85,5 фоизи) тавсия этилади. Бу вилоятда чорва озуқаси таъминотини яхшилаш орқали чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш имконини беради. 1085 гектарни ёки жами майдонларнинг 13,7%ини мевали боғлар ва сабзавот экинлари



5.3-расм. Ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (амалдаги нархларда, млрд.сўм).

етиштириш учун ажратиш кўзда тутилмоқда». Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: узумчилик; мевачилик; эртанги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш; мойли экинлар етиштириш; чорвачилик; асаларичилик; балиқчилик.

Ўзбекистонда аграр ислохотларни амалга ошириш, таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли 2018 йилда ҳам мўл ҳосил етиштирилган эди. Жумладан, 6,4 миллион тонна ғалла, 2,3 миллион тоннадан пахта, 15,7 миллион тоннадан ортиқроқ мева ва сабзавот етиштирилган бўлса 2019 йил якунларига кўра 7,2 миллион тонна ғалла, 16,2 миллион тоннадан ортиқроқ мева ва сабзавот етиштирилди.<sup>1</sup>

Умумий ҳолда хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, ҳукуратимизнинг минтақалар иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш борасидаги комплекс ёндашуви аллақачон ўзининг натижаларини бериш билан бирга, истиқболда жадал суръатлардаги тараққиётимизга ҳам хизмат қилади. Бунда энг асосийси интеграциялашган ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий тараққиёт орқали аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиб бориши узвий равишда таъминланади.

### **5.3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ишлаб чиқариш миллий минтақавий, муниципал иқтисодиётларнинг ривожланиш асоси ҳисобланади. Чунки у инсонларнинг эҳтиёжларини қондириш учун зарурий ускуналар ва буюмларни ишлаб чиқарибгина қолмай, балки шаҳар ҳокимликлари ижтимоий сиёсати ва хизмат кўрсатиш соҳасининг молиявий манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади. Шаҳар жойларда ишлаб чиқариш банд ерлар, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари, инженерлик ва транспорт инфратузилмаси объектлари ҳамда меҳнат ресурсларини ўз ичига оладиган кўп функцияли мажмуани мужассамлаштиради.

Иқтисодиётда амалга ошириладиган туб таркибий ўзгаришларнинг муҳим йўналишларидан бири импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш ва ривожлантириш ҳисобланади. Импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирувчи ишлаб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитаси маълумотлари.

чиқаришни вужудга келтириш учун қуйидаги босқичларда ишлар амалга оширилади:

- мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш. хорижий инвестициялар иштирокида қўшма корхоналар ёки соф чет эл капиталига асосланган корхоналар ташкил этиш асосида янги турдаги, илгари мамлакатда бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилади;
- сўнгра мамлакатда ва унинг ҳудудларида мазкур тайёр маҳсулотларнинг баъзи бутловчи қисмларини маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқариш учун янги қўшма корхоналар, миллий корхоналар ташкил этилиб, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш йўлга қўйилади;
- бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш кучайтирилиб, тайёр маҳсулот таннархидаги улуши босқичма-босқич ошириб борилади.

Ҳар бир саноат корхонаси ўзининг ишлаб чиқариш тузилмасига, ўзaro алоқадорликда бўлган ишлаб чиқариш бўлимларининг муайян таркибига эга бўлади. Бир заводли саноат корхонасининг асосий ишлаб чиқариш бўлими цех ҳисобланади. Цех бу корхонанинг ишлаб чиқариш, ҳудудий ва маъмурий жиҳатдан алоҳидалашган қисми бўлиб, унда заводнинг ихтисослашувига мувофиқ, маълум ишлар мажмуи бажарилади. Корхонада тайёрланаётган маҳсулот ва бажарилаётган ишларнинг характери ва мазмунига кўра, асосий, ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи ва қўшимча ишлаб чиқариш, мос равишда, асосий, ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи ва қўшимча цехлар ҳамда хўжаликлар ажратилади. Асосий ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи истеъмолчиларга етказиб бериш учун бўлинмалар тузилади. Бунда хом ашё, материаллар, яримфабрикатларни тайёр маҳсулотларга айлантириш бўйича ишлаб чиқариш жараёнининг маълум қисми бажарилади ёки қандайдир маҳсулотни тайёрлаш жараёнида, яъни сотишга мўлжалланган маҳсулотни тайёрлашда қатнашадиган қатор босқичларда амалга оширилади.

Металлга ишлов бериш ва машинасозлик корхоналарига нисбатан олганда, асосий цехлар таркибига: қуйиш, темирчилик, механик ишлов бериш, чилангарлик, пайвандчилик- йиғув цехларини киритиш мумкин. Тарихан ишлаб чиқариш мажмуалари илмий-техникавий ва ижтимоий ривожланиш таъсирида ўз кўринишини ўзгартириб борди, уларни жойлаштириш характери ҳам ўзгарди; шаҳарлар, заводлар ўрнига бундай ҳудудлардан ташқарида ишлаб чиқаришларни жойлаштириш, уларнинг алоҳидалашуви юзага келди; инновацион технологиялар ва конвейер линияларни жорий этиш, автоматлаштириш ва компьютерлаштириш ҳамда

шу билан боғлиқ равишда ишлаб чиқаришда ишловчилар сони ва иш вақтининг қисқариши ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига, саноат объектларининг ҳудудий-режали трансформациялашувига олиб келди.

Шаҳарсозлик миллий тажрибасида саноат ишлаб чиқаришларини шаҳарларда жойлаштириш муҳим роль ўйнаган. Чунки давлатни металл ва ускуна билан таъминлаш зарурияти давлатларда шаҳарлар вужудга келишининг муҳим тарихий шартларидан бири ҳисобланган. Шундай қилиб, шаҳарларда ишлаб чиқариш майдонларини жойлаштиришнинг махсус усулларини тавсифловчи қуйидаги даврларни ажратиш мумкин:

1. Интеграцион давр (саноат инқилоби бошланган даврдан XIX аср охиригача). Аҳоли пунктларининг бир бутун жамоаси завод атрофидаги қатор турар-жойлар сифатида шаклланди. Аҳоли яшаш жойлари ва саноат ҳудудлари бу ерда ягона бир бутунни ташкил қилди; турар-жойлар бевосита меҳнатни тақдим қилиш жойларига айланди.

2. Алоҳидалашув даври (XIX аср охири – XX асрнинг 70–80 йиллари). Бу давр бўҳронли индустрлаштириш, ишлаб чиқаришнинг юксалиши, йирик корхоналар қурилиши (кимё, нефтни қайта ишлаш ва бошқалар), санитар-гигиеник қонунчиликнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу ерда саноат ва аҳоли яшаш туманларининг ажралиши юз берди, шаҳарларни функционал зоналаштириш тамойили амалга ошди.

3. Табақалашув даври (XX асрнинг 70–80 йилларидан бошлаб) ҳудудларда ишлаб чиқаришларни жойлаштириш корхоналарнинг санитар тавсифлари, технологиялар, касб-корликлар, ишлаб чиқариш қувватлари, эгалланган ҳудуднинг қўламлари, темир йўл транспортининг мавжудлиги, ишчилар сони, шаҳар қурилиши шароитларини ҳисобга олиб зоналаштириш нуқтаи назаридан лойиҳалаштирилди. Бу давр бозор муносабатлари, техник жараён ва глобаллашувнинг тезлашини ҳисобга олиб, ҳудудий тузилмалар трансформацияси, меъёрий ҳужжатларнинг тартибга келтирилиши билан тавсифланади.

Шаҳарларни архитектура-режалаштиришнинг асосий таркибий қисми ҳисобланган саноат ҳудудлари шаҳар жойларни ташкил қилиш тамойилларига сифат жиҳатдан таъсир кўрсатди. Айни вақтда саноат ҳудудий тузилмаларининг шаклланиши аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш каркасига боғлиқ бўлди. Шундай қилиб, у ёки бу тузилмаларнинг узлуксиз ўзаро алоқадорлиги амал қилади. Саноат зонаси (кластери, тармоғи, тумани) деганда, умумий муҳандислик коммуникацияларига эга бўлган, бир-бири билан технологик боғланган ва боғланмаган, саноат корхоналари гуруҳлари асосида шаклланган шаҳар таркибидаги ягона ҳудудий тузилмани тушунамиз. Шаҳар ҳудудларида-

ги саноат корхонаси кам ёки умуман боғлиқ бўлмаган, атроф-теварақдан кўлами жиҳатдан ажралиб турадиган анклавларни ўзида мужассамлаштиради. Улар шаҳарнинг бир қисми ҳисобланади ва аynи вақтда, нисбатан автоном амал қилади; атрофдаги қурилишлар билан функционал ва ижтимоий алоқалар уларда амалда мавжуд эмас, маҳаллий аҳоли орасидан ишловчиларнинг маълум сони бундан мустасно.

Ҳозирги вақтда шаҳарлар аввалги йилларда тўпланган ҳудудий характердаги муаммоларга дуч келмоқдалар. Тажрибанинг кўрсатишича, кўплаб шаҳарларнинг ё стихияли равишда ёки совет даврида мамлакатни интенсив индустриллаштириш доирасида янада ривожлантириш учун катта баланс захираларига эга бўлган яхши ер майдонларини ишлаб чиқариш майдонлари учун ажратилишини ҳисобга олиб режалаштирилган таркиби вужудга келди.

Ишлаб чиқаришни қайта дислокациялаш маҳаллий ҳокимиятлар босими остида ёки бозордаги ўзгаришлар шароити сабабли амалга оширилиши мумкин, яъни бунда тумандаги иш юритиш харажатлари шундай даражага етadики, бунда маҳаллийлаштиришнинг бошқа ўрни фойдали бўлиб қолади. Саноат объектининг жойлаштириш ўрнини танлаш алгоритмини умумий кўринишда қуйидагича тасвирлаш мумкин:

- жойлаштириш минтақавий омилларини таҳлил қилиш. Бунда устувор-мамлакат ёки минтақани танлаш юзага келадиган муаммолар сонига нисбатан афзалликларнинг етарли сондаги мавжудлиги билан белгиланган;
- минтақавий жиҳатдан жойлаштиришнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш;
- дастлаб баён қилинган талабларга жавоб берадиган ер майдонларини аниқлаш;
- жойлаштириш муқобилини баҳолаш ва маҳаллийлаштиришнинг охириги вариантини танлаш.

Корхонани жойлаштириш бўйича қарор қабул қилишнинг ҳар бир даражасида турли омиллар етакчилик қилади (5.11-жадвал).

Бўлғуси корхонанинг жойлашган ўрни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг характерига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалиги мажмуаси корхоналарини жойлаштиришда кўп даражада табиий ва ижтимоий-демографик омиллар таъсир кўрсатади, озиқ-овқат саноати корхоналарини маҳаллийлаштиришни эса хомашё ва истеъмол омиллари белгилайди. Саноат корхоналарини жойлаштиришда энергия манбалари, сув захиларини топишнинг қулайлиги ва хом ашёга яқинлиги етакчи омиллар ҳисобланади. Корхоналар уч сабаб: зарурлиги (фойдали қазил-

Корхонани маҳаллийлаштиришни танлашга таъсир  
кўрсатувчи омиллар

Қарор қабул қилиш даражаси	Асосий омиллар
Мамлакат	Табиий омиллар Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ресурсларининг мавжудлиги Ҳукумат барқарорлиги ва умумий ривожланиш стратегияси Хўжалик юретишнинг иқтисодий ва солиқчилик шароитлари Меҳнат ресурсларини қиймати ва малакаси бўйича баҳолаш
Минтақа	Мол етказиб берувчилар ва хом ашё манбаларининг жойлашуви Мақсадли сотиш бозорлари Ҳуқуқий қонунчилик Инвестицион жозибадорлик
Шаҳар	Мос келадиган ҳудудларнинг мавжудлиги Шаҳар ҳамкорлигини ривожлантириш умумий тизими, хавфсизлик, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хизмат кўрсатиш имкониятлари, яшаш шароитлари ва ҳ.к. Меҳнат ресурсларини топишнинг осонлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш ставкаси, малакаси, меҳнат унумдорлиги, касаба уюшмаларининг фаолияти
Жойни танлаш	Ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун мос келадиган жойларнинг мавжудлиги, майдони, нархи Ер майдонини қўлга киритиш ёки ижарага олишнинг имконияти Транспорт имкониятлари Ижтимоий инфратузилманинг мавжудлиги

маларни қазиб олиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчилик), сақлаш муддати ва муомала харажатларини камайтиришга кўра хомашё манбаларига яқин жойлаштирилиши мумкин.

Ҳудуднинг транспорт қулайлиги, йўлларнинг мавжудлиги, муҳандислик коммуникациялари, омборхона хўжалигининг ривожланиш даражаси жойлаштиришнинг муҳим шартлари ҳисобланади. Корхонанинг жойлаштириш ўрнини танлаш қуйидаги мезонлар асосида аниқланади:

- материаллар мавжудлигига кўра. Бу, айниқса, транспорт харажатларини пасайтириш мақсадида материал сизимли корхоналар учун муҳимдир;
- меҳнат ресурсларига кўра. Бунда иккита ҳолат ҳисобга олинади: минтақадаги меҳнат ресурсларининг сифат-сони ва ишчи кучининг баҳоси;
- товарлар савдоси ва солиқларни ҳисобга олиш. Турли минтақаларда солиққа тортиш, молиявий қўллаб-қувватлаш, солиқ сиёсати бўйича турли тизимлар амал қилган вазиятларда қўлланилади. Корхона бу шароитлар мақбулроқ бўлган ҳудудда жойлашади;
- транспорт воситаларининг ҳолатига кўра. Бунда корхонанинг фойдалилиги кафолатланган транспорт хизматлари билан таъминланадиган жойлашиш ўрни танланади. Корхонани транспорт

тармоқлари, портлар, аэропортлар, автомагистралларга яқин жойлаштириш зарур бўлади;

- энергия манбаларининг яқинлигига кўра. Бу энергия сиғимли корхоналар учун айниқса муҳим ҳисобланади. Бироқ ҳозирги вақтда бу мезон электр энергиясидан кенг фойдаланилиши туфайли илгаригидек аҳамиятли эмас;
- атроф-муҳитга кўра. Бу мезон охириги йилларда катта аҳамият касб этмоқда ва экологик хавфсизлик нуқтани назаридан маълум минтақаларда айрим корхоналарнинг қурилиши чекланмоқда.

Ушбу ишлар меҳнат тақсимотининг ривожлантирилиб, чуқурлаштирилиб бориши, ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштирилиши асосида унинг кооперациялашуви, яъни саноат кооперация алоқаларининг кенгайтирилиб бориши йўли билан амалга оширилади. Меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, саноат кооперацияларининг ривожланиши асосида мамлакат ва унинг ҳудудларида рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқаришларнинг ташкил этилиши жараёнлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш (productive localization) деб аталади.

«Маҳаллий ишлаб чиқариш» («локальное производство»), «ишлаб чиқарувчиларнинг маҳаллийлаштирилиши» (localization of production) атамалари иқтисодий адабиётларда XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб кенг қўлланила бошланди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш деганда, амалдаги ва янги импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш ва кенгайтириш асосида бозорда импорт маҳсулотларига ўхшаш, рақобатбардош миллий маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши тушунилади. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали чет эл товарларининг мамлакат ички бозорига интервенсияси қисқартириб борилади ва ушбу товарларга бўлган қарамликдан халос бўлинади.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин иқтисодиётнинг тубдан таркибий ўзгартириш, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш ва ривожлантириш мақсадида кенг қўлланила бошланди. Бу тажриба энг муҳим истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаларида, автомобилсозлик саноатида жорий этилиб, катта самара берди.

*Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш, амалга ошириш ва ҳисобот тизимини юритиш ҳамда ушбу жараёнда давлат бошқаруви органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди (17. 12. 2019 йилдаги 1009-сон ВМҚга қаранг).*



Хужжат Президентнинг 2019 йил 24 августдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида» тўғрисидаги ПҚ-4426-сон қарорига мувофиқ қабул қилинди.

Низомда белгиланишича, импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, хомашё ва материалларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) билан боғлиқ жараён маҳаллийлаштириш ҳисобланади. Маҳаллийлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат Солиқ Кўмитаси, Давлат Божхона Кўмитаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, шунингдек:

- Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари маркази;
- Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси ва ишчи гуруҳ;
- лойиҳа ташаббускорлари (импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар) маҳаллийлаштириш жараёни иштирокчилари ҳисобланади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди.

Низомда маҳаллийлаштириш жараёни иштирокчиларининг вазифалари, улар томонидан маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш, амалга ошириш бўйича амалга ошириладиган функциялар, шунингдек, уларни амалга ошириш муддатлари белгиланган. Бу маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш ва уни амалга ошириш жараёни иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги схемасида акс этган.

Лойиҳалар уларнинг кўрсаткичлари қуйидаги мезонларга жавоб берган ҳолда маҳаллийлаштириш дастурига киритилади:

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларнинг республика ҳудудига доимий равишда, катта миқдорда импорт қилиниши;

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати ва мавжуд хомашё базаси негизида қўшилган қиймат занжирини яратиш имкониятининг мавжудлиги;
- тармоқ ва ҳудудий корхоналарда мавжуд технологик ускуналарнинг тез ишдан чиқувчи бутловчи буюмлари, эҳтиёт қисмлари ва материалларини ишлаб чиқаришга қаратилганлиги;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг маҳаллийлаштириш даражаси камида 36% бўлиши;
- маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотга ички ва ташқи бозорда етарли даражада талабнинг мавжудлиги;
- ишлаб чиқариш инфратузилмасининг мавжудлиги, айниқса, бўш бино ва кичик саноат зоналаридаги мавжуд инфратузилмадан фойдаланилиши;
- йирик ва кичик корхоналар ўртасида кооперация алоқалари йўлга қўйилганлиги.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш ва экспортни рақобатлантириш билан биргаликда – Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг энг муҳим вазифаларидир.

Юқоридагилардан келиб чиқилганда қуйидаги тизим вужудга келади:

**биринчидан**, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида ҳокимнинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси пайдо бўлади. Унга реал ваколатлар берилди. Масалан, у ҳудудда маҳаллийлаштиришнинг аниқ рўйхатини ва маҳаллийлаштиришнинг ҳудудий дастурлари лойиҳаларини шакллантиради, уларда назарда тутилган мақсадли параметрларга эришишнинг мониторингини олиб боради. Ҳоким ёрдамчиси раҳбарлигида доимий асосда фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳи ташкил этилади;

**иккинчидан**, ҳар йили мониторинг олиб бориладиган юридик шахслар рўйхати тузилади. Бу давлат улуши юқори бўлган (50% ва ундан ортиқ) юридик шахслар ва улар улушнинг 50%и ва ундан ортиғига эгалик қиладиган корхоналарга тааллуқли. Уларда, хусусан, раҳбарнинг маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари пайдо бўлади. Маҳсулотлар сотиб олиш бўйича импорт шартномалари (уларга қўшимча шартномалар) ва уларнинг техник талаблари у билан келиши-

лади. Импорт харидлари ва валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши ҳар чоракда ташқи аудитдан ўтказилади;

*учинчидан*, Ҳисоб палатасида импортни доимий таҳлил ва мониторинг қилиш бўйича алоҳида таркибий тузилма ташкил этилади. Унинг вазифаларига бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан, шунингдек, мониторинг юритиладиган корхоналар томонидан амалга оширилган импорт ҳажмлари ва номенклатурасини доимий таҳлил қилиш (иккинчидагига қаранг), давлат харидларининг асосланганлиги, импортнинг нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ўрганиш киради. Бўлинма маҳаллийлаштириш жараёнини такомиллаштириш юзасидан тайёрланган маълумотларни ҳар чоракда Президент Администрациясига киритиб боради;

*тўртинчидан*, Вазирлар Маҳкамасининг Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти тузилмасида Иқтисодиёт тармоқларида ва ҳудудларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва саноатда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари шуъбаси ташкил қилинди;

*олтинчидан*, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича ваколатли орган сифатида белгиланди. Идорага қўшимча вазифалар юклатилди.

Маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми 2020–2021 йиллар давомида камида 20%га, хусусан, импорт улуши юқори бўлган товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобига оширилиши керак. Шунингдек, технологик асбоб-ускуналарнинг тез ишдан чиқувчи бутловчи буюмлари, эҳтиёт қисмлари ва материаллари ҳам маҳаллийлаштирилади. Мамлакатимизда мавжуд полимер, ип-калава, чарм, жун, ипак, мис, табиий тош, қишлоқ хўжалиги ва бошқа бирламчи хом ашёларни чуқур қайта ишлаш орқали қўшилган қиймат занжири яратилади.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ички бозорда талаб юқори бўлган импортнинг ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг кредитлари бўйича кафилик ва фоиз тўловларини компенсация қилишни Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси таъминлайди. Қўллаб-қувватланадиган лойиҳалар Жамғармани бошқариш бўйича кенгаш томонидан маъқулланади (13. 08. 2019 йилдаги ПФ-5780-сон Фармон).

Корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ўзаро чамбарчас боғлиқ

жараёнدير. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро саноат кооперациясининг кенгайиши тайёр маҳсулот, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш учун шарт-шароит яратади.

Маълумки, маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шу асосда замонавий рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек, янги иш жойларини яратиш имконини беради. Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши қўйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
- турли саноат тармоқларининг кўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлари экспортини кўпайтириш ва анъанавий экспорт салмогини камайтириш;
- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш;
- маҳаллий хомашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобидан иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва ҳ. к.

2019 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 220,7 трлн сўмга етказилиб, тасдиқланган йил прогнозига нисбатан 2 баробарга ўсди. Шу ўринда асосий капиталга инвестициялар ҳажми 189,9 трлн сўмни, 2018 йил кўрсаткичларига нисбатан ўсиш даражаси эса 1,3 баробарни ташкил этди.<sup>1</sup>

Асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2018 йилда 30 фоиздан амалдаги 36,2 фоизга қадар ўсди (умумий инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2019 йил натижалари билан 42,1% ташкил этди).

Ҳисобот даврида 2,8 мингдан ортиқ ижтимоий, инфратузилма ва ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди: 145 та йирик ишлаб чиқариш объектлари, 167 та йирик ҳудудий лойиҳалар, 2,5 мингдан зиёд ижтимоий ва инфратузилма объектлари.

<sup>1</sup> <https://mift.uz/uz/news/uzbekiston-respublikasining-2019-jil-uchun-investitsiya-faolijatisarisobi>

Инвестиция фаолиятининг сезиларли ўсиши 13,3 млрд долл. ни ташкил этган хорижий инвестицияларнинг оқими ва ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, унда:

- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар – 9,3 млрд доллар (шундан асосий капиталга – 6,6 млрд долл.);
- давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар – 4,0 млрд доллар (шундан асосий капиталга – 3,2 млрд доллар) ўзлаштирилди.

Бунда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг умумий инвестициядаги улуши 37 фоизга етказилди (таққослаш учун 2018 йилда бу кўрсаткич 10,5%ни ташкил этган).

БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференциясининг (ЮНКТАД) ҳисоботиغا кўра, жаҳон миқёсида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми кетма-кет учинчи йил пасайиб, глобал молиявий инқироздан сўнг дарҳол кузатилган энг паст даражага етди. 2018 йил охирида бу кўрсаткич 19 %га камайти (2017 йилда – 16%).

Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатлар бўйича ЮНКТАДнинг ҳисоботиغا кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ижобий ўсиши Осиёда кузатилиб, унинг ҳажми 5%га ўсди. Шу ўринда Марказий Осиё мамлакатларида хорижий инвестицияларнинг ўсиши ўртача 8-10 %ни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 2018 йилнинг шу даврига (2,9 млрд доллар, шундан асосий капиталга – 1,6 млрд доллар) нисбатан 3,2 баробарни ташкил этди (9,3 млрд доллар, шундан асосий капиталга – 6. 6 млрд доллар) ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида ўсиш суръатлари бўйича республикамиз етакчиликни таъминлади.

Хорижий инвестицияларни республикага жалб қилиш бўйича асосий хорижий ҳамкорлар сифатида Хитой, Россия ва Германияни эътироф этиш мумкин, шу билан бирга, Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритадиган давлатлар умумий сони 50 тадан ошди. Натижада йирик инвестор-давлатларнинг умумий жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлардаги улуши 34%гача қисқарди.

2018 йил кўрсаткичларига нисбатан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилишнинг фаол ўсиши электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш (ўсиш – 7,5 баробар), металлургия (ўсиш – 4,6 баробар), тўқимачилик (ўсиш – 2,5 баробар), чарм-пойафзал (ўсиш – 2,1 баробар) ва нефть-газ (ўсиш – 2 баробар) тармоқларида кузатилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар оқимининг ўсиш суръати худудий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларда ҳам мустах-

камланиб бориб, уларнинг умумий ҳажми 2019 йилда 4,8 млрд долларни (шундан асосий капиталда – 4,2 млрд доллар) ташкил этиб, 2018 йил мос даврига нисбатан 4 баравар ва 2017 йилга нисбатан 24 баравар кўпайди. Фақат хорижий капитал иштирокида ҳудудларда умумий қиймати 858,5 млн долларга тенг 167 та лойиҳа фойдаланишга топширилди.

2020 йил ва ундан кейинги йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни фаол жалб қилиш, уларни электр энергетика, ахборот технологиялари, шунингдек, мавжуд хомашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қиймат занжирини яратишга қаратилган кимё саноати, электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби устувор соҳалардаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали уларнинг йўналишларини диверсификация қилиш ишлари давом эттирилади.

#### **5.4. МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ АСОСИДА ЮҚОРИ ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТЛИ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**

Ҳозирги даврда иқтисодий адабиётларда илгари сурилган ғояларда, тавсияларда ва реал амалиётда эътибор берилаётган асосий кўрсаткичлар қиймат кўрсаткичлари бўлиб, уни (қийматни) оширишга интилиш тенденцияси мавжудлиги яққол кўринади.

Ҳар бир масалага икки томонлама ёндашиб, ҳар бир товарнинг (маҳсулотнинг) ўзида ҳам қиймат, ҳам нафлилик мавжудлигини, унинг қайси бирини кўпайтиришни тўғри англамаслик зиддиятли, тесқари ҳаракат қилишимизга сабаб бўлади. Ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатларда, жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам қийматни кўпайтиришга кўпроқ ҳаракат қилинмоқда, чунки хўжаликлар фаолиятини баҳолашда истиқбол кўрсаткичлари, унинг қийматини оширишга ундовчи, рағбатлантирувчи кўрсаткичлардан иборат бўлиб қолмоқда.

Қиймат ҳажмини, қўшилган қийматни, қўшимча қийматни кўпайтиришга интилиш бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий жамиятда зарурий маҳсулот билан бир қаторда қўшимча маҳсулотга нисбатан ҳам объектив зарурат мавжуд бўлади. Масалан, ибтидоий жамоа тузумида, меҳнат қуроллари ўта содда бўлган даврда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот шу қадар оз эдики, у ҳаттоки энг зарур эҳтиёжларни қондиришга ҳам етарли эмасди. Бироқ кишилар ўзларининг иш вақтларининг бир қисмини қўшимча иш вақти, бинобарин, қўшимча меҳнат сифатида ажратиб меҳнат қурулларини, истеъмол буюмлари захираларини тайёрлаш учун сарфлашга мажбур


эдилар. Жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида қўшимча маҳсулот мавжуд бўлиб, турли босқичларда унинг ижтимоий шакли турлича бўлади. Масалан, у кулдорлик жамиятида кулдорлар ёки латифундистлар даромади, феодал жамиятида уч кўринишдаги (баршчина, оброк, пул солиғи) ер рентаси, капитализмда эса қўшимча қиймат кўринишларида намоён бўлган.

Жамиятда ишлаб чиқарувчи кучларнинг доимий равишда ривожланиб бориши меҳнат унумдорлигининг ошиб боришини таъминлайди ва унинг эвазига зарурий иш вақтининг қисқаришига, тегишли равишда, қўшимча иш вақтининг ва бинобарин қўшимча қийматнинг ўсишини таъминлаш имконият яратади.

Шундай қилиб, соф маҳсулотнинг икки таркибий қисмларга ажратиши ижтимоий тараққиётнинг барча босқичлари ва барча ижтимоий-иқтисодий тизимлар учун умумий иқтисодий қонуниятга айланади. Бу қонуният ҳар қандай ижтимоий ишлаб чиқаришнинг табиатидан, кишилик жамияти прогрессив ривожланиши қонунидан келиб чиқади.

Объектив зарурият ва жараён сифатида қўшимча қийматнинг вужудга келиши ва ўсиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ҳамда ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошиши билан боғлиқдир. Бу жараёнлар инсонга ўз иш вақти ва меҳнатининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган неъматларни яратишга сарфланувчи қисмини камайтириш ва шунга мувофиқ ҳолда, бошқалар учун маҳсулот яратувчи қўшимча иш вақти ва қўшимча меҳнатни кўпайтириш имконини берди.

Қўшимча маҳсулот ялпи ички маҳсулотнинг таркибий қисми бўлганлиги учун унда мавжуд бўлган икки томонлама хусусият, яъни қиймат ва нафлилик хусусиятлари қўшимча маҳсулотга ҳам мансуб бўлади, яъни қўшимча маҳсулот икки томонлама хусусиятга эга бўлади.



Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши натижасида меҳнат унумдорлигининг ўсиши (зарурий маҳсулот ўзгармаган ҳолатда) қўшимча қийматнинг ўсишига олиб келади.

Яна шу нарсани ҳам таъкидлаш жоизки, айрим эълон қилинган мақола ва китобларда айрим муаллифлар қўшимча маҳсулот, қўшилган қиймат ва қўшимча қийматни бир хил синоним тушунча деб қарамоқдалар. Лекин улар орасида жуда катта фарқ мавжуддир.

Қўшилган қиймат – амортизация фонди, иш ҳақи, турли ижтимоий фондлар, солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олади.

Кўшимча маҳсулот эса қўшилган қийматдан амортизация, иш ҳақи ва турли ижтимоий фондлар чегириб ташлангандан қолган қисмини ўз ичига олади. Кўшимча қиймат эса қўшимча маҳсулотнинг бир томонини, яъни қиймат томонини ифода этади.

Мамлакатимизда ЯИМнинг нафақат миқдоран ўсиб бориши, балки унинг таркибий тузилмасининг сифат жиҳатидан такомиллашиб бориши ҳам алоҳида эътиборга молик. Бунда унинг ўсишига таъсир кўрсатган омиллар таҳлили, яъни қўшилган улушларнинг таркиби ҳамда ЯИМнинг ўсишига қўшган ҳиссасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефт-газ ва нефт-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор.

Республика миллий иқтисодиётида эришилган бу ижобий натижалар таркибий қайта қуришлар асосида бутунлай янги иқтисодиёт мажмуасининг бунёд этилганлиги, биринчи навбатда энг муҳим макроиқтисодий ва такрор ишлаб чиқариш нисбатларини давлат томонидан самарали тартибга солишнинг натижаси ҳисобланади. Бунда асосий эътибор иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши, ҳудудларнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришга қаратилади.

Таркибий сиёсатнинг ҳудудий жиҳатларини таъминлаш одамлар турмуш даражасида вужудга келган ҳудудий номутаносибликни бартараф этиш, ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишга эришишда катта аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини ўзгартириш, унинг сифатини яхшилаш ва маҳсулот тайёрлашга кетадиган жами харажатларни камайтириш талаблари ҳам ҳисобга олинади.

Иқтисодиёт тузилишидаги ўзгартиришлар, четдан маҳсулот олиб келишни қисқартириш, иқтисодиётнинг хомашё етиштиришга қартилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш ва унинг экспорт имкониятини кенгайтириш тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибликларни бартараф этиш асосида иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш билан боғлиқликда амалга оширилди.

Мамлакатдаги иқтисодий ривожланиш даражасини ошириш ва юқори қўшимча қийматни яратувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш аввало инве-



стиция фаолияти тараққиёти, инвестиция муҳитига бевосита боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга муҳим вазифа деб қаралмоқда, шу мақсадда иқтисодий либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-тамоийилларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлардан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур соҳадаги ишларнинг ҳолатини таҳлил қилиш инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга оширишга, инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштиришга тўсқинлик қилаётган айрим тизимли камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан, инвестиция дастурини шакллантиришнинг амалдаги тизими истиқболли инвестиция лойиҳаларини босқичма-босқич тайёрлашни, лойиҳа ҳужжатлари ўз вақтида ишлаб чиқилишини таъминламапти, бу эса молиялаштиришнинг очилиши, маблағлар ўзлаштирилиши оқибатда эса қувватлар ишга туширилиши кечиктирилишига олиб келмоқда. Инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш жараёнига илғор ахборот-коммуникация технологиялари татбиқ этилмаган.

2017 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, алоҳида туман ва шаҳарларни ривожлантириш бўйича 40 дан ортиқ дастурлар қабул қилинди.

Улар ижросини таъминлаш ҳамда ҳудудлар иқтисодий ўсишини тезлаштириш ва доимий иш ўринларини яратиш мақсадида 2017–2018 йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасида ҳар бир туман учун истиқболли янги 2077 та йирик лойиҳа тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларидаги туманларда саноат соҳасида 1 619 та янги корхона ташкил этилиб, бу 2016 йилга нисбатан 1,2 марта кўпдир. Янгидан ташкил этиладиган корхоналарга солиқ тўлови бўйича 5 йилдан 10 йилгача имтиёзлар, шу жумладан, мулк, ер ва ободонлаштириш солиқлари ҳамда Республика йўл жамғармаси йиғимларидан озод этиш каби имтиёзлар қўлланиб келинмоқда. 47 та узоқ, етиб бориш қийин бўлган туманларда янги ташкил этилган ва микрокредит олган яқка тартибдаги тадбиркорлар 6 ой муддатга қатъий белгиланган солиқ тўловидан озод этилди.

Ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга ёндашув тубдан ўзгартирилди, аҳолининг эҳтиёжлари кўпроқ инобатга олинган бўлди. Хусусан, сўнгги йилларда бирин-

чи марта 2700 км автомобиль йўллари ва 5,1 минг км паст кучланишли электр тармоқлари куриш ва капитал таъмирлашга давлат маблағлари йўналтирилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари бошчилигида, Бош вазир ва унинг ўринбосарларига бириктирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторларига бўлинишини назарда тутувчи иш ташкил этишнинг янги тизими жорий этилди.

Жамоатчилик олдида ҳисобот бериш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш вазифаларини сўзсиз амалга ошириш мақсадида жойларда ишларни ташкил этишнинг «маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика» тамойили асосидаги янги тизими жорий этилди.

Мазкур тизимнинг жорий этилиши ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти марказий органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг даражаси ҳудудларда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича уйғун фаолиятни таъминлаб берди. Шунингдек, секторлар томонидан уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашувлар маҳалладаги долзарб муаммоларни аниқлаш орқали туман (шаҳар)ни ривожлантириш бўйича дастурларга таклифлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

Ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий сиёсат ўзгартирилди, бунда иш ўринлари ташкил этиш ва одамлар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш устувор мақсад этиб белгиланди:

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 11 та, шунингдек, алоҳида туман ва шаҳарларни ривожлантириш бўйича 36 та дастур қабул қилинди;
- нисбатан орқада қолган ва ортиқча иш кучи мавжуд ҳудудларни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди;
- 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб Тошкент шаҳри ва пойтахт туманларида ўтказилаётган тажриба доирасида янги замонавий тизим татбиқ этилиб, унга кўра, туман маҳаллий бюджетларининг кўшимча даромадларини тегишли маҳаллий бюджетлар тасарруфида қолдириш имкони яратилди;
- ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга ёндашув тубдан ўзгартирилди;

Эркин иқтисодий зоналар, технопарклар, кичик саноат ҳудудлари ташкил қилиниши тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш, янги юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, ҳудудларни та-

бий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий омили бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, халқнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларни қабул қилиш мақсадида 2017 йилнинг ўтган даври мобайнида республиканинг барча минтақаларига ташриф буюрди:

2018 йилда Янги ташкил этилган саноат корхоналарида 7 000 дан ортиқ ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилди, 100 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада қайта ишлаш саноатининг жами саноатдаги улуши 80 фоиздан ортиқни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги қарийб 6 фоизга ошди.

Маҳаллий хом-ашёни чуқур қайта ишлаш бўйича янги юқори технологик ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган йирик инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши қарийб 67,4 триллион сўмлик капитал қўйилмаларни ўзлартириш имконини берди.

Саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, янги технологияларни жорий этиш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди:

- Миллий валюта тезкор ўзгаришини юмшатиш мақсадида иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарига молиявий ёрдам бериш бўйича қарор қабул қилинди.
- 2017 йилда 7 400 та янги ташкил этилган саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди ҳамда 150 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада қайта ишлаш саноатининг жами саноатдаги улуши 80 фоиздан ортиқни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги 5,6 фоизга ошди;
- Инвестиция дастури доирасида маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш бўйича янги юқори технологик ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган йирик инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши қарийб 64,5 триллион сўмлик капитал қўйилмаларни ўзлаштириш имконини берди.

2017 йилда 161 та замонавий ва йирик ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди:

- Қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналари ишлаб чиқариш корхонаси;

- Қандим газни қайта ишлаш комплекси муддатидан олдин ишга туширилиши қўшимча 5,6 миллиард куб метр табиий газни казиб олиш ва қайта ишлаш имкониятини яратди;
- Тошкент вилоятида совуқ катанкали пўлат маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича янги замонавий завод қурилиб, унинг ишга туширилиши мамлакатнинг varaқли прокат импортига боғлиқлигини пaсайтириш имконини беради.

2018 йилда Иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони 229,7 мингтадан 262,9 мингтага ёки 14,5 фоизга кўпайди. Бунда тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган қуйидаги ислохотлар муҳим роль ўйнади:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган режали текширувлар, шунингдек, 42 турдаги фаолиятга лицензиялар ва рухсатномалар бериш бекор қилинди ҳамда 25 фаолият тури учун лицензия ва рухсатнома бериш муддатлари қисқартирилди;
- давлат мулки ҳамда ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига электрон савдолар орқали сотишга бозор механизмлари жорий этилди;
- соғлом рақобат муҳити ривожланишини рағбатлантириш, бизнес учун тенг шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди ҳамда монопол корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган 27 турдаги юқори ликвидли товар, хомашё ва материалларни фақат биржа савдолари орқали сотиш механизми жорий этилди;
- қишлоқ хўжалиги соҳасида турли даражадаги ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳисоб-китоб қилиш механизмлари йўлга қўйилди;
- ёқилғи-энергетика ресурслари, вон. ун ва бошқа стратегик аҳамиятга эга товарлар нархларини шакллантиришнинг бозор механизмлари дастлабки босқичи амалга оширилди;
- 27 та юқори ликвид хом ашё ва материаллар ҳамда маҳсулотларни монополист корхоналар томонидан ички бозорга реализация қилишни фақатгина биржа савдолари орқали амалга ошириш тартиби ўрнатилди;
- аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида «Ёшлар – келажагимиз», «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Обод маҳалла», «Обод қишлоқ» каби қатор Давлат дастурлари қабул қилинди;

- соғлом рақобатни чекловчи якка тартибдаги солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда афзалликларини тақдим этиш амалиёти бекор қилинди;
- рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, ички бозорни сифатли истеъмол товарлари билан таъминлаш мақсадида божхона-тариф тизими такомиллаштирилди. Хусусан, 6 200 турдаги товарлар бўйича ноль ставкадаги импорт божлари белгиланди, 8 мингдан ортиқ турдаги товарлар бўйича божлар 2 баробарга пасайтирилди.

Қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида умумий қиймати 41 млн АҚШ долларида ортиқ бўлган «Nanyang M&F Home Textile» (Хитой) ва «Shanghai mar- jan industrial Co ltd» (Хитой) каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

«Coca-Cola Bottlers Uzbekistan» кўшма корхонаси ишлаб чиқаришининг «Anadolu Group» (Туркия) компанияси томонидан 100 млн АҚШ долларида модернизация қилинди.

«Индорама» (Сингапур) компанияси томонидан кимё ва тўқимачилик саноатида умумий қиймати 1,2 млрд АҚШ долларида ортиқ янги лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан 1 000 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Сурхондарё вилояти Шеробод туманида цемент ишлаб чиқариш, шунингдек, Қарши–Китоб темир йўл линиясини электрлаштириш бўйича инвестиция лойиҳалари қабул қилинди.

Худудларда 20 та эркин иқтисодий зона ташкил этилган бўлиб, республика бўйича жами 1 690,3 млн АҚШ доллари миқдорида 281 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Мазкур лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида 25 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. 2018 йилда республика худудида 135 та кичик саноат зонаси ташкил этилиб, 830,7 млрд сўмлик жами 914 та лойиҳа амалга оширилди, натижада 13 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Мева-сабзавот маҳсулотларига экспорт контрактларини «Ўзагро-экспорт» АЖ томонидан эълон қилинган нархлардан паст бўлмаган нархлар бўйича тузиш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт контрактини тузмасдан, «Ўзагроэкспорт» АЖ расмий веб-сайтида қайд этилган нархлардан паст бўлмаган нархлар бўйича инвойс асосида божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби бекор қилинди.

Рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, маҳаллий экспортчилар учун савдо шароитларини яхшилаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар

ва асосий экспорт товарлари нархларининг жаҳон бозор конъюнктурасидан ошиши натижасида товар ва хизматлар экспорти 13,6 фоизга ошди.

2019 йилда Рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати ва хусусий сектор субъектларини мақсадли кредитлар билан қўллаб-қувватлаш натижасида *юқори инвестицион ва истеъмол фаоллигининг* сакланиб қолиши иқтисодий ўсишнинг асосий омили бўлди. Бунда, асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръати **33,9 %**ни ташкил этди ва уларнинг ЯИМдаги улуши **37,1 %**гача ўсди.

Инвестицияларнинг ўсиши, асосан, тадбиркорлик фаолияти, ижтимоий ва саноат инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш ва таркибий ўзгартириш, шу жумладан, қишлоқ хўжалигини молиялантириш бўйича *давлат дастурларини амалга ошириш* билан боғлиқ бўлди.

Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотлар сони **419,5** мингтага ташкил этиб, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан **80,5** мингтага ёки **23,7 %**га ошди.

96,7 мингта янги корхона ва ташкилотлар ташкил этилди, бу 2018 йилга нисбатан **1,8** мартага кўпдир. Шундан масъулияти чекланган жамиятлар – **60,8** мингта, хуёсий корхоналар – **18,6** мингта, оилавий корхоналар – **3,2** мингта, муассасалар – **2,8** мингта ва бошқалар – **1,3** мингтани ташкил этди.

ЯИМда саноат тармоғи улуши 2017 йилдаги **22,2** фоиздан 2019 йилда **30,0** фоизгача ошиши билан боғлиқ бўлган таркибий ўзгаришлар юз берди.

2019 йил якунига саноат корхоналари ва ташкилотлари сони **70,6** мингтани ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан **124,1 %**га ошди. Жумладан, ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) саноатида – **124,4 %** (жами саноатдаги улуши **94,6 %**), тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш – **129,5 %** (жами саноатдаги улуши **3,3 %**), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – **119,8 %** (жами саноатдаги улуши **0,5** фоиз) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чикиндиларни утилизация қилиш – **105,0 %** (жами саноатдаги улуши **1,6 %**) ўсишига эришилди.

Республика корхоналари томонидан **331,0** трлн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, бу 2018 йилга нисбатан **6,6 %** кўп, демакдир.

Ишлаб чиқарилган юк автомобиллари сони **271,1** мингта, енгил автомобиллар сони **5,3** мингтани ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан **1,2** мартага, автобуслар сони **1,5** мингта бўлиб, 2018 йилга нисбатан **1,6** мартага, автомобиль двигателлари сони **200,6** мингтага етказилиб, 2018 йилга нисбатан **1,3** мартага ошди.

2020 йил якунига кўра, асосий капиталга қўйилган инвестициялар ҳажми реал қийматида 2019 йилга нисбатан 8,2 фоизга камайди ва 202 трлн сўмни ташкил қилди. Марказлаштирилган манбалардан молиялаштириладиган инвестициялар ҳажми 34,9 фоизга камайиб, 39,3 трлн сўмни ташкил этди.

Шунингдек, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестициялар 33,6 фоизга, ЎТТЖ маблағлари 75,7 фоизга, ҳукумат томонидан таъминланган хорижий инвестициялар ва кредитлар 28 фоизга камайган.

2020 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 32,7 фоизга (кафолатланмаган хорижий кредитларни инобатга олмаган ҳолда) камайиб, 2,9 млрд долларни (доллар эквивалентида пасайиш 33,8 фоизга етди) ташкил этди.

Кафолатланмаган хорижий кредитлар қуйидаги тармоқларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробардан зиёд (2,4 млрд доллардан 3,5 млрд долларгача) ўсди, жумладан:

- НКМК – 636,5 млн доллар;
- «Ўзбекнефтгаз» АЖ – 154,8 млн доллар («Шўртан ГКМ» МЧЖ – ишлаб чиқариш қувватини ошириш» – 122,7 млн доллар);
- «Ўзэлтехсаноат» АЖ – 101,8 млн доллар (маиший музлаткичлар ишлаб чиқариш – 48 млн доллар);
- АТКР вазирилиги – 89,4 млн доллар (кенг полосали телекоммуникация тармоғини ривожлантириш – 35,5 млн доллар);
- «Ўзқурилишматериаллари» АЖ – 91 млн доллар.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 22,1 фоизи табиий газ ишлаб чиқариш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга, 22,5 фоизи бошқа металл бўлмаган минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш, 9,3 фоизи қурилиш ишларига йўналтирилган.

Бундан ташқари, экспорт салоҳияти юқори бўлган машинасозлик, электротехника, металлургия, кимё ва фармацевтика тармоқларида асосий капитални шакллантириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларнинг даражаси пастлигича қолмоқда.

Таъкидланишича, инвестициялар соҳасидаги мавжуд тенденцияларнинг давом этиши 2021 йилда иқтисодий ўсиш суръатларига (5,1% даражасида деб прогноз қилинмоқда) эришишга таҳдид солиши мумкин, бу эса иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажмини сезиларли даражада оширишга қаратилган инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича амалий чораларни ва уларнинг самарадорлигини оширишни талаб қилади.

Инвестицияларнинг асосий манбалари ҳисобланган давлат ташқи қарзи, Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари, кафолатланмаган хорижий кредитлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, шунингдек, тижорат банклари кредитларининг ЯИМга нисбати 2019 йилда 23,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунига кўра ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 20,1 фоизини ташкил этди.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. *Ишлаб чиқариш омиллари нималардан иборат?*
2. *Ишчи кучи нима, унинг меҳнат тушунчасидан нима фарқи бор?*
3. *Капитал тушунчасига таъриф беринг ва унинг таркибига нималар киришини тушунтириб беринг.*
4. *Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини ва унинг икки томонини тушунтиринг.*
5. *Оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг моҳияти нимада?*
6. *Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижаларини тушунтириб беринг.*
7. *Яратилган маҳсулотнинг натурал ва қиймат таркиби нималардан иборат?*
8. *Зарурий ва қўшимча маҳсулот нима, қўшимча маҳсулот нормаси ва масаси формуласини ёзиб тушунтиринг.*
9. *Қўшилган меҳнат, қўшилган капитал ва қўшилган маҳсулот тушунчаларини-изоҳлаб беринг.*
10. *Сўнги қўшилган меҳнат ва капитал унумдорлигининг пасайиб бориши қонунининг моҳияти нима ва у ҳозирги даврда амал қиладими?*

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Яратилган маҳсулот қиймат жиҳатдан қандай қисмлардан иборат бўлади?

- А) Амортизация фонди, зарурий маҳсулот қиймати, қўшимча маҳсулот қиймати\*
- Б) Амортизация фонди, зарурий маҳсулот қиймати
- В) Зарурий маҳсулот қиймати, қўшимча маҳсулот қиймати
- Г) Қўшимча маҳсулот қиймати

2. Қандай маҳсулотга ишчи ва хизматчилар иш вақтининг бир қисми бўлган зарурий иш вақтида зарурий меҳнат билан яратилган, ишчи кучини нормал ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулотга деб айтилади?

- |                      |                        |
|----------------------|------------------------|
| А) Зарурий маҳсулот* | В) Янги маҳсулот       |
| Б) Қўшимча маҳсулот  | Г) Инновацион маҳсулот |



3. Фан-техниканинг бир қанча соҳаларида бирданига катта ўзгаришлар бўлиб, техниканинг энг сўнгги янгилликларини, авлодларини ишлаб чиқаришда қўллаш, принципиал янги технологик тизимга ўтиш қандай шакл ҳисобланади?

- А) Революцион\*
- Б) Эволюцион
- В) Босқичма босқич
- Г) Чизиқли

4. 2017 йилда ЯИМда хизмат кўрсатиш улуши неча фоизни ташкил этган?

- А) 33,7 фоиз
- Б) 35,7 фоиз
- В) 32,5 фоиз
- Г) 35,5 фоиз

5. 2020 йилда аҳоли сони ва ундан ишчи кучи ресурслари сони қанчани ташкил этган?

- А) Аҳоли сони – 34,6 млн киши ва ишчи кучи ресурслари сони – 19,1 млн киши\*
- Б) Аҳоли сони – 32,6 млн киши ва ишчи кучи ресурслари сони – 23,1 млн киши
- В) Аҳоли сони – 31,7 млн киши ва ишчи кучи ресурслари сони – 20,3 млн киши
- Г) Аҳоли сони – 33,9 млн киши ва ишчи кучи ресурслари сони – 24,2 млн киши

6. Ўзбекистон Республикасида Туризм ва Спорт вазирлиги қачон тузилган?

- А) 2021 йил апрель ойида
- Б) 2019 йил март ойида
- В) 2018 йил январь ойида
- Г) 2017 йил ноябрь ойида

7. Асосий цехлар таркибига қуйидагиларнинг қайсилари киради?

- А) қуйиш, темирчилик, механик ишлов бериш
- Б) чилангарлик, пайвандчилик
- В) йиғув цехлари
- Г) барча жавоблар тўғри\*

8. Корхонанинг жойлаштириш ўрнини танлаш қандай мезонлар асосда аниқланади?

- А) Материаллар мавжудлигига кўра, меҳнат ресурсларига кўра, товарлар савдоси ва солиқларни ҳисобга олиш, транспорт воситаларининг ҳолатига кўра\*
- Б) Материаллар мавжудлигига кўра
- В) меҳнат ресурсларига кўра
- Г) товарлар савдоси ва солиқларни ҳисобга олиш

9. «Маҳаллий ишлаб чиқариш» («локальное производство»), «ишлаб чиқарувчиларнинг маҳаллийлаштирилиши» (localization of production) ата-малари иқтисодий адабиётларда қачондан қўлланила бошланди?

- A) XX асрнинг 70-йиллари\*
- Б) XIX асрнинг 60-йиллари

- В) XVIII асрнинг 50-йиллари
- Г) XXI асрнинг 70-йиллари

10. 2019 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 220,7 трлн сўмга етказилди. Ушбу кўрсаткич тасдиқланган йил прогнозига нисбатан неча баробар ўсди?

- A) 2 баробар\*
- Б) 4 баробар

- В) 3 баробар
- Г) 5 баробар

11. Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши натижасида меҳнат унумдорлигининг ўсиши (зарурий маҳсулот ўзгармаган ҳолатда) қўшимча қийматга қандай таъсир кўрсатади?

- A) Ўсишига олиб келади\*
- Б) Пасайишига олиб келади

- В) Таъсир қилмайди
- Г) тўғри жавоб келтирилмаган

12. ... – амортизация фонди, иш ҳақи, турли ижтимоий фондлар, солиқ ва тўловларни ўз ичига олади. Нуқталар ўрнига тўғри жавобни тўлинг.

- A) Кўшилган қиймат
- Б) Асосий фонд

- В) Айланма фонд
- Г) Амортизация

## VI БОБ

### ИҚТИСОДИЁТДА СОҒЛОМ РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ КОМПАНИЯЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

#### 6.1. СОҒЛОМ РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАШ ВА МОНОПОЛИЯ- НИ ЧЕКЛАШ – ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ СИФАТИДА

Бугунги кунда самарали ва адолатли рақобат муҳитини яратиш ҳамда товарлар ва хизматлар бозоридаги монополияни босқичма-босқич камайтириш иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун устувор йўналиш бўлиб қолмоқда. Адолатли рақобат муҳитини таъминлаш ва монополистик фаолиятни чеклаш – эркин бозор иқтисодиётининг асосий тамойил ва тамал тошларидан бири саналади. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 ноябрдаги «Рақобат тўғрисида»ги қонунида рақобат тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Рақобат – хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6019-сонли Фармонида белгилаб берилганидек, товар ва молия бозорларида монополияни босқичма-босқич камайтириш орқали самарали рақобат муҳитини яратиш мақсадида мамлакатимизда иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш, нархни ортиқча тартибга солишдан воз кечиш ва давлатнинг иқтисодиётга таъсирини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолияти соҳасида 86 та айрим лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-тамомойиллари, шу жумладан, 38 та турини 16 тага бирлаштириш, 25 та тури бўйича расмийлаштириш муддатларини қисқар-


<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни. 4-модда. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz).

тириш ҳамда 14 та лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларни беришни марказлаштириш орқали бекор қилинди ва солиқ юки камайтирилди.

Кейинги йилларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган кўплаб озиқ-овқат (алкоголсиз ичимликлар, шарбатлар, нон, нон маҳсулотлари, гўшт ва сүт маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари ва бошқалар) ҳамда айрим ноозиқ-овқат товарлар (мебель, гилам ва гилам маҳсулотлари, тўқимачилик ва бошқалар) бозорларида рақобатнинг ривожланишини таъминлади. Қурилиш материаллари, кабель ва сим маҳсулотлари, пул ўтказмалари хизматлари бозорида йирик компанияларнинг монополияси тугатилди.

Яратилган биржа механизми бозор иштирокчиларини юқори ликвидли ва монопол турдаги хом ашё ва материаллар билан бир хилда таъминлаш имконини берди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида сўнгги йилларда монопол корхоналар сони икки барабардан ортиққа камайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидланганидек, «товар ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорларга хомашё сотиб олиш учун тендер имкониятлар яратиш зарур. Ҳозирги кунда электр энергияси, газ, қимматбаҳо металллар, минерал ўғитлар, транспорт хизматлари каби йўналишларда монопол бозорлар мавжуд бўлиб, уларда кўплаб муаммолар сақланиб қолмоқда»<sup>1</sup>.



6.1-расм. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан товарлар ва молия бозорларида ўтказилган диагностика натижалари.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 29.12.2020 й. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>


<sup>2</sup> [www.antimon.gov.uz](http://www.antimon.gov.uz)

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан 2020 йилда товарлар ва молия бозорларида ўтказилган 85 та рақобат диагностикаси натижаларига кўра, 15 та монополлашган бозорлар, 42 та рақобатни чекловчи эксклюзив ҳуқуқлар, 4 300 та давлат иштирокидаги ва уларнинг назоратидаги корхоналар ҳамда 40 турдаги товарлар билан ички бозорлар тўйинмаганлиги аниқланган (6.1-расм).

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси товарлар ва молия бозорларида ўтказилган диагностика натижалари асосида монополистик фаолиятни чеклаш ва адолатли рақобатни таъминлаш чораларини амалга оширади.

Бугунги кунда 95 та хўжалик юритувчи субъектлар товарлар ва молия бозорларида устун мавқега эга. Бу ҳолат адолатли рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатади (6.2-расм).

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси маълумотларига кўра товар ва молия бозорларида устун мавқега эга хўжалик юритувчи субъектларнинг 42,5 фоизи 45 та товарлар тури бўйича, 57,5 фоизи эса 61 та хизматлар тури бўйича устун мавқени қўлга киритган. Таҳлилларга кўра товар ва молия бозорларида устун мавқега эга хўжалик юритувчи субъектларнинг 85,2 фоизини давлат иштирокига эга корхоналар ташкил этади.



6.2-расм. Товарлар ва молия бозорларида устун мавқега эга хўжалик юритиш субъектлари.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> www.antimon.gov.uz

Тадқиқотларга кўра, мамлакат иқтисодиётидаги рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган қуйидаги тизимли муаммолар ҳал этилмаган:

- иқтисодиётда давлатнинг ҳаддан зиёд юқори иштироки;
- нархларнинг ҳаддан ортиқ тартибга солиниши;
- имтиёз ва преференцияларнинг самарасиз тизими;
- бизнес субъектларига юқори тартибга солиш юки ва тармоқ тартибга солувчи органларнинг рақобатни ривожлантиришдан манфаатдор эмаслиги;
- табиий монополия ҳолатини суиистеъмол қилиш;
- рақобатга қарши ҳолатларга қарши курашиш ҳуқуқий механизмларнинг такомиллашмаганлиги.

### 1. Давлатнинг иқтисодиётдаги ҳаддан зиёд юқори иштироки.

Бугунги кунда товар ва молия бозорларида давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар устун мавқега эга бўлиб қолмоқда, масалан, монопол ташкилотларнинг 80 фоизи давлат улушига эга ёки давлат улушига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан назорат қилинади.

Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар рақобат ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган давлат унитар корхоналари (ДУК) ва шуъба корхоналар кўринишида ўзларининг назорати остида тузилмалар ташкил этмоқда. Бугунги кунда бундай корхоналар сони 4 300 тадан ортиқни ташкил этмоқда, шу жумладан, акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятлари шаклида – 1 300 тадан ортиқ, давлат унитар корхонаси шаклида – 1 800 тадан ортиқ ва уларнинг аффилиланган шахслари – 1 100 тадан ортиқ.

Бозор муҳитининг ривожланмаганлиги ва давлатнинг иқтисодиётдаги ҳаддан зиёд юқори иштироки давлат иштирокидаги алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарасизлигига олиб келмоқда, бу эса «ўзаро кесилувчи» субсидиялаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, преференциялар, имтиёзли кредитлар тақдим этиш кўринишидаги давлат кўмаги орқали қопланмоқда.

Молия ва капитал бозорларида (биржа, марказий депозитарий, банклар) давлатнинг иштироки ва унинг ваколатларининг юқори концентрацияси сақланиб қолмоқда, бу эса манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармоқда ва бозор механизмларининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Масалан, фонд биржасидаги қимматли қоғозлар операциялари бўйича ҳисоб-китоб хизмати давлатга тегишли «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖнинг монополияси ўрнатилган. Умуман олганда, банк секторининг 83 фоизи давлат иштирокида

фаолият кўрсатмоқда.<sup>1</sup>

**2. Нархларнинг ҳаддан ортиқ тартибга солиниши.** Бугунги кунда давлат томонидан нархларни тартибга солиш (декларация қилиш, тасдиқлаш, қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни), тартибга солиш коэффициентини, устама ва рентабелликнинг чегараланган даражасини ўрнатиш ва нархни тартибга солишнинг бошқа усуллари) 30 дан ортиқ товар ва хизматларга нисбатан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, табиий монополиялар соҳасида 10 хил турдаги товар (иш, хизмат)лар тартибга солинишига қарамасдан, амалда истеъмолчилар ва етказиб берувчилар тоифалари, шунингдек, ҳудудий принципга қараб ўрнатиладиган 137 хилдаги нарх даражалари орқали тартибга солинмоқда.

Монопол корхоналар ва табиий монополия субъектлари томонидан фойдаланилаётган харажатларга асосланган нархларни шакллантириш усули харажатларга минимал фойдани қўшиш схемасидан иборат бўлиб, у харажатларнинг асоссиз ўсишига ундайди, ишлаб чиқариш таннархининг пасайишини рағбатлантирмайди, харажатларнинг ўсиши эса, нархлар ва тарифларнинг истеъмолчилар учун тўғридан-тўғри ошириш ҳисобига қопланади.

**3. Имтиёз ва преференциялар тақдим этишнинг самарасизлиги.** Давлат кўмагини кўрсатишнинг монополияга қарши тартибга солиш воситалари мавжуд эмаслиги берилаётган имтиёз ва преференцияларнинг самарасизлигига олиб келмоқда ва рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда 40 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъектларга, яъни фаолият юритаётган субъектлар умумий сонининг 12 фоизига солиқ имтиёзлари берилган. Бундай вазият товар ва молия бозорларида тенг бўлмаган шароитларни вужудга келтиради.

**4. Бизнес субъектларига тартибга солиш юқининг юқорилиги ва тармоқни тартибга солувчи органларнинг ўз соҳасида рақобатни ривожлантиришга манфаатдор эмаслиги.** Вазирлик ва идораларнинг ўзлари томонидан тартибга солинадиган тармоқларда рақобатни ривожлантириш бўйича фаолият суствлигича қолмоқда. Иқтисодиёт соҳасида мавжуд 38 та давлат органидан фақатгина 11 тасига ўз соҳасида рақобат-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6019-сонли Фармони билан тасдиқланган «2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш Стратегияси». [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

ни ривожлантириш бўйича тўғридан-тўғри функциялар юклатилган.

Қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини ва рақобат муҳитига таъсирини баҳолашнинг тўлақонли тизими татбиқ этилмаган. Бунинг натижасида, амалдаги 61 гага яқин лицензиялар доирасида 266 тадан ортиқ фаолият турининг лицензияланиши ҳамда 137 турдан ортиқ рұхсат бериш тартиб тамойилларини назарда тутувчи қийин ва мураккаб лицензиялаш тизими, шунингдек, бизнесга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи 6 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва 40 мингта техник жиҳатдан тартибга солувчи ҳужжатларда тадбиркорлик субъектларининг бозорларга кириши учун сунъий тўсиқлар сақланиб қолмоқда.

Қонун ҳужжатларида тадбиркорлик ва инвестиция фаолиятини амалга ошириш эркинлигининг барча асосий қафолатлари мустақамланган бўлса-да, Жаҳон банки маълумотларига кўра, охириги йилларда Ўзбекистонда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг соф оқими кўрсаткичи пастлигича қолиб ЯИМга нисбатан 0,5-1,2 фоизни ташкил этмоқда, Иқтисодий эркинлик индексида мамлакатимиз 180 та давлат орасида 114-ўринни эгалламоқда, Инвестиция фаолиятини эркинлик индикатори бўйича кўрсаткич 100 дан 20 га тенг бўлмоқда.

**5. Табиий монополия ҳолатини суинистеъмол қилиш.** Чекланган рақобат муҳитига эга бўлган бозорларнинг, биринчи навбатда, табиий монополиялар соҳаларининг мавжудлиги, ўзаро боғлиқ бўлган бозорларга таъсир қилиб, аксарият ҳолларда, уларни монополлаштиради.

Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларда, табиий монополия субъектларига табиий монополия соҳасига киритилмаган товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларидаги рақобатни чеклаш учун ўз мавқеидан фойдаланиш ман этилганлигига қарамасдан, бугунги кунда бир қатор ўзаро боғлиқ рақобат таъминлаш имконияти мавжуд бўлган бозорлар, мисол учун, темир йўллари транспорти соҳасида – темир йўллари чипталарини сотиш, юк вагонларини таъмирлаш, вагон-ресторанлар хизматлари, вагонларни тозалаш ва бошқа бозорлар амалда монополлаштирилган.

**6. Рақобатга қарши ҳаракатларга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллашмаганлиги.** Бозорга кириш учун тўсиқларни бартараф этишда йирик корхоналар монополиясига ва «картель» келишувларга қарши курашишда, инсофсиз рақобатнинг олдини олишда таъсирчан механизмлар мавжуд эмас ва амалда монополияга қарши органнинг қарорлар қабул қилишда мустақиллиги чекланган.

Рақобатни чеклашга йўл қўймаслик бўйича превентив ва олдини олувчи чоралар тизими шаклланмаган, йирик корхоналарни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш бўйича битимлар устидан таҳлил ўтказиш ва са-




марали монополияга қарши назоратни амалга ошириш механизми ўрнатилмаган, савдолар жараёнида рақобатни чеклашнинг олдини олишнинг ҳуқуқий механизмлари самарасизлигича қолмоқда, монополияга қарши орган фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари ишлаб чиқилмаган.

Товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шароитларни яратиш, ошкораликни таъминлаш ва давлат хариди тартиб-тамойилларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ПФ-6019-сонли Фармони билан «2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш Стратегияси» тасдиқланган.

*Стратегиянинг асосий мақсади* самарали фаолият юритадиган бозорларни ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳисобига иқтисодий ўсишни ва инновацияларни рағбатлантириш, инвестициялар оқимини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш ҳисобланади.

*Стратегиянинг асосий вазифалари* қуйидагилар ҳисобланади:

- рақобатни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш тизимини трансформация қилиш;
- шаффофлик ва кириш учун тенг шароитларни таъминлаган ҳолда самарали фаолият юритадиган бозорларни яратиш;
- тадбиркорлик субъектларининг маъмурий юқини ва харажатларини, иқтисодиётда давлатнинг иштироки даражасини камайтириш, шунингдек, давлат кўмаги тақдим этилишини тартибга солиш;
- нархларни (тарифларни) давлат томонидан оқилона тартибга солиш тизимини яратиш;
- табиий монополиялар соҳаларининг рақобат мавжуд бозор ҳолатига ўтиши учун тўсиқларни бартараф этиш;
- рақобат чекланишини олдини олувчи воситаларни жорий этиш;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига нисбатан, биринчи навбатда, «картель» келишувлар ва тил бириктиришларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини кучайтириш;
- рақамли иқтисодиётни монополияга қарши тартибга солишнинг самарали воситаларини жорий этиш;
- монополияга қарши орган фаолиятининг шаффофлигини ва самарадорлигини таъминлаш, жамиятда рақобат маданиятини ва рақобатга қарши ҳаракатларнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизликни шакллантириш ва бошқалар.



6.3-расм. «2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш Стратегияси»да кўзда тутилган рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат улушини қисқартириш бўйича янги механизмлар.<sup>1</sup>

«2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш Стратегияси»да рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат улушини қисқартириш бўйича қуйидаги янги механизмлар кўзда тутилган (6.3-расм):

1. «Сариқ саҳифалар тамойили» – агар бозорда 5 тадан ортиқ хусусий корхоналар мавжуд бўлса, бу бозорда давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш тақиқланади.


2. Лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш ваколати берилган соҳаларда давлат органлари, монополиялар ва ягона ўтказиб берувчилар томонидан **давлат иштирокидаги корхоналарни таъсис этишга чекловлар** киритилди.

3. «Тартибга солиш гильтинаси» – тадбиркорлик фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган норматив-ҳуқуқий ва техник жihatдан тартибга солиш ҳужжатларини қисқартириш белгиланган.

4. Давлат органлари ва монополияларда фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва бузилишининг олдини олиш бўйича «**Монополияга қарши комплаенс тизими**» жорий этиш белгиланди.

5. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида рақобат муҳитига таъсирини мажбурий баҳолаш ўтказилиши белгиланди. Биргина 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан 753 та

<sup>1</sup> www.antimon.gov.uz



**6.4-расм. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш натижалари, 2020 й.<sup>1</sup>**

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ўрганилиб, уларнинг 37 фоизи ёки 334 тасида рақобатга зид нормалар мавжудлиги аниқланган (6.4-расм).

6. Давлат буюртмачиси стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамияти ва корхонаси билан манфаатлар тўқнашувига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект давлат харидларини ёки энг яхши таклифларни танлаб олишн ёхуд тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчиси бўлиши мумкин эмас (бундан давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун амалга ошириладиган давлат харидлари, шунингдек, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидлари мустасно).

7. Давлат буюртмачиси стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамияти ва корхонаси тендер ва танлов савдолари ҳамда энг яхши таклифларни танлаб олиш тартиб-тамойиллари ҳамда тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилишидан аввал у билан аффилиланган шахслар ҳақидаги маълумотларни давлат харидлари махсус ахборот порталида жойлаштиришга мажбурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6019-сонли Фармони билан 2021 йил 1 январдан бошлаб:

а) давлат харидлари ҳамда стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг харидлари ижрочилари:

тендер ва танлов савдолари ҳамда энг яхши таклифларни танлаб олиш яқунлари бўйича голиб деб расман эълон қилинган кундан ёки тўғридан-тўғри музокаралар яқунлари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки кун мобайнида давлат харидлари махсус ахборот порталида

<sup>1</sup> www.antimon.gov.uz

тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали бевосита ёки билвосита 25 фоиз ёки ундан кўп акцияларга (улушга) ҳақиқатдан назорат қилишга эга бўлган ўзининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилишлари;

ўзларининг веб-сайтларида ва махсус ахборот порталида доимий асосда тендер ва танлов савдолари ҳамда энг яхши таклифларни танлаб олиш тартиб-тамойиллари ҳамда тўғридан-тўғри музокаралар якунлари бўйича имзоланган шартнома мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб боришга мажбур;

б) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, табиий монополия субъектлари, товар ёки молия бозорида устун мавқега эга хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, охириги уч йилда товар сотишдан олинган жами тушумининг ўртача йиллик миқдори 30 миллиард сўмдан ошадиган корпоратив буюртмачиларда фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиши хавфларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича ички ташкилий тартиб-тамойиллар тизими (монополияга қарши комплаенс) жорий этилади.

Олдимизда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар монополиясининг иқтисодиёт рақобатбардошлигига салбий таъсирини янада камайтириш, имтиёз ва преференциялар бериш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тартибга солиш юқини пасайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турибди.

**«2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш Стратегияси»ни 2024 йилга қадар амалга оширишда эришиладиган мақсадли кўрсаткичлари сифатида қуйидагилар белгиланган:**

1. Монополлашган товар бозорлари сонини камида 45 фоизга камайтириш.

2. Монопол корхоналар сонини 40 фоизга қисқартириш.

3. Монопол корхоналарнинг камида 80 фоизида монополияга қарши комплаенс тизимини жорий қилиш.

4. Иқтисодиётда тақдим этилган имтиёзлар ҳажмини ЯИМ кўрсаткичига нисбатан 10 фоизгача камайтириш.

5. Эксклюзив ҳуқуқлар ва преференцияларни тақдим этишни кўзда тутган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг камида 60 фоизини бекор қилиш.

6. Иқтисодий эркинлик индексида Инвестицион фаолият эркинлиги индикатори бўйича кўрсаткични 20 дан 80 гача ошириш.

7. Глобал рақобатбардошлик индексида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши ва унинг кўрсаткичларини изчил равишда яхшилаш.

8. Товар, молия ва рақамли бозорлар иштирокчилари сонини камида 25 фоизга ошириш.

9. Давлат харидлари иштирокчилари сонини 40 фоизга ошириш.

10. Давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки кўрсаткичини ЯИМ кўрсаткичига нисбатан 40 фоизгача пасайтириш.

11. «Тартибга солиш гильотина» усули фойдаланган ҳолда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлардаги тадбиркорлик фаолиятини қийинлаштирувчи ва рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи нормаларни камида 30 фоизга қисқартириш.

## 6.2. ДАВЛАТ КОМПАНИЯЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Республика иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, «...иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак»<sup>1</sup>.

*Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг устувор мавқеини янада кучайтиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотлар* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг қабул қилиниши билан жадал тусга кирди. Ҳаракатлар стратегиясида «давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-тамойилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини, жумладан, «ноль» харид қиймати бўйича сотиш жараёнларини янада соддалаштириш» каби муҳим вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 29.12.2020 й. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>


Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ:

- *давлат тасарруфидан чиқариш* – давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, оммавий мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш;
- *хусусийлаштириш* – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулки объектларни ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш куйидаги принципларга таянган ҳолда амалга оширилади:

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шаклларини меҳнат жамоасининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш;
- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вақтида мулкни пулли ва пулсиз топширишни қўшиб олиб бориш;
- пулсиз ва пулли хусусийлаштириладиган мулкдан улуш олишда фуқароларнинг ҳуқуқлари тенглиги;
- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида барча фуқаролар ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- ошкоралик давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш устидан давлат ва жамоат назоратини йўлга қўйиш;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодиётимизнинг айрим тармоқ ва соҳаларида давлат иштирокидаги корхоналар сони ва уларнинг ишлаб чиқаришдаги салмоғи йириклигича қолмоқда. Бу эса Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусийлаштиришни кенгайтириш бўйича белгиланган вазифаларни тўлақонли амалга оширишга тўсиқ бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотларига кўра 2020 йилнинг 24 июли санасига республикамызда 2769 та давлат улуши мавжуд компаниялар ёки улар таъсисчилигида фаолият кўрсатаётган корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг 736 таси (26,6 фоизи) Тошкент шаҳрида, 243 таси Тошкент вилоятида (8,8 фоизи), 228 таси Қашқадарё (8,2 фоизи), 197 таси Самарқанд (7,1 фоизи), 184 таси Фарғона (6,6 фоизи), 169 таси Андижон (6,1 фоизи), 153 таси Хоразм (5,5 фоизи), 151 таси Наманган (5,5 фоизи), 145 таси Сурхондарё (5,2 фоизи), 131 таси Бухоро (4,7 фоизи), 122 таси Жиззах (4,4 фоизи), 109 таси Сирдарё (3,9 фоизи), 100 таси Навоий (3,6 фоизи) вилоятларида ҳамда 101 таси Қорақалпоғистон Республикасида (3,6 фоизи) фаолият кўрсатган (6.5-расм).



6.5-расм. Ўзбекистон Республикасида давлат улуши мавжуд компаниялар ва улар таъсисчилигидаги корхоналар сони<sup>1</sup>, (24.07.2020 й. ҳолатига)

Мавжуд 2769 та давлат активларига эга корхоналарнинг 1018 таси маъсулияти чекланган жамият (36,8 фоизи), 250 таси акциядорлик жамияти (9,0 фоизи) ва 1 501 таси давлат унитар корхонаси (54,2 фоизи) шаклида фаолият кўрсатган (6.1-жадвал).

6.1 - ж а д в а л

Ўзбекистон Республикасида давлат улуши мавжуд компаниялар ва улар таъсисчилигидаги корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва соҳалар бўйича таркиби<sup>2</sup>

(24.07.2020 й. ҳолатига)

№	Кўрсаткичлар	Сони, бирлик	Жамига нисбатан, фоизда
1.	Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	2769	100
1.1.	Маъсулияти чекланган жамият (МЧЖ)	1018	36,8
1.2.	Акциядорлик жамияти (АЖ)	250	9,0
1.3.	Давлат унитар корхонаси (ДУК)	1 501	54,2
2.	Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалар бўйича:	2769	100
2.1.	Транспорт, савдо ва хизмат кўрсатиш	800	28,9
2.2.	Бозор ва савдо комплекслари	545	19,7
2.3.	Қурилиш ва саноат	470	17,0
2.4.	Ижтимоий соҳа	341	12,3
2.5.	Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат	295	10,6
2.6.	Ахборот-коммуникация соҳаси	241	8,7
2.7.	Бошқа соҳалар	77	2,8

Ма а н б а: Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотлари. [www.davaktiv.uz](http://www.davaktiv.uz).

<sup>1</sup> <https://davaktiv.uz/uz/menu/davlat-aktivlarini-isobini-juritish-jnalishi-va-natizhalar>

<sup>2</sup> <https://davaktiv.uz/uz/menu/davlat-aktivlarini-isobini-juritish-jnalishi-va-natizhalar>

Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалар кесимида таҳлил этилганда давлат улуши мавжуд компаниялар ва улар таъсисчилигидаги корхоналарнинг 28,9 фоизи транспорт, савдо ва хизмат кўрсатиш, 19,7 фоизи бозор ва савдо комплекслари, 17,0 фоизи қурилиш, 12,3 фоизи ижтимоий соҳа, 10,6 фоизи қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат, 8,7 фоизи ахборот-коммуникация ва 2,8 фоизи бошқа соҳаларда фаолият кўрсатган.


Республикамиз иқтисодиётида давлат улушини қисқартириш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришни талаб этадиган асосий омиллардан бири – бу «ҳозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун давлатга оғир юк бўлиб қолаётганидир»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотларига кўра 2020 йилнинг 1 ноябри ҳолатига давлат активлари мавжуд 2689 та корхоналарнинг 295 таси (11,0 фоизи) зарар келтириб ишлаган, 15 тасига (0,6 фоизи) нисбатан банкротлик тамойили қўлланилган, 821 та (30,5 фоиз) давлат активлари умуман даромад келтирмаган (6.6-расм).

Республикамизнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ давлат активларини хусусийлаштириш учун савдога чиқариш ва сотиш қуйидаги 7 босқичдан ташкил топган (6.7-расм):

### **1 босқич. Хусусийлаштириладиган давлат корхоналари ва активларини хатловдан ўтказиш.**

Бу босқичда фақат мол-мулк таркиби хатловдан ўтказилиб, активнинг хусусиятлари, жозибадорлиги ва даромадлиги ўрганилмайди.



6.6-расм. Ўзбекистон Республикасида давлат улуши мавжуд компаниялар ва улар таъсисчилигидаги корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари<sup>2</sup>, (01.11.2020 й. ҳолатига)

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 29.12.2020 й. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>

<sup>2</sup> <https://davaktiv.uz>



**Ўтказиш муддати:** акция пакетлари ва улушлар учун – 2-3 ой; давлат кўчмас мулк объектлари учун – 20 кун.

**II босқич. Хусусийлаштириладиган давлат корхоналари ва активларини баҳолаш.**


Баҳолашни ўтказиш мажбурий бўлиб, бозор ахборотлари танқислиги сабаб баҳолашда қиёсий усул қўлланилмайди, аксарият активлар харажатлар ёндашуви асосида баҳоланади.

**Ўтказиш муддати:** акция пакетлари ва улушлар учун – 1-2 ой; давлат кўчмас мулк объектлари учун – 15-20 кун.

**III босқич. Экспертиза босқичи.**

Бу босқичда бошланғич нарх баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш натижалари тўғрисидаги эксперт хулосасида аниқланган миқдорда белгиланади.

**Ўтказиш муддати:** акция пакетлари ва улушлар учун – 10-15 кун; давлат кўчмас мулк объектлари учун – 10 кун.



6.7-расм. Давлат активларини савдога чиқариш ва сотиш босқичлари<sup>1</sup>

<sup>1</sup> <https://davaktiv.uz>

**IV босқич. Сотилишни ташкил этиши.**

Бу босқичда давлатга тегишли акция пакетлари ва улушлар биржа ёки аукцион орқали, давлат кўчмас мулк объектлари эса аукцион савдолари орқали сотилади.

**V босқич. Бошланғич нархни пасайтириши.**

Бунда 2 ой мобайнида талабнома тушмаган тақдирда бошланғич нарх 50 фоизга пасайтирилади. Пасайтириш қадами 15 кунда 10 фоиздан.

**VI босқич. Сотиш шартларини ўзгартириши.**


Бу босқичда давлатга тегишли акция пакетлари ва улушлар бўйича нархни номинал қийматигача ва ундан паст миқдоргача пасайтириш, давлат кўчмас мулк объектлари учун эса «Ноль» харид қийматида савдога чиқариш мумкин бўлади.

**VII босқич. Сотилмаган активларни тасарруф қилиши.**

Сотилмаган активларни тасарруф қилиш давлат улушини сотиб олиш талаби билан жамиятдан чиқиш ҳамда бузиш ва ер участкаларини захира ерлар тоифасига ўтказиш орқали амалга оширилади.

Давлат активлари электрон онлайн шаклда ўтказиладиган аукционлар ва танловлар орқали қуйидаги босқичларда реализация қилинади (6.8-расм).

Аукционлар ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва ундан фойдаланишни амалга ошириш имконини берувчи ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ташкилий тартибга солинган мажмуа – ахборот тизимида ўтказилади. Аукционлар



6.8-расм. Давлат мулкни ягона электрон савдо майдончаси орқали харид қилиш тартиби<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муаллифлар томонидан тузилди.

Ўтказишда Интернет бугунжаҳон ахборот тармоғида жойлашган, сотувчининг ва сотиладиган давлат активларининг электрон ахборот базасига (кейинги ўринларда ахборот базаси деб аталади) ягона кириш нуктасини тақдим этадиган ресурс – ихтисослаштирилган веб-порталдан фойдаланилади.

Электрон аукцион – харидорни мусобақа асосида аниқлаш бўйича веб-порталда ўтказиладиган савдолар шакли, бунда давлат активнинг олди-сотди шартномасини тузиш ҳуқуқига оммавий тарзда энг катта нархни таклиф этган иштирокчи эга бўлади.

Аукцион ўтказиш учун буюртмачилар оператор билан веб-порталда савдоларни ўтказиш бўйича электрон хизматлар кўрсатилиши бўйича шартнома тузадилар.

### 6.3. ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД БЎЛГАН КОРХОНАЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

Давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарни хусусийлаштириш ҳамда трансформация қилиш Янги Ўзбекистонни барпо қилишга қаратилган ислохотлар даврида жадал тусга кирганлигини қайд этиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552-сонли «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўрсатиб ўтилганидек бўш турган давлат мулки объектларини сотиш ва ер участкаларини беришда тадбиркорлик ва инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишга тўсқинлик қилаётган бир қатор ортиқча бюрократик тартиботлар ва қийинчиликлар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш бўйича қўшимча чоралар кўриш зарурияти юзага келди.

Республика ҳудудларида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотишни жадаллаштириш мақсадида мазкур Фармон билан давлат мулки объектлари ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишнинг қуйидаги соддалаштирилган тартиблари жорий этилди:

- бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини уларни баҳоламасдан, 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида аукционга чиқариш орқали инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда ўрнатилган тартибда сотиш;

- инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун аукцион ўтказмасдан, инвестор билан тўғридан-тўғри музокаралар орқали инвестициявий (камида 1 млн АҚШ доллари эквивалентида) ва ижтимоий мажбуриятлар белгилаган ҳолда бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида аукцион орқали халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларига туташ ҳудудлардаги ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини уларнинг тоифаларидан қатъи назар тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича йўлбўйи ва туристик инфратузилма объектларини ташкил этиш учун сотиш;
- сотиладиган давлат мулки объектларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш назорати инспекцияси томонидан давлат объектларини сотишга тайёрлашда хулосалар берилишини Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва тегишли маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга ошириш;
- давлат кўчмас мулк объекти бўйича олди-сотди шартномаларини тузишни савдо натижалари (музокаралари) бўйича баённома имзолангандан сўнг 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга ошириш;
- мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерини давлат кўчмас мулк объекти бўйича сотиб олиш тўловлари ва пеня (юзага келган тақдирда) тўлиқ ҳажмда тушган кундан бошлаб беш кун ичида, тасарруф этиш ҳуқуқини эса, харидорга инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар тўлиқ бажарилган (инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар билан сотилган тақдирда) деб топилган ва пеня (юзага келган тақдирда) тўлиқ ҳажмда тўланган кундан бошлаб бериш;
- балансдаги сотилган давлат кўчмас мулк объекти бўйича олди-сотди шартномаси харидор томонидан тақдим этилган кундан бошлаб беш кун ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилишини ва сотилган давлат кўчмас мулк объектнинг харидорга топширилишини таъминлаш.

Мазкур Фармон билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан қуйидаги тўловларни амалга ошириш талаблари бекор қилинди:

- давлат мулки объектларини хусусийлаштиришга буюртманома берганлик учун Давлат рақобат кўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармасига базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида тўланадиган йиғим;

- мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерини берганлик учун давлат божи.

Булардан ташқари вазирлик, идоралар ва хўжалик бошқарув органларига хатлов натижасида аниқланган давлат ва хўжалик бошқарув органлари улуши устун мавқега эга бўлган ташкилотларнинг фаолиятига мос бўлмаган ва фойдаланилмаётган бўш турган кўчмас мулк объектлари негизида қисқа муддатли ва узоқ муддатли истикболга мўлжалланган инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган объектлар рўйхатини тасдиқлаш, зарурат бўлганда уларни 10 йилгача муддатга бўлиб тўлаш имкониятини кўзда тутган ҳолда, савдоларга чиқариш, фойдаланилмаётган ерлар ва фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида кичик саноат зоналарини барпо этиш вазибалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552-сонли «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш жараёнида эксперимент тариқасида 444 та бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича электрон савдо майдончасида аукционга чиқарилиб, шундан 310 та объект 172 млрд сўм инвестиция киритиш ҳамда 3 536 та янги иш ўринлари яратиш шарти билан 11,2 млрд сўмга сотилди.

Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш, фонд бозорини ривожлантириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш жамият ва давлат фаолиятининг барча соҳаларини жадал ва барқарор ривожлантириш учун асос ҳисобланади. Шу билан бирга, давлат активларини бошқаришда тизимли муаммолар тўпланиб келди, жумладан:

**биринчидан**, устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналарнинг кундалик хўжалик фаолиятига давлат органлари аралашувининг юқори даражадалиги, бозор тенденцияларига мослашувчанлик ва сезувчанликнинг йўқлиги, давлат иштирокидаги корхоналарнинг солиқ ва божхона, шу жумладан, яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзларга ҳаддан ташқари боғлиқлиги;

**иккинчидан**, стратегик режалаштириш, хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимининг йўқлиги, шу жумладан, ишлаб чиқаришнинг паст техник даражаси, ихтисосликка кирмайдиган кўплаб активлар мавжудлиги, молиявий ресурсларнинг ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган мақсадларга йўналтирилиши сабабли давлат иштирокидаги корхоналарнинг инвестициявий жозибадорлиги пастлиги;

**учинчидан**, давлат активларини ҳисобга олишнинг тартибли тизими йўқлиги, хусусийлаштириш жараёнларини бошқариш самарадорлигининг пастлиги, фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва бўш ётган объектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш учун институционал салоҳиятнинг суестлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5630-сонли Фармони қабул қилиниши мазкур муаммолар ечимини топиш ва бартараф этишда муҳим қадам бўлди. Давлат активларини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш мақсадида Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ташкил этилди ва унга давлатнинг, шу жумладан, хориждаги активларини бошқариш, хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш (хусусан, давлат улушларини сотиш), давлат мулкларини ижарага бериш, давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этиш, давлат иштирокидаги иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкротлик, баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни таъминлаш, мулкни баҳолаш стандартларини тасдиқлаш ва риэлторларни сертификатлаш бўйича вазифа, функция ва ваколатлар ўтказилди.

Давлат активларини бошқариш, давлат иштирокидаги иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушини бошқаришнинг бозор механизмларини ишлаб чиқиш;
- давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, ушбу корхоналар фаолиятининг самарадорлиги учун уларнинг бошқарув органлари масъулиятини ошириш;
- давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришдан олдин тайёрлашнинг, шу жумладан, уларнинг жозибадорлигини ва уларни бошқаришнинг самарадорлигини оширишни кўзда туғувчи самарали механизмларни жорий этиш бўйича хорижий, халқаро институтлар ва компаниялар билан самарали ишлашни ташкил этиш;
- давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушларини босқичма-босқич қисқартириш, самарали ва шаффоф хусусийлаштиришни таъминлаш;

- давлат иштирокидаги иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда қатнашиш.

Мазкур Фармоннинг аҳамиятли жиҳатларидан бири шундаки, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бюджетдан ташқари «Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси» ташкил этилди.

Давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2019 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5666-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ қуйидаги тартиб белгиланди:

- давлат мулки объектларини (акциялардан ташқари) сотиш бўйича савдолар «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида амалга оширилади;
- 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш бўйича савдолар «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилади;
- давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш учун электрон савдоларга чиқаришда, улар бўйича ижара тўловининг энг кам ставкаси объектни балансда сақловчилар томонидан ижарага бериш мақсадида кўрсатилган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда кўрсатилади;
- «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасига 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича қўйилган давлат кўчмас мулк объектлари улар тўлиқ сотилмагунга қадар савдолардан олинмайди.

Мазкур Фармон билан 2019 йил 1 мартдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёхуд Давлат тендер комиссиясининг қарорлари билан бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, давлат кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари учун сотиб олиш тўловларини тўлашда савдолар ўтказилган санадаги белгиланган базавий ҳисоблаш миқдори (кейинги ўринларда – БХМ) баравари миқдорида ҳисобланадиган сотиб олиш тўловлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда, сотиб олиш тўловларини тўлашнинг қуйидагича белгиланган муддатларини жорий этиш тартиби ўрнатилди:

- БХМнинг 3 000 бараваригача олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб уч ойдан кўп бўлмаган муддатда;

- БҲМнинг 3 000 бараваридан юқори, лекин БҲМнинг 7 000 бараваридан кўп бўлмаганда олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб олти ойдан кўп бўлмаган муддатда;
- БҲМнинг 7 000 бараваридан юқори, лекин БҲМнинг 15 000 бараваридан кўп бўлмаганда олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йилдан кўп бўлмаган муддатда;
- БҲМнинг 15 000 бараваридан юқори, лекин БҲМнинг 20 000 бараваридан кўп бўлмаганда олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб икки йилдан кўп бўлмаган муддатда;
- БҲМнинг 20 000 бараваридан юқори бўлганда олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб уч йилдан кўп бўлмаган муддатда.

Шунингдек:

- хўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат акциялари пакетлари қонунчиликда назарда тутилган тўлов муддатларини узайтириш ва чегирмалар тақдим этиш механизмлари қўлланилмаган ҳолда сотилиши;
- ваколатли давлат органлари қарорлари бўйича сотилган давлат мулки объектларининг олди-сотди шартномаларини мажбурий равишда нотариал тасдиқлаш талаб этилмаслиги;
- «Ноль» харид қийматида сотишда, шу жумладан, аввал сотилган давлат мулки объектлари бўйича инвестиция мажбуриятлари бажарилган деб қабул қилинган пайтдан бошлаб бир йил давомида янги иш ўринларини сақлаб қолиш тартиби бекор қилиниши каби янги тартиблар киритилди.

Банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Банк хизматлари соҳасида хусусий сектор ривожланишини рағбатлантириш, банкларнинг инвестициявий жозибadorлигини, банк хизматлари оммабоплиги ва сифатини ошириш учун банк секторини тубдан трансформация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сонли Фармони қабул қилинди ва унда давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва



билимга эга бўлган инвесторларга танлов асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш чоралари белгиланди. Жумладан:

- банк активларининг умумий ҳажмида давлат улуши бўлмаган банклар активлари улушини жорий 15 фоиздан 2025 йилга келиб 60 фоизгача ошириш;
- банклар мажбуриятларининг умумий ҳажмида банкларнинг хусусий сектор олдидаги мажбуриятлари улушини жорий 28 фоиздан 2025 йил якунига 70 фоизгача ошириш;
- 2025 йилга келиб давлат улуши мавжуд камида учта банк капиталларига зарур тажриба, билим ва обрўга эга камида учта стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш;
- умумий кредитлаш ҳажмида нобанк кредит ташкилотлари улушини жорий 0,35 фоиздан 2025 йилга келиб 4 фоизгача ошириш.

Халқаро молия институтлари кўмагида «Ипотека-банк» АТИБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Асака» АТБ, АТ «Алоқабанк», «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ва «Туронбанк» АТБдаги давлат улушларини босқичма-босқич хусусийлаштириш, бунда биринчи босқичда уларни институционал ўзгартиришни (фаолиятини трансформация қилиш), иккинчи босқичда эса давлат акциялари пакетини сотиш белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат улушига эга тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича лойиҳа офиси ташкил этилди ҳамда унга қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

- тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларига маслаҳатчи сифатида халқаро консултантларни жалб қилиш;
- тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш масалаларида халқаро молия институтлари ва салоҳиятли хорижий инвесторлар билан музокаралар олиб бориш ва битимлар тузиш.

Давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарни хусусийлаштириш ҳамда трансформация қилиш борасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 2017–2020 йиллар давомида бир қатор давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришга эришилди (6. 2-жадвал).

Келтирилган 6.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, республика-мизда 2017 йилдан 2020 йилнинг 9 оyi якунига қадар жами 2851 давлат улуши мавжуд ва улар таъсисчилигида ташкил этилган корхоналар ва

## Ўзбекистон Республикасида давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш динамикаси

Худудлар	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил (январь-сентябрь)	
	сон	фоизда	сон	фоизда	сон	фоизда	сон	фоизда
Қорақалпоғистон Респ.	52	9,6	74	8,9	67	8,0	29	4,6
вилоятлар:								
Андижон	61	11,2	66	8,0	111	13,2	52	8,2
Бухоро	9	1,7	43	5,1	47	5,6	42	6,6
Жиззах	50	9,2	38	4,6	37	4,4	63	10,0
Қашқадарё	16	3,0	69	8,2	64	7,6	62	9,8
Навоий	14	2,6	28	3,3	29	3,4	20	3,2
Наманган	52	9,6	65	7,8	77	9,1	15	2,5
Самарқанд	22	4,0	60	7,2	34	4,0	36	5,7
Сурхандарё	64	11,8	73	8,7	60	7,1	25	4,0
Сирдарё	18	3,3	38	4,6	26	3,1	19	3,0
Тошкент	84	15,5	133	15,9	117	13,9	93	14,7
Фарғона	40	7,4	84	10,1	112	13,3	118	18,7
Хоразм	39	7,2	52	6,2	31	3,7	18	2,8
Тошкент ш.	21	3,9	12	1,4	30	3,6	40	6,3
<b>Жами</b>	<b>542</b>	<b>100</b>	<b>835</b>	<b>100</b>	<b>842</b>	<b>100</b>	<b>632</b>	<b>100</b>

Маъба: «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати» статистик тўплами асосида тузилган  
www.stat.uz

объектлар хусусийлаштирилди. Агар 2017 йилда жами 542 та давлат улушига эга корхоналар ва объектлар хусусийлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 835, 2019 йилда 842 ва 2020 йилнинг дастлабки 9 ойида 632 birlikни ташкил этди.

Хусусийлаштирилган давлат улушига эга корхоналар ва объектлар вилоятлар кесимида таҳлил этилганда, 2019 йилда жамига нисбатан Тошкент (13,9 фоиз), Фарғона (13,3 фоиз), Андижон (13,2 фоиз), Наманган (9,1 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси (8,0 фоиз), Қашқадарё (7,6 фоиз) ва Сурхондарё (7,1 фоиз) вилоятлари етакчилик қилганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотларига кўра 2020 йил январь-декабрь ойларида 1191 та давлат активлари (208 та акция пакетлари (улушлари) ва 983 та бино ва иншоотлар) 5,3 трлн сўм харид қийматида 4,7 трлн. сўм инвестиция киритиш ва 18,0 мингта иш ўринларини яратиш шарти билан савдога чиқарилган.

Шу даврда 6,0 трлн сўм қийматга эга 837 та давлат активлари хусусийлаштирилган, жумладан:

а) 775 та давлат активлари (92 та акция пакетлари (улушлари) ҳамда 683 та бино ва иншоотлар) 1,1 трлн. сўм харид қийматида 4,8 трлн. сўм инвестиция киритиш ва 13,9 мингта иш ўринларини яратиш шарти билан;

23 та йирик давлат активлари (13 та акция пакетлари (улушлари) ва 10 та бино ва иншоотлар) 898,5 млрд сўм харид қийматида 3,6 млрд сўм инвестиция киритиш ва 2,9 минг иш ўринларини яратиш шарти билан сотилган.

**МАЪЛУМОТ УЧУН:**

- «Кафолат» АЖ (25фоиз) – 22,6 млрд сўмга, «Шохруд» МЧЖ (51фоиз) – 11,9 млрд сўмга, Тошкент тантаналар уйи (Версал) – 35,3 млрд сўмга, Хоразм вилоятидаги «Тикувчилик мажмуаси» – 95,9 млрд сўмга, «Наманган вино» АЖ (57,24фоиз) – 10,0 млрд сўмга;
- собиқ «Чорсу» меҳмонхона мажмуаси 25,0 млн АҚШ доллари миқдоридида инвестиция киритиш ва 150 та янги иш ўринларини ташкил этиш шарти билан 16,9 млрд сўмга;
- «Ўзбекистон» меҳмонхонаси (давлат улуши – 80,1 фоиз) 24 ой мобайнида 23,2 млн АҚШ доллари тўлаш, 1,5 йил ичида 100 млрд сўм инвестиция киритиш ва тўрт юлдузли меҳмонхона ташкил этиш шарти билан;
- Тошкент савдо маркази (Собиқ ГУМ) бино ва иншоотлари – 242,8 млрд сўмга, «Uz-prista recycling» МЧЖнинг 49,0 фоиз давлат улуши – 29,8 млрд сўмга, «Тўйтепа металл қурилмалари» АЖнинг 84,4 фоиз давлат акция пакети – 20,0 млрд сўмга. 4,0 млн АҚШ доллари инвестиция киритиш шарти билан, «Афросиёб Палас» ДУК меҳмонхона мулкীয় мажмуаси – 43,3 млрд сўмга;
- «Кўнгирут сода заводи» МЧЖнинг 51,0 фоиз хўжалик жамияти улуши – 25,0 млн АҚШ доллари қийматида 190,0 млн АҚШ доллари инвестиция киритиш шарти билан сотилган.

б) 45 та давлат унитар корхоналари хўжалик жамиятларига айлантрилиши натижасида 4,9 трлн сўм қийматидаги давлат улушига эга бўлган устав фонди (капитали) шакллантирилган;

в) 15,1 млрд сўм қийматидаги 17 та давлат активлари (16 та акция пакетлари (улушлари) ва 1 та бино) давлат улушини ошириш ҳисобига хўжалик жамиятларининг устав фондларига (капиталларига) берилган.

Давлат активларини 2017–2020 йилларда сотишдан олинган тушумлар динамикаси 6.3-жадвалда келтирилган.

## Ўзбекистон Республикасида давлат активларини сотишдан олинган тушумлар динамикаси

Худудлар	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил (январь-сентябрь)	
	млн. сўм	фоизда	млн. сўм	фоизда	млн. сўм	фоизда	млн. сўм	фоизда
Қорақалпоғистон Респ.	6 537,7	2,9	5 718,4	2,6	3 378,3	0,7	6 779,9	2,2
вилоятлар:								
Андижон	5 012,8	2,2	5 578,8	2,5	5 640,7	1,2	2 304,8	0,8
Бухоро	8 025,1	3,5	9 104,7	4,1	25 229,9	5,3	16 224,5	5,4
Жиззах	3 336,1	1,5	5 459,4	2,4	5 248,1	1,1	5 692,6	1,9
Қашқадарё	8 293,5	3,6	5 342,8	2,4	3 948,3	0,7	10 439,4	3,5
Навоий	1 248,3	0,5	2 010,1	0,9	10 591,6	2,2	3 441,2	1,1
Наманган	29 809,1	13,1	11 605,7	5,2	32 370,7	6,7	17 119,7	5,7
Самарқанд	4 198,2	1,8	9 336,3	4,2	8 645,3	1,8	5 308,3	1,7
Сурхандарё	3 998,0	1,8	3 771,2	1,7	6 463,9	1,4	3 837,9	1,3
Сирдарё	1 794,7	0,8	2 178,0	1,0	1 451,4	0,3	3 357,6	1,1
Тошкент	28 586,9	12,5	16 233,7	7,2	11 267,3	2,3	18 833,3	6,3
Фарғона	10 984,1	4,8	10 161,2	4,6	19 342,1	4,0	17 066,8	5,7
Хоразм	3 536,9	1,5	5 753,0	2,6	3 781,1	0,8	9 596,6	3,2
Тошкент ш.	112 919,8	49,5	130 795,1	58,6	252 632,2	54,7	77 744,4	25,9
<b>Жами</b>	<b>228 281,2</b>	<b>100</b>	<b>223 048,2</b>	<b>100</b>	<b>480 038,6</b>	<b>100</b>	<b>300 357,3</b>	<b>100</b>

Маъба: «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати» статистик тўплами асосида тузилган.  
www.stat.uz

Республикада 2017 йилдан токи 2020 йилнинг дастлабки 9 ойи якунига қадар давлат активларини ва объектларини хусусийлаштиришдан жами 1 231 725,3 млн сўм тушум олинган. Йиллар кесимида қаралганда 2017 йилда 228 281,2 млн сўм, 2018 йилда 223 048,2 млн сўм, 2019 йилда 480 038,6 млн сўм ва 2020 йилнинг дастлабки 9 ойида 300 357,3 млн сўмлик давлат активлари сотилган.

Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар қиймати салмоғи бўйича Тошкент шаҳри етакчилик қилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг жами тушумларга нисбатан салмоғи 2017 йилда 49,5, 2018 йилда 58,6, 2019 йилда 54,7 ва 2020 йилнинг дастлабки 9 ойида 25,9 фоизни ташкил этган. Шунингдек, 2019 йилда 2017 йилга нисбатан йирик салмоққа эга Наманган вилояти улуши шу даврда 13,1 дан 6,7 фоизга, Тошкент вилояти эса 12,5 дан 2,3 фоизгача пасайган.

## 6.4. ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарни трансформация қилиш жараёнлари билан биргаликда улар фаолият юритадиган соҳада бозор муносабатлари тамойилларига тўлиқ ўтиш, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, бозор ва савдо комплексларини замонавий кўринишга келтириш, санитария-гигиена талаблари даражасида сақлаш, бозор фаолияти учун зарур инфратузилмани шакллантириш бугунги кунда ҳал этилиши талаб қилинадиган муҳим вазифалардан саналади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилганлигига қарамай, давлат улуши сақланиб қолаётган айрим тармоқлар ва йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтишнинг кечикаётганлиги янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратишга тўсқинлик қилмоқда.

«BUYUK KELAJAK» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти экспертлари томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси»да таъкидланишича, республикамиз иқтисодиётининг стратегик аҳамиятга эга асосий соҳаларида давлат улуши 2018 йил ҳолатига 70-80 фоизни ташкил этган ва уни 2035 йилгача 10-15 фоизга тушириш тавсия этилган (6. 9-расм).

«BUYUK KELAJAK» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти экспертлари давлат мулкани хусусийлаштиришнинг 3 хил вариантини баҳолаш асосида улар олиб келиши мумкин бўлган натижаларни ажратиб кўрсатган:

### 1. Улгуржи хусусийлаштириш:

- оммавий хусусийлаштириш сотилаётган активлар максимал қийматини таъминламайди;
- мулк исталмаган инвесторларга ўтказилишига имкон яратади;
- иқтисодиётнинг муҳим соҳаларида шок ҳодисаларга олиб келади.

### 2. Давлат мулкани сақлаб қолиш:

- ривожланиш бошида қўшимча инвестиция манбаларини жалб этишга имкон бермайди;

<p><b>Асосий мақсад:</b> Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиши ва ривожланиши, давлат улушини камайтириш</p>	<p><b>Асосий мақсад:</b> Ўзбекистон Республикасининг бюджетига пул оқими, давлат бюджети харажатларини қисқартириш</p>	<p><b>Иқтисодиётнинг асосий соҳаларида давлат улуши</b> 2018 - 2035</p>
<p><b>Тавсия этилган қадамлар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Фаол инвесторларни биргаликда инвестиция киритишга жалб қилиш</li> <li>• Уч босқичда хусусийлаштириш (25%+25%+50%-1)</li> <li>• Хусусийлаштиришда иштирок этишга рухсат берилган шахсларни назорат қилиш</li> </ul>	<p><b>Тавсия этилган қадамлар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Стратегик/портфелли инвесторларни жалб қилиш</li> <li>• Босқичма-босқич хусусийлаштириш</li> <li>• Хусусийлаштиришда иштирок этишга рухсат берилган шахсларнинг қатъий назорати йўқлиги</li> </ul>	<p>2018: 78-80%</p> <p>2035: 10-15%</p>
<p><b>Стратегик инвестор учун мезонлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Халқаро компания</li> <li>• Мазкур соҳада катта тажрибага эга бўлиш</li> <li>• Стратегик портфелда тегишли активларнинг мавжудлиги (горизонтал ёки вертикал интеграция)</li> <li>• Ривожланган КИМ</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Барқарор ривожланиш тамойилларига риоя қилиш</li> <li>• Молиялаштириш манбалари ва экспертизадан фойдаланиш</li> <li>• "Муваффақият қиёвоси"</li> </ul>

**6.9-расм. «BUYUK KELAJAK» халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш бўйича тавсиялари<sup>1</sup>**

- хусусий халқаро инвестициялар кириб келишига тўсқинлик қилади;
- самарасиз корхоналарни тўлиқ молиялаштиришни талаб қилади.

**3. Босқичма-босқич тўлиқ хусусийлаштириш:**

- инвесторларга иқтисодиётга давлат аралашувининг камайиши ҳақида сигнал жўнатади;
- активнинг сотилган акциялар пакети учун «адолатли» қийматни олишга имконият беради;
- самарасиз активлардан шокли ҳодисаларсиз қутулишга имкон беради;
- эҳтимолий исталмаган инвесторларнинг бозорга киришини чеклайди;
- стратегик активларнинг самарадорлигини ошириш ва бозор баҳосини оширишга имконият беради.

«BUYUK KELAJAK» экспертлари давлат мулкани босқичма-босқич хусусийлаштириш ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатини тезкор сценарийда 13,5 фоизга етказиши мумкин деб баҳолаганлар.

<sup>1</sup> М а н б а: Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. «BUYUK KELAJAK» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти. <https://uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/> - 47 б.

Давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиклик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислоҳотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгрок имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6096-сонли Фармони қабул қилинди ва у давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш ва трансформациялашнинг янги даврини бошлаб берди.

6.4 - ж а д в а л

Ўзбекистон Республикасида давлат активларини сотишдан олинган тушумлар динамикаси

Тармоқ, ҳудуд ва корхоналар номи	Сони
<b>I. Трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва ҳўжалик бирлашмалари</b>	
Металлургия тармоғи корхоналари	1
Нефть-газ тармоғи корхоналари	3
Энергетика тармоғи корхоналари	4
Ахборот технологиялари ва мобил алоқа тармоғи корхоналари	2
Кимё саноати корхоналари	2
Геология тармоғи корхоналари	12
Молия ташкилотлари корхоналари	1
Озиқ-овқат тармоғи корхоналари	1
Машинасозлик ва электротехника тармоғи корхоналари	1
Йўл-транспорт инфратузилмаси тармоғи корхоналари	1
Коммунал уй-жой қурилиш ва сув ҳўжалиги тизимидаги корхоналар	1
Транспорт соҳаси корхоналари	3
<b>Жами</b>	<b>32</b>
<b>II. Корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиладиган, операцион самарадорлиғи ошириладиган давлат иштирокидаги корхоналар</b>	
Металлургия тармоғи корхоналари	4
Нефть-газ тармоғи корхоналари	1
Энергетика тармоғи корхоналари	3
Ахборот технологиялари ва мобил алоқа тармоғи корхоналари	1
Меҳмонхона ва бошқа хизматлар	1
Молия ташкилотлари корхоналари	6
Озиқ-овқат тармоғи корхоналари	3
Йўл-транспорт инфратузилмаси тармоғи корхоналари	17
Коммунал уй-жой қурилиш ва сув ҳўжалиги тизимидаги корхоналар	1
Транспорт соҳаси корхонаси	1

Тармоқ, ҳудуд ва корхоналар номи	Сони
Қишлоқ хўжалиги корхоналари	1
<b>Жами</b>	<b>39</b>
<b>III. Хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибadorлигини ошириш орқали оммавий савдоларда тулиқлигича давлат акция пакетлари (улушлари) сотиладиган корхоналар</b>	
Қурилиш ва қурилиш индустрияси корхоналари	6
Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари	26
Кимё саноати корхоналари	2
Молия ва лизинг корхоналари	4
Нефть-газ тармоғи корхоналари	4
Ахборот технологиялари тармоғи корхоналари	2
Виночилик тармоғи корхоналари	5
Меҳмонхона ва бошқа хизматлар	5
Бошқалар	8
<b>Жами</b>	<b>62</b>
<b>IV. Давлат акция пакетлари (улушлари) тулиқлигича оммавий савдолар орқали хусусий секторга сотиладиган корхоналар</b>	
Қорақалпоғистон Республикаси	7
Андижон вилояти	7
Бухоро вилояти	18
Жиззах вилояти	5
Қашқадарё вилояти	33
Навий вилояти	11
Наманган вилояти	7
Самарқанд вилояти	15
Сирдарё вилояти	3
Сурхондарё вилояти	9
Тошкент вилояти	18
Фарғона вилояти	11
Хоразм вилояти	10
Тошкент шаҳри	120
Газета, нашриёт ва журналлар	109
Ахборот технологиялари корхоналари ва компьютер хизматлари кўрсатиш марказлари	26
Хусусий сектор ривожланган соҳадаги тиббиёт муассасалари	27
Ёғ-мой саноати корхоналари	12
Виночилик тармоғи ва шароб савдо корхоналари	31
<b>Жами</b>	<b>479</b>
<b>V. Хусусий секторга сотиладиган давлат қўчмас мулк объектлари</b>	<b>15</b>

Маъна: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони 1.2.3.4 ва 5-иловалари асосида тузилган.



Мазкур Фармонга мувофиқ:

- 32 та йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмалари трансформация қилинади (6.4-жадвал);
- 39 та давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этилиши орқали уларнинг операцион самарадорлиги оширилади;
- 62 та корхоналарнинг давлат акция пакетлари (улушлари) хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш орқали оммавий савдоларда тўлиқлигича сотилади;
- 479 та корхоналарнинг давлат акция пакетлари (улушлари) тўлиғича оммавий савдолар орқали хусусий секторга сотилади;
- 15 та давлат кўчмас мулки объектлари хусусий секторга сотилади.

Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Молия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида «Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш департаменти» ташкил этилди. Департаментнинг асосий вазифалари этиб трансформация қилинадиган давлат иштирокидаги корхоналарда қуйидагиларни амалга ошириш белгиланди:

- Молия вазирлиги томонидан давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) ваколатлари ва функцияларини амалга оширишни ташкил этиш;
- 2021 йил 1 апрелга қадар 2019–2020 йиллар учун молиявий ҳисоботларни халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) асосида тайёрлаш ҳамда халқаро кредит рейтингларини олиш графигини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш;
- 2021 йил 1 апрелга қадар ҳар бир корхона учун нуфузли халқаро консалтинг ташкилотларини танлов асосида жалб қилган ҳолда молиявий соғломлаштириш, операцион самарадорликни ошириш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш;
- 2021 йил 1 июлга қадар харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда «мувофиқлик тизими» (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш;
- 2021 йил 1 июлга қадар кузатув кенгашларига ва корхоналар бошқарувида халқаро танлов асосида чет эллик соҳа мутахассисларини (жумладан, ватандошларни) фаол жалб этиш орқали кузатув кенгашлари таркибининг камида 30 фоизини ва корхона бошқарувининг камида 3 нафар раҳбар ходимини малакали халқаро мутахассислар билан тўлдириш.

Фармонга кўра:

- давлат акция пакетлари (улушлари) тўлиғича оммавий савдолар орқали хусусий секторга сотиладиган корхоналар соф активларининг давлат акция пакетлари (улушлари)га нисбатан пропорционал қиймати 100 млн сўмдан ошмаса, уларни истисно тариқасида, соф активларининг пропорционал улушига тенг (соф активлари устав капиталидан кам бўлганда номинал) қийматда оммавий савдоларга қўйиб бориш имконияти яратилди;
- давлат акция пакетлари (улушлари) битта лот асосида савдога чиқарилади;
- соф активларининг пропорционал улушига тенг (соф активлари устав капиталидан кам бўлганда номинал) қийматда оммавий савдоларга чиқарилган қиймати 100 млн сўмдан ошмаган давлат акция пакетлари (улушлари) уч ой давомида сотилмаган тақдирда, улушлар «1 сўм» бошланғич нархда, акция пакетлари «1 та акция – 1 сўмдан битта лот» тамойили асосида қайта савдога чиқарилади (Маълумот учун: амалиётда давлат активлари 5 ойгача савдодода турганидан сўнг дастлабки нархнинг 50 фоизгача пасайганидан сўнг соқилиши кузатишмоқда. Мазкур ислохот натижасида давлат активларининг тезкорлик билан соқилиши таъминланади);
- давлат объектларини «ноль» харид қийматида сотиш амалиёти бекор қилинади ва улар ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг қарорларига асосан инвестиция ҳамда ижтимоий мажбуриятлар асосида «1 сўм» бошланғич қийматда оммавий савдоларга чиқарилади;
- давлат унитар корхоналари хўжалик жамиятларига ўзгартирилган ҳолда уларнинг давлат акция пакети (улуши) сотилади (давлат унитар корхоналарини хўжалик жамиятларига ўзгартиришда уларнинг устав капитали хатлов ва баҳолаш ўтказмаган ҳолда солиқ органларига топширилган охириги бухгалтерия баланси маълумотлари асосида соф активлари қийматида, соф активлари манфий бўлган тақдирда, корхона устав капитали миқдорида белгиланади).

Фармон доирасида тadbиркорлик субъектларига ҳам бир қатор энгилликлар берилиши натижасида давлат активларини хусусийлаштиришни жадаллаштириш, шу асосда иқтисодиётга кўшимча инестиция киритилишини таъминлаш кўзда тутилмоқда, жумладан:

а) давлат активларини сотиб олувчилар тўловларни қонунчиликда белгиланган тартибда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти асосида амалга ошириши мумкин. Давлат улушларини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш шартномалари доирасида белгиланган графикка асосан қисман тўловни амалга оширган харидорларга тўлиқ тўловлар амалга оширилгунга қадар улуш қийматининг тўланган қисмига мутаносиб равишда жамият бошқарувида иштирок этиш ва дивидендлар олиш ҳуқуқи асосида «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» эгалик сертификати берилади;

б) давлат кўчмас мулки объектларини сотиб олиш шартномалари доирасида қисман тўловни амалга оширган харидорларга сотиб олиш тўловини тўлиқ амалга оширгунга қадар «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» давлат ордери берилади.

*Маълумот учун: олдинлари инвесторлар давлат активларини бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олишда харид қилинган мулкка харид тўловлари тўлиқ амалга оширилмагунга қадар эгалик қилиш имкони бўлмаган.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқига Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида Агентлик томонидан 83 та йирик ва жозибадор давлат активларини тезкорлик билан савдога чиқариш ва салоҳиятли инвесторларга сотиш ишлари амалга оширилмоқда, жумладан:

- «Coca-cola Ichimligi Uzbekiston» МЧЖ ҚК устав капиталидаги 57,1 фоиз давлат улушини ошқоралик ва шаффофлик асосида сотиш жараёни бошлаб юборилди;
- «Собик «Ўзбекэнерго» АЖ маъмурий биноси «E-ijro aukcion» электрон савдо майдончаси орқали танлов савдосига чиқарилган;
- «Фарғонаазот» АЖ ва «Дехқонобод калий заводи» АЖ назорат акция пакетларини салоҳиятли инвесторларга сотиш бўйича 2021 йил 1 апрелига қадар танлов амалга оширилди.
- шу билан бирга, 12 та алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари, 2 та нефт ва газ тармоғи корхоналари, Бўстонлик туманида жойлашган 41 та туристик объектларни, шунингдек, 22 та бошқа йирик корхона ажратиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан қабул қилинган хусусийлаштиришга оид қарорлар доирасида Агентлик томонидан 216 та йирик ва жозибадор давлат активлари хусусийлаштириш бўйича чоралар кўрилмоқда. 2021 йил давомида жами 5,6 трлн сўмлик 1319 та давлат активларини оммавий савдоларга чиқарилади, шундан камида 1162 тасини (90 фоиз) сотишга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидлаганидек, «Жорий йилдан барча давлат корхоналарини ислоҳ қилиш дастури амалга оширилмоқда. Жумладан, келгуси йилда Навоий кон-металлургия комбинати, Ўзбекнефтгаз, Ўзбекгидроэнерго, Ўзавтосаноат халқаро молия бозорига чиқиб, давлат кафолатисиз маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлади. Тан олиш керак, мутахассисларнинг билим ва малакаси, йирик корхоналарнинг техник имкониятлари уларни мустақил трансформация қилиш учун етарли эмас. Шунинг учун электр энергетикаси, нефть-газ ва кимё саноати, машинасозликдаги йирик корхоналар ҳамда тижорат банкларини ислоҳ қилишга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда MacKenzie, Boston Consulting Group, Rothschild каби халқаро тан олинган компаниялар жалб этилди. Умуман олганда, давлат улуши бўлган корхоналар сони келгуси икки йилда камида 3 баробар қисқартирилади»<sup>1</sup>.

Хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг манзилли дастурлари орқали оммавий савдоларга чиқариладиган 197 та давлат активлари бўйича Республика ишчи гуруҳлари шакллантирилди ва тасдиқлаш учун Давлат тендер комиссияга киритилди. 2021 йил 1 февралга қадар халқаро молия институтлари (ХМК, ЕТТБ, ЖБ ва бошқалар), шунингдек, нуфузли халқаро ва маҳаллий консалтинг компаниялари («Эрнст энд Янг Эдвайсорий», «Делойт», «Вайт энд Кейс», «КейПиЭмДжи», «Прайс Уотерхаус Куперс») жалб қилинган. Жалб қилинган консалтинг ташкилотлари ёрдамида 2021 йил 1 мартга қадар комплекс молиявий ва юридик ўрганишлар амалга оширилди (*кўчмас мулк объектлари бундан мустасно*).

Банклар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш эътиборимиз марказида бўлади. 2021 йилда «Саноатқурилишбанк», «Асака банк», «Ипотека банк», «Алоқабанк», «Туронбанк» ҳамда «Қишлоқ қурилиш банк»ни хусусийлаштиришга тайёрланмоқда. Камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилади. Бу борада етакчи Европа банклари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Таркибий ислохотларнинг яна бир йўналиши давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришдир.

Биз давлат активларини очиқ-ошкора ва самарали сотиш учун халқаро молиявий ва ҳуқуқий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда қатор корхоналарни хусусийлаштиришга оид кенг қамровли ишларни бошладик.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 29.12.2020 й. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>

Келгуси йилда «Фаргонаазот» ва «Дехқонобод калий» заводлари, «Кока-кола ичимлиги» корхонаси, «Билдирсой» ва «Чорвоқ» оромгоҳлари, «Ичан қалъа» ва Hyatt Regency меҳмонхоналари, «Пойтахт» бизнес мажмуаси, алкоголь, ёғ-мой каби тармоқлардаги 83 та йирик корхонадаги давлат улуши сотувга қўйилади.

Давлат активлари ва корхоналарининг катта қисмини хусусийлаштириш, қолганларини трансформациялаш, уларда замонавий корпоратив бошқарув ҳамда комплаенс тизимларини жорий этишга қаратилган бу чора-тадбирлар истикболда уларнинг самарадорлигини ошириш ва бозор тамойилларини жорий этишга имкон яратади.

## 6. 5. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Давлат органлари ва монополияларда фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва бузилишининг олдини олиш бўйича «Монополияга қарши комплаенс тизими»нинг аҳамияти катта.

**Монополияга қарши комплаенс** – бу фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар хавфини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ички ташкилий чора-тадбирлар ва таомиллар тизими саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6019-сонли Фармони ижроси, шунингдек, рақобат қончилиги бузилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартда «Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 114-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор билан «Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом», шунингдек, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш бўйича «йўл харита» тасдиқланди.

Юқоридаги Низом қуйидагилар учун татбиқ этилади:

- 2021 йил 1 январдан – тажриба тариқасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда Президентнинг

2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатга киритилган давлат иштирокидаги корхоналар:

1. «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамияти.
2. «Кварц» акциядорлик жамияти.
3. «Асака» акциядорлик тижорат банки.
4. «UzAuto motors» акциядорлик жамияти.
5. «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти.
6. «Навоиазот» акциядорлик жамияти.
7. «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти.
8. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти.
9. «Қизилқумцемент» акциядорлик жамияти.

- 2022 йил 1 январдан – табиий монополия субъектлари, товар ёки молия бозорида устун мақога эга хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, охириги 3 йилда товар сотишдан олинган жами тушумнинг ўртача йиллик миқдори 30 миллиард сўмдан ошадиган корпоратив буюртмачиларга.

Қуйидагилар монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг эҳтимолий бузилиш хавфларини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда уни бошқариш;
- давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва мониторинг қилиш;
- давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг ҳамда уларнинг рақобатлари томонидан ўз вазифаларини бажариш жараёнида рақобатга қарши хатти-ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олиш;
- давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш ва таъминлаш;
- давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ходимларида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш ва мунтазам равишда ушбу йўналиш бўйича уларнинг малакасини ошириш юзасидан ўқитиш йўли билан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига доир фикрларини ривожлантириш.

Давлат иштирокидаги монопол корхоналар ва давлат органларида монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этишнинг асосий сабаби, монополияга қарши қонунчиликнинг бузилиш ҳолатларининг аксарияти билиб ёки билмаган ҳолда давлат иштирокидаги корхоналар ва давлат органлари томонидан содир этилмоқда. Монополияга қарши комплаенс тизими монополияга қарши давлат органи иштирокида ишлаб чиқилади ва кўрсатиб ўтилган ташкилотларда қонунчиликнинг бузилишига олиб келадиган ҳолатлар таҳлил қилиниб, ички идоравий ҳужжат қабул қилинади. Ушбу тизим, кўрсатилган ташкилотларни фақат жазолаш эмас, балки қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида превентив механизмни жорий этишдан иборат.

«Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом»га кўра давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш, унинг фаолият юритишини таъминлаш ва мониторинг қилиш мақсадида ташкилий тузилма, штатдаги ходимлари сони ва фаолият хусусиятига мувофиқ ваколатли шахс (бўлинма) тайинланади.

Хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш, унинг фаолият юритишини таъминлаш ва мониторинг қилиш ички аудит хизматига юкланиши мумкин.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимини ташкил этиш ва унинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш давлат бошқаруви органларида раҳбар томонидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятда ҳоким томонидан ва хўжалик юритувчи субъектларда ижро этувчи орган ёки кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолиятини мониторинг қилиш ваколатли шахси (бўлинмаси) томонидан амалга оширилади.

**Монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш.** Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш учун асосий кўрсаткичлар белгиланади ва уларни ҳисоблаш методикаси монополияга қарши курашиш органи томонидан ишлаб чиқилади.

Ваколатли шахс (бўлим) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда моно-

полияга қарши комплаенс тизимининг эришилган асосий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолайди (йилда камида бир марта).

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича асосий кўрсаткичларга эришилгани тўғрисидаги ахборот монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботга киритилади.

**Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот.** Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот куйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфлари бўйича ўтказилган баҳолаш ишларининг натижалари ҳамда камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилиши;
- монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий самарадорлик кўрсаткичларига эришилгани ҳақидаги ахборот.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тасдиқланган монополияга қарши комплаенс бўйича ҳисобот ўзларининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва уч иш куни ичида монополияга қарши курашиш органига юборилади.



### ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Соғлом рақобатни таъминлаш ва монополияни чеклаш тадбирларининг иқтисодий тараққиётдаги аҳамияти нималарда намоён бўлади?
2. Товарлар ва молия бозорларининг қайси соҳалари ва маҳсулот турларида монопол устун мавқе сақлаш қолмоқда?
3. Мамлакат иқтисодиётидаги рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатётган қандай тизимли муаммолар мавжуд?
4. «2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш Стратегиясининг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
5. Давлат компанияларини хусусийлаштириш ва трансформация қилиш деганда нимани тушунасан?
6. Давлат компанияларини хусусийлаштириш ва трансформация қилишнинг зарурияти ва аҳамияти нималарда намоён бўлади?
7. Давлат компанияларини хусусийлаштириш ва трансформация қилиш қандай тамойиллар асосида амалга оширилади?
8. Давлат компанияларини хусусийлаштириш ва трансформация қилишнинг асосий босқичлари ва хусусиятларини очиб беринг.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида



*давлат компанияларини хусусийлаштириш ва трансформация қилиш бора-расида қандай вазифалар белгилаб берилган?*

10. *Ўзбекистон Республикасида 2020 йил якунида давлат улуши мавжуд компаниялар ва улар таъсисчилигидаги корхоналар сони қанча бўлган, улар ташкилий-ҳуқуқий ва таркиби жиҳатидан қандай тавсияланади?*
11. *Давлат активларини савдога чиқариш ва сотиш босқичлари қандай тартибда амалга оширилади?*
12. *Давлат мулкани ягона электрон савдо майдончаси орқали харид қилиш тартиби қандай?*
13. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5552-сонли Фармони ижросини таъминлаш юзасидан қандай натижаларга эришилди?*
14. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармонида трансформация қилинадиган, корпоратив бошқарув ва комплаенс тизими жорий этиладиган ҳамда хусусийлаштириш орқали сотиладиган давлат компаниялари хусусида қандай вазифалар белгилаб берилган?*
15. *«Монополияга қарши комплаенс тизими»нинг моҳияти ва вазифалари нималардан иборат?*



## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

### 1. Рақобат – бу:

А) хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди;

Б) хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устунлигига олиб келадиган, товар ёки молия бозоридаги рақобатнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган битимлар тузиш ва (ёки) бошқа ҳаракатларни содир этиш;

С) хўжалик юритувчи субъектлар ҳаракатларини бундай хўжалик юритувчи субъектлардан бирортаси билан ҳам бир шахслар гуруҳига кирмайдиган юридик ёки жисмоний шахс билан келишиб олиш;

Д) товар ёки молия бозорида икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъект бозорнинг мазкур иштирокчиларидан ҳар бирининг манфаатларини қаноатлантирадиган ва улардан ҳар бирига олдиндан маълум бўлган, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлари.

### 2. Устун мавқе – бу:

А) товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гуруҳининг рақобатлашувчи хўжалик юритувчи субъектларга боғлиқ бўлмаган

ҳолда унга ўз фаолиятини амалга ошириш ва рақобатнинг ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, тегишли бозорга бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришини қийинлаштириш ёхуд уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳолат;

Б) товар ёки молия бозорида икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъект бозорнинг мазкур иштирокчиларидан ҳар бирининг манфаатларини қаноатлантирадиган ва улардан ҳар бирига олдиндан маълум бўлган, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган;

С) хўжалик юритувчи субъектлар ҳаракатларини бундай хўжалик юритувчи субъектлардан бирортаси билан ҳам бир шахслар гуруҳига кирмайдиган юридик ёки жисмоний шахс билан келишиб олиш;

Д) ҳаракатлари хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устуқлигига олиб келадиган, товар ёки молия бозоридаги рақобатнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган битимлар тузиш ва (ёки) бошқа ҳаракатларни содир этиш.

### 3. Давлат тасарруфидан чиқариш деганда нима назарда тутилади?

А) давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, оммавий мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш жараёни;

Б) жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олиши;

С) давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёнини;

Д) давлат активларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тадбирларини.

### 4. Хусусийлаштириш тушунчаси нимани англатади?

А) жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олиши;

Б) давлат корхоналари ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, оммавий мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришни;

С) давлат активларини ким ошди савдолари орқали сотишни;

Д) давлат корхоналарига қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этишни.

### 5. Давлат корхонаси – бу:

А) давлат мулкидаги, ўзига тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулк негизида ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилоти;

Б) устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти;

С) устав капитали улушларга (пайларга) бўлинган тижоратчи ташкилот;

Д) яқка шахс томонидан бошқариладиган ва устав капитали ягона шахсга тегишли бўлган корхона.

**6. Акциядорлик жамияти – бу:**

А) устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти;

Б) давлат мулкидаги, ўзига тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулк негизида ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилоти;

С) яқка шахс томонидан бошқариладиган ва устав капитали ягона шахсга тегишли бўлган корхона;

Д) устав капитали улушларга (пайларга) бўлинган тижоратчи ташкилот.

**7. Электрон аукцион – бу:**

А) харидорни мусобақа асосида аниқлаш бўйича веб-порталда ўтказиладиган савдолар шакли. бунда давлат активнинг олди-сотди шартномасини тузиш ҳуқуқига оммавий тарзда энг катта нархни тақлиф этган иштирокчи эга бўлади;

Б) оператор билан веб-порталда савдоларни ўтказиш бўйича электрон хизматлар кўрсатилиши бўйича шартнома;

С) давлат мулкини биржа орқали сотиш;

Д) тендер.

**8. Республикамизнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ давлат активларини хусусийлаштириш учун савдога чиқариш ва сотиш неча босқичдан ташкил топган?**

А) 7;

Б) 5;

С) 8;

Д) 12.

**9. Хусусийлаштириладиган давлат корхоналари ва активларини хатловдан ўтказиш муддати қанча?**

А) акция пакетлари ва улушлар учун – 2-3 ой; давлат кўчмас мулк объектлари учун – 20 кун;

Б) акция пакетлари ва улушлар учун – 1 ой; давлат кўчмас мулк объектлари учун – 10 кун;

С) акция пакетлари ва улушлар учун – 3-4 ой; давлат кўчмас мулк объектлари учун – 5 кун;

Д) акция пакетлари ва улушлар учун – 1-2 ой; давлат кўчмас мулк объектлари учун – 15-20 кун.

**10. Давлат мулки сотувга қўйилганда 2 ой мобайнида талабнома тушмаган тақдирда бошланғич нарх қанчагача пасайтирилади?**

А) 15 кунда 10 фоиздан;

С) 30 кунда 4 фоиздан;

Б) 20 кунда 5 фоиздан;

Д) 10 кунда 15 фоиздан.

**11. Давлат активларини электрон онлайн шаклда ўтказиладиган аукционлар ва танловлар орқали неча босқичда реализация қилинади?**

А) 3;

Б) 4;

С) 6;

Д) 5.

**12. Бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари ва корхоналари қайси платформа орқали сотувга чиқарилади?**

- А) «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончаси орқали;
- Б) электрон магазин орқали;
- С) ягона давлат хизматлари портали орқали;
- Д) ижтимоий тармоқлар орқали.

**13. Монополияга қарши комплекенс – бу:**

А) фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар хавфини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ички ташкилий чора-тадбирлар ва тамойиллар тизими;

Б) хўжалик юритувчи субъектлар ҳаракатларини бундай хўжалик юритувчи субъектлардан бирортаси билан ҳам бир шахслар гуруҳига кирмайдиган юридик ёки жисмоний шахс билан келишиб олиш;

С) товар ёки молия бозорида икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъект бозорнинг мазкур иштирокчиларидан ҳар бирининг манфаатларини қаноатлантирадиган ва улардан ҳар бирига олдиндан маълум бўлган, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлари;

Д) рақобатчилар ёки бошқа шахслар томонидан тарқатиладиган, товар ёки молия бозорида айрим хўжалик юритувчи субъектга афзалликлар яратадиган ёхуд хўжалик юритувчи субъектни (рақобатчини) ёки рақобатчи ишлаб чиқарган товарни ёмонловчи бўлган, ноаниқ ёки бузиб таққослаш.

**14. Монополияга қарши комплекенс тизими 2022 йил 1 январдан қайси соҳаларга жорий этилади?**

А) табиий монополия субъектлари, товар ёки молия бозорида устун мавқега эга хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, охириги 3 йилда товар сотишдан олинган жами тушумнинг ўртача йиллик миқдори 30 миллиард сўмдан ошадиган корпоратив буюртмачиларга;

Б) тажриба тариқасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда Президентнинг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатга киритилган давлат иштирокидаги корхоналарга;

- С) барча хўжалик юритувчи субъектларга;
- Д) монопал корхоналарга.

**15. Монополияга қарши комплекенс тизимини ташкил этиш ва унинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш давлат бошқаруви органларида ким томонидан амалга оширилади?**

- А) шу органлар раҳбарлари томонидан;
- Б) ҳоким томонидан;
- С) ижро этувчи орган томонидан;
- Д) кузатув кенгаши томонидан.



## VII БОБ

### КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ

#### 7.1. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИДА ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ ВА ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистонда 2017 йилдан бошлаб мустақил тараққиётнинг сифат ва мазмун жиҳатдан янги bosқичига қадам қўйилди. Шу даврга қадар амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислохотларга танқидий назар билан ёндашилиб, уларнинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган кескин ва жадал чора-тадбирлар белгиланди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида: «Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси – ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат. Шундай давр келди.

Ана шу талабни, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, 2017 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг ўн битта энг муҳим устувор вазифасини белгилашни таклиф этаман»<sup>1</sup>, деб алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мазкур устувор вазифалар олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожла-

<sup>1</sup> Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси (2017 йил 14 январь). – [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

ниши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топди.<sup>1</sup>

Эътиборли жиҳати шундаки, юқорида кўрсатиб ўтилган асосий йўналишлар ҳамда уларнинг таркибида белгиланган барча чора-тадбирлар ўз мазмунига кўра бевосита ёки билвосита тарзда мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва янада кучайтиришга қаратилгандир.

**Қулай ишбилармонлик муҳити** – бу тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, самарали амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар мажмуидир. Бундай шарт-шароитлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашнинг соддалаштирилган тартиби;
- давлат ва назорат идораларининг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлигини ва ҳуқуқларини кенгайтириш;
- тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат тизимлари билан ўзаро муносабатларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона ҳамда бошқа тўловлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. - <https://lex.uz/docs/3107036>

- кичик бизнесни давлат харидларига жалб этиш;
- тадбиркорлик фаолиятини суғурталаш жараёнларини қулайлаштириш ва ҳ. к.

Демак, иқтисодиётда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш орқали мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ички ва ташқи омилларининг ўзаро таъсирини таъминлаш, бу борада турли даражадаги тадбиркорларнинг эркин ва самарали ҳаракати учун рағбат ва шароитларни барпо этиш мақсади кўзда тутилган бўлиб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар мамлакатимизнинг янги тараққиёт даврида юритиб келинаётган иқтисодий сиёсати марказий бўғинини ташкил этмоқда.

Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи – «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари» бўлимининг 3.4-банди «Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш» деб номланиб, унда қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб берилди:

- хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;
- давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-тамойилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;
- корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;

- тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-гамойил ва механизмларни такомиллаштириш ва содалаштириш;
- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.<sup>1</sup>

Умумий ҳолда, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини кучайтириш борасида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотни куйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (7.1-жадвал).

7.1 - ж а д в а л

**Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини кучайтириш борасида 2017–2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумот<sup>2</sup>**

Йил	Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги йил номи билан боғлиқ Давлат дастурининг ишбилармонлик муҳитига оид тадбирлар ифодаланган бўлими	Мазкур бўлимдан ўрин олган тадбирлар сони ва бандлари
2017 йил	3.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш	19 та тадбир (170–188-бандлар)
2018 йил	3.5. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш	11 та тадбир (125–135-бандлар)
2019 йил	3.3. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш 3.4. Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш ва унга давлат аралашувини камайтириш	11 та тадбир (68–78-бандлар) 7 та тадбир (79–85-бандлар)
2020 йил	3.8. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни таъминлайдиган ишбилармонлик муҳитини яратиш	8 та тадбир (83–90-бандлар)
2021 йил	3.8. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни таъминлайдиган ишбилармонлик муҳитини яратиш	5 та тадбир (84–88-бандлар)

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. – <https://lex.uz/docs/3107036>

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тузилган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 8-илова 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг «Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш» деб номланган 3. 4-бўлимида бевосита ёки билвосита тарзда қулай ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришга қаратилган 170-188-бандларидан иборат жами 19 та тадбир белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасида «Биз 2018 йилни Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилган эканмиз, келгуси йили фаол тадбиркорликни ривожлантириш эътиборимиз марказида бўлади. Бу соҳани қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилади»<sup>1</sup> деб белгилаб берилди.

Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди.<sup>2</sup> Дастурнинг «Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қа-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. – [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. 2018 йил 22 январь, ПФ-5308-сон. – <https://lex.uz/docs/3516847>

ратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш» деб номланган 3. 5-бўлимнинг 125-135-бандларида қулай ишбилармонлик мухитини янада кучайтиришга йўналтирилган 11 та тадбир белгилаб берилди.

2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида «Келгуси йилда тадбиркорлик, бизнес учун янада қулай муҳит яратиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, пенсия таъминотини яхшилаш бўйича ҳам кўп ишлар қилишимиз лозим.

... Иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифалар ҳақида гапирганда, аввало, кенг қамровли иқтисодий ислохотлар негизда қуйидаги мақсадлар мужассам эканини қайд этиш лозим:

- очик иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция мухитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш;
- иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;
- иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- «яширин» иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш;
- валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;
- иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малкали кадрларни тайёрлаш» эканлиги белгилаб берилди.<sup>1</sup>

Бу мақсадларга эришиш учун белгиланган устувор вазифалар 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ўз ифодасини топди. Жумладан, мазкур дастурнинг «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш» деб номланган 3.3-бўлимида 11 та (68–78-бандлар) ҳамда «Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш ва унга давлат аралашувини камайтириш» деб номланган 3.4-бўлимида 7 та (79–85-бандлар)

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. – [www.uza.uz](http://www.uza.uz).

тадбир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай ишбилармонлик муҳитини янада кучайтиришга қаратилди.

Президентимиз 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасида ушбу ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларга тўхталиб ўтар экан, «... бизнес муҳитини янада яхшилаш биз учун энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолади.

Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингида энг яхши 50 та мамлакат қаторига кириш бўйича барча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни қабул қилдик. Ҳукумат ушбу тадбирларнинг амалий ижросини самарали ташкил этиши зарур.

Яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича енгиллаш тирилган механизмлар киритилди»<sup>1</sup> деб таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, парламент палаталари қўшма мажлиси ва ташкилий йиғилишларида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди.<sup>2</sup> Мазкур дастурнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни таъминлайдиган ишбилармонлик муҳитини яратиш» деб номланган 3.8-бўлимнинг 83–90-бандларида 8 та тадбирни амалга ошириш белгилаб берилди.<sup>3</sup>

Юқоридагилардан кўринадики, мамлакатимиз тараққиётнинг янги даврига қадам қўйгандан кейинги йиллардаги Президентимизнинг ҳар бир маъруза ва Мурожаатларида, шунингдек, йил номи билан боғлиқ

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. – [www.uza.uz](http://www.uza.uz).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. - <https://lex.uz/docs/4751561>

<sup>3</sup> Ўша манба.

Давлат дастурларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти-ни янада ривожлантиришни таъминлайдиган ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгиланиб изчил равишда амалга оширилиб келинмоқда.

## 7.2. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИНГ РОЛИ

Ўзбекистонда тараққиётнинг янги даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ўзининг юқори кўрсаткичларини намоён этмоқда. Мазкур соҳа мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ривожланишни таъминлаш, аҳолининг иш билан бандлиги ва даромадлари даражасини ошириш, рақобат муҳитини кучайтиришда фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий фаолият кўрсаткичларини қуйидаги жадвал орқали кузатиш мумкин (7.2-жадвал).

7.2 - ж а д в а л

Кўрсаткич	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Фаолият кўрсатаётган жами корхоналар, минг бирлик	285,5	323,5	398,1	475,2
Шу жумладан, кичик бизнес корхоналари, минг бирлик	229,7	262,9	334,8	411,2
Фаолият кўрсатаётган жами корхоналар таркибида кичик бизнес корхоналарининг улуши, фоиз	80,5	81,3	84,1	86,5
Янгидан ташкил этилган корхоналар, минг бирлик	41,0	55,0	96,7	95,3
Шу жумладан, кичик бизнес корхоналари, минг бирлик	38,2	48,9	92,9	93,2
Янгидан ташкил этилган корхоналар таркибида кичик бизнес корхоналарининг улуши, фоиз	93,2	88,9	96,1	97,8
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши, фоиз	63,4	60,4	54,2	53,9

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, мамлакатимизда 2017 йилда жами 285,5 мингта корхоналар фаолият кўрсатган бўлса, таҳлил даврида уларнинг сони 1,7 марта ўсиб, 2020 йилда 475,2 мингтани ташкил этган. Шу жумладан, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сони тегишли равишда 229,7 мингтадан 411,2 мингтага, яъни 1,8 марта ўсган. Фаолият кўрсатаётган жами корхоналар таркибида кичик бизнес корхоналарининг улуши 2017 йилдаги 80,5 фоиздан 2020 йилда 86,5 фоизга етган.

Янгидан ташкил этилган корхоналар динамикасида ҳам худди шундай ижобий силжишларни кузатиш мумкин. Мамлакатимизда 2017 йил-

да жами 41 мингта корхоналар янгидан ташкил этилган бўлса, таҳлил даврида уларнинг сони 2,3 марта ўсиб, 2020 йилда 95,3 мингтани ташкил этган. Шу жумладан, янгидан ташкил этилган кичик бизнес корхоналарининг сони тегишли равишда 38,2 мингтадан 93,2 мингтага, яъни 2,4 марта ўсган.

Республикамизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар 2017–2020 йиллар давомида 288 мингта янги кичик бизнес корхоналарини (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) ташкил этиш имконини берди. Янгидан ташкил этилган жами корхоналар таркибида кичик бизнес корхоналарининг улуши 2017 йилдаги 93,2 фоиздан 2020 йилда 97,8 фоизга етган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2017 йилда 63,4 фоизни, 2020 йилда эса 53,9 фоизни ташкил этган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқларида ишлаб чиқариш салмоғидаги ўзгаришлар орқали ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, мазкур соҳанинг sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2017 йилдаги 41,2 фоиздан 2020 йилда 27,5 фоизга, қишлоқ хўжалигида тегишли равишда 98,5 фоиздан 97,0 фоизга, савдода 88,4 фоиздан 88,2 фоизга, хизмат кўрсатишда 58,3 фоиздан 51,5 фоизга, юк ташишда 54,2 фоиздан 52,4 фоизга, экс-

7.3 - жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши, фоизда<sup>1</sup>

Кўрсаткич	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Саноат	41,2	37,4	25,8	27,5
Қишлоқ хўжалиги	98,5	98,3	98,3	97,0
Инвестиция	38,1	38,0	47,0	49,7
Қурилиш	64,8	73,2	75,8	72,4
Савдо	88,4	86,3	84,3	82,2
Хизмат кўрсатиш	58,3	56,0	52,1	51,5
Юк ташиш	54,2	55,5	54,4	52,4
Йўловчилар ташиш	90,1	89,6	90,4	93,9
Экспорт	22,0	27,2	27,0	20,5
Импорт	53,6	56,2	61,6	51,8

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

порт ҳажмида 22,0 фоиздан 20,5 фоизга, импорт ҳажмида 53,6 фоиздан 51,8 фоизга пасайган бўлса, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида 38,1 фоиздан 49,7 фоизга, қурилишда 64,8 фоиздан 72,4 фоизга. йўловчилар ташишда 90,1 фоиздан 93,9 фоизга қадар ошган (7.3-жадвал).

Шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодиётнинг аксарият тармоқ ва соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг пасайишига кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида давом этаётган коронавирус пандемиясининг салбий таъсири сабаб бўлмоқда.

Кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилишдаги натижалари аҳамиятли ҳисобланади (7.4-жадвал).

7.4-жадвал

Ўзбекистонда иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши<sup>1</sup>

Кўрсаткич	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганлар сони, минг киши	10541,5	10128,8	10313,4	9938,2
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги банд бўлганларнинг жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	78,0	76,3	76,2	75,1

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг етакчи бўғинига айланишида мамлакатимизда мазкур соҳа ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, бир сўз билан айтганда, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитининг тобора яхшиланиб бораётганлигини Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтинги орқали ҳам кузатиш мумкин.

«Бизнес юритиш (Doing Business)», бу – кичик ва ўрта бизнеснинг ишбилармонлик фаоллигини яхшилайдиган ёки чеклайдиган қонунчиликни баҳолайдиган йиллик ҳисобот. Биринчи ҳисобот 2003 йилда нашр этилган бўлиб, «Бизнесни юритиш–2020» (Doing Business 2020) йиллик ҳисоботлар сериясининг 17-нашри ҳисобланади.

2017–2020 йиллар давомида Жаҳон банкининг «Doing Business» халқаро рейтингида республикамиз ўрнини яхшилашга қаратилган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

тадбирларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришилди (7.5-жадвал).

7.5-жадвал

Ўзбекистоннинг «Бизнесни юритиш» рейтинги ишбилармонлик муҳити сифат кўрсаткичлари бўйича эгаллаган ўрни<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	DB-2020	DB-2019	DB-2018	DB-2017	Рейтингдаги узгариш		
					2020 йилда 2019 йилга нисбатан	2019 йилда 2018 йилга нисбатан	2018 йилда 2017 йилга нисбатан
Бизнесни юритиш-нинг умумий рейтинги	69	76	74	87	+7	-2	+13
Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш	8	12	11	25	+4	-1	+14
Курилиш учун рухсатномаларни олиш	132	134	135	147	+2	+1	+12
Электр таъминоти тизимига уланиш	36	35	27	83	-1	-8	+56
Мулкни рўйхатга олиш	72	71	73	75	-1	+2	+2
Кредит олиш	67	60	55	44	-7	-5	-11
Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш	37	64	62	70	+27	-2	+8
Солиққа тортиш	69	64	78	138	-5	+14	+60
Халқаро савдо	152	165	168	165	+13	+3	-3
Шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш	22	41	39	38	+19	-2	-1
Тўлов қобилиятсизлигини ҳал қилиш	100	87	72	77	-13	-15	+5

Кейинги 5 йил мобайнида «Бизнес юритиш» рейтингида Ўзбекистон жаҳоннинг 190 мамлакати орасида 2012 йилдаги 166-ўриндан 2017 йилда 74-ўринга кўтарилиб, бизнес юритиш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш кўрсаткичи бўйича ислохотчи мамлакатларнинг биринчи ўнталигидан жой олгани юртимизда амалга оширилаётган мутлақо янги йўналишдаги дадил ва изчил ислохотлар самарасидир десак, муболага эмас.

Бу борада Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ давлатимиз раҳбарининг 2019 йилнинг февраль ойидаги «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлди. Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш бўйича «Йўл харитаси» ҳамда 2022 йилга келиб республиканинг кучли йигирмаликдан ўрин эгаллашини назарда тутувчи «Бизнес юритишни яхшилаш – 2022» мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон 2022 йилга қадар Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» ҳисоботидаги

<sup>1</sup> Doing Business. Оценка бизнес регулирования. – <http://russian.doingbusiness.org/>

жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирматалиги даражасига мос келадиган энг қулай шарт-шароитларни яратишга интилоқда. Бу мақсад Президентимизнинг 2018 йил 13 июлдаги «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳам ўз ифодасини топди.

Мухтасар айтганда, ҳар икки Қарор билан яқин 3 йил ичида нафақат рейтингда тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган 50 дан ортиқ давлатдан илгарилаш, балки мамлакат имижини ижобий томонга ўзгартириш кўзда тутилган. Мамлакатимизда бизнес юритиш шарт-шароитларини халқаро норма ва стандартлар талабларига мослаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий ҳаракатларни янада кучайтириш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилоқда.

Ўзбекистон «Doing Business – 2020» халқаро бизнес жозибаторлиги рейтингда 190 мамлакат ичида 7 поғонага кўтарилиб, 69-ўринни эгаллади. Шунингдек, мамлакатимиз тадбиркорлик муҳитини яхшилашда катта ютуққа эришган давлатларнинг кучли йигирматалигига (TOP-20) кирди. «Бизнесни рўйхатдан ўтказиш» индикатори бўйича эса давлатимиз 8-ўринни эгаллаб, кучли TOP-10 таликка кирди.

Дарҳақиқат, бутун мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатини кенг қулоқ ёйдириш, юртимизнинг инвестициявий жозибаторлигини ошириш, хорижлик инвесторлар учун ўз юртидаги мавжуд шароитлардан ҳам қулайроқ имкониятларни яратиб бериш, уларнинг фаолиятида қонуннинг сўзсиз устуворлигини таъминлаш борасида жуда катта кўламдаги чора-тадбирлар амалиётга жорий этилоқда. Албатта, бу саъй-ҳаракатлардан мақсад, биринчи навбатда, иқтисодий юксалтириш, халқимиз фаровонлигини ошириш бўлса, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги имижини янада юксалтириш, халқаро майдондаги обрў-нуфузини баланд кўтариш ҳам пировард вазифадир.<sup>1</sup>

«Қулай ишбилармонлик муҳити қашшоқлик даражасининг пастлиги билан боғлиқ бўлиб, норматив тартибга солиш самарадорлигининг яхшиланиши эса тадбиркорликни, стартапларни, инновацияларни ривожлантиришга, шунингдек, кредит ва инвестицияларни жалб қилишга олиб келиши мумкин»<sup>1</sup>, – деб таъкидлайди Жаҳон банки.

<sup>1</sup> Туляков Э. Халқаро эътироф: Ўзбекистоннинг рейтинги шиддат билан юксалмоқда. – <https://uz.uz/posts/khai-aro-etirof-zbekistonning-reytingi-shiddat-bilan-yuksalm-25-10-2019>



Ўзбекистоннинг «Doing Business» халқаро рейтингдаги ўрнини яхшилашга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

**биринчидан**, тадбиркорлик субъектлари учун тўсиқларсиз кредит олишни таъминлаш;

**иккинчидан**, қарздорлар ва кредиторларнинг таъминланган битимлар бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш, кредит маълумоти алмашинуви механизмларини такомиллаштириш;

**учинчидан**, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

**тўртинчидан**, тўловга қобилиятсизликни ҳал қилиш масалаларини такомиллаштириш;

**бешинчидан**, электр таъминотига уланиш тизимини такомиллаштириш;

**олтинчидан**, қурилишга рухсат олиш жараёнини соддалаштириш ва бошқалар.

«Бизнес юритиш» ҳисоботида мамлакатимиз кўрсаткичларини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сон Фармонида ҳам белгилаб берилди.

Стратегиянинг бош мақсади мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш ҳисобланади.<sup>2</sup>

Қуйидагилар стратегиянинг асосий вазибалари этиб белгиланди:

- Ўзбекистоннинг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;
- барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;
- илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

<sup>1</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2019/10/24/doing-business/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сон Фармони. – [https:// www.lex.uz/](https://www.lex.uz/)

- инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шаклларини жорий этиш;
- бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;
- мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;
- барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш.

Айниқса, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётига ўзининг шиддатли салбий таъсирини кўрсатаётган коронавирус пандемияси шароитида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, уни салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш бўйича янада қулай шароитлар яратилиши муҳим ҳисобланади.

«Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппатенг ҳисса кўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт»<sup>1</sup>, дея таъкидлади бу борада Президентимиз Ш. Мирзиёев.

Шунга кўра, мамлакатимизда пандемиянинг бошланиш палласидаёқ давлат томонидан жиддий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва изчил амалга оширишга эътибор қаратилди. Бу борадаги кўплаб амалга оширилган тадбирлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5969-сонли ҳамда 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сонли Фармонларини алоҳида қайд этиш лозим.

Мазкур Фармонларда белгиланган кўплаб чора-тадбирлар таркибидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун бевосита тааллуқли бўлган айрим қўллаб-қувватлаш чораларини йўналишларга гуруҳлаш орқали ифодалаш мумкин (7.6-жадвал).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. ОЦ [https://www.uza.uz/uz/posts/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-mazhlisiga-murozhaatnomasi\\_198650](https://www.uza.uz/uz/posts/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-mazhlisiga-murozhaatnomasi_198650)

Жадвал маълумотларидан кўринадики, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида белгиланган чоралар жуда хилма-хил бўлиб, бу ўринда уларнинг барчасини бирма-бир ифодалаш ҳам қийин. Энг муҳими, мазкур чоралар қисқа муддатли ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилиб бормоқда.

7.6 - жадвал

**Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналиш ва чоралари<sup>1</sup>**

<b>Тадбиркорларга солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ва тулов муддатининг кечиктирилиши</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>■ олти ой давомида яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига қадар камайтириш;</li> <li>■ қишлоқ хўжалигидаги ерларни сўғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 50 фоизга пасайтириш;</li> <li>■ кичик тадбиркорлик субъектлари, бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни 2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябргача бўлган даврда мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилиш;</li> <li>■ 2020 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғини тўлаш муддатини 2020 йил 1 сентябрдан 2020 йил 1 декабрга кўчириш;</li> <li>■ кичик тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон Фармонларига асосан фойзсиз кечиктириш (бўлиб тўлаш) берилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммалари; 2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммаларини ҳисобдан чиқариш кўринишида давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш тақдим этиш;</li> <li>■ тадбиркорлик субъектларига товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилишда қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича 120 кун муддатгача кечиктириш олиш ҳуқуқини бериш;</li> <li>■ божхона органларига мурожаат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган даврда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундириладиган божхона божи ва акциз солиғини тўлаш муддатини 2020 йил 1 июлгача кечиктиришни қўллаш ҳуқуқи, кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш шарти билан бериш;</li> <li>■ 2020 йилнинг 1 майдан 1 июлигача бўлган даврда микрофирма ва кичик корхоналарга (акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталида)</li> </ul>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил 19 март, ПФ-5969-сон. – [https:// www.lex.uz/](https://www.lex.uz/); Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил 3 апрель, ПФ-5978-сон. - [https:// www.lex.uz/](https://www.lex.uz/); Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил 18 май, ПФ-5996-сон. - <https://lex.uz/docs/4815474>


<p>давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача камайтириш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>■ микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундиришни 2020 йил 1 сентябргача тўхтатиш;</li> <li>■ давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2020 йил 15 май ҳолатига микрофирма ва кичик корхоналарнинг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва ўтказиш бўйича инкассо топшириқномаларини чақириб олиш;</li> <li>■ микрофирма ва кичик корхоналарга 2020 йил 15 май ҳолатига солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ижро этилмаган тўлов топшириқномаларини қайтариб олиш ҳуқуқини бериш;</li> </ul>
<p align="center"><b>Фаолият юритишнинг аҳамиятли даражада секинлашуви (ёки фаолият юритмаслик) сабабли тўловларни тўхтатиш</b></p>
<ul style="list-style-type: none"> <li>■ уч ой давомида туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлашни тўхтатиш;</li> <li>■ олти ой давомида ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллашни тўхтатиш;</li> </ul>
<p align="center"><b>Вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш</b></p>
<ul style="list-style-type: none"> <li>■ солиқ органлари вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб туриш, шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини кўрмаслик;</li> <li>■ туристик операторларга, меҳмонхона бизнеси субъектларига, транспорт-логистика компанияларига ва туризм тармоғининг бошқа корхоналарига, шунингдек, ташқи савдо операцияларига жорий этилган чекловлар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар бўйича умумий суммаси 5 трлн. сумлик қарздорликларни тўлаш бўйича кечиктиришни (жарима санкцияларини ҳисобламаган ҳолда) 2020 йил 1 октябрга қадар узайтириш;</li> </ul>
<p align="center"><b>Тадбиркорлик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш бўйича энгиллик бериш</b></p>
<ul style="list-style-type: none"> <li>■ 2021 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан ўтказишни тўхтатиш;</li> </ul>
<p align="center"><b>Тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантириш</b></p>
<ul style="list-style-type: none"> <li>■ хусусий тадбиркорлик корхоналарига тақдим этилган айланма маблағларни тўлдириш учун, шу жумладан истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан тўлдириш учун қайта тикланадиган револьвер кредитлар ажратиш;</li> <li>■ 2020 йил 31 декабрга қадар белгиланган муайян товарларни олиб киришда божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкаларини белгилаш;</li> <li>■ 2020 йил 1 апрелдан бошлаб юридик шахслар томонидан газ ва электр энергияси бўйича олдиндан ҳақ тўлаш тўғрисидаги мажбурий талабни 30 фоизгача пасайтириш.</li> </ul>

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қулай ишбилармонлик муҳити таркибида ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг асосиз аралашувининг олдини олиш, хусусий мулк дахлсизлигининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкам-

лаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципини таъминлаш мақсадида 2017 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили – Бизнес-омбудсман институти таъсис этилган эди.<sup>1</sup>

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мазкур вакил фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган (7.1-расм).



7.1-расм. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари.<sup>2</sup>

Шунингдек, Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ўз олдига қўйган вазифаларини бажариши учун тегишли шарт-шароит ва имкониятларни таъминлашга қаратилган бир қатор ҳуқуқлар ҳам берилган (7.2-расм).

Ўтган муддат давомида мазкур Бизнес-омбудсман институти мамлакатимиз тадбиркорларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида. 2017 йил 5 май, ПФ-5037-сон. – <https://lex.uz/docs/3193118>

<sup>2</sup> Қуйидаги манба асосида тайёрланди: Вакилнинг асосий вазифалари, йўналишлари ва ҳуқуқлари. – <https://biznesvakil.uz/uz/menu/directions/>

борасидаги ўзининг ўрни ва самарасини кўрсатди. Шунга кўра, давлатимиз раҳбари томонидан айрим жойларда давлат органлари тизимидаги раҳбар ва мутасаддилар томонидан тадбиркорларнинг мулкка доир ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари давом этаётганлиги қайд этилиб, бундай мансабдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича Бизнес-омбудсманга ваколат бериш таклиф қилинди.

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятининг барқарор ривожланиши унинг норматив-ҳуқуқий асосларининг пухта ишлаб чиқилишига боғлиқ. Лекин мазкур серқирра ва мураккаб фаолиятнинг ҳар бир жиҳатини қамраб олишга интилиш қонунчилик ҳужжатлари сонининг ҳаддан зиёд кўлайишига, муайян такрорланишлар ёки зиддиятли ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунга кўра, 2021 йилда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилиши ҳамда Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилиши белгилаб берилди.

**Тадбиркорлик кодекси**, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини тўлиқ кодификация қилишни таъминлайди. Тадбиркорлик фаолиятини монополияга қарши тартибга солиш тубдан қайта кўриб чиқилади, тадбиркорлик эркинлигини таъминлайдиган кафолатлар ҳамда тадбиркорлик фаолиятига аралашганлик, тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятини чеклаш ёки тўхтатиш, уларга зарар етказганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилади. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласида жамоатчилик назорати механизмлари кенгайтирилади.<sup>1</sup>

Қайд этилишича, кодекс лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилади:

- тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини тўлиқ кодификация қилиш, миллий иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтишини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини монополияга қарши тартибга солишни тубдан қайта кўриб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар ва кафолатлар, тадбиркорлик субъектлари ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар муносабати билан юзага келадиган жамоатчилик муносабатларини тартибга солиш;
- тадбиркорлик эркинлиги, инсоннинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинлик-

<sup>1</sup> [https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda\\_yangi/5\\_ta\\_kodeks\\_qabul\\_qilinadi\\_7\\_ta\\_kodeksning\\_yangi\\_tahriri\\_ishlab\\_chiqiladi](https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/5_ta_kodeks_qabul_qilinadi_7_ta_kodeksning_yangi_tahriri_ishlab_chiqiladi)

• тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун ҳужжатларининг давлат органлари томонидан оғинмай ижро этилишини ўрганиш;

• тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширувларини ўтказишни қонунийлиги мониторингини амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашиб фактларининг олдини олиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифлар киритиш;

• тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилмаслиги тўғрисида давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ёзма равишда огоҳлантиришлар эълон қилини;

• қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдирномалар киритиш;

• тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб аризалар, даъволар ва шикоятлар билан судларга давлат бўжи тўламасдан муурожаат этиш;

• давлат органлари ва ташкилотлардан ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан статистик таҳлилий материалларни, ҳудосаларни ва бошқа ахборотни сураш ҳамда олиш;

• давлат органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлисларида иштирок этиш;

• зарур бўлган ҳолларда, ўз зиммасига юклатилган вазифаларини амалга ошириш учун давлат органларининг, илмий муассасаларининг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб этиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

• тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинаётган, айбланаётган ва ҳукм қилинган тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан учрашиш учун қамоқда сақлаш жойларига, жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш;

• маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш.

7.2-расм. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ҳуқуқлари<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қуйидаги манба асосида тайёрланди: Вакилнинг асосий вазифалари, йўналишлари ва ҳуқуқлари. – <https://biznesvakil.uz/uz/menu/directions/>

лари соҳасидаги халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш;

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашганлик, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини чеклаш ёки тўхтатиб туриш, уларга зарар етказишга қаратилган ноқонуний ва асоссиз ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш;
- тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада ҳимоя қилиш масалаларида жамоатчилик назорати механизмларини жорий этишни таъминлаш.<sup>1</sup>

Шунингдек, бундан 4 йил олдин тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказиш бўйича эълон қилинган мораторий натижасида ўтган даврда тадбиркорлар сони 2 баробар кўпайиб, 400 мингга етди. Шунинг учун мораторий муддатини яна бир йилга узайтириш таклиф этилди.

Шу билан бирга, Ҳукумат томонидан бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш ва ҳалол-пок, замонавий технологиялар асосида ишлаётган виждонли тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида «яширин иктисодиёт»ни қисқартиришга қаратилган механизмлар жорий этилади.

Мамлакатимиз Президентини Ш.М. Мирзиёев 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини қатъий олдини олиш» лозимлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган эди.<sup>2</sup>

Президентимиз томонидан 2021 йилда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириш кўзда тутилган қатор муҳим чора-тадбирларни белгилаб берилди (7.3-расм).

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг янада ривожланиши ва кенгайишига, иктисодиётдаги ишбилармонлик муҳитининг мустаҳкамланишига имкон яратади.

<sup>1</sup> Ўзбекистонда иккита янги кодекс ишлаб чиқилади. – <https://kun.uz/39081707>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. – <https://www.lex.uz/>



• “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлар учун уларнинг бизнес ҳамкорининг солиқ қарздорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятини яратиш

• 105 та лицензия ва рухсатнома турларини бекор қилиш, 115 таси бўйича тартиб-қондаларни соддалаштириш

• Пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларга кўмак беришни давом эттириш

• Туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларига берилган имтиёزلарни 2021 йил якунигача узайтириш

• 20 мингта тадбиркорнинг 400 миллиард сўмлик ер ва мол-мулк солиғини тўлаш муддатини яна бир йилга узайтириш

• 1 миллиард сўмгача давлат харидлари доирасида аванс миқдори 30 фоизга етказиш

• Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида келгуси йилда 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратиш

• Ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтириш

7.3-расм. 2021 йилда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириш кўзда тутилган муҳим чора-тадбирлар.<sup>1</sup>

### 7.3. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ЭРКИН РАҚОБАТ ҲАМДА ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ – ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йилдаги вазифа – чуқур таркибий ислоҳотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратиш борасидаги асосий йўналишлар белгилаб берилди. Жумладан, энг муҳим йўналишлардан бири сифатида «товар ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорларга хомашё сотиб олиш учун тенг имкониятлар яратиш зарур. Ҳозирги кунда электр энергияси, газ, қимматбаҳо металллар, минерал ўғитлар, транспорт хизматлари каби йўналишларда монопол бозорлар мавжуд бўлиб, уларда кўплаб муаммолар сақланиб қолмоқда»<sup>1</sup>, деб алоҳида таъкидлаб ўтилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. – [https://www.uz.uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-mazhlisga-murozhaatnomasi\\_198650](https://www.uz.uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-mazhlisga-murozhaatnomasi_198650)

Маълумки, бозор – ишлаб чиқарувчи (сотувчи)лар ва истеъмолчи (харидор)лар ўртасида маҳсулот ёки хизматларни пул воситасида айирбошлаш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар мажмуасидир. Ёки бошқача айтганда, бозор – бу муайян маҳсулот ёки хизматларнинг сотувчилари ва харидорларини ўзаро боғловчи механизмдир. Бозорнинг турли белги ва тавсифларига кўра кўплаб турларини ажратиш мумкин.

Ўзбекистон қонунчилигида товар бозори ва молия бозори тушунчалари алоҳида фарқланади. Жумладан, «Товар бозори – товарнинг (шу жумладан бир-бирининг ўрнини босадиган товарнинг) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида товарни олиш ёки реализация қилиш имконияти мавжуд бўлади»<sup>2</sup>. Бундан кўринадики, юқоридаги ҳолатда товар бозори тушунчасига унинг муомаласининг камрови (мамлакат ҳудуди, унинг бир қисми) нуктаи назаридан ёндашилган бўлиб, фикримизча, бундай таъриф мазкур қонунда кўзда тутилган ҳолатларнинг баёнини аниқроқ ифодалаш мақсадида келтирилган. Агар соддароқ тарзда ифодаланса, товар бозори – бу сотиш учун мўлжалланган барча (молиявий тавсифга эга бўлмаган) маҳсулот ва хизматларнинг олди-сотди муносабатлари ёки жараёнидир. Бу ўринда товар бозорининг объекти таркибига молиявий тавсифга эга бўлмаган маҳсулот ва хизматларнинг киритилмаслиги юқорида таъкидланган қонунчиликда молия бозорининг алоҳида кўрсатиб ўтилиши ҳисобланади. Яъни, қонунчилик товарлар (сотишга мўлжалланган маҳсулот ва хизматлар) ҳамда молия бозорларининг амал қилишидаги ўзига хос хусусиятларга алоҳида эътибор қаратади. Шунга кўра, молия бозори тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Молия бозори – банклар ҳамда бошқа кредит, суғурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. – [https://www.uz.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-mazhlisga-murozhaatnomasi\\_198650](https://www.uz.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-mazhlisga-murozhaatnomasi_198650)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида» қонуни. ЎРҚ-319-сон, 2012 йил 6 январь. – <https://lex.uz/docs/1931443>

Бозорнинг туридан қатъий назар, унинг иштирокчилари (ҳам ишлаб чиқарувчилар, ҳам истеъмолчилар) учун бозорга кириш эркинлиги бир хилда таъминланган бўлса, товар айирбошлаш рақобат асосида амалга ошади. Маълумки, рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади. Рақобат учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг мавжудлиги даражаси рақобат муҳити орқали намоён бўлади.

Рақобат муҳити – бу бозор иштирокчилари, яъни сотувчи ва харидорлар имкон қадар юқори фойда ёки нафлиликни таъминловчи шарт-шароитларга эга бўлиш учун ўзаро кураши таъсирида иқтисодиётдаги вужудга келган ҳолат. Рақобат муҳити эркин ёки чекланган бўлиши мумкин. Эркин рақобат муҳити – бу иқтисодий фаолиятларни имкон қадар объектив иқтисодий қонунларга мувофиқлиги, бозор субъектларининг хатти-ҳаракати, иқтисодий танлов ҳамда нарх шаклланишининг ташқи аралашувларсиз, эркин тарзда амалга ошиши таъминланган ҳолатдир. Бирок ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, амалда эркин рақобат муҳитини таъминлаш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки, юқорида таъкидлаб ўтилган шарт-шароитлардан қандайдир даражада четга чиқилиши бозор субъектлари фаолияти ёки ҳаракатида турли чеклов ёки тўсиқларнинг пайдо бўлишига олиб келадики, бунинг оқибатида чекланган рақобат муҳити вужудга келади.

Товар ва молия бозорларида монополияни босқичма-босқич камайтириш орқали самарали рақобат муҳитини яратиш мақсадида мамлакатимизда иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш, нархни ортиқча тартибга солишдан воз кечиш ва давлатнинг иқтисодиётга таъсирини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолияти соҳасида 86 та айрим лицензияланадиган фаолият турлари ва рұхсат бериш тартиб-тамойиллари, шу жумладан 38 та турини 16 тага бирлаштириш, 25 та тури бўйича расмийлаштириш муддатларини қисқартириш ҳамда 14 та лицензия ва рұхсат берувчи ҳужжатларни беришни марказлаштириш орқали бекор қилинди ва солиқ юки камайтирилди. Тадбиркорлик соҳаси изчил ривожланаётгани қайд этилмоқда, сўнгги уч йилнинг ўзидаёқ амалдаги тадбиркорлик субъектлари сони 25 фоизга ошди.

Кўрилаётган чоралар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган кўплаб озиқ-овқат (алкоголсиз ичимликлар, шарбат-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида» қонуни. ЎРҚ-319-сон, 2012 йил 6 январь. – <https://lex.uz/docs/1931443>

лар, нон, нон маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари ва бошқалар) ҳамда айрим ноозиқ-овқат товарлар (мебель, гилам ва гилам маҳсулотлари, тўқимачилик ва бошқалар) бозорларида рақобатнинг ривожланишини таъминлади. Курилиш материаллари, кабель ва сим маҳсулотлари, пул ўтказмалари хизматлари бозорида йирик компанияларнинг монополияси тугатилди.

Яратилган биржа механизми бозор иштирокчиларини юқори ликвидли ва монопол турдаги хом ашё ва материаллар билан бир хилда таъминлаш имконини берди. Бугунги кунда Ўзбекистон республика товар хомашё биржаси товар айланмасининг 65 фоизини монопол маҳсулотлар ташкил этади. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида сўнгги йилларда монопол корхоналар сони икки баравардан ортиққа камайди».<sup>1</sup>

Шу билан бирга, олдимизда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар монополиясининг иқтисодиёт рақобатбардошлигига салбий таъсирини янада камайтириш, имтиёз ва преференциялар бериш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек тадбиркорлик субъектларига нисбатан тартибга солиш юқини пасайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турибди.<sup>2</sup>

Шунга кўра, Ўзбекистонда 2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. Мазкур Стратегияда мамлакат иқтисодиётидаги рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган тизимли муаммолар алоҳида белгилаб берилди (7.4-расм).


7.4-расмда ифодаланган ҳар бир муаммога алоҳида тўхталиб ўтамыз.

**1. Давлатнинг иқтисодиётдаги ҳаддан зиёд юқори иштироки.** Хўжалик юритувчи субъектларнинг давлатга тегишлилиги ва давлат томонидан назорат қилиниши масаласи қонун ҳужжатларида тартибга солинмаганлиги туфайли давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки даражасини аниқлашда қийинчиликлар сақланиб қолмоқда.

Бозор муҳитининг ривожланмаганлиги ва давлатнинг иқтисодиётдаги ҳаддан зиёд юқори иштироки давлат иштирокидаги алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарасизлигига олиб келмоқда, бу эса «ўзаро кесишувчи» субсидиялаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, пре-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонида 1-илова. 2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси. – <https://lex.uz/docs/4887654#4889230>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2020 йил 6 июль, ПФ-6019-сон. – <https://lex.uz/docs/4887654#4889230>



7.4-расм. Мамлакат иқтисодиётидаги рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган тизимли муаммолар<sup>1</sup>

ференциялар, имтиёзли кредитлар тақдим этиш кўринишидаги давлат кўмаги орқали қопланмоқда.

Молия ва капитал бозорларида (биржа, марказий депозитарий, банклар) давлатнинг иштироки ва унинг ваколатларининг юқори концентрацияси сақланиб қолмоқда, бу эса манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармоқда ва бозор механизмларининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Масалан, фонд биржасидаги қимматли қоғозлар операциялари бўйича ҳисоб-китоб хизмати давлатга тегишли «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖнинг монополияси ўрнатилган. Умуман олганда, банк секторининг 83 фоизи давлат иштирокида фаолият кўрсатмоқда.

**2. Нархларнинг ҳаддан ортиқ тартибга солиниши.** Бугунги кунда давлат томонидан нархларни тартибга солиш (декларация қилиш, тасдиқлаш, қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни), тартибга солиш коэффициентини, устама ва рентабелликнинг чегараланган даражасини ўрнатиш ва нархни тартибга солишнинг бошқа усуллари) юқори ҳисобланади.

Монопол корхоналар ва табиий монополия субъектлари томонидан фойдаланилаётган харажатларга асосланган нархларни шакллантириш усули харажатларга минимал фойдани кўшиш схемасидан иборат бўлиб, у харажатларнинг асосиз ўсишига ундайди, ишлаб чиқариш тан-

<sup>1</sup> Қуйидаги манба асосида тайёрланган: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонида 1-илова. 2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси. – <https://lex.uz/docs/4887654#4889230>

нархининг пасайишини рағбатлантирмайди, харажатларнинг ўсиши эса, нархлар ва тарифларнинг истеъмолчилар учун тўғридан-тўғри ошириш ҳисобига қопланади.

**3. Имтиёз ва преференциялар тақдим этишнинг самарасизлиги.** Давлат кўмагини кўрсатишнинг монополияга қарши тартибга солиш воситалари мавжуд эмаслиги берилаётган имтиёз ва преференцияларнинг самарасизлигига олиб келмоқда ва рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг салмоқли қисмига солиқ имтиёзларининг берилиши товар ва молия бозорларида тенг бўлмаган шароитларни вужудга келтиради.

**4. Бизнес субъектларига тартибга солиш юқининг юқорилиги ва тармоқни тартибга солувчи органларнинг ўз соҳасида рақобатни ривожлантиришдан манфаатдор эмаслиги.** Вазирлик ва идораларнинг ўзлари томонидан тартибга солинадиган тармоқларда рақобатни ривожлантириш бўйича фаолияти сустлигича қолмоқда. Иқтисодиёт соҳасида давлат органлари орасида ўз соҳасида рақобатни ривожлантириш бўйича тўғридан-тўғри функциялар юклатилганлари жуда оз салмоқни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини ва рақобат муҳитига таъсирини баҳолашнинг тўлақонли тизими татбиқ этилмаган.

**5. Табиий монополия ҳолатини суниистеъмол қилиш.** Чекланган рақобат муҳитига эга бўлган бозорларнинг, биринчи навбатда, табиий монополиялар соҳаларининг мавжудлиги ўзаро боғлиқ бўлган бозорларга таъсир қилиб, аксарият ҳолларда, уларни монополлаштиради.

Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, табиий монополия субъектларига табиий монополия соҳасига киритилмаган товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларидаги рақобатни чеклаш учун ўз мавқеидан фойдаланиш ман этилганлигига қарамасдан, бугунги кунда бир қатор ўзаро боғлиқ рақобатни таъминлаш имконияти мавжуд бўлган бозорлар, мисол учун, темир йўллари транспорти соҳасида – темир йўллари чипталарини сотиш, юк вагонларини таъмирлаш, вагон-ресторанлар хизматлари, вагонларни тозалаш ва бошқа бозорлар амалда монополлаштирилган.

**6. Рақобатга қарши ҳаракатларга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллашмаганлиги.** Бозорга кириш учун тўсиқларни бартараф этишда, йирик корхоналар монополиясига ва «картель» келишувларга қарши курашишда, инсофсиз рақобатнинг олдини олишда таъсирчан механизмлар мавжуд эмас ва амалда монополияга қарши органнинг қарорлар қабул қилишда мустақиллиги чекланган.

Рақобатни чеклашга йўл қўймаслик бўйича превентив ва олдини олувчи чоралар тизими шаклланмаган, йирик корхоналарни қўшиб юбо-

риш ва қўшиб олиш бўйича битимлар устидан таҳлил ўтказиш ва самарали монополияга қарши назоратни амалга ошириш механизми ўрнатилмаган, савдолар жараёнида рақобатни чеклашнинг олдини олишнинг ҳуқуқий механизмлари самарасизлигича қолмоқда, монополияга қарши орган фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари ишлаб чиқилмаган.<sup>1</sup>

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган айрим муаммоларнинг миқдорий жиҳатдан ифодасини қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (7.7-жадвал).

«Шу ўринда бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Иқтисодий фаоллик ва аҳоли даромадлари ўсгани сайин, энергия ресурсларига бўлган талаб ортиб боради»<sup>1</sup>, деб таъкидлайди Президентимиз ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида.

7.7 - ж а д в а л

Рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган айрим муаммоларни ифодаловчи кўрсаткичлар<sup>2</sup>

Муаммо тўналиши	Муаммони ифодаловчи айрим кўрсаткичлар	Қиймати
Давлатнинг иқтисодиётдаги ҳаддан зиёд юқори иштироки	Давлат улушига эга ёки давлат улушига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан назорат қилинувчи монопол ташкилотлар салмоғи	Монопол ташкилотларнинг 80 фоизи
	Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобат ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган давлат унитар корхоналари (ДУК) ва шуъба корхоналар кўринишида ўзларининг назорати остидаги тузилмаларни ташкил этиши	Жами корхоналар сони 4300 тадан ортиқ, шу жумладан: – акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятлари шаклида – 1300 тадан ортиқ; – давлат унитар корхонаси шаклида – 1 800 тадан ортиқ; – уларнинг аффилиланган шахслари – 1100 тадан ортиқ.
Нархларнинг ҳаддан ортиқ тартибга солиниши	Давлат томонидан нархларни тартибга солиш қўлланилувчи товар ва хизматлар	30 дан ортиқ
	Табий монополиялар соҳасида тартибга солинувчи товар (иш, хизмат)лар	10 хил турда
	Тартибга солишда истеъмолчилар ва етказиб берувчилар тоифалари, шунингдек, ҳудудий принципга қараб ўрнатиладиган нарх даражалари	137 хилда

<sup>1</sup> 2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармониغا 1-илова. – <https://lex.uz/docs/4887654#4889230>

<sup>2</sup> Қуйидаги манба асосида тайёрланган: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармониغا 1-илова. 2020-2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси. – <https://lex.uz/docs/4887654#4889230>

Муаммо луналиши	Муаммони ифодаловчи айрим кўрсаткичлар	Қиймати
Имтиёз ва преференциялар тақдим этишнинг самарасизлиги	Сўнги йилларда солиқ имтиёзлари берилган хўжалик юритувчи субъектлар сони	40 мингдан зиёд ёки фаолият юритаётган субъектлар умумий сонининг 12 фоизи
Бизнес субъектларига тартибга солиш юкининг юқорилиги ва тармоқни тартибга солувчи органларнинг ўз соҳасида рақобатни ривожлантиришдан манфаатдор эмаслиги	Ўз соҳасида рақобатни ривожлантириш бўйича тўғридан-тўғри функциялар юклатилган давлат органлари сони	Мавжуд 38 та давлат органидан 11 тасига
	Тадбиркорлик субъектларининг бозорларга киришида сақланиб қолаётган сунъий тўсиқлар	– амалдаги 61 тага яқин лицензиялар доирасида 266 тадан ортиқ фаолият турининг лицензияланиши; – 137 турдан ортиқ рухсат бериш тартиб тамойилларини назарда тутувчи қийин ва мураккаб лицензиялаш тизими; – бизнесга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи 6 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва 40 мингга техник жиҳатдан тартибга солувчи ҳужжатлар
	Ўзбекистонда охириги йилларда тўғридан-тўғри инвестициялар соф оқими кўрсаткичининг пастлигича қолаётгани	ЯИМга нисбатан 0.5–1.2 фоизни ташкил этмоқда
	Иқтисодий эркинлик индексида мамлакатимиз эгаллаган ўрнининг пастлиги	180 та давлат орасида 114-ўринни эгалламоқда
	Инвестиция фаолиятини эркинлик индикатори бўйича кўрсаткич салмоғининг пастлиги	100 дан 20 га тенг

Энергетика иқтисодиётнинг, умуман, тараққиётнинг қон томири ҳисобланади. Шу боис мазкур соҳани ривожлантириш ўта долзарб. Мамлакатимизда бугунги кунда жами ўрнатилган қувватлар<sup>1</sup> 14 минг мегаваттга тенг электр станциялари мавжуд бўлиб, бу талаб 2030 йилга бориб 20 минг мегаваттга етади. Яъни бугунги электр энергиясига бўлган йиллик эҳтиёж 59–60 млрд кВт/соат бўлган бир вақтда, 2030 йилга бориб ушбу кўрсаткич 107 млрд кВт/соатни ташкил этади.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши ва аҳоли эҳтиёжлари ўсиши натижасида электр энергиясига бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. 2000 йилда бир нафар маиший фойдаланувчи бир ойда 114 кВт/соат электр энергияси ишлатган бўлса, охириги йилларга келиб бу кўрсаткич 200 кВт/соатга етди. Бугунги кунда республикаимиз бўйича

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. – [https://www.uz.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-mazhlisga-murozhaatnomasi\\_198650](https://www.uz.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-mazhlisga-murozhaatnomasi_198650)



электр энергиясидан умумфойдаланишда аҳоли улуши 26,5 фоизга етган. Ваҳоланки, 1990 йилда ушбу кўрсаткич 13,9 фоиздан иборат эди.

Электр энергияси ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларнинг асосий қисмини табиий газ, мазут, кўмир ташкил этмоқда. Мазкур кўрсаткич ҳозирда 43 фоизга тенг ва уларнинг нархи дунё бозорида қимматлашиб бораётгани инобатга олинса, унинг аҳамияти янада ошади. Мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг 86 фоизи иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Ушбу иссиқлик электр станцияларида йилиги 17 млрд м<sup>3</sup>табиий газ сарфланмоқда, ваҳоланки, шунча газни қўшимча қиймат яратиш (синтетик ёқилғи, полипропилен олиш) жараёнларига йўналтириш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий муаммоларни ҳам (аҳоли бандлиги, атроф муҳит муҳофазаси) ҳал этиш имкониятларини яратади.<sup>1</sup>

Президентимиз мамлакатимиздаги энергия ресурсларига бўлган талабни қондириш мақсадида нефть-газ ва энергетика соҳаларидаги ислохотларни ва бошланган йирик лойиҳаларни якунига етказишимиз лозимлигини, жумладан, 2021 йилда давлат ва хусусий электр станциялари ҳамда истеъмолчилар ўртасида электр энергияси улгуржи бозорини шакллантириш бошланишини қайд этиб ўтди.

Хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланган. Келгуси йили Тошкент, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида жами қуввати 760 мегаватт бўлган янги электр станциялари ишга туширилиши, Қашқадарё вилоятида умумий қиймати 3 миллиард 600 миллион доллар бўлган, йилига 1,5 миллион тонна керосин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган мажмуа тўлиқ маҳсулот беришни бошлаши бу соҳада муҳим қадамлар қўйилганлигидан дарак беради.

Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда ёқилғи-энергия ресурслари барқарор ривожланишнинг энг мураккаб ечимларидан бири бўлиб қолмоқда. Энергия ресурслари омили жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб борди ва мамлакатларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун зарур шартлардан бирига айланди. Энергия манбаларидан самарали фойдаланиш ва узлуксиз таъминот жамият тараққиёти, камбағалликни қисқартириш, фаровонликни ошириш, аҳолининг маданий ва маънавий ривожланишида асосий омил бўлиб қолмоқда.

<sup>1</sup> Хушвақтов И., Аминов Н. «Яшил энергетика» Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги ишлар ривожига нималар тўсқинлик қилмоқда? – <http://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/31244/>

Ўзбекистон Республикасининг энергетика сиёсати мамлакат энергетика хавфсизлигини таъминлаш ҳамда миллий энергетика имкониятларидан жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши учун фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат аҳолисини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантиришга қаратилгандир.<sup>1</sup>

Мурожаатномада табиий газ таъминотида монополияни бекор қилиб, бозор механизмларини жорий этиш, бунда ишлаб чиқарувчи ва импортёрларга биржа орқали табиий газни сотиш, улгуржи истеъмолчилар эса газни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши, «Ўзтрансгаз» компанияси эса фақат газни транспортировка қилиши кўзда тутилаётгани маълум қилинди.

Шунингдек, Мурожаатномада суўлтирилган газ бозорида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш мақсадида унинг импортига ўрнатилган божлар бекор қилиниши, заргарлик соҳасида ҳам тадбиркорларга хомашё сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратилиши, 2021 йил 1 мартдан бошлаб, кумушни биржа орқали ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиш тартиби ўрнатилиши таъкидланди.

Автомобиль саноатида соғлом ракобат муҳитини ривожлантириш ва корхоналарга тенг шароитлар яратиш орқали соҳада ишлаб чиқарувчилар сони кўпайтирилади.

Ўзбекистонда инвестицион дастурлар 2020 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2020–2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4563-сон Президент қарори билан тасдиқланган. Қарорга асосан, Ўзбекистон Республикасининг 2020–2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурида 850,5 трлн сўм инвестициялар, шу жумладан, 35,5 млрд АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган. Ундан ташқари 2020 йилда 206 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ва 31 мингдан зиёд иш ўринлари яратилишини назарда тутовчи йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларини ишга тушириш манзилли дастури кўрсатилган.

Шунингдек, 2021 йилдан бошлаб озиқ-овқат, нефть ва электротехника каби тармоқларда 73 та акциз солиғи бекор қилиниши кўзда тутилмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистонда 2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида ракобатни ривожлантириш стратегияси самарадорлигининг

<sup>1</sup> Алимов О. Ёқилғи-энергетика соҳасидаги янгича сиёсат – барқарор ривожланиш ва тараққиёт асоси. – [https://uza.uz/uz/posts/yoqilgi-energetika-sohasidagi-yangicha-siyosat-barqaror-rivozhlanish-va-taraqqiyot-asosi\\_217647](https://uza.uz/uz/posts/yoqilgi-energetika-sohasidagi-yangicha-siyosat-barqaror-rivozhlanish-va-taraqqiyot-asosi_217647)

2024 йилга қадар эришиладиган Стратегия самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичлари<sup>1</sup>

№	Кўрсаткич номи	Қиймати
1.	Монополлашган товар бозорлари сонини камайтириш	Камида 45 фоизга
2.	Монопол корхоналар сонини қисқартириш	40 фоизга
3.	Монопол корхоналарда монополияга қарши компаенс тизимини жорий қилиш	Камида 80 фоизда
4.	Иқтисодиётда тақдим этилган имтиёзлар ҳажмини камайтириш	ЯИМ кўрсаткичига нисбатан 10 фоизгача
5.	Эксклюзив ҳуқуқлар ва преференцияларни тақдим этишни кўзда тутган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш	Камида 60 фоизини
6.	Иқтисодий эркинлик индексида Инвестицион фаолият эркинлиги индикатори бўйича кўрсаткични ошириш	20 дан 80 гача
7.	Глобал рақобатбардошлик индексида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши ва унинг кўрсаткичларини яхшилаш	Изчил равишда
8.	Товар, молия ва рақамли бозорлар иштирокчилари сонини ошириш	Камида 25 фоизга
9.	Давлат харидлари иштирокчилари сонини ошириш	40 фоизга
10.	Давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки кўрсаткичини пасайтириш	ЯИМ кўрсаткичига нисбатан 40 фоизгача
11.	«Тартибга солиш гильотина» усулидан фойдаланган ҳолда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлардаги тадбиркорлик фаолиятини қийинлаштирувчи ва рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи нормаларни қисқартириш	Камида 30 фоизга

мақсадли кўрсаткичлари билан қуйидаги жадвал орқали танишиш мумкин (7.8-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидаги монопол бозорларда вужудга келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича изчил чораларнинг амалга оширилиши мамлакатимиздаги эркин рақобат муҳитини таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридагилардан ҳулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда товар ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорларга хомашё сотиб олиш учун тенг имкониятлар яратиш борасидаги чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши пировардида иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлиги мустаҳкамланишига замин яратади.

<sup>1</sup> Қуйидаги манба асосида тайёрланган: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонида 1-илова. 2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси. – <https://lex.uz/docs/4887654#4889230>

## ? ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишидаги қайси асосий тенденцияларни ажратиб кўрсатиш мумкин?
2. Қулай ишбилармонлик муҳити нима ва у ўз ичига қандай таркибий қисмларни олади?
3. Қулай ишбилармонлик муҳитининг кичик бизнес субъектлари фаолиятига таъсирини қандай баҳолаш мумкин?
4. Ўзбекистон Республикаси Президент Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қулай ишбилармонлик муҳитига оид қандай фикр-мулоҳазалар билдирилган?
5. Ҳаракатлар стратегиясида қулай ишбилармонлик муҳитини янада кучайтиришнинг қайси йўналишлари белгилаб берилган?
6. Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналиши ва чораларини изоҳлаб беринг.
7. Ўзбекистон иқтисодиётида эркин рақобат муҳитини шакллантириш борасида қандай ишларни амалга ошириш муҳим деб ўйлайсиз?
8. Тадбиркорлик фаолиятида тенг имкониятлар яратиш нимани англатади?
9. Ўзбекистонда рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган айрим муаммоларни ифодаловчи қандай кўрсаткичларни биласиз?
10. Ўзбекистонда 2024 йилга қадар эришиладиган Стратегия самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларини изоҳлаб беринг.

## ✓ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Нотўғри ифодаланган жавобни топинг: Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида урғу берилиши соҳанинг қуйидаги қатор жараёнларини таъминловчи омил сифатида баҳоланади:

- А. Иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш ва рағбатлантириш.
- Б. Йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланувчи маҳсулот ва хизматларни кооперация асосида етказиб бериш.
- С. Янги иш ўринларини яратиш ва иқтисодиётдаги иккиламчи бандликни таъминлаш.
- Д. Бозор тизимининг мослашувчанлигини пасайтириш. \*

2. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кенг жалб этилган инвесторлар таркиби тўғри кўрсатилган жавобни топинг:

А. Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, АҚШ тараққиёт банки (USADB), Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар.

Б. Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (KfW), Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар. \*

С. Европа тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (KfW), Россия Федерацияси ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар.

Д. Осиё тараққиёт банки, Сингапур тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (KfW), Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар.

### **3. Қулай ишбилармонлик муҳити – бу:**

А. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, самарали амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар мажмуидир. \*

Б. Мамлакатдаги иқтисодий муносабатларни ташкил этиш, самарали амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар мажмуидир.

С. Давлатнинг иқтисодий фаолиятини ташкил этиш, самарали амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар мажмуидир.

Д. Мамлакатдаги ишбилармонлар учун энг юқори имтиёзларни белгилаш, уларни солиқ тўлашдан озод этишдан иборат шарт-шароитлар мажмуидир.

### **4. Бизнес-омбудсман институти – бу:**

А. Бирлашган Миллатлар ташкилоти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили.

Б. Бирлашган Миллатлар ташкилоти ҳузуридаги Бизнесменлар ва омбудсманларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили.

С. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили. \*

Д. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Кичик бизнес корхоналарининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили.

### **5. Нотўғри ифодаланган жавобни топинг: Ўзбекистоннинг «Doing Business» халқаро рейтингдаги ўрнини яхшилашга қаратилган кўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:**

А. Тадбиркорлик субъектлари учун тўсиқларсиз кредит олишни таъминлаш.

Б. Қарздорлар ва кредиторларнинг таъминланган битимлар бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш, кредит маълумоти алмашинуви механизмларини такомиллаштириш;

С. Шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

Д. Электр таъминотига уланиш тизимини бепул қилиш. \*

#### 6. Рақобат муҳити – бу:

А. Бозор иштирокчилари, яъни сотувчи ва харидорлар имкон қадар юқори фойда ёки нафлиликни таъминловчи шарт-шароитларга эга бўлиш учун ўзаро кураши таъсирида иқтисодиётда вужудга келган ҳолат. \*

Б. Давлат идоралари имкон қадар юқори фойда ёки нафлиликни таъминловчи шарт-шароитларга эга бўлиш учун ўзаро кураши таъсирида иқтисодиётда вужудга келган ҳолат.

С. Бозор иштирокчилари, яъни сотувчи ва харидорлар ўртасида ўзаро иқтисодий битим ва келишув таъсирида иқтисодиётда вужудга келган ҳолат.

Д. Давлат рақобат қўмитаси ходимлари имкон қадар юқори фойда ёки нафлиликни таъминловчи шарт-шароитларга эга бўлиш учун ўзаро кураши таъсирида иқтисодиётдаги вужудга келган ҳолат.

#### 7. Ўзбекистонда 2024 йилга қадар эришиладиган Стратегия самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичлари нотўғри ифодаланган жавобни топинг:

А. Глобал рақобатбардошлик индексида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши ва унинг кўрсаткичларини яхшилаш.

Б. Товар, молия ва рақамли бозорлар иштирокчилари сонини ошириш.

С. Давлат харидлари иштирокчилари сонини қисқартириш. \*

Д. Давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки кўрсаткичини пасайтириш.

#### 8. Ўзбекистонда 2024 йилга қадар эришиладиган Стратегия самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичлари нотўғри ифодаланган жавобни топинг:

А. Монополлашган товар бозорлари сонини кўлайтириш. \*

Б. Монопол корхоналар сонини қисқартириш.

С. Монопол корхоналарда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий қилиш.

Д. Иқтисодиётда тақдим этилган имтиёзлар ҳажмини камайтириш.

#### 9. Ўзбекистонда рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган айрим муаммоларни ифодаловчи кўрсаткичлар нотўғри ифодаланган жавобни топинг:

А. Давлат улушига эга ёки давлат улушига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан назорат қилинувчи монопол ташкилотлар салмоғи.

Б. Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобат ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган давлат унитар корхоналари (ДУК) ва шўъба корхоналар кўринишида ўзларининг назорати остидаги тузилмаларни ташкил этиши.

С. Давлат томонидан нархларни тартибга солиш қўлланилувчи товар ва хизматлар.

Д. Табиий монополиялар соҳасида эркин ҳаракат қилувчи иқтисодий субъектлар. \*

**10. Ўзбекистонда рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган айрим муаммоларни ифодаловчи кўрсаткичлар нотўғри ифодаланган жавобни топинг:**

А. Тартибга солишда истеъмолчилар ва етказиб берувчилар тоифалари, шунингдек, ҳудудий принципга қараб ўрнатиладиган нарх даражалари.

Б. Иқтисодий эркинлик индексида мамлакатимиз эгаллаган ўрнининг юқорилиги. \*

С. Сўнги йилларда солиқ имтиёзлари берилган хўжалик юритувчи субъектлар сони.

Д. Инвестиция фаолиятининг эркинлик индикатори бўйича кўрсаткич салмоғининг пастлиги.





## VIII Б О Б

### РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ҲАМДА ТЕХНОПАРКЛАР ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

#### 8.1. ЭКРИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНА, ТЕХНОПАРК ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мамлакатимизда саноатни самарали ривожлантириш йўналишларидан бири эркин иқтисодий зона, кичик саноат зоналари (КСЗ) ва технопарклар ҳисобланади. КСЗ давлат мулки объектларининг фойдаланилмаётган майдонлари, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли қорхоналарнинг ишлатилмаётган ҳудудлари негизида яратилмоқда. КСЗлар давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни реал қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантиришни янги юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизнинг барча ҳудудларида, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2020 йил 1 январ ҳолатига кўра, 150 та КСЗ ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳудудида ҳар йили жами 1,7 триллион сўмдан ортиқ қийматдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган 1 691 та кичик қорхона фаолият юритади ва 27 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

КСЗ тушунчаси ва унда амалиётда фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги «Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 378-сонли қарори қабул қилингандан кейин пайдо бўлди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги «Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 134-сонли қарорига мувофиқ юқорида келтириб ўтилган 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли қарор ўз кучини йўқотган ва атамага шарҳ ҳамда низом янги тахрирда қабул қилинган.



Ҳозирча КСЗлар тўғрисида дарслик ёки монографиялар жуда кам. Интернет сайтларида жуда кўп мақолалар эълон қилинган бўлса-да, уларнинг деярли кўпчилиги оммабоп характерга эга бўлиб, уларда КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари назарий жиҳатдан ўрганилмаган. Шу сабабли, ҳозирги кунда, КСЗнинг таърифи ҳам аниқ берилмаган десак, тўғри бўлади.

Фақат кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомда КСЗга таъриф сифатида қуйидагилар келтирилган: зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган, муҳандислик коммуникациялари ўтказилган ва зарур инфратузилмага эга алоҳида худуд. Яна бир жойда КСЗ – иқтисодий ва индустриал ривожланиш бўлиб, маҳаллий ва халқаро бозорда рақобатбардошликни ошириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, уни сифатли товар ва хизматлар билан таъминлашга ўз хиссасини қўшади деб ёзилган.<sup>1</sup>

Биринчи таъриф кўпроқ амалиётга яқинлаштирилган бўлиб, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини танлов асосида жойлаштириш эътиборга олинмаган. Маълумки, КСЗлар худуди давлат мулки ҳисобланади ва у кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Бундай ўзгармас ўзига хос хусусиятлар таърифда ўз ифодасини топиши керак деб ўйлаймиз.

Иккинчи таърифда КСЗнинг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилган, ҳолос. КСЗга таъриф беришдан олдин хорижий давлатларда кенг тарқалган ва саноат ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишнинг самарали шакллари бўлган «Саноат зонаси», «Индустриал зона», Индустриал парк, Саноат комплекси ва кластер таърифларини ўрганамиз.

**Индустриал парк** деганда, алоҳида ишлаб чиқариш комплекси бўлиб, ягона ривожланиш концепцияси ва инфратузулмасига эга йўналиш бўйича хизмат кўрсатиш ва самарали ишлаб чиқаришни бошқарув компанияси томонидан таъминланувчи, фаолияти давлат томонидан кафолатланувчи ва имтиёз олиш имкониятига эга минтақа иқтисодиётининг ҳудудий таркиби элементи тушунилади. Индустриал паркнинг асосий базис элементлари саноат ишлаб чиқаришига мўлжалланган ер майдони мавжудлиги, бошқарув компанияси ва инфратузулманинг (муҳандислик, транспорт, молия ва ижтимоий) мавжудлиги, махсус иқтисодий шароитлар, ягона ривожланиш концепцияси, ресурслар ва сотиш бозорларига чиқиш имкониятлари мавжудлиги ҳисобланади.

<sup>1</sup> <https://www.google.com/search?q=кичик+саноат-зонал/>

Саноат зонасининг индустриал паркдан фарқи шундаки, бу ерда илгари саноат ва бошқа ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритган, кейинчалик қисман ёки бутунлай фаолиятини тўхтатган, лекин ер майдони, ишлаб чиқариш бинолари ва маълум даражада инфратузилма элементлари сақланиб қолган. Бундай ҳудудларда ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этиш кўзда тутилган.

Саноат зоналарининг устунликларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- кичик корхоналарнинг мослашувчанлиги, ташқи муҳитга мослашиши ҳамда уларнинг қўллаб-қувватланиши саноат зонасининг барқарор фаолиятини таъминлайди;
- инфратузилма, мутахассисларни тайёрлаш, хомашё материалларини сотиб олиш, махсус деталлар, оралик маҳсулотлар, ускуналарни олиш ва бизнесга хизмат кўрсатиш соҳасидаги харажатларнинг пастлиги;
- ижтимоий инфратузилма объектларидан фойдаланиш имкониятлари;
- ихтисослашув ва кооперацияни кучайтириш ҳисобидан ишлаб чиқариш соҳасида миқдёсли самарага эришиш.

Масалан, маълумки фирмада фойдаланилмайдиган ускуна бошқа фирма учун фойда олиш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин ёки маълум фирма ускунани сотиш орқали ўз молиявий ҳолатини яхшилаб олиши мумкин. Саноат зонасида жойлашган персонални тайёрлаш агентлигидан ишчи ёллаш очик меҳнат бозоридан ёллашга нисбатан арзон тушади.

Моддий ресурслар, керакли хомашё ва компонентларнинг маҳаллий таъминотчилардан сотиб олинishi, транспорт ва омборхона харажатларини тежашга олиб келади.

Бундай саноат зоналарининг асосий камчиликлари: зона фирмалари илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари молия соҳасида йирик фирмалар билан рақобатлаша олмади. Чунки кичик ва ўрта фирмаларнинг даромадлари катта бўлмаганлиги сабабли, илмий тадқиқотларга инвестиция киритиш чекланган.

**Индустриал паркларни кластер асосида ривожлантиришга** ҳам муҳим эътибор берилмоқда. Илмий адабиётларда кластерни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларига жуда кўп ёндашувлар мавжуд. М. Портернинг фикрича, кластернинг вужудга келиши кўп ҳолларда хомашё ресурсларини олиш имконияти бўлган жойлар билан боғлиқ бўлади, муҳим технологик инновациялардан фойдаланувчи фирма ва тадбиркорларнинг маълум бир жойда тўпланиши сабаб бўлиши мумкин. Йи-

рик корхоналар кластернинг ядроси ҳисобланади. Шу ядро атрофида кейинчалик махсус таъминотчилар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар барпо этилади. Кейинчалик кластерда таълим муассасалари, кластерга хизмат кўрсатувчи корхоналар пайдо бўлди. Кластерни шакллантириш бўйича халқаро тажрибага кўра (масалан, Хитойнинг автомобиль кластерини яратиш тажрибаси), бошида бир ёки бир неча йирик корхонадан иборат саноат зонаси ташкил этилади. Бу эса маълум даражада инфратузилма элементлари ва бошқа ёрдамчи ишлаб чиқаришлар барпо этилишига сабаб бўлади.

Кластерни яратишда энг муҳим масалалардан бири юқори малакали мутахассис кадрларни жалб этиш орқали кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, у маҳсулот ишлаб чиқаришдан тортиб, то уни бозорда сотишгача бўлган тўлиқ жараён йўлга қўйиши керак.

**Кластерни шакллантириш** табиий ҳолатда юз беради, бунинг учун, яъни кластернинг шаклланиши учун давлат яхши шароит яратиши лозим. Кластернинг устун томонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- трансакцион харажатларни камайтиришга олиб келади (ресурсларни бирлаштириш натижасида);
- синергия самараси вужудга келади (кластер қатнашчилар ўртасида кооперациянинг вужудга келиши асосида);
- инновацияларни ривожлантириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тезлашади.

Кластерларнинг салбий томонларини ифодаладиган бўлсак:

- ихтисослашув маҳсулот сифатини ошириш билан бирга кластерни заифлаштириши (маҳсулотга талабнинг камайиши) ҳам мумкин;
- тизимнинг ўзи билан ўзи бўлиб қолиш самараси (эффект замкнутости) пайдо бўлиши мумкин;
- ортиқча таъминланганлик (синдром самодостаточности) синдромининг пайдо бўлиш эҳтимоли мавжудлиги ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига олиб келади.

М. Портернинг фикрича кластер аниқ бирор соҳада ўзаро боғлиқ корхоналар ва йўлдош институтлар гуруҳи бўлиб, географик нуқтаи назардан ўзаро яқин жойлашган, улар умумий иш ва ўзаро ўриндошлик орқали ўзаро боғланган. Кластер – тадбиркорлик таркибининг тармоқ, ҳудуд бўйича ихтиёрий бирлашуви бўлиб, улар ўз маҳсулоти, хизмати рақобатбардошлигини ошириш ва минтақа иқтисодиёти ривожланишига таъсир кўрсатиш учун илмий ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимият органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

КСЗлар асосан шаҳарларда жойлашишини эътиборга олсак, уларни хомашё билан таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга таъсири, КСЗларнинг транспорт омили ва бошқа омилларни ҳисобга олганда, шаҳар ҳудудида кўп турдаги ишлаб чиқариш объектларини КСЗда жойлаштириш маълум қийинчиликларга олиб келиши мумкин.

КСЗларнинг жойлашувига қараб (шаҳар ўртасида ёки шаҳар четида), уларнинг қайси маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашувига қараб ишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, озик-овқат маҳсулотлари, тикув цехлари ва экологияга салбий таъсир кўрсатмайдиган ишлаб чиқаришни шаҳар ичидаги КСЗларда жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Химия соҳасига қарашли, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни, яъни атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш шаҳар четидаги КСЗларга жойлаштирилса, ўринли бўлади. Ҳар бир КСЗни ташкил этишда унинг жойлашувига, ишлаб чиқариш турига қараб хомашё билан таъминлаш, тайёр маҳсулотни сақлаш, транспортировка қилиш, ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга таъсири эътиборга олинishi КСЗ ихтисослигини танлашда муҳим ўрин тутади. Масалан, транспорт хизматининг ҳажми ошиб кетиши шаҳарда автомобиль тирбандлиги, ҳаво ифлосланишининг ошишига олиб келади.

Яна бир муҳим жиҳат, КСЗларни кластер асосида ташкил этишда давлатнинг кластер сиёсати бўлиши керак. Биринчи, қайси саноат тармоғи кластер ядросини ташкил этиши аниқланади, кейин оралиқ маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар танланади. Хомашё етказиб берувчилар, инфратузулма объектлари кетма-кет ишга туширилиши кластернинг табиий шаклланиши ва барқарор ишлашнинг таъминлайди.

Шуни айтиш керакки, барча давлатлар учун кластерни барпо этишнинг ягона унификациялашган механизми мавжуд эмас. Демак, ҳар бир ҳудуд учун кластерни барпо этиш бўйича асосланган дастур ишлаб чиқиш зарур.

- Ўзбекистон шароитида КСЗларда кластерни ташкил этиш босқичларини келтирамиз:
- Давлатнинг КСЗни стратегик ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш, яъни ишлаб чиқариладиган якуний маҳсулот турини аниқлаш (кластер ядросини аниқлаш).
- Якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий корхоналарни ва оралиқ маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни аниқлаш.
- Аутсорсинг бўйича ишларни қабул қиладиган кичик бизнес таркиби ва ишлар турини аниқлаш.

- Худудда ташкил этиладиган инфратузулма объектларини аниқлаш.
- Кластерни ривожлантириш марказини тузиш (инновацион инфратузилма ёки илмий тадқиқот институти ёки университет билан алоқа ўрнатиш).

Кластернинг шаклланиши учун давлат томонидан керакли шарт-шароитлар яратилиши муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

КБХТ субъектларининг танлов асосида КСЗга жойлаштириш, биринчидан, давлатнинг саноат сиёсатини амалга ошириш имконини яратади; иккинчидан, КСЗнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини оширади. Учинчидан, худудни хомашё, меҳнат ва молия ресурслари ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилади; тўртинчидан, худуддаги корхоналар ўртасида кооперацион алоқалар кучаяди ва бу ўз навбатида, синергетик самарага олиб келади.

КСЗларни барпо этишнинг асосий вазифалари:

- Худудларда бўш ётган ер ва бинолардан саноат ишлаб чиқаришда фойдаланиш.
- Саноат ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш.
- Янги қўшимча иш ўринларини яратиш.
- Худуд раҳбарларининг саноат сиёсатини амалга ошириш (саноат маҳсулотларининг устувор турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш).
- КСЗларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш орқали зонага илғор технологияга асосланган, рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўтовчи КБХТ субъектларини зонага жалб этиш.

Хориж инвестицияси иштирокидаги корхоналарни зонага жалб этиш. Зонадаги корхоналар ўртасида ва худудда жойлашган бошқа корхоналар ўртасида кооперацион алоқаларни ривожлантириш, зонада саноат кластерлари шаклланишига шароит яратиш.

Ўзбекистон саноатининг ривожланиш босқичлари қуйидаги расмда ёритилган. Ривожланиш босқичлари бешта босқични ўз ичига олади (8.1-расм).

КСЗларда саноат ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш жуда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига кўра, саноат мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Саноатнинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, енгил саноатни, қолаверса қолган барча тармоқ ва соҳаларнинг ривожланишига туртки беради, аҳолини иш билан таъминлайди ва даромадини оширади.

I	•(1991-1995 йиллар) бўлиб, бунда саноат салоҳиятини сақлаб қолиш, қазиб олувчи ва бирламчи қайта ишлаш саноатини ривожлантириш чора-гадбирларини амалга ошириш.
II	•(1996-2000 йиллар) бу босқичда қайта ишлаш саноатини, машинасозлик, енгил, озик-овқат саноатини ривожлантириш масалаларига эътибор берилганлиги тўғрисида фикр билдирилади.
III	•(2001-2005 йиллар) импорт ўрнини босувчи саноат тармоқларини ривожлантириш асосида экспортга йўналтирилган саноат ишлаб чиқариш соҳаларини барпо этиш, йирик саноат корхоналарини хусусийлаштириш, монопол корхоналар мавқини чеклаш, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш, уларни ислоҳ қилиш масалаларига эътибор берилган.
IV	•(2006-2010 йиллар) бу ерда асосий эътибор экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тармоқлараро ва тармоқ ичида саноат кооперациясини ривожлантириш масалаларига қаратилганлиги ёзилган.
V	•(2011-2016 йиллар) бу босқичда муаллифлар саноат тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялашни кучайтириш, саноат ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, импортни қисқартириш, истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалаларига эътибор берилганлиги тўғрисида тўхталиб ўтганлар.

8.1-расм. Ўзбекистонда саноат тармоқларининг ривожланиш босқичлари.<sup>1</sup>

Ривожланган мамлакатларда юқори технологияли ва илм кўп талаб қиладиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ҳамда кадрлар ва интеллектуал потенциалдан фойдаланиш асосида илмий ишлаб чиқаришнинг территориал тузилмаларини ривожлантириш базасида инновацияни рағбатлантириш мақсадида «технопарк» ва «технополис»лар ташкил этилади.

**Технологик парклар** (*technology park*) илмий-техника тараққиёти ютуқларини тижоратлашув жараёнини осонлаштиришга хизмат қилишга қаратилган.<sup>1</sup> Улар кичик ва унча катта бўлмаган шаҳарларга ижтимоий ишлаб чиқаришнинг аъъанавий структураси синаётган шароитда янги ихтисосликни топишга имкон бериши мумкин. Шунингдек, технопаркларнинг миллий иқтисодиётдаги роли қуйидагилар билан изоҳланади (8.2-расм).


Технопарк одатда, перспектив илмий ва технологик янгиликларни тижорат асосида ўзлаштириш билан банд бўлган венчур фирмаларга имтиёзли шароитда ижарага берилган ишлаб чиқариш корпуслари ва илмий лабораториялар йиғиндисидан иборат. ЭИХларнинг бошқа туридан фарқ қилиб, уларни очишга ҳокимият органларидан рухсат олиш шарт эмас. Технопаркларнинг кўпчилиги давлатдан ҳеч қандай ёрдам ҳам олмайди.

<sup>1</sup> Салимов Б.Т., Салимов Б.Б. Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий асосларини такомиллаштириш. Монография – Т.: Иқтисодиёт, 2020 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>2</sup> Вахтина Н., Долгова О. Технопарки как форма поддержки малого предпринимательства. (Опыт Голландии). // МЭМО. – 1996. №6. – С. 130–135.

Бугунги кунда технопаркларни яратишдан кўзланган мақсад ва вазифалар куйидагилардан иборат (8.1-жадвал).

Бугунги глобаллашув жарёнида ишлаб чиқариш, меҳнат ва савдо бозорлари интеграцияси, хомашё ўрнини босувчи воситалар ва таннархга таъсир этувчи бошқа омилларни топиш борасидаги ошкор-яширин, аёвсиз ва шиддатли рақобат замонида илм-фан, инновация, инвестиция, техника ва технология соҳалари иқтисодиётнинг локомотиви ҳисобланади.



8.2-расм. Миллий иқтисодиётда технопаркларнинг роли.<sup>1</sup>

8.1 - ж а д в а л

**Технопаркларни яратишдан кўзланган мақсад ва вазифалар<sup>2</sup>**

Тактик мақсадлар	Стратегик мақсадлар
Кредитни, капитални, инвесторларни қидириш	Ўрта тадбиркорлар тузилмаларини яратиш
Корхона тузиш бўйича асосий билимларни бериш	Янги корхоналар салоҳиятини ошириш
Тадбиркорларни персонал равишда қўллаб-қувватлаш	Худудда локомотив вазифасини бажарувчи ўсиш «короллари»ни яратиш
Тактик вазифалар	Стратегик вазифалар
Инфратузилма (транспорт, телекоммуникация) ни яхшилаш	Салоҳиятли хорижий инвесторлар учун плацдарм яратиш
Ишлаб чиқариш биноларини бериш	Иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизациялаш
Йирик хўжаликларни ликвидация ва приватизация қилишда ёрдам бериш	Илмий тадқиқот ишларини секинлашувига, «ақлларнинг оқими»га йўл қўймаслик
Грантларни қидириш	Халқаро илмий тадқиқот тизимларига қўшилиш
Илмий тадқиқот ишларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бўйича ишлаш	Децентрализация, худуднинг ўз-ўзидан жавобгарлигини ошириш
Хориждан келишув ва ҳамкорларни қидириш	Бандлар таркибини яхшилаш, кадрлар малакасини ошириш
Локал ва худудий илмий тадқиқот худудларини яратиш	Худуд имижини яхшилаш
Бандлар сонини ошириш	
Локал ва худудий илмий тадқиқот ишларини реклама қилиш бўйича ишлаш	

<sup>1</sup> Салимов Б.Т., Салимов Б.Б. Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий асосларини такомиллаштириш. Монография – Т.: Иқтисодиёт, 2020 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>2</sup> Жаҳон тажрибаси асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бунинг тасдиғини Япония, Хитой, Жанубий Корея каби қитъамиздаги ривожланган давлатларнинг ихтирочилик ишланмалари, рационализаторлик таклифлари йўналишларига салмоқли сармоялар киритиш орқали юксак натижаларга эришгани мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Технопарклар ҳам Марказий ва Шарқий Европанинг барча мамлакатларига муваффақиятли тарзда тарқалмоқда. Технопарклар ва бизнес инкубаторлар мавжуд илмий потенциални реализация қилиш, иқтисодиётнинг трансформациясини жадаллаштиришнинг ўта муҳим қуроли ҳисобланади.

Бунинг учун замонавий технологияга асосланган технологик маҳсулотларни чиқарувчи корхоналарни яратиш мўлжалланади. Бу региондаги технопарклар ўтган асрнинг 90-йиллар бошидан Ғарб мамлакатлари технопарклари тусини олди, яъни рақобатдош ўртача иқтисодий структураларни яратиш ва ривожлантириш учун база бўлиб борди.

Трансформация бўлаётган бу мамлакатлардаги турли хил шароитлар яратилаётган технопарклар учун ўзига хос мақсад ва вазифаларни аниқлашни тақозо этади. Улар регионнинг технологик потенциалини, регион иқтисодиётини структура жиҳатдан қайта қуришда самарали фойдаланишга хизмат қилади.<sup>1</sup>

## 8.2. ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Кичик саноат зоналари мураккаб иқтисодий тизимни ташкил этади ва унга жуда кўп омиллар таъсир қилади. Ушбу омилларни аниқлаш ва тизимлаштириш КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ҳамда КСЗлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ёндашувлари ва воситаларини танлашда муҳим ахборот базаси бўлиб хизмат қилади.

КСЗни ягона тизим сифатида ўргансак, уни барпо этиш ва ривожлантиришга таъсир қилувчи барча омилларни ҳисобга олишга тўғри келади. Бундай омиллар тизимни ташкил этувчи омиллар сифатида ўрганилади ва улар ички ва ташқи омилларга бўлинади. Атроф-муҳит ва жамиятнинг саноат зонасини барпо этишга таъсири ташқи омил сифатида кўриб чиқилади. **Ташқи омилларга** қуйидагиларни киритиш мумкин:

- *табиий* – иқлим (иқлим ўзгаришлари, географик жойлашув, экология талаблари, табиий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари) омиллари;

<sup>1</sup> The challenge of Free Economic Zones in Central and Eastern Europe. P. 417.



- *сиёсий* (геосиёсий ҳолат, сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, терроризм) омиллар;
- *ижтимоий* (ижтимоий ҳолат, аҳолининг бандлик даражаси, демографик ҳолат, аҳолини сотиб олиш қобилияти, аҳоли соғломлиги) омиллари;
- *давлат томонидан тартибга солиш омили*: (пул-кредит, бюджет-солик, давлатнинг божхона сиёсати, монополияга қарши сиёсат, ҳудудий иқтисодий сиёсат, давлат томонидан кичик бизнес ва иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва йўналишларини қўллаб-қувватлаш даражаси, фаолият турларини лицензиялаш ва маҳсулотни сертификатциялаш, ижтимоий ва миллий хавфсизликни таъминлашни амалга ошириш талаблари бажарилишини назорат қилиш);
- *ресурс омиллари* (керакли меҳнат ва моддий ресурсларни жалб этиш имконияти);
- *бозор омиллари*: рақобатчилар ва эркин рақобат муҳити мавжудлиги, маҳаллий истеъмолчиларнинг маҳсулотга талаби, умумун, республикада шу маҳсулотга бозор бўйича талаб мавжудлиги;

Тизимни ташкил этувчи **ички омилларга** қуйидагиларни киритиш мумкин:

- КСЗда жойлашган корхоналарнинг ўзаро иқтисодий муносабатда бўлиши;
- рақобатлашув бўйича алоқалар саноат зонаси таркибидаги корхоналар ўртасидаги рақобат даражаси ва шу билан бирга бошқа корхоналар билан бўлувчи рақобат даражаси;
- кооперацион алоқалар, саноат зонаси таркибидаги КБХТ субъектлари ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари, КСЗ дан ташқарида бўлган корхоналар билан бўладиган ишлаб чиқариш бўйича алоқалар;
- корхоналарнинг инновацион фаоллигини билдирувчи инновацион алоқалар, корхоналарнинг илмий тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасидаги, инновацияларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, тарқатиш билан боғлиқ алоқалар;
- малакали кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари билан алоқалар.

Таъсир кўрсатиши бўйича **омилларнинг муҳимлигига қараб таснифлаш** мумкин: **доминант омиллар**, яъни КСЗнинг ривожланишига муҳимлиги бўйича критик таъсир қилувчи омиллар ва иккинчи даражали омилларга (ривожланиш учун муҳим бўлса-да, лекин таъсири муҳимлиги биринчи даражада бўлмайди), **мазмун** бўйича кўриб чиқсак, ис-

тикболли омиллар (таъсири истиқболда муҳим аҳамият касб этади) ва жорий саноат зоналари бугунги босқичда ривожланиши учун муҳим ҳисобланади.

Бу омилларни таснифлашда ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Омилларни таснифлаш бўйича ёндашувлардан бири ишда шундайки, ушбу ёндашувга кўра, **омиллар куйидаги омилларга бўлинади:**

- **ишлаб чиқариш омиллари** – ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, ишлаб чиқариш турлари ва ускуналар тури, асосий фондларнинг эскириш даражаси;
- **моддий-техника таъминоти омиллари** – материаллар захираси ва уни ошириш имкониятлари, хомашё таъминоти билан шуғулланувчи корхоналарнинг имкониятлари, ишончлилиги, муқобил таъминотчилар мавжудлиги;
- **маркетинг омиллари** – маҳсулотга талаб ҳажми ва талабнинг барқарорлиги, муқобил бозорлар мавжудлиги ва уларнинг сифими;
- **кадрлар омили** – малака даражаси, иш ҳақи даражаси, кадрлар сифати, кадрлар жинси, ёши;
- **молиявий оми** – молия маблағларини жалб этиш усули ва шакллари, кредит ресурслари мавжудлиги;
- **илмий тадқиқот омили** – илмий тадқиқот имкониятлари ва унинг сифати, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига сарфланувчи харажатлар.

Ушбу ёндашувга кўра ҳам барча омиллар ташқи ва ички омилларга, тартибга солинадиган ва солинмайдиган, аниқ ва ноаниқ омилларга бўлинади. Юқоридаги ёндашувлардан ташқари бошқа ёндашувлар ҳам мавжуд. **Ташқи омилларга** макроеқтисодий, демографик, ижтимоий, технологик, сиёсий-ҳуқуқий, инфратузилма ва талаб омили киритилади. **Ички омиллар** эса молиявий-иқтисодий, ишлаб чиқариш-технологик, кадрлар ва бошқарув, моддий таъминот омилларига бўлинади.

Шундай қилиб, омиллар тақлилига кўра, кўпчилик муаллифлар омилларни ташқи ва ички омилларга ажратадилар. Ўз навбатида, бу омиллар гуртга: иқтисодий, технологик, ижтимоий ва сиёсий гуруҳга ажратиб кўрсатилмоқда.

Юқоридаги омилларни умумлаштириш ва тизимлаштириш орқали КСЗни барпо этиш ва ривожлантиришга таъсир этувчи куйидаги омиллар таснифини таклиф этиш мумкин: юқоридаги ёндашувларни умумлаштириш ва тизимлаштириш КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар таснифини тузишга асос бўлган. (8.2-жадвал)

КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар таснифи<sup>2</sup>

Ташқи омиллар	Ички омиллар
<p><b>Табиий омиллар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• иқлим ўзгаришлари;</li> <li>• географик жойлашуви;</li> <li>• экология талаблари;</li> <li>• табиий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари (хомашё ресурслари захираси ва уни ошириш имкониятлари, хомашё таъминоти билан шуғулланувчи корхоналарнинг имкониятлари, ишончилиги, муқобил таъминотчиларнинг мавжудлиги, бозорда ўриндош ресурслар мавжудлиги).</li> <li>• <b>Меҳнат ресурслари:</b> малакали кадрлар билан таъминлаш имкониятлари (малака даражаси, иш ҳақи, даражаси, жинси, ёши).</li> <li>• <b>Маркетинг омили:</b> маҳсулотга талаб ҳажми, талабнинг барқарорлиги, ташқи талаб (маҳсулотни экспорт қилиш, экспорт қилиш имкониятлари).</li> <li>• <b>Давлат томонидан тартибга солиш омили:</b> пул-кредит, бюджет-солиқ, давлатнинг божхона, монополияга қарши сиёсати, ҳудудий иқтисодий сиёсати, давлат томонидан кичик бизнесни, иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва йўналишларни қўллаб-қуватлаш даражаси, фаолият турларини лицензиялаш ва маҳсулотни сертификациялаш.</li> <li>• <b>Молиявий омил:</b> молиявий ресурсларни жалб этиш имконияти, фоиз ставкаси, молиявий лизинг хизматидан фойдаланиш имконияти, КСЗларни барпо этишда давлат-хусусий сектор шерикчилигидан фойдаланиш.</li> <li>• <b>Бозор омили:</b> рақобатчи корхоналар мавжудлиги, рақобат муҳити, ўриндош товарлар мавжудлиги, суғурталаш хизмати.</li> <li>• <b>Технологик:</b> юқори унумдорли, ривожланган хорижий давлатлар технологияларини олиш имкониятлари, хорижий корхоналар билан қўшма корхона тазиш имкониятлари, КСЗга хорижий инвестицияларини жалб этиш имкониятлари</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Инфратузилма элементлари мавжудлиги:</b> газ, сув, электр энергияси, КСЗни магистрал транспорт йўлларига чиқиш йўллари мавжудлиги;</li> <li>• <b>КСЗ да жойлашган корхоналарнинг ўзаро иқтисодий муносабатлари:</b> КСЗ таркибидаги корхоналар ўртасидаги рақобат даражаси ва шу билан бирга бошқа ташқи корхоналар билан бўладиган рақобат даражаси.</li> <li>• <b>Кооперацион алоқалар:</b> КСЗ таркибидаги корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари, КСЗдан ташқаридаги корхоналар билан бўладиган ишлаб чиқариш бўйича алоқалар; корхоналарнинг инновацион фаоллигини билдирувчи инновацион алоқалар, корхоналарнинг илмий тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасидаги инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва уларни тарқатиш билан боғлиқ алоқалар.</li> <li>• <b>Ижтимоий омил:</b> КСЗ да овқатланиш учун ошхона, дўкон, медицина хизмати, автомобиль турар жойи, почта хизмати.</li> <li>• <b>Ахборот омили:</b> илғор, унумдор технологиялар, инновациялар тўғрисида ахборот олиш имконияти, патентлар бозоридан фойдаланиш бўйича ахборот, бозор конъюктураси тўғрисида ахборот олиш, маҳсулот экспорти билан шуғулланувчи корхоналар тўғрисида, илмий тадқиқот ва малакали кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари тўғрисида ахборот олиш имкониятлари.</li> <li>• <b>Инновацион омил:</b> янги технологияларни яратиш имконияти, янги маҳсулотни ишлаб чиқариш (маҳсулот инновацияси); мавжуд технологияни янгилаш ва унинг самарадорлигини ошириш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш (жараён инновация)</li> </ul>

Ушбу таклиф этилаётган омиллар таснифи КСЗларни барпо этиш ва ривожланишига таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олади (8.3 расм).

<sup>2</sup> Салимов Б.Т., Салимов Б.Б. Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий асосларини такомиллаштириш. Монография – Т.: «Иқтисодиёт», 2020.

Омилларнинг таъсир кўрсатиши бўйича муҳимлиги нуқтаи назаридан қарасак, биз юқоридаги етакчи олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда, инновация омилини биринчи ўринга қўямиз.

**Инновацион омил** бу корхоналарнинг истиқболда ривожланишини таъминловчи асосий, ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Инновация омилдан тўлақонли фойдаланиш катта маблағ билан боғлиқ бўлгани учун КСЗларда бу омилдан фойдаланиш жуда паст даражада, дейиш мумкин. Ҳозирги кунда КСЗларни ривожлантириш, рақобатбардош ва экспорт-бон маҳсулот ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан кичик бизнес субъектлари томонидан фойдаланилаётган технология, ускуна ва малакали кадрларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Янги, илғор хорижий давлатларда ишлаб чиқилган технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйган кичик бизнес субъектлари барқарор фаолият юритишга эришиши мумкин. Шу сабабли КСЗларда фаолият юритувчи кичик бизнес субъектларининг олдида турган асосий тўсик, бу уларнинг даромади пастлиги, янги самарали хорижий технологияларни сотиб олиш имкониятлари, илмий тадқиқот ишларига инвестиция киритишнинг чекланганлигидир. Натижада, зона қатнашчиларининг кўпчилик қисми эскирган, ортиқча харажат талаб этувчи ускуна ва технологиялардан фойдаланишига тўғри келмоқда. Бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш учун КСЗ корхоналарини модернизация қилиш, эскирган асосий фондларни янги технология ва ускуналар билан алмаштириш зоналарнинг иқтисодий ривожланишини таъминловчи йўллардан бири бўлади.

КСЗнинг ички тизимни ташкил этувчи омилларга рақобатлашув алоқалари, кооперацион алоқалар, молиявий ва ахборот омилларини киритиш мумкин.

**КСЗлар ривожланишига энг кучли таъсир этувчи омиллар** сифатида янги технология ва инновация омиллари, ахборот, молиявий ва юқори малакали кадрлар билан таъминлаш омилларини ўрганиш мумкин. Бу ерда **янги технология омили** деганда, ривожланган хорижий давлатларда фойдаланилаётган замонавий технологиялардан фойдаланиш тушунилади.


Агар корхона бирор инновацион фаолият билан шуғулланса, уни инновацион фаол корхона дейиш мумкин. Умуман **инновацион фаол корхона** деганда, корхонанинг фаолияти соҳаларидан бири ишлаб чиқаришга янги самарали технологиялар, ускуналарнинг янги моделини жалб этиш, келажакда барқарор талабга эга янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этувчи корхона тушунилади.

**Шумпетернинг** фикрига кўра, **инновация** – ўзгаришлар бўлиб, унинг мақсади янги турдаги истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, янги иш-

лаб чиқариш ва транспорт воситалари, бозорлар, саноатда янги ишлаб чиқариш шаклларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳисобланади.

**Портернинг** фикрича, инновация – янгиланиш бўлиб, у товар ёки ишлаб чиқариш жараёнини ўзгартиришда маркетингга янгича ёндашув, товарларни янгича тарқатиш йўллари ва рақобат соҳасида янги концепцияларда ўз ифодасини топиши мумкин.

Саноат соҳасида технологик **инновациялар** **икки тур**: маҳсулот инновацияси ва жараён инновациясига бўлинади. Технологик инновациядан фойдаланиш ҳозирги вақтда саноат корхоналари учун нафакат «яшаб кетиш», балки самарали ривожланиш шарти ҳисобланади.



8.3-расм. Кичик саноат зонасини барпо этиш ва ривожлантиришга таъсир этувчи омилар тизими.<sup>1</sup>

Маҳсулот инновацияси деганда янги технология ва янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий этилиши тушунилса, жараён инновацияси мавжуд технологияларни такомиллаштириш асосида уларнинг самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини оширишга олиб келади. Ўзбекистон шароитида илгари фойдаланилмаган янги, унумдорлиги юқори бўлган хорижий технологиялардан фойдаланишни жараён инновацияси дейиш мумкин. Худди шундай саноат корхоналари технологияси, ускунасини янги, илгор хорижий қисмлар ёрдамида модернизация қилишни ҳам жараён инновациясига киритиш мумкин.

<sup>1</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, республикамызда КСЗларда КБХТ субъектларидан, барқарор фаолиятини таъминлаш учун балки барқарор ривожланишини таъминлашда инновациянинг иккала туридан ҳам фойдаланиш асосий омил ҳисобланади.

### 8.3. РЕСПУБЛИКАДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Кичик саноат зоналари Ўзбекистонда ҳозирги шароитда шаклланиш жараёнидан ўтмоқда. Кичик саноат зоналарининг барпо этилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31 декабрдаги 2014 йил, 378-сонли Қарори билан тасдиқланган «Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом қабул қилингандан кейин бошланди. Кичик саноат зоналари Президент қарори ёки Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига кўра барпо этилади. 2020 йил ҳолатига кўра республикада жами 82 та кичик саноат зоналари фаолият юритган (8. 3-жадвал). Уларнинг умумий майдони 1243,4 гектарни ташкил этади. Амалга оширилган лойиҳалар сони—987 та, умумий қиймати 2248,9 млрд сўм. Хорижий инвестиция фақат Тошкент шаҳрига тўғри келади ва у 13,35 млн АҚШ долларига тенг. Яратилган иш ўринлари 38283 та. Энг кўп кичик саноат зоналари Тошкент вилоятида — 17 та, ва Самарқанд вилоятида — 14 та. Энг кам кичик саноат зоналари: Андижон ва Сирдарё вилоятларида — 3 тадан, Фарғона вилоятида — 4 та, Жиззах ва Хоразм вилоятларида — 5 тадан. Бухоро, Наманган ва Навоий вилоятларида кичик саноат зоналарини барпо этиш жараёнлари давом этмоқда.

Худудлар бўйича ажратилган умумий ер майдонлари ҳам турлича. Энг кўп ер майдони Сирдарё вилоятига (546,5 гектар), Қорақалпоғистон Республикаси (205,7 гектар) ва Тошкент вилоятига (104,9 гектар) тўғри келади. Энг кам ер майдони Андижон вилоятига (17,4 га), Фарғона (17,8 га) ва Хоразм (15,6 га) вилоятларига тўғри келади. Ўртача ҳар бир кичик саноат зонасига тўғри келувчи умумий ер майдонини ўргансак, бу кўрсаткич республика бўйича 15,2 гектарга тенг. Ушбу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 29,4 гектарни ташкил қилади, Сирдарё вилоятида — 5,2 гектар ва Хоразм вилоятида 3. 2 гектарни ташкил этади.

Амалга оширилган лойиҳалар бўйича ўргансак, энг кўп лойиҳа Тошкент шаҳрига тўғри келади (656 та лойиҳа) ва Андижон вилоятига

Худудлар кесимида кичик саноат зоналари ҳолати таҳлили

	А с о с: Президент қарори, Вазирлар Маҳкамаси қарори	Фаолият юри- табтган кичик саноат зона- лари сони	Умумий май- дон, га	Амалга оширилган лойиҳалар			Яратил- ган иш ўринла- ри сони
				Сони	Умумий қиймати млрд сўм	млн долл.	
Қорақалпоғистон Республикаси	ПҚ-2803, 28.02.2017; ПҚ-3588, 06.03.2018.	7	205,7	8	8,7		154
Андижон	ВМҚ-588, 04.08.2017	3	17,4	38	83,4	8,3	10221
Жиззах	ВМҚ-352, 05.06.2017; ВМҚ-897, 08.11.2017.	5	33,6	41	295,7	29,5	1716
Қашқадарё	ПҚ-3536, 29.03.2018	7	29,8				
Самарқанд	ПҚ-3607, 16.03.2018	14	53,1				
Сурхондарё	ПҚ-3636, 29.03.2018	9	55,1				
Сирдарё	ПҚ-2860, 30.03.2017; ВМҚ-589, 04.08.2017.	3	546,5	79	483,7	36,3	3058
Тошкент	ПҚ-3194, 10.08.2017	17	104,9	116	439,8	45,8	4710
Фарғона	ВМҚ-672, 25.08.2017	4	17,8	49	114,9		2527
Хоразм	ПҚ-3513, 06.02.2018	5	15,6				
Тошкент шаҳри	ПҚ-2973, 18.05.2017; Тошкент шаҳар ҳоқими қарори №1161, 29.12.2016	8	163,9	656	822,7	13,35	15897
<b>Жами</b>		<b>82</b>	<b>1243,4</b>	<b>987</b>	<b>2248,9</b>	<b>133,25</b>	<b>38283</b>

Ма н б а: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

(38 лойиҳа). Яратилган иш ўринлари бўйича ҳам Тошкент шаҳри етакчи ўринни эгаллайди (15897 та).

АҚШ долларларида киритилган инвестициялар, асосан Тошкент вилоятига (45,8 млн доллар), Сирдарё вилоятига (36,3 млн доллар), Жиззах (29,5 млн доллар), Андижон (8,3 млн доллар), вилоятларига ва Тошкент шаҳрига (13,35 млн доллар) тўғри келмоқда. Хорижий инвестициялар саноати ривожланган ёки ривожланаётган худудларга тўғри келмоқда.

Энг кўп иш ўринларининг яратилиши Тошкент шаҳрига – 15897 та, Тошкент вилоятига – 4710 та, Сирдарё вилоятига – 3058 та, Фарғона – 2527 та ва Жиззах – 1716 та вилоятларига тўғри келмоқда. Жадвалга кўра, худудлар кесимида лойиҳаларнинг юқори қийматига юқори яратилган иш ўринлари тўғри келади.

2020 йил 1 июнь ҳолати бўйича ташкил этилган кичик саноат зоналарининг ҳолатини ўргансак, (2.3-жадвал) кичик саноат зоналари сони 7 тага ошган: 4та Навоий вилоятида 4 та ва 2 та Хоразм вилоятида 2 та ташкил этилган. Кичик саноат зоналарининг шаҳар ва туман худудларида жойлашувини ўргансак, 31 та шаҳар худудига, 56 та туман худудига

тўғри келади. Жами ажратилган ер майдони 1305,25 га тенг бўлиб, шундан бино, иншоотлар 136,39 гектарни эгаллаган.

Республика бўйича ўртача бир кичик саноат зонасига 14,7 га ер майдони тўғри келмоқда. Агар лойиҳалар сонини кичик саноат зоналарининг умумий ер майдонига бўлсак, кичик саноат зонаси ҳудудининг резидентлар билан тўлдирилганлик даражаси кўрсаткичини олиш мумкин. Ушбу кўрсаткич республика бўйича 0,88 га тенг. Яъни республика бўйича кичик саноат зонасининг ҳар бир гектар ер майдонига, ўртача 1 та лойиҳа тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 5 га тенг, Андижон вилоятида – 1,8, Жиззах вилоятида – 1,3, Самарқанд вилоятида – 0,7, Тошкент вилоятида – 1, Сирдарё вилоятида – 0,004, Қорақалпоғистон Республикасида – 0,5.

Кичик саноат зоналари ҳудудининг резидентлар билан тўлдирилганлик даражаси бўйича ҳудудлар кесимида Тошкент шаҳри етакчи ҳисобланади. Тошкент шаҳрида жойлашган кичик саноат зоналарининг ҳар бир гектарига 5 тадан лойиҳа тўғри келади. Энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятига 0,004 ва Қорақалпоғистон Республикасига – 0,5 тўғри келади, демак, бу ҳудудларда КБХТ субъектларини кўшимча жойлаштириш мумкин.

Республикада барча 1144 лойиҳани амалга ошириш учун миллий валютада 2594,9 млрд сум, АҚШ долларларида 84,15 млн доллар инвестиция киритилган. Кичик саноат зоналарига хорижий валютада инвестиция киритишда Самарқанд вилояти (22,78 млн долл. ), Сурхондарё (20,08 млн долл. ), Жиззах (16,9 млн долл. ) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (14,45 млн долл. ) етакчи ўринда бормоқда. 2. 2-жадвал. Сирдарё ва Андижон вилоятларида ҳам кичик саноат зоналарини ташкил этишда хорижий инвестициялар киритилган, бу рақам мос ҳолатда 6,75 ва 3,19 млн долларни ташкил этади. Юқорида қайд этилган ҳудудларда барпо этилаётган кичик саноат зоналари бошқа ҳудудлардаги кичик саноат зоналаридан технологик жиҳатдан юқори, деб ҳисоблаш мумкин.

Кичик саноат зоналари ҳудудлар бўйича шаҳар, шаҳар четида ва туманларда жойлашувига кўра фарқланса, тўғри бўларди. Ҳудудлар иқтисодий салоҳияти, саноат салоҳияти илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари сони, ресурслари, иқлим ва бошқа шароитлари билан ўзаро фарқ қилади.

Тошкент шаҳрида ва умуман шаҳарда жойлашган кичик саноат зоналари бир қатор ижтимоий имтиёزلарга эга. Хусусан, кичик саноат зоналари ишчилари шаҳар транспорти, супермаркет, мактаб, боғча, медицина хизмати ва бозор инфрагузилма турларидан фойдаланиш имконияти-



Республикада 2018-2020 йилларда ташкил этилган кичик саноат зоналари тўғрисида маълумот

Қўрсаткичлар	Кичик саноат зоналари сони	Шундан		Ер май-дони гектар	Шундан Бино иншоот-ларга	Лойихалар сони	Киритилган инвестициялар	
		Шаҳарда	Туманда				Млрд. сум	Млн. доллар
Қорқалпоғистон Республикаси	7	-	7	199,88	6,80	97	265,83	
Андижон	3	2	1	21,50	7,20	38	83,38	3,19
Жиззах	5	-	5	33,60	-	43	473,54	16,90
Қашқадарё	7	2	5	29,80	2,10	-	-	-
Навоий	4	2	2	38,20	0,69	-	-	-
Самарқанд	14	2	12	53,10	3,10	38	-	22,78
Сирдарё	3	2	1	546,50	1,50	2	-	6,75
Сурхондарё	9	1	8	55,10	6,90	65	-	20,08
Тошкент	17	2	13	104,87	15,40	104	726,4	-
Фарғона	5	3	2	36,30	3,80	49	114,87	-
Хоразм	7	7	-	22,50	4,10	53	62,08	-
Тошкент ш.	8	8	-	163,90	84,80	655	868,75	14,45
<b>Республика бўйича</b>	<b>89</b>	<b>31</b>	<b>56</b>	<b>1305,25</b>	<b>136,39</b>	<b>1144</b>	<b>2594,9</b>	<b>84,15</b>

Маълумот Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари асосида.

га эга. Тошкент шаҳрида барпо этиладиган кичик саноат зоналари энг муҳим, етакчи зоналар сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқ.

Худди шундай, юқори ишлаб чиқариш ва саноат салоҳиятига эга ҳудудларга Тошкент вилоятининг шаҳарлари, Самарқанд шаҳри, Навоий, Андижон ва Фарғона шаҳарларини киритиш мумкин. Бу шаҳарларда барпо этиладиган кичик саноат зоналарига ҳам рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, фойдаланиладиган технология ва ускуналарга қўйиладиган талабларни кучайтириш мумкин.

Кичик саноат зоналари ҳудудлар бўйича, шаҳар, шаҳар четида ва туманларда жойлашувига кўра фаркланса, тўғри бўларди. Ҳудудлар иқтисодий салоҳияти, саноат салоҳияти илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари сони, ресурслари, иқлим ва бошқа шароитлари билан ўзаро фарқ қилади. Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ҳудудий ялпи маҳсулот билдирса, саноат салоҳиятини ҳудудда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ифодалайди.

## 8. 4. ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТЕХНОПАРКЛАРНИ ЯРАТИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

Республикамизнинг пойтахти ҳисобланган Тошкент шаҳрида технопаркларни яратиш борасида бир қанча имкониятлар мавжуд бўлиб, булар қаторига ривожланган инфратузилма, олий ўқув юртларининг кўплиги, қулай географик жойлашув, пойтахт шаҳар ва шу каби бир қанча омилларни киритиш мумкин. Бироқ шундай бўлса пойтахтимизда технопаркларни яратиш борасида қуйида келтирилганларни инобатга олиш шаҳримизда технопарклар яратиш самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Жаҳон мамлакатларида энг кўп ва тез тарқалаётган технопарк турларидан бири – бу техник тадқиқот ҳудудлари ҳисобланади. Ҳозирги замонда барча давлатларда бўлгани сингари, Ўзбекистон учун ҳам тараққиётдан орқада қолмаслик учун инновацион жараёнларни жадаллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу вазифани бажаришда техник тадқиқот ҳудудлари асқотади. Бундан ташқари, жаҳон ҳамжамиятида республикамизнинг ўзига муносиб ўрни бўлсин десак, ўз миллий фанимизни ҳамда илм кўп талаб қиладиган миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришимиз керак. Агар биз замондан орқага қолмай десак, бугун бизнес инкубаторларни, эртага технопаркларни, кейин эса технополисларни яратишимиз керак.

**Техник тадқиқот ҳудудларини яратиш Ўзбекистонга нима беради:**

- миллатнинг илмий-техник потенциалини мустаҳкамлайди;
- олимлар, юқори малакали мутахассисларни тез ва сифатли ярата оладиган микромуҳитни беради;
- илмий, табиий, информацiон моддий, молиявий ва бошқа ресурсларни юқори технологик ишлаб чиқаришларга йиғишга имкон беради ва олиб келади;
- «ғоя – синов – татбиқ этиш – ишлаб чиқариш» занжирининг тез ва кам харажат билан кечилишига шароит яратади;
- ғояларнинг тез туғилишига имкон берувчи олимларнинг ўзаро мулоқот қила олиши мумкин бўлган микромуҳитни беради;
- яқин келажакда миллатга катта наф бера оладиган соҳаларга (мавзу ва масалаларга) олимларни, миллатнинг интеллектуал потенциални концентрация қилиш имконини беради;
- давлат ва хусусий бизнес маблағларини юқори самарали лойиҳаларга концентрация қилиш имконини беради;
- бозор муносабабларини ҳаётимизга тезроқ киришига кўмаклашади;

- мамлакатни умумий рақобатбардошлигини кўтаради;
- илмий-техник маълумотлар бозорини шакллантиради;
- мамлакатдан «ақл оқими»ни камайтиради;
- мамлакатда инновацион жараёни жадаллаштиришга хизмат қилади;
- жаҳон бозорига инновацион янги технология, товар, хизмат олиб чиқиш имконини беради.


Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда техник тадқиқот ҳудудларини яратишни бошлаш уни эса бизнес инкубаторлардан бошлаш керак.

**Бизнес-инкубатор** (*The business-incubator*) – янги яратилаётган корхоналарнинг оёққа туриши, яшаб кетиши учун шароитни яхшилашга қаратилган тизимдир. Унда биноларни арзон ижарага бериш, умумий хизматлар (телефакс, коммуникация, компьютер...) кўрсатиш, менежмент жиҳатдан ёрдам кўзда тутилган бўлади. Бизнес-инкубаторга янги аъзоларни қабул қилиш кўпчилик ҳолларда аниқ бир шарт-шароитлар (масалан, янги корхоналарнинг очилиши) бўлишини тақозо этади.

Инкубаторлар ишбилармон тадбиркорларга ишлаб чиқариш биноларини таклиф қилардилар, хизматлар ва шу ердаги университет ёки илмий марказ билан алоқани таъминлар эдилар. Маълум бир муддат ўтгандан сўнг корхона янги талабгорга ўрин бўшатиб бериши керак. Ҳозирги пайтда республикамизда бундай ҳудудлар секин - аста шаклланиб бормоқда. Бу жараёни жадаллаштириш керак, бунинг учун эса давлат махсус дастур ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

Бундан кейин эса технопарклар яратишга ўтиш керак. **Технопарклар** (*technology park*) илмий-техника тараққиёти ютуқларини тижоратлашув жараёнини осонлаштиришга хизмат қилишга қаратилган.

Тошкент шаҳрида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг анъанавий тuzилмаси синаётган шароитда техно-парклар янги ихтисосликни топишга имкон бериши мумкин. Шунингдек, Тошкент шаҳрида технопарклар яратишнинг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин (8.4-расм).



8.4-расм. Тошкент шаҳрида технопаркларни яратишнинг асосий вазифалари.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> <http://www.Innovbusiness.ru>.

Тошкент шаҳридаги технопарклар, одатда, перспектив илмий ва технологик янгиликларни тижорат асосида ўзлаштириш билан банд бўлган венчур фирмаларга имтиёзли шароитда ижарага берилган ишлаб чиқариш корпуслари ва илмий лабораториялар йиғиндисидан иборат бўлиши лозим. Технопарк– ҳудудий илм-фан, таълим ва юқори ривожланган ишлаб чиқариш интеграциясидир. У илмий кузатишлар асосида узлуксиз инновациявий даврни таъминловчи илмий марказ агрофида тўпланган ягона маданий-маиший, турмуш, таълимий ва илмий ишлаб чиқаришни ўзида мужассамлаштиради.

Шуни айтиш керакки, технопаркнинг асосий вазифаси умумий кризис шароитида ресурсларни тежаш, уни модернизациялаш (янгилаш), қисқа муддат ичида маҳаллий ишлаб чиқаришни рақобатчилик даражасигача кўтариш, иқтисодий-ижтимоий ҳолатни яхшилаш учун ҳамма шароитларни яратиш асосида инновацион модель яратишга қаратилган. Кўнгина давлатларнинг тажрибасидан шуни кўриш мумкинки, инновацион жараён кўшимча ресурсларни жалб қилмайди, у авваламбор, мавжуд бўлган иқтисодий ва илмий потенциални тўла ва оқилона ишлатиш натижасида амалга оширилади.

**Технопарк** – бу замонавий бозор тизимининг асосий элементларидан бўлиб, унда ишлаб чиқариш корхоналари, олийгоҳлар ҳамда консалтинг, инновация ва бошқа хизмат доирасидаги корхоналар, давлат ва муниципал органларга хос бўлган бўлинмалар ривожланишини ягона механизмда амалга оширувчи тизимдир.<sup>1</sup> Технопарклар ривожланиши-корхоналарнинг иш фаолиятини қайта қуришнинг самарали механизми бўлиб, корхоналарни кризис ҳолатдан чиқаришнинг яхши усулидир, иш фаолиятининг натижаси эса – иқтисодий жиҳатдан жадал ўсувчи регионлар ва минг-минглаб янги иш жойларидир.


Тошкент шаҳрида яратиладиган технопарклар Франциядаги каби кичик бизнесни оталиққа олишга мўлжалланган бўлгани мақсадга мувофиқдир, деб ҳисоблайман. Тошкент шаҳрининг кўплаб олий ўқув юрглари базасида технопаркларни яратиш мумкин. Бунинг учун етарли имкониятлар бор.

Бир ишни қилишда ҳаддан ташқари кўп мақсад қўйиб бўлмаслиги сабабли биз Тошкент шаҳрида технопаркларни яратишдан қуйидаги мақсадларни кўзлаш мумкин:

- ҳудуднинг туризм енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга кўмаклашиш;

<sup>1</sup> Гниденко А. Свободные зоны – иллюзии и реальность // Экономика и жизнь. – 1991. № 2.

- янги, юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- Тошкент шаҳридаги кўшни ҳудудлардан ҳамда хориждан инвестиция оқиб келишига имкон туғдириш;
- ҳудуднинг илмий потенциални самарали илмий тадқиқотларга концентрация қилиш, ҳудуддан «ақллар оқими»ни тўхтатиш.



Хориж мамлакатлари тажрибасига таянган ҳолда шунини айтиш мумкинки, Тошкент шаҳрида, аниқроғи Тошкент давлат техника университети (ТДТУ) қошида технопаркни яратиш лозим ва бунинг учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шунингдек, Тошкент шаҳрида яратилиши кўзда тутилган технопаркларни ривожлантириш бўйича давлат дастури қуйидагиларни ўз ичига олмоғи лозим (8.5-расм).

8.5-расм. Технопаркларни ривожлантириш бўйича давлат дастури.<sup>1</sup>

Бироқ Тошкент шаҳрида технопаркларни ташкил этишнинг ижобий томонлари билан бир қаторда ўз камчиликлари ҳам мавжуд. Жумладан, технопарк одатда марказий шаҳарда қурилмайди, у асосан унчалик катта бўлмаган чекка шаҳарларда қурилади, чунки агарда бу илмий фаолият инқироз ҳолатига учраса, бунда фақатгина кичик ҳудуд зарар кўради. Ҳатто, АҚШдек қудратли давлатнинг технопарклари ҳам асосан чекка шаҳарларда қурилган. Шу сабабдан ҳам ҳозирги кунда АҚШда технопаркларнинг умумий сони 170 тадан ошган ва уларнинг бирортаси ҳам марказий шаҳарларда жойлашган эмас.

Тошкент шаҳрида технопаркларни яратишнинг зарурий шарт-шароити шуки, Тошкент шаҳрининг бир неча асрлар давомида маданият ва илм-фан маркази. Албатта, бу дастурни йирик капитал ва давлат ёрдами-сиз амалга ошириш жуда қийин. Шунинг учун бу инновацион фаолиятни рағбатлантириш учун яратилажак технопаркда қуйидагиларни тақдиф қилиш мумкин:

- фойиз ставкалари тўланмайдиган қарзлар тақдим этиш;

<sup>1</sup> Салимов Б.Т., Салимов Б.Б. Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий асосларини такомиллаштириш. Монография – Т.: «Иқтисодиёт», 2020.

- дотация (маблағ ажратиш);
- таваккалчилик имкониятини ҳисобга олган ҳолда инновацияларни жалб қиладиган фондларни тузиш;
- якка тарзда фаолият юритувчи илм тадбиркорлари учун давлат солиқлари даражасини пасайтириш ва сонини камайтириш;
- маҳаллий солиқлардан озод этиш ва солиқ тўламаслик муддатини узайтириш;
- якка ихтирочилар талабномасига биноан бизнес-режани бепул тузиб бериш ва иш юритишга кўмаклашиш.

Илмий лойиҳа ишлаб чиқиш турли сабабларга кўра доим ҳам кутилган натижани беравермайди. Фарбдаги мутахассисларнинг аниқлашича, юқори технологиялар билан боғлиқ инновацион лойиҳаларнинг 50 фоизи омадсизлик билан тугаган. Албатта, бундай лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш хатарли. Аммо, агар лойиҳа муваффақият келтирса, унинг фойдасини одатий фойда билан солиштириб бўлмайди. Масалан, «Yahoo» корхонаси қимматли қогозларининг фойдаси 4 йиллик фаолияти давомида 3998 фоизни ташкил этди.

Технопаркларнинг имтиёзлар тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бунда кичик венчур бизнесни рағбатлантиришга катта эътибор берилади. Солиқ, боғхона, кредит имтиёзлари фирма фаолиятида таваккали катта бўлган бошланғич босқичда фаолиятни енгиллаштиришга қаратилади. Корхоналарни рўйхатга олишнинг махсус содда тартиби жорий қилинади, кичик фирмаларнинг ташкилий муаммолари билан шуғулланувчи маъмурий тузилмалар тузилади.

Булар эса йирик капиталнинг ташқаридан келиши унчалик катта бўлмаган кўп фирмаларни молиялаштирувчи инвестицион фондларни технопаркларда ташкил этиш, технологик ишланмаларни саноат томонидан оммавий ишлаб чиқаришга беришнинг самарасини оширишга имкон беради.

Имтиёзли ҳолда фирма вакиллариغا етакчи олимлардан маслаҳат олишга, университетларнинг кутубхона фондидан фойдаланишга имкон берилади. Университет ва бошқа илмий ташкилотлар эса, қўшма тижорат лойиҳаларда қатнашиб, қўшимча даромад манбаига ҳамда битирувчи талабаларни иш билан таъминлаш учун маблағга эга бўлади. Илмий ходимларга ҳудудларда яшаш учун жуда яхши шароитлар яратилади. Амалда фанни ишлаб чиқариш билан ҳамкорлиги рўёбга чиқади.

Технопарк муваффақият келтиришининг асосий манбаси молиявий ривожланиш қобилиятидир. Технопарклар буюртмачи ва университет томонидан гаровдаги мол-мулкни тижоратда қўллаб, фойда олиш мақсадида ташкил этилади. Бундай парклар ҳеч бўлмаганда зарар кўрмайдиган

ҳолатда бўлади. Одатда бу натижага қисқа муддат ичида эришиб бўлмайди. Агар бундай технопаркларни молиявий жиҳатдан кучли фирмалар қўллаб-қувватламаса, ишонч билан айтиш мумкинки, бу технопарkning бюджет танқислиги 5-10 йил давом этади. Биз таклиф этаётган технопаркни молиялаштиришга жалб қилинадиган манбалар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- маҳаллий ва минтақавий ривожланиш дастурининг субсидиялари;
- бошқа соҳа ёки давлат дастурлари ҳисобидан давлат инвестицияларни жалб қилиш;
- тижорат банкларнинг кредитларини жалб қилиш;
- корхоналарнинг шахсий маблағлари ёки шахсий, корпоратив ички инвестициялардан оладиган фойдасини жалб қилиш;
- давлат ёки минтақавий қимматли қоғозларнинг махсус сонини чоп этиш;
- давлат мулкани сотишдан қолган фойданинг бир қисмини ишлатиш;
- тезлаштирилган амортизация усулини ишлатиш;
- лизингни оқилона ишлатишдан қолган маблағлар;
- халқ жамғармасидан фойдаланиш;
- нобюджет фондларининг воситаларидан фойдаланиш;
- чет эл инвестицияларидан фойдаланиш;
- инвестицион солиқ кредитларини қўллаш.<sup>1</sup>

Агар маблағ билан таъминлаш давлат маблағлари ва банклар томонидан амалга оширилса, технопарклар ривожланади ва инновацион бизнес муваффақиятли натижаларни олган ҳолда, катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришни яратиш имконини беради. Бу билан регионнинг иқтисодий тараққиёт даражасини кўтариш имконияти ҳам туғилади.

Тошкент шаҳрида технопарк таъсисчилари, асосан, техника йўналишидаги университетлар, Фанлар академияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти технопаркни бошқариш учун махсус бошқарма ташкил этилдилар. Унга технопаркни шакллантириш ва фаолият юритиш бўйича барча вазифалар юклатилади. Унинг ишига илмий ва тадбиркорлик жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида экспертлар кенгаши ташкил этилади.

Бу кенгашга обрўли олимлар, тадбиркорлар ва маҳаллий ҳокимият вакиллари киритиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, бошқарма ўз ишини юритиш учун таъсисчилар томонидан, маҳаллий ҳокимият

<sup>1</sup> Шгыканова Е.Ю. Специальные экономические зоны в Латинской Америке. / Латинская Америка. – 1990, № 10.

кўмагида инновация жамғармаси ташкил этади. Жамғармага имконияти борича кўпроқ маблағ йиғиш керак, чунки харажатлар оз бўлмайди. Бу харажатлар эса қуйидагилардан иборат бўлади:

- ташкилий харажатлар;
- маркетинг фаолияти харажатлари;
- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари;
- илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишларига қилинадиган харажатлар;
- кўргазмалар ташкил этиш харажатлари;
- реклама харажатлари;
- нашриёт харажатлари ва бошқ.

Технопарк учун маблағ топишда барча имкониятларни ишлатиб кўриш керак, яъни хориждан маблағ топиш, миллий тадбиркорлардан ёрдам сўраш, давлат бюджети кўмагига таяниш ва бошқалар (бунда давлатдан катта кредит олган мақсадга мувофиқдир). Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, технопаркларнинг муваффақиятли ривожланиш калити худудий ресурслардан оқилона фойдаланишдир.

Технопаркни бошқариш тузилмаси унинг фаолият йўналишига қараб аниқланади. Ташкилий тузилма икки даражага эга: оператив ва стратегик. Стратегик жиҳатдан бошқарма таркиби директорлар кенгаши ва экспертлар кенгашидан иборат. Технопаркнинг энг юқори бошқариш органи акциядор жамият йиғилишидир. Бу йиғилишлар орасида акциядорлик жамиятини директорлар кенгаши бошқаради. Унга технопаркларнинг таъсисчилари киради ва улар паркнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини аниқлайди.

Оператив даража эса технопаркнинг ижро этувчи дирекциясидир. У кундалик жорий бошқаришни амалга оширади ва қисқа муддатда стратегик ривожланиш режасини ишлаб чиқади. Ижро этувчи дирекциянинг функциялари қуйидагилар: паркнинг барча бўлимлари фаолиятини координация қилиш, парк фирмалари билан тўғридан-тўғри алоқа, олинган маълумотлар ёрдамида жорий муаммоларни ечиш, корхоналарнинг ижара, молия, меҳнат ва экология бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш. Ижро этувчи дирекция қошида қатор бўлинмалар бўлиб мумкин, улар тадбиркорларни ўқитиш, кўргазмалар ташкил этиш, сервис хизматлар кўрсатиш кабилар билан шуғулланиши мумкин.

Технопаркларни бошқаришнинг юқори илмий-услубий органи – эксперт кенгаши ҳисобланади. У директорлар кенгаши томонидан ташкил этилади ва биринчи навбатда етакчи олимларни ўз ичига олгани мақсадга мувофиқдир. Бу кенгаш экспертиза масалалари билан ҳамда ил-



мий-техник лойиҳаларни танлаш билан шуғулланади, технопаркларнинг ривожланиш муаммоларини ҳал қилиш бўйича таклифлар беради.

Тошкент шаҳрида технопаркларни бошқарувчи бошқарма таркибига қуйидаги 4 бўлимдан иборат идора киргани маъқул:

**1. Илмий тадқиқот бўлими.** У вилоят ва қўшни вилоятлардаги илмий потенциални технопарк ишига мобилизация қилиш билан шуғулланади. Технопарк шуғулланишни мўлжаллаётган илмий ишларнинг устувор йўналишлари – туризм, озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларга алоқадор илмий ғояларни йиғади ҳамда уларнинг муаллифни технопаркда ишлашга қизиқтиради, рағбатлантиради ва чорлайди.

**2. Ишлаб чиқариш – технология бўлими.** Бўлим шаҳардаги ва қўшни вилоятлардаги корхоналарда мавжуд бўлган технологик потенциални, илмий тадқиқотларга бўлган талабни ўрганиш билан ҳамда ушбу корхона вакиллари технопарк билан ҳамкорлик қилишга чорлаш бўйича иш олиб боради. Бу бўлим турли хил корхоналарни: региондаги катта корхоналарни ҳам, кичик корхоналарни ҳам, якка тадбиркорларни ҳам ҳамкорликка жалб қилиши мумкин.

**3. Хизмат кўрсатиш бўлими.** Бўлим молиявий, маркетинг, юридик, экспертлик, олди - сотди каби хизматларни кўрсатиб, тадбиркорлар, олимлар, ва бошқа манфаатдор кишиларни технопарк ишига қатнашишига кўмаклашади. Хизмат кўрсатиш бўлими:

- маркетинг;
- реклама;
- нашриёт;
- кўргазма ташкил этиш;
- молия;
- сервис хизматлар кўрсатиш;
- ўқитиш ва бошқа марказлардан иборат бўлиши мумкин.

Бу албатта, иш давомида аниқ бўлади.

**4. «Инкубатор».** Бу бўлим эса ўз бизнесини бошлашга ғояга эга бўлган, аммо бошқа жиҳатдан оқсайдиган тадбиркорларга молиявий, илмий, моддий жиҳатдан ёрдам беришни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳрида халқ фаровонлигини ошириш мақсадида унинг иқтисодиётини янада жадалроқ ўстириш учун жаҳон амалиётида синалган ва жуда кенг миқёсда қўлланиладиган қуроллардан бири – эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш, ҳозирги давр учун ўта зарур ва долзарб масалалардан биридир. Бунинг фундаменти эса пухта ўйланган технопарк сиёсати ҳисобланади. Шу боис, республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам технопаркларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

## 8.5. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING ЗАРУРАТИ ВА МЕЪЕРИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда мазкур вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар етакчи ўринга эга.


Замонавий жаҳон тажрибасида 30 га яқин эркин иқтисодий ҳудудларнинг турлари мавжуд бўлиб, улардан кўп улушга эга бўлганлар бу божхона ҳудудлари, тўловлар олиб ташланган ҳудудлар, божхона эркин ҳудудлари, эркин экспорт ҳудудлари, эркин экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш ҳудудлари, эркин ишлаб чиқариш ҳудудлари, иқтисодий барқарорлик ҳудудлари, ўзаро тadbиркорлик ҳудудлари, техника-иқтисодий ривожлантириш ҳудудлари, фан-саноат парклари ва бошқалар иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)ларни ташкил этиш ғояси ўтган аср 80-йиллари охирида кўриб чиқилганди. Ўша пайтда кўп мутахассислар бу зоналарни республика иқтисодиётини қайта ислоҳ қилишнинг янги механизми ва истиқболи деб ҳисоблашганди. Ҳақиқатдан ҳам, ЭИЗларни ташкил этиш бўйича хориж тажрибаси шуни кўрсатдики, бу каби зоналарни ташкил этиш миллий ва чет эл инвестицияларини кенг кўламда иқтисодиётга жалб этиш, илмий-техник тараққиётга эришиш, экспорт қалоҳияти, иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва янги иш ўринларини барпо этиш масалаларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодиётни юқори даражада ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Зеро, эркин иқтисодий ҳудудлар миллий иқтисодиётни алоҳида минтақалар даражасида ривожлантириш билан бирга, уларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциясини ва халқаро рақобатбардошлигини таъминлашда ҳамда бошқа бир қатор долзарб масалаларнинг ижобий ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятини тартибга солиш бир қатор меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар

асосида амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолияти дастлаб 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинар эди. Кейинчалик, 2020 йил 17 февралда қабул қилинган «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги янги қонун юқоридаги қонун ўрнини эгаллади.



8.6-расм.

Мамлакатимизд махсус иқтисодий зонани ривожлантириш куйидагиларни ўз ичига олган дастурга мувофиқ амалга оширилади:

- ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратишни;
- муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини таъминлашни;
- бозор инфратузилмасини яратишни;
- махсус иқтисодий зонанинг фаолият бўйича ва соҳавий ихтисослашувиға мувофиқ чет эл инвестицияларини ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари комплексини.

Махсус иқтисодий зона (МИЗ)ларни ташкил этиш турли давлатларда турли мақсадларға асосланади.

Ўз навбатида, МИЗларнинг мавжуд бир қанча турлари уларни ташкил этишдаги мақсадларнинг ҳам турли-туман бўлиши билан фарқланишини ифодалайди.

Махсус иқтисодий зоналар турлари




8.7-расм.

Турли шаклдаги МИЗларнинг ташкил этилиши бир вақтда ва бир хил шароитда юз бермайди. Уларга бўлган муносабат, имтиёз ва преференциялар, ривожлантириш масалалари доимо ҳукуқий асосларда ўз аксини топиб келган.

Юқоридаги махсус иқтисодий зоналар турлари орасидан бугунги кунда мамлакатимизда кенг фаолият юритаётгани бу эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)лардир. ЭИЗларни ташкил этиш, улар фаолиятини амалга ошириш, ривожлантириш, тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ҳукуқий, ташкилий, молиявий-иқтисодий муносабатлар иқтисодиётнинг бошқа ҳудудларига нисбатан фарқланиши билан тубдан ажралиб туради.

Масалан, ЭИЗлар мамлакатимиз ҳудудида алоҳида маъмурий ҳудудига эга ва фаолият коўрсатиш хусусияти билан махсус қонунлар асосида ҳукуқий тартибга солиб турилиши талаб этиладиган ҳудудлар ҳисобланади.



**8.8-расм.**

Эркин иқтисодий зоналар – шундай географик ҳудудки, унда мамлакатда қабул қилинган хўжалик фаолияти тартибига қараганда имтиёзли солиқ тўлаш ва божхона тартиби жорий этилади. Бошқача ифодалаганда, ушбу ҳудудда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви камайтиради ва бу миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган маълум имтиёзлар тизими жорий этилади. Шунга кўра, ЭИЗ мамлакат ҳудудининг имтиёзли божхона, валюта, солиқ, виза ва меҳнат режимлари жорий этилган махсус ажратилган қисмидир.

ЭИЗга энг умумий тавсиф қилиб шуни айтиш мумкин, у шундай ҳудудки, бу ердаги рағбатлантиришлар, имтиёзлар (солиқ, божхона, маъмурий), лицензиялаш, визаларни расмийлаштириш, банк фаолиятлари, мулкчилик муносабатларига оид енгилликлар ушбу мамлакатнинг бошқа ҳудудларида айнан амал қилмайди.

Ҳозирдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан, ЭИЗлар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир алоҳида талаблар ҳам мавжуд.

Инвестиция буюртманомаси топширилган пайтда эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ёки Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш ҳажмлари ички бозорнинг эҳтиёжларини қопламайдиган янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни назарда тутган бўлиши керак.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолиятининг товар номенклатураси коди бўйича якуний маҳсулот товар позициясининг дастлабки тўртта белгиларидан бирининг даражасида бошланғич хом ашёга нисбатан ўзгаришини ёки қўшилган қийматга эга маҳсулот ҳажмининг камида ўттиз фоиз даражасида кўпайишини назарда тутиши керак.

Эркин иқтисодий зоналарда рақобат муҳити яратилган, ички бозор тўйинган ёки ишлаб чиқариш ҳажмлари ички бозор эҳтиёжларини қоплайдиган ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарадиган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга доир инвестиция лойиҳалари амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Тегишли ваколатли органларнинг Ўзбекистон Республикасида ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мавжуд эмаслиги, ишлаб чиқариш ҳажмлари етишмаслиги ва рақобат муҳити даражаси тўғрисидаги хулосалари кейинчалик эркин иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашига тақдим этиш учун эркин иқтисодий зона дирекцияси томонидан мустақил равишда сўраб олинади.

## **8.6. МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Эркин иқтисодий зоналарни халқаро иқтисодий ташкилот сифатида эътироф этиш мумкин. Чунки, улар глобал характерга эга, уларнинг ёрдамида жаҳон хўжалиги алоқаларида бутун минтақаларда жуда интенсив интеграция жараёни содир бўлмоқда. Халқаро интеграциянинг ҳозирги замон босқичининг ўзига хос хусусиятларидан бири иқтисодий ва илмий-техник ривожланишнинг маҳаллийлашуви ҳисобланади. Буни ташкилий жиҳатдан ифода этувчи бўлиб, ЭИЗни яратиш юзага чиқмоқда.

Шунинг учун уларни жаҳон бозорининг миллий иқтисодиётга қурилган кичик тузилмалари, бўғинлари деб ҳам номлашади.

ЭИЗлар ҳозирга келиб тўхтовсиз ривожланмоқда. Ривожланиш оддийдан мураккабга, арзон ва тез сотиладиган вариантдан кўп тармоқли ва капитал талаб қилувчига ўтиб бормоқда.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарни (ЭИЗ) маҳаллий минералхомашё ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча



8.9-расм.

Бугунги кунда мамлакатимизда 23 та эркин иқтисодий зоналар фаолият юритаётган бўлиб, уларда умумий киймати 2,6 миллиард долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 36 мингга яқин иш ўрни яратилган.

2008 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида 2,4 миллиард долларлик жами 448 та лойиҳалар амалга оширилди. Умумий суммадан 764,6 млн долларни тўғридан-тўғри хорижий



8.10-расм.

қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий корхоналар ташкил этиш, республика ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш учун хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим омили сифатида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

инвестициялар ташкил этади. Лойиҳалар ҳисоби-га 34 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Ушбу лойиҳаларнинг энг йириги Ангрен ЭИЗ (730,7 млн долларлик 73 та лойиҳа), «Ургут» ЭИЗ (312,9 млн долларлик 55 та лойиҳа), «Навоий» ЭИЗ (282,8 млн долларлик 53 та лойиҳа) ва

«Бухоро-агро» ЭИЗда (325,1 млн долларлик 112 та лойиҳа) амалга оширилди.

2020 йил якунига қадар фаолият кўрсатаётган ЭИЗ ҳудудларида умумий қиймати 487,4 млн долларга тенг бўлган 128 та лойиҳа амалга оширилди. Шундан 162,1 млн долларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Лойиҳалар замонавий иссиқхоналар қуриш (204,7 млн долларлик 62 та лойиҳа), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (140 млн долларлик 18 та лойиҳа), кимё ва нефть-кимё саноати (50,6 млн долларлик 13 та лойиҳа), озиқ-овқат саноати (15,9 млн долларлик 10 та лойиҳа), тўқимачилик саноати (20,1 млн долларлик 8 та лойиҳа), машинасозлик (6 млн долларлик 2 та лойиҳа), чарм-пойабзал саноати (14,9 млн долларлик 5 та лойиҳа), электротехника саноати (13,7 млн долларлик 3 та лойиҳа), фармацевтика саноати (56,3 млн долларлик 6 та лойиҳа), мебель ва қоғоз ишлаб чиқариш (1,1 млн долларлик 1 та лойиҳа) каби соҳаларни қамраб олди.

Ўтган давр моъайнида ЭИЗ иштирокчи корхоналар 11,9 трлн сўмлик 538 турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариб, 257,6 млн долларлик маҳсулотларни экспорт қилдилар, бу эса пандемиянинг салбий иқтисодий оқибатларига қарамай, 2019 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 145 фоизга ошди. Шунингдек, 186 та янги корхона ЭИЗ иштирокчиси мақомини олди.<sup>1</sup>

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини қуллаб-қувватловчи ва ривожланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши билан ЭИЗларни яратиш, улар фаолият кўрсатишининг муддатини узайтириш ва тугатиш, чегараларини ўзгартириш тартиби белгиланди ҳамда уларни бошқариш тизими, ўз ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаш тамойиллари, шунингдек, ЭИЗ иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби қайта кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, ЭИЗ ҳудудида инфратузилма объектларини қуриш ёки қайта таъмирлаш ишлари марказлаштирилган ҳамда номарказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкинлиги белгилаб берилди.

Мамлакатимиздаги ЭИЗлар фаолияти самарали ташкил этилган ва эришилаётган натижалар кутилгандек бўлсада, лекин бу ҳудудларда ҳали имкониятлар кўп. Шу жиҳатни инобатга олган ҳолда давлатимиз раҳбари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги маълумотлари.

томонидан 2021 йил 30 апрелда «Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилинди. Ушбу қарор билан 2021–2022 йилларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирлари параметрлари ва 2021 йилда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг манзилли рўйхатлари белгиланди.

Қарорга мувофиқ, 2021 йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари инфратузилмасини яхшилаш учун 1 триллион 600 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланди. Хусусан, 17 та эркин иқтисодий зонада кўшимча электр энергияси, газ, ичимлик суви ва оқова сув тармоқлари ҳамда автомобиль йўлларини барпо этиш учун 584 миллиард сўм, 145 та кичик саноат зонаси учун 395 миллиард сўм йўналтирилади.

Йирик инвестиция лойиҳаларини инфратузилма билан таъминлаш мақсадида 232 миллиард сўм кўзда тутилган. Ривожланишдан ортда қолган 33 та туманда саноат ва бизнесни жадал ривожлантириш учун 264 миллиард сўм ажратилади.

Шунингдек, 2021 йилда эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 1,1 миллиард доллар бўлган 332 та лойиҳа, кичик саноат зоналарида умумий қиймати 9,5 триллион сўм бўлган 1 минг 800 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган.

Бу соҳадаги ишлар самарадорлигини ошириш учун авваламбор қуйидаги бир қатор зарурий чора-тадбирларни изчил давом эттириш зарур:

- эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда ҳудудларни, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва жойлашув манзилини тўғри танлаш;
- ҳудудлар имкониятидан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналар фаолияти йўналишини ва истиқболини аниқлаш;
- эркин иқтисодий зоналарда кластер ёндашувлардан кенг фойдаланган ҳолда зоналар иштирокчилари ўртасида яқин кооперация алоқаларини йўлга қўйиш;
- чет элда ва мамлакат ваколатхоналарида эркин иқтисодий зоналар манфаатларини кўзловчи, инвесторларни жалб этиш учун информатсион реклама тадбирларини ўтказиш;
- оммавий ахборот воситалари ва интернет саҳифаларида мамлакатда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар имкониятлари ҳамда



салоҳияти бўйича жозибадорлигини ифодаловчи рекламаларни кучайтириш»

- эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашда юқорида келтирилган баҳолаш мезонлари бўйича аниқлаш каби чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Дарҳақиқат, эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиши натижасида мамлакатимизга қўплаб инвестицияларни оқиб келинишини кузатишимиз мумкин. Мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолияти янада ривожланиб, ташқи савдо, экспорт импорт операциялари янада ривожланади.

Эркин иқтисодий зоналари фаолиятининг барқарор ривожланиши натижасида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланиши, экспорт салоҳиятини ошиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини раванқи ва иқтисодиёт барқарорлиги, энг асосийси жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиб ўз мавқеига эга бўлишига олиб келади.

## **?** ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. *Эркин иқтисодий зона, технопарк ва кичик саноат зоналарининг иқтисодий моҳияти нималардан иборат?*
2. *Мамлакатимизда эркин иқтисодий зона, технопарк ва кичик саноат зоналари фаолиятини йўлга қўйишининг зарурати нима учун пайдо бўлди?*
3. *Эркин иқтисодий зона, технопарк ва кичик саноат зоналарининг мамлакат саноатини ривожлантиришидаги ўрни қандай?*
4. *Индустриал парк ва саноат зонасининг қандай асосий фарқлари бор?*
5. *Кластерларнинг ижобий ва салбий томонларини қандай изоҳлаш мумкин?*
6. *Кичик саноат зоналари асосан қандай ҳудудларда жойлашади ва уларнинг жойлашувида нималарга эътибор бериш керак?*
7. *Ўзбекистонда саноат тармоқларининг ривожланиши босқичлари қандай?*
8. *Технологик паркларнинг иқтисодий аҳамияти нималардан иборат?*
9. *Миллий иқтисодиётимизда технопаркларнинг роли қандай?*
10. *Технопарклар яратишдан кўзланадиган асосий мақсад ва вазифалар нималардан иборат?*
11. *Саноат зоналарини ташкил этиш жараёнининг қандай ташқи ва ички омиллари мавжуд?*
12. *Ҳозирда Ўзбекистонда нечта кичик саноат зоналари фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг фаолиятини қандай баҳолайсиз?*
13. *Техник тадқиқот ҳудудларини ташкил этиш Ўзбекистон иқтисодиёти учун нима беради?*
14. *Технопаркларни яратишда нималарга эътибор бериш керак?*
15. *Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилишининг қандай меъёрий-ҳуқуқий асослари биласиз?*

## TEST SAVOLLARI

1. Мамлакатимизда кичик саноат зоналари қандай ҳудудлар негизда яратилмоқда?

А. Давлат мулки объектларининг фойдаланилмаётган майдонлари, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарнинг ишлатилмаётган ҳудудларида

Б. Давлат мулки объектларининг фойдаланилмаётган майдонлари, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарнинг ишлатилмаётган ҳудудларида

С. Ривожланмаган ишлаб чиқариш ҳудудларида, иқтисодий ночор корхоналар негизда

Д. Саноат ривожланиш даражаси паст бўлган ҳудудларга

2. Алоҳида ишлаб чиқариш комплекси, ягона ривожланиш концепцияси ва инфратузулмасига эга йўналиш бўйича хизмат кўрсатиш ва самарали ишлаб чиқаришни бошқарув компанияси томонидан таъминланувчи, фаолияти давлат томонидан кафолатланувчи ва имтиёз олиш имкониятига эга минтақа иқтисодиётининг ҳудудий таркиби элементи нима деб аталади?

А. Саноат парки

С. Кичик саноат зонаси

Б. Индустириал парк

Д. Эркин иқтисодий зона

3. Ўзбекистон шароитида КСЗларда кластерни ташкил этиш босқичлари қандай?

А. Якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий корхоналарни ва оралиқ маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни аниқлаш; аутсорсинг бўйича ишларни қабул қиладиган кичик бизнес таркиби ва ишлар турини аниқлаш; ҳудудда ташкил этиладиган инфратузулма объектларини аниқлаш

Б. Давлатнинг КСЗни стратегик ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш, яъни ишлаб чиқариладиган якуний маҳсулот турини аниқлаш (кластер ядросини аниқлаш); аутсорсинг бўйича ишларни қабул қиладиган кичик бизнес таркиби ва ишлар турини аниқлаш; ҳудудда ташкил этиладиган инфратузулма объектларини аниқлаш

С. Давлатнинг КСЗни стратегик ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш, яъни ишлаб чиқариладиган якуний маҳсулот турини аниқлаш (кластер ядросини аниқлаш); якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий корхоналарни ва оралиқ маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни аниқлаш; аутсорсинг бўйича ишларни қабул қиладиган кичик бизнес таркиби ва ишлар турини аниқлаш; ҳудудда ташкил этиладиган инфратузулма объектларини аниқлаш

Д. Давлатнинг КСЗни стратегик ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш, яъни ишлаб чиқариладиган якуний маҳсулот турини аниқлаш (кластер ядросини аниқлаш); якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий корхоналарни ва оралиқ

маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни аниқлаш; ҳудудда ташкил этиладиган инфратузулма объектларини аниқлаш.

**4. Ўзбекистонда саноат тармоқларининг ривожланиши неча босқичдан иборат?**

А. 6 босқичдан

С. 5 босқичдан

Б. 4 босқичдан

Д. 3 босқичдан

**5. Технологик парклар қандай асосий мақсадга йўналтирилган?**

А. Илмий-техника тараққиёти ютуқларини тижоратлашув жараёнини осонлаштиришга

Б. Замонавий техника ютуқларини ўзлаштиришга

С. Янги техника-технология ишлаб чиқаришга

Д. Замонавий технологияларни бошқариш тизимини яратишга

**6. Технопаркларни яратишдан кўзланган тактик мақсадлар нималардан иборат?**

А. Кредитни, капитални, инвесторларни қидириш; корхона тузиш бўйича асосий билимларни бериш; Тадбиркорларни персонал равишда қўллаб-қувватлаш

Б. Ўрта тадбиркорлар тузилмаларини яратиш; янги корхоналар салоҳиятини ошириш; ҳудудда локомотив вазифасини бажарувчи ўсиш «ороллари»ни яратиш

С. Локал ва ҳудудий илмий тадқиқот ҳудудларини яратиш; хориждан келишув ва ҳамкорларни қидириш; илмий-тадқиқот ишларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бўйича ишлаш; йирик хўжаликларни ликвидация ва приватизация қилишда ёрдам бериш

Д. Иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизациялаш; илмий тадқиқот ишларини секинлашувига, «ақлларнинг оқими»га йўл қўймаслик; салоҳиятли хорижий инвесторлар учун плацдарм яратиш; бандлар таркибини яхшилаш, кадрлар малакасини ошириш.

**7. Технопаркларни яратишдан кўзланган стратегик мақсадлар нималардан иборат?**

А. Кредитни, капитални, инвесторларни қидириш; корхона тузиш бўйича асосий билимларни бериш; Тадбиркорларни персонал равишда қўллаб-қувватлаш

Б. Ўрта тадбиркорлар тузилмаларини яратиш; янги корхоналар салоҳиятини ошириш; ҳудудда локомотив вазифасини бажарувчи ўсиш «ороллари»ни яратиш

С. Локал ва ҳудудий илмий тадқиқот ҳудудларини яратиш; хориждан келишув ва ҳамкорларни қидириш; илмий-тадқиқот ишларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бўйича ишлаш; йирик хўжаликларни ликвидация ва приватизация қилишда ёрдам бериш

Д. Иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизациялаш; илмий тадқиқот ишларини секинлашувига, «ақлларнинг оқими»га йўл қўймаслик; салоҳиятли хорижий инвесторлар учун плацдарм яратиш; бандлар таркибини яхшилаш, кадрлар малакасини ошириш

### 8. Технопаркларни яратишдаги тактик вазифалар нималардан иборат?

А. Кредитни, капитални, инвесторларни қидириш; корхона тузиш бўйича асосий билимларни бериш; Тадбиркорларни персонал равишда қўллаб-қувватлаш

Б. Ўрта тадбиркорлар тузилмаларини яратиш; янги корхоналар салоҳиятини ошириш; ҳудудда локомотив вазифасини бажарувчи ўсиш «ороллари»ни яратиш

С. Локал ва ҳудудий илмий тадқиқот ҳудудларини яратиш; хориждан келишув ва ҳамкорларни қидириш; илмий-тадқиқот ишларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бўйича ишлаш; йирик хўжаликларни ликвидация ва приватизация қилишда ёрдам бериш

Д. Иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизациялаш; илмий тадқиқот ишларини секинлашувига, «ақлларнинг оқими»га йўл қўймаслик; салоҳиятли хорижий инвесторлар учун плацдарм яратиш; бандлар таркибини яхшилаш, кадрлар малакасини ошириш

### 9. Технопаркларни яратишдаги стратегик вазифалар нималардан иборат?

А. Кредитни, капитални, инвесторларни қидириш; корхона тузиш бўйича асосий билимларни бериш; Тадбиркорларни персонал равишда қўллаб-қувватлаш;

Б. Ўрта тадбиркорлар тузилмаларини яратиш; янги корхоналар салоҳиятини ошириш; ҳудудда локомотив вазифасини бажарувчи ўсиш «ороллари»ни яратиш

С. Локал ва ҳудудий илмий тадқиқот ҳудудларини яратиш; хориждан келишув ва ҳамкорларни қидириш; илмий-тадқиқот ишларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бўйича ишлаш; йирик хўжаликларни ликвидация ва приватизация қилишда ёрдам бериш

Д. Иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизациялаш; илмий тадқиқот ишларини секинлашувига, «ақлларнинг оқими»га йўл қўймаслик; салоҳиятли хорижий инвесторлар учун плацдарм яратиш; бандлар таркибини яхшилаш, кадрлар малакасини ошириш

### 10. Кичик саноат зоналарни барпо этиш ва ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар қандай умумий таснифланади?

А. Маҳаллий ва ҳудудий

С. Иқтисодий ва ижтимоий

Б. Ички ва ташқи

Д. Табиий ва техник

## I X Б О Б

## САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТГА ЭГА БЎЛГАН РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ

### 9.1. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА САНОАТДА ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТГА ЭГА БЎЛГАН РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Халқимиз неча юз йиллик тарихи давомида орзу қилиб, интилиб яшаган ва XX аср сўнггида эришган, мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк, оламшумул воқеа – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганига ўттиз йил тўлади.

Мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустаҳкам иродаси ва матонатини намоён этди, оғир синов ва машаққатларни мардона енгиб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Юртимиз илгариги иқтисодиёти бир томонлама шаклланган, қолақ республикадан барча соҳаларда жадал ривожланиб, фуқароларнинг ҳаёт даражаси, сиёсий-ижтимоий фаоллиги, онгу тафаккури тобора юксалиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида узоқ-яқиндаги барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини кенг миқёсда олиб бораётган замонавий, очиқ ва демократик давлатга айланди.

Кейинги йилларда амалга оширилган ислоҳотларимиз натижасида айниқса, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга жорий этиш асосида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини реал воқеликка айлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги байрамига етказганига шукроналар айтишимиз ва бу байрамни кўтаринки руҳда ўтказишимиз бугунги кўп миллатли халқнинг олдида турган қувончли шодиёна тадбирларидан биридир. Шу боис ушбу байрамга тайёргарлик

кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш борасида 2020 йил 17 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди ҳамда махсус республика комиссияси ташкил этилди. Республика комиссияси олдига куйидаги вазифалар белгиланди:

– “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари дастурини тасдиқлаш;

– жойларда таникли олимлар, ижодкор зиёлилар ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ва бадиий кечалар ўтказилишини таъминлаш;

– Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган илмий ва ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбоблари, жумладан, мақом ва бахшичилик санъати вакиллари, истеъдодли ёш ижрочилардан иборат ижодий гуруҳларни шартнома асосида жалб этиш чораларини кўришдан иборат.

Жаҳон миқёсида давом этаётган коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқирозга, шунингдек, бошқа турли таҳдид ва хатарларга қарамасдан, халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги амалий ҳаракатлари изчил давом эттирилмоқда.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкамланмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида кенг кўламли ислохотлар, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги босиб ўтган ривожланиш йўлимизни сарҳисоб қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиш орқали олдимизда турган устувор вазифа – Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври учун пойдевор яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтиришда гоят муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг улкан сиёсий, тарихий, маънавий-маърифий аҳамиятини инобатга олиб, истиқлол йўлининг асосий мақсад ва вазифаларини янги босқичда оғишмай, самарали давом эттириш, бу кутлуғ санани давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, халқаро майдондаги обрў-эътиборига муносиб юксак савияда, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш режалаштирилган.

*Янги Ўзбекистон* – мамлакатимиз тараққиётининг охириги беш йили муҳим стратегик ислоҳотлар даври. Ушбу даврда барча соҳа ва тармоқларда ижобий ўзгаришлар самараси эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятига кенг имкониятлар ва имтиёзлар берилиши, кичик саноат зоналари фаолиятининг йўлга қўйилиши, технопарк ва технополисларнинг ташкил қилиниши, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун маҳаллий бюджет маблағларининг маълум бир қисмини йўналтирилиши, валюта конвертацияси, тадбиркорлар учун турли солиқ имтиёзлари ва кам фоизли банк кредитлари ҳамда жисмоний шахслар учун уй-жой олиш мақсадида имтиёзли субсидиялар ва кредитлар ва бошқалар.

Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш билан бирга босиб ўтилган 30 йиллик давр ичида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий соҳаларга ҳам катта эътибор қаратилиб, хусусан аҳолини турар жой билан таъминлаш, намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфра-тузилма тармоқларини барпо этиш, кекса авлод вакиллари, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кўмакка муҳтож фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишидаги ислоҳот натижалари тақсинга лойик.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилган кенг қўламли ислоҳотлар натижасида барча соҳаларда мисли кутилмаган туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш дастурлари ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган вазифалар амалда ўз ижросини топмоқда.

Янги Ўзбекистон сари қўйилган илк қадамлардан бири бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши стратегик ўзгаришларни белгилаб берди. Ушбу Фармон билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳудудларларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган масалалар устувор йўналиш сифатида белгиланди.

2017–2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари микдоридagi 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилди. Кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошиши таъкидлаб ўтилди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» Г.// 08.02.2017 й. №28 (6722).

*Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади.*

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг  
Олий Мажлисга Мурожаатномаси,  
29 декабрь 2020 йил**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ҳар йили мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси чора-тадбирлар борасида Олий Мажлисга Мурожаатнома дунё амалиётида муқобили бўлмаган тарзда кенг оммага тақдим этиб келинмоқда. Шунингдек, бугунги кунда кўплаб халқаро ва қўшни давлатлар ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан ўрнатилган ҳолда ўз Мурожаатномаларини тақдим этмоқда. Дарҳақиқат айтиш жоизки, Республикаимиз Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга қилинган Мурожаатномада ҳалқимиз йил сарҳисоби ҳамда кейинги йил учун амалга ошириладиган ишлар бўйича муҳим ва устувор масалалар ҳақида етарлича маълумотларга эга бўлади.

Мурожаатномада жорий йилда эришилган натижалар билан бир қаторда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури доирасида бажарилган ишлар сарҳисоб қилиниб, кейинги йилга ном берилиши билан бир қаторда мамлакатимизни янада ривожлантиришга қаратилган энг муҳим вазифалар, ички ва ташқи сиёсатга доир устувор йўналишлар белгилаб берилди<sup>1</sup>.

Ўтган 2017–2021 йиллар мобайнида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлаш, саноат тармоқларида рақобатдош саноат занжирларини яратиш орқали турли таҳдид ва инқирозларга қарши курашиш мақсадида қатор ишлар олиб борилди. Мамлакатнинг ишлаб чиқариш тармоқларида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун барча тармоқ ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг фаолият юритишини таъминлаш долзарб вазифадир. Шу боис мамлакатимиз ҳудудларида аҳолининг бандлигини таъминлаш ва ишсизликни олдини олиш, ҳудудлар саноатини ривожлантириш асосида камбағалликнинг қисқартириш масалаларини тубдан ҳал қилишда самарали инвестицион лойиҳаларни яратиш ва амалиётга кенг жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Давлат раҳбари томонидан мамлакатимизда келгуси йилларда юқори иқтисодий ўсиш суръатини таъминлаш ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш дои-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи» 30.12.2020 й.



мий равишда янги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва умумжаҳон ишлаб чиқариш занжирида юқорига қараб илгариланишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида чуқур илмий-амалий тадқиқотлар асосида аниқланган ва барча имкониятларга эга бўлган саноат тармоқлари таркибидаги нефть-газ, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-поаябзал каби соҳалар айнан иқтисодиётимизнинг “драйверлари”га айланиши учун 2021-йилда қандай ишларни амалга ошириш борасида ҳам ўз фикрларини баён этиб қуйидагиларга алоҳида тўхталиб ўтдилар, хусусан:

– рақобатдош саноат занжирларини яратишда иштирок этувчи соҳаларда жами қиймати 23 млрд долларга тенг бўлган инвестициялар ўзлаштирилиши ва 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилиши;

– инвестиция сиёсатида давлат иштирокини пасайтириш, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улуши оширишнинг устуворлигини таъминлаш;

– 2021 йилнинг 1 апрелига қадар истиқболли саноат кластерлари рўйхатини аниқлаш ҳамда уларни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилишини амалга ошириш;

– “Божхона ҳудудида қайта ишлаш режими”да саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайтирилиши;

– мамлакатимизда геология-қидирув соҳасида 50 та кон ва истиқболли майдонлар аукционлар орқали инвесторларга сотилиши қайд этиб ўтилди.

Президентимиз ўз маърузаларида Гарвард университетини тадқиқоти ҳақида тўхталдилар. Мазкур тадқиқот Хаусман ва Идалгонинг “Иқтисодий мураккаблик” назарияси асосида ўтказилиб, турли давлатлардаги ишлаб чиқариш моделла-

*Инвестиция сиёсатини юри-тишда давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш керак. Геология соҳасида жорий йилда 21 та кон ва истиқболли майдонлар очиқ аукцион орқали инвесторларга сотилди. 2021 йилда яна 50 та кон ва истиқболли майдонлар маҳаллий ва чет эллик инвесторларга очиқ механизмлар асосида сотилади. Бундай ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттиришимиз керак.*

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг  
Олий Мажлисга Мурожаатномаси,  
29 декабрь 2020 йил.**

ри таҳлил қилинган ҳолда ҳар бир давлат учун “Иқтисодий мураккаблик индекси” яратилган. Шу билан бирга, мазкур тадқиқот асосида ҳар бир давлат учун ҳам ишлаб чиқариш имконияти, ҳам келгусидаги иқтисодий самараси юқорилиги нуқтаи назардан яратилиши мумкин бўлган янги товарлар рўйхати шакллантирилган.

Бир ибора билан айтганда, мазкур тадқиқот юқори ўсишга эришиш учун мамлакатнинг саноат сиёсати стратегияси қандай бўлиши керак деган саволга жавоб беради.

Маълумотларга кўра, “Иқтисодий мураккаблик индекси” рейтингда Ўзбекистон 80-ўринни эгаллаб, ўтган ўн йилликда 9 бандга юқорилаган. Таққослаш учун: бу Марказий Осиё давлатлари орасида энг яхши кўрсаткич ҳисобланади. Мазкур индекснинг яна бир муҳим жиҳати – индекс қанчалик юқори бўлса, мамлакатнинг даромад даражаси шунчалик юқори бўлади.

Ушбу рейтингдаги ўрнидан келиб чиқиб, кейинги 10 йилликда Ўзбекистоннинг йиллик иқтисодий ўсиши ўртача 4,5 фоиз бўлишини кутилмоқда ва бу таҳлил ўтказилган 133 мамлакат орасида энг юқори кўрсаткичлардан (23 ўрин) бири ҳисобланади. Эътиборга молик жиҳатларидан бири шуки, 2003 йилдан буён экспорт қилувчи товарлар сони янги 23 та товарга кўпайган. Мисол учун, шу йиллар давомида янги товарлар сони Қозоғистонда – 15 та, Покистонда – 21 та, Тожикистонда – 10 тани ташкил этган<sup>1</sup>.

## **9.2. РАҚОБАТДОШ САНОАТ ЗАНЖИРЛАРИНИ ЯРАТИШ ҲАМДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ**

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, аниқроғи 2020 йилда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури доирасида бажарилган ишлар натижаси амалда ўзининг ижобий сарҳисобини бера олди.

Мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлаш ва рақобатдош саноат занжирларини яратишда инвестицион лойиҳаларни кўпайтириш долзарб аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан мамлакатимиз ресурслар имкониятини ҳисобга олган ҳолда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва самарали жорий этиш айнан саноат тармоқларида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштиришга, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

<sup>1</sup> <https://review.uz/> – сайти маълумотлари асосида.

Республикамызда, шу жумладан, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр махсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи юқори технологияли ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва ташкил этишга қаратилган инвестиция сиёсатини янада фаоллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизмларини тубдан такомиллаштириш ва соддалаштириш, инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштиришни кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган, қуйидагиларни ўз ичига олувчи Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури асосида 850,5 трлн. сўм инвестициялар, шу жумладан, 35,5 млрд АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини назарда тутувчи 2020-2022 йилларда капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг йиғма прогноз параметрлари, шунингдек, 2020-2022 йилларда инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш ҳамда жалб қилиш, 206 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ва 31 мингдан зиёд иш ўринлари яратилишини



9.1-расм. Инвестиция мажбуриятларини бажариш босқичлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. 2020 йил 9 январь, ПҚ-4563-сон.

**Инвестиция – бу “иқтисодиёт драйвери” сифатида “иқтисодиётнинг юраги” – ҳаракатга келтирувчи куч.**


назарда туғувчи 2020 йилда йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувва-ларини ишга тушириш масалалари белгилаб берилди.

Республикамызда саноат тармоқларини ривожлантириш ва тўғридан-тўғри инвесторларни жалб қилиш борасида ҳукуратимиз кўмагида ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осие тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар доирасидаги муносабатлар ижобий томонга ўзгармоқда. Шунингдек, 2020 йилда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар 6.6 млрд. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда асосий капиталга йўналтирилган.<sup>1</sup>

Айнан инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш инвесторлар қатори мамлакатимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга. Инвестиция мажбуриятларини бажариш асосан 2-босқичда амалга оширилиши белгилаб берилган. Бугунги кунда ҳар бир давлат учун инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш долзарб аҳамиятга эгадир.

Иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, шунингдек, ҳудудларга ҳам янги технологиялар, илғор хорижий тажрибалар, юқсак малакали мутахассислар кириб келади, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти жадал ривожланади.

### Инвестиция мажбуриятлари бажарилишини қабул қилиш тартиби



9.2-расм. Инвестиция мажбуриятлари бажарилишини қабул қилиш тартиби ва босқичлари<sup>2</sup>

<sup>1</sup> <https://mift.uz/uz> – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги.

<sup>2</sup> <https://mift.uz/uz> – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо Вазирлиги.

Хорижий инвестицияларга асосан молиявий муаммоларни ечиш учун мурожаат қилинади. Хорижий корпорацияларнинг молиявий бўлимлари маблағлардан қисқа муддатли инвестициялар қаторида юқори фойда олиш мақсадида фойдаланиш моддий манфаатдорликни белгилашга олиб келади. Бундай инвестициялар кўпинча хусусий тадбиркорлар капиталига асосланган, баъзида эса ўз қимматбаҳо қоғозларини чиқаради ва хориж қимматбаҳо қоғозларини сотиб олади.

Мамлакатимиз ҳозирги кунда хорижий инвестицияларнинг кириб келишига тайёр турган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар бевосита сиёсий барқарорлик, тинчликнинг сақланиши, макроиқтисодий кўрсаткичлардаги ижобий ўзгаришлар, солиқ преференциялари ҳамда хорижий инвестицияларнинг кириб келишига асосий омил бўла олади. Ушбу вазиятнинг мавжудлиги хорижий инвесторларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистон хорижий инвесторлар билан тенгма-тенг иқтисодий алоқалар асосида шерикчилик муносабатларини олиб боради. Ҳар қандай инвестициялар мамлакатимизга кириб келишига йўл қўйилмайди. Агар кириб келаётган инвестициялар мамлакатимиз иқтисодиётига унинг ривожланишига кенг имкониятлар яратса, бундай хорижий инвестициялар юртимизга биринчилар қаторида кириб келади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қулай инвестиция иқлими шаклланмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмайди.

Ўзбекистон раҳбариятининг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш сари тутган изчил йўли хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш жараёнини фаоллаштириш учун реал шарт-шароит яратмоқда.

Миллий иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартиришнинг ҳозирги босқичида бевосита хорижий инвестициялар катта қизиқиш уйғотмоқда. Уларни жалб этишнинг асосий усуллари қуйидагилардир:

- ◆ қўшма корхоналар очиш (шу жумладан, хорижий инвесторларга ўзбек эмитентлари акциялар пакетларни сотиш йўли билан);
- ◆ Ўзбекистон ҳудудида бутунлай хорижий капиталга тегишли корхоналарни рўйхатдан ўтказиш;
- ◆ концессиялар асосида хорижий капитални жалб этиш;
- ◆ хорижий инвесторларни мамлакатнинг муайян минтақаларига фаол жалб этишга қаратилган эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ)ни кўпайтириш.

Бугунги кунда жалб этилган хорижий инвестициялар тузилмасини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, бундай инвестицияларнинг катта қисми экспортга мўлжалланган тармоқларга: ёқилғи-энергетика мажмуи, нефть-газ, кимё, олтин қазиб олиш ва пахтани қайта ишлаш саноатига, ёки ўз-ўзини қоплаш муддатлари қисқа бўлган ва кўп фонд талаб қилмайдиган юқори рентабелли лойиҳаларга: савдо, телекоммуникация, умумий овқатланиш, йирик шаҳарларда офис ва меҳмонхона бинолари қуриш, озиқ-овқат саноати ва молия хизматига йўналтирилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этишни бошқариш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати комплекс амалга оширилмоқда. Бу жараёни муваффақиятли юритиш учун мамлакатимизда қатор фармонлар, қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Инвестицион жозибадорликни ошириш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида чет эл инвесторларига давлат томонидан қафолат берувчи йўналишлар ҳам мавжудки, булар қуйидагилардан иборат:

– миллийлаштириш ва реквизициядан сакланган ҳолда сиёсий хавф-хатарни суғурта қилиш;

– субъектларнинг фойда ва бошқа олган маблағларини чет эл валюта-сида чегарадан (бошқа давлатларга) ўтказиш;

– макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда инвестиция учун қулай муҳит яратиш;

– жорий инвестициянинг кейинги ҳолати ёмонлашса, инвестиция кiritилган вақтдан бошлаб қабул қилинган қонуларнинг узок муддат давомида қўлланилишини таъминлаш;

– инвесторларнинг ҳуқуқлари тасодифий ҳолатларда бузилган тақдирда давлат органлари орқали келтирилган зарарларни тўлаш;

– республика банкларида чексиз ҳар қайси валютада ҳисоб рақамларини очиш;

– республика ҳудудида суғурта компанияларини хорижий капитал иштирокида ташкил этиш.

Чет эл инвестицияси жалб қилинган кичик корхона (йирик корхона бўлса ҳам) даромадининг маълум қисми солиқдан озод қилинади. Чунки бундай кичик корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтиришда инвестиция ва янги технологияни жорий қилиш учун имконият яратиш мақсадга мувофиқдир.


Иқтисодий модернизациялаш, ислохотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, мамлакат иқтисодиётининг тармоқлари ва соҳаларида амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш, уларни қўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғли тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқ.

Саноат тармоқлари занжирини таъминлашда барча соҳалардаги ишлаб чиқаришни барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан, тармоқлар фаолиятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу мақсадда марказлашган, марказлашмаган жамғармалар маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига урғу берилмоқда. Мамлакат иқтисодитини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойик.

Юртимизда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари бўйича ҳудудлар кесимида тузилган шартномалар 1031 та бўлиб, 14,498 трлн. сўм маблағ йўналтирилиши белгиланган, шунингдек, ушбу инвестицион лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 44382та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган (9.3-расм).


Жумаладан, Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар киритилиши назорати олиб борилган объектлар бўйича 2020 йил ҳолатига кўра, 16,7 трлн. сўм инвестиция маблағлари ўзлаштириш натижасида 62972 та янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.



9.3-расм. Инвестиция лойиҳалари бўйича ҳудудлар кесимида тузилган шартномаларни назорат қилиш ҳолати (01.12.2020 йил)<sup>1</sup>

<sup>1</sup> <https://mift.uz/uz> – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо Вазирлиги.

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2017 йилда 72155,2 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 195927,3 млрд сўмни, 2020 йил якунлари бўйича 202000,1 млрд сўмни ташкил этган. 2020 йил якунларига кўра 2017 йилга нисбатан ўсиш 2,8 марта ташкил этади (9.4-расм).



9.4-расм. 2017-2020 йилларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми (жорий нархларда, млрд сўм)<sup>1</sup>

2020 йил якунларига кўра, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан 28520,9 млрд сўм (жами асосий капиталга инвестицияларнинг 14,1 % ини ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 0,3 % пунктга кўпайди), Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар 22467,1 млрд сўм (11,1 % ва 3,1 % пунктга камайди), кафолатланмаган ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар 35439,4 млрд сўм (17,6 % ва 7,7 % пунктга кўпайди), Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 1814,6 млрд сўм (0,9 % ва 2,5 % пунктга камайди), Республика бюджети 13081,3 млрд сўм (6,5 % ва 2,5 % пунктга камайган), Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасидан 1947,2 млрд сўм (1,0 % ва 0,1 % пунктга кўпайди) миқдоридан асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш омиллари ва манбалари таҳлили кўрсатишича, инқирозга қадар бўлган даврда иқтисодий фаолликнинг юқори суръатлари асосан экспорт салоҳиятини ривожлантиришни жадаллаштириш, иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг миқёси, иқтисодиёт таркибини тизимли ва босқичма-босқич янгиланиши ҳисобига эришилган.

<sup>1</sup> <https://stat.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.



Иқтисодий ўсишни иқтисодиёт эркинлашувининг чуқурлашуви, миқёси кенгайиши, валюта бозори барқарорлашуви, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори жадал суръатларда ривожланиши таъминлади.

Саноат тармоқларида рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда инвестицион лойиҳаларни кўпайтиришнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти ортиб бормоқда. Хусусан, хомашё ресурсларини чуқурроқ қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли товарлар улушининг ортишига қаратилган таркибий сиёсатни амалга ошириш натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг пасайиши ва саноат, хизмат кўрсатиш соҳалари улушининг ортиши кузатилмоқда.

### 9.3. ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Жаҳоннинг кўплаб давлатларида экология ва атроф-муҳитнинг кескин даражада ўзгариши ва турли техноген ҳодисаларнинг содир бўлиши инсонлар соғлиги ва ҳаётига салбий таъсир ўтказмоқда. Айниқса, бу кўрсаткич янги саноатлашган давлатларда – Хитой, Ҳиндистон, Малайзия кабилардан тортиб то саноат ривожига катта урғу бериш орқали эндигина ривожланаётган Бангладеш, Монголия, Индонезия каби давлатларда ҳам юқори ҳисобланади.

*Яшил иқтисодиёт* – бу инсоният ва табиат ўртасидаги уйғун ўзаро таъсирни қўллаб-қувватлайдиган ва бир вақтнинг ўзида ҳар иккала эҳтиёжни бирдай қондиришга ҳаракат қиладиган иқтисодиётнинг методологиясидир.


Мамлакатимизда Яшил иқтисодиётга ўтишга катта аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, жадаллашаётган саноатлаштириш ва аҳоли сонининг ортиши иқтисодиётнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада оширмоқда, шунингдек, атроф-муҳитга салбий антропоген таъсирни кучайтирмоқда ва иссиқхона газлари ажратмаларининг ортишига олиб келмоқда.

Иқтисодиёт энергия самарадор-лигининг паст даражаси, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш, технологиялар янгиланишининг сустлиги, “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш учун инновацион ечимларни жорий этишда кичик бизнес иштирокининг етарли эмаслиги мамлакатни барқарор ривожлантириш соҳасидаги устувор миллий мақсадлар ва вазифаларга эришишга тўсқинлик қилмоқда. Узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги “яшил” технологияларни жорий этиш ва “яшил”

иктисодиётга ўтиш бўйича тизимли чоралар кўришни таъминлашга имкон бермаяпти<sup>1</sup>.

Ўзбекистон саноати ривожланишининг асосий мақсади, нафақат ушбу иктисодиёт секторида ўсиш суръатларини оширишга интилиш, балки бой табиий ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш орқали устувор тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг замонавий таркибини шакллантириш, ташқи ва ички бозорда мамлакат саноати рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш учун чора-тадбирлар мажмуини шакллантиришдан иборат. Стратегик йўналиш саноатни экспортга йўналтирилган таркибини вужудга келтириш ва экспортда хомашёга нисбатан чуқур қайта ишланган маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобланади.

Саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмларининг юқори суръатда ўсиши, аввалам бор, янги қувватларни ишга тушириш, корхоналарни техник ва технологик модернизация қилиш мақсадларига жалб қилинган инвестициялар ҳажмининг ортиши ва уларни самарали ўзлаштирилиши натижасида таъминланди.



9.5-расм. Саноатга “Яшил” инвестицияларни жорий қилиш ва қўллаб-қувватлаш механизми

Мамлакатимиз таркибига кирган ҳар бир вилоят, туманлар ўзининг географик ва худудий жойлашуви, таркибий тузилиши, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланганлик даражаси, худудларнинг демографик ҳолати ва аҳолининг жойлашуви, шунингдек, иқлими, сув ва табиий ресурслар салоҳиятига эгаллиги билан бир-биридан фарқ қилади. Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё, Хоразм вилоятларида фойдали қазилма минерал хомашё ресурслари жуда кам, Навоий, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси фойдали қазилма минерал хомашё ресурсларга бой, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ҳам ушбу ресурслар мавжуд худудлар қаторига қиради.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иктисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида республика корхоналари томонидан 322,3 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2019 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси 100,1 фоизни ташкил этди<sup>1</sup>. Саноат ишлаб чиқариш таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши (83,1 фоиз)ни ташкил этди. Жами саноат ишлаб чиқариш физик ҳажми пасайишининг асосий омили бўлиб тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш саноатида – 22,5 фоизга ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда – 6,2 фоизга пасайиши кузатилди. Шунингдек, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг – 6,3 фоизга ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 12,9 фоизга ўсиши кузатилди.

9.1 - жадвал

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашда йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми<sup>2</sup>

Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-ноябрь	2020 йил январь-ноябрь	Фарқ +/-
Кўмир, минг т.	3 513,5	3 710,4	196,9
Нефт, минг т.	640,7	673,4	32,7
Табий газ, млн куб.м.	55 252,4	44 926,1	-10 326,3
Газ конденсати, минг т.	1 932,3	1 268,4	-663,9
Чаккил тош, минг т.	1 773,3	1 677,7	-95,6
Шағал, минг т.	470,2	235,0	-235,2
Каолин, минг т.	296,4	351,8	55,4

2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 267,8 трлн. сўмни ёки жами саноат маҳсулотларининг 83,1 фоизини ташкил этди. Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 1,9 фоизни (2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида 1,5 фоиз), ўрта-юқори технологияли 23,1 фоиз (26,1 фоиз), ўрта-қуйи технологияли 40,5 фоиз (36,6 фоиз) ва қуйи технологиялиси 34,5 фоиз (35,8 фоиз)ни ташкил этди (9.1-жадвал).

Саноат тармоқларида жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибида машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, ярим прицеплар ва бошқа тайёр буюмларни ишлаб

<sup>1</sup> <https://stat.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>2</sup> <https://stat.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

чиқариш соҳасининг улуши 19,6 фоиз (2019 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 105,7 фоиз), металлургия саноатининг улуши 26,5 фоиз (2019 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 106,3 фоиз), тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши 15,1 фоиз (2019 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 110,4 фоиз), озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши 16,6 фоиз (2019 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 106,5 фоиз), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришнинг улуши 9,4 фоиз (2019 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 106,5 фоиз)ни ташкил этди (9.2-жадвал).

9.2 - ж а д в а л

Саноатда йирик саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган айрим турдаги саноат маҳсулотлари динамикаси<sup>1</sup>

Саноат маҳсулотлари	2019 йил январ-ноябр	2020 йил январ-ноябр	Фарқи +/-
Енгил автомобиллар, дона	253421,0	260862,0	7441,0
Юк автомобиллари, дона	5 056,0	3 726,0	-1330
Автомобиль двигателлари, млн. дона	186,4	210,4	24
Юмшоқ буғдой ва спелта уни минг тонна	1 485,6	1 685,7	-200,1
Пахта толаси, минг тонна	367,1	510,7	143,6
Ўсимлик ёғи (тозаланган) минг тонна	160,2	146,2	-14,0

2020 йилнинг январь-ноябрь ойлари давомида ишлаб чиқарадиган саноатда 919,0 минг тонна автомобиль бензини (2019 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан 0.8 фоизга камайган), 407,1 минг тонна калава ип (9,1 фоиз), 1 685,7 минг тонна юмшоқ буғдой ва спелта уни (13,5 фоиз), 226,6 млн литр пиво маҳсулотлари (13,0 фоиз) ишлаб чиқарилиб, юқори ўсиш сурьатлари кузатилди.


Республикамизда 2020 йил январь-ноябрь ойларида жами 3 726 дона юк автомобиллари ишлаб чиқарилди. Юк автомобиллари ишлаб чиқариш саноатида кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 26,3 фоизга пасайган. Шунингдек, 2020 йилда энг юқори ишлаб чиқариш сурьати ноябрь ойида кузатилиб, 420 донани ташкил этди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш саноатида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан солиштирганда енгил автомобиллар 1.0 марта, автомобиль двигателлари 1,1 марта, радиаторлар, шовқин сўндиргичлар ва чиқариш

<sup>1</sup> <https://stat.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

қувурлари, уловчи механизмлар, рул чамбараклари, рул колонкалари ва механизмларининг қартерлари ва уларнинг қисмлари 1,1 м. га ошди.

9.6-расм. Ўзбекистон Республикасида энгил автомобиллар ишлаб чиқариш



саноати (2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида, дона)<sup>1</sup>


Автомобиль ишлаб чиқариш саноатида 2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида 73871 дона “Сobalt” (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 142,3 фоиз), 62302 дона “Nexia T-250” (88,7 фоиз), 45835 дона “Lacetti-Gentra” (113,5 фоиз), 48284 дона “Damas” (100,7 фоиз), 22458 дона “Spark” (98,6 фоиз) ҳамда 8112 дона “Labo” (121,6 фоиз) автомобиллари ишлаб чиқарилди.

Технологик жиҳозларни капитал қайта тиклаш ишлари кимё корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳажмини ошириш имконини бериб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аммоний сульфат (2019 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан 113,4 фоиз), калий хлорид (103,7 фоиз) ҳамда каустик сода (4,2 маргта) маҳсулотларида ўсиш кўрсаткичлари қайд этилди.

Шунингдек, метил спирти (2019 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан 50,2 фоиз) ҳамда акрил ва винилполимерлари асосидаги бўёқ ва лак (97,5 фоиз) маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида пасайиш кузатилди.

<sup>1</sup> <https://stat.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида металлургия саноати улуши 22,4 фоизни ташкил этиб, унинг физик ҳажм индекси 5,6 фоизга ўсган бўлса, 2020 йилнинг январь-ноябрь ойлари якунларига кўра, металлургия саноатининг улуши 26,5 фоизгача кўтарилиб, физик ҳажм индекси эса 6,3 фоизга ўсди ва ишлаб чиқариш ҳажми 70937,3 млрд сўмни ташкил этди<sup>1</sup>.




9.7-расм. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати динамикаси (2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида, фоизда)

Мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам жадал ишлар борилмоқда, хусусан, ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 13,9 фоизни, унинг физик ҳажм индекси эса 105,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг январь-ноябрь ойлари якунларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 13,6 фоизни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси эса 7,7 фоизга ошди ва ишлаб чиқариш ҳажми 36 344,3 млрд сўмни ташкил этди (9.7-расм).

Саноат тармоқларида ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги корхоналарда 2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 11,0 фоизни ташкил этган бўлса, унинг физик ҳажм индекси 104,5 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, 2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 11,3 фоиз, физик ҳажм индекси 14,4 фоизга ўсган бўлса, ишлаб чиқариш ҳажми 30 342,0 млрд сўмни ташкил этган.

<sup>1</sup> <https://stat.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.



9.8-расм. Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати динамикаси (2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида, фоизда)<sup>1</sup>

**Маълумот учун:** 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатига киритилган инвестициялар 9740,0 млрд сўмни ташкил этди. Ушбу соҳага киритилган инвестицияларнинг асосий молиялаштириш манбаидан бири хорижий инвестициялар ва кредитлар бўлиб, улар 5522,1 млрд сўмни ташкил этди. Шундан, 1521,3 млрд сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан жалб қилинган.

Саноат тармоқлари корхоналари томонидан тайёр маҳсулот турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 107,1 трлн. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 1,9 % га ўсган ҳолда, унинг жами саноатдаги улуши 33,2 % ни ташкил этди.

Худудлар кесимида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг республика жами ҳажмидаги энг юқори улуши Андижон вилоятига тўғри келиб, 22,5 фоизни, шунингдек, Тошкент шаҳри 18,3 фоизни, Тошкент вилояти 11,2 фоизни, Самарқанд вилояти 9,7 фоизни ҳамда Фарғона вилояти 6,6 фоизни ташкил этди. Шунингдек, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатида республика ўсиш суръати (101,9 фоиз) даражасидан юқори кўрсаткич Самарқанд (110,1 фоиз), Бухоро (109,6 фоиз), Тошкент (109,5 фоиз) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (107,5 фоиз) қайд этилди.

Худудлар кесимида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг республика жами ҳажмидаги энг юқори улуши Андижон вилоятига тўғри

<sup>1</sup> <https://stat.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

келиб, 22,5 фоизни, удлар кесимида ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг республика жами ҳажмидаги энг юқори улуши Андижон вилоятига тўғри келиб, 32,0 фоизни, шунингдек, Тошкент шаҳри 16,6 фоизни, Самарқанд вилояти 9,2 фоизни, Тошкент вилояти 8,1 фоизни ҳамда Хоразм вилояти 6,1 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг ўсиш суръатида юқори кўрсаткич Бухоро (109,7 фоиз), Самарқанд (108,5 фоиз), Жиззах (108,4 фоиз) ҳамда Наманган (108,3 фоиз) вилоятларида қайд этилди. Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 72,1 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудларини комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, улардаги мавжуд ресурслар салоҳиятидан оптимал даражада фойдаланиш ҳисобидан барқарор ривожлантиришга эришиш, аҳоли бандлигини устувор таъминлашга эришиш, барча мавжуд ресурслар салоҳиятидан оқилона фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Хулоса шуки, мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашда рақобатдош саноат занжирларини яратиш, инвестицион лойиҳаларни кўпайтириш ҳамда жалб этилаётган хорижий ва ички инвестицияларни устувор даражада тармоқ корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини янада ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар рақобатдош саноат тармоқлари занжирларини яратишга хизмат қилади.

#### **9.4. ХУДУДЛАРДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙўНАЛИШЛАРИ**

Мамлакатимизда иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида ҳудудлар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш ҳам талаб қилинади. Ҳудудлар иқтисодиётини кўтармасдан, ислохотларни чуқурлаштирмасдан миллий иқтисодиётни ривожлантириш мумкин эмас. Чунки айнан ҳудудлар миллий иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларини, унга хос хусусиятларини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Бунда ҳудудларда мавжуд табиий ресурслар, демографик вазият ва инсон ресурслари, маъмурий-ҳудудий тузилмалар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсиш деган тушунча мавжуд бўлиб, у барқарор ривожланишнинг алоҳида таркибий қисми ҳисобланади. Барқарор иқтисодий ўсиш мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларининг маълум йиллар давомида (одатда беш йил) ижобий ва ўзаро мутаносиб ўсиш



динамикаси дан вужудга келадиган иқтисодий ўсишдир. Ҳар бир мамлакат иқтисодий ўсишни таъминлашга интилади.

Худудларда саноатни барқарор ривожлантириш ва уларнинг саноат соҳа-соҳадан самарали фойдаланишининг энг долзарб масалаларидан бири бу – ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган саноат объектларини барпо этиш ва уларни оқилона жойлаштириш масаласидир. Чунки оптимал жойлаштирилган саноат тармоклари ялпи ҳудудий ишлаб чиқариш харажатларининг қисқаришига олиб келади. Шунингдек, саноатни жойлаштириш кўп босқичли жараён бўлиб, оптимал жойлаштирилган саноат объектлари худудларда юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилади.

9.3-жадвал

Иқтисодий фаолият тури бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (млрд. сўм)<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020
Саноат маҳсулоты ҳажми, млрд сўм	111869,4	148816,0	235340,7	322535,8	367078,9
Тог-кон саноати ва очик конларни ишлаш	10721,2	18234,7	29087,9	43438,9	33000,2
Ишлаб чиқарадиган саноат	89793,3	117736,0	189642,6	254860,9	304714,3
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	22400,5	23217,7	25256,0	35337,3	42388,2
Ичимликлар ишлаб чиқариш	3364,7	3793,9	4948,9	6402,5	7308,7
Тамак маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1017,1	1183,1	1490,8	1743,8	1950,8
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	13335,3	16763,3	24835,2	29946,6	36230,8
Кийим ишлаб чиқариш	4318,5	6108,2	7732,2	9165,8	10212,2
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	981,4	1414,6	1647,9	1588,8	1654,6
Ёғоч ва тўқак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқим учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	573,3	776,0	1600,6	1596,0	1327,4
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	955,9	1230,8	1633,5	1942,8	2301,0
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	939,9	1129,7	1260,3	1361,9	1159,0
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2886,7	3681,9	5589,3	9964,2	11125,0
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	7378,9	9893,8	15078,4	18974,3	20923,2

<sup>1</sup> <https://stat.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	1220,9	1403,1	1612,4	1945,8	2405,7
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	2594,7	3235,8	5295,4	5347,8	6940,4
Бошқа неметалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	6338,3	7528,2	12190,3	13721,8	16614,1
Металлургия саноати	8040,1	12498,8	31299,5	57327,3	79165,9
Машина ва ускуналардан таъмири тайёрметалл буюмлар ишлаб чиқариш	2245,3	3650,3	5093,8	5628,8	6830,1
Компютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	450,7	843,7	1040,5	2001,6	3426,2
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	1950,1	3225,7	6985,3	7373,3	8339,4
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	983,7	1586,2	3504,5	4373,0	4323,0
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	4112,3	10509,6	26631,3	33091,2	33718,9
Бошқа транспорт ускуналарини ишлаб чиқариш	212,5	334,1	504,8	818,3	976,2
Мебел ишлаб чиқариш	1371,4	1513,7	1694,9	2299,1	2383,7
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	1077,1	1032,9	1363,7	1523,3	1617,1
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатish	1044,0	1181,1	1353,1	1385,8	1392,7
Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	10522,6	11656,0	14518,5	22014,7	27193,6
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	832,3	1189,3	2091,7	2221,2	2170,8

Иқтисодий фаолият тури бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2016–2020 йиллардаги кўрсаткичларига нисбатан ўсиш миқдори қузатилади. Саноат маҳсулоти ҳажми 2016 йилда 111869,4 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2020 бу миқдор 167078,9 млрд сўмга ошганлигини кўриш мумкин. 2020 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг паст даражада ўзгаришига асосий сабаблардан бири Covid-19 пандемиясининг ишлаб чиқариш, талаб ва таклифга таъсир кўрсатганлигини яққол мисол қила оламиз.

Саноатнинг асосий кўрсаткичлари<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020
Саноат маҳсулоти ҳажми, млрд сўм	111869,4	148816	235340,7	322535,8	367078,9
Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан фоизда	106,2	108,0	116,6	105,0	100,7
<i>шу жумладан:</i>					
Қазиб олувчи саноат	101,0	115,8	132,4	99,4	78,1
Қайта ишловчи саноат	106,4	108,3	115,6	106,6	107,1

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 2019 йилдан 2020 йилга нисбатан 4,3% га пасга тушди ва асосий икки турдаги қазиб олиш саноати 21,3% га пасайган. Фақатгина қайта ишловчи саноати 0,5% билан ўсиш суръатига эриша олган.

9.5 - ж а д в а л

Истеъмол моллари ишлаб чиқариш таркиби

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
<i>шу жумладан:</i>					
озик-овқат маҳсулотлари	45,5	39	28,8	31,3	33,6
вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво	3	2,8	2,3	2,3	2,7
ноозик-овқат маҳсулотлари	51,5	58,2	68,9	66,4	63,7

Мамлакатимизда истеъмол моллари ишлаб чиқариш таркибини асосан озиқ-овқат маҳсулотлари, вино-ароқ маҳсулотлари ва ноозик-овқат маҳсулотлари ташкил этган бўлиб, булардан озиқ-овқат маҳсулотлари 2019 йилда 2020 йилга нисбатан 2,3% га ўсиш кўрсаткичларига эришган.

9.6 - ж а д в а л

Республика бўйича жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмида ҳудудлар улуши (жамига нисбатан фоизда)<sup>2</sup>

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100
Қорақалпоғистон Республикаси	3,8	4,6	4,6	4,3	3,9

<sup>1</sup> <https://stat.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>2</sup> <https://stat.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

вилоятлар:					
Андижон	7,1	8,9	11,7	12,7	9,7
Бухоро	5,0	4,3	3,7	5,1	4,8
Жиззах	1,8	1,7	1,5	1,6	1,5
Қашқадарё	8,6	7,4	6,2	3,3	4,0
Навоий	9,5	8,8	9,7	14,3	17,7
Наманган	3,1	3,1	2,8	3,1	3,0
Самарканд	6,7	6,2	5,7	5,9	4,9
Сурхондарё	2,0	1,6	1,4	1,4	1,5
Сирдарё	3,1	2,6	2,2	1,6	2,2
Тошкент	15,1	14,6	16,0	18,0	17,6
Фарғона	7,2	6,5	5,8	6,8	5,9
Хоразм	2,5	2,7	2,7	3,2	2,6
Тошкент ш.	21,0	20,5	18,4	17,6	18,2

2020 йилга келиб бир қанча вилоятларда саноат ишлаб чиқариш ҳажмида ҳудудлар улуши қасайган. 2019 йилдан 2020 йилгача энг юқори кўрсаткич – 3,4% билан Навоий вилоятини кўришимиз мумкин. Бунга сабаб Навоий вилоятида инвестиция миқдори ва ишлаб чиқарувчилар сони ошгандир.

Мамлакат аҳолисининг реал даромади ва харид қобилиятини янада оширишда истеъмол кредити тизимини кескин кенгайтириш ва такомиллаштириш саноат мажмуида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширувчи ички талаб улуши ошиши билан характерланади. Саноатда яратиладиган маҳсулотларга жаҳон бозоридаги баҳонинг қулай конъюнктурага эга бўлиши, халқаро иқтисодий интеграциянинг кучайиши саноат ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ва ташқи омил таъсирининг ошиши билан тавсифланади. Саноат мажмуида амалга оширилган таркибий ўзгаришларда давлатнинг солиқ-бюджет сиёсати, баҳо ва пул-кредит сиёсати, умуман, иқтисодий ислоҳ қилиш бўйича амалга киритилаётган чора-тадбирлар натижасида бир қатор ижобий силжишларга эришилди. Саноат корхоналарини ислоҳ қилиш, таркибий қайта тузиш, саноатда хусусий мулк улушининг янада ошиши, тармоқ корхоналари бошқарувини бозор тамойиллари асосида шакллантириш саноат ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди.

**Худудларда саноат ривожланишини ифода этувчи айрим  
чегаравий-мезон қийматлар<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	Чегаравий мезон қийматлар
Меҳнат унумдорлиги (1 банд кишига 1000 \$)	27,9
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати, йиллик фоиз	12,0
Асосий капиталга инвестициялар ҳажми, ЯИМга нисбатан фоизда	25,0
Асосий фондларнинг эскириши, фоиз	40,0
Саноатда машинасозликнинг улуши, фоиз	25,0
Саноатда қайта ишловчи тармоқларнинг улуши, фоиз	70,0
Ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги, фоиз	15,0
ЯИМда моддий ишлаб чиқаришнинг улуши, фоиз	66,0
Моддий ишлаб чиқаришда экспортнинг улуши, фоиз	25,0
Инвестицияда хорижий капиталнинг улуши, фоиз	25,0
Экспортда қайта ишловчи саноат маҳсулотининг улуши, фоиз	50,0
Инновацион маҳсулотнинг улуши (жами саноат маҳсулотига нисбатан фоиз)	15-20
Машинасозлик маҳсулоти умумий ҳажмида янги турдаги маҳсулотнинг улуши, фоиз	7,0
Энергия истеъмоли кўрсаткичида (1000 \$ ЯИМда т. нефть):	
Энергия ресурсларининг умумий харажатлари	0,15
Электр энергияси харажатлари	0,02
Нефть ва газ харажатлари	0,10
Қазиб олиш жараёнида фойдали қазилмаларнинг йўқотилиши (умумий ҳажмига нисбатан фоизда)	3-8
Меҳнат унумдорлигининг ўртача йиллик ўсиш суръати, фоиз	6,0

Келтирилган кўрсаткич ва қийматлар ўзгарувчан характерга эга бўлиб, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва хусусиятлари ўзгариб бориши билан уларнинг ҳам қийматлари ўзгариб боради. Саноатнинг барқарор ривожланишини белгилаб берувчи омилларни биз шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин ички омиллар ва ташқи омиллар.

<sup>1</sup> Глазьев С.Ю., Локосов В.В. Оценка предельно критических значений показателей состояния российского общества и их использование в управлении социально-экономическим развитием. Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. 4 (22) 2012. С. 26, 31, 33, 36.; Локосов В.В. Стабильность общества и система предельно-критических показателей его развития. Методика и техника социологических исследований. // Наука, 1998, № 4. – С. 89.

Худуд саноатининг ривожланишини белгилаб берувчи асосий ташқи омилларга қуйидагилар киради:

- худуднинг қулай географик жойлашуви;
- кўшни худуд ва давлатларнинг ривожланганлик даражаси;
- мамлакатнинг жаҳон бозорларига бевосита чиқиш имкониятлари;
- жаҳон бозоридаги конъюктуралари ўзгаришлар ва ҳоказо.

Худуд саноатининг ривожланишини белгилаб берувчи асосий ички омилларга эса қуйидагилар киради:

- худуднинг табиий хомашё ресурслари билан таъминланганлик даражаси;
- худуддаги ишчи кучининг миқдори ва сифати;
- худуддаги асосий капиталнинг миқдори ва сифати;
- худуднинг кадрлар салоҳияти ва тармоқни ривожлантиришга хизмат қилувчи кучли қонунчилик базаси мавжудлиги;
- худуддаги саноат тармоқларининг қай даражада оқилona жойлашганлиги;
- худуддаги қулай инвестицион муҳит ва инвестицион жозибadorлик;
- худуддаги ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг ривожланганлик даражаси ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган худуд саноатининг ривожланишини белгилаб берувчи аксарият ички омиллар худуднинг “саноат ишлаб чиқариш салоҳияти”ни ҳам белгилаб беради. Ушбу салоҳиятни юзага чиқаришда худуддаги қулай инвестиция муҳити ва инвестиция жозибadorлиги муҳим ўрин тутди.

## **9.5. РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА САНОАТ КЛАСТЕРЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ**

Иқтисодийнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва барқарор ўсиши натижасида стратегик мақсадларга эришиш Ўзбекистоннинг жаҳон ҳам-жамиятидаги сиёсий ва иқтисодий ролини кучайтиришнинг асосий шarti сифатида тан олинган. Глобаллашув йўли билан тез ва муқаррар равишда бораётган замонавий дунёда халқаро рақобатга тез мослашиш қобилияти муваффақиятли ва барқарор ривожланишнинг муҳим шartiга айланмоқда.

Барқарор рақобатбардош устунликларни яратиш омиллари ва шарт-шароитларини аниқлаш, республиканинг етакчи тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш учун етарли механизмлар ва воситаларни танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Глобаллашув тufайли ишлаб чиқариш омиллари ҳаракатчан бўлиб бормоқда, мамлакатлар ўртасида рақобат кучаймоқда, шунинг учун нафақат

инновациялар ва таълим, балки корхоналар ўртасидаги муносабатлар ҳам рақобатчилардан устунликни ривожлантириш ва сақлаб қолиш учун муҳимдир. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, кластер ёндашуви бутун дунёда ҳам миллий, ҳам минтақавий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш сиёсати сифатида тан олинган.

Саноат ишлаб чиқаришида кластернинг муҳим хусусияти асосан рақобат ва иштирокчи компаниялар ўртасидаги ҳамкорликнинг комбинациясини таъминлаб беради. Кластердаги компаниялар ўртасидаги яқин ҳамкорлик алоқалари ижобий синергетик таъсирга олиб келади. шунинг учун битта фирманинг муваффақияти кластернинг умумий муваффақиятидан ажралмайди. Кластерни шакллантириш жараёни тармоқлар харидорлар, етказиб берувчилар ва тегишли тармоқлар ўртасида ахборот алмашинувига асосланади.

Кластердаги корхоналар ўртасидаги рақобат ахборот алмашинувида салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки уларнинг ҳар бири ундан мустақил фойдаланишни хоҳлайди. Бироқ кластер ғоясида айнан шу нарса, унинг аъзолари ўртасида маълумот алмашиш ўзаро манфаатли омилдир. Кластерларнинг пайдо бўлиши юқори истеъмол қиймати бўлган товарларни технологик занжирлар бўйлаб узатилиши, шунингдек, юқори рақобатбардошликнинг бошқа афзалликлари билан фирма – кластернинг аждодидан иттифоқдош корхоналарга ўтиш билан изоҳланади. Ўзаро алмашинувга фақат ўзаро иқтисодий манфаатлар шароитида эришиш мумкин, бу эса тегишли тармоқларни битта технологик занжирда ҳамкорлик қилишга мажбур қилади.

Рақобатдошлик ишлаб чиқариш занжирини ҳам кенгайтиради. Кластер корхоналари ўзларига етказиб бериладиган ярим тайёр маҳсулотлар сифатини оширишга ва шу билан етказиб берувчиларни рақобатбардошлигини оширишга мажбур қилишмоқда. Шу муносабат билан саноатни кластерли ривожланишининг афзалликлари ва Ўзбекистон иқтисодиётига кластер сиёсатини жорий этиш имкониятларини аниқлаш зарур.

Биринчидан, кластер сиёсатини олиб боришда рақобатбардош бозорни ривожлантириш, корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш учун ҳаракатлантирувчи куч сифатида рақобатни сақлаш биринчи ўринда туради ва ҳозирги вақтда Ўзбекистон иқтисодиёти минтақавий ва маҳаллий бозорларнинг юқори даражадаги монополиялашуви билан ажралиб туради. Бу эса иқтисодиётнинг умумий рақобатдошлигини пасайтиради. Шу билан бирга, кластер сиёсатидаги ҳукумат ташаббуслари биринчи навбатда кучли ва ижодий компанияларни қўллаб-қувватлашга ва ўз навбатида заиф ва қоқоқ фирмаларнинг рақобатдошлигини ошириши мумкин бўлган самарали муҳитни яратишга қаратилган.


Иккинчидан, кластер сиёсати асосий эътиборни микроиқтисодиётга қаратади: маҳаллий бозорлар ва корхоналарни мерос қилиб олинмаган (табiiй ресурслар ва ҳқ), лекин яратилган ишлаб чиқариш омиллари (юқори малакали ишчи кучи, мавжуд инфратузилма ва бошқалар) асосида таҳлил қилишни талаб этади. Кластер сиёсатига микроиқтисодий ёндашув ривожланишнинг маҳаллий хусусиятларини ҳисобга олиш ва компанияларнинг ривожланишини жадаллаштириш ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган самарали дастурларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Учинчидан, кластер сиёсатини амалга ошириш ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари, бизнес ва илмий ва таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш ва хизматларнинг инновационлигини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича ўзаро алоқаларини ташкил этишга асосланган бўлиб, бу ўзаро такомиллаштириш ва иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Тўртинчидан, кластер сиёсатини амалга ошириш ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар билан таққослаганда республика иқтисодиётида ҳали ҳам ривожланмаган кичик бизнеснинг ривожланишини рағбатлантириш ва инновацион салоҳиятини оширишга қаратилган. Кластерлар ва кластер ташаббусларининг асосий қисмини айнан кичик корхоналар ташкил этади. Бу кластер сиёсатининг асосий объектлари ҳисобланади.

Кўпгина мамлакатларда ривожланган давлатларнинг тажрибалари барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда, инвестицион фаворитликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда халқаро логистик марказлари, эркин иқтисодий зоналар каби кластерларнинг ўрни ва аҳамияти жуда юқори эканлиги кўрсатилган. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда кластерлардан фойдаланиш бўйича маълум тажриба тўпланган.

Европа Кластер обсерваторияси маълумотларига кўра, бугунги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқларида Ғарбий ва Шарқий Европадаги 28 мамлакатда 2101 та кластер мавжуд бўлиб, уларда жами 42 млн ходимлар




9.9-расм. Европа мамлакатларида кластерлаш кўрсаткичлари



ишлайди. Шу билан бирга, уларнинг 11,5 фоизи агросаноат мажмуасида ишлаб, 4,5 млн кишини иш билан таъминламоқда (4.9-расм)<sup>1</sup>.

Аксарият кластерлар Германия миллий иқтисодиётида, ундан кейин Италия, Буюк Британия, Франция, Польша ва Испания, яъни иқтисодий ва саноати ривожланган энг йирик мамлакатларда фаолият кўрсатади. Шу мамлакатлар, шунингдек, Руминия, Голландия ва Португалия, бу кластерларда иш билан банд ишчилар сони жиҳатидан бошқа мамлакатларга қараганда анча кўп.

## CERR Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти



9.10-расм. Пахта тўқимачилик кластерлари фаолияти<sup>2</sup>.

Иқтисодий ўсиш йилларида Ўзбекистон сиёсати пахта маҳсулотлари сифатини яхшилаш, ички қайта ишлашни кўпайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини сақлаш ва пахта навларини танлашни рағбатлантиришга қаратилган. Бир томондан, замонавий машиналар ва юқори технологиялар ёрдамида модернизация қилиш орқали саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иккинчи томондан, пахта маҳсулотларининг сифатини яхшилаш ва рақобатбардошлигини ошириш ишлари амалга оширилди.

<sup>1</sup> <http://www.clusterobservatory.eu> сайти маълумотлари.

<sup>2</sup> Манба: <https://telegra.ph/Infografika>

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентини  
Шавкат Мирзиёевнинг  
Олий Мажлисга Мурожаатномаси,  
29 декабрь 2020 йил.*

Ҳозирги кунда инновация ва тадқиқотлар янги мақсадларга эришиш ва барча соҳаларда соғлом рақобатни яратишда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, замонавий усул ва технологиялардан самарали фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш салмоқли натижалар бермоқда. Дарҳақиқат, миллий рақобатбардошликнинг ўсиши, жаҳон ва ички бозорларда ички корхоналарнинг самарадорлигини ошириш ҳар қандай давлатнинг иқтисодий сиёсатининг мақсади ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Гозғолдаги декоратив тошлар, Намангандаги тайёр кийимбош, Топкент шаҳри Яшнобод туманидаги “Технопарк” каби sanoat кластерлари ўз самарасини кўрсатиб, шу тизим афзалликларини намойён этмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси Президентини  
Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга  
Мурожаатномаси, 29 декабрь 2020 йил.*

Бугунги кунда бундай sanoat зоналарини йирик sanoat шаҳарлари атрофида жойлаштиришга эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳам пахта ишлаб чиқариш, бирламчи қайта ишлаш, маҳсулотни заводларда кейинчалик қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга тайёр тўқимачилик комплексларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олган ягона пахта-тўқимачилик кластерини яратиш орқали бир қанча афзалликларга эришиш мумкин.

Бугунгача мамлакатимизда 73 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган, ўтган йилги пахта ҳосилининг 73 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келган. Ўртача ҳосилдорлик кластер бўлмаган ерларга нисбатан 4,1 центнерга юқори бўлиб, қўшимча 428 минг тонна пахта олинган (9.10-расм).

Мева-сабзавотчилик кластери тармоқ ихтисослиги бўйича қуйидаги йўналишларда ташкил этилиши мумкин.

Кластерларни яратишда, аввало, миллий манфаатларга таъсир этувчи асосий йўналиш ишгирокчилари ва субъектлари билан инвестицион шерикликнинг ўзига хос давлат моделини аниқлаштириш лозим. Пахта sanoatида кластер тузишда бозордаги нархларнинг нисбатига қараб интеграция субъектлари ўртасида даромад тақсмоти механизмини такомиллаштириш лозим.

Sanoatни ривожлантириш кластери – ўзаро боғланган тармоқлар ишлаб чиқаришини янада ривожлантирувчи таъминлайдиган инновацион инфратузилма бўлиб, у харажатлар ва ресурсларни оқилона камайтиради.

- ◆ богдорчилик;
- ◆ сабзавотчилик;
- ◆ кўп тармоқли;
- ◆ иссиқхона;
- ◆ узумчилик.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари-га кўра, 2020 йилда юргимиз ҳудудларида 86 та мева-сабзавотчилик кла-стерлари ташкил этилган. Республика бўйича 2019 йилда мавжуд 259 983 гектар мева-сабзавот майдонининг 78 841 гектари ёки 30,3 фоизи кластер-ларга бириктирилган.

Республикаemiz ҳудудлари бўйича таҳлил этганда 2020 йилда ташкил этилган мева-сабзавотчилик кластерлар сони бўйича Наманган (13 та), Са-марқанд (13 та), Фарғона (13 та), Тошкент (9 та) ва Андижон (8 та), бирик-тирилган ер майдони бўйича Тошкент (52 468 га), Самарқанд (45 777 га), Наманган (40 969 га), Андижон (25 767 га), жами мева-сабзавот ер майдо-нига нисбатан қамраб олиш даражаси бўйича Хоразм (50,2 фоиз), Жиззах (45,7 фоиз), Бухоро (37,8 фоиз), Андижон (37,5 фоиз), Сирдарё (37,0 фоиз) ва Самарқанд (36,5 фоиз) вилоятлари етакчилик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли фармони билан “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжа-лигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратеги-яси” да қишлоқ хўжалиги бирлашмалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари-нинг қайта ишлаш саноати корхоналари (шу жумладан, кластерлар) билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумоти-га кўра, мева-сабзавотчилик кластерлари томонидан 1 313,87 минг тонна ме-ва-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва уларнинг 553,0 минг тон-наси ички истеъмолга, 451,02 минг тоннаси қайта ишлашга ва 309,85 минг тоннаси экспортга йўналтирилади. Бугунги кунда уларда 819,2 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватлари, 76,3 минг тонна сиғимга эга муз-латгичли камералар мавжуд. Шунингдек, 173,04 минг тонна қайта ишлаш қувватлари ва 253,97 минг тонна сиғимга эга музлатгичли камераларга эҳтиёж мавжуд.

Келтирилган маълумотлардан ҳулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжа-лиги маҳсулотларини етиштиришдан бошлаб, уларни сақлаш, чуқур қай-та ишлаш ва якуний истеъмолчига етказиб бериш жараёнларини кластер асосида ягона тизимга билаштириш нафақат озиқ-овқат хавфсизлини му-стаҳкамлаш, балки қўшилган қиймат занжирини ривонлантириш орқали мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бугунги кунда мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантириш борасида қуйидаги муаммолар мавжуд:

– айрим ҳудудларда кластерга фермерлар ихтиёрийлик асосида эмас, мажбуран аъзо қилинмоқда, яъни уларда кластерни эркин танлаш имкони мавжуд эмас;

– баъзан бир ҳудудда барча фермер хўжаликларини битта кластер билан шартнома тузишга мажбурлаш ҳолатлари учрамоқда ва, табиийки, бу ҳолат кластернинг мазкур ҳудудда монополияга айланишига олиб келиши мумкин;

– кластерлар томонидан фермерларга етиштирилган ҳосил учун пул ўтказиб бериш муддатлари асоссиз чўзилиб кетмоқда;

– кластерлар фермерларнинг хўжалик эркинлигини бир қадар чегаралаб қўймоқда.

Ҳукумат келгуси йил 1 апрелгача истиқболли саноат кластерлари рўйхатини аниқлаб, уларни жадал ривожлантириш учун алоҳида дастур ишлаб чиқсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти Шавкат Мўрзиёевнинг**  
**Олий Мажлисга Мурожаатномаси,**  
**29 декабрь 2020 йил**

Мева-сабзавотчиликда кластерларни қўллаб-қувватлашда қишлоқ хўжалигининг замонавий техникаларини сотиб олишда хўжаликлар учун давлат томонидан субсидиялаш ҳамда банк кредитлари ажратилиши механизмини янада соддалаштириш, ҳамда чет эл инвестициялари жалб қилиш чораларини кўриш, маҳаллий брендларни яратишга кўмакла-

шиш, менежерлик компаниялари орқали маҳсулотимизни чет эл бозорларига тақдим этиш, барқарор талаб мавжуд бўлган қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар қувватини оширишга давлат томонидан кўмаклашиш зарур.

Натижада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш даражасини ошириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, ҳосилдорликни ошириш имконини бериши мумкин. Шунингдек, соҳага оид амалдаги қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш зарур, бу ўз навбатида мева-сабзавотчилик тизимини кластер асосида ривожлантиришда ҳар жиҳатдан ҳуқуқий замин яратади.

Агрокластерларни ташкил этиш борасидаги Италия ва Жанубий Корея каби мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– агрокластерлар мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш – сақлаш – қайта ишлаш – сотиш технологик жараёнларини ягона интеграцион тизимга бирлаштириш орқали маҳсулотлар сифати, рақобатбардош-

лигини назорат қилиш ҳамда оширишдан томонларнинг манфаатдорлигини таъминлайди;

– агрокластерларда меҳнат тақсимоли, ҳудудий ва хўжаликлараро ихтисослашув ҳамда меҳнат кооперацияси кучли ривожланган бўлиб, бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон яратади;

– агрокластерлар кишлоқ ҳудудларининг асрлар давомида шаклланган ҳамда авлоддан-авлодга ўтиб келган тарихий ва миллий анъаналаридан, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш соҳасидаги билим, кўникма ва тажрибаларидан самарали фойдаланишга, уларни келгуси авлодлар учун сақлаб қолишга имкон яратади;

– агрокластерларда давлат – олий ўқув юртлири – илмий тадқиқот муассасалари – фермер хўжаликлари – қайта ишлаш корхоналари – тайёрлов ва сотиш тузилмаларининг ҳамкорлиги натижасида мунтазам равишда фермерларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқаришга юқори унумли замонавий технологиялар ҳамда инновацияларни жорий этиш ишлари жадаллашади;

– агрокластерлар мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Кластер унинг таркибига кирувчи ва шу билан бирга бир вақтнинг ўзида рақобат ва ҳамкорликни бирлаштирувчи барча манфаатдор корхоналарнинг самарали иттифоқига хизмат қилади. Бугунги кунда ҳудудларда иқтисодий кластерлаштириш соҳасида чора-тадбирларни амалга ошириш самарадорлиги етарлича юқори эмаслигининг асосий сабабларидан бири – кластер сиёсатини ўтказишда масъул бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва кластерларни яратишда иштирок этувчи тадбиркорлик тузилмалари ўртасида мулоқот даражасининг пастлиги ҳисобланади.

9.8 - ж а д в а л

*Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик кластерларининг шаклланиши кўрсаткичлари, (2020 й.)*

Худудлар	Кластер сон	Жами мева-сабзавот майдони, гектар	Шу жумладан кластерга бириктирилган, гектар	шундан			Жами ер майдонига нисбатан камраб олиш, % да
				Кластернинг ўзида	Фермер хўжаликларида		
					сон	майдони, гектар	
Қорақалпоғистон еспубликаси	3	8 547	1 959	787	101	1 172	22,9
Андижон	8	25 767	9 652	1 145	1 094	8 507	37,5
Бухоро	4	6 306	2 385	821	119	1 564	37,8

Жиззах	5	17 355	7 930	2 595	729	5 335	45,7
Қашқадарё	2	8 757	1 554	582	53	972	17,7
Навоий	2	7 594	1 037	537	17	500	13,6
Наманган	13	40 969	12 529	2 096	1 170	10 433	30,6
Самарқанд	13	45 777	16 727	2 990	2 573	13 737	36,5
Сурхондарё	7	12 448	4 375	1 325	241	3 050	35,1
Сирдарё	4	5 181	1 915	1 459	79	456	37,0
Тошкент	9	52 468	9 677	3 535	546	6 143	18,4
Фарғона	13	25 665	7 520	436	904	7 084	29,3
Хоразм	3	3 149	1 580	14	225	1 566	50,2
Жами	86	259 983	78 841	18 322	7 851	60 519	30,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумоти асосида тузилган.

Ҳозирги босқичда кластер тузиш саноат мажмуаси корхоналарида соҳалараро алоқаларни ривожлантиришнинг долзарб масаласидир. Саноат кластери бозор иштирокчилари учун иқтисодий фойдали бўлади, у бевосита ишлаб чиқариш қувватининг ошишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, иқтисодий муносабатларни яхшилашга ва иқтисодий самарадорликни оширишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб шунни таъкидлаш лозимки, кластерлар инновацион соҳа тузилмасининг бир тури бўлиб, у бошқа турдаги интеграцион инфратузилмалар билан бир қаторда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

## ? ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Иқтисодийнинг модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси nisбатан past бўлган туман ва шаҳарларни ривожлантиришдан кўзланган мақсад нима?
2. Саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш деганда нимани тушунасиз, изоҳлаб беринг?
3. Янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш ҳисобига нима яратилади, изоҳлаб беринг?

4. *Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига шаҳар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш масаласини изоҳлаб беринг.*
5. *2020 йилда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари қандай даражада бўлди?*
6. *2020 йилда мамлакатимизда қандай дастурлар қабул қилинди? Уларнинг мазмунини қисқача изоҳлаб беринг.*
7. *Рақобатдош саноат тармоқларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти нималарда намоён бўлади?*
8. *Саноат корхоналари маҳсулотининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлилигига қандай омиллар таъсир кўрсатади?*
9. *Саноат корхоналари экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасидаги фикрларингиз қандай?*
10. *Кластернинг муҳим хусусиятини айтинг?*
11. *Дунё иқтисодчи олимларининг “кластер” атамасига берган таърифларини санаб ўтинг.*
12. *Ҳудудларда янги саноат кластерлари ташкил этиш ҳисобига нима яратилади, изоҳлаб беринг?*
13. *Пахта-тўқимачилик кластери ривожланишининг асосий йўналишлари.*
14. *Кластер тизимини ривожлантиришининг хорижий тажрибаларига мисоллар келтиринг*
15. *Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик кластерларининг шаклланиши кўрсаткичлари 2020 йилда қандай бўлди?*
16. *2020 йилда мамлакатимизда кластерлар фаолияти бўйича қандай дастурлар қабул қилинди? Уларнинг мазмунини қисқача изоҳлаб беринг.*



## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича Қарори қачон қабул қилинган?**

- А. 2020 йил 17 декабрь
- Б. 2020 йил 15 октябрь
- С. 2020 йил 17 ноябрь
- Д. 2020 йил 18 октябрь

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти тавсиясига кўра 2020 йилга қандай ном берилган?

- А. “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”
- Б. “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”
- С. “Инновациялар ва рақамли иқтисодиёт йили”
- Д. “Илм, маърифатни ривожлантириш йили”

3. Рақобатдош саноат занжирларини яратишда иштирок этувчи соҳаларда жами қанча маблағга тенг бўлган инвестициялар ўзлаштирилди?

- А. 25 млрд доллар
- Б. 23 млрд доллар
- С. 32 млрд доллар
- Д. 20 млрд доллар

4. Рақобатдош саноат занжирларини яратишда иштирок этувчи соҳаларда қанча йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилди?

- А. 226 та
- Б. 230 та
- С. 250 та
- Д. 300 та

5. 2020 йилда ўзлаштирилган асосий капиталга йўналтирилган хорижий инвестициялар қанчани ташкил этади?

- А. 6,6 млрд. АҚШ доллари
- Б. 6,8 млрд. АҚШ доллари
- С. 7,3 млрд. АҚШ доллари
- Д. 8,5 млрд. АҚШ доллари

6. 2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида республика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари қанчани ташкил этади?

- А. 322,3 трлн. сўм
- Б. 325,8 трлн. сўм
- С. 320,1 трлн. сўм
- Д. 345,6 трлн. сўм

7. Замонавий даврда кластер усули ким томонидан ишлаб чиқилган рақобатдош устунлик назариясида чуқур ўрганилди?

- А. Майкл Портер
- Б. Абрахам Маслоу
- С. Филип Котлер
- Д. Фредрик Тейлор



8. Мамлакатимизда нечта пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган?

- А. 73 та
- Б. 80 та
- С. 85 та
- Д. 78 та

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси” тўғрисидаги ПФ-5853-сонли фармони қачон қабул қилинган?

- А. 2019 йил 23 октябрь
- Б. 2019 йил 18 октябрь
- С. 2019 йил 10 ноябрь
- Д. 2019 йил 30 октябрь

10. Яшил иқтисодиётга ўтишдан мақсад нимадан иборат?

А. Инсоният ва табиат ўртасидаги уйғун ўзаро таъсирни қўллаб-қувватладиган ва бир вақтнинг ўзида ҳар иккала эҳтиёжни бирдай қондиришга ҳаракат қиладиган иқтисодиёт

- Б. Инсон эҳтиёжини бирдай қондиришга ҳаракат қиладиган иқтисодиёт
- С. Табиатга зарар келтирмайдиган автомобиллар ишлаб чиқариш
- Д. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш

## Х Б О Б

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАРМОҒИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

#### 10.1. АҲОЛИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА БУ БОРАДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЛОБАЛ РЕЙТИНГЛАРДА ЎЗ МАВҚЕИНИ ЯХШИЛАБ БОРИШИ

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таъминланишини, импортга боғлиқликни минимум даражасига эриштиришни ифодалайди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун икки йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилди:

– қишлоқ аҳолиси томорқа майдонларини кенгайтириш ва янгиларини ажратиб бериш;

– қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш.

Давлатнинг озиқ-овқатга оид сиёсати картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ҳам ўз-ўзини таъминлашни кўзда тутди. Аҳолига етарли даражада чорвачилик маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи етказиб бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун зарур бўлган базани барпо этиш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари асосий турларининг етарли захирасини шакллантириш, ҳарнинг чакана нархлари барқарорлигини таъминлашга эришиш, четдан келтирилаётган маҳсулотлар ҳажмини қисқартириб бориш қабилар ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг мавжуд эмаслиги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳага инвестицияларни кенг жалб этиш,

ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даромад олиши ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрда “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони қабул қилинди.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қулай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, соҳага бозор механизмларини, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида халқаро ташкилотлар ва экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланди. Қуйидагилар Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармогини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтириш мақсадида соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилona фойдаланишни назарда тутувчи табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тузилмасини реструктуризация қилиш ва янада ривожлантиришни назарда тутувчи бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш;

фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармок дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш;

қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарали шакллари қўллашни назарда тутувчи илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

қишлоқ жойларини мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга кўмаклашишни назарда тутувчи қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услубларини жорий этишни назарда тутувчи тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2021 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасида “Макроиқтисодий барқарорлик – иқтисодий ислохотларнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Шунинг учун 2022 йилда инфляциявий таргетлаш доирасида нарх-наво ўсишини 10 фоиздан оширмаслик Марказий банк ва Ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлади. Бу борада глобал пандемия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Шу боисдан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида импорт соҳасидаги бож тўловлари бўйича берилган имтиёзлар яна бир йилга узайтирилади.

Умуман, халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади. Бунинг учун Ҳукумат ва ҳокимликлар томонидан барча чоралар кўрилади ҳамда бу масала Президентнинг доимий назоратида бўлади”<sup>1</sup> деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг 3.3-банди “**Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш**” деб номланиб, унда “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секто-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

рининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш<sup>1</sup> лозимлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини истикболда барқарор ривожлантириш соҳада давлат сиёсатини янгича ёндошувлар асосида юритишни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) ушбу вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Мазкур Стратегиянинг асосий мақсади **қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган илоҳотларни янада чуқурлаштиришда давлат сиёсатини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб**, қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олади:

аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;  
кулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;  
соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибadorликни ошириш;

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш;

давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш;


тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш;

қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш;

тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини ишлаб чиқиш.

Озиқ-овқат хавфсизлиги кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик омилларга боғлиқ бўлиб, мамлакат ривожланишининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.



10.1.1-расм. Озиқ-овқат хавфсизлигининг таркибий қисмлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони


Озиқ-овқат хавфсизлигининг тўрт таркибий қисмлари (озиқ-овқатнинг мавжудлиги, уни харид қилиш қобилияти, ундан фойдаланиш ва унинг барқарорлиги) бўйича озиқ-овқат хавфсизлигининг давлаг сиёсати ишлаб чиқилади ва амалга оширилади (10.1.1-расм).

Аҳоли сонининг ўсиши, ер, сув ва энергия ресурсларига бўлган талабнинг ортиши, унингдек, иқлимнинг кескин ўзгариши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи асосий омиллардир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор чоралар амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон дунёда эгаллаган ўрнини мустаҳкамлашга эришди ва босқич-ма-босқич глобал рейтингларда ўз мавқеини яхшилаб олмоқда.

2020 йил учун халқаро миқёсда Глобал очлик индекси эълон қилинди. Ушбу индексда 107 та мамлакат иштирок этган бўлиб, Ўзбекистон мазкур рейтингда энг яхши деб топилган 47 та мамлакатлар қаторида 6,7 балл билан 30 ўринда қайд этилди. 2019 йилда ушбу рейтингда Ўзбекистон 10,7 балл билан 48 ўринда кўрсатиб ўтилган эди. 2018 йилда эса Глобал очлик индекси бўйича 119 мамлакат орасида 52-ўринни эгаллаб, 12,1 кўрсаткич билан «мўътадил» даражага эришган эди. (10.1.2-расм, 10.1.3-расм).


Маълумотларга кўра, дунёда қарийб 690 млн киши тўйиб овқатланмайди, беш ёшгача бўлган<sup>1</sup> 144 млн бола бўйи меъёрдан пастдир, беш ёшгача бўлган 47 млн бола вазни меъёрдан пастдир.



10.1.2-расм. Глобал очлик индекси (2020): Жаҳон<sup>1</sup>

<sup>1</sup> globalhungerindex.org


Маълумот учун, Глобал очлик индекси кўрсаткичлари мавжуд бўлмаган мамлакатлар ва баъзи би қори даромадли мамлакатлар, аҳолиси кам мамлакатлар ва мустақил бўлмаган ҳудудлар учун ҳисобланмаган.



10.1.3-расм. Глобал очлик индекси 2020: Ўзбекистон

Ушбу индекс ҳар бир мамлакат учун тўртта кўрсаткич йиғиндиси бўйича аниқланади:

тўйиб оқатланмайдиган аҳоли улуши:



10.1.4-расм. Кўрсаткич қийматлари учун trend – Ўзбекистон (trend for indicator values – Uzbekistan)<sup>1</sup>

<sup>1</sup> <https://www.globalhungerindex.org/uzbekistan.html>

очликдан азият чекувчи 5 ёшгача бўлган болалар улуши;  
ўсишда ортда қолаётган 5 ёшгача бўлган болалар улуши (бу сурункали тўйиб овқатланмаслик белгиси);

5 ёшгача бўлган болалар орасида ўлиш ҳолатлари даражаси.

Очлик даражаси 100 балли шкала бўйича аниқланади, унда 0 – энг яхши натижа (очликнинг йўқлиги), 100 эса – энг ёмон натижа **10.1.3-расм.**

10.1.4-расмдан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда тўйиб овқатланмайдиган аҳоли улуши 2000 йилда 18 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда эса бу кўрсаткич деярли 7 баробарга камайиб, 2,6 фоизни ташкил этди. Очликдан азият чекувчи 5 ёшгача бўлган болалар улуши 2000 йилда 9 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда эса бу кўрсаткич 5 баробарга камайиб, 1,8 фоизни ташкил этди. Ўсишда ортда қолаётган 5 ёшгача бўлган болалар улуши 2000 йилда 24,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда эса бу кўрсаткич деярли 2,3 баробарга камайиб, 10,8 фоизни ташкил этди. 5 ёшгача бўлган болалар орасида ўлим ҳолатлари даражаси 2000 йилда 6,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда эса бу кўрсаткич 3 баробарга камайиб, 2,1 фоизни ташкил этди. Қуйида жаҳон мамлакатларининг 2000-2020 йилларда Глобал очлик индекси (Global Hunger Index (GHI))даги ўрни ва унинг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш мумкин (10.1-жадвал).

10.1.1-жадвал.

Жаҳон мамлакатларининг 2000-2020 йилларда Глобал очлик индекси (Global Hunger Index (GHI))даги ўрни ва унинг ўзгариши<sup>1</sup>

2020 йилдаги ўрни	Мамлакат	2000	2006	2012	2020	2000 йилдан бошлаб мутлақ ўзгариш	2000 йилдан бери фоз ўзгариши
1-17*	Беларус	2.5<5	2.5<5	2.5<5	2.5<5	–	–
1-17*	Босния ва Герцеговина	9.3	6.7	2.5<5	2.5<5	–	–
1-17*	Бразилия	11.3	6.3	2.5<5	2.5<5	–	–
1-17*	Чили	2.5<5	2.5<5	2.5<5	2.5<5	–	–
1-17*	Хитой	13.6	9.5	2.5<5	2.5<5	–	–
1-17*	Коста Рика	6.1	2.5<5	2.5<5	2.5<5	–	–
1-17*	Хорватия	2.5<5	2.5<5	2.5<5	2.5<5	–	–
1-17*	Куба	2.5<5	2.5<5	2.5<5	2.5<5	–	–
1-17*	Эстония	5.9	2.5<5	2.5<5	2.5<5	–	–

<sup>1</sup> <https://www.globalhungerindex.org/ranking.html>



2020 йилдаги ўрин	Мамлакат	2000	2006	2012	2020	2000 йилдан бошлаб мулклик ўзгариш	2000 йилдан бери фойз ўзгариши
1-17*	Кувайт	2.5<5	2.5<5	2.5<5	2.5<5	-	-
1-17*	Латвия	7.0	2.5<5	2.5<5	2.5<5	-	-
1-17*	Лихтенштейн	6.1	2.5<5	2.5<5	2.5<5	-	-
1-17*	Монгенигро	-	5.5	2.5<5	2.5<5	-	-
1-17*	Руминия	8.0	5.5	2.5<5	2.5<5	-	-
1-17*	Туркия	10.1	6.3	2.5<5	2.5<5	-	-
1-17*	Украина	13.0	2.5<5	2.5<5	2.5<5	-	-
1-17*	Уругвай	7.5	6.8	5.0	2.5<5	-	-
18	Россия Федерацияси	10.0	6.8	6.0	5.2	-4.8	-48.0
20	Аргентина	6.3	5.6	5.2	5.3	-1.0	-15.9
21	Қозоғистон	11.4	12.3	8.1	5.4	-6.0	-52.6
24	Албания	20.7	15.8	8.5	5.9	-14.8	-71.5
25	Озарбайжон	25.0	16.0	10.6	6.0	-19.0	-76.0
30	Ўзбекистон	24.4	16.9	12.7	6.7	-17.7	-72.5
31	Арманистон	19.4	13.4	10.4	6.9	-12.5	-64.4
42	Қирғизистон	18.4	13.9	11.7	8.4	-10.0	-54.3
52	Туркменистон	21.2	16.6	13.6	11.1	-10.1	-47.6
94	Ҳиндистон	38.9	37.5	29.3	27.2	-11.7	-30.1
99	Афғонистон	51.0	42.8	33.8	30.3	-20.7	-40.6
105	Малагаскар	42.7	41.4	34.6	36.0	-6.7	-15.7
107	Чад	50.9	51.3	47.9	44.7	-6.2	-12.2

2020 йилда Беларусь, Босния ва Герцеговина, Бразилия давлатлари рейтингда энг юқори поғонада бўлса, энг кичик кўрсаткичлар эса Мадагаскар, Тимор Лесте ва Чад мамлакатларида кузатилмоқда.

МДҲ давлатлари қуйидаги ўринларни эгаллашди: Украина – 16; Россия – 18; Қозоғистон – 21; Озарбайжон – 25; Грузия – 26; Ўзбекистон – 30; Арманистон – 31; Қирғизистон – 42; Туркменистон – 52.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бир йил ичида бундай юқори кўрсаткичнинг қайд этилиши, яъни 48 ўриндан 30 ўринга кўтарилишнинг асосий сабаби республикада амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, Давлат статистика қўмитасининг саъй-ҳаракатлари билан ФАО

ташкilotи томонидан Глобал очлик индексининг асосий омилидан бири бўлган "тўйиб овқатланмайдиган аҳоли улуши" кўрсаткичининг 2017 йилдан бошлаб қайта ҳисоблаш амалга оширилганлигидир.

Глобал очлик индекси кўрсаткичлари мавжуд бўлмаган мамлакатлар ва баъзи бир юқори даромадли мамлакатлар, аҳолиси кам мамлакатлар ва мустақил бўлмаган ҳудудлар учун ҳисобланмаган.

Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти барқарорлигига эришиш, кам даромадли оилаларнинг харид қобилиятини ошириш, маҳсулотлар нархи ва миқдори кескин ўзгаришининг олдини олиш ҳал этилиши зарур бўлган муаммолардан ҳисобланади.

Мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади – республиканинг жами аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга оширишдан иборат.

Устувор йўналиш аҳолини барқарор нархлардаги хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ), шу жумладан, БМТнинг 2-БРМ «Очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолини яхшилаш ва барқарор қишлоқ хўжалигини тарғиб қилиш» да белгиланган мақсадларга эришишга хизмат қилади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини озиқ-овқат билан таъминлаш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини ижтимоий объектлар билан интеграциялаш;

бошоқли дон етиштиришда давлат интервенцион харидлар тизимини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини давлат томонидан тартибга солиш механизмидан босқичма-босқич воз кечиш ҳамда бошоқли донни квота асосида бозор нархларида сотиб олиш механизмини жорий этиш;

соғлом истеъмоли маданиятини тарғиб қилиш бўйича узоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш;

ҳалқаро даражада тан олинган услублар ва илғор тажрибалар асосида озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш тизимини жорий этиш ҳамда доимий мониторинг қилиш;

ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга доир тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш;

чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш, балиқ ва парранда гўшти, шунингдек, сут ишлаб чиқаришни барқарор интенсивлаштиришга қаратилган тадқиқот ишларини олиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида қуйидаги натижаларга эришиш кўзда тутилмоқда (10.1.2-жадвал).

10.1.2-жадвал


Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида эришиладиган

**АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА ИНДИКАТОРЛАР**

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Асос (2018 й.)	2021 йилга мақсад	2025 йилга мақсад	2030 йилга мақсад
1.	Қишлоқ хўжалигида қўшилган қийматнинг йиллик ўсиши	117,3 трлн сўм (14 млрд АҚШ долл.)	3 фоиз	5 фоиз	5 фоиз
2.	Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғида иш ўринлари сонининг ўсиши: Қишлоқ хўжалиги Озиқ-овқат саноати Тўқимачилик саноати	3 671 300 91 420 140 200	2 фоиз 3 фоиз 3 фоиз	1 фоиз 4 фоиз 4 фоиз	1 фоиз 5 фоиз 5 фоиз
3.	Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти ҳажмининг ошиши	2,3 млрд АҚШ долл.	3,5 млрд АҚШ долл.	10 млрд АҚШ долл.	20 млрд АҚШ долл.
4.	Аҳоли ўртасида тўйиб овқатланмайдиганлар улushi	6,3 фоиз	5 фоиз	3 фоиз	0
5.	Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш (бир нафар ишчига бир йилда долларда)	3 960 АҚШ долл.	4 300 АҚШ долл.	5 200 АҚШ долл.	6 500 АҚШ долл.
6.	Қишлоқ хўжалигидаги иссиқхона газ чиқиндиларини камайтириш	15 740 гигаграмм (2016 йил)	10 фоиз	30 фоиз	50 фоиз

Жадвалдан кўриниб турибдики, Қишлоқ хўжалигида 117,3 трлн сўмлик (14 млрд АҚШ долл.) қўшилган қиймат яратилган бўлса, уни йиллик ўсиши 2021 йилда 3 фоизга, 2025–2030 йилларда эса 5 фоиздан кам бўлмаган ҳолатда ўстириш кўзда тутилмоқда.

2018 йилда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти ҳажми 2,3 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2021 йилда уни 3,5 млрд АҚШ доллари, 2025 йилда 10 млрд АҚШ доллари, 2030 йилда эса 20 млрд АҚШ долларига етказиш кўзда тутилмоқда (10.1.5-расм.).



10.1.5-расм. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ошиши, млрд АҚШ доллари

Бундан ташқари, 2030 йилгача бўлган раликда аҳоли ўртасида тўйиб овқатланмайдиганлар ўлушини 2018 йилги 6,3 фоиздан, 2030 йилда 0 фоизга пасайтириш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш натижасида 2018 йилги бир нафар ишчига бир йилда тўғри келадиган 3 960 АҚШ долларни 2030 йилда 6 500 АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган эди:

- озиқ-овқат ва маҳсулот хавфсизлиги тизимини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш мақсадида вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаш вазифасини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юклаш, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини институционал баҳолаш, вазирлик ва идораларнинг ушбу соҳадаги ўз ваколатларини амалга оширишини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш;

- галлага давлат буюртмаси ҳажмларини босқичма-босқич камайтиришни назарда тутувчи бошоқли дон ички бозорида интервенцион харидлар тизимини жорий этиш;

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини озиқ-овқат билан таъминлаш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, қиш-

лоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини ижтимоий объектлар билан интеграциялаш;

– халқаро даражада тан олинган методологиялар ва илғор тажрибалар асосида озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш тизимини жорий қилиш ҳамда доимий мониторингини олиб бориш.

Мазкур чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар 2020 йил давомида белгиланган муддатларида амалга оширилди.

## **10.2. МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИНИНГ ЎРНИ ВА АГРАР СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ**

Қишлоқ хўжалиги тармоғи мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондириш билан бирга экспорт салоҳиятини мустақамлашнинг истиқболли манбаларидан бири саналади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги бу иқтисодиётнинг шундай ҳолати бўлиб, бунда жаҳон бозорлари тебранишларидан қатъи назар, бир томондан, илмий асосланган кўрсаткичларга мос миқдорларда, иккинчи томондан тиббий меъёрлар даражасида истеъмолни қондириш учун шарт-шароит яратилган ҳолда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш кафолатланади<sup>1</sup>.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда улкан ва арзигулик ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб, чекланган ер ва сув ресурслари, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида ўтган 2000–2020 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ошиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич 2020 йилда 2,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2000–2020 йилларда эса ўртача 5,4 фоиздан юқори бўлди. Кейинги йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2000 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида

<sup>1</sup> [www.icarda.org](http://www.icarda.org) – Курғокчилик ҳудудларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари бўйича халқаро маркази (ICARDA)нинг расмий сайти.

қишлоқ хўжалигининг салмоғи 34.4 фоизга тенг бўлган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 28,2 фоизгача пасайган (10.2.1-расм).



10.2.1-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари (фоизда)<sup>1</sup>

Бу ҳолат мамлакатимизда саноатнинг идустириал тармоқлари ҳамда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар натижалари билан изоҳланади.


Аграр соҳада таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалар ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президентининг Шавкат Мирзиёев 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”<sup>2</sup> лозимлиги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (stat.uz) маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони.

тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган. Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича қуйидаги вазифаларга асосий эътибор қаратилган (10.2.2-расм).



10.2.2-расм. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш истикболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан саналади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий кўрсаткичлари<sup>1</sup>

	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020 йил янв-дек <sup>2</sup>
Қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони, минг гектар	3778,3	3647,5	3708,4	3694,2	3706,7	3474,5	3396,0	3309,4	3373,1
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд сўм	1387,2	5978,3	30856,7	99604,6	115599,2	148199,3	187425,6	216283,1	249754,5
шу жумладан:									
деҳқончилик	696,8	3323,1	18119,0	55429,2	61755,1	83303,4	98406,4	111904,8	123556,0
чорвачилик	690,4	2655,2	12737,7	44175,4	53844,1	64895,9	89019,2	104378,3	126198,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, утган йилга нисбатан фонзда	103,1	105,4	106,3	106,1	106,3	101,0	100,2	103,3	102,8
шу жумладан:									
деҳқончилик	103,1	107,0	105,9	105,5	105,7	98,2	95,8	104,8	103,4
чорвачилик	103,0	103,6	106,9	106,9	107,0	104,1	105,7	101,6	102,1

Мамлакатимизда ундор қишлоқ хўжалиги экин майдонлари минг афсуски, йилдан-йилга камайиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда жами қишлоқ хўжалиги экин майдони 3778,3 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2020 йилда эса 405,2 минг гектарга камайиб, 3373,1 минг гектарни ташкил этди. Яъни, 10,7 фоизга камайган.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 20,2 млн гектар ерларнинг атиги 20,7 фоизи суғориладиган ерлар ҳисобланади. Сўнгги 15 йил мобайнида аҳоли жон бошига суғориладиган ерлар 24 фоизга (0,23 дан 0,16 гача) камайган. (10.2.1-жадвал).

Мазкур ҳолат аҳоли сонининг ўсиши, сув таъминоти ҳажмининг қисқариши ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг бошқа ер фонди тоифаларига ўтиши натижасида юзага келган.

Прогнозларга кўра, келгуси 30 йил мобайнида суғориладиган ер майдонлари яна 20–25 фоизга қисқариши мумкин.


Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган оқилона иқтисодий ислохотлар натижаси ўлароқ, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қўшимча ўсиш суръати

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (stat.uz) маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.



3,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда, бутун дунёда коронавирус пандемияси келтириб чиқарган иқтисодий инқироз бўлишига қарамасдан мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қўшимча ўсиш суръати 2,8 фоизни ташкил этди. Сўнги 21 йил ичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми 2,9 баробардан ошди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида кучли шўрланган ерларнинг улушини 2018 йилги 45 фоиздан, 2021 йилда 43 фоиз, 2025 йилда 41 фоиз ва 2030 йилда 37 фоизгача камайтириш кўзда тутилган (10.2.3-расм).



10.2.3-расм. Кучли шўрланган ерларнинг улушини камайтириш<sup>1</sup>

Мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида армоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000-2020 йилларни таҳлил этадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги соҳасида 2020 йилда 2000 йилга нисбатан дон ва дуккакли дон экинлари етиштириш ҳажми 1,84 баробарга, картошка етиштириш 4,30 баробарга, сабзавотлар етиштириш 3,95 баробарга, озик-боп полиз маҳсулотлари етиштириш 4,73 баробарга, мевалар ва резаворлар етиштириш 3,62 баробарга, узум етиштириш 2,63 баробарга, гўшт (тирик вазнда) етиштириш 3 баробарга, сут етиштириш 3,03 баробарга,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясига 2-ИЛОВА маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

**VIII bob. RAQOBATBARDOŞ MAᖂSULOTLAR IŞLAB ÇIQARIŞDA ERKIN İQTISODIY...**

тухум етиштириш 6,24 баробарга, асал етиштириш 5,04 баробарга, қиркиб олинган жун 2,25 баробарга, олинган қоракўл терилар сони 1,54 баробарга, пилла етиштириш 1,27 баробарга ўсган (10.2.2-жадвал).

**10.2.2-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикасида барча тоифаларда ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тўғрисида МАЪЛУМОТ<sup>1</sup>**

№	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й. <sup>2</sup>	2020 й.дан 2020 й.га нисбатан ўзгариш	
												Баробар	+ , -
1	Дон ва дуккакли дон экинлари жами	минг тонна	4101,4	6540,9	7504,3	8173,5	8261,3	7288,5	6535,5	7437,8	7566,6	1,84	3465,2
1.02.	бўтдой	минг тонна	3684,2	6057,2	6745	6964,7	6934,9	6079,2	5410,8	6093,5	6016,3	1,65	2332,1
1.05.	маккажўхори дони учун	минг тонна	130,6	164,3	231,7	439,6	491,9	389,4	413,2	421,3	447,3	3,42	316,7
1.10.	поли	минг тонна	173,3	171,7	249,8	425,7	452	395,4	221,1	314,7	284,9	1,64	111,6
1.11.	дуккакли дон экинлари	минг тонна	9,2	21,8	38,7	76,4	98,4	212,5	260	339,6	330,9	35,97	321,7
3	Картошка	минг тонна	731,1	924,2	1694,8	2586,8	2789,5	2793,7	2911,9	3089,7	3143,5	4,30	2412,4
4	Сабзавотлар – жами	минг тонна	2644,7	3517,5	6262,4	9390	10184	10219,9	9760,3	10215,1	10459,5	3,95	7814,8
5	Озиқбоп полиз. жами	минг тонна	451,4	615,3	1182,4	1853,6	2044,9	2031	1837	2068,7	2134,4	4,73	1683
6	Мевалар ва резворлар	минг тонна	790,9	949,3	1676,3	2467,9	2612,9	2614,9	2706,2	2752,7	2864	3,62	2073,1
7	Узум	минг тонна	624,2	641,6	979,3	1518,2	1613,1	1625,5	1589,8	1603,3	1639,2	2,63	1015
8	Ўғич (тирик вазнда)	минг тонна	841,8	1061,5	1461,4	2033,4	2172,5	2286,8	2430,5	2473,6	2526,2	3,00	1684,4
9	Сут	минг тонна	3632,5	4554,9	6169,0	9027,8	9703,4	10047,9	10466,4	10714,3	11009,9	3,03	7377,4
9.01	шудан: сугир суги	минг тонна	3612,5	4447,2	6133,8	8994,8	9663,2	10005,5	10415,7	10662,3	x		
10	Тухум	млн. дона	1254,4	1966,7	3061,2	5535,4	6152,5	6332,7	7459,3	7771,2	7825,0	6,24	6570,6
10.1	шудан: товуқ тухуми	млн. дона	1251,4	1963,5	3009,0	5514,9	6126,3	6299,7	7425,6	7723,7	x		
11	Асал	тонна	2685,0	2115,7	3171,9	10157,0	12050,0	11737,6	12578,4	13001,7	13520,4	5,04	10835,4
12	Қиркиб олинган жун	тонна	15849,0	20081,0	26510,0	36029,0	37103,0	36360,0	34615,0	35115,0	35650,0	2,25	19801
13	Олинган қоракўл терилар	минг дона	747,6	688,7	934,9	1032,0	1055,4	1075,1	1085,2	1150,7	1151,4	1,54	403,8
14	Пилла	тонна	16479,0	16211,0	25151,8	26293,0	26355,6	12480,3	17912,3	21374,1	20941,9	1,27	4462,9

<sup>1</sup> Маълумотлар қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича аниқлаштирилган (қайта кўриб чиқилган) маълумотларни ҳисобга олган ҳолда берилган

<sup>2</sup> 2021 йил учун дастлабки маълумот

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида устувор йўналишлар кесимида қуйидаги натижаларга эришиш асосий мақсад қилиб белгиланган (10.2.3-жадвал).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (stat.uz) маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида эришиладиган

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА ИНДИКАТОРЛАР<sup>1</sup>

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Асос (2018 й.)	2021 йилга мақсад	2025 йилга мақсад	2030 йилга мақсад
<b>I. Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш</b>					
1.1	Бошоқли доннинг ўртача ҳосилдорлигини ошириш	43 ц/га	60 ц/га	70 ц/га	75 ц/га
1.2	Сигирларнинг ўртача сут маҳсулдорлигини ошириш	2 320 кг/бош	2 700 кг/бош	3 100 кг/бош	3 500 кг/бош
1.3	Умумий экин майдонлари таркибида озуқа экинлари майдонлари улуши	7 фоиз	10 фоиз	12 фоиз	15 фоиз

Хусусан, бошоқли доннинг ўртача ҳосилдорлигини 2018 йилдаги 43 ц/га дан 2030 йилгача бўлган оралиқда 43 ц/га га, сигирларнинг ўртача сут маҳсулдорлигини 2018 йилдаги 2320 кг/бош дан 2030 йилгача бўлган оралиқда 3500 кг/бошга, умумий экин майдонлари таркибида озуқа экинлари майдонлари улушини 2018 йилдаги 7 фоиздан 2030 йилгача бўлган оралиқда 15 фоизга ошириш белгиланган.

2020 йил 16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтаказилган видеоселектор йиғилишида озиқ-овқат маҳсулотларининг арзон ва етарлилиги халқ розилигининг асосий омилларидан бири эканлиги таъкидланди. Буни таъминлаш мақсадида сўнгги 3 йилда озиқ-овқат, чорвачилик, мева-сабзавотчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун 28 триллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Биргина чорвачилик йўналишида 11 триллион сўмлик лойиҳалар амалга оширилди.

Бундан ташқари, коронавирус пандемиясининг нарх-навога таъсири инobatга олиниб, жорий йил апрель ойидан бошлаб асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари импорти божхона тўловларидан озод қилинган.

Шунга қарамай, охириги вақтларда гўшт, тухум, ўсимлик ёғи ва шакар маҳсулотларининг нархи кескин ошди. Дунё бозорида 2020 йилнинг ўтган 9 ойида ўсимлик ёғи 15 фоизга, Ўзбекистонда эса 26 фоизга ортган. Шакар нархи 5 фоизга камайишига қарамасдан, мамлакатда 23 фоизга қимматлаган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясига 2-ИЛОВА

Йиғилишда ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди: “Бутундан барча чораларни кўриб, амалдаги тизимни ўзгартирмасак, эртага қиш ва баҳор ойларида қийин бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириб, бозордаги нарх-навони арзон қилсак, одамларни, айниқса, кам таъминланганларни рози қила оламиз”, – деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳоқимида ҳудуд аҳолисининг кейинги йил майгача гўшт, тухум, ун, ёғ, шакар, гуруч, картошка, сабзи ва пиёзга бўлган эҳтиёжи, бу маҳсулотларни қачон, қаердан олиш бўйича аниқ ҳисоб-китоб бўлиши кераклиги, импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари нархини арзонлаштириш мақсадида йирик хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳаллий биржадаги иштирокини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳар бир ҳудудда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича алоҳида жамғармалар ташкил этилиши белгиланди. Ҳудуд раҳбарлари тадбиркорларни жалб қилиб, етишмайдиган асосий озиқ-овқат маҳсулотларини жамғарма ҳисобидан бошқа жойдан олиб келиш ёки импорт қилишни йўлга қўяди. Бундай тадбиркорлар учун кредит фоизининг бир қисми Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан қоплаб берилади.

### **10.3. АГРАР ҶОҲАДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ КАМАЙТИРИШ, ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ВА СОҲАГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Аграр соҳанинг барқарор ривожланишига эришиш учун хўжаликларнинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш, уларни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

Бунинг учун эса тармоқнинг инвестиция салоҳиятини ривожлантириш, инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш, таваккалчилик хавф-хатарларини пасайтириш механизмни ўзида мужассамлаштирган аграр инвестиция сиёсати ишлаб чиқилмоғи лозим.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш” вазифа қилиб белгиланган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармониغا 1-илова. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Инвестиция фаоллигини оширишда ижтимоий-иқтисодий, молиявий-ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа омиллар бевосита бу соҳа ишлаб чиқарувчилари учун қулай инвестиция муҳитини шаклланишига мос бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини ошириш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилиши талаб қилинади:

– қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этишни таъминлайдиган институционал бозор инфратузилмаси субъектларини ривожлантириш;

– ҳудудларда аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инвестициясига капитал маблағларни ташкил этиш ва йўналтириш билан шуғулланувчи инвестицион бозорларни шакллантириш;

– қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи банк тизими фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг капиталлашув даражасини ошириш;

– инвестицияларни жалб этишнинг ташкилий шаклларини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалигида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва инвесторларнинг уларни асослаш ва қабул қилишдаги иштирокчини такомиллаштириш;

– инвестиция жараёнини ахборот–маслаҳат ва маркетинг хизматлари билан таъминланишини ташкил этиш кабилар.

Қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этишда, қишлоқ хўжалик субъектларининг молиявий ҳолати, хатарнинг юқорилиги шароитида, уларнинг асосий ишлаб чиқариш фондларининг натижа ва самара бериш муддатларининг узок даврни қамраб олиши бевосита инвестиция механизмини: ички ва ташқи инвестициялар манбаларини кафолат захираларини жамғариш тизими билан мустаҳкам боғловчи тизимини вужудга келтиришни тоқазо этади.

Бунда инвесторлар:

– ундан фойдаланувчи қишлоқ хўжалик субъектлари;

– қишлоқ хўжалигига хомашё, техника асбоб-ускуналар етказиб берувчи (лойиҳани моддий-техникавий таъминловчи)лар, улар ўртасида ўзаро кафолатларни амалга ошириш тизими давлат ташкилотлари ва тижорат банклари томонидан амалга оширилмоғи лозим.

Улар бир вақтнинг ўзида кредитлар ва инвестицияларни қайтмаслик хатарининг кафолатини таъминламоғи керак. Қишлоқ хўжалигида асосий фондларни инвестиция механизми уларни такрор ишлаб чиқаришни узлуксиз ва барқарорлигини таъминлаб, жалб этилган инвесторлардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Аграр соҳада инвестиция сиёсатини белгиловчи ўзига хос хусусиятлар ва омиллар бевосита миқдор кўрсаткичларидан сифат кўрсаткичла-

рига ўтиши, яъни, юқори самара берадиган ва устувор аҳамиятга эга бўлган йўналишларига инвестицияларни жалб этишни тақозо қилади. (10.3.1-жадвал.)

10.3.1-жадвал.

2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича янги корхоналар қуриш, амалдагиларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларининг қиймати (мил. АҚШ доллариди).<sup>1</sup>

Инвестиция лойиҳалари	Лойиҳалар умумий қиймати	молиялаштириш манбалари бўйича:		
		ўз маблағлари	банк кредитлари	хорижий инвестиция ва кредитлар
Жами (180 лойиҳа)	595 886,3	242 916,7	189 461,6	163 508,0
Шу жумладан				
Янги қурилми (141 лойиҳа)	463 267,3	169 714,7	144 324,6	149 228,0
Реконструкция ва модернизация (39 лойиҳа)	132 619,0	73 202,0	45 137,0	14 280,0

Мазкур қарорга мувофиқ, 2016–2020 йилларда мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича қуввати 99 100 тоннга тенг 138 та, гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қуввати 16 500 тоннга тенг 46 та, сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қуввати 34 850 тоннага тенг 79 та ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қуввати 26 840 тоннага тенг 153 та янги корхоналарни ишга тушириш кўзда тутилган.

10.3.2-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар<sup>2</sup>. млрд сўмда.

	2000 йил	2010 й			2015 й			Жами	2020 й		
		Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:			Жами	шу жумладан:	
			ўз маблағлари ҳисобидан	жалб қилинган маблағлар ҳисобидан		ўз маблағлари ҳисобидан	жалб қилинган маблағлар ҳисобидан			ўз маблағлари ҳисобидан	жалб қилинган маблағлар ҳисобидан
Ўзбекистон Республикаси	42,6	1655,7	1228,6	427,1	4515,3	3578,9	936,4	12199,1	3196,9	9002,2	
Қорақалпоғистон Республикаси	2,4	71,6	40,6	30,9	140,3	100,2	40,1	1328,2	171,1	1157,1	
Андижон	2,9	201,1	179,3	21,8	340,0	302,7	37,2	692,6	220,6	472,1	
Бухоро	4,2	111,3	91,0	20,3	291,3	249,2	42,1	1264,5	247,3	1017,2	
Жиззах	2,4	131,8	85,5	46,3	257,5	214,0	43,5	1080,5	173,1	907,4	
Қашқадарё	5,9	133,1	111,3	21,7	368,9	327,3	41,6	738,1	407,3	330,8	

<sup>1</sup> Манба: “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК маълумотлари асосида тузилган

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси статистика вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Навобй	0,9	52,4	42,2	10,3	195,7	141,3	54,4	899,3	185,1	714,1
Наманган	4,7	148,9	125,8	23,2	299,1	271,2	27,9	631,4	171,3	460,1
Самарқанд	2,3	169,5	153,2	16,3	477,6	419,1	58,5	1016,6	481,6	535,0
Сурхондарё	3,4	109,9	88,6	21,3	311,6	281,4	30,2	1218,7	243,2	975,4
Сирдарё	2,8	105,0	35,0	70,0	383,4	89,9	293,5	804,0	106,3	697,6
Тошкент	2,6	142,3	115,8	26,5	507,5	452,9	54,6	997,6	336,6	661,0
Фарғона	3,2	190,2	91,2	99,0	637,3	456,7	180,6	670,5	219,4	451,1
Хоразм	3,0	74,5	61,6	13,0	221,5	197,6	23,9	720,5	156,1	564,4
Тошкент ш	0,8	14,1	7,5	6,6	83,7	75,3	8,4	136,9	78,0	58,9

Юкоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги соҳасида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар млрд сўмда таҳлил этилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича тизимли тадбирларни амалга оширилиши натижасида 2020 йилга келиб 2016 йилга нисбатан мева-сабзавот консервалари ҳажмини 79,4 фоиз, мева шарбатларини 80,5 фоиз, қуруқ меваларни 73,1 фоиз, гўшт ва гўшт маҳсулотларини 59,5 фоиз, колбаса маҳсулотларини 68,8 фоиз, сут ва сут маҳсулотларини 56,6 фоиз, сариёғни 51,4 фоиз, қандолат маҳсулотларини 59,9 фоиз, ўсимлик ёғини 57,2 фоиз, шакарни 24,0 фоизга, пишлоқни 2,5, гўштли консерваларни 2,4, балиқ маҳсулотларини 3,4 ва музлатилган балиқни 2,8 мартага ошириш имконини беради.

Ҳаракат стратегиясида 2017 йилда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг умумий қиймати 337,8 млн долларга тенг маблағларни қуйидаги йўналишлар бўйича ўзлаштириш кўзда тутилган:

– “Осиё тараққиёт банки”нинг 150,0 млн доллар маблағини “Қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини модернизация қилиш” лойиҳасига;

– “Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки”нинг 150,0 млн долл. Маблағини “Чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳасига;


– “Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси”нинг 23,8 млн доллар маблағини “Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта ишлашни ривожлантириш” лойиҳасига;

– “Халқаро тараққиёт уюшмаси”нинг 14,0 млн доллар маблағини “Орол бўйи минтақасида иқлим ўзгаришга мослашиш ва оқибатларини юмшатиш” лойиҳаларига йўналтириш белгиланган.

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да белгиланган чора-тадбирлар аграр тармокни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда халқимиз турмуш сифати ва моддий фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Жаҳон банкининг “Қишлоқ хўжалигида бизнесни ривожлантиришда кўмаклашиш” (Enabling the Business of Agriculture) индекси рейтингда Ўзбекистоннинг иштирокини таъминлаш, шу асосда соҳага киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш масаласи ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири сифатида турибди. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш 2021 йилда Ўзбекистонни Жаҳон банкининг “Қишлоқ хўжалигида бизнесни ривожлантиришда кўмаклашиш” (Enabling the Business of Agriculture) индекси бўйича рейтингга киритиш ва 2025, 2030 йилларда мос равишда рейтингдаги ўрнини 5, 10 та пунктга кўтариш масаласи кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бизнесига жалб этилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2018 йил ҳолатига кўра 650 млн АҚШ долларини ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бизнесига жалб этилган инвестицияларни умумий 2021 йилга 20 фоизга, 2025 йилда 40 фоизга, 2030 йилда эса 80 фоизга ошириш мақсад қилинаёпти (10.3.1-расм).



10.3.1-расм. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бизнесига жалб этилган инвестициялар умумий ҳажмининг ўсиши

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий исоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш шароитида фермер хўжалиklarининг устувор ривожланишини таъминлаш орқали тармоқ барқарорлигига эришиш мумкин, яъни:

– бевосита қишлоқ хўжалигининг ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, моддий-техника базасини замонавий техникалар билан жиҳозлаш, юқори ҳосилдор экинлар ва маҳсулдор чорва моллари етиштиришни кенг йўлга қўйиш орқали юқори сифатли маҳсулотлар олиш;



– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кенгайтирувчи хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали.

Бунинг учун эса қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб этиш керак ва инвестиция фаоллиги қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилиши мумкин:

– қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва институционал шарт-шароитларни мунтазам такомиллаштириб бориш;

– қишлоқ хўжалиги субъектлари, жумладан, фермер ва деҳқон хўжалиқларини ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар бериш ва амалга ошириш механизмларини ривожлантириш;

– хорижий инвесторларга нисбатан имтиёзли ва рағбатлантирувчи сиёсатни изчиллик билан олиб бориш;

– хорижий инвесторлар маблағларини қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари кенг бўлган соҳалар, минтақалар ва бевосита қишлоқ хўжалигини субъектларига йўналтириш;

– субъектларининг устувор аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ишлаб чиқаришларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш ва уларни тарғибот қилиш тизимини такомиллаштириш.

Ушбу тамойилларнинг амалиётга жорий этилиши бевосита инвестициялар, жумладан, хорижий инвестицияларни қишлоқ хўжалигига кенг жалб этиш, тармоқнинг инвестиция фаоллигини ошириш ва пиروвардида унинг барқарор ривожланишга эришишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси” тўғрисидаги ПФ-5853-сон Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибдорликни ошириш лозим.

Фермерлар учун ресурслар етказиб бериш ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишда давлатнинг бевосита иштирок этиши соҳага хусусий инвестициялар жалб қилинишини чеклаб қўймоқда.

Агробизнес субъектларига маслаҳат хизматлари кўрсатиш тизимининг ривожланмаганлиги, бизнесни бошқариш кўникмаларининг етишмаслиги, агросаноат мажмуи ва банк соҳаларида кадрлар салоҳиятининг чекланганлиги халқаро молия институтлари кредит маблағларини самарали ўзлаштирилишини чекламоқда.

Шунингдек, инвестицияларни бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг мустақил мониторинги ҳамда баҳолаш структураси, тизими ва механизмлари мавжуд эмас.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан мақбул қишлоқ хўжалиги ва экологик амалиёт (GAEP), мақбул ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) ва бошқа стандартларга риоя этилишини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификациялаш ва барқарор ривожланиши учун хусусий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашувчи самарали тизимни яратиш мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган бошқоқли дон интервенциясини амалга ошириш учун керакли бўлган ҳажмдан ташқари давлат харидларидан тўлиқ воз кечиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ажратилган тижорат кредитларининг фоиз ставкаларини субсидиялаш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг стратегик йўналишлари ва эҳтиёжларига мос кредитлаш ва суғурталаш механизмини такомиллаштириш;

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини кредитлашда «омборхона гувоҳномалари» механизмини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси бўйича фаолиятини кенгайтириш;

қўшимча механизмлар ва молиявий воситаларни жорий этиш ва бозор иштирокчиларига тенг имкониятлар яратиш орқали ҳамкорликнинг шаффоф механизмини ишлаб чиқиш;

ресурс таъминоти ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ностратегик давлат корхоналарини хусусийлаштириш орқали ресурслар ва хизматлар бозорида рақобатни кучайтириш;

имтиёзли кредит ҳисобига ресурслар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш амалиётидан воз кечиш;

агросаноат мажмуи субъектлари ўртасида фьючерс шартномалари асо-сида ишлашга кўмаклашиш ва буни рағбатлантириб бориш;

ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи қийматини бозор нархларида аниқлаш тартибини қайта кўриб чиқиш орқали ер участкаларига бўлган ҳуқуқдан гаров таъминоти сифатида фойдаланиш механизмини такомиллаштириш;

халқаро молия институтларининг кредит линиялари мақсадли жалб этилишини таъминлаш учун инвестиция дастурини ишлаб чиқиш;

тижорат банклари томонидан деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун кредит ресурсларини ажратишни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш тартибини қайта кўриб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида интенсив инновацион технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш зарур.

#### 10.4. ЎЗБЕКИСТОНДА ЕРГА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Мамлакатимизда бугунги кунда ҳар бир соҳада юксалиш рўй бермоқда. айниқса, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва жадал ривожлантириш бўйича ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракалар стратегиясида белгиланган муҳим вазифаларни бажариш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борадаги амалга ошириладиган ишлар сифатида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрларни ювиш, унумдорлигини ошириш, замонавий суғориш системаларини жорий этиш ва ерлардан самарали фойдаланиш ишларини изчиллик билан амалга оширишга долзарб ҳисобланади<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда самарали аграр сиёсатни амалга ошириш, ўз навбатида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишни талаб этади:

– **биринчидан**, тармоқда амалга ошириладиган туб ислоҳотлар натижасида аграр соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириб бориш ва уларнинг ижро механизмини самарали ташкил этиш;

– **иккинчидан**, табиат инъом этган ерлар мутлақ миқдорининг чекланганлиги ва уни кўпайтириб бўлмаслиги, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибида сифати ва унумдорлиги юқори бўлган қис-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракалар стратегияси”.

мининг камлиги ўз навбатида ердан оқилона ва самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Аграр соҳада ерларнинг табиий ресурс сифатида меҳнат, моддий, капитал ва бошқа ресурслардан ажралиб турувчи хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Абадий ёки доимий фойдаланишга мойиллиги, яъни ер эскирмайди, йўқ бўлиб кетмайди, балки ундан тўғри ва оқилона фойдаланиш ҳисобига унинг сифат ва унумдорлик кўрсаткичлари ошиб боради.

2. Ҳаракатчанлиги – ерга экин экилиб унга ишлов берилади, яъни меҳнат воситалари орқали таъсир кўрсатилади;

3. Ернинг унумдорлиги ва жойлашувига кўра табақаланиши (ер рен-таси). Бунда ернинг унумдорлиги (балл бонитети) ҳамда фойдаланишга қулай жойлашуви бўйича табақаланади, шундан келиб чиқиб, унумдор, фойдаланишга қулай бўлган ерларнинг баҳоси юқори бўлади;

4. Чекланганлиги иқтисодий нуқтаи назардан барча ишлаб чиқариш ресурслари каби ер ресурси ҳам чеклангандир ва уни кўпайтиришнинг имкони йўқлиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда республикамизнинг 44410,3 минг гектар умумий ер майдонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 22614,0 минг гектар бўлиб, умумий ер салоҳиятининг 50,9 фоизига тўғри келади. Аммо интенсив деҳқончилик фақат 4278,0 минг гектар ёки умумий майдоннинг 9,6 фоизга тенг суғориладиган ерларида олиб борилади, холос. Бу ерлар ҳар хил табиий қишлоқ хўжалик ҳудудларида жойлашган бўлиб, турли мелiorатив, экологик шароитлар шунингдек, ҳар хил даражадаги ҳосилдорлик билан тавсифланади<sup>1</sup>.

Буларнинг ҳаммаси давлат томонидан ерларнинг ҳолатини ва фойдаланишни доимий кузатиб бориш, назорат юритиш ва таҳлил қилиб боришни тақозо этади. Жумладан, 2019 йил 13 августда “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги ЎРҚ-552 сонли қонуни қабул қилинди. Бундан қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири эканлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, аҳоли ва унинг ижтимоий эҳтиёжларининг ўсиши ва дунёда жадал индустриялаштириш жараёнининг ошиб бориши ҳисобига мавжуд қишлоқ хўжалиги ерларининг каттагина қисми ҳар йили шаҳарлар майдонини кенгайтириш, sanoat қурилиши, транспорт йўлларини қуриш ва бошқа мақсадлар учун қишлоқ хўжалиги фойдаланишидан чиқиб қолмоқда.

Бундан ташқари, дунё миқёсида содир бўлаётган глобал иқлимий ўзгаришлар туфайли вужудга келаётган ер юзи ҳароратининг кўтарилиши,

<sup>1</sup> Раҳматуллаев А., <http://www.biznes-daily.uz> 30.09.2018 | Номер: №9(129)-сон.

абადий музликларнинг эриши натижасида ер шарининг айрим ҳудудларда сув тошқинларини ва айрим ҳудудларда сув танқислигини (қурғоқчилик) келтириб чиқармоқда. Бундай ноқулай вазиятлар ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ерларидан экстенсив фойдаланишни тақозо этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.01.2019 йилдаги “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги N ПФ-5623 Фармонида кўра:

– жисмоний ва юридик шахслар учун турар жой ва нотурар жой бино ва иншоотлар остидаги ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини амалга оширишни кафолатлаш, ер участкаларини фуқаролик муомаласига киритиш учун шарт-шароитлар яратиш;

2019 йил 1 июлдан бошлаб: юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки улар томонидан хусусийлаштирилаётган бино ва иншоотлар, саноат инфрамуҳити объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек, уларга туташ ҳудудлардаги ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур миқдордаги ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга;

жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари уларга яқка тартибда уй-жой қуриш ва турар жойга хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга;

кўрсатилган ер участкаларини хусусийлаштириш жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан хусусийлаштирилган ер участкалари хусусий мулк (фуқаролик муомаласи объектлари) ҳисобланади ва дахлсиздир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Ер участкаларини хусусийлаштириш фақатгина кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда пуллик асосда амалга оширилиши кўзда тутилган. Қонунда назарда тутилишича ер участкаларини хусусийлаштиришнинг асосий принциплари қонунийлик, ихтиёрийлик, ҳақ тўлаш, хусусийлаш тириладиган ер участкаларининг ва уларда жойлашган кўчмас мулк объектларининг бирлиги, очиклик ва шаффофлик асосида амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 13 августдаги “Қишлоқ хўжа-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.01.2019 йилдаги “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги N ПФ-5623 Фармони.

лигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”-ги №ЎРҚ-552 сонли қонунда<sup>1</sup> кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш объектлари ва ер участкалари хусусийлаштирилмайдиган объектлари ажратиб кўрсатилган:

Биринчидан, Қонунда белгиланишича, юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки улар томонидан хусусийлаштирилаётган бинолар ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкалари, шунингдек, уларга туташ бўлган, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур ўлчамлардаги ер участкалари;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкалари;

бўш турган ер участкалари;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига берилган ер участкаларини хусусийлаштириш мумкинлиги белгиланган бўлса.

Иккинчидан, қуйидаги ер участкалари хусусийлаштирилмайди тасдиқланган ва эълон қилинган режалаштириш схемалари бўлмаган ҳудудларда жойлашган ер участкалари;

рўйхати қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган, хусусийлаштирилмайдиган фойдали қазилмалар қонлари, давлат мулкидаги стратегик объектлар жойлашган ер участкалари;

табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадлари ва тарихий-маданий мақсадлар учун мўлжалланган ерлар таркибига кирувчи ер участкалари, шунингдек, ўрмон ва сув фондларининг, шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, акверлар, хиёбонлар);

хавfli моддалар билан зарарланган ва биоген захарланишга дучор бўлган ер участкалари;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчиларига берилган ер участкалари хусусийлаштирилишга йўл қўйилмайди. 2020 йил 1 мартдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришга рухсат берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тад-

<sup>1</sup> “Кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2019 йил 13 августдаги №ЎРҚ-552 сонли қонуни.

бирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида» 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармони-га мувофиқ;

– Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларини апробация қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»-ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади;

– Сирдарё вилоятида доимий фойдаланиш (эгаллик қилиш) ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқлари асосида тегишли бўлган ер участкаларини жисмоний ва юридик шахслар томонидан сотиб олиш тартиби;

– Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали хусусийлаштириш тартиби тўғрисида;

– ҳуқуқий экспериментни амалга ошириш даврида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режалари ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида амалга ошириш лозимлиги белгиланган.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш эксперимент тарзда Сирдарё вилоятида амалга оширилмоқда. Хусусийлаштириладиган ер участкасининг сотиб олиш қиймати вақт даврийлигига қараб ўзгаради ва ер участкасининг майдони ва ташқи омилларнинг таъсирини инобатга олиб, мурожаат турига қараб аниқ бир санада миллий валютада қуйидаги формула орқали аниқланади:

а) юридик шахслар учун:  $C = K_{юр} \times S \times K;$

б) жисмоний шахслар учун:  $C = K_{жис} \times S \times K;$

бунда:

$C$  – хусусийлаштириладиган ер участкасининг сотиб олиш қиймати (сўмда);

$K_{юр}, K_{жис}$  – юридик ва жисмоний шахслар учун сотиб олиш қийматини аниқлашда ўша кунда белгиланган ер солиғи ставкасининг 50 баравари (1 квадрат метр учун сўмда);

$S$  – хусусийлаштириладиган ер участкасининг майдони (квадрат метрда);

$K$  – хусусийлаштириладиган ер участкаларни сотиб олиш қийматини шакллантириш коэффициентини. Ер участкасининг майдонига қараб ( $K$ ) (3.2.1-жадвал).

**Хусусийлаштирилаётган ер участкаларини сотиб олиш қийматини шакллантириши коэффициентлари.<sup>1</sup>**

Ер участкасининг майdonи, сотих	Нархларни шакллантириш коэффициентлари
4 сотихгача (4 сотих ҳам)	1,0
4 сотихдан 5 сотихгача (5 сотих ҳам)	1,03
5 сотихдан 6 сотихгача (6 сотих ҳам)	1,06
6 сотихдан 7 сотихгача (7 сотих ҳам)	1,09
7 сотихдан 8 сотихгача (8 сотих ҳам)	1,12
8 сотихдан юқори	1,15

Низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ер участкаларини танлаш материаллари келишилмаган ёки улар бўйича хулоса тақдим этилмаган тақдирда ер участкаларини танлаш материаллари келишилган ва улар бўйича хулосалар ижобий деб ҳисобланади.

Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали хусусийлаштириш аграр тармоқда рақамли иқтисодиёт кириб келганлигидан далолат беради.

Бунда ер участкаларини танлаш бўйича материаллар ўз вақтида келишилиши ва хулосалар берилиши лозим, шунингдек, ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги учун ваколатли ташкилотлар раҳбарлари шахсан жавоб берадилар.

Ер участкаларини сотишга қўйиш ушбу Низомга мувофиқ ер участкасини танлаш материаллари ваколатли ташкилотлар билан келишилишига қараб ҳар бир ер участкаси бўйича аукционга алоҳида қўйилади.

Фикримизча, хусусийлаштирилган ер участкалари Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Асосийси, мулкдор ҳуқуқи ҳимояси учун ҳақиқий (декларатив эмас) ша-роит яратилмоқда. Ривожланган ва бой давлат қуриш учун, бу муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 3 июнь куни ер муносабатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек Ер – умуммиллий бойлик. Кейинги йилларда ушбу ресурсдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер муносабатлари соҳасида қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қа-

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 декабрдаги 963-сон қарорига 4-илова.



ратилмоқда. Хусусан, ахборот технологияларини жорий қилиш орқали ер ажратиш тартибининг очиклиги ва шаффофлиги ортиб бормоқда, соҳада бюрократик тўсиқлар бартараф этилмоқда.

Бироқ ер ресурсларини талон-торож қилиш, ўзбошимчалик билан эгаллаш ва ноқонуний сотиш ҳолатлари ҳали ҳам кузатилмоқда. Ноқишлоқ ва қишлоқ хўжалиги ерларини ажратиш тартиби барча учун бир хил ва шаффоф эмас.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги камчиликларни кескин танқид қилиб, ерни бозор активига айлантириш, унинг иқтисодий қиймагини белгилаш ва молиявий оборотга киритиш бўйича ишларни жадаллаштириш, ер ажратиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидлади: “– Бугунги кун тартибидаги масала жуда мураккаб. Бу соҳада қонун устуворлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ўз ижобий натижасини топмаяпти. Ер – халқни боқаётган мулк. Ермизга бўлган муносабатни мутлақо ўзгартиришимиз керак.”

Йиғилишда ер соҳасидаги қонунчилик бўйича мавжуд аҳвол ва илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида ишлаб чиқилган таклифлар кўриб чиқилди.

Хусусан, ерни хусусий секторга мулк ва ижара ҳуқуқи, давлат ташкилотларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тартиби жорий этилади.

Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқлари билан ер ажратиш каби бозор иқтисодиёти талабларига мос бўлмаган амалиётларни тугатиш ва ерга бўлган ҳуқуқ турларини 6 тадан 3 тага қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Ноқишлоқ ерларни хусусий секторга фақат аукцион орқали сотиш тартиби киритилади. Ноқишлоқ ерлар Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахсларига хусусий мулк қилиб, хусусийлаштириш мумкин бўлмаган ерлар эса ижара ҳуқуқи асосида сотилади.

Ҳоким қарори билан нодавлат секторга ер ажратиш ҳамда ерларни тўғридан-тўғри ва текинга бериш амалиёти бекор қилинади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратиш тартиби киритилади. Бундай ерлар фуқаро ва ташкилотларга (чет элликлардан ташқари) очик танлов асосида берилади. Очик танловга ариза қабул қилиш, талабгор ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва баҳолаш электрон шаклда амалга оширилади.

Вилоят ва туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасини ўзгартириш ваколати Вазирлар Маҳкамасига ва Президентга ўтказилади.

Йиғилишда ер ажратилиши ва ундан фойдаланилиши устидан назорат механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, туман ҳокимларининг ер ажратиш ва қайтариб олиш ҳақида қарор қабул қилиш ваколати тўлиқ бекор қилинади. Вилоят ҳокимининг ер муносабатларига доир барча қарорлари адлия бошқармасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Шу билан бирга ер соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

### 10.5. ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ УЛУШИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Халқаро бозорлар билан республика миллий бозори интеграциялашуви энг аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларини ривожлантиришда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кенгайтириш талаб этилса-да, муҳим масалалардан бири қишлоқ хўжалигида маҳсулот сотиш тизимини такомиллаштириш, аграр тармоқдаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш тақозо этилади.

Бир қатор иқтисодчи олимлардан Андреа, Петер Босиа, Михаил, Айрес, Жеффри Мкелвей Массикотте, Мари-Жосеелар олиб борган илмий ишлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда: "...сўнгги йилларда жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларини корпоратив назорат қилиш, бутун дунё бўйича мамлакатларнинг озиқ-овқат мустақиллигини фаоллаштириш ва аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш аграр бозорнинг ҳолати ва ривожланиш даражасига бевосита боғлиқдир"<sup>1</sup> деб таъкидлашади. Зеро, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш ва уни экспорт қилишда аграр бозорнинг ривожланганлик ҳолати муҳим ўрин тутди.

Республикамизда шаклланган умумий бозорлар фаолияти хусусиятларига эътибор берадиган бўлсак, ташқи бозор билан интеграциялашув жараёни назарий жиҳатдан аграр тармоққа нисбатан арзон ресурслар ва хизматларнинг кириб келишини тезлатиб, рақобат муҳитини яратиш имкониятини кенгайтириши мумкин бўлса-да, бу жараён узоқ вақт талаб этиши мумкин. Чунки турли иқтисодий ва технологик ривожланиш даражаларида турган тармоқлар ўртасида интеграция юз бериши қийин бўлиб, агар амалга ошган тақдирда ҳам технологик жиҳатдан ривожланган замонавий ишлаб чиқариш технологиясига асосланувчи мамлакатлар бозорла-

<sup>1</sup> Andree, Peter Borgia, Michael J., Ayres, Jeffrey McKelvey Massicotte., Marie-Josée. Globalization and Food Sovereignty : Global and Local Change in the New Politics of Food. Toronto, Canada: University of Toronto Press, Scholarly Publishing Division. BUSINESS and ECONOMICS 2014y. www.search.ebscohost.com.

ри яққол устунликка эга бўлишади. Бу эса нисбатан пастроқ даражада ривожланган аграр тармоққа эга бўлган мамлакат миллий иқтисодиёти учун ҳам иқтисодий, ижтимоий муаммолар келтириб чиқаради.

Бу масалани республикаимиз шароитидан келиб чиқиб изоҳлайдиган бўлсак, ривожланган давлатлар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари доирасида интеграция жараёнига юз тутаётган бир пайтда, ташқи савдони эркинлаштиришга, хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш йўналишларига турли имтиёзлар жорий этилмоқда. Бу хорижий инвестицияларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига кириб келишини тезлаштиради. Аммо турлича иқтисодий ривожланиш даражаси, иқтисодий вазиятга эга бўлган аграр ишлаб чиқарувчиларни бозор орқали интеграциялашуви амалда тенг иқтисодий асосда юз бермаслиги мумкин.

Босқичма-босқич бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётган республикаимиз қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожланган бозор муносабатларига эга бўлган давлатлар аграр тармоғи билан интеграциялашуви жараёнида фарқлар мавжудлиги боисдан алоҳида ишлаб чиқариш йўналишлари ёки маҳсулот турлари бўйичагина интеграциялашиб бориши йўлини танлаш мумкин. Бунда, энг аввало, ички бозорни ривожлантириш барча интеграциялар учун асос ёки бошланғич босқич ролини ўйнаши лозим. Бу шароитда энг муҳими аграр бозорда шаклланган рақобатбардошлик ва устунлик жиҳатлардан унумли фойдаланиш ва аграр бозорнинг устунлик кўламини, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириб бориш стратегиясидан фойдаланиш лозим. Бозор муносабатлари ривожланиб бориши шароитида ресурслардан самарали фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини ташқи фаолиятини ривожлантириш талаб этилади.

Иқтисодчи олимлардан Бонанно, Руссо, Менапаса илмий мақолаларида: "...қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар бозорларини ривожлантиришда замонавий агротехнологиядаги сўнгги ўзгаришлар ва янги инновацион ғояларни ҳамда улар ҳолатини баҳолашда анъанавий моделлар ва шу билан бир қаторда янги услублардан фойдаланиш зарур"<sup>1</sup>, деб ҳисоблайдилар. Чунки бугунги кунда қишлоқ хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларини янги инновацион технологияларсиз тасавур қилиш қийиндир.

Аграр бозорни профессор Н.Я. Коваленко тўртта гуруҳга ажратади: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори, қишлоқ хўжалигига керакли моддий-техника ресурслари бозори, хизматлар бозори ва маркетинг хизматлари бозори.

<sup>1</sup> Bonanno., Russo., Menapace., Market power and bargaining in agrifood markets: A review of emerging topics and tools. AGRIBUSINESS Том: 34 Выпуск: 1. Стр. 6-23. www.wbofscience.com

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари аҳамияти ва бажарадиган вазибалари жиҳатидан аграр бозор асосини ташкил этади. Шунингдек, аграр бозор таркибига қатор бозорлар киритилиши мумкин бўлса-да, уларнинг асосийлари сифатида агроресурслар бозори, агрохизматлар бозори ва агроресурслар бозори таркибида қишлоқ хўжалигида инновацион жараённинг фаоллашаётгани туфайли интеллектуал мулк объектлари бозорини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Ушбу бозорлар умумий тарзда аграр тармоқда барча бозорларни ўз ичига қамраб олади.

Айни пайтда таъкидлаш лозимки, агроресурслар бозори, агрохизматлар бозори ва аграр интеллектуал мулк бозорлари аҳамияти ҳам бири-биридан қолишмайди. Улар фақатгина бир-бири билан боғлиқ ҳолда фаолият юритиши мумкин. Шу боисдан барча бозорлар мутаносиб ривожлантирилган тақдирдагина аграр тармоқда ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланишга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортини амалга ошириш учун зарурий шароит яратади.

Аграр бозор фаолиятидаги рақобат муҳити нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида маҳсулот етиштирувчилар кучли рақобат шароитида маҳсулот етиштириб, уни истеъмолчиларга тақдим этишади. Шунингдек, жуда кўплаб ўзаро боғлиқ бўлмаган истеъмолчилар қишлоқ хўжалиги корхоналаридан эркин иқтисодий рақобат муҳитида экспорт-импорт маҳсулотларни харид қилишади.

Аслида бозорларни ривожлантириш мутаносиблигини таъминлаш бозор қонунларига асосланиши лозим. Бунда маъмурий дастаклар инкор этилади. Одатда маъмурий дастаклар ҳуфия иқтисодиётнинг ривожланиб кетишига ёки бўлмаса ишлаб чиқариш жараёнини қисқа муддатли ўсиши ва аста-секин пасайиб боришига олиб келади. Аммо шу билан биргаликда таҳлиллар кўрсатишича, республика аграр тармоғида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш даражасини бугунги босқичи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларини ривожлантиришда маълум чегараларда маъмурий дастаклардан ҳам фойдаланиш талаб этилади.

Шунингдек, аграр соҳа тармоқлари доирасида рақобатли иқтисодий муҳит шаклланиши мураккаблиги боисдан аграр бозорда экспорт жараёнларини амалга оширишда давлатни мувофиқлаштирувчи роли ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Бунда устувор равишда иқтисодий дастаклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай дастаклар қаторига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

– аграр бозор доирасида етиштирилган маҳсулотларга мувозанатли баҳо шаклланишини таъминлаш орқали экспортни амалга ошириш;

– аграр бозорда экспорт муҳитини шакллантиришда молия-кредит ва самарали (рағбатлантирувчи) солиқ механизмларидан самарали фойдаланиш;

– аграр бозорда маҳсулотлар экспортни оширишда субсидиялар, дотациялар ва экспорт-импорт операциялари ва божхона имтиёзлари тизими дастаклари орқали давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

– аграр бозорда маҳсулот экспортини таъминлашнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириб бориш орқали тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошишига, мамлакатимиз олтин-валюта захираси кўпайишига ва аҳолини турмуш даражасининг ўсишига хизмат қилади.

Жаҳон бозорларида катта миқдорда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жаҳон озиқ-овқат бозорларида ҳўл ва қуритилган мева-сабзавотлар экспорт қилишда АҚШ, Испания, Хитой, Бразилия, Нидерландия, Мексика, Италия, Туркия, Франция, Германия, Эрон, Бельгия, Ҳиндистон, Ўзбекистон, Польша, Жанубий Африка, Чили, Канада, Аргентина, Греция, Миср каби мамлакатларнинг тутган ўрни ва позицияси юқоридир. Бу мамлакатлар жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига экспортга чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт ҳажми ва экспорт қиймати бўйича ҳисоблаганда аксарият қисмини етказиб беради. Жумладан, 2016 йилда дунё бўйича 167 530,23 млн АҚШ доллари қийматида мева-сабзавотлар экспорт қилинган. Дунёда энг йирик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилар сифатида АҚШ (1-ўрин, 18,84 млрд АҚШ долл., жамига нисбатан 11,25 фоиз), Испания (2-ўрин, 15,02 млрд АҚШ долл., жамига нисбатан 8,97 фоиз), Хитой (3-ўрин, 14,24 млрд АҚШ долл., жамига нисбатан 8,5 фоиз), Нидерландия (4-ўрин, 11,66 млрд АҚШ долл., жамига нисбатан 6,96 фоиз), Мексика (5-ўрин, 10,84 млрд АҚШ долл., жамига нисбатан 11,25 фоиз) ва бошқаларни келтириш мумкин. Ўзбекистон бу рўйхатда 458,64 млн АҚШ доллари билан (жамига нисбатан 0,27 фоиз) 48-ўринни эгаллаб турибди. (10.5.1-жадвал).

10.5.1 - ж а д в а л .

Дунё бўйича мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш қиймати<sup>1</sup> (01.01.2021 й.)

Мамлакатлар	млн. долл. АҚШ	Жамига нисбатан улуши, фоизда
Мева ва сабзавотлар экспорти жами:	1 207,8	100,0
Қирғизстон	320,0	26,5

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари 2020 йил.

VIII bob. RAQOBATBARDOQ MAQSULOTLAR ISHLAB CHIKARISHDA ERKIN IKTISODIY...

Қозғистон	283,0	23,4
Россия	160,6	13,3
Туркия	101,8	8,4
Покистон	78,8	6,5
Афғонистон	57,5	4,8
Хитой	48,5	4,0
Украина	37,3	3,1
Тожикистон	13,5	1,1
Эрон	12,4	1,0
Ирок	12,3	1,0
Беларусия	10,6	0,9
Туркменистон	9,7	0,8
БАА	9,5	0,8
Озарбайжон	7,3	0,6
Германия	6,6	0,5
Грузия	4,4	0,4
Польша	4,0	0,3
Латвия	3,6	0,3
АҚШ	3,0	0,2
Болгария	2,6	0,2
Сурия	2,5	0,2
Литва	2,3	0,2
Словакия	1,9	0,2
Саудия Арабистон	1,6	0,1
Ҳиндистон	1,3	0,1
Корея	1,3	0,1
Молдавия	1,0	0,1
Италия	1,0	0,1
Бельгия	0,7	0,1
Руминия	0,7	0,1
Бразилия	0,7	0,1
Испания	0,6	0,1
Арманистон	0,6	0,1
Чехия	0,5	0,04
Эстония	0,4	0,04
Австрия	0,3	0,03
Ветнам	0,3	0,03
Исроил	0,3	0,03
Жазоир	0,3	0,02
Нидерландия	0,3	0,02

Индонезия	0,2	0,02
Венгрия	0,2	0,01
Австралия	0,2	0,01
Гонконг	0,1	0,01
Греция	0,1	0,01
Малайзия	0,1	0,01
Шри-Ланка	0,1	0,01
Босния ва Герцеговина	0,1	0,01
Япония	0,1	0,01
Кувейт	0,1	0,01
Монголия	0,1	0,01
Франция	0,1	0,01
Кипр	0,1	0,01
Тайван	0,1	0,01
Буюк Биритания	0,1	0,005
Катар	0,1	0,005
Марокко	0,1	0,004
Уммон	0,05	0,004
Сербия	0,04	0,004
Чили	0,04	0,003
Сап-Марино	0,04	0,003
Норвегия	0,04	0,003
Канада	0,03	0,003
Иордания	0,03	0,002
Шимолӣ Македония	0,02	0,002
Словения	0,02	0,002
Сингапур	0,01	0,0005
Мальта	0,002	0,0002

Мева маҳсулотлари экспортида мамлакатимиз 47-(жамига нисбатан 0,26 фоиз) ва сабзаёт маҳсулотлари экспорти бўйича 39-ўринни (жамига нисбатан 0,3 фоиз) эгаллаб турибди.

Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароитлари мева-сабзаёт маҳсулотлари етиштириш ва ички истеъмолдан ортган қисмини экспортга чиқариш учун қулай бўлишига қарамай, дунё экспортида 48 ўринни эгаллашимиз ҳали бу борада имкониятларимиздан етарли фойдаланмаётганимизни кўрсатади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган мева-сабзаёт маҳсулотларининг рақобат устунликлари, уларнинг кучли ва кучсиз томонлари экспортчи корхонанинг жаҳон бозорларига кириб бориш имкониятларига кучли таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон агросаноат мажмуасида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларига экспорт қилиш имкониятлари ва уларнинг устун томонлари қуйидаги омиллар таъсирида шаклланади:

– Ўзбекистон табиий-иқлим шароитларининг жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган пахта, мева-сабзавотлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун қулайлиги;

– мамлакатимизда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг ички истеъмолдан ортиқчалиги ва уларни жаҳон бозорларига экспорт қилиш имкониятлари мавжудлиги;

– мамлакатимизда иссиқ кунларнинг эрта баҳордан токи декабр ойигача давом этиши республикамиз товар ишлаб чиқарувчиларини озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларига йил давомида узлуксиз етказиб берадиган ишончли ҳамкорга айлантириш имкониятини бериши;

– республикамизнинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида қўшимча мевазор ва узумзор боғлар барпо этиш учун етарли ер майдонлари мавжудлиги;

– Ўзбекистон мева-сабзавотлари ва уларни қайта ишлаш асосида олинadиган озиқ-овқат маҳсулотлари хуш таъми, витаминлар ҳамда микроэлементларга бойлиги, шифобахш хусусиятлари ва чиройли кўриниши билан жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги;

– республикамиз аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасида асрлар давомида тўплаган бой билими, тажрибаси, малака ва кўникмалари мавжудлиги;

– МДХ (айниқса Россиянинг) мамлакатлари бозорларида ўзбек мева-сабзавотларига талабнинг юқорилиги ва ушбу бозорлар сигимининг катталиги;

– мамлакатимизда мева-сабзавотларни етиштириш, сақоат усулида қайта ишлаш ва экспорт қилишга ҳукумат даражасида берилётган катта эътибор ва имтиёзларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Мева-сабзавотлар экспорти соҳасидаги имкониятларимиз ва устун тарафларимиз билан бирга камчилиқларимиз ва хатарлар ҳам мавжуд:

– жаҳон бозорларида мева-сабзавот маҳсулотларига қўйиладиган сифат стандартлари, техник, санитария, гигиеник, фитосанитария, экологик ва бошқа талабларни ISO ва Global GAP стандартлари доирасида мамлакатимизда жорий этиш етарли эмаслиги;

– экспорт коридорларида инфратузилма объектлари, сервис ва транспорт-логистика тизимлари ривожланишининг талаб даражасида эмаслиги;

– божхона постларининг техник куролланиши, юк ўтказиш, сақлаш ва хизмат кўрсатиш имкониятлари пастлиги;

– мева-сабзавотчиликни механизациялаш даражасининг пастлиги, мева-сабзавотлар ҳосилдорлигини нисбатан паст даражада қолаётганлиги;



– мева-сабзавотларни узоқ сақлаш ва узоқ масофаларга ташиш имконияти юқори бўлган навлари, уруғликлар етишмаслиги;

– мева-сабзавотларни саралаш, калибровкалаш, чиройли қадоклаш ва дизайнини яхшилаш бўйича ишларнинг қониқарсизлиги;

– маҳсулотларни бир хил температурада сақлаб берувчи махсус совуқ-кичли омборлар сифмининг етарли эмаслиги;

– мева-сабзавотларни узоқ масофаларга рефрижираторлар ёрдамида ташиш тизими яхши йўлга қўйилмаганлиги;

– кўпчилик фермерлар ва деҳқонларни жаҳон бозорларидаги нарх-наво ва рақобат муҳити, экспортни амалга ошириш тартиблари тўғрисида керакли билим ва кўникмалар ҳамда ишончли ахборотларга эга эмаслиги;

– республикада мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқаришга кўмаклашувчи консалтинг ва сервис хизматлари, инфратузилмалар етарли ривожланмаганлиги ва бошқалар.

Экспортчи корхоналар, фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим:

– экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада ривожлантириш;

– экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;

– уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида маълумотлар билан таништириш;

– транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш ва янги транспорт йўлақларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш;

– иқтисодиётнинг барча жабҳаларида рақобатдош ва илм талаб инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган халқаро стандартларни жорий этиш;

– хорижий мамлакатлар билан замонавий технологияларни стандартлаштириш, метрология ва сифатни сертификация қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш кўламини янада кенгайтириш;

– халқаро стандарт талабларига мос равишда сифат устидан назоратни жорий этиш;

– Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва молиявий ҳамкорликларни янада кучайтириш;

– халқаро транспорт коммуникацияларини ривожлантириш орқали экспорт товарларни транспортда ташиш харажатларини камайтириш.

“Бугун ва эртанги тараққиётимиз бевосита боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда анъанавий ёндошувлардан воз кечиб, деҳқонлар даромадини кўпайтирадиган, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни етиштиришга инвестициялар жалб қилинаётгани сизларга яхши маълум”<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда 2018–2020 йилларда кўп тармоқли фермер хўжаликлари сони кўпайиб, 75 мингга етди. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга олиб келишдан ташқари аҳолисининг катта қисмини иш билан таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда сабзавот, полиз, картошка экинлари, шунингдек, боғ ва тоқзорлар майдонлари кенгайтирилиши билан бирга, ушбу тармоқларда ишни тўғри ташкил қилиш орқали унинг самарадорлигини ошириш учун барча зарурий шарт-шароит яратиб берилган. Яъни, деҳқон ва фермер хўжаликлари, аҳоли томорқаларида экинлар экилиши бўйича мониторинг юритиш механизми йўлга қўйилиб, зарурий миқдордаги уруғлик, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, мевали дарахтлар кўчатлари етказиб беришнинг мақбул тизимига асос солинган.

Республикаимизда фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда уларни етакчи кучга айлантириш борада изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар доирасини кенгайтириш, уларни такомиллаштириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бунга замин яратади.

Республикаимиз экспорти ва импортининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни оширишда пухта ўйланган вазифалар амалга оширилишини тақозо этади.


Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Реал секторда аграр соҳани барқарор ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жаҳон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги № 9.2017 й.

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарида сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотлари транспортировка ишларини самарали амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни экспортга чиқаришга эришиш;
- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш ва янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш.

Аграр соҳада қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги умумий экспорти ҳажмида қайта ишланган маҳсулотлар улушининг 2018 йил ҳолатига кўра 25 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида 2021 йилга 30 фоизга, 2025 йилда 35 фоизга, 2030 йилда 40 фоизга ошириш мақсад қилиняпти (10.5.2-расм).



10.5.2-расм. Қишлоқ хўжаликлари умумий экспорт ҳажмида қайта ишланган маҳсулотлар улушининг ўсиши

Жаҳон банкининг глобал логистика самарадорлиги индекси (Logistics Performance Index) бўйича Ўзбекистон 2020 йилда 99-ўринни эгаллади (10.5.2-жадвал).

10.5.2-жадвал.

Жаҳон банкининг глобал логистика самарадорлиги индекси (2020)

Мамлакатлар	Ўрин	Балл (LPI)	Божхона	Инфра-тузилма	Халқаро жўнат-малар	Логистика ваколати	Кузатиш ва кузатиб бориш	Ўз вақти-далиқ
Германия	1	4.20	4.09	4.37	3.86	4.31	4.24	4.39
Швеция	2	4.05	4.05	4.24	3.92	4.28	4.08	4.28
Белгия	3	4.04	3.66	3.98	3.99	4.13	4.05	4.41
Австрия	4	4.03	3.74	4.18	3.88	4.08	4.09	4.25
Япония	5	4.03	3.99	4.25	3.59	4.09	4.05	4.25
Нидерландия	6	4.02	3.92	4.21	3.68	4.09	4.02	4.25
Сингапур	7	4.00	3.89	4.06	3.58	4.10	4.08	4.32
Дания	8	3.99	3.92	3.98	3.53	4.01	4.18	4.41
Бирлашган қироллик	9	3.99	3.77	4.03	3.67	4.05	4.11	4.33
Финляндия	10	3.97	3.82	4.00	3.56	3.89	4.33	4.28
БАА	11	3.96	3.63	4.02	3.85	3.92	3.96	4.38
Гонгконг	12	3.92	3.81	3.97	3.73	3.91	3.92	4.14
Швейцария	13	3.90	3.63	4.02	3.51	3.97	4.10	4.24
АҚШ	14	3.89	3.78	4.05	3.31	3.87	4.09	4.08
Украина	66	2.83	2.89	2.73	2.83	2.84	3.11	3.42
Қозғистон	71	2.81	2.66	2.55	2.73	2.58	2.78	3.53
Россия Федерацияси	75	2.76	2.42	2.78	2.64	2.75	2.65	3.31
Ўзбекистон	99	2.58	2.10	2.57	2.42	2.59	2.71	3.09
Қирғизистон	108	2.55	2.75	2.38	2.22	2.36	2.64	2.94
Туркменистон	126	2.41	2.45	2.40	2.29	2.31	2.36	2.72
Тожикистон	139	2.34	1.92	2.17	2.31	2.31	2.33	2.85
Ангола	159	2.05	1.57	1.86	2.20	2.00	2.00	2.59
Афғонистон	160	1.95	1.75	1.81	2.10	1.92	1.76	2.38

Жадвалдан кўриб турибмизки, Ўзбекистон Жаҳон банкининг глобал логистика самарадорлиги индекси бўйича 2018 йил ҳолатига кўра 99-ўринни эгаллаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги-ни ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида 2021 йилда 89-ўринга, 2025 йилда 79-ўринга, 2030 йилда 79-ўринга кўтариш мақсад қилиняпти.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлар, ҳукуматимиз томонидан соҳага берилаётган доимий эътибор ва иқтисодий имтиёзлар, фан ва техника ютуқлари ҳамда илғор технологияларни собитқадамлик билан жорий этиш борасидаги ишлар барча муваффақиятларнинг муҳим омили бўлди.

### 10.6. ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАРМОҒИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ҳар бир мамлакат аграр сектори ислохотидан кўзланган бош мақсад озиқ-овқат таъминоти мустақиллигига эришиш бўлиб, бу катта ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш зарурияти мамлакатда мустақиллик, иқтисодий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни сақлаб қолиш шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда бу муаммонинг долзарблиги бизга собиқ тоталитар тузумдан мўрт, заиф, бир ёқлама ривожланган, асосан хомашё ва оралик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиёт мерос бўлиб қолганлиги билан ҳам изоҳланади. Пахтанинг 95 фоизи қайта ишланмасдан республикадан ташқарига олиб кетилар эди. Собиқ шўролар даврининг 50 йили мобайнида енгил саноатнинг умумий тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмидаги<sup>1</sup> улуши 54 фоиздан 37 фоизгача, озиқ-овқат саноати улуши эса 30 фоиздан 14 фоизгача тушиб қолди<sup>2</sup>.

Бунинг натижасида сабзавот, мевали боғ, узумзор, ем-хашак, дон экинлари майдонлари кескин қисқартирилди, ун маҳсулотларининг асосий турлари, каргошка, шакар, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа республикалардан ташиб келтирилар эди. Мустақилликка эришиш остонасида, яъни 1990 йилда истеъмол учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут маҳсулотларининг қарийб 60 фоизи, картошканинг 50 фоизи, шакар, қуруқ сут ва болалар озуқаси 100 фоиз четдан келтирилган<sup>3</sup>. Республикага ун ва ун маҳсулотларини ўртача йиллик олиб кириш деярли 500 минг

<sup>1</sup> Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник.-М.: Изд-во РАГС, 2001.-39 с/

<sup>2</sup> Абулкосимов Ҳ.П., Ваҳобов А.В., Раҳимова Д.Н., НарбаевБ.И. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштариш йўллари. -Т.: ТДТУ, 2001.-60-61-6.

<sup>3</sup> Ўзбекистан Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. —Т.: Ўзбекистон, 2011 87-бет.

тонна, картошка – 450 минг тонна, шакар – 300 минг тонна, гўшт ва гўшт маҳсулотлари – 6,5 минг тонна, сут ва сут маҳсулотлари 3,7 минг тонна-ни ташкил этарди. Аммо республикага олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун етарли эмас эди. Уларнинг ассортименти бўйича тиббий меъёрларга риоя қилинмас эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун икки йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилди:

– қишлоқ аҳолиси томорқа майдонларини кенгайтириш ва янгиларини ажратиб бериш;

– қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш.

Давлатнинг озиқ-овқатга оид сиёсати картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ҳам ўз-ўзини таъминлашни кўзда тутди. Аҳолига етарли даражада чорвачилик маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи етказиб бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун зарур бўлган базани барпо этиш. шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари асосий турларининг етарли захирасини шакллантириш, уларнинг чакана баҳолари барқарорлигини таъминлашга эришиш, четдан келтирилаётган маҳсулотлар ҳажмини қисқартириб бориш кабилар ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадида 2018 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасига озиқ-овқат товарларини импорт қилиш бўйича айрим хўжалик юритувчи субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференциялар бекор қилинди.

Мамлакатда экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш ва соддалаштириш, талаб юкори бўлган озиқ-овқат товарларини импорт қилишда тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, носоғлом рақобат, озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг айрим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополлаштирилиши, сунъий тақчилликни юзага келтириш ва баъзи товарлар учун нарх-навонинг асоссиз оширилиши оқибатида, бу асосда қўшимча фойда олиш учун шарт-шароитлар яратувчи жиддий тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Бозорда айрим импорт қилувчиларнинг устун мавқега эга бўлишига улар учун индивидуал имтиёз ва преференцияларнинг тақдим қилинганлиги, уларнинг фаолияти учун эксклюзив шароитлар яратилганлиги кўмаклашган, бу эса бошқа тадбиркорлик субъектларининг бозорга кириш имкониятини чеклашга олиб келмоқда.

Мазкур соҳада юзага келган вазият ишчанлик фаоллигини ва Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини пасайтиради, халқаро майдонда мамлакатнинг обрўсига жиддий зиён етказди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғриси»даги 16.01.2018 й.№ ПФ-5303 сонли Фармонига асосан мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадида:

– 2018 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасига озиқ-овқат товарларини импорт қилиш бўйича айрим хўжалик юритувчи субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференцияларни бекор қилиш;

– республикага озиқ-овқат товарларини олиб кириш бўйича айрим хўжалик юритувчи субъектларга индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференциялар тақдим этишни назарда тутувчи қарорларнинг ҳукумат томонидан қабул қилиниши;

– 2018 йилга озиқ-овқат маҳсулотларини ташувчиларни излаб топиш ва жалб қилиш, улар учун бозорга киришда тенг шароитлар ярагиш, уларга шартномалар тузиш, киритилган маҳсулотларни ташиш ва сақлашда кўмаклашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар, шунингдек, аҳолининг сифатли, арзон озиқ-овқат товарларига бўлган талабини тўлиқ қаноатлантиришга қаратилган бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

– республиканинг барча ҳудудларида давлат-хусусий шериклик шартларида ихтисослаштирилган омборхона иморатлари, омборлар, музлатиш камералари, озиқ-овқат товарларини қайта ишлаш ва қадоклаш бўйича замонавий юқори технологик, энергия самарадор ускуналарни ташкил этиш<sup>1</sup>;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғриси»даги 16.01.2018 йилдаги ПФ-5303 сонли Фармонига асосан 2018 йил 1 февралдан бошлаб:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 16.01.2018 й. N ПФ-5303 сонли Фармони.

– истеъмол товарларини республика товар-хомашё биржаларида сотиш (сотиб олиш)га тақиқ бекор қилинади;

– шакар ишлаб чиқарувчилар 2020 йил 1 январга қадар муддатга импорт хомашёси асосида ишлаб чиқарилган ҳажмлар қисмига қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинади;

– истеъмол товарларини товар-хомашё биржаларининг очиқ электрон савдоларида сотиш (сотиб олиш) учун улгуржи савдони амалга оширишга лицензия мавжудлиги талаб этилмайди;

– улгуржи савдога лицензия олишда энг кам иш ҳақининг 3500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда, шундан пул маблағлари энг кам иш ҳақининг 1200 бараваридан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилган устав фонди мавжудлиги ҳақидаги талаб бекор қилинди;

– ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари турларини Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан импорт қилиш истисно ҳолларда ва фақат товар-хомашё биржалари, жумладан, хорижий биржаларнинг очиқ лектрон савдолари тизими орқали амалга ошириладиган бўлди;

– озиқ-овқат маҳсулотларининг режалаштирилаётган хариди, Жамғарма маблағлари тушуми ва харажатлари тўғрисидаги батафсил ахборот ҳар ой Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида эълон қилиб борилади;

– биржа брокерлари тижорат банкларига мижоз – норезидент номидан товар-хомашё биржасининг очиқ электрон савдоларида маҳсулотларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютани сотиб олиш (сотиш)га талабнома бериш, норезидент ва юридик шахслар эса Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ҳисоб рақамлари очиш ва товар-хомашё биржасининг очиқ электрон савдоларида маҳсулотларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютани сотиб олиш (сотиш)ни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлди<sup>1</sup>.

Мева-сабзавотчилик куйи тармоғи Ўзбекистон аграр секторининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондириш билан бирга мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга ва валюта маблағларини ишлаб топишга имкон яратади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқданган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 16.01.2018 й. N ПФ-5303 сонли Фармони.



Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эга бўлган, эртапишар ҳамда ширин таъмга эга пакана ва ярим пакана дарахтларни экиш орқали интенсив боғ ва узумчиликни ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга алоҳида эътибор қаратилган<sup>1</sup>:

– Кейинги йилларда республикамызда мева-сабзавотчилик тармоғини тубдан модернизациялаш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилди. Натижада мамлакатимизнинг мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш салоҳияти сезиларли даражада ошди. Мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот, эътибор беринг, тайёр маҳсулот экспорт қилинди. 724 минг тонна ҳўл мева четга сотилди ва бу юртимизга 856 миллион доллар валюта келтирди. Ҳолбуки, илгари минг-минг тонна турли ширин-шаккар меваларимиз далада қолиб, чириб кетар, исроф бўларди, энг ёмони, увол бўлар эди”<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 ноябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3377-сонли ва 2018 йил 17 октябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3978-сонли қарорларида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш ва “Global”, “GAP”, “Halal” ва “Organic” сифат стнадартларини жорий этишни жадаллаштириш борасида бир қатор вазифалар юклатилган.

Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспортга чиқариш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда. Жумладан, 2010–2020 Ўзбекистондан йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми ошиб бормоқда (10.6.1-жадвал).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш. Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ҳодимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан. [www.press-service.uz/uz/lists/view/1331](http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1331).

Ўзбекистондан 2010-2020 йилларда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти қиймати кўрсаткичлари динамикаси<sup>1</sup>. Минг долларда

Маҳсулот номи	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2010 йилда 2010 йилда 2020 йилга нисбатан
Жами:	1119,7	1 865,1	745,5	1 344,4	1524,6	1198,8	560,3	652,3	885,7	1207,8	819,5
Янги узилган	892,5	1 496,9	484,7	1 093,7	1 087,5	764,6	362,5	446,0	635,8	802,3	599,0
Қуритилган	227,3	368,2	260,8	250,7	437,1	434,1	197,8	206,4	249,9	405,5	220,4

Келтирилган жадвал маълумотларидан маълумки, 2010-2020 йиллар давомида Ўзбекистондан жами мева-сабзавотлар экспорти ҳажми 1119,7дан 1207,8 минг тоннага ёки 819,5 фоизга, янги узилганлари 892,5 дан 802,3 минг тоннага ёки 599,0 фоизга, қуритилганлари 227,3 дан 405,5 минг тоннага ёки 220,4 фоизга ошган.

Экспортчиларнинг халқаро бозорларда эгаллаган позицияси мустақамлиги уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари рақобатбардошлиги ҳамда рақобатлаша олиш имкониятлари билан ўлчанади. Бугунги кунда жаҳон озиқ-овқат бозорларига ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи товар ишлаб чиқарувчилар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири – бу маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасини баҳолай олиш ва тўғри аниқлашдир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари рақобатбардошлигини аниқлашни қуйидаги босқичлар бўйича амалга ошириш мумкин.

1. Бозор конъюнктурасини ўрганиш (талаб ва таклиф кўрсаткичлари, бозор мувозанати, нархлар, бозор сифими, бозорнинг товар ва жуғрофий таркиби, сотиш каналлари, реклама).

2. Маҳсулотлар рақобатбардошлигининг истемол (товарнинг нафлиги, сифат кўрсаткичлари, дизайни, қадоқланиши, сотишдан олдинги ва кейинги сервис) ва иқтисодий (товар таннархи, материал сифими, меҳнат сифими, энергия сифими, фонд қайтими, фонд сифими, фойда, рентабеллик даражаси ва бошқалар) кўрсаткичларини тизимли таҳлил этиш.

3. Рақобатчиларни ўрганиш ва таққослама таҳлил этиш асосида уларнинг рақобат устунликлари ва заифликларига баҳо бериш.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

4. Рақобатбардошлик кўрсаткичларининг интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш.

Рақобатбардошлик биринчи навбатда бозорга таклиф этилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини акс эттиради. Сифат параметрлари одатда ишлаб чиқарувчининг манфаатларидан келиб чиқиб аниқланса, рақобатбардошлик параметрлари биринчи навбатда истеъмолчиларнинг манфаатларидан келиб чиқиб аниқланади.

Мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимида қуйидаги омилларни киритиш мумкин: маҳсулотнинг нафлилиги, таъм ва истеъмол хусусиятлари; маркетинг ва реклама-аҳборот билан таъминланганлик даражаси; сифат кўрсаткичлари; дизайни ва қадокланиши; маҳсулотни бозор сегментларига кўра табақалаштириш; нархи; таннархи; экологик хавфсизлиги, техник нормалар ва стандартларга мос келиши; кафолатлар билан таъминланганлиги ва кафолат бериш муддатлари; сотишдан олдинги ва кейинги сервис ҳолати; рақобат бозорида товарнинг ўз вақтида пайдо бўлиши ва бошқалар.

Мева-сабзавот маҳсулотлари сифатини баҳолашда унинг таркибига кирувчи витаминлар, микроэлементлар ва тўйимлилиги асосий аҳамият касб этади. Булардан ташқари, маҳсулотнинг истеъмолчилар учун ишончилиги, яъни лаборатория текширувидан ўтганлиги ва истеъмол учун хавфсизлиги ҳам муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади.

Маҳсулот сифатига табиий-иқлимий, техник-технологик, ижтимоий-психологик ва ташкилий-иқтисодий характердаги бир қатор омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Маҳсулот сифатига таъсир кўрсатувчи табиий омилларга тупроқ таркиби, ҳудуднинг иқлим шарт-шароитлари, об-ҳаво, ўсимликлар вегетация даврининг давомийлиги, қуёш ҳарорати, ёруғлик ва намлик даражаси кабилар киради. Масалан, мамлакатимизда вегетация даврининг март ойидан токи ноябрь ойининг охирларигача давом этиши, қулай табиий-иқлим шароитлари жаҳон бозорларида харидоргир бўлган, бетакрор таъм ва юқори истеъмол хусусиятларига эга мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга имкон яратади.

Маҳсулот сифатига агротехника тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши, юқори унумли ва замонавий технологиялар, техникалар ҳамда машиналар тизимини қўллаш, сифатли уруғлик, минерал ва органик ўғитлардан оптимал фойдаланиш, уруғчилик-селекция ишлари самарадорлигини ошириш, турли касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашиш каби техник-технологик омиллар ҳам кучли таъсир кўрсатади. Техник-технологик омиллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга ва маҳсулотлар сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш имконини яратади.

Мева ва сабзавот маҳсулотларини жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларида манфаатли нархларда сотиш учун бозорга чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи кўриниши, таъм хусусиятлари ва асл ҳолатини сақлаб қолиш муҳимдир. Мева-сабзавот маҳсулотлари таркибида турли-туман, баъзан ўрнини босиб бўлмайдиган ва ҳаётий зарур биологик актив моддалар (витаминлар, органик кислоталар, ферментлар ва бошқ.) мавжуд бўлиб, улар озиқ-овқатлар орқали инсон организмга тушади. Мевалар инсонлар ҳаётий фаолияти учун катта аҳамият касб этади. Улар шакар, органик кислоталар, оксил, ёғлар, минерал тузлар, витаминлар, ферментлар, коллоидлар, пектин моддалар, хушбуй ва бошқа қимматли моддаларга бой.

Бизнинг шароитимизда етиштирилган мева-сабзавотлар бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шакар, амина ва органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационада ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқори туради. Хусусан, биз севиб истеъмол қиладиган олма таркибида қанд миқдори – 9,6-14 фоизга, кислоталик даражаси – 0,31-0,91 фоизга, курук моддалар – 16 фоизга ва С витамин – 1,5-11 мг/фоизга тенг. Булардан ташқари унинг таркибида пектин моддалар, каротин, аллицин, биотин, А, С, Н, В1, В2, В6, Е, РР витаминлари, органик фосфор бирикмалари, эфир мойи, калий, флавоноидлар, полифинол, темир, калий, кальций, натрий, фосфор, марганец, мис, кобальт ва бошқалар мавжуд.

Экспортчи корхоналар, фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим:

– экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада ривожлантириш;

– экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;

– уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истикболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида маълумотлар билан таништириш;

– транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш ва янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш;

– рақобатдош ва илм талаб инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган халқаро стандартларни жорий этиш;

– хорижий мамлакатлар билан замонавий технологияларни стандартлаштириш, метрология ва сифатни сертификация қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш кўламини янада кенгайтириш;

– халқаро стандарт талабларига мос равишда сифат устидан назоратни жорий этиш;

– халқаро транспорт коммуникацияларини ривожлантириш орқали экспорт товарларнинг транспортда ташиш харажатларини камайтириш.

Юқорида келтирилганлардан кўришиб турибдики, миллий товар ишлаб чиқарувчилар учун жаҳон бозорларига чиқиш ва ўз маҳсулотларини экспорт қилишнинг ҳам давлат, ҳам фирмалар учун манфаатли томонлари жуда кўп.

Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатининг аҳамияти ва рақобатбардошликка таъсири натижасида Миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини мустақкамлашда маҳсулотлар сифатини таъминлаш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4059-сонли қарорида бу борада жиддий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган ва тизимни ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланган.

Мазкур қарорда стандартлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро талаблар билан уйғунлаштириш даражасини ҳозирги 10,7 фоиздан 2023 йилга бориб 80 фоизга етказиш кўзда тутилган<sup>1</sup>.

Иқтисодиётнинг аграр ва озиқ-овқат секторларида маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигига қўйиладиган талаблар алоҳида эътибор талаб қилади. “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да юқори сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустақкамлаш ва аграр секторнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш масалалари устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган.

Маҳсулот сифатини ошириш ҳар қандай корхона олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимда корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги даражасини кўп жиҳатдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлиги белгилаб беради. Ҳозирги кунда маҳсулот сифатини ошириш масаласи энг долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Буни ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи ва жамият нуқтаи назаридан ёндошиб қуйидаги омиллар билан изохлаш мумкин:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4059-сонли қарори.

Биринчидан, фан-техника тараққиёти натижасида маҳсулотлар сифати-га қўйилаётган талаб даражаси кескин ошмоқда. Айниқса, цивилизация жараёнлари, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш даражасининг ошиши натижасида истеъмолчилар диди ва талабида бутунлай янгича ёндошув вужудга келмоқда. Масалан, истеъмолчилар озиқ-овқат маҳсулотларининг биринчи навбатда сифат кўрсаткичларига, яъни ишончилиги, тўйимлилик даражаси, витаминларга бойлиги, экологик тозаллиги, узок сақланиши, қадоқланиши ва бошқа ҳолатларга эътибор қаратадилар. Юқори сифатли маҳсулотни истеъмол қилиш истеъмолдан қониқиш даражасини ва унинг фойдалилигини ортиши билан характерланади.

Қайта ишлаш саноати эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг яроқчилиги, ресурс сарфи даражаси, экологик хавфсизлиги, ташиш ва сақлашга қулайлиги, тайёр маҳсулот чиқиш даражаси, толанинг пишиқлиги, мустаҳкамлиги каби бир қатор сифат кўрсаткичларига эътибор қаратадилар.

Иккинчидан, ички ва ташқи бозорларда вужудга келаётган кескин рақобат муҳити шароитида яшаб қолиш учун маҳсулот сифати энг зарур шартлардан бирига айланмоқда. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бирга ташқаридан импорт қилинган маҳсулотлар ҳам сотилади. Масалан, ун, шакар, ёғ, товук гўшти, колбаса, турли мевалар ва мева шарбатлари бозорларида шундай ҳолатни қўзатиш мумкин. Бозорларда мўл-кўлчилик ҳукм сураётган, талабдан ортиқча маҳсулотлар муаммоси мавжуд ҳолатларда фақатгина сифатли маҳсулотлар сотилиши турган гап.

Учинчидан, кейинги пайтларда корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти фаоллашиб бормоқда ва маҳсулотни ташқи бозорларда экспорт қилиш одатий ҳолга айланмоқда. Ривожланган мамлакатларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилишнинг ўзига хос қийинчилик томонлари мавжуд. Бу биринчи навбатда уларнинг маҳсулот сифатига қўядиган юқори талаблари билан боғлиқ. Жаҳон бозорида ўрин эгаллаш учун борадиган қаттиқ рақобат кураши маҳсулотлар сифатини доимий ошириб боришни талаб этади.

Тўртинчидан, маҳсулот сифатини ошириш корхоналарнинг маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфлайдиган ресурслар сарфи самарадорлигини оширишга имкон яратади. Юқори сифатли маҳсулотларни сотиш нархлари баланд бўлиши реализациядан ялпи пул тушуми, соф даромад ва фойда даражасининг ошишига ва рентабеллик кўрсаткичларининг ўсишига олиб келади. Юқори сифатли маҳсулот оморларда узок ётиб қолмаслиги туфайли товар-моддий захиралар айланиши тезлигини ошириб, корхонанинг тўловга қобиллиги кўрсаткичларини юксалтиради.

Бешинчидан, маҳсулот сифатини ошириш умумдавлат ва жамият миқёсида ҳам манфаатлидир. Хусусан, буни мамлакатдаги ялпи талаб ва таклиф

ҳажми ошиши, экспорт имкониятлари кенгайиши ва валюта тушуми ортиши, аҳоли эҳтиёжларининг тўлароқ кондирилиши, фан-техника тараққиёти тезлашиши ва бошқа бир қатор омилларда кўриш мумкин. Шу сабабли давлат бошқарув органлари маҳсулот сифатини таъминлашга алоҳида эътибор қаратадилар. Шу мақсадларда маҳсулот сифатини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш бўйича махсус қонунлар ва ҳукумат қарорлари, давлат стандартлари ишлаб чиқилади. Бу стандартлар давлат органлари ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамиятлар томонидан қаттиқ назорат остига олинади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида маҳсулотлар сифатини текширувчи махсус лабораториялар, зооветринария ва санитария хизматлари фаолият олиб боради.

Сифатни бошқариш тизими қуйидаги тамойиллар асосида шакллантирилмоқда:

- маҳсулотнинг истеъмолчига йўналтирилгани;
- сифат кўрсаткичларини сон кўрсаткичларидан устун қўйиш;
- маҳсулотни яратилишидан тортиб токи сотишдан кейинги хизмат кўрсатишгача ораликда сифат ва кафолатни таъминлаш;
- маҳсулот сифатини яхшилаш ва бошқаришни таъминлашни уйғунлаштириш ва бошқалар.

Маҳсулот сифати кўрсаткичлари – уни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ маълум бир сифат кўрсаткичлари параметрларининг миқдорий ўлчамини ифодалайди. Қишлоқ хўжалигида бундай кўрсаткичларга озик-овқат маҳсулотлари бўйича уларнинг фойдалилик даражаси, технологик параметрлари, стандартлаштириш хусусиятлари, ишончлилиги, экологик тозаллиги, тўйимлилиги каби кўрсаткичлар кирса, пахта хомашёсида унинг навлари, типи, тола ва чигит чиқини нисбати, толанинг узунлиги ва пишқилиги каби кўрсаткичларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Озик-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолашда унинг таркибига кирувчи витаминлар, микроэлементлар ва тўйимлилиги асосий аҳамият касб этади. Булардан ташқарии маҳсулотнинг истеъмолчилар учун ишончлилиги, яъни лаборатория текширувидан ўтганлиги ва истеъмол учун хавфсизлиги ҳам муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бир қисми қайта ишлаш саноати учун хомашё сифатида ишлатилади. Бунга пахта, дон, мева ва сабзавотлар, сут, ипак, қорақўл ва бошқа бир қатор маҳсулотларни мисол қилиб келтириш мумкин. Истеъмолчи сифатида чиқадиган қайта ишлаш корхоналари нуктаи назаридан ёндошганда “хом-ашё сифатида ишлатиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сифат кўрсаткичлари биринчи навбатда уларнинг технологик параметрлари билан ўлчанади<sup>1</sup>”. Бунда асосий эътибор яратилиши лозим

<sup>1</sup> Н.И. Новицкий, «Управление качеством продукции», Минск: Новое знание, 2001, 16 стр.

бўлган маҳсулотга қўйиладиган талаблар хомашёда мавжудлигига қаратилади ва унинг технологик жараёнларга мос келиши эътиборга олинади.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 декабрдаги Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни ўз вақтида сифатли бажариш муҳим аҳамият касб этади: – Жумладан: тармоқдаги ҳозирги ўсиш суръатлари бизни мутлақо қониқтирмайди. Бу борада бозор механизмларини кенг жорий қилиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширмас эканмиз, биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди.

Шу боис, пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтамыз.

Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимизга маҳсулот етиштиришда эркинлик бўлмайди, улар ўзи кутгандай манфаат кўрмайди, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайди.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини ислоҳ қилиб, аграр соҳанинг бошқа тармоқларига ҳам, арзон кредитлар ажратиш йўлга қўйилади.

Келгусида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги соҳа корхоналарига кўрсатма бериш, ресурсларни тақсимлаш, режа белгилаш каби эски иш усулларида мутлақо воз кечиши зарур.

Бунинг ўрнига вазирлик сервис ташкилотига айланиши, хусусий агро-саноат ташкилотларига ер ҳолатини аниқлаш, экин турлари ва уруғни тўғри танлаш, зараркунандаларга қарши курашиш, молиявий кўмаклашиш, маҳсулот бозорини топиш бўйича хизмат кўрсатиши керак.

Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш фермер хўжаликларни ривожланишиги асос бўлади.

Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик ва ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этилиши лозим.

2021 йилда 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда эса бундан 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

Парламентимиз ушбу ислоҳотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган “Кооперация ва кластерлар тўғрисида”ги янги қонунни тезроқ қабул қилиши зарур.

Бу йил мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруғчилик, чорвачилик, агро-логистикани ривожлантириш, сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашга 3 триллион сўм маблағ йўналтириш;



Чорвачилик, қорақўлчилик, балиқчилик, паррандачилик каби соҳаларда наслчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари татбиқ этилиш;

2020 йилда 44 минг гектарда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш;

2021 йилда давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилиши кўзда тутилди.<sup>1</sup>

Шунингдек, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарур эканлигини таъкидлаб ўтилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда республикамиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида халқаро сифат стандартларини жорий этиш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш борасида қуйидаги долзарб вазифаларни жадал амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” доирасида иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида халқаро стандартларни жорий этиш ишларини кенг қўламда ривожлантириш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш тизими ҳамда озиқ-овқат саноатида Global GAP ва ISO 22 000 НАССР халқаро сифат стандартларини жорий этиш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш;

– қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати тармоқларида халқаро стандартларни жорий этишни жадаллаштириш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш;

– мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш;

– бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш;

– аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш;

– ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш;

– иқтисодиётнинг реал сектори маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш орқали мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва логистика тизимларини ривожлантириш ва бошқалар.

Иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш ва мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам беришдан зарур.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожатномаси. 2020 йил 24 январдаги маърузаси. “Халқ сўзи”.

## ? ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” деб номланган бандининг устувор йўналишлари нималардан иборат?
2. Озиқ-овқат хавфсизлиги нима ва унинг таркибий қисмларига нималар киради?
3. Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини оширишда қандай долзарб вазифаларни бажариш лозим?
4. Қишлоқ хўжалигида асосий фондларни инвестиция механизмларини тушунтириб беринг?
5. Аграр соҳада инвестиция сиёсатини белгиловчи ўзига хос хусусиятлар ва омиллар деганда нимани тушунаси?
6. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қачон қабул қилинди?
7. Ўзбекистонда тараққиётнинг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва жадал ривожлантиришнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?
8. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан мақбул қишлоқ хўжалиги ва экологик амалиёт (GAEP) деганда нимани тушунаси?
9. Мақбул ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) деганда нимани тушунаси?
10. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ҳисоботларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларининг устувор ривожланишини таъминлаш йўллари тушунтириб беринг?
11. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармогини модернизациялаш, диверсификациялаш ва барқарор ривожланиши учун хусусий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашувчи самарали тизимни яратишнинг устувор йўналишларини ёритиб беринг?



## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистонда 2020 йилда қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши қанчани ташкил этди?

- А. \*28 фоиз                      Б. 26 фоиз  
С. 20 фоиз                      Д. 17 фоиз

2. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясига мувофиқ Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти ҳажми 2030 йилга бориб қанча миқдорга етказиш кўзда тутилмоқда?

- А. \*20 млрд АҚШ доллари                      Б. 10 млрд АҚШ доллари  
С. 25 млрд АҚШ доллари                      Д. 5 млрд АҚШ доллари

3. Ўзбекистон 2020 йилда Глобал очлик индексида нечанчи ўринни эгаллади?

- А. \*30                      Б. 47  
С. 65                      Д. 25

4. 2020 йилда Глобал очлик индексининг аҳоли ўртасида тўйиб овқатланмайдиганлар улуши кўрсаткичи Ўзбекистонда неча фоизни ташкил этади?

- А. \*2,6                      Б. 6  
С. 7,5                      Д. 4,5

5. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида кучли шўрланган ерларнинг улушини 2018 йилги 45 фоиздан 2030 йилда неча фоизгача камайтириш кўзда тутилган.

- А. \*37                      Б. 25  
С. 40                      Д. 10

6. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида бошқоқли доннинг ўртача ҳосилдорлиги 2030 йилда неча фоизга етказилади?

- А. \*75                      Б. 65  
С. 60                      Д. 50

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжал-

ланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5853-сонли Фармони қачон қабул чилинган?

- А. \*2019 йил 23 октябрь                      Б. 2019 йил 20 сентябрь  
С. 2019 йил 10 октябрь                      Д. 2020 йил 23 октябрь

8. Ўзбекистонда 2020 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати неча фоизни ташкил этди?

- А. \*2,8 фоиз                                      Б. 1,6 фоиз  
С. 4 фоиз    Д. 4,8 фоиз

9. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида умумий экин майдонлари таркибида озуқа экинлари майдонлари улуши 2030 йилда неча фоизга етказилади?

- А. \*15 фоиз                                      Б. 12 фоиз  
С. 10 фоиз    Д. 7 фоиз

10. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалиги умумий экспорти ҳажмида қайта ишланган маҳсулотлар улушининг 2030 йилда неча фоизга ошириш мақсад қилинмоқда?

- А. \*40 фоиз                                      Б. 30 фоиз  
С. 25 фоиз    Д. 20 фоиз

## XI БОБ

### КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ

#### 11.1. МАМЛАКАТДА КАМБАҒАЛ АҲОЛИ МАВЖУДЛИГИ РАСМАН ҚАЙД ЭТИЛИШИНING ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Глобллашув биз кутмаган даражада бутун ер курраси, инсоният олдида мисли кўрилмаган даражада муаммоларни келтириб чиқардики, натижада юксак даражада ривожланган фан-техника имкониятларига эга инсоният олдида қатор жумқбоқли, ечими топилмаган масалаларни кўндаланг қилиб қўйди. Инсоният тарихини таҳлил қиладиган, кейинги юз йил билан таққослайдиган бўлсак, ҳаёт суръати беқиёс даражада тезлашди. Кейинги пайтларда тезкор ёки тезкорлик, шиддатли ёки шиддаткорлик дунё халқлари лексиконига кириб келди. Бу ахборот ривож, инсоннинг меҳнат ва кундалик фаолияти нақадар шакл ва мазмун жиҳатидан ривожланганлигини кўрсатади.

Ер юзида 7,5 млрддан ортик аҳоли истиқомат қилади. 2019 йил декабрь ойида Хитойда аниқланган COVID-19 коронавирус (тожсимонвирус) Ер шарида истиқомат қилаётган барча мамлакатлар аҳолисининг меҳнат ва кундалик фаолиятига бевосита ва билвосита ўз таъсирини кўрсатди. Пандемия шароитини мамлакатлардаги иқтисодиёт тармоқларининг бир маромда ёки барқарор ишлашига имкон бермайдиган вазнсизлик, аниқроғи, инсон борлигининг асоси кислород етишмайдиган ҳолатга тенглаштира бўлади.

Коронавирус тарқалишининг оқибатларини бартараф этиш бўйича чоралар зарурлигини ҳали касалликнинг илк иллатлари аниқланмасдан анча олдин 2020 йилнинг январь ойида мухтарам Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев зарур чора-тадбирлар белгилаш қайд этиб ўтганди.

Бугун дунё бир бўлиб мудҳиш иллат – коронавирусуга қарши курашмоқда. Афсуски, COVID-19 инфекцияси юртимизда ҳам тарқалиб, одамларнинг тинчини бузди. Ўттиз тўрт миллиондан зиёд аҳоли мухтарам Юртбошимиз атрофида жипслашиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда бу ўлатни енгишга киришди.

Ўзбекистоннинг айрим соҳалари ва бизнеслари мослапишга, ҳукумат эса аҳолининг заиф қатламларига ёрдам беришга ҳаракат қилаётганлиги боис мамлакат иқтисодиётини сақлаб қолиш учун кўшимча чора-тадбирлар белгилади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасида ҳам коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодиёт тармоқлари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, айрим хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармони қабул қилинган бўлиб, унда қуйидаги имтиёз ва преференциялар назарда тутилганлигини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда камбағал аҳоли мавжудлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида биринчи марта расман қайд этилди. Мурожаатномада: “Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир. Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усуллари қамраб олган янги методологияни яратиш лозим”<sup>1</sup>, – деб таъкидланди.

Камбағаллик – ҳар бир шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг яшashi, меҳнат қobiliятини сақлаши, авлодни давом эттириши учун зарур бўлган минимал эҳтиёжлар маълум доирасини қаноатлантирмайдиган иқтисодий ҳолатдир. Камбағаллик нисбий тушунча ҳисобланади ва мазкур жамиятда турмуш даражасининг умумий стандартига боғлиқ бўлади. У oilани боқиш ва кийинтириш, мактабда ўқиш ёки касалхонада даволаниш, ўз ерида истеъмол маҳсулотларини етиштириш ёки яшашга имкон берадиган даромад топадиган ишга эга бўлиш, шунингдек, кредит олиш ҳуқуқи имкониятларининг йўқлигида намоён бўлади<sup>2</sup>.

Камбағалликни аниқлашнинг бир нечта усуллари мавжуд:

Камбағалликни аниқлашнинг *меъерий усули* инсоннинг асосий физиологик ва ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. <https://uza.uz/oz/politics/>.

<sup>2</sup> Руководство по измерению бедности. ЕЭК, ООН, Нью-Йорк-Женева. 2017 г. с. 4

товарлар ва хизматлар тўпламини аниқлашни, шунингдек, аҳолининг жинси ва ёш гуруҳлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда истеъмол қилиш нормалари ва стандартларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади<sup>1</sup>.

Яшаш қийматини шакллантириш ва ҳисоблаш учун товарлар ва хизматларнинг истеъмол саватлари тушунчаси ишлатилади. Минимал стандартлар ва улар асосида шакллантирилган истеъмол саватлари вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилиши керак бўлади.

*Комбинациялаштирилган (бирлаштирилган, меъёрий-статистик) усул*, алоҳида товарлар ва хизматлар учун стандартларни аниқлаш қийин бўлган ҳолларда қўлланилади. Энг арзон ва энг ҳаммабоп маҳсулотлардан ташкил топган озиқ-овқат маҳсулотларининг тўплами физиологик эҳтиёжларга, калория миқдори ва асосий озуқавий таркибга мос келадиган, керакли таъмга, турли таомларга ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташкил этиш анъаналарига риоя қилади. Бюджет ва хизматларнинг ноозиқ-овқат қисми уларнинг кам таъминланган оилаларнинг истеъмол харажатларидаги улуши билан белгиланади. Шунингдек, *стратификация усули*, камбағаллар орасида ўзини-ўзи таъминлаш қобилияти чекланган одамлар, *депрация усули* – энг муҳим маҳсулотлар ва товарларнинг етарлича истеъмол қилинмаслигини ҳисоблаш, ижтимоий фикрни баҳолаш ёки респондентнинг ўз нуқтаи назаридан, етарли ёки етарли бўлмаган турмуш даражасини аниқлайдиган *эристик усул* (ижтимоий, субъектив), давлатнинг моддий ресурсларини таъминлашга қаратилган камбағал ресурс манбалари тифасини белгилайдиган *иқтисодий усул* ва бошқалар мавжуд.

Ўзбекистонда камбағаллик тўғрисида давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг 27 февралда тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилишидаги маърузаларида камбағаллик муаммоси энг оғир бўлган худудлар ва улардаги мавжуд камбағаллар сонини кўрсатиб ўтдилар. Бу худудлар Қашқадарё вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Наманган, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидир<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировардида камбағал ва ишсизларни касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича фуқаролар қамрови муаммоси ҳозирги куннинг энг долзарб масаларидан биридир. “Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон Қарори

<sup>1</sup> 4. В.С.Сычева. «Бедность и её измерение», Социология:4М, 2011, №14 с.128

<sup>2</sup> 5.Халқимизга балиқ эмас, қармоқ беришимиз керак – Президент <https://kun.uz/news/2020/02/27/xalqimizga-baliq-emas-qarmoq-berishimiz-kerak-prezident>

ва мазкур ҳужжат асосида қабул қилинган 1-илова “Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ишга марҳамат» мономарказлари тўғрисида”ги Низом, 2-илова “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг касб-ҳунарга ўқитиш марказлари тўғрисида”ги Низом, 3-илова “Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низоми, 4-илова “Энг яхши касбга тайёрлаш дастури” бўйича нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида очик танлов ўтказиш тартиби тўғрисида” Низоми каби муҳим ҳужжатлар бу муаммо ечимларини ижобий ҳал этишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ер участкалари бериш ва якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилишнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 28 январдаги 63-сонли Қарори 1-иловасига асосан “Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартиби тўғрисида” Низом қабул қилинди. Ушбу Низомга асосан илк бор якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш йўналишлари белгилаб берилди:

1. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини аукционсиз бериш тартиби.

2. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали реализация қилиш тартиби. Мазкур йўналиш ўз навбатида бир қатор тадбирларни амалга оширишни тақоза қилди:

- ер участкалари рўйхатини шакллантириш ва ер участкаларини аукционга қўйиш учун зарур материалларни тайёрлаш тартиби;

- аукционни ташкил этиш ва ўтказишнинг умумий шартлари;

- аукцион ўтказилиши ҳақидаги хабарномани жойлаштириш;

- аукционда иштирок этиш шартлари;

- аукционни ўтказиш тартиби;

- аукционлар натижаларини ҳисоб-китоб қилиш ва расмийлаштириш

тартиби.

**Жаҳон банки маълум қилишича, 2020 йил 15 январь ҳолатига кўра турли мамлакатларда 736 миллион киши ўта камбағаллик шароитида кун кечирмоқда<sup>1</sup>.**

<sup>1</sup> <https://tass.ru/info/7525997>



**Камбағаллик чегараси нима?** БМТ камбағаллик чегарасини асосий товар ва хизматлар (озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар-жой ҳақини тўлаш, сув билан таъминлаш, электр энергияси, мактаб таълими, тиббий хизмат) учун зарур бўлган даромадлар даражаси ва сифатидан келиб чиқиб белгилайди. Камбағаллик даражаси нисбий тушунча саналади ва муайян мамлакатдаги умумий фаровонлик даражасига боғлиқ. Камбағаллик мутлақ ва нисбий каби турларга бўлинади. Мутлақ камбағалликда кун кечирувчи одамлар биологик тирик қолишни таъминлайдиган минимал эҳтиёжларнигина қондиришлари мумкин.

Ҳукумат маҳаллий органлари аҳолининг кам таъминланган қатламларини аниқлаш, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги вазифаларни аниқлаш мақсадида камбағаллик чегарасини белгилайди. Бунда турли мезонлардан фойдаланилади, бой мамлакатларда қашшоқлик чегараси, камбағал мамлакатларга қараганда юқорирок.

1990 йилда Жаҳон банки экспертлари камбағал давлатларда қўлланилган стандартлардан фойдаланиб, дунёдаги камбағал аҳоли сонини ўлчаш методикасини таклиф қилишганди. 15 та давлатдаги камбағалликнинг миллий даражасини ўрганиб, харид қобилияти асосида валюта курсларини қўллаган ҳолда (харид қобилияти бутун дунёдаги ана шу нархлар асосида ҳисобланади) қайта ҳисоблашди. Товар ва хизматлар тўплами нархини барча мамлакатларда тўғри таққослаш учун шундай қилинган.

Натижада экспертлар ўрганилаётган қашшоқ мамлакатларнинг олтита-сида камбағаллик даражаси кунига бир киши учун 1 долларга яқин кўрсаткични ташкил қилиши аниқланди. Бу кўрсаткич илк халқаро қашшоқлик чегараси сифатида қабул қилинади.

Дунё мамлакатларидаги ҳаёт қиймагидаги тафовутлар ортиб боргани сабабли Жаҳон банки глобал камбағаллик кўрсаткичини вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш заруриятига дуч келди. 2005 йилда банк дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларида қабул қилинган камбағаллик даражаси асосида шу кўрсаткични қайта ҳисоблади. Натижада глобал қашшоқлик чегараси 1,25 долларга кўтарилди. 2015 йилда чегара қайта кўриб чиқилди ва 1,9 долларгача ортди.

Бундан ташқари, Жаҳон банкида ўртадан паст, ўрта ва юқори – 3,2 доллар, 5,5 доллар ва 21,7 доллар даромадларга эга мамлакатлар учун камбағалликнинг юқори даражалари қабул қилинган. Банк мутахассислари бу кўрсаткичлар пул мезонларига асослангани ва улар таълим олиш, соғлиқни сақлаш хизматлари, сув ҳамда электр энергияси билан таъминланганлик каби жиҳатларни ҳисобга олмастлигини таъкидлашади.

1990 йилдан бошшаб ҳар йили Жаҳон банкининг «Камбағаллик ва ялпи фаровонлик» маърузалари эълон қилинади. Сўнгги маъруза 2018 йилнинг

октябрь ойида чиқарилган. Ундаги асосий кўрсаткич қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 доллар миқдоридан эканидир. Бироқ қашшоқлик бўйича янги таъриф ва ўлчамлар киритилмоқда. Жумладан, ижтимоий камбағаллик. Бу кўрсаткич мутлақ ва нисбий камбағаллик концепциясини бирлаштиради.

Бундан ташқари, камбағаллик даромадлар даражаси бўйича коммунал хизматлар (сув, электр энергияси), соғлиқни сақлаш ёки таълим олиш имкониятини акс этгирмагани учун кўп ўлчамли камбағаллик кўрсаткичи киритилди. Ана шу тушунчага мос равишда глобал даражадаги камбағаллар улуши монетар камбағаллик билан таққослаганда тахминан 50 фоизга юқори.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 736 миллион киши (аҳолининг 10 фоизи) ўта қашшоқлик шароитида (кунига 1,9 доллардан кам киримга эга), дунё аҳолисининг деярли ярми – 3,4 млрд киши кунига 5,5 доллардан кам тушумга эга. Қашшоқлик даражаси энг юқори қитъа Африка сайёрадаги энг қашшоқ мамлакатлар – Конго демократик республикаси (ўта қашшоқлик даражаси – 77,1 фоиз) ва Мадагаскар (77,6 фоиз).

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш бўйича Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури билан биргаликда дастур ишлаб чиқишни режалаштирмоқда. Уни амалга ошириш учун 700 миллион доллар маблағ йўналтирилади<sup>1</sup>.

Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Камбағалликни камайтириш дастури ишлаб чиқилди.

Шунга кўра, Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йили, яъни 2020 йил “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида қўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди:

◆ камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усуллари камраб олган методология ишлаб чиқиш;

◆ аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёлларда тадбиркорлик ва бизнес юритишнинг замонавий кўникмасини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

◆ тадбиркорлик ташаббусларини, энг аввало, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашувчи ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари;

◆ тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар, жумладан, микромолиялаш хизматларидан кенг фойдаланиши, шунингдек, давлат харидларида иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш;

<sup>1</sup> <https://kun.uz/news/2020/02/12/kambagallikni-kamaytirish-dasturi-ishlab-chiqiladi>

◆ банд бўлмаган аҳолини қайта тайёрлаш ва ишсиз фуқароларни зарур касбларга ўқитиш бўйича кенг кўламли дастурларни амалга ошириш;

◆ Фарғона водийсининг 22 та қишлоқ туманида аҳоли ўртасида замонавий ишбилармонлик ва бизнес кўникмаларини шакллантириш бўйича бошланган ижобий тажрибани барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилади.

Камбағаллик юртимизда кўп йиллар «ёпиқ мавзу» бўлиб келди. Жорий йил 24 январь куни Олий Мажлисга Мурожаатномада давлатимиз раҳбари бу ҳақда очиқ-ойдин гапирди ва тарихимизда биринчи марта камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланди», дейилади Президент матбуот хизмати хабарида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев мамлакатимиздаги реал ҳодат тўғрисида баҳо бериб, кўйидагиларни алоҳида қайд этиб ўтди: “дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётини эҳтиёжлари нима бўлаяпти, деган савол ҳар куни қийнайди”<sup>1</sup>.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги Фармони ҳамда Қарорига мувофиқ Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайтиришга масъул лавозимлар жорий қилиниб, вертикал тизим яратилди. Яъни Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими ҳамда ҳукуматда алоҳида котибият ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилишида шу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди: – «Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёшларга кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини оши-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. 2020 йил. 24 январь. <https://lex.uz>

риш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак»<sup>1</sup>, – деди давлат раҳбари.

Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан камбағалликка қарши курашининг ўрта ва узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилди.

Халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар – келажагимиз», «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», томорқани ривожлантириш каби дастурлар қабул қилинди. Ўтган икки йил давомида биргина оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 2020 йилда бюджетдан қарийб 10 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Албатта, бу аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар учун даромад манбаи яратишга хизмат қилди.

Шу билан бирга аввало ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят даражасидаги ҳақиқий шароит ва аҳволни таҳлил қилиш кераклиги қайд этилди. Бунинг учун, биринчи йўналишда камбағалликка оид реал аҳвол, яъни маҳаллалардаги даромади кам оилалар сони ҳақида маълумот йиғилиши, иккинчи йўналишда туман ва шаҳарнинг салоҳияти, табиий ресурслари, ер ва инфратузилма имкониятлари харитаси тузилиши белгиланди.

«Одамларнинг меҳнат қилиб, бой бўлиши ва яхши ҳаёт кечириши учун барча шароитларни яратишимиз зарур»<sup>2</sup>, – деди Президент.

Қайд этилганидек, тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этилди. Иқтисодий ривожланишнинг асоси бўлган инфратузилма яратиш учун Кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилди. Қолаверса, улардаги ер участкалари тадбиркорларга бозор қийматида эгаллик ҳуқуқи билан сотиб олиш имконияти берилди. Ушбу лойиҳа ўзини оқласа, иккинчи ярим йилликда яна қўшимча 150 миллиард сўм ажратилди<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4653-сон қарори 3-иловасида “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 27 февраль кuni тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилишидан.

<sup>2</sup> Ўша жойда

<sup>3</sup> Ўша жойда

тўғрисида» Низом қабул қилинди. Бу низомда умумий қоидалар, вазирликнинг тузилиши, вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифа ва функциялари келтирилган.

## 11.2. МИНТАҚАВИЙ ҚИЙИНЧИЛИК ВА ҚИШЛОҚДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ва халқлари дуч келаётган энг долзарб глобал муаммо (COVID-19) бу коронавирус пандемиясининг давом этиши ва унга олиб келувчи ижтимоий-иқтисодий зарарни аниқ прогноз қила олмасликдир. Буюк давлат арбоблари, сиёсатчилар, иқтисодчилар бу ҳолат дунё иқтисодиёти ва аҳоли турмуш даражасига қай даражада салбий таъсир кўрсатиши тўғрисида аниқ тасаввур ёки таклифга эга эмаслар. Бунинг асосий сабаби эпидемия ҳали ҳам давом этаётганидир.

Бугун мамлакатимизда бу вабо оқибатлари ижтимоий-иқтисодий ҳолатга қандай таъсир кўрсатгинлиги тўғрисида фақат шаффоф таҳлилий ҳисоб-китобларнинг натижалари мавжуд. Коронавирус пандемияси етказган иқтисодий зарар талабни камайтиришдан иборат, яъни бу, асосан, мавжуд товарларни сотиб олувчи ва хизматлардан фойдаланувчи истеъмолчилар сонининг кескин пасайиши билан боғлиқ. Бундай йўқотишлар, айниқса, авиакомпания ва туризм, меҳмондўстлик ва умумий овқатланиш, дам олиш ва маданий тадбирлар сингари жиддий таъсир кўрсатган хизмат кўрсатиш соҳаларида яққол намоён бўлади. Худди шундай салбий оқибатлар бошқа sanoat тармоқларига ҳам тегишлидир. Айниқса, минтақалардаги муаммолар аҳоли бандлиги ва турмуш даражаси пасайишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида таъкидланганидек: "... Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар жадал давом этмоқда. Менинг дастлабки кашфиётим камбағалликни камайтиришга қатъиятимизни кўрсатди. Биз бундай воситадан тадбиркорликни ривожлантириш ва кўшимча иш ўринлари яратиш, инвестиция муҳити ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, замонавий инфратузилмани қуриш ва янги кишиларни касбга ўргатиш учун фойдаланамиз<sup>1</sup>.

2020 йил пандемиясининг салбий оқибатларини бартараф этиш учун 2021 йилда иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади минтақалардаги соҳа ва тармоқларнинг эҳтиёжларига мувофиқ иш ўринлари яратиш натижасида бандликни ошириш орқали камбағалликни камайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат. Бундай стратегик мақсадларга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. 2020 йил 24 сентябрь.

иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари орқали эришилади, у ҳамма учун тенг имкониятлар яратади. Сўнги 4 йил давомида иқтисодиётнинг барча соҳаларида бозор механизмларини жорий этиш бўйича жиддий қадамлар қўйилди. Кейинги устувор йўналиш барча соҳалардаги чуқур таркибий ислохотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишга асос яратишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида: "...Камбағалликни камайтириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтириш бўйича белгиланган мақсадларга тезкор эришиш омили қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги ва самарадорлигини тубдан ошириш ҳисобланади. Бу ерда устувор вазифа бир гектар ер рентабеллигини ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларга етказишдир. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига энг илғор илмий ишланма ва янгиликларни, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги технологиялари, сувни тежайдиган технологиялар, биотехнологиялар, уруғ етиштиришда эришилган ютуқларни кенг жорий этиш зарур. Биринчи навбатда, ерга ишлов беришда фермерлар ва деҳқонларнинг қизиқишини ошириш зарур. Қаерда қизиқиш ва адолат бўлса, албатта ўзгариш ва ривожланиш бўлади. Шу нуқтаи назардан, ердан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш ва уларни сотиладиган бойликка айлантиришни ўрганиш вақти келди<sup>1</sup> – деб таъкидлади.

Ҳозирги кунда мамлакат аҳолисининг деярли ярми (49,4 %) қишлоқ жойларда яшайди. Асосий табиий бойликлар ер майдонлари, сув йўллари, сув омборлари, ер ости фойдали қазилмалари қишлоқда тўпланган бўлиб, улар ёрдамида саноатни хомашё билан, аҳолини эса озиқ-овқат билан таъминлаш мумкин. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги соҳасини ўзида мужассам этган қишлоқ, миллий даромаднинг энг муҳим манбаи, мамлакатга валюта тушумининг асосий моддаси ҳисобланади. Бу ҳолат иш билан таъминлашни тартибга солиш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш нафақат қишлоқ, балки миллий хўжалик учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий иқтисодий бошқарувни тартибга бозор тамойили, яъни унда давлат нафақат мулк эгаси-давлат, иқтисодиётнинг субъекти сифатида, балки давлат ислохотчи, бозорда "ўйин қоидалари"ни белгиловчи тартибга солувчи давлат сифатида иштирок этишни тушунчасига асосланади. Бунда давлатнинг иқтисодиётни бошқаришга аралашуви мобил, яъни давлат томонидан тартибга солишни кучайтириш жараёнлари, давлат аралашуви даражасига кўра, тартибга солиш билан алмаштирилади. Ҳар бир ҳолатда ҳам жаҳон тажрибасига кўра, давлат ва бизнес ўртасида бир-би-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.

рини тўлдирувчи, биргаликда мавжуд бўлган кучларнинг мақбул нисбати доимий равишда изланади.

Тарих гувоҳлик беришича, ҳақиқий бозор иқтисодиёти, ҳатто шаклланиш даврида ҳам, давлатнинг аралашувисиз амалга ошмайди. Бундай аралашувнинг фақатгина вазифалари, шакллари, воситалари ва миқёси ўзгаради, лекин давлат умуммиллий хусусиятга эга энг муҳим иқтисодий муаммолардан ҳеч қачон четда турмаган. Шунинг учун иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш зарурлиги тўғрисида баъзи кишиларгина баҳслашадилар. Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти ривожланиб, цивилизациялашиш кўринишига эга бўлгани сари, бозор механизмига тобора кўпроқ хилма-хил тузатишлар киритиш ва тартибга солишни талаб этади. Шу билан бирга, айнан давлат иқтисодий ривожланишда тартибсизлик ва анархиянинг олдини олиш, иқтисодий эркинликлар кафолатини тақдим этиш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилишга қодир.

Бугунги кунда Ўзбекистон раҳбарияти бошқарув тизими сифатини босқичма-босқич такомиллаштириш ва жамиятда «Халқ давлат органларига хизмат қилиши эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган асосий принципни тўла-тўқис ўрнатиш сиёсатини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига ҳар йили фуқаролардан 1 миллиондан ортиқ мурожаат келиб тушаётгани халқ билан мулоқотни янги босқичга кўтариш зарурлигидан далолат беради.

Маълумки, давлат иқтисодий жараёнлар, айниқса, умуммиллий миқёсда содир бўлаётган жараёнларни ташқаридан кузата олмайди ва бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. У бевосита ва билвосита таъсир воситалари арсеналидан фойдаланган ҳолда иқтисодий жараёнларни яхлит иқтисодий механизм, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш манфаатларига жавоб берувчи стратегия томонга йўналтиради. Шу билан бирга, бозор институтларини шакллантириш жараёнлари рақобат қонунлари ва иқтисодий мақсадга мувофиқлик таъсирида амалга оширилиши керак.

Аҳолининг ҳаёти ва бандлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар ва омиллар тизими. Ҳаёт даражаси бўйича аҳолининг ҳаёт учун зарур бўлган моддий, маънавий ва бошқа имтиёзлар билан таъминланишини, уларни истеъмол қилишнинг эришилган даражаси ва кишиларнинг бундай имтиёзларга эҳтиёжларини қондириш даражасини тушуниш одатий ҳолдир. Бу таъриф қишлоқ аҳолисига ҳам тегишли, гарчи уларнинг турмуш даражаси ҳар хил бўлса-да, ёки ҳеч бўлмаганда шаҳар шароитида яшовчиларнинг турмуш даражасидан миқдорий фарқ қилиши мумкин.

Шунинг учун ҳам қишлоқда турмуш даражасини яхшилаш ва уни шаҳар шароитига яқинлаштириш мақсадида 2021 йил «Ёшлар ва аҳоли

саломатлигини қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастури доирасида иқтисодий ривожланиш, жумладан, камбағалликни камайтириш ва узоқ муддатли ресурслардан самарали фойдаланиш, “асосан қишлоқ хўжалигида барқарор иқтисодий ўсиш” атамасини ўз ичига олади. Келажакка пойдевор қўйиш учун ишсиз аъзолари бўлган оилаларни, шу жумладан, “Темир китоб”, “Аёллар китоби” ва “Ёшлар китоби”га киритилганларга фермер хўжаликлари билан шуғулланиш имкониятини бериш учун, улар учун куйидаги йўналишлар белгиланди:

- қишлоқ хўжалиги учун 0,1 дан 1 гектаргача, шу жумладан, янги ўзлаштирилган, курғоқчил, фойдаланилмаётган ерларни ажратиш;
- суғориш тизими (артезиан қудуқлари, томчилагиб суғориш тизими ва бошқалар) ва ажратилган ерларни электр билан таъминлаш;
- ажратилган ерни ўзлаштиришга (шудгорлаш, уруғ, кўчат сотиб олишга) дотациялар ажратиш.

БМТ тавсиясига кўра, ҳаёт даражаси уч гуруҳга бўлинадиган кўрсаткичлар тизими билан ўлчанади. Биринчи гуруҳга кўпинча табиий ўлчовларда (озик-овқат, соғлиқни сақлаш, уй-жой, уй-рўзғор буюмлари, пулли хизматлар, маданий даража ва бошқаларда) ифодаланувчи ўзига хос кўрсаткичлар киради. Иккинчи гуруҳ харажатларни умумлаштирувчи кўрсаткичлар бўйича шаклланади, улар таркибига куйидагилар киради: аҳоли жон бошига ЯИМ, ЯИМ таркибидаги товар ва хизматлар улуши, аҳоли жон бошига пул даромади, битта ишчига ҳисобланган ўртача иш ҳақи (номинал ва реал). ўртача миқдори тайинланган ойлик пенсия, бир марталик реал пул даромади, истеъмол нархлари индекси, энг кам иш ҳақи, энг кам истеъмол бюджети ва бошқалар. Ниҳоят, учинчи гуруҳ муҳим кўрсаткичлар билан ажралиб туради, уларнинг тузилиши одатда қийин, чунки турмуш даражасининг кўпгина таркибий қисмлари учун вазн коэффициентларини ўрганиш керак.

Иккинчи ҳолатга нисбатан БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД) мутахассислари томонидан махсус методологиядан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган Инсон тараққиёти индекси билан фойдаланиш мумкин. У 1991 йилдан буён амалиётга татбиқ этилмоқда ва у ҳақидаги маълумотлар ҳозирда дунёнинг 175 мамлакатида нашр этилмоқда. Инсон тараққиёти индекси аҳолининг турмуш даражасини халқаро таққослаш учун муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида хизмат қилади.

Аҳолини иш билан таъминлаш жамият ҳолатининг муҳим ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларини шакллантирувчи макроиқтисодий категория ҳисобланади. Бандлик фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, уларга даромад (меҳнат даромади) олиб келиш билан боғлиқ, қонун билан таъқиқланмаган фаолиятидир.



Фуқаролар ўз қобилиятларини самарали ва ижодий ишларини тасарруф этиш ва қонун билан таъқиқланмаган ҳар бир фаолиятни, шу жумладан, пулли ишларни бажариш билан боғлиқ бўлмаган фаолиятни амалга ошириш борасида мутлақ ҳуқуққа эгадирлар.

Амалиётда қуйидаги фуқаролар иш билан таъминланган деб ҳисобланади:

– ҳақ эвазига меҳнат шартномаси бўйича тўлиқ ёки ярим кунлик иш билан ёки уйда ишлаш, шунингдек, бошқа ҳақ тўланувчи ишларга, шу жумладан, вақтинчалик ишларга эга бўлиш;

– касаллиги, таътили, касб-ҳунар таълими, қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш, ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиши сабабли иш жойида вақтинча йўқлиги, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча йўқ бўлган ходим иш жойини сақлаб қолган бошқа ҳолатларда;

– ҳақ тўланувчи лавозимга сайланган ёки тайинланган;

– Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, божхона органлари ва ҳарбий хизматни таъминловчи бошқа идоралар тизимида хизмат қилиш;

– ўз-ўзини иш билан таъминлаш, шу жумладан, ҳунармандлар, оилавий корхоналар аъзолари, деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари, фермер хўжаликлари аъзолари, якка тартибда иш билан шуғулланувчи сифатида рўйхатдан ўтган шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, шахсий меҳнат иштирокига асосланган хизмат кўрсатишда (ишларни бажаришда), шу жумладан, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари бўйича фаолиятни амалга оширувчи бошқа шахслар;

– Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш;

– нодавлат нотижорат ташкилотларида, шу жумладан, диний ташкилотларда ишлаш, ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ бугунги кунда фуқароларга ишлаб чиқариш ва ижодий ишлар учун ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун билан таъқиқланмаган ҳар бир фаолиятни (якка тартибда ва жамоавий асосда) амалга оширишнинг мутлақ ҳуқуқи берилган. Бозор муносабатлари шароитида давлат ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат ресурсларидан фойдаланишда монополияга нисбатан барча даъво­лардан қатъиян воз кечади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси 2020 йил 20 октябрдаги ЎРҚ-642-сонли “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуни 4-модда.

Бу билан боғлиқ яна бир принцип – эркин танланган иш принципи, яъни қонуний даромад манбаларига эга меҳнатга лаёқатли кишиларнинг ихтиёрий равишда ишсизлик ҳуқуқи. Ўз меҳнат қобилиятини (ишчи кучини) тасарруф этиш ҳуқуқи фақат унинг эгасига, яъни ходимнинг ўзига тегишли. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида ва унинг демократик асосларини мустаҳкамлашда бандлик сиёсати, уни амалга ошириш шакллари ва шакллантириш принциплари сезиларли даражада ўзгариб, қатъий тартибга солинган бандлик тизимидан воз кечиб, унга юқори эгилувчанлик ва мослашувчанлик бахш этади.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, бандлик ўз-ўзидан мақсад эмас, балки фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, уларга даромад (меҳнат даромади) олиб келиш билан боғлиқ қонунчиликка зид бўлмаган фаолиятидир. Иш билан таъминлаш расмий ҳужжат бўлмаслиги керак, балки ишчига инсон учун муносиб яшаш шароитларини таъминловчи даромад келтириши керак.

Бандлик унинг тескари томони ишсизлик бир қатор омилларга таъсир қилади ёки таъсир қилиши мумкин, улар орасида қуйидагиларни фарқлаш мумкин:

– демографик – аҳоли сони, ёши ва жинси таркиби, иқтисодий фаол аҳоли мавжудлиги ва ҳоказо;

– ижтимоий – жамиятнинг тузилиши, яъни аҳолининг ижтимоий гуруҳлар (қатламлар) бўйича тақсимланиши;

– таълим – малака. бу турли даражадаги маълумот ва малакага эга аҳоли гуруҳларининг ҳолатини акс эттиради;

– ташкилий-ҳуқуқий – аҳолини иш билан таъминлаш жараёнида давлатнинг ўрнини ташкил этувчи, меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқий асос сифатида мавжудлик.

Бирок иш билан таъминлашга жаҳон амалиётига кўра, иқтисодиётнинг умумий ҳолати кўпроқ таъсир кўрсатади. Ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот ва бошқа кўрсаткичлар билан бандлик, ишсизлик, ишчи кучига талаб ва таклиф кўрсаткичлари билан узвий боғлиқлик мавжуд, аммо унинг миқдорий ифодалари иқтисодий тикланиш босқичига ёки аксинча, инқироз, тушкунлик ва ҳоказоларга боғлиқ. Бандлик ва давлат бюджети, кредит маблағлари, инвестициялар ўртасида аниқ боғлиқлик мавжуд. Кўп ҳолатларда қатга ёшли оила аъзоларининг иш билан бандлиги ёки ишсизлиги масаласини ҳал қилишни белгиловчи иш билан ҳақиқий иш ҳақи ёки реал даромад ўртасидаги маълум алоқани таъкидлаш жуда муҳимдир.

Ишга жойлашишга ички омиллардан ташқари ташқи иқтисодий алоқалар, биринчи навбатда, хорижий инвестициялар таъсир кўрсатади ёки таъсир кўрсатиши мумкин. Бугунги кунда кўплаб ватандошларимиз қўшма

корхоналарда, жумладан, 100 % ли капиталга эга корхоналарда ишлайдилар ва маҳаллий фермерларнинг маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорларда ҳам сотилмоқда.

Бу ҳолат шуни англатадики, иш билан таъминлаш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни тартибга солиш мураккаб, кўп босқичли жараён сифатида ўрганилиши керак, бунда ички ва ташқи омиллар, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасига (бевосита ва билвосита) таъсир кўрсатувчи ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кўрсаткичларни ҳисобга олиш зарур.

Иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати, қишлоқ аҳолиси бандлиги ва турмуш даражаси. Иқтисодиётнинг асосий мақсади кишиларнинг яшаш қобилиятини таъминлашдан иборат, чунки инсонсиз иқтисодиёт ҳам бўлмайди. У инсон ёрдамида ва унинг учун пайдо бўлди, шу билан бирга ҳам шахс, ҳам бутун жамият ривожланишига таъсир кўрсатди. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги умумий миллий иқтисодиётнинг муҳим ва ажралмас қисми, бу ерда юқорида таъкидлаб ўтилганидек, нафақат асосий табиий ресурслар, балки ишчи кучининг муҳим қисми ҳам тўпланган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича муайян ишлар олиб борилаётганига қарамай, саноатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясиз қишлоқ хўжалиги соҳаси етарлича ривожланиши мумкин эмас.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тегишли вазирликлар мутахассислари, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи делегацияси ва бошқа халқаро ташкилотлар мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Стратегияда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 9 та устувор йўналиши белгилаб берилган:

- аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;
- қулай қишлоқ хўжалиги муҳити ва қиймат занжирини яратиш;
- секторни бошқаришда давлат иштирокини камайтириш ва инвестицион жозибadorлигини ошириш;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- замонавий бошқарув тизимларини ривожлантириш;
- саноатни қўллаб-қувватлаш учун давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш;
- қишлоқ хўжалигида фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;
- қишлоқни ривожлантириш;
- тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини яратиш.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш, бозор механизмлари ва замонавий технологияларни жорий этиш бўйича изчил чо-

ра-тадбирлар амалга оширилмоқда. Яъни кластер усули жорий этилди, экин турлари вақт талабига биноан ўзгартирилди. Натижада унумдорлик ҳам, даромад ҳам ошади. Мамлакатимизда етиштирилган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 80 дан ортиқ турлари жаҳоннинг 66 мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси тасдиқланди. Унга кўра, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун мева-сабзавот кластерлари яратилмоқда. 2019 йил 11 декабрда бу масала бўйича Президент Фармони қабул қилинди, барча ташкилий-ҳуқуқий база жорий қилди. 2020 йил 1 февраль ҳолатига 73 пахта-тўқимачилик кластери яратилди, бу аввалги йил пахта ҳосилининг 73 фоизини ташкил этади. Ўртача ҳосилдорлик кластерсиз ерларга нисбатан 4,1 центнерга кўп бўлиб, қўшимча равишда 428 минг тонна пахта терилди<sup>1</sup>.

2020 йилда пандемия даврида кишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, ерларни бутунлай хусусий кластерлар ва кооперативларга бериш натижасида пахта ҳосилдорлиги йилига ўртача 10 фоизга ошди.

Кишлоқ хўжалиги, сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда 500 га яқин кластер ва кооперативлар ташкил этилди. Натижада пандемиянинг салбий таъсирига қарамай, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди. Шу билан бирга, 2020 йилда 91 минг гектар ердан қайта фойдаланилди. Бундан ташқари, 133 минг гектарга сув тежовчи технологиялар жорий этилди, бу 2019 йилга нисбатан икки баравар кўпдир. Давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун кўплаб имтиёз ва рағбатлар тақдим этилди, жумладан, 100 триллион сўмлик бизнесга ажратилган кредитлар, 2016 йилга нисбатан деярли 4 баробар кўпдир.

Иқтисодиётда ва жамият ҳаётида амалда бўлган қоидаларга кўра, бугунги ютуқларни ўтмиш билан таққосламай, тўғри баҳолаш мумкин эмас. Фақат таққослаш эришилган ютуқларга ҳолисона баҳо бериш ва келажак учун зарур прогнозлаш имконини беради.

Агар масалага шу нуқтаи назардан ёндашилса, Ўзбекистондаги кишлоқ хўжалиги кўп йиллар давомида бир томонлама ривожлангани намоён бўлади. Республика собиқ Совет Иттифоқининг хомашё базаси бўлиб, унинг иқтисодиётида пахта ягона экин маҳсулоти сифатида устунлик қилди. Кўпгина суғориладиган ерларда пахта экиш улуши 70-80 фоизга ва ундан кўпроққа етди, бу тупроқ унумдорлигининг ёмонлашиши ва қийин

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 февраль куни кишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш масаласи бўйича йиғилиш ўтказди.

экологик вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлди. Турмуш даражасига келсак, 1989-1990 йилларда қишлоқ аҳолисининг жон бошига даромадлари Россияга нисбатан деярли 40 %га паст бўлган.

Шуниси эътиборга лойиқки, аксарият қишлоқ аҳолиси ҳаттоки фуқаролик паспортига эга бўлмай, ишчиларнинг меҳат дафчатарлари мавжуд эмас эди, бу кейинчалик уларни пенсия таъминотидан маҳрум қилди. Кўпгина ҳолатларда меҳнатга ҳақ тўлаш ва унинг ҳажми колхоз ва совхоз раҳбарларининг ихтиёрида бўлиб, уларнинг кўрсатмаларига биноан амалга оширилган. Қишлоқ кишилари ер эгаси эмас, балки кўпроқ ернинг бир қисми эди.

Мамлакатда бошланган Иттифоқ республикаларининг суверенитети ва бозор тизимига кириш имкониятига эга миллий иқтисодиётни шакллантириш янги аграр сиёсатни белгилаб берди, қишлоқда унинг марказий қисмини ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш ва агросаноат комплексининг турли хил мулкчилик шакллари ва бошқарув турларига асосланган ривожланиши эгаллаган эди.

1992–1995 йилларда 1100 дан ортиқ совхозлар нодавлат мулк шаклларига айлантирилди. Қишлоқда тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, фермер хўжаликлари ва кичик корхоналарни ривожлантириш учун махсус “Тадбиркорбанк” акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиги ишчиларини моддий рағбатлантиришни яхшилаш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нархларни белгилашдаги номутаносибликларни бартараф этиш мақсадида ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотларининг деярли барча турларини сотиб олиш нархлари доимий равишда ошиб бормоқда. Бугунги кунда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, пахта ва ғалла бундан мустасно, бепул нархларда сотилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда давлат унинг ривожланишига эътиборни кучайтирмоқда. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги ўтмишда бир томонлама ривожланишни тарк этиб, иқтисодиётнинг саноат соҳасига айланди, бу ерда собиқ колхоз ва совхозлар ўрнига деҳқон ва фермер хўжаликлари устунликка эришди. 2020 йили фермер хўжаликларида 7 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олинди ва битта фермер хўжалиги ер майдонининг ўртача ҳажми пахта ва ғаллачиликда 68 гектардан 81 гектаргача, сабзавот ва полизчиликда 14,8 гектардан 19,2 гектарга, боғ ва узумчиликда – 6,0 дан 9,4 гектаргача, чорвачиликда 149 дан 166 гектаргачани ташкил қилди.

Аммо бу ютуқлар, афсуски, қишлоқ хўжалигидаги баъзи камчиликлар ва ҳал қилинмаган муаммоларни яшира олмайди. Улардан бири 1991–2017 йилларда иқтисодиётнинг таркибий тузилиши кескин ўзгарган қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши пастлиги: қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши 37 % дан 19,2 % гача камайди.

“2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, яъни таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, 2020 йилда саноатнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш натижасида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши ЯИМ да 28,2 фоизни ташкил этди.

Қишлоқда яширин ишсизлик, аҳолининг, айниқса, қишлоқ ёшларининг иш излаб бошқа минтақалар ва чет элларга кўчиши ҳали ҳам кузатилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг камчиликларига замонавий маиший ва хизмат кўрсатиш хизматлари, уй меҳнати ва бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳали ҳам суғ ривожланаётганлиги – замонавий агрокиме ва агробиология усулларини жорий этишнинг суғ суръатларини ҳам киритиш мумкин.

Баъзан айрим маҳаллий мансабдор шахсларнинг қоғозбозлиги, уларнинг тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларини ташкил қилишнинг баъзи масалаларини ҳал қилишда сансалорликка йўл қўйиши қишлоқ аҳолисининг ўз кичик бизнесини очиш, бинобарин талабни таъминлаш истагига тўсқинлик қилади. Шунинг учун ҳам давлат қисман аҳолининг таракқиёт, фойдали иш билан таъминлаш ва ҳаётларининг моддий ва маънавий меъёрларини қонуний такомиллаштиришга қаратилган бундай чора ва иштакларини нафақат тартибга солиш, балки тегишли орган ва муассасалар орқали ёрдам ва қўллаб-қувватлаш бўйича қатий ҳуқуқни ўзида сақлаб қолади.

Аммо бугунги кунда давлатнинг асосий мақсади иқтисодий ва қишлоқ қиёфасини умумий яхшилашдан иборат, бу нафақат қишлоқдаги турмуш даражасини шаҳар шароитларига яқинлаштириш, балки қишлоқни чинакамга мамлакатни “боқувчи” мақоғга айлантатириш имконини беради.

**Қишлоқда турмуш даражаси ошириш ва бандликни тартибга солишнинг асосий йўналишлари.** Инсонга маълум даромад келтирувчи иш билан турмуш даражаси ўртасида боғлиқлик мавжуд. Фойдали меҳнат, қонуний бандлик ва касб туфайли қанча кўп даромад олинса, шунга мос равишда кишиларнинг турмуш даражаси ва фаровонлиги юқори бўлади ва аксинча. Қишлоқ жойларда яшовчи ва ишловчи кишилар бу борада истисно эмас.

Агар турмуш даражаси меҳнат (иш) билан бандликка ва олинган даромадга (иш ҳақиға) боғлиқ бўлса, у ҳолда иш билан бандлик меҳнат бозоридаги ходимга бўлган талабга боғлиқ. Ходимнинг малакаси ва касбий

маҳорати қанчалик юқори бўлса, унинг талабга эга бўлиш эҳтимоли шунча кўп бўлади ва аксинча. Тўғри, бу ерда нафақахўрлар ва уларга тенглаштирилган кишилар истисно бўлиши мумкин, улар меҳнат фаолияти билан шуғулланмайдилар, аммо пенсия, стипендиялар ва қонунда белгиланган турли хил имтиёзлар шаклида давлатдан зарур маблағларни оладилар.

Бозор иқтисодиётига эга ривожланган мамлакатларда давлат меҳнат бозорини тўлиқ табиий кучлар ҳукмида қолдирмайди. Бозор механизмлари билан бир қаторда давлат томонидан тартибга солиш механизми ҳам мавжуд, чунки бозор яқка ҳолда иш билан бандлик ва инсон ривожланишининг барча муаммоларини ҳал қилишга қодир эмас. Ўзбекистон ҳам жаҳонда юз бераётган ижобий жараёнлардан четда қолмаётир. Бундан ташқари, бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, республика раҳбарияти нафақат бандлик муаммоларини фаолроқ ҳал этиш, балки қишлоқда ҳар бир фермерга эркин ишлаш, ўз меҳнати натижаларини мустақил равишда тасарруф этиш, оиласининг эҳтиёжларини таъминлаш имконини берувчи механизм яратишга интиломда.

2021 йилда меҳнат органлари томонидан 457 127 та янги доимий иш ўринларини яратишнинг прогноз кўрсаткичлари, қишлоқ хўжалигида иш юритиш, аҳолининг даромадларини ошириш ва иш билан таъминлаш бўйича прогноз кўрсаткичларини тасдиқлаш учун 0,1 гектардан 1 гектаргача бўлган қишлоқ хўжалиги ерларини ажратиш орқали 489 064 кишининг бандлиги ва имтиёзларини таъминлаш бўйича хизматларининг прогноз кўрсаткичлари белгиланди.

Шу билан бирга, 2021 йил 1 июлга қадар Давлат солиқ қўмитасининг ахборот ресурсларининг ягона яхлит маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда уларни реал вақт режимида кузатиб бориш билан бандликни қайд этиш ва иш ўринларини яратиш бўйича электрон дастур ишлаб чиқилади.

Қишлоқ аҳолисини турли шаклдаги уй меҳнатига жалб этиш, касаначилик ва халқ ҳунармандчилигини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолияти ва ўз-ўзини иш билан таъминлаш амалиётда ўзини исботлаган бандликнинг энг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда.

Янги иш ўринларини яратиш орқали давлат нафақат иқтисодиётдаги бандлик даражасини ошириш, балки қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган ортиқча ишчи кучини саноат меҳнатига жалб этишга интиломда. Шу мақсадда қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ривожланмоқда, алоқа, маиший ва хизмат кўрсатиш тармоқлари яратилмоқда. Мавжуд сармоялар ҳам қишлоқ фойдасига ишлаб чиқилмоқда ва зарур моддий, лойиҳа ва қурилиш базаси шакллантирилмоқда.

2020 йилда глобал пандемия ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсирни ҳисобга олган ҳолда, 2021 йилда иш билан таъминлаш ва даромадларни ошириш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш, битирувчиларни меҳнат бозорига чиқариш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, ислоҳотларга муҳтожларни меҳнатга жалб этиш, янги иш ўринлари яратувчи корхоналарни рағбатлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилади.

### 11.3. ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА АҲОЛИ ТАРКИБИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ФАОЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра, ҳар бир халқ ўз олдига улут ва истиқбол мақсадларни кўйиши ҳамда уни амалга ошириш салоҳиятлари билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди. Бугун Ўзбекистон ҳам ўз тарихининг ана шундай масъулиятли чорраҳасида турибди. Бинобарин, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган **Ҳаракатлар стратегияси** истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи миллий ғояга айланмоқда.


Бугунги глобаллашув шароитида ер юзиде туб ўзгаришлар кечаётган мураккаб бир вазиятда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда шунингдек, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, ёшлар бандлигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “Халқ билан муҳофазат ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури доирасида бевосита Меҳнат вазирлиги масъуллигида 2017 йилда қабул қилинган ҳужжатлар сони 9 тани ташкил этди.

Ушбу ҳужжатлардан кўзланган мақсад меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштиришни ҳар томонлама таҳлил қилиш, ишсиз аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар, ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларнинг бандлигини таъминлашга қаратилди.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони асосида ҳар йили “Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси”ни қабул қилиш механизми йўлга қўйилиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари асосида ҳар йили 300-400 мингга яқин янги иш ўринлари ташкил этилиб келинмоқда. Ўтган 4 йил мобайнида жами 1,5 млн та (*шундан, 2017 йилда 336,1 мингта, 2018 йилда 372,1 мингта, 2019 йилда 388,5 мингта, 2020 йилда 427,8 мингта*) доимий иш ўринлари ташкил этилди (11.1-расм).






11.1-расм. Ўзбекистонда янги иш ўринлари ташкил этилиши ҳолати (минг.нафар)<sup>1</sup>

Иккинчидан, ишсиз фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишлари кенг жалб этиш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарори қабул қилинди.

Натижада ўтган 4 йил мобайнида жами 1,2 млн. нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди ҳамда уларнинг иш ҳақи тўлови учун Жамоат ишлари жамғармасидан 1,0 трл. сўм молиялаштириб берилди. Шу жумладан, 2017 йил 27,1 минг нафар 12,0 млрд сўм, 2018 йилда 355,9 минг нафар 305 млрд сўм, 2019 йилда 263,2 минг нафар 278,4 млрд сўм ҳамда 2020 йилда 521,7 минг нафар фуқароларга иш ҳақи тўлови учун 496,7 млрд сўм молиялаштирилиб берилган (11.2-расм).



11.2-расм. Ишсиз фуқароларни вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш ҳолати<sup>2</sup>

Учинчидан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишга қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

ни ишга жойлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори қабул қилинди.

Бунинг натижасида захираланган иш ўринларига 3 йилда жами 209,8 минг: шундан, 2018 йилда 73,9 минг нафар, 2019 йилда 93,6 минг нафар, 2020 йилда Covid-19 пандемиясида корхона ва ташкилотларга вақтинчалик чекловлар ўрнатилиши сабабли 78,8 минг нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар ишга жойлаштирилган.

Тўртинчидан, Халқаро меҳнат ташкилоти тавсиялари асосида ишлаб чиқилган методика бўйича меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштиришни ҳар томонлама таҳлил қилиш, сифатли ва ҳолисона баҳолаш, айниқса, меҳнат бозорига илк бор кириб келувчи меҳнатга лаёқатли ёшлар, аҳоли бандлигини таъминлаш дастури самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1011-сон қарори қабул қилинди.

Бу борада 2018 йил 1 январдан бошлаб халқаро стандартларга мувофиқ ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш ҳар томонлама таҳлил қилиш, сифатли ва ҳолисона баҳолаш бўйича методология амалиётга жорий қилинди.

Натижада ишсизлик даражаси 2018 йилда 9,3 фоиз, 2019 йилда 0,3 фоизга камайиб 9,0 фоиз ва 2020 йилда коронавирус пандемияси сабабли жорий қилинган карантин чекловлари оқибатида 10,5 фоизни ташкил қилди.

Шунингдек, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида расмий сектордаги банд аҳоли сони 5,7 млн кишини ташкил қилиш, 2018 йил якунига нисбатан 0,6 фоизга ёки 329,4 минг кишига ошди.

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг белгиланган вазифалари доирасида бевосита Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги масъуллигида 12 та ҳужжат ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 сентябрда “Халқаро миграция ташкилоти конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида” ЎРҚ-510-сонли Қонуни қабул қилинди.

1. Меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш тизимини кенгайтириш, ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августда ПК-3913-сонли Қарори қабул қилинди.


Қарорга мувофиқ вазирликнинг ташкилий тузилмаси янгиланиб, вазирлик марказий девонида Кўникма, мувофиқлик ва малакани баҳолаш мил-

лий тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси, касбга қайта ўқитишни мувофиқлаштириш ҳамда битирувчиларни касбга йўналтириш шўъбалари ташкил этилди. Шунингдек, ягона инновациялар асосида Ўзбекистонда илк бор “Ишга марҳамат” банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи “Мониторинг” МЧЖ ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилди.

Бунинг натижасида ўтган 3 йил мобайнида жами 109,5 минг ишсиз фуқаролар, айниқса, ёшлар ва аёлларни касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун 71,3 млрд сўм (шундан, 2018 йилда 20,5 минг нафар, 12,8 млрд сўм, 2019 йилда 36,8 минг нафар, 32,8 млрд сўм, 2020 йилда 52,2 минг нафар, 25,5 млрд сўм) ўқув харажатлари ва стипендия маблағлари Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан молиялаштириб берилди (11.3-расм).

2. Вазирликка юкланган вазифалар ижроси самарадорлигини ошириш, вазирлик фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, меҳнат, аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан назоратни самарали амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрда 1066-сон қарори қабул қилинди.

Унга асосан, қарийиб 4 та янги Низом тасдиқландиб, 2019 йилдан янги тартиб қоидалар, мутлоқ бошқача тузилма ва ишни ташкил этиш билан ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, иккита инспекция фаолияти тугатилиб, меҳнат, аҳоли бандлиги, меҳнат муҳофазаси, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ягона Давлат меҳнат инспекцияси ташкил қилинди.



11.3-расм. 2017–2020 йилларда касбга ўқитиш қайта ўқитиш ва малакасини оширишга юборилган фуқаролар тўғрисида<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Натижада 2019-2020 йиллар обайнида Давлат меҳнат инспекцияси томонидан ишчи ходимларни меҳнат шароитлари ва уларнинг меҳнат ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида 40,0 минг корхона ва ташкилотларни ўрганишлар давомида 130,8 минг кишининг меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, мансабдор шахсларга нисбатан 24,1 млрд сўм миқдорда жарима қўлланилди.

3. Давлат хизматлари кўрсатишга доир самарали, тезкор ва шаффоф фаолият кўрсатишини таъминловчи туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари замонавий биноларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 январда 27-сон қарори қабул қилинди.

Бунинг натижасида меҳнат органларида жисмоний ва юридик шахсларга “Ягона ойна” тамойили асосида хизматлар кўрсатиш тизими жорий қилиниб, ўтган 3 йил мобайнида 2,5 млн фуқарога: шундан 2018 йилда 626,5 минг нафар, 2019 йил 773,5 минг нафар, 2020 йилда мобайнида 1 096,4 минг нафар фуқароларга бандлик хизматлари кўрсатилди.

4. Кейинги йилларда ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш ва тубдан такомиллаштириш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ишлаш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3584-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор доирасида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва минтақавий филиалларда ташкил этилган ихтисослаштирилган кассалар орқали 2018–2020 йилларда 181,6 минг нафар меҳнат мигрантларига имтиёзли чипталари сотилди (*шундан, авиа 133,2 минг, темир йул 48,3 минг*) ва 80,5 минг нафар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғи сугурта қилинди.

2. Хорижда вақтинчалик меҳнат қилаётган фуқароларни ҳуқуқий, ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 майдаги ПҚ-3743-сон қарори қабул қилинди.

Қарор асосида Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Кванджу (Корея), Москва (Россия) шаҳарларидаги ваколатхоналари, шунингдек, Москва шаҳридаги ваколатхонанинг Санкт-Петербург, Самара ва Уфа шаҳарларидаги вакилликлари ташкил этилди.

Шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди.

Мазкур Жамғарма томонидан 2018–2020 йилларда мураккаб молиявий аҳволда қолган 8,9 минг нафар фуқароларни ҳуқуқий, ижтимоий ва моддий қўллаб-қуватлаш учун 13,6 млрд сўм ажратилди.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурида бевосита вазирлик масъуллигида 16 та ҳужжат ишлаб чиқилди.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарорлари, 2 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг 3 та Конвенцияси ва 1 та баённомаси ратификация қилинди (144-сонли “Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар”, 129-сонли “Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси”, 29-сонли “Мажбурий меҳнат”, 81-сонли “Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси”).

Давлат дастури доирасида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон қарорига мувофиқ, мамлакатимизда биринчи бор аҳоли бандлигини таъминлаш борасида бир нечта (янги) муҳим, фаол инструментлар жорий этилиди. Шунингдек, тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қуватлаш, ишсизларни кафолатланган иш жойи билан таъминлаш ҳамда ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолига Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тасдиқланди.

2019-2020 йиллар мобайнида жами бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 184,9 млрд сўм субсидия ажратиш ҳисобига 83,0 минг нафар (шундан, 2019 йилда 12,2 млрд сўм, 12,9 минг нафар 2020 йилда 172,7 млрд сўм, 70,1 минг) ишсизлар, кам таъминланган, айниқса,

“Темир дафтар”га киритилган оила аъзоларининг бандлиги таъминланди (11.1-жадвал).

#### 11.1 - ж а д в а л

**Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан субсидия ажратиш бандлигини таъминланган фуқаролар тўғрисида (2019-2020йй)<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

№	Худуд номи	2019 йил			2020 йил		
		Корхоналар сони	Бандлиги таъминланганлар сони	Ажратилган субвенция миқдори (млн.сўмда)	Корхоналар сони	Бандлиги таъминланганлар сони	Ажратилган субвенция миқдори (млн.сўмда)
Республика жами:		687	12 926	12 166,5	955	70 115	172 742,4
1	Қорақалпоғистон Республикаси	21	600	641,1	72	6 383	14 368,4
2	Андижон вилояти	99	1 020	798,2	73	7 327	15 063,9
3	Бухоро вилояти	68	1 907	2 228,7	66	4 455	13 829,9
4	Жиззах вилояти	41	458	315,0	41	3 792	6 682,5
5	Қашқадарё вилояти	50	1 242	564,3	76	4 237	10 277,2
6	Навоний вилояти	24	1 159	1 078,8	40	3 914	7 873,6
7	Наманган вилояти	39	1 865	1 748,8	44	7 872	25 560,8
8	Самарқанд вилояти	24	761	720,1	88	6 941	17 332,3
9	Сурхондарё вилояти	52	900	1 172,7	135	7 633	19 923,5
10	Сирдарё вилояти	90	597	444,2	61	3 878	10 046,2
11	Тошкент вилояти	74	944	1 107,5	33	2 973	6 780,3
12	Фарғона вилояти	38	754	714,7	53	5 522	14 533,2
13	Хоразм вилояти	46	631	592,3	115	4 921	9 790,7
14	Тошкент шаҳри	21	88	140,1	38	267	680,0

Иккинчидан, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, давлат томонидан уларнинг кундалик эҳтиёжлари ва орзу-умидлари тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, мамлакат ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ишончли ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя кафолатларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августда ПФ-5785-сон Фармони қабул қилиниб, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти ташкил этилди.

Шунингдек, мамлакатимизда арзон уй-жойлар ва кўп квартирали уйлар қуриш кўламини кенгайтириш, соҳага янги архитектура ва техник ечим-

ларни жорий этиш орқали аҳолининг уй-жой маиший турмуш шароитларини яхшилаш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Шу жумладан, уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд 3,6 минг меҳнат мигрантларига тасдиқномалар берилди.

Учинчидан, Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб электрон меҳнат шартномалари ҳамда электрон меҳнат дафтарчаларини юритиш тизимини жорий қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрда ПҚ-4502-сон қарори қабул қилинди.

Бу борада меҳнат муносабатлари ва кадрлар билан иш юритишда замонавий ахборот технологияларини жорий этилди. Шунингдек, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини электрон рўйхатдан ўтказиш, иш берувчиларни барча иш ўринлари тўғрисида электрон маълумотлар базаси, ходимнинг меҳнат стажини, ҳисобланган иш ҳақи тўғрисида маълумотларни ўз ичида шакллантириладиган электрон меҳнат дафтарчасини юритиш, аҳоли бандлиги соҳасида давлат сиёсати самарадорлигини ошириш учун меҳнат бозори ҳолати ва динамикаси тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш йўлга қўйилди.

Натижада меҳнат муносабатлари ва кадрлар билан иш юритишда замонавий ахборот технологиялари жорий этилиб, бугунги кунга қадар 502,1 мингга юридик шахслар ҳамда 4,8 млн. нафар жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилди.

Тўртинчидан, ўзини-ўзи банд қилиш ҳисобига ўзини меҳнат даромади билан таъминлайдиган шахсларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлда 566-сон қарори қабул қилинди.

Натижада 2019 йилда 39,1 минг ўзини-ўзи банд қилган фуқароларга 2020 йилда Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда 561 минг фуқароларга меҳнат гувоҳномаси берилди.

Бешинчидан, Ўзбекистон болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида сезиларли ютуқларга эришди. Шунингдек, мажбурий меҳнатга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига маъмурий жавобгарликни кучайтирувчи ҳамда жиноий жавобгарликни белгиловчи нормалар киритилди. Маъмурий жавобгарлик чоралари базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100 бараваригача кўпайтирилиб (11 млн – 22 млн сўмгача), 2020 йилдан бошлаб болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйганлик учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ҳам кўзда тутувчи жиноий жавобгарлик белгиланди.

2019 йилда мажбурий меҳнатга йўл қўйган 259 нафар (шундан 118 та пахта йиғим-терими мавсуми билан боғлиқ, 18 нафари туман, шаҳар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари) ва иш ҳақларини ўз вақтида бермаган

ҳамда зарур меҳнат шароитлари яратмаган 56 нафар мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазималар қўлланилди.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат дастури асосида бевосита вазирлик масъулигида 10 та ҳужжат ишлаб чиқилди.

Коронавирус пандемияси меҳнат бозорига, меҳнат муносабатлари ва аҳоли бандлигига кўмаклашишда ҳамда ташқи чегаралар ёпилиши муносабати билан хорижга ишлаш учун кета олмаган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмас зарурий чоралар кўришликни тақозо этди.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармони тасдиқланди. Фармонга мувофиқ, карантин даврида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва умумтаълим муассасалари бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига навбатдан ташқари меҳнат таътили бериш ҳамда ташкилотлар ходимларини масофавий иш усулида ёки мослашувчан иш графигида ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиблари тўғрисида Низомлар тасдиқланди. Шунингдек, карантин даврида ходимларни масофавий иш усулига мослашувчан иш графиги ёки уйда ишлашга ўтказиш белгиланди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сон фармони билан тасдиқланди. Фармонга мувофиқ, Қишлоқ хўжалиги кооперацияларида ишитирок этадиган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оила тоифаларига ҳар бир парранда боққан даврима (40 кун) учун Жамоат ишлари жамғармасидан қўшимча 500 минг сўмдан рағбатлантириш ҳамда пилла етиштириш ишларини ташкил этиш учун 20 минг малакали мутхассисларни Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан ёллаш белгиланди.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги янги лойиҳаларни ташкил этиш ҳамда мавжудларини кенгайтириш, томорқа ер эгаларига ер участкаларидан самарали ва оқилона фойдаланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, шунингдек, ижтимоий заиф қатламлар бандлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майда ПҚ-4716-сон қарори қабул қилинди.

Бу борада Хитой тажрибаси асосида бугунги кунда республика бўйича 8,6 минг гектар ер майдонида ташкил этилган 471 та кооперативларга 22,9 минг нафар ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оила аъзолари бириктирилди ва уларга кооперативларнинг устав фондига аъзолик улуши сифатида 50,7 млрд сўм субсидия маблағлари ажратилди (11.2-жадвал)



Ишсизларга иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва сугориш воситалари харид қилиш учун ажратилган субсидиялар тўғрисида

№	Худуд номи	2020 III I январь-декабрь		шундан:					
				Иссиқхона ўрнатиш учун		Уруғлик ва кўчат сотиб олиш учун		Сугориш воситаси сотиб олиш учун	
		сони	суммаси (млн. сўм)	сони	суммаси (млн. сўм)	сони	суммаси (млн. сўм)	сони	суммаси (млн. сўм)
<b>ЖАМИ</b>		<b>35 557</b>	<b>109 516,7</b>	<b>27 535</b>	<b>98 968,3</b>	<b>3 854</b>	<b>3 240,5</b>	<b>4 168</b>	<b>7 307,9</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	3 320	9 251	2 701	8 389,5	197	14,0	422	847,8
2	Андижон	4 925	12 191	4 925	12 191,3	0	0,0	0	0,0
3	Бухоро	2 075	9 668	1 168	8 308,3	585	717,0	322	642,3
4	Жиззах	2 362	4 220	1 132	2 638,4	536	655,2	694	926,0
5	Қашқарё	1 929	5 722	872	4 406,0	558	441,7	499	874,3
6	Навоий	2 128	4 758	1 068	4 025,5	725	173,0	335	559,1
7	Наманган	5 181	20 430	5 062	20 185,4	23	31,0	96	214,1
8	Самарқанд	3 615	10 683	2 559	9 376,3	575	453,8	481	852,5
9	Сурхондарё	2 004	8 038	1 367	6 909,2	323	490,5	314	638,4
10	Сирдарё	2 001	6 170	1 477	5 579,3	189	116,7	335	474,4
11	Тошкент	1 135	3 535	850	3 101,2	106	125,5	179	307,9
12	Фарғона	3 198	10 503	2 953	10 002,2	9	17,3	236	483,3
13	Хоразм	1 684	4 348	1 401	3 856,0	28	4,7	255	487,8

11.2-жадвал

Тўртинчидан, меҳнат бозорининг самарали механизмларини жорий қилиш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ошириш, камбағал ва ишсиз фуқароларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, шу асосда уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августда ПҚ-4804-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, бўшаётган касб-ҳунар коллежлари негизида камбағал, ишсиз, банд бўлмаган фуқароларни касбга ўргатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда “Ишга марҳамат” мономарказлари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги 30 та касб-ҳунар коллежларида касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ҳамда 136 та маҳаллада аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш масканларини ташкил этиш белгиланди.

Қарорга мувофиқ, давлат бюджетидан 150 млрд сўм ажратилиб, ҳудудларда экспертиза хулосаси асосида “Ишга марҳамат” мономарказларини реконструкция ва мукамал таъмирлаш, қурилиш монтаж ишлари бошлаб юборилди.

Республика ҳудудларида 136 та маҳаллада касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ташкил этиш жойлари аниқланиб, уларни жиҳозлаш учун 15 млрд сўм ажратилиб, ушбу масканларга тикув жиҳозлари сотиб олинди ва жойларга етказиб берилди.

Бундан ташқари, Хорижий давлатлар стандартларига тўлиқ мос тушадиган Тошкент шаҳрида ташкил этилган “Ишга марҳамат” монмарказида жаҳонда тан олинган «World Skills International» халқаро ассоциацияси тавсиялари асосида ўқиш ташкил этилди.

Шунингдек, “WorldSkills International” Халқаро ассоциацияси билан биргаликда Ўзбекистонда илк бор 10 та касб бўйича очик чемпионат ўтказилди.

Жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси «World Skills International» халқаро ассоциациясига аъзо бўлди ҳамда дунё ҳамжамияти тан олган касбга оид сертификатлар бериш бошланди.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозорини эркинлаштириш ва ривожлантириш, иш берувчилар ва банд бўлмаган ишсиз фуқаролар учун шароитлар яратиш мақсадида 2020 йил 20 октябрда “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сон Қонун қабул қилинди ва 2021 йил 21 январдан кучга кирди.

Қонун тўғридан-тўғри амал қилувчи хусусиятга эга бўлиб, 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 та фармон ва қарориларда, Вазирлар Маҳкамасининг бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солиш, меҳнат миграциясини ташкил этиш бўйича қабул қилинган 41 та меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган ҳуқуқий нормаларни ўзида жамлаган.

Қонуннинг тузилмаси 19 боб ва 123 та моддадан иборат (*аввалги қонунда 35 та модда, Туркия 9/122, Россия 8/37, Қозғистон 9/39*).

Олтинчидан, мамлакатимизда инсон капиталини тўлақонли ривожлантириш, олий ва профессионал таълимнинг сифатини ошириш, меҳнат бозорининг ривожланиши тенденцияларини инобатга олган ҳолда аҳолининг кенг қатламларини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ҳамда малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрда ПҚ-4939-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда янги таҳрирдаги Классификатор ишлаб чиқилди ва «Ўз-

стандарт» агентлигида Ўзбекистон давлат стандарти шаклида рўйхатдан ўтказилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 август Раёсат мажлисида “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси” қонуни лойиҳаси маъқулланди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди.

#### 11.4. ГЛОБАЛ ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА КАФОЛАТЛИ ИШ БИЛАН БАНДЛИК – КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

Бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказмоқда. Мамлакатимизда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-хунарга эга бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли кўмаклашиш бўйича мутлақо янгича тизим жорий қилинди.

Бу йўналишда манзилли, ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равишда мунтазам иш олиб боришни таъмин қилиш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар бўйича мутлақо янги – «Темир дафтар», ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб-хунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича тегишлича «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» тизимлари ҳаётга татбиқ этилди.

Пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб аҳоли бандлигини таъминлаш борасида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг бошқарув тизими фавқулодда иш режимида ўтказилди.

2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда касб-хунарга ўқитиш борасида туб бурилиш йили бўлди. Туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан 1 миллиондан ортиқ (2019 йилга нисбатан 1,5 баравар кўп) ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли, шунингдек, чет элга ишлаш учун кета олмаган ва қайтиб келган фуқароларга бандлик хизматлари кўрсатилиб, меҳнат органлари томонидан кўрсатилаётган хизмат турлари 7 тага кўпайтирилиб, 19 тага етказилди.

Жумладан, ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, касб-хунарга ўқитиш, шахсий томорқаларда бандлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативларига бириктириш орқали Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан субсидиялар ажратиш амалиёти жорий қилинди.


Барча ҳаракатлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлигига кўмаклашиш, уларга моддий кўмак беришга қаратилди. Қатор Фармон ва Қарорлар,

бoshка меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2020 йил 20 октябрда “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Қонун асосида меҳнат бозорининг самарали механизмларини жорий этиш, аҳолининг ишбилармонлик фаоллигини ошириш, камбағал ва ишсиз фуқароларни доимий даромад келтирадиган тадбиркорликка жалб қилишнинг янги қирралари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Фуқароларни замонавий тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш, ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини такомиллаштириш, чет элда ишлашни истаган шахсларни касблар бўйича ўқитиш, хориждаги юртдошларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қайтиб келган меҳнат мигрантларини иш билан таъминлаш ҳам эътибордан четда қолмади.

Бўш иш ўринлари бор корхона ва ташкилотларга 362,9 минг нафар ишсиз, шунингдек, четга ишлаш учун кета олмаган ва қайтиб келган фуқароларни доимий иш ўринларига ишга жойлаштиришга кўмаклашилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 2020 йил давомида, айниқса, коронавирус пандемияси даврида 521,7 минг ишсиз фуқаролар (*шундан 278,5 минг нафар аёллар, 175,5 минг нафар ёшлар*) жамоат ишларига жалб қилинди ҳамда уларнинг иш ҳақи тўлови учун жамғармадан 496,3 млрд сўм молиялаштириб берилди (11.4-расм).



11.4-расм. 2020 йилда жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан бандлиги таъминланган фуқаролар тўғрисида<sup>1</sup>

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида банд бўлмаган, ишсиз аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва ижтимоий эҳтиёжманд аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда тадбиркорлик билан шугулланишга жалб этиш бўйича Бандликка кўмаклашиш давлат

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

жамғармасидан ажратилган 12,9 млрд сўм субсидия маблағлари ҳисобига 11,5 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Шундан:

– 6,5 минг нафар тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз фуқароларга давлат рўйхатидан ўтиш, кредит олишда суғурта полиси тўлови учун 1,5 млрд сўм субсидия берилди;

– 333 та иш берувчиларга меҳнат органлари йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган 4,4 минг нафар ходимларнинг малакасини ошириш учун 10,2 млрд Сўм ажратилди;

– 151 та иш берувчиларга 507 нафар ижтимоий эҳтиёжманд аҳолини квоталанган иш ўрнидан ортиқ ишга қабул қилганлиги учун уларнинг ойлик иш ҳақи тўловига 1,2 млрд сўм маблағлар ажратилди.

11.3-жадвал

2020 йилда кооператив бирлашмаларини (дала томорқаси) ташкил этиш ва уларга субсидия ажратиш тўғрисида<sup>1</sup>

Т/р	Худуд номи	2020 йил январь-декабрь		
		Кооператив сони	Бириктирилган аъзолар	Ажратилган субсидия суммаси
	<b>Республика бўйича</b>	<b>471</b>	<b>22 934</b>	<b>50 653,8</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	32	1 240	2 717,0
2	Андижон	20	1 014	2 261,2
3	Бухоро	25	1 494	3 331,8
4	Жиззах	20	944	2 106,0
5	Қашқадарё	34	1 767	3 937,8
6	Навоий	28	1 179	2 629,4
7	Наманган	35	2 198	4 909,3
8	Самарқанд	72	2 813	6 272,1
9	Сурхондарё	33	1 539	3 432,0
10	Сирдарё	77	4 107	8 712,7
11	Тошкент	19	916	2 042,3
12	Фарғона	32	1 686	3 759,8
13	Хоразм	44	2 037	4 542,4

Шунингдек, мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, озиқ-овқат

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт ҳажмларини янада ошириш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида янгича ёндашувлар бўйича Республикада 471 та кооперативлар ташкил этилди. Кооперативлар ташкил этилган ҳудудларда 22,9 минг нафар ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оила аъзолари бириктирилди ва уларга кооперативларнинг устав фондига аъзолик улуши сифатида 50,7 млрд сўм субсидия маблағлари ажратилди (11.3-жадвал).

Бундан ташқари, шахсий томорқаларни ривожлантириш учун 35,6 минг кам таъминланган, “темир дафтар”га киритилган оилаларга енгил типдаги иссиқхона қуриш, шахсий ва дала томорқасида экишга уруғлар ва кўчатлар ҳамда суғориш воситаларини ҳарид қилиш учун 109,5 млрд сўм субсидия берилди.

Меҳнат бозорининг самарали механизмларини жорий қилиш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ошириш, камбағал ва ишсиз фуқароларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, шу асосда уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат билан бандлигини таъминлаш мақсадида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитишга алоҳида эътибор қаратилиб, меҳнат органлари йўлланмалари асосида 52,2 мингдан ортиқ ишсизлар касб-ҳунарга ўқитилди (*шундан, ёшлар 29 минг, аёллар 36,0 минг*). Стипендия ва ўқув харажатлари учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан 25,5 млрд сўм тўлаб берилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва нодавлат касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари янада кенгайтирилди. Жумладан, 13 та нодавлат касб-ҳунар ўқув марказларига 438,8 млн сўм миқдорда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан грантлар ажратилиши 584 нафар фуқароларни енгил саноат, умумқурилиш, хизмат кўрсатиш ва техник касбларга ўқитиш имконини берди.

Бундан ташқари, ҳудудларда 136 та маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари фаолияти тўлиқ йўлга қўйилди. Ушбу масканларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 9,8 млрд сўм миқдорда маблағ сарфлаш эвазига тикувчи, сартарош, ошпаз-қандолатчи, IT ва бухгалтерия кўникмалар бўйича жиҳозлар сотиб олинди.

2021 йил январдан бошлаб «Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-ҳунарга ўқитиш марказлари битирувчиларининг касбий малакасини WorldSkills стандартлари асосида баҳолаш, баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тан олинган Skills паспорти берилишини йўлга қўйилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида ҳудудлардаги ҳар бир шаҳар ва тумanning ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, демографик ҳолати ҳамда меҳнат

ресурслари инобатга олингани унинг тўлақонли рўёбга чиқишини таъминлапти. Аҳоли ҳам бу борада ўз ҳуқуқларини англаб етмоқда. Бу эса ижтимоий ҳимоя ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг янги имкониятлари сари йўл очмоқда.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

1. Туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан 2020 йил 12 ой давомида 1 миллион 96 минг жисмоний ва юридик шахсларга бандлик хизматлари кўрсатилди. Бунинг учун бандликка кўмаклашиш ва жамоат ишлари жамғармасига 717,3 миллиард сўм маблағ ажратилди.

2. Бўш иш ўринлари бор корхона ва ташкилотларга 362,9 минг нафар ишсиз, шунингдек, четга ишлаш учун кета олмаган ва қайтиб келган фуқароларни доимий иш ўринларига ишга жойлашишига кўмаклашилди.

3. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2020 йил давомида, айниқса, коронавирус пандемияси даврида 521,7 минг ишсиз фуқаролар (*шундан 278,5 минг нафар аёллар, 175,5 минг нафар ёшлар*) жамоат ишларига жалб қилинди ҳамда уларнинг иш ҳақи тўлови учун жамғармадан 496,3 млрд сўм молиялаштириб берилди. Хусусан:

– ободонлаштириш бошқармалари, “Тоза ҳудуд”, корхоналари маҳаллаларнинг буюртмалари асосида шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳалла ҳудудларини ободонлаштириш (*кўкаламзорлаштириш, тозалаш, оқлаш, маданий объектлар ва ариқларни тозалаш, кўчалар ва тиедалар юриш йўлакларини таъмирлаш каби*) ишларига 331,5 минг нафар фуқаро жалб қилинди;

– фермер хўжаликлари ва кластер корхоналарининг буюртмалари билан мавсумий қишлоқ хўжалик ишлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, ирригация ва мелиорация тармоқларини таъмирлаш, ипак қуртини парвариш қилиш, чорва-наслга техник осеменатор каби ишларига 95,7 минг нафар фуқаро жалб қилинди;

– саноат тармоқлари ва хизматлар кўрсатиш корхоналарининг буюртмалари билан уй-жой коммунал ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш каби ишларга 32,9 минг нафар фуқаро жалб қилинди;

– Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари билан бирга-ликда тиббиёт коллежларини тамомлаган ҳамда илгари тиббиёт соҳасида ишлаган 25,3 минг нафар фуқаро маҳаллалар, кўчалар, бозорлар ва жамоат жойларини дезинфекция қилишга жалб қилинди;

Карантин даврида ташкил этилган блок-постларда, «Кўчма савдо марказларига», «Хайрия марказлари»га посбон сифатида ва бошқаларга 19,3 минг нафар фуқаролар, айниқса, ёшлар жалб этилди:

– “Обод маҳалла” ва «Обод қишлоқ» дастурлари бўйича ва “ўзини яққалаш” тизими бўйича яқка ёлғиз қариялар, ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парваришига муҳтож аҳолини парваришлаш ишларига 16,9 минг нафар фуқаролар жалб қилинди.

4. 2020 йилда меҳнат органлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайтирилиб, Вазирлик ташаббуси билан жорий қилинган янгича ёндашувлар бўйича Республикада 471 та кооперативлар ташкил этилди. Кооперативлар ташкил этилган ҳудудларда 22,9 минг нафар ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оила аъзолари бириктирилди ва уларга кооперативларнинг устав фондига аъзолик улуши сифатида 50,7 млрд сўм субсидия маблағлари ажратилди.

Кооперативларнинг 305 таси мева-сабзавотчилик, 46 таси узумчилик, 32 таси тикувчилик, 20 таси паррандачилик, 14 таси асаларичилик, 10 таси ҳунармандчилик, 6 таси балиқчилик, 9 таси қуёнчилик, 29 таси бошқа йўналишларда ташкил этилди.

Сурхондарё вилоятида 67 та кооперативга 3,5 минг, Самарқандда 70 та кооперативга 2,6 минг, Хоразмда 44 та кооперативга 2,0 минг нафар “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг ишсиз аъзолари бириктирилди.

5. Шахсий томорқаларни ривожлантириш учун 35,6 минг кам таъминланган, “темир дафтар”га киритилган оилаларга енгил типдаги иссиқхона қуриш, шахсий ва дала томорқасида экишга уруғ, ва кўчатлар ҳамда суғориш воситаларини харид қилиш учун 109,5 млрд сўм субсидия берилди.

Масалан, Мирзаобод туманида Сардоба сув омбори тўғонида юз берган техноген ҳолат оқибатида зарар кўрган “Хақиқат” МФЙ ҳудудида яшовчи 454 нафар ишсиз фуқароларнинг шахсий томорқасида бандлигини таъминлаш мақсадида 2,4 млрд сўм миқдорда иссиқхона қуриш, 11 нафар фуқарога уруғлик кўчат сотиб олиш учун 7,3 млн сўм субсидия ажратилди.

Сўх тумани “Офтобру” маҳалласида 39 нафар, Ховос тумани “Қаҳрамон” маҳалласида 33 нафар, Оқолтин тумани “Бўстон” маҳалласида 21 нафар фуқароларга шахсий томорқасида енгил типдаги иссиқхоналар қуриш учун 6,7 млн.сўмдан субсидия ажратилди.

6. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, “Темир дафтар”га киритилган банд бўлмаган ва ишсиз аҳолини, ёшлар, аёллар, ижтимоий эҳтиёжманд аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланишга жалб этиш бўйича Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратилган 12,9 млрд сўм субсидия маблағлари ҳисобига 11,5 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Шундан:



– 6,5 минг нафар тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз фуқароларга давлат рўйхатидан ўтиш, кредит олишда суғурта полиси тўлови учун 1,5 млрд сўм субсидия берилди.

Масалан, Қизилтепа туманида 153 нафар ишсизга 30,9 млн.сўм, Жарқўрғон туманида 102 нафар ишсизга 23,8 млн.сўм, Олтинкўл ҳамда Қумқўрғон туманларида 90 нафар ишсизларга 20,1 млн.сўм, Тахтакўпир туманида 90 нафар ишсизга 20,1 млн сўм, Когон туманида 78 нафар ишсизга 17,4 млн сўм тадбиркор сифатида руйхатдан ўтказиш учун субсидиялар берилди.

– 333 та иш берувчиларга меҳнат органлари йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган 4,4 минг нафар ходимларни малакасини ошириш учун 10,2 млрд сўм;

Масалан, Ховос тумани “Xovos Textile Fashion” МЧЖ томонидан тикувчилик йўналишида касбга ўқитилган 145 нафар фуқаролар учун 242,1 млн.сўм, Қоракўл тумани “Муҳаммадали Текс” МЧЖга 33 нафар фуқароларни касбга тайёрлаш харажатларини қоплаш учун 58,9 млн сўм субсидия маблағлари тўлаб берилди.

– 151 та иш берувчиларга 507 нафар ижтимоий эҳтиёжманд аҳолини квоталанган иш ўрнидан ортиқ ишга қабул қилганлиги учун уларнинг ойлик иш ҳақи тўловига 1,2 млрд сўм;

Масалан: “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Бухоро шаҳар филиали белгиланган меъёрдан ортиқ ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб 25 нафар шахсларни ишга қабул қилганлиги учун 22,3 млн сўм субсидия ажратилди.

7. Ишсиз фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 89,7 минг нафар ишсизларга 22,3 млрд сўм ишсизлик нафақаси тайинланди ва тўлаб берилди.

8. 2020 йилда ишсиз фуқароларни муносиб ишга жойлаштириш мақсадида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитишга алоҳида эътибор қаратилиб, меҳнат органлари йўлланмалари асосида 52,2 мингдан ортиқ ишсизлар касб-хунарга ўқитилди (*шундан, ёшлар 29 минг, аёллар 36,0 минг*). Стипендия ва ўқув харажатлари учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан 25,5 млрд сўм тўлаб берилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва нодавлат касб-хунарга ўқитиш марказлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари янада кенгайтирилди. Жумладан, 13 та нодавлат касб-хунар ўқув марказларига 438,8 млн сўм миқдорда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан грантлар ажратилиши 584 нафар фуқароларни енгил саноат, умумқурилиш, хизмат кўрсатиш ва техник касбларга ўқитиш имконини берди.

Масалан, Бахмал туманида «Мансурбек ўқув текст» МЧЖ нодавлат ўқув марказида 65 нафар, шундан 28 нафар қабагал оилалардаги хотин-қизларни тikuвчилик йўналишлари бўйича ўқитиб, 60,0 млн сўм гранд ажратилган.

Тошкент шаҳрида “Ўқув энерго қурилиш” нодавлат ўқув маркази томонидан 120 нафар ишсиз фуқаролар электромонтёр, сантехник, лифтёр, электромеханик соҳаларига касбга ўқитилиб, 108,0 млн сўм гранд маблағи ажратилди.

Бугунги кунда қадар 96 та ўқув масканида ўқитиш жараёнлари бошланиб, 1 363 нафар ишсиз фуқаролар касб-хунарга ўқитилмоқда. Андижон вилояти Шаҳрихон тумани “Баркамол авлод” МФЙда тikuвчилик ва ошпазлик йўналишида 54 нафар аёллар, Жиззах вилояти Фориш тумани “Хонданди” МФЙда тikuвчилик ва аёллар сартароши бўйича 32 нафар аёллар, Навоий вилояти Қизилтепа тумани “Ванғози” МФЙда тikuвчилик, мебель устаси йўналиши бўйича 42 нафар ёшлар касб-хунарга ўқитилмоқда.

Ҳар бир вилоятда, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида жами йиллик ўқитиш қуввати 17,9 минг ўқувчи/ўринли 14 та мономарказлар, жами йиллик ўқитиш қуввати 23,3 минг ўқувчи/ўринли 30 та касб-хунарга ўқитиш марказлари, жами йиллик ўқитиш қуввати 10,9 минг нафар ўқувчи/ўринли 136 та маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканлари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Бундан ташқари, жами 9 та нодавлат таълим муассасаларига вазирлик тасарруфидаги ўқув марказлардан 1 700 м<sup>2</sup> ўқитиш майдонлари узоқ муддатга ижарага берилди.

Масалан, Чилонзор туманидаги Тошкент ходимларни бошқариш ва меҳнатни муҳофаза қилиш коллежидан “ОДО – ўқув маркази” МЧЖга 8 та хона (605 кв.м) имтиёзли шартларда ижарага берилган. Ушбу нодавлат ўқув курслари томонидан 400 нафар хотин-қизларни тikuвчилик, дизайнер ва қандолатчилик йўналиши бўйича касбга ўқитилмоқда.

2021 йил январдан бошлаб «Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари битирувчиларининг касбий малакасини WorldSkills стандартлари асосида баҳолаш, шунингдек, баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тан олинадиган Skills паспорти берилиши йўлга қўйилмоқда.

«Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари томонидан битирувчиларга берилган ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда Skills паспорти ўрта махсус, касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилиб, эгаллаган билимларни меҳнат фаолиятида амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Бундан ташқари, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар асосацияси билан, хотин-қизларнинг тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларга бизнес асосларини ўргатиш, иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик меморандуми тузилди.

Меморандумга асосан, “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг меҳнатга лаёқатли аъзолари, оғир турмуш шароитига тушиб қолган аёллар, меҳнат бозорига илк маротаба қадам қўяётган таълим муассасаларининг битирувчилардан 140 нафарини тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сон қарори қабул қилинди. Қарорга биноан мамлакатимиз ва ҳудудлар миқёсида иқтисодий фаолиятнинг барча турларини қамраб олган касбга ўқитиш тизимини йўлга қўйишимиз зарур. Бундан буён – касбга ўқитиш ва таълим тизимини меҳнат бозори талабларига мослаб бориш тизимдаги барча раҳбар ва ходимлар иш фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, хорижда ишлаш истагида бўлган 21,4 минг нафар фуқароларнинг 20,2 минг нафари касб-хунарга, 1,2 минг нафари рус, корей, инглиз ва бошқа тилларга ўқитилди.

Россиянинг 7 та шаҳарларидаги (Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск, Казань, Екатеринбург, Челябинск ва Томск) коллежларда 530 нафар меҳнат мигрантининг 249 нафари касб-хунарга, 281 нафари рус тилига ўқитилди.

9. Меҳнат миграцияси соҳасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилиб, ташкилий тартибда 10,3 минг фуқаро хорижга вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юборилди (*2019 йилга нисбатан 2,3 баравар кўп*). Уларнинг 8,1 минг нафари Россия, 1,4 минг нафари Қозоғистон, 242 нафари Корея, 184 нафари Литва ва 320 нафари бошқа давлатларда ишга жойлаштирилди.

Шунингдек, салоҳиятли хорижий иш берувчилар билан ўтказилган музокаралар натижасида 88 таси билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди ва барча ҳамкорлик шартномалари 127 тани ташкил этилиб, уларда 64,9 мингта бўш иш ўринлари аниқланди (*Россияда – 59,7 минг, Қозоғистонда – 5 минг ва БААда – 200 та*).

*Аниқланган бўш иш ўринларининг асосий қисми қурилиш – 55,1 минг (84,9%), хизмат кўрсатиш – 9 минг (13,9%), қишлоқ хўжалиги – 764 та (1,2%) соҳасидадир.*

Бундан ташқари, 77,9 минг фуқарога ахборот-маслаҳат хизмати, 9,9 минг нафар меҳнат мигрантига моддий ёрдам, 638 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди, 2 минг хорижда ишсиз қолган фуқаро ишга жойлаштирилди ва турар-жойсиз қолган 612 нафар меҳнат мигранти хостелларга жойлаштирилиб, уч маҳал озиқ-овқат билан таъминланди.

Оғир вазиятга тушиб қолган 724 нафар меҳнат мигранти ва хорижда ишлаш даврида вафот этган 609 нафар фуқароларнинг жасадлари Ўзбекистонга олиб келинди.

Маҳалла ва меҳнат органлари билан ҳамкорликда “Маҳалла-меҳнат органлари – сектор – Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги филиали” тизими бўйича иш ташкил этилди.

Меҳнат миграциясидан қайтиб келган 508,7 минг фуқаронинг 337,9 минг нафарининг бандлиги таъминланди, 4,0 минг нафари касб-хунарга ва 208 нафари тадбиркорлик асосларига ўқитилди.

## 11.5. КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

Камбағалликни қисқартиришда ижобий натижаларга эришган давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш ва уларни республикамизда қўллаш имкониятларини ўрганиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Хусусан, бу борада Хитой ва Ҳиндистон яхши натижаларга эришиб келмоқда. Хитойда 2015 йилдан 2019 йилгача 68 миллион киши қишлоқ камбағаллигидан халос бўлди. Бу кунига 37000 кишига тўғри келади. Мамлакат бўйича камбағаллик даражаси 2015 йилдаги 10,2 фоиздан 2019 йилда 3,1% фоизгача ўзгарган<sup>1</sup>. Бу кўрсаткичларга Хитой, албатта, босқичма-босқич ва тезкор эришган.

Хитойнинг “10 000 корхона 10 000 та қишлоққа ёрдам беради”<sup>2</sup> лойиҳаси хусусий сектор ва жамиятнинг мақсадли камбағалликни қисқартиришга қўшилишининг кенг қўламли намунаси дир. У учта механизм орқали ишлайди:

- 1) саноат орқали камбағалликни қисқартириш;
- 2) иш билан таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш;
- 3) жамоат фаровонлиги орқали камбағалликни қисқартириш.

Биринчидан, «10 000 та қишлоққа ёрдам берадиган 10 000 та корхона» лойиҳаси доирасида корхоналар қишлоқ аҳолисини банд қилиш мақсадида ўзларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бизнесларини кенгайтириши,

<sup>1</sup> Diallo, Fatoumata (2019). “China’s anti-poverty efforts: problems and progress”. Institute for security and development policy. URL: <https://isdpc.eu/publication/chinas-anti-poverty-efforts-problems-and-progress/>

<sup>2</sup> . www.cpad.gov.cn. 2016. Retrieved 2020-08-31.

чекка ҳудудларда ҳам интернет тармоғи имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши, почта, етказиб бериш ва тарқатиш тизимлари ва бошқа тизимлар билан ҳамкорликни кучайтириши, қишлоқлар ва уй хўжаликларининг бозорга уланишида ёрдам бериши ва онлайн ва офлайн савдо каналларини кенгайтириши керак бўлган. Йирик корхоналарни камбағал аҳоли яшовчи жойларда саноат инвестиция фондларини ташкил этиш ва саноат парки қурилишида бозор ёндашувини қўллаш тавсия этилган. Ушбу қилинган ишлар учун корхоналар давлат томонидан қўллаб-қувватланган ва уларга имтиёзлар тақдим этилган. Чекка ҳудудларга киритилган инвестициялар камбағаллик даражасини қисқартиришга катта ҳисса қўшган.

Иккинчидан, корхоналарга ишчиларни жалб қилиш, ишга қабул қилишдан олдин ва иш жойларида ўқитишни кучайтириш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, барқарор иш билан таъминлаш ва камбағал уй хўжаликлари даромадларини оширишни рағбатлантириш лозим бўлган. Шунингдек, корхоналар хусусий касб-ҳунар коллежлари ва касб-ҳунар таълими муассасаларига камбағал оилалар фарзандларини ёллашга, корхоналарда қашшоқликка қарши курашни касб-ҳунар таълими билан бирлаштиришга ва малака ошириш орқали камбағалликни енгиллаштиришни рағбатлантириш вазифалари қўйилган.

Учинчидан, корхоналарни тўғридан-тўғри хайр-эҳсон қилиш, камбағалликка қарши курашиш учун давлат жамғармаларини яратиш, жамоат маблағларини ажратиш ёки жамоат хайрия ташкилотлари орқали камбағалликка қарши курашиш тавсия этилган. Камбағал қишлоқларга ёрдам бериш учун корхоналар инфратузилма, соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ва маданий ривожланиш лойиҳаларида иштирок этишлари лозим бўлган.

Хитой Халқ Республикаси “10000 корхоналари 10000 қишлоқларига ёрдам бериш” лойиҳаси доирасида Алибаба Груп (Alibaba Group) сингари компаниялар сўнгги йилларда камбағалликни енгиллаштиришда жуда кўзга ташланди. Алибаба ХХРнинг қашшоқликдан азият чеккан фуқаролар кўпчиликини ташкил этаётган ҳудудларида жойлашган 2 миллиондан ортиқ фойдаланувчига 100 миллиарддан ортиқ РМБ<sup>1</sup> (14,3 миллиард АҚШ доллари) миқдоридан кредит берди. 2017 йилдан 2022 йилгача холдинг таълим, электрон тижорат, соғлиқни сақлаш, аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида қашшоқликни камайтириш лойиҳаларига 10 миллиард РМБ (1,43 миллиард АҚШ доллари) миқдоридан маблағ киритишни режалаштирмоқда<sup>2</sup>. “Алибаба”нинг энг кат-

<sup>1</sup> RMB – “renminbi” – Хитой Халқ Республикаси пул бирлиги.

<sup>2</sup> Xinhua (2019). “Alibaba turns hundreds of poor villages into ‘Taobao Villages’”. [www.chinadaily.com.cn](http://www.chinadaily.com.cn). Retrieved 2020-08-31. URL: <https://www.chinadaily.com.cn/a/201901/13/ws5c3a220ea3106c65c34e4115.html>

та ташаббусларидан бири унинг “Таобао онлайн харид қилиш” веб-сайти номи билан аталган “Таобао қишлоқлар” («Taobao Villages»)ни ташкил этишдир. Ушбу қишлоқлар фермерларни ўз маҳсулотларини Интернетда сотишга ундаш учун электрон тижорат марказларига айлантирилди. Йиллик электрон тижорат операциялари бўйича 10 миллион РМБ ва 100 дан ортиқ Интернет-дўконлари бўлган қишлоқни Таобао Вилладж номига лойиқ топади. Таобао қишлоқлар катта шаҳарлардан ишбилармонлик кўникмаларига эга бўлган ва инфратузилма, электрон тижоратни ўқитиш, молия ва ихтисослаштирилган электрон тижорат хизматлари кўрсатувчи провайдерлар ва компаниялар учун субсидиялар билан таъминлайдиган маҳаллий ҳокимиятларнинг кўмаги билан қайтган қишлоқ аҳолиси билан ҳамкорликда ташкил этилган.<sup>1</sup>

Фуқароларнинг бевосита иштирок этиш воситаси Хитойнинг ижтимоий камбағалликни камайтириш тармоғи томонидан бошқариладиган “Хитойда қашшоқликни камайтириш ва ривожлантиришда ижтимоий иштирок этиш” веб-сайтидир.<sup>2</sup> Ушбу веб-сайтда камбағал деб таснифланган одамлар тиббий, таълим ёки уй-жой учун хайрия ёрдами сўрашлари мумкин. Ушбу веб-сайтда хайр-эҳсон қилиш орқали одамлар камбағалликка учраган уй хўжаликларини бевосита қўллаб-қувватлашлари мумкин. Бундан ташқари, одамлар камбағал минтақалар ва камбағалликни камайтириш лойиҳаларидан маҳсулот сотиб олишлари мумкин.

Камбағалликни қисқартириш ва қашшоқликни бутунлай камайтириш бўйича марказлашган стратегияни самарали амалга ошириш учун ХХР бир нечта механизмлардан фойдаланади.

“Камбағал” уй хўжаликларининг умуммиллий таснифига маҳаллий мансабдор шахсларга ҳар бир шахс, уй ва қишлоқдан маълумот тўплаш имкониятини берадиган миллий рўйхатга олиш тизими орқали эришилади.<sup>3</sup> Камбағал деб топилган ҳар бир хонадонга, уйнинг камбағаллигини енгил бўйича шахсий маслаҳатчи сифатида хизмат қиладиган кадрлар тайинланган. Камбағал деб ҳисоблангандан сўнг, уй хўжаликлари эшикларига “мақсадли қўллаб-қувватлаш алоқаси картаси”ни осиб қўйишди. Унда хо-

<sup>1</sup> Luo, Xubei (2019). “E-commerce for poverty alleviation in rural China: from grassroots development to public-private partnerships”. [blogs.worldbank.org](https://blogs.worldbank.org/eastasiapacific/e-commerce-poverty-alleviation-rural-china-grassroots-development-public-private-partnerships), retrieved 2020-08-31. URL: <https://blogs.worldbank.org/eastasiapacific/e-commerce-poverty-alleviation-rural-china-grassroots-development-public-private-partnerships> (сўнги таъриф: 01.03.2021 й).

<sup>2</sup> “中国社会扶贫网 Social participation in poverty alleviation and development of China”. [www.zgshfp.com.cn](http://www.zgshfp.com.cn) ).

<sup>3</sup> Diallo, Fatoumata (2019). “China’s anti-poverty efforts: problems and progress”. institute for security and development policy. URL: <https://isdp.eu/publication/chinas-anti-poverty-efforts-problems-and-progress/>

надон шахсий маслаҳатчиси ҳақидаги маълумотлар ҳамда уй хўжалигига тўланадиган субсидиялар миқдори ёзилади.<sup>1</sup>

Мониторинг ва баҳолашнинг чуқур тизими камбағалликни камайтириш бўйича мақсадли лойиҳа самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Кадрлар белгиланган тартибни кузатиб боришлари ва камбағалликни енгиллаштириш бўйича чора кўришнинг ҳар босқичи тўғрисида хабар бериши шарт. Яхши кўрсаткичлар юқори лавозим ва мукофотлар билан мукофотланса, ёмон кўрсаткичли кадрлар маошларни қисқартириш, бонусларни камайтириш ва лавозимдан воз кечиш билан жазоланади.<sup>2</sup> Баҳолаш икки томонлама механизм орқали амалга оширилади, чунки юқори поғонадаги кадрлар қуйи поғоналарни бошқаради ва аксинча. Алоҳида уй хўжаликлари ҳам шахсий кадрлар фаолиятини баҳолайдилар. Бу кадрларни тайинланган уй хўжаликларини камбағаллик чегарасидан кўтаришга ундайди.<sup>3</sup>

Хитой ҳукумати камбағалликни енгишда бутун жамоанинг иштирокини ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб билади. Шу сабабли 2014 йил 19 ноябрда марказий ҳукумат Давлат кенгаши Бош маъмуриятининг барча ижтимоий кучларини Хитойда камбағалликни камайтиришда ҳамда ривожланишида иштирок этиш учун қандай қилиб сафарбар қилиш тўғрисида баёнотини эълон қилди.<sup>4</sup>

Хусусий компанияларнинг иштироки ХХРда камбағалликни камайтиришнинг муҳим омилдир. Хусусий компанияларнинг ёрдами ва ҳамкорлиги билан бозор иқтисодиётини рағбатлантириш ва қишлоққа янги капитал ва технологияларни жалб қилиш мумкин. Хусусий корхоналар иш билан таъминлаш имкониятларини, касб-хунар таълими, сармоялар ва Хитойнинг қишлоқ жойларига хайрия ёрдами беришига ишонишади.

Камбағалликка қарши курашга яқка шахслар ҳам қўшилиши мумкин. Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликни камайтириш учун ҳукумат Шарқ ва Ғарбнинг бизнес соҳалари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиради, касб-хунар ўқитишни таклиф қилади ва Шарқдан

<sup>1</sup> Tsai, Wen-Hsuan; Liao, Xingmiu (2019). “Mobilizing cadre incentives in policy implementation: poverty alleviation in a chinese county”. China information. 34 (1): 45–67. url:<https://journals.sagepub.com/doi/10.1177/0920203x19887787>

<sup>2</sup> Zeng, Qingjie (2020). “Managed campaign and bureaucratic institutions in China: Evidence from the targeted poverty alleviation program”. Journal of contemporary China. 29 (123): 400–415.

<sup>3</sup> Tsai, Wen-Hsuan; Liao, Xingmiu (2019). “Mobilizing cadre incentives in policy implementation: Poverty alleviation in a Chinese county”. China information. 34 (1): 45–67.

<sup>4</sup> General Office of the state Council (2014). “General Office of the state council regarding further mobilization opinions on participation of all sectors of society in poverty alleviation and development” url: [http://www.gov.cn/zhengce/content/2014-12/04/content\\_9289.htm](http://www.gov.cn/zhengce/content/2014-12/04/content_9289.htm)

истеъдодли ёшлар ва мутахассисларни Ғарбий Хитойнинг чекка ҳудудларига жўнатади. Хитой ҳукумати талабалар, мутахассислар, техниклар, нафақахўрлар ва жамиятнинг бошқа аъзолари каби муносиб аъзоларнинг имтиёзларини мукофотлайдиган ихтиёрий ташкилотлар тузилишини рағбатлантиради. Шундай қилиб, ғарбий Хитойнинг қишлоқ жойларида кўнгиллилар тармоғи яратилмоқда. Бундан ташқари, Хитой ҳукумати рағбатлантириш, мукофотлаш ва яхши мартаба имкониятлари орқали камбағалларни тақсимлашда жамоатчилик иштирокини қўллаб-қувватлашнинг интенсив тизимини илгари сурмоқда.

Биргаликда лойиҳалар ёки брендлар яратиш орқали сотувлар тарғиб қилинади ёки камбағал деб топилган одамларга ёрдам бериш учун лойиҳаларга хайр-эҳсон қилинади. Бундан ташқари, қашшоқ қишлоқлар ва интернетда қийинчиликларга дуч келган ёки унга кириш имкони бўлмаган уй хўжаликлари учун маълумот хизматлари ташкил этилиб, улар батафсил лойиҳа режаларини таклиф қилишади ва ресурсларни тақсимлаш самарадорлигини оширадилар.

Қишлоқ даражасида камбағалликни камайтиришга Юннан вилояти Химен шаҳридаги “Камбағалликни камайтириш бўйича қишлоқ ишчилар қўмитаси” фаолияти бир мисол.<sup>1</sup>

Сўнги йилларда қишлоқни амалдаги конституцияси доирасида янги бошқарув тузилмалари ишлаб чиқилди. Ушбу сўнги ҳаракатларнинг бир мисоли Юннан вилояти, Химен округидаги, қишлоқ аҳолисининг камбағалликни камайтириш бўйича ишчи қўмитаси фаолиятидир. Маҳаллий партия бўлими ва қишлоқ қўмитаси вакили бўлган «икки қўмита» раҳбарлиги остида қишлоқ аҳолисининг қашшоқликни камайтириш бўйича ишчи қўмитаси бешдан етти нафаргача (қишлоқдаги уй хўжаликлари сонига қараб) аъзолардан иборат бўлиб, улар камбағалликни енгиш учун унга бириктирилган уй хўжаликлари (ҳар бир қўмита аъзосига тахминан 15-30 та уй) муваффақияти учун жавобгардир. Қўмита аъзоларининг таркиби қишлоқдаги маржуд ҳокимият тузилмасига ўхшайди. Қўмита таркибига маҳаллий партия раҳбарлари, қишлоқ жамоатчилиги раҳбарлари ва оммавий ташкилотларнинг маҳаллий бўлинмалари раҳбарлари киради. Шунга кўра, қўмита аъзоларининг 60 фоизигача бўлган қисми ХКП (Хитой коммунистик партияси) билан бевосита боғлиқдир. Қўмиталар ҳар ҳафта ички йиғилишлар ва ҳар ой жамоатчилик йиғилишларини ўтказадилар. Қўмита таркибига ишлаб чиқариш бўйича менежер, маиший хизмат ходими, жамоат хавфсизлиги ходими ва ташвиқот ходими киради.

<sup>1</sup> Shen, Hao (2019). Yunnan ximeng “poverty alleviation working committee” helps rural development?. yn.people.com.cn.



Кўмита ўз ваколатларидан икки хил усулда фойдаланади:

1) янги ташкил этилган қишлоқ меҳнат пунктлари орқали кўмита аъзолари аскарларни мажбурий равишда ишга жойлаштириши мумкин;

2) мукофотлаш ва жазолаш механизми орқали қишлоқ аҳолиси ўз ишларига, сиёсий қарашларига, қишлоқ ишларида қатнашишига ва бошқа омилларга қараб иккита рўйхатда таснифланади. Қизил рўйхатдаги резидентлар пул мукофотлари ёки бошқа турдаги рағбатлантириш олишади. Қора рўйхатга киритилган қишлоқ аҳолиси давлатнинг молиявий ёрдамидан маҳрум бўлиши мумкин.<sup>1</sup>

Давлат кенгашининг камбағалликни камайтириш ва ривожланишни бошқариш бўйича етакчи гуруҳи директори<sup>2</sup> Лю Ёнгфунинг сўзларига кўра, Хитой ҳукумати қарийб 100 миллион одамни камбағал деб эълон қилди. Аммо 2012 йилдан 2016 йилгача камбағаллик чегарасида яшайдиган аҳолининг ярмидан кўпи камбағалликдан қутулди. Ўртача беш йиллик даврда ҳар йили 1,3 миллион камбағал одам камбағаллик чегарасини кесиб ўтган.<sup>3</sup> Камбағалликка қарши компания ва ресурсларни тез тақсимлаш Хитойда кўплаб қишлоқ уй хўжалиқларининг турмуш даражасини тезда оширди.

Бирок 2020 йил мақсадга эришиш учун сиёсий мажбурият турли округларни охир-оқибатда иқтисодий фойда келтирадиган барқарор стратегиялар ўрнига тезкор ечимларни ишлаб чиқишга ундади. Олимларнинг таъкидлашича, камбағаллик чегарасини расман бузиш учун уй хўжалиқлари кўпинча бир марталик молиявий ёки моддий ёрдам олишади. Аммо бундай улар камбағалликни камайтириш компанияси тугагандан сўнг яна кашшоқликка дуч келишлари мумкин.

Ҳиндистон ҳукумати йиллар давомида камбағалликни қисқартириш бўйича фаол сиёсат олиб бормоқда. Ҳиндистон ҳукумати шу ўринда нодавлат-нотижорат ташкилотларни ҳам ўсиб бораётган камбағалликни қисқартириш стратегик тадбирларига фаол жалб этган.

Ҳиндистон қадим замонлардан буён миллатни камбағалликдан ҳимоя қилиш учун сон-саноксиз қадамлар ташлаб, бугун камбағалликни камайтириш бўйича кенг қамровли сиёсат юритмоқда. Ушбу сиёсат орқали уй хўжалиқларига максимал фойда келтиришга интилиш бўйича муҳим вазифалар қуйидагиларни ўз ичига олади:<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Tang, Peng; He, Jing (2017). sn.cri.cn. url: <http://sn.cri.cn/n/20171021/9f5f98c0-2246-25cb-45e4-7356cfd142e5.html>

<sup>2</sup> Zeng, Qingjie (2020). “Managed campaign and bureaucratic institutions in China: evidence from the targeted poverty alleviation program”. journal of contemporary china. 29 (123): 400–415.

<sup>3</sup> Hou, Liqiang (2017). “China achieves unprecedented gains in fight against poverty”. www.chinadaily.com.cn.

<sup>4</sup> Poverty alleviation policy – extirpating poverty to the core. URL: <https://hindrise.org/resources/poverty-alleviation-policy/>

Аҳолини назорат қилиш. Камбагалликни йўқ қилиш учун аҳолини назорат қилиш керак. Бу аҳоли жон бошига даромадни оширади. Ҳиндистонда оилани режалаштириш 1951 йилда бошланган. Бироқ бугун ҳам ҳукумат ва ташкилотларнинг мавжуд аҳоли ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиши талаб этилмоқда.

Иш имкониятларининг кўпайиши. Қишлоқ жойларида одамлар учун яратилган иш имкониятлари ҳаракатлантирувчи омил ҳисобланади. Кичик ва касаначилик корхоналарида бандликни камбагалликка қарши сиёсат орқали рағбатлантириш назарда тутилади.

Иқтисодий тенгсизликни камайтириш – муҳтожларга кўпроқ иш жойлари ва таълим олиш имкониятларини бериш орқали камбагалликни камайтириш мумкин.

Ер ислоҳоти сиёсати. Ҳукумат ер ислоҳоти сиёсатини жорий этиши; кичик фермерларга иш топиш ва камбагалликни қисқартиришга ёрдам беради.

Ижтимоий таъминот чоралари. Камбагалларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш: пул маблағлари, пенсия, белул тиббий хизматлар, арзон уй-жойлар ва бошқалар. Шу каби бошқа чора-тадбирлар одамларнинг яшаш шароитларини яхшилашга имкон беради.

**Мувозанатли минтақавий ривожланиш.** Ҳукумат камбагалликни қисқартириш сиёсати доирасида ривожланишдан ортда қолаётган қишлоқ жойларга кўпроқ маблағ йўналтириш, инвестициялар жалб этиш сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Ушбу сиёсат ҳам худди Хитой Халқ Республикасида жорий этилган стратегияга ўхшашдир.

Сўнгги йилларда Африканинг бирон бир мамлакати камбагалликни камайтиришдаги муваффақияти билан аниқ ажралиб турмаса-да, Африка шароитида иқтисодий ўсиш ва камбагалликни камайтириш ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида бир нечта кузатишлар қилинган.<sup>1</sup>

Биринчидан, 90-йиллар давомида фақатгина Уганда барқарор юқори ўсиш суръатларига эришганга ўхшаган, бу ҳам камбагалликни камайтиришга ёрдам берган.

Иккинчидан, ЯИМнинг ўртача ўсишига қарамай, камбагалликни камайтиришга эришган бир неча мамлакатлар, масалан, Эфиопия, Гана ва

<sup>1</sup> Rizwanul Islam, Jean Majeres. *Employment-intensive growth for poverty reduction: what can labour-based technology in infrastructure contribute?* 18p. p.6. / URL: <https://www.researchgate.net/publication/225950776>

Мавританияни айтиш мумкин. Бошқа томондан, ўртача ўсиш камбағалликни камайтиришга олиб келмаган камида бир давлат, яъни Буркина-Фасо мавжуд.

Учинчидан, камбағалликнинг кучайиши ўсишнинг етишмаслиги билан аниқ боғлиқ бўлиши мумкин бўлган қатор мамлакатлар мавжуд. Масалан, Марокаш, Нигерия, Замбия ва Зимбабве. Юқоридаги хулосаларнинг мазмуни шундан иборатки, камбағалликни камайтиришга ўсишсиз эришиб бўлмайдиган бўлса-да, шунга ўхшаш ўсиш суръатлари камбағалликни камайтириш нуқтаи назаридан ҳар хил натижаларни бериши мумкин. Барқарор равишда юқори ўсиш суръатларига эришиш қийинлигини ҳисобга олиб, ўсиш кўрсаткичлари фарқига таъсир қилувчи омилларни тушуниш жуда муҳимдир. Унумли ва маҳсулдор бандликнинг ўсиш интенсивлиги ушбу шароитда муҳим омил бўлади.

Иқтисодиёт қонунларига асосан «камбағаллик камбағалликни келтириб чиқаради». Мазкур жараён бир неча сабабларга кўра содир бўлади.

Биринчидан, даромади паст мамлакатлар сифатли таълим ва соғлиқни сақлаш учун етарлича пул сарфлай олишмайди, камбағал аҳоли эса сифатли пуллик таълим ва тиббиёт хизматларга қурби етмаслиги сабабли инсон салоҳияти пасайиб, камбағалликдан қочиб қутула олмайдилар.

Иккинчидан, камбағал аҳолининг даромадлари пасайиб борган сари истеъмол бозорининг сиғими мутаносиб равишда кичрайиб боради ва бунинг натижасида саноат моллари, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва айниқса, хизматларга бўлган талаб пасайиб боради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қилади, бюджет даромадларини камайтиради ва камбағалларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятини камайтириб ёпиқ циклик жараён кўринишига келади.

Учинчидан, аксарият ҳолларда камбағалларнинг дунёқараши даромад юқори бўлганлардан фарқ қилади. Юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра, улар орасидан ижодкор ва тадбиркорлик қобилиятига эга инсонларнинг етишиб чиқиши эҳтимоли камроқ. Шунингдек, одатда камбағал оила аъзолари орасида жиноятчилик кўрсаткичлари нисбатан юқорироқ бўлади.

Пандемиянинг давом этиши ва юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий зарарни аниқ башорат қила олмаслик мамлакатлар ва халқлар олдида турган энг глобал муаммо. Давлат арбоблари, сиёсатчилар, иқтисодчилар содир бўлаётган ҳар бир нарса жаҳон иқтисодиёти ва аҳоли турмуш даражасига қанчалик салбий таъсир кўрсатиши тўғрисида аниқ тасаввурга ёки аниқ прогнозларга эга эмаслар.<sup>1</sup> Шундай экан, камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучай-

<sup>1</sup> А.Б.Хайитов. Проволочки в трудоустройстве недопустимы. Народное слово. 21 апреля 2021 года, № 80 (7829)

тириш борасидаги вазифалар мамлакат келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик бурчи бўлиб қолиши, ва айнан юртга дахлдорлик ҳисси ҳам шундай синовли кунларда зарур эканлигини англаши бугунги кун талабларидан бири.

### **?** ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Мамлакатда камбағал аҳоли мавжудлиги расман қайд этилишининг қайси ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига эътибор қаратиши зарур?
2. Минтақавий муаммолар ва қишлоқ жойларда иш билан таъминлашни тартибга солиши ва турмуш даражасини оширишининг қандай устувор йўналишлари мавжуд?
3. Давлат дастурлари доирасида аҳоли таркибида камбағалликни қисқартиришининг қандай фаол йўналишлари олиб борилади?
4. Глобал пандемия даврида кафолатли иш билан бандлик – камбағалликни қисқартиришининг қандай самарали йўллари ишлаб чиқилди?
5. Камбағалликни қисқартиришининг қандай хорижий тажрибаларини амалиётда қўллаш мумкин?
6. Хитойда камбағал деб ҳисоблангандан сўнг уй хўжаликлари эшикларига қандай карта осиб қўйилган?
7. Камбағалликни камайтириш бўйича қўмиталарнинг вазифалари нималардан иборат?
8. “Камбағаллик камбағалликни келтириб чиқаради”. Мазкур жараён қандай сабабларга кўра содир бўлади?
9. Ҳиндистон камбағалликка қарши қандай сиёсатни олиб борган?
10. Камбағалликка қарши курашувчи компаниялар қандай ишларни амалга оширган?

### **✓** ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Камбағалликни аниқлашнинг стратификация усули – бу
  - А. камбағаллар орасида ўзини-ўзи таъминлаш қобилияти чекланган одамларни аниқлаш\*
  - В. энг муҳим маҳсулотлар ва товарларнинг етарлича истеъмол қилинмаслигини ҳисоблаш
  - С. ижтимоий фикрни баҳолаш ёки респондентнинг ўз нуқтаи назаридан, етарли ёки етарли бўлмаган турмуш даражасини аниқлаш
  - Д. давлатнинг моддий ресурсларини таъминлашга қаратилган камбағал ресурс манбалари тоифасини белгилаш

**2. Камбағалликни аниқлашнинг депрация усули – бу**

А. камбағаллар орасида ўзини-ўзи таъминлаш қобилияти чекланган одамлар

В. энг муҳим маҳсулотлар ва товарларнинг етарлича истеъмол қилинмаслигини ҳисоблаш\*

С. ижтимоий фикрни баҳолаш ёки респондентнинг ўз нуқтаи назаридан, етарли ёки етарли бўлмаган турмуш даражасини аниқлаш

Д. давлатнинг моддий ресурсларини таъминлашга қаратилган камбағал ресурс манбалари тоифасини белгилаш

**3. Камбағалликни аниқлашнинг эвристик усул – бу**

А. камбағаллар орасида ўзини-ўзи таъминлаш қобилияти чекланган одамлар

В. энг муҳим маҳсулотлар ва товарларнинг етарлича истеъмол қилинмаслигини ҳисоблаш

С. ижтимоий фикрни баҳолаш ёки респондентнинг ўз нуқтаи назаридан, етарли ёки етарли бўлмаган турмуш даражасини аниқлаш\*

Д. давлатнинг моддий ресурсларини таъминлашга қаратилган камбағал ресурс манбалари тоифасини белгилаш

**4. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2020 йил 15 январь ҳолатига кўра турли мамлакатларда қанча киши ўта камбағаллик шароитида кун кечирмоқда?**

А. 736 миллион\*

В. 1 милиард

С. 900 млн

Д. 1,5 миллиард

**5. Хитойда 2015 йилдан 2019 йилга қадар неча миллион киши камбағалликдан халос бўлган?**

А. 68 млн\*

В. 50 млн

С. 35 млн

Д. 20 млн

**6. Хитойда қишлоқларда фермерлар маҳсулотларини сотиш мақсадида қандай иш амалга оширилди?**

А. қишлоқларга харидорлар таклиф этилди

В. маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилди

С. маҳсулотлар нархи арзонлаштирилди

Д. Taobao Villages онлайн харид веб сайти яратилди\*

7. Камбағал деб топилган ҳар бир хонадонга қандай кадрлар бириктирилган?

- A. тадбиркор ва йирик инвестор
- B. уйнинг камбағаллигини енгиш бўйича шахсий маслаҳатчи\*
- C. ҳуқуқшунослар
- D. тиббий маслаҳатчилар

8. Камбағалликни қандай камайтириш мумкин?

- A. иш жойлари ва таълим олиш орқали\*
- B. тиббиётни ривожлантириш орқали;
- C. иқтисодий эркинлик орқали
- D. экспортни қўллаб-қувватлаш орқали

9. Ҳиндистонда оилани режалаштириш нечанчи йилда бошланган?

- A. 1951\*
- B. 1950
- C. 1961
- D. 1991

## XII БОБ

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ  
ДАВРИДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ12.1. ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ  
БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНИШ ИМКОНияТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши билан мамлакатда инсон ресурсларини шакллантириш, ривожлантириш ва умуман уларни бошқариш соҳасида туб ўзгаришлар юз берди. Аҳолини иш билан банд этиш мамлакатни барқарор ривожланиш асоси бўлиб, ушбу масала бўлган талаблар сезиларли ўзгарди, ҳар хил фаолият турларини меҳнат шартномалари билан қамраб олиш соҳаси кенгайди, уларнинг турлари ортди, янги рисклар юзага келтирадиган ва имкониятлар очиб берадиган меҳнатни ташкил қилишнинг янги шакллари кенг тарқалди. Бу ўзгаришлар аҳоли иш билан бандлиги ва меҳнат бозорига бевосита таъсир кўрсатди, ишга жойлаштириш учун янги имкониятлар очилмоқда ва иш берувчиларга ҳам, ходимларга ҳам кўпроқ мослашувчанликни таъминламоқда. Масофадан меҳнат қилиш ва мустақил иш билан бандликнинг турли шакллари тобора кенг тарқалиши билан анъанавий меҳнат муносабатлари негизида ётадиган иш билан бандликни ҳимоя қилиш ва кафолат тушунчаларига янгича ёндашув талаб этилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда “бутунги мураккаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислохотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шарт”.<sup>1</sup>

«Инсон ресурслари» ижтимоий-иқтисодий тоифа сифатида ишчи кучининг шаклланиши ва келгусидаги меҳнат фаолияти давомида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар билан биргаликда энг муҳим қонуниятларни, яъни уларнинг такрор ишлаб чиқариш, ривожланиш, тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнларини акс эттиради. Атама илк бора 1970 йилдан бошлаб АҚШ ва Буюк Британияда фан ва бошқарув амалиётида, сўнгра

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 29 декабрь, 2020 йил / URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

бозор иқтисодиёти ривожланган бошқа мамлакатларда ҳам қўллана бошлади. Бу биринчи навбатда, фан-техника инқилоби даврида инсоннинг иқтисодий фаолиятдаги роли ва ўрни ҳақида қайта фикрлаш ва унга нафақат ишлаб чиқаришнинг «жонли» омили, балки унга хос қизиқишлар, мотивация, психология, кадриятлар, тадбиркорлик ва ҳоказоларга эга бўлган шахсият сифатида ҳам муносабатда бўлиш билан боғлиқ. Шундай қилиб, шахснинг пассив, ташқи омиллар шартларига мослашувчан шахс сифатидаги тушунчалардан (XVIII-XIX асрлар) уни ўз ҳаётининг, жумладан, меҳнат карьерасининг бунёдкори сифатида тушунишга ўтилиши яққол кўзга ташланиб турибди.

Мамлакатимизда «инсон ресурслари» тушунчаси жамиятнинг (ҳозирги ва келажакдаги) ривожланиш даражасини белгилаб берадиган тушунча сифатида тан олинishi куйидаги ҳолатлар туфайли юзага келди. Сўнгги йилларда мамлакатдаги ижтимоий ва меҳнат муносабатлари трансформацияланди, меҳнат жараёни иштирокчиларининг муносабатлари табиати ва, ҳатто, мафкураси ҳам ўзгарди. Меҳнат фаолиятининг оммавийлиги, имкониятларининг тенглиги ва меҳнат ҳиссаси асосида тақсимланиши билан боғлиқ бўлган кадрият йўналишлари тадбиркорлик, шахсий рақобат, ижтимоий мавқе ва моддий капитал бўйича тақсимланиш билан алмашинди. Бироқ меҳнат аввалгидек ишлаб чиқаришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Инсон ресурсларининг миқдорий ва сифат тавсифларига, улардан фойдаланиш самарадорлигига хўжалик юритувчи субъектнинг самарадорлиги ҳам, умуман жамият тараққиётининг ривожланиши ҳам боғлиқдир.

Инсон ресурслари – инсонинг маънаватларини ҳисобга олган ҳолда, такрор ишлаб чиқариш, ривожлантириш, имконият яратиб орқали ҳар қандай жамиятнинг асосий бойлигини ва тараққиётини акс эттирувчи тушунча. «Инсон ресурслари» тушунчаси «меҳнат ресурслари» ва «ходимлар»га қараганда кўпроқ маънога эга, чунки унда инсонларнинг ижтимоий-маданий, шахсий психологик хусусиятлари жамланган. Бошқа барча турдаги ресурслардан (моддий, молиявий, ахборот ва бошқалар) фарқли ўларок, инсон ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари куйидагича:

1. Инсонлар ақл-идроқка эга, шунинг учун уларнинг ташқи таъсирларга (бошқарувга) реакцияси механик эмас, балки эмоционал-мазмуний; менежмент субъектлари ва инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни икки томонлама ҳисобланади.


2. Ақл-идроқка эга бўлиш туфайли инсонлар доимий равишда такомиллашиб ва ривожланиб боришга қодир, бу ҳар қандай жамият ёки алоҳида ташкилотнинг самарадорлигини оширишнинг энг муҳим ва узоқ муддатли манбаи ҳисобланади.



3. Инсонлар ўз олдига аниқ мақсадларни кўйиб, маълум бир фаолият турини (ишлаб чиқариш, ақлий ёки жисмоний меҳнат) онгли равишда танлайдилар.

Инсон ресурслари – бу инсонлар ривожланишининг барча босқичларида жисмоний, интеллектуал, ижодий, психологик салоҳият, чуқур билимга эгалик, тажриба, кўникма, ният ва мақсадлар соҳиби бўлган одамлар гуруҳидир. Ушбу ижтимоий-иқтисодий тоифага нисбатан «ресурслар» тушунчаси ҳозирги вақтда ва келажакда давлат, ҳудудлар меҳнат бозори талаби асосида мутахассилар билан таъминлаш имкониятларни англатади. Ушбу асосга биноан (табiiй, капитал, ахборот ресурслари билан биргалликда) қарорлар қабул қилиниши, ҳудудларни ривожлантириш, уларнинг тармоқ структурасини шакллантириш, умумий ва касб-ҳунар таълими тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

Бироқ «инсон ресурслари» тушунчаси «меҳнат ресурслари»<sup>1</sup>, «меҳнат салоҳияти», «кадрлар», «ишчи кучи» ва бошқа қарор топган тушунчалар билан алмаштирилмайди. Инсон ресурслари мамлакат аҳолиси таркибида меҳнат ресурсларининг юзага келиши ва шаклланиши жараёнида орттирилган ёки орттириладиган назарий ва амалий билимлари, касбий даражаси, малакаси, физиологик, психологик ҳолатининг хусусиятларини қамраб олади. Инсон ресурслари таркибига аҳолининг қуйидаги тоифалари киряди (12.1-расм).



12.1-расм. Инсон ресурслари тuzилиши<sup>2</sup>

Инсон ресурслари таркибида мактабгача ёшдаги аҳолининг мавжудлиги қуйидаги омиллар билан асосланади. Дунёга келган ҳар бир инсон

<sup>1</sup> KILM 1. Labour force participation rate URL: [http://www.ilo.int/wcmsp5/groups/public/-dgreports/---stat/documents/publication/wcms\\_422090.pdf](http://www.ilo.int/wcmsp5/groups/public/-dgreports/---stat/documents/publication/wcms_422090.pdf)

<sup>2</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

аллақачон маълум бир психофизиологик маълумотларга, характерга, реакцияга, кейинги касбий ривожланиш имкониятларини шакллантирадиган маълум фаолият турлари учун қобилиятларга эга бўлиб, улар мактабгача таълим даврида янада аниқроқ кристалланади ва одатда ушбу жараёнда таълим, онглироқ касб танлашга янада яхшироқ юришга имкон берадиган баъзи кўникмаларни эгаллаш билан бирлашади. Фуқароларнинг бу контингенти ҳам олдинги авлодларнинг тажрибаси эгаси, ҳар қандай жамиятнинг келажакдаги иқтисодий фаровонлиги ва хавфсизлиги асосидир. Шахснинг дастлабки шаклланиш босқичида давлат, унинг муассасалари, ота-оналар ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари томонидан жисмоний, интеллектуал, маънавий ривожланиши, касбга йўналтириш, ватанпарварлик тарбияси масалаларига катта эътибор талаб этилади.

Бу ерга молиявий ресурслар, моддий ресурслар, шу жумладан, ҳаётда бажариши лозим бўлган вазифаларини англаб етиш мақсадида маблағлар киритиш, муносиб касб, шахсий қобилиятга мос келадиган иш топиш учун харажатларни (жамоат ва индивидуал) камайтириш орқали ўзини оклайди, ёшларнинг битта касб таълим муассасасидан бошқасига «сақраши»ни истисно қилади, яқунда корхоналарнинг юқори иқтисодий самарадорлик билан ишлаганига олиб келади.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган, аҳолини касбий йўналтириш бўйича бой тажрибага эга бўлган давлатлар мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич мактаб ўқувчиларига алоҳида эътибор беришади. Эрта босқичда уларнинг нималарга мойиллигини аниқлаш, болалар биринчи меҳнат кўникмалари билан таништириш амалга оширилади, улар ҳали касб билан боғлиқ бўлмаган муайян қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ биринчи билимларни олишади. Бу ерда асосий роль ота-оналар ва уй таълими, мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич мактаб ходимларига, шунингдек, ушбу ёш гуруҳлари учун фойдаланиладиган оммавий ахборот воситаларига, муайян ҳаётий мисоллар ва таъсирнинг визуал шаклларига қаратилади.


Маълумки, жисмоний ва маънавий имкониятлар инсон ёшига боғлиқ бўлади. Инсон ҳаётининг эрта ва етук даврида улар шаклланиб, ривожланади ва қарилка келиб, табиийки, улар аста-секин йўқолади.

Шундай қилиб, ёш – бу аҳолидан меҳнат ресурсларини ажратиб кўрсатишга имкон берадиган ўзига хос мезондир. Бироқ бу мезон жуда нисбийдир, чунки ходимлар мос келувчи профессионализм даражасига турли муддатда эришадилар ва турли вақтларда уни йўқотадилар. Бу меҳнат ресурслари сонини аниқлашда улар қаторига кимларни киритиш кераклигини ҳал қилишда ҳисобга олиниши керак.

Юзага келган статистик амалиётга кўра, меҳнат ресурслари меҳнатга лаёқатли ёш ва ҳолатдан фуқаролар, мамлакат иқтисодиётида ишлайдиган

меҳнатга лаёкатли ёшдан кичик ва ундан катта фуқаролардан иборат. Ёш бўлганларни ишлайдиган ўспиринлар, катта бўлганларни эса ишлайдиган нафақахўрлар дейишади.

2020 йил бошидан буён аҳоли 0,29 фоизга кўпайиб, 33,9 млн кишидан 34,0 млн кишига етди. Аҳолиси сони бўйича Марказий Осиёда энг йирик мамлакат жуда тез ўсишни намойиш этмоқда. 2010 йилдан бошлаб Ўзбекистон аҳолиси ҳар йили ўртача 1,80 фоизга ўсиб бормоқда.



12.2-расм. 2020 йил бошида Ўзбекистон аҳолисининг ёш ва жинс таркиби, киши<sup>1</sup>


Ўзбекистондаги ҳозирги демографик ўсишнинг сабабларидан бири бу аҳолининг турли ёш гуруҳларининг динамикаси. 2010–2020 йилларда Ўзбекистонда кузатилган аҳоли сонининг ўсиши, асосан, 25–29 ва 30–34 ёш гуруҳлари умумий аҳоли таркибидаги фаол ўсиш, билан боғлиқ. Ушбу ёш гуруҳлари барча туғилишларнинг ярмидан кўпини ташкил қилади. Масалан, 2010–2020 йиллар давомида ушбу икки ёш гуруҳининг умумий ҳажми 34,7 фоизга, мамлакат аҳолисининг умумий сони эса 21,1 фоизга ўсди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси.

Шу билан бирга, турли ёшдаги гуруҳларнинг динамикаси яқин 5–10 йил ичида Ўзбекистонда туғилишнинг сезиларли даражада пасайишини кутиш учун асос беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган аҳолиси тахминан 5,54 миллион кишини ташкил этади, бу 25–34 ёшдаги (6,2 миллион) ёш гуруҳидан 12 фоизга кам. Кейинги ўн йил ичида 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган кичик гуруҳ аста-секин анча каттарок 25 дан 34 ёшгача бўлган гуруҳни алмаштиради, бу эса аҳолида туғилишнинг мутлақ сонининг пасайишига олиб келади. Ушбу модель яқин 15–20 йил ичида бутунги кунда энг катта ёш гуруҳи 0-9 репродуктив ёшга етунига қадар давом этиши мумкин (15.2-расм).

Айтиш жоизки, демографиянинг ҳозирги ҳолати ва Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркиби иқтисодий нуқтаи назардан мақбул. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда аҳолининг 10,5 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдан юқори бўлганлар, 30,8 фоизи меҳнатга лаёқатсиз ёшда ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг жуда катта қисми (58,7 фоиз) бу иқтисодий ўсишни таъминловчи омил ҳисобланади. Кўп сонли ва ортиб бораётган ёшлар туғилиш даражасининг пасайиши билан биргаликда демографик дивиденд олиш учун Ўзбекистон учун катта имкониятлар яратмоқда.

Бир томондан демографик дивидендлар олиш имконияти яратилаётганлиги бўлса, бошқа томондан мамлакатда ўртача умр кўриш давомийлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу бир томондан оилаларга қўшимча даромад манбаи бўлиб хизмат қилса, бошқа томондан оила бюджети харажатлари бўйича жон бошини сонини сақлаб туришга замин яратади. 2010-2020 йиллар давомида Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 73 ёшдан 75,1 ёшга етганлигини кўриш мумкин (12.3-расм).



3-расм. Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги, йил<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ёшнинг энг паст чегараси 1 ёш бўлиб, эркалар учун 60, аёллар учун 55 гача белгиланган. Аммо бу қоидадан истиснолар мавжуд. Инсон танасида юқори психофизиологик стресслар билан боғлиқ баъзи касбий фаолият турлари учун пенсия режаси сезиларли даражада паст – 5-10 ёки ундан ҳам кўпроқ йилга фарқ қилади. «Имтиёзли равишда қарилик бўйича пенсиялар» тизими мавжуд. Бу ноқулай, оғир меҳнат шароитлари бўлган ишлаб чиқаришга (масалан, кўмир казиб олиш, металлни эритиш ва бошқалар), шунингдек, йиллар давомида исталган «меҳнат шаклини» (масалан, балетда) сақлаб қолиш имконияти йўқотиладиган касбларга тегишли. Ҳақиқий ҳаётда кўплаб «имтиёзли пенсонерлар» аввалги сифатида ёки бошқа ишда муваффақиятли ишлаш-ни давом эттирмақдалар ва шунинг учун ишчи кучининг бир қисми бўлиб қолмақдалар. Ишламайдиганлар уларнинг таркибидан чиқарилади.


Меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамларнинг маълум бир қисми – соғлиғи ёмонлиги сабабли ҳеч қачон ишламаган ёки ишлашни тўхтатганлардир. Гап давлат пенсия билан таъминлайдиган ногиронлар ҳақида кетяпти. Улар меҳнат ресурслари таркибига киритилмайди. Бироқ, уларнинг баъзилари, айниқса, иш жойида мақбул шароитлар яратилган ҳолларда, ишлаши мумкин. Бундай ҳолда, улар меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолига тааллуқли бўлади.

Узоқ йиллар давомида касбий йўналтириш маданиятини тарғиб этилмаганлиги, оила, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият томонидан эътиборнинг сустлиги, мактабгача таълим муассасаларининг етишмаслиги, уларнинг моддий-техник базасининг заифлиги мамлакатимизга ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан катта йўқотишларига олиб келди.

Ушбу йўналишдаги 2019 йилнинг 16 декабрида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги<sup>3</sup> қонун имзоланди. Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадларига йўналтирилган ушбу Қонунда мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, мактабгача таълим ва тарбия олишга доир давлат кафолатлари белгиланди.

Ўзбекистон Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони билан 2020 йил 8 февраль кун Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Инсон ресурслари таркибида меҳнат соҳасига жалб қилинганликка қараб, меҳнат ресурслари ва персонал ажратиб кўрсатилади (15.4-расм).



12.4-расм. Инсон ресурслари структураси<sup>1</sup>

*Мехнат ресурслари* аҳоли таркибидаги психо-физиологик ва қобилиятлари туфайли моддий неъматлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга қодир бўлган қисмини ифodalайди.

Ушбу таърифдан келиб чиқадики, меҳнат ресурсларига иқтисодий-да иш билан банд бўлганлар ҳам, банд бўлмаганлар ҳам, пировардида меҳнатга лаёқати ва имконияти бор аҳоли қатлами киради. Бошқача қилиб айтганда, меҳнат ресурслари реал ва потенциал ишчилар бўлиб, инсон ресурслари структурасининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан бирга, умумий аҳоли ва ҳозирги вақтда объектив сабабларга кўра ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок эта олмайдиганлар ўртасидаги фарқ меҳнат ресурслари ҳажмини белгилаб беради.

Фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида меҳнат қилиш учун инсонга маълум бир маънавий (интеллектуал) ва жисмоний ривожланиш керак. Ушбу ривожланишнинг йўналишлари, бир томондан, иқтисодий, бошқа томондан, маънавий чекловлар билан, яъни жамиятининг муҳим кадриятларидан бири сифатида фуқароларининг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашга жамиятнинг қизиқиши ва имкониятлари билан белгиланади. Маънавий фазилатлар деганда умумий таълим ва касбий билим ва кўникмалар, шахсий хусусиятлар инсоннинг танланган фаолият турида муваффақиятли ишлашининг зарурий шarti сифатида тушунилади. Иқтисодий мураккабланиш-

<sup>1</sup> Муаллифлар ишланмаси

ган сари инсоннинг ҳар иккала сифат кўрсаткичларининг қиймати доимий равишда ошиб боради. Бу меҳнат соҳасидаги бутунжаҳон тенденциясини акс эттиради. Иқтисодиёт ва умуман жамиятдаги чуқур ва тез ўзгариш даврларида инсонларнинг жисмоний ва маънавий фазилатларининг роли айниқса, ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда ўтмишдаги марказлашган иқтисодий режалаштиришдан сўнг, бозор иқтисодиёти механизмларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат томонидан сиёсат олиб бориши мамлакат аҳолисининг турмуш тарзига таъсир кўрсатгани шубҳасиздир. Марказлаштирилган режалаштириш инсоннинг меҳнат соҳасидаги хулқ-атворини чеклаб қўйди, бу эса унга фаоллик, мустақиллик, қобилиятлилиқ, янгиликка интилиш яъни инсон капиталини ривожланиш учун жуда кам имконият қолдирди. Бозор иқтисодиёти, аксинча, инсон ташаббусини назарда тутди. Унинг қандай яшаши янги иқтисодий тизимга «мослашиш» қобилиятига боғлиқ. Бу, бошқа нарсалар тенг бўлганда, инсоннинг жисмоний имкониятлари ва маълумотлари юқорироқ бўлса, шунча муваффақиятли бўлади.

Биз “меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли” тушунчасини аниқлаб олганимиздан сўнг, меҳнат ресурслари таркибига кирадиган фуқароларнинг бошқа тоифаларига – ишлайдиган ўсмирлар ва ишлайдиган нафақахўрларга ўтамиз. Фуқароларнинг ушбу қисmini мамлакат иқтисодиётида иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий асоси ҳар доим барча фуқароларнинг ёши, жинси, ижтимоий мавқеи ва ҳоказоларидан қатъи назар меҳнат қилиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қонун ҳужжатлари бўлиб келган.

Халқаро таснифга кўра Ўзбекистонда ишчи кучи иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли гуруҳларига ажратилиб ҳисобланади. Бундай тақсимлаш халқаро қиёслашни бемалоллаштириш билан бирга ишчи кучини мамлакат ва ҳудудлар миқёсида жаҳон андазалари асосида бошқариш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1011-сонли қарорига кўра, меҳнат ресурслари, иш билан бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини ишлаб чиқиш ҳамда ишга жойлаштиришга мухтож, меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисоблаш методикаси тасдиқланган, унга кўра меҳнат ресурслари сони қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

$$LR = WAPM + WTP, \text{ бунда:}$$

**LR** – меҳнат ресурслари

**WAPM** – меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли;

**WTP** – ишлаётган ўсмирлар ва нафақахўрлар.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли (WAPM) сони меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар) сонидан меҳнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, имтиёзли шартларда пенсия олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар сонини чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади:

$$WAPM = M_{p(16-59)} + W_{p(16-54)} - I_p - PP, \text{ бунда:}$$

$M_{p(16-59)}$  – 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар;

$W_{p(16-54)}$  – 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар;

$I_p$  – меҳнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари;

$PP$  – имтиёзли шартларда пенсия олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги нафақахўрлар.

Меҳнат ресурслари инсон ресурсларини тавсифловчи ягона тушунча эмас. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда «иқтисодий фаол аҳоли» тушунчаси аллақачон пайдо бўлган. Бугунги кунда у Ўзбекистон Республикасида тан олинган, унга иш билан банд бўлганлар ва иш излаётган ишсизлар киради. Иқтисодий фаол аҳоли – аҳолининг даромад келтирадиган ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланадиганлар ва фаол иш қидираётган, ишга туширишга тайёр бўлганлардан иборат бир қисмидир.

Шундай қилиб, «меҳнат ресурслари» таркиби бўйича «иқтисодий фаол аҳоли» тушунчасига қараганда кенгрокдир. Иқтисодий фаол аҳоли билан бир қаторда, улар таркибига меҳнатга лаёқатли ёшдаги талабалар, уй бекалари ва расмий равишда ишсиз бўлишига қарамай, бирон бир сабабга кўра миллий иқтисодиётда ишламайдиган мамлакатнинг шу ёшдаги барча фуқаролари ҳам киради.

Меҳнат ресурсларининг мамлакат, минтақа, саноат, ташкилот даражасидаги қисми ишчи кучи ҳисобланади.

Иш кучи деганда меҳнат қилиш қобилияти, инсон эга бўлган ва ишлаб чиқариш учун фойдаланадиган жисмоний ва интеллектуал қобилиятлар, билимлар, маҳорат ва кўникмалар йиғиндиси тушунилади. Иш кучи унинг ривожланиш босқичидан ва ижтимоий шаклидан қатъий назар ҳар қандай жамият учун хосдир. Аммо бу тушунча жамиятнинг тарихий ривожланишининг маълум бир босқичида аниқ иқтисодий маънога эга бўлди.

Республикамизда 2021 йил 1 январь ҳолатига мавжуд бўлган 19,1 млн нафар меҳнат ресурсининг 14,8 млн нафари иқтисодий фаол аҳоли ҳисобланади. Шундан 13,2 млн Нафари ўз иш жойига эга, 1,6 млн аҳоли бандлиги-



ни таъминлаш талаб этилади. Улардан 805,2 минг кишидан ортиги 16-30 ёшдаги ишсизлардир.

Шунингдек, меҳнат бозорига 2021 йилда жами 560 минг битирувчи кириб келади. Яъни, олий таълим муассасаларини 103,1 мингдан ортиқ, умумтаълим мактабларини 440 мингга яқин, академик лицей ва касб-хунар коллежларини 18 мингдан зиёд ёшлар тамомлайди. Натижада 2021 йилда ёшлар бандлигини таъминлаш учун эҳтиёж 1365,2 минг нафарни ташкил қилади<sup>1</sup>.

Бунинг учун замонавий усуллар асосида инсон ресурсларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Инсон ресурсларини бошқариш – макро, мезо, микро, нано даражасида инсонлар ресурсларининг меҳнат муносабатлари, салоҳияти, самарали ривожланиши учун шароитлар яратиш бўйича ўзаро боғлиқ ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлар тизими. Инсон ресурсларини бошқариш корхонанинг (микро, нано даража) даражасида энг қимматли активи – жамоавий ёки индивидуал равишда корхона вазифаларини ҳал қилишга ҳисса қўшадиган стартегик ва мантиқий кетма-кетликдаги ёндашув сифатида таърифланиши мумкин. Инсон ресурслари бошқариш:

– максимал самара олиш, ташкилот фаолиятида юқори якуний натижаларга эришиш мақсадида ходимларнинг мотивациясини, меҳнат хулқ-атворини ўзгартиришга қаратилган узлуксиз жараён шаклида намоён бўлади;

– ходимларнинг салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича вазифалар мажмуини қамраб олган корпоратив стратегия ва ташкилий структура билан белгиланадиган ташкилотнинг махсус функционал хизматлари ва чизиқли раҳбарларнинг биргаликдаги фаолиятини ифодалайди.

## **12.2. РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИГА ҚЎЙИЛАЁТГАН ЯНГИ ТАЛАБЛАР**

Мамлакатимизда илм-маърифатга алоҳида урғу берилиши ва бу орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масаласи кун тартибига қўйилиши бугунги кун заруратидир. Зеро, энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир.

Рақамли иқтисодиётта иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асносида амалга оширишнинг яхлит бир тизими сифатида қаралади. Бунда рақамли иқтисодиёт янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот // “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 31 май, №113 (7893)-сон, 2-бет.

ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодийтни янгича тизимга кўчириш демакдир.

2019 йилда амлакатимизда рақамли иқтисодийтнинг ЯИМдаги улуши 2,2% фоизни ташкил этаётганлиги келтирилган. Ўртача мақбул кўрсаткич 7-8 фоиз ҳисобланади. Буюк Британияда бу 12,4 фоиз, Жанубий Кореяда – 8 фоиз, Хитойда 6,9 фоиз, Ҳиндистонда 5,6 фоиз, Россияда 2,8 фоиз, Қозоғистонда 3,9 фоиз ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасига мувофиқ 2025 йилга келиб ЯИМда ахборот коммуникация технологиялари улушини 5,0 фоизга, 2030 йилга келиб эса 10 фоизгача ошириш режалаштирилмоқда<sup>1</sup>.

Сўнгги йилларда иқтисодийтнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириш мақсадида Президентимиз томонидан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари имзоланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 апрель 2020 йилда “Рақамли иқтисодийёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ 4699-сонли қарори билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийetni ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда иқтисодийёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодийетининг раёобатбардошлигини янада ошириш бўйича чора тадбирлар белгилаб берилди.<sup>2</sup>

– Ушбу қарорда қуйидагиларни амалга ошириш вазифалари белгиланган:

2023 йилга келиб рақамли иқтисодийтнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан, ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш;

2020-2021 йилларда барча соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар

<sup>1</sup> Н.Иминова, А.Иминов. Ўзбекистонда рақамлаштириш жараёнларининг ривожланиши // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Илмий-электрон журналы, № 2, Март-апрел, 2020. 179-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 апрель 2020 йилда “Рақамли иқтисодийёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4699-сон Қарори // URL: <https://lex.uz/docs/4800657>

ва мактабгача таълим ташкилотларини, шунингдек, қишлоқлар ва маҳалла-ларни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш ҳамда алоқа хизматлари сифатини оширишни кўзда тутган ҳолда мамлакатнинг рақамли инфратузилмасини тўлиқ модернизация қилиш ва замонавий телекоммуникация хизматларидан барча ҳудудларда фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

2022 йилга қадар электрон давлат хизматлари улушини 60 фоизгача етказишни назарда тутган ҳолда давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда интеграция қилиш, давлат маълумотлар базаларидаги ахборотларни унификация қилиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш тартибларини оптималлаштириш ва тартибга солиш орқали электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш;

дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали «рақамли тадбиркорлик»ни ривожлантириш, 2023 йилга келиб ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 бараварга ошириш ва уларнинг экспортини 100 миллион долларга етказиш;

таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, «Беш ташаббус» лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2022 йилга қадар республиканинг барча ҳудудларида рақамли билимларга ўқитиш марказларини очиш.

Рақамли иқтисодиётни кенг жорий этиш ва уни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёт режасидан муҳим ўрин эгаллаганлиги туфайли иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланди ва мазкур вазифалар ижроси ўларок, мамлакатимизда янги электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда, электрон инфратузилма ва тижорат шакллантирилмоқда, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида рақамли трансформацияга ўтилиши қадамма-қадам амалга оширилмоқда.

Рақамли трансформация реализацияси бўйича сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар қаторида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан контакtsiz алоқа шакллари янада ривожлантириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг янги версияси, Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш виртуал қабулхонаси “business.gov.uz” портали ишга туширилди.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича энг истиқболли ва стратегик муҳим лойиҳаларни, шунингдек, блокчейн технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасида чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган “Рақамли ишонч” жамғармаси ташкил этилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда келишиш учун бир вақтнинг ўзида кенг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасини ўтказиш ва тезкор жўнатиш учун вақтни ва меҳнат ресурсларини сезиларли даражада тежаш мақсадида ягона электрон тизими “project.gov.uz” жорий этилди.

Рақамли иқтисодиёт технологик ва бизнес жараёнлари, ишлаб чиқариш, логистика ва тайёр маҳсулотларнинг савдосини рақамлаштириш учун мамлакатимизда замонавий инфратузилмага эга бўлган “IT-парк”лар ташкил этилди. Крипто-актив ва блокчейн технологиялар соҳасидаги ташкилотларнинг эркин фаолияти йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда замонавий дастурлаш технологияларини ўзлаштирган кадрларни тайёрлаш мақсадида “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси ишлаб чиқилиб, лойиҳа доирасидаги машғулотларни ташкил этиш учун [uzbekcoders.uz](http://uzbekcoders.uz) ўқув портали ишга туширилди.

2020 йил мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди ва бу борадаги ишлар эндиликда янги босқичга кўтарилиб, Президент Фармони билан мамлакатнинг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда аввало телекоммуникация ва электрон инфратузилмани такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Албатта, аҳолини интернет тармоғидан фойдаланиш даражаси қанчалик юқори бўлса рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат тизими ҳам шунча самарали фаолият юритади. Юртимиз бўйича интернет фойдаланувчилари сони жами аҳолига нисбатан 2018 йилда 46 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 60 фоиздан юқори бўлмоқда.

Реаллик билан боғлаганда рақамли иқтисодиёт ривожланган давлатларда ЯИМ ҳажми ҳам, ЯИМнинг аҳоли сон бошига улуши ҳам юқорилигини кўришимиз мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мамлакатимизда мазкур масалага эътибор қаратиш ягона мақсадни кўзлайди, у ҳам бўлса, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, аҳолини реал даромадини ошириш, қолаверса, тадбиркорликни ва мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси билан жаҳон иқтисодиёти ривожланиши тенденциялари ҳисобга олинган ҳолда миллий иқтисодиётни ривожлантириш вариантларидан бири сифатида айни бир вақтда иқтисодиётни рақамлаштириш ва инсон капитали сифатини ошириш йўли билан бошқарув самарадорлигини ва умум-

ман иқтисодиётни ўстириш вазифаси қўйилади. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида қуйидаги қатор йўналишларда ижобий натижага эришиш мумкин бўлади: хуфёна иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камаяди, бюрократик тўсиқларнинг олди олинди, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими йўлга қўйилади ва тўлов тизимида бир қатор қулайликлар вужудга келади, коррупция даражасини пасайтириш мумкин бўлади, иқтисодиётнинг шаффофлиги таъминланади.

Ахборотлашган ёки постиндустриал жамият цивилизация ривожланишининг тарихий босқичи бўлиб, унда етакчи роль ахборот ва билимларга тегишли бўлади. Жамиятдаги ходимларнинг структураси сўнгги ўн йилликларда хизмат кўрсатиш, маълумот ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, билим соҳасидаги ишчилар улушининг изчил ўсишини акс эттиради. Ялпи ички маҳсулотда ахборот коммуникация маҳсулотлари ва хизматлари, технологияларининг улуши ўсиб бормоқда.

Ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, қуйидагиларни таъминлайдиган глобал ахборот маконини барпо этишдан иборат:

- фаол ахборотнинг ўзаро алоқаси;
- жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиш;
- ахборот маҳсулотлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжни қондириш.

Иқтисодиёт самарадорлиги тобора кўпроқ юзага келаётган шароитларда янги талаблар ва ривожланиш вазифалари тақдим этиладиган инсон ресурсларининг интеллектуал-ижодий салоҳияти ва ахборот капитали билан белгиланади. Глобализация жараёнида хизматларни ишлаб чиқаришнинг тобора мураккаблашиб бораётгани персонал малакасининг доимий равишда ўзгаришларга мослашувчанлиги ва ваколатларини ривожлантири заруриятини келтириб чиқармоқда. Пайдо бўлаётган билим турларини шакллантириш, тарқатишда ва фойдаланишда кадрлар, персоналнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Республикада рақамлаштириш жараёнларининг ривожланиши натижасида кадрлар сиёсати ҳам ўзгариб, корхона ва ташкилотларнинг кадрлар сиёсати қуйидагиларни назарда тутмоқда:

- ходимлар учун қулай рақамли муҳитни таъминлаш;
- рақамли иқтисодиётда ишчиларга янги талабларни ишлаб чиқиш;
- бизнес жараёнларини рақамлаштириш шароитида кадрлар самарадорлигини баҳолашнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш.

Кадрлар сиёсатидаги ўзгариш тенденциялари асосан кадрлар жалб этилишини таъминлаш ва янги шароитларга мослашиш, кадр рақамли форматда ишлаши учун зарур бўлган асосий ваколатларни аниқлаш ва кадрлар жараёнини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ.

Рақамли иқтисодиёт бошқарув тизимида рақамли ахборот, рақамли етакчилик, рақамли коммуникациялар, рақамли иш жойи каби элементларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда (12.1-жадвал).

12.1-жадвал

**Инсон ресурсларини бошқариш тизимида рақамлаштириш йўналишлари**

Рақамлаштириш йўналишлари	Йўналиш тавсифи
Рақамли ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқаришни рақамлаштириш инсоннинг жисмоний меҳнатини камайтириш билан шуғулланади, меҳнат ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилади ва назорат қилади ҳамда ташкилот ходимларининг ҳавфсизлигини таъминлайди
Рақамли етакчилик	Раҳбарият рақамли технологияларни самарали жорий этиш учун қайтар алоқа, корпоратив кадриятлар, ўзаро фаолият тамойиллари ва барча ходимларнинг фаоллиги асосида рақамли ташкилий маданиятни шакллантиради
Рақамли коммуникациялар	Рақамли коммуникациялар ахборот узатишининг тезкорлиги ва долзарблигини, кўп вазифали муҳитда самарали ўзаро алоқани ва жавобгарликни оширади
Рақамли иш жойи	Ташкилотларга янги, янада самарали ишлаш усулларини жорий этишга имкон беради, ходимларнинг фаоллиги ва мослашувчанлигини оширади, шу билан бирга охириги фойдаланувчига йўналтирилган иш режимидан фойдаланади. Рақамли иш жойи қулай иш, маълумотларни тизимлаштириш, қидириш ва таркибни шахсийлаштириш учун ягона платформадир. Менежерлар учун асосий афзалликлар: ходимларнинг иши тўғрисида ҳисоботларни йиғишни автоматлаштириш, вазифаларни бошқариш қулайлиги ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш, ходимлар тизимидан ходимлар тўғрисидаги маълумотларни автоматик равишда қўшиш ва керакли корпоратив хизматлардан фойдаланишнинг ягона ойнаси ҳисобланади.

Манба: Муаллифлар томонидан тузилган

Савол туғилади: инсон ресурсларига қўйиладиган янги талаблар қандай ва уларнинг аввалгиларидан қандай фарқ қилади? Ўзбекистон Республикасида персоналга талабларнинг амъанавий тизими ягона профессионал стандартлар билан белгиланади. Турли ҳужжатларнинг амал қилиш муддати ўтган ҳисобланади, кўп жиҳатдан ушбу меъёрий ҳужжатлар ходимларга қўйиладиган талабларнинг расмий томонини белгилайди, шу билан бирга, улар иш берувчилар томонидан амалдаги талабларнинг тез динамикасига мос келишга улгурмайди.

Ходимга касбий ва ишбилармонлик талабларини тизимлаштириш инсон ресурсларини бошқаришнинг лавозимга, ходимга ўзгарувчан касбий талабларни, шунингдек, профессионал функцияни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган шахсий ва ишбилармонлик хислатларини ҳисобга олишга имкон берадиган ваколатлар моделларини ташкилот ва корхоналарда яратиш каби йўналишида акс эттирилади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда «компетенция (ваколат, бирор киши яхши хабардор бўлган соҳа ёки масала) ва компетентлик (асослилик, чуқур билимга эгалик) тушунчалари

муносабатларига узил-кесил ёндашув ишлаб чиқилмаган ва улар кўпинча бир нуқтаи назарда фойдаланилади». Асослилиқ (чуқур билимга эгалиқ) деганда оптимал вақт ва ишлаб чиқариш харажатларида меҳнат функцияларини бажариш учун ваколатларни амалга ошириш ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ҳажмдаги қобилияти тушунилади. Компетенция қуйидагиларни назарда тутуди: профессионал ва умуммаданий билимлар; билимларни амалиётда қўллаш орқали кўриб чиқиладиган кўникмалар; маълум бир меҳнат функциясини бажаришда ўзини профессионал тута олиш қобилиятини кўзда тутадиган мулоқот усуллари. Компетенциялар модели бу – ходимларга ташкилотнинг стратегик мақсадларига эришиш учун зарур бўлган асосий компетенциялар тўплами, профессионал фаолиятда уларнинг намоён бўлиши муайян кўрсаткичлари билан ҳисобланади. Ташкилот, ўз фаолияти хусусиятларидан, ривожланиш босқичларидан келиб чиқиб, инсон ресурсларини бошқаришда энг катта самарадорликка эришиш имконини берадиган талаблар рўйхатини белгилаб беради ва мавжуд баҳолаш воситаларини ишлаб чиқилган компетенциялар модели билан таққослайди.

Таъкидлаш жоизки, ходимнинг талаб қилинган шахсий ва ишбилармонлик хислатлари, шунингдек, муайян лавозим позицияси, персоналнинг касбий-малакавий, функционал гуруҳига ҳам боғлиқ бўлади.

Ахборотлашган жамиятда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий манбаи бўлган ишчилар ва мутахассисларнинг юқори малакаси бугунги кунда айрим давлатларнинг бошқаларга нисбатан энг муҳим рақобат устунлиги ҳисобланади. Ходим замонавий бозорнинг малакавий талабларига жавоб бериши, ўз билим ва кўникмаларини оширишга интилиши керак. Шу муносабат билан корхоналар раҳбарияти ташкилот ва жамият ривожланишининг тегишли босқичида ходимларнинг муҳим ваколатларини таъкидлаш, ушбу ваколатларни аниқлашнинг энг яхши усулларини танлаш ва ходимларнинг мавжуд салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш масалаларига дуч келмоқдалар.

Профессионал стандартларга мувофиқ мамлакатимизда ходимга қўйиладиган талабларда касбий стандартларни жорий этилиши катта аҳамиятга эга. Унинг асосий мақсади меҳнат бозорининг сўнгги талабларини, иқтисодиётнинг эҳтиёжларини, касблар ва мутахассисликлардаги ўзгаришларни ҳисобга олиш, яъни меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва эскирган меъёрий-ҳуқуқий базани янгилаш ҳисобланади. Амалдаги малакавий маълумотномалар замонавий талабларга жавоб бермайди ва талаб қилинадиган кўплаб касблар уларда акс этмайди.

Ҳозирги босқичда инсон ресурсларига талабларни кўриб чиқиш ташкилот даражасида инсон ресурсларини бошқариш объекти ва субъектини ажратишни, персонал (инсон ресурслари) структурасини ўрганишни ўз

ичига олади. Ташкилот персонали (инсон ресурслари) бошқарув объекти сифатида қуйидагилар даражасида кўриб чиқилиши мумкин.

- шахс (ходим муаммосини ҳал қилишга индивидуал ёндашув);
- жамоа, ижтимоий ташкилот;
- мамлакат. Бунда персонал, инсон ресурслари бошқарув объекти сифатида қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- ўзини-ўзи ривожлантириш;
- ички мотивациялар мавжудлиги;
- расмий ва норасмий муносабатлар уйғунлиги.

Инсон ресурсларини бошқариш субъекти деганда қуйидагилар тушунилади:

1) функционал аппарат (кадрлар қабул қилиш, мослаштириш, тайёрлаш, кўчириш ва ҳоказо жараёнларни бошқаришга ихтисослашади);

2) чизикли бошқарув персонали (қўл остидаги жамоаларга раҳбарлик қилишни амалга оширади);

3) касаба уюшмалари ва жамоани жипслаштириш, унинг аъзолари ижодий фаоллигини ривожлантириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бошқа жамоат ташкилотлари.

Баъзида инсон ресурсларини бошқариш субъектлари қаторига ташкилотдаги норасмий етакчилар ҳам киритилади. Ташкилот персонали, инсон ресурслари структураси, бу – маълум бир белги бўйича бирлаштирилган турли ходимлар гуруҳлари йиғиндиси.

Уч хил асосий персонал структураси тури ажратиб кўрсатилади:

Персоналнинг касбий-малакавий структураси ишчилар ва мутахассислар касбий ва малакавий гуруҳлари таркиби ва нисбати билан белгиланади.

Функционал структура – ходимлар гуруҳларини функциялар (фаолият турлари) бўйича ажратишни назарда тутди.

Ижтимоий структура – ташкилотда ходимларни ижтимоий-демографик гуруҳлар бўйича ажратиш.

Шунингдек, ташкилот персоналининг статистик ва таҳлилий структураси ажратиб кўрсатилади.

Статистик структура инсон ресурслари тақсимланиши, уларнинг фаолият турлари (асосий ва асосий бўлмаган фаолият) бўйича аҳоли бандлиги кесимида ҳаракатини, турли лавозимлар гуруҳлари ва тоифалар (раҳбарлар, мутахассислар, ишчилар) нисбатини тавсифлайди. Статистик структурага мисол қуйида келтирилган:

- 1) топ-менежерлар (олий бўғин раҳбарлари);
- 2) ўрта бўғин раҳбарлари;
- 3) мутахассислар (чизикли раҳбарлар, девонхона ходимлари);
- 4) ишлаб чиқариш персонали (ишчилар);
- 5) ёрдамчи персонал.



Тахлилий структура персонални касб, малака, жинс, ёш, маълумот, иш стажи (умумий жихат) каби белгиларга мувофиқ кўриб чиқишни назарда тутати. Хусусий тахлилий структура корхона, ташкилот ўзига хосликларини акс эттиради. Масалан, ўзига хос меҳнат шароитлари бўйича гуруҳлар ажратиб кўрсатилади: «оғир меҳнат билан бандлар» ва ҳоказолар. Айрим ташкилотларда персонални Халқаро меҳнат ташкилотида қабул қилинган таснифга мувофиқ гуруҳлаш фойдаланилади. Шунга мувофиқ жамиятда иш билан банд бўлганлар учта йириклаштирилган гуруҳга бўлинади:

- 1) ходимлар;
- 2) бошқарувчилар (менежерлар);
- 3) акциядорлар;
- 4) директорлар кенгаши.

Бошқарув персонали, ўз навбатида, қуйидаги кичик гуруҳларга бўлиниши мумкин:

- 1) ташкилотлар раҳбарлари, уларнинг муовинлари;
- 2) структурали бўлинмалар раҳбарлари, бош мутахассислар;
- 3) иқтисодий функцияларни амалга оширувчи мутахассислар;
- 4) ишлаб чиқаришнинг муҳандислик-техника таъминоти бўйича мутахассислар;
- 5) хизматчилар лавозимлари (ҳисоб, назорат, ҳужжатларни расмийлаштириш, хўжалик хизматлари кўрсатиш)

Персоналга асосий талабларни аниқлаш, ваколатлар моделини ишлаб чиқишда муайян ташкилот персонали структурасини ҳисобга олиш керак.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши, алоқа ҳаракатчанлиги, мослашувчан коммуникациялар, янги иқтисодий имкониятлар ва бошқалар инсон ресурсларига янги талабларни белгиловчи постиндустриал жамият шароитини яради. Постиндустриал жамиятни шакллантириш ҳар бир инсоннинг ахборот тайёргарлигисиз мумкин эмас. Ахборотни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш қобилияти инсонни замонавий жамият шароитларига мослаштиришда муҳим рол ўйнайди. Шунга кўра, ҳар қандай мутахассис эга бўлиши керак бўлган асосий (умумий маданий) ваколатлар (яъни, ходимнинг меҳнат функциясини бажариш жараёнида ва касбга ёки мутахассисликка боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг олдида турган муаммоларни ҳал қилиш қобилияти) қуйидагилар ҳисобланади:

- ахборот олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий воситалари ва усуллари билиш;
- ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш дастурий воситалардан фойдаланиш кўникмалари;
- билим олиш ва касбий фаолиятда информатика ва замонавий ахборот технологиялари соҳасидаги базавий билимлардан фойдаланиш қобилияти;
- интернет-ресурслардан фойдалана олиш.

Шахсий, ишбилармонлик фазилатларига қўйиладиган талабларнинг ўзгаришига келсак, биринчи навбатда қуйидагиларни эътиборга олиш керак: янгисига мослашиш, ўз вақтида ўзгартириш. Бу жуда зарур, чунки илгари мутлақо номаълум бўлган янги касблар, мутахассисликлар фаол равишда пайдо бўлмоқда (масалан, XXI асрда баннермеркер, бренд-менеджер, андеррайтер, веб-девелопер, веб-дизайнер, веб-дастурчи, ривожлантириш бўйича мутахассис, контент-менеджер ва бошқалар пайдо бўлди).

Интеллектуал меҳнатнинг роли ўсиши билан тизимли фикрлаш қобилиятига талабни қайд этиш лозим. Тизимли фикрлашнинг ривожланганлик даражаси қарор қабул қилиш тезлиги ва сифатини намоёниш этади. Тизимли фикрлай оладиган киши турли вазиятларда қонуниятларни аниқлаш, барча риск ва имкониятларни баҳолаш, рўй бераётган воқеалар ҳақида тўлақонли тасаввурга эга бўлишга қодир бўлиб, бу ахборотлашган жамиятда жуда муҳимдир.

Замонавий талаб сифатида ижод, креатив фикрлаш, янги ғоялар ишлаб чиқиш ва инновацион фикрлаш тарзини яратиш қобилиятини қайд этиш мумкин.

Технологик тараққиётнинг «сакраши» инсон ресурсларидан муаммоларни ҳал қилишга ижодий ва самарали ёндашишга қодир хислатларни талаб қилади. Замонавий жамиятда инсон ресурсларига қўйиладиган муҳим талаб турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш қобилиятидир, бу бизга янги ғояларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга имкон беради.

Ходимнинг жуда зарур шахсий сифати, айниқса, ўрта ва юқори даражадали бошқарув учун ўзини бошқариш, эмоционал салоҳиятини бошқариш қобилияти ҳисобланади. Сўнги пайтларда тобора кўпроқ иш берувчилар эмоционал интеллект (EI, ингл. *“emotional intelligence”*) ва қобилият коэффициенти (IQ, ингл. *“intelligence quotient”*) тобора ортиб бораётган аҳамияти тўғрисида гапирмоқдалар.

Шубҳасиз, бутун касбий ҳаёт давомида ўзини ривожлантириш қобилияти, узлуксиз касбий таълимга тайёрлик, билимларни тўлдириш ёки малака ўзгариши каби хислатларга эҳтиёж пайдо бўлиб келмоқда. Бугунги кунда бу ходимлар учун хизмат пиллапояси бўйлаб кўтарилиш, моддий фаровонликни ошириш ва ижтимоий мавқеини ўзгартириш нуқтаи назардан зарур бўлиб бормоқда. Яқин келажакда бу ходим учун зарурий шарт бўлиши мумкин. Агар илгари касб таълими олиб ишлаш, асосан, тажриба орттириш орқали хизмат пиллапояси бўйлаб кўтарилиш мумкин бўлган бўлса, энди қўшимча билим соҳаларини ўзлаштириш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, ахборотлашган жамият шароитида инсон ресурсларининг муҳим сифати стратегик фикрлаш қобилиятига эга бўлиш – барча мумкин бўлган истиқболларни ҳисобга олиш, муаммолар-

ни самарали ҳал этиш ва жамоа билан ишлаш қобилиятидан фойдаланган ҳолда гоёларни амалга оширишни режалаштиришдир.

Ходимга талаблар ўзгариши, турли авлод одамларининг кадриятлари билан боғлиқ бўлиб, бу уларнинг асосий тавсифларида акс этади.

Ушбу ёндашув маълум бир негизга – авлодлар назариясига эга, у ўтган асрнинг 90-йилларида америкалик иқтисодчи Нейл Хоув ва тарихчи Вильям Штраус томонидан яратилган. Ушбу назарияда асосийси – чуқур қадариятлардан келиб чиқиб авлодлар хусусиятларига асосий эътибор қаратиш, фақат ёш асосида авлодлардаги фарқларни анъанавий талқин қилишдан иборат. Н. Хоув ва В. Штрауснинг таъкидлашича, тахминан 20 йил фарқ билан одамларга муносабат, пул ва ишга муносабатда, истеъмол услуби турлича бўлган янги авлод дунёга келади. МДХ давлатлари воқелиги учун авлодлар назариясини Евгения Шамис («RuGenerations –МДХда авлодлар назарияси лойиҳасининг асосчиси ва мувофиқлаштирувчиси») ва Алексей Антипов (психолог, Москва Психология ва педагогика институти доценти) мослаштирган. Авлодлар кадриятларини шакллантиришнинг асосида ижтимоий-маданий муҳит, таълим, тарбия ётади. Ушбу назариядан амалиётда фойдаланишга ёндашув бир хил эмаслигини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда 1964 йилдан 1984 йилгача бўлган даврда туғилган Х авлоди вакиллари (1943-1964 йилларда туғилган беби-бумерлар ўрнини эгаллаган) ва Y авлоди вакиллари (1984-2003) меҳнат бозорида фаолдир. Замонавий авлод ахборотлашган жамият кадриятлари шароитларида шаклланади. Инсон ресурслари сифат хусусиятлари батафсилроқ кейинги бобда баён қилинган. Авлодларнинг турли кадриятлар йўналишлари ва ходимларга талабнинг ўзгариши ташкилотда тез-тез низоларга, тушунмовчиликларга олиб келади. Мос равишда агар авлодлар назариясини ўрганишдан олинган билимлар фаол фойдаланиладиган бўлса, ходимлар ва қўл остдагилар, ташкилотлар ва мижозлар ўртасида сифат жиҳатидан янги коммуникация даражасига чиқиш ва одамларнинг хулқ-атворини самаралироқ башорат қилиш мумкин.

Авлодлар назариясига мувофиқ, бугунги кунда бизнес-муҳит вакиллари асосийси, раҳбар ходимлар X авлодга мансуб (эрта мустақилликка ўрганган авлод). Ушбу авлоднинг асосий ходимлари учун умуман X авлод билан таққослаганда юқори тартибли кадриятлар характерли: техник саводхонлик, ўзгаришларга тайёрлик, доимо янги нарсалар ўрганишга интилиш, глобал маълумотлардан хабардорлик, танлов имконияти, қарашлар норасмийлиги, прагматизм, ўзига умид, жинслар тенг ҳуқуқлилиги. Таъкидлаш жоизки, бу ходимлар замонавий мутахассислар қандай бўлиши лозимлиги ҳақида қарашларни, яъни моҳиятан Y авлодга талабларни шакллантиради.

Benify компанияси “The Employee Happiness Index 2019” (“Ходимларнинг бахт-саодати индекси”)да 2019 йилда ходимларга бериладиган 4 та имтиёз тоифасини ўз ичига олди:

1. Меҳнат шароитлари билан боғлиқ имтиёзлар;
2. Соғлиқни сақлаш;
3. Молиявий фаровонлик;
4. Турмуш даражаси.

Тадқиқот натижалари ходимларни бошқаришда авлодлар давомида энг муҳим имтиёзлар ўрганилганда, сўнгги йилларда пенсия режаси ходимлар учун аҳамиятини йўқотиб бораётганлигини кўрсатган. Худди шунингдек, келгуси авлод учун иш соатлари, таътил, соғлиқни сақлаш ва соғлом турмуш тарзи, кўникмаларни ривожлантириш, тиббий хизматлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этаётганлиги кутилмоқда (12.2-расм).

#### 12.2 - жа д в а л

Авлодлар давомида энг муҳим имтиёзлар<sup>1</sup>

Babybommers	X авлод	Y авлод	Z авлод
Пенсия режаси	Иш соатлари ва таътил	Иш соатлари ва таътил	Иш соатлари ва таътил
Иш соатлари ва таътил	Соғлиқни сақлаш ва соғлом турмуш тарзи	Соғлиқни сақлаш ва соғлом турмуш тарзи	Соғлиқни сақлаш ва соғлом турмуш тарзи
Тиббий хизматдан фойдаланиш	Пенсия режаси	Кўникмаларни ривожлантириш	Кўникмаларни ривожлантириш
Соғлиқни сақлаш ва соғлом турмуш тарзи	Кўникмаларни ривожлантириш	Пенсия режаси	Тиббий хизматдан фойдаланиш
Сугурта	Тиббий хизматдан фойдаланиш	Тиббий хизматдан фойдаланиш	Пенсия режаси

Хусусан, мутахассисларга бугунги кунда қуйидаги талаблар қўйилади: ҳаракатчан бўлиш, янги технологияларни ўзлаштириш, мустақил таълим олиш, етишмаётган билимлар ва бошқа ресурслар излаш ва фойдаланиш, бирон махсус ахборотдан кўра ахборот оқимларида йўл топа олиш қobiliятига эга бўлиш. Рўй бераётган глобаллашув жараёнлари, юқорида айтиб ўтилганидек, инсон ресурсларига махсус талабларга таъсир этади. Халқаро меҳнат бозори тадқиқотлари тайёргарлик даражаси етарли эмаслиги сабабли оммавий касб мутахассислари рақобатбардош эмаслигини акс эттиради. Гап нафақат халқаро талабларга мувофиқ махсус касбий тайёргарлик ҳақида, балки меҳнат бозорида рақобат курашида муваффақиятга эришиш

<sup>1</sup> “The Employee Happiness Index 2019” Employee Happiness Index 2019: Making Employee Benefits a Strategic Tool in the War for Talent. URL: <https://info.benify.com/happiness-index-2019>

учун шахсий хислатлар ва маълум бир кўникмалар шакллантириш ҳақида боради. Кўпчилик учун инглиз тилини яхши билмаслик тўсиққа (кириш тўсиғи) айланади (кўплаб мамлакатларда сўзлашув инглиз тилини билиш оммавий касблар учун базавий талаб ҳисобланади).

Авлодлар давомида ходимлар учун энг қадрли имтиёзларга айланган соғлиқни сақлаш ва фаровонликни таъминлаш сўнгги йилларда яна ўз аҳамиятини тикламоқда. Ходимлар учун ҳам муҳим, ҳам қадрли имтиёзлар иш соатлари, таътил ҳамда кўникмаларни ривожлантириш эканлиги тасдиқланган (12.3-жадвал).

12.3-жадвал

Авлодлар давомида энг қадрли имтиёзлар<sup>1</sup>

Babybommers	X авлод	Y авлод	Z авлод
Соғлиқни сақлаш ва фаровонлик	Соғлиқни сақлаш ва фаровонлик	Иш соатлари ва таътил	Соғлиқни сақлаш ва фаровонлик
Иш соатлари ва таътил	Иш соатлари ва таътил	Соғлиқни сақлаш ва соғлом турмуш тарзи	Иш соатлари ва таътил
Иш жойда бепул овқатланиш	Кўникмаларни ривожлантириш	Кўникмаларни ривожлантириш	Кўникмаларни ривожлантириш
Кўникмаларни ривожлантириш	Иш жойда бепул овқатланиш	Иш ва шахсий ҳаёт балансини таъминлаш	Молиявий фаровонлик
Мобиллик бўйича имтиёзлар	Турли кўринишдаги ходимлар клублари, гадбирлар ва рағбатлар	Иш жойда бепул овқатланиш	Мобиллик бўйича имтиёзлар

Маълумки, номзодлар танлаши учун соғлиғини қоплаш ва асосий пенсия таъминотини ўз ичига олган имтиёзлар тўплами етарли бўлган кунлар ортда қолди.

Бугунги кунда номзодлар ва ишчилар барча тоифадаги имтиёзларни кутмоқдалар: меҳнат шароитлари, соғлиқни сақлаш, молиявий фаровонлик ва ҳаёт сифати.

Халқаро ишчи кучи бозорининг ривожланиши етарли даражада чиқимли, жамоада ишлай оладиган, жуда ҳаракатчан, халқаро жиҳатда замонавий ишлаб чиқаришниг ўсиб бораётган талабларига жуда тез мослашадиган ходимлар янги турини шакллантиришни кўзда тутди.

Иш берувчи фирмалар ва корхоналар ўртасида ўтказилган сўровлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда замонавий ходимлардан, ёш мутахассислардан қуйидагилар талаб қилинади:

<sup>1</sup> “The Employee Happiness Index 2019” Employee Happiness Index 2019: Making Employee Benefits a Strategic Tool in the War for Talent. URL: <https://info.benify.com/happiness-index-2019>

- доимий мустақил таълим олишга, касбий малакасини такомиллаштиришга, ўзининг ривожланиши учун жавобгарликка масъуллик;
- ишбилармонлик мулоқоти, ҳамкорлик, жамоада ишлаш кўникмалари ва маҳорати;
- турли ахборот манбалар билан ишлай олиш қобилияти;
- ностандарт ва ноаниқ вазиятларда ҳаракат қилиш ва масъулиятли қарор қабул қилиш қобилияти;
- танқидий фикрлаш, ўзини-ўзи бошқариш қобилияти;
- рақобатли муҳит ва стресс ҳосил қилувчи ҳаракатлар шароитларида унумли ишлашга тайёрлик ва ҳоказолар.

Иш берувчининг яхши замонавий ходим ҳақида тасавури қуйидаги хислатлар мавжудлигини назарда тутди: касбга ва ташкилотга содиқлик; масъулиятни ўз зиммасига олиш ва ностандарт вазифаларни ҳал қилишга тайёрлик; миқдорларга йўналтирилганлик; кенг профессионал дунёқараш.

Таъкидлаш жоизки, иш берувчиларнинг талаблари нафақат «билимлар» шаклида, балки кўпроқ фаолият усулари атамаларида («маҳорат», «қобилият», «тайёрлик») ифодаланади.

Кўплаб тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, билим олишдан кўра улар намоён бўлиши мумкин бўлган муайян ижтимоий ва касбий вазифаларни ҳал қилиш учун ахборотни, билимларни бошқариш устувор ҳисобланади.

Айтиб ўтилганларни қизимлаштириш шундай хулоса қилишга имкон берадики, ҳозирги шароитларда инсон ресурсларига, замонавий ходимларга қуйидаги талаблар (ваколатлар) кенг тарқалган ҳисобланади:

- ахборот ваколатлари;
- ижтимоий-коммуникатив ваколатлар;
- муаммони ҳал қилиш, мавжуд ресурслар ва рискларни таҳлил қилиш, ўз фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилиш, муаммолар ечимини назорат қилиш стратегиясини белгилаш қобилияти;
- меҳнат бозорида самарали хулқ-атвор қобилияти, корxonанинг бозор имкониятларини таҳлил қилиш қобилияти;
- профессионал ўсиш ва узлуксиз мустақил таълим олиш қобилияти.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса чиқариш мумкинки, персоналга талаблар ўсади ва шахснинг барча томонларини акс эттиради:

- 1) персоналнинг малакавий хусусиятлари;
- 2) персоналнинг шахсий хислатлари – ходимларнинг шахсий ва ишбилармонлик хислатларини ўз ичига оладиган, бажарилаётган касбий фаолиятга бевосита алоқаси бўлмаган индивидуал хусусиятлари;
- 3) персонал содиқлиги – персонал тавсифномаси, унинг ташкилотга содиқлигини, мақсадлари ва уларга эришиш усуллари ва воситаларини маъқуллаши, ташкилот учун меҳнат мотивлари очқилигин белгилаб беради;

4) персонал ҳаракатчанлиги – персоналнинг ташкилот ички бандлик тизимида ўз мавқеини ўзгартириш қобилияти;

5) ташкилот инсон ресурсларининг инновацион салоҳияти.

Шуниси қизиқки, сўнгги йиллар давомида иш берувчилар аста-секинлик билан иш жойларига даъвогарларга ва ўз ходимларига, айниқса, иқтисодий ва молия хизмати персоналига қўйиладиган планкани кўтариб келмоқдалар. Тобора кенгроқ махсус ваколатлар рўйхатига талаб катта бўлиб, уларнинг рўйхати батафсиллаштирилмоқда, бу эса ходимларни жиддийроқ танлаб олишдан далолат беради.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чикиб хулоса чиқариш мумкинки, инсон ресурсларига замонавий талаблар ёш ходимлар авлодига йўналтирилади. Улар кўпроқ ҳаракатчан, уларнинг қадриятлари замонага мос келади, улар ахборот оқими билан ишлай олади. Шу асосда авлодлар ўртасида низоларни истисно қилиш учун иш берувчи турли ёш гуруҳларидаги ходимларни бошқалардан ажратиб турадиган хусусиятларни ҳисобга олиши ва уларнинг кучли томонларига таяниши керак. Масалан, ишончлилик, катта авлод вакиллари олдида жавобгарлик ҳисси, шунингдек, ёшроқ ходимдан ўрганишга интилиш.

HR-соҳаси мутахассислари инсон ресурсларини бошқариш стратегиясини шакллантиришда, уни муайян йўналишларда амалга оширишда авлодлар назариясини, ҳар бир авлод хусусиятларини, уларнинг қизиқишлари, вазифалари ва интилишларини эътиборга олиши лозим. Турли авлодлар вакилларини бир-бирини яхшироқ тушуниш ва ўзаро алоқа қилишга ўргатиш зарур, бу биринчи навбатда, ташкилот ишини ташкил қилишга ижобий таъсир кўрсатади.

Ходимларга талаблар ўзгариш тезлиги персонални, уларнинг иқтидорини ривожлантириш каби иш йўналишини фаоллаштиришга эҳтиёж юзага келтиради, ташкилот қандай ривожланиши ва ўсиши мумкинлиги баён қилинадиган, мустақил ўрганадиган ташкилот концепцияси пайдо бўлади.

Мустақил ўрганадиган ташкилот концепциясини шакллантириш учун ташкилотда қуйидаги фаолият йўналишларини тавсия қилиш мумкин:

- ички тажрибани тўплаш ва фойдаланиш;
- таълим маданиятини яратиш ва ривожлантириш;
- ташқи таълим имкониятларидан фойдаланиш;
- ташкилот стратегиясининг персонални ўқитиш йўналишлари билан алоқасини таъминлаш;
- персонални ривожлантириш ва таълим жараёнида инновационлик.

Танланган концепция асосида персонални ўқитишни ташкиллаштириш, ходимларнинг билим ва иқтидорини бошқариш тавсия этилади.

Стратегик акцентни моддий активлар ва молияни самарали бошқаришдан инновацияларга ўтказиш, билимларни самарали қўллаш ва инсон ресурсларини ривожлантириш персоналнинг ривожланишини бошқариш усулларини такомиллаштириш заруратига олиб келади. Ташкилий билимлар умуман олганда, ҳар бир ходимнинг билимлари асосида ривожланади ҳамда ташкилотнинг ишбилармонлик фаоллиги ва унинг кадрлар салоҳиятини оширишга йўналтирилган тартиб-таомиллар, усуллар ва тамойиллар такомиллаштирилган тизимини ўз ичига олиши керак.

Шу муносабат билан ахборотлаштириш шароитларида персонални ривожлантиришнинг қуйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:


- ташкилот доирасида интеллектуал капитал, билимларни тўплаш ва тарқатишни таъминлаш;
- ички ва ташқи ахборот тўплаш ва интеграция қилиш;
- инновацияларга стратегик ёндашув қўллаш;
- илғор ўзгаришлар учун ташкилий, технологик ва иқтисодий шароитлар яратиш;
- корхонада интеллектуал капитални бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш.

Ахборотлашган жамиятда билимларни бошқариш самарадорлиги инсонлар, жараёнлар ва технологиялар муваффақиятли интеграциясига боғлиқ. Шу сабабли ахборотлашган жамиятда персонални ривожлантиришнинг қуйидаги тамойилларига таяниш мантикий бўлади: интеллектуал салоҳиятни бошқариш, мустақил таълим ташкилоти концепцияси доирасида етакчилар ва барча ходимларни ривожлантириш, персонификация зарурати, фойдалилик, билимлар аниқлиги ва одамларнинг бу билимлар учун мукофотланиши.

Инсон ресурсларини тўғри режалаштириш, турли авлодлар вакиллари бўлган алоҳида ходимларнинг кучли томонларидан фойдаланишда корхона раҳбариятида ҳам турли ёшдаги, ҳам турли функционал персонал гуруҳлари биргаликдаги ишлашдан синергия самарасига эришиш имконияти пайдо бўлади

Шундай қилиб, рақамли иқтисодиётда инсон ресурсларининг стратегик йўналтирилган ривожланиши технологик трансформациялар натижасида юзага келадиган ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган масалалар тўпламини ҳал қилиш билан боғлиқ. Умумлаштирилган шаклда таълим тизимини ривожлантириш нуқтаи назаридан бундай қарорлар 5-расмда келтирилган.





12.5-расм. Рақамли иқтисодиётда инсон ресурсларини ривожлантириш учун таълим тизимини мослаштириш

Келажакда меҳнат бозорида янги касбларнинг пайдо бўлиши мақсадли компетенцияларнинг янги моделларини, таълим стандартлари билан боғлиқ бўлган тегишли профессионал стандартларни белгилашни, шунингдек, инсоннинг профессионал ядросини ривожлантириш учун янги фанлараро таълим дастурларининг пайдо бўлишини талаб қилади.

Истиқболда касбий устуворлик бериладиган “юмшоқ” кўникмалар ролининг тобора ортиб бориши инновацион таълим технологияларини кенг жорий этиш зарурлигини белгилаб беради, улар орасида асосий ўринни лойиҳавий ва муаммоли ўқитиш эгаллайди. Бундан ташқари, рақамли технологияларни ўқув жараёнининг барча элементларига кириб боришни таъминлаш ва ақлли таълим тизимини шакллантириш талаб этилади. Smart Education таълим жараёнларини қўллаб-қувватлаш рақамли оммавий ахборот воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланадиган электрон хизматлар тўпламини назарда тутаяди. Ақлли репетиторлик тизимларидан, сунъий интеллект технологияларига асосланган кейс методи, онтологик муҳандисликдан фойдаланиш, бир томондан, ўқув жараёнининг сифатини ва талабаларнинг ваколатлари даражасини яхшилашга имкон беради, бошқа томондан уларни таълимнинг мазмунини иқтисодиётни рақамли модернизациялашга мос равишда ўзгартириб, реал амалиётда интеллектуал IT-счимлардан фойдаланиш кўникмалари жорий этилиши муҳимдир.

Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича барча келтирилган ечимларни янги мазмун билан бойитилган ўқув жараёнлари орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлиб, таълим муассасалари, давлат идора-

лари ва бизнеснинг алоқаларини автоматлаштириш ва таҳлилий жараёнлар учун янги рақамли платформалардан фойдаланиш зарур бўлади. Бу ўз навбатида ривожланишнинг турли босқичларида стратегик устуворликларни ҳисобга олиш, ички ва ташқи муҳит ўзгаришларига мослашувчан бўлиш имконини беради.

### 12.3. ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Инсон ресурсларини бошқариш тизими – бу ҳар қандай ташкилотнинг муваффақиятли ривожланишини ва ташкилот ходимлари, акциядорлари, истеъмолчилари ва давлат манфаатларининг уйғун комбинациясини таъминлайдиган ходимларни бошқариш тамойиллари ва концептуал ёндашувлар жамланмасидир.

Ўзбекистон шароитида инсон ресурсларини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштиришнинг асосий мақсади қуйидагиларга асосланиб, кадрларга инвестицияларнинг максимал рентабеллигини таъминлашдир:

- “афзал иш берувчи”нинг барқарор мақомини таъминлаш;
- ташкилот мақсадларига эришиш учун ҳар бир ходимнинг ҳар томонлама мотивацияси;
- ташкилотнинг ҳар бир ходимининг шахсий ҳиссасини баҳолашнинг объектив ва самарали тизимини яратиш ва ривожлантириш.

Янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси шароитида инсон ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш йўналишлари минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кадрлар билан ишлашга ягона ва инновацион ғоялар асосида ёндашувларни тақдим этишни назарда тутди.

Инсон ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш йўналишлари асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- ходимларни бошқаришда ташкилотларнинг максимал мослашувчанлиги;
- замонавий технологиялар ва автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш орқали инсон ресурсларини бошқариш усулларини доимий равишда такомиллаштириш;
- ижтимоий-сиёсий ва ташқи иқтисодий омиллар ўзгаришига тез ва самарали мослашиш қобилияти;
- ходимларнинг профессионаллиги;
- ташкилотларнинг техник, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини ҳал қилишда ўз салоҳиятини максимал даражада оширишга интиладиган юқори малакали ходимлардан иборат жамоаларни шакллантириш;
- инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини таъминловчи омилларни рағбатлантириш;

– стратегик ҳолатни мунтазам баҳолаш асосида ходимларни бошқариш жараёнларини режалаштиришнинг узлуксизлиги;

– инсон ресурсларини бошқаришда ошкоралик ва очиқликни таъминлаш;

– давомийлик – ташкилотларнинг инсон ресурсларини бошқаришида ижобий анъаналарни сақлаб қолиш.

Инсон ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш йўналишларининг асосий ўзаро боғлиқ таркибий қисмлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Кадрларни танлаш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш.
2. Ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш.
3. Мотивация ва мукофот.
4. Ижтимоий сиёсат.
5. Корпоратив алоқалар.

### **1. Кадрларни танлаш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш.**

**1. Ривожланишнинг стратегик мақсадларини танлаган ташкилот ўз ишчилари ва потенциал номзодларида қуйидаги фазилатларни кадрлаши лозим:**

- юқори профессионаллик ва билим даражаси;
- меҳнат натижаларига эришишга эътибор қаратиш;
- ташаббускорлик, ечимларни фаол излашга эътибор қаратиш;
- ўрганиш қобилияти ва олинган билимлардан амалий фойдаланиш;
- мослашиш қобилияти, психологик барқарорлик;
- ижобий имидж ва ташкилот корпоратив кадриятлари ва анъаналарига риоя қилиш.

### **2. Малакали кадрларни жалб қилиш учун замонавий ташкилот:**

– ташкилотнинг ижобий имиджини ошириш сиёсатини амалга оширади, потенциал номзодларни ҳам, ходимларни ҳам уларга тақдим этилган мақсад, вазифа, кадрият, устуворликлар ва имкониятлар тўғрисида хабардор қилади;

– кадрларни қидириш бўйича интеграл тизимни қўллайди;

– ташқи ва ички манбалардан фойдаланган ҳолда, бўш иш ўринларини тўлдиришда “ички” номзодларга устунлик бериб, шу орқали ходимлар, шу жумладан, ёш мутахассислар учун мартаба имкониятларини кенгайтириб, номзодларни танлов асосида танлайди;

– олий ва ўрта касб-хунар таълими муассасалари билан алоқаларни яхшилайди, таълим муассасаларининг иқтидорли битирувчиларини аниқлаш бўйича тадбирларни ўтказди;

- кадрларни касбий ва психологик баҳолашдан ўтказати;
- янги ишчиларни, айниқса, ёшларни тез ва оғриқсиз мослашишига ёрдам беради;
- ишга ёллаш бўйича ихтисослашган агентликлар билан ишлайди.

### **3. Кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун замонавий ташкилот мунтазам равишда қўйндагиларни амалга оширади:**

- кадрлар таркиби ва ҳаракати аудити;
- менежерлар ва мутахассисларни сертификатлаш;
- меҳнатни ташкил қилишнинг мавжуд шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- мобил бошқарув захирасини шакллантириш, ривожлантириш ва лавозимга кўтарилиш учун кадрлар захирасини тайёрлашни ташкил этиш;
- ходимлар мартабасини режалаштириш ва унинг ривожланишини бошқариш;
- иш ҳақини тўлаш тизими ва кадрларни узлуксиз корпоратив таълим тизими билан мартаба режалаштириш тизимини мувофиқлаштириш;
- асосий касблар ва лавозимларга қўйиладиган малака талабларини (профессиограммаларни) ишлаб чиқиш;
- кадрларни баҳолаш усуллари такомиллаштириш.

## **2. Ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш.**

2.1. Ходимларнинг ишбилармонлик ва шахсий фазилатларини ўқитиш ва ривожлантиришда ходимларнинг касбий савиясини сақлаш ва такомиллаштиришга қаратилган.

2.2. Кадрлар тайёрлаш ва такомиллаштириш доимий ишлайдиган корпоратив таълим тизими томонидан ривожланиб боради.

2.3. Корпоратив таълим тизимининг асосий таркибий қисмлари:

- тренингларнинг ташкилот умумий ривожланиш стратегиясига қатъий мувофиқлиги;
- аниқланган эҳтиёжларнинг устуворлиги тамойилига мувофиқлаштириш ва турли гуруҳ кадрларни тайёрлашга амалий эҳтиёж;
- кадрлар тайёрлашни режалаштириш ва мувофиқлаштириш, ўқитиш тизимининг сифати ва самарадорлигини текшириш;
- уларни қўллашнинг иқтисодий ва услубий мақсадга мувофиқлиги асосида замонавий таълим шаклларида фойдаланиш;
- янги таълим турларини ривожлантириш;
- ўқув бўлинуларида корпоратив тармоғини ривожлантириш ва хорижий ўқув ташкилотлари билан кадрлар тайёрлаш бўйича алоқаларни кенгайтириш;

– ёш мутахассисларни тайёрлаш ва ривожлантиришга индивидуал ёндошиш;

– мураббийлар институтини тиклаш ва бу иш учун юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш, шу билан бирга устоз мақоми нафақат шарафли бурч ва ходимнинг обрўси ва хизматларини тан олинш, балки моддий мукофотлаш учун ҳам асос бўлиши керак;

– бошқарув гуруҳининг давомийлигини таъминлаш бўйича фаол сиёсат, бошқарув захирасини мақсадли тайёрлаш.

### **3. Мотивация ва мукофотлаш.**

3.1. Меҳнат натижалари учун ҳақ тўлаш тизими ходимларни жалб қилишга, уларни рағбатлантиришга ва ушлаб туришга қаратилган бўлиб, уларнинг малакаси ва самарали ишлаши ташкилот томонидан белгиланган ишлаб чиқариш вазифаларини минимал харажатлар ва максимал самарадорлик билан муваффақиятли бажарилишини таъминлайди.

3.2. Самарали мукофотлаш тизими қуйидагиларни таъминлайди:

– ташкилотнинг барча ходимларининг иш ҳақини тўлашга ягона ёндашув ва эришилган меҳнат натижалари ва адолатли иш ҳақи ўртасидаги ёзишмалар;

– ходимга моддий ва номоддий шаклда иш ҳақи бериш;

– иш ҳақининг муносиб даражасини сақлаш;

– базавий ставка (тариф қисми) ва қўшимча (бонусли) тўловлар ўртасидаги оптимал нисбат;

– инфляция даражаси ва ташкилотнинг молиявий имкониятларига қараб моддий иш ҳақининг базавий ставкасининг ўзгариши;

– ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун қўшимча рағбатлантириш тизимини қўллаш;

– мукофотлар ва рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, янги технологияларни яратиш ва амалга ошириш, яқунланган илмий ишланмалар, молиявий, иқтисодий, ижтимоий, меҳнат ва бошқа масалаларни ҳал қилиш.

### **4. Ижтимоий сиёсат.**

1. Ижтимоий сиёсат инсон ресурсларини бошқариш тизимининг ажралмас қисми бўлиб, ташкилотда иш обрўсини оширишга қаратилган ва қуйидагиларни таъминлайди:

– қулай ва хавфсиз иш шароитлари;

– тиббий хизмат;

– сугуртанинг ҳар хил турлари;

– ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

- жисмоний тарбия ва спортни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;
- Ишчиларнинг ҳаваскор ижодкорлигини ривожлантириш;
- ипотека кредитлаш тизимидан фойдаланган ҳолда уй-жой масалаларини ҳал қилиш;
- ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда эрта мослашишига ҳисса қўшиш, ўзини-ўзи англашга интилиш;
- нафақага чиққан ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва корпоратив тадбирларда иштирок этишга жалб қилиш.

## **5. Корпоратив алоқалар.**

5.1. Корпоратив алоқалар ходимларни аниқ, очиқ, ўз вақтида ва уларнинг манфаатларига дахлдор бўлган ташкилот фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билан хабардор қилишга қаратилган.

5.2. Корпоратив алоқаларни ривожлантиришга ва барча бошқарув даражалари ходимлари ўртасида фаол ва очиқ алоқани таъминлайдиган (вертикал ва горизонтал) самарали маълумот алмашинувига алоҳида эътибор беради:

– вертикал маълумот алмашинуви ташкилот мақсадлари ва вазифаларини ходимлар эътиборига етказишга имкон беради. Шу билан бирга, бундай биржа ходимларга ташкилот фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини киритиш, раҳбарият эътиборига уларнинг иш шароитлари тўғрисида ўз фикрларини етказиш имкониятини беради;

– горизонтал ахборот алмашинуви ташкилотнинг умумий мақсадларига эришиш учун таркибий бўлинмалар ходимларининг ўзаро алоқаларини мувофиқлаштиришга қаратилган.

5.3. Корпоратив алоқалар юзага келиши мумкин бўлган изоли вазиятларнинг олдини олишга ва уларни ҳал қилишга ёрдам беради.

**Янги Ўзбекистонда инсон ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш йўналишлари амал қилиши учун асосий талаблар:**

1. Муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ва стратегик мақсадларга эришишга ҳисса қўшадиган самарали кадрлар бошқарув тизимини такомиллаштириш йўналишлари барча даражадаги ходимлар фаолиятини бошқаришнинг мослашувчан тизимини таъминлаши керак:

2. Соҳа ва тармоқлар фаолиятида инсон ресурсларини самарали бошқариш тизимини ривожлантириш куйидаги босқичларни ўз ичига олади:

– кадрларга қўйиладиган талабларни белгилайдиган устувор вазифаларни тақсимлаш;

– кўрсаткичларнинг мутаносиб тўпламини аниқлаш, бунинг асосида ҳар бир ходим, шўъба корхоналар ва ташкилотларнинг индивидуал меҳнат жамоалари ва умуман ташкилотнинг фаолиятини баҳолаш;

– белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш даражасини ҳолисона аниқлаш учун маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг самарали тизимини яратиш;

– баҳолаш натижаларидан фойдаланишнинг аниқ ва ошқора тизимини яратиш, уларнинг иш ҳақининг ошишига таъсири, мутахассислиги бўйича мартаба кўтарилиши, ўқитиш ва ривожланиш эҳтиёжларини аниқлаш ва ҳоказолар.

3. Корпоратив маданиятни сақлаш ва ривожлантириш ташкилот ходимларининг юқори иш фаолиятини таъминлашга ёрдам беради.

4. Ташкилотлар кадрларни рағбатлантиришнинг турли шаклларида, ижтимоий шерикликни ривожлантиришда, ходимлар, ташкилот менежерлари ва акциядорлар манфаатларининг яқинлашишида, ишчиларни бошқарув жараёнларига киритишда самарали бошқарув усулларини кўради.

5. Ходимларнинг касбий маҳорати, уларнинг доимий равишда юқори иш натижаларига эришиши, янгиликларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга йўналтирилганлиги, корпоратив қадриятларга содиқлиги уларнинг моддий савиясини ошириш ва мартаба кўтарилишининг зарур шarti бўлиб, улар инсон ресурсларини нафақат иқтисодий ўсишга, балки жамиятдаги ижтимоийлашувга ҳам фойдали кўрсаткичлар бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга Янги Ўзбекистон бугунги кунда раҳбар ходимлар фаолиятини баҳолашнинг шаффофлик тамойилларини қўллашни йўлга қўйди, бунга КРІ тизимидан фойдаланилаётган ҳолатларни яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (Key Performance Indicators, КРІ) – мақсадларга эришишга ёрдам берувчи кўрсаткичларни шакллантиришга қаратилган ташкилотларнинг баҳолаш методикасидир.

Албатта, КРІ дан фойдаланиш ташкилотга нафақат бозордаги ўрнини баҳолаш, балки фаолиятининг ички механизмларини ҳам кўриб чиқиш имконини беради.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (КРІ) кўпинча мақсадларни сифат ва миқдорий ўлчашга ёрдам берувчи воситалар сифатида тушунилади. Қабул қилинган кўрсаткич қўйилган мақсадларга жавоб бермаса, ундан фойдаланишга ҳожат қолмайди. Бу КРІ ни қўллаш учун тушуниши керак бўлган асосий тамойиллардан биридир. Умуман, мақсад ва вазифаларни белгилашнинг моҳияти, уларни қайта кўриб чиқиш ва бошқариш замонавий бошқарув техникасининг асосини ташкил этган тушунчадир.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (КРІ) тизимида корхона менежменти ва ходимлари фаолияти сонлар орқали ўлчанади. Индикаторлар бўйича ҳисобот тайёрлангач, режалаштирилган мақсадга қанчалик даражада эришилгани, режалар қай даражада аниқ ва тўғри қўйилганини баҳо-

лаш мумкин. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари натижаси стратегик ва тактик мақсадларга тузатишлар киритишга кўмак беради<sup>1</sup>.

Самарадорликнинг муҳимкўрсаткичи (KPI) дан фойдаланиш корхона ёки жамиятларга ҳам ва бундан алоҳида бўлимлар ва ходимларга нисбатан ҳам қўлланилади. Тизим корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг мотивацион ва самарали тизимини кўрсаткичлар орқали кўриш имконини беради.

Бироқ кўрсаткичларни ҳисоблаш мумкин бўлиши зарур. Кўрсаткичларнинг икки асосий категорияси – мавжуд сифат ва миқдорий. Миқдорий кўрсаткичлар – бу ишлашни тавсифловчи молиявий кўрсаткичлар, шу жумладан, даромад, фойда ва дебиторлик қарзлари. Сифат кўрсаткичлари, ўз навбатида, нотижорат кўрсаткичлар – миқдорлар ташрифи режасини амалга ошириш, ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш, ходимлар айланмаси ва бошқалар.

Бу жараёни бошқа тизимлардан афзаллиги шундаки, ташкилот раҳбарлари, акциядорлик жамиятлари ижро органларининг, аввало директорлар корпусининг акциядорлар олдидаги масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини кўтариш мақсадида ўрнатилган тартибга кўра, ижрочи директорлар ва кузатувчи кенгаш раисларини моддий рағбатлантириш ташкилот раҳбарлари, акциядорлик жамияти фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиши белгиланган.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (KPI) ходимлар, бўлимлар ва бутун корхонадаги ишчанлик фаоллигини назорат қилиш шароитини яратади. Бошқача айтганда, бу тизим ютуқлар даражаси ва унга эришиш учун қилинган харажатларни ўзида акс эттирувчи фаолият натижадорлигининг муҳим кўрсаткичидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йил 28 июлда “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарори билан қабул қилинган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)ни иктисодиётимизга жорий қилинишида биринчи бўлиб корхоналарнинг зарар билан ишлаш фаолиятини, корхоналарда иш самарадорлигини ёмонлашишини, ортиқча харажатларга, асоссиз рағбатлантиришларга, ресурслардан мақсадсиз фойдаланишга, ташкилотлар фаолиятидаги ношаффофликка, молиявий манбалардан мақсадсиз фойдаланишга чеклов қўяди.

Эски тизимлардан фарқлироқ замонавий KPI тизими қуйидагилар билан чегараланади:

<sup>1</sup> Ш.Маматов. KPI нима, бошқа тизимлардан афзаллиги қандай? URL:<https://old.davaktiv.uz/uz/yangiliklar/asset-news/5945-kpi-nima-bosh-a-tizimlardan-afzalligi-andaj>



- эришилган натижаларни баҳолаш;
- қайта алоқа ўрнатиш;
- вазифа бажарилишини баҳолаш, мақсадларга эришиш учун зарур бўлган режалаштирилган вазифани баҳолаш.

KPI тизимида ходимларни рағбатлантиришда бешта тамойилларга амал қилиши талаб этилади<sup>1</sup>:

1. 100% натижага йўналтириш. Ходим натижага эришганда ва ишни бажарганида мукофот олади, қайсики натижага олиб келиши лозим бўлган кўрсаткич учун;

2. Бошқарувчанлик. Бозор муҳитида ўзгаришлар бўлганида, ходимлар тизимни тузатишга катта куч сарфлашга олиб келмаслиги учун.

3. Ҳаққонийлик. Компания умумий муваффақиятга эришганида ходимнинг кўшган ҳиссасини баҳолаши ва агар муваффақиятсизликка эришганда (ходим ва компания ўртасида) хавфларни ҳаққоний тақсимлаши.

4. Тушунарлилик. Ходим компания уни нимага, қайси натижага, қай микдорда мукофатлашини тушунишию,

5. Ўзгармаслик бу ҳар қандай ходим ўз ишини рағбатлантириш тизими-га йўналтиради.

Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича барча келтирилган ечимларни янги мазмун билан бойитилган ўқув жараёнлари орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлиб, таълим муассасалари, давлат идоралари ва бизнеснинг алоқаларини автоматлаштириш ва таҳлилий жараёнлар учун янги рақамли платформалардан фойдаланиш зарур бўлади. Бу ўз навбатида ривожланишнинг турли босқичларида стратегик устуворликларни ҳисобга олиш, ички ва ташқи муҳит ўзгаришларига мослашувчан бўлиш имконини беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йил «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармонни имзолади.

Унга мувофиқ, 2021 йил 1 мартга қадар Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги Олий Мажлис палаталари билан келишув асосида давлат бошқаруви органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши кўзда тутилди.

**Лойиҳага кўра, қуйидаги ишлар алмаштирилиши лозим:**

– бошқарувда бир-бирини такрорлайдиган идоралар, функциялар, бюрократик тўсиқлар ва мажлисбозликни қисқартириш;

– вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнларини соддалаштириш;

<sup>1</sup> А.Мамажанов et.al. / KPI incentive system. АСТА ТПУ 3 (2019) 51-58

– рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан иш жараёнларини оптималлаштириш;

– юқоридаги чоралар натижасида давлат бошқаруви ходимлари сонини меҳнат қонунчилигига қатъий риоя этган ҳолда ўртача 15 фоизгача оптималлаштириш;

– вазирликларда фаолиятни туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштириш тизими жорий этилмоқда.

Умуман олганда ходимларни бошқаришда барча муаммолар тизимли равишда ечилиши йўлга қўйилган. Бошқарув соҳаси ходимларини адолатли ва шаффоф рағбатлантириш ва малакасини оширишга эътибор қаратилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, рағбатлантириш – бу ходимларни қандайдир омил орқали ички иштиёқига таъсир этиш билан бирга, ундан ўз ишини сифатли бажаришга хоҳиш ўйғотишдир. Ходимлар нафақат корхона, балки иқтисодий учун ҳам барча даражада аҳамиятли бўлиб, уларни кенг имкониятларидан фойдаланиш мамлакатга яхши фойда келтиради. Бунга албатта, ходимларни моддий рағбатлантирилсагина эришиш мумкин, яъни бу жараёнда ташкилот мақсадлари ва ходимлар хоҳишлари ўртасида мутаносибликка эришиш, ташкилот мақсадларига эришишда ходимлар фаолиятига таъсир этиш, ташкилот ва ходимлар қизиқишларининг ягона жараён муҳитини яратиш.

Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жиҳатдан глобаллашувга интеграция бўлаётган Янги Ўзбекистонда инсон ресурсларини бошқариш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш йўлидаги кечиктириб бўлмас ва муҳим ислохотларнинг ўз вақтида бошланганлиги, тинч ва хотиржам жамиятимиз ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиши қувонарлидир.

## ❓ ТАКРОПЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. «Инсон ресурслари» ижтимоий-иқтисодий тоифа сифатида нималарни ўзида акс эттиради?
2. «Инсон ресурслари» тушунчаси «меҳнат ресурслари» ва «ходимлар»га нисбатан қандай маънога эга?
3. Инсон ресурслари таркибига қимлар қиради?
4. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда меҳнатга лойқат ёшнинг энг паст чегараси неча ёш?
5. Республикада рақамли иқтисодийни ривожлантириш бўйича қандай чоралар амалга оширилмоқда?

6. *Персонал ва инсон ресурсларини бошқариш ўртасида фарқ борми?*
7. *Қайси омиллар инсон ресурслари талабларининг ўзгаришига хизмат қилади?*
8. *Ҳозирги босқичда инсон ресурсларига асосий талаблар нимадан иборат?*
9. *Ташиқлотнинг иш сифатига инсон ресурсларининг таъсири қандай номўён бўлади?*
10. *Авлодлар назариясининг моҳияти нимада?*
11. *Ташиқлот инсон ресурслари (персонали) структураларининг қайси асосий турларини биласиз?*
12. *Ташиқлот инсон ресурслари (персонали) статистик ва таҳлилий структураси нималарни акс эттиради?*
13. *Жамиятни ахборотлаштириш шароитларида персонални ривожлантиришнинг асосий вазифалари қандай?*
14. *Инсон ресурсларини бошқариш тизимида рақамлаштириш йўналишлари қайсилар?*
15. *Рақамли иш жойлари қандай вазифаларни амалга оширади?*
16. *Инсон ресурсларини шакллантиришда рақамли технологияларнинг роли қандай?*
17. *Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш виртуал қабулхонаси қандай номланади?*
18. *Республикада замонавий дастурлаш технологияларини ўзлаштирган кадрларни тайёрлаш мақсидида қандай лойиҳа ишлаб чиқилди?*
19. *Республикада рақамлаштириш жараёнларининг ривожланиши натижасида кадрлар сиёсати нималарни назарда тутмоқда?*
20. *Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида инсон ресурсларига қўйиладиган янги талаблар нимада ва улар аввалгиларидан қандай фарқ қилади?*



## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. «Инсон ресурслари» атамаси илк бора қайси йилдан бошлаб қўлланила бошлади?

А) 1970

Б) 1971

В) 1972

Г) 1973

2. «Инсон ресурслари» атамаси илк бора қайси давлатларда қўллана бошлади?

А) АҚШ ва Буюк Британия

Б) Германия ва Буюк Британия

В) АҚШ ва Россия

Г) Россия ва Германия

3. .... – инсонинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, такрор ишлаб чиқариш, ривожлантириш, имконият яратиш орқали ҳар қандай жамиятнинг асосий бойлигини ва тараққиётини акс эттирувчи тушунчадир.

А) Инсон ресурслари

Б) Инсон капитали

В) Инсон омили

Г) Инсон тараққиёти

4. Бошқа барча турдаги ресурслардан (моддий, молиявий, ахборот ва бошқалар) фарқли ўларок, инсон ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари нечта?

А) 3

Б) 4

В) 5

Г) 6

5. 2020 йиллар давомида Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 73 ёшдан неча ёшга етган?

А) 75,1

Б) 75,2

В) 75,3

Г) 75,4

6. Ишлайдиган ўсмирлар ва ишлайдиган нафақахўрлар меҳнат ресурслари таркибига қирадими?

А) ҳа, албатта

Б) йўқ, қирмайди

В) ишлайдиган ўсмирлар қиради. ишлайдиган нафақахўрлар киритилмайди

Г) тўғри жавоб йўқ

7. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли қимлар?

А) 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар

Б) 15 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 15 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар

В) 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар

Г) 17 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 17 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар

8. .... деганда меҳнат қилиш қобилияти, инсон эга бўлган ва ишлаб чиқариш учун фойдаланадиган жисмоний ва интеллектуал қобилиятлар, билимлар, маҳорат ва кўникмалар йиғиндиси тушунилади.

А) ишчи кучи

Б) ишчи ёши

В) ишчи таркиби

Г) тўғри жавоб йўқ

9. Меҳнат бозорига 2021 йилда жами неча нафар битирувчи кириб келмокда?

А) 560 минг

Б) 570 минг

В) 580 минг

Г) 590 минг

10. «Рақамли Ўзбекистон–2030» Стратегияси қачон қабул қилинди?

А) 2020 йил 5 октябрда

Б) 2020 йил 6 октябрда

В) 2020 йил 7 октябрда

Г) 2020 йил 8 октябрда

### XIII БОБ

## ТУРИЗМ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ: МУАММОЛАР, ИСЛОҲОТЛАР ВА НАТИЖАЛАР

### 13.1. ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир пайтда туризм кўпгина давлатлар иқтисодиётининг муҳим даромад манбаига айланиб улгурди. Туризм соҳаси янги иш ўринларини яратишнинг рағбатлантирувчи кучи сифатида ижтимоий аҳамият касб этади. “Бугунги кунда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизи, иш билан бандликнинг 9 фоизи, жами экспортнинг 7 фоизи, хизматлар экспортининг эса 30 фоизи туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келади”.<sup>1</sup> Бу эса унинг иқтисодий ривожланишдаги муҳим ўрнини тасдиқлайди.

Таҳлилларга кўра, дунё бўйлаб ҳар йили 148 миллион сайёҳ айнан зиёрат мақсадида сафар қилади. Жорий 2021 йилда ҳам пандемия билан боғлиқ вазият қайта мураккаблашмаган тақдирда Самарқандга келувчи зиёратчилар сонини 210 мингга етказиш имконияти мавжуд.<sup>2</sup>

Дунё экспорти таркибида туристик хизматлар ёқилғи, кимё саноати, озиқ-овқат ҳамда автомобиль саноати экспортдан кейин бешинчи ўринни эгаллагани, унинг иқтисодиёт тармоқлари ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатаётганлигидан далолат беради. Хорижий давлатлар ўз миллий туристик маҳсулотини диверсификация қилиш асосида туристик хизматлар экспорти ҳажмини мунтазам ошириб боришга жиддий эътибор қарата бошлади. Хусусан, Ўзбекистонда кириш туризми билан шуғулланувчи бизнес субъектлари фаолиятини модернизациялаш, туристик хизматларни инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш, унинг экспортини диверсификация қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида катта эътибор қаратилмоқда.

Туризм соҳасидаги институционал ўзгаришларнинг эволюцион босқичларини куйидаги тартибда ажратиш кўрсатиш ўринли:

<sup>1</sup> UNWTO. Tourism Highlights: 2019 Edition, p. 3 // <http://www.unwto.org>

<sup>2</sup> <https://yuz.uz/news/sayyohsevar-yurt-kun-sayin-sayqal-topmoqda>

– биринчи давр (1992-1999 йиллар) – туризм соҳаси ривожланишини мувофиқлаштирувчи “Ўзбектуризм” миллий компанияси ташкил қилинди; Буюк ипак йўлини қайта тиклашда мамлакатнинг иштирокини авж олдириш ва мамлакатда халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чоралар қабул қилинди ва амалга оширилди;

– иккинчи давр (2000-2016 йиллар) – Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида” ги Қонуни кучга кирди ва Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат ва ҳудудий дастурлари қабул қилинди ва улар асосида чоралар олиб борилди;

– учинчи давр (2016-2021 йиллар) – туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинди, туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоқлардан бири сифатида белгиланди ҳамда туб ислохотлар амалга оширилди. Бунда 76 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар: Президент Қарорлари, Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишлари қабул қилинди ҳамда 2 та қўшма ҳайъат тузилди.

– тўртинчи давр (2021-2025 йиллар) – 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги шакллантирилди ва туризм соҳасида ислохотларни жадаллаштириш, дунё миқёсида ўз ўрнини юқори даражаларга кўтариш, туризмни ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларини режа асосида бажариш, пандемия давридаги йўқотишларни тўлдириб, 2025 йилгача туристлар сонини ва туризм соҳасидаги экспортни кўпайтириш.

Туризм индустрияси чет эл валютаси тушумининг муҳим манбаи ва мамлакат ташқи савдо тўлов балансига, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигига фаол таъсир этади. Бу омиллардан ташқари, халқаро туризм индустрияси давлатлар ижтимоий-маданий, экологик муҳитида ҳам ўзининг самараларини намоён этади.

Бутун жаҳон туризм ташкилоти ривожланаётган давлатларга туристик салоҳиятни юксалтириш, инновацион хизмат турларини ишлаб чиқиш, янги туризм брендларини яратиш, туризм соҳаси субъектларининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш бўйича амалий чоралар кўриш, туризм географиясини янада кенгайтириш, мамлакатлар ЯИМда айни соҳа улушини ошириш ҳамда туризмни рентабеллик даражаси юқори соҳалардан бирига айлантириш лозим эканлигини таъкидламоқда. Шу билан бир қаторда, жаҳонда туристик хизматларни тақдим этувчи бизнес субъектлари бошқарувини илмий асосда ташкил қилиш, ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича илмий изланишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, туристик корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва истиқболларини баҳолашга эътибор тобора кучайтирилмоқда. Туристик бизнес субъектларида менежментнинг инновацион платформалар асосида

ташқил этилиши, бошқарув самарадорлигини таъминлаш, бошқарув тизимига таъсир кўрсатувчи омилларни баҳолаш бугунги кундаги долзарб илмий муаммолардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда хизматлар соҳасини, хусусан туризм хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, туризм хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, нормативлар ва янги талаблар ишлаб чиқилди, бошқарув тузилмалари такомиллаштирилди. Ўз ўрнида, миллий туризм соҳасининг янада ривожланишига ҳамда хорижлик туристлар оқими ва туристик хизматлар экспортини кенгайтириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш асосида аҳолининг бандлик даражасини ошириш, меҳмонхоналар, сайёҳларни жойлаштиришнинг бошқа воситалари ва туризм фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар сонининг кўпайиши ҳамда уларда бошқарувнинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этишни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «туризм индустриясини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш» муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди<sup>1</sup>. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши эса туристик корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, халқаро тажрибалар ва тамойиллар асосида миллий туризм тармоғи бошқаруви самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади. Шулардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда ва унинг минтақаларида туризм хизматлари бозорини ривожлантириш, туризм индустриясини бошқаришни замонавий менежмент тамойиллари ва усуллари орқали амалга оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Туризм – миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш жараёнини таъминловчи тармоқ бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида алоҳида ўрин эгаллайди. Янги иш ўринларининг яратилиши, аҳоли бандлигини барқарор суръатлар билан ошириш, халқ фаровонлигини юксалтиришда туристик хизматлар экспортининг ҳам ўрни бекиёс. Мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда туризм индустриясини тартибга солиш бўйича зарур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, миллий кадриятларни асраш, маданий ме-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.



рос объектларини тиклаш ва таъмирлаш борасида кенг кўламли амалий чора-тадбирлар комплекси тизимли ва изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳмондўстлик ҳамда туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида хориж мамлакатларидан ташриф буюраётган туристлар оқими жадал ортмоқда.


Ўзбекистон бой тарихий илдишларга ва ноёб маданий меросга эга ҳудуд. Бу эса мамлакатимизда ҳали улкан салоҳияти тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини тараққий эттириш, давлатимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради.

Ўзбекистонда туризм индустрияси ва хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга давлат томонидан ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида туризм соҳасини ривожлантиришда инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш борасидаги йўналишлар қатъий белгилаб берилган.

Туризм индустрияси юқори даражада ривожланган кўплаб мамлакатларда ҳам хорижий туристлар дам олиши ва уларга сифатли хизмат кўрсатиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган, улар ўзига миллионлаб туристларни барқарор жалб қилмоқда. Шу билан бирга, Африка, Австралия, Жанубий Америка, Жануби-Шарқий Осиё, Мексика каби минтақаларнинг хорижий туристларга хизмат кўрсатишдаги улуши борган сари кўпайиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг ўсиши дунё бозорига боғлиқ бўлмоқда. Туризм давлатларни ўзаро яқинлаштирибгина қолмай, балки халқаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шунинг учун, халқаро туризм индустриясини оқилона ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантириш, жойлаштириш воситалари турларини кўпайтириш ва такомиллаштириш ҳамда бу борада жаҳон тажрибасини қўллаш зарурати сезилмоқда. Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий ва институционал ислохотларнинг натижалари мамлакатда рўй бераётган ўзгаришлар ҳамда соҳа тармоқларнинг статистик кўрсаткичларнинг ўсишида ўз аксини топади. Мамлакатаимизда туризм соҳасидаги ислохотларнинг натижалари ҳам ушбу соҳадаги иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришида намоён бўлади (3.1.1-расм). Ҳар бир қилинган иқтисодий, институционал ўзгаришлар мамлакат тараққиётини кўзлаши билан бирга самарали амалга ошириши ҳамда муваффақиятли натижаларни ўзида акс эттириши лозим.

### Ўзбекистонга келувчи туристлар сони (минг киши)



13.1.1-расм. Ўзбекистонга келувчи туристлар сони ва унинг ўзгариш динамикаси (минг киши)

13.1.1-расмдан кўриниб турибдики, туризм соҳасидagi институционал ўзгаришларнинг эволюцияси катта ўзгаришлар вужудга келишига туртки берган. Пандемия даврини ҳисобга олмаганда қисқа давр ичида Ўзбекистонга келадиган туристлар сони 3-4 баробарга ортишга эришилди. Бу эса жаҳон туризми ривожланишида катта кўрсаткич ҳисобланади. 2019 йилдаги қарийб 7 млн Нафарга етadиган туристларнинг келиши олиб борилган туризм ислохотларининг самарали ва тўғри йўлда эканлигини кўрсатади.

Туризм соҳасидаги ислохотларнинг бошланиши ўз навбатида соҳа вакиллариининг йўналишдаги ўзгаришларни яхрит ва таркибий жиҳатдан таҳлилини олиб боришни талаб этади. Ўзбекистон республикаси Туризм ва спорт вазирлиги томонидан ўтказилган шундай таҳлилардан бирида мамлакатимизга келган туристларнинг таркиби алоҳида урганлиди. Натижа туристларнинг қандай мақсадларда келаётганлигини кўрсатиб, бу кўрсаткич орқали келажакда мамлакатда туризмнинг қайси турларига инфратузилмани кенгайтириш ва ривожлантириш кераклигини акс эттирган. Мақсадлар таснифи бўйича тарифлар ва уларнинг умумий ҳолати эса қуйида келтирилган жадвалда ўз аксини топган (13.1.1-жадвал).

13.1.1-жадвал

#### Ўзбекистонга келган туристларнинг мақсадлар бўйича тақсими

Мақсад	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Жами:	2 027 035	2 690 074	5 346 219	6 748 512	
шундан келиш мақсадлари бўйича:					
Дам олиш ва кўнгил очиш (15,5%)	175 534	230 513	458 119	1 043 929	

Савдо-сотик (0,8%)	17 175	25 635	50 946	53 874
Ишбилармонлик учрашувлари (0,8%)	149 708	28 437	56 515	53 117
Даволаниш ва соғломлаштириш (0,8%)	27 149	26 430	52 527	55 490
Таълим (0,3%)	6 261	7 363	14 633	21 383
Қариндош ва дўстларни кўриш (81,8%)	1 651 208	2 371 696	4 713 479	5 520 719

13.1.1-жадвал маълумотларига кўра, мамлакатга келган туристларнинг асосий қисми қариндош ва дўстларни кўриш учун бўлиб, мамлакатимизда туризмнинг қолган йўналишларини ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратиш ва энг кўп келган туристик йўналишлар бўйича инфратузилмани яхшилаш хулосаларини олишни тақозо этади.

Туризм соҳасидаги катта ўзгаришлар ва ислоҳотлар ўз навбатида кадрларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан ахамиятлидир. Мамлакатимизда бу борада ҳам ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ҳозирда туризм соҳаси учун республиканинг 25 та олий ўқув юрларида мазкур йўналишларда жами 6738 нафар талаба таълим олмақда.

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги тасарруфига ўтказилган 10 та коллеж ва 3 та техникумга 2020-2021 ўқув йилида бюджет асосида 3340 нафар ўқувчилар қабул қилинди.


Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” туризм халқаро университети биноси тўлиқ таъмирланиб, 2020 йил 16 октябрь куни университетнинг янгиланган биносининг очилиш маросими ўтказилди. “Ипак йўли” туризм халқаро университетида таълимни тўлиқ инглиз тилида олиб бориш йўлга қўйилди. Ушбу университетда “Менежмент: меҳмонхоналарни бошқариш” таълим йўналиши бўйича Хитойнинг Гуилин туризм университети (Guilin Tourism University, China), “Менежмент: туризм бизнесини бошқариш” ва “Оммавий тадбирлар менежменти” таълим йўналишлари бўйича Индонезиянинг Сахид политехника институти (Sahid Polytechnic in Jakarta), “Менежмент: ресторан бизнесини бошқариш” таълим йўналиши бўйича Сахид туризм институтлари (Sahid Institute of Tourism in Surakarta) билан қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

2020-2021 ўқув йилида гидлар малакасини ошириш курсларида 548 нафар, туроператорлар малакасини ошириш курсларида 152 та тингловчи таълим олмақда. Республикада сертификатланган гидлар сони 3122 нафарга, сертификатланган туроператорлар сони 1765 тага етди.

Халқаро даражадаги “Uzbekistan Travel” туризм илмий журнали чоп этила бошланди. Туризм соҳасида илмий салоҳиятни ошириш мақсадида Туризмни ривожлантириш институти ва “Ипак йўли” туризм халқаро уни-

верситетида докторантура ва таянч докторантура бўйича қабул жараёнлари амалга оширилди.

Ҳар қандай иқтисодий ислохотларнинг замирида таълим ва айнан кадрлар тайёрлаш тизимининг ўрни каттадир. Хусусан туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш жараёнлари ҳам мамлкатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг ажралмас қисми сифатида амалга оширилиб келинмоқда. Юқорида айтилганидек, ҳозирги кунда 25 та олий таълим муъассасасида туризм соҳаси учун бакалавр ва магистратура босқичларида кадрлар тайёрланиб келинмоқда. Бу ҳолатларни таҳлил қилиш натижалари кўрсатадики, (13.1.2.-расм) туризм соҳаси учун кадрлар тайёрланаётган олий таълим муассасаларида ҳозирги кунда 187 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Шундан, 11 нафар (6 фоиз) фан докторлари, 13 нафари (7 фоиз) PhD ва 33 нафар фан номзодларидир. Буларнинг 22 нафари хорижий олий таълим муассасасини битирган профессор-ўқитувчилар ва 57 нафари (30.5 фоиз) илмий даражага эга профессор-ўқитувчилардир. Айни вақтда, уларнинг 15 нафари (8 фоиз) соҳа бўйича илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилардир.



13.1.2.-расм. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида (25 та ОТМда) туризм соҳасига тегишли фанлар бўйича ўқув машғулотлари олиб борувчи профессор-ўқитувчилар тўғрисида маълумот

Туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- экстремал ва тоғ туризми турларини ривожлантириш доирасида Тошкент вилоятида энг илғор ва инновацион технологиялар асосида барпо этилган “Амирсой” комплекси ишга туширилди;

- кинотуризмни ривожлантириш мақсадида республикада олинган аудиовизуал маҳсулотлар учун хорижий кинокомпаниялар харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби жорий қилинди;

- ҳудудлардаги маҳалла ва қишлоқлардаги табиат ва урф-одатлардан келиб чиқиб, туристик жозибадорлигини ошириш ва туристлар оқимини таъминлаш мақсадида «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ва «Туризм овул»лари ташкил қилинмоқда (Ҳозирга вақтда 120 та салоҳиятли фуқаролар йиғинлари саралаб олинган)

- автотуризм туризм турларини ривожлантириш учун шароит яратиш мақсадида автомагистраль йўллари бўйлаб Хонобод шаҳридан, Термиз шаҳрига боғланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ шаҳригача «Ўзбекистон туризм магистралли» туризм транспорт коридори ташкил этилмоқда.

Умуман олганда, туризм соҳасидаги институционал ўзгаришларнинг эволюцияси мамлакатимизда бир нечта босқичлардан иборат бўлган. Тадрижий тараққиёт маҳсули сифатида туризм соҳаси ўзининг бой тарихи ҳамда улкан ресурс салоҳиятига эга.

### 13.2. ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ ТУРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида<sup>1</sup> кўрсатилганидек, Ўзбекистонда туристик хизматлар соҳасини барқарор ривожлантириш, миллий иқтисодиётда унинг аҳамияти ва улушини изчил ошириш, туристик хизматларни чуқур диверсификация қилиш ва уларнинг сифатини тубдан яхшилаш, туризм инфратузилмаси объектларини кенгайтиришга олиб келадиган ўрта ва узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш концепциясига асосан, шунингдек, 2017–2021 йилларда Концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” (Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).

Ушбу вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши туризм индустриясининг тезкор ривожланиши, унинг миллий иқтисодиётдаги улуши ортиши, туристик хизматлар сифатининг ошишига олиб келади. Шу билан бирга, “Туризм тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилиши натижасида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди, мазкур соҳада тадбиркорликнинг кенг ривожланишига замин яратилди<sup>1</sup>. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда Туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг сони тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда кўрсатиб ўтилган (13.2.1-жадвал).

13.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда Туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида” қонуни	1
Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари	15
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари	15
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши	1
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари	33
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бошқа фармойишлари	7
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ Қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг қўшма Қарори	1
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг туризмни ривожлантириш бўйича қарорлари	2
<b>Жами</b>	<b>75</b>

Туристлик хизматларни диверсификация қилиш ва янги туристик маршрутларни яратиш, жумладан: мамлакат барча ҳудудининг туристик имкониятини ўрганиш ва янги туристик маҳсулотлар ва маршрутларни шакллантириш; аҳоли учун турлар ва экскурсиялар ўтказиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш; ички маршрутлар бўйича янги авиа-алоқалар очиш; маркетинг тадқиқотларини ўтказиш асосида ҳудудий ва халқаро йўналишлар бўйича чартер рейсларини ташкил этиш мақсадида янги туристик маршрутларни яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш.

<sup>1</sup> 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Тошкент: “Маънавият”, 2017. – 268 б.

уларнинг жозибадорлигини кучайтиришга оид ислохотларни янада такомиллаштириш бўйича тадбирлар Ҳаракатлар стратегиясидан жой эгаллагани туристик хизматлар кўрсатувчи субъектларнинг имкониятларини янада кенгайтиради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз туризм соҳасидаги иккита катта муаммо: биринчидан, ўз фаолиятининг барча турларини миқдор ва сифат жиҳатидан кенгайтириш, иккинчидан, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга имкон яратади.<sup>1</sup>

Туризм соҳасидаги энг муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон фармони билан тасдиқланган “2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси” бўлиб, унда мамлакатда туризм соҳасига қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш масалалари ҳамда эришилиши зарур бўлган мақсадли кўрсаткичлар ақс этган.

Хусусан, Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясида кўзланган лойиҳалар ва ишлар амалга оширилиши билан қуйидаги натижаларга эришилади (13.2.1-расм):

Қабул қилинган ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўз навбатида, мамлакатимизга хорижий туристлар ташрифи сони ортишига сабаб бўлди. Мамлакатимизда олиб борилган туризм ислохотларининг натижалари таҳлил этилганда албатта, хорижий туристлар ва уларнинг географияси муҳим аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичларнинг таҳлилида айниқса, кўшни давлатларнинг ўрнини кўрсатиш муҳим. (13.2.2-расм).

13.2.3-расм маълумотлари шуни кўрсатадики, пандемия шароитларидаги туризмни ҳисобга олмаганда, 2019 йилда энг кўп ташрифлар Қозоғистон республикасидан бўлиб, йиллар давомида энг катта улушни ташкил этган.

Эришилган ушбу натижалар виза тартиботи тизимидаги соддалашув сабаб янада йирик қўлам касб этди. 2019 йилда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрувчи хорижий фуқароларнинг айрим гуруҳлари учун қўшимча (электрон бўлмаган) кириш визалари тоифаларини жорий этилди. Хусусан:

<sup>1</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Тошкент: “Маънавият”, 2017. – 268 б.

Ўзбекистонда самарали рақобатбардош туризм комплекси ташкил этилади. У минтакалар ривожланиши ва минтакалараро алоқаларнинг асосий пойдеворларидан бири бўлади ҳамда Ўз агробиёликдаги кичик ва ўрта бизнес ривожига туртки беради. Унга кўра, 2017-2021 йиллар оралиғида туризм саноатининг асосий капиталга киритиладиган сармоя миқдори 298,2 млрд сўмни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг турли тоифадаги фуқароларининг фаол ва тўлиқ дам олиш борасидаги талабларини қондириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, маданий кадриятларга оқибатли қизиқишга эриштирилади. Шу билан бирга, Ўзбекистонга келувчи хорижий сайёҳлар сони 2017 йилги 2 млн. нафардан зиёд кишидан 2021 йилга бориб 2,5 миллион нафар кишидан ортиқроқни ташкил этади.

Туризм соҳасида кўшимча иш ўринлари яратилиш воситасида аҳоли бандлик даражасини оширишга эриштирилади. Бу мақсадлар меҳмонхоналар, сайёҳлик фирмалари ва ташкилотлар сонини кўпайтириш орқали амалга оширилади. Жумладан, 2021 йилга бориб Ўзбекистонда 2017 йилги 680 та меҳмонхоналар сони 1036 тага етказилади. Сайёҳлик операторлари сони 441 тайдан 565 тагача ортиши.

Туризм соҳасида хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш билан маҳаллий ва давлат бюджетлари даромади ортиши. Аҳолига ҳақ тўланувчи туристик хизматлар кўрсатиш сони кенгайтирилади. Меҳмонхоналарда қолмиш ҳолатлари кўпайтирилади. Бунинг натижасида 2021 йилда сайёҳлик соҳасида 2 млрд 722 млн долларга яқин хизматлар экспорт қилиниши.

13.2.1-расм. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш  
Концепциясида кўзланган лойиҳалар

1. **«Vatandosh»** – Ўзбекистон Республикасида туғилган шахслар ва уларнинг оила аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ва унинг ҳудудида доимий яшовчи қариндошларининг таклифномаси асосида бериладиган 2 йиллик виза;

2. **«Student visa»** – Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасалари, тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг илтимосига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган таълим муассасаларига қабул қилинган хорижий талабаларга бериладиган бир йиллик виза;

3. **«Academic visa»** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий таълим муассасалари, вазирлик ёки идоралар илтимосига кўра Ўзбекистон Республикасида илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятни амалга оширишни истаган хорижий шахслар учун 3 ойдан 2 йилгача бўлган муддатга бериладиган виза;

4. **«Medical visa»** – тиббий муассасанинг таклифига биноан даволаниш учун Ўзбекистон Республикасига келувчи хорижий фуқаролар учун 3 ойгача бўлган муддатга бериладиган виза;






**13.2.2-расм.** Ўзбекистонга кўшни давлатлардан келувчи туристлар сони ва унинг статистик таҳлили

5. **«Pilgrim visa»** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва туристик фаолият субъектларининг аризасига кўра Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва диний мероси, анъаналарини ўрганиш мақсадида кирувчи хорижий фуқаролар учун 2 ойгача бўлган муддатга бериладиган зиёрат визаси;

6. **«Investment visa»** – хорижий инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 8 500 бараварида хўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга расмийлаштириладиган, ушбу корхоналарнинг буюртмаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқмасдан муддатини узайтириш имконияти билан бериладиган, амал қилиш муддати уч йилгача бўлган кўп марталик инвестиция визаси. Бунда, инвесторнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи, ота-онаси ва фарзандлари)га «Investment visa» амал қилиш муддатига мос равишда меҳмон визаси республикадан чиқмасдан туриб узайтириш ҳуқуқи билан расмийлаштириб берилади.

Ушбу виза тизимининг ҳуқуқий ечими топилиши асносида мамлакатга келадиган туристларнинг географияси кенгайди ҳамда ташрифларнинг сони кескин ортиб бормоқда. Биргина 2020 йил якунларига оид қуйидаги диаграмма буни яққол ўзида акс эттирган (13.2.3-расм).

2020 йилда Ўзбекистонга кўшни давлатлардан келувчи туристлар улуши



13.2.3-расм. 2020 йилда Ўзбекистонга кўшни давлатлардан келувчи туристлар улуши

4-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2020 йилда кўшни давлатлардан келадиган туристларнинг таркиби ўзгариши ҳолда, энг катта улуш Қирғизистон Республикасидан келган туристларнинг улушига тўғри келади. Айнан шу маълумотларни 2019 йил билан солиштирилса энг катта улуш бу Қозоғистон республикасига тўғри келган. Пандемия оқибатларини юмшатиш учун кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар ижобий маҳсулини қўйида келтирилувчи тасвирда аниқ акс эттирилган (13.2.4 ва 13.2.5-расмлар).

Пандемия таъсири бўлмаган 2019 йил якунларга кўра Ўзбекистонга ташрифлар сони бўйича Туркия, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея давлатлари етакчи ўринларни эгаллаган.


2020 йилда авж олган COVID-19 инфекцияси келтириб чиқарган инкироз ҳамда чекловлар натижасида эса Ўзбекистонга ташрифлар сони бўйича Туркия, Афғонистон, Хитой Халқ Республикаси давлатлари етакчи ўринларни эгаллаган.

13.2.4-13.2.5-расм маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонга узоқ давлатлардан келувчи туристлар таркиби пандемия шароитида сезиларли ўзгариш касб этган. Бу борада жаҳон ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар ва барча мамлакатлар ҳукуматлари туризмни тиклаш, пандемия

оқибатларини юмшатиш ва пандемия шароитига мос туризм инфратузилмасини шакллантириш чораларини белгиламоқда.



**13.2.4-расм. 2019 йилда Ўзбекистонга узоқ хориж давлатлардан келувчи туристлар оқими динамикаси**



**13.2.5-расм. 2020 йилда Ўзбекистонга узоқ хориж давлатлардан келувчи туристлар оқими динамикаси**

13.2.5-расм маълумотларининг ахамиятли жихати, туризм соҳаси ҳалқаро ҳамжиҳатлик ва дўстлик ришталарига асос яратилишининг белгиси сифатида пандемия шароитида энг кўп туристлар улушига эга давлат бу Афғонистон эканлигидир. Афғон халқининг савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар ёрдамлар билан бирга туристик саёҳатларининг ҳам қулай бўлган қўшни мамлакатлар билан алоқаси мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизга узоқ мамлакатлардан ташриф буюрган туристларнинг сон жихатдан таркибини кўрсак, йиллар давомида ўсиш тенденциясини акс эттирган. 2016-2020 йилларда узоқ мамлакатлардан келган туристларнинг умумий сони 2019 йилгача катта ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги бу мамлакатимизда узоқ мамлакатлардан келувчилар учун виза тизимини энгиллашганлиги билан изоҳланади (13.2.6-расм).



13.2.6-расм. 2016-2020 йилларда Ўзбекистонга узоқ давлатлардан келган туристлар ҳақида маълумот

13.2.6-расм маълумотлари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонга 2016 йилда 154 минг туристлар ташриф буюрган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич қарийб 3 баробарга ортиб, 488 мингга етган. Бу жадвал маълумотларига кўра, асосий ўсиш туризм соҳасида мамлакатимизда олиб борилган ислохотларнинг кейинги йилидан бошланган бўлиб, 2018 йилда кескин ўсиш таъминлаганлигини кўрсатади. Бу эса 2018 йил 1 январдан виза тизимини энгиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сонли “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори ижроси билан боғлиқ жараёндр.

Шунингдек, Ўзбекистон туризм ва спорт вазирлиги томонидан ўтказилган кўплаб таҳлилий материалларда туристларнинг таркиби кенг ўрганилган. Жумладан, 2019 йилда Ўзбекистонга келган туристларнинг ёши бўйича

таркиби таҳлил этилган (13.2.7-расм) бўлиб, унда келган туристларнинг келажакдаги ўзгаришлари ва туристик компаниялар ва меҳмонхона бизнеси вакилларининг келажакдаги режаларига ўз таъсирини ўтказди.



13.2.7-расм. 2019 йилда Ўзбекистонга келган туристларнинг ёши бўйича таркиби

13.2.7-расм маълумотлари шуни кўрсатадики, бизда узоқ давлатлардан келадиган туристларнинг ёш таркиби ҳақида гап кетганда кекса ёшдагилар кўпроқ келиши кузатиш мумкин. Айнан, сўнгги йиллардаги туризм соҳасида олиб борилган ислохотлар бу таркибни ўзгартирганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Унга кўра, 25-44 ёшлиларнинг умумий улуғлиги 52 фоизни ташкил этаётганлиги ва 55 ёшдан катталар 20 фоизни ташкил этаётганлиги узоқ хориждан келадиган туристларнинг ёш таркибини кескин ўзгартирганлигини кўрсатади.

Шунингдек, Ўзбекистонга ташриф буюрувчиларнинг таркибида албатта 70 йиллик ҳамоҳанг тарихга эга МДХ давлатларининг ўрни ҳам аҳамиятлидир. Бу борада ҳам таҳлиллар амалга оширилган бўлиб, мамлакатимизга келётган туристлар таркибининг МДХ мамлакатлари бўйича маълумотлари қуйидагича (13.2.2-жадвал).

Ўзбекистонга МДХ мамлакатларидан келувчи туристлар сони (киши)

	2018	2019	2020	2021 (январь-март)
Жами таширлар	5 346 219	6 748 512	1 504 126	52,4
МДХ мамлакатларидан	5 020 392	6 260 110	1 420 280	48,8
Азарбейжон	10 465	12 367	2 213	41,1
Арманистон	1 409	1 740	336	129,0
Белоруссия	5 609	7 411	1 632	154,2
Молдавия	5 470	4 601	1 033	50,0
Россия	371 529	455 470	81 592	69,0
Украина	11 718	14 041	3 174	98,2


13.2.2-жадвал маълумотларига кўра, пандемиягача бўлган давр 2019 йилда мамлакатимизга келган туристларнинг асосий қисми, жами 6748512 нафар туристарнинг 6260110 нафари. яъни 92 фоизи МДХ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Бу эса туризм соҳасида узоқ мамлакатлардан ташир буюрувчи туристларнинг улушини ошириш вазифасини қўйса, айна дамда МДХ мамлакатлари Ўзбекистон туризм бозори учун яқин келажакда катта имконият эканлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, 2019 йилда ўтказилган тадқиқотларнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, келаётган туристларнинг мамлакатимизга қайта келишни исташлари аниқланди. Бу туризм соҳасида муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Чунки туристларнинг бир маконга яна келишлари шу макондаги туристларга яратилган шароит ва рекреация муҳитининг самарали эканлиги белгиси сифатида намоён бўлади (13.2.8-расм).


13.2.8-расм маълумотларидан кўриниб туридики, Ўзбекистонга келаётган туристларнинг қарийб 49 фоизи тўрт марта ва ундан ортиқ келганлар. Бу эса юртимизга келаётган туристларнинг кўпчилиги мамлакатимиз учун, бизнес тили билан таърифлаганда, “содик мижозлар” эканлигини билдиради. Шу билан бирга, биринчи марта келаётганлар қарийб 24 фоизни ташкил этиши яъни 5/1 туристнинг илк марта келаётганлиги ва бу ўз навбатида Ўзбекистон туризми учун катта синовлар борлигини акс эттиради. Чунки ҳар бир келган янги туристнинг яна келишини таъминлаш учун туристик бизнес субъектларига ва туризм инфрагузилмасига маълум синовлар мавжуд.

Туризм соҳасидаги яна бир муҳим кўрсаткич бу туристларнинг келган маконида қолган кунлари сонидир. Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонга кел-

ган ҳар бир турист малакатимизда бир кунга қолиши мамлакатга қўшимча 200 доллар қолдиришини аниқлатади (13.2.9-расм).



13.2.8-расм. 2019 йилда Ўзбекистонга келаётган туристларнинг қайта ташрифлари сони бўйича таркиби



13.2.9-расм. 2019 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрувчи туристларнинг сафар давомийлиги бўйича таркиби (фоиз)

13.2.9-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонга келган 79 фоиз туристлар 1-9 кун оралиғида мамлакатда қолмоқда. Ҳар бир туристик бизнес субъект туристларнинг кўпроқ қолишидан манфаатдорлиги уларнинг иш ўринлари ва қўшимча даромадга эгаллигини кўрсатади.

Шу билан бирга 2019 йилда ўтказилган сўровномага кўра, Ўзбекистонга келаётган туристларнинг қайта келиш режалари борасидаги сўровига хорижий туристларнинг жавоблари қўйидагича бўлган (13.2.10-расм). Мамлакатимизга келаётган туристларнинг яна келиши таъминланганлиги мамлакатда яратилган инфратузилма ва туристик рекреацияни қулайлиги билан боғлиқлиги ҳамда туризмнинг жозибадорлигини аниқлатади. Шундай экан, ҳар бир келган туристнинг яна келишини таъминлашга қаратилган ислохотлар жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ташкилий механизмнинг янада кучайтиришни талаб этади. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган тадбирлар, мавжуд инфратузилма ва туристик хилма хилликни кенгайтиришга қаратилган ислохотларни жадаллаштиришни устувор вазифа қилиб қўяди.



**13.2.10-расм.** 2019 йилда туристларнинг Ўзбекистонга қайта келишлари бўйича сўровнома натижалари (фоизда)

13.2.10-расм маълумотларидан кўринадики, хорижий туристларнинг мамлакатимизга яна келишлари борасидаги фикрлари ижобий. Унга кўра, 52 фоиз туристларнинг 12 ой ичида яна келишга қизиқишлари борлиги –



бу жаҳон статистикаси бўйича юқори кўрсаткич сифатида белгиланади. Шунингдек, туристларнинг “келмоқчи эмасман” деган жавоблар сабабини аниқлаш ҳам унга кўра зарурий чоралар кўришни талаб этади.

Бу натижаларнинг барчаси, шубҳасиз, туризм соҳаси меъёрий-ҳуқуқий асосларининг изчил такомиллашиб бориши билан параллел кечмоқда. Пировардида, стратегик манфаатларни кўзлаган ҳолда, туризм индустрияси корхоналари учун қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда қонуний преференциялар яратилмоқда.

### 13.3. ТУРИЗМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК – ИҚТИСОДИЙ ИМТИЁЗЛАР ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР

Туризм соҳасининг жадал ривожланиши хусусий тадбиркорлар учун яратилган қулай ишбилармонлик муҳити билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, сўнгги йилларда тақдим қилинган имтиёзлар пакети ҳамда иқтисодий преференциялар бунга яққол мисол бўла олади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида 2020 йил 1 январдан:

- туризм фаолияти субъектлари ва авиаташувчиларнинг хорижий мамлакатлардан Ўзбекистонга чартер рейсларини ташкил қилиш бўйича харажатларининг бир қисми ҳар бир хорижий турист учун у республика ҳудудида камида беш кеча тунаб қолган тақдирда 20 АҚШ доллари, қиш мавсумида (20 ноябрдан 20 февралгача) эса 50 АҚШ доллари миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қоплаб берилади;

- хорижий кинокомпанияларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиовизуал маҳсулотлар (кино, теле ва видеофильм, клип, муьлтфильм, анимелар) яратишдаги харажатларининг бир қисми (“rebate”) Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган харажатларнинг 20 фоизигача, лекин битта маҳсулот учун 300 минг АҚШ долларидан ошмаган миқдорда қоплаб берилади;

- Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистоннинг тарихий ва афсонавий шахслари тўғрисидаги тўлиқ метражли бадийий, қисқа метражли бадийий, хроникал ҳужжатли фильмларни суратга олиш учун лойиҳа қийматининг 30 фоизи, лекин 3 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда грантлар ажратилади;

- тадбиркорлик субъектларининг республика ҳудудларида (Тошкент шаҳридан ташқари) чет эл таомларига ёки алоҳида йўналишга ихтисослаштирилган мавзули овқатланиш шохобчаларини, шунингдек, “караоке”

заллари ва туристик кўнгилочар муассасаларни ташкил этиш харажатларининг бир қисми Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар бир лойиҳа учун 10 миллион сўм миқдорида қопланади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича моддий маданий мерос объектлари ҳудудларига 5 тоннадан юқори вазнга эга катта ҳажмли автотранспорт воситаларининг киришига чеклов қўйилади;

- ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган маданий мерос объектлари ва давлат муҳофазасига олинган тарихий ёки маданий ёдгорликлар ҳудудида фақат мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сувенир маҳсулотлари сотилади.

Туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва қулай туризм муҳитини яратиш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган:

- жойлаштириш воситалари фаолиятини йўлга қўйишда лицензия талаби бекор қилинди;

- туроператорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати бир ойдан 10 кунгача қисқартирилди ва онлайн шаклга ўтказилди;

- оилавий меҳмон уйлари ва хостелларни ташкил этиш учун соддалаштирилган сертификатлаш тартиби жорий қилинди, уларга қўйилган 22 та талаб бекор қилинди;

- меҳмонхоналарни қуриш ва фаолиятини ташкиллатириш, тематик парклар яратиш, туристик автотранспортлар олиб кириш каби туризм соҳаси фаолияти турлари учун 30 тадан ортиқ турли солиқ, божхона ва бошқа турдаги имтиёз ва афзалликлар берилди;

- меҳмонхоналардаги ҳар бир умумий овқатланиш ва алкоғолли маҳсулотлар савдоси нуқтаси учун алоҳида руҳсат берувчи ҳужжат олиш талаби бекор қилинди;

- меҳмонхоналар ўзларининг меҳмонларига хизмат кўрсатиш учун йўлга қўйилган транспорт хизматларини лицензиялаш талаби бекор қилинди.

Туризм соҳасининг жадаллик билан ривожланиши ўз навбатида мамлакатдаги меҳмонхоналарга бўлган талабни кескин ортиши билан аҳамиятлидир. Бу борада ҳам мамлакатимизда кўплаб имтиёзлар бериб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги “Меҳмонхона хўжалиги фаолиятини янада ривожлантириш учун қу-

лай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 433-сон қарори билан Инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун субсидия ажратиш ҳамда ташкилотларни франчайзинг тўғрисидаги шартнома асосида қисман молиялаштириш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқланди.

1) Низомга кўра инвесторлар ва ташкилотлар учун меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлашга сарфлаган харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида Давлат бюджети ҳисобидан қуйидаги ҳажмларда маблағ ажратилиши белгиланган:

3 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналарда ҳар бир хона учун 40 млн сўм;

4 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналарда ҳар бир хона учун 65 млн сўм.

Субсидия 2019 йил 5 январидан 2022 йилнинг 1 январига қадар фойдаланишга топширилган меҳмонхоналар учун ажаратилади. Бунда инвестор томонидан мувофиқлик сертификатининг олинишида ушбу жараёнга хизматлар соҳасидаги хорижий “Катта тўртлик” компанияларини жалб этиш сертификатлаштиришнинг мажбурий шarti ҳисобланади.

2) Низом билан, шунингдек, Давлат бюджети ҳисобидан ташкилотларнинг роялти учун сарфлаган маблағи қуйидаги ҳажмларда қисман молиялаштириш ҳам назарда тутилган:

3 юлдузли тоифага эга бўлган дастлабки 50 та меҳмонхона. Ҳар бир меҳмонхонанинг битта хонаси учун йиллик 200 АҚШ доллари;

4 юлдузли тоифага эга бўлган дастлабки 30 та меҳмонхона. Ҳар бир меҳмонхонанинг битта хонаси учун йиллик 400 АҚШ доллари.

Молиялаштириш дунёнинг таниқли ва нуфузли меҳмонхона брендларидан (“Бренд Finance” рейтингдаги ТОП-50 га кирувчи меҳмонхона брендлари ёки Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан шакллантириладиган рўйхат асосида) фойдаланиш бўйича роялти франчайзинг шартномаси кучга кирган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида амалга оширилиши назарда тутилган.

13.3.1-жадвал

Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланишининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари


Хизматлар экспортининг умумий ҳажми	430,7	531	123,3	1 041,10	196,1	1313	126,1
ЯИМ да туризмнинг улуши, %	2,1	2,5	119	2,5	100	2,6	104

Туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сони, минг киши	170,9	187,6	109,8	201	107,1	260,1	129,4
Ички туризм, минг саёҳат	8 855,20	10 562,10	119,3	12 487,00	118,2	14 748,00	118,1
Туроператорлар сони, бирлик	484	749	154,8	983	131,2	1 482	150,8
Жойлаштириш воситалари сони, бирлик	750	764	101,9	914	119,6	1 188	130
Хорижий туристларнинг умумий сони, минг киши	2 027,00	2 690,10	132,7	5 346,20	198,7	6 748,50	126,2

COVID-19 пандемияси оқибатларини юмшатиш, туристлар оқимини қайта тиклаш мақсадида турбизнесни қўллаб-қувватлаш, ички ҳамда ташқи туризмни янада ривожлантириш ва қайта тиклаш бўйича чора-тадбирлар комплекси қабул қилинган. Ушбу инқирозга қадар ҳам мамлакатимизда туризм соҳаси ривожланиши учун алоҳида эътибор қаратилган (13.3.1-жадвал).

Пандемияга қарамадан 2020 йил давомида 2 064 номерли 104 та янги меҳмонхона очилди (меҳмонхоналар умумий сони 1 292 та, 28 751 номерли). 478 та оилавий меҳмонхона ташкил қилиниб, уларнинг умумий сони 1364 тага етди (13.3.1-расм).

13.3.1-расм. Ўзбекистонда мавжуд жойлаштириш воситалари (2018-2020 йиллар мисолида)



Яна бир мисол: 2019 йилдан буён дунё талаблари даражасидаги

“AMIRSOY” тоғ-чанғи курорти фаолият кўрсатмоқда. 2020 йилда Хукумат томонидан умумий қиймати 75 миллион евролик қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича қарор қабул қилинди. Ҳозирда Amirsoy Resort қурилиши ва янада кенгайтирилиши давом этмоқда.

2020 йил сентябрида Бўстонлиқ туманида халқаро даражадаги, 300 ўринли, лойиҳа қиймати 50 млрд сўмлик Heaven’s Garden Resort&SPA меҳмонхонаси очилди.

2020 йил 28 декабрда Бўстонлиқ туманида лойиҳаси умумий қиймати 27 миллиард сўмлик “Seven Tree” дам олиш зонаси очилди. У ерда 150 киши иш билан таъминланди.

2020 йил 22 декабрда Тошкент шаҳрида Marriott машҳур меҳмонхоналар бренди тизимидаги 131 номерли “Courtyard by Marriott Tashkent” меҳмонхонаси очилди.

2020 йил 16 августда Тўдакўл кўли бўйича янги курорт зонаси “Silk Road Family Resort” очилди. У ерда пляж, курорт, соғломлаштириш комплекси ва аквапарк ҳам жой олган. Жойлаштириш воситалари хоналарининг мамлакатимиз вилоятлари бўйича тақсимоти қуйидаги жадвалда акс этган (13.3.2-жадвал).

13.3.2 - ж а д в а л

*Ўзбекистонда жойлаштириш воситалари хоналарининг вилоятлар бўйича тақсимоти*

Умумий жойлар сони	20 216	26 147	28 418
Қорақалпоғистон	597	599	634
Андижон	507	521	555
Бухоро	2184	2 945	3 472
Жиззах	493	580	635
Навоий	732	1 354	1 378
Наманган	500	815	885
Самарқанд	2 277	2 522	2 671
Сирдарё	203	244	194
Сурхондарё	794	1 003	1 071
Фарғона	742	1 124	1 147
Қашқадарё	1 181	1 297	1 328
Хоразм	1 350	1 797	1 856
Тошкент в.	1 516	2 542	2 747

Тошкент ш.	7 140	8 804	9 845
------------	-------	-------	-------

Бухоро вилоятида тематик туризм маркази “Bukhara Desert Oasis & SPA” каби туристик маконларнинг пайдо бўлиши ҳар бир ҳудуднинг туризмга бўлган муносабатини акс эттиради.

Шунингдек, миллий боғлар ва ўрмон хўжаликлари ҳудудларида 11 та янги дам олиш масканлари очилиши туризм соҳасидаги рекреациянинг янада кенгайтишига муҳит яратмоқда.

Самарқанд шаҳрида ташкил қилинган “Конибил” туризм қишлоғида ҳунармандлар, меҳмон уйлари, туризм маршрутлари мавжуд бўлиб, сайёҳлар Сиёб дарёси бўйлаб юриб, табиатда дам олишлари, ҳунармандчилик маҳсулотлари билан танишишлари мумкин.

16 октябр куни Самарқанд шаҳрида Орзу Маҳмудов кўчасида гастронимик кўча очилди. Унда ҳар бир сайёҳ 30 дан ортиқ кафе ва ресторанларда ўзбек, испан, италян, француз ва бошқа миллий ошхоналарнинг таомларидан татиб кўриши мумкин.

Хонобод шаҳридан Термез ва Мўйноқ шаҳригача бўлган йўналишларда автомобиль магистраллари ва йўл бўйи инфратузулмасини яхшилаш бўйича 66 та йўлбўйи инфратузилма объектлари рўйхати шакллантирилди.


“Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖ билан биргаликда автомагистраль йўллари бўйлаб ташкил этиладиган объектларни хизмат кўрсатиш турига қараб “Service area” ва “Service point” тоифали жойлаштириш ва хизмат кўрсатиш воситаларини қуришнинг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда ушбу магистраль йулида жойлашган 17 та инфратузилма объектларида, хусусан, Фарғона вилоятида 4 та, Жиззах вилоятида 2 та, Бухоро вилоятида 4 та, Хоразм вилоятида 1 та ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 6 та лойиҳаларда қурилиш ишлари якунланган, қолган объектлар қурилиши давом этмоқда.

2020 йил давомида туристик объектлар, аҳоли гавжум жойлар ва йўл бўйларида республика бўйича 1480 та санитария-гигиена шохобчаси фойдаланишга топширилди (780 таси янгидан қурилган, 700 таси таъмирланган). Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда туризм соҳаси инфратузилмасини кенгайтириш, хорижий ва маҳаллий туристлар учун шарт–шароитлар яратиш, пировардида эса туристларнинг эркин ҳаракатини таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда 45 та туроператорга 1 млрд 466 млн сўмлик мақсадли фойсиз ссуда ажратилди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган туристик корхоналар сони эса қуйидаги расмда ўз аксини топган (13.3.2-расм).

13.3.2-расм. Ўзбекистонда фаолият юритаётган жами



стик корхоналар ва оилавий меҳмон уйлари

Юкоридаги фикрларнинг ёрқин далили сифатида 162 та жойлаштириш воситасига 12 млрд.289 млн сўмлик мақсадли фойсиз ссуда ажратилди.

Туристлар учун қулайликлар яратишга йўналтирилган ахборот дастурлари ва хизматлари умумий 1,5 миллиард сўм миқдоридан қисман субсидияланади.

Туризм соҳасидаги нодавлат-нотижорат ташкилотларига жами 700 млн сўм маблағ давлат ижтимоий буюртмаси сифатида ажратилди (Ўзбекистон Гидлар уюшмаси 300 млн сўм, Ўзбекистон Гастрономик туризм ассоциацияси 200 млн сўм ҳамда Ўзбекистон туризм ассоциациясига 200 млн сўм).

Янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишга гидлар учун 5 миллион сўм, туроператорлар учун 10 миллион сўм миқдоридан грантлар ажратиш орқали қўшимча кўмак кўрсатилмоқда.

Жойлаштириш бўйича хизматлар (меҳмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи миқдоридан жойлаштириш воситаларини субсидиялаш бўйича жами 323 млн сўмлик субсидия 19 та тадбиркорлик субъектига ажратилган.

Туристлар хавфсизлиги ва соғлиқни сақлаш мақсадида “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” (“Ўзбекистон. Хавфсиз туризм кафолатланган”) тизими ишлаб чиқилди ва унинг стандартлари Бутун жаҳон саёҳат ва туризм Кенгаши (WTTC) томонидан маъқулланди ва Кенгашнинг “Safe travel” ёрлигидан фойдаланишга рўхсат берилди.

Пандемия даврида туризм салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида Uzbekistan.travel ва Uzbekistan360.uz сайтларида 50 та виртуал экскурсиялар эълон қилинган.

“Туризм фидойиси” кўкрак нишони жорий этилиб, 20 нафар соҳа жонкуярлари тақдирланди.

2020 йил 6 декабрь куни ўтказилган “Tashkent Marathon” халқаро маррафонидан 10 мингдан зиёд (офлайн ва онлайн) аҳоли қатнашди. Уларнинг 90 фоизини ёшлар ташкил этди.

2020 йил 1 июнь куни Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) ша-

фелиги остида “Тикланиш йўли” халқаро туризм онлайн конференцияси ўтказилди. Конференцияда Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош котиби Зураб Пололикашвили, Марказий Осиё давлатлари, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Россия, Белоруссия ва Молдова туристик идоралари раҳбарлари, шунингдек, бир қатор МДХ давлатларининг Испания Қироллигидаги элчилари иштирок этди.

2020 йил 22-23 июнида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши Туризм масалалари вазирларининг V йиғилишида қатнашилди. 2021 йил йиғилиши Кўқон шаҳрида ўтказилиши бўйича келишувга эришилди.

Жаҳон туризм ташкилотининг Европа минтақавий комиссиясининг 65-йиғилиши видеоконференция шаклида ўтказилди. Комиссия йиғилиши коронавирус пандемиясининг туризм соҳасига таъсири ва унинг оқибатларидан тикланиш масалалари муҳокамасига бағишланди, унда комиссияга аъзо 42 та давлатнинг туризм бўйича вазирлик ва идоралари раҳбарлари, ўнлаб туризм экспертлари, туристик компания раҳбарлари ва соҳа мутахассислари иштирок этди. ЮНВТО раҳбарияти ҳамда аъзо-мамлакатлар йиғилиш якунида 2021 йил Ўзбекистон ҳукумати, ЮНВТО ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамкорлигида “Туризм инвестициялари халқаро форуми” ўтказилишига келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг МДХда раислиги концепциясига биноан ўтказилган “МДХга аъзо давлатларнинг бизнес ташаббуслари ҳафталиги” доирасида 2020 йил 10 сентябрь куни МДХ туризм форуми ташкил қилинди;

2020 йил 15–18 декабрида Ўзбекистон маданий мероси ҳафталаги ва “Ўзбекистон маданий мероси янги Ренессанс асоси сифатида” IV халқаро конгресс ўтказилди. Конгрессда 40 дан ортиқ мамлакатдан 300 дан ортиқ олимлар иштирок этди.

2020 йил 16 декабрда миллий Миниатюра санъати ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Беларусь Республикаси Спорт ва туризм вазирлиги раҳбарияти ҳамда икки мамлакат сайёҳлик соҳаси вакиллари иштирокида 14 ноябрда Ўзбекистон ва Беларусь Биринчи онлайн туристик Форум ўтди.

Германия Федератив Республикасининг бизнес платформаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва COVID-19 пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш ҳамда туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар” юзасидан онлайн форум ташкил этилди.

Бугунги кунда жами 15 мамлакатда Ўзбекистоннинг 16 та туризм бренди элчилари тайинланган. Жорий йилда Миср Араб Республикасида Миср вакиллар мажлиси Ижтимоий бирдамлик, оила ва ногиронлар қўмитаси



раиси доктор Абдулҳоди ал-Қасабий, Покистоннинг «Quran TV» телеканалининг «Ислом ва Имон» кўрсатуви бошловчиси, «Ийдгоҳи Шариф» сўфий зиёратгоҳи шайхи вакили Муҳаммад Ҳасиб ур-Раҳмон, италиялик машҳур хонанда Гуя Канино Ўзбекистоннинг “Туризм бренди” элчиси сифатида тайинланди.

Мамлакатда ички туризмни ривожлантириш борасида ҳам иқтисодий имтиёзлар ва преференциялар кўзда тутилган. Хусусан, республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган ички туризмни ривожлантириш йўналишлари белгиланган бўлиб, унда:

– «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастури қабул қилинди (2018 йил давомида ички туризм бўйича 12,5 млн дан ортиқ саёҳатлар амалга оширилган бўлса, 2019 йилда 14,7 млн.дан ортиқ саёҳатлар ташкил этилди).

– Давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ўз ходимлари, маҳалла аҳолиси, ёши кексалар ва турли тоифадаги фуқароларни саёҳат қилишга рағбатлантириш, кўмак бериш ва шароит яратиб бериш кўзда тутилган;

– Халқаро туризм мавсуми паст бўлган даврларда туризм инфратузилма объектларида чегирмали нархларни эълон қилиш, оилавий ва корпоратив саёҳатларни рағбатлантириш учун жамоавий чегирмаларни эълон қилиб бориш йўлга қўйилди.

“Саёҳат барча учун” номли ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий туризм лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, 2019 йилнинг июль ойидан бошлаб амалга оширилмоқда.

### 13.4. ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хизматлар соҳаси ривожланиш суръатларини ошириш миллий иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини интенсиф асосда ташкил этишнинг муҳим омилларидан бири саналади. Ташқи иқтисодий муносабатларнинг самарали йўлга қўйилиши хизматлар халқаро савдосига чамбарчас боғлиқ. Айниқса, жаҳон хўжалик муносабатлари чуқурлашиб бораётган бир пайтда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини сақлаб туриш маркетинг нуқтаи назаридан алоҳида ёндашувни шакллантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони<sup>1</sup> соҳа тараққиётида алоҳида даврни бошлаб берди. Туризм соҳасини самарали тартибга солиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. “Халқ сўзи” газетаси // 2016 йил 3 декабрь сони.

ҳамда бу борада ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди. Бу каби амалий саъй-ҳаракатлар ҳудудларга туристлар оқимининг ортиши, туристик дестинацияларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражаси юксалишига олиб келяпти.

Туризм соҳаси субъектларининг ташқи бозорлар конъюнктураси ўзгаришларига барқарор мослашиб бориши диверсификация стратегияси мукамаллигига ҳам боғлиқ. Зотан, туристик фирмалар, меҳмонхоналар, ресторанлар, транспорт компанияларида фаолият юритиб келаётган маркетинглар диверсификация стратегиясини ишлаб чиқиш орқали туристик хизматлар пакетининг жозибадорлигига эришиш йўлида мунтазам излашлар олиб бормоқда.

Зеро, туристик хизматлар диверсификацияси таклиф этилаётган туристик хизматлар ассортиментини кенгайтириш, сотув бозорларининг янги сегментларини ўзлаштириш ҳамда туристик хизматлар реализациясини инновацион маркетинг механизми асосида тартибга солиш эвазига хизмат кўрсатиш самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган яхлит жараёни англатади.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш борасида белгилаб олинган режалар сифатида қуйидагиларни эътироф этиш ўринли:

1. Тарихий, экстремал, тоғ, тиббиёт, агро, этно ва гастрономик туризм йўналишлари бўйича хорижий туристларни жалб қилиш бўйича тизимли ишлар давом эттирилмоқда. Шу билан бирга, зиёрат туризми энг истиқболли йўналишлардан бўлиб, Жанубий-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва бошқа истиқболли мамлакатлар билан доимий ҳамда чартер авиарейслари тикланиши билан 2021 йил мобайнида 700 мингдан ортиқ зиёратчиларни Ўзбекистонга жалб қилиш режалаштирилмоқда.

Алоҳида эътибор янги чет эл авиаташувчиларини Европа, Россия ва МДҲ мамлакатлари, Яқин Шарқ ҳамда Осиё мамлакатлари, жумладан, Хитой, Жанубий Корея, Япония ва Ҳиндистондан жалб қилишга қаратилмоқда.

2. 2021 йилдан авиаёқилғи ва авибилетлар нархини пасайтириш, Фарғона водийсидан бошқа ҳудудларга қўшимча темир йўл йўналишларини йўлга қўйиш режалаштирилган.

3. Ички ва ташқи туризмни ривожлантириш учун туризм соҳаси материал-техник базасини мустаҳкамлаш ва тегишли инфратузулмани ривожлантириш бўйича ишлар давом этмоқда.

4. Ички туризмни ривожлантириш бўйича “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури қабул қилинган бўлиб, унинг натижасига кўра 2019 йилда мамлакат бўйлаб саёҳатлар кўлами 2015 йилга нисбатан 3,2 бараварга ошириш имконини берди. Ушбу дастур янаги йилда ҳам давом эттирилади.

5. 2021 йил давомида мамлакат ичида 7,5 миллион ички туристнинг саёҳат қилиши, 200 мингдан ортиқ одамнинг иш билан таъминланиши режалаштирилмоқда.

6. 2023 йил яқунлари билан ички туристлар сонини 14 миллионга, 260 мингдан ортиқ одамни иш билан таъминлаш режалаштирилган.<sup>1</sup>

Умуман олганда, туризм индустрияси жаҳон иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Ҳар ўнта янги иш ўрнидан биттаси айни соҳада ташкил этиляпти, қолаверса, туризм сервиси хизматлар умумий экспортининг учдан бир қисмини қамраб олади.<sup>2</sup> Туризм соҳасини Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг стратегик секторига айлантириш юзасидан изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Натижада миллий туристик маҳсулотни ташқи бозорларда фаол илгари суриш, унинг рақобат устунликларини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ютуқларга эришилмоқда. 2018 йил 22 февраль кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида хорижий туристлар оқимини кўпайтириш, туристик хизматлар шакл ва йўналишларини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чоралар натижадорлигига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам булар алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Статистик таҳлиллар ва социологик тадқиқотлар асосида аниқланишича, битта хорижий турист ўзга мамлакатга ташрифининг ҳар суткасида ўртача 200 АҚШ доллари сарфлайди. Мамлакатга ташриф буюрган ҳар 20 нафар хорижий сайёҳ эса туризм соҳасида битта ва туризм инфратузилмаси объектларида иккита янги иш ўринлари яратилишига сабаб бўлади.<sup>3</sup> Шундай экан, туризм соҳасини жадал ривожлантириш Ўзбекистон миллий иқтисодиёти рақобатбардошлигининг янада юксалишига ҳисса қўшади.

Биргина 2019 йилда Ўзбекистонга қарийб 7 миллион хорижий турист ташриф буюрган.<sup>4</sup> Бу кўрсаткич сифат жиҳатидан таҳлил қилинганда қариндошларини кўриш, даволаниш, ўқиш ёки тижорат каби мақсадларда келаётганлар кўпчиликини ташкил қилади. Туризмнинг барча истиқболли йўналишларида сайёҳлар сонини кўпайтириш, туристик хизматлар экспортини 5 йил ичида камида икки баробар ошириш вазифаси белгилаб берилди.

Бугунги кунда туризм соҳаси учун истиқболли йўналишлар белгиланган. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишнинг 2019–2025 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ва ушбу тадбирларни амалга ошириш учун умумдавлат ва ҳудудий дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги “COVID-19” пандемияси оқибатларини юмшатиш ва туристлар оқимини қайта тиклаш мақсадида турбизнесни қўллаб қувватлаш ва ички ҳамда ташқи туризмни янада ривожлантириш ва қайта тиклаш бўйича чора-тадбирлар комплекси. 2021 йил.

<sup>2</sup> [www.unwto.org](http://www.unwto.org) – Бутунжаҳон туризм ташкилоти расмий сайти.

<sup>3</sup> Ўша манбаа.

<sup>4</sup> <http://uza.uz/oz/politics/turizm-mamlakatimiz-i-tisodiyetining-ertangi-kuni-22-02-2020> – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш учун кенг иқтисодий ва ижтимоий имкониятлар мавжуд бўлиб, буни мамлакатда мавжуд туристик маконлар, тарихий-маданий ёдгорликлар мисолида кўришимиз мумкин (13.4.1-жадвал).

13.4.1 - ж а д в а л

Ўзбекистоннинг туристик ва туристик зиёрат объектлари

<p>Жами 7000 дан ортиқ                      Архитектура – 545та                      Тарихий – 578та                      Санъат ёдгорликлари -1457та                      Археологик – 5500тадан ортиқ                      Музейлар – 300 тадан ортиқ                      Халқ ижодиёти ташкилотлари-1200та</p>	<p>Тошкентда-144та                      Самарқандда -188та                      Бухорода -201та                      Хивада -310тадан ташқил этади.</p>
--	---

5-жавдал маълумотларидан кўришиб турибдики, мамлакатда 700 мингдан ортиқ тарихий маданий ёдгорликлар ва туристик зиёрат объектлари мавжуд бўлиб, уларнинг ўрганилмаган ва туристик йўналишларга киритилмаган қисмлари мавжудлиги келажакда туризм соҳасини бу йўналишда кенгайтириш имкониятлари катта эканлигини кўрсатади.

Туризм соҳасида туристик йўналишларнинг хилма-хиллигини таъминлаш ташриф буюрувчи хорижий ва маҳаллий туристларнинг сонини ошириш билан бирга уларга сифатли хизматлар кўрсатишни ҳам назарда тутди. Ҳозирги кунда туризм соҳасинини ривожлантиришда давлат раҳбарининг шахсий ташаббуслари ва раҳнамолигида Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, яқин келажакда мавжуд имкониятларни ишга солган ҳолда зиёрат туризмга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони асосида мамлакатда зиёрат туризми бўйича кенг кўламли ислохотлар олиб борилиши ва зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилиши белгилаб берилган.

Унга кўра, режада Самарқанд вилоятининг ўзид:

сайёҳларнинг белгиланган туризм манзилларига қулай, хавфсиз ҳамда юқори сифатли сервис кўрсатилган ҳолда етиб боришлари, эркин сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида Амир Темур макбараси, Мирзо Улугбек расадхонасига туташ ҳудудларда ҳам туризм бекатлари ташкил этилади;

Имом ал-Мотуридий макбарасини мотуридия тариқати давомчиларининг зиёрат марказига айлантириш учун унинг атрофидаги 8 нафар буюк уламнинг қабрлари қайта тикланиб, ободонлаштирилади. Имом Бухо-

рийнинг устози Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримий кўним топган зиёратгоҳни обод қилиш, Имом Бухорий мажмуасида бир вақтнинг ўзида 900 сайёҳга хизмат қилувчи меҳмонхоналар ҳамда 3000 зиёратчига мўлжалланган, “ҳалол” стандартига эга умумий овқатланиш корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш, Самарқанд қоғози устахонаси, ипак маҳсулоти ишлаб чиқариш, ҳунармандлик расталари ташкил этиш режалаштирилган;

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий, Ислоҳ Каримов кўчалари туризм кўчасига айлантирилиб, Мирзо Улуғбек, Давлатобод ва Озод Шарк кўчалари кесишган ҳудудда pub street лойиҳаси амалга оширилади;

вилоятнинг тоғли ҳудудларида туризмнинг экстремал ва тоғ туризми йўналишларини ривожлантириш бўйича қатор ишлар бажарилмоқда. Жумладан, Ургут туманида Қоратепа-Омонқўтон тоғ туризми кластери ташкил этилади. Умумий қиймати 2 миллион АҚШ доллари бўлган лойиҳа доирасида “Дўстлик” болалар оромгоҳида 100 ўринли болалар спорт-соғломлаштириш оромгоҳи, 75 ўринга эга жами 20 та кемпинг, 100 ўринга мўлжалланган меҳмонхона комплексини барпо этиш ишлари бошлаб юборилган;

Қоратепа сув омбори ҳудудида замонавий дам олиш маскани ташкил этилиб, унда меҳмонхоналар, овқатланиш шохобчалари, спорт майдончалари қад кўтаради. Нуробод туманидаги Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи ҳудудида эса хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида осма дор йўли қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда;

“Тепакул” ҚФЙда бир кунда 500 нафар маҳаллий ва хорижий сайёҳга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган дам олиш маскани барпо этилаётган бўлса, Жомбой туманидаги Зарафшон миллий табиат боғи ҳудудида 15 та тадбиркорлик субъекти томонидан экотуризм дам олиш масканлари ташкил этилиб, ташриф буюрувчилар учун замонавий енгил конструкцияли кемпинглар, чўмилиш ҳавзалари, овқатланиш шохобчалари, қузатиш миноралари каби объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Умуман, Самарқандда 2021–2022 йилларда маҳаллий ва хорижий ташаббускорлар томонидан жами қиймати 3 триллион 377 млрд сўмлик 126 та лойиҳа амалга оширилиши ҳамда 3074 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.<sup>1</sup>

Хулоса қилиб айтганда, туристик хизматлар экспортига инновацион ёндашувни шакллантириш айти йўналишда илмий-амалий жиҳатдан чуқур асосланган маркетинг стратегияларини рўёбга чиқариш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, туристик хизматларнинг халқаро савдодаги салмоғини оширади ва умумий экспорт таркибида хизматлар улуши кўпайишида бош омил бўлади.

<sup>1</sup> <https://yuz.uz/news/sayyohsevar-yurt-kun-sayin-sayqal-topmoqda>

## ? ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Туризм соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари нималардан иборат?
2. Туризм соҳаси ривожланиши самарадорлигини таъминлаш усулларига нималар киради?
3. Туризм соҳасини оптимал бошқариш учун қандай амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиши зарур?
4. Миллий туристик маҳсулот рақобатбардошлиги қандай баҳоланади?
5. Туризм соҳаси ривожланишининг стратегик жиҳатлари ўз ичига нималарни қамраб олади?
6. Давлатнинг туризм соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлардаги роли нималарда кўринади?
7. Туризм соҳасида иқтисодий ўсишни таъминлаш манбалари сифатида нималар эътироф этилади?
8. Миллий туристик маҳсулот рақобат устунликларига қайси омиллар таъсир кўрсатади?
9. Глобал инқирозлар туризм соҳаси ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?
10. Туризм соҳасида тактик режалантириш қандай амалга оширилади?

## V ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Туристик ресурслардан фойдаланиш қандай самараларга эришиш имконини беради?

- A\*) ижтимоий-маданий, иқтисодий  
B) сиёсий  
C) маънавий-маърифий  
D) фақат маърифий

2. Туризм соҳасида истеъмол жараёнини тартибга солиш қандай амалга ошади?

- A\*) оптимал нарх белгилаш ва туристлар оқимини квоталаш йўли билан  
B) рақобат муҳити таъсирини инобатга олиш йўли билан  
C) ривожланиш суръатларини прогнозлаш йўли билан  
D) истеъмол хоссаларини эътиборга олиш йўли билан

3. Туризм соҳасида келгуси ривожланиш эҳтиёжларини инобатга олиш қандай таҳлилларни талаб қилади?

- A\*) демографик ўсиш тенденциялари таҳлилини
- B) макроиқтисодий ўсиш тенденциялари таҳлилини
- C) инклюзив ўсиш тенденциялари таҳлилини
- D) рентабеллик таҳлилини

**4. Узоқ ва ўрта истиқболга мўлжалланган ҳаракат режаларини рўёбга чиқаришда ресурсларни рационал тақсимлаш орқали асосий фаолиятни бош миссига концентрациялаш нима деб аталади?**

- A\*) стратегик ривожлантириш
- B) тактик режалаштириш
- C) оптимал тартибга солиш
- D) жорий мувофиқлаштириш

**5. Туризм соҳасидаги ахборот ресурслари таркибига нималар киради?**

- A\*) ракобат таҳлили бўйича жамланган материаллар, бозор нархлари диапозони тўғрисидаги маълумотлар
- B) инсон капитали, ходимлар профессионал малакаси, касбий билимлар мажмуи
- C) пул оқимлари, молиявий фондлар, банк операцияларига асос бўлувчи транзакциялар
- D) меҳмонхоналар бино ва иншоотлари, инфратузилма объектлари, ашёвий буюмлар

**6. Туризм соҳасида ресурсларни рационал тақсимлаш қандай амалга ошади?**

- A\*) талаб ҳажми ҳисоб-китоби ва экологик мувозанат меъёрлари асосида
- B) таклиф ҳажми ҳисоб-китоби ва иқтисодий мувозанат меъёрлари асосида
- C) ривожланишнинг жорий ҳолати ва прогнозлари нисбати асосида
- D) талаб ва таклиф ҳажми нисбати асосида

**7. Туристтик инфратузилма объектларининг қабул қилиш ва жойлаштириш қувватларини баҳолаб бориш қандай амалга ошади?**

- A\*) меҳмонхона, ресторан, конгресс-холларнинг ўринлар сони ва кирувчи туристик оқим мувозанати асосида
- B) туристик бозорда талаб ва таклиф ҳажми нисбати асосида
- C) прогнозлар ва жорий ривожланиш параметрлари ўртасидаги тафовутлар асосида
- D) туристик оқим ташрифининг экологик мувозанат билан мувофиқ ҳолдаги маркетинг компаниясини уюштириш эвазига

**8. Хизмат кўрсатиш объектлари туристлар қамровида демографик параметрларнинг таклиф этилаётган туристик маҳсулот истеъмол хоссалари билан ўзаро мувофиқлиги қандай таъминланади?**

А\*) туристлар ёши ва ижтимоий статусини туристик маҳсулот концепцияси билан мослаштириш

В) туристлар иқтисодий имкониятларини туристик маҳсулот концепцияси билан мослаштириш

С) туристлар психологик портретини туристик маҳсулот концепцияси билан мослаштириш

Д) туристлар географик мансублигини туристик маҳсулот концепцияси билан мослаштириш

**9. Минтақалар туризм ривожланиши ўртасидаги тафовутларга барҳам бериш қандай чоралар кўрилишини талаб қилади?**

А\*) кировчи ва ички туристик оқимни минтақалар ўртасида мувозанатли тақсимлаш

В) маркетинг компаниясини тизимли асосда йўлга қўйиш

С) бренд ва суббренд концепцияларини ишлаб чиқиш

Д) стратегик ривожланиш ҳаракат режасини тасдиқлаш

**10. Ўзбекистон минтақалари туристик брендларини ички ва ташқи соҳув бозорларида фаол тарғиб қилиш нимани талаб қилади?**

А\*) маркетинг стратегиясини тайёрлашни талаб қилади

В) тактик режаларни шакллантириб олишни талаб қилади

С) операцион менежмент тизимини ишлаб чиқишни талаб қилади

Д) сифат бошқаруви бўйича контроллинг тизимини йўлга қўйишни талаб қилади



## XIV БОБ

## ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОХОТЛАР ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

### 14.1. ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ҳар қандай давлатнинг барқарорлиги асоси унинг кучли иқтисодий-ижтимоий сиёсатига асосланади. Давлатнинг бош мақсади жамият фаровонлигини оширишга қаратилган бўлиб, бунга кучли иқтисодиётсиз эришиб бўлмайди. Қанчалик Сиёсат кучли бўлмасин, давлатнинг иқтисодиёти кучсиз бўлса, бундай сиёсатдан наф йўқ.

Шунинг учун бутунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг бош мақсади кучли иқтисодий давлат барпо этган ҳолда аҳолининг ижтимоий фаровонлигини оширишга қаратилганлигини мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлардан ҳам англашимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-гадбирлари тўғрисида”ги 5647-сонли Фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ иқтисодиётни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва амалга оширилаётган ислохотлар республиканинг географик жойлашувини инобатга олган ҳолда транспорт хизматларининг сифатлилиги ва оммабоплигини таъминлашга йўналтирилган ягона транспорт сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, соҳани бошқаришнинг замонавий технологиялари ва интеллектуал тизимларини жорий этишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, республиканинг инвестициявий жозибадорлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш, транспорт коммуникацияларини стратегик ривожлантириш ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё

транспортлари, метрополитен, йўл хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорларга етказиш, уларнинг таннархини тушириш учун транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришимиз зарур. Темир йўл соҳасида йўловчи ва юк ташиш, эксплуатация ва хизмат кўрсатишни бир-биридан ажратиш, яъни табиий монополия қисмини алоҳида, хусусий секторни жалб қилиш мумкин бўлган йўналишларни алоҳида ривожлантириш лозим”<sup>1</sup> эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу эса транспорт соҳасида кўплаб муаммоларнинг мавжудлиги ва унинг ечимини топиш масаласини долзарб қилиб қўймоқда.

Транспорт соҳасини ривожлантириш бўйича иқтисодчи олимлар фикрларини ўрганиб чиқиб, улар асосида тадқиқот олиб борилди.

В. Бугроменко фикрича, транспорт соҳасининг ривожланиши иқтисодий ривожланишга тўғридан-тўғри таъсирга эмас. Яъни инфратузилмани ривожлантиришга таъсири йўқ, деб ҳисоблайди.<sup>2</sup>

Мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини оширишга хизмат қиладиган тармоқлар ичида транспорт соҳасининг алоҳида ўрни бор. Транспорт хизматининг сифати ва самарадорлиги иқтисодий ўсиш, рақобатбардошлик ва ҳаёт сифатига бевосита таъсир қилади. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа тармоқлари сингари транспорт соҳаси ҳам мамлакат ичида ва дунё миқёсида рақобатбардош сифатида шаклланиши лозим. Транспорт тизимлари самарали бўлганда иқтисодий-ижтимоий имкониятлар ва фойда келтиради. Натижада бозорларга кириш, иш билан бандлик ва қўшимча инвестицияларнинг яхшиланиши каби ижобий мультипликаторларнинг таъсири бўлади. Транспорт тизимлари сиғими ёки ишончлилиги нуқтан назаридан етишмовчиликларга дуч келганда, улар камаяди ёки ўтказиб юборилган имкониятлар ва ҳаёт сифати пастлиги каби иқтисодий харажатларга эга бўлиши мумкин. Самарали транспорт кўплаб иқтисодий соҳаларда харажатларни камайтиради, самарасиз транспорт бу харажатларни оширади.

Транспортнинг иқтисодий аҳамиятини аниқлаш учун у етказадиган таъсир турларини таснифлаш талаб этилади. Булар ўз ичига қуйидагиларни олади:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 25.01.2020 й.

<sup>2</sup> Бугроменко В. (2003) Синергетический подход к обоснованию уровня финансирования транспортной инфраструктуры. Доступно на: <http://ooliderclimat.ru/sinerget.htm>

➤ транспортнинг энг асосий таъсири – бу йўловчилар ва юкларни ташиниш билан боғлиқ харажатлар бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар ўрта-сида янги ёки мавжуд бўлган ўзаро алоқаларни амалга оширишга имкон берадиган йўналишни белгилашни ўз ичига олади;

➤ вақт самарадорлигини оширади, шунингдек, йўқотиш ёки шикастланишни камайтиради. Бу мавжуд транспорт воситаларидан фойдаланиш даражаси яхшиланади, натижада эса фойдаланувчиларга йўловчилар ва юкларни тезроқ ва камроқ кечикишлар билан етказиб беришда фойда келтиради;

➤ ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш кўламини тежап-га имкон берадиган кенгроқ бозор базасига киришга имкон беради. Маҳсулотлар (хомашё, бутловчи қисмлар, энергия ёки ишчи куч) ва турли хил маҳсулотларнинг (оралик ва тайёр маҳсулотлар) кенгроқ бозорига кириш орқали маҳсулдорликни оширади.

➤ Яна бир муҳим жўғрофий таъсир – транспортнинг ҳаракатланиш жойига таъсири.

Транспорт саноатининг иқтисодий аҳамиятини макроиқтисодий ва микроиқтисодий нуқтаи назардан баҳолаш мумкин:

Макроиқтисодий даражада (бутун иқтисодиёт учун транспортнинг аҳамияти), транспорт ва ҳаракатланиш миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш, бандлик ва даромад даражаси билан боғлиқ. Кўплаб ривожланган мамлакатларда транспорт ялпи ички маҳсулотнинг 6 фоиздан 12 фоизгача ташкил этади. Логистика харажатларини ўз ичига оладиган янада кенгроқ даражани кўриб чиқсак, бундай харажатлар ЯИМнинг 6 фоиздан 25 фоизгача бўлиши мумкин. Бундан ташқари, транспортнинг барча активлари, шу жумладан, инфратузилма ва транспорт воситалари ривожланган иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотининг ярмини осонгина ҳисоблаб чиқиши мумкин;

Микроиқтисодий даражада (иқтисодиётнинг алоҳида қисмлари учун транспортнинг аҳамияти) транспорт ишлаб чиқариш, истеъмол ва ишлаб чиқариш харажатлари билан боғлиқ. Белгиланган транспорт фаолияти ва инфратузилманинг аҳамиятини иқтисодиётнинг ҳар бир соҳаси учун баҳолаш мумкин. Одатда даромаднинг юқорилиги истеъмол харажатларида транспорт улущининг кўпайиши билан боғлиқ. Транспорт харажатлари уй хўжаликлари харажатларининг ўртача 10 фоиздан 15 фоизгача, ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилган ҳар бир бирлик харажатларининг қарийб 4 фоизини ташкил қилади, аммо бу кўрсаткич кичик тармоқларга қараб жуда катта фарқ қилиши мумкин.

Шунингдек, транспорт соҳаси иқтисодиётга бевосита ва билвосита ҳам таъсир кўрсата олади.

➤ **Бевосита таъсир.** Агар транспорт бандлик, кўшимча қиймат, катта бозор, вақт ва харажатларни яхшилашни таъминласа, қувват ва самарадорлик ошади. Иқтисодиётда транспортга бўлган умумий талаб доимий равишда ортиб бормоқда.

➤ **Билвосита таъсир.** Билвосита қўшилган қиймат ва иш жойлари транспорт фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган компаниялар томонидан маҳаллий харидларнинг натижасидир. Транспорт фаолияти бошқа иқтисодий секторлар билан транспорт алоқалари орқали (масалан, офисларни етказиб берадиган фирмалар, асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берувчилар, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш хизматлари, суғурта компаниялари, консалтинг ва бошқа бизнес хизматлар) билвосита қўшилган қиймат ва бандлик таъсирининг кенг доираси учун жавобгардир.

Саноат инкилобидан то бугунги ривожланган даврга эътибор қаратадиган бўлсак, транспорт соҳасининг ривожланиши иқтисодий ўсиб бораётган имкониятлар билан боғлиқ. Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида маълум транспорт технологиялари ишлаб чиқилган ёки таъсир доираси билан мослаштирилган. Маълумки, транспорт тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг қуйидаги турларини идрок этишимиз табиий:

**Денгиз портлари.** Денгиз портлари Европанинг XVI–XVIII асрлардаги кенгайишининг дастлабки босқичлари билан боғлиқ бўлиб, улар одатда кашфиёт асри деб номланади. Биргина Европа томонидан денгиз йўлининг очилиши Марказий Осиёда мавжуд хонликларнинг дунё ривожланишидан ортда қолишига сабаб бўлиб, ҳатто, иқтисодий-сиёсий таназулига асос бўла олди. Бугунги кунда ҳам мамлакатимизнинг энг катта муаммоси— бу денгиз йўлларининг мавжуд эмаслигидир. Бу эса жаҳон бозорига арзон чиқишимизни чеклаб келмоқда.

**Дарёлар ва каналлар.** Тарихда дарёлар савдоси устун бўлиб келган, ҳатто, баландликлар ўзгариши бўлмаган каналлар ҳам қурилган. Афсуски, бу йўллар ҳам бизда мавжуд эмас.

**Темир йўллар.** XIX асрдаги энг буюк кашфиётлардан бири бу темир йўлларининг пайдо бўлишидир. Темир йўллар ресурсларни жалб қилиш, хуудларни тартибга солиш, юк ва йўловчиларни ҳаракатга келтириши орқали сезиларли иқтисодий-ижтимоий имкониятларни очди ва ханузгача иқтисодиётда катта таъсирга эга. Бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам темир йўллар орқали экспорт-импорт операцияларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

**Автомобиль йўллар.** XX асрда автомобиль транспорти тизимлари, масалан, миллий автомагистрал тизимлари ва автомобилсозлик асосий иқтисодий тармоқ сифатида жадал ривожланди. Бу саноат ва савдо

бозорларига ишончли эшикма-эшик етказиб беришда хизмат кўрсатишнинг муҳим иқтисодий имкониятлари билан боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатмиз қишлоқ хўжалиги, саноати ривожда йўллар орқали хомашё ва маҳсулотлар етказиб берилмоқдаки, бунинг мамлакатимиз иқтисодиётида, таъсири катта. Ҳатто, мамлакат ички региони ва шаҳарлараро йўловчиларни ташишда ҳам автомобиль транспортининг аҳамияти катта ҳисобланади.

**Ҳаво йўллари ва ахборот технологиялари.** XX асрнинг иккинчи ярмида глобаллашув билан биргаликда глобал ҳаво ва телекоммуникация тармоқлари ҳам ривожланди, айниқса, тез ривожланаётган логистика ва таъминот занжири соҳасида ҳам, денгиз транспорти глобаллашувнинг асосий бўғини бўлишига қарамай, ҳаво транспорти ва ахборот технологиялари йўловчилар, ихтисослаштирилган юклар ва улар билан боғлиқ ахборот оқимларининг тезкор ҳаракатланишини қўллаб-қувватлайди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” компанияси томонидан бугун ҳаво орқали йўловчи ва юк ташиш хизматлари амалга оширилмоқда.

Жаҳон амалиётидан кўришимиз мумкинки, транспорт сармоялари иқтисодиётда ўзига хос даромад келтиради, натижада улар келажакда капитал бўйича дастлабки мажбуриятларни оқлашларини талаб этади. Кўпгина инфратузилма лойиҳалари сингари, транспорт инфратузилмаси инвестиция қилинган капиталдан йиллик 5 фоиздан 20 фоизгача даромад келтириши мумкин. Бундай кўрсаткичлар кўпинча сармояларни рағбатлантириш ва асослаш учун ишлагилади. Шу билан бирга, транспорт инвестицияларининг камайиши даромадлилик даражасининг пасайишига олиб келади. Гарчи бошланғич инфратузилма инвестициялари юқори рентабелликка эга бўлса-да, улар ҳаракатчанлик имкониятларининг бутунлай янги турларини тақдим этади, тизим қанчалик кўп ривожланган бўлса, қўшимча инвестициялар натижасида даромадларнинг камайишига олиб келади.

Бугунги кунда мавжуд жаҳон тажрибаси ва мамлакатимиз амалиётида ривожланиб келаётган транспорт соҳасининг имкониятлари ва ўзига хос камчиликлари ҳам мавжудки, буни юқорида билдирилган фикрлар, мушоҳадалар асосида асослаш мумкин. Иқтисодиётдаги таъсири нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, транспорт соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётида ўрни катта. Шунинг учун ҳам унда ҳозирда мавжуд айрим камчиликлар ва ишлатилмаган имкониятларни алоҳида таъкидлашимиз ва уни келажакда бартараф этиш йўлларини топишимиз зарур.

2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча ҳаражат-

ларни камайтиради”, деб таъкидлаб ўтди. Шуни инобатга олган ҳолда ай-тиш керакки, бугунги иқтисодий рақамли технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Айнан транспорт соҳасининг бугунги тезкорлиги ва шиддатли бўлиш зарурати, унинг ортидан ташув хизматлар тарифларининг пасайтирилиши рақамли иқтисодийга бевосита боғлиқдир.

Транспорт логистикасини ривожлантириш бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодийи ҳамда соҳа олдида турган катта вазифалардан бири ҳисобланади. Жумладан, транспорт соҳасининг ҳар бир тармоқ тизимида рақамли иқтисодийни кенг жорий этиш билан биргаликда, соҳа ўртасидаги интеграцион ҳамкорликни вужудга келтириш ва шу асосида иқтисодийни ривожлантиришга ҳисса қўшиши мумкинлигини алоҳида таъкидлашимиз керак.

2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мурожаатномасида: “Халқаро экспертларнинг хулосасига кўра, инфратузилмани яхшилаш, мослашувчан тарифлар қўллаш ва янги истиқболли йўналишларни шакллантириш ҳисобидан бизда транзит салоҳиятини ҳозирги 7 миллион тоннадан 16 миллион тоннага етказиш имконияти мавжуд”, –дея алоҳида таъкидлаб, соҳа олдига катта вазифаларни қўйди. Бу имкониятларни амалга оширишнинг бир воситаси сифатида рақамли иқтисодийнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим.

Одатда Илмий Амалий маслаҳатлар ҳар доим кўп берилиши мумкин, аммо ундан асосли ва иқтисодийда фойдалисинигина амалга ошириш наф беради. Шулардан келиб чиқиб, транспорт соҳасини такомиллаштириш борасида мавжуд муаммолар сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

1. Транспорт соҳасини иқтисодийнинг бошқа тармоқлари билан интеграциясини кўчатириш лозим. Интеграцион жараёнга боғлиқ равишда фаолият олиб борилиши ва бу бўйича амалий ишларнинг жорий қилиниши ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига ҳам таъсир қилади. Хусусан, ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ўртасида интеграция натижасида транспорт хизматлари икки томон учун ҳам ўзига хос қулайлик туғдиради. Биринчидан, транспорт соҳаси учун доимий хизматга талабнинг мавжудлигини аниқлаш, иккинчидан, ишлаб чиқарувчига доимий хизмат кўрсатувчи ҳамкорнинг мавжуд эканлигини аниқлатади. Бу, ўз навбатида, маҳсулотнинг нархига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

2. Мамлакатимизнинг катта муаммоси бу– транспорт соҳасидаги хизматларнинг қимматлигидир. Чунки энг арзон транспорт, хусусан, денгиз йўналишида ҳаракат қилувчи сув транспорти бизда мавжуд эмас. Сабаби ҳаммамизга маълум: мамлакатимиз географик жойлашувининг ноқулайлиги, яъни атрофимиз қуруқликдан иборат. Бундай вазиятда мамлакат экс-

портида транспорт хизматларига талаб катта бўлган ҳолатда энг арзон вариантларни танлаш имкониятини талаб қилади. Ҳозирда мамлакатимизда мавжуд ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспорти ичида энг арзони қайси деган савол бўлиши табиий. Бу энг арзон ва қулайи автомобиль транспортидир. Аммо узоқ ҳудудларга етказишда темир йўлнинг аҳамияти катта.

Дунё бозорида катта ўзгаришлар нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун минтақамизнинг рўй бераётган ўзгаришларга тайёр бўлишини талаб этади. Минтақамиз Осиёни Европа билан боғлаган муҳим транспорт коридорининг марказида эканлиги биз учун ҳам чорлов, ҳам имконият бўлиб ҳисобланади. Бир Макон – Бир Йўл каби лойиҳалар ҳамкорлар билан биргаликда инфратузилмамизни яхшилашга, транспорт ва логистикага алоқадор бир қанча соҳаларни ривожлантиришга имконият, шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун рақобатбардошликни ошириш йўлида синов бўлади.

Республикамиз минтақамиздаги энг яхши транспорт инфратузилмасига эга. Давлатимиз ҳудудидан 42530 км автйўл, 4500 км темир йўли (ҳар 10000 км га 150 км) ўтади ва мамлакатимизни минтақанинг муҳим транспорт коридорларига улайди. Ўзбекистоннинг транзит давлати сифатида айниқса, Афғонистон Ислон Республикасига (Транс-Афғон халқаро транспорт коридори) кириш ва Афғонистон орқали Бандар Аббос ва Чобаҳор портларига чиқиш имконияти, Тожикистон Республикасига кириши муҳим ҳисобланади. Моҳияти йилдан-йилга ортиб бораётган Андижон–Ўш–Саритош–Иркештом–Қашқар коридори дунё тарихидаги энг буюк лойиҳалардан бўлган ва Хитой Халқ Республикаси томонидан таклиф қилинган «Бир макон–бир йўл» (Belt and Road Initiative – BRI) да муносиб қатнашиш учун ва Хитойни мамлакатимиз ҳудудидан ўтувчи йўллар орқали бошқа минтақалар билан боғлашга хизмат қилади. Хитойнинг ТИР конвенциясига қўшилиши, Қирғизистон орқали Хитойдан Ўзбекистонга автотранспорт орқали амалга оширилган илк транспорт транзит давлати сифатидаги потенциалимиз юқориликдан далолатдир. Бу потенциалдан фойдаланган ҳолда Туркменистон орқали Эрон ва Туркияга, Кавказ давлатларига, Божхона Иттифоқи давлатлари орқали Европага чиқишимиз мумкин. Бу имкониятлар, айниқса, иқтисодимиз учун бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш, транспорт, инфратузилма, туризм соҳаларида минглаб иш ўринлари яратиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт маҳсулоти истиқболли халқаро бозорларга чиқишини таъминлайдиган максимал даражада самарали, муқобил транзит йўлаklarини шакллантириш борасида қўшимча илдам чоралар кўрилишини тақозо этмоқда ва транспорт соҳаси истиқболларини белгилайди.

## 14.2. ТРАНСПОРТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 1 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ПҚ-4143-сон ва 2019 йил 19 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 336-сон қарорларини Транспорт соҳасини тубдан ислоҳ қилган меъёрий ҳужжатлар сифатида баҳолаш мумкин.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантириш, ташишларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, транспорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Иқтисодий ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва амалга оширилаётган ислохотлар республиканинг географик жойлашувини инобатга олган ҳолда транспорт хизматларининг сифатлилиги ва оммабоплигини таъминлашга йўналтирилган ягона транспорт сиёсатини шакллантириш, амалга ошириш, соҳани бошқаришнинг замонавий технологиялари ва интеллектуал тизимларини жорий этишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5647-сон Фармонида транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, республиканинг инвестициявий жозибadorлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш, транспорт коммуникацияларини стратегик ривожлантириш ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ташкил этилди.

Вазирлик автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё транспортлари, метрополитен, шунингдек, йўл хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Вазирлик транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги ташкилотлар фаолиятини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, лицензия ва рухсатно-



малар бериш, сертификатлаштириш, самарали техник ва тариф сиёсатини амалга ошириш йўли орқали давлат томонидан тартибга солиш вазифасини амалга оширади;

Вазирлик томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижроси давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади.

Вазирликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

транспортнинг барча турларини ягона транспорт тармоғига интеграциялашуви ва янги самарали транспорт-логистика тизимларидан фойдаланган ҳолда уйғунликда ривожлантиришга йўналтирилган ягона давлат транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш;

транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммабоплигини таъминлаш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган транспорт соҳасидаги ягона тариф сиёсатини амалга ошириш;

ҳалқаро транспорт коридорларини ривожлантириш, логистика тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакат транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларидан фойдаланишдаги сарф-харажатларни камайтириш;

транспорт ва йўл ҳўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

бутун транспорт тизимини рақамлаштириш бўйича илғор ахборот технологияларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Транспорт тизимининг бир-бирига боғланган ягона тизимини истиқболли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фойдаланувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, автомобиль йўллари, аэродромлар ва аэропортлар, вокзаллар, темир йўллар ва транспорт инфратузилмасининг бошқа объектларини молиялаштириш, лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва фойдаланиш масалаларининг комплекс ечимини таъминлаш;

транспорт соҳасида назоратни амалга ошириш, фуқаро авиацияси ва экспериментал ҳаво кемаларидаги ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисаларни, темир йўл ва дарё транспортидаги авария ва ҳалокатлар бўйича текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

транспорт ва йўл ҳўжалиги соҳасидаги халқаро ва ҳудудий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига транспорт хизматлари жаҳон бозорида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини таъминлаш;

транспорт соҳасидаги жорий ва истиқболли эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда таълим, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли равишда жорий этиш.

Фармон доирасида вазифа, функция ва ваколатлар Вазирликка ўтказилган:

а) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қуйидаги соҳалардаги:

кемаларни рўйхатга олиш (қайта рўйхатга олиш), кемаларни куриш, фойдаланиш, қайта жиҳозлаш ва таъмирлашга гувоҳномалар бериш;

кемаларга кема гувоҳномаси ва билетлари, таснифлаш гувоҳномалари, сузиш учун мувофиқлик гувоҳномалари ва кемасозликни тартибга солувчи қоидаларда назарда тутилган бошқа ҳужжатларни бериш;

б) «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг қуйидаги соҳалардаги:

темир йўл транспортини ривожлантиришнинг давлат дастурларини ишлаб чиқиш, темир йўл транспорти истиқболли прогнозлари, ривожлантириш ва объектларни жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш;

темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида тариф ва транзит сиёсатни амалга ошириш, темир йўл транспортининг ўтказиш ва ташиш қобилиятини ошириш, темир йўл транспорти хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш;

саноат корхоналари ҳаракатдаги таркибларининг умумий фойдаланишдаги темир йўлларига чиқиши учун рухсатномалар бериш;

темир йўл йўлаклари, шунингдек, вагон ва контейнерларни юклаш, тушириш ва тозалашга мўлжалланган ускуналарни куриш ва таъмирлаш лойиҳаларини келишиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 336-сон қарори Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқлаиб, унда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарлари функционал вазифалари ва масъулиятини белгиланди. Жумладан:

Вазирлик автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё ва электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалигини (кейинги ўринларда транспорт ва йўл хўжалиги деб аталади) ривожлантириш борасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда норматив-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди ва Ўзбекистон Республи-

касининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Вазирлик ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади. Шунингдек, ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Вазирлик унга юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита ҳамда унинг тузилмасига кирувчи ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар орқали амалга оширади.

Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) транспортнинг барча турларини Ўзбекистон Республикаси ягона транспорт тармоғига интеграциялаштириш ва янги самарали транспорт-логистика тизимларидан фойдаланиш асосида биргалликда ривожлантиришга йўналтирилган ягона давлат транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш соҳасида:*

транспорт ва йўл хўжалигини ривожлантириш, транспорт соҳасининг самарадорлиги ва жозибадорлигини ошириш, транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

соҳалар ва ҳудудларнинг комплекс, истиқболли ва илмий асосланган режасини ҳисобга олган ҳолда, транспорт ва йўл хўжалигини ривожлантиришнинг транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги вазифаларни изчил ва тизимли ҳал этишни таъминлаш билан боғлиқ барча масалаларни ўз ичига олган узоқ муддатли келажакка мўлжалланган концепцияларини ишлаб чиқади;

транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганишни ташкил этади ва ўрганиш натижалари асосида аниқланган муаммоларни ҳал этиш, Марказий Осиё ва Европа давлатлари ўртасида йўловчилар ва юк оқимини оптимallasштириш йўллариини излаш, миллий транспорт коммуникациялари орқали халқаро ва минтақавий транзитни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишни таъминлайди;

халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш, логистика тизимини такомиллаштириш, мамлакатнинг транзит салоҳиятидан самарали фой-

даланиш, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматлари учун харажатларини минималлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва чора-тадбирларни амалга оширади;

идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, улар фаолиятини иқтисодий таҳлил қилади, мазкур ташкилотлар раҳбарлари билан ҳамкорликда уларнинг самарали ишлашини таъминлайди;

экспорт ҳажмларини ошириш ва импортни оптималлаштириш бўйича самарали сиёсатни амалга ошириш доирасида транспорт ва йўл ҳўжалиги корхоналарининг экспорт-импорт тартиб-таомиллари мониторингини амалга оширади;

транспорт ва йўл ҳўжалиги соҳасида ягона техник сиёсатни амалга оширишни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси топшириқларига биноан ҳамда шахсий ташаббусига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритади;

фаолиятнинг белгиланган соҳасига тегишли масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлайди;

идоравий мансуб ташкилотларнинг техник тартибга солиш борасида улар фаолияти соҳасига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамасига транспорт ва йўл ҳўжалиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги халқаро транспорт йўлакларидан самарали фойдаланиш ва янгиларини ташкил этиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритади;

вазирлик ва идоралар, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг транспорт турлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, ривожлантириш дастурлари, тармоқларни ривожлантириш бўйича транспорт ва йўл ҳўжалиги соҳасидаги фаолиятга оид бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини келишди;

ўз ваколати доирасида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг транспорт ва йўл ҳўжалигини ривожлантириш самарадорлиги, халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқади;

*б) транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммабоплигини таъминлаш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган транспорт соҳасидаги ягона тариф сиёсатини амалга ошириш соҳасида:*

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида транспорт хизматлари бозорида соғлом рақобатбардош муҳитни шакллантириш ва миллий компаниялар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ягона тариф сиёсатини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасида транспорт соҳасида бозор муносабатларини янада ривожлантириш ва илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда аҳоли ва ташкилотларга кўрсатилаётган транспорт хизматларига тарифларни шакллантиришнинг асосий йўналишлари, концептуал ёндашувларини белгилайди;

тарифларни шакллантириш ва қўллаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани, жумладан, халқаро қонунчилик ва стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиради;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида тариф сиёсати, ставкалар ва йиғимлар масалаларини тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва келишишда иштирок этади;

ташувчи компаниялар билан ҳамкорликда халқаро тарифлар бўйича йиғилишлар ва конференциялар ўтказиш доирасида таклифларни ишлаб чиқади;

аэронавигация хизматларини кўрсатишда ҳаво маконидан фойдаланувчилар эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди;

автомобиль ташувлари йўналишларини тендер бўйича амалга ошириш механизмларини жорий этади, шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар йўналишларида хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи намунавий контрактларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

*в) халқаро транспорт коридорларини ривожлантириши, логистика тизимини такомиллаштириши бўйича таклифлар ишлаб чиқиши ва чора-тадбирларни амалга ошириши, мамлакат транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиши, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларидан фойдаланишидаги сарф-харажатларини камайтириши соҳасида:*

транзит салоҳиятини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ўтувчи транзит йўлакларининг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан таклифларни тайёрлаш йўли билан ягона транзит сиёсатини амалга оширади;

логистика тизими самарадорлигини ошириш, логистика самарадорлигининг халқаро рейтингларида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларига харажатларини минималлатириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

мавжуд транспорт йўлакларини диверсификациялаш ва истиқболлиларини ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

мультимодал ташувларни ривожлантириш борасида стратегия ишлаб чиқади;

г) *транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириши ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигини ошириши соҳасида:*

давлат-хусусий шерикликни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

тармоқни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаган ҳолда транспорт ва йўл хўжалигининг яқин ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган Инвестицион дастурларни шакллантиради ва улар ижроси ҳолатини мониторинг қилади;

транспорт ва йўл хўжалиги рақобатбардошлиги ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Транспорт ва йўл хўжалиги инвестиция дастурларини амалга ошириш учун инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва масалаларни ишлаб чиқади;

д) *бутиун транспорт тизимини рақамлаштириши бўйича илгор ахборот технологияларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Транспорт тизимининг бир-бирига боғланган ягона тизимини истиқболли ривожлантириши стратегияларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши соҳасида:*

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида ягона ахборот-коммуникация сиёсатини амалга оширади, транспорт ва йўл хўжалиги корхоналарининг рақамли иктисодиётга ўтиш стратегиясини ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идоралари билан биргаликда транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида ягона ахборот платформаларини яратишда иштирок этади;

е) *автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириши, фойдаланувчилар манфаатини ҳисобга олган ҳолда автомобиль йўллари, аэродромлар, аэропортлар, вокзаллар, темир йўллар ва транспорт инфратузилмасининг бошқа объектларини молиялаштириши, лойиҳалаш, қуриши, таъмирлаш ва фойдаланиши масалаларининг комплекс ечимини таъминлаш соҳасида:*

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида замон талабларига жавоб берадиган инфратузилмани яратишга қаратилган ягона техник сиёсатни амалга оширади;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида экологик хавфсизликни таъминлаш ишларини мувофиқлаштиради;

йўл қурилиши, йўл-қурилиш материаллари, махсулотлари ва қурилмаларини ишлаб чиқариш соҳасида техник тартибга солишга оид норматив ҳужжатлар талаблари бажарилишини назорат қилади;

транспорт ҳамда йўл хўжалигини техник жиҳатдан ривожлантириш, ташувлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ишларни амалга оширади;

*ж) транспорт соҳасида назоратни амалга ошириш, фуқаро авиацияси ва экспериментал ҳаво кемаларидаги ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисаларни, шунингдек, темир йўл ва дарё транспортидаги авария ва ҳалокатлар бўйича текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасида:*

йўловчилар, багаж ва юк ташиш қоидаларига риоя этиш, йўловчилар ва юк ташиш хавфсизлиги, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятининг зарур даражасини таъминлаш, йўловчилар йўналишларида транспорт воситаларининг бир маромда ҳаракатланиши, белгиланган ҳаракат жадвали ва оралиқларига риоя этилишини тизимли назорат қилишни ташкил этади;

қонунчиликда белгиланган тартибда:

автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ва юк ташиш;

темир йўл транспортида ички ва халқаро йўналишларда йўловчилар ва юкларни ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни (лицензия варақаларини) беради;

рухсатнома ҳужжатлари шартлари ва лицензия талабларига риоя этилишини назорат қилади, белгиланган тартибда берилган лицензиялар ва рухсатнома ҳужжатларининг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш чораларини кўради;

кемаларни рўйхатдан (қайта рўйхатдан) ўтказиш, кемаларни қуриш, улардан фойдаланиш, қайта жиҳозлаш ва таъмирлашда кўриқдан ўтказишни амалга оширади;

кемаларга кема гувоҳномалари ва чипталар, тоифа гувоҳномалари, сузишга яроқлилик гувоҳномалари ва кемачиликни тартибга солиш қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни беради;

автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташиш билан шуғулланувчи юридик шахслар ходимларига, шунингдек, темир йўл транспорти ташкилотлари, марказлари ва корхоналарида янги лавозимга тайинланган раҳбарлар ва масъул бошқарув ходимлариги кўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини аттестациядан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида авиация ҳодисалари ва фуқаро авиацияси ҳамда экспериментал ҳаво кемаларидаги ҳалокатлар ва тўқнашувларни, шунингдек, темир йўл ва дарё транспортидаги авария ва ҳа-

локатларни техник суриштирув-тергов ишларини ташкил этади ва амалга оширади;

ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат ҳудудидаги фуқаро авиацияси ва экспериментал ҳаво кемалари билан юз берган авиация ҳалокатлари ҳамда тўқнашувларни, шунингдек, йўловчилар поездлари таркиблари билан юз берган авария ва ҳалокатларни суриштирув-тергов қилиш ишларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тергов, шу жумладан, транспорт корхоналари ва ташкилотлари томонидан ўтказилаётган текширув ишларининг белгиланган муддатларда ва ҳолисона олиб борилишини, фуқаро авиацияси ва экспериментал ҳаво кемаларидаги ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисалар, шунингдек, темир йўл ва дарё транспортидаги авария ва ҳалокатларнинг тўғри таснифланишига риоя этилишини ва уларни ҳисобга олган ҳолда назорат қилади;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиацияси ҳамда экспериментал ҳаво кемаларидаги ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисаларни, шунингдек, темир йўл ва дарё транспортидаги авария ва ҳалокатларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

биринчи навбатда, Фавқулодда вазиятлар давлат тизими (кейинги ўринларда ФВДХ деб аталади), ҳарбий бўлинмаларнинг кутқариш тузилмалари, кучлари ва воситалари ҳамда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, эвакуация тадбирларини амалга ошириш учун юкларни ташишни таъминлайди;

ФВДХ, автотранспорт хизмати ва автойўл хизматларининг функционал кичик тизимлари фаолиятига раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикасига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб автомобиль ва темир йўл транспортида транзит ҳаракатланаётган хавфли ва махсус юкларни таъминнинг энг қисқа масофаси тартибини белгилашда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларини реконструкция қилиш ва кўчириш тўғрисидаги таклифлар бўйича келишувни амалга оширади;

*3) транспорт ва йўл ҳўжалиги соҳасидаги халқаро ва ҳудудий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобидан жаҳон бозорида Ўзбекистон Республикаси транспорт хизматлари миллий манфаатларини таъминлаш соҳасида:*

Вазирлик ваколатига тегишли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини халқаро даражада ифода этади;

хорижий ва халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни ўрнатади ва ривожлантиради;

Вазирлик ваколатига тегишли масалалар бўйича идоралараро хусусиятдаги халқаро шартномаларни тузади;



транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида халқаро семинарлар, анжуманлар, кўرғазмаларни ташкил этади ва амалга оширади ҳамда хориждаги шундай тадбирларда иштирок этади;

*и) транспорт соҳасидаги жорий ва истиқболли эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда таълим, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илгор усулларини тизимли равишда жорий этиш соҳасида:*

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш сиёсатини белгилайди;

конун ҳужжатларига мувофиқ транспорт ва йўл хўжалиги корхоналарини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга йўналтирилган кадрлар бўйича давлат сиёсатини амалга оширади;

ихтисослаштирилган тренажерлар, турли иловаларни кенг қўллаб, ўқув жараёнига масофавий таълимни фаол жалб қилган ҳолда, транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг, шу жумладан, оммавий касблар, сайёр машғулотларнинг базавий дастурларини тасдиқлайди;

таълим жараёнининг ишлаб чиқариш билан самарали ҳамкорлигини, битирувчиларни ишга жойлаштириш мақсадида транспорт таълим муассасалари ва иш берувчиларнинг саъй-ҳаракатларини, жумладан, хусусий инвестицияларни ўқув жараёнига жалб этган ҳолда бирлаштиришни ташкил этади;

транспорт логистикаси тизими йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар ва раҳбар кадрларни тайёрлаш, йўналиш тармоғи ва йўловчи оқимларини моделлаштиришнинг иқтисодий-математик усулларини қўллашни ташкил этади;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказишни ташкил этади ҳамда уларнинг натижаларини илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни самарали интеграциялаштириш йўли билан амалга оширишни ташкил этади;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини аккредитациядан, уларнинг педагог ва илмий кадрларини ағдетациядан ўтказишда иштирок этади;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги фанлар ҳамда мутахассисликлар бўйича хорижий давлатларда берилган таълим ва илмий даража бериш тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳамда нострификация қилишда (эквивалентлигини белгилашда) иштирок этади.

Вазирлик қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин ҳамда Вазирлик ўзига юкланган вазифалар

ва функцияларни бевосита ҳамда Вазирлик ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлар орқали бажаради.

Вазирлик ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда киритиш;

2) Вазирлик ваколатига тегишли масалаларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

3) юридик шахс ҳуқуқларида йўловчилар ёки юк ташиш, транспорт-логистика фаолияти, инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил ихтисослаштирилган ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, Вазирлик тузилмасига кирувчи ташкилотларни белгиланган тартибда бирлаштириш ва тугатиш (давлат бошқаруви органлари бундан мустасно);

4) Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси маблағларини бошқариш;

5) давлат органларига транспорт ва йўл хўжалигидан фойдаланиш қоидаларини бузишда айбдор шахсларни қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликка тортиш ҳақида таклифлар киритиш;

6) маъмурий судларга транспорт соҳасида ташувчилар томонидан йўловчилар ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мулкига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашга оид қонунда белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги бўйича айбдор шахсларни қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликка тортиш ҳақида баённомаларни тузиш ва киритиш;

7) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Вазирлик ваколатига тегишли масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда бепул сўраш ва олиш;

8) Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўлларида ва транспорт инфратузилмаси объектларида хавфсизликни таъминлаш бўйича назоратни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органлари, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасидан ёзма ва/ёки электрон шаклда зарур маълумотларни бепул сўраш ва олиш, ўз ваколати доирасида мазкур таъкидланган ташкилотларнинг электрон маълумотлар базасидан эркин белгиланган тартибда фойдаланиш;

9) статистика органларидан Вазирлик ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган статистик маълумотларни бепул сўраш ва олиш;

10) лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунчиликда белгиланган тартибда режали ва қисқа муддатли текширувларини амалга ошириш;

11) Вазирлик ва унинг идоравий мансуб тузилмаларининг давлат мулкани ўз ташкилий тузилмаси доирасида бир таркибий тузилмадан бошқасига қонунчиликда белгиланган тартибда, бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан ўтказиб бериш;

12) қонунчиликда тақиқланмаган маблағлар ҳисобидан бюджетдан ташқари моддий рағбатлантириш жамғармаларини ташкил этиш, марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмалар ходимларини улар томонидан Вазирлик фаолиятини баҳолаш мезонлари ва ишчи ўлчовларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда, моддий рағбатлантириш тартиби, миқдори ва шартларини белгилаш;

13) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, банкларда ҳисобрақамлар очиш;

14) Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таклифларни муҳокама этиш учун киритиш;

15) Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича белгиланган тартибда халқаро шартномаларни тузиш;

16) халқаро даражада транспорт ва йўл хўжалиги масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифода этиш;

17) ўз ваколати доирасида анжуманлар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шу каби тадбирларда иштирок этиш;

18) транспорт ва йўл хўжалигини яхшилаш ва ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш мақсадида халқаро, хорижий ва миллий ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш;

19) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги транспорт ташкилотларининг ваколатхоналари ва хорижий муассасаларидан мунтазам равишда транспорт ва йўл хўжалигини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий материаллар, ҳисоботлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан транспорт ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан таклифларни сўраш ва олиш;

20) давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва ўқув муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини ва экспертларни шартнома асосида маслаҳатчи сифатида жалб этиш;

21) юқори малакали ва малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ҳамда уларга иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини хорижий валютада белгилаш;

22. Қонун ҳужжатларига мувофиқ Вазирлик бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

23. Вазирлик:

1) Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, шунингдек, транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш;

2) Вазирлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлар, мақсадли индикаторлар, сифатга ва ривожлантириш дастурларини самарали амалга оширишга эришишни таъминлаш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Вазирлик томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати ва яқуний натижалари;

4) транспорт ва йўл хўжалигини ривожлантириш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши;

5) фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъулдир.

### **14.3. ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш вазифаси бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз транспорт инфратузилмасининг ҳозирги ҳолати ва мавжуд муаммосини ҳисобга олган ҳолда соҳа инфратузилмасини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан мақсад давлатнинг макрориктисодий барқарорлигини таъминловчи бир соҳа сифатини яхшилашдан иборат.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қуйидагилар белгиланган:

– йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

– ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, автотранспорт-коммуникация хизматларини ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш.

Авваломбор инфратузилмага қисқача изоҳ берилса, инфратузилма – (лотинча “infra” – қуйида, остида ва structura – тузилиш, жойлашиш) – бу ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий шароитлар, шунингдек, ҳар қандай турдаги фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган иншоотлар, бинолар, тизимлар ва хизматларнинг тўпламидир. Умуман олганда, инфратузилма ривожланишни таъминлайдиган устун сифатида тан олинади. У транспорт, сув ва канализация, энергетика, телекоммуникация ва ирригация соҳаларини ўз ичига олади. Инфратузилма – бу пойдевор бўлиб, унинг асосида мамлакат ёки минтақадаги ривожланган ва ривожланмаган ҳудудлар орасидаги турли хил стратегик нуқталарни бир-бирига яқинлаштириш мумкин.

Афсуски, мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш доимо давлат қўлида эканлиги ва бюджет маблағлари ҳисобидан инфратузилмани, шу жумладан, транспорт соҳасини тўлақонли ривожлантириш имконсизлиги кўнраб муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, бунинг ечими соҳага кенг қўламдаги хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали бартараф этилиши мумкин. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, транспорт соҳасига инвестицияларни рағбатлантириш ваколатли давлат томонидан тартибга солинмаса, уни амалга ошириш мумкин эмас.

Эътибор қиладиган бўлсак, халқаро тажрибада транспорт ва коммуникация инфратузилмаси глобаллашув жараёнида асосий вазифани бажарганлиги сабабли транспортдаги тараққиёт ва ҳар қандай мамлакатнинг пайдо бўлаётган глобал тизимларга кириш даражаси ўртасидаги боғлиқлик аниқ. Бу транспорт ривожланишини амалий жиҳатдан рағбатлантириш масаласини туғдиради.

Транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ҳозирги босқичда мамлакатимиз иқтисодиётининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мамлакат транспорт тизимининг самарали ишлашини таъминлаш учун ҳам, ривожланаётган глобал тизимларда мамлакат иқтисодиётининг умумий рақобатбардошлигини таъминлаш учун ҳам зарурдир. Бугунги кунда транспорт харажатларининг ички товарларнинг яқуний таннархидаги улуши иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда 7-8 фоизни тапқил этади. Бизда эса импорт ва

махаллий регионлардаги улуши турлича тарифларга асосланиб қолмоқда. Бу эса транспорт инфратузилмасини ривожлантиришни ҳамда унга хорижий инвестицияларни жалб қилишни талаб қилмоқда.

Хорижий инвесторларни жалб қилиш, уларни транспорт инфратузилмасига жалб қилиш учун ўзига хос имтиёз ва преференциялар жалб қилинмас экан, уларга минтақа ичи ва халқаро ҳолатдаги имконияти ва фойда келтирилиши асосланиб берилмас экан, инвесторларни жалб қилиш қийин. Мамлакатнинг чегара позицияси, унинг ҳудудидан энг муҳим транспорт йўналишлари ўтиши, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун денгиз портларининг мавжудлиги, саноат ривожланган минтақаларга яқинлиги инвесторлар учун жозибадор ҳисобланади. Аммо бизда арзон денгиз ва дарё йўллари мавжуд эмаслиги, асосий ташувларнинг темир йўл, ҳаво йўллари ва автомобиллар орқали амалга оширилиши ҳам энг катта етишмовчилик ҳисобланади.

Энди транспорт нархларига эътибор қилинса, қайси соҳа инвестиция киритилиши муҳим эканлигига аниқлаштирилганда, яна бир қанча саволлар пайдо бўлади. Чунки ҳаво йўлларининг қиммат эканлиги, унинг хизматларидан фойдаланиш учун шароитларнинг мавжуд эмаслиги, бориш ҳудудларининг чегараланганлиги асос бўлса, темир йўлларда ҳам шу муаммолар мавжуд, яъни темир йўлларнинг минтақанинг исталган жойига бора олмасли, географик нуқтасининг чегаралаганлиги ҳамда кичик ҳажмдаги юкларни ташиш самарадор эмаслиги сабабли минтақа ичида автомобиль транспорти энг қулай восита сифатида аҳамиятини оширади ва бу, албатта, қайси транспорт турига инвестиция киритиш кераклигини аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Демак, мамлакатимизда бугунги ишлаб чиқариш, қурилиш соҳасидаги йилдан-йилга ошиб бораётган ўсиш суръатлари транспортга бўлган талабни ошириб бормоқда. Талабнинг ўсиб боришига мутаносиб шароитда уларнинг транспорт эҳтиёжи ҳам ўз вақтида таъминланиб бориши лозим. Эътиборлиси, давлатларнинг иқтисодий ривожланиши ва соҳаларининг ўсиб бориши яхши, аммо давлат барча соҳани бирдек молиялаш имкониятга эга эмас.

Транспорт инфратузилмасига инвестициялар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, шунингдек, умумий саноат ривожига киритиладиган инвестициялар билан боғлиқ бўлиши мумкин ва шу даражада транспорт инфратузилмасига киритиладиган инвестициялар иқтисодий тараққиётга жавоб бериш шакли сифатида қаралиши мумкин. Импорт ва экспорт талабларига транспорт инфратузилмаси ёрдам беради ва шу сабабли товарларнинг ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш учун ҳам инвестициялар транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилиши керак.

Транспорт инфратузилмасига инвестициялар киритилишининг энг асосий натижаси – бу жойлар нисбий нархларининг ўзгариши. Транспорт тизимларининг тармоқ тузилиши, шунингдек, мавжудлик ҳудудий равишда бир хил эмаслиги, янги объектга инвестиция киритиш ёки мавжудини такомиллаштириш, кириш нархлари ҳозирги мувозанат тузилишини ўзгартириши шарт. Нархларнинг ўзгариши ҳудудий жойлаштирилган фаолиятнинг нисбий устунлиги ва ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол соҳалари учун иқтисодий имкониятларнинг ўзгаришини назарда тутади.

Транспорт инвестицияларининг инфратузилма ва иқтисодий ривожланишга таъсири тўғрисидаги мунозаралар минтақада сиёсат ва демократик масалалар каби кучли ва кенг миқёсда бўлмаган, аммо инфратузилмани ривожлантириш минтақавий ривожланишнинг бошланиши бўлиши керак. Шунга кўра, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича мунозараларни келтириб чиқарган иккита фикр мактаби мавжуд. Биринчисига кўра, агар ривожланишни истасангиз, транспорт инфратузилмасига маблағ сарфланг. Ушбу мактабнинг тамойилларидан келиб чиқадики, мамлакатда ривожланишни бошлаш учун транспорт инфратузилмасига маблағ кўясиз, фойда эса сизни излайди. Бошқа бир фикр мактабининг таъкидлашича, фойда бўлган жойга транспорт келади. Ушбу мактабга кўра, фойда транспорт, шу жумладан, ривожланиш учун асос ҳисобланади. Кейинчалик ушбу мактаб транспорт шунчаки фойда олиш учун пойга натижасидир, деган хулосага келди.

Жаҳон савдосининг тобора ортиб бораётган глобаллашуви нафақат кўп-лаб мамлакатларда савдо сиёсатининг либераллашиши, балки транспорт инфратузилмасидаги катта ютуқлар туфайли ҳам пайдо бўлди. Иқтисодиёт инфратузилмасининг табиати унинг талаб ва нархларнинг ўзгаришига жавоб бериш ёки бошқа ресурслардан фойдаланиш қобилиятида муҳим аҳамиятга эга. Сифат ва иқтисодий самарадорлик бузилмас экан, инфратузилмани ривожлантиришга меҳнатга асосланган ёндашувлар иқтисодий ўсишга асос яратадиган муҳим восита бўлиши мумкин. Жумладан, транспорт инфратузилмасига инвестициялар янги иш ўринларини яратиш мақсадида амалга оширилса, минтақадаги минглаб ишсизларнинг имкониятларини кенгайтиришга олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда пуллик йўллар қуриш ва унга хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ишлар ташкил этилмоқда. Пуллик йўл – ҳайдовчилар ҳақ тўлаб фойдаланадиган йўлларга айгилади. Бундай йўллардан фойдаланганлик учун тўланадиган маблағ уни таъмирлаш ва сақлаш, техник хизмат кўрсатиш харажатларини қоплаш учун сарфланади. Тижорий йўлларнинг давлат йўлларидан асосий фарқи шундаки, бундай йўналишларда фойдаланувчилар ва уларнинг автоуловларига юқори

сифатда хизмат кўрсатилади. Қолаверса, пуллик йўлларда ҳаракатланиш тезлиги юқори бўлади.<sup>1</sup>

Тошкент–Андижон пуллик йўли қурилиши ва фойдаланишга топширилиши лойиҳаси Транспорт вазирлиги ҳамда Жаҳон банки томонидан ўрганилмоқда. Давлат-хусусий шерикчилик асосида лойиҳанинг мақсадга мувофиқлиги асосида 2021 йилнинг иккинчи чорагида тендер эълон қилиш ва 2022 йилнинг иккинчи чорагида тендер қолибини аниқлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, қурилишнинг тахминий муддати 24 ойни ташкил этади.<sup>2</sup>

Пуллик йўллар каби транспорт инфратузилмасига инвестициялар ҳақида гап кетганда, ундан даромад олиш сифатида пировард натижасини рўқач қилишади. Ҳозиргача иқтисодийнинг умумий кўрсаткичлари транспорт инфратузилмасига сармояларни жалб қилиш учун хизмат қилади. Барқарор ўсиш ва индивидуал ҳаракатланишнинг кучли эҳтиёжлари, албатта, жамоат транспорти тизимларига ва транспорт инфратузилмасига катта талабни келтириб чиқаради. Инфратузилма автотранспорт воситалари (савдо ва ҳашаматли) ва ҳаракатланувчи таркибдаги инвестицияларнинг хусусиятини белгилайди. Бошқа томондан, иқтисодий ўсиш – бу иш ўринларини очиб, иш имкониятларини ярагади ва шунинг учун турли одамларнинг даромад олиш имкониятларини яхшилайди. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, агар у одамларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган бўлса, сиёсат асосида бошқарилиши керак.

Бундай лойиҳаларга сармоядорлар кўрсатмалар билан таъминланиши керак, акс ҳолда минтақанинг эҳтиёжлари қондирилмаслиги мумкин. Транспорт коридорларини ривожлантириш минтақада иқтисодий ривожланишни бошлашнинг яна бир усули ҳисобланади, ва шунинг учун минтақа аҳолиси манфаатлари учун уларнинг афзалликларини ошириш мақсадида ушбу лойиҳаларни ишлаб чиқишда сиёсат йўналишлари мавжуд бўлиши керак. Одатда инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш доимий хавотирга сабаб бўлади, чунки ҳукуматлар лойиҳалар учун етарли пулга эга бўлмайдилар, аммо исталгани ҳам молиявий жиҳатдан имконсиздир. Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга инвестициялар сармоядорларга керакли даромад келтирмаслиги ҳам муаммоли бўлиб қолди. Инфратузилмани ривожлантиришга сармоялар бўйича баҳс-мунозаралар инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва унинг ривожланиши учун тўртки эканлигини унутмаслик керак. Мотив ижтимоий ёки тижорат бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> <https://kun.uz/news/2019/05/10/pullik-yollar-shahar-ichidagi-tirbandliklarga-yechim-bola-oladimi>

<sup>2</sup> <https://kun.uz/news/2020/05/26/ozbekistonda-dastlabki-pullik-yollar-2023-yildan-keyin-quriladi>



Юқоридагилар асосида хулоса қилинса, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш хорижий инвестицияларга жуда муҳтож. Иқтисодий ривожланиш белгиси инфратузилманинг табиати ва сифати орқали кўринади. Шунинг учун ҳукуратимиз инвесторларга транспорт инфратузилмаси лойиҳаларига сармоя киритиш имкониятини яратиши керак ва бу тегишли инвестицион сиёсати орқали амалга оширилиши мумкин. Бошқа томондан, инвесторлар бир хил сиёсат асосида маҳаллий аҳолининг кўникмаларини ошириш ва уларга имкониятлар беришга мажбур қилишлари керак.

Ҳозирги шароитда инвестицияларни жалб қилишда ўша транспорт инфратузилмасига оид лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ва тегишли бизнес-режаларни яхшилаб ишлаб чиқиш, транспорт соҳасидаги инвестиция фаолиятининг аниқ стандартлари ва қоидаларини белгилаш, имтиёзлар ва преференцияларнинг қатъий тартибини ўрнатиш ва савдолар ўтказиш амалиётини такомиллаштириш талаб этилади. Бундай чоралар мамлакатимизда ички транспорт комплексига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун янада қулай инвестиция муҳитини яратишга ҳисса қўшиши керак.

Юқорида таъкидланганмиздек, соҳани ривожлантиришнинг охиригичими инвестицион фаолиятга бориб тақалмоқда. Сабаби— бугун мамлакатимизда транспорт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ундан даромад олиб, давлатга фойдали соҳа сифатида хизмат қилинишига эришишдир. Ишлаб чиқариш, транспорт ва сармояларнинг иқтисодий самарадорлиги транспорт иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди. Бу янги технологияларни яратиш ва улардан фойдаланиш, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва меҳнат шароитларини яхшилашда муҳимдир.

Бу мақсадларга, албатта, инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш орқали эришилишига халқаро тажрибалардан ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бугун транспорт соҳасини ривожлантириш учун инвестиция самарадорлигини ошириш, транспортда янги ишлаб чиқариш технологиясини кенг жорий этиш, ташиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш— бу иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш ва саноат ривожланишининг муҳим шартидир.

#### **14.4. ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Транспорт хизматларини кўрсатиш бевосита логистика билан боғлиқ. Шу боис ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурларида ҳам транспорт-логистикаси масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Транспорт ва-

зирлигининг таркибида транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази ҳам ўз иш фаолиятини олиб боради.

Логистика тушунчаси жуда тор доирадаги мутахассислар томонидан талкин қилинган бўлса, бугунга келиб кенг доирада қўлланилмоқда. Бугунги кунда логистика соҳалар қамрови бўйича янги бўлишига қарамасдан, барча соҳаларни қамраб олмоқда.

Логистика тушунчаси озиқ-овқатларни тақсимлаш маъносида ҳам ишлатилган. Кўпчилик манбаларда логистика сўзи ҳарбий ишга боғланади. Яъни қадимий Грецияда ҳарбий хизматда 10 та логистика бўлган. Рим империясида ҳам ҳарбий хизмат логистик маъносини берувчи хизматчилар бўлган. Логистикларнинг асосий вазифаси озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш бўлган.

Қадимий Афинада логист касби эгалари ҳар йили тасодифий танлаш орқали шакллантирилган. Уларнинг вазифаси бошқа давлат хизматчиларининг ҳисоботларини текшириш бўлган.

Умуман олганда, логистика тушунчаси қадимий Грецияда “Ҳисоблаш санъати” ҳам деб аталган. Айрим манбаларда логистика милоддан аввалги IV асрда Грецияда пайдо бўлган. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида логистика – ҳисоблаш, муҳокама санъати деб ёзилган.

Бошқа бир манбанинг маълумот беришича, Византия империясида IX асрда пайдо бўлганлигини айтишади. Солиқларни ҳисоблаш ва тақсимлашни бошқаришда фойдаланилганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Логистика бўйича биринчи илмий иш муаллифи француз, ҳарбий мутахассис Джомини ҳисоблашиб, логистика атамасига ҳарбий томонлама ёндашиб ўз муаллифлик таърифини келтирган. У логистика тушунчаси кўп нарсани қамраб олиши билан бирга ҳарбий соҳада режалаштириш, бошқариш энг муҳими эканлигини таъкидлайди.

Маълумотларга қараганда, Наполеон Бонапарт армиясида ҳарбий соҳа таъминотини ўз вақтида тўғри бошқариш борасида логистиканинг принципларини қўллаган. Логистика иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий ишлаб чиқариш, транспортда етказиб бериш кабилар орқали ҳарбий соҳада янада тараккий этиб яққол намоён бўлди.

Йигирманчи асрнинг 60-йилларида даставвал ҳарбий соҳада қўлланиб келинаётган логистика тушунчаси аста-секинлик билан хўжалик соҳасига, ундан кейин бутун ишлаб чиқаришга ёйила бошлади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида логистика тушунчаси иқтисодиёт соҳасига кириб кела бошлади. Бугунги кунда ҳарбий соҳада деярли қўлланилмайдиган логистика атамаси иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш, бизнесда кўп қўлланилиб келинмоқда. Айниқса, ташиш, жумладан, ишлаб чиқарилаётган

маҳсулотларни ва йўловчиларни ташиш соҳасида логистиканинг аҳамияти беқиёс эканлиги эътироф этилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда товарларни етказиб беришнинг янги усул ва шакллари жорий қилинмоқда.

Хорижий тадқиқотларда айтилишича, тадбиркорлик фаолиятида логистикани белгилашда асосий иккита умумий йўналишга ажратиш мумкин. Биринчи йўналиш товарлар ҳаракати билан боғлиқ бўлиб, бу ерда товарлар ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб берилади. Иккинчи йўналиш товарлар ҳаракати билан боғлиқ операцияларни бошқаришга бориб тақалади. Бунда етказиб берувчилар ва истеъмолчилар бозори таҳлилига асосланиб, товар ва хизматларга бўлган талаб ва таклиф, товар ҳаракати иштирокчилари қизиқишларини ривожлантиришга қаратилади.

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг кейинги босқичларида барча соҳалар каби логистика масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда транспорт логистикасининг ривожланиб бориши бу борада қилинаётган ишлар, логистика марказларини ташкил этилиши, улар томонидан хизматлар кўрсатиш сифатининг оширилиши муҳим қадамлардан биридир.

Мамлакатимизда транспорт логистикаси ривожланиб борар экан, мазкур соҳаси ҳисоб-аҳборот билан таъминлаш, доимий кузатишлар ва ўрганишлар асосида таҳлил ишларини амалга ошириш ҳамда назорат қилиш орқали прогноз кўрсаткичларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

1. Республикамиздан оқиб ўтадиган катта дарёлар мавжуд эмаслиги, ички ҳудудий темир йўл линияларининг етарли эмаслиги, ҳаво транспортидан фойдаланиш қимматлиги автомобиль транспортининг қайсидир маънода юк ташишда етакчилик қилишига замин яратган.

2. Республикамизда юк ташиш ҳажмининг асосий қисми автомобиль транспортига тўғри келиш сабаблари қуйидагича:

- автомобиль транспортда юк ташишнинг қулайлиги;
- кичик ҳажмдаги юкларни ташишда имкониятнинг юқорилиги;
- ҳаво транспортининг қимматлиги;
- ички темир йўлларнинг яхши ривожланмаганлиги;
- дарё транспортдан фойдаланиш имконияти деярли йўқлиги;
- автомобиль транспортини сотиб олишга имкониятнинг мавжудлиги.

#### **14.5. АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Мамлакатимизда транспорт тизимининг ривожланиши ва унда автомобиль транспортининг тутган ўрни юқори ҳисобланади. Таъминотчи – ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчини барча соҳаларда боғлайдиган бу тизим йиллар давомида такомиллашиб, янада боғлиқлиги кенгайиб бормоқда.

Бирор маҳсулот, иш ёки хизмат йўқки, ҳеч бўлмаганда бирор босқичда транспорт тизимига эҳтиёж сезмаган.

Мамлакатимизда транспорт тизимининг ривожланиб боришида автомобиль транспортининг ҳам ўз ўрни бор. Бизга маълумки, жаҳон мамлакатлари ўртасида иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, давлатлар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиб бориши, давлатларнинг ривожланиши, маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда истеъмолнинг ўсиши, юқорида таъкидланганидек, ўзаро муносабатларда ташиш масалаларини вужудга келтириб, транспорт хизматларини кўрсатиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 6 мартдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги қайта ташкил этилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 август куни автомобиль транспорти соҳасида бошқарувни такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт хизматлари кўламини кенгайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Йиғилиш доирасида 2018–2021 йилларда автомобиль транспорти инфратузилмасини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Дастур ижроси доирасида 2018 йилда 57 та янги йўловчи ташиш йўналиши очилди, 9 та янги автостанция қурилди, 82 та янги автобус сотиб олинди. Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга 5 та халқаро автобус йўналиши очилди.

Йиғилишда соҳадаги ислохотларни давом эттириш, туманлараро ва шаҳарлараро йўналишларда, туман маркази билан олис қишлоқлар ўртасида замонавий транспорт хизмати кўрсатиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, 2020 йил якунигача транспорт хизмати кўрсатишда янги тизим жорий этиш бўйича топшириқ берилди. Унга кўра, туман ва йўналишлар бўйича транспорт хизмати кўрсатиш фаолияти давлат-хусусий шериклик асосида хусусий оператор-диспетчерларга берилади. Лицензияга эга ва тендер ғолиби бўлган хусусий оператор-диспетчер тегишли ҳудуд ёки йўналишда шартнома асосида барча транспорт хизмати кўрсатувчиларни бирлаштириб, улар учун ягона платформа ташкил этади. Йўловчи кам йўналишларга транспорт қўйиш давлат талаби этиб қўйилади. Хизмат кўрсатувчиларга “Хар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз” давлат дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар берилади.

Ҳудудларда транспорт йўналишларининг 30 фоиздан ортиғи ишламаётгани, шу боис вилоятларда 13 та автокорхона ташкил этиб, уларга бу йил 400 та, кейинги йил охиригача 780 та “Исузи” автобуси сотиб олиш заруриги таъкидланди.

Йиғилишда одамларнинг ўз юк машиналаридан фойдаланиб, даромад топиши учун қулайлик яратиш заруриги таъкидланди. Юк ташиш тизимига хусусий секторни жалб қилиб, юк ташувчиларга лицензия ва рұхсат

бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш, хусусий экспедиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Транзит юк ташишда юртимиз вакиллари иштирокини кенгайтириш, магистрал йўл инфратузилмасини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимиз орқали юк ташишни кўпайтириш учун хорижий давлатлар ва йирик компаниялар билан қўшимча битимлар имзоланган, Транс-Афғон, Транс-Кавказ, Транс-Хитой каби автомобиль йўлларида фойдаланишни жадаллаштириш, юк ташувчилар билан ҳамкорликда корхоналар ташкил этиш, соҳага оид халқаро ҳужжатларга қўшилиш, тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифалари қўйилди.


Тошкентда йўналишларни бошқариш самараси пастлиги, автобуслар парки 75 фоизга эскиргани, бекатларда автобусларнинг келиб-кетиш вақтини кўрсатувчи электрон таблолар, бепул интернет, автобусларда мобиль иловалар ва видеокузатув мосламалари йўқлиги танқид қилинди. Шу боис Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорти тизимини тубдан янгилаш концепциясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Транспорт хизмати кўрсатиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, йўлқира учун электрон тўлов тизимини жорий қилиш, пойтахтимизда йўловчи ташиш тизими ва инфратузилмасини йирик мегаполислар даражасида ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, йўловчи ва юкларни ташиш тизимининг такомиллашуви, халқаро ташишларни йўлга қўйилиши, юк ташиш хавфсизлиги ва сифатининг таъминланиши бўйича қилинган ҳаракатлар жаҳон талабига мос келадиган автомобиль транспорти корхоналарини ташкил этилишига олиб келди. Бугунги кунда автомобиль транспорти тизимидаги корхоналар томонидан аҳоли ва юридик шахсларга сифатли ташиш хизматларининг тақдим этилишида босқичма-босқич қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш каби вазифалар белгилаб берилган.<sup>1</sup>

Республикамизда хизмат турлари ҳам жамият талабидан келиб чиққан ҳолда хилма-хиллашиб, хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури асосида кенгайиб, ўз ўрнини топиб борди. Буни статистик маълумотлар асосида қуйидаги кўринишга келтириш мумкин (14.1-расм).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони



14.1-расм. Республикада хизматлар таркиби<sup>1</sup>

Ташиш хизматлари жаҳон иқтисодийётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек, дунё мамлакатларини истиқболли иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришда кейинги йилларда транспорт-логистика соҳаси муҳим соҳалардан бирига айланиб борди. Ер юзида аҳоли сонининг ўсиши жаҳон транспортининг ривожланиш заруриятини юзага келтирди.

Ҳар бир давлатнинг транспорт тизими жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади. Бу хизматдан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини тўлақонли қондириш эса доимо давлатларнинг диққат марказида турган. Шу боис, транспорт тизими ҳамма вақт ҳам иқтисодийётнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, ўз ролига эга бўлган.

Маълумотларга кўра, XIX асрда транспорт хизматидан фойдаланишда темир йўл транспорти асосий етакчилик қилган бўлса, XX асрда етакчиликни автомобиль транспорти эгаллаган. Бугунги кунда автомобиль транспорти дунёда йўловчи ташишнинг 80 фоизини эгаллаб етакчилик қилиб келмоқда.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди. Тошкент, 2017

<sup>2</sup> Булко О.С и др. Сектор услуг Белоруси: Проблемы и перспективы развития. Минск, 2016. 271-с.

Ҳар бир давлатнинг ўз ички имкониятлари ҳамда транспорт хизмати кўрсатишнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда хизмат турининг афзаллилига ҳамда унинг ўрнига баҳо бериш мақсадга мувофиқ.

Давлатнинг транспорт тармоғи давлат миқёсида муҳим иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, аграр, тиббий, муҳофаа ва бошқа функцияларни ҳам бажаради. Бу тармоқ йирик ва мураккаб хўжалик мажмуи бўлиб, унинг доирасида мустақил тармоқлар, магистрал транспортнинг турли хиллари, шаҳар ва саноат транспорти ҳам фаолият кўрсатади. Маъмурий-хўжалик жиҳатидан мустақил бўлишига қарамай, транспортнинг барча турлари маълум даражада ўзаро боғлиқликда ишлайди ва бевосита ташиш жараёнига ҳам, фаолиятнинг якуний техник-иқтисодий натижаларига ҳам таъсир кўрсатади. У ишлаб чиқариш кучларининг бир қисмини ўзида намоён этгани ҳолда ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш ва ижтимоий меҳнатнинг юқори унумдорлигини таъминлаш учун зарурий шарт сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасида 1991 йилга қадар транспорт воситалари ва уларнинг қисмларининг катта қисми импорт қилинган. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатган. Бугунги кунда республика-миз ўзининг мустақил автомобиль саноатига эга бўлди. Мамлакатимизда автомобиль транспорти соҳасини ривожлантириш, ташиш хавфсизлигини таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилашга қаратилган 200 дан ортиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Дастлаб, автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, кейинчалик, хорижий инвестициялар иштирокида автомобилларга бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, Ўзбекистонда автобуслар ва юк автомобиллари ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг рақобатбардорлигини ошириш, республика автомобиль транспорти воситалари паркинни тўлдириш ва янгилаш, шунингдек, йўловчилар ва юк ташиш хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда атмосферага зарарли чиқиндилар чиқаришни қисқартириш, халқаро бозорда барқарор ўрин эгаллаш, енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқариш орқали маҳсулотлар таркибини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда уларнинг савдо ҳажмини оширишни таъминлаш мақсадида турли йилларда автомобиль саноатидаги ислохотлар давом эттирилди.

Юқорида дунёда транспорт хизматлари кўрсатиш ва унинг ўрни ҳақида тўхталинди. Республика-мизда транспорт соҳасидаги хизматлар ривожланиш тенденциясига мурожаат қилинса, юк ташишнинг умумий ҳажмида энг катта улушга автомобиль транспорти эгаллик қилаётганлигини кўриш мумкин. Республика-мизда бир неча йиллардан бери асосий юк ташиш айнан автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келади.


Статистик кўрсаткичларга назар солсак, автомобиль транспорти бўйича хизматлар кўрсатиш, жумладан, юкларни ташиш мустақилликнинг дастлабки йилларидан етакчилик қилиб келиб, йилдан –йилга ўсиб бормоқда.

Автомобиль транспорти билан 2014 йилда 868,9 млн тонна ҳажмда юк ташилган бўлса, 2019 йилда ташилган юк ҳажми 1177,7 млн тоннадан ортиқроқни ҳамда 2020 йилнинг 9 ойида **908,6** млн тоннани ташкил этди.

Йўловчи ташишда ҳам автомобиль транспорти етакчи ўринни эгаллаган. Мазкур ташишда ҳам асосий ўсиш, темир йўл транспортида бўлиб, –10,5 фоизни ташкил этган бўлсада, ташилган йўловчилар миқдори жудаям паст даражада. Хулоса қилиш мумкинки, республикамызда юк ташиш ҳажми бўйича асосий ўринни автомобиль транспорти эгаллаб келмоқда («14.2-расмга қаранг»).

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ

- Автомобиль – 98,3%
- Темир йўл – 0,39%
- Метрополитен – 1,2%
- Ҳаво – 0,04%



14.2-расм. Республикамызда йўловчи ташишнинг транспорт турлари бўйича тақсимланиши

Юқорида таъкидлаганимыздек, республикамыздан оқиб ўтадиган катта дарёлар мавжуд эмаслиги, ички ҳудудий темир йўл линияларининг етарли эмаслиги, ҳаво транспортидан фойдаланиш қимматлиги автомобиль транспортининг кайсидир маънода юк ташишда етакчилик қилишига замин яратган.

Республикамызда асосий юк ва йўловчи ташишлар ҳажм жиҳатидан автомобиль транспортига тўғри келаётган экан унинг ривожланишига албатта қандайдир омиллар таъсир этмоқда. Республикамызда транспорт соҳасидаги хизматлар ривожланиш тенденцияси («14.1-жадвалга қаранг»).



Транспорт турлари бўйича юк ва йўловчи ташиш ва юк айланмаси<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар								2020 нисбат т/м
	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	
<b>Транспортда ташилган юклар, млн т</b>	<b>942</b>	<b>1023,4</b>	<b>1095,1</b>	<b>1139,1</b>	<b>1172,5</b>	<b>1256,1</b>	<b>1330,2</b>	<b>1383,9</b>	<b>104,0%</b>
темир йўл	63,7	65,7	67,2	67,6	67,9	68,4	70,1	70,4	100,4%
автомобиль	801,3	868,9	943,3	1002,8	1013,1	1102,2	1177,7	1245,6	105,8%
қувур йўли	65	65,8	60	62,2	65,1	72,4	72	62,8	87,2%
ҳаво йўли, минг т	22	23	24,6	26,5	26,4	13,1	10,4	5,1	49,0%
<b>Транспортда ташилган йўловчилар, млн киши</b>	<b>6989,2</b>	<b>7319,8</b>	<b>7586,0</b>	<b>5560,4</b>	<b>5679,0</b>	<b>5818,0</b>	<b>6109,4</b>	<b>5240,4</b>	<b>85,7</b>
темир йўл	17,4	19,1	20,1	20,5	21,1	22,3	22,9	6,2	27,0
автомобиль	6895,1	7244,4	7511,4	5480,8	5591,3	5719,1	5999,5	5192,9	86,5
ҳаво йўли	2,4	2,3	2,2	2,1	2,2	2,6	3,3	0,9	27,0
электро транспорт (метрополитен)	74,3	54,0	52,3	57,0	64,4	74,0	83,7	40,4	48,3

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Автомобиль транспорти билан 2013 йилда 801,3 млн тонна ҳажмда юк ташилган бўлса, 2020 йилда ташилган юк ҳажми 1 млрд. 245,6 млн тоннани ташкил қилган. 2013–2020 йилларда темир йўл, қувур йўли ҳамда ҳаво йўли орқали юк ташиш ҳажмида катта ўзгариш бўлмаган. Автомобиль транспортида юк ташиш эса 2020 йилда 2013 йилга нисбатан 55,4 фоизга ўсган.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, пандемия даври, яъни 2020 йилда автомобиль транспортида йўловчи ташиш ҳажми олдинги йилларга нисбатан пасайган. Ўрганишлар шунини кўрсатдики, мазкур пасайиш автомобиль транспорти корхоналарида пандемия туфайли белгиланган карантин чоралари оқибатида фаолиятлари вақтинчалик ёки тўлиқ тўхтатилиши ҳисобига содир бўлган.

Транспорт хизмат кўрсатишининг етакчи ўринда эканлиги ушбу транспорт туридан фойдаланиш қулайлиги ҳамда бир мунча арзонлиги мазкур транспорт турининг ривожланишига сабаб бўлади.

<sup>1</sup> Давлат статистика қўмитаси (stat.uz) маълумотлари асосида шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикасида барча транспорт турларининг ривожланиши муҳим аҳамиятга эга. Аммо бутунги кунда ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, юк ва йўловчи ташишда ҳам автомобиль транспорти етакчи ўринни эгалламоқда. Албатта, йўловчи ташишда бутун дунёда автомобиль транспорти етакчилик қилади, аммо юк ташишда дарё транспортининг ўрни бекиёс. Мамлакатамизда эса юк ташиш хизматларида ҳам автомобиль транспорти асосий ўринни эгаллайди.

Хориждаги тадқиқотчи ва олимлар томонидан автомобиль транспортининг ривожланиб кетишига асосий омиллар сифатида киритилган омиллар умумий бўлиб, барча давлатлар учун ҳам тўғри келавермайди.

Республикамизда юк ташиш ҳажмининг асосий қисми автомобиль транспортига тўғри келиш сабаблари қуйидагича:

- автомобиль транспортида юк ташишнинг қулайлиги;
- кичик ҳажмдаги юкларни ташишда ҳам имкониятнинг юқорилиги;
- ҳаво транспортининг қимматлиги;
- ички темир йўлларнинг яхши ривожланмаганлиги;
- дарё транспортдан фойдаланиш имконияти деярли йўқлиги;
- автомобиль транспортини сотиб олишга имкониятнинг мавжудлиги;

Хулоса қилинса, автомобиль транспортининг ривожланишига нафақат транспорт тизимининг ривожланганлиги, балки географик жойлашув ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, автомобиль транспортининг бир қанча афзалликлари ва камчиликлари мавжуд («14.2-жадвалга қаранг»).

#### 14.2-жадвал.

##### Автомобиль транспортининг афзалликлари ва камчиликлари<sup>1</sup>

Афзалликлари	Камчиликлари
Маҳсулотларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб бериш	Маҳсулотларни ташишда умумий вақтнинг кўп сарфланиши
Маҳсулотларни тезкор ташиш, яъни уларни бир жойда тўпланиб қолишини олдини олиш	Ишчи кучини кўп талаб этиши
Маҳсулотларни йўқолиши ва бузилишига йўл қўймаслик	Катта ҳажмдаги юкларни ташиш олмаслиги
Маҳсулотларни тез ва ишончли етказиб бериш	Ёқилги истеъмолининг кўплиги (умумий олганда)

Автомобиль транспортининг республикамиз иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссаси сезиларли даражада бўлиб, ишлаб чиқариш билан истеъмолчиларни боғлашда асосий кўприк вазифасини бажармоқда.

<sup>1</sup> Муаллиф тақлифлари асосида шакллантирилган

Автомобиль транспорти корхоналарининг даромадлилиги, фойда олиб ишлаши уларнинг иш сифатини ошириши билан бирга барча соҳалардаги фаолиятга ўз таъсирини ўтказди. Шу боис автомобиль транспорти корхоналарининг даромад олиб ишлашини таъминлаш, харажатларини оптималлаштириш, бир вақтнинг ўзида сифатли хизмат кўрсатишига эришиш зарур. Бунинг учун эса автомобиль транспортини ҳар томонлама тизимли таҳлил қилган ҳолда фаолиятини ташкил этиш лозим.

Бугунги кунда республикада йўловчилар ташиш хизматлари мустақил даромад ҳисобидан эмас, бюджет томонидан қўллаб-қувватлаш, доимий равишда қандайдир имтиёзлар, молиявий ёрдамлар бериш ҳисобидан таъминланиб келинмоқда. Буни йўловчи ташиш хизмати ўрганишлардан четда қолаётганлигидан ҳам билсак бўлади. Чунки охириги йилларда бирор бир тадқиқот ишида автомобиль транспорти корхоналарининг харажатлари, жумладан хизматлар таннархи билан боғлиқ тадқиқотлар ўтказилмаган. Ваҳоланки, автомобиль транспорти корхоналарининг аксариятида муаммо катталашиб, рентабеллик йилдан йилга пасайиб бормоқда. Шу боис, айнан автомобиль транспорти корхоналарида даромадлар ва харажатлар ҳисобини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирда пойтахтимизда аҳоли ҳам, транспорт воситалари ҳам кўпайиб бормоқда. Охириги 10 йилда шаҳарда автомобиллар сони 250 мингтадан 510 мингтага, яъни 2 баравар ошган.

Шунга мос равишда транспорт инфратузилмаси ҳам ривожлантирилмоқда. Янги йўллар, кўприклар, ерусти метроси қурилмоқда.

Хусусан, жорий йилда Тошкент метрополитенининг “Юнусобод” йўналишида 2 та станция ҳамда ерусти халқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилди. Жамоат транспортда 56 та йўналиш мақбуллаштирилди. Булар натижасида 170 минг аҳолининг транспорт хизмати яхшиланди, уларнинг транспортга кетадиган вақти ўртача 15-20 минутга қисқарди.

Лекин пойтахтимиз кўчаларида юклама кўп, йўл ҳаракатини тартибга солишда камчиликлар етарли. Транспорт воситалари тирбандлиги йилдан-йилга ортиб бораётир.

Шу боис давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрида жамоат транспорти тизими ва инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича топшириқ берган эди. Пойтахтимиз кўчаларидаги муаммолар комплекс ўрганиб чиқилди. Геоинформацион тизим орқали транспорт ва йўловчилар оқими тадқиқ қилинди.

Тошкент шаҳрида 500дан зиёд катта чорраҳалар мавжуд бўлиб, уларнинг 200 тасида транспорт воситаларини тезкор ўтказиш даражаси паст. Автомобиль тўхташ жойлари етишмаслиги сабабли йўлнинг биринчи

қаторида машиналар йиғилиб, қатновга халақит бермоқда. Ҳайдовчилар учун маълумот белгилари ҳам етишмайди. Пиёдалар ва велосипедлар ҳаракати учун қулайлик кам.

Шу каби комплекс таҳлиллар асосида Тошкент шаҳрида йўл инфратузилмаси ва жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш бўйича бош режанинг дастлабки лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Хусусан, пойтахтдаги 24 та йирик чорраҳанинг ҳаракатланиш тартибини оптималлаштириш, бу орқали ўртача тўхташлар сонини 71 фоиз ва вақтини 48 фоиз, тирбандликни 64 фоиз, ёқилғи сарфини 34 фоизга камайтириш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Тошкент шаҳрида жамоат транспортини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари йўловчи ташиниш хизматларидан аҳоли мутлақо норози эканини таъкидлади. Масалан, 79 та йўналишдаги автобуслар интервали тўғиз пайтларда 30 минутгача кечикмоқда. Оқибатда одамлар бошқа транспорт воситаларидан фойдаланишни афзал билмоқда. Бугунги кунда шаҳар жамоат транспортида бор-йўғи 33 фоиз йўловчи юрмоқда. Ривожланган мамлакатлар пойтахтида бу кўрсаткич 60-70 фоизни ташкил этади.

Ҳукумат томонидан мавжуд инфратузилмани яхшилаб, жамоат транспорти ҳаракатининг тезлиги ва аҳоли учун қулайлигини таъминлаш вазифа қилиб қўйилди. Жамоат транспорти тизимида янги бошқарув услубини жорий этиш, метрополитен, автосаройлар ва йўналишли такси корхоналарини бир-бирига боғлаш, ахборот технологиялари асосида уларнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш, бунинг учун метрополитенни бошқариш ҳамда “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамиятининг буюртмачи ва назорат функциялари шаҳар транспорт бошқармасига ўтказилади. Молиялаштириш ҳам бошқарма томонидан амалга оширилиб, транспорт корхоналарига ҳақиқий бажарилган иш ҳажми, босиб ўтилган масофага қараб маблағ ажратилади. Шунингдек, Тошкент шаҳар жамоат транспортини ягона тизим асосида тартибга солиш, молиялаштириш ва табақалашган тарифларни белгилаш бўйича вазифалар қўйилди.

Тирбандлик кузатилаётган кўп қаторли йўлларнинг бир қисмини жамоат транспорти учун ажратиш, марказий кўчаларда паркоматлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Шу билан бирга, пиёдалар ва велосипедлар йўлакчаларини кўпайтириш муҳимлиги қайд этилди.

“Тошшаҳартрансхизмат” жамиятини тўлиқ трансформация қилиш, Транспорт университети фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Жамоат транспорти тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Тошкентдаги тажриба асосида бошқа шаҳарларда ҳам йўл-транспорт тизимини қайта кўриб чиқиб, марказий кўчаларни намунавий тарзда ўзгартириш, хусусан, Самарқандда жамоат транспортини оптималлаштириш, аҳоли ва туристлар учун қулай шароит яратиш вазифаси қўйилди.

### **?** ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Республикамиз транспорти тизимининг ривожланиш истиқболлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Республикамизда хизматлар кўрсатиш соҳасида автомобиль транспортининг қандай аҳамияти бор деб уйлайсиз?
3. Қайси транспорт тизимининг иқтисодиётимизда тўтган ўрни юқори ва нега?
4. Автомобиль транспортининг афзалликларига нималар киради?
5. Темир йўл ва ҳаво йўллари транспортининг камчиликларига нималар киради?
6. Республикамизда юк ташиш ҳажмининг асосий қисми қайси транспортга тўғри келади ва бунинг сабаблари нима деб уйлайсиз?
7. Автомобиль транспортда тариф дейилганда нимани тушунасиз?
8. Амалда тарифларнинг қанақа турларини биласиз?
9. Транспорт корхоналарида самарадорлик кўрсаткичларини қандай таҳлил қилиш мумкин?

### **✓** ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5647-сонли фармони қачон қабул қилинган?

- А) 2019 йил 1 февралда
- Б) 2020 йил 5 февралда
- С) 2018 йил 10 февралда

2. Ривожланган мамлакатларда транспорт ялпи ички маҳсулотнинг неча фоизини ташкил этади ?

- А) 5-7 фоиз
- Б) 6-12 фоиз
- С) 8-10 фоиз

3. Бугунги кунда автомобиль транспорти дунёда йўловчи ташишнинг неча фоизини эгаллаб келмоқда ?

- А) 70 фоиз
- Б) 65 фоиз
- С) 80 фоиз

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги тўғрисидаги низоми қачон қабул қилинган?”

- А) 2019 йил 19 апрелда
- Б) 2019 йил 17 апрелда
- С) 2019 йил 17 апрелда

5. Автомобиль транспорти инфратузилмасини ривожлантириш дастури қайси йилларга мўлжалланган.

- А) 2018-2020 йиллар
- Б) 2016-2020 йиллар
- С) 2018-2021 йиллар

## XV БОБ

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ: ГЛОБАЛ ТЕНДЕНЦИЯЛАР, ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК, ИМКОНИЯТ ВА ХАВФ-ХАТАР

### 15.1. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Глобаллашув либерализациялашган халқаро алмашинув асосида хўжалик ҳаёти интеграциялашув жараёнларининг кучайиши миллий ривожланган иқтисодиётнинг очиклиги ва ўзаро боғлиқлигининг юқори даражадаги янги босқичидир. Бугунги ривожланиш даври ва жараёнлари глобаллашувнинг объектив зарурияти сифатида эътироф этилишини кўрсатмоқда. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг объектив жараёнига айланган глобаллашув ўз аҳамиятига кўра жуда кўплаб хусусиятларни намоён этмоқда:

– турли мамлакатлар хўжалигининг ўзаро алоқалари (савдо, иқтисодий, молиявий, банк, ишлаб чиқариш, капитал, суғурта, технология, энергетика, таълим, инновация, ишчи кучи, туризм, маданий, гуманитар, соғлиқни сақлаш, экология ва бошқа йўналишдаги);

– хорижий инвестициялар жалб қилишнинг фаоллашуви;

– илм-фан ва техника-технологиялар ютуқлари алмашувининг тезлашиши;

– давлатларнинг илмий техникавий тараққиётига кўмаклашуви асосида рақамли иқтисодий тараққиётнинг жадаллашуви;

– кадрлар тайёрлаш ва инсон капитали самарадорлигини ошириш;

– чекланган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ва юқори қўшилган қиймат даражасини ошириш.

Глобаллашувнинг чуқурлашуви ва кенгайиб бориши халқаро ҳамжамиятнинг ўзаро алоқалари ва боғлиқлиги кучайиб боришини, умумжаҳон глобал тизимнинг шаклланишини, амал қилишини ва ривожланишини англагувчи жаҳон иқтисодий глобаллашувини ифода этади. Глобаллашувнинг юзага келиши ва чуқурлашиб бориши мамлакатлар ўртасидаги

ташқи иқтисодий фаолиятнинг тобора ривожланиб бориши билан бевосита боғлиқдир.

Ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишлари мумкин. Бу эса Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Дастлаб 1991 йил 14 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2000 йил 26 майда янги таҳрирда қабул қилинган бўлса-да, бироқ мазкур янги таҳрирдаги Қонун ҳам бутунлай янгича таҳрирда қайта ишлаб чиқилиши жараёнини бошидан кечирмоқда. Бунга эса Ўзбекистоннинг бугунги кунда очиклик даражасининг кучайиб ҳамда халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотлар, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик, хусусан, ташқи иқтисодий фаолият муносабатларининг тобора чуқурлашиб ва у билан боғлиқ халқаро меъёрлар, стандартлар ва тамойилларни миллий иқтисодиётда жорий этишга қаратилган ислохотлар самарадорлиги натижасида мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳа ва йўналишларининг ривожланиб бораётганлиги муҳим омил сифатида таъсир кўрсатмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси хорижий ҳамкорлар билан барча йўналишда амалга ошириб келаётган ташқи иқтисодий фаолияти қуйидаги тамойилларга асосланади:

– ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги;

– ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг тенглиги;

– савдо-иқтисодий муносабатларни амалга оширишда камситишларга йўл қўйилмаслиги;

– ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан ўзаро манфаатдорлик;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни. 2000 йил 26 май, 77-II-сон. 3-модда. // www.lex.uz



– ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши.<sup>1</sup>

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ва унинг резидентларининг ташқи иқтисодий фаолиятларини амалга ошириш, ривожлантириш, тартибга солиш, у билан боғлиқ ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояланиши Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги янги таҳрирдаги 77-II-сонли Қонуни билан таъминланади. Мазкур Қонун 31 моддадан иборат бўлиб, унинг янги таҳрирдаги ишлаб чиқилган лойиҳаси мутахассислар, олимлар ва экспертларнинг кенг муҳокамаси жараёнида ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келган ҳолда бугунги кунда уни қуйидаги асосий йўналишларда амалга ошириб келмоқда:

1. Халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик.
2. Ташқи савдо фаолияти.
3. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш.
4. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти.

Қайд этиш лозимки, мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятини таъминлашда, асосан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектларининг ташқи савдо-иқтисодий соҳадаги саъйи-ҳаракатлари муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятни қуйидаги шаклларда ташкил этиши асосида таъминланмоқда:

1. Жаҳон савдоси.
2. Фирма томонидан капитал экспорти.
3. Миллий иқтисодиётни давлатлараро тартибга солиш шароитида халқаро интеграция жараёнларида фирманинг иштироки.
4. Ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этадиган фирмалар ўртасидаги кредит муносабатлари, уларнинг ташқи савдосига кредитлар берилиши, жаҳон бозори доирасида кредит капиталидан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган халқаро ҳисоб-китоблар.
5. Валюта ва тўлов-ҳисоб-китоб муносабатлари, халқаро ҳисоб-китоблар ҳужжатлари.
6. Трансмиллий корпорациялар ва молия институтлари.
7. Фирмаларнинг илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш кооперациясини лицензиялаш ва патент муносабатлари орқали, алоҳида мақсадли дастурлар шаклида (йирик хусусий корпорациялар ўртасида) амалга оширилиши.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни. 2000 йил 26 май, 77-II-сон. 4-модда. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистонда юридик ва жисмоний шахсларнинг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнидаги ривожланиш имкониятлари юқори бўлиб, улардан самарали фойдаланишга бир қатор ўзига хос омиллар таъсир кўрсатиб келмоқда. Хусусан, жаҳон иқтисодиёти ривожига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатган “COVID-19” коронавирус пандемияси мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги натижаларига ҳам ўз таъсирини кўрсата олди. Бироқ 2020 йилни ижобий иқтисодий ўсиш даражасида яқунлай олган жаҳоннинг санокли давлатлари қаторида Ўзбекистоннинг ҳам мавжуд эканлиги сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган узоқ муддатли стратегияга асосланган ислохотларнинг тўғри йўналишда ва самарали натижаларда давом этаётганлигидан далolat беради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни изчил амалга оширишдаги мақсадли, матонатли, шижоатли, халқни рози қилиш тамойилидаги ижро ёндашуви Ватан, юрт равнақини таъминлаш, унинг халқаро ҳамжамият олдидagi нуфузи ва обрўсини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ва модернизациялашувини таъминлашда ўз самараларини кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг ўтган 30 йиллик истиқлол йиллари даврида амалга оширган ислохотларини таҳлил қилиш натижалари шундай хулосаларни келтириб чиқарадики, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки 25 йили ичида амалга оширилган ривожланиш ислохотлари олдидa сўнгги 5 йил ичидаги амалга оширилган ривожланиш ислохотлари ясаган туб бурилишлар дунёга янги Ўзбекистон номи билан қайта танилаётган очиқ иқтисодиётга эга, ўзарo манфаатли ишончли стратегик ҳамкорликни таклиф этаётган, халқни рози қилишдек энг эзгу ва демократик ривожланишни олдига мақсад қилиб қўйган давлатни кашф этди ва танитди. Бу масаладаги ижобий натижалар эса халқаро ҳамжамият, хусусан, нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий экспертлар, мутахассислар, олимлар ва давлат раҳбарлари томонидан расмий учрашувлар ва нашрларда қилаётган эътирофлари, бераётган хулоса ва баҳоларида ўз аксини топмоқда.

Ўз навбатида, мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, юрт равнақи қўлида бўлган келажак ёш-авлод вакиллари кайфиятидаги, олдига қўйган мақсадларига интилишдаги ишонч ва ўзгаришларнинг ортганлиги ҳам буни яққол тасдиқлаб бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин эгалловчи ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ муносабатлардаги XXI асрга оид кўрсаткичлар мамлакатимизнинг ташқи сав-

до-иқтисодий алоқаларини, халқаро интеграция ва глобаллашувни ривож-лантириш борасидаги эришган муҳим ютуқларини ўзида намоён эта олган. Бунга қуйидаги 15.1-жадвал маълумотлари гувоҳлик беради.

15.1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти  
ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, 2000-2020 йиллар<sup>1</sup>

№	Кўрсаткичлар	2000	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1	ЯИМ, млрд АҚШ доллари	13,76	39,3	66,9	67,4	49,6	50,5	57,1	57,7
2	ЯИМ ўсиши, %	3,8	108,5	108,0	107,8	105,3	105,1	105,6	101,6
3	Миллий валюта курсе 1 АҚШ долларига нисбатан	236,6	1586,5	2809,98	2965,7	5121	8069	8961	10055
4	Ташқи савдо айланмаси, млрд АҚШ доллари	6,21	22,20	24,92	24,23	26,57	33,43	41,75	36,30
5	Ташқи савдонинг ўсиши, %	97,9	104,7	90,5	97,2	109,6	125,8	124,9	86,9
6	Экспорт, млрд АҚШ доллари	3,26	13,02	12,51	12,09	12,55	13,99	17,46	15,13
7	Экспорт улуши, %	52,6	58,7	50,2	49,9	47,3	41,9	41,8	41,7
8	Экспортнинг ўсиши, %	100,9	110,6	92,3	96,7	103,8	111,4	124,8	86,6
9	Импорт, млрд АҚШ доллари	2,95	9,18	12,42	12,14	14,01	19,44	24,29	21,17
10	Импорт улуши, %	47,4	41,3	49,9	50,1	52,7	58,1	58,2	58,3
11	Импортнинг ўсиши, %	94,8	97,2	88,8	97,8	115,4	138,7	125,0	87,2
12	Ташқи савдо сальдоси	0,31	3,84	0,09	-0,05	-1,46	-5,45	-6,83	-5,04
13	Хорижий инвестициялар, млрд АҚШ доллари	0,9	2,8	3,2	3,6	3,3	3,7	9,8	8,6
14	ТГХИлар, млрд АҚШ доллари	0,1	2,5	2,4	2,5	2,5	1,1	4,2	6,6
15	ТГХИларнинг асосий капиталга инвестициялардаги улуши, %	3,4	26,4	18,5	20,7	23,8	24,3	45,7	42,0
16	Ташқи қарз, млрд АҚШ доллари*	4,4	7,7	13,0	14,7	15,8	17,2	24,6	33,8

Изоҳ: \* – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари. // www.mf.uz

15.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси ЯИМ 2020 йилда 2000 йилдагига нисбатан 4,2 маротабага ошган даврда мамлакат ташқи савдо айланмаси 5,85 (2019 йилда – 6,7) марта, экспорт ҳа-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди // www.stat.uz


жми 4,64 (2019 йилда – 5,36) марта, импорт ҳажми 7,12 (2019 йилда – 8,23) марта, хорижий инвестициялар ҳажми 9,56 (2019 йилда – 10,89) марта, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция (ТТХИ)лар ҳажми 66 (2019 йилда – 42) марта, мамлакат ташқи қарзи эса 7,68 (2019 йилда – 5,59) мартага ошганлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида шуни ҳам қайд этиш ўринлики, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги кўрсаткичлари таркибида миллий иқтисодиётга жалб этилаётган ТТХИлар ҳажми энг сезиларли даражада, яъни 66 маротабага ўсишга эришган. Бу эса мамлакатимизнинг иқтисодиётни модернизациялаш, технологик ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган сиёсати натижаси, дея баҳоланади. Қолаверса, уларнинг асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар таркибидаги улушининг ҳам сўнгги йилларда ортиб борганлиги (2019 йилда – 45,7 фоиз, 2020 йилда 42,0 фоиз) ва 2020 йилдаги улушининг 2016 йилдагига нисбатан 2, 2000 йилдагига нисбатан 12,4 хисса юқори бўлганлиги бунинг амалий тасдиғи бўла олади.

Сўнгги йиллардаги бундай юқори ижобий натижаларга эришишда, албатта, мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий-меъёрий асосларнинг такомиллашиб бораётганлиги ва зарурий институционал ўзгаришларнинг амалга оширилаётганлиги ҳамда унга қаратилган иқтисодий асосларнинг шакллантирилиши каби муҳим омиллар ўз самарасини кўрсатмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг институционал асослари қуйидаги 3 муҳим таркибдан иборатлигини кўрсатади (15.1-расм).

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, тартибга солишга доир бевосита ва билвосита алоқадорликка эга бўлган 100 га яқин ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва амалда самарали ижро этилмоқда. Бунинг натижасида мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятини ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий, тузилмавий, институционал, техник талаблар асосида амалга оширишга доир барча шарт-шароитлар яратилди. Айниқса, сўнгги 5 йилда мамлакатимизда ушбу соҳада улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5643-сонли Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ташкил этилди. Мазкур Фармон асосида унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, Вазирлик:



15.1-расм. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг институционал асослари

– ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш, хорижий, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни мувофиқлаштириш, халқаро молия институтлари (бошқарув офислари) ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, ташқи савдо, халқаро иқтисодий ҳамкорлик, республикага ташқи беғараз кўмак (грантлар, техник кўмак, мақсадли беғараз ёрдам) маблағларини жалб қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва мувофиқлаштириш учун масъул ваколатли давлат органи ҳисобланади;

– Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ўрта муддатли инвестиция сиёсати стратегияси ва Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси асосида ҳудудлар ва тармоқларнинг ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштиради;

– мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш доирасида вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда экспортни қўллаб-қувватлаш стратегиясини, шу жумладан, уни рағбатлантирувчи инструментларни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

– халқаро ва хорижий ҳукумат молия институтларининг жалб қилинадиган кредит ресурслари ва техник кўмаклашиш воситалари (грантлари) дан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан марказлашган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

– идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Давлат ветеринария қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги, Соғликни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика марказининг ички ва ташқи бозорлардаги савдо фаолиятига таъсир қилувчи чораларни қўллаш қисми бўйича ҳаракатларини қонунчиликда белгиланган тартибда мувофиқлаштиради.

Шунингдек, Фармон асосида Вазирлик бугунги кунда қуйидаги фаолият йўналишларида ўз вазифаларини амалга ошириб келмоқда:

– ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш, давлат ривожланиш дастурлари ва инвестиция дастурлари, шу жумладан, тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурлари ишлаб чиқилиши ва самарали амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

– хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларини мувофиқлаштириш, халқаро иқтисодий ва молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан икки томонлама ва кўп томонлама форматда ўзаро самарали ҳамкорликни амалга ошириш;

– давлат органлари ва ташкилотларининг, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамда хорижий молия ва иқтисодий институтлардаги дои-

мий вакилларининг, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларида ташқи иқтисодий фаолият масалалари билан шуғулланувчи ходимларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

– давлат органлари ва ташкилотларининг республикага ташқи бегараз кўмак (грантлар, техник кўмак, мақсадли бегараз ёрдам) маблағларини жалб қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, уларнинг мақсадли фойдаланилишини ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш;

– Ўзбекистон Республикасининг инвестициявий ҳамкорлик масалалари борасидаги халқаро шартномаларини тайёрлаш, келишиш ва имзолашда иштирок этиш;

– инвесторлар билан доимий қайта алоқани йўлга қўйиш, инвестицияларни жалб қилишда ҳудудлар ва маҳаллий компанияларга кўмаклашиш, инвестиция таклифларини ишлаб чиқишни ташкиллаштириш;

– ташқи савдо соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимининг самарали ишлашига кўмаклашиш ва таъминлаш, ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

– савдода тариф ва нотариф тартибга солиш чораларини қўллаш ҳамда электрон тижорат тартиб-таомилларини такомиллаштириш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштириш;

– Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини қўллаб-қувватлаш;

– Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва бошқа кўп томонлама иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш;

– улгуржи ва биржа савдоларини тартибга солиш масалаларини мувофиқлаштириш, бозор ҳолатини мониторинг ва таҳлил қилиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва товарлар нархлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш;

– ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан, транзит салоҳияти даражасини ошириш, логистика ва транспорт йўлакларини такомиллаштириш, шунингдек, экспорт маршрутларини диверсификация қилиш масалаларини илгари суриш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгашини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4519-сонли Қарори асосида мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига ва

бошқа муҳим соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, илғор халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда сифатли инвестиция жараёнларини ташкил этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги “Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шерикликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3900-сонли Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши ташкил этилди. Мазкур Кенгаш бугунги кунда қуйидаги вазифаларни амалга ошириб келмоқда:

– илғор жаҳон тажрибаси ва амалиётларига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига мамлакатни инвестициявий, саноат-технологик ва инновацион ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳатлар бериш;

– қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда, маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорларни иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва ҳудудларга рақобатбардош экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналарни ташкил этиш мақсадида сармоя киритишларини рағбатлантиришнинг самарали механизмларини шакллантиришда бевосита иштирок этиш, шунингдек, инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишга ва ўзаро манфаатли савдони ривожлантиришга кўмаклашиш;

– давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий компаниялар, банклар, инвестиция ва бошқа тузилмалар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш;

– инвестицияларни жалб қилиш ва инвесторларнинг, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг фаоллигига тўсқинлик қилувчи асосий омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, республикада қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини сақлаб туришни таъминлашиш;

– давлат органлари, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий компаниялар, банклар, инвестициявий ва бошқа тузилмаларнинг ҳамкорликдаги саъйи-ҳаракатлари билан инвестиция жараёнларига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этишга қаратилган самарали таклифларни ишлаб чиқиш;

– экспортни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришга, савдо инфратузилмасини, электрон тижорат тизимини изчил ривожлантиришга, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун қулай шароитлар яратишга, самарали транспорт йўлаклари, замонавий логистика занжирини шакллантиришга кўмаклашиш;



– маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, маҳаллий маҳсулотларнинг халқаро стандартлар ва техник регламентларга мувофиқлигини таъминлашнинг босқичма-босқич чораларини кўриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш жараёнларига ижобий хорижий тажрибани жорий этиш;

– Ўзбекистон Республикасида инвестициявий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ва тавсиялар тайёрлаш;

– Ўзбекистон Республикасининг халқаро имижини, халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича устувор йўналишларни аниқлаш ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги “Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4069 сонли Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигини ташкил этилди ва “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига экспорт кредитлари ва операцияларини суғурталаш вазифасини юкланди. Ушбу Қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 373-сонли Қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда мазкур Агентлик ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш мақсадида қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириб келмоқда:

– экспортни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишида иштирак этиш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш давлат дастурлари амалга оширилишига кўмаклашиш;

– экспорт қилувчиларни, шу жумладан, чет элда маркетинг, нарх белгилаш, транспорт логистикаси, сертификатлаш, стандартлаштириш ва сифат назорати, солиқ ва божхона маъмуриятчилиги, чет эл бозорларига “ягона дарча” принципи орқали кириш масалалари бўйича ахборот ва маслаҳат билан қўллаб-қувватлаш;

– хорижий харидорни излашга кўмаклашиш ва экспорт контракти тузиш, шу жумладан, уни тайёрлаш босқичигача музокаралар жараёнига кўмаклашиш;

– миллий маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш бўйича вазирликлар, республика идоралари, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ҳамда экспорт қилувчиларга экспортни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, мавжуд имтиёзлар ва преференциялар, ваколатли давлат ҳокимияти органларининг вазифалари ва функциялари ҳақидаги маълумотлар билан танишиш имконини яратиш;

– электрон ташқи савдо платформасини юритиш, маҳаллий экспорт қилувчилар, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлар ҳақидаги маълумотлар базасини юритиш, ишлаб чиқариш ва экспорт фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига етакчи халқаро электрон савдо майдонларига киришда кўмаклашиш;

– маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг сифатли маҳсулотларни ишончли етказиб берувчи эканлигини тасдиқлаш учун ўзбек брендлари ва маҳсулотларини хорижда тарғиб қилиш бўйича “Made in Uzbekistan” дастурини амалга ошириш, шу жумладан, “Made in Uzbekistan” миллий кўرғазмасини, тармоқ ва минтақавий кўрғазмаларни ва товарлар ярмаркаларини ҳар йили ўтказиш, шунингдек, халқаро кўрғазмалар ва тақдимотларда иштирок этиш орқали амалга ошириш;

– экспорт қилувчи ташкилотлар учун ўқув семинарлари ва тренинглар ҳамда хорижий мамлакатлардаги тадбиркорлик субъектлари учун тапқки савдо фаолияти масалалари бўйича бизнес-форумлар ташкил этиш ва ўтказиш;

– экспорт қилувчи ташкилотларга ҳам республикада, ҳам хорижда стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг халқаро тизимларини жорий этишга, хорижий ваколатли органларда миллий маҳсулотларни ҳамда кўрғазма стендларини рўйхатдан ўтказишга, республика ташкилотларининг халқаро кўрғазмалар-ярмаркаларда иштирок этишини, шу жумладан, анъанавий миллий маҳсулотлар ва брендларни потенциал сотиш бозорларига киритишда тақдимотлар ва реклама компаниялари ўтказилишига молиявий кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 мартдаги “Ташқи савдони янада эркинлаштириш ва савдо операцияларининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3624-сонли Қарори ташқи савдони янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг тапқки иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун тенг ва қулай шароитлар яратиш, шунингдек, савдо операцияларини амалга оширишда ортиқча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида қабул қилиниб, унга кўра:

– Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарлар сифати, миқдори ва нархларининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Лойиҳалар

ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКда (Марказда) рўйхатдан ўтган импорт контрактлари шартларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш учун жавобгарлик импорт қилувчининг мансабдор шахслари зиммасига юклатилади;

– давлат божхона хизмати органлари Марказда рўйхатдан ўтган импорт контрактлари доирасида эркин муомалага чиқарилган товарларнинг миқдори ва нархлари ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда Марказга тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгашининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 408-сонли Қарори асосида Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши ташкил этилди. Унинг мамлакат хўжалик субъектларининг ташқи савдо-иқтисодий алоқаларидаги тариф ва нотариф тизимига оид фаолиятини қонуний тартибга солишдаги аҳамияти юқори бўлиб, шунга мувофиқ қуйидаги вазифаларни изчил амалга ошириб келмоқда:

– божхона божлари ставкаларини белгилаш ва ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда нотариф тартибга солиш чора-тадбирларини қўллаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда таклифларни ишлаб чиқиш;

– ички ва ташқи бозорларда юзага келаётган вазиятдан келиб чиқиб тариф ва нотариф тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, божхона тўловлари бўйича амалдаги имтиёзлар тизимига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантиришда иштирок этиш;

– Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатураси ва товарларни таснифлаш коидаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 408-сонли 46-сонли Қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4337-сонли Қарорини бажариш мақсадида қабул қилиниб, унга асосан, “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси” акциядорлик жамияти этиб қайта ташкил этилди ва қуйидагилар унинг вазифалари этиб белгиланди:

– экспортни суғурта билан қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс хизматларни, шу жумладан, харидорнинг кредити, қисқа муддатли дебиторлик

қарзи, етказиб берувчининг кредити, тасдиқланган аккредитив, экспортчининг айланма маблағларини тўлдириш учун берилган кредит, экспорт факторингини ва экспортни суғурта билан қўллаб-қувватлашнинг бошқа инструментларини тақдим этиш;

– хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига киритиладиган тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларнинг комплекс суғурта ҳимоясини таъминлаш;

– Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ бошқа суғурталаш турларини амалга ошириш;

– хорижий мамлакатларнинг экспорт-кредит агентликлари, суғурта ва қайта суғурта компаниялари билан тижорат ва сиёсий хатарларни суғурталаш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш;

– халқаро, хорижий ва маҳаллий суғурта ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда суғурта ва қайта суғурта операцияларини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4332-сонли Қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори қабул қилинди ва унинг асосида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази тўғрисидаги низом мувофиқ тасдиқланди.

Қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, бугунги кунда мазкур Марказ ўз фаолияти соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга ошириб келмоқда:

– инновацион, етакчи технологиялар ва кластер ёндашувини қўллаган ҳолда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар (товарлар) ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун мамлакатнинг рақобат устуворликларини, саноат, инфратузилма, хомашё ва инсон салоҳиятини сафарбар қилишга йўналтирилган янги инвестиция лойиҳаларини аниқлаш ва ишлаб чиқиш;

– сифатли ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳаллий тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда ташқи бозорларга чиқариш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва истиқболли корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

– дастлабки ҳисоб-китоблар ва салоҳиятли инвесторлар учун қизиқиш уйғотадиган бошқа ахборотни ўз ичига олган аниқ лойиҳаларни кўрсатган

ҳолда, ҳар бир ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва инвестицияларга бўлган эҳтиёжлари ҳажмларини акс эттирувчи Ўзбекистон Республикасининг интерфаол инвестиция харитасини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

– инвестиция лойиҳаларини техник қўллаб-қувватлаш, шунингдек, халқаро стандартларга мувофиқ уларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш учун маҳаллий ва хорижий лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари ҳамда инжиниринг ташкилотларини жалб қилган ҳолда зарур лицензия дастурлари ҳамда тизимларининг маълумотлар базасини шакклантириш;

– инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб қилиш агентлигига тақдим этиш, зарурат бўлганда, хорижий инвесторларни жалб қилиш учун дастлабки техник-иқтисодий асослари билан биргаликда таклифлар ҳамда тақдимотларни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 283-сонли Қарори Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини юритиш тизимини янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташқи савдо контрактлари ва инвойслар бўйича маълумотларни ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритиш тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида қабул қилинган ва унга мувофиқ эндиликда республикамизда хўжалик юритувчи субъектлар (белгиланган тартибда ўзини-ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатга олинганлар бундан мустасно) ташқи савдо контрактлари ва инвойслар бўйича маълумотларни электрон шаклда электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритган ҳолда ўз ташқи савдо-иқтисодий алоқаларини амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 169-сонли Қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Давлат қарзи ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг натижадорлигини таъминлаш тўғрисида”ги ПҚ-4883-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган. Мазкур Қарор асосида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш

агентлиги фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар ҳисобланади:

- экспертларни жалб қилган ҳолда лойиҳаолди баҳолаш (шу жумладан, муқобил сценарийлар ишлаб чиқиш);

- давлат ташқи қарзи ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида лойиҳа ташаббускорларига техник топшириқ ва техник-иқтисодий асосларни муқаммал ишлаб чиқишда кўмаклашиш;

- лойиҳани тайёрлаш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида лойиҳа харажатларини бошқариш тизимини жорий қилиш;

- лойиҳанинг мақсадли кўрсаткичлари матрицасини шакллантириш, уларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини жорий этиш;

- инвестиция лойиҳасини амалга оширишда муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

- лойиҳалар доирасида шаффоф ва ҳолис тендер ҳамда бошқа харид жараёнларини ташкил этиш, шу жумладан, харидлар бўйича мустақил эксперт ва профессионал компанияларни жалб қилиш;

- лойиҳаларни амалга ошириш доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва пудратчиларни кенг жалб қилиш мақсадида улар учун тегишли тренинг ва семинарлар ўтказилишини доимий асосда таъминлаб бориш;

- лойиҳаларни бошқариш доирасида рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда илғор халқаро тажрибани қўллаш;

- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини ва техник-иқтисодий асосларда назарда тутилган натижаларга эришилганлигини баҳолаш тизимини жорий этиш, шу жумладан, лойиҳа натижаларини баҳолаш ҳисоботларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

- лойиҳаларни бошқариш гуруҳлари ва лойиҳа ташаббускорларининг тегишли бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги тутган ўрни ва салоҳиятидан келиб чиқиб, қўшни давлатлар билан ташқи савдо-иқтисодий ва бошқа йўналишлардаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида умумий эркин ташқи савдо ҳудудини яратишга қаратилган “Марказий Осиё” халқаро савдо иқтисодий ҳамкорлик марказига 2021 йил 10 апрел куни Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатларини боғловчи чегара ҳудудда (“Ғишткўприк” – “Жібек жолы”) тамал тошининг қўйилиши эса минтақанинг яқин ва узоқ истиқболдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишида янада муҳим аҳамият касб этади. Унга қўшни давлатлар аъзолигининг таъминланиши ва Марказ фаолиятининг ривожланиб бориши минтавий интеграция ва жадал тараққиётни таъминлашда муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятни кундан-кунга ривожлантириш соҳасида янги қадамлар ва янги ютуқларни қўлга киритиб бормоқда, бу эса унинг муносиб ҳуқуқий, институционал, ташкилий-иқтисодий асослари яратилганлиги билан бевосита боғлиқдир.

## **15.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ, УНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МИЛЛИЙ, МИНТАҚАВИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ**

Ҳозирги глобллашув шароитида жаҳон иқтисодиётида “COVID-19” пандемияси туфайли юзага келаётган иқтисодий инқирозлар жаҳон мамлакатларининг хорижий мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий ҳамкорликка ҳамда ташқи савдо-иқтисодий муносабатларига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Жаҳоннинг кўплаб ривожланаётган мамлакатлари ҳам янги халқаро бозорларда иқтисодий салоҳиятини ошириш мақсадида ташқи савдо-иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этмоқдалар, хусусан Ўзбекистон ҳам.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига тобора яқинлашиб бориши, жаҳон ҳўжалигида узоқ ва яқин мамлакатлар билан ҳамкорлик олиб бориш, миллий иқтисодиётимизнинг турли соҳаларига ривожланган мамлакатларнинг хорижий инвесторларини жалб қилиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро майдонда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш иқтисодиётимизнинг турли соҳаларини янада ривожланишига ўз ҳиссасини қўпади.

“Янги Ўзбекистон” яқин 2-3 йиллар ичида жаҳон ҳўжалигига чуқурроқ интеграциялашиш мақсадида халқаро иқтисодий ҳамкорлик соҳаси бир неча йўналишларида ривожлантирилмоқда. Ташқи савдо таркибини такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятида қатнашиш, минтақавий иқтисодий бирлашмалар билан ҳамкорлик қилиш шулар жумласидандир.

“Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат курсини давом эттираемиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтираемиз.

Россия Федерацияси (РФ), Хитой Халқ Республикаси (ХХР), Америка Қўшма Штатлари (АҚШ), Япония, Жанубий Корея, Туркия, Бирлашган

Араб Амирликлари (БАА), Европа Иттифоқи (ЕИ) ва Осиё мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият берамиз”<sup>1</sup>.

### 15.2.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК АСОСЛАРИ

Мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий фаолиятида кўшни минтақалардаги иштирокини фаоллаштириш ва экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик соҳаларини кенгайтириш ва янада ҳамкорликни ривожлантириш – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев бошчилигида ҳукуратимиз томонидан олиб борилаётган изчил ва муҳим ислохотларнинг устувор йўналишларини биридир.

Аввало, иқтисодий ҳамкорликнинг ўзи ва унинг хусусияти нима? Иқтисодий ҳамкорлик – бу мамлакатда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан ҳамкорлик муносабатларига эҳтиёжи, иккинчи томондан эса, икки давлат манфаатларини халқаро иқтисодий алоқаларга яқинлаштиради ҳамда иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг янги босқичга кўтарилишида истиқболли имкониятларни беради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатларнинг ушбу иқтисодий ҳамкорлик даражалари ҳозирги кунда стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон ҳам ўзининг ташқи иқтисодий сиёсатида жаҳон мамлакатлари билан кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга доим ўз ташқи иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қараб келади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги доирасида бошқа суверен давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини олиб борар экан, унинг замирида миллий иқтисодиётни ва мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш масалаларидаги мувофиқлаштириш ишлари илмий-технологий ютуқлар, техник тараққиёт, телекоммуникация, космик алоқа воситалари, зарурий хомашё ва тайёр маҳсулотларни сотиб олиш, шунингдек, жаҳон бозорига чиқиш учун транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш кабиларни алоҳида таъкидлашимиз даркор.

Лекин мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий ҳамкорликлари кенг тармоқли бўлса-да, унинг самарали фойдаси қандай даражада эканлиги мамлакатлараро иқтисодий муносабатларнинг ривожига боғлиқдир. Асосан давлатлараро ўртасида тузилган шартнома-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Кун.уз. 2020 йил 17 январь.



лар ўз фаолиятини яхши олиб борса-да, шу билан бир қаторда муаммолар, асосан ташқи иқтисодий фаолият, хусусан, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқдир. Яъни ташқи иқтисодий алоқаларда импорт улушини камайтириш ва экспорт миқдорларини ривожлантириш ва унинг таркибини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни олиб боришида ҳамкор мамлакатларнинг бир қатор муҳим жиҳатларига ва унинг хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда, жумладан: ҳамкор мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги иқтисодий-географик жойлашуви; унинг табиий-иқлим хусусиятлари; унинг жаҳон хўжалигидаги обрў-нуфузи ва сиёсий жиҳатдан мавқега эгаллиги; жаҳон иқтисодиётидаги иқтисодий салоҳияти; ҳамкор мамлакатнинг минтақадаги мамлакатлар билан қўшничилик муносабатлари; унинг иқтисодий ривожланганлик даражаси ва сармоявий салоҳияти ва бошқа бир қатор омилларга ҳам эътибор қаратади.

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг тараққиётида яқин қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳозирги глобаллашув шароитида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, иқтисодий ҳамкорликда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал хомашё захираларини ўзлаштириш ва уни қозиш, сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, экологияга оид масалаларни ҳамкорликда кўриб чиқиш, хусусан, суғориш ва ичимлик суви муаммоларни ҳал қилиш каби долзарб иқтисодий муаммолар бор.

Самарали иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун ўзаро ишончи мустаҳкамлаш, бунинг учун мулоқотларни фаоллаштириш ҳамда бир мамлакатдан иккинчисига борадиган хорижий сармоянинг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий пойдеворни яратишдан иборатдир. Бу йўлда учраган тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш зарур, албатта. Шундагина иқтисодий ҳамкорликдаги иқтисодий дастур лойиҳаларнинг кўлами янада кенгайди.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз юритар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё + АҚШ” биринчи саммитида Марказий Осиёда умумий бозор ташкил қилиш тўғрисидаги таклиф ҳақида яна бир бор таъкидлаб ўтдилар.<sup>1</sup>

Ушбу гоё бундан 15 йил олдин ҳам, аниқроғи 2004 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)нинг навбатдаги саммитида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов томонидан ҳам таъкидлаб ўтилган эди. Ўшанда бўлиб ўтган

<sup>1</sup> <http://www.uza.uz.business>

саммитда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти шундай деган эдилар: “Марказий Осиё иқтисодий ҳамкорлиги” ташкилотини тузган минтақамиз мамлакатларининг бу мақсадга эришишида Россия ва Хитойдек кудратли давлатлар билан ШХТ доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этади.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, 2019 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) Марказий Осиё мамлакатлари рақобатбардошлиги тўғрисида кенг кўламли тадқиқотлар натижаларини эълон қилди. Тадқиқотда мустақилликнинг дастлабки ўн йилликларида Марказий Осиё иқтисодиётининг шиддатли ўсиши сабаблари, шунингдек, унинг бугунги кундаги оқибатлари – экспорт концентрациясининг ортиши, хомашё товарларига нисбатан нархларнинг ўзгариб туриши олдида ўта заифлик ҳамда меҳнат миграциясининг рағбатлантирилиши ўрганилган. Марказий Осиё мамлакатларида янги мингйиллик бошидан буён ҳайратланарли юксалиш кўзга ташланмоқда. Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг 2000–2018 йиллардаги умумий ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳар йили ўртача 6,5 фоизга ошиб борди.<sup>2</sup>

Ушбу кўрсаткич, ҳатто, 2014–2015 йилларда хомашё товарларига нархлар тушиб кетганда ҳам юқорилаб борди. Ҳисоботдаги маълумотларга кўра, меҳнат унумдорлигининг ўсиши йилига ўртача 5 фоизни ташкил қилган, қашшоқлик эса деярли икки баробарга камайган.

ИХТТ ҳисоботи Марказий Осиё мамлакатлари олдида турган энг долзарб муаммолардан бири – иқтисодий йўлақларни яратиш ва транспорт бўғинларини ривожлантиришга қаратилган. Инфратузилманинг 2016 йилдан 2030 йилгача бўлган давргача сармоявий талаблари 492 млрд АҚШ доллари даражасида баҳоланади ва харажатларни минтақа ЯИМ ҳозирги 4 фоиз даражасидан 6 фоизгача кўпайтиришни назарда тутлади.<sup>3</sup>

Иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларда турли йўналишларда олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакати билан “Иқтисодий ҳамкорлик” дастурлари меморандумини ва битимларини имзолаган. Албатта, замонавий жаҳон ҳўжалигида давлатлараро муносабатларда иқтисодий ҳамкорликнинг ривожлантиришда ва иқтисодий ҳамкорликнинг йўналишларини кенгайтиришда, икки томон ўртасидаги муносабатларни самарали олиб боришда савдо муносабатларини ривожлантириш ва божхона иши соҳасида ҳамкорлик асосий йўналишлардан биридир.

<sup>1</sup> Арифханов Ш. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Т.: 2007.

<sup>2</sup> <http://caa-network.org/archives/12672>

<sup>3</sup> <http://caa-network.org/archives/12672>

Сўнги пайтларда Марказий Осиё минтақасида мамлакатимизнинг қўшни мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигининг тобора ривожланиб бориши – мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликларнинг кенгайиши, халқаро транзит йўлларида фойдаланиш, чегараолди ҳудудларида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш кабилар ўзаро манафаатларни ифодаловчи табиий жараёнларга айланди. Бундай ҳамкорликнинг асосини иқтисодиётнинг оёққа туриши, мамлакатлар иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва бир-бирини тўлдириши, транспорт инфратузилмаси ҳамкорлигининг йўлга қўйилиши, шерикларнинг бир-бирини яхши билиши ва ҳақозоларни ташкил этади.

Шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик натижалари мустақил мамлакатнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувига, унинг ривожланган мамлакат билан яқинлашишида, турли молиявий-иқтисодий инқирозларга қарши иқтисодий дастурларни ишлаб чиқишда, ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан фойдаланишда, ташқи иқтисодий фаолиятни ва ташқи савдони яна ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ҳозирги замонавий жаҳон хўжалигида иқтисодий ҳамкорлик, нафақат долзарб иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, балки фан-техника ва юқори технология, энергетика соҳаларида ҳам интеграция жараёнларини кучайтириш орқали, минтақавий ҳамкорликни кенг кўламли халқаро ҳамкорлик даражасига кўтариш мумкин.

Демак, Ўзбекистон иқтисодиётининг юксак даражада ривожланиши ва унинг тараққиёти натижасида жаҳон хўжалигидан яқин истиқбол йилларда муносиб жой олиши ҳозирги халқаро иқтисодий муносабатларнинг, сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг сифат жиҳатидан янгича тартибда шаклланишига ҳамда иқтисодий ҳамкорликларнинг самарасига боғлиқдир.

### **15.2.2. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНТЕГРАЦИЯВИЙ АЛОҚАЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ТРАНЗИТ КОРИДОРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

Мамлакатимиз ўзаро манфаатлар доирасида иқтисодий ҳамкорликни олиб бориши учун аъзо бўлиши мумкин бўлган деярли барча халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли равишда кирган. Ўзбекистоннинг интеграциявий алоқаларини жадаллаштиришга хизмат қиладиган омиллар ва шароитлар орасидан республика интеграциявий салоҳиятининг қуйидаги аниқ-равшан устунликларини санаб ўтиш мумкин:

- Ўзбекистоннинг Евроосиё қитъасидаги қулай геостратегик жойлашуви;
- ер, минерал-хомашё ва ўсимликларнинг анча катта захираси;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай бўлган тенги йўқ тупрок-иқлим шароитлари;

– муҳим ташқи савдо ва экспорт салоҳияти;

– инсонлар салоҳияти, тез кўпайиб бораётган меҳнат ресурслари, шунингдек, нисбатан арзон (жаҳон миқёсида олиб қараганда) иш кучининг мавжудлиги;

– ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси, биринчи навбатда республикани Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)нинг бошқа минтақалари билан боғлаб турадиган, автомобиль ва темир йўл магистраллари, телекоммуникация тизимининг мавжудлиги;

– республикада чет эл капитални инвестиция қилиш, ўзаро фойдали ташқи иқтисодий ва интеграцион ҳамкорликнинг яхши кафолати бўлган барқарор сиёсат.

Юқорида таъкидлаб ўтилган позициялар бўйича миллий иқтисодиётнинг бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатнинг интеграциявий салоҳиятидан самаралироқ фойдаланиш учун бу иқтисодий салоҳиятнинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш керак бўлади, яъни 35 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистон иқтисодий-географик жиҳатидан ҳам, сиёсий жиҳатидан ҳам Марказий Осиёнинг ўзагини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Очиқ бозор – маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислохотларини жадал ривожлантиради. Содда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш занжирларига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим. Мулоқот ва рақобатга тайёр бўлиш учун тармоқ хабарлари ўз устида тинимсиз ишлаши шарт. Мана, нима учун бизга иқтисодий интеграция керак!

Бизнинг ташқи савдога чиқадиган юқларимизнинг 80 фоизи Қозоғистон, Қирғизистон Республикаси ва Россиянинг транзит йўлаклари орқали ўтади. Шунингдек, тайёр маҳсулотларимиз экспортининг 50 фоизи, айрим товарлар бўйича эса 80 фоизи Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади. Ана шу омилларни инобатга олиб ҳамда Россия ва Қозоғистонга ишлаш учун борган фуқароларимизга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида, бугунги кунда Ўзбекистоннинг ЕвроОсиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар ўрганилмоқда. Биз, албатта, ушбу жиддий масалада, энг аввало, халқимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг хоҳиш-иродасига таянамиз”, – деб таъкидлаган эдилар <sup>1</sup>

Республикада юк ва йўловчиларни мамлакат ичкарасида ва ташқарида ташиш имконияти МДХ, яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан иқти-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Кун.уз. 2020 йил 17 январь.

содий алоқаларни таъминловчи тармоқланган халқаро транспорт тизими шаклланди. Ўзбекистон Қозоғистон билан мустақкам транспорт алоқасига эга бўлиб, мамлакатимизнинг Россия, Хитой, Осиёнинг бошқа давлатлари ва Тинч океани минтақаси автойўлларига чиқишини таъминлайди. Ўзбекистоннинг бевосита иштирокида Трансosiё магистралининг бир қисми ҳисобланган, Жануби-Шарқий Осиёни Ғарбий Европа билан туташтирадиган ва Транссибирь магистралидан 1500 км қисқа бўлган Эрон денгиз портларига туташтирувчи “Тажан – Серахс – Машҳад” янги йўли ишга туширилди. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларига Грузиянинг Потти денгиз порти Европа билан боғланиш имкониятини берувчи Туркменистон ва Транскавказ йўли орқали ўтган транспорт йўлаги ўзлаштирилди.

Ўзбекистон автомобиль йўллари тармоғи ривожланишининг асосий кўрсаткичлари бўйича МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринда туради. Мавжуд автомобиль йўллари республика ҳудуди орқали Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Афғонистон, улар орқали эса Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари йўлларига транзит юк ва йўловчиларнинг узлуксиз ўтишини таъминлайди.

Бизнинг ташқи савдога чиқадиган юкларимизнинг 80 фоизи Қозоғистон, Қирғиз Республикаси ва Россиянинг транзит йўлаклари орқали ўтади. Шунингдек, тайёр маҳсулотларимиз экспортининг 50 фоизи, айрим товарлар бўйича эса 80 фоизи Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади. Ана шу омилларни инобатга олиб ҳамда Россия ва Қозоғистонга ишлаш учун борган фуқароларимизга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида, бугунги кунда Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар ўрганилмоқда.<sup>1</sup>

Ҳозирги кунда Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Транс-афғон транспорт йўлагини барпо этиш борасида дастлабки амалий қадамлар ташланди. Бу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши бутун минтақамизда барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашга беқиёс хизмат қилади. Ушбу масалада Покистон Ўзбекистон ва Афғонистон билан Транс-афғон темир йўл лойиҳаси учун халқаро молия институтларидан 4,8 млрд АҚШ доллар кредит жалб қилиш тўғрисидаги қўшма баёнотни имзолади. Темир йўл алоқаси Афғонистон орқали Покистон ва Ўзбекистонни боғлайди.<sup>2</sup>

Албатта, ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон жаҳон бозорларига чиқишидаги энг қисқа ва энг арзон йўл бўлади ҳамда Ўзбекистон ўз экспорт бозорларини диверсификация қилади, қўшни дав-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://www.president.uz/uz/list/>

<sup>2</sup> <https://www.aa.com.tr/en/asia-pacific/pakistan-signs-letter-on-trilateral-railway-project/2092855>

латлар эса Ўзбекистон маҳсулотлари учун транзит тарифларини пасайтиради. Транс-афгон йўлининг қурилиши, шунингдек, Марказий Осиёдаги транспорт оқимларини диверсификация қилади. Чунки минтақа мамлакатлари жанубий денгизларга чиқиш имконини берувчи иккита йўл бўлади. Бир томондан, Чабахар ва Бандар-Аббос портларига чиқувчи амалдаги коридор, иккинчи томондан – кейинчалик Карачи ва Гвадар портларига чиқиш имкониятини берувчи Мозори – Шариф – Кобул – Пешовар.

Масалан, лойиҳа тўлиқ амалга оширилиши билан Покистондан Ўзбекистонга юкларни ташишга 35 кун эмас, балки 3-5 кун етарли бўлади. Деярли бир ойлик йўл ўрнига, атига бир ҳафатадан кам вақт кетади. Ушбу темир йўл қуриш лойиҳасини молияштириш учун Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон давлат раҳбарлари номидан кўшма мурожаати асосида АҚШ Халқаро тараққиёт молия корпорациясининг ва бошқа халқаро молия институтлари маблағларининг жалб этилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, 2021 йилнинг 21 май куни ЕОИИ онлайн тарзда ўтган олий кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ЕОИИ мамлакатлари ўртасида мунтазам Фуқаролик авиацияси ва темир йўл алоқасини тиклашни таклиф қилди ва жумладан: “Эпидемиологик вазиятнинг барқарорлашгани ҳамда мамлакатларимизда аҳоли эмланаётганини ҳисобга олган ҳолда мунтазам Фуқаролик авиацияси ва темир йўл алоқасини тиклашнинг вақти келди, деб ҳисоблаймиз. Биз Евроосиё Иқтисодий Комиссияси (ЕИК) ва иттифокка аъзо давлатлар билан тўсиқларни бартараф этиш ва савдони тартибга солишнинг тарифсиз чораларини янада яқинлаштириш бўйича фаол ҳамкорлик қилишга тайёрмиз”, – деб таъкидлади.

### 15.2.3. ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИ

2020 йилда рўй берган пандемия туфайли жаҳондаги барча халқаро ташкилотлар бўлиб ўтадиган анъанавий саммитлари “онлайн” шаклда ўтказишига мажбур бўлишди. Ўтказилган “онлайн” саммитларда Ўзбекистон иштирокчи давлатлар орасида ўз ташаббуслари билан энг фаол мамлакатларидан бири бўлди.

2020 йилнинг сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75 йиллик юбилейида ўзбек тилида нутқ сўзлади. У ўз нутқида:

– пандемия даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш;

– Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қабул қилиш;

– БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш;

– 2021 йилда Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Таълим, илм-фан ва маданият масалалари бўйича агентлиги (ЮНЕСКО) билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусида халқаро форумни ўтказиш каби таклиф ва ташаббусларини илгари сурди<sup>1</sup>. Олий минбардан туриб илгари сурган глобал ва минтақавий ташаббусларимиз дунё ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг 2020 йилда МДҲга раислик қилиши тарихий аҳамиятга эга бўлди. 2020 йилнинг 10 ноябрида ўтказилган ШХТнинг 20-Саммити онлайн форматда Россия Федерацияси раислигида ўтказилган бўлиб, барча аъзо мамлакатлар ўз нутқларида асосий урғуни ШХТ доирасидаги сиёсий йўналишларга эътибор беришган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз иштирокидаги нутқида бир қатор ташаббуслар ва ғояларни илгари сурди. Хусусан, иқтисодий соҳада:

- инкирозга ҳамжихатликда қарши кураш;
- озиқ-овқат хавсизлигини таъминлаш;
- sanoat кооперациясини кучайтириш;
- рақамли иқтисодиётга ўтиш кабиларни ўз ичига олди.

Юртбошимиз ўз маърузаларида ШХТ учун янги устувор вазифа – камбағалликка қарши курашишиш; юқумли касалликларга қарши кураш – глобал масала эканлиги; ШХТни янги вазифа ва таҳдидларни ҳал қилишга мослаштириш; хавфсизликка масъул идораларининг мулоқотлари механизларини ишлаб чиқиш; ахборот маконидаги хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги қўшма чора-тадбирларни келишиш; “ШХТ-Афғонистон” мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда 2021 йилнинг апрель ойида Тошкентда “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Хатарлар ва имкониятлар” мавзусида халқаро конференциясини ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

Бундан ташқари, 2021 йил 15 июнда ШХТ ташкил топганига 20 йил ўлиши муносабати билан “ШХТнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимидига роли” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш таклифи берилди. Ушбу халқаро конференцияни Тошкент шаҳрида ўтказилиши таклиф қилинди. Шундай қилиб ШХТ янги тараққиёт босқичига чиқди. ШХТ Саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан билдирилган ташаббус ва таклифларни ШХТ аъзо раҳбарлари билан бирга-

<sup>1</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/23/bmt/>

ликда БМТнинг Бош котиби Антониу Гутерриш ҳам юксак баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

2020 йилнинг 18 декабрида Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев раислигида МДХ давлат раҳбарлари иштирокида онлайн Саммити бўлиб ўтди. Саммитда Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари иштирок этди. Кун тартибига мувофиқ, МДХ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг ҳолати ва устувор йўналишлари кўриб чиқилди, шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича биргаликдаги режалар белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз нутқида Ўзбекистон шу йил МДХга раислик қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифани илк бор ўз зиммасига олганини таъкидлади.

Шунингдек, юртбошимиз томонидан МДХнинг улкан салоҳиятидан фойдаланиш, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, коронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан инқироздан тез фурсатларда чиқишнинг мақбул йўллари топиш учун хизмат қилишига ишонч билдирди. Ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга доир қатор таклифларни илгари сурди.

Ўзбекистон МДХ доирасидаги ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги босқичга изчил ўтиш, шериклик механизмлари ва қабул қилинган ҳужжатлар ижроси самарадорлигини ошириш тарафдоридир. Хусусан, бугунги шароитда мамлакатлар иқтисодиётлари, савдо ва кооперация алоқаларини жадал суръатларда қайта тиклаш устувор вазифа экани таъкидланди. Мавжуд муаммоларга қарамай, Ўзбекистоннинг МДХга аъзо мамлакатлар билан товар айирбошлаши барқарор ўсиб бораётгани кузатилмоқда. Ҳамдўстлик доирасида “яшил” ва соддалаштирилган йўлақлар амалиётини кенг жорий этиш, электрон савдони ривожлантириш бўйича ягона платформани ишга тушириш ва “йўл харитаси”ни қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон раҳбари саноат кооперацияси бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди. Бунда агросаноат, машинасозлик, электротехника, енгил ва озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва бошқа устувор тармоқларда қўшма кластерлар ташкил этиш назарда тутилди. Ушбу дастур ҳамда инновацион лойиҳалар ва илғор технологиялар тақдимотини “МДХ мамлакатлари саноат кооперацияси форуми” доирасида ўтказиш таклиф этилди.

Транспорт йўлақлари рақобатбардошлигини ошириш, техник регламент ва стандартларни уйғунлаштириш, ўзаро келишилган тариф сиёсатини амалга ошириш ва преференцияларни ўзаро тақдим этиш транспорт соҳасидаги муҳим вазифалар сифатида белгиланди. “Ўзбекистон барча



санитария талабларига риоя этган ҳолда ўзаро авиақатновларни имкон қадар тез фурсатда қайта йўлга қўйиш тарафдоридир. Бу ишбилармонлик, гуманитар ва сайёҳлик алмашинувларини тиклашга хизмат қилади”<sup>1</sup>, – дея таъкидлади Президент Шавкат Мирзиёев.

МДХ мамлакатларининг Ҳамдўстлик давлатларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқароларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбари меҳнат мигрантлари ҳужжатларини ўзаро тан олишнинг ягона механизмини яратиш ва бу соҳада алоҳида дастур қабул қилиш вақти келганини қайд этди. Бугунги кунда санитария-эпидемиологик тусдаги фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва уларга барвақт жавоб қайтаришнинг самарали тизимини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан МДХ доирасидаги тегишли келишувни тайёрлаш ишлари тезлаштирилади. Касалликларни профилактика қилиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ҳар йили оммавий спорт ва маданий тадбирларни ташкил этган ҳолда “МДХ саломатлик марафони”ни ўтказиш тақлиф этилди.

МДХ ижодий ва фан зиёлиларининг навбатдаги форуми доирасида Ўзбекистонда “Ҳамдўстлик мамлакатлари маданий мероси” конференциясини ўтказиш гоёси илгари сурилди. Бу анъанавий яқин бўлган гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. МДХ маконидаги хавфсизликка таҳдид солаётган хатарлар тўғрисида сўз юритилар экан, Афғонистонда йўлга қўйилаётган тинчлик жараёнини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим экани қайд этилди. “Ушбу мамлакатнинг тинчлиги бутун Ҳамдўстлик маконида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилidir. Бу, шунингдек, давлатларимизнинг Жанубий Осиё билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш учун янги имкониятлар дегани”, – дея таъкидлади Президент Ш.Мирзиёев<sup>2</sup>.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалигига интеграцияси ўзининг янги босқичига чиққанлигидалили эканини юқоридаги таҳлиллардан кўринади. Ва, энг асосийси, яқин истиқбол йилларда мамлакатимиз Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йилнинг феврал ойида Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бош директори Нгози Оконжо-Ивеалага лавозимига тайинлангани муносабати билан йўллаган табригида, янги бош директор раҳбарлигида ушбу ташкилотнинг ўрни ва нуфузини ошириш борасидаги самарали ислохотлар амалга оширилиши ҳамда глобал инқирозни бартараф этиш ва халқаро савдо муносабатлари тизимини янада ривожлантириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилишига

<sup>1</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4024>

<sup>2</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4024>

ишонч билдириб, Ўзбекистоннинг тез фурсатда ЖСТга аъзо бўлиши масаласида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш муҳим эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

#### **15.2.4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАҲОН ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

Ўзбекистон жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик ва савдо муносабатларини кенг кўламда олиб бормоқда ва ҳамкорлик алоқаларини йил сайин ривожлантириб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: “Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз”, – деб таъкидлаган эди<sup>1</sup>.

2019 йилда иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга кўпайди. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг берган маълумотга кўра, 2019 йил якуни бўйича мамлакатимизнинг ташқи савдоси жами 42,2 млрд АҚШ долларини ташкил қилган ва 2018 йилга нисбатан 8,3 млрд АҚШ долларига ўсган (ўсиш суръати – 26,2 фоиз). Бунда экспортимиз – 17,9 млрд АҚШ доллари, импорт эса 24,3 млрд АҚШ долларини ташкил қилган.

Умумий ташқи савдода асосий ташқи савдо ҳамкоримиз Хитой – 7,6 млрд АҚШ доллари, Россия – 6,6 млрд АҚШ доллари, Қозоғистон – 3,3 млрд доллар, Жанубий Корея – 2,7 млрд АҚШ доллари, Туркия – 2,5 млрд АҚШ доллари ташкил қилган. 2019 йилга келиб Ўзбекистоннинг ташқи савдосидаги энг ҳамкор мамлакати Хитой мамлакати бўлди. Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан бошлаб 2019 йилгача мамлакатимизнинг ташқи савдосидаги энг асосий ҳамкори Россия Федерацияси эди.

Жаҳон мамлакатларига экспортимизнинг асосий маҳсулотларини: автомобиль, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ҳўл мевалар, пахта толаси, олтин, уран, рангли ва қора метал, минерал ўғитлар, мис, алюминий, аҳоли истеъмоли маҳсулотлари, озиқ-овқат, тўқимачилик, ипакчилик ва пояфзал маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар экспорти билан бир қаторда, ишчи кучи, туризм ва бошқа хизматларни ташкил қилган.


Импортимизнинг асосий маҳсулотларига эса нефт хомашёси, аҳоли истеъмоли маҳсулотлари, автомобиллар, самолёт, локомотив ва вагонлар, дори-дармон, электр, илғор замонавий технологиялар ва механик асбоб-ускуналар, пластмасса ва унинг маҳсулотлари, кофе, чой ва қандолат маҳ-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://www.president.uz/uz/list/>

сулотлари, тўқимачилик кийимлари, каучук ва резина маҳсулотлари ва турли хизматлар киради.

Қуйидаги 15.1-диаграммадан кўриш мумкинки, Ўзбекистоннинг умумий ташқи савдо айланмасининг 18,1 фоизи – Хитой; 15,7 фоизи – Россия; 8 фоизи – Қозоғистон; 6,5 фоизи – Жанубий Корея; 6 фоизи – Туркия; 2,3 фоизи – Германия ва 43,4 фоизини бошқа мамлакатлар ташкил қилади.

Ушбу диаграмма Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва савдо вазирлигининг расмий [mift.uz](http://mift.uz) сайтидаги маълумотлар асосида ишлаб чиқилди.



1.2.1-расм. Ўзбекистоннинг 2019 йилдаги умумий ташқи савдода асосий ҳамкор мамлакатларнинг улушлари (фоизда)

Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон ўз ташқи иқтисодий сиёсатида барча мамлакатлар билан уларнинг сиёсий тизими ва мафкуравий қарашларидан қатъий назар, ўзаро тенглик асосида, манфаатли алоқаларни амалга ошириб келмоқда. Мамлакатимизнинг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан, айниқса, Тожикистон ва Қирғизистон мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларимиз маълум бир сиёсий қарашлар таъсирида ривожланмай келаётган эди. Бирок сўнгги йилларда ҳукуватимиз томонидан ташқи иқтисодий сиёсатимизда амалга оширилган туб ўзгаришлар натижасида кўшни мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларимиз ва савдо ҳажми 2-3 баробарга кўпайди.

Қуйидаги 15.3-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибди-ки, Ўзбекистоннинг 2017 йилдаги умумий ташқи савдо айланмасида Марказий Осиё минтақасининг улуши 12,4 фоизни, яъни 3343,1 млн.долларни ташкил қилган бўлса, 2019 йил якунига келиб ушбу кўрсаткич 13,9 фоиз улуш-

ни ва 5853,6 млн.долларни ташкил қилган. Албатта, минтақадаги қўшни мамлакатларимиз билан савдо-иқтисодий алоқаларимиз сўнгги 4 йил ичида йил сайин тобора ривожланиб бормоқда.

Айниқса, қўшни Тожикистон билан савдо-иқтисодий алоқаларимиз охириги йилларда тубдан ўзгарди. Мамлакатимизнинг 2017 йилда Тожикистон билан савдо айланмаси 237,9 млн.долларни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йилга келиб 497 млн долларни ташкил қилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил июнь ойида Тожикистонга амалга оширган расмий ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо айланмасини қарийб 1,0 млрд долларга етказилишидан манфаатдорлигини маълум қилган. Қуйидаги 15.2-жадвал орқали Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан ўзаро савдо айланмасини кўриш мумкин.

15.2.1-жадвал

Ўзбекистоннинг 2017-2019 йиллардаги умумий ташқи савдо айланмаси динамикаси ва унда Марказий Осиё минтақасининг улуши (млн.долл.)

Ташқи савдо айланмаси таркиби	2017 й.		2018 й.		2019 й.	
	млн.долл.	фонздаги улуши	млн.долл.	фонздаги улуши	млн.долл.	фонздаги улуши
Умумий ташқи савдо айланмаси	26 907,2	100,0	33 809,1	100,0	42 177,8	100,0
экспорт	13 893,6	100,0	14 253,9	100,0	17 901,7	100,0
импорт	13 013,6	100,0	19 555,2	100,0	24 276,1	100,0
<i>шундан:</i>						
Марказий Осиё минтақаси	3 343,1	12,4	4 620,3	13,7	5 853,6	13,9
экспорт	2 187,5	15,2	2 521,4	17,7	3 213,1	17,9
импорт	1 235,6	9,5	2 098,9	10,7	2 640,5	10,9
Бошқа мамлакатлар	23 564,1	87,6	29 188,8	86,3	36 324,2	86,1
экспорт	11 786,1	84,8	11 732,5	82,3	14 688,6	82,1
импорт	11 778,0	90,5	17 456,3	89,3	21 635,6	89,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва савдо вазирлигининг расмий сайтидан олиниб жадвал шаклига келтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 2019 йилда 2017 йилга нисбатан салкам 2 баробарга ошган, шунингдек, “Янги Ўзбекистон” шиори остида ҳукуватимизнинг қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни янги bosқичга олиб чиқиш

ҳамда минтақа мамлакатлари ўртасидаги савдо муносабатлардаги мавжуд тўсиқларни бартараф қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари эвазига савдо-иқтисодий муносабатларимиз Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан ҳам тез суръатларда ривожланиб келокда.

“Ўзбекистоннинг 2019 йилда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси динамикаси (млн.долл.)” номли 15.3-жадвалдан кўришиб турибдики, Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида Марказий Осиё минтақасидаги энг асосий ҳамкор мамлакат сифатида Қозоғистонни таъкидлаш жоиз. Минтақа мамлакатлари билан савдо айланмасининг 57,6 фоиз улуши айнан Қозоғистонга тўғри келади. Ундан кейинги улушларда Қирғизистон, Афғонистон, Туркменистон ва Тожикистон мамлакатлари ташкил қилади.

15.2.2-жадвал

Ўзбекистоннинг 2019 йилда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси динамикаси (млн.долл.)

Мамлакатлар номи	2017 й.	2018 й.	2019 й.
<i>Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари (умумий)</i>	<i>3 343,1</i>	<i>4 620,3</i>	<i>5 853,6</i>
экспорт	2 107,5	2 521,4	3 213,1
импорт	1 235,6	2 098,9	2 640,5
<i>шундан:</i>			
<b>Қозоғистон</b>	<b>2 055,8</b>	<b>2 919,6</b>	<b>3 367,7</b>
экспорт	1 057,6	1 352,2	1 429,7
импорт	998,2	1 567,4	1 938
<b>Қирғизистон</b>	<b>253,7</b>	<b>402,8</b>	<b>829</b>
экспорт	178,3	269,7	679
импорт	75,4	133,1	150
<b>Афғонистон</b>	<b>617,8</b>	<b>604,6</b>	<b>618</b>
экспорт	615,6	602,5	615,4
импорт	2,2	2,1	2,9
<b>Туркменистон</b>	<b>177,9</b>	<b>302,8</b>	<b>541,9</b>
экспорт	69,9	59,5	145,1
импорт	108,0	243,3	396,8

Тожикистон	237,9	390,5	497
экспорт	186,1	237,5	344,2
импорт	51,8	153	152,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва савдо вазирлигининг расмий сайтидан олинб жадвал шаклига келтирилди.

2020 йилда пандемия шароитида Ўзбекистон жаҳоннинг 9 мамлакатига иқтисодий беғераз ёрдамларини юборди, жумладан: Афғонистон, Беларусь, Венгрия, Озарбайжон, Тожикистон, Туркия, Хитой, Эрон, Қирғизистон ва ҳоказо. Ўзбекистон Республикаси Хитой, Туркия, Россия, Япония, Жанубий Корея мамлакатлари билан яқиндан иқтисодий ҳамкорликларни олиб бормоқда. Сўнгги 3 йил давомида ушбу мамлакатларга амалга оширилган давлат ташрифлари чоғида имзоланган ўнлаб ҳужжатлар бунга мисол бўла олади.

Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари бизнинг етакчи инвесторларимиз каторидан жой олган бўлиб, жалб қилинган инвесторлар иқтисодий-тимизнинг турли соҳаларида фаолият олиб боришмоқда. Шу билан бирга охириги йилларда Германия, Буюк Британия, Франция, Чехия, Австрия, Венгрия ва бошқа қатор давлатлар билан тўғридан-тўғри икки томонлама алоқалар изчил ва барқарор ривожланмоқда.

Айтиш мумкинки, ЕИ Ўзбекистон учун ҳозирги кундаги энг асосий ҳамкорлардан биридир. ЕИ билан иқтисодий муносабатларни қай тарзда амалга оширилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилайди. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг ЕИ давлатлари билан иқтисодий муносабатларининг чуқурлашуви ўз-ўзидан сиёсий, маданий ҳамкорликни ривожланишига ҳам олиб келади.

Ўзбекистон – ЕИ муносабатларининг истиқбол йиллардаги келажаги кўп жиҳатдан транспорт муаммоларининг ҳал бўлишига боғлиқ. Бу соҳада ЕИ нинг ТРАСЕКА дастури алоҳида эътиборга сазовор.

Ўзбекистон турли даражадаги – глобал ва минтақавий интеграцион жараёнларда қатнашиш билан бир пайтда бир муҳим тамойилга риоя қилади: бир давлат билан яқинлашиш бошқа бир давлат билан узоқлашиш эвазига бўлмаслиги керак. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциясининг таркибий қисми турли давлат ва халқаро ташкилотлар билан кўп тармоқли алоқалардир. Ўзбекистон учун ЕИ билан иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликни кенгайтириш мамлакат учун нафақат иқтисодий афзалликлар, балки шу билан бир қаторда жаҳондаги мавқеини мустаҳкамлаш им-

кониятларини ҳам юзага келтиради. Жаҳоннинг нуфузли интеграцион ғуруҳи билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ўрнатиш Ўзбекистон учун дунёнинг бошқа мамлакат ва ҳудудлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ўрнатиш кафолати бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон учун ЕИга аъзо-мамлакатлар билан алоҳида муносабатлар ўрнатиш ва кенгайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

### **15.3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МИНТАҚАВИЙ ВА ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР БИ- ЛАН ҲАМКОРЛИК ИМКОНИАТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбари тарафидан олиб борилаётган кенг кўламли, оқилона иқтисодий сиёсат туфайли халқимиз фаровонлиги ошиб, бир қатор муҳим халқаро иқтисодий рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланиб бормоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан ўлкамизнинг минтақадаги стратегик аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорлик, шериклик ва хориж мамлакатлари билан ўзаро иқтисодий ҳамда сиёсий алоқалар ҳам ўта эҳтиёткорлик билан, бир сўз билан айтганда, бир оз ёпиқроқ сиёсат олиб борилган. Сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуслари билан олиб борилаётган очиқ сиёсат туфайли халқаро алоқалар янги босқичга кўтарилмоқда.

2015 йилга қадар Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ЯИМнинг 15 фоизидан ошмаган бўлса, сўнгги йилларда бу кўрсаткич қарийб икки баробар ортиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра мамлакатимизнинг ташқи қарзи ЯИМнинг 36,5 фоизга етди. Бу ҳолат бир қатор иқтисодчилар ва мутахассислар тарафидан оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқда ўринсиз танқид этилди. Аммо республикамизнинг Молия вазирлиги тарафидан олиб борилган мамлакат ташқи қарзининг мониторинги ва таҳлиллари шуни кўрсатадики, ташқи қарз ҳажмининг ортиши миллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, аҳоли турмуш тарзини ошириш ва бир қанча стратегик мақсадларни амалга ошириш учун олинганлиги эвазига ижобий, деб қаралади. Ўзбекистон учун ташқи қарзнинг критик чегараси ЯИМнинг 60 фоизидан ортиб кетиши деб қаралади. Шу нуқтаи назардан, бу босқичда иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун йўналтирилаётган маблағлар мамлакатимиз иқтисодиёти учун хавф туғдирмайди.

Ўзбекистон барча хорижий ҳамкорлар, жумладан, минтақадаги қардош ўлкалар ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар билан ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор бўлиб, асосий ташқи сиёсий алоқаларини 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган энг муҳим соҳаларга қаратган.

Ушбу ҳужжатда Ўзбекистон ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини, ўз навбатида, ҳамкорликнинг шартнома-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари барқарор, адолатли ва демократик давлат қуришга, мамлакатнинг ташқи ошкоралигини илгари суришга ҳамда регионал ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Ҳаракатлар стратегиясидаги ушбу йўналиш бўйича амалга оширилган ишлардан энг муҳими Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Германия, Франция, Афғонистон, Қозоғистон, Туркменистон каби дунёнинг нуфузли мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир бир қатор тегишли дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилгани ва қабул қилингани, “йўл хариталари” тасдиқланганлиги ҳисобланади.

Президентимизнинг ҳамда ҳукуматимизнинг олий ва юқори даражалардаги ташрифлари давомида мамлакатнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган ҳамда яқин ва узоқ хорижий давлатлар билан алоқаларни кенгайтиришга қаратилган фаол, очик, прагматик ва ҳар томонлама чуқур ўйланган ташқи сиёсий йўналишни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, янги устувор йўналишлар ва ёндашувлар ташқи сиёсий бошқарма тузилишининг тубдан ислоҳ қилинишини талаб этди. Жумладан, Ташқи ишлар вазирлигида янги бўлинмалар ташкил этилди, бундан ташқари Беларусь ва Ўмонда ваколатхоналар, Россия ва Қозоғистондаги бир қатор шаҳарларда бош консулликлар очилди. Қисқача айтганда, дипломатик фаолиятнинг иқтисодий таркиби кучайтирилди.

Халқаро майдондаги ҳамкорлик илғор дунё мамлакатлари тажрибасини ўрганиш ҳамда хорижий давлатлар билан алоқаларни йўлга қўйиш орқали Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал қилишга ёрдам бериб, бу юртимизда максимал қулай амалий ва инвестицион муҳитни шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Республика ташқи сиёсий стратегияси хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, тўридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳамда илғор технологияларни ишлаб чиқаришга бевосита жалб этиш, шунингдек, маҳаллий экспорт географиясини кенгайтириш соҳасида янги йўналишлар очди.

Бунинг натижасида 2019 йилда мамлакатимизга бевосита хорижий инвестициялар оқими ўсди. Уларнинг ҳажми 4,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этди ва бу кўрсаткич 2018 йилдагига нисбатан 3,7 баравар кўпроқ, демакдир.



2020 йил якунларига кўра, COVID-19 тарқалишини ва кенг оммалашини олдини олиш билан боғлиқ барча мураккабликлар ва чекланишларга қарамай, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар ҳажми 9,8 млрд. АҚШ. доллари, шу жумладан, бевосита хорижий инвестициялар – 4,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этди<sup>1</sup>.

Бунинг сабаби сўнгги 10 йил ичида биринчи марта мамлакатимизнинг Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг кредит хавфи рейтингигаги позицияси яхшиланганлиги бўлди.

Дунёнинг нуфузли молиявий ташкилоти Жаҳон банки ҳар йили ишлаб чиқадиган дунё мамлакатларининг “Бизнес юритиш” рейтингига мамлакатимиз 7 та позицияга кўтарилди. Бизнесни рўйхатдан ўтказиш кўрсаткичи бўйича эса ҳисоб-китоб қилинган 190 та давлат орасида 8-ўринни эгаллаб, энг яхши ислоҳотчи мамлакатлар сафига киритилди.

Буюк Британиянинг жаҳонда обрўли журналларидан бири – “The Economist” 2019 йилда Ўзбекистонни “Йил мамлакати” – 2017 йилдан эътиборан ислоҳотлар энг жадал суръатлар билан амалга оширилаётган давлат сифатида эътироф этди.

Мамлакатимиз нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар билан ўзаро иқтисодий, илмий-таҳлилий алоқаларни изчил ривожлантириб келмоқда. Жумладан, Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг **Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси билан ҳозирда пандемияни енгиб ўтиш борасида ҳамкорликни чуқурлаштирган. Шунингдек, ушбу ташкилот Ўзбекистон иқтисодиёти учун зарур таҳлилий ахборот ва прогнозлар бериб бормоқда.**


Осиё тараққиёт банкининг янги ҳисоботида кўра, иқтисодий ўсиш жорий йилда ва 2022 йилда Ўзбекистонда (COVID-19) пандемиясидан кейин саноат, хизматлар ва инвестициялар қайта тиклангани боис жонланиши кутилмоқда, бироқ айни пайтда узок муддатли пандемия ва ноаниқлик хавфи хануз сақланиб қолмоқда.

ОТБ ўзининг етакчи йиллик иқтисодий нашри “Осиё ривожланиш истиқболлари 2021” (**Asian Development Outlook 2021**)да Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсишини 2021 йилда 4 фоизни ва 2022 йилда 5 фоизни ташкил этишини прогноз қилмоқда.

Ушбу ҳисоботда ҳукуматнинг саноат объектларини модернизация қилиш ва ижтимоий ва шаҳар инфратузиласини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари туфайли инвестициялар иқтисодий ўсишининг асосий ҳаракатлантирувчиси бўлиб қолиши кутилиши ҳамда 2021 ва 2022 йилларда ҳам хорижий инвестициялар ўсиши ўртача 9 фоизни ташкил этиши таъкидланган. Шунингдек, электр энергияси ва табиий газ тарифлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари. // [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

барқарор бўлишини инобатга олган ҳолда инфляция 2021 йилда 10% гача, 2022 йилда 9% гача пасайиши, хусусий истеъмол юқори иш ҳақи ва инфляциянинг секинлашиши натижасида 7 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда<sup>1</sup>.



15.3.1-расм. Ўзбекистоннинг ЯИМ прогнози

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) билан ҳам ўзаро алоқалар ривожланиб бормоқда. **Жорий йилнинг 25 январидан 17 февралигача Халқаро валюта жамғармаси миссияси ХВЖ шартномасининг IV моддасига мувофиқ 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг бир қатор вазирлик ва идоралари билан онлайн шаклда маслаҳатлашувлар ўтказди. Мазкур миссия якуни баёнотига кўра мамлакатимизнинг 2021 йилда ЯИМдаги ўсиши 5 фоиз бўлиши прогноз қилинди. Шунингдек, йиллик инфляция даражаси озиқ-овқат нархлари босими ва давлат секторидаги иш ҳақининг ошиши туфайли 10% дан биров камроқ бўлиши тахмин қилиниши баён қилинди. Баёотда айтилишича, COVID-19 пандемияси Ўзбекистон иқтисодиётига нисбатан қисқа муддатли салбий таъсир кўрсатди ва бунга ҳукумат томонидан ўз вақтида қатъий чоралар кўрилди. Шу туфайли Ўзбекистон 2020 йилда иқтисодий ўсишни намоийш этган санокли давлатлардан бирига айланди<sup>2</sup>.**

Шунингдек, ҳозирги кунда Жаҳон банки (ЖБ) 24 та лойиҳани техник ёрдам ва молиялаштириш орқали мамлакатимизга кўмаклашмоқда. Улар муҳим иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги, соғликни сақлаш, таълим, сув таъминоти ва санитария, энергетика, транс-

<sup>1</sup> Қаралсин: <https://review.uz/oz/post/prognoz-abr-rost-vvp-uzbekistana-sostavit-4-v-2021-g-i-5-v-2022-g>

<sup>2</sup> Қаралсин: <https://review.uz/oz/post/mejdunarodny-valyutny-fond-prognoziruuet-rost-vvp-uzbekistana-na-5>

порт, ижтимоий ҳимоя, шаҳар ва қишлоқ инфратузилмасини модернизация қилиш, шунингдек, COVID-19нинг соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва фуқаролар учун таъсирини камайтириш каби йўналишлардир.

Жорий йилнинг май ойида Молия вазирлигида, Марказий Осиё мамлакатлари бўйлаб биринчи иш сафари доирасида ЖБнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича вице-президенти Анна Бёрде билан бўлиб ўтган учрашув доирасида **“Ўзбекистонда сув таъминоти хизматлари секторини ривожлантириш ва уни институционал қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси бўйича** ЖБ томонидан 239 млн АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит, шунингдек, Швейцария давлат котибиятининг иқтисодий масалалар бўйича 7,8 млн АҚШ доллари миқдоридаги гранти ажратилиши белгилаб қўйилди. “Ўзбекистонда миллий инновацион тизимни модернизация қилиш” лойиҳаси бўйича эса ЖБ томонидан 50 млн АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратилган бўлди.

Жаҳон банки томонидан қўллаб-қувватланган янги лойиҳа ҳукуматга бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга қодир бўлган миллий инновацион тизимни ривожлантиришга ёрдам беради. Бу илмий ва инновацион маҳсулотлар ва хизматларни илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишланмалари ва тижоратлаштириш соҳасида давлат, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси давлат ташқи қарзининг ҳажми 2021 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 21,1 млрд АҚШ доллари ёки ЯИМга nisбатан 36,5 фоизни ташкил этди. Шундан:


◆ Ўзбекистон Республикаси номидан жалб қилинган ташқи қарз – 15,1 млрд АҚШ доллари эквиваленти ёки жами давлат ташқи қарзининг 71,4 фоизи;

◆ Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинган ташқи қарз – 6,0 млрд АҚШ доллари эквиваленти ёки давлат ташқи қарзининг 28,6 фоизи.

Ўзбекистон халқининг фаровон ҳаётини ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун, аввало, инфратузилмани ривожлантириш талаб этилади. Аҳолининг яшаши, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик билан шуғулланиш учун зарур бўлган энергетика, сув таъминоти, транспорт ва коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш учун эса давлат томонидан катта миқдордаги сармоялар талаб этилади. Ички имкониятлар чекланган ҳолатда, давлат ташқи қарзи, асосан инфратузилма, саноат ва қишлоқ хўжалиги лойиҳаларига йўналтириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молиявий институтларидан жалб қилган ташқи қарз портфели ҳажми 10,1 млрд АҚШ долларини таш-

кил этиб, мазкур кредитлар узоқ муддат (30 йилгача) ҳамда имтиёзли фоиз ставкаларида тақдим этилган.



15.3.2-расм. Ўзбекистон Республикасининг давлат ташқи қарзи кредиторлар кесимида<sup>1</sup>

Шунинг билан биргаликда, Молия вазирлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва АҚШ Ғазначилиги билан ҳамкорликда давлат қарз портфелини диверсификациялаш ҳамда валюта хатарларини камайтириш мақсадида ички молиялаштириш манбалардан кенг фойдаланиш, давлат қимматли қоғозлар бозорини фаоллаштириш учун маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш, давлат бюджети тақчиллигини, аввало, давлат қимматли қоғозларини ички молия бозорларида жойлаштириш орқали молиялаштириш соҳасида зарур ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ЖБ ва ХВЖ билан ҳамкорликда 2020–2022 йиллар учун “Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзини бошқариш стратегияси” ишлаб чиқилди. Мазкур стратегия ҳар йили макроиқтисодий параметрларнинг ўзгариши нуқтаи назардан қайта ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси давлат ташқи қарзи ҳолати ва динамикаси шарҳи. <http://mf.uz>

Стратегия доирасида давлат қарзини диверсификациялаш ҳамда валюта хатарларини камайтириш мақсадида Давлат бюджети тақчиллигини, аввало, давлат қимматли қоғозларини ички бозорда жойлаштириш ва суверен халқаро облигацияларни халқаро молия бозорига жойлаштириш орқали қоплашга ҳаракат қилинмоқда.

Хусусан, ички бозорда жойлаштирилган давлат қимматли қоғозлари 2018 йилдаги қарийб 0,6 трлн. сўмдан 2019 йилда 1,6 трлн. сўмгача ошди. 2020 йилда эса 5,0 трлн. сўмга тенг давлат қимматли қоғозлари чиқарилди.

Халқаро молия бозорига жойлаштирилган суверен халқаро облигациялар икки траншда – 10 йиллик муддат билан 555 млн АҚШ долларарида ва 3 йиллик муддат билан илк бора миллий валютаміз – ўзбек сўмида 2 трлн. сўм миқдоридида жойлаштирилди.

#### **15.4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИГА ГЛОБАЛ ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИ ҲАМКОРЛИК АСОСИДА БАРТАРАФ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

Мамлакатимиз мустақилликка эришиши эркин очик бозор иқтисодиётини шакллантириш, ривожлантиш ва такомиллаштириш учун зарурий бўлган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий асосларни барпо этиш йўллари сифатида муносиб тарихий воқеликка айланди. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда ташқи савдо алоқаларининг тобора яхшиланиб бораётганлиги ҳамда барқарор банк тизимининг яратилиши билан халқаро молиявий муносабатлар кўлами янада кенгайиб бораётганлиги, бу ҳолат, ўз навбатида, бир қатор халқаро ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада ривожланишига қулай шарт-шароит яратмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг халқаро молия ташкилотлари билан алоқаларининг ривожланаётганлигини улар томонидан иқтисодиётимизга қатор йирик лойиҳаларга маблағлар амалга ошираётганлигида кўриш мумкин. Бу эса республикаміз иқтисодиётини тараққий эттириш билан бир қаторда мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини янада мустаҳкамланишига замин яратмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси олдида турган муҳим вазифалардан бири халқаро савдо алоқаларини ривожлантириш, экспорт географиясини диверсификациялаш, эркин ва очик иқтисодий ҳамкорлик масалаларини маҳаллий ва халқаро даражада такомиллаштиришдан иборатдир. Жумладан, ЖСТга аъзо бўлиш орқали мамлакатнинг тенг манфаатли ҳамкорлик асосида белгиланган ҳуқуқий нормалар ва умумий қоидаларга амал қилиб фаолият юритиши, улкан ташқи бозорга осон кириб боришини таъмин-

лайди. Бунинг натижасида юқори қийматли технологик маҳсулотларнинг мамлакатга кириб келиши арзонлашади ва бир қанча сарф-харажатлар камаёди. Хусусан, экспорт ва импорт учун божлар, тариф тўловлари ёки квота миқдорлари бекор қилинади.

Маълумки, Ўзбекистон иқтисодиёти узок муддат бир оз ёпиқ иқтисодиёт тажрибасини шакллантирди ҳамда эркин ва очиқ ташқи иқтисодий ва савдо алоқаларидан тийилиб келди. Аммо бугунги сиёсий ислохотлар ва глобаллашувнинг четлаб бўлмайдиган таъсирлари натижасида эркин ҳамкорликдан юқори иқтисодий фойда кўриш имконияти пайдо бўлмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг ЕОИИга аъзо бўлиши ҳам ҳозирги кунда жадал музокараларга сабаб бўлмоқда. Экспертлар фикрига кўра мамлакатимизнинг бу Иттифоқга аъзо бўлиши Ўзбекистон Республикасининг олдида турган бир нечта муҳим глобал муаммоларни ҳал қилиши мумкин. Мисол учун бундай муаммолардан бири бу жаъдал ривожланаётган глобализация жараёни давомида Ўзбекистон миллий маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятларини кенгайтириш ва чет эл мамлакатларидаги бозорларни янада кенгроқ эгаллашдир. Ҳозирги кунда қўшни мамлакатларда, нафақат қишлоқ хўжалиги ёки саноат маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда, балки ишчи кучи миграцияси ва капитал миграцияси ҳам ортишининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Жаҳон глобал ўзгаришлари даврида мамлакатларнинг янги интеграция муносабатларига киришиши бугунги кун талабига айланиб улгурди. Аммо ҳар қандай интеграция муносабатларига киришиш жараёнида, албатта, ҳукумат Ўзбекистон халқининг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиши керак.

Маълумки, миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, валютани ташқи оламга чиқиб кетишини олдини олиш мақсадида давлат томонидан тариф ва нотариф чекловлар бошқа давлатларга нисбатан қўлланилади. Тариф тўсиқларни музокара йўли билан ҳал этиш мумкин бўлади, аммо нотариф тўсиқларни айланиб ўтиш бир қатор қийинчиликлар ва оврагарчиликлар келтириб чиқаради. Мамлакатимизнинг ЕОИИга аъзо бўлиши оқибатида юртимизнинг рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ҳам бир қатор тўсиқлардан озод бўлиб, қарийб бир юз эллик миллион кишилик катта истеъмол бозорига кириб бориш имкониятига эга бўлади.

Савдо-сотик алоқаларини ривожлантириш жараёни, Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги кунда қўшилиши кутилаётган ва давлат томонидан аъзо бўлиш учун ҳаракат қилинаётган ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши имкониятлари ўрганилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссия таркибини

тасдиқлаш тўғрисида”ги 1040-сонли Қарорига асосан мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича ҳам кўп профилли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда ЖСТ 164 та мамлакатни ва жаҳон савдоси умумий ҳажмининг 97-98 фоизини бирлаштириб, давлатлар ўртасидаги глобал савдо қоидаларини тартибига солувчи асосий халқаро орган ҳисобланади. Ўзбекистон ушбу ташкилотга аъзо бўлиш учун 1994 йилда ариза берган, бироқ, музокаралар жараёни амалда тўхтатиб қўйилганди. Охириги тўрт йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишланган йиғилишларда жуда кўп мартаба ЖСТ стандартларига экспорт товарларимизнинг жавоб бермаслиги ҳамда импорт товарларнинг кириб келиш пайти уларни текширувдан ўтказиш қийинчилик туғдираётгани ҳақида гапирилди. Озиқ-овқат маҳсулотларини синаш бўйича ЖСТнинг талабларига мос 775 та стандарт бўлса, мамлакатимизда уларнинг 100 таси жорий қилингани, 100 дан ортиқ лабораториядан атиги 10 таси халқаро даражада аккредитациядан ўтгани танқид қилинди. Бу корхоналаримиз маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятларини қийинлаштириши ҳақида ҳам қайд этилди. ЖСТнинг дунё савдосига тасъирини кўриш учун, авваламбор, унинг тарихига назар солиш лозим.

Халқаро савдонини умумий норма ва қоидалар орқали тартибга солишга бўлган объектив эҳтиёж XX асрнинг 30 йилларида миллий ҳукуматларнинг протекционистик ташқи савдо сиёсати фаолияти туфайли халқаро савдо имкониятларини кескин тўсиб қўйган вақтларда сезила бошлаган эди. Ўша даврда халқаро савдонинг асосини икки томонлама савдо шартномалари ташкил қилган. Ушбу шартномаларнинг камчилиги, улар икки томон ўртасидаги товарлар савдосининг қисқагина рўйхатини қамраб олишдан иборат. Икки томонлама шартномани имзолаш натижалари эса қутилмаган натижаларга олиб келиши мумкин эди. Жумладан, шартномалардан ўз томонидан ҳеч қандай имтиёз бермаган учинчи мамлакат ишлаб чиқарувчилари манфаат кўришарди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг савдо стратегиясининг глобал мувофиқлаштиришни таъминлашга йўналтирилган халқаро савдо ташкилотларини яратиш учун ҳаракатлар бошланди. Халқаро савдо ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг тариф масалаларига бағишланган бўлимини ташкил қилиш бўйича махсус муназаралар Женевада бўлиб ўтди. Натижада 1948 йил 30 июнда тариф ва савдо масалалари бўйича вақтинчалик шартнома – GATT (General of Trade and Tariff) 23 та мамлакат томонидан имзоланди. Шу сабабли 1948 йил 30 июнь GATT ташкил топган кун деб эътироф этилади. 1947 йил 21 ноябрда Гаванада БМТнинг савдо ва бандлик бўйича конференцияси очилди. Бу конференцияда расман 56 та мамлакат иштирок этган бўлиб, улар Халқаро савдо ташкилоти (ХСТ) низомини муҳокама қилишди. 1948 йил 24 мартда эса

ушбу мамлакатларнинг аксарият қисми ХСТ низомини имзолади, аммо, бу ҳужжатнинг миллий қонунчилик органлари томонидан ратификация қилиниши анча қийин кечди. Деярли ҳамма мамлакатлар низомнинг АҚШ конгресси томонидан ратификация қилинишини кутишди. Аммо 1950 йилнинг декабр ойида АҚШ конгресси 3 марта ХСТ низомини қайтаргандан кейин АҚШ президенти аппарати бу ҳужжатни бошқа ратификация қилишга ҳаракат қилмаслигини эълон қилди. Бу ҳолат ХСТ ташкил қилинмаслигига ва ГАТТ келишувининг 1994 йил охирига қадар халқаро савдо тўсиқлари халқаро даражада тартибга солувчи ягона дастаққа айланишига олиб келди. Бир неча раунд музокараларидан сўнг 8 йил давом этган Уругвай раундида Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ)ни тузиш тўғрисидаги келишув қабул қилинди. ЖСТ 1995 йил 1 январдан мустақил халқаро ташкилот сифатида ўз фаолиятини бошлади. 2011 йил декабрига келиб ЖСТ аъзолари сони 157 та бўлиб, 26 та давлат кузатувчи мақомига эга бўлди. Аъзо бўлган мамлакатлар ҳиссасига жаҳон савдо айланмасининг 97 фоизи тўғри келди ва 14,85 трлн. долларга тенг бўлди. Халқаро савдонинг ҳамма иштирокчилари учун ягона қондалар ва жорий қилинган янги меъёрларни назарда тутувчи савдо ташкилотининг ташкил қилиниши халқаро савдо тўсиқларини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этди.

Халқаро савдони эркинлаштириш ва адолатлилигини таъминлаш ЖСТнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

ЖСТ қуйидаги функцияларни бажаради:

- келувларни жорий этиш ва назорат қилиш;
- ўзаро музокараларни олиб бориш учун форумларни ташкил қилиш;
- савдо низоларини ҳал қилиш;
- турли мамлакатларнинг савдо сиёсатини амалга ошириш тўғрисида ахборот бериш;
- глобал иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда мамлакатлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдам бериш.

Шунингдек, ЖСТ ўз фаолиятини қуйидаги тамойиллар асосида олиб боради:

– мумкин қадар қулайлик бериш режими – аъзо мамлакатларнинг ҳар бири бошқа аъзоларга нисбатан савдо шериклари сифатида тенг шароитларни қўллайди. Агар бирор-бир мамлакат ўзга савдо шеригига имконият берса, у ҳолда худди шундай режим ЖСТнинг бошқа аъзо мамлакатларига ҳам қўлланиши шарт;

– камситишсиз савдо – мамлакат савдо шериклари, хорижий товарлар ва хизматлар савдоси соҳасида шахслар ўртасида дискриминация ўтказмаслиги керак;



– савдо тўсиқларини бартараф этиш – музокаралар ўтказиш орқали мавжуд савдо тўсиқларини аста-секин бартараф этиш;

– башорат этиладиган савдо – хорижий инвесторлар, компания ва хукуматлар савдо тўсиқлари асосиз жорий этилмаслигига ишонч ҳосил қилишлари шарт ва бозорни эркинлаштириш мажбуриятлари ЖСТга “боғланади”;

– рақобатбардошликни такомиллаштириш – ЖСТ қоидалари экспортни субсидиялаш ва демпинг каби халқаро савдодаги “адолатсиз” фаолиятларга тўсқинлик қилади;

– ривожланаётган мамлакатлар учун етарли даражада қулай шарт-шароитлар яратиш – ривожланаётган мамлакатларга ўтиш даври ва махсус режимларни тақдим этиш кўзда тутилади.

ЖСТга аъзо бўлиш аъзо мамлакатларга иқтисодий манфаат келтиради. Ташкилотга аъзо бўлишнинг ижобий жиҳатлари қуйидагилар:

– иқтисодий манфаат, энг аввало, ўзаро маҳсулот айрибошлаш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашга шароит яратади;

– мамлакатдаги ижтимоий ва сиёсий вазиятга иқтисодий низолар тинч йўл билан ҳал этилиши эвазига ижобий таъсир қилади;

– аҳоли турмуш даражасини яхшиланишига туртки беради, инсонларга сифатли маҳсулот истеъмол қилиш имконини яратади;

– либерал савдо мамлакат ва алоҳида ватандошларнинг даромадларини оширади;

– меҳнат бандлиги соҳасида ижобий таъсир қилади;

– савдо соҳасидаги ортиқча харажатни камайтиради;

– истеъмолчилар учун танлаш имконини бериб, экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳисобига миллий маҳсулотлар таннархини туширишга хизмат қилади;

– миллий ишлаб чиқариш ҳажминини оширади, бюджетга пул тушумларини кўпайтиради.

Аммо Ўзбекистон иқтисодиётининг ушбу жараёнга тайёр эканлигини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги хулосага келамиз. Биринчидан, 2009–2020 йилларда ЯИМнинг аҳоли жон бошига динамикаси бир текис ривожланмаганлиги, 2017 йилда бу кўрсаткич 1491 АҚШ долларини, 2018 йилда – 1540, 2019 йилда – 1740, 2020 йилда эса – 1700 АҚШ долларини ташкил этганлигидир<sup>1</sup>. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши натижасида Хитой тажрибасида бўлгани сингари ишсизлар сонининг кўпайиб кетишига ҳамда субсидиялар асосида молиялаштириладиган машинасозлик, дехқончилик каби тармоқлар аҳолининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Бу, энг

<sup>1</sup> <https://review.uz/oz/post/uzbekistan-v-ekonomicheskoy-transformacii>; <https://aniq.uz/yangiliklar/2020-yilda-uzbekistonda-yaim-hajmi-aholi-jon-boshiga-1-700-dollardan-tushgan>

аввало, ЯИМнинг аҳоли жон бошидаги улушида намоён бўлади. Иккинчидан, мамлакат йирик тармоқларининг бу жараёнга тайёр эмаслиги, яъни йирик тармоқлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ички бозор нархлари ташқи бозор нархларидан юқори эканлиги ҳисобланади. Бу ҳол йирик тармоқлар рақобатбардошлигининг тушиб кетишига олиб келиши мумкин. Учинчидан, Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотидаги улушининг юқори эмаслигини ҳисобга олганда, нисбий устунлигини ҳам йўқотиш эҳтимолининг мавжудлигидир. Аммо бошқа томондан ўйлаганда, иқтисодийни тараккий эттириш учун бозор механизмларини ривожлантириш, хусусий секторга имконият яратиш, қўшилган қийматли маҳсулотларни экспорт қилиш керак бўлади. Бундай мақсадга эришишда эса мамлакатда тизимли ислохотларни ўтказиш катта рол ўйнайди.

Ташкилотга аъзолик янги маҳсулот ва хизматлар бўйича янги стандарт, қоидаларни шакллантирадиган турли халқаро ташкилот ва битимларда иштирок этишга йўл очади. Юртимизда дунё мамлакатларига экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш шароитининг янада яхшиланишига имкон беради.

Иқтисодийни тараккий топтириш учун бозор механизмларини ривожлантириш, хусусий секторга имконият яратиш, қўшилган қийматли маҳсулотларни экспорт қилиш ва иш ўринларини барпо этиш керак бўлади. Бундай мақсадга эришишда эса мамлакатда тизимли ислохотларни ўтказиш катта рол ўйнайди. ЖСТга аъзо бўлиш ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, экспортни ўстириш ва кенгайтиришда, бозор ислохотларини давом эттириш барқарорлигини таъминлашда ёрдам бериши мумкин. Техник тартибга солиш, божхона маъмуриятчилиги, хизмат соҳасидаги қонунчилик бўйича институционал ислохотлар ишлаб чиқариш, илмий-техник ривожланишнинг дунё микросидаги жараёнига интеграциялашув имкониятини тезлаштиради ва осонлаштиради. Бу ишбилармонлик ва рақобат муҳитининг янада яхшиланишига олиб келади. ЖСТга аъзо бўлиш алоҳида корхоналарга берилган ҳаммага бир хил бўлмаган имтиёз ва тартибларни бекор қилишни, коррупция даражасини камайтиришни англатади. Хусусий сектор ҳаққоний қоидалар бўйича ривожланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг бу ташкилотга аъзо бўлиши протекционистик тўсиқлар натижасидаги юқори нархларнинг тупишига ҳамда мавжуд ресурслардан унумли фойдаланишда, мамлакатда рақобат муҳитининг қучайишида, коррупциянинг пасайишида ҳамда импорт контрабанда товарларининг қонуний йўл билан мамлакатга кириб келишида аҳамият касб этади.

Бу турдаги ривожланиш стратегиялари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” алоҳида бандларида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланишига туртки бўлувчи иккинчи ташкилот – бу ЕОИИдир. Аини пайтда ЕОИИ жойлашган худуд майдони жиҳатидан дунёда биринчи ўринда бўлса, аҳоли сони бўйича 8 ва ЯИМ ҳажми бўйича 10-ўринда қайд этилмоқда. ХВФ маълумотларига таянадиган бўлсак, бу Иттифоқ жаҳон ЯИМнинг 3,63 фоизини яратмоқда. Бу кўрсаткичнинг шаклланишида Россия 85 фоиз ва Қозоғистон 10 фоиздан ортиқ улушга эга. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг жаҳон ЯИМдаги улуши 0,19 фоиз бўлса, Арманистон, Беларус ва Қирғизистоннинг биргаликдаги жаҳон ЯИМдаги улуши 0,18 фоизни ташкил этмоқда.

ЕОИИ иккита китъадаги бешта давлатни бирлаштирган халқаро иқтисодий тузилма. Унинг мақсади мувофиқлаштирилган иқтисодий сиёсат юритиш ва маҳсулотлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучи ҳаракатланиши учун эркин худуд барпо этишдир. Бешта давлат аъзолигидаги бу ташкилотда ҳозирча ягона бўлган Молдова кузатувчи мамлакат сифатида иштирок этмоқда. 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон ҳам ушбу ташкилотнинг расмий кузатувчисига айланди. Қатор давлатлар, хусусан, Вьетнам, Ерон, Сингапур, Сербия ЕОИИ билан эркин савдо зонаси сифатида шерикчилик қилмоқда.

ЕОИИ минтақавий иқтисодий интеграция бўйича халқаро ташкилотдир. У халқаро ҳуқуқий шахс мақомига эга ва ЕОИИ тўғрисидаги Шартнома билан таъсис этилган. ЕОИИ товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракатланишини таъминлайди, Шартнома ва Иттифоқ доирасидаги халқаро шартномаларда белгиланган соҳаларда келишилган, уйғунлаштирилган ва ягона сиёсат олиб боради.

Қирғизистонликлар Россия ва Қозоғистонда вақтинчалик меҳнат фаолиятини Иттифоққа аъзоликдан келиб чиқадиган имтиёзларга таяниб амалга ошириши ҳисобидан муайян фойда кўрмоқда. Бир жиҳатга эътибор қаратилса, Қирғизистон худди Тожикистон каби улкан энергетик потенциалга эга.

Гап шундаки, Тожикистон Иттифоққа аъзо бўлмасдан туриб ҳам, мавжуд энергия потенциалини рўёбга чиқаришда реал натижаларга эришди, аммо Қирғизистон тўғрисида бундай хулосага келиш қийин. Шунини инобатга олиб, Қирғизистон аста-секинлик билан бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишни бошлади. Мисол учун, Туркия билан ўзаро савдони кенгайтириш ҳисобидан ҳозирги 340 миллион доллар ташқи савдо кўрсаткичини 1 миллиард АҚШ долларига етказишни режалаштирмоқда. Аслини олганда, Марказий Осиё давлатлари орасида ЕОИИга аъзоликка

биринчи даъвогар Тожикистон ҳисобланади. Бунга Россия билан ўрнатилган ҳарбий соҳадаги узоқ муддатли ҳамкорлик, кенг қўламли меҳнат миграцияси, афғон омилини асос қилиб кўрсатиш мумкин. Лекин айрим сабабларга кўра, ҳозирга қадар Тожикистон бундай ҳаракатни бошлагани йўқ.

2000 йилларнинг бошида Тожикистон энергетик қувватларни Россия ёрдамида ишга туширган, аммо ҳисоблар кўпроқ Россия фойдасига ҳал бўлган. Шуларни инобатга олиб, қўшни мамлакатлар, жумладан, Тожикистон ва Қирғизистон мамлакатимиз очиқ иқтисодий сиёсат юритишни бошлаганидан самарали фойдаланишни, ўзаро ташқи савдо айланмасини юқори суръатлар билан ривожлантиришни афзал кўрмоқда.

Бундан ташқари, Иттифоққа аъзо мамлакатлар учинчи мамлакатга нисбатан ўзаро келишилган муносабатларни амалга оширишга мажбур. ЕОИИ аъзолари экспорт қилмоқчи бўлган маҳсулотини, биринчи навбатда, Иттифоқ аъзоларига таклиф этишга ёки, аксинча, импорт қилмоқчи бўлса, аввал Иттифоқ аъзоларидан сотиб олишга мажбур. Бошқа аъзо мамлакатлар рад этгандан кейин, учинчи мамлакатга сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо бўлиши учун энг катта омил сифатида хизмат қиладиган нарса бу меҳнат муҳожирлари учун вужудга келадиган муайян енгилликлардир. Гап шундаки, Қирғизистон ва Арманистон фуқаролари Россия Федерациясида меҳнат фаолиятини амалга ошириш пайтида рўйхатдан ўтишдаги сарф-харажатларни тежаш мумкин. Аммо бошқа харажатлар, яъни коммунал, ижара ва тиббий хизмат тўловлари ўзгармаслиги аниқ.

Шундан келиб чиқиб, фақат рўйхатдан ўтишдаги харажатларни тежаш ҳисобидан келиб чиқадиган имтиёзлар Ўзбекистонни ЕОИИга аъзо бўлиб киришига асос бўла олмайди. Россиядаги демографик ҳолат ташқи ишчи кучига бўлган талабни яна ҳам ошишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун мамлакатнинг янги ҳукумати яқин йилларда Ўзбекистон фуқаролари учун тегишли шароит яратиб беришга мажбур бўлади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз МДҲга аъзо мамлакатлар билан эркин савдо зоналари тузиш орқали яхши натижаларга эришмоқда. Ташқи савдо ҳамкорлари ичида Россия иккинчи (2020 йилда – 5,6 миллиард АҚШ доллари ёки 15,4 фоиз – 2-ўрин), Қозоғистон учинчи (3,0 миллиард АҚШ доллари ёки 8,3 фоиз – 3-ўрин) ва Қирғизистон еттинчи ўринни эгаллайди (903,2 миллион АҚШ доллари ёки 2,5 фоиз – 6-ўрин)<sup>1</sup>.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай интеграцион бирлашмага аъзолик қилиш дунё иқтисодиётида барқарорлик ҳукмронлик

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2020 йил январь-декабр. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўймтаси йиллик ҳисоботи. – Т.: 2021. – Б. 230.

қилаётган шароитда самара бериши мумкин. Агар мавжуд ҳолат ёмонлашса, ҳар бир Иттифоқ аъзоси кўрпани ўз томонига тортишни бошлайди. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар ўртасида савдо ва валюта «урушлари» авж олмақда ва бундай шароитда ҳар бир мамлакат мустақил тарзда ўз иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга интилади.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳозирги шароитда биз учун халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг енг қулай йўли, бу МДҲ давлатлари билан еркин савдо зоналари ташкил етишни давом еттириш, иқтисодий-тимизни Халқаро Савдо Ташкилоти тамойилларига мослаштиришни жадаллаштиришдир. Бунинг учун, рақобатбардош мамлакатлар қаторига киришдек олий мақсад йўлида қабул қилинадиган ҳар бир қонун ва қарорлар бир томондан илмий жиҳатдан асосланган, иккинчи томондан, имкон қадар умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиши лозим.

Ҳўш, Ўзбекистон бундай Иттифоққа аъзо бўлиш билан қандай манфаатларга эришади ва қандай имкониятларни қўлдан чиқаради? 2020 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси вақтида Евросиё иқтисодий Иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлик муносабатлари ҳақида тўхталиб ўтди.


Президентимизнинг таъкидлашича, аҳоли даромадларини ошириш, кўшимча иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун Ўзбекистонга янги-янги бозорлар керак, бунинг учун бозор иқтисодиёти ва давр талабларига мос кўплаб қонун ва қарорлар қабул қилинапти ҳам. “Лекин, афсуски, уларни ижро қиладиган кўпгина амалдорлар ҳали ҳам эскича иш услуби, расмиятчилик ва бепарқликдан қутулгани йўқ”, – дейди давлат раҳбари.

Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, жаҳон ишлаб чиқариш занжирларига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига “ҳамоҳанг бўлишимиз лозим”. “Мулоқот ва рақобатга тайёр бўлиш учун тармоқ раҳбарлари ўз устида тинимсиз ишлаши шарт. Мана, нима учун бизга иқтисодий интеграция керак?!” – дея таъкидлайди Президентимиз. шу ўринда Евросиё иқтисодий Иттифоқи билан ҳамкорлик масалаларига тўхталиб ўтди.

Таъкидланишича, Ўзбекистондан ташқи савдога чиқадиган юкларнинг 80 фоизи Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиянинг транзит йўлаклари орқали ўтади. Шунингдек, Ўзбекистон тайёр маҳсулотлари экспорти 50 фоизи, айрим товарлар бўйича эса 80 фоизи Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади.

Ана шу омилларни инобатга олиб ҳамда Россия ва Қозоғистонга ишлаш учун борган фуқароларимизга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида, бугунги кунда Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар ўрганилмоқда.

Ўзбекистонни ЕОИИга тортишга уринишнинг яна бир сабаби шуки, Хитойнинг ҳам икки томонлама, ҳам “Бир макон бир йўл” лойиҳаси доирасида Марказий Осиёда ҳаддан ортиқ инвестицион ва иқтисодий фаоллиги Россияга манфаатларига бир оз зид бўлиши мумкин. Ўзбекистон 2020 йилнинг 1 январидан Хитой фуқароларига (етти кунга) визасиз режим жорий этди. Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон мухтор вилоятида Хитой ҳарбий иштирокининг кучайиши ҳамда Пекиннинг тожик-афғон чегарасида 30-40 тагача пост қуришга розилик бериши Россиянинг Марказий Осиёдаги ҳарбий-сиёсий иштироки вақт ўтиши билан камайиб бораётганини кўрсатади.



15.4.1-расм. 2021 йил январ-апрель ойларида Ўзбекистонни Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо алоқалари (млн. долларда)<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қаралсин: <https://review.uz/oz/post/infografika-torgovlya-uzbekistana-so-stranami-centralnoy-aziy-v-2021-godu>

Давлатимиз рабари 2019 йил июнь ойида Олий Мажлис Сенатининг 20-ялпи йиғилишида Ўзбекистон товар айланмасининг 70 фоизи Россия ва ЕОИИга тўғри келаётганини, мамлакат учун янги бозорлар кераклигини таъкидлади. Албатта, Ўзбекистон учун ўзининг кишлок хўжалиги маҳсулотлари, маҳаллий автомобиллари ва тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортини Россия ва ЕОИИнинг бошқа мамлакатларига ошириши муҳим аҳамиятга эга. Айти пайтда, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг фикрича, ташқи иқтисодий алоқаларда қўшни давлатлар жўғрофий жойлашув борасида устунликка эга.

Бунинг асосий сабаби Ўзбекистоннинг халқаро савдода муҳим аҳамиятга эга бўлган сув портларига чиқиш имконияти йўқлигидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил якунидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганларидек, “Транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш ҳам энг долзарб масаладир. Чунки денгизга чиқиш имкониятимиз чеклангани учун маҳсулотни экспорт қилишда кўплаб қийинчиликлар пайдо бўлмоқда”<sup>1</sup>, – дегандилар. Шунингдек, Ўзбекистон ЕОИИга қўшилгудек бўлса, бу импортнинг ўсишига ва кўплаб ўзбек корхоналарига зарба бўлиши мумкинлигига етарлича ишоралар мавжуд. Шу сабабли, айти пайтда Ўзбекистоннинг ЕОИИга қўшилишидан келиб чиқадиган плюслар ва минусларни экспертлар гуруҳи томонидан ўрганилаётгани бежиз эмас.

Айти пайтда Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни Россия билан боғлаб турадиган муштарак омил – бу меҳнат миграцияси мавжуд. Ўтган йили мигрантлар Қирғизистонга 2,5 миллиард доллар юборди, шунинг 90 фоиздан ортиғи Россиядан келган. Жисмоний шахсларнинг Россиядан Тожикистонга пул ўтказмалари ҳажми эса 2 миллиард 553 миллионга тенг бўлди. Россиядан пул ўтказмалари ҳажми бўйича Марказий Осиё давлатлари орасидаги биринчилик айнан Ўзбекистонга тегишли ва бу кўрсаткичи 4,082 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Қуйидаги жадвалдаги келтирилган тахлилий маълумотлар Ўзбекистоннинг ЕОИИга қўшилишининг бошқа бир қатор ижобий ва салбий жиҳатларини очиб беради.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз олдида турган глобал иқтисодий муаммолар ва хавфлар бугун кундаги дунёнинг жадал глобализация жараёнига кириб боришини инобатга олган ҳолда ўзаро ҳамкорлик орқали ҳал этилиши ижобий ҳол, албатта. Бундай ҳамкорлик минтақавий ёки глобал кўринишда бўлишидан қатъий назар давлатларнинг бир тану бир жон бўлиб, ўз аҳолиси фаровонлиги, юртининг тинчлиги йўлида самарали ҳамкорликда ишлашига эришишга олиб келади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasiy-28-12-2018>

## 15-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР:

1. Бугунги кунда глобаллашув ўз аҳамиятига кўра жуда кўплаб хусусиятларни намоён этмоқда: турли мамлакатлар хўжалигининг ўзаро алоқалари (савдо, иқтисодий, молиявий, банк, ишлаб чиқариш, капитал, суғурта, технология, энергетика, таълим, инновация, ишчи кучи, туризм, маданий, гуманитар, соғлиқни сақлаш, экология ва бошқа йўналишдаги); хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг фаоллашуви; илм-фан ва техника-технологиялар ютуқлари алмашувининг тезлашиши; давлатларнинг илмий техникавий тараққиётига кўмаклашуви асосида рақамли иқтисодий тараққиётнинг жадаллашуви; кадрлар тайёрлаш ва инсон капитали самарадорлигини ошириш; чекланган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ва юқори қўшилган қиймат даражасини ошириш.

2. Мавжуд қонунчилик асосида Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш қуйидаги асосий йўналишларда амалга ошириб келинмоқда: 1. Халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик. 2. Ташқи савдо фаолияти. 3. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш. 4. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти.

3. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мақсадли ва истқболли бўлиб, сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган муҳим ютуқ ва натижаларга эришмоқда. Мамлакатимизда ташқи савдо-иқтисодий фаолият соҳасидаги очиклик, ўзаро манфаатлили ва тенг шериклик асосидаги стратегик ҳамкорлик тамойилида ривожлантирилаётган муносабатлар келгуси ўн йилликда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги стратегияларни амалга ошириш самараси ўлароқ янги Ўзбекистонни ривожланишнинг прогрессив даражасига олиб чиқишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

### Махсус қисқартмалар:

**ЯИМ** – Ялпи ички маҳсулот

**БМТ** – Бирлашган Миллатлар ташкилоти

**ЖБ** – Жаҳон банки

**ХВЖ** – Халқаро валюта жамғармаси

**ЖСТ** – Жаҳон савдо ташкилоти

**ЕИ** – Европа Иттифоқи

**ИҚТТ** – Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти

**МДХ** – Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги

**ШХТ** – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти



- ЕОИИ** – ЕвроОсиё иқтисодий иттифоқи  
**ЕИК** – Евроосиё иқтисодий комиссияси  
**ОТБ** – Осиё тараққиёт банки  
**ЮНЕСКО** – Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Таълим, илм-фан ва маданият масалалари бўйича агентлиги  
**ТТХИ** – Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция

### ? ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг қайси мамлакатлари билан устун даражада иқтисодий ҳамкорликка эга?
2. Пандемия шароитида Ўзбекистон қайси хорижий мамлакатларга беғараз иқтисодий ёрдамларни тақдим қилди?
3. Ўзбекистоннинг ташқи савдодаги энг асосий ҳамкор мамлакатларини айтинг?
4. 2020 йилда бўлиб ўтган ШХТнинг навбатдаги Саммитида юртбошимиз томонидан қандай тақлиф ва ташаббуслар билан чиқдилар?
5. Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо бўлиш имконияти ва истиқболлари бора-сидаги фикрингиз?
6. Мамлакат ташқи қарзи ЯИМнинг неча фоизидан ортиб кетса иқтисодиёт учун таҳликали ҳисобланади?
7. Сўнги йилларда халқаро молиявий ташкилотлар билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик қандай ривожланмоқда?

### V ТЕСТ САВОЛЛАРИ

#### 1. Қуйидаги қаторлардан “ташқи бозор”га берилган таърифни топинг?

- А) ташқи бозор – бу мамлакатлар ўртасидаги олди-сотди, яъни товар-пул муносабатлардан иборат\*
- В) ташқи бозор – бу мамлакат ичидаги товар маҳсулотларининг айирбошланишини қамраб олади
- С) ташқи бозор – бу мамлакатда ишлаб-чиқарилган маҳсулотларнинг мамлакат ичидан ташқарига савдо учун олиб чиқилиши тушунилади
- Д) ташқи бозор – бу мамлакат ташқарисидан товар ва хизматларни харид қилиш бозори

#### 2. Ўзбекистон жаҳон хўжалигида қандай мамлакат деб аталади?

- А) аграр мамлакат  
В) аграр-индустриал мамлакат\*
- С) индустриал мамлакат  
Д) теологиялашган мамлакат

3. Ўзбекистон яқин истиқбол йилларда қуйидаги қайси ташкилотга аъзо бўлишни мақсад қилган?

- A) Осиё тараққиёт банкига
- B) Жаҳон савдо ташкилотига\*
- C) Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий ташкилотига
- D) Туркий давлатларнинг иқтисодий иттифоқига

4. Сўнгги йиллардаги (2019-2021 йй.) Ўзбекистоннинг ташқи савдодаги энг асосий ҳамкор мамлакатини кўрсатинг.

- A) Россия
- B) Хитой\*
- C) Туркия
- D) Қозоғистон

5. Ўзбекистоннинг ташқи савдодаги энг асосий йирик икки ҳамкор мамлакатларни топинг топинг?

- A) Туркия ва Хитой
- B) Хитой ва Қозоғистон
- C) Россия ва Қозоғистон
- D) Хитой ва Россия\*

6. 2021 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон учун халқаро молиявий ташкилотлардан энг катта кредитор қайси?

- A) Осиё тараққиёт банки, 5 млрд АҚШ доллари\*
- B) Жаҳон банки, 37 млрд АҚШ доллари
- C) Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси, 10 млрд АҚШ доллари
- D) Халқаро валюта жамғармаси, 3,5 млрд АҚШ доллари

7. Халқаро валюта жамғармаси мутахассисларининг прогнозларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти 2021 йилда неча фоизга ўсади?

- A) 4 фоизга
- B) 5 фоизга\*
- C) 6 фоизга
- D) 7 фоизга

## XVI БОБ

ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС  
ДАВРИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

## 16.1. ШАРҚИЙ РЕНЕССАНС ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ

Бугунги кунда жамиятимиз олдига қўйилган, ҳар томонлама ривожланган янги Ўзбекистон давлати ва жамиятини барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиндек улкан вазифалар юртимизда юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, жаҳон меҳнат бозори, илм-фан ва технологиялар оламида рақобатдош, замонавий билим ва кўникмаларни чуқур ўзлаштирган, юқори малакали, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар кадрлар тайёрлашнинг умумэтироф этилган халқаро стандартлар асосидаги инновацион тизимини шакллантиришни сифат жиҳатидан янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида тарихда биринчи маротаба: “Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман”, – деб таъкидлагани бежиз эмас. Марказий Осиё минтақаси, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида мавжуд бўлиб келган. Бу ҳақда исломга қадар мавжуд манбаларда ҳам маълумотлар келтирилган. Жумладан, “Авесто”да ҳам маънавий муҳит, илм-фан ва таълим-тарбия хусусида ўз даври учун илгор ғоялар илгари сурилган. Ўзбекистон ҳудудлари тарихан Буюк ипак йўлининг маркази ва унинг турли тармоқлари кесишган нуқтада жойлашган. Шунинг учун Шарқ ва жаҳоннинг турли мамлакатларидан диний ва дунёвий билим олиш истагидаги инсонлар ҳамини Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Насаф (Қарши), Кеш (Шахрисабз), Тошкент, Фарғона каби кўҳна маданият марказларига интилганлар.

“Ренессанс” иборасига таъриф берилса, бўлсак, у француз, италян тилларида, хусусан лотинчада “қайта туғилиш” маъносини беради. Бу ибора Европада рўй берган уйғониш ва қайта уйғониш даври дунё тараққиётига муҳим таъсир кўрсатгани, янгилиниш ва ҳаётбахш мазмунларни ўзида жо этгани учун ҳам кенг қўлланилади.

Япония, АҚШ, Германия, Франция, Жанубий Корея каби давлатларнинг илм-фан ва инновацияларга асосланган иқтисодий тараққиёт моделлари ва юқори натижалари юксак эътироф этилаётганлиги барчага маълум. Буларнинг барчасига 50 йил олдин пухта ўйланган илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган кучли давлат сиёсати орқали эришилган. Хусусан, Ўзбекистон ҳудуди ҳам Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида дунёга маълум ва машҳур бўлганлигини таъкидлаш ўринли.

1909 йилда австриялик атоқли шарқшунос Адам Мецнинг “Мусулмон Ренессанси” номли фундаментал асари чоп этилган. Шундан буён Ренессанс фақат Европага оид ҳодиса эмаслиги, уни Шарқ халқлари европаликларга нисбатан аввалроқ бошдан кечиргани тўғрисидаги қарашлар ва тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. Россиялик буюк шарқшунос академик Н. Н. Конрад Ренессанс VI–VIII асрларда Хитойда бошланиб, VIII асрда Ҳиндистонда давом этгани, ундан сўнг IX–XII асрларда ислом мамлакатлари эстафетани қабул қилгани, мўғул истилоси туфайли анча пасайиб қолган юксалиш Амир Темур ва темурийлар даврида яна қайта гуркираб ўсганини таъкидлайди. У Ўрта Шарқ Уйғониш даврини Алишер Навоий замонасигача чўзади. Жавоҳарлал Неру Бобурни ҳам Ренессанснинг типик вакили, деб баҳолаган эди.

Тарихдан маълумки, ижтимоий тараққиёт ҳар доим ҳам силлиқ бўлмаган, инсоният кўплаб тўсиқларни, инқирозларни, таназзулларни бошдан кечирган. Уларни енгиб, яна моддий ва маданий кадриятларни тиклади ва янги тараққиёт сари интилди. Бу шундай катта, муҳим жонланиш бўлиб, бундай сакрашни «Ренессанс» деб номланган. Ғарбий Европада бундай уйғониш XV–XVIII асрларда, қариб 700 йиллик нодовидикдан сўнг содир бўлди. Марказий Осиёда биринчи уйғониш даври IX – XII асрларга тўғри келади. Унинг кўлами, натижалари ва жаҳон цивилизациясига таъсири жуда катта. Марказий Осиё маданияти жаҳон цивилизацияси ва жаҳон маданияти тарихида муҳим ўрин тутди.

Эраמידан аввалги 3-2 минг йилликларда Қадимги Шарқ ва Марказий Осиё ҳудудларини ўзаро боғловчи ана шундай йўлларнинг дастлабкиси “Ложувард йўли” деб номланган<sup>1</sup>. Ушбу йўлнинг бир тармоғи Европани, иккинчи тармоғи Осиё мамлакатларини боғлаб турган. Катта аҳамиятга эга бўлган қадимий йўллардан яна бири Эрон сулолаларидан бири бўлган Аҳмонийлар билан боғланади. Ушбу йўлнинг бир тармоғи эраמידан аввалги VI–IV асрларда кичик Осиё, шунингдек, Ўрта Ер денгизи бўйидаги Эфес, Сарди шаҳарларини Эроннинг Суза шаҳри билан боғлаган бўлса,

<sup>1</sup> У. Ходжамкулов. Илм-фаннинг ривожланишида буюк ипак йўлининг аҳамияти // Academic research in educational sciences volume 1 | issue 4 | 2020. 725-6.

яна бир тармоғи Эрон, Марказий Осиё, жанубий Қозоғистон худудларидан ўтиб Олтойгача борган. Тарихий манбаларда бу йўл «Шоҳ йўли» деб аталади. Энг қадимги савдо йўлларининг учинчиси ва энг каттаси “Буюк Ипак йўли” деб номланади ва 12 минг км. масофага чўзилган.

Ўз даврида жуда катта ижтимоий, иқтисодий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган Буюк Ипак йўлининг дастлабки тармоғи эрамиздан олдинги II-I асрларда Хитойнинг Сиань шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Марказий Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрта Ер денгизигача чўзилган. Хитойнинг Аноси шаҳрига келиб, Ипак йўли бир неча тармоқларга бўлиниб кетган. Хусусан, бир тармоқ Аноси-Хами-Қошғар орқали Қўқонга, ундан эса Тошкентга ўтган. Бу ердан Жиззах ва Самарқанд орқали Бухорога келган йўл Урганч орқали Гурьевга, у ердан Оқсарой орқали Қора денгиз бўйларига чиққан. Яна бир тармоқ эса Дунхуан орқали Хўтанга, ундан Лохурга ўтиб кетган. Ундан ташқари Бухорога келиб, бу тармоқ иккига бўлинган. Жанубий йўналиш Бухоро-Қарши-Термиз орқали Нишопурга ўтган ва Ҳирот орқали Ҳиндистонга ўтиб кетган. Нишопурдаги тармоқлардан бири Техрон-Қазвин-Ҳамадон-Боғдод-Палмира йўналиши бўйлаб Ўрта Ер денгизи бўйидаги Тир шаҳригача чўзилган. Умуман олганда ипак йўлининг жанубий тармоғи Ўзган орқали Ўшга ўтиб, Қува-Марғилон-Қўқон орқали Хўжанд, Самарқанд, Бухорога ўтган. Шимолий йўналиши эса, Хазар хоқонлиги ва Булғор давлати орқали Киев Руси ва Европа мамлакатларига бориб, бу тармоқ VI асрдан бошлаб ривожлана бошлаган. Ипак йўлининг асосий карвон йўлларида ташқари ички савдо йўллари ҳам мавжуд эди.

Осиё, хусусан, Марказий Осиё мамлакатларининг ривожланиши, бошқа худудлар билан турли соҳалардаги алоқаларининг ривожланиши Буюк Ипак йўли билан бевосита боғлиқ. Хусусан, эрамиздан аввалги II асрдан бошлаб Хитой билан Марказий Осиё мамлакатларининг тарихий-маданий соҳалардаги алоқалари ривожланиб борди. Ушбу йўл орқали Моварауннаҳрга сердаромад ҳисобланган ипакчилик соҳаси кириб келди. Карвон йўли ривожланиб борган сари савдо-сотик ва маданий алоқалар замирида илм-фан ҳам ривожланиб борди. Эрамизнинг бошларида қадимги дунёнинг ривожланган давлатлари асосан тўртта эди: Рим, Парфия, Хитой ва Кушон давлатлари эди. Фарбда Британ оролларида шарқда Тинч океани соҳилларигача чўзилган бу забардаст салтанатлар инсоният тарихида биринчи бўлиб «Буюк Ипак йўли» деб номланувчи йўл билан боғландилар. Ушбу йўл мазкур давлатларнинг ривожланишини янада жадаллаштирди. Подшоҳлар ўртасида стратегик аҳамиятга эга битимларнинг тузилиши замонавий стратегик шериклик алоқаларининг бошланиши эди. Савдо-сотикнинг мисли кўрилмаган даражада ривожланиб бориши натижасида

давлатларнинг иқтисодий қудрати ҳам орта борди. Шу билан бирга Шарқ билан Ғарб маданиятининг ўзаро синтезлашув жараёни ҳам юз берди. Марказий Осиёдаги мамлакатлар ушбу савдо йўлининг марказида жойлашганлиги сабабли савдогарлар бу ҳудуддаги Хоразм, Самарқанд, Бухоро ва Термиз каби шаҳарларда ҳам савдо ишларининг ривожланишига ҳисса қўшди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди бу йўлнинг энг асосий манзилларидан бўлгани сабабли, бу ерга турли мамлакатлардан савдогарлар, хунармандлар, меъморлар ва олимлар ҳам ташриф буюрганлар. Шу тариқа бу шаҳарларда савдо-сотик ишлари билан бирга илм-фан ҳам жадаллик билан ривожлана бошлади. Осиё ва Европа халқлари маданияти, тили ва урф одатларининг кенг ёйилишида Буюк Ипак йўлининг роли катта бўлган. Маданиятлараро мулоқот жараёни кишилар дунёқарашининг кенгайишига, мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёсатида ижобий ислохотларнинг амалга оширилишига, давлатлар ўртасидаги муносабатларда дипломатиянинг ривожланишига хизмат қилди.

Марказий Осиёдаги IX–XII ва XIV–XV асрларнинг уйғониш даврларига турли мамлакатлар олимлари томонидан юқори баҳо берилган. Ҳатто қадимги Бақтрия, Марғиёна, Сўғд, Парфия, Фарғона, Хоразм, Чоч маданияти ҳамон дунёни ҳайратга солмоқда. Марказий Осиёнинг қадимги цивилизациясини ўрганиш XIX асрда бошланган ва ҳозирги кунгача давом этмоқда. Археологлар, маданиятшунослар, санъатшунослар, тарихчилар ва бошқа олимлар Марказий Осиё халқлари маданиятининг ўзига хослиги ва бой мазмунини қайд этадилар. Шу билан бирга, Марказий Осиё маданияти Ғарб ва Шарқ маданияти элементларини уйғун бирлаштиради, бу унга ўзига хос ўзига хослик ва индивидуалликни беради. «Қадимги цивилизациялар» китобида Марказий Осиё маданиятининг иккита хусусияти кўрсатилган: бир томондан, у минтақанинг турли маданиятларининг ўзаро таъсирида ривожланган бўлса, бошқа томондан қадимги жаҳон цивилизациясининг бошқа марказлари билан яқин алоқада бўлган<sup>1</sup>. Қадимги даврлардан бери Марказий Осиё халқлари яхши кўшничилик муносабатларида яшаб келган, иқтисодий ва маданий алоқаларни сақлаб келган. Уруғли водийлар, даштлар, тоғ олди зоналарининг кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси турмуш тарзи ва яшаш шароитидаги фарқ ўзига хос маданиятларнинг шаклланишига олиб келди. Диний эътиқодлар, урф-одатлар ва маросимлар, фольклор, ахлоқ меъёрларининг умумийлиги ва ўхшашлиги маданий жамоанинг шаклланишига олиб келди.

Марказий Осиёнинг умумий маданияти турли субмаданиятлар йиғиндисидан иборат эди: қадимги давлатларнинг субмаданияти (Бақтрия, Сўғд, Хоразм, Фарғона, Марғиёна), дашт кўчманчилари субмаданияти (Сакилар,

<sup>1</sup> Древние цивилизации. — М.: Мысль, 1989.

Массагет), тоғли минтақалар ва тоғ олди текисликларининг қабилалари, ўтроқ аҳолининг субмаданияти. Марказий Осиё маданиятининг яна бир хусусияти шундаки, минтақа қулай географик мавқега эга. Месопотамия, Ҳиндистон ва Хитой сингари Шарқнинг учта буюк цивилизацияси билан чегарадош, шунингдек, энг қадимги Ғарб цивилизациялари – Юнонистон ва Рим билан алоқалари бўлган. Ушбу сабабларга кўра, у Ғарб ва Шарқ ўртасида воситачи ролини ўйнаган, халқаро савдо ва маданий алмашинувда (билимлар, диний ғоялар, кашфиётлар, асарларнинг алмашинуви санъат ва бошқалар) эса янада кўприк ролни ўйнаган. Хусусан, Марказий Осиё худуди орқали буддизм бутун дунёга тарқалди ва эллинизм маданият элементлари Ҳиндистон ва Хитойда пайдо бўлди. Марказий Осиё маданиятининг буюк воситачилик вазифаси маданий кадриятларнинг янгилашишига, бошқа маданиятларнинг элементларини ўзлаштиришга олиб келди, гарчи бу ерда урф-одатлар мустаҳкам ўрин эгаллаган бўлса ҳам. VIII асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёни босиб олган араблар минтақани Мовароуннахр (дарёнинг нариги томони) деб аташган. Тарихий манбаларда таъкидланганидек, араблар кўп асрлар давомида маҳаллий аҳоли томонидан яратилган бебаҳо моддий ва маънавий бойликларни талон-тарош қилдилар, кўплаб тарихий ёдгорликларни йўқ қилдилар, маҳаллий ҳарфлар билан ёзилган китоблар ва қўлёзмаларни ёқдилар. Буддист ва зардуштий ибодатхоналари ва муқаддас жойлар ер билан яқсон қилинди. Беруний «Ўтмиш авлодлари ёдгорликлари» асарида ёзганидек, араблар руҳонийларнинг, санъатнинг, адабиётнинг маҳаллий вакилларини, олимларини ўлдирдилар, уларнинг асарларини ёқдилар. Кейин улар тарихий ҳужжатларни йўқ қилдилар. Мусулмон динига зид бўлган ҳамма нарса улар томонидан йўқ қилинди.

Бунинг ўрнига улар масжид ва мадрасалар, хонақоҳ, мақбаралар барпо этишди ва аҳоли орасида ислом динини тарқатишди. Мусулмон Уйғониш даврида илм-фан ва санъат ривожига ҳомийлик қилган Аббосийлар сулоласининг ҳукмдорлари алоҳида ўрин тутишган. Хорун-ар-Рашид (786–809), сўнгра унинг ўғли Маъмун халифалик пойтахти Боғдодда Бағдод академияси – «Байтул-ҳикма» ташкил этди. VIII аср охири – XIX аср бошларида Марказий Осиёда ижтимоий ва сиёсий вазият бироз барқарорлашди. Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз, Фарғона, Хўжанд, Қўқон каби шаҳарлар маданият марказига айланди. Хоразмда Маъмун академиясида даврнинг буюк олимлари илм-фан ва санъат ривожига ҳисса қўшдилар.

Савдо ва маданиятнинг ривожланишида Буюк Ипак йўли ва Исломнинг тарқалиши алоҳида роль ўйнади. IX–XII асрларда мусулмон Уйғониш даврида Марказий Осиёда табиий, фалсафий, ахлоқий ва диний фанлар ривожланди. Уйғониш даврида миллий маданият ривожига эътибор

давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақилликка эришган Сомонийлар сулоласи, айниқса, уларнинг биринчи ҳукмдорлари, агар миллий маданий қадриятлар мустаҳкамланмаган бўлса, унда тўлиқ давлат мустақиллигига эришиш мумкин эмаслигини англадилар. Сомонийлар араб тилида бадиий ижод қилишни тақиқламасдан, ўз асарларини оддий халққа тушунарли тилда ёзадиган муаллифларни қўллаб-қувватладилар. Сомонийлар машҳур Шероз кутубхонасига тенг катта кутубхонага асос солган.

Буюк олим Абу Али ибн Синонинг хотираларида ёзилишича, кутубхона кўп хонали бўлиб, хоналарнинг бирида арабча китоблар, бошқаларида илоҳиётга оид китоблар сақланган. Шу тартибда хоналарнинг ҳар бирида маълум бир фан соҳасига оид китоблар тўпланди. Уйғониш даври маданиятининг буюк вакиллари ўз ишларида ва изланишларида бевосита қадимий маданий меросга таянганлар. Марказий Осиё халқлари қадимги юнонлар, римликлар, месопотамияликлар, ҳиндулар ва хитойларнинг маданияти билан таниш эдилар, олимлар бир нечта тилларни яхши билишар эди. Кўплаб маданий ёдгорликларни вайрон қилган араблар истилосига қарамай, қадимий бой маданият ўз изини қолдирди. Агар Ислом маълум даражада бутун маданиятга, тилга, урф-одат ва маросимларга, урф-одатларга таъсир қилган бўлса, демак, маданиятнинг моҳияти ўзгармаган. Бу халқнинг меҳр-оқибат, муҳаббат ва раҳм-шафқат, хайрихоҳлик, саховатпешалик, хулмуомала табиат, бағрикенглик, билимга интилиш, бошқа халқларга ҳурмат каби фазилатларида намоён бўлди. Марказий Осиё олимлари бошқа халқларни Ҳиндистон, Хитой, Греция маданияти билан таништирдилар.

Машҳур математик ал-Хоразмий ҳиндларнинг ҳисоблаш тизимини янада юқори даражага кўтарган, ал-Фаробий юнон олими Аристотелнинг фалсафий таълимотини янада ривожлантирган, Абу Али ибн Сино Гиппократ тиббиётини бойитган, имом ал-Бухорий пайғамбар Муҳаммад соллаллоху алайҳи вассаламнинг ислом таълимотларини асослаган, таълимотнинг кенг ёйилишига сабаб бўлган.

IX–XII асрларда Марказий Осиёда маданий ривожланишнинг кўтарилиши ҳақида гапирганда, бу минтақа бутун дунёга маълум бўлган «Мусулмон Уйғониш даври», «Араб маданияти» деб номланган маданият билан машҳурдир.

Ўрта аср тарихчилари ва саёҳатчилари бу даврда Марказий Осиёда иқтисодиёт ва савдо ривожланганлиги, шаҳарлар бунёд этилгани, фан ва маданият ривожланганлиги ҳақида маълумот қолдирдилар. Монументал меъморчилик, тасвирий санъат, расм, мусиқа ривожланди, йирик кутубхоналар ишлади.

IX–XII асрларда Мовароуннаҳр (икки дарё оралиғи) бутун мусулмон оламида илм-маърифат энг ривож топган ўлка сифатида танилди. Бу ҳу-



дудда маҳаллий анъаналар билан биргаликда араб, форс, қисман хинд, хитой ва юнон илмий-маданий анъаналарининг қоришуви кузатилди. Исломиий, фалсафий ва табиий илмлар: астрономия, математика, тиббиёт, кимё, жуғрофия, минерология, доришунослик каби фанлар ривож топди. Биринчи Ренессанс даври мутафаккирларининг ўзига хос жиҳати – улар қомусий билим соҳиблари эканлиги билан изоҳланади. Чунки бу даврда фанлар бир-биридан ажралмаган ҳолда узвий алоқадорлик ва яхлитликда ўрганилган. Масалан, Абу Райҳон Беруний астрономия, астрология, математика, геодезия, геология, минерология, география, арифметика, тиббиёт, фармакология, тарих, филология каби фан соҳаларига тегишли 160 дан ортиқ асарлар яратган. Шунингдек, санскрит тилидан араб тилига ва араб тилидан санскрит тилига таржималар қилди, бадиий ижод билан шуғулланиб шеърлар ёзган. У Ҳиндистонга сафари натижасида “Ҳиндистон” номли йирик асар ёзди. Академик В.Р.Розен бу асар ҳақида: “Шарқ ва Ғарбнинг қадимги ва ўрта асрдаги бутун илмий адабиёти орасида бунга тенг келадиган асар йўқ”, – деган фикрни билдиради. Буюк Ипак йўли орқали халқларнинг маданий ва маърифий алоқалари натижасида юнон, хинд ва хитой фалсафаси Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан ўрганила бошланди. Беруний, Форобий каби олимлар юнон, араб, хинд илми ва уларнинг вакиллари Аристотель, Платон, Птолемей, Евклид, Баттоний, Розий, Абу Таммам, ибн Кайсум кабиларнинг асарларига шарҳлар ёзди. XI асрлардан бошлаб Марказий Осиёда диний, илмий ва фалсафий таълимот сифатида тасаввуф кенг тарқала бошлади. Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Нақшбандий, Нажмиддин Кубро кабилар тасаввуф илмини чуқур ўрганишлари натижасида “Яссавия”, “Ҳожагон”, “Нақшбандия”, “Кубровия” каби тасаввуфнинг янги тариқатларига асос солдилар. Шарқий Ренессанс мавзуйига ҳозирги кунда ҳам кўпгина тадқиқотчилар изланишлар, илмий ишлар олиб бормоқдалар.

## 16.2. ИККИНЧИ ШАРҚИЙ РЕНЕССАНС

Улкан қудратли давлатни яратиб, Амир Темур маънавий маданиятнинг гуллаб-яшнаши ва юксалиши, ўтмиш давридаги юксак анъаналарнинг янги тарихий шароитда тикланиши учун шароит тайёрлади. XIV–XV асрларнинг энг юқори интеллектуал ва ижодий ютуқларига кўн жиҳатдан Амир Темур фаолияти туфайли эришилди. Унинг даврида улар жуда кўп ривожланиш, илм-фан, архитектура, адабиёт, миниатюра, амалий, муסיқий ва бошқа турдаги санъатларга эга бўлди. Амир Темур ва унинг меросхўрларининг Марказий Осиёда маънавий маданият, илм-фан, маориф, меъморчилик ва санъат турларининг юксалишида тарихий роли мисли кўрилмаган даражада катта. Мовароуннахр – Амир Темурнинг ватани,

асрлар қаърига туташқадимий маданиятга эга эди. Минг йиллар давомида бу ерда суғориладиган деҳқончилик ва чорвачилик дунёсининг кўп асрлик алоқаларига асосланган бой ва ўзига хос моддий маданият ривожланди.

Нафақат Марказий Осиёда, балки бутун мусулмон дунёсида илм-фан ва маданият ривожига янги юксалиш кучли марказлашган давлатни яратиш ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга муваффақ бўлган Амир Темур фаолияти мамлакатнинг салоҳияти, маданият, фан ва санъат ривожига самарали ҳисса қўшиш билан боғлиқ. Амир Темур халқнинг маънавий салоҳияти, ўтган асрлардаги маданий ва илмий аъёнларни тиклаш учун барча имкониятларни ишга солган. Маълумки, Амир Темур илм-фан ва маданият ривожига учун қулай шароитлар яратди, хусусан Самарқандда мўғуллар босқини ва уларнинг зулми пайтида кўчиб кетган кўплаб интеллектуал кучларнинг бу ерга қайтишини таъминлади. Амир Темур томонидан Марказий Осиёда яратилган илмий ва адабий фаолият учун зарур бўлган ижодий муҳит бу ерда кўплаб олим авлодлари хотиржам яшаб, чуқур изланишлар олиб боришига ёрдам берди. Мамлакатда сиёсий вазият барқарорлашди, қишлоқ хўжалиги тикланди, ҳунармандчилик ривожланди, суғориш иншоотлари, кўприклар ва йўллар қурилди, жамоат бинолари – мактаблар, мадрасалар, масжидлар, карвонсаройлар, меҳмонхоналар, касалхоналар қурилди. Шу билан бирга, ирригация, шаҳарсозлик, архитектура ва санъатнинг юқори даражада ривожланиши илм-фаннинг турли йўналишлари ривожланишига тurtки бўлди. Амир Темур мамлакатнинг турли минтақаларидан энг яхши меъморларни, моҳир ҳунармандларини пойтахтдаги тарихий ишларга жалб қилди.

Самарқанд Яқин Шарқ ва Марказий Осиёнинг энг яхши меъморчилик кучлари марказига айланди. Қурилиш усталарининг жамоавий меҳнати жаҳон меъморчилигида сифат жиҳатидан янги йўналишни яратди, бу баъдий ижоднинг ажойиб намуналарини берди. Қурувчилар орасида уларнинг ихтисосига кўра меҳнат тақсимооти мавжуд эди. Объектлар чуқур ўйланган меъморий чизмалар, схемалар ва андозалар асосида қурилган. Шунини таъкидлаш керакки, Амир Темурнинг ўзи, унинг кўплаб авлодлари илмли, иқтидорли одамларни улуғлаган, истеъдоднинг намоён бўлиши учун шароит яратган. Шундай қилиб, Амир Темур ҳар доим доно одамларга ишониш лозим, деб ҳисоблаган, уларга суянган, маънавий устозлари бўлган илоҳиётчиларга, илм-фан ва санъат аҳлларига ҳурмат кўрсатган.

Темурийлар даврида тасаввуф таълимоти кенг қулоч ёйди. Соҳибкирон тасаввуф қондаларидан мамлакатдаги салбий иллатларни йўқотишда, турли жанжал ва низоларни бартараф қилишда, ҳақиқат ва адолат ўрнатишда, инсонпарварлик гояларини тарқатишда фойдаланган. Темур тасаввуфдаги покланиш, тўғри ва софдил бўлиш, зино ва фаҳш ишлар билан

шуғулланмаслик, ҳаром-ҳариш ишлардан қочиш, ҳалол меҳнат қилиш, бирор касбни эгаллаш, муҳтожларга меҳр-шафқат кўрсатиш каби ғояларни халққа сингдириш учун кураш олиб борди. Накшбандия тариқатининг йирик шайхлари бўлмиш Саййид Амир Қуллол, Шайх Абу Бақр Тайободий, Мир Саййид Баракалар Амир Темурнинг пирлари бўлиб, соҳибқирон улар билан тез-тез мулоқот қилиб турган. Темурийлардан Шохрух, Улугбек, Хусайн Бойқаро, Бобур Мирзолар давлатни бошқаришда, дин ва тасаввуф қоидаларига амал қилишда, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда унинг анъаналарини изчил равишда давом эттирдилар. Бу даврда меъморчилик санъати юксак даражага кўтарилди. Амир Темур Кўксарой масжиди, Шохизинда, Бибиҳоним мадрасасини қурдирди. Кешда (Шаҳрисабз) Оқсарой барпо қила бошлади. Мирзо Улугбек даврида 1417–1420 йилларда Регистонда, кейинчалик Бухорода, 1432–1433 йилларда Ғиждувонда мадрасалар қурилди, Бибиҳоним масжиди, Гури Амир мақбарасини қуриб битказди. 1429 йили эса Улугбекнинг фалакиёт расадхонаси ниҳоясига етди. Хиротда ҳам кўплаб меъморчилик бинолари барпо қилинди. Улар жумласига масжид, мадраса ва хонақоҳлардан иборат бўлган Гумбазисабз, Алишер Навоий қурдирган «Ихлосия», «Низомия», «Шифоия» мадрасалари, Марв шаҳридага «Хусравия» мадрасаси ва бошқалар кирди. Навоий яшаган замонда Хиротда «Шарқ Рафаэли» деб ном олган Камолиддин Бехзод (1456-1535) ва шох Музаффар каби дунёга машҳур рассомлар ижод қилди. Бехзод «Зафарнома» китобига, Хусрав Дехлавийнинг «Ҳамса», Саъдийнинг «Бўстон» асарларига нақш берган ва Хусайн Бойқаро, Хотифий, Жомий ва бошқаларнинг расмини чизган, халқнинг меҳнатини, табиат манзараларини ҳаққоний тасвирлаган.

XIV–XV асрларда Мовароуннахр ва Хуросонда илм-фаннинг кўп соҳаларида юксалиш юз берди. Жаҳонга машҳур олимлар, табиатшунослар ва шоирлар етишиб чиқди. Тиббиёт, риёзиёт, хандаса, тарих, адабиёт, жўғрофия, педогогика, мантиқ, фалсафа, ахлоқшунослик ва бошқаларга эътибор берилди. Айниқса, бадий адабиёт ва адабиётшунослик тез ривож топа бошлади, уларда ўша даврнинг муҳим ижтимоий муаммолари ва инсонпарварлик ғоялари олға сурилди. «Гул ва Наврўз» муаллифи Лутфий (1366–1465), «Бехруз ва Баҳром» асарини ёзган Биноий (1453–1512), «Тазкиратуш-шуаро» (шоирлар ҳақида тазкира)нинг муаллифи Давлатшоҳ Самарқандий, «Юсуф ва Зулайҳо», «Махзанул-асрор» асарларининг муаллифлари Дурбек (XIV–XV Хайдар Хоразмий ҳамда Камол Хўжандий (1402 йилда вафот этган), Ҳофиз Хоразмий (XIV–XV асрлар), Яқиний (XV аср), Хилулий (XV аср), Атоий (XV аср) ва бошқалар ўша даврда яшаб ижод этдилар. Бу даврда тарих фанига эътибор кучайди, йирик тарихнавислар пайдо бўлди. Темурийлар даврида Абдураззоқ Самарқандийнинг

(1413–1482) «Матлаас-саъдайн ва мажмаъал-бахрайн» («икки денгизнинг кўшилиши»), Хофизи Абрунинг «Зубдат ат-таворих» («Тарихларнинг сараси»), Муйиниддин Исфизорийнинг «Равзат ал жаннат–гат фи авсоф мадинат», Фосих Хавофийнинг «Мужмали фосихий», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»си ва бошқалар машҳур эди.

Ўша замоннинг энг машҳур тарихчилари Мирхонд ва Хондамир эдилар. Мирхонд Хиротда туғилиб, шу ерда ижод қилган. Унинг асосий тарихий асари 7 жилддан иборат бўлиб, «Набиралар, подшоҳлар ва 74 ҳалифалар таржимаи холлари ҳақида поклик боғлари» деб аталади. У олти жилдини ёзиб вафот этади, еттинчисини набираси Хондамир ёзиб тугатади. Хондамир ҳам Хиротда туғилиб, ёшлигидан тарихнависликка хавас қўяди. У Аграда вафот этади. Унинг муҳим рисоалари «Мақорим ул-ахлоқ», «Ҳабиб ус-сияр», «Вазирлар учун қўланма» ва бошқалардир.

XIV–XV асрларда мантиқ, табиий-илмий фанлар, айниқса, фалакиёт, фалсафа ва ахлоқшуносликка катта эътибор берилди. Мантиқ илмининг йирик вакилларида бири Саъиддин Тафтазонийдир, (1322–1392) у Нисо вилоятига қарашли Тафтазон қишлоғида дунёга келади. Ёшлигидан илоҳиёт фанлари, араб тили, нутқ санъати ва мантиқ билан шуғулланади. Тафтазоний мадрасаларда мударрислик қилди. Туркистон, Хирот, Жом, Гиждувон мадрасаларида талабаларга дарс берди. Тафтазоний шухрати, илмий ишлари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига кенг тарқалди. Темурнинг таклифи билан аллома Самарқандга келиб, шу ерда умрининг охиригача яшади. Тафтазоний 40 дан ортиқ рисоаларнинг муаллифидир. Муҳимлари: «Тахзибал-мантиқвал-калом» («Мантиқ ва каломга сайкал бериш») «Мухтасарал-маоний» (Риторикага оид «Қисқача маънолар»), «Ал-иршод ал-ходий», (Араб тили граматикасига оид «Йўлбошловчи раҳбар»), «Ал-мақосид ат-толибин» («Фалсафа ва каломга оид «Толиби илмларнинг мақсадлари») ва бошқалар. Тафтазоний ўтмиш олимларининг жуда кўп асарларига шарҳлар ҳам битган. Тафтазоний ирода эркинлигига тўхталиб, ҳар қандай эзгу ишлар худонинг моҳиятидан келиб чиқади. Худо яратувчи сифатида инсонларни ёмон ҳатти-харакатлар қилишдан сақлайди, инсонни кўпроқ хайрли ишлар қилишга чорлайди, гуноҳ ишлардан қочишга даъват этади, деб айтади.

Ўша даврнинг яна бир атокли алломаси Мир Саййид Шариф Журжоний Астробод шаҳри яқинида туғилган. Журжоний Истамбул, Кохира, Хирот, Шероз шаҳарларида бўлиб, улардаги олимлардан илм сирларини ўрганади. 1387 йилдан бошлаб Самарқанд мадрасаларида мантиқ, фалсафа, фалакиёт, фикх ва адабиёт, мунозара илми ва бошқалардан дарс беради. Журжоний 50 дан ортиқ рисоаларнинг муаллифи бўлиб, уларнинг

аксарияти мантик, фикх, фалсафа ва табиатшуносликнинг муҳим муаммоларига бағишланган. Олимнинг «Ат-таърифот» («Таърифлар»), «Одоб ул-мунозара» («Мунозара олиб боришнинг қоидалари ҳақида рисола»), «Сугро» («Кичик далил бўла оладиган ҳукм»), «Кубро» (Катта далил бўла оладиган ҳукм), «Авсат дар мантик», («Мантикда ўрта хулоса»), «Рисолайи вужудия» («Борлиқ ҳақида рисола») вабошқа асарлардир.

Мутафаккир рисолаларида борлиқ, модда ва унинг шакллари, жисмоний ва руҳий муносабатлар, мантикий фикрлаш, тил ва тафаккурнинг ўзаро алоқаси, коинот, инсон, ақл ва билиш масалалари ёритилади. Журжоний, худди Тафтазоний сингари, ҳамма нарса ва жисмлар бир-бирига сабаб-оқибат нисбатида бўлади, деб ҳисоблади. Оддий нарсалар асосида тўрт унсур, яъни сув, олов, ҳаво ва тупроқ ётади. Металл, ўсимликлар ва хайвонот дунёси тўрт унсурнинг қоришиши натижасида пайдо бўлади.

Табиатшунослик, хусусан, теурийлар даврида эришилган астрономия ва математикадаги ажойиб илмий кашфиётларни қайд этиш зарур. Бу, авваламбор, Амир Темурнинг набираси Улуғбек фаолияти билан боғлиқ. Мирзо Улуғбек илм-фаннинг ёрқин ташкилотчиси сифатида дунёнинг турли бурчакларидан келган олимларни ўз давлатига жалб қилди. Улуғбек ҳукмдор сифатида илм-фан ва маданиятнинг буюк ҳомийси бўлган. У пойтахтда таниқли олимларни бирлаштирди, Фанлар академиясини очди. Шунга кўра ташаббус билан мадраса, янги мактаблар, касалхоналар қурилди. Ўрта асрлар давомида илмий фикр ҳаёлининг ўзига ҳослиги ҳақиқатини ўзида мужассам этган дунёга машҳур расадхонанинг қурилиши амалга оширилди. Улуғбек мадрасани асос солган ҳолда ўзи талабаларни дарс бериш учун танлаб олди, улар дастлабки мунозарада бўлишди ва уларнинг илмий малакаларининг етарли эканлигига амин бўлишди. Бу ерда Улуғбек астрономия мактабига алоҳида шон-шараф берган олимлар ишлаган. Бу ерда Самарқандда катта обрўга эга бўлган Қозизода Румий ўз фаолиятини олиб борган. Ўқитувчилик фаолияти билан бир қаторда у консерваторияда илмий ишлар, кузатувлар билан фаол шуғулланган. Астрономия ва математикага оид бир қатор таниқли асарлар Қозизода Румийга тегишли бўлган.

Бошқа бир кўзга кўринган самарқандлик олим Жамшид Коший математика соҳасида энг муҳим илмий ютуқларга эришди. Улуғбек кутубхонаси учун «Калит арифметика» ва «Давралар тўғрисида рисола» рисолалари ҳам ёзилган. Ал-Кошийнинг «Айлана ҳақидаги рисола» математиканинг ўта муҳим масаласи – «пи» сонини ҳисоблашга бағишланган бўлиб, Пи сонини 17 та ўнлик сонгача ҳисоблаб чиқилган.

Самарқандда Улуғбек академиясининг яна бир йирик олими Али Қушчи эди. Моварауннахрнинг энг буюк олими сифатида Али Қушчи Шарқ ва

Гарб илми ўртасини боғлаш вазифаси берилган эди. Улуғбекнинг фожиали тақдирида Али Кушчи унга ўз ўгилларидан кўра содикроқ бўлиб чиқди. Улуғбекнинг ўлдирилиши билан боғлиқ 1449 йил кузидан сўнг, Моварауннахрда сиёсий вазият беқарор бўлади. Дунёвий фанларга қизиқиш кескин пасайиб кетди. XV асрнинг 60-йилларида. Али Кушчи Самарқандни тарк этиб, Хуросонга, кейин Кирманга, Табризга, кейинчалик эса Истанбулга кўчиб ўтади. Истамбулда Али-Кушчини, Айя София масжидлари мадраса ташкил қилдилар, у ерда талабаларни йиғдилар, математика ва астрономия соҳасида тадқиқотлар ўтказдилар. Туркия тарих илми таниқли олими Солиҳ Заки эътирофига кўра, Али Кушчи Истанбулга Туркияга келгунига қадар, астрономия ва математикани ҳеч ким жиддий шуғулланмаган ва Улуғбекнинг шогирди астрономия соҳасида тадқиқотлар бошлаган ва Самарқанд усулида обсерватория қурдирган.

Айниқса темурийлардан Хусайн Бойкаро хукмронлиги даврида бу ерда илм-фан, адабиёт соҳасида юксалиш юз берди. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби жаҳонга машхур мутафаккирлар етишиб чиқди. Ўрта аср мумтоз адабиётининг вакили, улуғ шоир ва мутафаккир Абдурахмон Жомийдир. Жомийни Навоий устоз деб ҳисоблар эди. Унинг қаламига мансуб асарлар «Нафахотул-унс», «Хужжатул-асрор», «Муסיқа ҳақида рисола», «Нақши фусус»; «Воҳид атамаси ҳақида рисола», «Ҳаж қилиш йўллари ҳақида рисола», «Баҳористон» ва бошқалардир. Жомийнинг энг йирик асари «Хафтавраг» бўлиб, унг «Тухфатул-ахрор», «Сухбатул-аброр», «Юсуф ва Зулайхо» «Сухбатул-асрор», «Лайли ва Мажнун», «Саламон ва Абсол» «Хирадномайи Искандарий» дostonлари киради. Барча мусулмон мутафаккирлари каби Жомий ҳам худо абадий, мутлоқ ва дунёдаги ҳамма нарсаларнинг сабабчисидир, худо маъжуд бўлганда, борлиқ йўқ эди, дунё ўзининг бошланғичини Оллоҳдан олган, демак, худо ҳамма нарсанинг яратувчисидир, деб ҳисоблайди. Жомийнинг фалсафий қарашлари унинг инсонпарварлик ғоялари билан чамбарчас боғланиб кетади. Мутафаккирнинг кўпгина асарларида инсон, адолат, муҳаббат, эзгулик ғоялари тасвирланади.

Жомий Нақшбандийлик таълимотига эътиқод қилиб, унинг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантиради. Суфий, унингча халол ва пок бўлиши, бирор касб-хунарни эгаллаши, қаноатли ва олий жаноб бўлиши, тамагирликдан узоқ, юриши, нафсини жиловлаши лозим. Жомий худони «гўзал маъшуқа» сифатида тасвирлаб, инсоннинг мақсади унинг васлига етишдир, дейди. Жаҳон маданияти равнақига ўлкан хисса қўшган сиймолардан бири, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Низомиддин Мир Алишер Навоийдир (1441-1501). У Темурийлар хонадонига тааллуқли бўлиб, отаси Гиёсиддин кичкина Шахрисабздан Кобулга бориб қолган барлос бек-

ларидан эди. Навоий Хиротда Хусайн Бойқаро саройида турли лавозимларда ишлади, 1472 йилдан бошлаб вазир этиб тайинланди. Шоир мамлакат ободончилиги, равнақи ва осойишталиги йўлида кўп ишлар қилди. Мактаб, мадраса, масжид ва хонақолар, кўприк, работлар, шифохоналар қурдирди, мухтож ва камбағалларга ёрдам берди, олиму шоирларга хомийлик қилди. «Маҳбубул-қулуб» – ижтимоий-тарбиявий асар. Унда муаллиф ўз қарашларини ҳам изчил мантиқий баён орқали, ҳам жумлалардаги таъсирчанлик, бадиий тасвир воситаларининг махсус танланиши орқали изҳор қилишган. Шу жиҳатдан шоирнинг учинчи қисмдаги ошиқлар («сиддиқлар»), яъни тасаввуф аҳлига муносабатида улар эътиқодига эҳтиром туйғулари билан бир пайтда уларнинг моддий дунё, реал инсонлар ташвишидан узоклашиб кетганликлари, «халқ ғамидин ғами» йўқлигига муайян ишоралар ҳам мавжуд. Аммо асосий гап бунда эмас. Алишер Навоий охирги асари бўлмиш «Маҳбубул-қулуб» ёзилгунга қадар ўзи ҳам «мажозий ишқ» деб ишлатиб келган ҳодисани умрини ниҳоясида моҳиятан алоҳида икки турга фарқлаб, бирини «авом ишқи» ва иккинчисини «хавос ишқи» деб номлади. Шу билан Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби бошдан-оёқ пок туйғуларга йўғрилган «алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ»нинг кўпчилиги одатда кўзда тутадиган йигит-қиз орасидаги оддий «ошиқ-маъшук»ликдан ҳам, Олий ҳақиқатнинг мутлақ жамолига ошuftа тасаввуф аҳли интилишларидан ҳам бутунлай фарқ қилувчи мумтоз бир туйғу, алоҳида ҳолат эканлигини махсус таъкид этишга эришди. Сукрот тилидан «ҳақиқий ишқ» йўлида бир воситаси сифатида таъриф этилган «мажозий ишқ» аслида Навоий бадиият оламида мустақил ҳодиса сифатида ўзлигини намоён этди. Бу ҳодисанинг моҳияти шунда эдики, унда инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига муносабати унинг ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати билан уйғунлик ҳосил қиларди. Бадиий ижод мазмунидаги мана шу теранликка эришиш йўли «мажоз тариқи» деб ном олди.

Навоий шеър ишқ ҳақида бўлмаса, бекорчи сўз деб ҳисоблайди: «Сўз ким дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай ва назмким, ишқ ҳарорати дин ҳирқаги бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур». Охирги жумла ниҳоятда гўзал ва маъноли – шоир назарида инсон ҳаётининг мазмуни ва завқи ишқдан ташқари эмас.

Навоий йигитлик чоғларидан Жомийни ўзига пир тутган, кейинча ундан тасаввуф ирфони бўйича таълим олгани юқорида қайд этилди. «Маҳбубул-қулуб»да шоир устозини «ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва илми ҳар иккаласи тариқида вофий ва шомил», деб улуғлайди. Дарҳақиқат,

Жомий нафақат ирфоний туйгулар ифодасида, балки мажозий ишқ тасвирида ҳам ниҳоятда юксак маҳорат кўрсата олган. Аммо барибир Жомий тасаввуф шоири эканини унутмайди. Юсуф ва Зулайхо, Лайли ва Мажнун, Соломон ва Абсолларнинг оташин муҳаббатини эҳтирос билан гавдалантириб бергач, асар охирида барча мажозий тимсолларнинг ирфоний шарҳини беришни унутмайди. Яъни Аттор каби Жомий учун ҳам «мажозий ишқ» рамздир, аллегориядир. Низомий, Дехлавий, Саъдий, Ҳофиз эса ундай қилмайдилар, улар учун мажозий ишқ мустақил қийматга эга. Навоий ҳатто «Лисонут-тайр»да ҳам мажозни аллегория, рамз маъносида қўлламайди. Мажоз тариқи намояндалари мажозда Ҳақиқат асрорини кўрадилар.

Навоий ижоди бой бўлиб, асарлари турли мавзуларга бағишланган. «Ҳамса» яъни «Хайратул аброр», «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» дostonлари ҳамда «Лисонут-тайр», «Мажолисун нафое», «Махбубул қулуб», «Холоти Пахлавон Муҳаммад», «Мезонул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн» ва бошқалар. Булардан ташқари, Навоий «Хазойин ул маоний» («Маънолар хазинаси») номли шеърӣ тўплам яратган бўлиб, у 45 минг мисрага яқин ғазал, рубоӣ, қитъа ва фардлардан ташкил топган.

Навоийнинг ижоди фалсафӣ фикрларга бой бўлиб, унда жамият ва инсон муносабати, инсоннинг бахт-саодати, комил инсон ва фозил жамоа, таълим-тарбия ҳақидаги фикр-уйлари ўз ифодасини топган. Шоир ижтимоӣ-фалсафӣ қарашларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда фалсафӣ фикрлар мажозий тарзда, бадий ўхшатиш ва рамзий иборалар ёрдамида, зоҳирӣ ва ботинӣ маъноларда баён қилинади.

Навоийнинг ижодӣ меросида инсонпарварлик ва комил инсон ғояси муҳим ўринни эгаллайди – шоирнинг «Ҳамса»сига кирган «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий» каби дostonларининг асосӣ қаҳрамонлари Искандар, Фарход, Ширин, Лайли, Мажнун ва бошқалар комил инсон сифатида талкин қилинади. Улар меҳнатсевар, ўз касбини устаси, доимо ўзгаларга ёрдам берувчи, шижоаткор ва жасур, ақлли ва билимдон, саховатли, тўғри сўз, софдил, камтар, ўзида хулқ-одоб, адолат, сабр-тоқат, нафси тийиш, олижаноблик каби фазилатларни мужассамлаштирган шахслардир.

Навоий халқ орасида инсонпарварлик ғояларини таркатди, турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни улуғлади. Халқни фаровонликка, бахт-саодатга элтувчи, ҳамма тенг, зулм-истибоддан холи бўлган давлат тузумини орзу қилди. У илм-фан эгаллашни афзал билди, мол-мулкка, бойликка хирс кўйишни, тамагарликни қоралади. Навоийнинг яхшилик, эзгулик, муҳаббат, дўстлик, адолат, тинчлик, осойишталик ва бошқа ғўзал



фазилатлар, маънавий ахлоқий кадриятлар тўғрисидаги қимматли фикрлари, насихатомуз сўзлари республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳам Баркамол инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

XV асрнинг охиридан бошлаб Темурийлар давлати секин-аста инқирозга юз тутта бошлади. Бунга темурий шахзодаларининг ўзаро уруш-жанжаллари, тарқоқликнинг кучайиши, ўзаро низолар, тахт учун курашлар натижасида мамлакатнинг бўлиниб кетиши, иқтисоднинг тушкунликка учраши сабаб бўлди. Натижада Мавороуннахр Шайбонийхон томонидан босиб олинди. Темур авлодидан бўлган Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ўша даврнинг энг маърифатли подшоларидан бири эди. Андижонда Умаршайх Мирзо хонадонидан туғилган Бобур кейинчалик Ҳиндистонда улкан салтанатга асос солди. Бобур даврида Ҳинд диёри гуллаб яшнади, ундаги маданият юксак даражага кўтарилди. Ҳиндистоннинг XX асрдаги энг атоқли кишилари Махатма Ганди ва Жавоҳарлал Неру ҳам Бобур ва бобурийлар – Шох Жаҳон, Аврангзеб ва Акбар каби темурийзодаларга жуда катта баҳо берганлар. Ички келишмовчиликлар натижасида ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган Бобур аввал Қобулда, сўнгра эса 1526 йилги Панипат жангида Иброҳим Луди устидан ғалаба қозониб Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. «Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилиб, темурийлар давлати ва маданиятиниинг давомчиси сифатида машхур бўлди. Бобирнинг хизмати шундаки, у Ҳиндистонни марказлашган давлатга айлантирди, мамлакатда тинчлик ўрнатди, ободонлаштириш ва кўрилишишларини ривожлантирди, карвонсаройлар, меъморий ёдгорликлар, боғчалар, кутубхоналар барпо қилди, маданият, санъат, адабиёт ва илм-фанни юксалтирди. Бобур илм-фан, санъатга катта қизиқиш билан қараган, юксак ақл эгаси, комуний билимга эга бултан давлат арбоби, олим ва шоирдир. Бобурийларнинг кўпчилиги маърифатчилик билан машғул бўлдилар, олиму фузалолар билан маслаҳатлашиб турдилар. Уларнинг яна бир хизмати ислом ва будда динига эътиқод қилувчи мусулмон ва ҳиндуларни келиштиришга, аҳил яшашга чиқаришда бўлди. Бобирнинг машхур тарихий асари «Бобурнома»дир. Булардан ташқари, у ҳуқуқшуносликка оид «Мубаййин», аруз илмига оид «Муфассал», мусиқа бўйича «Мусиқий», ҳарбий ишларга оид «Ҳарб иши» рисолаларини ёзган. «Бобурнома» ўша даврдаги Марказий Осиё, Ҳиндистон, Афғонистон, Эроннинг сиёсий, ижтимоий ҳаётини, савдо муносабатлари, географияси, хайвонот ва наботот оламини, иқлими, қабила ва элатларнинг урф-одатлари, маросимлари, турмуш тарзини ва маросимларини ақс эттирган асардир.

Бобур ўзининг лирик шеърларида ишқ, мухаббат, Ватан соғинчи меҳр, вафо, инсонийлик, дўстлик, яхшилик ва меҳр-оқибатни кўйилади. Жавоҳар-

лал Неру Бобирнинг Ҳиндистондаги фаолиятига баҳо берган эди. Неру Бобирнинг дилбар шахс эканлиги, мард ва тадбиркорлигини, санъатни севганини ва умуман, Ҳиндистон учун кўп иш қилинлигини таъкидлаган эди. Бобур ва бобурийларнинг сиёсий, маданий фаолиятлари Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда ҳозир ҳам муҳим рол ўйнамоқда. Шундай қилиб, XIV-XV асарларда Мовароуннахр ва Хуросонда маданий юксалиш юз берди. Буни олимлар Ренессанс даври деб аташган. Баъзи олимлар эса, бу атаманинг Шарқ мамлакатларига тўғри келмаслиги тўғрисида ўз фикрларини айтмоқдалар. Нима бўлганда ҳам Европада XV-XVI асарлардаги кўтаринчилик, Ренессанснинг муҳим хусусиялари Марказий Осиёда рўй берган маданий юксалиш бир-бирига кўп томонлари билан ўхшаб кетади. Булар орасида муштаракликлар кўп. XIV-XV асрлар моддий ва маънавий юксалишининг муҳим хусусияти яна шундан иборатки, бу даврда ишлаб чиқариш ўсди, ички ва ташқи савдо, хунармандчилик, деҳқончилик ривожланди, хорижий мамлакатлар билан дипломатик ва маданий алоқалар ўрнатилди, инсон ақл-заковати ва унинг энг яхши фазилатларга эътибор кучайди, илм-фан ва санъат ривож топди. Қомусий олимлар етишиб чиқди, маданий меросни ўрганишга қизиқиш ортди. Темур ва теурийлар давридаги маданий юксалиш ҳозир ҳам ўза ҳамиятини йўқотгани йўқ. Улар мустақил давлатимизни мустаҳкамлашда маданий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда, миллий ғоя ва мафқурани шакллантиришда маънавий озука вазифасини ўтамоқда.

### 16.3. ЎЗБЕКИСТОН УЙҒОНИШ ДАВРИ БОШЛАНДИ

Мустақиллик бизга ўз тақдиримизнинг ҳақиқий эгаси бўлиб, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш имкониятини яратди. Истиқлол йилларида кўҳна тарихимиз, бой меросимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси халқимиз юрагининг туб-тубидан ўрин олди.

Ҳозирги мураккаб вазият, яъни пандемия оқибатида мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллигини ҳар доимгидек катта тантаналар билан нишонлай олмадик. Бироқ, оммавий ахборот воситаларда ўтган даврда босилган мураккаб ва ўз навбатида, шонли йўлимиз, амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни таҳлил этиш, ҳолисона баҳолаш ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти халқимизнинг онги шуурига етказишга қаратилган кўрсатув ва эшиттиришлар тўхтовсиз берилмоқда.

Шу ўринда, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оши-

риш парламент куйи палатаси фаолиятининг устувор йўналишига айланганини қайд этиш лозим.

Куйи палатанинг қонун ижодкорлиги фаолияти «қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт» деган устувор тамойилга асосланди ҳамда ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ҳолис баҳс-мунозара ва тортишувлар маконига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш майдонига, чинакам «демократия мактаби»га айланмоқда. Шу маънода, парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга, уларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга алоҳида аҳамият қаратилди.

Хусусан, 2017 йилнинг олти ойида Қонунчилик палатаси депутатлари 82 та қонун лойиҳаси устида иш олиб бориб, 46 та қонун лойиҳаси, шу жумладан, 27 та алоҳида қонун ва 3 та жамланма (19 та қонун лойиҳасини ўз ичига олган) қонун шаклида қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилди. Шунингдек, Қонунчилик палатасининг кўриб чиқишида бўлган 4 та қонун лойиҳаси рад этилди ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтарилди.

Бу жараёнларда давлат бошқаруви органлари фаолияти, қонунлар ижроси, мамлакатни энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожлантириш давлат дастурларининг сўзсиз бажарилиши устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш ва уни тубдан яхшилаш масалалари ҳам алоҳида ўринга эга. Жумладан, олти ойда Қонунчилик палатасида 13 та парламент эшитуви ўтказилди, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига 3 та парламент сўрови юборилди, «ҳукумат соати» доирасида 5 нафар ҳукумат аъзосининг ахбороти эшитилди, назорат-таҳлил тадбирлари доирасида Қонунчилик палатаси кўмиталарида 46 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти юзасидан ахбороти эшитилди, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига сайловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан 135 та депутат сўрови юборилди.

Буларнинг барчаси “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган ғоя ва тамойилларни ҳаётда рўёбга чиқаришга қаратилгандир. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда “Янги Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшиш – Яратганнинг ўзи бизга берган тарихий имконият”дир.

Шу ўринда, Мустақиллик нафақат улуг неъмат, балки улкан масъулият эканлигини унутмасликни, “Мустақиллик менга нима берди?” деб эмас,

балки “Мустақилликни мустаҳкамлаш, Юрт тараққиёти, Халқ фаровонлиги йўлида мен нима қилдим?”, деган саволни ҳар биримиз ўзимизга бериб, виждонимиз олдида ушбу саволга жавоб топишимиз лозим.

Халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айна ҳақиқат бўлади”, – деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ўтказилаётган барча соҳадаги ислоҳатлар, ундан кўзланаётган натижалар ана шундай қиёсий ўхшашма қилишга асос яратади. Нега айнан Учинчи Ренессанс? Умуман бу атаманинг номланиши нималарни акс эттиради, деган савол туғилиши табиий. Французча – *renaissance*, италянча – *rinascimento*, “*ri*” – “қайта ёки қайта туғилмоқ” маъносида келади. Ренессанс – Европа маданияти тарихидаги, Ўрта асрлар маданияти ўрнига келган янги давр. У тахминан XIV аср бошларидан XVI аср охири ва XVII асрнинг дастлабки ўн йилликларини ўз ичига олади.

Ренессанс маданияти биринчи бўлиб Италияда бошланди. Италия сув йўли орқали бевосита ривож топган Шарқ давлатлари, хусусан, араб давлатлари билан яқиндан алоқада бўлишга интилди. IX– XII асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари, мусулмон Шарқи маданиятининг юқори чўққига кўтарилгани тарихдан маълум. Италиянинг бу давлатлар билан иқтисодий – маданий алоқалари Европада Ренессанс маданиятининг вужудга келишида муҳим роль ўйнаган.

Инсоният тамаддунининг бу даври пойдеворини бунёд этганлар ичида бизнинг ота боболаримиз борлигидан фахрланамиз ва бу даврни Ватанимиз тарихининг Биринчи Ренессанси деб қабул қиламиз. Буюк шарқшуннос, академик Н.И. Конрад ислом маданияти гуллаб-яшнаган даврни Шарқ Ренессанси – Ғарб Ренессансидан анча олдин ўтган давр деб баҳо берган эди. Бу ҳар икки оқимни улкан уммонларга қиёслаш мумкин. Ҳар бири чексиз олам, аммо улар учун умумий хусусиятларни тилга олиш лозим. Улар антропоцентризм, инсонпарварлик антик дунё маданиятини қайта уйғотиш, фалсафа, фан ва улар асосида ривожланиш тонгининг отиши, қомусий олимларнинг дунёга келиши, оламга янгича назар билан қараш каби хусусиятлардир. Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Фирдавсий, Рудакий, Бухорий, Аҳмад Югнакий, Махмуд Кошғарий, Замаҳшарий кабилар шу давр маданий юксалишининг қоялари, чўққиларидир. Хаттоки араб ҳалифаси Маъмун Марказий Осиё олимларини халифаликнинг марказига олиб кетгани ва улар Бағдод академиясида илм учун хизмат қилганликлари тарихдан маълум, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Жавҳарий, ибн Мансур Марварудий каби олимлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз тарихининг Иккинчи Ренессанси –Темурийлар даври. XIV асрнинг 60 йилларидан бошлаб мўғиллар хукмронлигига қарши Амир Темур етакчилигидаги мустақиллик учун ҳаракат Мовароуннаҳр ва Хуросонда кучли давлатнинг вужудга келиши билан якунланди. Бир асрдан сал кўпроқ давом этган бу мустақил давлат яна илм-фан, адабиёт– санъатнинг юксалишига имконият яратди. Мустақил бўлган халқ яна эркин нафас олиб, ўз ичидаги янги истеъдодларга шижоат, янги куч, илҳом бахш этди. Бу X-XII асрдаги бошланган Шарқ уйғониш даври –Ренессанси душман босқини натижасида узиб қўйилган Уйғонишнинг тикланиши, маънавий раванқнинг иккинчи босқичи эди. Бўғиб қўйилган маданий қудрат, маънавий куч яна қўзғалди.

Амир Темур буюк саркарда, улкан давлат арбоби бўлиши билан биргаликда ўта билимдон ва фозил инсон эди. Француз олими Алфонс де Ломартин ёзади: “ Дин, тиббиёт, тарих, ҳуқуқ ва астраномия соҳаларида Амир Темур ўта билувчан эди. Кўп ўқиган, Осиёнинг энг унумли уч (турк, араб, форс) тилини жуда мукамал билган, зарофат ва қудрат ила ёзгувчи бир ҳуқумдор эди... Оврушо на Искандарда, на Аттилада ва на Московия зафарини кучган янги фотих (Наполеон)да бундай даражали бир завқ иродани кўрган эмас!”<sup>1</sup> XV асрда Мовароуннаҳр, Хуросонда ва умуман Марказий Осиёда, хусусан Самарқандда фан ва маданиятнинг янгидан туғилиши Амир Темур ва унинг набиралари Муҳаммад Султон ва Мирзо Улуғбекнинг номи билан боғлиқ. Амир Темур ҳаётлиги даврида салтанатининг турли ерларидан Самарқандга келган Масъуд Тафтазоний, Сайид Шариф Журжоний, Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший ва бошқалар Самарқанд илмий мактабининг пойдеворига асос солдилар.

Ўзбекистон ҳудудида таълим тизимининг шаклланиши ва ривожланиши тарихини манбалар асосида таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистондаги олий таълим муассаларини ташкил этилиш санаси Темурийлар даври, хусусан Улуғбек мадрасаси билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг бевосита вориси Самарқанд давлат университетидир. Бошқача айтганда, Самарқанд-Улуғбек университетининг тамал тоши 1420 йили мадрасайи олиянинг очилиш маросимида қўйилган.

Таълим ва тарбия, фан, касбий ҳамда бошқа соҳалардаги яратувчилик, кашфиёт, ихтироларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, дунё айвонида рақобатлаша оладиган мутахассислар тайёрлаш, ҳар томонлама инсон манфаатларига хизмат қилувчи қудратли ва адолатли фаровон давлат яратиш аъналаримизни қайта тиклаш бугунги куннинг асосий вазифасига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг даъватли сўзлари билан айтадиган бўлсак, Янги Ўзбекистон Мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, Учин-

<sup>1</sup> Хуршид Даврон. Амир Темур пирлари // Тафаккур. – 1995. №1. – Б. 23-24.

чи Ренессанс, яна бир Уйғониш даврини бошлади. Бу уйғонишни Олий таълим соҳасидаги ислоҳатлар, жумладан, Халқаро таълим стандартлари тавсифи ўлчовлари бўйича таълим жараёнларини ташкил этиш, миллий таълим ютуқларини халқаро даражада татбиқ этиш масалаларида ҳам яққол сезишимиз мумкин.

Глобаллашув жараёни ҳар бир давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқишни ва рўёбга чиқаришни талаб қилади. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси ва 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон, “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли фармонлари ҳамда “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши Янги Ўзбекистон таълим тизимини барпо этишда катта роль ўйнамоқда.

Олий таълим тизимини ривожлантириш қуйидаги устувор йўналишлар асосида амалга оширилади:

- олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш;

- таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;

- олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш;

- маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш вазифалари кўйилди.

Хусусан, таълимнинг ривожини билан бутун бир давлатнинг келажagini белгилаш мумкин.

Республикамиздаги таълим соҳасининг ривожланишида биз албатта ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларидан кенг фойдаланишга катта эътибор беришимиз зарур.

Шу боисдан давлатимизда ташкил этилган дунёнинг энг салоҳиятли олий ўқув даргоҳларидан Англиянинг Вестминистр университети, Италиянинг Турин политехника институти, Сингапур менежментни ривожлантириш олийгоҳи, Жанубий Кореянинг ИНХА коммуникацион технологиялар университети, Россиянинг Губкин номидаги нефть ва газ университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ва

Г.В.Плеханов номли Россия иқтисодиёт университети филиалларининг ташкил этилгани ҳам таълим тизимининг жаҳон талабларига мос ривожланиши омили ҳисобланади.

Халқаро ҳамкорликни амалга ошириш доирасида АҚШ давлатида стажировка ўташ учун танлов эълон қилинди. Танловда республиканинг 20 та олий таълим муассасаларининг 500 нафар профессор-ўқитувчилари иштирок этди ҳамда 10 нафар танлов ғолиби саралаб олинди. Танлов ғолиблари 20 ҳафта давомида тажриба ошириш учун АҚШда бўлиб қайтишди. Улар асосан мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари учун зарур бўлган машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, ирригация ва кимё технологиялари борасида Америка университетларида мутахассислар тайёрлаш тизimini ўрганиш, касб таълими бўйича педагогик технологияларга эътибор қаратишди. Коронавирус пандемияси муносабати билан малака ошириш ишлари вақтинча тўхтатилди.

Маълумки, коронавирус пандемиясига қарши кураш жамият ташкилий тузилмалари, илм-фан мутахассислари, тиббиёт ва бошқа соҳа ходимларининг билим, тажриба, ахлоқий фазилатлари йиғиндиси бўлиши билан бирга, умуман инсон таълим тарбиясининг асосини ташкил этиши керак. Бу дегани узлуксиз таълим, яъни оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, олий ўқув юртлиари, илмий муассасаларда ўрганиладиган асосий фан йўналишлари ҳаётни муҳофаза қилиш фанлари, шахсий ва жамоат гигиенаси, лойиҳалаштириш ва фаолиятшунослик каби билимлар билан тўлдирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 июндаги ПФ-6035-сонли «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонига кўра инсон ҳаётини турли касалликлар ва техноген ҳодисалардан ҳимоя қилиш фаолиятини илмий лойиҳалаштириш орқали мутахассислар тайёрлаш вазифаси қўйилиши диққатга сазовордир. Ундан ташқари тиббиёт ходимлари ўз хизматларини аҳоли орасида олиб боради. билим ва тажрибаларини оширади, янги мутахассисликларни ўрганишади, моддий рағбатлантирилади. Бу ҳужжатда мутахассислар тайёрлаш борасидаги ишларда ҳам туб бурилиш яшаш кўзда тутилади.

2020 йил 1 сентябрдан бошлаб санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасида бакалаврият ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида тиббиёт олий таълим муассасаларида "Тиббий-профилактика ва жамоат саломатлиги" факультети ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда: бир ой муддатда тегишли тиббиёт олий таълим муас-

касаларида «Тиббий-профилактика ва жамоат саломатлиги» факультети фаолиятини ташкил этиш бўйича зарур чораларни кўрди; ҳал этиладиган масала: Бугунги кунда 11 та тиббиёт олий таълим муассасаси фаолият олиб бориб, уларнинг айримларида «Тиббий профилактика» факультети мавжуд. Ушбу факультетда дарс машғулоти ва амалиёт асосан даволашга (ихтисослаштирилган ёрдамга) йўналтирилган. Тиббий профилактика ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида (алоҳида қарор асосида) туман-шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникаларида тиббиёт маълумотиغا эга бўлган валеолог, тиббий психолог, нутрициолог, диетолог, фармаколог, кинезиолог, реабилитолог, профпатолог лавозимларини киритиш режалаштирилмоқда.

2021 йил 1 январга қадар тиббиёт олий таълим муассасаларида халқаро рейтингларга кирувчи нуфузли хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида санитария-гигиена ва эпидемиология ҳамда микробиология йўналишидаги филиаллар, шунингдек, халқаро факультетлар очилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонида соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида юқори малакага эга олий таълим кадрларни тайёрлаш, ходимларни касбий ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда тиббиёт ташкилотлари, шу жумладан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлаш мақсади белгиланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонида Ўзбекистоннинг 10 та олий таълим муассасаси 2030 йилга бориб халқаро ташкилотлар мингталигидан жой олиши керак, деб белгилаб берилган. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши бизни халқаро стандартларда белгиланган марралар сари етаклайди, таълим сифати бўйича дунё андозалари даражасига олиб чиқади. Бу борада биринчи навбатда ЮНЕСКО томонидан 2011 йили қабул қилинган Халқаро таълим стандартлари тавсифи меъёрларини миллий таълим анъаналарини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Таълимнинг барча босқичлари билан бир қаторда 6-даражага мувофиқ бакалаврият, 7-даража магистратура ва 8-даражага кўра (ёки шунга тенг келувчи миллий таълим даражасига) биноан докторантура таълими талаблари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг



мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сонли “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан 2020 йилда бажарилиши лозим бўлган қуйидаги вазифалар белгиланган;

- 18 та янги олий таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилади;
- 10 та маҳаллий олий таълим муассасаси;
- 3 та хорижий олий таълим муассасаси;
- 5 та давлат–хусусий шериклик шартлари асосида.

Қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш икки мартага оширилади. 18 та янги ОТМ ташкил этилиши ва қўшма таълим дастурлари кенгайтирилиши натижасида ёшларни олий таълим билан қамрови 25 фоизга етказилади. Муҳандислик-техник таълим йўналишлари бўйича қабул параметрлари улуши 28 фоизга кўпайтирилади. Бакалаврият таълим йўналишлари битирувчиларидан магистратура мутахассисликларига қабул қилинган талабалар улуши 10 фоизга оширилади. Хорижий тажрибалар асосида талабаларда амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида ОТМларда ўқув жараёни кредит-модуль тизимида тақшил этилиб, таълим жараёнларини электрон таълим бошқарув тизими орқали назорат қилиш жорий этилади.

Мазкур фармонига кўра, йиллар давомида самарасиз фаолият кўрсатиб келган турли ташкилотлар фаолияти янгидан ташкил этилди. Хусусан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази тугатилиб, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази негизида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази этиб ташкил этилди.

Марказ олий таълим тизимини янада ривожлантириш, таълим жараёнини ўқув-методик таъминлаш ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ўз фаолиятини бошлади. Бу билан Марказ Уставида кўрсатиб қўйилган, янги инновацион педагогик технологияларга асосланган ўқув таълим стандартлари ва ўқув адабиётлари яратилишига, олий таълимда кредит модуль миллий тизимини татбиқ этишга кўмаклашиш, хорижий тажрибаларни ўрганиш, таҳлил ва жорий этиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини самарали йўлга қўйилишига, натижада халқаро меъёрлар билан рақобатлаша оладиган юқори сифатли таълим, олий маълумотли кадрлар

тайёрлаш, илмий тадқиқотлар, ишлама ва тажрибаларни ишлаб чиқаришга таъбиқ этиш ҳамда кенг ёйиш вазифалари белгилаб берилди.

Таъкидлаш керакки, таълим стандартлари ва ўқув адабиётлари ишлаб чиқиш марказнинг асосий фаолият мезони саналади.

Бугунги кунда республикада 128 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 96 таси маҳаллий ҳамда 24 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди.

Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 261 та таълим йўналиши ва 559 та магистратура мутахассислиги киритилди.

2020/2021 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртқи таълим, 10 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакли жорий этилди.

Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони бакалаврият таълим йўналиши бўйича 600 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 20 695 нафарни ташкил қилиб, сўнгги 3 йилда 2 бараварга ошди.

Талабаларнинг 54,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 25,2 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 5,2 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 4,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 4,5 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таҳсил олмоқдалар. Магистратура талабаларининг 40,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 23,3 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 13,3 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 13,5 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 3,2 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари бўйича таҳсил олмоқдалар.

2020/2021 ўқув йили учун қабул параметрлари бакалаврият кундузги шакли 103575 нафарни, сиртқи шакли 35350, кечки шакли 5025 нафарни ташкил этди, магистратурага 10 425 нафар талаба қабул қилинди.

Таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режаларини такомиллаштириш бўйича: 2020-2021-ўқув йили учун “Олий таълим йўналишлари ва классификаторига мувофиқ, 4 та таълим соҳалари бўйича давлат таълим стандартлари, 45 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 52 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари иқтисодий тармоқларининг соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилди, тасдиқланди ва келишувдан ўтказилди ҳамда олий таълим муассасалари ўқув жараёнига жорий этилди.

Марказ концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

ривожлантиришда қуйидаги натижаларга эришиш учун кўмаклашишни ва юқори илмий-ташкилий, амалий натижаларга эришишни назарда тутилмоқда.

Марказ хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказлари ташкил этилади ҳамда улар тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ этувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқилади ҳамда ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришда амалий жиҳатдан илмий-ташкилий ишларда шартнома асосида иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»га кўра, мамлакатдаги ОТМларнинг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган. Масалан, 2020/2021 ўқув йилининг ўзида мамлакатимиздаги 33дан ортиқ йирик ОТМлар кредит-модуль тизимига ўтиши таъминланди.

Сўнги тўрт йилда мамлакатимизда 45 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 128 тага етди. Бу йил олий ўқув юртлари-га кириш учун бир ярим миллионга яқин ёшларимиз ҳужжат топширди. Бу рақам ўтган йилга нисбатан 40 фоиз кўп демакдир. Бакалавриятнинг кундузги бўлимига 103575, сиртки бўлимига, 31 350 ва кечки бўлимига 5025 нафар талаба қабул қилинди. Халқаро таълим стандартлари тансифига мос равишда сифатли таълим жараёнларини ташкил этиш, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, ўрта ва олий маълумотли касб эгалари билан иқтисодиётни таъминлаш, илм-фан ютуқларини, хорижий мамлакатлар тажрибасини амалиётга татбиқ этиш, провард натижада Мамлакатимиз фаровонлигини юксалтириш, дунё айвонида ҳар тарафлама қудратли давлатга айлантириш жамиятнинг энг долзарб масаласига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямизнинг 28 йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригида шундай фикрлар бор: “Янги Ўзбекистон – мактаб оstonасидан бошланади”, деган ғоя асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга мисли кўрилмаган эътибор қаратилмоқда.

Илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларнинг, айниқса, қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш борасида ҳам кўп ишлар қилиняпти. Буларнинг барчаси юртимизда Учинчи

Ренессанс – миллий тараққиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилади”.

Олий таълимда олиб борилаётган туб ислоҳатлар ҳам Ўзбекистонда янги бир уйғониш бошланганидан дарак бермоқда. Чунки коронавирус пандемиясидан кейинги Дунё тараққиётининг асосий ғояси инсонга қайтиш, инсонпарварлик бўлади. Тарихда бўлганидек, аجدодларимизнинг илм, фан, маънавият ҳамда маърифатга чорловчи даъвати бугунги авлодларимиз ҳаёти ва фаолиятининг моҳиятига айланмоқда.

#### 16.4. ИЛМ-ФАННИНГ ГЛОБАЛ МИҚЁСДА РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида ватандошларимизни улуғ байрамимиз билан табриклаб, “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айтиш ҳақиқат бўлади”<sup>1</sup> деб таъкидлади.

Таъкидлаш жоизки, Япония, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея каби давлатларнинг илм-фан ва инновацияларга асосланган иқтисодий тараққиёт моделлари ва юқори натижалари юксак эътироф этилаётганлиги барчамизга маълум. Буларнинг барчасига 50 йил олдин пухта ўйланган илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган кучли давлат сиёсати орқали эришилган. Хусусан, Ўзбекистон ҳудуди ҳам Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида дунёга маълум ва машҳур бўлганлигини таъкидлаш бизга юксак мамнуният бағишлайди.

Халқимизнинг улуғвор қудрати буюк ватандошларимиз – алгоритм асосчиси Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фарғоний, геодезия ва минералогия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Ғарба Авиценна номи билан танилган Ибн Сино, давлат арбоби ва буюк астроном Мирзо Улуғбек сингари ўнлаб мутафаккирлар, яъни илм-фан асосчилари қилган кашфиёт ва изланишларда намоён бўлиб турибди. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳаким ат-Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари аجدодларимиз номи эса нафақат ислом олами, балки жаҳон цивилизацияси тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари ўз нутқида илм-фанга бўлган юксак эътибор ва таълимга тўхталиб, “Вақт

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

ўтиб, болаларимиз ҳам Улугбек, Ибн Сино, Беруний бўлади, мен бунга албатта ишонаман”<sup>1</sup> деб таъкидлади.

Айнан шундай улуг мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикасининг 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсадларидан бири инсон капиталини ривожлантириш бўлса, бошқаси 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати таркибига кириш этиб белгилангани барчанинг ёдида, албатта.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Глобал инновацион индексда 2015 йилда жаҳоннинг 141 давлати орасида 122-ўринни эгаллаган эди. Ундан кейинги йилларда эса ушбу рейтингга республикамиз киритилмаган. 2020 йил Ўзбекистон Глобал инновацион индексига қайтди. Мана шу қайтишни ўзи янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижасидир. Ўзбекистоннинг 93-ўринни эгаллаб, рейтингда 30 поғонага юқорилаши ҳозирги пайтда илм-фанга берилаётган эътибор, инновацион ривожланишига қаратилган ресурсларнинг самарасидир. Охириги йилларда илм-фанга киритилган инвестициялар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасининг шакллантирилиши, энг муҳими, олимларга яратилаётган шарт-шароитлар ва ижод эркинлиги Глобал инновацион индексдаги ўрнимизни белгилади. Буни келажакда илм-фан ва инновацияларга инвестицияларни жалб қилиш учун бир қадам деб ҳисоблаш мумкин.

Илм-фан соҳаси олдидаги муҳим вазифа – миллий ихтисодиётимизни технологик ва инновацион жиҳатдан модернизациялаш жараёнларини тўла-тўқис таъминловчи, самарали ва рақобатдош тадқиқот ҳамда ишланмаларни шакллантиришдир. Маълумки, республикамизда 2016 йилдан бошлаб илмий ва инновацион лойиҳаларни танлов асосида грант тизими орқали молиялаштириш механизми қўлланилмоқда. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2016-2017 йилларда грант асосида бажарилган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг амалий натижадорлиги таҳлил қилинди. Таҳлил ва ўрганишлар натижаларига кўра “фундаментал тадқиқотлар – амалий тадқиқотлар – инновация ишлари” занжирининг изчиллиги таъминланмаганлиги аниқланди. Лойиҳалар умумий характерга эга бўлган йўналишларда 2–5 йилда бир марта олимларнинг ташаббуслари асосида шакллантирилган ва 3–5 йил давомида амалга оширилган. Битта лойиҳанинг молиялаштириш ҳажми ўртача 150 млн сўм миқдорида бўлиб, унинг ўртача 80 фоизи ойлик маошларга йўналтирилган ва маблағларни моддий-техник базани яхшилашга қаратилмаган. Лойиҳаларнинг аксарияти якуний натижага қаратилмагани ҳам бу тизимнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

салбий жиҳатларидан бўлган. Лойиҳаларда хусусий сектор ва тармоқ ташкилотларининг ўрни ва молиявий улушлари деярли бўлмаган.

2018 йилдан бошлаб Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан илгор хорижий тажрибалар асосида фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни грант асосида молиялаштириш тизимини тубдан ислоҳ қилиш асосида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси механизми жорий этилди. Илмий лойиҳалар танловларини мунтазам равишда ташкил этиш ва бунда эълон қилинган ҳар бир тематик мавзу йўналишини аниқ якуний маҳсулотга қаратиш ва лойиҳа доирасида зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хомашёлар, материаллар харид қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Энди лойиҳалар уч усулда шакллантирилади. Биринчиси иқтисодиёт ёки ижтимоий ҳаётдаги мавжуд муаммоларининг илмий ечимини таъминлашга қаратилган ҳамда тижоратлаштириш имконияти мавжуд якуний маҳсулот ёки технологияларга бўлган эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқиладиган тематик илмий-тадқиқот лойиҳаларига давлат буюртмасидир. Иккинчиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, давлат дастурлари ва концепцияларда баён этилган вазифа ва топшириқларнинг ҳамда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдига турган ўзига хос муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларига давлат буюртмаси. Учинчиси, илмий ташкилотларнинг, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотларнинг асосланган таклифлари асосида фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мувофиқ шакллантириладиган, тегишли илмий-техник кенгашда илмий экспертиза ва лойиҳанинг очиқ муҳокамаси натижасига кўра танловларсиз молиялаштириладиган ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари лойиҳаларини шакллантириш ва мониторинг қилишнинг бутунлай янги самарали тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Эндиликда ишлаб чиқариш тармоқлари билан ҳамкорликда, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда грантлар мавзуларини шакллантириш тизими жорий этилди. Бунинг учун илмий лойиҳалар танлови мунтазам равишда эълон қилиб борилади ва мавзу доирасидаги илмий лойиҳани молиялаштириш ҳажми аввалдан белгиланади. Қолаверса, танловда камида иккита лойиҳа иштирок этиши лозим, яъни танлов принципи амал қилиши зарур. Танлов учун мавзуларни шакллантириш вазирликнинг тегишли бошқармалари томонидан мувофиқлаштирилади. Бу жараёнда илмий-тех-

ник кенгашларнинг аралашувига йўл қўйилмайди. Улар эълон қилинган мавзулар бўйича ўз эътирозларини ва таклифларини бериш ҳуқуқига эга. Танлов шартларида кутилаётган натижалар ва йиллик молиялаштириш ҳажми аниқ кўрсатилгани ижрочилар учун лойиҳа тузиш жараёнида муҳим бошлангич маълумот бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, таъкидлаш жоизки, илгари молиялаштириш ҳажми етарли бўлмаганлиги сабабли кўзланган юқори натижаларга эришилмаган.

Эндиликда эса ажратилаётган маблағлар олимларнинг иш ҳақидан ташқари ижрочи ташкилотнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам етади. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш механизми мукамаллиги лойиҳаларни саралаш жараёни шаффофлигини таъминлайди. Шунингдек, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари лойиҳаларига ажратилган маблағлар доирасида илмий ҳажмдор кичик серияли янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган инновацион экотизимни шакллантириш мақсадида стартап лойиҳалар амалга оширилмоқда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳудуд иқтисодиётининг муаммоларини ва илмий ишланмаларга бўлган эҳтиёжларини чуқур таҳлил қилиш асосида илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилади ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўз навбатида иқтисодиёт тармоқлари корхоналарининг муаммолари ва янги ишланмаларга бўлган эҳтиёжларининг илмий ечимини таъминлашга қаратилган илмий лойиҳалар хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади. Янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва истиқболли стартап лойиҳаларни амалга ошириш кўламини кенгайтириш мақсадида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, давлат бюджети, инновацион фаолият субъектлари ва инвестиция компанияларининг маблағлари ҳисобига венчур жамғармалари ташкил этилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги лойиҳаларнинг танлов асосида саралаб олиншини ташкил этаркан, уларни қабул қилиш, ўрганиш ва қарор чиқариш занжирининг ҳар бир босқичи ўзаро боғланмаган ҳамда бир-бирига таъсир кўрсата олмайдиган мустақил жараёнлардан иборат бўлишини таъминламоқда. Танловга тақдим этилган лойиҳалар аввал электрон шаклда [www.fan-portal.uz](http://www.fan-portal.uz) сайтида рўйхатга олинади. Лойиҳаларнинг қоғоз шакли лойиҳа раҳбари иштирокисиз илмий ташкилотларнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосарлари, олий таълим муассасаларининг илм-фан ва инновациялар бўйича проректорлари орқали қабул қилинади. Бу жараён алоҳида ишчи орган – Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Инновацияларни жорий этиш илмий-амалий маркази ходимлари-

дан иборат махсус ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади. Такдим этилган лойиҳалар танлов талабларига қатъий риоя қилинганлиги, лойиҳа материалларининг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги, кўчирмачиликка (плагиат) йўл қўйилмаганлиги, белгиланган талаблар асосида шакллантирилганлиги бўйича дастлабки техник экспертизадан ўтказилади.

Илмий-техник экспертизанинг кейинги босқичи – илмий экспертиза жараёни юқори малакали олимлар, профессорлар ва академиклардан иборат илмий-техник кенгашлар томонидан бажарилади. Вазирлик ходимларининг мазкур кенгашлар фаолиятида иштирок этиши ва аралашувига йўл қўйилмайди.

Таъкидлаш жоизки, тематик танловларда иккитадан ортиқ лойиҳалар мавжуд бўлгандагина, илмий-техник кенгашларга муҳокама учун такдим этилади. Бунда молиялаштиришга фақат битта лойиҳа тавсия этилиши мумкин. Муқобиллари мавжуд бўлмаган тақдирда қайта танлов эълон қилинади. Шунда ҳам бошқа муқобил лойиҳа келиб тушмаган тақдирда, ушбу лойиҳа муҳокамалар орқали кўриб чиқилади ва илмий экспертизага тавсия этилади. Кейинги босқичда илмий-техник кенгашлар хулосалари вазир аппаратига такдим этилади, аппарат ўз навбатида хулосаларни вазирлик коллегиясига киритади. Коллегия илмий-техник кенгашлар раислари иштирокида молиялаштиришга тавсия этилган лойиҳаларни кўриб чиқади. Коллегия ва илмий-техник кенгаш аъзоларининг муайян лойиҳа бўйича фикрлари бир-биридан тубдан фарқ қилган ва томонлар ўз фикрида қатъий турган ҳолатларда лойиҳалар вазирликнинг Жамоатчилик кенгашига муҳокама учун такдим этилади.

Шундай қилиб, биринчидан, экспертизанинг ҳар бир босқичи мустақиллиги таъминланади. Иккинчидан, илмий-техник кенгашларнинг лойиҳаларни танлаб олишда ваколатлари кенгайган, коллегия йиғилишида ҳар бир лойиҳа бўйича қарор муҳокама қилиниши орқали шаффофликка эришилиб, илмий-техник кенгашлар раислари масъулияти оширилган. Илмий-техник лойиҳаларнинг экспертизадан ўтказиш ва мониторинг қилиш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича 16 та ва стартап лойиҳалар бўйича битта илмий-техник кенгаш ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, илм-фан соҳаларига сафрфланаётган жами ҳаражатлар ўтган йиллар мобайнида қарийб 14 фоизга ошган. Бу кўрсаткич 2018 йили умумий 528.8 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб 603,3 млрд сўмга ошган. Бироқ, бугунги кунда илм-фанни молиялаштириш ҳажми яппи ички маҳсулотга нисбатан 0.2 фоизни ташкил қилиб, йиллар давомида ўзгармай қоляпти. Ушбу кўрсаткич жаҳон бўйича ўрта-



ча 1,7 фоизга тенг, хусусан Хитойда 2008 йилда 1,4 фоиздан 2,14 фоизгача, Корея Республикасида 3,1 фоиздан 4,5 фоизгача ошган. Бундан ташқари, тармоқлар корхоналари томонидан илмий-тадқиқотларга буюртма бериш ва молиялаштиришдаги иштироки пастлиги давлат бюджетига оғир юк бўлиб қолмоқда. Сўнгги 3 йил мобайнида илм-фан соҳасига давлат бюджетидан ажратилган маблағлар 2-3 мартагача оширилган бўлса-да, бу ўсиш суръати асосан илмий фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг ойлик маошларини оширилишига йўналтирилиб, мамлакатда илмий ташкилотларнинг моддий техника баъзасини ривожлантиришга етарли маблағлар ажратилмасдан қолаётти.

Охириги йилларда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни ўзаро боғлайдиган мустақкам механизм босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда. Мамлакатимиз ривожланишида илм-фаннинг родини кучайтиришга қаратилган ислохотларнинг амалий натижаси сифатида 2017-2020 йилларда қатор илмий, таълим ва инновацион ташкилотлар (тузилмалар) ташкил этилди. 32 та илмий-инновацион тузилмалар (6 та технопарклар, 8 та илмий марказлар ва 18 та илмий-тадқиқот институтлари) ҳамда янги 29 та олий таълим муассаслари ва уларнинг филиаллари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, 2017-2020 йилларда Президент Фармон ва қарорларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларида, тегишли баёнларда Инновацион ривожланиш вазирлигига илмий фаолиятга оид дастурлар доирасида лойиҳаларни шакллантириш ва молиялаштириш юзасидан жами 74 та янги устувор топшириқлар белгиланган. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, янги илмий ташкилотларнинг илмий фаолият билан шуғулланишларини таъминлаш ва янги устувор топшириқларни сифатли бажарилиши учун илмий фаолитга оид давлат дастурлари учун ҳозирда кўзда тутилган маблағларга қўшимча маблағлар жалб қилиниши зарур. Бунинг ечими сифатида авваламбор, хорижий мамлакатлар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш кенгайтирилмоқда. Халқаро илмий ҳамкорликлар доирасида Германия, Россия ва Беларуссия билан жами 9,6 млрд сўмлик 38 та қўшма илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Евроосиё ҳамжамияти, Туркия, Хитой ва Ҳиндистон давлатлари билан қўшма лойиҳаларга танловлар ташкил қилинди.

Илмий фаолиятга хусусий сектор маблағларини жалб қилиш мақсадида, илмий лойиҳаларни хусусий сектор ва тармоқ ташкилотлари билан тенг шерикликда молиялаштириш амалиёти йўлга қўйилиб, илмий фаолиятга оид дастурларни молиялаштиришга хусусий сектор ва тармоқ корхоналарининг 30 млрд сўм қўшимча маблағи жалб қилинмоқда. Илмий фаолиятга халқаро ташкилотлар инвестицияларини оқимини кенгайт-

тириш учун, жами 219 млн АҚШ доллари миқдоридagi халқаро техник кўмак ва грантлар жалб қилиш бўйича 21 та лойиҳа танлаб олинди, донор ташкилотлар билан мақсадли музокаралар ўтказилмоқда.

Илмий-инновацион лойиҳаларни қўшимча молиялаштириш мақсадида Жаҳон банкининг Ўзбекистонда миллий инновацион тизим шакллантиришга ажратиладиган 50 млн АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли заём маблағларини жалб қилиш юзасидан келишувга эришилди. Лойиҳа 2011 йил давомида ишга туширилиб, илмий фаолиятга оид лойиҳалар халқаро талабларга кўра шакллантирилади, халқаро экспертлар томонидан баҳоланади ва молиялаштиришга танлаб олинади. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясига мувофиқ 2021 йилдан илм-фан ва инновация соҳасига ажратилган молиялаштириш ҳажмини ЯИМ га нисбатан 0,8 фоизга етказиш бўйича қатор амалий ишлар устида иш олиб борилмоқдаки, бу кейинги йилларда илм-фанни ривожланишида ва Ўзбекистонни Глобал инновацион индекси халқаро рейтинги поғоналарида юқорилаб боришида катта аҳамият касб этади.

Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ўтказилаётган лойиҳалар танловларида бир нечта илмий-тадқиқот муассасаларининг салоҳиятини жалб қилган ҳолда иқтисодиёт тармоқлари ёки ижтимоий соҳадаги мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Пахта майдони агрофонини шакллантириш ва кластер асосида пахта хомашёсини машина орқали бир теримда йиғиб олиш учун техник воситаларнинг таянч тўпламини ишлаб чиқиш” мавзусидаги инновацион лойиҳа бир пайтнинг ўзида 12 та илмий-тадқиқот муассасаси олимларининг илмий салоҳиятини бир жойга жамлаган ҳолда бажарилмоқда. Мазкур лойиҳада пахта экиш учун ер тайёрлашдан тортиб ҳосилни бир теримда йиғиб олишгача бўлган жараёнлар учун техник воситалар тўплами яратилади, ушбу жараёнларни амалга оширувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлаш масалалари ҳам қамраб олинган.

“Персоналлаштирилган кишлоқ хўжалиги учун янги авлод навларига мос биостимуляторлар, биоўнитлар ва ҳимоя воситаларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа Фанлар академиясининг Биоорганик кимё, Геномика ва биоинформатика маркази ҳамда Кишлоқ хўжалиги вазирлигининг Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтлари олимлари ҳамкорлигида бажарилмоқда.

Яна бир муҳим масала – ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи ва нуфузи ошириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилаётган “Ўзбек тилида нейминг: меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида ишлаб чиқа-

риш, савдо объектлари, компания, фирма, маҳсулотларга ном қўйиш жараёнини энгиллаштириш, миллий анъаналаримиз ва менталитетимизга ёт номлар берилишининг олдини олиш, “Давлат тили ҳақида”ги Қонун ижросини таъминлаш юзасидан услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилиб, номлар захираси яратилди. Университетда “Ўзбекча номлаш лабораторияси” ҳамда интернет тармоғида тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар учун uznom.uz сайти фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу сайт орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи кишиларга фирма, корхоналари, савдо объектлари, ишлаб чиқарган маҳсулотлари учун миллий номлар тақдим этилмоқда.

Ҳозирги вақтда республикамызда 300 га яқин илмий ва олий таълим муассасалари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, илмий-ишлаб чиқариш корхоналари, кичик инновацион марказлар ва бошқа илмий-техникавий тузилмалар грант асосида илмий лойиҳаларни бажаришда иштирок этмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон олимлари томонидан фундаментал фан ва унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш борасида бир қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Табiiй фанларнинг асосий соҳалари – астрономия, физика, математика, кимё, биология, фармацевтика, геология, сейсмология ва бошқа жабҳаларда жаҳон миқёсида қизиқиш уйғотаётган натижаларга эришилди. Иқтисодиётнинг минерал хомашё ресурсларини чиқиндисиз ва самарали қайта ишлаш, қуёш энергетикаси ва бошқа қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологиялари, кимё ва биотехнология, генетика, экология, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, фармакология, тиббий диагностика каби ҳаётий муҳим тармоқларида маҳаллий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Ижтимоий-гуманитар фанлар – тарих, археология, шарқшунослик, Ўзбекистон халқлари маданий мероси, тилшунослик ва адабиётшунослик, санъатшунослик ва бошқа соҳаларда ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Фундаментал тадқиқотлар натижасида тўпланган янги билимлар олимларнинг амалий ва инновацион ишланмаларида ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, юртимизнинг йирик кимё ва нефть-кимё корхоналарида маҳаллий инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқариш ташкил этилди. Натижада импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди (ўғитлар, дефолиантлар, ўсиш стимуляторлари, юқори маркали авиация ёқилғиси ва бошқалар).

Бир қатор радиоизотоплар технологияси яратилди ва уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистондаги даволаш муассасалари ушбу дори воситалари билан таъминланди ва уларни экспорт қилишга ҳам эришилди. Дунёда биринчи бўлиб ген-нокаут технологияси ёрдамида пахтанинг бир

қатор фойдали хусусиятларга эга бўлган ноёб трансген нави (“Порлок” серияси) яратилгани мамлакатимиз пахтачилигидаги энг йирик илмий ютуқ бўлди. Селекционер олимлар мамлакатимизнинг турли иқлим худудларида ғўзанинг 20 та янги маҳаллий навларини районлаштиришга эришдилар.

Ўттиздан ортиқ номдаги янги маҳаллий дори воситалари яратилди ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Улар ҳозирги кунда ички эҳтиёж учун истеъмолга чиқарилмоқда, айримлари эса хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Таъкидлаш жоизки, амалий тадқиқотлар лойиҳалари иқтисодиёт тармоқларида кейинчалик ўзлаштирилиши учун инновацион таклифлар тўпламини тўлдириб бориш учун ўзига хос манбадир. Илмий-техник ишларнинг инновацион дастурларининг вазифаси ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш, инновацион маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорларга чиқишини таъминлашдан иборат.

Юқорида тилга олинган биринчи галдаги вазифаларни амалга ошириш, илм-фан ва технологияларни ривожантириш мақсадида фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларни бажариш иқтисодиёт тармоқларидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, илмий асосга эга рақобатбардош, юқори самарали технологияларни иқтисодиёт тармоқларига жорий қилиш имконини беради.

Кўрииб турганидай, мамлакатимизда янги даврнинг пойдевори бўлмиш жуда кенг миқёсдаги янгича сифат ва қудратга эга замонавий инновацион тизимларни яратиш жараёнлари давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари назарда тутган Учинчи ренессанс – мамлакатимизда илм-фан тараққиётининг, иқтисодиёт ва жамиятнинг, халққа хизмат қилиш ва кишиларни рози қилишдай эзгу ният билан амалга оширилаётган барча ютуқлар – кишиларимиз ва ёшларимиз ақлу заковатининг, иқтидор ва истеъдод қувватининг ёрқин тантанаси бўлади.

Аввалги иккала Ренессанс мустаҳкам маънавий-мафкуравий негизда, биринчи галда юксак ахлоқийлик, адолат, илмга ташналик ва бағрикенглик асосида юз берган. Ислоҳ халоллик ва тўғрилиқни, инсоф ва адолатни, илм ва амалий фаолликни ҳамма нарсдан устун қўйган. “Илм излаб Чинга бўлсада, бор” ва кўплаб шу каби ҳадислар, нақллар аждодларимизнинг ижтимоий мўлжалига айланган эди.

“Байтул ҳикма”да 40 дан ортиқ таржимонлар қадимги юнон тилидан, 14 нафар таржимон санскрит тилидан, 4 нафар таржимон Хитой тилидан илмий, тиббий ва фалсафий асарларни арабчага ўтирган. Бундан ташқари, лотин, сурёний, иброний тиллардан таржимонлар бўлган. Илмий ҳақиқат диний мансублиқдан устун қўйилган. Бу асар маъжусий-ларники, буниси кофирларники деб инкор қилинмаган. Аждодларимиз тил ўрганиб, илм

ортидан дунёни кезган. Махдудлик қобигига ўралиб қолмаган, турғунлик, маҳаллийчилик уларга ёт бўлган.

“Байтул ҳикма”, Хоразм Маъмун Академияси, умуман, ислом олами олимлари фаолияти ўша даврдаги халқаро илмий интеграциянинг энг ёрқин намунасидир. Биринчи ва иккинчи Ренессансларнинг маънавий асосларини ва сабабларини ҳамда кейинги инқирозини чуқур ўрганмасдан, биз Учинчи Ренессансни муваффақиятли амалга ошира олмаймиз. Бугун ҳам бизга ғоявий ва илмий толерантлик (бағрикенглик), илмга, ҳақиқатга ташналик, ғоявий мутаассибликни тамомила инкор этиш хос бўлмоғи лозим.

Юқоридагилардан аёнлашмоқдаки, Учинчи Ренессанс биздан халқаро ҳамжамиятга илм-фан, технологиялар, ахборот, маданият ва иқтисодиёт соҳаларида янада чуқурроқ интеграция бўлишини талаб этади. Аммо ўз-лигимизни, тилимизни, миллий хусусиятларимизни, маънавиятимизни сақлаб қолишимиз шарт. Бу эса таълим-тарбия тизимига жиддий эътибор қаратишни билдиради.

Ёшларни билим ва малакали этиб тарбиялаш, жаҳон тараққиётига мос мутахассислар тайёрлаш мақсадида таълим тизими изчил ривожлантирилмоқда. Олий таълим соҳасидаги дастлабки ислохотлар, аввало, қамровни ошириш, институт ва университетларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, профессор-ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилди. Жумладан, охириги 3 йилда олий таълим муассасалари сони 65 тадан 117 тага етди, қабул ўринлари 66 мингтадан 181 мингга ошди. Уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Хорижий мамлакатлар билан қўшма таълим дастурлари доирасида 64 та янги касб бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Профессор-ўқитувчиларнинг маоши ўртача 3,5 бараварга оширилди. Лекин сифат борасида ўзгаришлар ҳали сезилмаяпти. Таълим сифатини яхшилаш, ўқув ишларини бозор эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этиш масаласи Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ректорларнинг эътиборидан четда қолиб кетмоқда. Масалан, бугунги кундаги 815 та йўналишнинг 55 фоизи меҳнат бозори талабларига жавоб бერмайди. Олий таълим муассасалари 2 мингга яқин фанлар бўйича дарсликлар билан таъминланмаган, ўқув дастурлари бундан 40 йил олдинги фан ва йўналишлар асосида тузилган. Бундан ташқари, тизимда коррупция ҳолатлари жуда кўп.

Умуман, ўтказилган сўровларда аҳолининг 65 фоизи олий таълимдаги ислохотлар натижаси сезилмаётганини айтган. Шу боис, йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳадаги 4 та устувор вазифани кўрсатиб ўтди:

**Биринчиси** – олий таълим муассасалари бошқарув кенгашларининг ролини ошириш ва кафедралар ваколатларини кенгайтириш.

**Иккинчиси** – ўқув жараёнини бозор талабларига мослаштириб, ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ва талабанинг ўз устида ишлаши учун муҳит яратиш.

**Учинчиси** – олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш.

**Тўртинчиси** – профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қоғозбозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш.

Бу вазифаларни самарали бажариш учун олий таълим муассасаларига академик ва ташкилий-бошқарув бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилиши таъкидланди. Яъни, бундан буён, ўқув режаси ва адабиётлар, фан дастурларини жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламаси ҳамда таълим шакллари белгиланган олийгоҳ бошқарув кенгашининг ўзи ҳал қилади. Энди ҳар бир кафедранинг фаолияти унинг илмий салоҳияти ва ёшларни селекция асосида илмий фаолиятга жалб этиш кўрсаткичларига қараб баҳоланади. Бунинг учун нуфузли хорижий нашрларда мунтазам мақолалар чиқариб келаётган, шунингдек, шогирдлари илмий ишларини ўз вақтида ва сифатли ҳимоя қилган илмий раҳбарларга 5 тагача докторант ва 3 тагача мустақил изланувчи олиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, ҳар бир кафедранинг бир нафардан ёш олимани хорижга стажировкага юбориш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасалари ректорларига кафедралар ҳузурида илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиб, уларни ўқув-лаборатория жиҳозлари ва зарур техника билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Ҳар бир кафедранинг тармоқ корхоналари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ўқитувчиларнинг корхоналарда амалий тадқиқотлар ўтказишига шароит яратиш зарурлиги таъкидланди. Олий таълим йўналишлари билан замонавий эҳтиёжлар ўртасида узилиш жуда катта экани танқид қилинди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида 40 мингта, саноатда 38 мингта, қурилишда 12 мингта, қишлоқ хўжалигида 10 мингта, алоқа ва ахборот технологияларида 4 мингта олий маълумот талаб этадиган бўш иш ўринлари бор. Лекин битирувчилар сон жиҳатидан ҳам, малака бўйича ҳам бу талабни қондира олмади. Шу боис, мутасаддиларга давлат таълим стандартларини халқаро стандартларга мослаштириш, барча олий таълим муассасаларида ўқув жараёнларини кредит-модул тизимига ўтказиш бўйича топшириқ берилди. Ўқитилаётган фанларни мазмунан қайта кўриб чиқиб, ортиқча такрорланишларни қисқартириш, бўшаган дарс соатлари ўрнига мутахассислик фанларни кўпайтириш ҳамда талабаларга мустақил илмий изланиш учун имконият яратиш кераклиги таъкидланди. Олий маълумот талаб қиладиган касбларни опти-

маллаштириб, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур янги касблар билан тўлдириш вазифаси қўйилди.

Маълумки, халқаро тажрибада илмий салоҳият 70 фоиздан кам бўлса, бундай университет нуфузли ҳисобланмайди. Юртимизда бу кўрсаткич жуда паст. Мисол учун, 24 та олий ўқув юртининг илмий салоҳияти 25 фоизга ҳам бормайди, 19 тасида бирорта профессор ва фан доктори йўқ. Сўнгги 30 йилда атиги 208 нафар профессор-ўқитувчи хорижда илмий даража олган.

Шу боис, Президентимиз келгуси йилдан докторантурага квоталар сонини 2 баравар кўпайтириш, кейинги йиллардан ҳар йили 50 фоизга ошириб боришга кўрсатма берди. Бунинг учун ҳар йили бюджетдан қўшимча 100 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Бундан ташқари, ҳар бир тармоқ ўз соҳасига тегишли олийгоҳларга докторантлар квоталари учун яна 10 миллиард сўмдан ажратади. Хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётларни тўғридан-тўғри харид қилиш, олий таълим муассасалари фондидаги 4 миллионга яқин адабиётларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш зарурлиги қайд этилди. Барча кутубхоналарни ягона тизимга улаб, талаба ва тадқиқотчилар учун туну кун фойдаланиш имкониятини яратиш, плагиатни бартараф этадиган ахборот дастурларини жорий қилиш вазифаси қўйилди. Олий таълим муассасаларида бюрократия ва коррупция хавфи кўплиги, бунга чек қўйиш учун ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги таъкидланди.

## ? ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Марказий Осиёнинг умумий маданияти қайси субмаданиятлар йиғиндисидан иборат эди?
2. IX–XII асрларда Марказий Осиёнинг маданий ривожланишининг эътиборли жиҳатлари нимадан иборат эди?
3. Ренессанс даври мутафаккирларининг ўзига хос жиҳати нималарни ўз ичига олади?
4. Қомусий билимга эга бўлишининг ренессансга алоқадорлиги борми?
5. Шарқ ва Ғарбдаги уйғонши даврининг фарқли томонлари нимада?
6. Нима сабабдан Темур ва темурийлар давридаги маданий юксалиш ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ?
7. Темурийлар даврида тасаввуф таълимоти кенг қўлоч ёйиши илм-маърифатни ривожланишига ўз таъсирини кўрсатдимми?
8. XIV–XV асрларда Мовароуннахр ва Хуросонда илм-фаннинг қайси соҳаларида юксалиш юз берди?
9. Инновацион иқтисодиётни ривожланиши учунчи ренессансга таъсир кўрста оладими?
10. Ўзбекистоннинг 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати таркибига кириши нима учун зарур деб ҳисоблайсиз?



## TEST SAVOLLARI

1. Энг қадимги савдо йўлларининг учинчиси ва энг каттаси ..... деб номланади ва 12 минг км. масофага чўзилган.

- |                     |                   |
|---------------------|-------------------|
| A. “Буюк Ишак йўли” | Б. “Ложувард йўл” |
| C. «Шоҳ йўли»       | Д. «Буюк йўл»     |

2. “Ренессанс” сўзининг маъноси

- |                    |                |
|--------------------|----------------|
| A. “Қайта туғилиш” | Б. “Юксалиш”   |
| C. “Янгилашиш”     | Д. “Улуғланиш” |

3. Иккинчи Шарқий Ренессанс даври –

- |                  |                     |
|------------------|---------------------|
| A. XIV-XV асрлар | Б. XV-XVI асрлар    |
| C. IV-VII асрлар | Д. XVI-XVIII асрлар |

4. Марказий Осиёда Биринчи Ренессанс даври –

- |                   |                     |
|-------------------|---------------------|
| A. IX– XII асрлар | Б. XV-XVI асрлар    |
| C. IV-VII асрлар  | Д. XVI-XVIII асрлар |

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, илм-фан соҳаларига сафрфланаётган жами ҳарajatлар 2019 йилда неча фоизга ошган?

- |       |       |
|-------|-------|
| A. 14 | Б. 20 |
| C. 10 | Д. 16 |

6. 2017-2020 йилларда неча янги олий таълим муассаслари ва уларнинг филиаллари очилди?

- |       |       |
|-------|-------|
| A. 29 | Б. 21 |
| C. 31 | Д. 26 |

7. 2017-2020 йилларда Жаҳон банки Ўзбекистонда миллий инновацион тизим шакллантиришга қанча маблаг ажратган?

- |       |       |
|-------|-------|
| A. 50 | Б. 60 |
| C. 40 | Д. 70 |

8. Селекционер олимлар мамлакатимизнинг турли иқлим ҳудудларида ғўзанинг неча янги маҳаллий навларини районлаштиришга эришдилар?

- |       |       |
|-------|-------|
| A. 20 | Б. 30 |
| C. 10 | Д. 25 |

8. 2017-2020 йилларда неча илмий-инновацион тузилмалар ташкил этилди?

A. 32

Б. 30

C. 26

Д. 28

9. Лойхлар неча усулда шакллантирилади?

A. 3

Б. 4

C. 2

Д. 6

## ГЛОССАРИЙ

**Аграр муносабатлар** – ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

**Агробизнес** – тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳалардаги намоён бўлиш шакли.

**Агросаноат интеграцияси** – қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёни.

**Агросаноат мажмуи (АСМ)** – халқ хўжалигида қ. х. хомашёсидан аҳолининг озик-овқат ва халқ истеъмоли товарларига бўлган эҳтиёжларини таъминлашда ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатадиган тармоқлар, корхоналар, фаолият турлари мажмуи.

**Акциядорлик жамияти** – устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти.

**Ақлий (интеллектуал)** инвестициялар – мулкый ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар ақлий меҳнатга оид шаклидаги инвестициялар ва табиий ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялар.

**Аҳолининг бандлиги** – Ижтимоий ишлаб чиқаришни фуқаролик секторида банд бўлган ва мамлакат қонунчилиги томонидан аниқланган нормаларга мос равишда ҳисобга олинadиган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли.

**Бандлик даражаси** – Бандлар умумий сонини меҳнатга лаёқати ёшдаги аҳоли сонига нисбати.

**Банк назорати** – давлат томонидан банк-молия тизимининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, омонатчилар, кредиторлар ва миқозларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолият йўналиши ҳисобланади. Банк назорати тизими эса, давлат томонидан макроиқтисодий барқарорлик, банк-молия тизими барқарорлиги, унинг ишончилигини таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган тизим ҳисобланади.

**Банк тизими** – ташкилий тузилма сифатида йирик тизим бўлиб – мамлакатнинг иқтисодий тизимига киради. Бу шуни билдирадики, банкларнинг фаолияти ва ривожланишини моддий ва номоддий немадларни ишлаб чиқариш, муомала

ва истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш зарурдир. Банк тизими – бу мамлакат ҳудудида тарихан шаклланган ва қонун билан мустаҳкамланган кредит ташкилотларининг фаолият кўрсатиш шаклидир.

**Бозор** – ишлаб чиқарувчи (сотувчи)лар ва истеъмолчи (харидор)лар ўртасида маҳсулот ёки хизматларни пул воситасида айирбошлаш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар мажмуаси.

**Бозор конституцияси** – бозорда битимларни амалга ошириш ва унда мувозанатга эришиш имконини берувчи хатти-ҳаракатларнинг ўзаро шартланган нормалари йиғиндисини ташкил этади.

**Бюджет даври** – Бюджетни ижро этиш жараёнини амалга ошириш вақти.

**Бюджет даромадлари** – Давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ихтиёрига бегараз ва қайтаришсиз тартибда келиб тушувчи пул маблағлари.

**Бюджет тақчиллиги** – давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан устун бўлиши.

**Бюджет тақчиллиги (дефицити)** – давлат бюджети харажатларининг даромадларидан ошиши.

**Бюджет харажатлари** – бу давлатнинг вазифалари ва функцияларини молиявий таъминлаш учун давлат бюджетидан сарфланадиган пул маблағларидир.

**Бюджет харажатлари** – Давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари вазифалари ва функцияларини молиялашга йўналтириладиган пул маблағлари.

**Бюджетларaro трансфертлар** – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига, давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган маблағлар.

**Бюджетларнинг солиқдан ташқари даромадлари** – Давлатнинг иқтисодий фаолияти ёки олинган даромадларни бюджет тизимининг даражалари бўйича қайта тақсимлаш натижасида ҳосил бўлади.

**Бюджетни прогноз қилиш** – Бу юзага келган тенденциялар, муайян ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ва истикболни баҳолаш асосида бюджетни ривожлантиришнинг оптимал йўллариини ишлаб чиқиш ва асослашдан ва шу асосда уни мустаҳкамлаш юзасидан тақлифлар бериш демакдир.

**Бюджет-солиқ сиёсати** – Бюджет сиёсатида бюджет харажатлари ва даромадларини шакллантирган ҳолда уч хил бюджет сиёсати юритилади. Бюджет харажатлари, трансфер харажатлари шаклидаги харажатлар. Даромадлар эса уч ман-

бадан келиши мумкин: солиқлардан, хазина томонидан чиқарилган қимматбаҳо қоғозларнинг сотилишидан ва маълум қисми марказий банки эмиссияси ҳисобига. Шунга кўра давлат харажатлари ва даромадларни бошқариш орқали бюджет сиёсати юритилади.

**Валюта** – маълум бир давлатнинг қонун билан ўрнатилган пул воситаси (миллий валюта), бир ёки бир неча етакчи мамлакатларнинг валютаси кўринишидаги жаҳон резерв пуллари, Халқаро валюта фонди ва Европа валюта тизими аъзолари томонидан кўп томонлама ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган халқаро валюта бирликлари.

**Валюта курси** – мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси.

**Давлат божи** – юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўловдир.

**Давлат бюджети** – асосан давлат (шаҳар, туман, муассаса, ташкилот ва бошқалар) нинг маълум муддатдаги (йил, квартал, ой) даромадлари ва харажатларининг пул ҳисоби.

**Давлат бюджети** – бу мамлакатнинг ўз пул даромадлари ва харажатлари рўйхатини ўзида ифодаловчи асосий молиявий ҳужжат (режа)дир.

**Давлат корхонаси** – давлат мулкидаги, ўзига тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулк негизида ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилоти, у ўзига биркитилган мулкдан қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдорнинг (ёки унинг топшириғига кўра у ваколат берган давлат органи – муассиснинг) топшириқларига ҳамда эгалик қилиш ҳуқуқидаги мулкнинг мақсадига мувофиқ мулкдан фойдаланишни ва уни тасарруф этишни амалга оширади.

**Давлат мулки** – мулкчилик шаклларида бири, давлатга қарашли ва унинг ўз вазифаларини бажариши учун зарур барча мол-мулклар ва мулккий ҳуқуқлар.

**Давлат тасарруфидан чиқариш** – давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, оммавий мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш;

**Давлат ташқи қарзи** – давлатнинг аҳоли, фирма, ташкилот, банклар, хорижий молия-кредит муассасалари олдидаги қарз мажбуриятлари.

**Давлат унитар корхонаси(ДУК)** – мулк эгаси (давлат) томонидан ўзига биркитиб берилган мулкка эгалик ҳуқуқи берилмаган, аммо мулкдан хўжалик юришти учун оператив бошқарув ҳуқуқи берилган тижорат ташкилоти кўринишидаги давлат ёки маҳаллий бошқарув идоралари корхонаси.

**Диверсификация** – юқори қўшилган киймат ўсиш динамикасини таъминловчи ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар ассортиментининг ошиши ва кенгайиши жараёнидир. Диверсификация жараёни иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан бевосита уйғунлашган.

**Диверсификация стратегияси** – корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденциялардан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Диверсификация стратегияси – корхоналарда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкин.

**Дирекция** – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қарорларига асосан КСЗ фаолиятини тезкор бошқариш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган давлат муассасаси шаклидаги ягона дирекция.

**Доимий муассаса** – норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда, норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, шу жумладан, фаолиятни ваколатли шахс орқали амалга ошираётган ҳар қандай жой эътироф этилади. Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай кетма кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида бир юз саксон уч календарь кунидан ортиқ давом этадиган тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши ҳам эътироф этилади.

**Дотация** – бюджет тизими бюджетларига уларнинг ўз даромадлари етишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун қайтармаслик шarti билан ажратиладиган пул маблағлари.

**Ер участкаси** – ер фондининг аниқ чегараси, майдони, жойлашган жойи, ҳуқуқий режими ва давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа тавсифларига эга қисми.

**Жамиятнинг эҳтиёжлари** – бу мураккаб, динамик тизим бўлиб, у куйидаги кичик тизимлардан таркиб топган: а) моддий неъматларга бўлган эҳтиёж; б) номоддий эҳтиёжлар.

**Жаҳон банки** – ўзаро бир-бири билан боғлиқ бешта институтдан таркиб топган кўп томонлама кредит ташкилоти.

**Жаҳон бозори** – моддийлаштирилган ва моддийлаштирилмаган кўринишидаги ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол

боскичларни ўз ичига олувчи ХИМ субъектлари (миллий ва ҳудудий иқтисодиётлар, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар)нинг ўзаро иқтисодий таъсирлашиш глобал муҳити.

**Жаҳон савдо ташкилоти** – халқаро савдони институционал ва ҳуқуқий асосини ташкил этувчи мустақил давлатлараро ташкилот.

**Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация** – солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги ёзма аризасидан иборат бўлади.

**Ижарага берувчи** – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги КСЗни бошқариш дирекцияси.

**Ижарачи** – инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкаси ва/ёки ишлаб чиқариш майдонларини узоқ муддатга ижарага олган КСЗ иштирокчиси.

**Ижтимоий инфратузилма** – одамлар яшаш ва турмуш фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган соҳалар.

**Ижтимоий камбағаллик** – бу ишга лаёқатсизлик, ногиронлиги бўлган, касал-мандлардан иборат бўлиб, уларнинг руҳий ва жисмоний заифлиги сабабли даромад олмаслиги ҳолатини баҳолаш орқали аниқланади.

**Ижтимоий танлов назарияси** – улар ёрдамида инсонлар ҳукумат муассасаларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланувчи турли усулларни ўрганувчи назария.

**Импорти мақбуллаштириш** – импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш ҳамда импортни тариф, нотариф бошқариш ва бошқа чоралар билан тартибга солиш орқали товарлар (ишлар, хизматлар) импортини мақбуллаштириш;

**Иқтисодиётдаги маъмурий тўсиқлар** – давлат органларининг қарорлари билан белгиланган, уларга амал қилиш бозорда фаолият юритишнинг мажбурий шarti ҳисобланган, бюрократик тартиботларни ўташ учун одатда бюджетга тушмайдиган тўловларни жорий этувчи қоидалар.

**Иқтисодий иттифоқ** – иқтисодий интеграциянинг олий кўриниши, у умумий ҳуқуқий меъёрлар, солиқ базасини соддалаштирилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ягона стандартларни жорий этиш, ягона валютага ўтиш кабилар билан тавсифланади.

**Иқтисодий камбағаллик** – тўлақонли иш самарадорлигига эга бўлиб, ўзининг ишлаб чиқарган товар ва хизмати эвазига олган даромади фаровонликни таъминлай олмаслиги эвазига баҳоланади.

**Иқтисодий таҳлил** – муайян иқтисодий ҳодисаларни, жараёнларни, ҳаракатларни, натижаларни ўрганиш ва илмий тадқиқ қилишнинг ўзаро ва бир-бирига боғлиқ усуллари.

**Иқтисодий таҳлил** – ўтмиш ва ҳозирги давр тўғрисидаги ахборотни баҳолаш сифатида иқтисодий ишнинг мустақил унсури сифатида кўриб чиқилади.

**Иқтисодий ўсиш** – реал миллий даромаднинг ёки реал миллий даромадни (маҳсулотни) аҳоли жон бошига ўсиши сифатида аниқлаш мумкин.

**Иқтисодий ўсиш** – реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши.

**Импорт** – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини ва технологиясини олиб келиш. У халқ хўжалиги, вақтни тежаш, халқ еhtiёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

**Имтиёзлар** – иқтисодий субъектларга ишлаб чиқариш ёки истеъмол жараёнларини амалга оширишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида турли иқтисодий фаолият (масалан, солиқ тўлаш, божхона божларини тўлаш ва ҳ.к.)лар бўйича қонунан тақдим этилган муайян қулайлик ва енгилликлар.

**Инвестиция** – бу келажакда иқтисодий манфаат кўриш учун тадбиркорлик объектига йўналтириладиган субъект ихтиёридаги вақтинча ортиқча бўлган барча турдаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликлар.

**Инвестиция** – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш. Унинг молиявий ва реал турлари мавжуд.

**Инвестиция лойиҳаси** – иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи.

**Инвестиция мажбурияти** – белгиланган мақсадларга эришиш учун инвестор томонидан қабул қилинадиган мажбурият.

**Инвестиция мажбуриятлари** – инвестиция лойиҳасини амалга оширишда талабгор томонидан қабул қилинадиган, пул билан ифодаланадиган қийматга эга бўлган ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган шаклларда амалга ошириладиган мажбуриятлар.

**Инвестиция муҳити** – иқтисодиётнинг турли даражаларида иқтисодий ресурсларнинг ижтимоий-иқтисодий тармоқ ва соҳаларга киритилиши жараёнларининг самарали ва тўлақонли амалга ошишини таъминловчи шарт-шароитлар мажмуи.

**Инвестиция муҳити** – мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг самарали айланиши зарур бўлган шарт-шароитлар комплекси.

**Инвестиция сиёсати** – бу инвесторларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, имтиёзларини таъминлаш билан бир қаторда иқтисодиёт тармоқларига тегишли асосий фондларни кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришга йўналтириш, солиққа тортиш механизминини ва молия-кредит сиёсатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар йиғиндиси.



**Инвестиция сиёсати** – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ва унинг алоҳида тармоқларида инвестицияларнинг зарур даражасини ва тузилмасини таъминлашга, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция манбаларини топишга ва улардан фойдаланишнинг устувор тармоқларини аниқлашга йўналтирилган инвестициявий фаоллигини оширишга доир ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуи.

**Инвестиция фаолияти** – инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи.

**Инвестициялар** – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, реинвестициялардир.

**Инвестор** – фойда олиш мақсадида инвестиция фаолияти объектларига ўзининг маблағларини ва (ёки) қарз маблағларини ёхуд жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилишни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти.

**Индекслар** – ЯИМ дефляторлари – ЯИМ кўрсаткичларини солиштирма нархларда акс эттириш учун ишлатиладиган индекслар гуруҳи, буларга нархларни агрегат индекси, ЯИМ дефлятори нархлари индекси, истеъмолчи нархлар индекси, шунингдек, махсус ташкил қилинган индекслар киради.

**Индустриал парк** – алоҳида ишлаб чиқариш комплекси бўлиб, ягона ривожланиш конценцияси ва инфратузулмасига эга йўналиш бўйича хизмат кўрсатиш ва самарали ишлаб чиқаришни бошқарув компанияси томонидан таъминланувчи, фаолияти давлат томонидан кафолатланувчи ва имтиёз олиш имкониятига эга минтақа иқтисодиётининг ҳудудий таркиби элементи.

**Инсофсиз рақобат** – ҳўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари;

**Институт** – жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи расмий қоидалар ва норасмий нормалар тизими.

**Институт** – инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий меъёр ва қоидалар.

**Институционал низо** – расмий ва норасмий қоидалар ўртасидаги номувофиклик натижаси. Бир ҳолатда, институционал низо истиқболсиз институтларнинг

пайдо бўлиши, бошқа ҳолатда эса самарасиз бўлса-да барқарор ҳосилалар – институционал тузукларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

**Институционаллаштириш** – индивидлар ўртасидаги муносабатларда жамият аъзоларининг катта қисми томонидан фойдаланиладиган муайян қоидалар ёки нормаларни мустаҳкамлаш.

**Интеллектуаллик коэффиценти** (ингл. intellectual quotient, қисқартма номи IQ) – одамнинг турли тест услублари асосида аниқланадиган ақлий ривожланиш кўрсаткичи, билим савияси.

**Интуитивизм** – бу асосий мезонни интуитив, визуал ва мазмунли ишлантириш деб тан олган математика ва логика асослари ҳақидаги таълимотдир

**Инфляция** – пулнинг қадрсизланиши, муомаладаги пулнинг қадрсизланиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. Инфляция товар баҳосининг очикчасига ва яширин равишда ошиб кетишига олиб келади.

**Инфляция даражаси** – маълум вақт ичида (ой, йил) нарх даражаси фоиз ўзгариши.

**Иш билан бандлик** – бу иктисодий фаол аҳолининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, даромад келтирадиган фаолиятга эга бўлишидир.

**Иш вақтининг қисқартирилиши** – керакли миқдорда иш ҳақи тўланишининг пасайиб, иш ҳафтасининг кичраиши, яъни ишдан бўшатиш ҳолларини камайтириш усуллари билан бири. Вазифа миқдорининг бўлиниши (ўриндошлик) – бир иш жойидаги тўлиқ иш вақтининг, қулайлик учун, икки хизматчига бўлиб берилиши.

**Иш ҳақи** – пул мукофоти миқдори бўлиб, у ёлланма ходимга маълум вақт мобайнида муайян топшириқ, ишлар ҳажми ёки ўз хизмат мажбуриятини бажарганлиги учун тўланади.

**Ишчи кучи** – одамларнинг меҳнат қобилияти, ҳаёт нўматларини ишлаб чиқариш жараёнида у ишга соладиган жами жисмоний ва маънавий кучлар.

**Камбағаллик** – бу инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқиши ва қийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслигидир

**Камбағалликни аниқлашнинг комбинациялаштирилган усули** – алоҳида товарлар ва хизматлар учун стандартларни аниқлаш қийин бўлган ҳолларда қўллан

**Камбағалликни аниқлашнинг меъёрий усули** – инсоннинг асосий физиологик ва ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар тўғрисида аниқлашни, шунингдек, аҳолининг жинси ва ёш гуруҳла-

ри хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда истеъмол қилиш нормалари ва стандартларини ишлаб чиқиш

**Камерал назорат** – солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек, солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир.

**Касаба уюшмаси** – бир касб, тармоқ ёки корхона ходимларининг бирлашмаси бўлиб, иш берувчилар билан касаба уюшманинг барча аъзолари учун ягона меҳнат шартнослари ва иш ҳақини келишишда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун тузилган.

**Кичик бизнес** – одатда ўзининг фаолият юригиш кўламлири жиҳатидан чекланган, хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор мезонларига кўра фарқланувчи бизнес фаолияти субъекти.

**Кичик саноат зонаси** – ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган, аҳоли пункти ҳудудининг ёки аҳоли пунктлариаро ҳудуднинг қонун ҳужжатлари билан муайян мақом берилган ҳамда ҳудуди доирасида хизмат кўрсатувчи инфратузилмага эга бўлган ишлаб чиқариш майдонлари жойлашадиган ва чегаралари аниқ белгиланган қисми.

**Комплаенс назорати** – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилуви, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизим.

**Концепция** – бу глобал мақсадлар ва режа даврида ижтимоий-иқтисодий тизимнинг устувор йўналишларини белгилашда ўз ифодасини топувчи прогнозлар, дастурлар лойиҳалари ва режаларнинг умумий мақсади ҳамда унга эришиш йўллари, шакллари ва усулларини аниқлаш.

**Кооперация** – инсонлар гуруҳининг ҳамкорлиги тури бўлиб, унинг натижасида бирор-бир ресурсдан биргаликда фойдаланиш яқка тартибда фойдаланишдаги-га нисбатан яхшироқ натижаларга эришишга ёрдам беради.

**Корпоратив бошқарув** – бошқарув самарадорлигини ошириш учун барча иштирокчи ўртасида фаол мулоқотни йўлга қўйиш, миноритар акциядорлар салмоғини ошириш орқали мулкни ижтимоийлаштириш, яъни корхона бошқарувида унинг фаолиятдан у ёки бу даражада манфаатдор бўлган ҳар бир шахсни жалб этиш;

**Коррупцияни институционаллаштириш** – қарорлар коррупцияланган сиёсатчилар томонидан хусусий компаниялар манфаатлари йўлида эмас, балки кор-

рупцияланган бюрократик тузилмалар манфаатлари йўлида қабул қилинадиган маъмурий ва сиёсий коррупцияни синтез қилиш.

**Криминал иқтисодиёт** – қонуннинг (биринчи навбатда – Жиноий ва Фуқаролик кодексларининг) тўғридан-тўғри бузилиши ва мулкчиликнинг қонуний ҳуқуқларига тажовуз қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

**КСЗ ишгирокчиси** – Маъмурий кенгашнинг қарори асосида КСЗ ишгирокчиси мақомини олган ва КСЗ ҳудудида ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъекти.

**КСЗнинг лойиҳа-режалаштириш ҳужжатлари** – аҳоли пунктининг бош режаси ёки муайян чегараларда қишлоқ ҳудудини (мавжуд бўлганда) белгиланган тартибда ташкил этишнинг архитектура-режалаштириш лойиҳаси асосида ишлаб чиқиладиган КСЗнинг бош режаси.

**Кутиш назарияси** – ходим сарфлайдиган меҳнат миқдори кутилаётган тақдирлашга боғлиқдир деб уқтирувчи концепция.

**Кўчмас мулк объектлари** – ер участкалари, бинолар ва иншоотлар (шу жумладан, ер ости иншоотлари) ва кўп йиллик экинлар;

**Қадриятлар** – бу нисбатан умумий иқдорлик бўлиб, нима тўғри, нима нотўғри эканлиги билан белгиланади.

**Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаси** – бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи соҳалар.

**Қулай ишбилармонлик муҳити** – бу тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, самарали амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар мажмуи.

**Лавозим йўриқномаси** – ҳар бир лавозим фаолиятини тартибга солувчи ва шу лавозимни эгалловчи ишчига бўлган талабни ўз ичига олувчи ҳужжатдир.

**Лойиҳа ташаббускорлари** – импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар;

**Маҳаллийлаштириш дастури** – тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, хомашё ва материаллар ишлаб чиқаришга йўналтирилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган чора-тадбирлар дастури;

**Маҳаллийлаштириш жараёни** – импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, хомашё ва материалларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) билан боғлиқ жараён;

**Мақсадларга эришишдаги иштирок** – команда ишидаги муваффақиятли натижалари эвазига мунтазам равишда пул мукофотларининг олиниши.

**Марказий Банк** – индикатив режалаштиришда пул-кредит агрегатлари ва пул-кредит сиёсатини асосий йўналишлари бўйича таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини, банк тизими актив ва пассив баланс кўрсаткичларини, монетаризация даражаси бўйича ахборот тайёрлайди.

**Махсус илмий-технологик зона** – инновация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларида илмий ташкилотлар ва илмий фаолият соҳасидаги бошқа ташкилотлар (технологик парклар, технологияларни тарқатиш (технологиялар трансфери) марказлари, инновацион кластерлар, венчур фондлари, бизнес-инкубаторлар ва бошқалар) тўпланган ҳудуд.

**Махсус саноат зонаси** – бошқарув, хўжалик ва молиявий фаолиятнинг алоҳида режими жорий этиладиган ҳудуд. Махсус саноат зоналари зарур маъмурий, илмий-технологик, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани барпо этиш учун ер участкаларини ажратиш орқали шакллантириладиган хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш зоналарини ўз ичига олади. Махсус саноат зонасининг фаолият кўрсатиш қоидалари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**Маҳсулот сифати** – маҳсулотга нисбатан қўйилган халқ эҳтиёжи талабларини қондирилиш даражаси, уларнинг хосса хусусиятлари, ташқи кўриниши, ишлатилишининг қулайлиги.

**Меҳнат бозори** – кишиларга ўз қобилиятлари ва кўникмаларига яраша иш топиш, иш берувчиларга – ташкилотга зарур бўлган ходимларни ёллаш имкониятларини берувчи усуллар, ижтимоий механизмлар ва ташкилотлардир.

**Меҳнат бозори** – мамлакат хужалигида ишчи кучи ҳаракатини тартибга солиб турадиган асосий вазифани бажарувчи, иш берувчилар ва ишчиларга таъсир этувчи динамик тизимдир.

**Меҳнат ресурсларини бошқариш** – ҳокимиятнинг барча тармоқлари ва бошқарувнинг ҳамма даражаларидаги давлаторганларининг аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятидир.

**Меҳнат шартномаси** – иш берувчи ва ёлланма ишчининг шахсий музокаралари натижасида меҳнат мазмуни ва шароити, шунингдек, иш ҳаққи ва уларнинг бошқа мажбуриятлари ҳақидаги келишувидир.

**Меҳнат шартномаси** – ишчилар ва муассаса ишкитлотлар ўртасидаги келишувидир. Бунда ишчи маълум бир мутахассислик лавозимидан келиб чиқиб ишлаб бериш мажбуриятини олади, муассаса ташкилот эса, ишчига иш ҳақи тўлаш ва иш ўрни билан таъминлаш мажбуриятини олади.

**Меҳнат унумдорлиги** – ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилияти.

**Моддий инвестициялар** – бу таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари кирадиган инвестициялар.

**Мол** – мулк – эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш объектлари сифатидаги моддий объектлар, шу жумладан, пул маблағлари, қимматли қоғозлар, улушлар (пайлар, ҳиссалар) ҳамда номоддий объектлар ҳисобланади.

**Молия бозори** – банклар ҳамда бошқа кредит, суғурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади.

**Молия-бюджет сисёати (бюджетлар)** – бу ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган ўз функцияларини бажариш учун молиявий муносабатлардан фойдаланиш ва бюджет тизимини бошқариш бўйича ҳаракатлар ва тадбирлар йиғиндисидир.

**Молиявий инвестициялар** – бу таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлар, депозит сертификатлар, акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда уларга тенглаштирилган бойликлар кирадиган инвестициялар.

**Молиявий режалар тизими** – умумдавлат ва ҳудудий даражаларда молиявий режалаштириш қиймат ифодасидаги моддий ва меҳнат мувазанатини таъминловчи тизим.

**Муаммоларни ташхис қилиш** – бу мақсад билан режалаштиришнинг қандайдир даври учун объектнинг прогноз қилинган ҳолати ҳақидаги тасаввур ўртасидаги фарқларни аниқлаш.

**Муносабатлар** – бу қадриятларни юзага чиқарувчи турли усуллар намоён бўлиши жараёнидир. Бунда шахслар ва гуруҳларнинг ўзаро алоқалари, таъсири юзга чиқади.

**Мутлоқ (абсолют) камбағаллик** – Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган даромад ва тирикчилик минимумини таққослаш йўли билан аниқланади.

**Муҳандислик-техник коммуникациялар** – КСЗ иштирокчиларини электр энергияси, табиий газ, сув таъминоти, канализация, транспорт коммуникациялари ва бошқа хизмат турларига бўлган эҳтиёжини таъминловчи ташқи муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилма.

**Нархлар индекси** – икки ҳар хил вақт оралиғида товар ва хизматларга нархнинг мувазанатини ўзгаришини ақс эттирувчи кўрсаткич.

**Низо** – бу ишлаб чиқаришда, жамиятда ёки шахсий ҳаётда мавжуд бўладиган қарама-қарши мақсадлар, иштиёқлар, фикрлар ва мулоҳазаларнинг тўқнашуви. Ҳар бир одамнинг ўз фикри ва дунёқараши бўлади. Шу туфайли жамиятда ва

меҳнат жамоасида зиддиятлар бўлиб туриши табиийдир. Ундан ташқари, ҳар бир ривожланиш ўзига хос бир қарама-қаршиликдан бошланади.

**Нисбий камбағаллик** – Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган даромад ва камбағалликнинг нисбий чизиги асосида аниқланади.

**Норасмий иқтисодиёт** – иқтисодий фаолиятнинг ошқора турлари, унда харажатларни пасайтириш мақсадида товар ва хизматларнинг қайд этилмаган тарзда ишлаб чиқарилиши ўрин тутади (таъкидлаш лозимки, давлатдан яшириладиган барча фаолият турлари ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солиниши мумкин эмас ва мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг муқобил механизмлари қўлланилишини талаб этади).

**Норезидент** – резидент учун белгиланган мезонларга жавоб бермайдиган шахс Ўзбекистон Республикасининг норезиденти деб эътироф этилади.

**Норма** – институционал муҳитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланиладиган асосий унсур ҳисобланади.

**Озиқ-овқат хавфсизлиги** – мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таъминланиши ва импортга боғлиқликни минимум даражасига эришиши.

**Педантизм** – барча талабларни бажаришда аниқлик, аниқлик.

**Прагматизм** – бу ҳаракат ва амалиёт фалсафанинг асосий принципи сифатида фойдаланиладиган Америка фикрининг оқими.

**Прогрессив солиқ ставкаси** – солиқ объектининг ўзгариши ўз навбатида солиқ ставкасининг ўзгаришига, яъни ошиб боришига олиб келади.

**Рағбатлантириш** – бу ходимни қандайдир таъсир, қайсидир омил орқали ички иштиёкига таъсир этиш билан, ундан ниманидир бажаришга ҳоҳиш ўйғотиш.

**Рақобат** – ҳар қандай бозор механизмини ташкил этувчи ажралмас қисм бўлиб, у кўп миқдордаги эркин харидорлар (иш беручилар) ва иш кучини «сотувчи»ларнинг мавжудлиги ҳамда улар учун меҳнат бозорига эркин кириш ва уни тарқ этиш имкониятини англатади.

**Рақобат муҳити** – иқтисодий субъектларнинг ўз манфаатларини нисбатан тўлароқ намоён этиш, кўпроқ наф ёки фойдага, шунингдек, қулай иқтисодий шарт-шароитларга эришиш мақсадида курашиш ёки беллашув учун яратилган эркин шароит.

**Рақобат** – ҳўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди;

**Рақобатбардошлик** – товар ишлаб чиқарувчиларнинг минимал рентабелликни таъминловчи нарҳда ташқи бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришга бўлган қобилиятидир.

**Рақобатга қарши ҳаракатлар** – рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида хўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги);

**Расмий қондалар** – конституциялар, қонунлар, суд қарорлари, маъмурий ҳужжатлар.

**Регрессив солиқ ставкаси** – солиқ объектининг ошиб бориши билан солиқ ставкаси камайиб бориб, даромад ёки маҳсулот кўплаб ишлаб чиқаришни талаб қилади.

**Регулятив капитал** – банк фаолиятини тартибга солиш ва иқтисодий меъёрлар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида ҳисоблаш йўли билан аниқланган банк капитали;

**Резидент** – резидент юридик шахс Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий солиқ даврида яқунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахс ҳисобланади.

**Ренессанснинг асосий аломатлари:**– тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуғлаш (қ. Гуманизм), унинг истеъдоди, ақлийфикрий имкониятларини юзага чиқариш; антик давр (юнонрум) маданиятига қайтиб, уни тиклаш, бойитиш; черков схоластикасидан қутулиб, адабиёт ва санъатда дунёвий гўзаллик, ҳаёт тароналарини қизгин қуйлаш; инсон эрки, қурфикрлилик учун курашиш. Бунинг натижаси ўлароқ, ижодий қудрат ва тафаккур кучини намоиш этадиган улуғвор бадиий асарлар, салобатли бинолар яратилди, илмфан ривожланди.

**Республика бюджети** – Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва уларга тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнидаги маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда утилади.

**Ресурс** – французча «ressource» сўзидан олинган бўлиб, пул маблағлари, ёрдамчи маблағ, имконият, захира, маблағ ва имкониятлар манбаи, даромадлар манбаи, хомашё деган маъноларни ўзида мужассамлаштиради.

**Риск** – бу маълум мақсадни кўзлаган ҳолда олиб борилаётган фаолият натижасига булган ишончсизлик, баъзан коникарсиз тугаши натижасидаги юқотишлардан иборатдир. Рисклар банк фаолиятида улчаш мумкин булган курсатгичдир ва улар доим банкнинг бажарастган операциялардан олган зарарига, юкотган даромадига тенг булади. Риск ва фойдалилик ўртасидаги богликликга этибор берадиган бўлсак, банк операцияларининг рисклилик даражаси ортган сайин унинг



фойдалилиги ҳам ортиб боради ва аксинча rischi кам жараёнлар ўз навбатида кам даромад берувчи операциялар хисобланади.

**Роялти** – фан, адабиёт ва санъат асарларидан, дастурлар, аудиовизуал асарлардан, саноат мулки объектига, товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), савдо маркасига, дизайн ёки моделга, режага, махфий формула ёки жараёнга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи патентдан (гувоҳномадан) ёхуд саноат, тижорат ёки илмий тажрибага тааллуқли ахборотдан (ноу-хаудан) фойдаланганлик учун тўловдир.

**Савдода энг қулай шароит яратиш режими** – мамлакатлар ўртасида келишилган ҳолда ўрнатилган савдо операцияларининг имтиёзли тартиби.

**Сайёра** – қуёш атрофида айланиб, унинг нурларини акс эттирувчи самовий жисм.

**Солиқ агенти** – юридик ва жисмоний шахслардан солиқни ушлаб қолиш ва давлат бюджетига ўтказиб берувчи юридик шахслар.

**Солиқ агентлари** – зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслар.

**Солиқ базаси** – солиқ объектнинг солиқ ставкаси қўлланиладиган миқдори.

**Солиқ даври** – у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган даврдир.

**Солиқ имтиёзлари** – солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил энгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин.

**Солиқ концепцияси** – бу солиқларни йўналишларини аниқ илмий асосланган ҳолда амалга ошириш ғояларининг яхлитлигидир.

**Солиқ қарзи** – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан, белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялар.

**Солиқ мажбурияти** – солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбурияти.

**Солиқ манбаи** – бу солиқ тўловчининг тўлайдиган солиқлари манбаи, яъни даромади.

**Солиқ механизми** – давлат томонидан солиқ муносабатларини ташкил этиш учун қўлланиладиган (ҳуқуқий база асосида) солиққа тортиш жараёнининг элементлари ва уларни бошқаришнинг йиғиндисини ифодалайди.

**Солиқ объекти** – солиқ тўловчининг солиқ ҳисобланадиган ва солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган даромади, обороти ва мол-мулки тушунилади.

**Солиқ сиёсати концепцияси** – солиқ сиёсати стратегиясига нисбатан, солиқ сиёсати стратегияси эса солиқ сиёсати тактикасига нисбатан барқарор, яъни кам

ўзгарувчан бўлиб, уларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ ҳолда, бир-бирини тўлдириб туради ҳамда яхлит ҳолда солиқ сиёсатинининг моҳиятини ташкил қилади.

**Солиқ сиёсати стратегияси** – муайян узоқроқ муддатга мўлжалланган солиққа оид иқтисодий муносабатларни асосий йўналишлари ва чора-тадбирлар жамланмаси.

**Солиқ сиёсати тактикаси** – белгиланган солиқ сиёсати стратегияси ижросини таъминловчи, тез-тез ўзгариб турувчи сайи-ҳаракатларни билдиради, яъни қисқа муддатли ва кичик масшабли молиявий чора-тадбирларни ҳал қилишга қаратилган йўналишлар мажмуасидир.

**Солиқ солинадиган база** – солиқ солиш объектининг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкаси татбиқан белгиланган кўрсаткичлардаги қиймат, миқдор, физик ва бошқа тавсифларини ифодалайди.

**Солиқ солиш объекти** – солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши юзасидан мажбурият келтириб чиқарувчи мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижасидир.

**Солиқ ставкаси** – объектнинг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёрдир.

**Солиқ тўловчилар** – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларидир.

**Солиқ тўловчининг вакиллари** – қонунга ёки таъсис ҳужжатида мувофиқ солиқ тўловчининг вакили бўлишга ваколатли шахслар.

**Солиқ тўловчининг идентификация рақами** – муайян солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганда унга бир марта бериладиган рақамдир.

**Солиқ ҳисоботи** – солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда солиқ декларацияларини, шунингдек, ҳисоб-китобларга ва солиқ декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган ҳужжати бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда тузилади.

**Солиқ юки** – амалдаги солиқ қонунчилигидан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъект томонидан солиқ юки аниқланаётган ҳисобот даврида ҳисобланган ва тўланган барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, йиғимлар, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ҳамда хўжалик субъекти томонидан солиқ маъмурчилиги харажатларининг умумий йиғиндисини, хўжалик юритувчи субъект фаолияти қаралаётган ҳисобот даврида яратилган қўшилган қийматига нисбати сифатида фоизли тарзда аниқланган кўрсаткичдир.

**Солиққа тортиш бирлиги** – бу объектнинг ўлчов бирлиги. Масалан, даромад ёки мол-мулк солиғида объектнинг ўлчов бирлиги бўлиб унинг сўмдаги баҳоси ифодаланса, ер солиғида ўлчов бирлиги бўлиб кв.м. ёки гектар ҳисобланади.

**Солиққа тортиш предмети** – солиқ солинадиган даромад, оборот, мол-мулк ва бошқаларга бўлган ҳуқуқ эмас, балки уларнинг ўзидир, яъни солиқ солиш объекти бўлиб бирор-бир солиқ предметиға бўлган ҳуқуқ тушунилса, предмет бўлиб ана шу эгалик қилинадиган даромад, ер участкаси, иморат ва бошқаларнинг ўзи тушунилади.

**Солиқлар** – Кодексда белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ёки мақсадли жамғармасига тўланадиган мажбурий бегараз тўловларидир.

**Солиқлар** – миллий даромадни тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир. Солиқ бюджет ва бюджетдан ташқари пул фондларини ташкил этишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

**Сохта иқтисодиёт** – қўшиб ёзишлар, чайқовчилик битимлари, порахўрлик ва пулни олиш ҳамда бериш билан боғлиқ ҳар хил товламачилик ҳаракатлари иқтисодиёти.

**Социум**– жамият.

**Ставка** – солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлак суммадаги миқдорни ифодалайди.

**Субвенция** – муайян мақсадларға сарфлаш шarti билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетға қайтармаслик шarti билан ажратиладиган пул маблағлари.

**Субсидия** – товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни реализация қилишни молиялаштириш ёки биргаликда молиялаштириш ёхуд мақсадли харажатларнинг ўрнини қисман қоплаш учун бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан юридик ва жисмоний шахсларға бериладиган пул маблағлари.

**Субъектив камбағаллик** – Респондентларнинг ўз-ўзини баҳолаши орқали аниқланади.

**Сугурта** – бу юридик ва жисмоний шахсларнинг маълум бир тўлов эвазига сугурта қилинган шахсға бахтсиз ҳодиса туфайли етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини олиш.

**Сунъий интеллект** – бу одамларнинг ахборотни қайта ишлаш механизмлари учун компьютер дастури.

**Тадбиркорлик кодекси** – тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини тўлиқ кодификация қилишни таъминловчи ҳужжатлар мажмуи.

**Ташкилот** – ҳукмронлик муносабатлари, яъни иштирокчиларнинг айримлари – «агентлар» томонидан ўз ҳаракатлари устидан назорат ҳуқуқининг унинг бошқа

иштирокчиси – «принципал»га топширилиши асосида қурилган мувофиқлаштириш бирлиги.

**Ташқи иқтисодий фаолият** – Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти.

**Ташқи таъсирлар (экстерналийлар)** – нархда ўз аксини топмаган қўшимча харажатлар ёки фойдалар. Ижобий ташқи таъсирлар бир иқтисодий субъект фаолияти бошқа субъектлар учун қўшимча фойдаларнинг пайдо бўлишига олиб келган ҳолларда юзага келади, бунда у ишлаб чиқарилаётган неъматнинг нархларида ўз аксини топмайди. Салбий ташқи таъсирлар бир иқтисодий субъект фаолияти бошқа субъектлар учун қўшимча харажатларни келтириб чиқарган ҳолларда юзага келади.

**Технопарк** – материалшунослик, электрон асбоб ва контроллерлар, озуқа ва биологик фаол қўшимчалар, дори воситалари соҳасида тадқиқотлар ўтказиш ва кичик инновацион ишлаб чиқаришлар ташкил этиш мақсадида барпо этилади.

**Технопарк фаолияти** – металлларни қайта ишлаш технологияси, энергия тежамкорлиги, муқобил энергия манбалари ва электрон ўлчов асбоблари, робототехника, машинасозлик ва электроникани ривожлантиришга хизмат қилади.

**Тижорат банки ликвидлиги**–тижорат банкининг ликвидлиги унинг пассив буйича пул шаклидаги уз мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш қобилиятидир. Банкнинг ликвидлиги банк балансининг актив ва пассивларини баланслаштирилганлик даражаси, банк томонидан жойлаштирилган активлар ва жалб қилинган пассивларнинг муддати буйича узаро мослик даражаси билан белгиланади.

**Тижорат банки тўлов қобилияти** – бу бирмунча кенгрок бўлиб у фақатгина активларни тезда пулга айлантириш имкониятларини эмас, балки тижорат банкининг ўз кредиторлари – омонатчилар, банклар ва давлат олдидаги кредит ва бошқа пул характеридаги операцияларидан келиб чиқадиган уз тулов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиғича бажариш қобилиятини ҳам ўз ичига олади.

**Тижорат банклари пассив операциялари** – тижорат банклари томонидан маблағларни жалб қилиш бўйича операциялар, яъни: кредитлар, омонатларни жалб қилиш(депозит, омонат), бошқа банклардан кредит олиш, ўз қимматли қоғозларини чиқариш. Пассив операциялар натижасида олинган мавблағлар бевоcита банк фаолиятининг асоси ҳисобланади.

**Тижорат банкларининг активлари** – бу тижорат банкларининг ресурсларини жойлаштириш ва улардан фойдаланишни ўзида акс этган бухгалтерия балансидан иборат.Халқаро амалиётда активларнинг моҳияти кенг маънода аввал

амалга оширилган операциялар, мол-мулк харид этиш ёки ўз мол-мулкни учинчи шахсларга вақтинча фойдаланишга беришлик натижасида келажакда олинадиган иқтисодий манфаатлар тушунилади. Келажакдаги иқтисодий манфаатлар эса ўз навбатида активларнинг ўз эгаларига ишлаб чиқариш жараёнларидан фойдаланишдаги, мажбуриятларни тўлаб беришдаги ёки мажбуриятларни бошқа активларга алмаштириб беришдаги қобилиятига боғлиқ.

**Товар бозори** – товарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида товарни олиш ёки реализация қилиш имконияти мавжуд бўлади.

**Товарнинг монопол юқори нархи** – товарнинг товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект томонидан белгиланадиган нархи, агар ушбу нарх: бундай товарни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун зарур бўлган харажатлар ҳамда фойда суммасидан юқори бўлса, асоссиз харажатларнинг ўрнини қоплашга ёки товарнинг сифатини пасайтириш натижасида қўшимча фойда олишга йўналтирилган бўлса;

**Трансакция** – шартнома шаклига эга бўлган битим.

**Трансакция харажатлари** – ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар, хусусан, ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш харажатлари, мунозараларни ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш харажатлари, шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва ҳуқуқий ҳимоялаш харажатлари.

**Трансформация дастури** – корхоналарнинг ишлаб чиқариш, харид қилиш, сотиш ва инвестициявий фаолият самарадорлигини оширишга ва маҳсулот сифатини оширишга қаратилган тадбирлар мажмуи;

**Тўғри инвестициялар** – фойда олиш билан биргаликда капитал қўйилаётган объект устидан назоратни таъминлаш ҳуқуқини берувчи капитал қўйилмалари.

**Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари** – чет эллик инвесторнинг ҳукумат кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялари.

**Тўлов баланси** – мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари ва уларнинг бутун боғланишларининг ҳолати таҳлил қилиш имконини берадиган умумлаштирувчи кўрсаткич.

**Туристик корхоналар маркетингининг таргетинг механизми** – туристик маҳсулот тўғрисидаги тижорат ахборотини танланган аудиторияга мақсадли йўналтириш усуллари ва воситалари жамланмаси.

**Туристик корхоналарда маркетинг** – туристик хизматларга талабни шакллантириш ва рағбатлантиришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирлар.

**Туристтик корхоналарда маркетинг-аудити** – туристик корхоналарда тижорат фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларининг профессионал назорат остида мониторинг қилиниши.

**Туристтик корхоналарда персонал бошқаруви** – туристик корхоналарда тижорат фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш жараёнига жалб қилинган профессионал малакага эга ходимлар гуруҳи ишини режалаштириш, таҳлил қилиш ва назорат қилишга йўналтирилган тизимли фаолият.

**Туристтик корхоналарда персонал меҳнати унумдорлиги** – туристик корхоналарда тижорат фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш жараёнига жалб қилинган профессионал малакага эга ходимлар гуруҳи ишининг сарфланган харажатларга нисбатан самарали натижаси.

**Туристтик корхоналарда персонал таркиби** – туристик корхоналарда тижорат фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш жараёнига жалб қилинган профессионал малакага эга ходимлар гуруҳи.

**Туристтик корхоналарда режалаштириш воситалари** – туристик корхоналар миқёсида молиявий оқимлар ҳолати, рақобат устунликларини юзага чиқариш ва кадрлар салоҳияти баланси, янги бозорларга кириб бориш имкониятларининг таҳлилий инструментлари.

**Туристтик корхоналарда режалаштириш усуллари** – туристик корхоналар миқёсида оператив ва стратегик аҳамиятга эга режаларни ишлаб чиқиш жараёнларини ташкил этиш йўллари.

**Туристтик корхоналарда режалаштиришнинг асосий дастаклари** – туристик корхоналар миқёсида режаларни рўёбга чиқаришнинг мавжуд молиявий манбалари, потенциал инвестицион ресурслар ва инсон капитали.

**Туристтик корхоналарда режалаштиришнинг ташкилий механизми** – туристик корхоналар миқёсида иқтисодий жиҳатдан мутаносиб ривожланиш ва ўсиш нуктасини аниқлаш имконини берувчи дастаклар, усуллар ва воситалар мажмуи.

**Туристтик-рекреацион зона** – унда замонавий туристик инфратузилма объектларини (меҳмонхона комплекслари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туристик аҳамиятдаги объектларни), махсус фаолият кўрсатувчи ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини туристларга хизмат кўрсатиш мақсадида зарур шарт-шароитларни таъминлаган ҳолда барпо этишга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ташкил этиладиган ҳудуд.

**Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри** – солиқ тўловчиларга оид давлат маълумотлар базаси тизими.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар** – акцияларининг (улушларининг, пайларининг) ёки устав фон-

дининг (устав капиталининг) камида ўн беш фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар.

**Узоқ муддатли режалаштириш** – инвестициялар ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастурларига маҳсулотнинг муайян груҳига хос бўлган режа горизонтигача муайянлаштиради ва одатда, 10 йилгача бўлган муддатни камраб олади.

**Уй хўжалиги** – инсон капиталини ишлаб чиқаришнинг умумий вазифалари, яшаш, бюджет ва оила-қариндошчилик алоқалари билан бирлашган кишилар гуруҳи.

**Уйғониш даври, Ренессанс** – «Ренессанс» атамаси дастлаб Италиядаги маданиятмаънавий юксалиш (14–16-а. лар)га нисбатан қўлланилган, уни ўрта асрчилик турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолаганлар.

**Умумий бозор** – ишлаб чиқариш омиллари миқдори миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтиши таъминланадиган иқтисодий интеграция кўриниши.

**Устун мавқе** – товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гуруҳининг рақобатлашувчи хўжалик юритувчи субъектларга боғлиқ бўлмаган ҳолда унга ўз фаолиятини амалга ошириш ва рақобатнинг ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, тегишли бозорга бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришини қийинлаштириш ёхуд уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳолат;

**Фоиз ставкаси** – кредит ёки қарз ставкаси капитали эвазига тўловни фоиз кўрсаткичи. Одатда, қарзга олинган пул белгисини бир бирлигига тўғри келадиган йиллик тўловни акс эттиради.

**Халқаро валюта фонди (ХВФ)** – йирик ҳукуматлараро валюта-молия ташкилоти бўлиб, БМТнинг махсуслаштирилган муассасаси сифатида тартибга солиш, маслаҳат бериш ва молия-кредит соҳасидаги вазифаларни бажаради.

**Халқаро иқтисодий муносабатлар** – мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасидаги, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар иштирокидаги хўжалик алоқалари тизими.

**Хизмат доирасини кенгайтириш** – ишчи-ходимларга компаниянинг кундалик ишларида иштирок этишлари учун катта имкониятларнинг берилиши.

**Ходимлар малакасини ошириш** – ходимларни билимини, малакасини, кўникмасини замонавийлаштириш мақсадида уларни тайёрлаш ҳисобланади. Бу касбга бўлган талабнинг ошиши ёки лавозимга боғлиқ бўлади.

**Ходимлар маркетинги** – ходимларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва қоплашга қаратилган бошқарувчиларни фаолиятини бир кўринишидир.

**Ходимлар тизими инқирози** – ходимлар тизимини энг муҳим мақсадлари, функциялари, таркиблари, ишлаш ва ривожланиш шакллари ва усулларининг

чукур бузилиши ва нотўғри йўналиши, унинг натижасида асосий ходимларнинг йўқотилиши ёки йўқотиш хавфи вужудга келиши мумкин.

**Ходимлар тизими стагнацияси** – ходимлар тизимининг айна пайтдаги мақсадлари ва эҳтиёжларига мос келмай ишлаши ва ривожланишининг секинлашиши.

**Ходимларни бошқариш** – ташкилотнинг бошқарув аъзолари, персонални бошқариш тизими бўлимларини бошқарувчиларини ва мутахассисларини аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятидир.

**Ходимларни излаш ва танлаш** – ташкилотнинг бошқарув аъзолари амалага ошрадиган бошқарув циклининг муҳим вазифаларидир.

**Ходимнинг таъсири** – ўз ичига бошқарув усулларини, ишчи иттифокларини тан олиш даражасини, жамоавий келишувчилик усулларини, ходимлар билан маслаҳатлашиш ва жалб қилишни, коммуникация тизимларини ва бошқаларни олади.

**Хорижий инвестициялар** – чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкрий, молиявий, интеллектуал бойликларидир.

**Хулқ-атвор** – бу инсон ҳаракатининг турли шаклларида. Инсонлар у ёки бу вазият тақозасига биноан ўз маданиятини намоён қилди.

**Хусусий мулк** – мулк объектларининг алоҳида шахслар ёки уларнинг муайян гуруҳи томонидан ўзлаштирилиш шакли.

**Хусусий мулкчилик** – индивиднинг жамоавий хўжалик фаолиятдан ажралиб чиқишини ўзида намоён этади.

**Хусусий тадбиркорлик** – хўжалик юриштишининг нодавлат мулк шаклларида асосланувчи тадбиркорлик фаолияти субъекти.

**Хусусийлаштириш** – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олиши;

**Хуфиёна иқтисодиёт** – унда иқтисодий фаолият қонун доирасидан ташқарида амалга ошириладиган, яъни битимлар қонундан, хўжалик турмушининг ҳуқуқий меъёрлари ва расмана қоидаларидан фойдаланилмаган ҳолда амалга ошириладиган соҳа. Хуфиёна иқтисодиёт қуйидаги уч унсурдан таркиб топади:

**Худудий бюджет маблағларини таксимловчи** – ўз тасарруфида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан маблағ олувчи ташкилотларга эга бўлган юридик шахс. шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи



**Чет эл инвестициялари** – чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, реинвестициялар.

**Чет эллик инвесторлар** – чет давлатлар, чет давлатларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари, давлатлар ўртасидаги битимларга ёки бошқа шартномаларга мувофиқ тузилган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъекти бўлган халқаро ташкилотлар, чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ва фаолият кўрсатадиган юридик шахслар, ҳар қандай бошқа ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар, чет давлат фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар.

**Шартнома** – белгиланган институционал доираларда шахсларнинг онгли равишда ва эркин танлови натижаси ҳисобланган мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашуви ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги келишув.

**Шартнома** – бу моддий-буюм шаклидаги товарларнинг олди-сотди келишувини халқаро тижорат амалиётига мувофиқ ҳужжатлашдир.

**Экспорт** – ташқи бозорда товарлар, хизматлар ва капиталларни реализация қилиш мақсадида четга чиқариш.

**Экспорт** – товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қоғозлар, технологиялар ва бошқаларни ташқи бозорга чиқариш.

**Экспорт салоҳияти** – миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорларида рақобатдош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни жаҳон нархлари бўйича етарли ҳажмларда экспорт қилиш қобилияти.

**Электрон аукцион** – харидорни мусобақа асосида аниқлаш бўйича веб-порталда ўтказиладиган савдолар шакли, бунда давлат активнинг олди-сотди шартномасини тузиш ҳуқуқига оммавий тарзда энг катта нархни таклиф этган иштирокчи эга бўлади;

**Эркин иқтисодий зона** – янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этиладиган ҳудуд.

**Эркин савдо зоналари** – эркин савдо зоналари консигнация омборларини, махсус божхона ва солиқ режимлари бўлган ҳудудларни, шунингдек, товарларга ишлов бериш, уларни ўраб-жойлаш, саралаш, сақлаш учун майдончаларни ўз ичига олади. Эркин савдо зоналари чегара пунктларида, аэропортларда, темир йўл

боғламаларида ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа божхона ҳудудларида ташкил этилади.

**Этнометодология** -- бу замонавий маданиятшунослик ва социологиянинг йўналишларидан бири бўлиб, унинг мавзуси турли халқлар ва жамоаларнинг кундалик ҳаётида ташкил этиш, ўзаро таъсирлашиш ва оғзаки мулоқот усулларини ўрганиш ва талқин қилиш усуллари ва тамойиллари ҳисобланади.

**Этноцентризм** – бу ҳаётий ҳодисаларни ўз етник гуруҳи кадриятлари асосида баҳолаш тенденцияси.

**ЯИМ** – Ялпи ички маҳсулот. Муайян мамлакатда бир йил мобайнида ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг пировард қиймати.

**Якка тартибдаги тадбиркор** – тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахсдир.

**Қўшимча маҳсулот** – соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортикча қисми, яъни қўшимча иш вақтида қўшимча меҳнат билан яратилган маҳсулот.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги 604-сонли Қонуни.
  2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. ЎРҚ-599-сон, 2019 йил 30 декабрь.
  3. “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2019 йил 13 августдаги №ЎРҚ-552 сонли қонуни.
  4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида. ЎРҚ-589-сон, 2019 йил 9 декабрь.
  5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида. ЎРҚ-657-сон, 2020 йил 25 декабрь.
  6. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни. 2019 йил 18 июль.
  7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Янги таҳрири. 2020
  8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. “Халқ сўзи” газетаси // 2016 йил 3 декабрь сони.
  9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. – <https://lex.uz/docs/3107036>
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида. 2017 йил 5 май, ПФ-5037-сон. – <https://lex.uz/docs/3193118>

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)).

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли Фармони

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари гўшлари. – Тошкент, 2017.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 06/18/5296/0534-сон).

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)).

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сонли «Инфляция таргетлаш режимида босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2019 й., 06/19/5877/4036-сон).

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)).

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида. ПФ-5755-сон, 2019 йил 27 июнь.

18. “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2019 йил 05 январь, ПФ-5611 сон.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида. ПФ-5969-сон, 2020 йил 19 март.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПФ-5978-сон, 2020 йил 3 апрель.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПФ-5986-сон, 2020 йил 27 апрель.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5978-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил 3 апрель, ПФ-5978-сон. –

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил 18 май, ПФ-5996-сон. – <https://lex.uz/docs/4815474>

2020-2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонига 1-илова. – <https://lex.uz/docs/4887654#4889230>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2020 йил 6 июль, ПФ-6019-сон. – <https://lex.uz/docs/4887654#4889230>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. –

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармонига илова. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури. – <https://lex.uz/docs/4751561>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонига 1-илова. 2020-2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси. – <https://lex.uz/docs/4887654#4889230>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. – <https://lex.uz/docs/4751561>

25. “2017 – 2021 йилларда ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”даги 2021 йил 3 февраль ПФ-6155-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони;

26. “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”даги 2019 йил 23 октябрь пф-5853-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5621-сон Фармони.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017 – 2021 йилларда ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сон Фармони. –

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил 19 март, ПФ-5969-сон. –

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.01.2019 йилдаги “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги N ПФ-5623 Фармони.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5853-сонли Фармони. lex.uz

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимининг барқарорлигини янада ошириш ва яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3270-сонли Қарори.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3620-сонли Қарори.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 16.01.2018 й. N ПФ-5303 сонли Фармони.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4059-сонли қарори.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПҚ-3856-сон, 2018 йил 14 июль.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3272-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017.

38. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот

ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Тошкент: “Маънавият”, 2017. – 268 б.

39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. 445-сон, 2017 йил 29 июнь.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида” ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида. ПҚ-4555-сон, 2019 йил 30 декабрь.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПҚ-4539-сон, 2019 йил 28 ноябрь.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПҚ-4389-сон, 2019 йил 10 июль.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 5 июнда 359 сонли қарори <https://lex.uz/docs/4844692>

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини-ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПҚ-4742-сон, 2020 йил 8 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 29-декабрь 2020 йилдаги Мурожаатномаси. Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

“Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир” Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси <https://gov.uz/uz/news/view/19987>

44. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент: Ўзбекистон, – 2016 й.

45. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т.: «Ўзбекистон», 2017й.

46. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-



иктисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси (2017 йил 14 январь). — [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 29 декабрь <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

47. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Маънавият”, 2021.– 280 б.

48. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида иктисодий ислохотларни изчил давом эттириш асосида 2021 йилда стратегик мақсадларга эришиш юзасидан амалга ошириладиган устувор йўналишларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Т.: “Маънавият”, 2021.– 248 б.

49. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (№ 06/04-01-32/3953) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (№12-37999)нинг “Юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига 2020 йил 1 январдан киритилаётган ўзгаришлар тўғрисида Ахборот хабари”. 2019 йил 30 декабрь.

50. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги “COVID-19” пандемияси оқибатларини юмшатиш ва туристлар оқимини қайта тиклаш мақсадида турбизнесни қўллаб-қувватлаш ва ички ҳамда ташқи туризмни янада ривожлантириш ва қайта тиклаш бўйича чора-тадбирлар комплекси. 2021 йил.

51. Республикаси Президентининг Фармони. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. 2018 йил 22 январь, ПФ-5308-сон. – <https://lex.uz/docs/3516847>

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 июндаги “Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4363-сонли қарори.

53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иктисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3175-сонли қарори.

54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иктисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон қарори.

55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2200-сонли қарори.

56. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги “Са-ноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсу-лотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4302-сонли қарори

57. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги “Тош-кент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2973-сон-ли қарори.

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида кичик са-ноат зоналарини барпо этиш тўғрисида”ги 2018 йил 21 декабрдаги ПҚ-5600-сонли қарори.

59. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сурхондарё вилоятида кичик саноат зоналарини барпо этиш тўғрисида 2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3636-сонли қарори.

60. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилоятида кичик саноат зоналарини барпо этиш тўғрисида 2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3635-сонли қарори.

61. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида кичик са-ноат зоналарини барпо этиш тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3774-сонли қарори.

62. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Наманган вилоятида кичик саноат зоналарини барпо этиш тўғрисида”ги 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3826-сонли қарори.

63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сирдарё вилоятида кичик са-ноат зоналарини барпо этиш тўғрисида”ги 2017 йил 10 августдаги ПҚ-3194-сонли қарори.

64. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 134-сонли қарори.

65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси-нинг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. 2020 йил 9 январь, ПҚ-4563-сон.

66. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида”ги 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5048 сонли қарори

67. “Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш тизимини та-комиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш

бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон Қарори;

68. Ш.Мирзиёев. «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз» // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи газетаси, 2016 йил 15 декабрь.

69. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 декабрь, № 258

70. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ Сўзи, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).

71. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январдаги маърузаси. “Халқ сўзи”.

72. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 7 май куни ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор материаллари.

73. Беркинов Б.Б., Асқарова М.Т., Абдурахимова С. Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси: Ўқув қўлланма. – Т.: 2019.–78 бет.

74. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Дарслик. 3-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2018. – 256 б.

75. Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020–2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари.

76. Муллажонов Ф.М. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси банк тизими / Тўлдирилган иккинчи наشري. Т.: Ўзбекистон, 2011. 27 б., 154 б., 129 б.

77. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботи.2020 йил.

78. Монография – Салимов Б.Т., Салимов Б.Б. “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий асосларини такомиллаштириш”. – Т.: Иқтисодиёт, 2020.

79. Ахмадеева О. А., Любова О. В. Индустриальные парки как основа развития регионов на примере Чистопольского муниципального района Республики Татарстан.

80. Камалов М.М. Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий мақоми. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 116 бет.

81. Стратегия устойчивого развития регионов России, 2013. № 18. С. 8-20.; Беленов О.Н., Смольянинова Т.Ю., Шурчкова Ю.В. Индустриальные парки: сущность и основные характеристики.

82. Абдуллаев Е., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Иқтисод-молия, 208-339 бет.

83. Монография. – Тошкент: Молия, 2016 йил. 208 б.; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш. Диссертация. икт. фан. доктори. – Т.: ТДИУ. 2000 йил 338 бет.

Рахматуллаев А., <http://www.biznes-daily.uz> 30.09.2018 | Номер: №9(129)-сони.

Andree, Peter Bosia. Michael J., Ayres, Jeffrey McKelvey Massicotte., Marie-Josée. Globalization and Food Sovereignty : Global and Local Change in the New Politics of Food. Toronto, Canada: University of Toronto Press, Scholarly Publishing Division. BUSINESS and ECONOMICS 2014y. [www.search.ebscohost.com](http://www.search.ebscohost.com).

84. Bonanno., Russo., Menapace., Market power and bargaining in agrifood markets: A review of emerging topics and tools. AGRIBUSINESS Том: 34 Выпуск: 1. Стр. 6-23. [www.webofscience.com](http://www.webofscience.com)

85. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари.

<https://qalampir.uz/news/prezident-topshirigi-ozik-ovk-at-khavfsizligi-buyicha-alofoizD2фоизB3ida-zhamgarmalar-tashkil-etiladi-27120>

<https://www.globalhungerindex.org/uzbekistan.html>

[www.icarda.org](http://www.icarda.org) – Қурғокчилик ҳудудларда кишлоқ хўжалиги тадқиотлари бўйича халқаро маркази (ICARDA)нинг расмий сайти

86. “Ўзбекизокиковқатхолдинг” ХК маълумотлари асосида тузилган

87. Abdurakhmanov K. Labour Economics. Theory and practice. Scientific Publishing House IVG. 2020 by GB Global Business LTD in London, United Kingdom. 2020. 615p.

88. Abdurakhmanov K. Ekonomi Ketenaakerjaan. Teori dan praktik: buku tesk:/ K.Kh.Abdurakhmanov. Penerbit Gunadarma. Jakarta, Republik Indonesia, 2020. 700.

89. Абдурахмонов Қ.Х.. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Fan» нашриёти давлат корхонаси, 2019. 592б.

90. Абдурахмонов Қ.Х. Инсон тараққиёти. Дарслик. -Т.: Фан ва технология, 2013. -26 – 288 б.

91. Абдурахмонов Қ.Х., Ғойипназаров С.Б. Рекрутмент. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Fan» нашриёти давлат корхонаси, 2021. 304б.

92. Абдурахмонова Г.Қ. Инсон ресурсларни бошқариш. Дарслик. –Т.: ЎЗР ФА “Фан” нашриёти давлат корхонаси, 2021. – 696 б.

93. Умурзаков Б.Х. ва б. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг ҳудудий усуллари / Монография. –Т.: “Lesson Press”, 2017 й. -184 б.

94. Умурзаков Б. Ижтимоий ҳаёт ва демографик босимлар. Халқ сўзи онлайн. 19 декабрь 2018 йил. URL:<https://xs.uz/uzkr/post/izhtimoiy-hayot-va-demografik-bosimlar>

95. Абдурахмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. 08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти (иқтисод фанлари). И.ф.д. дисс.автореферати. – Т.: ТДИУ, 2016. 1-266.

96. И.Бакиева, С.Қурбонов. Янги иш жойларини ташкил этиш йўналишлари. / “Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг замонавий йўналишлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясининг илмий мақолалар тўплами. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020, 155-175 б.

97. 1. “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги 2020 йил 20 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси 642-сонли Қонуни;

98. А.Б.Хайитов. Проволочки в трудоустройстве недопустимы. Народное слово. 21 апреля 2021 года, № 80 (7829)

Diallo, Fatoumata (2019). “China’s anti-poverty efforts: problems and progress”. Institute for security and development policy. URL: <https://isdpeu/publication/chinas-anti-poverty-efforts-problems-and-progress/>  
www.cpad.gov.cn. 2016. Retrieved 2020-08-31.

Xinhua (2019). “Alibaba turns hundreds of poor villages into ‘Taobao Villages’”. www.chinadaily.com.cn. Retrieved 2020-08-31.

99. <https://www.chinadaily.com.cn/a/201901/13/ws5c3a220ea3106c65c34e4115.html>

Luo, Xubei (2019). «E-commerce for poverty alleviation in rural China: from grassroots development to public-private partnerships». blogs.worldbank.org retrieved 2020-08-31. URL: <https://blogs.worldbank.org/eastasiapacific/e-commerce-poverty-alleviation-rural-china-grassroots-development-public-private-partnerships>  
. www.zgshfp.com.cn

Diallo, Fatoumata (2019). “China’s anti-poverty efforts: problems and progress”. institute for security and development policy. URL: <https://isdpeu/publication/chinas-anti-poverty-efforts-problems-and-progress/>

13. Tsai, Wen-Hsuan; Liao, Xingmiu (2019). “Mobilizing cadre incentives in policy implementation: poverty alleviation in a chinese county”. China information. 34 (1): 45–67.

[url:https://journals.sagepub.com/doi/10.1177/0920203x19887787](https://journals.sagepub.com/doi/10.1177/0920203x19887787)

14. Zeng, Qingjie (2020). “Managed campaign and bureaucratic institutions in China: Evidence from the targeted poverty alleviation program”. Journal of contemporary China. 29 (123): 400–415.

15. General Office of the state Council (2014). “General Office of the state council regarding further mobilization opinions on participation of all sectors of society in poverty alleviation and development”

URL: [http://www.gov.cn/zhengce/content/2014-12/04/content\\_9289.htm](http://www.gov.cn/zhengce/content/2014-12/04/content_9289.htm)

16. Shen, Hao (2019). Yunnan ximeng “poverty alleviation working committee” helps rural development. [yn.people.com.cn](http://yn.people.com.cn)

17. Tang, Peng; He, Jing (2017). [sn.cri.cn. url: http://sn.cri.cn/n/20171021/9f5f98c0-2246-25cb-45e4-7356cfd142e5.html](http://sn.cri.cn/n/20171021/9f5f98c0-2246-25cb-45e4-7356cfd142e5.html)

18. Zeng, Qingjie (2020). “Managed campaign and bureaucratic institutions in China: evidence from the targeted poverty alleviation program”. *journal of contemporary china*. 29 (123): 400–415.

19. Hou, Liqiang (2017). “China achieves unprecedented gains in fight against poverty”. [www.chinadaily.com.cn](http://www.chinadaily.com.cn)

20. Poverty alleviation policy – extirpating poverty to the core. URL: <https://hindrise.org/resources/poverty-alleviation-policy/>

Rizwanul Islam, Jean Majeres. Employment-intensive growth for poverty reduction: what can labour-based technology in infrastructure contribute? 18p. p.6. URL: <https://www.researchgate.net/publication/225950776>

100. Alonso, A.D., & Ogle, A. (2019). Tourism and hospitality small and medium enterprises and environmental sustainability. *Management Research Review*. Spain, Madrid – Science publisher, 46-59.

101. Халилов С.Ш. Туристик хизматлар экспортини диверсификация қилишнинг стратегик йўналишлари // *Сервис –Самарканд*. 2017, №3.-Б.75-78.

102. Бакиева И.А. Ўзбекистон енгил саноатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. Диссертация... икт. фан. номзоди. – Т., 2012 й.

103. Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Иқтисодий фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Самарканд, 2019 й.

104. Б.Тўразода. Эркин иқтисодий зоналар – тараққиёт таянчи. <https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/34365/> 2021 йил 28 апрель.

105. Каримқулов Ж.И. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодий фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. ТМИ. 2019 йил. 24 б.

106. Д.Мамаджанова. Туризм инфратузилмаси янада ривожланади. <https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/34213/> 2021 йил 13 апрель

107. М.Амонбоев, С.Халилов Туризм индустрияси ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболлари. “Иқтисодий ва инновациялар” электрон журнали. Тошкент 2019.

108. <https://yuz.uz/news/sayyohsevar-yurt-kun-sayin-sayqal-topmoqda>

109. <http://uza.uz/oz/politics/turizm-mamlakatimiz-i-tisodiyetining-ertangi-kuni-22-02-2020> – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

<http://www.mehnat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий сайти.

<http://moqov.uz/uz> – Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг расмий сайти.

<http://www.ilo.org> – Халқаро Меҳнат ташкилотининг расмий сайти.

<https://uzbekistan.un.org> – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистондаги ваколатхонаси расмий сайти.

110. Интернет сайтлари: [soliq.uz](http://soliq.uz), [mf.uz](http://mf.uz), [stat.uz](http://stat.uz), [lex.uz](http://lex.uz), [kadastr.uz](http://kadastr.uz)

<https://yuz.uz/news/savyohsevar-yurt-kun-sayin-sayqal-topmoqda> -Янги Ўзбекистон газетаси

[www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

<https://www.sputnik.uz> 2020

<https://www.gazeta.uz/uz/2020>

<https://www.gazeta.uz/uz/2020/06/29/crisis-economic-consequences>

[www.regulation.gov.uz](http://www.regulation.gov.uz) – Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама-си портали

[www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Давлат статистика қўмитасининг очиқ маълумотлар базаси.

[www.wto.org](http://www.wto.org) – Бутунжаҳон туризм ташкилоти расмий сайти.

111. [www.mift.uz](http://www.mift.uz) – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги расмий вебсайти.

[https://www.mf.uz/media/file/state-budget/2021/fuk\\_uchun/Budjet\\_21\\_uz.pdf](https://www.mf.uz/media/file/state-budget/2021/fuk_uchun/Budjet_21_uz.pdf)

<https://mift.uz/uz/news/uzbekiston-respublikasining-2019-jil-uchun-investitsiya-faolijati-sarisobi>

<https://qomus.info/encyclopedia/cat-q/qoshilgan-qiymat-uz/>

<http://www.xs/index.php/homepage/i-tisodijot/item/11367-erkin-tisodij-zonalar-va-kichik-sanoat-zonalarini-rivozhlantirish-masalalari-mu-okama-ilindi>

<https://pppd.uz/projects-custom> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги расмий сайти.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИЖТИМОЙИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ОДИМЛАРИ

*Ўқув қўлланма*

*Тошкент – «Маънавият» – 2021*

Муҳаррир *М. Улузова*

Дизайнер *Ш. Соҳибов*

Мусахҳиҳлар *Ш. Назирова, Ш. Хуррамова*

Компьютерда тайёрловчи: *Б. Тухтаров*



Лицензия АІ №189, 10.05.2011 йилда берилган. Босилга 10.02.2021 йилда рухсат этилди.  
Бичими 70x100  $\frac{1}{16}$ , Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Шартли босма табағи 63.85. Нашр табағи 59.15. 3000 нусха.  
Буюртма № 20-65. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,  
Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 27-20.